БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

3

МАРТ

1980

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 3
МАРТ
1980 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ
ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

КПСС Марказий Комитети коммунистларни, комсомолларни, барча совет кишиларини Владимир Ильич Ленин юбилейини коммунизм учун курашда янгидан-янги муваффақиятлар билан кутиб олишга, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилини ленинча зарбдор иш йилига айлантиришга чақиради.

КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисида»ги қароридан.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ
Тошкент

МУНДАРИЖА

БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ—ТИНЧ БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИ

КПСС МК Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўрток Л. И. БРЕЖНЕВнинг Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчиларининг сайловолди йиғилишида 1980 йил 22 февралда сўзлаган нутқи

Ҳурматли ўртоқлар!

Азиз москваликлар!

Сиз билан — пойтахт аҳолиси, Бауман округининг сайловчилари билан ва, айта оламанки, эски қадрдонларим билан учрашаётганлигимдан астойдил хурсандман. Сизлар сайловни катта ютуқлар билан кутиб олганликларингизни эшитиб қувондим. Пойтахтдаги бошқа районлар каби сизнинг районингиз кўп минглаб меҳнатчилари ҳам ўз беш йиллик планларини бажариб бўлдилар. Юз минглаб москваликлар беш йиллик планларини Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллигигача тўла бажариш мажбуриятини олганлар. Сизларга сидқидилдан муваффақият тилайман, дўстлар!

Мамлакатимиз, барча совет республикалари Ленин юбилейини социалистик мусобақани, умумхалқ ижодий жўшқинлигини кенг қулоч ёйдириб кутиб олмоқдалар. Ҳамиша бўлганидек, бу гал ҳам кўпгина янгиликларнинг ташаббускори, қаҳрамон шаҳар, меҳнаткаш шаҳар, ижодкор шаҳар — Москва олдинда бормоқда.

Бу сафарги сайлов икки ўн йиллик туташган маррада ўтмоқда. Етмишинчи йиллар ортда қолди. Янги ўн йиллик бошланди. Эҳтимолки, ҳар биримиз: бу йиллар, ана шу саксонинчи йиллар қандай йиллар бўлади? Бу йиллар нималар келтиради? Одамларнинг тақдири, халқлар ва давлатларнинг тақдири қандай таркиб топади?— деб ўйлаётгандирмиз. Келажак замирида ҳамиша кутилмаган ҳодисалар, олдиндан пайқаш қийин бўлган воқеаларнинг бурилиши яширинган бўлади, албатта. Шундай бўлса ҳам, биз, коммунистлар саксонинчи йиллар коммунистик қурилишда янги муваффақиятларга эришиладиган йиллар бўлишига ишонамиз — ишонибгина қолмай, амин эканлигимизни ҳам айтамиз ва шундай бўлишини биламиз. Бу йиллар жаҳон социализмини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, мустаҳкам тинчликни таъминлаш йўлидаги кураш ишида олға томон янги ҳаракат қилиш йиллари бўлади.

Бундай комил ишонч ўз ривожимизнинг ва жаҳон ривожининг якунларини таҳлил этишга, экономикадаги, социал муносабатлардаги ва сиёсатдаги етакчи тенденцияларни эътиборга олишга асосланади.

Хўш, шу нуқтаи назардан олганда, етмишинчи йилларнинг характерли жиҳатлари нималардан иборат?

Утган бутун ўн йил мобайнида Ватанимизнинг иқтисодий ва илмий-техникавий потенциали, саноат ва қишлоқ хўжалигининг имкониятлари

муттасил ўсиб борди. Бу эса халқнинг турмуш даражасини анча ошириш имконини берди. Халқнинг турмуш даражасини ошириш бутун хўжалик фаолиятимизнинг бош мақсади бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Етмишинчи йилларда аҳоли жон бошига реал даромадлар бир ярим баравар кўпайди. 108 миллиондан ортиқ киши ўзининг уй-жой шароитларини яхшилаб олди. Бу — мамлакатимиз аҳолисининг 40 процентдан кўпроғига тўғри келади, ўртоқлар.

Совет Иттифоқининг мудофаа қудрати ҳам лозим даражада сақланмоқда. Бугун, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг байрами арафасида Марказий Комитет ҳар қандай ҳарбий иғвогарликларга зарба бериш учун бизда зарур нарсаларнинг ҳаммаси бор, деб совет халқини ишонтира олади. Совет давлатининг тинч келажаги таъминланган ва мустаҳкам таъминлаб қўйилган.

Совет халқининг фашизм устидан қозонган ғалабасининг 35 йиллиги яқинлашиб келмоқда. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «СССР Қуролли Кучлари ветеранлари ва уларнинг оилаларининг моддий аҳволини янада яхшилаш тўғрисида» қарор қабул қилганликларини мамнуният билан сизларга маълум қиламан. Бу қарор партия билан давлатнинг Улуғ Ватан уруши қатнашчилари тўғрисидаги доимий ғамхўрлигининг яна бир далилидир.

Етмишинчи йилларда биз бутун экономикамизни интенсив ривожлантириш, самарадорлик ва сифатни ошириш, хўжалик фаолиятининг пировард натижаларига асосий эътиборни қаратиш тарафига буриб юборишга киришдик. Саксонинчи йилларда биз партия иқтисодий стратегиясининг ўзагини ташкил этувчи мана шу энг муҳим ишни давом эттиришимиз ва ниҳоясига етказишимиз лозим.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумида халқ хўжалигини ривожлантириш натижалари кескин ва танқидий муҳокама қилинди. Ҳали ҳам барча тармоқлар, ҳамма корхоналар планни бажаряпти, деб бўлмайди. Баъзи бир озиқ-овқат ва саноат моллари билан, уй-жой билан таъминлашда, маиший-хизматни ташкил этишда ҳали қийинчиликлар бор.

Мана шу камчиликларни тугатиш, ишларнинг аҳволини яхшилаш учун Пленум партиянинг иқтисодий сиёсатини янада зўр сабот, янада зўр ғайрат билан амалга оширишни зарур деб топди. Ҳамма бўғинларда бошқарув савиясини ошириш, хўжалик механизмини яхшилаш, масъулиятни ошириш, ҳамма иш жойларида, барча иш участкаларида интизомни мустаҳкамлаш — бунга эришишнинг йўлидир.

Бу ўринда кўп нарса марказий идораларнинг ишига боғлиқ. Шу боисдан ҳам Пленум уларнинг олдига катта талаблар қўйди. Бироқ, қуйидан бўладиган ташаббуснинг аҳамияти ҳам катта. Зотан бепоён мамлакат хўжалигининг турли соҳалари ва барча районлари учун ягона рецепт бўлиши мумкин эмас. Шу нарса равшанки, ҳар қандай масала хусусида юқоридан кўрсатма берилишини кутиб, қўл ковуштириб ўтирган жойларда муваффақиятга эришиб бўлмайди. Ва, аксинча, башарти одамлар дадил ишга киришсалар, ташаббусга имконият яратсалар, амалий янгиликларни қўллаб-қувватласалар муваффақият таъминланган бўлади.

Мамлакатимиз, ўртоқлар, бепоён, гўзалдир. Биз баҳодирона ишлар қиляпмиз. Зотан ҳозир, партиянинг XXVI съездига тайёргарлик ишлари қизиб бораётган бир пайтда, 80-йиллар арафасида бизнинг келажакдан кўнглимиз тўқ бўлиб, унга комил ишонч билан қарашимизга ҳамма асослар бор. Бизнинг йўлимиз, ҳамиша бўлганидек, тинч бунёдкорлик, мамлакатнинг бепоён ерларини янада яшнатиш, совет халқининг моддий ва маънавий бойликларини кўпайтириш йўлидир. Бинобарин, ҳеч ким бизни бу йўлдан тойдира олмайди!

Ўз-ўзидан равшанки, партия иқтисодий вазифаларга кенг социал позициялардан туриб ёндашиб, экономикага ижтимоий муносабатларнинг бутун системаси билан чамбарчас боғлиқ соҳа деб қарамоқда. Хўш, етмишинчи йилларда мана шу муносабатлар ривожининг бош тенденцияси нимадан иборат бўлди? Назаримда, совет жамиятининг бирлигини, жипслигини янада кучайтириш бош принцип бўлди.

Мен ғоявий-сиёсий жипсликни назарда тутяпман. Бу жипслик партия билан халқнинг метиндек бирлигида, коммунистлар билан партиясизлар блокининг мустаҳкамлигида, партиямизнинг сайловолди платформасини — партия съездларининг ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларида ифодаланган мана шу платформани бутун халқ маъқуллаётганлигида ўз аксини топмоқда.

Сўнгра, мен социал жипсликни назарда тутяпман. Бу жипслик ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг бузилмас иттифоқида, барча социал группа ва қатламлар туб манфаатларининг муштараклигида, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутлар қадам-бақадам тугатилиб бораётганлигида ўз ифодасини топмоқда.

Ниҳоят, мен мамлакатимиз миллатлари ва элатларининг жипслигини назарда тутяпман. Бу жипслик совет ватанпарварлиги билан интернационализм бир-бири билан мустаҳкам чатишиб, қўшилиб бораётганлигида, яхлит умумиттифоқ халқ хўжалиги комплекси вужудга келтирилаётганлигида, миллий маданиятлар бир-биридан самарали баҳраманд бўлаётганлигида ўз аксини топмоқда.

Мана шу жараёнларда Россия Федерацияси ўйнаган ва ўйнаётган жуда катта ролни алоҳида уқтириб ўтмоқчиман. У Ватанимиздаги барча халқлар ўртасида тенг ҳуқуқли муносабатларни, совет республикаларининг ихтиёрий иттифоқини вужудга келтиришга чиндан ҳам бебаҳо ҳисса қўшди.

Жамиятнинг жипслиги, бирлиги — социализмнинг ноёб мулкидир, бизнинг бебаҳо, енгилмас кучимиздир. Бизда ҳам, империалистларда ҳам ракеталар бор, албатта. Бизларда бўлганидек, уларда ҳам табиий бойликлар кўп. Уларда ҳам истеъдодли олимлар, инженерлар, маданият арбоблари бор. Аммо уларнинг ягона жамияти йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ғанимларимиз тарих сабоқларини эсдан чиқармасинлар. Биз билан дўқ-пўписа тилида гаплашишга уринмоқчи бўлган пайтда совет кишиларининг бирлиги айни алоҳида куч билан намоён бўлишини улар билиб қўйсинлар.

Совет халқининг жипслиги — социалистик давлатимиз қудратининг мустаҳкам пойдеворидир. Етмишинчи йилларда совет давлатчилиги, унинг иқтисодий, социал ва сиёсий негизлари янада мустаҳкамроқ бўлиб қолди. Социалистик демократия ривожланиб бормоқда. Янги Конституция — ривожланган, етук социализм Конституцияси қабул қилинди. Қонунларни янгилаш жараёни муттасил давом этмоқда.

Ўтган ўн йил мобайнида Советларнинг активлиги анча ўсди. Уларнинг ихтиёрида жуда катта имкониятлар борлиги янада равшан кўрина бошлади. Хўжалик ва маданият, аҳолига хизмат қилиш, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг кўпгина масалаларини ҳал этишдаги ташаббускорлик мана шу имкониятлар жумласига киради. Бошқарув органлари, барча корхоналар ва ташкилотлар иши устидан қатъий ва талабчан назорат қилиш, Советларнинг халқ оммаси билан алоқаларини доимо кенгайтириш ва ривожлантириш, сайловчиларнинг наказларини бажариш мана шу имкониятлар жумласига киради. Ўйлайманки, Россия Федерацияси, барча иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советларининг янги состави иши айни мана шу йўлдан давом этаверади.

Ўзларингизга маълумки, бу сайловда халқ депутатлари маҳаллий

Советларининг бутун системаси ҳам таркиб топади. Партия уларнинг роли муттасил ўсиши лозим, деб ҳисоблайди. Аввало гап ўлка ва область Советлари тўғрисида боряпти. Улар ўз территориясидаги комплекс иқтисодий ва социал ривожланишда бош куч бўлиб ҳаракат қилишлари керак. Уларнинг моддий имкониятларини корхоналарнинг иш натижалари билан янада маҳкамроқ боғлаш лозим. Советлар планларнинг бажарилиши устидан, совет қонунларига оғишмай риоя этилиши устидан янада анча қаттиққўллик билан назорат қилишлари керак. СССР Олий Совети Президиумининг Раиси сифатида шуни маълум қила оламанки, биз халқ депутатлари ўлка, область ва округ Советларининг асосий ваколатларини қонунда мустаҳкамлаб қўйишни мўлжаллаяпмиз. Мана шу қонун лойиҳаси СССР Олий Советининг яқин орада бўладиган сессияси муҳокамасига киритилади.

Халқ депутатлари Советлари ҳозир жуда кўп активларни, миллион-миллион депутатларни, аппарат ходимларини бирлаштиради. Меҳнаткаш инсон Совет ҳокимияти нималиги тўғрисида уларнинг принципиаллиги ва талабчанлигига, одамлар тўғрисидаги ғамхўрлигига қараб фикр юритади. Советларнинг кучи уларнинг оммавийлигидагина эмас, уларнинг кучи аввало ҳар бир, таъкидлаб айтаманки, ҳар бир депутат, ҳар бир мансабдор шахс қандай ишлаётганлиги билан белгиланади.

«Лавозим» ва «бурч» туб моҳияти билан маънодош сўзлардир. Халқ олдидаги партиявий, хизмат, инсоний бурчингни доимо эсда тутмоқ керак. Киши бу бурчни оғишмасдан бажармай туриб, сўз билан ишни бир-бирига боғлаш маҳоратини эгалламай туриб, ҳақиқий партия ва совет ходими бўлиши мумкин эмас ва бўла олмайди ҳам. Зўр меҳнатсеварлик ва интизом, ўзига талабчанлик ва беқусур ҳалоллик — ҳар бир ходим яхши ном чиқаришининг негизидир. Бу яхши номни умр бўйи ва бутун ҳаёт давомида тасдиқлаш керак.

Ходимнинг қайси лавозимни эгаллашидан қатъи назар, унинг обрў-эътибори ғойибдан келмайди. Обрў-эътибор шахсан сарфланган куч-ғайратлар, кундалик меҳнат, реал ишлар билан юзага келади. Халқнинг ҳурматига шу йўл билангина эришиш мумкин. Совет депутати учун, давлат арбоби учун бундан олий мукофот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ўртоқлар! Энди ташқи сиёсат ва ҳозирги халқаро аҳволнинг баъзи бир масалаларига тўхталиб ўтишга ижозат бергайсизлар.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, ўтган ўн йиллик социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва бойитиш билан нишонланди. Бу ҳамкорлик — қардош мамлакатлардан ҳар бири ривожининг қудратли тезлаткичидир. Бу ҳамкорлик мана шу мураккаб ва нотинч даврда олға томон дадил қиладиган ҳаракатимизнинг муштарак гарови ҳамдир.

Қардош мамлакатлар бирлигининг кучи, социалистик интернационализмнинг кучи Вьетнам халқининг америкалик, сўнгра эса хитойлик агрессорларга қарши курашида унга берилган қудратли мададда айниқса яққол намоён бўлди. Башарти мана шу қаҳрамон мамлакатнинг тинчлиги ва хавфсизлигига бирор кимса тажовуз қилгудек бўлса, келгусида ҳам шундай намоён бўлаверади. Биз узоқ вақт давом этган курашда ўзининг янги турмуш қуриш ҳуқуқини қўлга киритган Лаос ва Кампучия халқлари билан ҳам бирдам ва мададкормиз.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўтказаётган тинчлик сиёсати, уларнинг кескинликни юмшатиш ва жаҳон ракета-ядро уруши хавфини камайтириш учун биргаликдаги кураши халқаро турмушнинг асосий омилларидан бири бўлиб қолди. Эндиликда бу кураш — инсоният тинч келажагининг бош гаровидир.

Аслида тинчликни мустаҳкамлаш ва қуролланиш пойгасини жи-

ловлаш соҳасида кейинги ўн йилликда халқаро анжуманларда қабул қилинган ҳамма энг муҳим қарорлар, шунингдек шу масалалар юзасидан ўтказилган энг муҳим музокаралар социализм мамлакатлари ташаббусининг натижасидир. Уларнинг қуролсизланиш ва халқаро ҳамкорлик масалаларига оид конкрет таклифлари — давримизда тинчликни таъминлашнинг кенг, олисни кўзловчи ва реалистик программасидир. Биз шу программани рўёбга чиқариш учун курашаверамиз, сабот билан ҳормай-толмай курашаверамиз.

Империализм кучлари кескинликни юмшатишга, тинчликка, халқларнинг ҳуқуқларига қарши ҳужумга ўтган ҳозирги пайтда социализм мамлакатларининг мана шу улуғвор ютуқларни ҳимоя қилишдаги ҳаракат бирлиги ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Мамлакатларимиз ўзларининг мана шу тарихий вазифасини муносиб равишда бажаришларига аминман!

Ташқи сиёсатимизнинг кучи шундаки, у социализм мамлакатларининг ҳам, шунингдек умуман ер куррасидаги жуда кўпчилик аҳолининг ҳам ҳаётий манфаатларига мос келади. Аввало мустамлакачилик зулмидан халос бўлиб, янги мустақил турмуш қуришдек қийин иш билан шуғулланаётган халқларнинг ҳаётий манфаатларига мос келади. Социализм мамлакатлари каби уларга ҳам мустаҳкам тинчлик керак, давлатларнинг суверенитети ва халқларнинг ҳуқуқлари қатъият билан ҳурмат қилиниши, чинакам тенг ҳуқуқли халқаро муносабатлар ўрнатилиши керак.

Бизнинг Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги неча ўнлаб давлатлар билан, буюк Ҳиндистон ёки кичик Бенин бўлсин, республикачи Жазоир ёки монархиячи Иордания бўлсин, қўшни Туркия ёки биздан олис Бразилия бўлсин — уларнинг ҳаммаси билан яхши муносабатларимиз ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз айни мана шундай асосда ривожланмоқда.

Биз мана шу давлатларнинг ҳаммаси билан муносабатларни қадрлаймиз, уларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қиламиз, уларнинг бойликларига кўз олайтирмаймиз, у ерларда ҳарбий базалар изламаймиз. Биз кўпгина халқаро масалалардаги позицияларимизнинг яқинлигини қадрлаймиз, бироқ, уларга қандай сиёсат ўтказишларини буюришга интилмаймиз.

СССР баъзи мамлакатларнинг экономикаси, маданий қурилиши ва мудофаасини мустаҳкамлашга сезиларли ҳисса қўшди — зотан биз ҳам бу билан фахрланамиз. Биз Ленин васиятларига содиқ бўлиб қолиб, ўз озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилаётган халқлар билан ҳамиша ҳамдаммиз. Аммо биз ўзимиз бераётган ёрдамдан шу ёрдамни олувчиларга тазйиқ ўтказиш учун ҳеч қачон фойдаланмаймиз.

Айни ана шуларнинг ҳаммаси бизнинг муносабатларимизда ҳар иккала томонга фойда келтирадиган ва ялпи тинчликка манфаат етказадиган тарзда ўзаро ишонч ва ҳурмат муҳитини вужудга келтиради.

Ҳиндистон билан яхши муносабатлар муваффақиятли ривожланаётганини алоҳида қайд этмоқчиман. Бу муносабатлар иккала мамлакат халқларининг манфаатларига, Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ишига жуда мувофиқ бўлиб тушмоқда. Тез орада совет ва ҳинд космонавтларининг биргаликда космосга учиши тўғрисида яқинда эришилган битим дўстлигимизнинг бамисоли рамзи бўлиб қолди.

Индира Ганди бону ҳукумати бизнинг бу хусусдаги таклифимизни қабул қилди ва бундан биз ҳам хурсандмиз.

Бироқ, тинчлик мустаҳкамланиши ва халқлар озодлик курашининг муваффақиятлари империализм ва аввало АҚШ империализми урушқоқ доираларининг дидига ёқмаяпти. Улар социалистик мамлакатларнинг кўпгина капиталистик мамлакатлар билан ўзаро манфаат-

ли алоқалари ривожланишига, Хельсинкидаги Умумевропа кенгашининг муваффақиятига, Ангола ва Эфиопия революцион халқларининг интервенциячилар ҳамда империализм малайлари устидан қозонган ғалабасига қандай жавоб берганликларига бир назар ташланг. Улар бунга ўзларига хос тарзда жавоб бердилар. СҚЧ-2 га доир музокараларни, кейинчалик эса бу шартноманинг ратификация қилинишини пайсалга солиш йўлини тутдилар. Арабларнинг агрессорга қарши бирлик фронтига раҳна солган Садатнинг хиёнаткорлиги рағбатлантирилди. НАТО мамлакатларига зўр бериб қуролланишнинг кўп йиллик программасини мажбуран қабул қилдиришди. Қуролсизланиш проблемалари юзасидан ўтказилаётган музокараларни тўхтатиб қўйишди, бир қанча ҳолларда эса барбод ҳам қилишди. Ниҳоят, Ғарбий Европада Американинг СССРга ва унинг иттифоқчиларига ўқталган янги ракеталарини жойлаштириш тўғрисида иғвогарона қарор қабул қилдилар.

АҚШнинг ҳозирги раҳбарлари кескинликни юмшатишни барбод қилиш ва халқаро вазиятни кескинлаштириш йўлини ўтказаётганлиги равшан бўлиб қолди. Улар социалистик давлатларга ва бошқа мамлакатларга ўз хоҳиш-иродаларини ўтказишга уринмоқдалар.

Бу — кутилмаган ҳодиса эдими? Йўқ, албатта. Тинчликни сақлаш ва кескинликни юмшатишни матонатли сиёсий кураш олиб бориш билангина пухта таъминлаш мумкинлиги аввал бошданоқ аниқ эди. Кескинликни юмшатиш халқларнинг манфаатларига мос келади. Масъулиятни сезувчи, реалистик фикрловчи сиёсатчилар бунинг зарурлигини тушунадилар. Капиталистик мамлакатларда урушга тайёргарлик кўриш соҳасида бевосита ёки бавосита ишлаб келаётган катта кучлар: ҳарбийлар, улар билан боғланган монополиялар, монополияларнинг давлат аппаратидаги ва оммавий ахборот воситаларидаги гумашталари бу сиёсатга қаршидирлар.

Империализмнинг бошқа мамлакатлар ва халқлар устидан ҳукмронлик қилиш имкониятлари нақадар кўпроқ қисқариб борса, унинг энг агрессив ва калтафаҳм вакиллари бунга шу қадар тиш-тирноғи билан қаршилик қилмоқдалар. Тинчликсевар давлатларнинг қудрати ва оқилона сиёсати ҳамда халқларнинг жаҳон ҳукмронлигига даъвогарларнинг хатарли режаларини барбод қилишга берган азму қароригина мана шу агрессивликни жиловлаши мумкин.

АҚШ Ғарбий Европа мамлакатларига ўзининг ракета хусусидаги режаларини қабул қилдириб олганидан кейин Осиё ва Яқин Шарққа кўз тикди. У гўё қўлга олинган бир гуруҳ дипломатларни қутқазиш баҳонаси билан революцион Эрон соҳилларига ўз флотининг катта кучларини келтириб қўйди. Ана шундан кейин у, ўз фикрича, қулай важга — Афғонистондаги воқеаларга ёпишиб олди. Шу муносабат билан Америкада Советларга қарши кўтарилган шовқин-сурон бундан аввалги ҳамма рекордлардан ўзиб кетди, деса бўлади.

Бу бир важ бўлди, албатта. Афғонистонда русларнинг ҳеч қандай «интервенцияси» бўлган эмаслиги ва йўқлиги жаноб Картерга ва унинг атрофидагиларга жуда яхши маълум. СССР дўстлик тўғрисидаги Совет — Афғонистон Шартномаси асосида ҳаракат қилди. Афғонистонда бир-бирининг ўрнини олган учта ҳукумат контрреволюция кучларининг ташқаридан бостириб киришидан мамлакатни ҳимоя қилишда ёрдам беришни сўраб бизга мурожаат қилган эди.

Афғонистонга қарши Покистон территориясидан қилинаётган интервенция тафсилотлари ҳам Вашингтонга яхши маълум. Чунки америкаликлар хитойлар ва бошқалар билан биргаликда бу интервенцияга ўзлари бошчилик қилмоқдалар. Мазкур интервенция Афғонистон революциясини ва қолаверса, бизнинг жанубий чегарамиз хавфсизлигини жиддий таҳлика остида қолдирди.

СССР ўз ҳарбий қисмларининг Афғонистонга киритилиш сабаб-

лари бартараф этилиши ва Афғонистон ҳукумати бу қисмларнинг туришига ортиқ зарурат қолмади деб ҳисоблаши биланоқ уларни Афғонистондан олиб чиқиб кетиши ҳам Оқ уйга маълум. АҚШ совет қўшинларининг олиб чиқиб кетилишини баланд овоз билан талаб қилмоқда-ю, аслида ўзи мана шундай имкониятни олислаштириш учун жон-жаҳди билан уринмоқда: Афғонистон ишларига аралашишни давом эттирмоқда ва кучайтирмоқда.

Шуни мутлақо очиқ-равшан айтиб қўймоқчиман: Афғонистон ҳукуматига ва халқига қарши четдан қилинаётган аралашувнинг ҳамма шакллари батамом тўхтатилиши биланоқ, биз ўз қўшинларимизни олиб чиқиб кетишга киришишга тайёр бўламиз. АҚШ Афғонистоннинг қўшнилари билан биргаликда мана шунга кафолат берсин — ана шунда совет ҳарбий ёрдамига зарурат қолмайди. Афғонистон ҳукумати эса ўз қўшнилари билан ва, хусусан, Эрон ва Покистон билан тинчлик ва дўстлик муносабатларини давом эттириш ниятида эканини аниқ қилиб айтганлиги маълум. Биз Афғонистоннинг мана шу позициясини табриклаймиз, албатта.

Афғонистон ҳукумати аҳолининг диний эътиқодларига тўла ҳурмат билан қараётганлиги, Амин томонидан қамоққа ташланган руҳонийларни бўшатиб юборганлиги ва ислом динини расмий равишда қонун ҳимоясига олганлигини ҳам АҚШ раҳбарлари биладилар. Агрессор Исроил ҳомийлари ва Эронга қарши репрессиялар ташкилотчиларининг ўзларини «ислом ҳимоячилари» қилиб кўрсатишга уринишлари жуда бесўнақай кўринмоқда.

Модомики, шундай экан, Вашингтондагилар нега бутун дунёга васваса солмоқдалар? «Руслар афғон халқига қарши уришяпти», «Совет Иттифоқи Покистон ва Эронга хавф соляпти» деган ва шу сингари туҳматлар қай мақсадлар билан тарқатилмоқда?

Бунинг жавоби равшан: Вашингтонга ўзининг Осиёдаги экспансиясини кенгайтириш учун шунчаки бир баҳона керак, шунинг учун ҳам у бу баҳонани ҳар қандай йўллар билан қидириб топмоқда.

Советларга қарши васваса шу тўлқиннинг мавжида кузги президент сайловида кимнингдир ғолиб чиқиши учунгина керак бўлиб қолгани йўқ. Асосий мақсад шуки, АҚШ Ҳинд океанида, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, Африка мамлакатларида ўз ҳарбий базалари тўрини вужудга келтириш пайига тушиб қолди. АҚШ шу мамлакатларни ўз ҳукмронлигига бўйсундирмоқчи, уларнинг табиий бойликларини бемалол сўриб олмоқчи бўляпти. Бир варакайига бу мамлакатларнинг территориясидан социализм дунёсига ва халқ озодлик кучларига қарши ўзининг стратегик режалари йўлида фойдаланмоқчи ҳам бўляпти. Гапнинг моҳияти мана шунда.

Аммо ҳозирги замон мустамлакачилари янглиш йўлдан бормоқдалар. Энди урушдан олдинги давр эмас ва ҳатто 50-йиллар ҳам эмас. Илгариги ўнлаб қарам мамлакатлар мустақил ҳаёт ва сиёсат тажрибасини орттирдилар. Халқлар империалистларнинг найрангини яхшироқ фаҳмлайдиган бўлиб қолдилар ва дўст билан душманнинг фарқига етадилар. Ҳатто дунёнинг Ғарбий Европа ёки Япония сингари районларида ҳам одамлар осойишта, тинч турмуш ва манфаатли савдо-сотиқнинг афзалликларини ўз тажрибаларида тотиб кўрдилар. Улар Американинг жаҳонга ҳукмрон бўлиш режаларини деб кескинликни юмшатишдан осонликча воз кеча қолмайдилар. Биз шу мамлакатлар билан ҳар соҳада, жумладан Америка Қўшма Штатлари билан ҳам тинч ҳамкорликни аввалгидек ривожлантириш тарафдоримиз.

Вашингтондагилар АҚШга нефть ташиш йўлларининг хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги тўғрисида гапиришни яхши кўрадилар. Бу гапни ҳар ҳолда тушунса бўлади. Аммо қатнов районини порох омбо-

рига айлантириш йўли билан бунга эришиш мумкинми, ахир? Бу иш тескари натижа бериши равшан.

«Зўравонлик сиёсати» янги тарғиботчиларининг авантюристик «доктриналари» қандайдир алоҳида бир мамлакатга ёки мамлакатлар группасигагина хатарли бўлиб қолмай, барча давлатлар ва халқларнинг тинчлиги ҳамда хавфсизлигини таҳлика остида қолдиради. Бас, шундай экан, мана шу машъум режаларга зарба бериш — тинчликни хоҳловчи ва қадрловчи ҳамманинг ишидир.

Совет Иттифоқини ҳеч ким чўчита олмайди. Бизнинг куч ва имкониятларимиз катта. Биз ва иттифоқчиларимиз ўзимизни доимо ҳимоя қила оламиз ва ҳар қандай душманлик хуружларига зарба бера оламиз. Биз ҳеч кимнинг иғвосига учмаймиз, уруш васвасасига ва жазавага тушиб қуролланиш пойгасига берилиш «доктринаси»га биз Ер юзида тинчлик ва хавфсизлик учун изчиллик билан курашиш доктринасини қарама-қарши қўямиз. Биз партиямизнинг XXIV ва XXV съездлари ишлаб чиққан Тинчлик программасига содиқмиз. Шу сабабли илгари, етмишинчи йилларда бўлгани каби энди, саксонинчи йилларда ҳам биз кескинликни юмшатишни барбод қилиш учун эмас, балки мустаҳкамлаш учун курашаверамиз. Қурол-яроғларни кўпайтириш учун эмас, балки қисқартириш учун, халқлар ўртасида қасддан ётсираш ва адоват туғдириш учун эмас, балки халқлар ўртасида ўзаро яқинлашув ва ҳамжиҳатлик учун курашаверамиз.

Биз ўзимизнинг ленинча ташқи сиёсатимиз байроғини — халқлар тинчлиги, озодлиги ва мустақиллиги байроғини, социал тараққиёт байроғини комил ишонч билан баланд кўтариб бораверамиз.

Сўзимнинг охирида, азиз ўртоқлар, Россия Федерацияси Олий Совети депутатлигига менинг номзодимни кўрсатган ва қўллаб-қувватлаган меҳнат коллективларига, барча меҳнаткашларга астойдил миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсизлар. Бугун мана шу минбардан айтилган эзгу сўзлар учун раҳмат. Мен коммунистлар билан партиясизларнинг ишончини шонли ленинчи партиямизнинг ички ва ташқи сиёсати маъқулланаётганлиги нишонаси деб, КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюросининг коллектив фаолиятига берилган юксак баҳо деб биламан.

Ўртоқлар, сизларнинг катта ишончингизни оқлашга аввалгидек ҳаракат қилавераман, деб сизларга ваъда бермоқчиман. Коммунистлар одамларнинг тинч турмуши, уларнинг ижодий меҳнати, уларнинг фаровонлиги ва маънавий ўсиши йўлида яшаб, курашиб келмоқдалар. Биз, совет кишилари мана шулар учун овоз берамиз.

(Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқи зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан қайта-қайта бўлиниб турди).

МЕҲНАТ — ИЖТИМОИЙ БОЙЛИКНИ ЎСТИРИШ МАНБАИ

ЙИЛДАН-ЙИЛГА ВАТАНИМИЗ қудрати ошиб, совет кишилари тобора яхши ва қувончли ҳаёт кечирмоқдалар. Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқининг миллий бойлиги — ер ва ўрмонлардан ташқари икки триллион сўмдан ошади, шу билан бирга бу бойликнинг асосий қисми — ишлаб чиқариш фондлари бир триллион сўмдан ошиб кетди. Саноат потенциали жиҳатидан СССР бутун Ғарбий Европадан устун туради. Агар 20-йилларда аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бизда жаҳон даражасидан 40 процент паст бўлган бўлса, ҳозирги пайтда мамлакатимиз бу даражадан уч баравар ўзиб кетди.

Ватанимизнинг барча бойликлари халқ меҳнати билан яратилган ва уларнинг ҳаммаси халқникидир. Киши ўзини ўз мамлакатининг ҳақиқий эгаси деб ҳис этиши, ўзи қилаётган ишнинг аҳамиятини англаши совет кишисини кўкларга кўтаради, унинг қалбини бунёдкорлик ифтихори билан тўлдиради. Бу ҳақда шоир: «Мамнунманки меҳнатим менинг республикам меҳнатига ҳиссадир» деб ёзган эди.

Халқимизда «Меҳнат билан фаровонлик эгизакдир» деган матал бор. Меҳнат кишилар ҳаётий фаолиятининг асосий соҳаси, улар турмуш кечиришининг зарурий шартидир. Меҳнат — ҳар қандай социал-иқтисодий формацияда ҳаёт, ижтимоий бойлик манбаидир. Меҳнат жараёни «...киши ҳаётининг абадий табиий шартидир, шунинг учун ҳам у шу ҳаётнинг ҳеч қандай формасига қарам эмас, балки, аксинча, бу ҳаётнинг барча ижтимоий формаларига бир хилда умумийдир» (К. Маркс. Капитал. 1-том, Ўздавнашр, 1955, 208-бет).

Меҳнат — зарурият дир. Аммо тосоциалистик формацияларда айрим кишилар учун меҳнатдан озод бўлиш эркинлиги ва бошқалар учун эса эрксизлик, иқтисодий мажбурлик мавжуд эди. Ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлган эксплуататорлар асрлар давомида меҳнаткашларни эзиб, уларнинг меҳнати натижаларини ўзлаштириб келдилар, уларнинг ўзлари учун эса фақат кун кечириш учун минимум маблағларни қолдирар эдилар. Шунинг учун ҳам барча синфий-антагонистик ижтимоий-иқтисодий формацияларда меҳнатга иккиёқлама, бир-бирига зид муносабат мавжуд бўлган. Бир томондан, меҳнаткашлар меҳнатни ўз ҳаётлари ва ўз оилалари ҳаётининг зарурий манбаи деб ҳисоблаган ва унинг зарур эканлигини эътироф қилган бўлсалар, иккинчи томондан, кундалик ишнинг тинкани қуритиши, унга адолатсиз ҳақ тўланиши уларни меҳнатга оғир юк деб қарашга мажбур этар эди.

Капитализм шароитида меҳнаткашлар на ишлаб чиқариш воситаларига ва на ишлаб чиқариш маҳсулларига эга бўлиш, улардан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлмаганликлари учун капиталистнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятига лоқайд қарайдилар, унинг натижалари қандай бўлиши уларни қизиқтирмайди. Улар ижтимоий

меҳнат унумдорлигини оширишдан, моддий бойликларни тежаш ва кўпайтиришдан ҳам манфаатдор эмасдилар. Бироқ, ишчилар жамият учун моддий бойликларни ўзлари ярата туриб, унга эгалик қила олмасликларини тушуниб етишлари уларда бундай ижтимоий тартиблардан чуқур норозиликни келтириб чиқаради. Ишчиларнинг ўз аҳволидан норозилиги пировардида шунга олиб келадики, улар В. И. Ленин ёзганидек, «...ўзлари хўжайин бўлиш,— помешчик ва капиталистлар истаганидек эмас, балки меҳнаткашларнинг ўзлари истаганидек ишлаш ва яшаш талабини қўя бошлайдилар» (ТАТ, 4-том, 340-бет). Бунга эса фақат капитализмни революцион йўл билан ағдариб ташлаш орқали эришиш мумкин. «...Меҳнатнинг капитал томонидан эксплуатация қилинишига хотима беришнинг фақат бир чораси бор холос,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— у ҳам бўлса — меҳнат қуролларига бўлган хусусий мулкни йўқ қилиш, ҳамма фабрикалар, заводлар, конлар, шунингдек барча катта мулклар ва шунга ўхшашларнинг ҳаммасини бутун жамият қўлига ўтказиш ва ишчиларнинг ўзлари бошқарадиган умумий социалистик ишлаб чиқаришни жорий қилишдир» (ТАТ, 2-том, 109-бет).

Бундан 62 йил муқаддам Россияда юз берган Октябрь революцияси инсоният тарихида биринчи марта кишини киши эксплуатация қилишига хотима берди, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган хусусий мулкни бекор қилди ва уларни умумлаштирди, шу тариқа озод меҳнат учун шароит яратди, бундай меҳнат бутун социалистик жамиятнинг ва унинг ҳар бир аъзосининг бирдан-бир яшаш манбаи бўлиб қолди. В. И. Ленин шундай деб ёзган эди: «Юз йиллардан буён бировларга, эксплуататорларга қул бўлиб ишлаб келингандан кейин биринчи марта ҳар кимнинг *ўзига ишлаши* учун имконият вужудга келмоқда...» (ТАТ, 35-том, 216-бет).

Совет ҳокимияти умумий ва мажбурий меҳнатни жорий қилди. Натижада, тақсимот соҳасида социализмнинг «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша» деган принципи тантана қилди. Социалистик жамиятда ҳеч ким ўз меҳнатини ўзгалар елкасига юклаш ҳуқуқига эга эмас, меҳнатдан бўйин товловчи кишилар эса жамоатчилик томонидан қораланади. Меҳнат маҳсуллари меҳнаткашларнинг ўз мулки бўлиб, улар қўшган меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб тақсимланади.

Социалистик жамият меҳнат қилиш ҳуқуқини қарор топтириш билан бирга, бу ҳуқуқни иқтисодий, сиёсий ва юридик гарантиялар билан таъминлайди. Чунончи, 1977 йилда қабул қилинган СССР Конституциясида айтилганидек, Совет Иттифоқи гражданлари меҳнатнинг миқдори ва сифатига мувофиқ ва камида давлат томонидан белгиланган минимал миқдорда ҳақ тўланадиган ва гарантияланган иш олиш ҳуқуқига, шу жумладан ўзларининг лаёқатларига, қобилиятларига, касб-ҳунар малакаларига, билимларига мувофиқ равишда ва жамият эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда касб, машғулот ва иш танлаш ҳуқуқига эгадирлар. СССР Конституциясида бу ҳуқуқнинг реал гарантиялари қонунан мустаҳкамланган бўлиб, улар социалистик хўжалик системаси билан, ишлаб чиқариш кучларини муттасил ўстириш билан, текинга касб ўргатиш билан, меҳнат малакасини ошириш ва янги ихтисосларни ўргатиш билан, касб танлаш ва ишга жойлаштириш системасини ривожлантириш билан таъминланади.

Капитализм ўзи яратган жуда катта моддий бойликлардан тўла ва оқилона фойдаланишга қодир эмас. У ҳар бир кишига меҳнат қилиш имкониятини беришга ноқобилдир. Шунинг учун ҳам тобора кучайиб бораётган ишсизлик капитализмнинг муқаррар йўлдошидир. 1979 йилда ривожланган капиталистик мамлакатларда расмий суратда рўйхатга олинган ишсизларнинг умумий сони 16 миллион кишидан ошиб кетди. Тасодифий ишлар билан кун кечирадиган ёки ҳафтасига

тўла банд бўлмайдиган ишни зўр-базўр топа олган ва шу сабабли меҳнат биржасига мурожаат қилмай юрадиган кишилар бу ҳисобга кирмайди.

Социализм шароитида меҳнатнинг характери ва мазмуни, шароитлари ўзгарганлиги, иш куни қисқартирилганлиги ишчиларни меҳнатга бошқача кўз билан қарашга мажбур этди. Меҳнатнинг жозибадорлиги ошди, унинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва роли юксалди — меҳнат шон-шараф, шавкат ва қаҳрамонлик иши бўлиб қолди.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг мақсади ҳам тубдан ўзгарди. Маълумки, капитализмда бу мақсад ҳукмрон синфларнинг, ишлаб чиқариш воситаларини хусусий мулк қилиб олган кишиларнинг манфаатларини ифодалайди. К. Маркс ўзининг «Капитал» асарида «қўшимча қиймат ҳосил қилиш капиталистик ишлаб чиқаришнинг мақсадини белгилаб беради...» деб ёзган (К. Маркс. Капитал, 1-том, 257-бет) ва бунга озчиликнинг кўпчиликни эксплуатация қилиши йўли билан эришилади, деб кўрсатган эди. Капитализмда меҳнаткашлар манфаатлари буржуазия манфаатларига қарама-қаршидир.

Ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги барча меҳнаткашлар манфаатларининг бирлигини келтириб чиқарадиган социализмда, Ф. Энгельс айтганидек, «манфаатларнинг умумийлиги асосий принцип даражасига кўтарилган бўлиб, унда жамият манфаати ҳар бир айрим шахснинг манфаатидан фарқ қилмайди» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 2-том, 538-бет) ва кишиларнинг моддий ҳамда маънавий эҳтиёжларини қондириш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бевосита ва олий мақсади бўлиб қолади. Бу қоида КПСС Программасида, шунингдек СССР Конституциясида ҳам акс эттирилган бўлиб, унинг 15-моддасида шундай дейилади: «Кишиларнинг ўсиб борувчи моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш социализмда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг олий мақсадидир».

Социалистик давлатда халқ фаровонлигини ошириш ижтимоий бойликни ва меҳнат унумдорлигини ўстиришга бевосита боғлиқ қилиб қўйилган. «Энг асосий масала... биз маҳсулотни қанча ва қандай қилиб ишлаб чиқараётганлигимизда, ижтимоий бойлигимизнинг асосий манбаи бўлган меҳнатга қандай муносабатда бўлаётганлигимиздадир,— деди КПСС МК Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев «Ленин иши яшамоқда ва ғалаба қозонмоқда» деган докладида.— Ишлаб чиқарилган, инсон қўли ва идроки билан яратилган нарсаларнигина истеъмол қилиш, улардан фойдаланиш мумкинлигини исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ деб ўйлайман. Совет кишиларининг турмуш даражаси қандай бўлиши уларнинг ўзларига боғлиқ. Бугун биз кечаги ишимизга яраша яшаяпмиз, эртага эса бугунги ишимизга яраша яшаймиз».

Ҳозирги вақтда Коммунистик партия ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишни ўз иқтисодий стратегиясининг асосий вазифаси сифатида олдинга сурган бир пайтда, меҳнат унумдорлиги тўғрисидаги ленинча таълимотнинг сўнмас аҳамияти янги куч билан тасдиқланмоқда. «...Социализм,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— капитализм замонида эришилган меҳнат унумдорлиги асосида меҳнат унумдорлигини капитализмга қараганда юксак даражага кўтариш сари онгли ва оммавий суратда олға боришни талаб қилади. Социализм бундай олға қараб *ўз йўли билан*, ўз усуллари — яна аниқроқ қилиб айтсак, *совет* усуллари билан бормоғи керак» (ТАТ, 36-том, 201—202-бетлар).

Бир-бирининг ўрнини изчил суратда эгаллаб келган ҳар бир ижтимоий-иқтисодий формацияда эришилган меҳнат унумдорлиги даражаси бевосита моддий неъматларни яратувчиларнинг меҳнатга муносабатига, уларнинг ўз меҳнати натижаларидан моддий манфаатдорлиги даражасига у ёки бу тарзда боғлиқ бўлган. Социализмнинг афзалликлари меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларида айниқса яққол на-

моён бўлмоқда. Тўққизинчи беш йилликда меҳнат унумдорлиги ўсишининг ўртача йиллик суръатлари СССР саноатида 6 процентни ташкил қилган бўлса, АҚШда —2,7, Англияда —2,8, Францияда —2, ГФРда — 3,1 ва Японияда —1,8 процентни ташкил этди. Мамлакатимизда тўққизинчи беш йилликда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни ялпи кўпайтиришнинг 84 процентига меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига эришилди. Илгари биз бундай кўрсаткичга сира эришмаган эдик.

Меҳнат унумдорлигининг тинмай ўсиши социалистик ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, мамлакат миллий бойлиги ҳажмининг орта боришида ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Ҳозирги шароитда ижтимоий меҳнат унумдорлигининг бир процент ўсиши бутун СССР халқ хўжалиги миқёсида миллий даромаднинг 4 миллиард сўмдан кўпроқ ортиши билан тенгдир. Шунча маблағ эса Красноярск ГЭСи каби жаҳонда энг йирик гидроэлектростанциялардан бештасини қуриш учун етарлидир. 1979 йилда Ўзбекистон халқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига 25 мингдан кўпроқ кишининг меҳнати тежаб қолинди.

Бироқ, меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларининг юксак кўрсаткичларига берилиб кетиб, резервларни унутиб қўймаслигимиз керак. Жуда катта ишлаб чиқариш фондлари, ускуналардан, машина ва механизмлардан яхшироқ фойдаланиш ана шундай резервлар жумласига кирадики, уларнинг унумсиз бекор туриб қолиши давлатга неча миллион сўмларга тушади. Иш вақтидан яхши фойдаланиш ҳам шундай резервлардан бўлиб, партия ҳужжатларида бир неча бор кўрсатиб ўтилганидек, ҳали ҳам унинг нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда ва кўпгина корхоналарда бу нобудгарчилик умумий иш вақти фондининг 10—15 процентини ташкил қилади.

Ёрдамчи ишларда, айниқса транспорт-омбор, юк ортиш-тушириш операцияларида ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштиришда ҳам ижтимоий меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг жуда катта резервлари мавжуддир. Бу ишларда механизация даражаси юқори эмаслиги, ишни ташкил этиш такомиллашмаганлиги сабабли биз талаб қилинганидан кўра анча кўп кишиларни сақлаб туришга мажбурмиз. Ҳозирги вақтда қўл меҳнатида банд бўлган ходимлар сони бутун мамлакатда салкам 45 миллион кишини ташкил қилади. Шуларнинг тахминан ярмиси саноат ишчиларидир, ярмидан кўпроғи қурилишдаги ишчиларга, 70 проценти юк ортиш-тушириш ва савдо соҳасидаги ишларга, 70 процентдан кўпроғи қишлоқ хўжалигига тўғри келади.

КПСС МҚ ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг меҳнат унумдорлигини ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорида яқин келажакда амалга оширилиши лозим бўлган биринчи навбатдаги тадбирлар қаторида қўл меҳнатидан фойдаланишни қисқартиришга қаратилган комплекс программани ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Шунингдек, меҳнатни янада механизациялашга ёрдам берадиган бир қатор муҳим иқтисодий тадбирлар белгиланган, жумладан беш йиллик планларда қўл меҳнати улушини қисқартириш топшириқлари белгиланади. Ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмаларнинг ҳозирда ишлаб турган корхоналарни техника жиҳатдан қайта қуроллантириш ва реконструкциялашга йўлланадиган маблағларини вужудга келтиришнинг иқтисодий имкониятлари кенгайтирилади.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш резервларининг яна бир группаси ходимларнинг ўз меҳнати натижаларидан моддий манфаатдорлигини кучайтириш билан боғлиқдир. Бизнинг мамлакатимизда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашда рағбатлантириш системаларини қўлла-

ниш борасида жуда катта тажриба тўпланган. Улар орасида Н. Злобин методига асосланган бригадали пудрат усули олдинги ўринда туради. Хўжалик ҳисобида ишловчи бригадалар бошлиқларининг Бутуниттифоқ слёти қатнашчиларига йўллаган мурожаатида ўртоқ Л. И. Брежнев, бригадали пудратнинг аҳамиятига баҳо бериб ёзган эдики, хўжалик ҳисобининг бу формаси меҳнат унумдорлигини ўстириш ва объектларни ишга туширишни жадаллаштиришга қаратилгандир. Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, моддий ресурсларни тежаб-тергаб сарфлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, қурилиш сифатини яхшилаш ва ишнинг пировард натижалари учун юксак масъулият ҳис этиш ана шу бригадалар коллективларининг ўзига хос белгиси бўлиб қолди.

Меҳнатни бригадали усулда ташкил этиш ва рағбатлантириш формасининг иқтисодий ва социал афзалликлари тажрибада исботланди. КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг хўжалик ҳисобини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорида қайд қилинганидек, ўн биринчи беш йилликда у асосий форма бўлиб қолмоғи керак.

Яқин йиллар ичида хўжалик ҳисобидаги бригадалар томонидан бажариладиган ишлар ҳажми тўхтовсиз орта боради ва 1980 йилнинг охирида уй-жой қурилишида 70—80 процентни, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида 60—70, саноатда 20—30 процентни ташкил қилади. Бу эса 1980 йилда барча қурилиш-монтаж ишларининг 45,3 проценти пудратчи бригадалар томонидан бажарилишини таъминламоғи керак. Бу (бошқа факторлар билан биргаликда) меҳнат унумдорлигини 4 процент ўстириш, яъни 200 мингдан кўпроқ кишининг меҳнатини тежаш имконини беради. Бундан ташқари, қурилиш ишлаб чиқаришида маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига 3 миллиард сўмни тежаб қолиш, қурилиш муддатларини анча қисқартириш ва унинг сифатини яхшилаш мумкин.

Ўзбекистондаги қурилишларда бригадали пудрат кенг қўлланмоқда. Ҳозирги беш йиллик мобайнида шу метод асосида ишлаётган коллективлар сони ушбу тармоқда қарийб уч баравар кўпайди. Ўтган йили республиканинг қурилиш ташкилотларида 3,5 мингдан кўпроқ бригада хўжалик ҳисоби методи асосида ишлади ва бутун қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг 40 процентдан кўпроғини шу бригадалар бажарди. 1979 йилнинг ўзидагина пудрат усулида бажарилган ишларнинг ҳисобланган қиймати 5 миллион 187 минг сўмга камайди.

1980 йилда Ўзбекистонда 5 миллиард 214 миллион сўм миқдорида, шу жумладан қишлоқ хўжалигида 1 миллиард 900 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилиши керак. Саноат, қишлоқ хўжалик ва социал аҳамиятга эга бўлган объектлар қурилишининг белгиланган ҳажмларини муваффақиятли уддалаш учун меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг прогрессив формаларини, биринчи навбатда бригадали пудрат усулини ишлаб чиқаришга сабот билан жорий қила бориш лозим. «Ўзбекшахтострой» трести коллективлари бу ишда яхши намуна кўрсатмоқдалар. Бу трестдаги барча бригадалар Н. Злобин методи асосида ишламоқда, «Ташсельмаш» заводида эса 60 дан ортиқ ишлаб чиқариш бўлинмалари ягона наряд асосида меҳнат қилмоқда, шунингдек республикамиздаги бошқа корхоналар ҳам намуна кўрсатмоқдалар.

Ўзбекистон халқ хўжалигида меҳнатни ташкил этишнинг бригадали формаларини янада ривожлантириш тегишли министрлик ва идораларнинг, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарнинг, шунингдек касаба союз органларининг ташкилотчилик ишлари ва талабчанлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ушбу формаларга улар меҳнат унумдорлигини ўстириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг янги резерви деб қарашлари керак.

Меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан ўстириш экономикамизни ривожлантиришнинг муҳим вазифаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Ўнинчи беш йилликда бутун халқ хўжалигида ижтимоий меҳнат унумдорлигини тўққизинчи беш йилликдаги 24 процент ўрнига 25 процент ўстириш белгиланган. Шунинг учун ҳозирги пайтдаги асосий вазифа фурсатни қўлдан бермай, меҳнат унумдорлигини қўшимча равишда оширишнинг ғоят бой имкониятларини, новаторлар ва илғор коллективлар излаб топаётган резервларни ишга солишдан иборатдир.

Ўнинчи беш йиллик — самарадорлик ва сифат беш йиллиги. Ишнинг сифат кўрсаткичларини ошириш асосида иқтисодий юксалишга эришиш бу беш йилликнинг ўзига хос белгисидир. КПСС МК, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ МКнинг «Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси тўғрисида» 1977 йил январда қабул қилинган қарорида мусобақанинг иқтисодий ва социал тараққиёт воситаси, меҳнаткашларни сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбиялаш мактаби сифатидаги роли таъкидланган.

Ҳозирги вақтда ўн миллионлаб кишилар, ўн минглаб коллективлар қатнашаётган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси халқ оммасининг ижтимоий тузумимиз юзага келтирган жуда катта ғайрат-шижоатининг ёрқин далилидир. Бу мусобақанинг муҳим шиорлари қуйидагилардан иборат: «Сифат беш йиллигига — ишчи кафолоти», «Муддатидан илгари қурамиз — муддатидан илгари ўзлаштирамиз», «Злобинчасига: тез, сифатли, чиройли қурайлик», «Қишлоқ хўжалик техникасидан самарали фойдаланайлик», «Новаторнинг кечаги марраси — бугунги иш нормаси».

Ўзбекистонда социалистик мусобақада 3 миллион 700 мингдан кўпроқ киши қатнашмоқда, шулардан 772 мингтаси коммунистик меҳнат зарбдори номига сазовор бўлган. Республикадаги ҳар бир корхонада, халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғида новаторлар, меҳнат ташаббускорлари бор. Улар ўз конкрет вазифаларини турлича ифодалайдилар, аммо ҳамманинг асосий мақсади битта — халқ бахт-саодати йўлида, Ватан равнақи йўлида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишдан иборат.

Илғор тажриба, меҳнат рекорди социалистик мусобақанинг асосий натижасидир. Бу, бир томондан, жуда катта имкониятларни, иккинчи томондан, ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини, унинг технологиясини қайта ташкил этишни — ходимларнинг профессионал савиясини оширишни, уларнинг ахлоқий қиёфасини ўзгартиришни ўз ичига олган бўлакча тусдаги ижтимоий бойликдир.

Илғор тажриба жуда катта қийматга эга. Шуни айтиш кифояки, халқ хўжалигида бригадали пудратдан, щчекинскликлар методидан, Львовдаги бир группа корхоналар, Москвадаги «Динамо» заводи ва бошқа илғор коллективлар тажрибасидан фойдаланиш ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакатга неча миллиард сўмлар билан ўлчанадиган иқтисодий самара келтирди. Бу самара тўхтовсиз ўсиб ва илғор тажриба хазинаси янги қимматли ташаббуслар билан тўлиб бориши учун илғор тажрибани планли равишда кенг ёйишни таъминлаш, уни ҳар бир меҳнат коллективининг мулкига айлантириш зарур. Партия бу ишни социалистик мусобақани ташкил этишнинг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди.

Илғор тажриба мактаблари прогрессив меҳнат усуллари ва методларини ўрганишнинг таъсирчан формаларидан бири бўлиб, ҳозир мамлакатимизнинг миллионлаб меҳнаткашлари ана шу мактабларнинг тингловчиларидир. Бундай мактабларда амалий машғулотларни мусобақа ғолиблари олиб борган тақдирда улар айниқса катта фойда кел-

тиради. Уларнинг ҳаётий тажрибаси ва профессионал маҳорати ёш меҳнатчиларнинг мулки бўлиб қолмоғи лозим.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Запорожье областида қўл меҳнати ва оғир жисмоний меҳнатни бутун чоралар билан қисқартириш асосида меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида олиб борилаётган ишни партия XXV съезди қарорларини бажаришга чинакам партиявий ва ишнинг кўзини билиб ёндашиш намунасидир, деб атади. Маълумки, бундан бир неча йил илгари запорожьеликлар «Қўл меҳнати — машиналар зиммасига» деган шиор остида социалистик мусобақа бошлаш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббусини кўтариб чиққан эдилар. Бу ташаббус негизида меҳнатни механизациялаштириш, ходимларни оғир жисмоний меҳнатдан қутқаришга қаратилган ташкилий ва техникавий тадбирларни амалга ошириш ётади.

Москвадаги С. М. Киров номли «Динамо» заводининг кенг эътироф қилинган тажрибаси вақт ўтиши билан эскираётгани ва ўз аҳамиятини йўқотаётгани йўқ, бу завод коллективи меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан шахсий ва бригада планларини ишлаб чиқиш ташаббускори бўлган эди.

КПСС МҚ 1979 йил ноябрь Пленумида экономикамизни ривожлантиришнинг актуал масалалари ҳақида ошкора гап юритилди. Ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда сўзлаган нутқида таъкидлаб айтдики, бу масалаларнинг ҳал қилиниши бизнинг қандай ишлашимизга жуда катта, балки ҳал қилувчи даражада боғлиқдир. Ҳозирги вақтда ҳар бир меҳнатчи иш вақтининг ҳар бир минути, у қаерда ишлашидан қатъи назар, ҳар қачонгидан кўпроқ қиймат касб этмоқда. Чунки мамлакатимизда бир иш минутида 50 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади!

Ҳолбуки, саноатда ва қурилишда прогуллар, ишга кечикиб келиш, сменалар ўртасида бекор туриб қолиш, маъмуриятнинг ижозати билан ишдан кетиб қолиш туфайли иш вақтининг нобуд бўлиши саноат ва қурилишнинг ўзидагина бир неча ўн миллион киши-кунни ташкил этмоқда, бунинг натижасида давлат ҳар йили уч миллиард сўмликдан зиёд маҳсулотни кам олмоқда. Кадрларнинг қўнимсизлиги экономикамизга бундан ҳам каттароқ зарар келтирмоқда.

Бу нобудгарчиликларни қандай қилиб камайтириш мумкин? Ишларнинг аҳволини қандай қилиб яхшиласа бўлади? КПСС МҚ, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Халқ хўжалигида меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар қўнимсизлигини камайтириш тўғрисида»ги қарорида бу соҳадаги конкрет тадбирлар тилга олинган. Ушбу ҳужжат партия, совет, касаба союз ва комсомол органлари, хўжаликларнинг раҳбарлари олдига меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, ишлаб чиқаришда иш вақтининг зое кетишини бартараф қилишга, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва барқарор меҳнат коллективларини вужудга келтиришга қаратилган ташкилотчилик ҳамда сиёсий-тарбиявий ишни яхшилашдан иборат конкрет вазифани қўйди. Буни, дейилади қарорда, партия иқтисодий ва социал сиёсатини амалга оширишнинг, ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш ва меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишни тарбиялашнинг асосий йўналишларидан бири деб ҳисобламоқ керак.

Бу ишда коммунистлар асосий ролни ўйнайдилар. «Ҳар бир коммунист,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС МҚ 1978 йил июль Пленумида сўзлаган нутқида,— фидокорона меҳнат қилиш намунасини кўрсатиши, илғор тажрибанинг моҳир ташкилотчиси бўлиши, бу тажрибани оммалаштириши, умумий иш учун, коллективда аҳил, фидокорона ва ижодий ишлаш муҳитини яратиш учун жон куйдирувчи бўлиши лозим. Коммунист ишга лоқайд қараш ҳолларига чидаб туриши мумкин

эмас ва чидаб турмаслиги керак. Коммунист хўжасизлик, ичкиликбозлик, прогулчилик фактларига нисбатан ва совет кишисининг шон-шарафига доғ соладиган бошқа барча ножўя ишларга нисбатан шафқатсиз бўлиши лозим».

Меҳнат шароитини яхшилаш каби тадбир кадрлар қўнимсизлигини камайтиришга, уларни корхоналарда муқим қилишга ёрдам беради. Тажрибанинг кўрсатишича, одамлар кўп жисмоний куч сарфлашни талаб қиладиган ва қўлда бажариладиган ишларни осонгина ташлаб кетадилар. Шунинг учун қўл меҳнатини камайтириш ва унчи запорожьеликлар ҳамда мамлакатдаги бошқа коллективлар тажрибаси асосида, ички резервлардан фойдаланиб, механизациялашга қаратилган тадбирларни фаолроқ ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур.

Кадрлар қўнимсизлигини камайтиришда жамоатчилик асосида ишловчи кадрлар бўлимлари муайян роль ўйнаши мумкин. Ушбу бўлимлар ходимнинг ўз хоҳишига кўра ишдан бўшаб кетиши ҳодисасини кўриб чиқар эканлар, уни корхонадан кетишга ундаган сабабларни чуқурроқ ўрганадилар, унга мазкур сабаблар қанчалик узрли эканини тушуниб олишда кўмаклашадилар, уларни бартараф қилиш усулларини топадилар.

Шунингдек, ёш ходимларга, айниқса ишлаб чиқаришга биринчи марта келган ишчиларга эътиборни кучайтириш зарур. Чунки, интизомни ёш ишчилар ҳаммадан кўпроқ бузадилар. Уларнинг баъзиларида ишдаги ўртоқлари олдида масъулият сезиш ҳисси ҳали мутлақо йўқдир. Бу ўринда мураббийлар асосий ролни ўйнашлари керак — улар ёшларнинг профессионал маҳоратини ўстиришга кўмаклашишлари, уларни коллективнинг ишларига жалб қилишлари лозим.

Ҳозирги вақтда республикамизда 103 минг мураббий — ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, меҳнат ветеранлари бўлиб, улар 170 минг йигит ва қизга оталиқ қилмоқдалар. Мураббийларнинг обрўси катта экани, уларнинг меҳнат ва жамоатчилик хизматлари эътироф қилинаётганлигини шундан ҳам кўриш мумкинки, улар орасида 21 Совет Иттифоқи Қаҳрамони, 263 Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг 31 депутати ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг 101 депутати бор. Бундай кишилар меҳнатда ва интизомда ҳаммага ўрнак бўлмоқдалар, улар ёшларга кўп нарсаларни сўзлаб беришлари, уларга кўп ишларни ўргатишлари мумкин.

Ҳар бир корхонада, ҳар бир ташкилотда прогулчиларга тоқатсизлик вазиятини вужудга келтириш лозим. Токи ўз коллективига панд берувчи киши бошқа қаерга ишга бормасин, ҳамма жойда ҳам унинг олдига қаттиқ талаблар қўйилишини билиб оладиган бўлсин.

Республикамизда В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати, «Ташсельмаш» заводи, Чирчиқдаги «Электрохимпром» бирлашмаси партия ва жамоат ташкилотларининг тажрибаси эътиборга сазовордир. Бу корхоналарда моддий ва маънавий рағбатлантириш воситаларини тўғри қўлланиш кадрларнинг муқим бўлиб қолишига, прогуллар, ишдан ўз хоҳиши билан бўшаб кетиш ҳодисаларини ниҳоятда камайтириш имконини бермоқда.

Ҳар кунги ва келгусидаги халқ хўжалик проблемаларини ҳал қилишда муваффақиятга эришиш ишчилар синфининг муносиб авлодини тайёрлашга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ёшларни меҳнатда тарбиялаш — бу фақат катта иқтисодий вазифагина эмас, балки муҳим социал вазифа ҳамдир.

Ўсиб келаётган авлодни меҳнатда тарбиялашда мактаб катта роль ўйнайди. Ҳозирги кунда В. И. Лениннинг ёшлар союзининг вазифалари тўғрисида сўзлаган машҳур нутқида ўқишни ишчи ва деҳқонлар меҳнати билан бирлаштириш тўғрисидаги кўрсатмалари янги куч би-

лан янграмоқда. Фақат ишчи ва деҳқонлар билан биргаликда қилинадиган меҳнатдагина улар ҳақиқий коммунистлар бўлиб етишишлари мумкин, деб таъкидлаган эди Владимир Ильич ва «...ёшлар ҳар куни ҳар бир қишлоқ, ҳар бир шаҳарда умумий меҳнатнинг бирор вазифасини, майли, энг кичик, энг оддий вазифасини амалий равишда ҳал этсинлар»,— деб таклиф қилган эди (ТАТ, 41-том, 355-бет).

Бизнинг давримизда мактаб ўз қучоғида ҳар бир киши ҳозирги замон касбларининг улкан денгизида йўл топа билиши, ўзининг келгусидаги меҳнат фаолиятининг асосий йўналишини белгилаб олиши учун жавобгардир. Зеро, «Ким бўлсам экан?», деган савол фақат йигит-қиз учунгина эмас, балки бутун жамият учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга.

Мактабларни битириб чиқувчилар эътиборини шунга қаратиш керакки, меҳнат фақат бурч, фақат вазифагина эмас, балки кишининг энг муҳим эҳтиёжи, ўзлигини кўрсатиш ва ўз-ўзини қарор топтириш усули, шахснинг гражданлик хислатлари намоён бўлишидир. Ишлаб чиқарувчилар, ўз ишининг мутахассислари билан учрашувларда, корхоналарга қилинган экскурсиялар пайтида ўқувчилар қаноат ҳосил қилишлари керак, кишининг ўз соҳасида эришган маҳорати, камолоти унга ана шундай қаноатланиш бахш этади. Касб танлаш, меҳнатга ўргатиш ва тарбиялаш соҳасидаги барча ишларнинг асосий педагогик вазифаси ана шулардан иборат.

Партия XXV съезди идеологик ишга комплекс ёндашиш, ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбиянинг мустаҳкам бирлигига эришиш вазифасини қўйди. Ишга бундай ёндашиш талаблари меҳнат коллективи орқали айниқса тўла-тўкис амалга оширилиши мумкин ва лозим. Партиямиз, унинг Марказий Комитети коммунистик тарбияда меҳнат коллективларининг ролини оширишга шу қадар катта эътибор бераётганлиги тасодифий эмас. Уюшқоқлик, топширилган иш учун масъулият сезиш, унга онгли муносабатда бўлиш каби тушунчаларни киши фақат шу ерда, коллективда ўзлаштириб олади. Бу ерда унинг ижодий кучлари ва қобилиятлари намоён бўлади, сиёсий ва ахлоқий сифатлари, гражданлик онги шаклланади. Кишининг онги қанчалик юқори бўлса, у шунчалик яхши ишлайди, меҳнат коллективининг хўжалик фаолияти шунчалик самарали бўлади, социалистик Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, бутун халқ фаровонлиги пировард натижада ана шунга боғлиқдир.

Вазифаларимиз йилдан-йилга мураккаблашиб бормоқда. Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида миллий даромад 4 процент ёки 17 миллиард сўмга, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 4,5 процент, қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти 8,8 процент кўпайиши керак. Умумиттифоқ экономикасига Ўзбекистон ССР ҳам ўз ҳиссасини қўшади: 1980 йилда саноат маҳсулоти ҳажми 7 процент ўсади, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 5,9 процент кўпаяди. Пахтакорлар олдида Ватанга 5 миллион 800 минг тонна «оқ олтин» топширишдек ниҳоятда муҳим вазифа турибди.

КПСС МК 1979 йил ноябрь Пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, «1980 йилги вазифалар осон эмас. Аммо бу вазифалар тўла ва ошириб бажарилиши лозим. Бунинг учун нималар қилиниши керак? Юксак талабчанлик, уюшқоқлик, халқ хўжалигининг барча соҳаларида, ҳар бир ишлаб чиқариш ячейкасида ишга ижодий муносабатда бўлиш вазияти вужудга келтирилиши керак». КПСС МК ноябрь Пленуми қўйилган мақсадларга эришишнинг конкрет йўлларини кўрсатиш билан бирга, ташкилотчилик, оммавий-сиёсий ишларнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Бу йўналишлар социалистик мусобақани кенг авж олдириш, илғор иш формалари ва методларини қўллаб-қувватлаш ва ёйиш, иқтисодий тежаш режимини изчиллик билан

амалга ошириш, меҳнат интизомининг бузилишларига қарши курашишдан иборат.

Бу йилги иқтисодий вазифаларни амалга оширишда бошланғич партия ташкилотларининг роли янада ошмоқда. Маълумки, улар олдинги маррада, планлар ва социалистик мажбуриятлар тақдири ҳал қилинадиган жойларда иш олиб борадилар. Ҳар бир коллективда, аввало коммунистлар ўртасида талабчанлик вазиятини вужудга келтириш муҳим аҳамиятга эга.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги яқинлашиб келмоқда. Бу кунни меҳнатда энг юқори ютуқлар билан нишонлаш халқимизнинг анъанасидир. Мамлакатдаги илғор коллективларнинг ташаббуси билан шу йил 19 апрелда ленинча коммунистик шанбалик ўтказилади. Бу шанбалик меҳнат вахтасининг энг юқори нуқтаси, янги резервлар кўриги бўлади. КПСС МК ноябрь Пленуми қарорлари бизни ана шу резервларни излаш ва улардан тезроқ фойдаланишга йўллайди. Коммунистик шанбаликлар, В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, «...шунинг учун ҳам жуда катта тарихий аҳамиятга эгадирки, улар бизга ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини оширишда, янги меҳнат интизомига ўтишда, хўжалик ва ҳаётнинг социалистик шароитларини яратишда онгли ва ихтиёрий ташаббускорлик қилаётганликларини кўрсатмоқда» (ТАТ, 38-том, 20-бет).

1980 йилни зарбдорларча ишлаш, ленинча ишлаш йилига айлантирайлик — ҳозирги кунда социалистик мусобақа ана шу шиор остида авж олмоқда. Республикамиздаги кўпгина саноат корхоналари, қурилишлари, колхоз ва совхозларнинг меҳнат коллективлари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари, 22 апрелга қадар бажаришга аҳд қилдилар. Тошкентнинг ўзида шу кунга қадар 125 минг ишлаб чиқариш илғори, 14 корхона ва 500 дан кўпроқ цех коллективлари ана шундай мажбурият қабул қилди. Масалан, Марғилон шойи комбинатининг пиллакашлари Ҳ. Ғаниева билан Ҳ. Мамасолиева ўртоқлар беш йилликнинг бошидан бери ўн йиллик планни якунлаш арафасида турибдилар, улар икки беш йиллик топшириқларини В. И. Ленин туғилган кунга қадар бажариш мажбуриятини олганлар. Қарши районидаги Собир Раҳимов номли совхознинг Н. Файзиев бошлиқ звеноси бу йил қўриқда гектар бошига 53 центнердан ҳосил етиштиришга сўз берди. Совет кишиларининг меҳнат ва сиёсий активлиги мавж ураётганидан далолат берувчи бундай хушхабарлар оқими кундан-кунга ортиб бормоқда.

Совет халқининг ижодий куч-ғайрати туганмасдир. Ижтимоий бойлигимизни ўстиришнинг гарови ҳам ана шунда.

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 110 ЙИЛЛИГИГА

ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг ЯХЛИТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ КОМПЛЕКСИДА

Н. ЁҚУБОВА,
иқтисод фанлари кандидати

МУСТАҲКАМ ХУЖАЛИК иттифоқи, халқларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари билан экономика ва маданиятни эркин ривожлантириш — ленинизм миллий программасининг принципларидан биридир. Ҳозир Советлар Мамлакатидаги миллат ва элатлар коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида ягона оила бўлиб ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг бирлашган куч-ғайратлари билан СССРда етук социалистик жамият қурилди. Эндиликда социализм ўз негизида ривожланаётган бир пайтда янги ижтимоий тузумнинг бунёдкорлик кучлари, социалистик турмуш тарзининг афзалликлари тобора тўла-тўкис намоён бўлмоқда.

Эндиликда ўзаро боғланган халқ хўжалиги комплекси бўлиб қолган СССР экономикаси ғоят ривож топди. У барча иттифоқдош республикаларнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ўз ичига олади ва бутун мамлакат ҳамда алоҳида ҳар бир республиканинг манфаатлари йўлида яхлит давлат плани асосида ривожланади. Партия XXV съездида КПСС МК Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бундай деб таъкидлади: «Совет жамиятининг иқтисодий ва социал тараққиёти — Россия федерацияси, Украина ва Қозоғистон, Белоруссия ва Молдавиянинг, Ўрта Осиё, Болтиқ бўйи, Закавказье республикаларининг тараққиёти демакдир. Бутун мамлакат миқёсида таркиб топган яхлит хўжалик организми — халқлар дўстлиги ва ҳамкорлигининг мустаҳкам моддий негизидир».

Интернационализм воқелигимизнинг белгиловчи ва таркибий қисми бўлиб қолди. У социалистик жамиятнинг ҳамма нормаларига, экономика, маданиятга сингиб кетган. Халқларнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги, уларнинг бир-бирига беғараз ёрдами, хўжалик алоқалари мустаҳкамланиши туфайли барча иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий ўсиш даражалари тенглашиб бормоқда, бу эса етук социализм экономикасининг тобора уйғун равишда ривожланишига кўмаклашмоқда.

Лениннинг совет республикалари иттифоқи бўлмаса, мустаҳкам иқтисодий ҳамкорлик бўлмаса яхлит социалистик хўжаликни барпо этиб бўлмайди, оқилона меҳнат тақсимотини ва мамлакат табиий бойликларидан самарали фойдаланишни таъминлаб бўлмайди, ҳар бир совет республикасининг хўжалиги умумиттифоқ экономикасининг таркибий қисми сифатидагина муваффақиятли ривожланиши мумкин, деган қоидаси бутун тарих давомида жуда яхши исботланди. Барча республикаларнинг куч ва ресурсларини бирлаштириш туфайлигина Совет Иттифоқи қисқа муддат ичида ўз зиммасига тушган ҳамма синовларга бардош бера олган қудратли, юксак даражада ривожланган давлатга

айланганини социалистик давлатимизнинг 60 йилдан кўпроқ даврдаги тажрибаси кўрсатди. Айни вақтда мамлакатнинг улкан иқтисодий потенциали ўн бешта иттифоқдош республиканинг ҳаммасига замонавий тараққиёт чўққиларига дадил кўтарилиш имконини берди.

Яхлит халқ хўжалик комплекси доирасидаги умумий план воситасида тартибга солинадиган социалистик экономика давлат аҳамиятига молик улуғвор программани амалга ошириш имконини яратади. Йирик энергетика, гидротехника, ирригация, транспорт объектлари ва бошқа объектларни барпо этишда, қуриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда барча совет республикалари қатнашмоқда. Сирдарё ГРЭСи, Норак ва Чорвоқ ГЭСлари, Туямўйин гидроузели, Ўрта Осиё-Марказ газ қувури сингари азим иншоотлар Советлар Мамлакати халқларининг биргаликдаги куч-ғайратлари билан барпо этилди ва барпо этилмоқда, Мирзачўлдаги, Қарши ва Шеробод даштларидаги бўз ерларнинг кенг майдонлари ўзлаштирилмоқда. Байкал-Амур магистрали, РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонаси, Ғарбий Сибирь ва мамлакат бошқа районларидаги катта халқ хўжалик объектлари эндиликда умумхалқ қурилишлари бўлиб қолди. Қозоғистон қўриқ ерларининг ўзлаштирилиши совет халқининг буюк интернационал жасорати бўлди.

Иттифоқдош республикалар хўжалик имкониятлари ва ресурсларининг бирга қўшилиши бутун мамлакатга жуда катта иқтисодий наф келтириш билан бирга, барча республикаларнинг, шу жумладан Ўзбекистон ССРнинг ҳам тараққиётини жадаллаштирди. Ўзбекистон тарихан таркиб топган ихтисослаштиришни, табиий ва иқтисодий имкониятлар ҳамда меҳнат ресурслари мавжудлигини ҳисобга олувчи социалистик меҳнат тақсимоти асосида Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги, қардош халқларнинг, айниқса улуғ рус халқининг беғараз ёрдами орқасида тарихан қисқа муддат ичида чор Россиясининг собиқ чекка аграр ўлкасидан гуллаб-яшнаган республикага айланди.

Ҳозирги Совет Ўзбекистони — мамлакатнинг ривожланган индустриал районларидан биридир. Саноат ишлаб чиқаришининг даражаси жиҳатидан республикамиз Осиёдаги қўшни мамлакатлар бир ёқда турсин, Европадаги кўпгина буржуа давлатларидан ҳам анча ўзиб кетди. Ўзбекистонда бақувват ёқилғи — энергетика базаси, қора ва рангли металлургия, химия ва нефть химияси саноати, машинасозлик барпо этилди. Республика индустриал комплексидаги 100 та тармоқ ва ишлаб чиқариш составида ўн минглаб турдаги маҳсулот тайёрлаётган 1500 корхона бор. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулотнинг 70 процента мана шу комплекс ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариши ҳажми муттасил ўсиб бормоқда. Чунончи, 1977 йилда у 1940 йилга нисбатан 14 баравар кўпайди. Бутун 1940 йилда ишлаб чиқарилган миқдордаги саноат маҳсулоти Ўзбекистонда 1976 йилнинг 27 кунида ишлаб чиқарилди. 1978 йилда саноат маҳсулотининг қиймати 1977 йилга нисбатан 770 миллион сўмлик миқдорда кўпайиб, 1975 йил 1 январидаги корхоналарнинг улгуржи нархларида 16 миллиард 600 миллион сўмликка етди.

Республикада техника тараққиётини таъминлайдиган тармоқлар тез суръатлар билан ривожланмоқда. 1979 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1975 йилга нисбатан умуман 20 процент кўпайган бўлса, машинасозлик ва металл ишлаш саноатининг маҳсулоти 42 процент, қора металлургия маҳсулоти 54 процент ва химия саноати маҳсулоти 32 процент ортди. 1979 йилда Ўзбекистонда 23 минг 900 та трактор, 36 мингта трактор прицепи, 9100 та пахта териш машинаси, 1500 та экскаватор, 6500 тадан ортиқ компрессор ишлаб чиқарилди. Бутун Иттифоқдаги пахта териш машиналари ва тракторга тиркаладиган чигит экиш сеялкаларининг 100 проценти, пилталаш машиналарининг

94 процентдан кўпроғи ва йигирув машиналарининг 20 проценти, пахта тозалаш машина-ускуналарининг 87 проценти, осма электр кранларнинг 15 процентдан кўпроғи, кабель маҳсулотининг 7 процентдан зиёди Ўзбекистон ССР машинасозлик комплекси улушига тўғри келади.

Республикамиз аҳоли жон бошига электр энергия ҳосил қилиш даражаси жиҳатидан 1968 йилдаёқ Туркиядан 6 баравар, Эрондан 8 баравар, Таиланддан 14 баравар, Покистондан 35 баравар устун эди. 1970 йилдаги 18,3 миллиард киловатт-соат ўрнига 1979 йилда 33,7 миллиард киловатт-соат электр энергия ҳосил қилинди. Ҳозир Ўзбекистон электр станциялари ҳосил қилиб бераётган электр энергия мамлакатимиздаги ҳамма электр станцияларнинг 1922 йилда ҳосил қилган электр энергиясидан 45 баравар кўпдир.

Ўнинчи беш йилликда Ўзбекистон ССР химия саноатини ривожлантиришда янги катта қадам қўйди. Бу тармоқ республика қишлоқ хўжалигини юксалтиришда ва иқтисодий потенциални ўстиришда муҳим роль ўйнамоқда, унинг умумиттифоқ фондига қўшаётган ҳиссасини кўпайтирмоқда. Химиявий тола, синтетик смола, дефолиант, олтингугурт кислотаси, нефть химияси маҳсулоти, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Масалан, 1970 йилдаги 4 миллион 91 минг тонна ўрнига 1979 йилда 6 миллион 582 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилди.

Социализм шароитида миллатларнинг ҳар бири ўз хўжалигининг анъанавий тармоқларини сақлаб қолади, уларни ривожлантириш учун табиий-географик шароитлар ва тегишли ресурслар мавжуддир. Маълумки, Ўзбекистон ССРда интенсив пахтачилик учун зарур бўлган ҳамма имкониятлар бор. Бундай ихтисослашиш фақат республиканинг ўзи учун эмас, балки бутун Совет Иттифоқи учун ҳам манфаатлидир. Умумиттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекистон асосий пахтакор республика ҳисобланади, мамлакатда етиштирилаётган пахта толасининг 64 проценти унинг улушига тўғри келади. Ўзбекистон меҳнаткашлари ўз интернационал бурчини адо этиб, пахта етиштиришни йил сайин кўпайтирмоқдалар. Пахтакорлар 1979 йилда буюк ғалабага эришдилар: давлатга 5 миллион 762 минг тонна «оқ олтин», шу жумладан 320 минг тонна ингичка толали пахта сотилди. Ингичка толали пахта етиштириш соҳасида республикамиз мамлакатда биринчи ўринда турибди. Ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили ичида СССР халқ хўжалиги ўзбек пахтакорларидан 22 миллион 300 минг тонна ёки планда белгиланганидан 480 минг тонна кўп қимматли техникавий хом ашё олди.

Коммунистик партия билан Совет ҳукумати республикамизда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқдалар. 1924 йилдан 1978 йилгача давлат Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига сарфлаган 25 миллиард 486 миллион сўм пул ирригация қурилишига, янги ерларни ўзлаштиришга, ишлаб чиқаришни химиялаш, электрлаштириш ва комплекс механизациялашга сарфланди. Республика колхоз ва совхозларининг машина-трактор парки беқиёс ўсди: тракторлар миқдори 1965 йилдаги 89,9 мингтадан 1979 йилда 152 мингтага, пахта териш машиналари 21,6 мингтадан 33,5 мингтага, дон комбайнлари 4,7 мингтадан 7,7 мингтага етди ва ҳоказо. 1980 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 1 миллиард 900 миллион сўм сарф қилинади.

Умумиттифоқ меҳнат тақсимотида республикамиз пахтадан ташқари пилла, қоракўл тери, каноп етказиб берувчи асосий манба ҳамдир. Масалан, 1978 йилда давлат 1970 йилдаги 1172 тонна ўрнига 1633 тонна хом ипак олди. 1940 йилга нисбатан дон ҳосили 3,3 баравардан зиёд, шу жумладан шоли 2,8 баравар, сабзавот 5,5 баравар, полиз маҳсулотлари 2,5, ҳўл мева ва резавор мева 4,4, узум 3, каноп ва жут 9,8, тамаки 15,9 баравар кўпайди. Қорамол туёғи 1,9, қоракўл қўйлар 6,7, чўч-

қалар 3,1 баравар ошди. Гўшт етиштириш 3 баравар, сут 4,1, тухум 9,3, жун 3,6, пилла етиштириш 2,8 баравар кўпайди.

Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантиришдаги мана шу ва бошқа муваффақиятларга унинг мамлакатдаги қардош республикалар билан доимий иқтисодий алоқа ўрнатганлиги ва бу алоқа йил сайин мустаҳкамланиб бораётганлиги туфайли эришилди.

Ўзбекистон Совет Иттифоқидаги истисносиз ҳар бир республика меҳнаткашларининг меҳнат самараларидан баҳраманд бўлиб келмоқда. Ўз навбатида Ўзбекистон ССР ҳам мамлакатнинг ҳамма районларига ўз маҳсулотини юбормоқда. Республикалараро ҳамкорлик асосида Ўзбекистонга бу ерда ишлаб чиқарилмайдиган ёки оз миқдорда тайёрланадиган материаллар, машиналар ва асбоб-ускуналар — ёғоч, металл маҳсулот, автомашиналар, металл қирқиш станоклари, бульдозерлар, скреперлар, темирчилик-пресс машина-ускуналари, осма кранлар, буғ қозонлари, тикув машиналари, бензин, дизель ёқилғи, тахта, ойна, кийим-кечак, дон, қанд-шакар ва ҳоказолар келтирилмоқда. Ўзбекистон эса иттифоқдош республикаларга пахта толаси, табиий газ, прокат, трансформаторлар, дизеллар, электр пайвандлаш асбоб-ускуналари, ҳар хил кабеллар, насослар, пилталаш, ип йигириш ва пахта териш машиналари, пахтани қайта ишлайдиган механизмлар, подшипниклар ва кўпгина бошқа маҳсулотларни юбориб турибди.

Ўнинчи беш йилликнинг бажарилиши миллатлараро иқтисодий муносабатларни янада такомиллаштиришга кўмаклашади. Бу эса республикамиз халқ хўжалигининг барча тармоқларини жадал ривожлантиришга олиб боради.

Ҳозирги шароитда партия ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга жуда муҳим аҳамият бермоқда. Социалистик хўжалик системасининг афзалликлари республикага бундай самарадорликка ички ўсиш омиллари ҳисобига ҳам, шунингдек республикалараро меҳнат тақсимоти ҳисобига ҳам эришиш имконини беради. Яхлит халқ хўжалиги комплексида кўп миллатли Совет давлати манфаатларини ҳар бир иттифоқдош республиканинг манфаатлари билан янада тўла-тўкис бирлаштиришга муваффақ бўлинади, мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини оқилона жойлаштириш ва айрим районларнинг хўжалигини ихтисослаштириш таъминланади, бу эса фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга олиб боради. Чунончи, Ўзбекистон ССР саноатида фан ва техника ютуқларини жорий этиш, асбоб-ускуналардан, хом ашё ва материаллардан фойдаланишни яхшилаш, ишлаб чиқариш рентабеллигини ва маҳсулот сифатини ошириш ишлари давом этмоқда. Жами ишлаб чиқариш ҳажмида олий сифат категориясидаги маҳсулотнинг улуши 1979 йилда 1978 йилга нисбатан 25 процент кўпайиб, ҳозир 11,2 процентга етди. 1979 йилнинг охирларида 2000 турдаги саноат маҳсулоти давлат Сифат белгисига эга эди.

Мамлакатнинг яхлит халқ хўжалиги комплексида Ўзбекистон иқтисодий потенциалининг кучайганлиги республикага Совет Иттифоқининг халқаро иқтисодий алоқаларини кенгайтиришга муайян ҳисса қўшиш имконини бермоқда. Ўзбекистон ССР чет элларга кўпгина молларни экспорт қилмоқда ва ўзига керакли маҳсулотни сотиб олмоқда. Республикамизнинг моллари биринчи бор 1932 йилда халқаро бозорга чиқарилган эди, шу молларнинг 80 проценти пахта толаси бўлган эди.

Энди Ўзбекистон чет элларга тўқимачилик машиналари ва химия асбоб-ускуналари, экскаваторлар, насослар, компрессор станциялари, трансформатор подстанциялари, электр ва радиотехника моллари, пахтачилик машиналари, тракторлар, кабель маҳсулоти, киноаппаратлар, электрон ва гидрометеорология асбоблари, дори-дармон, пахта толаси, холодильник, мўйна ва шу кабиларни юбориб турибди. Экспорт қилинаётган молларнинг жами қиймати жиҳатидан Ўзбекис-

тон ССР ҳозирги вақтда Совет Иттифоқида РСФСР ва Украина ССР-дан кейин учинчи ўринда турибди, пахтачилик машиналари комплекси, тўқимачилик асбоб-ускуналари, пахта толаси, қоракўл ва бошқа бир қанча молларни экспорт қилиш соҳасида эса биринчи ўринда турибди. Ҳозир республикамизнинг 220 дан ортиқ корхонаси экспорт қилиш учун ишлаб чиқараётган 130 турдан кўпроқ маҳсулот дунёнинг 60 мамлакатига, шу жумладан Европанинг 16, Осиёнинг 18, Африканинг 18 ва Американинг 8 мамлакатига юборилмоқда. Экспортнинг 70 проценти социалистик мамлакатларга тўғри келади. 1980 йилда экспортга мол юбориш ҳажми республикада 10 процент кўпайди.

Ўзбекистон бошқа иттифоқдош республикалар қатори ривожланаётган давлатларнинг экономикасини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда, миллий кадрлар тайёрлашда уларга ёрдам бермоқда. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети ҳузурида 1961 йилда очилган тайёрлов факультети бу ишда катта роль ўйнамоқда. Осиё ва Африка мамлакатларидан келган йигит ва қизлар бу ерда Совет Иттифоқининг турли шаҳарларидаги олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириш учун рус тилини ўрганмоқдалар. Ҳозир республикамизнинг олий ўқув юртларида Африка ва Осиёнинг 28 давлатидан келган йигит ва қизлар таълим олмоқдалар.

Ўзбекистон ССРнинг чет мамлакатлар билан илмий ва маданий алоқалари йил сайин кенгаймоқда. Республикамиз энг муҳим халқаро анжуманлар ўтказиладиган жой бўлиб қолди, унинг пойтахти — Тошкент эса халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик шаҳри деб ном чиқарди.

Ўзбекистоннинг иттифоқ ичида ва халқаро миқёсда кенг қулоч ёйган алоқалари Коммунистик партиянинг ўнинчи беш йиллик учун белгилаган улуғвор социал-иқтисодий вазифаларини амалга ошириш йўлидаги сифат жиҳатидан янги босқичдир. Келгусида бу алоқалар умумий халқ хўжалиги планларига мувофиқ янада кўпроқ ривожланиб ва такомиллашиб, республикамиз экономикасини узлуксиз ўстиришга, аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражасини оширишга кўмаклашаверади.

ЛЕНИН КООПЕРАТИВ ПЛАНИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

К. ЭШЧОНОВ,
тарих фанлари доктори

И. АЛИМОВ,
тарих фанлари кандидати

В. И. Ленин К. Маркс билан Ф. Энгельснинг назарий меросини, шу жумладан аграр-деҳқонлар масаласига оид таълимотини янги тарихий шароитга татбиқан ривожлантирди ва бойитди. В. И. Ленин ўз асарларида майда деҳқон хўжаликларини йирик коллектив хўжаликларга бирлаштириш объектив иқтисодий зарурат эканини асослади ва қишлоқни социалистик тарзда тубдан қайта қуришнинг конкрет йўллари, методлари ҳамда формаларини кўрсатиб берди.

Ленин таълимотига кўра, қишлоқнинг социализмга ўтиши учун аввало ерни национализация қилиш лозим. Пролетариат диктатураси шароитида «Ерни национализация қилиш ҳам аграр программада албатта бошқача тарзда қўйилиши керак. Чунончи, ерни национализация қилиш — буржуа революциясининг «охирги кашфиёти»гина эмас, балки социализм *сари ташланган қадам* ҳамдир» (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 16-том, 473—474-бетлар).

В. И. Ленин ерни национализация қилишни большевиклар партияси аграр программасини амалга оширишдаги биринчи қадам деб билиб, шундан кейин аграр туб ўзгартишларнинг иккинчи босқичи — ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштириш, ер, меҳнат қуроллари ва меҳнатнинг ўзини бирлаштириш босқичи бошланиши керак деб ҳисоблади. У бундай деб ёзди: «Товар хўжалиги ва капитализм сақланиб қолган тақдирда, майда хўжалик инсониятни *қашшоқликдан қутқаза олмаслигини,*— жамоат ҳисобидан йирик хўжаликка ўтиш тўғрисида *ўйлаш* ва бундай ўтишнинг амалий жиҳатдан мувофиқ тадбирларини оммага ўргатиб ва *оммадан ўрганиб, дарҳол шу ўтишга киришмоқ кераклигини* деҳқонлардан ҳам, айниқса қишлоқдаги пролетар ва ярим пролетардан ҳам яшира олмаймиз» (Тўла асарлар тўплами, 31-том, 306-бет).

Деҳқонларни кооперация орқали социализмга ўтказишнинг бирдан-бир тўғри йўлини В. И. Ленин кўрсатди. Айни вақтда у бу мураккаб ва масъулиятли ишда шошма-шошарликка йўл қўймаслик керак деб огоҳлантирди. «Майда якка деҳқон хўжалигидан ерни биргалашиб ишлашга ўтиш каби бундай ғоят катта тўнтаришлар,— деди В. И. Ленин,— ўн миллионларча кишиларнинг ҳаётида юз берадиган, ҳаёт ва турмушнинг жуда чуқур негизларига тааллуқли бўлган бундай ғоят катта тўнтаришлар,— фақат узоқ вақт меҳнат қилиш орқасидагина вужудга келиши мумкин эканлигини, бундай тўнтаришларни умуман зарурат кишиларни ўз турмушларини ўзгартиришга мажбур қилган вақтдагина амалга ошириш мумкин эканлигини биз жуда яхши биламиз» (Тўла асарлар тўплами, 37-том, 416-бет).

Лениннинг кооператив плани бутун мамлакат, шу жумладан Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини социалистик тарзда қайта қуришнинг асоси

бўлди. В. И. Ленин Совет Шарқининг ўзига хос шароитларида қишлоқ хўжалигини социалистик қайта қуришга ёндашишнинг стратегик ва тактик йўл-йўриқларини ишлаб чиқди. У бундай деб таъкидлади: «...Бутун дунё коммунистик ишчилар ҳаракатининг интернационал тактикасининг бирлиги бу хилма-хилликни, бу миллий айирмаларни йўқотишни эмас (бу — ҳозирги момент учун бўлмағур хаёлдир), балки коммунизмнинг асосий принципларини (Совет ҳокимияти ва пролетариат диктатураси) шундай бир йўсинда қўлланишни талаб этадики, бу қўлланиш жузъий масалаларда бу принципларни тўғри ўзгартира олсин, уларни миллий ва миллий-давлат айирмаларига тўғри татбиқ қила ва қўллана олсин» (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 86-бет). Шундай қилиб, Владимир Ильич илмий социализм принципларини ҳар бир мамлакатнинг миллий хусусиятлари ва тафовутларига мослаштиришни талаб қилди.

Иқтисодий жиҳатдан қолоқ мамлакатларнинг меҳнаткашлар оммасига социалистик қурилиш вазифаларини тушунтириш усуллари тўғрисидаги қоида ҳам Ленин таълимотининг жуда муҳим назарий қоидасидир. Бундай мамлакатлар учун В. И. Ленин социализмга Марказий Россияга нисбатан бирмунча секинроқ, эҳтиёткорроқ, мунтазамроқ ўтишни, шу мақсадда токапиталистик муносабатларни социалистик муносабатларга айлантиришни енгиллатадиган формалар, йўллар, методлардан фойдаланишни зарур деб ҳисоблади.

Шуни айтиш керакки, Туркистон АССРда, Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ва Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР)да аграр масалани ҳал этишнинг ўзига хос хусусиятлари бор эди. Бу ерда октябрь ғалабаси натижасида қилинган революцияларнинг — Туркистондаги социалистик, Хоразм ва Бухородаги халқ-демократик революцияларнинг характери мана шундай хусусиятларни келтириб чиқарган эди. Бироқ, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида бу республикаларда ўтказилган социал-иқтисодий туб ўзгартишларнинг оқибатлари бир хил бўлди, яъни улар токапиталистик муносабатларнинг негизларини қўпориб ташлади ва қишлоқ хўжалигида социалистик укладни мустаҳкамлади, феодализмдан капиталистик ривожланиш босқичини четлаб, социализмга ўтиш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтирди.

Туркистон АССРда подшо қариндош-уруғларининг, йирик помешчиклар ва капиталистларнинг, контрреволюция бошлиқларининг ерлари дастлабки пайтларда мусодара қилиниб, камбағалларга, коммуналарга ва артелларга топширилди. Сўнгра, 1921—1922 йилларда Туркистон республикасида ерислоҳоти ўтказилди, у чор мустамлакачилари билан келгинди қулоқлар деҳқонлардан тортиб олган ерларни меҳнаткаш деҳқонларга қайтариб олиб берди. Бу ислоҳот мустамлака режимининг қолдиқларига қарши қаратилган бўлиб, маҳаллий феодаллар ва бошқа текинхўр унсурларнинг асосий оммасига дахл қилмади. Ислоҳот ердан фойдаланиш соҳасида ҳақиқий миллий тенг ҳуқуқлиликни ўрнатди.

Хоразм ва Бухоро республикаларида биринчи — революцион-демократик босқичда хон ва амирнинг, шунингдек катта амалдорларнинг ерлари ва қишлоқ хўжалик қуроллари национализация қилинди. Ернинг хусусий мулклиги ҳозирча сақланиб қолди, уни сотиб олиш ва сотиш тақиқланмади. Социалистик босқичга ўтилгандан кейин, яъни 1923 йилнинг кузида БХСР ва ХХСРда мачитларнинг вақф ерларидан ташқари ҳамма ерлар национализация қилинди, уни сотиб олиш ва сотиш чеклаб қўйилди, бойларнинг ер-мулк нормаси белгиланди ва уларнинг ёлланма меҳнатдан фойдаланиши устидан назорат жорий этилди.

ХХСР ва БХСРда йирик деҳқонларнинг иқтисодий қудратини чеклаш юзасидан кескин чоралар кўрилди.

БХСР, ХХСР ва Туркистон АССРдаги биринчи аграр ўзгартишлар

ишчилар синфи билан меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлашга, қишлоқдаги камбағал-батраклар табақасининг синфий онгини оширишга, ундаги синфий табақалашувни чуқурлаштиришга ёрдам берди, ер-сув ислоҳотини амалга ошириш учун шароит яратди.

Ўзбекистон КП(б)нинг 1925 йил ноябрида бўлиб ўтган II съезди меҳнаткаш деҳқонларнинг активлиги ўсганини ҳисобга олиб, аввал бошда иқтисодий жиҳатдан бирмунча ривожланган Фарғона, Самарқанд ва Тошкент областларида ер-сув ислоҳоти ўтказиш тўғрисида резолюция қабул қилди. Кейинчалик республиканинг бошқа областларида ҳам шундай ислоҳот амалга оширилди.

1925—1929 йиллардаги ер-сув ислоҳоти феодал, помешчик хўжаликларини тугатди ва қулоқлардаги ортиқча ерларни тортиб олди. Ер олган меҳнаткаш хўжаликларга иш ҳайвони, анжомлар, уруғлик ва пул ссудалари берилди. Ислоҳотни амалга ошириш натижасида қишлоқнинг социал структураси ўзгарди: ер қайта тақсимланиши ҳисобига чоракор ва батраклар жуда камайди, бой-қулоқлар салмоғи анча озайди. Ўртаҳол деҳқон қишлоқдаги марказий фигура бўлиб қолди.

Ер ислоҳоти давомида партия кооперациялаш ғоясининг деҳқонлар оммаси орасига сингишига интилди. 1929 йилда Ўзбекистонда 1888 та пахтачилик, 442 та ғаллачилик, 263 та пиллачилик, 250 та чорвачилик, 205 та мева-узумчилик ширкатлари ишлар эди. Бироқ, кооперациянинг энг оддий формаларидан бирмунча мураккаб формаларига, социалистик типдаги ишлаб чиқариш кооперативларига ўтиш лозим эди.

ВКП(б) нинг 1927 йил декабрида бўлиб ўтган XV съезди коллективлаштириш йўлини бошлади. Деҳқонлар турмушининг бутун укладида улуғ революцияга ҳозирлик кўрила бошланди. Кўпчилик аҳолиси деҳқонлардан иборат бўлган Ўзбекистонда коллективлаштириш оммани социализмга жалб қилишнинг муҳим омили бўлди, бу уларга капиталистик ривожланиш йўлини четлаб ўтишга имкон берди. Ленин кооператив планининг Ўрта Осиё халқлари учун алоҳида аҳамияти ҳам мана шундадир.

Ўзбекистонда коллективлаштириш учун моддий-техникавий ва сиёсий шароитларни яратишга рус ишчилар синфи ёрдам берди. 1925—1930 йилларда мамлакатнинг марказий районларидан 171 мингтадан ортиқ плуг ва чигит экадиган сеялка, бошқа қишлоқ хўжалик қуроллари олинди. Партия қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланишнинг ўша вақт учун энг қулай формасини топди, бу форма машина-трактор станциялари эди. Булар қишлоқда чинакам социализм масканлари бўлиб, ишчилар синфининг деҳқонларга бевосита ташкилий ва ишлаб чиқариш-техникавий ёрдамини таъминлади. Ўзбекистонда дастлабки машина-трактор станциялари 1929 йил кузида ташкил этилди ва келгуси йилдаёқ уларнинг сони 48 тага етди, улар ихтиёридаги тракторлар эса 3 мингтадан ошиб кетди.

Партиянинг қарорига биноан 25 минг ишчи колхоз ҳаракатининг ташкилотчи ва раҳбарлари сифатида қишлоққа юборилди. Йигирма беш мингчилардан 433 киши мамлакатнинг саноат марказларидан Ўзбекистонга келиб, қишлоқда партия йўлини садоқат билан ўтказди.

РСФСР марказий районлари ишчиларининг Ўзбекистон айрим районларини оталиққа олиши кенг ривож топди. Масалан, Москва тўқимачилари Қашқадарё округига, Ленинград ишчилари Хоразмга, Иваново-Вознесенск тўқимачилари Фарғонага оталиқ қилдилар. Улар техника сотиб олиш учун маблағ ажратиб бердилар, техника ремонтида ёрдамлашдилар, аҳолининг саводини чиқаришда қатнашдилар.

1929 йил охирларида Ўзбекистоннинг камбағал ва ўртаҳол деҳқонлари оммавий коллективлаштириш йўлига кирдилар. Партия уларнинг талабларига жавобан қулоқларни чеклаш ва сиқиб чиқариш сиёсатидан уларни синф сифатида тугатиш сиёсатига ўтди. 1933 йилда Ўзбекистон-

даги деҳқон хўжаликларининг тўртдан уч қисмидан кўпроғи колхозларга бирлашди.

Ўзбек қишлоқларини социалистик тарзда қайта қуриш иккинчи беш йиллик давомида ниҳоясига етказилди. Колхоз тузумининг ғалабаси натижасида қишлоқнинг социал структурасида туб ўзгаришлар содир бўлди. Эксплуататор синфлар — феодаллар, бойлар, қулоқлар тугатилди. Батраклар, камбағал ва ўртаҳол деҳқонлар колхозчи деҳқонларга, МТС ва совхозларнинг ишчиларига, қишлоқ зиёлиларига айландилар.

КПСС МК Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев колхозчиларнинг Бутуниттифоқ III съездида 1969 йил 25 ноябрда сўзлаган нутқида СССРдаги колхоз тузуми ғалабасининг сиёсий, иқтисодий ва социал аҳамиятини яққол ва чуқур очиб бундай деди:

«Колхоз тузумининг совет деҳқонлари ва бутун мамлакатимиз тақдиридаги буюк тарихий ролига ҳар қанча катта баҳо берса ҳам арзийди.

Сиёсий нуқтаи назардан олиб қараганда, колхоз тузуми Совет давлатини ва бу давлатнинг асосий негизи бўлган ишчилар билан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлади, ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқаришда, умумдавлат ишларини ҳал этишда деҳқонларнинг иштироки учун шарт-шароит бўлишини таъминлади.

Иқтисодий нуқтаи назардан олиб қараганда, колхоз тузуми йирик ишлаб чиқариш неъматларини социализм ва коммунизмга хизмат қилдирди, қишлоқ хўжалигини замонавий индустриал асосда ривожлантириш учун имконият туғдирди.

Социал нуқтаи назардан олиб қараганда, колхоз тузуми меҳнаткаш деҳқонларни эксплуатация ва қашшоқликдан халос қилибгина қолмай, балки қишлоқда ижтимоий муносабатларнинг янги системасини ҳам ўрнатишга ёрдам берди. Ана шу ижтимоий муносабатлар совет жамиятидаги синфий тафовутларни тамомила бартараф қилишга олиб бормоқда» (Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар, 2-том, «Ўзбекистон» нашриёти, 1970, 550-бет).

Коллективлаштириш қишлоқдаги ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга кенг йўл очди. У Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини илгари орзу қилиб ҳам бўлмайдиган даражага кўтарди.

Колхоз тузуми ғалаба қилиши билан пахтачиликни жадал ривожлантириш учун катта имкониятлар вужудга келди. Коммунистик партия билан Совет ҳукумати пахтачиликка жуда зўр эътибор бердилар. Бу тасодиф эмас эди: пахта Ватанга ғалла, металл, кўмир, нефть каби зарур эди.

Ўзбекистонда пахта етиштириш йил сайин кўпайди, унинг ҳосилдорлиги ошди. 1940 йилда республика колхоз ва совхозлари 1 миллион 386 минг тонна пахта етиштирган бўлсалар, 1960 йилда 2 миллион 823 минг тонна, 1965 йилда эса 3 миллион 746 минг тонна пахта етиштирдилар. 1940—1960 йилларда пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги гектар бошига 15 центнердан 20,4 центнерга кўтарилди. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси муттасил мустаҳкамланди.

Бироқ, бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ҳам бир қанча сабабларга кўра социалистик саноатнинг ва халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг гуркираб ривожланишидан орқада қолаётган, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва саноатнинг хом ашёга бўлган ва ошиб бораётган эҳтиёжларини қондирмаётган эди.

КПСС МК 1965 йил март Пленуми мамлакатимиз меҳнаткашларини қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг чинакам илмий программаси билан қуроллантирди. У ҳозирги ленинча аграр программа асосларини ишлаб чиқди, «ишлаб чиқаришни ўстиришни рағбатлантирадиган иқтисодий шарт-шароитларни вужудга келтириш, шу жумладан тайёрлашнинг янги тартибини ўрнатиш, ажратиб бериладиган капитал маблағларни кескин кўпайтириш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, химиялаш ва

ерларни мелиорациялаш юзасидан узоқ вақтга мўлжалланган комплекс программани амалга ошириш, қишлоқ хўжалик фанини ривожлантириш, ташкил этиш ва бошқариш формаларини такомиллаштириш» бу сиёсатнинг энг муҳим вазифалари бўлиб қолди (Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар, 4-том, «Ўзбекистон» нашриёти, 1974, 494-бет).

Март Пленуми колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, иқтисодий воситалардан, моддий ва маънавий омиллардан эпчиллик билан фойдаланиш асосида уларни ривожлантиришнинг комплекс программасига пойдевор қўйди. Бу Пленум қишлоқ меҳнатчиларининг фаровонлигини ошириш, қишлоқ хўжалик меҳнатини индустриал меҳнатнинг бир турига айлантириш, хўжаликлараро ва давлат кооперациясини ривожлантириш, аграр-саноат комплексларини вужудга келтириш соҳасидаги катта тадбирларни амалга оширишга асос солди.

Лениннинг қишлоқ хўжалигини интенсивлаш назарияси партия иқтисодий сиёсати ҳозирги аграр йўлининг асоси бўлди. КПСС МҚ 1965 йил март Пленумида ривожлантирилган бу сиёсат КПСС XXIII, XXIV ва XXV съездларида, партия Марказий Комитетининг 1966 йил май, 1968 йил октябрь, 1970 ва 1978 йиллардаги июль Пленумларида чуқурлаштирилди.

Партия белгиланган йўлга қатъий амал қилиб, қисқа муддат ичида кўпдан-кўп аграр проблемаларни ҳал этишга муваффақ бўлди. Мамлакат қишлоқ хўжалиги иқтисодий социал ривожланиш соҳасида олға томон катта қадам қўйди.

Ўзбекистон колхоз ва совхозларининг моддий-техника базасида сифат жиҳатдан зўр силжиш рўй берди. Партия республика қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига сарфланадиган капитал маблағ ҳажмининг мунтазам ошиб боришини таъминлади. Еттинчи беш йилликда бу соҳага 2,7 миллиард сўм, саккизинчи беш йилликда 4,8 миллиард сўм, тўққизинчи беш йилликда 8 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланган бўлса, ўнинчи беш йилликнинг тўрт йилида 8,5 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. 1980 йилда республика қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга ишларнинг бутун комплекси бўйича 1 миллиард 900 миллион сўм ажратилади. Бундан ташқари колхозлар маблағи ҳисобидан қурилиш ишларига 410 миллион сўм сарф қилинади.

Республика қишлоқ хўжалигининг энергетика қуввати 1965 йилдаги 8,7 миллион от кучидан 1978 йилда 19,5 миллион от кучига етди ёки 2,3 баравар кўпайди. Ҳар бир ходимга тўғри келадиган машина-механизмлар 2 баравар ортди. Ўнинчи беш йилликнинг ўзида бу кўрсаткич 26 процент кўтарилиб, энди пахтачиликдаги ҳар бир ходимга 20 от кучига баравар машина-механизми тўғри келади.

Ўзбекистонда ерларни химиялаш ва мелиорациялаш жаҳон практикасида мисли кўрилмаган миқёсда ривожланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалигига минерал ўғит етказиб бериш 1965 йилдаги 2,5 миллион тоннадан 1978 йилда 5,6 миллион тоннага етди ёки 2 баравардан зиёд кўпайди. 1966—1978 йилларда салкам 1,8 миллион гектар янги суғорилган ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилди, 2,5 миллион гектар ернинг сув таъминоти оширилди ва суғориш системалари реконструкция қилинди, 1,5 миллион гектар суғориладиган ернинг мелиорация ҳолатини яхшилаш ва 1 миллион гектар ерни яхшилаб текислаш тадбирлари ўтказилди.

Қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқарувчи кучларидаги мана шу миқдор ва сифат силжишлари — республикада қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини муттасил юксалтиришга имкон берадиган аграр-саноат комплексини барпо этиш соҳасида Ўзбекистон Компартиясининг узоқ вақт сабот билан қилган ишлари натижасидир. Кейинги йилларда рес-

публикада сув хўжалиги ва мелиорация, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, ем-хашак етиштириш ва минерал ўғит саноати сингари йирик тармоқлар аслида қайтадан ташкил этилди. Бу эса қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни юксалтиришда социалистик индустриянинг ролини тағин ҳам кўпроқ оширди. КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов республика Компартияси МК X пленумида (1978 йил июль) бундай деб уқтирди: «Ҳозирги вақтда пахтачиликни механизациялашда янги босқич бошланди. Бу босқич ғоят бақувват МТЗ-80Х тракторини ишлатиш билан боғланган... Конвейерга қўйиладиган пахта териш машиналари тўкилиб қолган пахтани қўлда теришга эҳтиёж қолдирмайди ва ҳосилни яруслаб териб олишни таъминлайди. Ингичка толали навларни терадиган машиналар, машинада териб олинган пахтани қоп-қанорсиз ташувчи трактор поездлари ва бошқа замонавий техника кўплаб ишлаб чиқарила бошланди». Ўнинчи беш йилликнинг уч йили ичидагина республикада қишлоқ хўжалик машиналарининг 20 та янги типи яратилди.

Ўзбекистон ССРнинг асосий пахта базаси бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва шундай бўлиб қолади. Ҳозир у бутун иттифоқда етиштирилаётган пахтанинг учдан икки қисмини бериб турибди. Кейинги 15 йил мобайнида ялпи пахта ҳосили республикамизда икки миллион тоннадан зиёд кўпайди. Бунга аввало суғориладиган ерларнинг ҳосилдорлигини анча ошириш туфайли эришилди: пахта ҳосилдорлиги 1964 йилдаги 22,6 центнердан 1979 йилда 31,5 центнерга етди.

Ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили мобайнида Ўзбекистон Ватанга 22,3 миллион тонна, яъни пландагидан 490 минг тонна кўп пахта берди. Бултур 5 миллион 762 минг тонналик рекорд «оқ олтин» ҳосили олинди, унинг 62 проценти машинада терилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1979 йил июнида бўлиб ўтган ва «Партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумининг пахтачиликда алмашлаб экишни ўзлаштириш ва комплекс механизацияни ниҳоясига етказиш соҳасидаги қарорларини бажариш борасида республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги масалани муҳокама қилган XIII пленуми 1980 йилда пахтани машинада териш даражасини 75—80 процентга етказиш вазифасини ўртага қўйди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари ўнинчи беш йилликда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришда ҳам катта натижаларга эришдилар. Ўзбекистон КП МК XV пленумида уқтириб ўтилганидек, мамлакат беш йилликнинг 4 йили ичида 3 миллион 897 минг тонна дон олди, гўшт харид қилиш йиллик ҳажми тўққизинчи беш йилликка нисбатан 25 процент, сут 36, тухум 58 процент кўпайди.

Қишлоқдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг гуркираб ривожланиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишга принципиал янгича ёндашишни, чунончи: уни янада чуқурроқ ихтисослаштиришни, фан-техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланиш мақсадида хўжаликларнинг куч-ғайратларини бирлаштиришни объектив равишда талаб қилди. КПСС Марказий Комитетининг шу масала юзасидан қабул қилган қарорида (1976 йил май) уқтириб ўтилганидек, кенг миқёсда кооперациялаш негизида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва кооперациялаш — социалистик қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг бош йўлидир. Ленин кооператив плани ғояларини ривожланган социализм шароитида амалий равишда рўёбга чиқаришнинг янги босқичидир.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва концентрациялаш кенг жабҳа бўйлаб олиб борилмоқда. Кейинги ўн йилда сут ва гўшт етиштирадиган 161 та саноат комплекси, қорамол

боқиб семиртирадиган ва ғунажин етиштирадиган 100 та хўжаликлараро корхона, 36 та паррандачилик фермаси ва паррандачилик совхози ишга туширилди.

Хўжаликлараро алоқалардан ташқари аграр-саноат интеграцияси шаклидаги тармоқлараро алоқаларни ҳам ривожлантириш тобора катта аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонда бу нарса мева, сабзавот ва узум етиштириш ҳамда қайта ишлаш соҳасида биринчи бор жорий этила бошлаган эди. 1975 йилда тузилган «Узплодоовощвинпром» бирлашмасига 102 та вино ва 9 та консерва заводи, 152 та сабзавотчилик, боғдорчилик ва токчилик совхози ҳамда совхоз-заводларни лойиҳалаш институти киритилди. Ҳозирги вақтда республикада 20 тадан ортиқ ишлаб чиқариш-аграр ва иккита илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ишлаб турибди.

Қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, фан-техника тараққиёти меҳнат шароитларини тубдан яхшилашга олиб бормоқда. Қишлоқ хўжалик меҳнати тобора ижодий тус олиб, саноат ишчиларининг меҳнати билан умумий белгилар касб этмоқда, бу эса кадрларга нисбатан юксак талаблар қўймоқда.

Ҳозир республика қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши тармоқларида 160 дан ортиқ касб ва ихтисос соҳиблари меҳнат қилмоқдалар, механизаторлар эса 218,6 минг кишидан ошиб, 1965 йилдагига нисбатан 1978 йил 1 апрелида 1,9 баравар кўпайди. КПСС МК 1965 йил март Пленумидан кейин Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида ишловчи барча ходимлар орасида олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар салмоғи уч баравардан зиёд ортди.

Бироқ, мутахассислар тайёрлаш суръатлари жадаллашиб, бораётганига қарамай, қишлоқда ҳамон мутахассислар етишмаяпти. Чунончи, 1978 йил 1 апрелигача бўлган маълумотларга кўра, Ўзбекистон ССР колхозларида раҳбар ходимлар ва мутахассисларнинг 49,3 проценти дипломли эди, уларнинг 17,4 проценти олий ва 31,9 проценти ўрта махсус маълумотли эди, совхозларда эса раҳбар ходимлар ва мутахассисларнинг 51,9 проценти дипломли бўлиб, улардан 19,6 проценти олий ва 32,3 проценти ўрта махсус маълумотли эди.

Кадрларнинг малакаси, уларнинг ишлаб чиқаришни фан ва илғор тажриба ютуқлари асосида бошқариш маҳорати эндиликда қишлоқ хўжалиги самарадорлигини, бутун иш сифатини ошириш учун жуда катта аҳамият касб этади. Шу сабабли КПСС МК 1978 йил июль Пленумида қишлоқ экономикасини юксалтириш билан айни бир вақтда ундаги меҳнатчиларнинг профессионал ва маданий савиясини ошириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилиш, қишлоқда ҳам шаҳардагидек турмуш, иш, дам олиш ва ўқиш шароитларини яратиб бериш зарурлиги уқтириб ўтилди.

КПССнинг қишлоқ меҳнатчилари моддий аҳволини муттасил яхшилаш тўғрисидаги принципиал йўл-йўриқлари партиянинг қишлоқни социал ривожлантириш тўғрисидаги зўр ғамхўрлигидан далолат беради. Партиянинг социал соҳада белгилаган тадбирлари колхозларда меҳнат кунидан меҳнатга пул билан гарантияланган ҳақ тўлашга ўтилишида, совхоз ишчиларининг иш ҳақи оширилишида, колхозчилар учун пенсия таъминоти жорий этилишида ўзининг конкрет ифодасини топди. Ўзбекистонда 1965—1977 йилларда колхозлардаги ижтимоий истеъмол фондлари 3 баравар ортди, совхоз ишчиларининг меҳнат ҳақи 1,4 баравар, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи 1,6 баравар кўпайди. 1977 йилда қишлоқ хўжалиги ходимларининг пул билан оладиган ўртача ойлик иш ҳақи 136,3 сўмга етди.

Партия қишлоқ меҳнатчилари фаровонлигини янада ошириш билан бирга уларнинг маданий-маиший шароитларини муттасил яхшиламоқда. Ўнинчи беш йилликнинг тўрт йилидагина республикамизнинг қиш-

лоқ жойларида 9 миллион квадрат-метрга яқин уй-жой, 371 минг ўринли мактаблар, 78 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 250та кинотеатр, клуб, маданият саройлари, касалхоналар қурилди. Маиший хизмат корхоналари тармоғи анча кенгайтирилди — энди уларнинг сони 10,5 мингтадан ошиб, 1965 йилдагига нисбатан деярли 6 мингта кўпайди. Бу эса қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган маиший хизмат ҳажмини анча ошириб, 1965 йилдан 1978 йилгача 4,5 баравар кўпайтириш ва 109 миллион сўмликка етказиш имконини берди. «Партиянинг, Совет давлатининг социал сиёсати,— деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев,— ҳозирги замон техникаси ва фани негизида деҳқон меҳнати билан ишчи меҳнати характерини бир-бирига тобора яқинлаштиришдан, қишлоқ ҳаётини ободонлаштиришдан, қишлоқнинг турмуш маданиятини оширишдан иборат. Ана шуларнинг ҳаммаси шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, ишчилар синфи билан деҳқонлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-маиший тафовутларни аста-секин йўқотишга амалий равишда олиб боради» (Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар. 2-том, 645-бет).

Социалистик жамиятнинг янги шароитлари ва эҳтиёжларини ифодаловчи КПССнинг ленинча аграр сиёсати тўғрилигини турмуш яққол исботлаб турибди. Илмийлик ва реалистиклик — бу сиёсатнинг ўзига хос хусусиятларидир. Ленинча тушунчадаги илмий ёндашиш ижтимоий турмушнинг ҳамма жараёнлари ва ҳодисаларини ўзаро боғлаб ва ўзаро шартлаштириб чуқур анализ қилиш ва эътиборга олишни билдиради — партия ишлаб чиққан аграр сиёсат айни шу талабга мос бўлиб тушади. Бу сиёсат воқеликнинг реал фактларини, социалистик экономиканинг эришилган даражасини, социалистик ишлаб чиқариш ва мамлакатнинг турли зоналари хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олади.

Партиянинг қишлоқдаги ҳозирги сиёсати марксизм-ленинизм аграр-назариясининг янги тарихий шароитлардаги ижодий ривожидир. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС МК 1978 йил июль Пленумида бундай деб уқтирди: «...XX аср тарихи, совет деҳқонларининг қаҳрамонона йўли, шунингдек бошқа социалистик мамлакатлар деҳқонларининг йўли деҳқонлар масаласини тўғри ва адолатли ҳал этиш учун бирдан-бир тўғри йўл — қишлоқда социализм қуриш йўли борлигини, бирдан-бир ҳақиқий фан — аграр-деҳқонлар масаласи хусусидаги марксча-ленинча таълимот борлигини яққол исбот этди».

ПАРТИЯНИНГ ЛЕНИНЧА КАДРЛАР СИЁСАТИ

Ш. ЗИЁМОВ,
тарих фанлари кандидати

ПАРТИЯМИЗ КОММУНИСТИК жамият қуриш учун курашда ўз раҳбарлик ролини амалга ошира бориб, кадрлар билан ишлашга жуда катта аҳамият бермоқда. Бу қонуний бир ҳолдир, чунки ҳар қандай планларни, шу жумладан партия сиёсатини, унинг бош йўлини амалга оширишда эришиладиган муваффақият оқибат натижада кадрларнинг ғоявий етуклигига, малакасига, ишчанлигига, ташаббускорлигига, ўз ишига ижодий ёндашишига боғлиқдир.

В. И. Ленин кадрлар билан ишлашга Коммунистик партиянинг энг муҳим ташкилотчилик функцияси деб қараган эди. Шу муносабат билан Владимир Ильич пролетар марксистик партияни ташкил этиш вазифаси билан бир вақтда ишчилар синфининг революцион курашини ташкил этишга ва унга раҳбарлик қилишга қодир бўлган кишиларни тарбиялаш проблемасини ҳам биринчи даражали вазифа сифатида олдинга сурди. «Ҳаракатни уюштира оладиган ва бу ҳаракатга раҳбарлик қила оладиган ўз сиёсий йўлбошчиларини, ўз илғор вакилларини етиштирмаган ҳеч бир синф тарихда ҳукмрон бўла олган эмас» (Тўла асарлар тўплами, 4-том, 433-бет), деб кўрсатган эди В. И. Ленин.

КПСС Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, ўз кадрлар сиёсатини ишлаб чиқмоқда ва амалга оширмоқдаки, бу сиёсат қудратли восита бўлиб, партия у орқали ижтимоий тараққиётга таъсир кўрсатмоқда, у ёки бу босқичда бу сиёсатнинг партия ва совет халқи олдида турган конкрет вазифаларни ҳал этишга янада яхшироқ кўмаклашувига эришмоқда.

КПСС МК октябрь (1964 йил) Пленумидан кейин ўтган вақт ичида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш борасида айниқса кўп иш қилинди. Партия XXIII, XXIV, XXV съездлари, партия Марказий Комитети пленумларининг, КПСС МКнинг қарорлари шундан далолат беради, улар Коммунистик партиянинг ҳозирги шароитда кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масаласига комплекс ёндашаётганлигини кўрсатади. Бунда КПСС В. И. Лениннинг кўпгина асарлари, хатлари, ҳужжатларида илмий жиҳатдан асослаб берилган ва Коммунистик партиянинг съезд ҳамда конференциялари, МК пленумлари қарорларида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг асарлари, «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» хотира китобларида, Коммунистик партия ва Совет давлати бошқа раҳбарларининг нутқлари ҳамда назарий асарларида янада ривожлантирилган кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш принципларига суянади.

В. И. Ленин таълим бериб айтган эдики, «... ҳақиқий ташкилотчиларни, яхши ўйлаб иш қиладиган, ишнинг кўзини биладиган, социализмга садоқатли бўлиш билан бирга жуда кўп кишининг совет ташкилоти доирасида аҳил бўлиб, биргалашиб, пухта ишлашини жимгина

(тўс-тўполон ва шовқин-суронга парво қилмасдан) йўлга қўя оладиган кишиларни мумкин қадар эҳтиётлик ва чидам билан синаб, билиб олишга ҳаракат қилаверамиз. *Фақат* ана шундай кишиларни, ўн марта синаб кўргандан кейин, энг оддий вазифалардан энг қийин вазифаларга кўчира бориб, халқ меҳнатига раҳбарлик қилиш, идора ишларига раҳбарлик қилиш сингари масъул вазифаларга кўтармоқ керак» (ТАТ, 36-том, 219-бет). Бу ленинча қоидадан шу нарса келиб чиқадики, кадрларга объектив ва ҳар томонлама баҳо беришда ходимнинг сиёсий қиёфасини ҳам, ишчанлик фазилатларини ҳам баб-баравар ҳисобга олиш муҳимдир. Шундай қилиб, кадрларни сиёсий ва ишчанлик фазилатларига қараб танлаш ва жой-жойига қўйиш принципи энг муҳим ленинча принциплардан бири бўлиб, КПСС уни изчил амалга ошириб келмоқда. Бу талаб КПСС Уставида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, унда шундай дейилган: партия аъзоси «партиянинг кадрларни уларнинг сиёсий ва ишчанлик сифатларига қараб танлаш йўлини оғишмай амалга ошириши лозим. Кадрларни танлаш ва тарбиялашнинг ленинча принциплари бузилган ҳолларнинг ҳаммасида муросасиз бўлиши лозим».

Етук социализм шароитида раҳбар лавозимларга кўтариладиган ходимларнинг сиёсий, ишчанлик, ахлоқий сифатларига, уларни танлаш, тақсимлаш ва тарбиялаш бутун ишининг қўйилишига бўлган талаб муттасил ортиб боради. Кадрлар сиёсати бу муҳим жиҳатининг ҳозирги босқичда актуал бўлиб қолишининг боиси шундаки, КПСС-нинг коммунистик қурилишдаги раҳбарлик роли ошиб бормоқда, унинг вазифалари ортиб, янада мураккаблашмоқда.

Партия «сиёсий сифатлар» деган тушунчага қуйидаги мазмунни жо этади: чуқур ғоявий эътиқод, унинг асосини марксча-ленинча назарияни билиш ташкил этади; интернационализм ва совет ватанпарварлиги; буржуа идеологияси кўринишларига, оппортунизмга, ревизионизмга, ўтмиш сарқитларига нисбатан муросасизлик; ижтимоий ҳодисаларни баҳолашга партиявий, синфий муносабатда бўлиш; партия сиёсатини, Совет давлати манфаатларини тўғри тушуна билиш, уларни амалга ошириш учун фидокорона кураша олиш қобилияти; ижтимоий бурчни чуқур англаш; партия ва давлат интизомига қатъий риоя қилиш. Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, сиёсий саводхонлик даражаси кадрларнинг сиёсий жиҳатдан қанчалик чиниққанлигини доим ҳам англатавермайди. Марксча-ленинча назарий билим ўз шахсий эътиқодига, кундалик ҳаёт принципига айланган кишинигина чинакам сиёсий етук ходим деб ҳисоблаш мумкин.

Юксак маънавий фазилатлар: ижтимоий ва шахсий ҳаётда хулқ-атвор нормаларининг бирлиги; маънавий поклик; меҳрибонлик, ғамхўрлик, меҳнаткашларга, уларнинг эҳтиёж ва талабларига диққат билан қараш; қўполлик, ғаразгўйлик, инжиқлик ва манманликка йўл қўймаслик, коллективда ижодий кайфият, зарур маънавий-психологик иқлим, дўстона, аҳил бўлиб ишлаш, хайрихоҳлик, собитқадамлик вазиятини ярата олиш ҳар бир ходим сиёсий қиёфасининг ажралмас қисмидир.

Кадрлар фаолиятида маънавий факторлар аҳамиятининг тобора ўсиб бораётганлиги КПСС МКнинг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида алоҳида таъкидлаб ўтилди. «Раҳбарларнинг, хўжалик кадрларининг ишига баҳо берганда ишлаб чиқариш планларининг бажарилишига доир кўрсаткичларнигина эмас, коллективдаги интизом даражасини, маънавий-сиёсий иқлимни, меҳнат ва турмуш шароитларини ҳам эътиборга олиш зарур».

Лекин кадрларни баҳолашга сиёсий жиҳатдан ёндашиш бирданбир ва мукаммал мезон эмас, чунки сиёсат конкрет иш билан боғлиқ бўлиб, унда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам ишчанлик фазилати,

компетентлик — раҳбар учун жуда муҳим бўлган фазилатлардир. «Идора қилмоқ учун омилкор бўлиш керак,— деб таъкидлаган эди В. И. Ленин,— ишлаб чиқаришнинг ҳамма шарт-шароитларини мукаммал ва аниқ билиш керак, бу ишлаб чиқаришнинг ҳозирги даражадаги техникасини билиш, маълум илмий маълумотга эга бўлиш керак» (ТАТ, 40-том, 248-бет).

Коммунистик қурилиш вазифалари ниҳоятда мураккаблашиб кетган, ўсишнинг интенсив, сифат омиллари, иқтисодий ва социал жараёнларни бошқаришни такомиллаштириш, ягона хўжалик организми барча бўғинларининг бир меъёрда, аниқ ишлашини таъминлаш масалалари биринчи ўринга қўйилган етук социализм шароитида КПСС кадрларнинг ишчанлик фазилатларига бўлган талабни анча оширмоқда. Партиянинг кадрлар билан ишлаш масалаларига оид жуда кўп ҳужжатлари шундан далолат беради. КПСС МК, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Халқ хўжалигида меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар қўнимсизлигини камайтириш тўғрисида»ги қарори бунга яна бир мисолдир.

Бугунги совет раҳбарини бошқалардан фарқ этиб туриши лозим бўлган ишчанлик сифатлари партия ҳужжатларида аниқ белгилаб берилган. Булар — юксак назарий тайёргарлик; ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг илмий асосларини чуқур билиш, бошқаришнинг иқтисодий методларини эгаллаш, қўйилган вазифаларни ҳал қилишга илмий ёндашиш; анализ қила билиш, умумлаштира олиш қобилияти, ишдаги асосий, муҳим жиҳатларни кўра билиш, юз бераётган проблемаларни ҳал этишнинг пировард натижаларини олдиндан кўра олиш, ўсишнинг интенсив, сифат омилларидан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш; ишни охиригача етказишда собитқадам бўлиш ва матонат кўрсатиш; топширилган иш учун юксак масъулият туйғусини, онгли интизом, ижрочилик, ҳалоллик, батартиблик, ташаббускорлик, мустақиллик ва дадиллик, новаторлик, ишга ижодий ёндашиш, ҳар бир янгиликни, илғор тажрибани, қимматли ташаббусни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантира олишни тақозо этувчи коммунистик омилкорлик; омма билан алоқада бўлиш, оммадан ўрганиш ва унга ўргатиш қобилияти; коллективда аҳил, дўстона, ишчанлик ва ижодий вазиятни ярата олиш ва ҳоказо.

В. И. Ленин таъкидлаб ўтганидек, ишчанликнинг асосий шартларидан бири компетентликдир. Лекин ҳаётда шундай одамлар учрайдики, улар у ёки бу конкрет ишнинг ўзига хос томонларини ипидан-игнасигача биладиган, компетентли кишилару, лекин улар айни вақтда ўзларига топширилган ишни ёмон бажарадилар. Шунинг учун ҳам кишининг билим даражаси, тажрибаси ва бошқа фазилатларига эътибор берганда, унинг ўз билимини амалда қўллай олиш, партия йўлини муваффақиятли амалга ошира олиш қобилиятини ҳам ҳисобга олиш керак.

Уртоқ Л. И. Брежнев ҳозирги раҳбарнинг қандай бўлишини таърифлаб, КПСС XXV съездида шундай деган эди: «Ҳозирги раҳбар ўзида партиявийликни ишнинг кўзини яхши билиш билан, интизомни ташаббус ва ишга ижодий ёндашиш билан бирга қўшиб олиб бориши лозим. Шу билан бирга раҳбар ҳар бир соҳада социал-сиёсий, тарбиявий жиҳатларни ҳам эътиборга олиши, кишиларга, уларнинг эҳтиёж ва талабларига сезгирлик билан қараши, ишда ва турмушда ўрнак бўлиши лозим».

Ходимнинг сиёсий ва ишчанлик фазилатларини тарозига солиб кўрганда, уларни бир-биридан ажралган ҳолда эмас, балки ягона бирликда, ўзаро боғлиқликда кўриш жуда муҳимдир. Мана шу икки сифат биргаликда олингандагина кишига объектив баҳо бериш, уни қаерда ва ундан қандай қилиб яхшироқ фойдаланиш масаласини тўғри ҳал этиш имконини беради.

Коммунистик партия, унинг Марказий Комитети кадрларни жонли, кундалик амалий ишда ўрганиш ва текшириб кўриш, бу процессни партия ҳамда ҳукумат қарорларининг ижросини текшириш билан узвий боғлаш юзасидан партия ташкилотларига доим йўл-йўриқ кўрсатиб туради.

КПСС XXV съезди ўнинчи беш йиллик планларидан келиб чиқувчи кадрлар сиёсати соҳасидаги янги вазифаларни белгилаб берди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Марказий Комитет номидан қилган Ҳисобот докладида бу сиёсатнинг ҳозирги босқичдаги мазмуни чуқур очиб берилди, КПСС XXIII ва XXIV съездлари илгари сурган асосий қоидалар тасдиқланди ва янада ривожлантирилди.

Съезд жуда кенг кўламда олиб борилаётган хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларидан, гуркираб ривожланаётган фан-техника революцияси талабларидан келиб чиқиб, халқ хўжалигининг амалий иш тажрибасига эга бўлган, сиёсий етук, ташаббускор мутахассисларини раҳбарлик лавозимларига кўтариш ишини кучайтиришга, коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларини ана шундай кадрлар билан мустаҳкамлашга чақирди.

Партиянинг бу кўрсатмаларини амалга ошириш учун жойларда жуда кўп иш қилинди. Масалан, Ўзбекистонда область партия комитетларининг ҳамма секретарлари олий маълумотли кишилардир. 1978 йилда уларнинг 65 проценти саноат, қишлоқ хўжалик мутахассислари эди, кўпчилик қисми партиявий-сиёсий билимга эга. Шаҳар ва район партия комитетлари секретарларининг 98,9 проценти олий маълумотга эга, шу жумладан 45 проценти инженер-экономист, агроном, зоотехник, ветеринария врачларидир.

Шубҳасиз, республикада илгари аҳвол бутунлай бошқача эди. Ўзбекистон Компартияси раҳбарлик даражасига нисбатан талабнинг кун сайин ошиб бораётганлигини ҳисобга олиб, партия, совет, хўжалик ва бошқа кадрларнинг сифат составини янада яхшилаш ишини муттасил такомиллаштириб бормоқда.

Партиянинг ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонларнинг пухта тайёргарлик кўрган вакилларини раҳбарлик лавозимларига кўтариш йўлини изчил амалга ошираётгани принципиал аҳамиятга эгадир, ўшалар орасидан мамлакатимизда оммани ўз орқасидан эргаштириб бора оладиган, меҳнаткашларни белгиланган планларни бажаришга руҳлантира оладиган талантли ташкилотчиларнинг кўп мингли отряди етишиб чиқди. Партия мана шундай ўсиш учун ҳамма қулай шароитларни яратиб бериш тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келмоқда. Сайланадиган партия органларида ҳам ишчи ва колхозчиларнинг вакиллари кенг қатнашмоқда. Уларнинг район, шаҳар, область партия комитетлари ва Ўзбекистон Компартияси МК аъзолари ва аъзолигига кандидатлар орасидаги сони ҳам анча ортди, улар ҳамма шаҳар ва район, кўпгина область партия комитетлари бюро составига киради. Бошланғич партия ташкилотлари секретарлари ва бюро аъзолари орасида ҳам ишчи ҳамда колхозчилар сони муттасил ортиб бормоқда. Бу сайланадиган партия органлари обрў-эътиборининг ошишига, уларнинг кенг меҳнаткашлар оммаси билан алоқасининг мустаҳкамланишига, коммунистик қурилишнинг барча участкаларида партиявий таъсирнинг кучайишига ёрдам бермоқда.

КПСС социалистик миллатларнинг гуллаб-яшнаши ва бир-бирига яқинлашувига қаратилган сиёсатни амалга оширар экан, миллий кадрларни тайёрлаш ва тарбиялаш ишига катта аҳамият бермоқда. Совет жамиятида бошқаришнинг ҳам марказий, ҳам маҳаллий органларидаги ҳар қандай лавозимда барча миллат ва элат вакиллари ишлаши мумкин.

Республикалардаги бошқарув аппаратида, одатда, кўпроқ туб

миллат вакиллари ишлашади. Шу билан бирга, на марказда, на жойларда миллий белги ишчанлик, сиёсий ва маънавий сифатлардан устун турмайди, бирон-бир миллат бошқарув масаласида ҳеч қандай алоҳида бир имтиёзга эга эмас. Ҳокимият ва бошқарув органларини тузиш практикасида ҳамма вақт ва ҳамма жойда интернационализм ғоялари асосида миллий тенглик принципи амалга оширилиб келмоқда.

Чунончи, мамлакатимизнинг 90 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бўлган Ўзбекистон Компартиясида область, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари лавозимида ўзбеклар, руслар, украинлар, белоруслар, қирғизлар, тожиклар, арманлар ва бошқа миллат вакиллари ишлашмоқда. Республикадаги бошқарувнинг бошқа ҳамма бўғинларида ҳам кадрлар состави кўп миллатлидир. Уларнинг ҳаммаси мустаҳкам дўстлик билан жипслашганлар, уларнинг ҳаммасини ягона мақсад — коммунистик жамият қуриш, партияга, совет халқига хизмат қилиш мақсади бирлаштириб туради. КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов республика Компартиясининг XIX съездида таъкидлаб ўтдики, раҳбар кадрларнинг кўп миллатли состави интернационализмни худди кўзгудагидай акс эттириб туради, совет халқларининг бирлиги ва қардошлигини ифода этади.

Партия, давлат ва жамоат ташкилотлари учун сайловлар ҳамда раҳбар кадрларни тайинлаш пайтида асос бўлиб хизмат қилувчи социал ва миллий тенглик принципи меҳнаткашлар оммаси орасидан ўзининг сиёсий ва ишчанлик фазилатларига кўра давлат ва ижтимоий функцияларни энг яхши тарзда бажара оладиган ҳамда мамлакатга, халққа энг кўпроқ фойда келтира оладиган кишиларни танлаб олишга имкон беради. КПСС кадрлар сиёсатини ўтказиш масаласига мана шундай ёндашиш бўлишига эриша бориб, миллатчилик ва маҳаллийчилик сарқитларининг ҳар қандай кўринишларига қарши қатъий курашмоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида таъкидлаб ўтганидек, партия хотин-қизлар тўғрисида доимо ғамхўрлик қилишни ўз бурчи деб билади. Кадрларни танлаш тўғрисида гап юритилган кўпгина ҳужжатларда Марказий Комитет хотин-қизларни масъул лавозимларга актив кўтариш вазифасини қўяди.

Республикамизда, бутун мамлакатда бўлгани каби, хотин-қизларни мактаб, саноат корхонаси директори, колхоз раиси, партия комитети секретари лавозимида учратиш мумкин. Ўзбекистон партия ташкилоти хотин-қизларни раҳбар лавозимларга кўтариш ишини бир мақсадни кўзлаб, изчил амалга оширмоқда. Қуйидаги маълумотлар шундан далолат беради: агар 1971 йилда 98 хотин-қиз шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари бўлиб ишлаган бўлса, 1978 йилда уларнинг сони 138 тага етди. Бошланғич партия ташкилотлари секретарлари орасида ҳам уларнинг салмоғи анча ортди.

В. И. Ленин кўрсатиб ўтган эдики, «Марказдаги ва маҳаллардаги тажрибали партия ходимлари... партиянинг... янги кучларидан кўпроқ фойдаланиш соҳасида маҳорат кўрсатишлари лозим» (ТАТ, 39-том, 274-бет). КПСС мана шу қоидага амал қилиб, хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилиш ва уни бошқариш даражасини доимо ошириб бориш, ижтимоий тараққиёт талабларини қондириш тўғрисида ғамхўрлик қилиб, кадрларни мунтазам янгилаб туришга катта аҳамият бермоқда. Партия бу ишни амалга ошириш билан бир вақтда кекса кадрлар билан ёш кадрларни бирга қўшиб олиб боришнинг ленинча принципларини изчиллик билан турмушга оширмоқда, тажрибали ходимларга эътибор билан қаралишига эришмоқда, уларнинг ўз билим ва тажрибаларини ёшларга бериши учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб бермоқда. КПСС кадрларни мунтазам равишда янгилаб

туриш билан бирга уларнинг тез-тез алмаштириб турилишига ҳам йўл қўймайди. Амалда шу нарсага ишонч ҳосил қилиндики, ходимларни асоссиз равишда ҳадеб алмаштираверишрaҳбарликнинг давомийлигига ёрдам бермайди, одамларда ишончсизлик туғдиради, партия қўяётган вазифаларни ҳал этишга салбий таъсир кўрсатади.

«Одамларни у ёқдан-буёққа «улоқтираверишь» ярамайди, эътибор берибpоқ қараш керак» (ТАТ, русча 54-том, 247-бет) — кадрларга ленинча ёндашиш ана шундай эди. Партия бу йўлни етук социализм шароитига татбиқан ривожлантирмоқда. КПСС Марказий Комитетнинг октябрь (1964 йил) Пленумидан кейин жамият манфаатларидан, амалий мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиб, ходимларнинг сайланадиган партия органларининг раҳбарлик лавозимларида ишлаш муддатига оид қатъий регламентациядан воз кечди. Совет, хўжалик ва жамоат органлари кадрларининг муқим ишлаши таъминландики, бу уларнинг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда, бошқарув даражасини оширмоқда, кадрларга бўлган ишонч тобора ортиб бораётганлигидан далолат бермоқда, бунда уларга ишонч принципиал талабчанлик билан қўшиб олиб бориладики, бу соғлом, ишчанлик, ижодий вазиятни яратишга, кишиларнинг ўз қобилиятларини мумкин қадар кўпроқ намоён этишига ёрдам беради.

Лекин кадрларнинг муқим ишлаши топширилган ишни уддалай олмаётган, даврнинг тобора ўсиб бораётган талабларига жавоб бермаётган, лекин «раҳбарлик лавозими»ни эгаллаб туришни истайдиган одамлар учун қўл келади, деб ўйлаш хато бўлур эди. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС МК ноябрь (1979 йил) Пленумида масъулиятсиз раҳбарлар ҳақида гапириб, «...қатъийроқ иш тутиш,... топширилган ишни уддалай олмаётган раҳбар ходимларни алмаштириш, серғайрат, ижодий фикрловчи, ташаббускор ўртоқларни дадилроқ кўтариб қўйиш керак», деб кўрсатиб ўтди.

Партия ташкилотларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, кадрлар сиёсати масалаларини яхши резервсиз муваффақиятли ҳал қилиб бўлмайди. Мана шундай резерв тўғрисида ғамхўрлик қилиш — ҳар бир партия ташкилоти фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан биридир.

Бу ишни яхши йўлга қўйиш Тошкент, Самарқанд, Андижон, Ўзбекистоннинг бошқа область партия ташкилотларига кадрларнинг сифат составини анча яхшилашга имкон берди. Андижонликлар тажрибаси республика Компартияси МКнинг ташкилий-партиявий иш бўйича методик совети томонидан умумлаштирилди ва маъқулланди.

Раҳбарларни амалий партия иши жараёнида тарбиялаш кадрлар сиёсатининг ажралмас қисмидир. Вазифа уларда марксчи-ленинчига хос бўлган юксак ғоявий сифатларни, сўз ва ҳаракат бирлигини, ҳалоллик ва меҳнатсеварликни, профессионал, иқтисодий ва сиёсий билимларни жонли ишда ижодий қўллай билиш маҳоратини шакллантиришдан иборатдир. Бу кадрларнинг ленинча иш услубини эгаллашлари учун зарурий бир асосдир. Ўртоқ Л. И. Брежнев бу услубни таърифлар экан, партия XXV съездида қилган докладида шундай деган эди: «Ленинча услуб субъективизмга ёт бўлган, барча ижтимоий жараёнларга илмий ёндашиш руҳи билан суғорилган ижодий услубдир. Бу услуб ўзига ва бошқаларга нисбатан юксак талабчанликни кўзда тутади, хотиржамликка берилишга йўл қўймайди, бюрократизм ва расмиятчиликнинг ҳар қандай кўринишларига зиддир».

КПСС МК октябрь (1964 йил) Пленуми, партия XXIII, XXIV, XXV съездлари, КПСС МКнинг кейинги пленумлари, партия Марказий Комитетининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладлари ва нутқларида берилган йўл-йўриқлар ленинча услубни партия ташкилотлари иш практикасига жорий этишда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» китоблари

мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида муҳим воқеадир. Уларда партиянинг уруш йиллари ва урушдан кейинги йиллардаги ташкилотчилик ҳамда сиёсий ишининг бой тажрибаси чуқур идрок этилган. Мазкур китоблар партия кадрларини одамлар билан ишлашнинг ленинча методларини эгаллашга ўргатади. Бу ажойиб ҳаёт дарсликлари коммунистлар, бутун меҳнаткашларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб юборди, партия ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштиришга ёрдам бермоқда, курашга ва ғалаба қилишга даъват этмоқда.

Ижрони текширишнинг яхши йўлга қўйилиши кадрларни тарбиялашнинг, иш формалари, методлари, услубларини такомиллаштиришнинг синалган воситаси, интизомсизлик, бюрократизм, ижтимоий ҳаётнинг социалистик принциплари ва нормалари бузилишига қарши курашнинг таъсирчан қуролидир. *«Кишиларни текшириш ва ишнинг ҳақиқий ижросини текшириш керак,*— бутун ишнинг, бутун сиёсатнинг моҳияти энди ана шунда, фақат ва фақат шунда» (В. И. Ленин. ТАТ, 45-том, 19-бет).

Партия, ҳукумат директивалари, ўз қарорларининг ижросини контроль қилиб бориш — бу партия раҳбарлигининг доимий функцияси, партия органлари ташкилотчилик ишининг таркибий қисмидир. Контроль коллективлар ва бошланғич партия ташкилотларидаги ишнинг аҳволи тўғрисида зарур маълумот беради, партия сиёсий йўлини, унинг конкрет қарорларини амалга оширишга эришишга имкон беради, бунда хато ва камчиликларнинг олдини олиш мумкин бўлади.

Контролни ва ижрони текширишни кучайтириш зарурати — қонуний жараёндир. КПСС XXV съезди бу масалани ленинча услубни эгаллаш билан бевосита боғлиқ ҳолда қўйди. «Қабул қилинган қарорларнинг ижросини контроль қилиш ва текшириш,— деб таъкидланади МКнинг Ҳисобот докладида,— ташкилотчилик ишининг энг муҳим қисмидир. Бу — ҳар бир партия, совет ва хўжалик раҳбарининг, ҳар бир партия органининг, ҳар бир бошланғич партия ташкилотининг ишидир».

Танқид ва ўз-ўзини танқид кадрларни тарбиялашнинг самарали воситасидир. Марказий Комитет уни партия турмуши нормаси, камчиликларга қарши кундалик кураш қуроли деб қарашга ўргатади. Табиийки, бу ерда гап умумий ишга холисона ёрдам бериш истаги билан туғилган объектив танқид устида бормоқда. Мана шундай танқид кўпчилик партия ташкилотларида тобора таъсирли куч бўлиб қолмоқда.

Бизнинг республикамизда ҳам танқид ва ўз-ўзини танқидни йўлга қўйиш иши анча яхшиланди. Ўртоқ Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездида шундай деган эди: «Бизда танқиднинг характери йил сайин ўзгариб бораётганлигини сезмаслик мумкин эмас. Танқид кескин, принципиал ва ишчанлик руҳини сақлаб қолгани ҳолда тобора ижобий, ижодий тус олмоқда, ўртоқларча руҳда ўтмоқда... Барча партия ташкилотларининг вазифаси — бундан буён ҳам юқоридан тортиб пастгача танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, ана шу таъсирчан воситадан масъулиятни сезмасликка, кибрланиб кетишга, беғамлик ва парвосизликка қарши тўлароқ қўлланишдан иборат. Танқид беғубор ва пок, соғлом ва маънавий-сиёсий иқлимни вужудга келтириши керак».

Кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш катта аҳамиятга эгадир. Бу ишларни КПСС МК ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси, Олий партия мактаблари, совет-партия мактаблари, Олий комсомол мактаби, Москва ва Ленинграддаги касаба союз ҳаракати олий мактаблари, турли институтлар, малака ошириш курслари ва бошқа ўқув юртлари амалга оширади. Партия органлари ва давлат бошқарув органлари, касаба союзлари ва комсомол ўшалар орқали

сиёсий жиҳатдан яхши тайёргарлик кўрган ва малакали ходимларни олиб туради.

Ўзбекистонда ҳам партия кадрларини тайёрлаш иши анча такомиллаштирилган. Бунда Тошкент Олий партия мактаби, партия ва совет ходимлари малакасини ошириш бўйича доимо ишлаб турган республикалараро ва областлараро курслар етакчи роль ўйнайди. Биргина Тошкент Олий партия мактабининг икки йиллик ва тўрт йиллик бўлимларини 1976/77 ва 1977/78 ўқув йилларида 188 киши битириб чиқди. Республикалараро курсларда 1978 йилда 1220 киши, Тошкент, Самарқанд ва Фарғонадаги областлараро курсларда 2170 киши ўз малакасини оширди. Бундан ташқари, областлараро курслар қошидаги етти кунлик семинарларда 1580 бошланғич партия ташкилотининг секретарлари таълим олди.

Ривожланган социализм, жадал ривожланаётган экономика, етук социалистик муносабатлар шароитида, яъни тузумимиз афзалликларидан янада тўлароқ фойдаланиш ва уларни фан-техника революцияси ютуқлари билан қўшиб олиб бориш зарур бўлган бир шароитда кадрларнинг ғоявий-сиёсий сифатларига бўлган талаб анча ортмоқда. Тошкент шаҳар партия ташкилоти бу борада ижобий тажриба орттирди. Шаҳар партия ташкилоти КПСС МКнинг «Тошкент шаҳар партия ташкилотида раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқуви ва иқтисодий билим олиши тўғрисида»ги қарорини бажара бориб, марксизм-ленинизм университетининг фаолиятини яхшилаш, раҳбар ходимлар ва пропагандист кадрларга сиёсий билим беришда унинг ролини кўтариш борасида муҳим тадбирларни амалга оширди. Биргина 1977/78 ўқув йилида унинг икки факультети ва 17 филиалида 4413 тингловчи таълим олди, раҳбар ходимлар учун ташкил этилган 76 шаҳар ва район семинарларида 7320 киши шуғулланди. Тошкент пропагандистларининг ярмига яқини марксизм-ленинизм университетини тугатди. Идеология фронти жангчилари орасида —2380 раҳбар ходим, 7 минг халқ хўжалиги мутахассиси, 1180 олим бор. Сиёсий мактаб ва назарий семинарлар раҳбарларидан 4 минг киши «Пропагандист самарадорлик ва сифат беш йиллиги хизматида» ҳаракатида иштирок этмоқда.

Умуман республика партия ташкилоти ҳам кадрларни ғоявий жиҳатдан чиниқтиришда муайян ютуқларни қўлга киритди. 1978/79 ўқув йилида марксча-ленинча таълим системасида — 824 966 киши, шу жумладан партия-хўжалик активи мактабларида —26 090 киши, марксизм-ленинизм университетининг партия-хўжалик активи факультетларида — 5 419 киши таълим олди.

КПСС МКнинг 1979 йилда қабул қилган «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори барча меҳнаткашларни, шу жумладан раҳбар кадрларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш ишини янада такомиллаштиришга қаратилгандир.

Назарий масалаларни илмий жиҳатдан чуқур ишлаб чиқиш, кадрлар сиёсатини тадбиркорлик билан, чуқур ўйлаб амалга ошириш КПССга мамлакатимизда коммунистик қурилишга муваффақиятли раҳбарлик қилишига имкон беради.

ЎҚУВЧИЛАРНИ КОММУНИСТИК ТАРБИЯЛАШДА ОИЛА, МАКТАБ, ЖАМОАТЧИЛИК

С. ШЕРМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР маориф министри

МАМЛАКАТИМИЗ СОВЕТ ҳокимияти йиллари ичида босиб ўтган йўлнинг энг муҳим якуни, у ҳам бўлса — янги кишидир. КПСС МК Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг чуқур маъноли таърифига кўра, бу — «эркинликни курашларда қўлга киритиб, уни энг оғир жангларда сақлаб қола олган кишидир. У ҳамма синовлардан ўтиб ўзи таниб бўлмайдиган даражада ўзгарди, ғоявий эътиқодни ва жуда катта ҳаётий ғайратни, маданиятни, билимларни ва бу билимларни татбиқ қила билишни ўзида мужассамлаштирди. У ўзи оташин ватанпарвар бўлиш билан бирга изчил интернационалист ҳам бўлди ва ҳамиша шундай бўлиб қолади» (КПСС XXV съездининг материаллари. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1976, 119-бет).

Илмий коммунизм асосчиларининг социализм шароитида инсоннинг гармоник тарзда камол топиши ҳақида ва шахснинг шаклланишида тарбиянинг етакчи роли тўғрисида олдиндан кўриб айтган фикрлари рўёбга чиқди. К. Маркс ва Ф. Энгельс тарбиянинг асосий қонуниятини — унинг ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ эканлигини аниқлаб, педагогика фанида революцион тўнтариш ясадилар. Хусусан, «Коммунистик партия Манифести»да улар бу фанга асос солдилар, уни ҳаётдан узилиб қолган философик тузилмалардан халос этдилар, ижтимоий тарбиянинг зарурлигини эълон қилдилар, тарбиянинг моддий ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги белгиловчи аҳамиятга эга эканлигини асослаб бердилар.

Кўплаб фактик материалларга таяниб, К. Маркс «Капитал»да, Ф. Энгельс эса «Англияда ишчилар синфининг аҳволи» деган асарида буржуа жамиятидаги тарбиянинг социал иллатларини фош этдилар, капиталистик мамлакатлардаги маориф системасига хос бўлган чуқур зиддиятларни очиб ташладилар ҳамда эксплуататорларни революцион йўл билан ағдариб ташлашгина янги кишини шакллантириш учун кенг имконият яратиб беради, деган хулосага келдилар. Коммунистик асосларда ташкил этилган жамиятда, деб уқтирган эдилар улар, ҳар бир кишининг эркин ривож топиши барчанинг эркин ривожланиши учун шарт-шароит яратиб беради, меҳнат билан тарбия бирлашиб, шу йўл билан ўсиб келаётган авлодлар учун ҳар томонлама таълим олиш имконияти таъминланади.

Капитализм ўз тараққиётининг сўнгги босқичига — империализм босқичига қадам қўйган ва социалистик революция тарихан муқаррар бўлиб қолган янги шароитда тарбиянинг туб масалалари Владимир Ильич Ленин асарларида янада ривожлантирилди. Унинг комсомол III съездидаги нутқида: «Ҳозирги замон ёшларини тарбиялаш, ўқитиш ва уларга таълим бериш ишларининг ҳаммаси уларни коммунистик ах-

лоқли қилиб тарбиялашдан иборат бўлсин» (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 344-бет), деб айтган машҳур наказн совет педагогикаси учун асосий қўлланма бўлиб қолди.

Ёш авлодни тарбиялаш масалалари КПСС ва Совет ҳукуматининг доимо назар эътиборида бўлиб келмоқда. Бу масалаларни ҳал қилиш учун А. В. Луначарский, М. И. Калинин, Н. К. Крупская, А. С. Макаренко, В. А. Сухомлинский ва бошқа буюк совет, партия ва давлат арбоблари, педагоглар кўп иш қилдилар.

Коммунистик тарбия проблемаларини ишлаб чиқишга Леонид Ильич Брежнев салмоқли ҳисса қўшди. Унинг чуқур мазмунли, қалб қўри билан ёзилган «Кичик ер», «Тикланиш» «Қўриқ» асарлари омма билан қандай ишлаш, оддий, кундалик ишларда кишиларни, айниқса ёшларни қандай тарбиялаш кераклигига яққол намуна бўлиб хизмат қилади.

КПСС XXV съездида совет кишиларини, биринчи навбатда ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашни янада яхшилаш зарурлиги тўғрисидаги фикр алоҳида куч билан таъкидланди, унинг коммунистик қурилиш ҳозирги босқичидаги вазифалари белгилаб берилди. Ана шу вазифаларни ҳал этиш йўли ҳам кўрсатилди. Бу йўл бутун тарбиявий ишнинг қўйилишига комплекс ёндашишдан иборатдирки, бундай ёндашиш ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбиянинг мустаҳкам бирлигини таъминлайди.

КПСС XXV съездининг ана шу муҳим кўрсатмасини амалга оширишда ўрта мактаб алоҳида роль ўйнайди. У, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида қайд қилинганидек, ўқув ва тарбия жараёнининг мустаҳкам бирлигига эришиши, ўқувчиларда илмий дунёқарашни, юксак маънавий-сиёсий фазилатларни, меҳнатсеварликни шакллантириши, уларнинг ижтимоий активлигини бутун чоралар билан ривожлантириши, мактабдан ташқари ишларни, техника ва бадиий ижодиётни, физкультура ва спортни янада ривожлантириш учун чоралар кўриши лозим.

Ана шу масъулиятли вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш мактаб, оила ва жамоатчиликнинг биргаликда ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилишига боғлиқдирки, бунга юқорида кўрсатилган қарорда алоҳида эътибор берилади.

Шубҳасиз, шахснинг шаклланиши аввало оилада бошланади. Оиладаги тарбиянинг ўзига ярашиқ алоҳида афзалликлари бўлиб, бунинг ўрнини ҳеч қандай жамоатчилик таъсири билан тўлдириб бўлмайди. Оилада боланинг ўзига хос хусусиятлари энг тўла намоён бўлади, унинг ички дунёси шаклланади, унинг ҳаётидаги эмоционал, маънавий ва интеллектуал жиҳатларнинг ривожланишида эса ота-онанинг меҳр-муҳаббати асосий роль ўйнайди. К. Маркс буни алангаси бизнинг барча энг эзгу ниятларимизни илитиб турувчи бир қуёш, деб атаган эди.

Буржуазиянинг гўё коммунистлар оилавий турмушга, оила тарбиясига путур етказади деб айтган даъволарини рад этиб, К. Маркс билан Ф. Энгельс «Коммунистик партия Манифести»да бундай путурни буржуа жамиятининг ўзи, унинг муросасиз социал зиддиятлари келтириб чиқаришини ишонарли тарзда исботлаб бердиларки, бундай зиддиятлар халқ оммасининг қашшоқланишига ва оиланинг бузилишига олиб келади.

Октябрь ғалабаси оила ва мактаб характерида, уларнинг ўзаро муносабатларида чуқур ўзгаришларни бошлаб берди. Мамлакатимизда кенг авж олиб кетган социалистик қурилиш жараёнида илгариги пролетар, деҳқон ва бошқа меҳнаткаш оилаларининг ҳар бири айрим ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ишчи, колхозчи, интеллигент оилаларига айланиши рўй берди.

Жамиятимиз ривожлана борган сари совет оиласини социалистик оила сифатида характерловчи умумий хусусиятлар тобора сезиларли равишда намоён бўла борди. Бу унинг меҳнаткашлик характери, социалистик жамоатчилик билан мустаҳкам боғлиқлиги, эр-хотинларнинг тенглиги, катталар ва болаларнинг коллективизми ва бир-бирини ҳурматлаши, оилавий турмуш маданиятининг ортиб боришидир.

Социализм шароитида оила-никоҳ муносабатлари соҳасида юз берган ҳаётбахш ўзгаришлар оиладаги тарбияга таъсир кўрсатмай қолмас эди. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда саводсизлар ёки чаласаводлар амалда йўқ, бугунги совет ўқувчиларининг кўпчилик ота-оналари махсус ўрта ёки олий маълумот олган. Бу эса соғлом оилавий иқлимни — гармоник тарзда ривожланган шахсни шакллантириш учун зарур шарт-шароитни яратишда мустаҳкам негиз бўлиб хизмат қилади.

Оиладаги тарбияни муттасил яхшилаб боришда оммавий ахборот воситалари — радио, телевидение, матбуот муҳим роль ўйнайди. Масалан, Ўзбекистон аҳолиси миллионлаб радиоприёмник, телевизор, трансляцион радиоточкаларга эга, республикада миллионлаб нусхада юзларча газета ва ўнларча журналлар нашр этилиб, уларда коммунистик тарбия проблемаларига катта эътибор берилади.

Уйлардаги кутубхоналар ҳам жуда катта тарбиявий имкониятга эга бўлиб, улар ҳозирги вақтда шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам кўпчилик оилаларда мавжуддир. Дам олиш кунларини, отпускалар ва бўш вақтларни бутун оила билан биргаликда ўтказиш — музейларни, виставкаларни бориб кўриш, спорт билан шуғулланиш, саёҳатларда, походларда қатнашиш катта тарбиявий самара беради.

Совет оиласи — социал жиҳатдан ёш оиладир. У эски турмуш сарқитларига қарши кескин кураш шароитида қарор топди. Янги, социалистик оилавий иттифоқ бўлган совет оиласини муваффақиятли ривожлантириш тўғрисида партия ва ҳукумат доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Бизда оила давлат ҳимоясида бўлиб, у, СССР Конституциясида айтилганидек, оилага кенг тармоқдаги болалар муассасаларини барпо этиш ва ривожлантириш, маиший хизмат ва умумий овқатланишни ташкил этиш ва такомиллаштириш, кўп болали оилаларга нафақа ва имтиёзлар бериш, бола туғилганда нафақалар тўлаш йўли билан ёрдам кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси оила бошланғич тарбия берувчи коллектив бўлиб қолиши, унда бола коммунистик ахлоқ нормаларини, социалистик ижтимоий турмуш қоидаларини эгаллаши, дастлабки меҳнат кўникмаларини олиши учун қулай шарт-шароит яратиб беради. Бироқ, жамиятнинг сиёсий, меҳнат, ахлоқий талабларини юксак даражада тушунадиган ва бажарадиган оилагина болага тўғри тарбиявий таъсир кўрсатиши мумкин.

Оиладаги тарбиянинг натижалари ота-оналарнинг маданий савиясига, уларнинг социал тажрибаси, ҳаётий режалари ва интилишларига, бутун оилавий турмуш муҳитига, ва албатта, ота-оналарнинг педагогик тайёргарлигига ҳам боғлиқдир. 1979 йилда Ўзбекистонда 1229 та педагогик билимлар халқ университетлари ишлаб, уларда 109 мингга яқин киши шуғулланди. Бу йил шундай университетлар сонини 1302 тага, уларнинг тингловчиларини эса —115 435 кишига етказиш планлаштирилмоқда. Ўн биринчи беш йилликда халқ университетларини ҳозирнинг ўзидаёқ бошланган йириклаштиришни давом эттириш — улардан ҳар биридаги тингловчиларни 400 —1000 кишига етказиш белгиланмоқда. Ўқитишнинг кенг тармоқли бўлимларга эга бўлган кўп факультетли формасини, шунингдек 10 йилга мўлжалланган ва «ота-оналар ўн йиллиги» деб аталувчи класслар бўйича ўқитишни жорий этиш назарда тутилмоқда.

Бундай аниқ мақсадга қаратилган ишлар, шубҳасиз, катта фойда

келтирмоқда. Бироқ, тажриба шуни кўрсатадики, ота-оналарни ўқитиш, ҳатто бу ишни энг яхши йўлга қўйиш, улар томонидан педагогик билимларни эгаллаб олишнинг ўзи кутилган самарани бермайди. Болаларни тайёрлаш ва тарбиялаш иши педагогик кўникмаларни, оила ичида педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ муносабатларни ташкил эта билишни ва ҳоказоларни шакллантиришни ҳам ўз ичига олмоғи лозим. Фақат ота-оналар ўқувини қизиқарли ташкил этиб, педагогик билимларни пропаганда қилишнинг оммавий формаларини ота-оналар ўртасида якка тартибда ишлаш билан бирга қўшиб олиб борибгина қолмай, балки уларда педагогикага оид адабиётларга чуқур ва муттасил қизиқишни тарбиялаш, ота-оналарга педагогик билим беришни уларнинг педагогика соҳасида ўз устларида мустақил ишлашлари билан оптимал даражада бирга қўшиб олиб бориш, оилавий тарбиядаги конкрет ижобий тажрибага таяниш ва халқ педагогикаси элементларидан фойдаланиш вазифалари ҳам актуал бўлиб қолди.

Мамлакатимиздаги кўпчилик оилаларнинг ҳаёти юксак маънавий руҳ билан суғорилгандир. Уларнинг аксарияти муносиб авлодни тарбиялаб етиштирмоқда. Бундай оилаларнинг тажрибаси жуда катта социал қийматга эга бўлиб, у бутун жамиятнинг маънавий ва ахлоқий ўсишига ёрдам беради ва шунинг учун ҳам диққат билан ўрганилиб, кенг пропаганда қилинади. Бироқ, шундай оилалар ҳам борки, ташқаридан қараганда ҳамма нарса жойидагидек кўринади — болалар бинойидек тарбия кўрган, ота-оналари ҳам аҳил яшашади, лекин уларнинг қизиқишлари қашшоқ, асосан буюмлар дунёси билан чекланган бўлиб, уларга социал пассивлик, обивателларча интилишлар, ҳаётга фақат истеъмолчилик нуқтаи назаридан қараш сингдирилади. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездидаги докладида бундай деб қайд қилган эди: «Биз совет халқининг моддий фаровонлигини яхшилаш борасида бир талай натижаларга эришдик. Биз бу вазифани бундан буён ҳам изчиллик билан ҳал қилаверамиз. Бироқ, моддий имкониятлар ўсиб бориши билан бир вақтда одамларнинг ғоявий-ахлоқий ва маданий савияси ҳам муттасил ўсиб бориши зарур. Акс ҳолда бизда мешчанлик, майда буржуа психологияси иллатлари такрор пайдо бўлиши мумкин». Бундай ҳолларда мактаб билан жамоатчилик зиммасига алоҳида масъулият юклатилади.

Ягона, меҳнат, политехника мактаби бўлган совет умумтаълим мактаби шахсни шакллантиришга жуда катта таъсир кўрсатиш имкониятига эгадир. Унинг номининг ўзи шундан далолат берадики, фақат ўқувчиларга фундаментал илмий билим асосларини ўргатиш, уларни бадиий бойликлардан баҳраманд қилишгина эмас, балки уларда меҳнатнинг умум фойдаси учун зарур эканлигини чуқур тушунишни ва меҳнат қила билишни тарбиялаш ҳам совет мактабининг асосий иши бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Мактаб болаларда ижтимоий онгни уйғотиб, сўнгра уни ривожлантиради ва чуқурлаштиради, унга тўғри ориентир, мустақил ҳаётга йўлланма беради.

Совет мактабининг тарбиячилик, мураббийлик миссияси жуда катта ва масъулиятлидир. Шу боисдан ҳам партия ва ҳукуматимиз мактаб ўз олдида турган вазифалар даражасида бўлиши учун доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Шуни айтиш керакки, совет умумтаълим мактабида катта қувончли ўзгаришлар юз берди.

Масалан, ўқитувчини олиб кўрайлик. Бугунги кунда у, асосан, олий ёки ўрта педагогик маълумотга эга бўлган, малака ошириш курсини ўтган, ўз устида доимо ишлайдиган, билим доираси кенг, ўз предметини ва унинг методологиясини, марксча-ленинча назарияни чуқур биладиган, ўқитишнинг янги, энг рационал методларини ахтариб топиб, дарсларда фойдаланадиган, ўқитишни тарбия билан мустаҳкам диалектик бирликда олиб борадиган мутахассисдир.

Бир неча йил муқаддам мактабларда директор ўринбосари ҳуқуқида синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси лавозими таъсис этилди. Образли қилиб айтганда, буни ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялаб етиштиришнинг бош технологи деб айтиш мумкин. Албатта, бу муҳим ишда синф раҳбарининг ҳам роли жуда катта. Чунки синфдаги ўқув ва тарбия жараёнининг қандай вазиятда бориши кўп жиҳатдан унга боғлиқ. У ўқитувчиларнинг биргаликда ҳамжиҳатлик билан иш олиб боришини йўлга қўйиши, синф коллективидаги барча ижобий нарсаларни қўллаб-қувватлаши, салбий жиҳатларни бартараф этиши, ҳар бир ўқувчининг билимга бўлган қизиқишини ва қобилиятларини ривожлантириб бориши лозим.

Хўш, ўқитувчи, синф раҳбари, синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ташкилотчиси ўқувчиларни коммунистик руҳда тарбиялаш самарадорлигини ошириш учун қандай имкониятларга эга? Бундай имкониятлардан бири, аввало, куни узайтирилган мактаблар ва группалар бўлиб, булар турли-туман тарбиявий ишларни олиб бориш имкониятини беради. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда бундай мактаб ва группалар бир миллионга яқин ёки 26 процент ўқувчиларни ўз ичига олган. 1979 йилда Тошкент шаҳар ижроия комитетининг халқ маориф Бош бошқармаси аста-секин тўла кунлик режимга ўтадиган 20 та куни узайтирилган мактаб очиш ҳақида ташаббус билан чиқиб, у Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги коллегиясининг қарори билан маъқулланди. Шу билан бир қаторда барча мактабларда IV—VIII синф ўқувчиларидан оммавий равишда группалар тузишга жиддий эътибор берилмоқда.

Ҳозирги фан-техника революцияси асрида мактаб ўқитувчилари, тарбиячилари ва мураббийлари аслаҳахонасида телевизорлар, радиоприёмниклар, магнитофонлар, эпидиаскоплар, киноустановкалар мустаҳкам ўрин эгаллаб, улар мактабда ўқув-тарбия жараёнини амалга оширишда яхши таянч бўлиб хизмат қилмоқда. Масалан, Тошкент область Чорвоқ шаҳаридаги Навоий номли 18-сон ўрта мактабда техникавий воситалар ёрдамида тематик кечалар ўтказилмоқда, «Прометей» кинотеатри, «Гўзаллик оламида», «Ўсмирлар, сизлар учун», «Кичкинтойлар, сизларга» деган ва бошқа рубрикалар остида кинолекторийлар ишламоқда. Мактабнинг 200 дан ортиқ ўқувчиси спорт секцияларида, 250 ўқувчи турли хил тўгаракларда шуғулланади.

Мактаб кутубхонаси ўсиб келаётган авлодни тарбиялашда ўқитувчининг яхши ёрдамчиси ҳисобланади. Унинг ходимлари мактаб ўқувчиларининг китобга бўлган қизиқишларини йўналтириб, уларда билим манбаи бўлмиш китобга нисбатан муҳаббат уйғотибгина қолмай, балки сермазмун суҳбатлар, мунозаралар, конференциялар, виставкалар уюштирадилар, улар болаларга жиддий тарбиявий таъсир кўрсатмоқда.

Совет мактаб ўқувчиларида коммунистик дунёқараш ва интилишларни, юксак ахлоқий фазилатларни шакллантиришга пионер ва комсомол ташкилотлари катта ҳисса қўшмоқда. Уларнинг пионер ва комсомолга қабул қилишдан тортиб ҳар хил сборлар, слётлар, учрашувлар, кўрик-конкурслар ўтказиш, меҳнат топшириқлари бериш, ҳарбий-ватанпарварлик ўйинлари, экскурсиялар ва кўпгина бошқа тадбирлар уюштиришдан иборат турли-туман ишлари — Ватанга муҳаббат ва интернационализм туйғусини, ижтимоий-сиёсий активлик, коллективизм, меҳнатсеварлик ва коммунизм қурувчисига хос бошқа фазилатларни тарбиялашнинг самарали воситаларидир.

Коммунистик ахлоқ принципларининг шахсий эътиқодга, кундалик хатти-ҳаракат нормасига айланишида, шунингдек мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган сиёсий ахборотлар, сиёсий тўгараклар, лекция ва докладлар, индивидуал суҳбатлар ҳам ёрдам беради.

Мактаб билан оиланинг ҳаракатларини координацияловчи педаго-

гик кенгаш ўқувчиларни коммунистик руҳда тарбиялашни амалга оширишда методик марказ бўлиб хизмат қилади. Педагогик кенгашларнинг ҳаққоний ҳисоблашича, ўқитувчиларнинг ҳозирги замон билимлари хазинасидан энг яхши нарсаларни ва коммунистик эътиқодни болаларга сингдира билиши бу ишда асосий омилдир. Бинобарин, ўқитувчилар ўз ишларининг оқибат натижаси учун бутун масъулиятни чуқур англашлари учун кўп иш қилинмоқда.

Ривожланиб бораётган шахсни шакллантиришда мактаб марказий ўрин тутади, чунки унинг таъсири, одатда, ўн йил давомида, бунинг устига инсон кекса авлод тажрибасини энг актив ўзлаштирадиган бир босқичда давом этади, энг муҳими, бу таъсир аниқ мақсадга қаратилган ва системали характерда бўлади. Бундан ташқари мактаб ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда қатнашувчи барча кучларни бирлаштирадиган бир марказдир. Хусусан, истиқомат жойларидаги ишларни ташкил этишда мактабнинг роли жуда катта. У айрим оилаларда болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган ноқулай вазиятлар вужудга келган ҳолларда ҳам четда қараб туролмайди. Чунки мактаб тарбияси тарбияси «қийин» деб аталувчи болаларгагина эмас, балки уларнинг ота-оналарига ҳам тегишли таъсир ўтказиш учун катта имкониятларга эга, жумладан, улар ишлайдиган ташкилотга мурожаат қилиши мумкин. Лекин, афсуски, мактаб ихтиёридаги ана шу муҳим тарбиявий воситаларни кўпинча унутиб қўйишади.

Социализм шароитида ёш авлодни тўғри тарбиялашдан бутун жамият манфаатдордир. Бу ишда партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, ижодий бирлашмалар, саноат корхоналари, фан ва маданият муассасалари, колхоз ва совхозлар, спорт ва илмий жамиятлар, театрлар, кино, радио, телевидение, матбуот ва ҳоказолар иштирок этади. Ўзбекистонда бу жиҳатдан талайгина ижобий тажриба тўпланган. Жамоатчиликнинг куч-ғайрати мактаблар ва бошқа болалар муассасаларининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашга, ташкилий-педагогик вазифаларни (ўқитишга тегишли бўлган болаларни ҳисобга олишда ва уларни мактабга жалб этишда ёрдам бериш, ўқувчиларнинг овқатланишини ташкил этиш ва бошқа кўпгина ишларни) ҳал этишга қаратилмоқда. Мактаблар устидан оталиқ қилувчи корхоналар ва муассасаларнинг коллективлари ўқувчиларда коммунистик дунёқарашни шакллантиришда, уларни меҳнатга, мустақил ҳаётга тайёрлашда ёрдам бермоқдалар. Масалан, Чирчиқда шаҳар партия комитетининг ташаббуси билан шаҳардаги кварталлар ва микрорайонлар территорияси йирик корхоналарга бириктиб қўйилган бўлиб, бу ерларда болалар билан олиб бориладиган бутун иш мактаблар билан мустаҳкам алоқада амалга оширилмоқда.

Ўқитувчилар, ота-оналар ва жамоатчиликнинг биргаликдаги кучғайрати туфайли Бекободнинг микрорайонларидан биридаги 2-сонли мактаб болалар ва ўсмирлар билан олиб бориладиган тарбиявий ишнинг марказига айланган. Бу мактабнинг кўпчилик ўқувчилари дарсдан кейин фойдали иш билан машғул бўлишади. В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг илғор ишчилари юқори синф ўқувчиларига ўз касблари тўғрисида ҳикоя қилиб берадилар. Ана шу ишлаб чиқариш коллективи аъзолари ва ўқитувчиларнинг яхши йўлга қўйилган биргаликдаги ишининг ижобий натижалари кўриниб турибди: мактабда ўзлаштириш юқори бўлиб, у жойлашган микрорайонда балоғатга етмаганлар ўртасида ҳуқуқ-тартиботларни бузиш ҳоллари деярли учрамайди.

Оталиқ қилувчи колхозлар, совхозлар ва корхоналар болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этишда катта ёрдам бермоқдалар. Фақат 1979 йилнинг ўзида колхоз ва колхозлараро пионер лагерларида 23 290 бола ўз каникулларини ўтказди. Айрим колхозлар, масалан, Ғалаба

районидаги Я. М. Свердлов номли, В. И. Ленин номли, Оққўрғон районидаги «Ленинград» колхозлари эса ҳар йили юқори синф ўқувчилари учун туристик йўлланмалар сотиб олишади.

Тошкент областида мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш фақат педагогик коллективларнинггина эмас, балки ҳамманинг иши бўлиб қолган. Областнинг барча шаҳар ва районларида оталиқ қилувчи ташкилотлар фақат мактаб бинолари ва ускуналарни ремонт қилишда ёрдам берибгина қолмай, балки анжомлар, ўқув-кўргазмали қуролларни сотиб олиш учун маблағ ажратиб турадилар, ўз кучлари билан ўқув кабинетларини жиҳозлайдилар.

Ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили ичида колхозлар, совхозлар ва корхоналар томонидан 28 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 35 та мактаб ошхоналари, 20 та спорт заллари фойдаланишга топширилди. Масалан, 1979 йилда Ғалаба районидаги В. И. Ленин номли ва «Победа», Бўка районидаги XIX партсъезд номли колхозлар, «Кўк-Орол» совхози, Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз ўз маблағлари ҳисобига типовой мактаб биноларини қуриб ва жиҳозлаб бердилар.

Ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашга республикада ҳамма жойда ташкил этилган оила ва мактабга ёрдам кенгашлари катта ҳисса қўшмоқда. Бу кенгашлар жамоатчилик ва колхозлар, совхозлар, муассасаларнинг маъмурият вакилларидан ташкил топгандир. Улар асосан ишлаб чиқариш коллективларида педагогик оқартув ишлари олиб бориш, ходимларнинг болалари ўқийдиган мактаблар билан алоқани йўлга қўйиш ва кучайтириш, оталиқдаги мактабларга тарбиявий ишларни ташкил этишда ҳар томонлама ёрдам бериш йўли билан ота-оналарнинг ўз болаларини тарбиялаш учун масъулиятини оширишлари лозим.

Бундай жамоатчилик кенгашлари жеклар, маҳаллалар, кўча ва уй комитетлари ҳузурида ҳам мавжуд. Уларга мактаб ва оталиқ қилувчи корхоналар вакиллари киради. Бу кенгашлар ўқувчилар кун режимига риоя қилинишини, уларнинг дам олишининг ташкил этилишини кузатиб боришади, катталарни болалар билан олиб бориладиган маданий-оммавий ишга жалб қилишади, аҳолига педагогик билим беришда мактабга кўмаклашади.

Микрорайонларда ишни бу тарзда ташкил этиш катта социал аҳамиятга эгадир. Масалан, Тошкент областида жамоатчилик тарбияси «қийин» бўлган болалар билан катта иш олиб бормоқда. Бу ерда ана шундай болаларга 266 жамоатчи тарбиячи, 768 оталиқ қилувчи киши, 155 мураббий бириктиб қўйилган. Бундай болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда.

Ота-оналар комитетларининг роли ҳақида ҳам гапириб ўтмасдан бўлмайди. Ўқувчиларнинг оилалари билан олиб бориладиган синфдан ташқари алоқаларнинг катта қисми уларнинг ҳиссасига тўғри келади. Бундан ташқари микрорайондаги болаларни ўқишга жалб этиш, ўқувчиларнинг кун режимини ва ёзги дам олишини йўлга қўйиш, ота-оналар йиғилишларини тайёрлаш, касб танлашда кўмаклашишнинг баъзи бир проблемаларини ҳал қилишда ота-оналар комитетлари томонидан мактабга кўрсатилаётган ёрдамни ҳам унутмаслик керак. Пухта тайёрланган ота-оналар йиғилишлари, ўқувчилар ишлари ва болалар бадиий ҳаваскорлиги виставкаларини ташкил этиш, оила тарбияси масалалари юзасидан консультациялар ёки конференциялар ўтказиш ҳам катта тарбиявий самара беради.

Кейинги вақтларда маҳаллий партия ва совет органларининг йўналтирувчилик роли анча кучайди, улар барча тарбиявий кучларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати асосида ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашни амалга оширишнинг рационал йўлларини активлик би-

лан излаб топмоқдалар. Шу туфайли турли ёшдаги ва турли касбдаги кишиларнинг болаларни тарбиялашда оммавий иштироки янада кўпроқ ташкилий тус олди.

Сўнгги йилларда ўқувчиларни меҳнат ва ижтимоий муносабатлар системасига, ишчилар, колхозчилар, зиёлилар коллективларининг фаолиятига жалб этиш кенг ривож топди. Агар илгарилари корхоналар кўп ҳолларда оталиқ ишига фақат моддий-техника ёрдами сифатида қараб келган бўлсалар, эндиликда уни фақат ўқувчиларнигина эмас, балки ишлаб чиқариш коллективлари аъзоларини ҳам тарбиялашнинг муҳим омили деб билмоқдалар.

Мактаблар ва оталиқ қилувчи корхоналар партия ташкилотларининг болаларни партиямиз ва халқимиз революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш соҳасида биргаликдаги фаолияти катта аҳамиятга эга. Шу мақсадда мактабларда революцион, жанговар ва меҳнат шуҳрати музейлари ва хоналари ташкил этилмоқда, мактаб ўқувчиларининг революция, уруш, меҳнат ветеранлари билан учрашувлари уюштирилмоқда.

Республикамиздаги ижодий союзларнинг, А. Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театри, М. Горький номли Давлат рус академик театри, область театрларининг партия ташкилотлари мактабларга ва мактабдан ташқари муассасаларга ахлоқий ва эстетик тарбияда жиддий ёрдам кўрсатмоқдалар. Таниқли артистлар мактаб ўқувчилари олдида оталиқ концертлари билан чиқмоқдалар, «Санъат байрами» ва «Музика ҳафталиги» кўрик-конкурсларини ўтказишда, бошқа кўпгина тадбирларда ёрдам бермоқдалар.

Ўқувчиларни тарбиялашда мактабдан ташқари муассасалар алоҳида роль ўйнайди, улар ўқувчиларнинг улар қизиққан фанлар бўйича билимларини чуқурлаштириб ва қобилиятларини ривожлантирибгина қолмай, балки уларда ижтимоий активлик, юксак ахлоқий фазилатларни ҳосил қилади. Бундай муассасаларнинг аҳамиятини тушуниб, партия ва ҳукуматимиз Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ уларни ташкил этиш тўғрисида ғамхўрлик қилдилар. Ҳатто оғир, очлик ҳукм сурган 1918 йилда Петрограднинг Путилов заводи ишчилари В. И. Ленинга уларнинг болалари учун бадиий студия очиб бериш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилганларида, уларнинг ташаббуси маъқулланган ва студия учун Рижск проспектида алоҳида уй ажратилиб, у ерда болалар музика, рассомчилик, рақсга ўргатила бошлаган эди.

Ҳозирги вақтда фақат бизнинг республикамизнинг ўзида 673 та мактабдан ташқари муассаса ишлаб турибди. Булар — пионерлар саройлари ва юқори синф ўқувчилари клублари, профилли ва туристик спорт лагерлари, илмий-техника, модель-конструкторлик, бадиий-техника тўгараклари, ёш натуралистлар, табиатни ўрганувчилар станциялари, эстетик туркумдаги, бадиий сўз, адабий ижодиёт тўгараклари, хореографик коллективлар, физкультура-спорт секциялари ва ҳоказолардир.

Республикада Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги коллегиясининг КПСС XXV съезди, Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорлари, ўқитувчиларнинг III Бутуниттифоқ ва V республика съездлари тавсиялари асосида ўқувчи ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашни янада такомиллаштириш юзасидан халқ маорифи органлари, мактаб педагогик коллективлари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар, педагогика ўқув юртларининг вазифалари тўғрисидаги қарорининг бажарилиши яхши натижалар бермоқда:

— куни узайтирилган мактаблар, группаларда ва мактаблар ҳузуридаги интернатларда тарбиявий ишларни янада яхшилаш юзасидан 1979—1985 йилларга мўлжалланган перспектив планлар ҳамда мада-

ний-оммавий спорт-соғломлаштириш ишлари бўйича тадбирлар плани ишлаб чиқилди;

— умумтаълим мактаблари ҳузуридаги ота-оналар комитетларининг раислари билан республика семинар-кенгаши ўтказилди;

— мактаблар ва педагогика ўқув юртларида «Ўқувчи ёшларнинг хулқ маданияти тўғрисида» факультатив курс жорий этилди;

— умумтаълим мактабларидаги предметли тўгаракларнинг фаолиятини янада яхшилаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди;

— ўқувчилар ва студентлар учун ёш марксчи-ленинчилар доимий тўгараклари ташкил этилди;

— республиканинг барча педагогика ўқув юртларида ҳаваскорлик драматик ва хор коллективлари, духовой оркестрлар, вокаль-инструментал ансамбллари ташкил этилди;

— «Хулқ маданияти тўғрисида» қўлланма ишлаб чиқилди;

— киносеварлар клублари барпо этилди, ўқувчи ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш юзасидан циклли радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар ташкил этилди;

— ўқувчилар ва педагогика ўқув юртлари студентларининг фан ва маданият арбоблари, ички ишлар, юстиция министрликлари, Олий суд, прокуратура ходимлари билан учрашувлари ўтказилмоқда;

— ўқувчилар, студентлар, тарбиячилар, ўқитувчилар, педагогика ўқув юртларининг муаллимлари, халқ маорифи ходимлари учун спорт секциялари ташкил этилди, спорт байрамлари ўтказилмоқда;

— матбуотда, радио, телевидение орқали коммунистик тарбия масалалари юзасидан халқ маорифининг масъул ходимлари, педагоглар, фан ва маданият арбоблари мунтазам равишда чиқиб турадилар;

— халқ маорифи органлари, умумтаълим мактаблари, республика мактаб-интернатлари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасаларининг тарбиявий ишлари даражасининг асосий кўрсаткичлари рўйхати тузиб чиқилган;

— «Республика мактабдан ташқари муассасалари ходимларига ёрдам» брошюраларини нашр этишнинг 1980—1985 йилларга мўлжалланган плани, мактабларда ва мактабдан ташқари муассасаларда ватанпарварлик ва интернационал тарбия юзасидан, дарсдан ташқари вақтларда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

— оила, мактаб ва жамоатчиликнинг педагогик алоқаларини мустаҳкамлаш юзасидан илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилмоқда; республиканинг мактабдан ташқари муассасаларида ўқувчиларни тўгарак ишларига кенг жалб этиш чоралари кўрилмоқда;

— «Ёш ўлкашунос», «Ёш техник», «Ёш натуралист» деган профилли лагерлар ташкил этилди;

— республика «Ўқитувчилар газетаси»да «Таълим бериб — тарбиялайлик, тарбиялаб — таълим берайлик!» деган доимий рубрика очилди.

Советлар Мамлакати граждани шахс сифатида шаклланишининг энг муҳим даври унинг мактабгача бўлган ва мактабдаги йилларига тўғри келади. Шундай экан, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш билан шуғулланувчи барчанинг — оила, мактаб, жамоатчилик, партия ва совет органларининг бурчи — ана шу тарбия ишини бутун чоралар билан такомиллаштириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилишдан иборатдир.

РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИСТИК ЖАМИЯТДА МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАР

Э. ТАДЕВОСЯН,
философия фанлари доктори

МИЛЛИЙ МАСАЛАНИНГ ҳал этилиши мамлакатимизда барпо этилган ривожланган социалистик жамиятнинг ўзига хос белгиларидан биридир. КПСС МК Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев СССРнинг 50 йиллиги тўғрисидаги докладида бундай деди: «Биз ўтган ярим аср мобайнидаги қаҳрамонона ишларни якунлар эканмиз, бизга ўтмишдан мерос бўлиб қолган миллий масала тўла-тўкис, батамом ва узил-кесил ҳал этилди, деб тўла асос билан айта оламиз. Бу — СССРда янги жамият қуришда индустриялаш, коллективлаштириш, маданий революция сингари ғалабалар билан ҳақли равишда бир қаторга қўйиш мумкин бўлган ютуқдир».

Капитализм халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асрий муаммосини ҳал этишни уддалай олмади. «Қуроқ» Австрия-Венгрия монархияси тамом бўлганлиги, баҳайбат кўп миллатли мустамлакачи империялар тугатилганлиги, Германия ва Италиядаги фашист режимларнинг ирқчилиги, АҚШда негрлар билан индеецларнинг ирқий ва миллий камситилиши, Жанубий Африка республикасининг туб жой аҳолиси ошкора ирқий айирмачиликка ва ҳуқуқсизликка дучор қилинганлиги, Англия, Бельгия, Канада, Испанияда миллий ва миллий тил можароларининг кескин ўткирлашганлиги — тарих ва ҳозирги замоннинг яққол кўриниб турган фактларидир.

Негрларнинг ғалаёнлари муносабати билан АҚШ президенти 1967 йилда тузган Миллий маслаҳат комиссияси шундай хулосага келди: «Бизнинг миллатимиз икки жамият — бир-биридан яккаланган ва нотенг қора танлилар жамияти билан оқ танлилар жамияти йўлидан бормоқда». 1970 йил июлида президентнинг ўзи бундай деб иқрор қилишга мажбур бўлди: «Туб ерли американиклар — индеецлар мамлакатимиздаги майда миллатларнинг энг ҳуқуқсиз ва жуда забун группасидир. Аслида ҳамма кўрсаткичлар — иш билан таъминлаш, даромад, сиҳат-саломатлик жиҳатидан индеецларнинг аҳволи ҳаммадан ёмон». 1978 йил бошларида Америка Қўшма Штатларининг ҳозирги президенти Ж. Картер АҚШ конгрессига «Мамлакатнинг аҳволи тўғрисида» юборган мактубида катта ёшдаги американик майда миллат ишчиларининг 11 проценти ва негр ёшларининг 40 процентга яқини ишсиз эканини қайд этишга яна мажбур бўлди. Барча американик ёшлар орасидаги ишсизлик эса 17 процентни ташкил қилади. Миллий ва ирқий камситишнинг бундай фактлари саноат жиҳатдан ривожланган бошқа капиталистик мамлакатларга ҳам хосдир.

Ҳозирги замон империализмининг идеологлари ва сиёсатчилари аҳволни шундай қилиб кўрсатишга уринмоқдаларки, гўё одамлар ва миллатларнинг «зараркунандалик табиати»дан, уларнинг миллий ва ир-

қий адоват, бир-бирига нафрат билан қарашдан иборат «ғайримиллий», «сирли ва тугатиб бўлмайдиган» туйғуларидан миллатлараро можаро ва жанжаллар келиб чиқаверар эмиш. Улар миллий масалани ҳал этиб бўлмайди, «миллатчилик юқумли касали» қудратли куч ва ҳозирги даврда миллатчиликнинг ўсиб бориши мутлақо муқаррар деган фикрни жўрттага оммалаштириб, ёйиб юрибдилар. Шу тариқа капитализм маддоҳлари миллий масаланинг ҳақиқий моҳиятини, унинг вужудга келиш ва кескинлашиши чинакам сабабларини меҳнаткашлардан яширишга уринмоқдалар. Бу позициянинг синфий моҳияти мутлақо равшан, у ҳам бўлса миллий можаролар ва адоватлар учун жавобгар бўлган капитализмни оқлаб кўрсатишдан, бунинг учун бутун айбни миллатлар ва элатларнинг ўзларига, этник ва ирқий тафовутларга тўнкашдан иборат.

Миллий масалани аввало эксплуататорлик тузумининг иқтисодий, социал-сиёсий ва мафкуравий шароитлари келтириб чиқарганлигини, миллатлар ва элатлар мана шу шароитлар доирасида тарихан таркиб топиб ривожланганлигини марксизм-ленинизм кўрсатиб берди, революцион кураш ва социалистик қурилиш тажрибаси эса тўла-тўкис тасдиқлади. Шу сабабли миллий масаланинг ҳал этилишида ҳам жамиятни революцион ўзгартиришдан ажратиб бўлмайди, бу масала шу жараённинг ажралмас таркибий қисмидир.

Миллий масала — мазлум ва эксплуатация қилинувчи миллатларни озод қилиш тўғрисидаги, миллий тенгсизликни тугатиш ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи эркин белгилашини таъминлаш ҳақидаги, миллий адоват ва ишончсизликни бартараф қилиш тўғрисидаги, интернационализм, барча халқларнинг дўстлиги ва қардошлиги принципларига асосланган миллатлараро муносабатларни қарор топтириш ҳақидаги масаладир.

Тарихан вужудга келган, капитализм даврида ривожланиб, кескинлашган, сўнгра эса социализм негизида ҳал этилган мазмундаги миллий масала (илмий тушунчада) миллатлар ва кўп миллатли давлатларнинг яшаши ва ривожланиши тўғрисидаги, жамиятдаги миллий тафовутларнинг сақланиб туриши ҳақидаги масала эмас. Шу сабабли миллий масаланинг ҳал этилиши ҳам миллатларнинг йўқ бўлиб кетишини, миллий тафовутлар тугатилишини билдирмайди. Шу муносабат билан «миллий масала» ва «миллий муносабатлар» деган тушунчаларни бир-биридан фарқ қилиш керак. Иккинчи тушунча биринчисидан кенгроқ. Шуни ҳисобга олмай туриб, СССРда миллатлар ва миллий муносабатлар мавжуд бўлган бир пайтда миллий масаланинг бизга революциядан аввалги ўтмишдан мерос бўлиб қолган жиҳатлари тўла-тўкис ва узил-кесил ҳал этилди, деб гапираётганимизнинг боисини тушуниб бўлмайди.

Хўш, ўтмишдан бизга мерос бўлиб қолган тарздаги миллий масала тўла-тўкис, узил-кесил ва абадий ҳал этилди, деган гапнинг маъноси нима?

Биринчидан, СССРда миллатлар ўртасидаги душманлик ва ишончсизлик, адоват ва ётсираш бартараф этилди. Янги ижтимоий тузум негизида одамлар ўртасидаги муносабатларнинг сифат жиҳатдан янги, социалистик, чинакам интернационалистик типи — асосий манфаатлар, мақсадлар, марксизм-ленинизм идеологиясининг муштараклиги туфайли жипслашган барча миллат ва элатларнинг дўстлиги, ўзаро ҳурмати ва қардошларча ҳамкорлиги вужудга келди.

Иккинчидан, ўзининг социал-сиёсий ва маънавий қиёфасига кўра капиталистик миллатлардан мутлақо фарқ қиладиган принципиал янги, социалистик типдаги миллатлар ва элатларнинг вужудга келиб, қарор топиши негизидагина халқлар ўртасидаги чинакам уйғун муносабатлар вужудга келиши мумкин эди ва ҳақиқатан ҳам вужудга кел-

ди. Социал-иқтисодий, сиёсий ва маънавий манфаатлар ҳамда идеалларнинг бирлиги, ишчилар синфининг етакчилик роли, бутун жамиятга унинг сиёсий системаси ўзаги бўлмиш Коммунистик партиянинг раҳбарлиги, метиндек жипслик ва социал бир хиллик — социалистик миллатларнинг ўзига хос хусусиятларидир.

Учинчидан, СССРда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ва маданий жиҳатдан миллатларнинг чинакам тенглигига эришилди, улар ҳар томонлама равнақ топиб, ўзаро яқинлашиб бормоқдалар. Мамлакатимизнинг барча халқлари ўзининг миллий давлатига эга. Эндиликда социалистик федерализм принципи асосида, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ва ихтиёрий равишда бирлашиши натижасида тузилган ССР Иттифоқи составига 15 та иттифоқдош ва 20 та автоном республика, 8 та автоном область ва 10 та автоном округ киради. Совет Иттифоқи бутун аҳолисининг 98 процентини ташкил қилувчи халқлар ўзларининг миллий давлатларини барпо этиб олганлар.

Социалистик қурилиш жараёнида кўпгина халқларнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан жуда орқада қолганлигини тугатишдан иборат ғоят қийин вазифа муваффақиятли ҳал этилди. КПССнинг миллий чекка ўлкаларни жадал тараққий эттириш йўли туфайли мамлакатимиздаги барча халқлар ҳозир илғор социалистик миллатлар ва элатлар даражасига чиқиб олдилар. Шуни айтиш кифоя қиладики, 1913 йилдан 1978 йилгача ўтган давр мобайнида Ўзбекистондаги саноат маҳсулотининг ялпи ҳажми 71 баравар кўпайди. Аҳолининг маълумот савиясини кўрсатувчи рақамлар ҳам салмоқлидир. 1976 йилда халқ хўжалигида ишлаб турган кишилар орасида умуман СССРда олий ва ўрта (тўлиқ ва тўлиқсиз) маълумотли кишилар 76,7 процентни, Ўзбекистонда эса 77,9 процентни ташкил қилди.

Тўртинчидан, социалистик интернационализм идеологияси ва сиёсати буржуа миллатчилиги ва шовинизми идеологияси ҳамда сиёсати устидан тўла-тўкис ва узил-кесил ғалаба қозонди; янги, чинакам интернационалистик совет турмуш тарзи қарор топиб, СССРдаги барча миллат ва элатларнинг ягона фазилатига айланди. Ижтимоий онгда мислсиз революцион тўнтариш амалга оширилди, энди интернационализм бир гуруҳ коммунистларнинг идеалидан барча миллатларга мансуб миллион-миллион совет кишиларининг чуқур эътиқодига ва феъл-атвор нормасига айланди. Мамлакатда коммунизм учун фидокорона курашувчи ҳақиқий ватанпарвар-интернационалистлар авлоди вояга етди. Совет кишиларида миллий онг, ватанпарварлик ва интернационализмни ўзида мужассамлаштирган умуммиллий ифтихор улуғ туйғуси вужудга келиб, муттасил мустаҳкамланмоқда.

СССРда янги тарихий бирлик — совет халқи вужудга келганлиги ривожланган социализмнинг миллий масалани ҳал этишдаги ютуқларининг умумлашма кўрсаткичларидан биридир. Бу бирлик совет жамияти социал ва интернационал жипслигининг сифат жиҳатдан янги даражасини ифодалайди. **«Тарихан янги социал ва интернационал бирлик — совет халқи вужудга келганлиги** — мамлакатимизда ривожланган социализмнинг муҳим белгиси бўлиб, совет жамиятининг бир хиллиги ўсиб бораётганлигини кўрсатиб турибди, бу бирлик КПСС миллий сиёсатининг тантанаси бўлиб қолди,— деб уқтирди ўртоқ Л. И. Брежнев.— Бу эса бизда совет кишиларининг феъл-атвори, характери, дунёқарашидаги хусусиятларнинг социал ва миллий тафовутларига боғлиқ бўлмаган умумий манфаатлар аста-секин устун бўлаётганлиги ҳал қилувчи аҳамиятга молик эканлигидан далолат беради» (Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар, 6-том, 705-бет).

Одамлар бирлигининг янги тарихий типи бўлмиш совет халқи барча синфлар ва социал группалар, ҳамма миллат ва элатлар намояндаларининг ривожланган социалистик жамият қурилиши натижасида,

умумиттифоқ экономикаси, жамият социал структурасининг бир типда эканлиги, ягона иттифоқ кўп миллатли давлати, яхлит ва кўп миллатли социалистик маданият, манфаатлар ва коммунистик идеалларнинг муштараклиги асосида вужудга келган ўзига хос социал қотишмасидир. Янги тарихий бирликнинг қарор топиши — етук социалистик жамиятдаги социал-синфий ва миллий муносабатлар ривожининг ўзига хос белгиси ва энг муҳим омилидир.

Айни социализм социал-синфий ва миллий тафовутларни бартараф этишни, одамларнинг социал аҳволини тенглаштиришни, бир типдаги социал структурани қарор топтиришни ва жамиятнинг социал бир хиллигини кучайтиришни ифодаловчи янги социал ривожланиш тенденциясини юзага келтиради. Янги тарихий бирликнинг вужудга келиши тарихий ривожланишнинг мана шу тенденциясини ўзига мужассамлантиради, инсониятнинг социал тараққиётида муҳим босқич бўлиб хизмат қилади. Бу босқич эса В. И. Лениннинг социализм «инсоният ҳаётининг янги, олий формаларини ижод қиладики, бу вақтда *ҳар қандай* миллат меҳнаткаш оммасининг қонуний эҳтиёжлари ва прогрессив интилишлари, биринчи марта ўлароқ, ҳозирги миллий ғовлар йўқотилган бир шароитда интернационал бирликни туғдириш йўли билан қондирилади» (Тўла асарлар тўплами, 26-том, 42-бет), деган доҳиёна башорати нечоғлик ҳақлигини исботлади.

Совет халқи одамлар социал бирлигининг янги тарихий типи эканлигининг боиси шуки, биринчидан, бу бирлик — жамият турмуши ҳамма соҳаларини революцион тарзда ўзгартиришнинг қонуниятли натижаси сифатида вужудга келган ўз табиатига кўра социалистик бирликдир. Иккинчидан, совет халқи айрим синфдан кўра анча кенгроқ бирликдир, яъни ишчилар синфини ҳам, колхозчи деҳқонларни ҳам, шунингдек халқ зиёлиларини ҳам ўз ичига олувчи синфлараро бирликдир. Янги тарихий бирликнинг вужудга келиб, қарор топиши социалистик тузум социал негизининг кенгайиши, совет жамияти социал-синфий ва социал-сиёсий бирлигини мустаҳкамлашдан иборат қонуниятли тенденцияни акс эттирди. Бунда ишчилар синфи шу тенденциянинг асосий ифодачиси, шу жараённинг етакчи кучи бўлиб майдонга чиқмоқда.

Учинчидан, совет халқи — айрим миллатдан кўра анча кенг бирликдир, чунки у 100 дан ортиқ миллат, элат, миллий ва этник группани ўз ичига олувчи интернационал бирликдир. Улар орасида кўп миллатли бирлик бўлмиш совет халқини вужудга келтириш ва ривожлантиришда улуғ рус халқи етакчилик ролини ўйнамоқда, рус халқи ўзининг чуқур интернационализми билан ҳақли равишда Ватанимиздаги барча халқларнинг меҳр-муҳаббати ва самимий ҳурматини қозонди.

Тўртинчидан, янги тарихий бирлик синфлараро, миллатлараро ва шахслараро муносабатлар социал алоқаларининг мислсиз чуқурлиги, барқарорлиги ва пишиқ-пухталиги билан, шу муносабатларнинг янги социалистик типи билан характерланади.

Бешинчидан, совет халқининг вужудга келиши мамлакатнинг социал-сиёсий ривожида сифат жиҳатдан янги босқич бошланганидан дарак бериши, синфлар, миллатлар, одамларнинг ҳаёт фаолиятида социал ва миллий тафовутларга боғлиқ бўлмаган муштарак фазилатлар тобора ҳал қилувчи аҳамият касб этиши туфайли ҳам янги тарихий бирлик ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда совет халқи, инсониятнинг ижтимоий турмушдаги синфий ва миллий формалардан келгусидаги синфсиз ва миллатсиз коммунистик жамият сари қилаётган ҳаракати йўлидаги тарихий ўтиш формаларидан биридир.

Янги тарихий бирлик бўлмиш совет халқи, шубҳасиз, жамиятимиз бирлиги ва жипслигининг юксак поғонасини ифодалайди. Шундай бўлса ҳам бу бирликнинг вужудга келишини синфлар йўқ бўлиши ёки

миллатлар ўзаро қўшилиб кетиши деб ҳисоблаш нотўғри бўлур эди. Совет халқи ўз ичида одамларнинг турли социал-синфий, шунингдек кўпдан-кўп миллий бирликлари мавжудлигини ва шу бирликлар ривожланишини истисно қилиш бир ёқда турсин, балки бевосита тақозо этадиган структура жиҳатидан мураккаб бирликдир. Бу бирлик интернационал умумийликнинг етакчилик роли ва белгиловчи аҳамияти шароитида умумийлик ва ўзига хосликнинг, интернационал ва миллий белгиларнинг узвий бирлиги ва уйғун бирлашувидан иборат эканини эътиборга олган тақдирдагина унинг ҳақиқий табиатини тушуниш мумкин. «Биз одамларнинг янги тарихий бирлиги тўғрисида гапирар эканмиз,— деб уқтирди ўртоқ Л. И. Брежнев,— бизда миллий тафовутлар йўқолиб бормоқда ёки бунинг устига миллатлар қўшилиб кетди, деган нарсани асло назарда тутаётганимиз йўқ. Совет Иттифоқида яшовчи ҳамма миллатлар ва элатлар ўз хусусиятларини, миллий характер белгиларини, тилини, ўзларининг энг яхши анъаналарини сақлаб қолмоқдалар» (Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар, 4-том, 268-бет).

Умумсовет белгилари билан синфий белгилар, интернационал белгилар билан миллий белгилар бир-бирига қарама-қарши туриш у ёқда турсин, балки бир-бирини бойитади ва тўлдиради. Чунончи, совет жамияти бирлигининг мустаҳкамланиши ишчилар синфининг ўсиши ва камол топишидан, унинг авангардлик роли ошишидан ажралмасдир; СССР халқларининг миллий маданиятлари барча социалистик миллатларга хос интернационал маданиятнинг вужудга келиши ва ривожланиши билан, коммунистик жамиятнинг умумбашарий маданиятини шакллантириш билан узвий боғланган ҳолда равнақ топмоқда.

Совет халқини одамларнинг янги этник бирлиги ёки «совет миллати» деб бўлмайди. Ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Олий Советининг навбатдан ташқари еттинчи сессиясида СССРнинг янги Конституцияси ва унинг умумхалқ муҳокамаси якунлари тўғрисида қилган докладида муҳокамада қатнашган айрим кишилар бизнинг мамлакатимизда янги тарихий бирлик вужудга келганлиги фактидан хато хулоса чиқарганликларига эътиборни қаратди. Бу кишилар Конституцияга «яхлит совет миллати» тушунчасини киритишни, миллий республикаларни тугатишни ёки уларнинг суверенитетини кескин чеклаб қўйишни ва шу сингариларни таклиф қилиб, миллий негилизм позициясига ўтиб қолдилар. Шу муносабат билан ўртоқ Л. И. Брежнев бундай деди: «Бу таклифларнинг хато эканлиги равшан, деб ўйлайман. Совет халқининг социал-сиёсий бирлиги миллий тафовутлар йўқ бўлиб кетганлигини мутлақо билдирмайди. Биз ленинча миллий сиёсатни изчиллик билан ўтказиш туфайли социализм қуриб, айни вақтда — тарихда биринчи бўлиб — миллий масалани муваффақиятли ҳал этдик. Совет халқларининг дўстлиги бузилмасдир, коммунистик қурилиш жараёнида улар бир-бири билан муттасил яқинлашиб бормоқдалар, улар ўзларининг маънавий ҳаётларини ўзаро бойитмоқдалар. Аммо биз миллатлар ўзаро яқинлашувининг ана шу объектив жараёнини сунъий равишда жадаллаштира бошласак, хатарли йўлга ўтган бўлур эдик. В. И. Ленин бундан қатъиян огоҳлантирган эди ва биз унинг васиятларидан асло чекинмаймиз».

Антикоммунистларнинг СССРда миллий муносабатлар ривожи ҳозирги босқичининг моҳиятини ва КПСС ленинча миллий сиёсатининг умумий йўналишини бузиб кўрсатиш учун ишлатаётган қуроллари орасида бизнинг мамлакатимизда одамларнинг янги тарихий бирлиги вужудга келганлигини эътироф қилиш гўё «ассимиляция», «руслаштириш», «миллий хусусиятларни тугатиш» сиёсатини амалга оширилаётганлигининг исботидир, деб даъво қилиш йўлидаги уринишлар катта ўрин олади. Бунда «совет халқи» тушунчаси қасддан сохталаштирилади ва бошқа тушунчалар билан чалкаштириб юборилади. Антикомму-

нистлар «миллатларнинг яқинлашиши» ва «миллатларнинг қўшилиши» тушунчаларини онгли равишда айнан бир нарса деб кўрсатиб, масалани социалистик миллатлар ривожланиш жараёнининг турли жиҳатларини бир-бирига метофизик тарзда қарама-қарши қилиб қўйиш тарзида ҳал этмоқчи бўладилар, яъни улар миллатлар ё равнақ топади ёки қўшилиб кетади; ё айрим миллий бирликлар бўлади ёки ягона совет халқи бўлади; ё миллий маданият, ёки совет интернационал маданияти бўлади; ё миллий тиллар бўлади, ёки ҳамма учун умумий бўлган рус тили бўлади ва ҳоказо деб даъво қиладилар. Мана шуларнинг ҳаммаси социализм шароитидаги миллий муносабатларнинг ривожланиш жараёнини, бу жараён миллий ва интернационал белгиларнинг узвий ўзаро алоқасини ва уйғун ўзаро боғланишини таъминлашини тушунишни истамаётганликларидан далолат беради. Миллатларнинг социал ва миллий зулмдан батамом халос бўлиш орқали, улардан ҳар бирининг ривожланиши учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш орқали жипсликка, бирликка, ҳар томонлама яқинлашувга бориши — миллий масалани марксча-ленинча қўйиш диалектикасидир.

Янги тарихий бирликнинг вужудга келиши, шундай қилиб, миллий жиҳатлар социал аҳамиятини йўқотди ёки ҳатто мутлақо мавжуд бўлмай қолди, деган маънони билдирмайди. Етук социалистик жамиятда ҳам миллий муносабатлар реалликдир, у доимо ривожланиб, янги-янги проблемаларни ўртага қўймоқда. Бу проблемалар илгари ҳал этишга тўғри келган проблемалардан тубдан фарқ қилади, албатта, чунки СССРдаги миллий муносабатлар ривожининг ҳозирги босқичи — миллатлар ва элатларнинг жуда узвий бирлиги, ҳар томонлама равнақ топиши ва муттасил яқинлашиши босқичидир. Масалан, яхлит совет кўп миллатли давлатида айрим миллат ва элатларни ривожлантиришнинг энг мақбул йўлларини топиш; ҳар бир миллат ва элат манфаатларини умуман совет халқи манфаатлари билан жуда тўғри қўшиб олиб боришга эришиш; айрим кишиларнинг онги ва феъл-атворидаги миллатчилик хурофотларини батамом тугатиш мана шундай проблемалар жумласига киради. Бу ҳол ҳозир ҳам партия билан Совет давлатининг жамиятимиздаги миллий муносабатлар ривожи ва такомиллашувига илмий раҳбарлик қилишга эътибор билан қарашларини тақозо этади.

СССРда миллатлар ва элатлар турмушининг ҳамма соҳалари тобора интернационаллашиб бормоқда. Етук социализм шароитидаги миллий муносабатлар ривожининг мана шу етакчи қонунияти икки асосий тенденция — социалистик миллатларнинг равнақ топиши ва яқинлашиши тенденциялари уйғун равишда ўзаро амал қилаётганлигининг натижаси бўлиб майдонга чиқмоқда. «Ҳар бир миллий республиканинг иқтисодий ва социал ривожи нақадар интенсив бўлса,— деб уқтирди ўртоқ Л. И. Брежнев,— у ерда бутун турмушимизнинг интернационаллашув жараёни шу қадар яққол намоён бўлмоқда» (Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар, 4-том, 64-бет). Етук социалистик жамиятдаги миллий муносабатларнинг ўзига хос белгилари: ўзаро боғланган ягона халқ хўжалик комплекси бўлмиш умумиттифоқ экономикасининг ривожланиши; аҳолининг республикалараро ҳаракати кучайиши ва республика аҳолисининг кўп миллатлилиги ўсиши; бутун кўп миллатли совет жамияти ҳамда ҳар бир миллат ва элатнинг бир типдаги социал структураси қарор топиши, иттифоқ ва миллий давлатчиликнинг узвий бирлиги ҳар томонлама ривожланиши; совет социалистик маданиятининг қарор топиши ва СССР халқлари маданиятида умумий интернационал белгиларнинг мустаҳкамланиши; совет кишисининг интернационал онги ўсиши ва умуммиллий ифтихор туйғуси қарор топиши ана шундан келиб чиқади. Хўш, етук социализм шароитида СССР халқлари турмуши интернационаллашиб бораётганлигининг мана шу асосий кўринишлари қандай юзага чиқмоқда?

СССР халқлари бутун турмуш укладининг интернационаллашуви — аввало кўп миллатли мамлакатда коммунизм қурилишининг моддий шароитларидан келиб чиқадиган қонуниятли прогрессив жараёндир. Бу ўринда ривожланган социалистик жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучлари тобора айрим миллий республикалар доирасидан чиқиб, улардан фойдаланиш ва уларни ривожлантиришнинг республикалараро, интернационал формаларини талаб қилаётганлиги белгиловчи хусусият бўлиб қолмоқда. Масалан, Ўрта Осиёдаги энг катта Норак ва Тўхтўқул гидроэнергетика узеллари Тожикистон ёки Қирғизистон эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, уларнинг энергияси бутун Ўрта Осиё ва унинг ташқарисидаги ишлаб чиқарувчи кучларни ҳам ҳаракатга келтирмоқда.

Мана шундай шароитда халқларнинг коммунистик қурилишдаги ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдамини янада чуқурлаштириш ҳамда кенгайтиришнинг объектив зарурати ва роли қонуниятли равишда ортади. «Бутун мамлакат миқёсида таркиб топган яхлит хўжалик организми,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида,— халқлар дўстлиги ва ҳамкорлигининг мустаҳкам моддий негизидир». Норак ГЭСини 34 миллат фарзандлари қурганликларини, мамлакатдаги 300 дан ортиқ корхона унга асбоб-ускуна ва материал етказиб берганини айтиш кифоя қилади. Татаристондаги Кама автомобиль заводи тўғрисида ҳам шу гапни айтиш мумкин, уни қуришда 40 га яқин миллат фарзандлари қатнашди.

Ҳар бир иттифоқдош республиканинг табиий, иқтисодий ва меҳнат ресурслари ҳисобга олиниб, унда аввало умумиттифоқ нуқтаи назаридан жуда оз меҳнат ва маблағ сарфлаб, ғоят қисқа муддатда энг кўп иқтисодий самара олиш мумкин бўлган саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари ривожлантирилади. Шунга мувофиқ, масалан, Украина ва Белоруссияда машинасозлик, металл ишлаш, электр энергетика, химия ва озиқ-овқат саноати; Закавказье республикаларида химия, машинасозлик, бинокорлик материаллари саноати, енгил ва озиқ-овқат индустрияси; Ўрта Осиё республикаларида саноат билан бир қаторда пахтачилик, қоракўлчилик илдам суръатлар билан ривожлантирилмоқда. Масалан, Ўзбекистон ССРда пахтачилик республика қишлоқ хўжалигининггина эмас, бутун халқ хўжалигининг ҳам етакчи тармоғи бўлиб қолди. «Пахта етиштиришни кўпайтириш, мамлакатни мана шу қимматли хом ашё билан тобора кўпроқ миқдорда таъминлаш — республика деҳқонлари ва барча меҳнаткашларининг энг муҳим ватанпарварлик ҳамда интернационал бурчи, бизнинг бош вазифамиз, хўжалик қурилишидаги бош йўлимиздир. Мана шу йўл изчиллик билан амалга оширилмоқда» (Ш. Р. Р а ш и д о в. Совет Ўзбекистони. Т., «Ўзбекистон», 1978, 59—60-бетлар).

Социализм шароитида республикалар хўжалигини ихтисослаштириш уларнинг экономикасини ҳар томонлама, комплекс ривожлантиришни истисно қилмайди, балки бевосита тақозо этади. Чунончи, ҳар бир иттифоқдош республикада конкрет шароитлар эътиборга олиниб, оғир саноатнинг у ёки бу тармоқлари ривожлантирилмоқда. Масалан, Туркманистон ССРда озиқ-овқат индустрияси билан бир қаторда нефть, газ ва химия саноати; Тожикистон ССРда электр энергетика, рангли металлургия ва машинасозлик жадал суръатлар билан ўсмоқда.

Миллий республикаларнинг ҳар томонлама ва комплекс ривожланиши уларда биқиқ хўжалик вужудга келишини билдирмайди. Ҳар бир республиканинг экономикаси СССР экономикасининг таркибий қисми сифатида ривожланади.

Миллий республикалар ишлаб чиқарувчи кучларининг ўсиши уларнинг иқтисодий алоқалари ва ўзаро ёрдамини тез ривожлантириш-

га олиб келди. Республикалараро электр узатгич линиялари (масалан, Закавказье ва Ўрта Осиё электр тармоқларини туташтириш), газ қувурлари (Қорадоғ — Тбилиси — Ереван, Дашава — Минск — Вильнюс — Рига, Бухоро — Қозоғистон — Урал, Ўрта Осиё — Марказ) ва нефть қувурлари тобора катта аҳамият касб этмоқда. Йирик энергетика, гидротехника, ирригация, транспорт объектлари ва бошқа объектларни (Ўрта Осиёдаги Қайроққум ва Учқўрғон ГЭСлари, Қорақум канали, Мирзачўлни ўзлаштириш) миллий республикаларнинг иқтисодий алоқаларини янада кучайтиришга кўмаклашади.

Мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучлари ривожланиб, миллатлараро алоқалар такомиллашиб бораётганлиги аҳолининг ҳаракатчанлигини кучайтирмоқда, бу эса СССР халқлари турмушини интернационаллаштиришнинг муҳим объектив омилларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ миллий республикалар, аслида, кўп миллатли бўлиб қолган. 1970 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати маълумотларига қараганда, 15 та иттифоқдош республикадан 11 тасида бошқа миллат вакиллари жами аҳолининг чорак қисмидан кўпроғини, жуда кўпчилик автоном республикаларда эса ярмидан кўпроғини ташкил этади. Илгари бўлганидек, аҳоли рўйхатлари орасида ўтган ўн бир йил (1959—1970 йиллар) мобайнида анчагина аҳолининг кўчиши содир бўлган. Чунончи, мазкур даврда Қозоғистонга ва Ўрта Осиёга бошқа республикалардан 1 миллион 200 минг киши кўчиб келган. Шунинг натижасида ҳар бир республиканинг аҳолиси кўп миллатли бўлиб, миллий хусусиятлар интернационал, социалистик, умумсовет белгилари ва анъаналари билан узвий равишда қўшилиб кетмоқда.

Аралаш никоҳ ва оилалар муттасил кўпаймоқда. Умуман, 1959 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати маълумотларида мамлакатимиздаги ҳамма оилаларнинг 10,2 проценти аралаш никоҳ ва оилаларга тўғри келса, 1970 йилги рўйхатда 13,5 процентга етди.

Умуман совет жамияти ва ҳар бир миллат ҳамда элат социалистик синфлар ва табақалардан — ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва меҳнаткаш зиёлилардан иборат бир типдаги социал структурага эгадир. Барча миллий республикаларда ишчилар синфининг каттагина отрядлари вужудга келган.

Етук социалистик жамият иттифоқ давлати билан республикалар миллий давлатининг демократик централизм ва социалистик федерализм, социалистик демократия принциплари асосидаги узвий бирлигида ҳар томонлама ривожланишини таъминлайди. Бу нарса СССР Конституциясида (70-модда) мустаҳкамлаб берилган ва бутун совет халқининг муштарак манфаатлари билан ҳар бир миллат ва элатнинг манфаатларини эътиборга олиш ҳамда тўғри қўшиб олиб бориш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Кўп миллатли Совет давлатининг ривожи ҳар бир босқичида коммунистик қурилиш конкрет шароитлари ва вазифаларига қараб иттифоқ давлати билан республикаларнинг миллий давлати ўртасида компетенциялар ғоят оқилона равишда тақсимланишига эришилади. Бунда кўп миллатли Совет давлатининг вазифалари ривожланиб, фаолият ҳажми кенгайиб борган сайин умумиттифоқ, интернационал аҳамиятга молик масалалардаги марказлашув кучаяди ва айни вақтда республикаларнинг ўз вазифалари ва оператив ишларини амалга оширишдаги мустақиллиги кенгайтирилади. Социализм шароитида бу — миллий-давлат тузилишидаги демократик централизм ва социалистик федерализм принципларини рўёбга чиқариш, мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат ягона жараённинг икки жиҳатидир.

Бу нарса СССРнинг миллий-давлат тузилишидаги ҳозирги босқич конституцион асосларида айниқса яққол намоён бўлди. СССР мил-

латлари ва элатларининг тобора жадал яқинлашиб бораётганлиги аввало Совет федерал давлатидаги иттифоқ негизларини мустаҳкамлаш заруратини келтириб чиқарди. Шу муносабат билан СССР Конституциясида ССР Иттифоқига берилган таърифнинг ўзидаёқ (70-модда) **ягона** иттифоқ кўп миллатли давлати тўғрисида гап бораётганлиги таъкидланган, унинг иттифоқ негизлари мустаҳкамланиши СССР Конституциясининг 73-моддасида акс эттирилган, шу модданинг ўзида умумиттифоқ аҳамиятига молик масалаларда ССР Иттифоқи органларининг кенг компетенцияси мустаҳкамланган.

Шу билан бирга мамлакатимизнинг Асосий Қонуни иттифоқдош республикаларнинг суверен ҳуқуқларини янада кенгайтиришни ва шу ҳуқуқларнинг гарантиялари янада кўпроқ мустаҳкамланишини таъминлайди. Чунончи, иттифоқдош республикаларга СССР Олий Советига қонун лойиҳаларини таклиф этиш ҳуқуқи берилган (113-модда); ССР Иттифоқи қарамоғидаги масалаларни ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқи; ўз территориясидаги комплекс иқтисодий ва социал ривожланишни, иттифоқ қарамоғидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини иттифоқдош республика қарамоғидаги масалалар юзасидан мувофиқлаштириб туриш ва контроль қилиш ҳуқуқи ҳамда вазифаси (77-модда); қонун лойиҳаларини ва давлат турмушининг бошқа энг муҳим масалаларини умумхалқ муҳокамасига қўйиш тўғрисида таклиф киритиш ҳуқуқи (114-модда) берилган.

СССР Олий Советининг тенг ҳуқуқли Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советидан иборат икки палатали структураси улар қабул қиладиган қарорларда, халқ хўжалик планларида, бюджетда мамлакатдаги барча халқларнинг умумий манфаатлари ҳам, шунингдек иттифоқдош ва автоном республикаларнинг, автоном областлар ва округларнинг ўзига хос манфаатлари ҳам ифодаланишини таъминлайди. СССР Олий Советининг Миллатлар Советида ҳар бир иттифоқдош республиканинг 32 депутати, ҳар бир автоном республиканинг 11, ҳар бир автоном областнинг 5, ҳар бир автоном округнинг 1 депутати бор. Иттифоқдош республикалар Олий Советлари Президиумларининг ҳамма раислари айни вақтда СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарларидир. Иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг раислари СССР Министрлар Совети составига, иттифоқдош республикалар Олий судларининг раислари эса СССР Олий Суди составига кирадилар. Иттифоқ ва миллий давлатчиликнинг узвий бирлиги хўжалик ва маданий қурилишни бошқаришнинг иттифоқ-республика формасида ҳам ўз ифодасини топади.

Совет социалистик демократияси олий ва маҳаллий ҳокимият органларида барча миллатларнинг вакиллари кенг миқёсда иштирок этишини таъминлайди. СССР Олий Совети составида 62 миллатга мансуб депутатлар, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари составида 66 миллатга, маҳаллий Советларнинг составида 100 дан ортиқ миллатга мансуб депутатлар бор.

Социалистик миллатлар ривожининг ягона социал-иқтисодий ва сиёсий негизи ҳар бир халқнинг энг яхши фазилатлари ва анъаналари бошқа ҳамма халқларнинг мулкига айланишига ёрдам беради. Совет миллатларининг социал-сиёсий ва ғоявий бирлигини, ҳаётий манфаатлари ва коммунистик қурилишдаги мақсадлари муштараклигини ифодалайдиган умумий белгилар уларнинг маънавий қиёфаси таърифида тобора катта аҳамият касб этмоқда. Коммунизм ишига садоқат, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм, юксак меҳнат ғайрати ва ижтимоий-сиёсий активлик, эксплуатация ва зулмга, миллий ва ирқий хурофотларга муросасизлик, барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари билан синфий бирдамлик мана шу белгилар жумласига киради.

Совет миллатлари маънавий қиёфасидаги муштараклик уларнинг мазмунан социалистик ва шаклан миллий маданияти ривожида ҳам ўз ифодасини топади. Коммунистик қурилиш даврида миллий маданиятлар барқ уриб гуллаб-яшнаши билан бирга улар ўзаро яқинлашиб, бир-бирини янада бойитади. Бу — социализм руҳига, мамлакатимиздаги барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган прогрессив жараёндир.

Рус тилининг вазифалари кенгайиб, роли ошиб бораётганлигида ҳам СССР халқлари турмушининг янада интернационаллашуви намоён бўлмоқда. Ҳамма эътироф этган жаҳон тилларининг бири бўлмиш рус тили аслида СССРдаги рус бўлмаган аҳоли кўпчилик қисми учун иккинчи она тили, миллатлараро алоқа, жипслашиш ва ҳамкорлик қилиш воситаси бўлиб қолди, бу тил ҳар бир миллат ва элатнинг барча совет халқлари маданий ютуқларидан ва жаҳон маданиятидан баҳраманд бўлишга имкон беради.

Совет кишисининг умуммиллий ифтихори СССРдаги миллат ва элатлар маънавий бирлигининг ажойиб мужассамидир. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ибораси билан айтганда, совет кишисининг умуммиллий ифтихори «жуда катта, миқёси кенг, ўз мазмуни жиҳатидан ғоят бой ҳис-туйғудир. Бу ҳис-туйғу мамлакатимизни ташкил этган халқлардан ҳар бирининг табиий миллий ҳис-туйғуларидан чуқурроқ ва кенгроқдир. Бу ҳис-туйғу миллион-миллион совет кишиларининг меҳнати, шижоати, ижодкор даҳоси яратган энг яхши нарсаларнинг ҳаммасини ўзига қамраб олган» (Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар, 4-том, 110-бет).

Табиий миллий ифтихор туйғуси ҳам совет кишиларига ёт эмас, албатта. Аммо уларнинг ватанпарварлиги фақат ўз миллатига меҳр-муҳаббат ва фақат ўз миллати учун фахрланишнинг тор доираси билан чекланмаган, қисилиб қолмаган. Совет кишиларининг ватанпарварлик туйғуси ҳаммамизнинг кўп миллатли социалистик Ватанимизга меҳр-муҳаббат ва ифтихор туйғусини узвий равишда ўз ичига олганлиги учун ҳам анча чуқур ва кенгдир. Бу ҳам қонуниятлидир, чунки социализм ватанпарварликнинг интернационализм билан таркибий равишда бирикиб кетган янги, социалистик типини юзага келтиради.

Мамлакатимиз халқлари турмуши интернационаллашиб бораётганлигининг асосий йўналишлари ана шулардан иборат. Бу — пировард натижада миллий хислатларни равнақ топтириш ва интернационал хислатларни кенгайтириш асосида, интернационалистик идеаллар ва марксизм-ленинизм идеологиясига, коммунистик қурилиш манфаатларига тўла-тўкис мувофиқ равишда миллий тафовутларни бартараф этишга олиб борадиган объектив жараёндир.

АСРЛАРГА ТЕНГ ЙИЛЛАР

ХОРАЗМДА ХАЛҚ РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

М. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Ўзбекистон Компартияси Хоразм область комитетининг биринчи секретари

КЎҲНА ХИВАДАГИ улуғвор ёдгорликлардан бири бўлган Калта минора устида биринчи марта революция Қизил байроғи ҳилпирай бошлаган тарихий пайтдан буён олтмиш йил ўтди. Ўрта Осиёдаги энг шафқатсиз феодал-мустабид режимлардан бири бўлган Хива хонлиги халқ оммасининг кўп асрлик кураши шу тариқа муваффақият қозонди.

Хоразмдаги революция Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қонуний давоми, Шарқ халқлари миллий-озодлик курашининг муҳим бўғини бўлди. Революциянинг тиғи феодал-мустабид тузумга ва халқаро империализмга қарши қаратилган эди, шу сабабли антифеодал, антиимпериалистик, умумхалқ тусини олди. Деҳқонлар ва шаҳар камбағаллари революциянинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи эди, Россия ишчилар синфининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши ва қардошларча ёрдами революция ғалабасининг энг муҳим шарти бўлди. В. И. Ленин умумдеҳқонлар революциясининг (Хоразмдаги революция худди шундай революция эди) мазмунини очиб бериб, ёзган эдики, у «*ҳали* буржуа революцияси бўлиб, *бир қанча ўтишлар, ўткинчи босқичлар* бўлмасдан туриб, бу революцияни қолоқ мамлакатда социалистик революция қилиш мумкин эмас... эди» (Тўла асарлар тўплами, 37-том, 368-бет).

1873 йилда чор Россиясига қарам бўлиб қолган Хива хонлиги иқтисодий, социал ва сиёсий жиҳатдан қолоқ ўрта аср давлати эди. Меҳнаткаш халқнинг бутунлай ҳуқуқсизлиги ва қашшоқлиги, бойлар, амалдорлар ва руҳонийларнинг ўзбошимчалиги ва зўравонлиги, икки ёқлама зулм, омманинг нодонлиги ва жаҳолати революциядан олдинги Хоразм учун характерли эди. «Ер куррасида истибдод Хоразмда бўлгани каби, шу қадар беҳаё, мудҳишона ва ваҳшиёна формада намоён бўлган бирор бурчак бўлмаса керак», деб шаҳодат беради ўтган асрда хонликка келиб кетган рус саёҳатчиси.

Меҳнаткашларнинг мутлақо ерсизлиги — ишланадиган ернинг 95 проценти хон оиласи, амалдорлар, бойлар ва руҳонийлар қўлида эди, ибтидоий меҳнат қуроллари — кетмон ва омоч, маҳаллий хом ашёни қайта ишлайдиган бир неча майда завод, кустар корхоналари, замонавий техника ва транспорт воситаларининг бутунлай йўқлиги, аҳолидан олинадиган ҳаддан ташқари кўп солиқлар (ҳатто қамоққа олинганларга солинадиган махсус солиқ мавжуд эди) — Хива хонлиги иқтисодий ҳаётининг асосий белгилари ана шулардан иборат эди.

Хоразм воҳасида яшаган меҳнаткаш ўзбеклар, туркманлар, қорақалпоқлар ҳокимларнинг шафқатсиз бедодлигига ва раҳмсиз эксплу-

атацияга қарши бир неча бор қўзғолон кўтардилар, золимларга қарши биргалашиб курашдилар. 1913 йилда Гурландаги Салимжон заводи ишчиларининг чиқишлари ва 1915—1916 йиллардаги деҳқонлар қўзғолонлари хон навкарлари ва чор солдатлари қуроли билан бостирилди. Бироқ, катта талафотларга қарамай, халқ бахтли ҳаёт учун курашни давом эттираверди.

Улуғ Октябрь Хоразм меҳнаткашларининг чинакам озодлигини бошлаб берди. Россиядаги революцион воқеалар, Туркистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, Россия федерацияси ҳукуматининг собиқ чор империяси барча миллат ва элатларининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш ва ягона қардошлик иттифоқига жипслаштириш соҳасидаги тарихий актлари Амударё қуйи оқими халқ оммасининг сиёсий онгига жуда катта таъсир кўрсатди. «Биз Хива деҳқонининг Хива хони қўл остида яшашини мутлақо истамаймиз,— деган эди В. И. Ленин РСДРПнинг VII (Апрель) Бутун Россия конференциясида.— Биз революциямизни ривожлантириб, мазлум халқларга таъсир қиламиз» (ТАТ, 31-том, 493-бет).

Чор ҳукумати томонидан ўлкага сургун қилинган большевиклар воҳада революцион ғояларни ёйишда катта роль ўйнади. Улар марксча адабиётни яширин тарқатдилар, туб ерли миллат илғор ишчиларига Россия пролетариати, большевиклар партияси революцион кураши тўғрисида, В. И. Ленин тўғрисида ҳикоя қилиб бердилар, меҳнаткашларнинг тарқоқ, стихияли чиқишларига уюшқоқлик бағишладилар.

Хива хони ва унинг атрофидагилар Октябрь революциясининг халқ оммасига таъсир кўрсатишидан ўлгудек қўрқар эдилар, Совет Россияси ҳақидаги ҳақиқатни тарқатганларни, мустабид режимга қарши чиққанларни, демократик ислоҳотларни талаб этганларни раҳмсизлик билан таъқиб қилдилар. Янчиб ташланмаган оқгвардиячилар, эсер-меньшевистик контрреволюционерлар, буржуа миллатчилари ва жаҳон империализми агентлари шу ерда бошпана топганликлари бежиз эмас. Хива контрреволюциянинг йирик ўчоғига айланди. Англия империализми гумаштаси Жунаидхон интервентлар билан иттифоқ тузиб ва Хива хонлигида ўзининг қонли диктатурасини ўрнатиб, Туркистон республикаси шаҳар ва қишлоқларига талончилик ҳужумларини уюштирди.

Жунаидхон тўдалари, хон ҳукмдорлари ва феодалларнинг талонторожлари ва ўзбошимчалиги натижасида дарғазаб бўлган халқ оммаси маҳаллий ва чет эл эксплуататорларига тобора қатъий қарши чиқди, Совет Россияси томонига тобора умид кўзи билан қаради. 1919 йил кузида Хива хонлигининг бутун территориясида коммунистлар раҳбарлик қилган халқ кураши аланга олган эди. «Хивада революция бошланди,— деб ёзган эди «Иштирокиюн» газетаси (ТКП ўлка комитетининг органи) 1919 йил 12 ноябрда,— Урганч билан Ильяли ўртасида шиддатли жанглар бўлмоқда».

Хоразм воҳасининг қўзғолон кўтарган халқи илтимосига кўра Қизил Армия қисмлари унга ёрдам қўлини чўзди. 1920 йил 2 февралда революция ғалаба қозонди, 26 апрелда эса халқ вакилларининг I Бутун Хоразм қурултойи Хоразм Халқ Совет Республикаси ташкил этилганлигини эълон қилди. ХХСР собиқ Хива хонлиги аҳолиси барча меҳнаткаш қатламларининг манфаатларини ифода этган халқнинг революцион-демократик диктатураси эди.

ХХСРнинг вужудга келиши ва ривожланиши тарихи В. И. Лениннинг «қолоқ мамлакатлар илғор мамлакатларнинг пролетариати ёрдами билан, капиталистик тараққиёт босқичини четлаб ўтиб, совет тузумига ва муайян тараққиёт босқичлари орқали коммунизмга ўтишлари мумкин» (ТАТ, 41-том, 274-бет) деб башорат қилиб айтган сўзларини амалда тасдиқлади. Қисқа муддат ичида Коммунистик партия раҳ-

барлиги остида амалга оширилган чуқур сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришлар собиқ Хива хонлиги меҳнаткашларига 1923 йилдаёқ революцион-демократик тараққиёт босқичидан социалистик босқичга ўтишга имкон берди. 1924 йил охирида кўҳна Хоразм ерлари Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланиши натижасида ташкил топган ҳамда ихтиёрий равишда СССР халқларининг ягона оиласига кирган Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР ва Қорақалпоғистон автоном области (1932 йилдан бошлаб автоном республика) составига кирди.

Хоразмда революция ғалаба қозонгандан буён атиги олтмиш йил ўтди. Бироқ, ўз мазмунига кўра бу йиллар асрларга тенгдир. Қисқа тарихий вақт ичида ўлка меҳнаткашлари СССР халқларининг қардошлик оиласида феодал ўрта асрчиликдан ҳозирги замон цивилизацияси чўққисига — ривожланган социализм жамиятига сакраб ўтишни амалга оширдилар ва комил ишонч билан коммунизм сари бормоқдалар.

Бу йўл қийин ва мураккаб бўлди. Аммо у В. И. Ленин даҳоси билан, Улуғ Октябрь зиёси билан нурафшон эди. Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатни изчиллик билан амалга оширганлиги, улуғ рус халқи, СССРдаги бошқа халқларнинг Хоразм меҳнаткашларига берган интернационал ёрдами туфайли барча қийинчиликларни бартараф этиб, социал-иқтисодий ва маданий ўзгаришларнинг улкан программасини амалга оширишга муваффақ бўлинди.

РКП(б) Марказий Комитети, Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети, РСФСР Халқ Комиссарлари Совети Турккомиссияси ва РКП(б) МК Туркбюросининг халқ революцияси давомида ташкил топган ёш Хоразм Компартияси фаолиятига раҳбарлиги, шунингдек РСФСР ва Туркистон АССР ҳукуматларининг берган хилма-хил иқтисодий, дипломатик ва ҳарбий ёрдами ўлканинг асрий қолоқлигини тезда бартараф қилишга, янги, совет давлат аппаратини барпо қилишга, замонавий ишлаб чиқариш ва айирбошлашни йўлга қўйишга, халқ фаровонлиги ва маданиятини юксалтиришга кўмаклашди.

Социалистик қурилиш йилларида Хоразмнинг социал-иқтисодий ривожланиши мисли кўрилмаган миқёсларда давом этди. Эски, кам қувватли корхоналарни реконструкция қилиш билан бирга қатор янги саноат корхоналари қурилди, замонавий индустриал ишлаб чиқаришнинг бутун бошли тармоқлари: пахта тозалаш, енгил, озиқ-овқат, қурилиш, газ ва бошқа тармоқлари барпо қилинди.

Фашистлар Германиясининг СССРга хиёнаткорона ҳужуми тинчлик планларимизнинг муваффақиятли амалга оширилишига халақит берди. Минглаб хоразмликлар Улуғ Ватан уруши фронтларида қаҳрамонона жанг қилдилар. Бу ерда қолганлар ҳам фидокорона меҳнатлари билан буюк ғалабага ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Урушдан кейинги йилларда, айниқса кейинги ўн йилликда Хоразм области саноатини ривожлантиришда олға қараб жуда катта қадам қўйилди. Ўрта Осиёда энг йирик Хива гилам комбинатининг биринчи навбати, ёғ-экстракт ва ремонт-экскаватор заводлари, Урганчда пиллакашлик фабрикаси, Боғот ва Қўшкўпирда пахта тозалаш заводлари, бир қатор бошқа корхоналар ва цехлар барпо қилинди.

Ҳозирги вақтда область саноат корхоналари юз миллионларча сўмлик хилма-хил маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Завод ва фабрикаларимиз маҳсулотлари республикадан ташқари олис ерларда ҳам шуҳрат таратган, пахта толаси эса дунёдаги кўпгина мамлакатларга чиқарилмоқда.

Чоржўй — Қўнғирот — Бейнов — Макат темир йўли қурилиши область ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлди. У Ўрта Осиёдан энг қисқа йўл билан мамлакат марказига чиқишни таъминлайди.

Илгари бирдан-бир туя юрадиган сўқмоқ ва арава йўллари бўлган

ўлкада бугунги кунда асфальт ётқизилган биринчи даражали автомобиль магистраллари қурилди, областни Бухоро, Самарқанд ва Тошкент билан боғлайдиган замонавий автострада ишламоқда. Хўжалик ичидаги йўллар тармоғи кенгайиб бормоқда. Шунга яраша автомобиль транспорти ривожланмоқда, унинг юк обороти ва пассажирлар ташиши йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

1974 йилда ишга туширилган Урганчнинг янги аэропорти замонавий авиалайнерларни қабул қилмоқда, улар Тошкент, Москва, Боку ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларига қатнамоқдалар.

Тахиатош ГРЭСидан «Хоразм» подстанциясигача юқори вольтли электр узатгич линиясининг қурилиши билан областнинг барча шаҳарлари ва районларини электрлаштириш тугалланди.

Хоразм воҳасидан ўтадиган Бухоро — Урал ва Ўрта Осиё — Марказ магистрал газ қувурлари саноат корхоналари ва коммунал-маиший объектларни «зангори ёқилғи»га ўтказишни енгиллаштиради. Областдаги барча аҳоли яшайдиган пунктларни газлаштириш ниҳоясига етаётганлиги бошқа афзалликлардан ташқари катта маданий-маиший аҳамиятга ҳам эгадир.

Областдаги барча шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолиси почта, телефон, телеграф хизматидан фойдаланмоқдалар. Замонавий алоқа воситалари бир неча минут орасида Совет Иттифоқининг ҳар қандай жойи билан ва чет эл мамлакатлари билан алоқа боғлайди.

Бундан 60 йил илгари асосан деҳқонлардан иборат бўлган халқ оммаси амалга оширган революция қишлоқда турмушни тубдан қайта қуриш, деҳқонларни қашшоқликдан ва ярим оч ҳолда яшашдан қутқариш учун кенг имконият очиб берди. 1926 йилда Хоразмда биринчи қишлоқ хўжалик коммунаси, кейинги йилда эса «Тоза ҳаёт» деган биринчи қишлоқ хўжалик артели тузилган эди. Коллективлаштириш даврида барча якка деҳқонлар колхозларга бирлашдилар.

Ҳозир областда 89 колхоз ва 23 совхоз бўлиб, улар пахта, шоли, сабзавот, полиз экинлари, узум, мева, пилла ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиради. Бу хўжаликларнинг ҳаммаси етарли миқдорда тракторларга, пахта териш ва ғалла комбайнларига, автомашиналарга, мураккаб қишлоқ хўжалик техникаси комплексига эгадир. Уларнинг ихтиёрида минерал ўғитлар, ўсимликларни муҳофаза қилиш химиявий воситалари бор, ҳамма жойда прогрессив агротехника усуллари қўлланилади. Собиқ «Тоза ҳаёт» қишлоқ хўжалик артели территориясини ҳам ўз ичига олган Хива районидаги Фрунзе номли колхоздагина ҳозир 140 трактор, 17 пахта териш машинаси, кўп миқдорда автомобиллар ва кўпгина бошқа техника бор. Шу муносабат билан дастлабки иккита трактор Хоразмга 1924 йилдагина келтирилганлигини эслатиб ўтиш ўринлидир.

Хоразмликлар қадим замонлардан бери суғориладиган деҳқончилик билан шуғулланадилар. Қадим замонларда Хоразмни Кангхой — каналлар ўлкаси деб аташганлари бежиз эмас. Бундан кўп асрлар илгари қурилган Ғазавот, Полвон, Шовот, Қилич-Ниёзбой каби йирик каналлар ҳозирги кунда ҳам инсонларга хизмат қилмоқда. Бироқ, революциядан кейингина ишлаб турган ирригация объектларини техника жиҳатдан реконструкция қилиш ва мукаммал инженерлик иншоотлари бўлган янги объектларни қуриш имконияти яратилди. Областнинг ирригация харитасида энг йирик Тошсоқа канали ва бошқа сув хўжалиги объектлари пайдо бўлиб, улар областимиз ва Туркманистон ССР Тошҳовуз области колхоз ва совхозларини сув билан таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Амударё қуйи оқимида ривожланган мелиорация тармоғининг барпо қилиниши, айниқса республикалараро Катта Озерний ва Дарёлик коллекторларининг қурилиши бу ерда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун катта аҳамияга эга бўлди.

Сув хўжалиги қурилишига ажратилаётган давлат капитал маблағлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда, бу маблағлар ирригация ва мелиорация тармоқларини қуриш, ремонт қилиш ва сақлашгагина эмас, балки далаларни яхшилаб текислаш ва қум барханларини ўзлаштириш учун ҳам сарфланмоқда. Қишлоқ хўжалиги учун яроқли бутун ер амалда ўзлаштириб бўлинган Хоразм шароитида қум барханларини ўзлаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўнинчи беш йилликнинг тўрт йилида бу мақсад учун давлат 133,5 миллион сўм, кўп миқдорда ер қазиш техникаси ва машиналари ажратди, бу эса қум барханларида олтита янги совхоз ташкил қилиш имконини берди, улар шоли етиштирадиган йирик хўжаликлар бўладилар.

Хоразм, Қорақалпоғистон АССР ва Туркманистон ССР Тошҳовуз области колхоз ва совхозларини сув билан таъминлашни тубдан яхшилаш учун Амударёда қудратли тўғонни, гидроэлектр станциясини ва 7 миллиард куб метр ҳажмдаги сув омборини ўз ичига олган энг йирик гидротехника иншооти қурилмоқда. Ҳозир Ўзбекистон территориясида мавжуд бўлган барча сув омборлари тахминан шунча миқдорда сув тўплашини айтиб ўтиш кифоядир.

Сув хўжалиги қурилиши кенг миқёсларда олиб борилиши қишлоқ хўжалигини, айниқса унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни ривожлантиришга ёрдам беради. Маълумки, пахта Хива хонлигининг капиталистик Россияга экспортининг муҳим моддаси бўлган. Бироқ, революциядан олдинги даврда хонликда пахтачилик, шунингдек бутун қишлоқ хўжалиги ўзининг асос эътибори билан ибтидоий ва кам ривожланган эди. 1924 йилда Хоразмда атиги 5,7 минг тонна пахта етиштирилган эди, пахта ҳосилдорлиги эса гектар бошига атиги 5,8 центнерга етган эди. Шундан 15 йил кейин, урушдан олдинги 1940 йилда эса 76 минг тоннадан зиёд пахта етиштирилди, гектар бошига ўртача ҳосилдорлик 10,6 центнерни ташкил этди.

Урушдан кейинги йилларда, айниқса КПСС МҚ март (1965 йил) Пленумидан кейин пахтачиликни интенсивлаштириш — комплекс механизациялашни жорий этиш, минерал ўғитларни ҳамда агрономия фани ва практика ютуқларини кенг қўлланиш учун курашнинг янги босқичи бошланди. Бу курашнинг олдинги сафида бораётган Хоразм пахтакорлари Ватан пахтачилигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар «оқ олтин» етиштиришда моҳир усталар эканликларини муттасил кўрсатиб келмоқдалар. 1965 йилдаёқ пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги гектар бошига 34,9 центнерга етди. Деҳқончилик учун энг оғир бўлган ўтган йили мамлакатда энг шимолий пахтакор область давлатга қарийб 430 минг тонна пахта сотди, план ва социалистик мажбуриятни анча ошириб бажарди. Ҳосилдорлик эса 105 минг гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40,9 центнерга етди!

Ўнлаб бригадалар, шу жумладан Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари С. Худойқулиев, М. Мавлонов, З. Қурбонов, М. Матназаров, СССР Давлат мукофотининг лауреати Х. Саидов ва бошқа донгдор пахтакорлар бошчилик қилган бригадалар ўрта ҳисобда 50—60 центнердан пахта олдилар.

Кейинги йилларда область колхозлари ғўза баргларини тўкиш учун қишлоқ хўжалик авиациясини, ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг ерда қўлланиладиган воситаларини, пахта териш ва кўрак йиғиш, кўрак чувиш машиналарини кенг ишлатмоқдалар. Ўтган кузда далада 1600 дан зиёд пахта териш машинаси ишлади. Областда тайёрланган пахтанинг 60 процентдан кўпроғи машиналарда териб олинди. Энг яхши механизаторлар П. Хубиева, Х. Ҳошимова, С. Тоиров, А. Исмоилов, С. Юсупов, Н. Шерматов, А. Юсупов ва бошқалар мавсумда 300—350 тоннадан пахта тердилар.

Шоликорлар юқори ҳосил етиштириб қувонтирмоқдалар. 1979 йилда улар давлатга 74,2 минг тонна шоли сотдилар, шоли ҳосилдорлиги гектар бошига ўрта ҳисобда 50,8 центнерни ташкил этди, бу эса 1978 йилдагига қараганда 2 центнер кўпдир. Ал-Хоразмий номли, «Гулистон», «Боғот», «Янгиобод» совхозларининг, «Коммунизм» колхозининг шоликорлари энг яхши кўрсаткичларга эришдилар. Илғор шоликорлар И. Салаев, Қ. Оллоберганов, Р. Султонов, А. Ким, В. Тю, Қ. Рўзимов, М. Собиров ва бошқаларнинг номи областимиздан ташқарида ҳам кенг танилган, улар доимо рекорд ҳосил олмоқдалар, суғориладиган ердан ва техникадан рационал фойдаланиш намунасини кўрсатмоқдалар, меҳнатни тўғри ташкил қилмоқдалар.

Чорвачиликда ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди. Кейинги йилларда областда қорамоллар туёғи кўпайди, унинг насли яхшиланди, колхозлараро бўрдоқига боқиш пунктлари, Қўшкўпирда ўрдак боқадиган корхона ташкил қилинди. Урганч парранда фабрикаси қурилмоқда, кўпгина колхоз ва совхозларда чўчқачилик ва паррандачилик фермалари ташкил қилинган, чорва моллари ва паррандаларни гўшт учун боқадиган ёрдамчи хўжаликлар ташкил қилинмоқда. 1979 йилда гўшт етиштириш 1978 йилдагига нисбатан 10,4 процент, сут етиштириш — 11,6 процент, тухум етиштириш — 12,6 процент кўпайди. Бир қатор районлар, кўпгина колхоз ва совхозлар бундан ҳам катта натижаларга эришдилар. Чорвадорларнинг Бутуниттифоқ ва республика мусобақаларининг бир неча марта ғолиби бўлган Боғот районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Наримонов номли колхоз чорвадорларининг муваффақияти бизни қувонтиради. 1979 йилда колхоз давлатга гўшт сотиш планини 188 процент, сут сотишни 180 процент, тухум сотишни 132 процент бажарди, у Ўзбекистон Компартияси МК, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

Бу ютуқлар — Совет ҳокимияти йилларида чорвачиликда жуда катта ўзгаришлар юз берганлигининг яққол далилидир. Шу билан бирга биз ҳали етарли даражада иш қилмаганлигимизни яхши биламиз. Гўшт, сут ва гўшт-сут маҳсулотлари етишмаслиги ҳали ҳам сезилиб турибди. Бу эса чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш мақсадида бундан буён ҳам куч-ғайратни оширишни зиммамизга юклайди.

Ўзбекистон Компартияси МК XIII пленуми (1979 йил июнь) қарорлари асосида бу тармоқни янада ривожлантириш соҳасида ишлаб чиқилган тадбирлар планига мувофиқ область партия ташкилотлари чорвачиликни ихтисослаштириш ва концентрациялаш, озуқа базасини яхшилаш ва чорва маҳсулдорлигини ошириш устида қунт билан иш олиб бормоқдалар. Яқин йилларда йирик чорвачилик комплексларини ва озуқа ишлаб чиқарадиган корхоналарни қуриш, тармоқнинг моддий-техника базасини анча мустаҳкамлаш назарда тутилади.

Мамлакатда, шу жумладан Хоразмда юз берган улкан социалистик туб ўзгаришларнинг таркибий қисми маданий революциядир.

Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон ал-Беруний, Маҳмуд Замахшарий, Жағминий каби жаҳонга машҳур қомусчи олимларни, Мунис, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий каби ажойиб шоирлар ва илғор мутафаккирларни, демократ шоир Аваз Ўтарни, халқ ҳофизлари Шерозий Мадраҳимов ва Комилжон Отаниёзовни, ҳозиргача сақланиб қолган архитектура дурдоналарини яратган талантли архитекторлар, бинокорлар, рассомлар, ёғоч, тош ва металл ўймакорларини етиштирган ўлкада халқ оммаси маънавий қашшоқликда яшаганлигига ақл бовар қилмайди. Хонлик территориясида икки мингдан зиёд диний мактаб ва 130 мадраса бўлса ҳам оддий саводхон бўлган кишилар атиги 1—2 процентни ташкил этарди. Биргина касалхона ва уч врач хонликдаги ҳукм-

дор зодагонларгагина хизмат қиларди. Газеталар, китоб нашриётлари, кутубхоналар, театрлар ва бошқа маданий ўчоқлар йўқ эди.

Октябрь революцияси ғалаба қозонганидан кейин Хоразмда кенг маданий қурилиш бошланди. Совет Россияси ёш республикага бу соҳада ҳам беғараз ёрдам кўрсатди. Москва, Қозон, Оренбург, Уфа ва бошқа шаҳарлардан маориф, маданий-оқартув муассасалари, нашриёт, соғлиқни сақлаш ходимлари ва ҳоказолар келишди. РСФСР ҳукумати қайтариб бермаслик шарти билан ХХСРга босмахона ускуналари ва қоғоз, мактаб-ёзув жиҳозлари, клублар ва кутубхоналар учун инвентарь, хуллас, маданий ҳаётни йўлга қўйиш учун керакли ҳамма нарсаларни берди. 1920 йил июнида Хивада саводсизликни тугатиш бўйича дастлабки мактаб ишлай бошлади, сўнгра эса улар ХХСРнинг барча шаҳар ва районларида ташкил қилинди. Ўзбек тилида «Инқилоб қуёши» газетаси чиқа бошлади. Дастлабки клубларнинг эшиклари очилди, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари пайдо бўлди. 1923 йил бошларига келиб ХХСРда уч театр, ўнлаб клублар, кутубхона ва қироатхоналар, музейлар бор эди. Янгидан ташкил қилинган соғлиқни сақлаш органлари бир қатор санитария-гигиена тадбирларини амалга оширдилар.

Кейинги йилларда ўтмишдаги мазлум халқларнинг маданий қолоқлигини тезда тугатиш, миллий кадрларни шакллантириш учун барча зарур ишлар қилинди. Ҳозир Хоразм областида (собиқ хонлик территориясининг бир қисмида) салкам 400 умумий таълим мактаби ва 32 ҳунар-техника билим юрти бўлиб, уларда 209 мингдан зиёд ўқувчи таълим олмоқда. Областда В. И. Ленин номли Давлат педагогика институти ва саккизта ўрта махсус ўқув юрти ишлаб турибди. Областдаги мактабларнинг ўзида 13 мингдан кўп ўқитувчилар армияси, педагогика институтида эса 2 фан доктори ва 63 фан кандидати, юқори малакали мутахассисларнинг катта отряди меҳнат қилмоқда.

Огаҳий номли давлат музикали драма театри ва тўрт халқ театри, яқинда ташкил қилинган филармония, 250 маданият уйи ва клублар, 180 кинотеатр ва 280 киноустановкаси, 460 кутубхона область меҳнаткашларининг мазмундор маданий ҳаёт кечиришини таъминламоқда. Газеталар, журналлар, китоблар, телевидение ва радио ҳамма жойда турмушга мустаҳкам сингиб кетди; икки область, 9 район ва битта кўп тиражли газета чиқарилмоқда, маҳаллий телевидение ва радио ҳар куни ўзбек ва рус тилларида эшиттиришлар олиб бормоқда.

Областимиз ижодкор зиёлилари коммунистик жамият қурилиши умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ёзувчи ва шоирлар Ю. Юсупов, Ж. Шарипов, Э. Раҳим, Э. Самандаров, Р. Бекниёзов, Д. Матчон, О. Матчон, У. Отаева, композиторлар, артистлар ва режиссёрлар И. Ниёзматов, А. Бекчонов, М. Бобожонов, Г. Раҳимова, Х. Ортиқов, С. Девонов, Ш. Файзуллаев, рассомлар ва ҳайкалтарошлар Ш. Усмонов, И. Қаландаров, А. Оллоберганов, П. Г. Лим ва бошқаларнинг ижодиётида кундалик меҳнатнинг революцион хусусиятлари, область, республика, бутун кўп миллатли мамлакат ҳаётидаги ҳамма асосий, муҳим нарсалар ўз ифодасини топмоқда.

Областда соғлиқни сақлашнинг кенг тармоғи —8200 ўринли 54 касалхона муассасаси, 250 дан зиёд фельдшер-акушерлик пунктлари ташкил қилинган. Улар замонавий медицина жиҳозлари билан таъминланган ва юқори малакали мутахассисларга эга.

Маданий революциянинг муҳим якуни — халқ хўжалиги барча тармоқларини дипломли мутахассислар билан таъминлашдир. Ҳозир саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият ва маиший хизмат соҳаларида олий ва ўрта махсус маълумотли 37 мингдан зиёд киши муваффақиятли меҳнат қилмоқда.

Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш, революция ғалаба-

ларини ҳимоя қилиш, социализм ва коммунизм қурилиши учун курашнинг бутун йилларида Хоразм партия ташкилоти оммага бошчилик қилиб келди. ХХСР коммунистлари 1920 йил баҳорида Хоразм Коммунистик партияси (ХКП) бўлиб расмийлашдилар, бу ташкилот миллий-давлат чегараланишидан кейин ташкил қилинган Ўзбекистон Компартияси составига кирди. 60 йил мобайнида область партия ташкилотининг сафи 45 баробар кўпайди ва 27 минг КПСС аъзоси ва кандидатига етди, улар ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ интеллигенциясининг энг яхши ўғил ва қизларидир.

Область партия ташкилоти омманинг синалган етакчилари плеядасини тарбиялаб етиштирди, улар орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Хива район партия комитетининг биринчи секретари М. Маткаримов, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Ургенч нон комбинатининг директори С. Нурматов, Й. Охунбобоев номли колхоз раиси, республикада хизмат кўрсатган пахтакор А. Юсупов, область партия комитети бюроси аъзоси, республикада хизмат кўрсатган механизатор, экскаваторчилар бригадасининг раҳбари М. И. Довбня, республикада хизмат кўрсатган ирригатор, «Хорезмводстрой» трестининг бошқарувчиси А. Г. Аванесов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ал-Хоразмий номли совхоз директори Н. В. Ким, Хоразм тикувчилик бирлашмасининг бош директори Р. Худойберганова ва бошқа кўпгина кишилар бор.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Хоразм ишчилари, колхозчилари, зиёлиларининг самарали меҳнатларига юксак баҳо бермоқдалар. 1963 йилда область Ватаннинг юксак мукофоти — Ленин ордени билан, 1971 йилда эса Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.

Хоразмда халқ революцияси ғалабасининг олтмиш йиллиги В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги арафасида нишонланаётганлиги чуқур рамзий маънога эга. Хоразм меҳнаткашлари эришган барча ютуқлар, ўлкада амалга оширилган ҳамма тарихий туб ўзгаришлар Коммунистик партиямиз ва дунёда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси номи билан боғлангандир. Совет Шарқи меҳнаткашлари ўз устози ва доҳийсини қизғин севардилар, унинг сўнмас ғояларини амалга ошириш учун астойдил курашиб келдилар. 1922 йилда В. И. Лениннинг ХХСР Меҳнат ордени билан — республиканинг ўша вақтдаги олий мукофоти билан тақдирланиши унга бўлган бу умумхалқ меҳр-муҳаббатининг ёрқин ифодасидир. Шу муносабат билан Владимир Ильичга йўлланган мурожаатномада бундай дейилади: «Биз Сиздан, қадрли ва севимли устозимиздан Марказий Ижроия Комитети қарорига мувофиқ ана шу орденни қабул қилишингизни ва уни кўп асрлик қулликдан кейин Шарқда озод қилинган меҳнат рамзи сифатида тақиб юришингизни илтимос қиламиз». Совет халқларининг қардошлик оиласида қадимги Хоразмнинг гуллаб-яшнаётгани — илгари қолоқ халқларнинг нокапиталистик тараққиёт йўлидан бориши ленинча назарияси тантана қилганлигининг ёрқин далилидир.

Ўзбек халқи В. И. Ленин Ўрта Осиёга юборган, Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоблари М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишевни, РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг Хоразмдаги мухтор вакили Н. Хўжаевни, РСФСРнинг ХХСРдаги Фавқулодда комиссияси бошлиғи М. В. Сафоновни, афсонавий қизил командир М. Миршароповни, ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва бошқаларни абадий миннатдорчилик билан ёдда тутадилар, улар Хоразмда Совет ҳокимиятини ўрнатиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишига бебаҳо ҳисса қўшдилар.

Совет ҳокимияти учун дастлабки курашчилар, социалистик туб ўзгаришларни бошлаб берган Б. Отабоев, Д. Оташов, М. Отажонов, М. Акчурин, А. Болтаев, И. Гульмамедов, М. Глебов, А. Иброҳимов,

Қ. Эшмуҳамедов, С. Қутлимуродов, Н. Наумов, В. Полвонниёзов, У. Примбетов, Г. Скалов, ака-ука Шайдақовлар, Ф. Шляпин ва бошқа кўпгина танилган ва танилмаган халқ қаҳрамонларининг номи Хоразм тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилган. Уларга атаб улугвор ёдгорликлар ўрнатилган, афсоналар ва қўшиқлар тўқилган.

Хоразмнинг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетиши меҳнаткашлар барча авлодлари кураши ва меҳнатининг ҳақиқий гимни бўлиб янграмоқда. Областнинг маъмурий-маданий маркази бўлган Урганчда замонавий архитектура ансамбллари, кўркам кенг майдонлар ва кўчалар, янги турар жой массивлари бунёд бўлди. «Ичан қалъа» музей-заповедниги бунёд этилганидан ва таъмирлаш ишлари қилинганидан кейин яшарган Хиванинг гумбазлари ва миноралари янгидан порлаб кетди. Амударё соҳилида гидроқурувчиларнинг янги Дўстлик шаҳри қад кўтарди, у уч қардош республика чегарасида биргалашиб меҳнат қилиб гидроиншоот ва сунъий денгиз бунёд этаётган СССР халқларининг бузилмас ленинча дўстлигининг рамзидир. Район марказлари ва қишлоқлар чегаралари кенгайиб, кўркам ва обод бўлиб бормоқда. Хуторларни тугатиш ҳамда барча коммунал ва маданий-маиший қулайликларга эга бўлган замонавий қишлоқ посёлкаларини қуриш планлари амалга оширилмоқда.

Кишиларимизнинг ўзи ҳам ўзгарди. Уларнинг аксарий кўпчилиги — энг мураккаб техникани муваффақиятли эгаллаган, Ленин ишига чексиз содиқ бўлган, КПСС МҚ Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси содиқ ленинчи ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитети атрофида жипслашган маълумотли, юқори маданиятли, сиёсий жиҳатдан саводли турли касбдаги ва ихтисосдаги меҳнатчилардир. Область меҳнаткашлари КПСС МҚ ноябрь (1979 йил) Пленуми ва СССР Олий Совети иккинчи сессияси қарорларини якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликлари, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловларда актив иштирок этганликлари, В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақа кенг авж олганлиги ана шундан яққол далолат беради.

Эришилган ютуқлар шунга ишонч ҳосил қиладики, область коммунистлари, барча меҳнаткашлари юбилей йили — 1980 йилни ленинча зарбдор меҳнат йилига айлантириб, Ватанни халқ хўжалигининг барча соҳаларида янги ғалабалар билан хушнуд қиладилар, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оладилар.

ПАРТИЯ ЎҚУВИ СИСТЕМАСИ УЧУН

„Дунёни тубдан ўзгартирувчи таълимот“ курси бўйича методик маслаҳатлар

ЯНГИ ТИПДАГИ ПАРТИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ

Россияда пролетариатнинг революцион марксистик партияси — ўша вақтда мавжуд бўлган II Интернационал партияларидан тубдан фарқ қилувчи янги типдаги партиянинг вужудга келиши мамлакат ижтимоий тараққиётининг объектив эҳтиёжи бўлди, чунки курснинг аввалги темасида айтилганидек, ўтган асрнинг охирида Европадаги революцион ҳаракатнинг маркази Россияга кўчган эди. Унинг тузилиши В. И. Ленининг жуда катта хизмати бўлдики, бу КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарорида яна бир бор таъкидланди. «Ленин тузган ҳамда илмий назария билан революцион практика чамбарчас бирлигининг жонли мужассами, социалистик революция ва янги жамият қурилишининг илҳомчиси, йўлбошчиси бўлган янги типдаги пролетар партияси Ленининг улуғвор тарихий хизмати бўлди»,— дейилади бу ҳужжатда.

Мана шу тема материалларини ўрганиш тингловчиларга янги типдаги партия тўғрисида, унинг назарий, ташкилий ва тактик асослари тўғрисида ленинча таълимотни чуқурроқ ўзлаштириб олиш, шонли Ленин партиясининг мамлакатимиздаги тарихий ўзгаришларда, ундаги барча халқлар тақдирида жуда катта роль ўйнаганлигини тушуниб олиш имконини беради.

Темани ўрганишнинг қуйидаги плани тавсия этилади:

1. В. И. Ленининг Россияда революцион марксистик партия тузиш учун кураши.

2. Большевистик партиянинг тузилиши — Россия ва халқаро ишчилар ҳаракатидаги янги босқич.

3. В. И. Ленининг большевистик партиянинг ташкилий, тактик ва назарий асосларини ҳимоя қилиш ва янада ривожлантириш учун кураши.

В. И. ЛЕНИННИНГ РОССИЯДА РЕВОЛЮЦИОН МАРКСИСТИК ПАРТИЯ ТУЗИШ УЧУН КУРАШИ

Пропагандист ўтган асрнинг 80 ва 90-йилларининг бошларида Россияда ишчилар ҳаракати авж олганлигини ва социал-демократик ҳаракат вужудга кела бошлаганлигини, бироқ улар ҳали бир-бири билан боғланмаганлигини, алоҳида-алоҳида мавжуд бўлганлиги тингловчиларга эслатади. Бу ҳол пролетариатнинг чиркин буржуа-помешчиклар тузумига ҳужумини кучсизлантирар эди. Бунинг устига марксистик тўгараклар бир-биридан ажралган бўлиб, тарқоқ ҳолда ҳаракат қилар эдилар. Ҳаёт уларни марксизмнинг революцион байроғи остида бирлаштиришни ва илмий социализмни ишчилар ҳаракати билан қўшишни қаттиқ талаб қилмоқда эди.

Бу вазифани ҳал қилишга В. И. Ленин киришди. Владимир Ильич 1895 йилда Петербургда тузган «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзи» стихияли ишчилар ҳаракатини социализм билан қўшиши керак бўлган ташкилот эди. Унинг пайдо бўлиши Ленин ва унинг сафдошларининг 1893—1895 йиллардаги катта ғоявий-сиёсий ва ташкилотчилик фаолияти туфайли тайёрланган эди.

«Кураш союзи» чуқур конспиратив ҳолатда бўлиб, ўша вақтда Петербургда иш олиб борган марксистик тўгаракларни бирлаштирган ягона социал-демократик ташкилот эди. У шаҳардаги 70 корхонанинг ишчилари билан мустаҳкам алоқа боғлаган эди. Бу ташкилот фаолиятига революцион пролетар партиясининг энг муҳим ташкилий принципи — централизм асос қилиб олинган бўлиб, уни В. И. Ленин ўша йиллардаёқ ишлаб чиқа бошлаган эди. Шу билан бирга «Кураш союзи»да подполье шароити имкон берган даражада демократизмга амал қилинар эди.

Пропагандист В. И. Ленин «Кураш союзи»ни пролетариатнинг революцион ташкилоти сифатида тузганлигини тушунтиради. «Союз» стачка курашига раҳбарлик

қилар, варақалар чиқарар, бу варақаларда соҳибкорлар ва маъмурларнинг ўзбошимчалиги ғазаб билан фош қилинар, ишчиларда ўз синфий манфаатларини тушуниш ҳиссини тарбиялар, уларни жипслаштирар, ўз талабларини ишлаб чиқишда, курашнинг тўғри формаларини топиш ва ғалаба қозонишда уларга ёрдам берар эди.

Шу тариқа В. И. Ленин раҳбарлиги остида марксизмни унча катта бўлмаган илғор ишчиларнинг марксистик тўгаракларида пропаганда қилишдан кенг пролетар оммаси орасида агитация қилишга томон бурилиш амалга оширилди, илмий социализмни ишчилар ҳаракати билан қўшишга асос солинди. Ўша вақтдан бери ишчилар ҳаракати марксизм байроғи остида ривожлана бошлади. «Кураш союзи»нинг тарихий хизмати ана шунда бўлиб, В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, у оммавий ишчилар ҳаракатига таянувчи пролетар партиясининг дастлабки жиддий куртаги эди. Владимир Ильич Россияда марксистик партия тузиш соҳасидаги ўзининг бундан кейинги фаолиятида «Кураш союзи»нинг революцион тажрибасига асосланди.

Лениннинг «Кураш союзи» мамлакатнинг бошқа районларида ҳам социализмни оммавий ишчилар ҳаракати билан қўшишга асос солди. Кўпгина саноат марказларида ундан ўрнак олиб ана шундай союзлар ва группалар тузила бошлади, улар пролетариатнинг синфий курашига раҳбарлик қилдилар.

«Кураш союзи»нинг фаолияти подшо маъмурларини ташвишлантирмаслиги мумкин эмас эди. 1895 йил 8 декабрдан 9 декабрга ўтар кечаси ташкилотнинг В. И. Ленин бошлиқ энг актив ходимларидан кўпчилиги қамоққа олинди. Бироқ, қамоқда туриб ҳам Владимир Ильич қизғин революцион фаолиятини тўхтатмади. У озодликда қолган ўртоқлари билан алоқа боғлади ва улар орқали «Кураш союзи»га раҳбарликни давом эттирди.

1897 йил 13 февралда «Кураш союзи» иши юзасидан ҳукм эълон қилиниб, ҳукмга мувофиқ В. И. Ленин уч йилга Шарқий Сибирга полициянинг қаттиқ назорати остида сургун қилинди. «Кураш союзи» иши бўйича ҳукм қилинган бошқа кишилар қатори Владимир Ильич ҳам оилавий ишларини саранжомлаш баҳонаси билан уч кунга Петербургда қолишга муваффақ бўлди. Бу вақтдан у революцион иш учун фойдаланди, петербурглик социал-демократларнинг бир қанча кенгашларини ўтказди. Бу кенгашларда В. И. Ленин тарафдорлари бўлган «Союз»нинг кекса аъзолари билан унинг баъзи «ёш» аъзолари — бўлажак «экономистлар» ўртасида кескин ихтилофлар борлиги маълум бўлди.

1897 йил 17 февралда В. И. Ленин узоқ Сибирь сургунига — Енисей губерниясининг Шушенское қишлоғига жўнади ва бу ерга 8 майда етиб келди. Россиянинг революцион марказларидан узоқда бўлган Владимир Ильич жуда катта ташкилотчилик ва назарий фаолиятини бошлаб юборади. Аввало у Сибирда сургун муддатини ўтаётган социал-демократлар билан, кейинчалик Россиядаги ишчилар ҳаракати марказлари билан, шунингдек чет элдаги «Меҳнатни озод қилиш» группаси билан ҳам алоқа ўрнатади.

В. И. Ленин сургунда ўтказилган уч йил мобайнида жуда катта илмий ишларни амалга ошириб, ўттиздан ортиқ асар ёзди. У мана шу асарларда партиянинг программаси ва тактикасини ишлаб чиқади, народникликни ғоявий жиҳатдан тор-мор қилишни туғаллайди, «легал марксистлар»га қарши чиқади, «экономистлар»га қарши курашни авж олдириб юборади. Бироқ, В. И. Ленин мана шу даврда олиб борган назарий ва ташкилотчилик фаолиятнинг энг асосий йўналиши Россия пролетариатининг, мамлакатдаги кенг меҳнаткашлар оммасининг самодержавие, буржуазия ва помешчикларга қарши курашини жипслаштиришга ва унга бошчилик қилишга қодир бўлган революцион марксистик партияни тузишга ҳар томонлама тайёргарлик кўришдан иборат бўлди.

Халқаро ишчилар ҳаракатининг, халқ оммаси озодлик курашининг тажрибаси пролетариат илғор назарияга амал қиладиган мустақил революцион партияни тузган тақдирдагина ўзининг тарихий вазифасини амалга ошира олишини кўрсатиб берди. Пропагандист пролетариатнинг илғор ва раҳбар отряди бўлган партия тўғрисидаги таълимотга К. Маркс билан Ф. Энгельс монополистик капитализмдан олдинги даврдаёқ асос солганликларини тингловчиларга эслатиб ўтади. Уларнинг «Коммунистлар союзи» ва I Интернационалдаги бутун фаолияти пролетар партиясини тузишга бағишланган эди.

В. И. Ленин илмий коммунизм асосчиларининг таълимотига таяниб уни янги шароитда — империализм ва пролетар революциялари даврида янада ривожлантирди. Владимир Ильич революция ғалаба қилиши учун, янги жамият қуриш учун ишчилар синфининг жанговар, революцион партияси кераклигини ҳаммадан кўра яхшироқ тушунар эди. «...Қани бизга революционерлар ташкилотини беринг-чи,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— биз Россияни тубдан ўзгартириб юборамиз!» (Тўла асарлар тўплами, 6-том, 148-бет).

В. И. Ленин мамлакатда империализм даври биринчи халқ революцияси яқинлашиб келаётганлиги муносабати билан Россия пролетариати олдида турган вазифаларнинг муҳимлигини ва кечиктириб бўлмаслигини ҳисобга олиб, чинакам революцион партияни, II Интернационалнинг оппортунистик партияларидан тубдан фарқ қиладиган янги типдаги партияни тузиш учун курашди. «В. И. Ленин партияни тузишда шунга асосландики,— деб таъкидланди КПСС Марказий Комитетининг «РСДРП II съездининг 70 йиллиги тўғрисида»ги қарорида,— империализм ва про-

летар революциялари шароитида ишчилар синфига ҳақиқатан революцион, ҳақиқатан коммунистик партия, II Интернационал партияларидан бутунлай фарқ қилиши лозим бўлган партия, яъни янги типдаги партия зарур бўлиб қолди. В. И. Ленин таърифи билан айтганда, партия пролетариатнинг жамиятни революцион йўл билан ўзгартириш учун олиб бораётган курашига бошчилик қилиши, капитализмдан социализмга ва коммунизмга революцион йўл билан ўтишнинг етакчи кучи бўлиши лозим». Россияда социал-демократик партияни тузиш ғояси Лениннинг 90-йилларда ёзган асарларида асослаб берилди.

Пропагандист В. И. Ленин ҳатто қамоқда бўлган вақтида ҳам партияни қуришга раҳбарлик қилишни давом эттирганлигини кўрсатиб ўтади. Н. К. Крупскаянинг айтишича, Владимир Ильич турмадан юборган хатларида партияни тузишга шоширар, партия съездини тайёрлашни қаттиқ талаб қилар эди. 1895 йил охирида Ленин бўлажак партия учун «Программа лойиҳаси»ни, 1896 йил ёзида эса «Программани тушунтириш»ни легал китоб сатрлари орасига сут билан ёзди ва уни Крупская орқали озодликдаги ўртоқларга бериб юборди. Бу ҳужжатларда Россиядаги капитализмнинг моҳияти марксистик нуқтаи назардан анализ қилинган ва пролетариатнинг асосий вазифалари — подшо самодержавиесини, сўнгра эса буржуазия ҳукмронлигини ағдариб ташлаш, ишчилар синфининг ҳокимиятини ўрнатиш, ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулклигини йўқотиш, социализм қуриш вазифалари асослаб берилган эди. Лениннинг программа лойиҳасида Россиядаги социал ва сиёсий вазият чуқур анализ қилинган эди.

Тузилаётган марксистик революцион партиянинг назарий, тактик ва ташкилий асослари В. И. Лениннинг «Рус социал-демократларининг вазифалари» деган машҳур асарида (1898 йил) баён қилиб берилди. Бу асар партиянинг муҳим программ ҳужжатларидан бири бўлди. Унда Владимир Ильич марксистик партиянинг социалистик вазифалари билан демократик вазифалари ўртасида чамбарчас алоқа мавжудлигини таърифлаб берди. Бундан социал-демократларнинг вазифаси ҳам демократик, ҳам социалистик йўналишда пролетариатнинг синфий курашини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилишдан иборатдир, деган хулоса келиб чиқар эди. Подшо самодержавиесини ағдариб ташлаш ва демократик республика ўрнатиш, деб кўрсатган эди В. И. Ленин, социализм учун кураш йўлидаги биринчи қадамдир; пролетариат самодержавиени супуриб ташлаб социалистик революцияга йўл очиб берадиган бўлажак халқ революциясининг гегемони бўлмоғи керак. Бу ролни пролетариат марксистик партия раҳбарлиги остида амалга оширади. Владимир Ильич марксистик назария ишчилар синфи ва унинг революцион партияси учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади, «революцион назария бўлмаса, революцион ҳаракат ҳам бўлиши мумкин эмас» (ТАТ, 2-том, 529-бет) деган машҳур қоидани илгари сурди. Пропагандист Ленин барча марксистлар учун қўлланма бўлиб қолган мана шу қоидани кейинги асарларида ривожлантирганлигини, бу асарларда революцион назариянинг Россия пролетариати партияси учун алоҳида аҳамият касб қилганлигини тингловчиларга эслатиб ўтади.

В. И. Ленин ва унинг сафдошлари подшо сургунида бўлган вақтларида 1898 йилда Минскда бир қанча социал-демократик ташкилотлар вакилларининг I съезди бўлиб, у Россия социал-демократик ишчилар партияси (РСДРП) тузилганлигини эълон қилди. Бироқ, съезд партия программаси ва уставини ишлаб чиқа олмади, социал-демократик ҳаракат тарқоқлигини бартараф қила олмади. Шу тариқа ягона, марказлашган ташкилот сифатидаги партия амалда тузилмади.

Шундай бўлса-да, деб кўрсатади пропагандист, В. И. Ленин кўп куч-ғайрат сарфлаб тайёрланган РСДРПнинг I съезди катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. У партия тузилганлигини расман эълон қилди, рус социал-демократиясининг «болалик ва ўсмирлик даврини» тугаллади. РСДРПга асос солиниши «рус ишчилар ҳаракатининг рус революцион ҳаракати билан **қўшилишида»** қўйилган энг катта қадам бўлди (В. И. Ленин. ТАТ, 4-том, 283-бет).

Сўнгра пропагандист Россиядаги социал-демократик ҳаракатнинг съезддан кейинги аҳволини таърифлаб беради. Бу йиллар ғоявий парокандалик, иккиланишлар, кустарчилик, ташкилий тарқоқлик йиллари, социал-демократик ташкилотлар оппортунистик элементлар таъсирида бўлган йиллар эди. Мамлакатда ягона, марксистик революцион партия тузиш йўлидаги асосий ғоявий душман «экономизм» эди, у бундан аввалги темага доир методик маслаҳатда таърифлаб берилди.

Рус социал-демократиясидаги ғоявий парокандалик ва ташкилий тарқоқликни бартараф этиш, маҳаллий социал-демократик комитетларни ва группаларни революцион марксизм принциплари асосида жипслаштиришни В. И. Ленин умумрус марксистик газетаси орқали амалга оширишни таклиф этди. Ленинчи «Искра» ана шундай газета бўлди. «Бирлашишдан илгари ва бирлашмоқ учун,— деб ёзган эди Владимир Ильич Ленин 1900 йил октябрида алоҳида варақа тарзида нашр этилган ««Искра» редакциясининг баёноти»да,— биз дастлаб, аниқ ва узил-кесил ажралишмоғимиз керак» (ТАТ, 4-том, 414-бет).

Пропагандист газетанинг ҳақиқий ташаббускори ва ташкилотчиси В. И. Ленин бўлганлигини, унинг сургун муддати 1900 йил 29 январда тугаганлигини тушунтиради. Владимир Ильич Шушенскоедан жўнаб кетганидан кейин ўтган мана шу бир йилни умумрус газетасини ташкил этиш ишига бағишлади. Полиция таъқиблари туфайли

Россияда газетани нашр этиб бўлмас эди. Буни фақат чет элда нашр қилиш мумкин эди. Аввало Ленин Россиядаги социал-демократик ташкилотлар билан алоқа ўрнатади, газетани қўллаб-қувватлаш ҳақида улардан ваъда олади ҳамда газетанинг бўлажак ходимлари ва мухбирларини белгилайди, улар билан ишлаш тўғрисида келишиб олади, уни нашр этиш учун зарур бўлган маблағларни қидириб топади. Россияда зарур база тайёрлагач Ленин 1900 йил 16 июлда чет элга чиқиб кетади ва умумрус марксистик газетасини яратиш билан бевосита шуғулланади.

«Искра»нинг биринчи сони 1900 йил декабрида чиқди. В. И. Ленин «Ҳаракатимизнинг муҳим масалалари» деган бош мақоласида социалистик ғояларни ва сиёсий онгни пролетарлар оммасига сингдириш ҳамда революцион партияни ташкил этишни Россия социал-демократиясининг асосий вазифаси деб таърифлади. Мана шундай партия бўлмаса, деб таъкидлади Владимир Ильич, «ишчилар синфи ўз зиммасидаги улуғ тарихий вазифани: ўзини ва бутун рус халқини сиёсий ва иқтисодий қулликдан озод қилиш вазифасини ҳеч қачон адо этолмайди» (ТАТ, 4-том, 432—433-бетлар).

В. И. Ленин революцион ва социал-демократик ҳаракатни ривожлантиришда, Россияда марксистик партия тузишда «Искра»га жуда катта аҳамият берган эди. На парламент минбари, на касаба союзлари, на демократик эркинликлар бўлган чор Россияси шароитида нолегал сиёсий газета янги типдаги партия тузиш учун курашда революцион социал-демократларнинг энг кучли қуроли бўлди. «Искра» дастлабки сонларидан бошлабоқ оппортунизмни узил-кесил тор-мор қилиш, маҳаллий партия ташкилотларини ғоявий ва ташкилий жиҳатдан жипслаштириш, РСДРПда марксистик йўналишнинг ғалабаси учун қатъият билан курашди.

Шуни ҳам кўрсатиб ўтиш муҳимки, мамлакатда янги типдаги партия тузишни ғоявий, назарий, ташкилий ва тактик жиҳатдан тайёрлашда «Искра» билан бир қаторда Лениннинг сургунда ва ундан кейин ёзган асарлари жуда катта роль ўйнади. Улар орасида «Нима қилмоқ керак?» (1902 йил март) китоби алоҳида ўрин тутади. В. И. Ленин сўз бошида ёзганидек, китобда «ташкилий вазифаларимиз ҳақидаги, бир вақтда ва ҳамма томондан киришиб жанговар умумрус ташкилотини тузиш тўғрисида»ги масалалар қараб чиқилгандир (ТАТ, 6-том, 4-бет). Китобда партия тузилишининг ғоявий-ташкилий принциплари: партияни ягона ва мустаҳкам ташкилот сифатида тузиш, партия аъзоси олдига қўйиладиган юксак талаблар (ғоявий чиниққанлик, революцион тажриба ва оммани ўзига эргаштира олиш), подполье ва подшо изқуварлари таъқиб қилиб турган шароитда партиянинг яширинлиги, унинг централизм асосида тузилиши, кенг ишчилар ташкилотига раҳбарлик қилиш зарурлиги асослаб берилди.

В. И. Ленин партия пролетариатнинг синфий курашида раҳбар куч бўлиши керак деб кўрсатган эди. Бу ролни, деб таъкидлаган эди Владимир Ильич, партия илғор революцион назарияга амал қилганидагина бажара олади (ў ш а ж о й д а, 29-бетга қаралсин). Шу ўринда КПСС ва бутун халқаро коммунистик ҳаракатнинг тарихий тажрибаси мана шу ленинча қоидаларнинг тўғрилигини ишонарли қилиб тасдиқлаганлигини, ҳозир ҳам тасдиқлаётганлигини тингловчиларга эслатиб ўтиш керак. Илғор назария — марксизм-ленинизм — коммунистик ва ишчи партияларнинг кундалик курашида уларнинг йўлини ёритиб турган машъал бўлди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда.

В. И. Ленин «Нима қилмоқ керак?» китобида илғор назария пролетариат ва унинг революцион авангарди учун ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигини илмий асослабгина қолмасдан, шу билан бирга унинг рус социал-демократияси учун айниқса муҳим эканлигини ҳам кўрсатиб ўтди. Марксистик партиянинг вазифаси илғор назарияни революцион ишчилар ҳаракати билан қўшишдан иборатдир. Партия, деб таълим берган эди В. И. Ленин, бу ҳаракатга социалистик онгни киритиши керак. Акс ҳолда ишчилар ҳаракати буржуа идеологиясига бўйсундирилади.

Тузилаётган партиянинг ташкилий асосларини ишлаб чиқишда, деб давом эттиради пропагандист, В. И. Лениннинг 1902 йилда босилиб чиққан ва «Искра»нинг ташкилотга қарашлари ғоят тўла-тўкис баён қилинган асар деб эътироф этилган «Ташкилий вазифаларимиз тўғрисида ўртоққа хат» асари ҳам муҳим роль ўйнади. Асарда бўлажак партия уставининг деярли барча принципиал қоидалари: партия аъзоси олдига қўйиладиган юксак талаблар, унинг партия олдидаги масъулияти, юқори партия муассасаси томонидан тасдиқланган ташкилотга кириши кераклиги, ташкилот аъзоларининг ўзаро тенг ҳуқуқлилиги ва уларнинг партия комитетига ҳамда марказий муассасаларга мурожаат қилиш ҳуқуқи баён қилинган эди. Унда партияни территориал-ишлаб чиқариш белгилари асосида тузишнинг аниқ схемаси берилган, икки марказ: ғоявий марказ — Марказий Орган редакцияси ва амалий марказ — Марказий Комитет мавжуд бўлиши зарурлиги биринчи марта асослаб берилган эди.

Ленин асарларида тузилаётган партиянинг ташкилий структураси аниқ белгилаб берилди. У икки қисмдан: асосан профессионал революционерлар кирадиган раҳбар кадрларнинг тор доирасидан ва периферия партия ташкилотларининг кенг тармоғидан, юз минглаб ишчилар ва кенг халқ оммасининг хайрихоҳ бўлган ва қўллаб-қувватланадиган кўп сонли партия аъзолари оммасидан иборат бўлмоғи керак.

Айтилганларни якунлаб, ленинчи «Искра», В. И. Лениннинг ўша йилларда ёзилган «Нима қилмоқ керак?» ва бошқа асарлари янги типдаги партиянинг ташкилий,

идеологик, назарий ва тактик асосларини ишлаб чиқиш билан бир қаторда, «экономистлар»нинг бу масалалардаги қарашлари асоссизлигини фош қилиб ташлаганлигини, уларни оппортунизм идеологлари сифатида ғоявий жиҳатдан тор-мор қилишга ёрдам берганлигини таъкидлаш керак.

БОЛЬШЕВИСТИК ПАРТИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ — РОССИЯ ВА ХАЛҚАРО ИШЧИЛАР ҲАРАКАТИДАГИ ЯНГИ БОСҚИЧ

Пропагандист бу масалани баён қилишга киришиб тушунтирадики, В. И. Ленин бошчилигидаги «Искра» редакцияси Россия революцион социал-демократиясини бирлаштириш учун олиб борган жуда катта иш натижасида РСДРП II съезди чақирилди. Бўлажак съездни ташкилий жиҳатдан тайёрлаш борасидаги барча ишлар: съездни чақирувчи ташкилот комитетини тузиш, съезд ишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар ва группалардан вакиллик нормаларини белгилаш, уни ўтказиш вақти ва жойини аниқлаш ва ҳоказолар Владимир Ильич зиммасига тушди.

Пропагандист РСДРПнинг II съезди 1903 йил 17(30) июлда очилганлигини тингловчиларга эслатади. Аввал унинг мажлислари Брюсселда ўтиб турди, сўнгра Бельгия полицияси таъқиб қилганлиги туфайли Лондонга кўчирилди.

Съезднинг асосий вазифаси, В. И. Ленин кўрсатиб ўтганидек, «...«Искра» томонидан илгари сурилган ва ишлаб чиқилган принцип ва ташкилий асосларга суяниб, ҳақиқий партия тузишдан иборат эди. ...«Искра»нинг программаси ва тутган йўли партия программаси ва йўли бўлмоғи лозим эди. «Искра»нинг ташкилий планлари партиянинг ташкилий уставида ёзилиб тасдиқланмоғи лозим эди» (ТАТ, 8-том, 220—221-бетлар).

Бироқ, бу вазифани ҳал қилиш осон эмас эди. Ленинча йўналишнинг ғалабаси съезд делегатлари орасида бўлган оппортунист ва центрист элементларга қарши қаттиқ курашда тайёрланди.

В. И. Ленин съезднинг ҳақиқий раҳбари эди. У кун тартибидаги деярли барча масалалар юзасидан сўзга чиқди, съезднинг бюросига сайланди, бир қанча мажлисларда раислик қилди, программ, ташкилий ва мандат комиссияларининг аъзоси бўлди.

Съезднинг асосий вазифаларидан бири партия Программасини қабул қилишдан иборат эди. Съезд муҳокамасига қўйилган программа лойиҳасида В. И. Лениннинг талаби билан марксизмнинг пролетариат диктатураси, революцион курашда ишчилар синфининг гегемонияси тўғрисидаги асосий қоидалари аниқ таърифланди, партиянинг пролетар характери ва унинг раҳбарлик роли таъкидланди, Россиядаги ишчилар ҳаракатининг специфик хусусиятлари алоҳида кўрсатиб ўтилди. Программанинг аграр қисми бутунлай В. И. Ленин томонидан ёзилган эди.

Программа лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида съездда кескин кураш авж олиб кетди. Искрачилар билан уларнинг мухолифлари ўртасидаги принципиал ихтилофлар энг муҳим программ масалаларга: пролетариат диктатураси тўғрисидаги (Программа лойиҳасининг бу пунктига съездда Акимов, Мартинов, Либер қарши чиқдилар, бу масалада Троцкий социал-реформистик позицияларда турди), ишчилар синфи билан деҳқонларнинг иттифоқи тўғрисидаги («экономистлар», бундчилар деҳқонлар революцион эмас деб даъво қилдилар), миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тўғрисидаги (Программанинг миллий масалаларга доир қисмидаги мана шу асосий пунктга поляк социал-демократлари ва бундчилар қарши чиқдилар) масалаларга тааллуқли эди. В. И. Ленин ва унинг тарафдорлари оппортунистларга қаттиқ зарба бердилар ва катта ғалаба қозондилар.

Съезд «Искра» ишлаб чиққан Программани қабул қилди. У икки қисмдан — программа-максимум ва программа-минимумдан иборат эди. Унинг биринчи қисмида партиянинг пировард мақсади — социалистик жамият қуриш тўғрисида ва бу мақсадга эришиш шарти — социалистик революция ва пролетариат диктатураси тўғрисида гапирилган эди. Программа-минимум партиянинг яқин орадаги вазифаларини: подшо самодержавиесини ағдариб ташлаш, демократик республика ўрнатиш, 8 соатлик иш куни жорий қилиш, барча миллатларнинг тўла тенг ҳуқуқлилигига эришиш, уларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қарор топтириш, қишлоқда крепостниклик қолдиқларини йўқотиш, деҳқонларга помешчиклар улардан тортиб олган ерларни («отрезка»ларни) қайтариб бериш вазифаларини белгилаб берган эди. Программанинг қабул қилиниши партияни ғоявий жиҳатдан бирлаштириш учун, Россиянинг марксистик ишчи ташкилотларини ленинча программ принциплар теварагида тўплаш учун мустаҳкам асос яратилганлигини англатар эди.

РСДРП II съездида қабул қилинган Программа революцион пролетар партиясининг марксистик программаси бўлиб, Ғарбий Европа мамлакатларидаги социал-демократик партияларнинг программаларидан тубдан фарқ қилар эди. Илмий коммунизм асосчилари К. Маркс билан Ф. Энгельс вафотидан кейин халқаро ишчилар ҳаракати тарихида биринчи марта чинакам революцион программа қабул қилинган, унда пролетариат диктатураси зарурлиги эътироф этилган ва бу диктатурани ўрнатиш учун кураш олиб бориш вазифаси илгари сурилган эди.

Программа марксистик ишчилар партиясининг нопролетар синфлар, шу жумладан деҳқонлар ва мазлум миллатлар меҳнаткашларига нисбатан ҳам тактик прин-

ципларини ижодий ривожлантирган эди. У II Интернационал назариётчиларининг, масалан, Карл Каутский даъво қилганидек, пролетариат «келажак жангларни бир ўзи олиб боришга мажбур бўлади», деган расмий догмасидан алоқани қатъиян узди. Бу догма ишчилар синфини яккаланиб қолишга ва оқибат натижада мағлубиятга маҳкум этар эди.

Шундай қилиб, II съездда қабул қилинган РСДРП Программаси пролетариат революцион партиясининг стратегияси ҳамда тактикасига илмий замин қўйди. Ленин партияси бу Программага амал қилиб, Россияда буржуа-демократик ва социалистик революциялар ғалабаси учун муваффақиятли курашди.

Съездда программ ва тактик масалалар билан бир қаторда ташкилий масалалар ҳам муҳим ўрин тутди. Бу масалалар РСДРП Уставида мустаҳкамланиши керак эди (пропагандист пролетар партиясининг структурасини, функцияларини, фаолият тартибини белгиловчи асосий қоидалар ва фикрлар мажмуи бўлган мана шу ҳужжатнинг моҳиятини қисқача таърифлаб бериши лозим). Съездда партия Уставининг лойиҳаси ҳақида В. И. Ленин доклад қилди. У таклиф этган лойиҳада пролетариатнинг II Интернационалдаги оппортунистик партиялардан принципиал фарқ қиладиган жанговар, революцион, марказлашган, интизомли партиясининг ташкилий принциплари ўз ифодасини топди.

Уставнинг партия аъзоси тушунчасини шарҳлаб берувчи биринчи параграфига берилган ленинча таъриф алоҳида аҳамиятга эга эди: «Партия программасини эътироф этувчи ва моддий маблағлар билан ҳам, партия ташкилотларининг бирида шахсан қатнашиш билан ҳам партияни қўллаб-қувватлайдиган ҳар бир киши партия аъзоси деб ҳисобланади».

Партия тузилишининг ленинча принципларига Мартов қарши чиқди. Уни съезднинг бутун оппортунистик қисми қўллаб-қувватлади. Мартов Устав биринчи параграфи тўғрисидаги ўз таърифини таклиф қилди, бу таърифга мувофиқ партия аъзоси унинг бирон-бир ташкилотида турмаслиги, партияга «унинг ташкилотларидан бирининг раҳбарлиги остида шахсан мунтазам ёрдам бериб туриши» мумкин эди. Бу ўринда қарашлардаги мана шу ихтилоф озми-кўпми яхши таъриф бериш йўлидаги изланишлар туфайли келиб чиқмаганлигини тингловчиларга тушунтириш муҳимдир. Аслида ихтилоф марксизмнинг туб масаласида — партия тўғрисидаги таълимот масаласида келиб чиққан эди. Мартовнинг таърифи шаклсиз, муросасоз партия тузишни назарда тутар ва унинг эшикларини беқарор, нопролетар элементларга кенг очиб қўяр, уюшқоқсизлик ва интизомсизликни рағбатлантирар эди.

Аслида съездда икки тенденция, икки йўналиш тарафдорлари: пролетар ташкилоти ва интизом тарафдорлари билан буржуа-интеллигентча индивидуализм тарафдорлари тўқнашдилар. Партия аъзолиги ҳақидаги икки хил таъриф партияга, унинг составига, тузилишига, вазифаларига бўлган мутлақо қарама-қарши қарашларни акс эттирар эди. Масала Россияда революцион пролетариатнинг кучли, жипслашган, унинг курашига бошчилик қила оладиган ва ғалабага олиб бора оладиган партияси бўладими ёки бу партия уюшмаган, қатъий ҳаракатларга қодир бўлмаган партия бўладими, деган тарзда турар эди. В. И. Ленин съездда партия Уставини муҳокама қилиш вақтида сўзлаган нутқида бундай деб кўрсатиб ўтган эди: «Бизнинг вазифамиз — партиямизнинг мустаҳкам саботли бўлишини, софлигини сақлашдир. Биз партия аъзоси деган номни ва унинг аҳамиятини юқори, юқори ва янада юқори кўтаришга ҳаракат қилишимиз лозим — шунинг учун ҳам мен Мартов таърифига қаршиман» (ТАТ, 7-том, 330-бет).

Шундай қилиб, В. И. Ленин ва унинг ҳамфикрлари ишчилар синфининг илғор, онгли, уюшган, революцион назария билан, жамият тараққиёти ва синфий кураш қонунлари ҳақидаги билим билан, революцион ҳаракат тажрибаси билан қуролланган отряди бўлган партиянинг роли тўғрисидаги марксистик қоидани ҳимоя қилдилар.

Съезд партия Уставининг биринчи параграфини арзимаган кўпчилик (22 овозга қарши 28 овоз билан) Мартов таърифида қабул қилди. Бироқ, бу ленинчиларни бука олмади. Мустаҳкам искрачилар партия тузилишида оппортунистик автономизм ва федерализм принципига қарама-қарши ўлароқ, централизм принципини ҳимоя қилдилар.

Съездда В. И. Ленин ва унинг тарафдорлари программ ва ташкилий масалаларда олиб борган кураш РСДРПнинг революцион қисми билан оппортунистик қисмини бир-биридан ажратди. Партиянинг марказий органларини сайлаш вақтида узил-кесил ажралиш юз берди, сайлов натижасида ленинчилар ғалаба қилдилар. Сайловда кўпчилик овоз олган В. И. Ленин тарафдорларини ўша вақтдан бошлаб большевиклар, уларнинг мухолифларини эса — меньшевиклар деб атай бошладилар.

РСДРП II съезди Россиядаги озодлик ҳаракати тарихида ғоят муҳим ўрин тутади. «Съезднинг жаҳоншумул-тарихий аҳамияти шундаки,— деб кўрсатилади КПСС Марказий Комитетининг «РСДРП II съездининг 70 йиллиги тўғрисида»ги қарорида,— бу съездда революцион марксистик ташкилотларни бирлаштириш жараёни ниҳоясига етказилди ва В. И. Ленин ишлаб чиққан ғоявий-сиёсий ва ташкилий принципларда Россияда ишчилар синфининг партияси вужудга келтирилди. Янги типдаги пролетар партияси, большевиклар партияси, улуғ Ленин партияси пайдо бўлди». Кейинчалик В. И. Ленин ёзганидек, «большевизм сиёсий фикр оқими сифатида ва сиёсий партия сифатида 1903 йилдан буён мавжуд» (ТАТ, 41-том, 7-бет).

РСДРП II съезди фақат Россия ишчилар ҳаракатидагина эмас, балки жаҳон ишчилар ҳаракатида ҳам бурилиш нуқтаси бўлди. Пролетариат биринчи марта янги тарихий шароитда ўзининг социал озодлиги учун курашига муваффақиятли раҳбарлик қила оладиган ташкилотга эга бўлди.

Шундай қилиб, деб якунлайди пропагандист, РСДРП II съезди янги типдаги пролетар партиясига, большевиклар партиясига асос солди. Унинг ижодкори В. И. Ленин эди. «Мана шундай партияни — большевиклар партиясини тузиш ва тоблаш Ленин ҳаётининг иши бўлиб қолди. Бу партия оммага бошчилик қила оладиган ва оммани чоризмга қарши жанг қилишга бошлаб бора оладиган, Россияни помешчиклар ва буржуазия қўлидан тортиб олиш билангина чекланиб қолмай, шу билан бирга Россияни бошқаришга, пролетариат диктатурасининг тантана қилишини таъминлашга ҳам лаёқатли партия бўлиши керак эди. Ленин мана шундай партия учун меньшевикларга қарши, троцкийчиларга қарши, ҳар турли оппортунистларга қарши муросасиз кураш олиб борди. Янги типдаги партия —...революцион назария билан революцион практика ажралмас бирлигининг олий ифодасидар» (Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар, 2-том, 621-бет).

В. И. ЛЕНИННИНГ БОЛЬШЕВИСТИК ПАРТИЯНИНГ ТАШКИЛИЙ, ТАКТИК ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН КУРАШИ

Пропагандист бу масалани баён қилишни РСДРП II съездидан кейин партияда вужудга келган вазиятни қараб чиқишдан бошлайди. Бу вазият большевиклар меньшевикларнинг оппортунистик, нифоқчилик фаолиятига қарши олиб борган қизғин кураши билан характерланади. Меньшевиклар съезд қарорларини барбод қилишга ва партиянинг марказий муассасаларини қўлга киритиб олишга турли йўллар билан ҳаракат қилдилар. Бу ишда меньшевикларни съезддаёқ уларга ён босган Г. В. Плеханов қўллаб-қувватлади. 1903 йил октябрда у съезд рад этган эски меньшевик редакторларни «Искра» редакциясига киритишни талаб қилди.

В. И. Ленин съезд қарорларини мана шундай қўпол суратда бузишга рози бўла олмас эди, шу сабабли у Марказий Комитетда мустаҳкамланиб олиш ва оппортунистларга қарши принципиал курашни давом эттириш учун 1903 йил 19 октябрда (1 ноябрда) «Искра» редакциясидан чиқди. «Искра» 52 сонидан бошлаб кескин ўзгарди. У қатъиян ўнгга бурилиб, партияга қарши кураш органига, ташкилий, сўнгра эса тактик оппортунизмни пропаганда қилиш органига айланди. «Эски «Искра»,— деб ёзган эди Ленин,— революцион кураш ҳақиқатларини ўргатар эди. Янги «Искра» ён бериш ва тотув туриш керак деган сийқа мақолни ўргатмоқда... Қандай шармандалик! Улар бизнинг эски «Искра»мизни қандай уятга қолдирдилар!» (ТАТ, 8-том, 458—459-бетлар). Тез орада Марказий Комитетда ҳам муросасозлик кайфиятлари тобора кўпроқ таъсир эта бошлади.

Бундай шароитда меньшевикларнинг нифоқчилик фаолиятини бутун чоралар билан фош қилиш, ташкилий масалаларда уларнинг оппортунизмини очиб ташлаш, марксистик революцион партиянинг ташкилий принципларини ҳар томонлама баён этиш ва асослаб бериш керак эди. Бу вазифани В. И. Ленин 1904 йил майда босилиб чиққан «Бир қадам олға, икки қадам орқага» номли ажойиб асарида бажарди. Унда РСДРП II съездидаги ва съезддан кейинги даврдаги кураш чуқур таҳлил қилиб берилди. Владимир Ильич меньшевикларнинг ташкилий масалалардаги оппортунизмини: уларнинг централизм ва партия интизомига йўл қўймасликларини, ташкилий тарқоқликни ҳимоя қилишини, партиянинг эшикларини майда буржуа, оппортунистик элементлар учун кенг очиб қўйишга интилишини фош қилиб ташлади. Китобда меньшевикларнинг ишчилар синфи социалистик революция ва пролетариат диктатураси учун олиб борадиган курашда марксистик партиянинг авангардлик ролини камситишга интилишлари ишонарли қилиб очиб ташланди. Ленин меньшевикларнинг ташкилий масалалардаги оппортунизмини тор-мор этадиган қилиб танқид қилганлиги айни вақтда II Интернационалнинг ташкилий принципларини ва анъаналарини ҳам танқид қилиш эди.

В. И. Ленин ташкилий масалаларда меньшевикларни ғоявий жиҳатдан тор-мор қилиб, «Бир қадам олға, икки қадам орқага» асарида партиянинг марксистик ташкилий принципларини назарий жиҳатдан асослади ва янада ривожлантирди. Владимир Ильич илмий коммунизм асосчиларининг пролетар партияси тўғрисидаги ғояларига асосланиб уларнинг мунтазам таълимотини империализм ва пролетар революциялари даврида пролетариат олиб бораётган курашнинг янги шароитларига татбиқан ривожлантиради. Партия, деб таъкидланган эди китобда, пролетариатнинг энг илғор, онгли, уюшган қисмидир, унинг ташкилотининг олий формасидир; партия омма билан алоқанинг мужассам ифодасидир, у омманинг қўллаб-қувватлаши билан кучлидир; партиянинг фаолияти муваффақиятли бўлишининг асосий шарти унинг сафларининг монолит бирлигидан, унинг барча аъзолари учун мажбурий бўлган темир интизомдан иборатдир. Пропагандист Ленинннинг мана шу асарида марксистик партия фаолиятининг қонунига айланган партия ҳаёти нормалари таърифлаб берилганлигини кўрсатиб ўтади.

В. И. Ленин ўз китобини марксистик революцион партиянинг буюк тарихий истиқболи тўғрисидаги башоратли сўзлар билан туграллади: «Пролетариатнинг ҳокимият учун олиб борадиган курашида ташкилотдан бошқа қуроли йўқ... Пролетариат енгилмас кучга айлана олади ва айланиши муқаррар, лекин бунинг учун пролетариатнинг марксизм принциплари асосларига қурилган ғоявий бирлиги миллион-миллион меҳнаткашларни ишчилар синфининг армияси қилиб бирлаштирадиган ташкилотнинг моддий бирлиги билан мустаҳкамланиши лозим. Бу армияга рус самодержавиесининг путури кетаётган ҳокимияти ҳам, халқаро капиталнинг путури кетаётган ҳокимияти ҳам бардош беролмайди» (ТАТ, 8-том, 460-бет).

В. И. Ленин бу даврда назарий фаолият билан бирга меньшевикларнинг нифоқчилик хатти-ҳаракатлари туфайли партияда вужудга келган кризисни енгиш учун жуда катта ташкилотчилик ва сиёсий ишларни олиб борди, РСДРП III съездини чақиришни актив ёқлаб чиқди. Съездга тайёргарлик Россияда 1905—1907 йиллар революцияси — империализм давридаги биринчи халқ революцияси бошланиб кетган шароитда олиб борилди. Пропагандист тингловчиларга революциянинг шарт-шароитлари, бошланиши ва авж олиши тўғрисида эслатиб, бу революция тарихда биринчи буржуа-демократик революцияси бўлганлигини, унда пролетариат мустақил сиёсий куч бўлиб, социал ва миллий озодлик учун курашаётган мазлум омманинг доҳийси бўлиб майдонга чиққанлигини таъкидлайди.

Бошланиб кетган революция Россиядаги барча социал қатламларни ҳаракатга келтирди. Ҳар бир синф ва ҳар бир партия революцияга, мавжуд ҳокимиятга ва бошқа синфларга ўз муносабатини, яъни ўзининг тактикасини белгилаб олди. Шу ўринда тингловчиларга «Партиянинг тактикаси деган сўзнинг маъноси партиянинг сиёсий хатти-ҳаракати, ёки унинг сиёсий фаолиятининг хусусияти, йўли, усуллари демак» (В. И. Ленин. ТАТ, 11-том, 9-бет) эканлигини тушунтириш ўринли бўлади. РСДРП олдида ҳам бошланиб кетган революцияда ўз тактикасини ишлаб чиқиш вазифаси кўндаланг бўлди.

РСДРПнинг 1905 йил 25 апрелдан 10 майгача Лондонда бўлган III съезди мана шу вазифани ҳал қилишга бағишланди. Съездда 21 большевистик комитетдан 24 делегат ҳал қилувчи овоз билан қатнашди. Съезд ишига унинг раиси қилиб сайланган В. И. Ленин раҳбарлик қилди. У съезд кун тартибидаги барча асосий масалалар юзасидан сўзга чиқди (съезд протоколларида унинг 140 га яқин нутқлари ва таклифлари ёзиб олинган), резолюция лойиҳалари ва докладларни ишлаб чиқди ҳамда таҳрир қилди.

Съезд партиянинг буржуа-демократик революциядаги стратегик плани ва революцион тактикасини белгилаб берди. Бу план ва тактикада пролетариат барча деҳқонлар билан иттифоқ бўлиб, революцияни тўла ғалабага қадар олиб бориши ва шу йўл билан социалистик революцияга йўл очиши керак; самодержавие устидан ғалаба қозонишнинг ҳал қилувчи воситаси қуролли қўзғолон бўлиб, унинг натижасида мувaққат революцион ҳукумат — ишчилар синфи билан бутун деҳқонлар революцион-демократик диктатурасининг органи тузилиши керак; пролетариатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида революцион социал-демократлар ҳам кирадиган бу ҳукумат ўзининг амалий фаолиятида революция ғалабаларини мустаҳкамлаши, контрреволюциянинг қаршилигини бостириши ва РСДРПнинг программа-минимумини амалга ошириши керак деб белгиланган эди.

Пропагандист меньшевиклар партия III съезди ишида қатнашмаганликларини ва Женевада ўз съездларини чақириб, уни делегатлар сони кам бўлганлиги сабабли конференция деб атаганликларини тингловчиларга эслатади. Конференцияда ҳам РСДРП III съездидаги масалалар муҳокама қилинди. Бироқ, конференция мутлақо қарама-қарши қарорлар чиқарди.

В. И. Лениннинг 1905 йил июль ойининг охирида босилиб чиққан «Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси» деган китоби меньшевиклар тактикасининг асоссиз эканлигини фош қилиб ташлашга, РСДРП III съезди қарорларини, большевикларнинг стратегик плани ва тактик йўлини назарий жиҳатдан асослаш ва янада ривожлантиришга бағишланган эди.

Пропагандист бу асарда илгари сурилган фикрларни анализ қилишга ўтар экан, империализм давридаги буржуа-демократик революциясининг хусусиятлари, уни ҳаракатлантирувчи кучлари ва истиқболлари тўғрисидаги масалани ишлаб чиқишда В. И. Лениннинг хизмати жуда катта бўлганлигини таъкидлайди. Россиядаги революция ўз характери ҳамда вазифалари жиҳатидан буржуа революцияси бўлиб, чор самодержавиесини ва крепостниклик қолдиқларини тугатишга қаратилган революция эди. Шу билан бирга, деб кўрсатган эди Владимир Ильич, бу революцияни Ғарбий Европада бўлган революциялар билан бир қаторга қўйиб бўлмайди, чунки у мутлақо бошқача тарихий шароитда — империализм даврида, яқинлашиб келаётган пролетар революцияси даврида, пролетариат билан буржуазия ўртасида синфий кураш анча ривожланган бир шароитда юз бермоқда эди. Олдинги революциялардан фарқли ўлароқ, биринчи рус революциясида раҳбар куч бўлиб ўша вақтда реакцион кучга айланган буржуазия эмас, балки ўз ёнига деҳқонлар оммасини қўшиб оладиган пролетариат майдонга чиқмоқда эди. «Марксизм пролетариатни буржуа революциясидан четланишга ўргатмайди.., унда раҳбарликни буржуазияга бериб қўйишга ўргатмайди, балки, аксинча, унда зўр ғайрат билан қатнашишга.., революцияни охи-

рига етказиш учун жуда қатъий кураш олиб боришга ўргатади»,— деб таъкидлаган эди В. И. Ленин (ТАТ, 11-том, 43-бет).

В. И. Ленин мана шу асарда илгари сурган ҳамда назарий жиҳатдан асослаб берган асосий тактик қоида пролетариат буржуа-демократик революциясининг раҳбари, гегемони бўла олиши ва бўлиши керак, деган ғоя эди. Марксистик партия бошчилигидаги ташкилий жиҳатдан энг шаклланган сиёсий куч, Россиядаги энг илғор ва бирдан-бир изчил революцион синф бўлган пролетариат учун буржуа-демократик революциясида қатъий ғалаба қозониш ҳар қандай бошқа синфга қараганда кўпроқ зарур эди, чунки чоризмни ағдариб ташлаш ва демократик республика ўрнатиш социалистик революцияни тайёрлаш учун йўл очиб берган, унинг ғалабасини енгиллаштирган бўлур эди. «Буржуа революцияси нақадар мукаммал, нақадар қатъий ва изчил бўлса,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— пролетариатнинг социализм учун буржуазияга қарши олиб борадиган кураши шу қадар таъминланган бўлади» (ў ш а ж о й д а, 41-бет).

Сўнгра В. И. Ленин К. Маркснинг узлуксиз (перманент) революция тўғрисидаги ғоясига таяниб ва уни янги шароитга татбиқан ривожлантириб, буржуа-демократик революциясининг социалистик революцияга ўсиб ўтиши тўғрисидаги назарияни ишлаб чиққанлигини тингловчиларга тушунтириш керак. **«Пролетариат,—** деб кўрсатган эди Владимир Ильич,— **самодержавиенинг қаршилигини куч билан янчиб ташлаш ва буржуазиянинг беқарорлигига барҳам бериш учун деҳқонлар оммасини ўз ёнига олиб демократик тўнтаришни охирига етказиши керак. Пролетариат буржуазиянинг қаршилигини куч билан бостириш, деҳқонларнинг ва майда буржуазиянинг беқарорлигига барҳам бериш учун аҳолининг ярим пролетар элементлари оммасини ўз ёнига олиб, социалистик тўнтариш қилмоғи лозим»** (ТАТ, 11-том, 101-бет).

Мана шу ленинча қоидалар II Интернационал оппортунистлари билан рус меньшевикларининг социалистик революцияга пролетариат ёлғиз ўзи, иттифоқчиларсиз майдонга чиқади, социалистик революцияни пролетариат аҳолининг кўпчилигини ташкил этган вақтдагина амалга ошириш мумкин бўлади, деган даъволарини мутлақо рад этар эди.

В. И. Лениннинг китобида самодержавиени ағдариб ташлашнинг ҳал қилувчи воситаси бўлган қуролли қўзғолон масаласи ҳам асослаб берилди, уни амалда тайёрлашнинг конкрет тадбирлари аниқланди, Муваққат революцион ҳукуматнинг синфий моҳияти ҳамда вазифалари очиб берилди ва Россиядаги халқ революцияси илгари сурган кўпгина бошқа масалаларга жавоб берилди.

Пропагандист В. И. Лениннинг «...Икки тактика» китоби тўғрисидаги ҳикояни тугаллар экан, бу китоб партияни назарий жиҳатдан асосланган революцион стратегия ва тактика билан қуроллантирганлигини, демократия ва социализм учун курашнинг аниқ йўлини кўрсатиб берганлигини айтиб ўтади. Биринчи рус революциясида пролетариатнинг раҳбарлик ролини ўзида гавдалантирган большевистик партия Россиядаги аниқ ҳаракат программасига эга бўлган бирдан-бир партия эди. Лениннинг бу асарида социализм алоҳида олинган бир мамлакатда ғалаба қозониши мумкинлиги тўғрисида ҳали бевосита хулоса чиқарилмаган эди, лекин унда ана шундай хулоса учун барча ёки деярли барча асосий элементлар мавжуд эди.

Империализм давридаги халқ революциясида пролетариат ва унинг марксистик партиясининг стратегияси ва тактикаси тўғрисида В. И. Ленин ўзининг «Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси» деган ва биринчи рус революцияси тажрибасини умумлаштирган кейинроқ ёзилган бошқа асарларида ишлаб чиққан қоидалар жуда катта халқаро аҳамиятга эгадир. «Халқаро ишчилар синфи кенг миқёсдаги қудратли умумдемократик антиимпериалистик ҳаракатда раҳбарлик ролини қўлга олаётган бизнинг замонамизда,— деб кўрсатилади КПСС Марказий Комитетининг «Россиядаги 1905—1907 йиллар революциясининг 70 йиллиги тўғрисида»ги қарорида,— биринчи рус революциясининг тарихий тажрибаси, меҳнаткашлар оммасининг революцион курашида пролетариатнинг гегемонлиги тўғрисидаги Ленин ғоялари алоҳида актуаллик касб этмоқда».

Россиядаги 1905—1907 йиллар революцияси мағлубиятга учраганидан кейин реакция даври бошланди. Партия яширинишга мажбур бўлди. Лекин маъмурлар қаттиқ таъқиб қилиб турган бир шароитда ҳам большевиклар руҳан тушкунликка тушмадилар, ўз сафларини қатъият билан мустаҳкамлашни ва бўлажак революцион жанглар учун куч тўплашни давом эттирдилар.

Реакция йилларида большевиклар партиясига ҳар турли ренегатлар ва айниган кишилар қутуриб ҳужум қилдилар. Улар партиянинг назарий асосига — диалектик-материалистик дунёқарашга айниқса қаттиқ ҳужум қилдилар. К. Маркс билан Ф. Энгельснинг революцион назариясини бузиш, нотўғри талқин қилиш ва мазмундан маҳрум қилиш учун уринишлар кўпайди. Илгари большевикларга қўшилган айрим адиблар (Богданов, Базаров ва бошқалар), шунингдек бир қанча меньшевиклар (Юшкевич, Валентинов) марксизмнинг фалсафий-назарий ва илмий-тарихий негизларини танқид қилишни авж олдириб юбордилар. Россиядаги ҳар турли марксизм «танқидчиларининг» чиқишлари марксизмга Европадаги ревизионистларнинг ҳужумлари билан қўшилиб кетмоқда эди.

Айни вақтда Ғарбий Европа буржуа философиясида эмпириокритицизм («танқидий тажриба» философияси)— XIX аср охирида Германия билан Австрияда пайдо

бўлиб, табиийтшуносликдаги кризис туфайли ҳамда империализм даври бошланиши билан буржуа идеологиясининг барча йўналишларида реакцион тенденцияларнинг кучайиши муносабати билан XX асрда кенг тарқалган реакцион субъектив идеалистик оқим кенг тарқалди. Эмпириокритицизм ёки махизм (унинг асосчиларидан бири — Австрия физиги Э. Мах номидан олинган) табиат ва жамият қонунларини, объектив дунёнинг онгга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлигини рад этар, «тажриба» тушунчасини идеалистик йўсинда бузиб, уни инсон ҳиссиётлари йиғиндисидан иборат қилиб қўяр ва нарсаларга сезгилар комплекси деб, субъектив тажриба элементларининг қўшилиши деб ҳисоблар эди. Марксистик назария соҳасидаги айниган кишилар бу философияни фаннинг энг янги ютуғи деб эълон қилиб, у гўё марксизм билан сиғиша олади деб даъво қилдилар.

Партиянинг назарий асосини ташкил этувчи марксистик философияни россиялик ва ғарбий европалик оппортунистларнинг ҳужумларидан ҳимоя қилиш, махизмнинг реакцион моҳиятини фош қилиб ташлаш керак эди.

Мана шу масъулиятли вазифани ҳал қилишга В. И. Ленин киришди. В. И. Лениннинг 1909 йил майда босилиб чиққан «Материализм ва эмпириокритицизм» китоби махизмни ва унинг Россиядаги тарафдорларини ғоявий жиҳатдан тор-мор қилишга бағишланди. Унда Владимир Ильич марксистик философиянинг асосий масалаларини ривожлантириб, махизмнинг синфий ва ғоявий асосларини очиб ташлади, бу реакцион философиянинг тарғиботчилари буржуазия идеологлари, идеализм, мистика, динчиликни тарқатувчилар, илғор, чинакам революцион таълимот бўлган марксизмнинг ёвуз душманлари эканликларини исботлаб берди.

В. И. Ленин Махнинг нарсалар сезгилар комплексидан иборат эканлиги тўғрисидаги таълимоти янги сўзлар ва терминлар билан ниқобланган ғирт субъектив идеализмнинг ўзи эканлигини исботлади. «Нарсалардан сезги ва фикрга қараб бормоқ керакми?— деб ёзган эди Ленин.— Ёки фикр ва сезгидан нарсаларга қараб бормоқ керакми? Энгельс биринчи йўлни, яъни материалистик йўлни тутади. Мах иккинчи йўлни, яъни идеалистик йўлни тутади» (ТАТ, 18-том, 37-бет).

В. И. Ленин мана шу гениал асарида диалектик материализмнинг асосий қоидаларини — билиш объектив моддий дунёнинг инъикоси эканлиги тўғрисидаги, бу инъикоснинг қонунлари ва формалари тўғрисидаги, объектив, абсолют ва нисбий ҳақиқат тўғрисидаги, билишнинг ва ҳақиқат мезонининг асоси бўлган практиканинг роли тўғрисидаги ва ҳоказо қоидаларни янада ривожлантирди. Владимир Ильич Ленин рус махистлари ғарбдаги реакцион буржуа философияси олдида қулларча сажда қилишларини фош этди, уларнинг жамият тўғрисидаги антимарксистик қарашларини, жамият тараққиётининг объектив қонунларини инкор этишларини, жамият тўғрисидаги фанга идеализмни олиб кираётганликларини қақшатқич танқид қилди.

Ленин асарларида рус ва халқаро социал-демократик ҳаракатдаги ревизионистлар ва бошқа оппортунистларнинг танқид қилиниши ҳозирги замон ревизионистларига ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир. Шуни таъкидлаб ўтиш ўринли бўладики, ревизионизмга қарши кураш — КПСС, барча қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг идеология ишидаги энг муҳим йўналишдир. Бу ишда Лениннинг юқорида кўриб чиқилган ўлмас асарлари, умуман Ленин таълимоти қудратли қурол бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Пропагандист айтилганларнинг ҳаммасини якунлаб, XIX аср охири — XX аср бошлари илмий коммунизм асосчиларининг революцион таълимоти янада ривожлантирилганлиги билан характерланишини кўрсатиб ўтади. Бу янги босқич Владимир Ильич Лениннинг назарий ҳамда ташкилотчилик фаолияти билан боғлиқ эди. У оппортунизмга қарши олиб борилган қаттиқ курашда марксистик таълимотни ҳимоя қилди ва янада ривожлантирди, янги типдаги партияни яратди, унга назарий, тактик ва ташкилий жиҳатдан асос солди.

ТЕМАГА ОИД АДАБИЁТ

В. И. Ленин. **Рус социал-демократларининг вазифалари.** Тўла асарлар тўплами, 2-том, 497—537-бетлар.

В. И. Ленин. **Бир қадам олға, икки қадам орқага.** ТАТ, 8-том, 383—460-бетлар.

В. И. Ленин. **Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси.** ТАТ, 11-том, 1—150-бетлар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси. «Ўздавнашр», 1971, 3—11-бетлар.

Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисида. КПСС Марказий Комитетининг қарори. «Ўзбекистон коммунисти» журналининг 1980 йил 1-сони.

Л. И. Брежнев. **Ленин иши яшамоқда ва ғалаба қозонмоқда.** КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисида қилинган доклад. 1970 йил 21 апрель. Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар. 2-том, «Ўзбекистон» нашриёти, 1970, 617—679-бетлар.

СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯ ВА ДАВЛАТ НАЗАРИЯСИНИНГ В. И. ЛЕНИН ТОМОНИДАН РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

Социалистик революция назарияси илмий коммунизмда марказий ўринни ишғол қилади. К. Маркс билан Ф. Энгельс томонополистик капитализм даврида социалистик революциянинг тарихан муқаррарлигини исбот қилиб, бу назариянинг асосларини ишлаб чиқдилар. Улар бу революциянинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган ишчилар синфи тўғрисидаги, унда пролетариатнинг революцион партиясининг раҳбарлик роли тўғрисидаги, унинг объектив шарт-шароитлари тўғрисидаги, деҳқонлар оммасини революцион ҳаракатга жалб этиш тўғрисидаги, миллий-озодлик курашининг социализм учун кураш билан боғлиқлиги тўғрисидаги, пролетариат диктатураси ва унинг вазифалари тўғрисидаги, социалистик революциянинг тинч ва нотинч йўллари тўғрисидаги қоидаларни таърифлаб бердилар.

Социалистик революция бевосита практика масаласи бўлиб қолган янги тарихий шароитларда, монополистик капитализм даврида В. И. Ленин социалистик революция тўғрисидаги марксистик таълимотни ижодий ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди.

Темани ўрганишнинг қуйидаги плани тавсия этилади:

1. **Империализм — социалистик революциянинг арафаси.**
2. **Ленинча социалистик революция назариясининг асосий қоидалари.**
3. **Социалистик давлат.**

ИМПЕРИАЛИЗМ — СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯНИНГ АРАФАСИ

Пропагандист аввало XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошида капитализм ривожланишнинг янги босқичига — империализмга қадам қўйганлигини таъкидлайди. Шу муносабат билан пролетариат синфий курашининг шарт-шароитлари тубдан ўзгарганлиги революцион кучларнинг тўғри стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш зарурлигини келтириб чиқардики, бу ҳол марксистик партиялар олдига империализмнинг экономикаси ва сиёсатини чуқур мушоҳада этиш, жаҳон тарихининг янги босқичида социалистик революция истиқболларини асослаб беришдан иборат жуда муҳим вазифани қўйди. Бу вазифани В. И. Ленин бир қатор асарларида бажарди, булар орасида унинг «Империализм капитализмнинг юқори босқичи» деган классик асари ижодий марксизм хазинасига қўшилган улкан ҳиссадир. Бу асарда Владимир Ильич К. Маркснинг «Капитал» асари босилиб чиққанидан кейинги ярим аср ичида жаҳон капитализми ривожини тадқиқ этди ва унга якун ясади, капитализмнинг алоҳида, юқори ва сўнгги босқичи бўлган империализмнинг иқтисодий ва сиёсий моҳиятини биринчи марта ўлароқ чуқур илмий таҳлил этди, унинг ривожланиш қонуниятлари ва тенденцияларини очиб берди.

В. И. Ленин империализмга бешта асосий аломат хос эканлигини белгилади. Машғулотда ана шу белгиларни кўриб чиқиш тавсия этилади.

Биринчи асосий белги — мамлакат ичидаги корхоналар ҳамда мамлакатлар ўртасидаги муносабатлардаги эркин конкуренциянинг энг йирик капиталистлар монополистик иттифоқлари — ишлаб чиқариш билан капиталнинг юксак даражада концентрациялашуви негизида вужудга келган картерлар, трестлар, синдикатлар ҳукмронлиги билан алмашуви. Монополиялар империализмнинг белгиловчи аломати бўлиб қолди. Шу боисдан В. И. Ленин империализмни капитализмнинг монополистик босқичи деб атади (Тўла асарлар тўплами, 27-том, 442-бетга қаралсин).

Ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви ҳамда монополияларнинг ташкил топиши ишлаб чиқаришнинг кенг кўламда умумлашувини англатади. Бироқ, унинг маҳсулотларининг ўзлаштирилиши аввалгича хусусий, капиталистик тарзда бўлиб қолаверади, бунда ишлаб чиқариш воситаларига тобора кам сонли мулкдорлар эгалик қиладилар. Монополистик капитализмда ишлаб чиқариш жараёнининг ҳаракатлантирувчи омили ва белгиловчи мақсади шунчаки фойда эмас, балки устама фойдадир. Лекин конкуренция ўз ҳолича қолаверганлиги сабабли максимум устама фойда олиш учун картерлар, трестлар, синдикатлар ўртасидаги, шунингдек улар билан айрим капиталистлар ўртасидаги рақобат кучайиб боради, конкуренция кураши янада шиддатли тус олади.

Империализмнинг иккинчи асосий белгиси — банк капиталининг саноат капитали билан қўшилуви ва ана шу негизда молия капиталининг вужудга келишидир, молия капиталининг корчалонлари бир тўда юқори табақани — молия олигархиясини ташкил қилади. Банклар кучли монополистларга айландилар, капиталистик хўжаликнинг асосий асаб узеллари бўлиб қолдилар. Улар бутун капиталистлар синфи пул маблағлари ҳаракатини жамлайдилар, бу маблағларни ҳисобга олиб борадилар. Молия олигархияси иқтисодий ва сиёсий ҳукмронликни амалга оширади. Шу билан бирга банкларнинг бутун фаолияти йирик ва энг йирик монополияларнинг мандатларига бўйсундирилгандир.

Империализмнинг учинчи асосий белгиси — капитал чиқариш бўлиб, бу аввалда ҳукмрон бўлган товар чиқариш ўрнини эгаллади. Капитал чиқариш бир хил мамлакатларнинг бошқа мамлакатлар томонидан иқтисодий асоратга солинишига олиб келади. Капитал ишлатишнинг фойдали соҳалари учун кураш негизида давлатлар ўртасида империалистик зиддиятлар кескинлашиб боради.

Империализмнинг тўртинчи асосий белгиси — дунёнинг иқтисодий тақсимланишини амалга оширадиган капиталистлар халқаро монополистик иттифоқларининг вужудга келишидир. Бу иттифоқлар ишлаб чиқариш ва капиталнинг жаҳон миқёсида концентрациялашувининг янги босқичидир.

Империализмнинг бешинчи асосий белгиси — энг йирик капиталистик давлатлар ўртасида дунёни территориал жиҳатдан бўлиб олишнинг тугалланишидир. Шу сабабли улар ўртасидаги кураш янгича характер касб этди, энди бўлиб олинган дунёни қайтадан бўлиш учун кураш боради. Бу ҳол милитаризмнинг ўсишини, халқаро низоларни, империалистик урушларни келтириб чиқаради.

Сўнгра пропагандист тингловчиларга шу нарсани тушунтирадики, монополиялар ҳукмронлиги эксплуатациянинг кескин кучаювини ва ишчилар синфи аҳволининг ёмонлашувини, шунингдек деҳқонлар асосий оммаси ва шаҳар майда буржуазиясининг хонавайрон бўлишини англатади. «...бир ҳовуч монополистларнинг қолган аҳолига қилаётган зулми юз карра оғирлашиб, қаттиқлашиб, тоқат қилиб бўлмайдиган даражага етади» (В. И. Ленин. ТАТ, 27-том, 371-бет). Бу ҳол халқ норозилигининг ўсишига сабаб бўлади, ишчилар синфи билан империалистик буржуазияга қарши курашда асосий куч бўлган нопролетар меҳнаткашлар оммаси иттифоқининг мустаҳкамланиши учун объектив шарт-шароитлар яратади. Бу ўринда шуни таъкидлаш муҳимки, монополистик капитал жамият устидан ўз диктатурасини қарор топтириб, фақат ишчилар ҳаракатинигина эмас, балки демократик ҳаракатни ҳам бостиради, бусиз ҳам кемтилган буржуа демократик ҳуқуқлари ва эркинликларини йўққа чиқаради. Айниқса миллий зулм кескинлашади ва монополияларнинг «бегона» халқларни зўрлик билан қўшиб олишга интилиши кучаяди. Мустамлака ва қарам мамлакатлар юз миллионларча аҳолисининг шафқатсиз эксплуатация қилиниши миллий-озодлик ҳаракатининг кучайишига сабаб бўлади, капиталистик давлатлар пролетариати ҳамда мустамлака ва ярим мустамлака халқларининг империализмга қарши курашининг ягона фронти вужудга келишига кўмаклашади.

В. И. Ленин кўрсатиб ўтганидек, монополиялар ҳукмронлиги даврида капиталистик тузумнинг реакцион моҳияти яққол зоҳир бўлади ва охирги нуқтасига етади. Владимир Ильич шундай деб ёзган эди: «Империализм капитализмнинг алоҳида тарихий босқичидир. Бу хусусиятнинг уч томони бор: империализм (1)— монополистик капитализмдир; (2)— текинхўр ёки чириб борувчи капитализмдир; (3)— ўлаётган капитализмдир» (ТАТ, 30-том, 193-бет).

Капитализмнинг чириши ортиқча ишлаб чиқариш кризисларида, ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишини тўсиш тенденциясида (техника тараққиёти агар монополиялар фойдасига салбий таъсир қилса у сунъий равишда секинлаштирилади), судхўрлар (ссуда проценти тарзида олинадиган меҳнатсиз даромад ҳисобига яшовчи шахслар) қатламининг тез кўпайиб боришида, экономиканинг милитаризациялашувида, оммавий ишсизлик, меҳнаткашлар қашшоқлигининг кучаювида намоён бўлади. Мустамлака халқлар эксплуатация қилинишининг кучаюви империализмни улар танасидаги текинхўрга айлантирди. В. И. Ленин буржуазиянинг асосий социал таянчи, унинг ишчилар ҳаракатидаги агентураси бўлган ишчи аристократиясини мустамлакалардан олинган фойдалар ҳисобига сотиб оладиган монополистлар ва молия олигархиясини «квадрат тарзидаги текинхўрлик» деб атаган эди.

Буларнинг бари жаҳон капитализм системасининг ўлимга маҳкумлигидан далолат беради. Пропагандист империализм капиталистик тузумнинг барча зиддиятларини энг юқори нуқтага етказганлигини таъкидлайди, бу даврда капитализмни ағдариш, революцион тарзда социализмга ўтиш ҳаётий зарурат бўлиб қолади. Империализмнинг тарихий роли шундан иборатки, у бунинг учун тўла шарт-шароит вужудга келтиради.

Монополия бирлашмалари хом ашё манбалари ва бозорларни ҳисобга олиш, экономикага планлаштириш элементларини жорий этиш имкониятини таъминлайди. Лекин монополияларнинг ғаразли манфаатларига хизмат қилишга бўйсундирилган учёт ва планлаштириш капитализмни унинг муқаррар йўлдошлари бўлган конкуренция, ишлаб чиқариш анархияси, иқтисодий кризислар, империалистлар орасидаги тўқнашувлардан қутқара олмайди, чунки буржуа давлатига хос бўлган айрим корхоналар, монополистик бирлашмалар, капиталистик мамлакатларнинг нотекис ривожланиши доимо низоларни ва янги негиздаги зиддиятларни келтириб чиқараверади. Шунга қарамай, ишлаб чиқаришнинг юксак даражада концентрациялашуви капитализм бағрида экономикани ижтимоий тартибга солиб туриш учун шарт-шароитлар етилишидан далолат беради. Капиталистик қобиқ эндиликда мазмунга мос келмай қолади. Унинг орасидан социализмнинг қиёфаси тобора яққолроқ кўзга ташланади. В. И. Ленин айтганидек, социализм энди «ҳозирги замон капитализмининг ҳамма деразаларидан бизга кўриниб турибди...» (ТАТ, 34-том, 227-бет).

Пропагандист тингловчиларга шу нарсани тушунтирадики, монополистик капитализм ривожлана борган сари давлат-монополистик капитализмга ўсиб ўтади, бу эса

монополиялар кучини молия олигархиясига хизмат қиладиган давлат кучи билан ягона механизмга бирлаштиради. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, давлат-монополистик капитализмнинг идеологлари, уларнинг кетидан эса ўнг социалистлар ва ревизионистлар «планлаштириладиган», «кризисларсиз» капитализм даври бошланганлигини эълон қилдилар, бундай капитализм «динамик мувозанат» ва «социал уйғунлик» билан характерланар эмиш. В. И. Ленин «Давлат ва революция» китобида бу хулосаларнинг тамомила асоссиз эканлигини кўрсатиб берди. «...Энг кўп тарқалган хато буржуача-реформистик даъводан — монополистик капитализм ёки давлат-монополистик капитализмни энди капитализм эмас, уни энди «давлат социализми» деб аташ мумкин, деган ва шунга ўхшаган гаплардан иборатдир... Бундай капитализмнинг социализмга «яқинлиги» пролетариатнинг ҳақиқий намояндаларига социалистик революциянинг яқинлигини, осонлигини, юзага чиқиши мумкинлигини, кечиктириш мумкин эмаслигини кўрсатадиган далил бўлиши лозим, аммо бу, барча реформистлардек революцияни бамайлихотир инкор этишга ва капитализмни бўяб кўрсатишга чидаб туриш учун асло баҳона бўлмаслиги лозим» (ТАТ, 33-том, 78—79-бетлар).

Монополистик капиталнинг давлат-монополистик капиталга айланиши меҳнат жараёнининг янада кўпроқ умумлашуви, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий характери кучаюви билан бир вақтда юз беради. Шу маънода давлат-монополистик капитализми социализмга тўла моддий тайёргарлик кўришдир. Империализм даврида жаҳон капиталистик системаси бутунича пролетариатнинг социал революцияси учун етилди. В. И. Лениннинг қоидасида революцияни муқаррар қилиб қўйган бу давр шароитининг умумий таърифи берилган, бу таъриф КПСС Программасига киргандир: «Умуман жаҳон капитализм системасининг ғоят юқори даражада ривожланиши ҳам; эркин конкуренциянинг давлат-монополистик капитализми билан алмашиниши ҳам; банклар, шунингдек капиталистлар иттифоқлари томонидан ишлаб чиқариш процессини ва маҳсулотлар тақсимотини ижтимоий тартибга солиш учун аппарат тайёрланиши ҳам; капиталистик монополияларнинг ўсиши билан боғлиқ бўлган қимматчиликнинг ҳамда синдикатларнинг ишчилар синфига қилаётган зулмининг ўсиши, ишчилар синфининг империалистик давлат томонидан қул қилиниши, пролетариатнинг иқтисодий ва сиёсий курашининг ғоят қийинлашуви ҳам; империалистик уруш келтириб чиқарадиган даҳшатлар, офатлар, хонавайронликлар ҳам — буларнинг ҳаммаси капитализмнинг ҳалокатини ҳамда ижтимоий хўжаликнинг юқори типига ўтишни муқаррар қилиб қўйди».

Шундай қилиб, деб хулосалайди пропагандист бу масалани кўриб чиқишни, ишлаб чиқаришнинг кенг кўламда умумлаштирилиши капиталистик тузум зиддиятларининг ниҳоят даражада кескинлашуви билан қўшилиб шундай икки жуда муҳим кўрсаткични ташкил этадики, улар империализм социалистик революциянинг арафаси эканлигидан далолат беради.

ЛЕНИНЧА СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯ НАЗАРИЯСИНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

Империализмни ҳар тарафлама таҳлил қилиш В. И. Ленинга жаҳон тарихининг янги босқичида революцион ҳаракатнинг жуда катта имкониятларини белгилашига қулайлик туғдирди. Владимир Ильич ана шу таҳлилга таяниб ва социалистик революция тўғрисидаги Маркс назариясини янада ривожлантириб, унинг аввал бошда бир неча ёки ҳатто алоҳида бир капиталистик мамлакатда ғалаба қилиши мумкинлиги тўғрисида илмий асосланган хулоса чиқарди. Бу хулоса марксизмда янги сўз бўлиб, ленинча социалистик революция назариясининг асосини ташкил қилди.

Бу ўринда пропагандист Ф. Энгельс 1847 йилда ёзилган «Коммунизм принциплари» асарида социалистик революциянинг бир мамлакатда ғалаба қилиши мумкинлиги тўғрисидаги саволга салбий жавоб берганлигига тингловчилар эътиборини тортади. Жаҳон бозори, йирик саноат «барча цивилизациялашган мамлакатларда ижтимоий ривожланишни» бараварлаштирганлигидан келиб чиқиб, Энгельс шундай хулосага келган эди: социалистик революция бутун дунёда ёки ақалли энг ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида бир вақтда юз беради. Томонополистик капитализмни таҳлил этиш асосида чиқарилган бу хулоса ўша замон учун илмий тафаккурнинг юксак ютуғи эди. Кейинчалик Маркс билан Энгельс, турли буржуа давлатларидаги пролетар революциясининг объектив ва субъектив шарт-шароитларини, умуман капиталистик системанинг социализмга ўтиши учун етилиш даражасини тадқиқ этиб, ўзларининг истиқбол ҳамда социалистик революция жараёни тўғрисидаги қарашларини конкретлаштирдилар ва аниқлаштирдилар. Лекин социализмнинг бир мамлакатда ғалаба қилиши мумкинлиги тўғрисидаги масалани, Маркс билан Энгельс томонополистик капитализм шароитида ўртага қўймадилар ва қўя олмас эдилар.

Шуни ҳам таъкидлаш мақбулки, II Интернационалнинг оппортунистик раҳбарлари ва рус меньшевиклари Маркс билан Энгельснинг пролетар революцияси тўғрисидаги қоидаларини сохталаштирдилар. Улар ишчилар синфи бир ўзи ҳаммага қарши революцияга кўтарилиши керак, деб даъво қилиб, шундай концепцияни илгари сурдилар: социалистик революция ишлаб чиқарувчи кучлар энг юксак даражада ривожланган ва пролетариат аҳолининг кўпчилигини ташкил қилган капиталистик мамлакат-

пардагина бошланиши мумкин. Шундай қилиб, оппортунистлар ишчилар синфини унинг иттифоқчилари — меҳнаткаш деҳқонлар ва мазлум халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатидан маҳрум этиб, бу билан пролетариатнинг курашини мағлубиятга йўлиқтирмоқчи бўлдилар.

В. И. Ленин марксча социалистик революция назариясини ҳимоя қилар ва ривожлантирар экан, бу масалага доир оппортунистик ва меньшевистик концепцияларга қақшатқич зарба берди. В. И. Ленин социализмнинг аввал бошда бир неча ёки ҳатто бир мамлакатда (ишлаб чиқарувчи кучлар юксак даражадаги мамлакат бўлиши шарт эмас) ғалаба қилиши мумкинлиги тўғрисидаги хулосани социалистик революцияларнинг турли мамлакатларда ҳар хил вақтда етилишига муқаррар олиб келадиган империализм даврида капитализмнинг иқтисодий ва сиёсий ривожланиши нотекис бўлишлиги тўғрисидаги ўзи кашф этган қонун асосида чиқарди. Владимир Ильич бу хулосани 1915 йил августда ёзилган «Европа Қўшма Штатлари шиори тўғрисида» деган мақоласида биринчи марта таърифлаб берди: «Иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан нотекис ривожланиш капитализмнинг шак-шубҳасиз қонунидир. Бундан шу нарса келиб чиқадики, дастлаб бир неча ёки ҳатто алоҳида бир капиталистик мамлакатда ҳам социализм ғалаба қилиши мумкин» (ТАТ, 26-том, 409-бет).

Пропагандист нотекислик хусусий мулкка асосланган товар ишлаб чиқариши моҳиятидан келиб чиқишлигини тингловчиларга тушунтиради. Бойлик орттириш рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қиладиган жамиятда қиймат қонуни ишлаб чиқаришни тартибга солиб турувчи ягона воситадир. Конкуренция ва ишлаб чиқариш анархияси шароитида бу қонун мутаносибликни доимо бузиш орқали, кризислар ҳамда хусусий капиталистик мулкдорларнинг устама фойда кетидан қувиб, манфаатларининг тўқнашиши орқали экономикада нисбатан мутаносиблик бўлишига олиб келади. Бу ўринда пропагандист В. И. Лениннинг хизмати Марксга ҳам маълум бўлган нотекислик фактининг ўзини кашф этишдан эмас, балки унинг империализм давридаги хусусиятларини тадқиқ этишдан иборат эканлигини таъкидлаб ўтадики, бу хусусиятлар, жумладан капиталистик мамлакатларнинг сакраш йўли билан иқтисодий ва сиёсий ривожланиши каби ўзига хос белгилар социалистик революция учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Гап шундаки, империализм даврида монополиялар конкуренцияларни чеклайдилар, лекин уни бартараф эта олмайдилар. Конкуренцияларнинг янги формалари вужудга келади. Молия ва саноат группалари иқтисодий куч-қудрати нотекис ўсиши билан бир қаторда капиталистик мамлакатларнинг ичида айрим ишлаб чиқариш тармоқларининг нотекис ривожланиши кучаяди, турли давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий кучлари нисбати доимо ўзгариб боради. Нотекислик сакраш тусини олади, империалистик урушлар ана шу сакрашнинг зоҳир бўлишидир.

В. И. Ленин нотекис ривожланиш қонунининг таъсири остида жаҳон капитализм системаси ўқтин-ўқтин иқтисодий, сиёсий, миллий кризислар ва ларзаларни бошидан кечиришлигини кўрсатиб берди, бу кризислар ва ларзалар муносабати билан юз миллионларча меҳнаткашларнинг муҳтожлиги ва қашшоқлиги кескин кучаяди, уларнинг эксплуататор тузумга нафрати ошади. Буларнинг бари капиталистик системани пролетар революцияси учун заифлаштириб қўяди ва жаҳон империализми фронтини у энг заиф бўлган ерида, ўпириш имкониятини туғдиради. Бу ўринда капитализмнинг зиддиятлари айниқса кескин даражага етган, эксплуататорлар революцион ҳаракатни бартараф этишга қодир бўлмай қолган, революция кучлари эса буюк ва уюшган, пролетариат ўзининг синфий душманлари билан ҳаёт-мамот курашига шай бўлган ҳамда бу ҳаракатда гегемон бўлиб майдонга чиқадиган, ишчилар синфининг меҳнаткашларнинг бошқа табақалари билан мустаҳкам иттифоқи қарор топган ҳамда социализм учун курашда меҳнаткашларни бирлаштирадиган ва унга бошчилик қиладиган марксистик партия мавжуд бўлган, бинобарин, капиталистик тузумни ағдариш учун энг қулай шарт-шароитлар таркиб топган мамлакат ёки бир тўда мамлакатлар кўзда тутилади.

Пропагандист В. И. Ленин 1916 йилда империализм даврида социалистик революциянинг истиқболлари тўғрисидаги ўз хулосасига яна қайтганлигини таъкидлаб ўтади. «Марксизмга карикатура ҳақида ва империалистик экономизм тўғрисида» деган асарида у кўрсатган эдики, капитализмнинг нотекис ривожланиши туфайли социалистик революциянинг объектив шарт-шароитлари турли мамлакатларнинг иқтисодий етуклиги нуқтаи назаридан бир хилда эмас: юксак ривожланган капиталистик давлатлар билан бир қаторда ер шаридаги мамлакатларнинг кўпчилиги ҳали жуда заифдир. Шунга кўра «социал ўзгариш барча мамлакат пролетарларининг бирлашган ҳаракатлари...» билан амалга ошмайди (ТАТ, 30-том, 132-бет). «Пролетар революциясининг ҳарбий программаси» деган мақолада эса В. И. Ленин социалистик революция истиқболлари тўғрисидаги ўз хулосасини умумлаштириб таърифлади: «Капитализм турли мамлакатларда ниҳоятда нотекис ривожланиб боради. Товар ишлаб чиқариши шароитида бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Бундан келиб чиқадиган қатъий хулоса шуки, социализм барча мамлакатларда бир вақтда ғалаба қозонмайди, у дастлаб бир ёки бир неча мамлакатда ғалаба қозонади, қолган мамлакатлар эса бирмунча вақтгача буржуа мамлакатлари ёки ҳали буржуа тараққиёти даражасига етмаган мамлакатлар бўлиб қолаверадилар» (Ўша жойда, 159—160-бетлар).

В. И. Лениннинг бу хулосаси марксистик фанда буюк кашфиёт эди. У пролета-

риат диктатураси ва социализм учун курашда йўлчи юлдуз бўлиб қолди, ҳар бир мамлакат ишчилар синфи ва марксистик партияларга буржуазияни ағдаришда ташаббус кўрсатиш имкониятини берди.

Пропагандист тингловчиларга халқ революцияси — фидокорона курашга отланган, ижтимоий тартибларни ўзгартиришга азму қарор қилган кенг меҳнаткашлар оммасининг ҳаракати эканлигини тушунтиради. Лекин уларни кимнингдир таъбига қараб ҳаракатга келтириш мумкин, деб ўйламаслик керак. Халқ оммаси ҳокимият учун курашга ўз ҳаётларининг объектив шарт-шароитлари вужудга келтирган чуқур сабаблар таъсири остида отланади. Бундай кураш учун қулай вазият революцион вазият деб аталади. Унинг зарурлигини В. И. Ленин революциянинг асосий қонуни деб ҳисоблаган эди. Пропагандист революцион вазиятнинг асосий аломатларини таърифлаб беради; бу аломатлар 1915 йилда ёзилган «II Интернационалнинг ҳалокати» асарида В. И. Ленин томонидан очиб берилган.

Биринчидан, «юқори табақаларнинг кризиси», яъни ҳукмрон синфларнинг ўз ҳукмронлигини ўзгартмасдан сақлаб қолиши мумкин бўлмай қолади. Ҳукмрон синф сиёсатининг кризиси рахна ҳосил қилади, эзилган синфларнинг норозилиги ва ғазаби мана шу рахнани ўпириб чиқади. Революциянинг бошланиши учун,— деб таъкидлайди В. И. Ленин,— одатда «қуйи табақаларнинг истамасликлари» кифоя қилмайди, бунинг учун яна «юқори табақалар»нинг эскича «яшай олмай» қолишлари ҳам талаб қилинади.

Иккинчидан, эзилган синфларнинг муҳтожлиги ва кулфатлари одатдагидан ҳам юқори даражага етиб ўткирлашади. Бу ишчилар синфи ва аҳоли бошқа қатламларининг иқтисодий кулфатлари ва муҳтожликлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Буларни меҳнаткашларнинг социал ҳуқуқсизлиги ва бахтсизлигидан келиб чиқувчи сабаблар туғдиради, шунингдек урушга қарши, монополистик капиталнинг бедодлигига қарши, демократия учун, миллий-озодлик учун оммавий курашдан ҳам ўсиб чиқиши мумкин.

Учинчидан, омманинг активлиги анча кучаяди. «Тинч» ривожланиш даврларидагидан фарқ этиб алғов-далғов замонларда жанговар кайфият шиддат билан кучайиб боради, омма мустақил тарихий ижодиёт сари талпинади.

Революцион вазиятнинг илдизлари, пировард натижада, ишлаб чиқариш усулининг зиддиятларига бориб тақалади. Бироқ, бу зиддиятлар синфий муносабатлар ғалвиридан ўтади ва ҳамиша эмас, фақат тарихнинг муайян пайтларида революцион вазиятни туғдиради. Революцион вазиятнинг вужудга келиши, унинг ривожланиш формалари ва суръатлари давлат машинасининг ҳолатига, революцион синфнинг кучига, унинг бошқа синфлар билан алоқасига боғлиқдир.

Лекин революция, деб уқтиради В. И. Ленин, ҳар қандай революцион вазият натижасида пайдо бўлавермайди, балки зарур объектив шарт-шароитларга субъектив омил қўшилганда, яъни «революцион синфнинг оммавий революцион ҳаракатларга қобиллиги, ҳеч бир вақт, ҳатто кризислар даврида ҳам, агар «тушириб юбормасалар», ўзи «йиқилиб тушмайдиган» эски ҳукуматни синдириб ташлаш (ёки ҳолдан кетказиш) учун етарли даражада кучли революцион оммавий ҳаракатларга қобиллиги қўшилсагина, шу вазиятдагина революция пайдо бўлади» (В. И. Ленин. ТАТ, 26-том, 250-бет). Революцион кучларнинг объектив шарт-шароитларга тўғри баҳо бера билиши, барча ички ва ташқи зиддиятларни реал ҳисобга олиши ҳам субъектив омилга киради. Революцион синфнинг барча эзилган социал группалар билан иттифоқи, ана шу иттифоқ воситасида революциянинг сиёсий армиясини вужудга келтириши ҳам зарур.

Пролетариат диктатураси учун курашда ишчилар синфининг ана шу курашда авангард бўлиб борадиган етарлича тажрибали ва чиниққан партияси бўлишлигини В. И. Ленин революцион кучлар муваффақият қозонишининг ҳал қилувчи шарти деб ҳисоблаган эди. У марксистик партиянинг илмий асосланган сиёсий стратегияси ва тактикасига, бу партия аъзолари иродаси ва ҳаракатлари бирлигига алоҳида аҳамият берган эди.

Сўнгра пропагандист Лениннинг буржуа демократик революциясининг социалистик революцияга ўсиб ўтиши тўғрисидаги ғоясини очишга ўтади. В. И. Ленин бу ғояни революциянинг узлуксизлиги тўғрисидаги марксча қоидага таяниб, 1905 йилдаёқ таърифлаб берган эди «...Биз демократик революциядан дарҳол социалистик революцияга ўта бошлаймиз ва ўз кучимизга, онгли ва уюшган пролетариатнинг кучига айни мувофиқ равишда ўта бошлаймиз. Биз узлуксиз революция тарафдоримиз. Биз ярим йўлда тўхтаб қолмаймиз» (ТАТ, 11-том, 255-бет). Орадан ўн йил ўтгач, В. И. Ленин бу ғоянинг актуаллигини ва уни амалга оширишнинг янги конкрет-тарихий шарт-шароитларини кўрсатиб берди.

Тингловчилар чор Россияси империализм системасида биринчи рахна солиш учун энг қулай вазият таркиб топган мамлакатлар жумласига кирганлигини аввалдан биладилар. Бироқ, Россия бирданига социалистик революция йўлига ўта олмас эди, чунки бу ерда чоризм ва феодал-крепостнойлик тузумининг бошқа сарқитлари тугатилмаган эди. Шу сабабли социализмга ўтиш имконияти дастлаб буржуа демократик революциясининг ғалабаси билан боғлиқ эди, алалхусус империалистик уруш умумевропа революцион вазияти кескинлашувига сабаб бўлган эди. Шундай бир шароитда В. И. Ленин партиянинг буржуа демократик революциясидаги уч асосий шиорини (демократик республика, помешчик ерларини мусодара қилиш ва сак-

киз соатлик иш куни) социализм учун, урушаётган ҳукуматларни революцион йўл билан ағдариш учун, урушга қарши курашда халқаро ишчилар бирдамлигига даъват билан тўлдирди.

Машғулотда шуни таъкидлаш лозимки, буржуа демократик революциясининг социалистик революцияга ўсиб ўтиши ғоясини В. И. Ленин меньшевиклар ва троцкийнинг «перманент революция» назарияси билан кескин мунозарада ривожлантирди. Меньшевиклар рус революцияси фақат буржуазия гегемон бўлгандагина амалга ошиши мумкин деб ҳисоблардилар, улар буржуазия тобора революционлашмоқда, деб даъво қилардилар, ҳолбуки уруш унинг империалистик моҳиятини тўла ошкор қилган эди. Айни вақтда меньшевиклар деҳқонларнинг революционлигини инкор этдилар, пролетариатнинг эса буржуазияни гегемон бўлишга ундовчи куч бўлишини истадилар. Меньшевистик концепция буржуа демократик революциясининг социалистик революцияга ўсиб ўтишининг ҳар қандай имкониятини истисно қилар эди.

Троцкийнинг «перманент революция» назарияси деҳқонларнинг революцион ролини ҳам инкор этар эди. Шу билан бирга Троцкий Россияда буржуа демократик революцияси бўлиши мумкин эмас, ҳокимиятни ишчилар синфи қўлга киритиши тўғрисидагина гап бўлиши мумкин, бинобарин, бунда муваффақият халқаро пролетариатнинг ғалаба қозонишига боғлиқ, деб даъво қилди. Шундай қилиб, Троцкийнинг «перманентлиги» буржуа-демократик революциясини четлаб дарҳол асосланмаган «ишчилар ҳукуматига» сакрашни кўзда тутар эди. Троцкий Россия пролетариатининг кучларига ишонмай, деҳқонларни назар-писанд қилмай, Россиядаги революциянинг маъносини Европа социалистик революциясини «силжитишдан» иборат деб билдики, бу ҳол кейинчалик Россияга социализмни олиб келиши керак экан.

В. И. Ленин ана шу ва бошқа ноилмий, номарксистик тасаввурларни кескин танқид қилди. У пролетариатнинг буржуа демократик революцияда деҳқонлар билан иттифоқ бўлиб ғалаба қозонишига ҳамда бу революциянинг кейинчалик социалистик революцияга ўсиб ўтишига эътиборни қаратди. Халқаро ишчилар синфининг қўллаб-қувватлашига умид боғлаб, В. И. Ленин айни вақтда ҳар қандай мамлакатда ички шароитлар, синфий кучларни жой-жойига қўйиш ва уларнинг кураши социалистик революциянинг ғалаба қозониши учун ҳал қилувчи аҳамиятга молик бўлишлигини кўрсатиб ўтди.

Омманинг озодлик курашида пролетариатнинг гегемонлиги тўғрисидаги қоида, деб таъкидлайди пропагандист, буржуа-демократик революциясининг социалистик революцияга ўсиб ўтиши тўғрисидаги Ленин ғоясининг негизидир. Ишчилар синфидан фарқ этиб, унинг нопролетар иттифоқчилари ижтимоий ишлаб чиқариш системасида шундай мавқени ишғол қиладиларки, бу ҳол синфий курашнинг кўпгина принципиал масалаларида уларнинг изчил эмаслиги ва иккиланишларини тақозо этади. Фақат пролетариатнинг раҳбарлиги нопролетар қатламларнинг тарқоқ оммасини социалистик революциянинг таъсирчан сиёсий кучига бирлаштириши, бу кучга ишонч, жанговар руҳ, уюшқоқлик бағишлаши мумкин.

Ленин таҳлилида пролетариатнинг гегемонлиги революциянинг ривожига ва истиқболларига доимий таъсир кўрсатувчи омил сифатида очилади: «Пролетариат фақат бу гегемонлик ғоясини тушуниб олганлиги ва уни амалга ошираётганлиги учун ҳам революцион синфдир» (ТАТ, 20-том, 351-бет). Буржуа демократик революциясининг ғалабасига В. И. Ленин социализм учун бевосита курашнинг бошланиши деб қаради. Пропагандист, шунингдек, марксистик партиянинг халқ оммасининг барча энг актив ва қатъий ҳаракатларига раҳбарлиги революцияда пролетариат гегемонлигининг юксак ифодаси сифатида майдонга чиқишлигини таъкидлайди.

Демократия учун кураш билан социализм учун курашнинг узвий бирлиги тўғрисидаги қоида ленинча социалистик революция назариясида энг муҳим ўринлардан бирини ишғол қилади. «Сўл» оппортунистлар ва троцкийчиларнинг империалистик уруш йилларида илгари сурган демократия учун кураш фақат пролетариатни социалистик революциядан чалғитишигина мумкин, монополистик капитализмда бу кураш ўзининг аҳамиятини йўқотди, молия капитали ҳукмронлиги шароитида демократик талабларни амалга ошириб бўлмайди, деган даъволарига зид ўлароқ В. И. Ленин демократия учун курашнинг социализм учун кураш билан ички бирлиги империализм даврида революцион ҳаракатнинг қонунияти эканлиги тўғрисидаги фикрни асослаб берди.

Монополиялар ҳукмронлиги реакция ва зўрлик тенденциясини вужудга келтиради, у халқнинг бутун қатламларига нисбатан зулмнинг кучайиши билан характерланади, уларнинг нафрати ва норозилигига сабаб бўлади. Монополистик капитал ўз атрофида душманлик социал муҳитини вужудга келтирар экан, ўз ҳукмронлигини қўллаб-қувватлаш учун демократияга қарши курашади. Бу ҳол тасодифий бўлмай, балки империализмнинг туб хусусиятидир.

Бундай вазиятда демократик ҳаракат — деҳқонларнинг ер учун, мазлум халқларнинг миллий озодлик учун, урушаётган мамлакатлар меҳнаткашларининг урушга қарши кураши ва бошқалар — тобора кенг ва қудратли тус олди. Улар бевосита социалистик мақсадларни кузатмаган бўлса-да, лекин, шунга қарамай, ишчилар синфи уларга бошчилик қилиш, демократик талаблар учун курашни «пролетариатнинг буржуазияга тўғридан-тўғри ҳужум қилиши даражасига,.. яъни социалистик революция даражасига етказиб кенгайтириш...» (ТАТ, 27-том, 295-бет) учун бу курашда фаол қатнашиши керак эди.

Монополиялар ҳукмронлигини йўқ қилмасдан туриб демократияни изчил ва охиригача амалга ошириб бўлмайди, бу вазифани эса фақат ишчилар синфи социалистик революция йўли билан ҳал қилишга қодирдир. Ўз навбатида демократик ҳаракатлар бунинг учун заминни тозалайди. Уларнинг социалистик революцияга таъсири, Лениннинг таъбирича, шунда ифодаланадики, биринчидан, ишчилар синфи демократия учун курашда фаол қатнашар экан, сиёсий тарбия мактабини ўтади, социалистик революциянинг йўлбошчиси бўлишга ўзини тайёрлайди; иккинчидан, демократия учун кураш кенг халқ оммасига сиёсий билим беради, уларни социализмга яқинлаштиради, социалистик революция армиясини пролетариат теварагида жипслаштиради; учинчидан, оммавий демократик ҳаракатлар империализмнинг асосларини кемиради, пролетариат социал революциясининг умумий оқимига қўшилади.

Жаҳон революцион жараёнини ривожлантириш ҳамда буни ғолибона ниҳоясига етказишнинг жуда муҳим омили сифатида пролетар революцияси билан империализмга қарши миллий-озодлик ҳаракатининг иттифоқ бўлиши тўғрисидаги ленинча ғояга тингловчиларнинг эътиборини жалб қилиш тавсия этилади. «Социал революция,— деб уқтирган эди В. И. Ленин, — фақат илғор мамлакатлардаги пролетариатнинг буржуазияга қарши қиладиган гражданлар урушини тараққий қилмаган, қолоқ ва мазлум миллатларнинг бир қанча демократик ва революцион ҳаракатлар билан, шу жумладан миллий-озодлик ҳаракатлари билан бирлаштирувчи давр шаклидан бошқача шаклда юз бериши мумкин эмас» (ТАТ, 30-том, 134-бет). В. И. Ленин, империализм зулми остидаги халқларнинг озод бўлиши фақат социалистик революция муносабати билангина амалга ошиши мумкин, деб таъкидлади.

В. И. Ленин миллий-озодлик ҳаракатининг ривожланишини кўрсатар экан, икки жараённинг диалектик бирлигини очиб берди: мазлум халқларнинг ўз озодликлари учун бош кўтариб чиқиши метрополия пролетариатининг «ўз» буржуазиясига қарши курашини енгиллаштиради, шунингдек метрополия пролетариатининг кураши империалистик буржуазия позициясини заифлаштириб, мустамлака халқларининг озод бўлишига кўп даража кўмаклашади. Шунга асосланиб, В. И. Ленин кўрсатган эдики, метрополиялардаги ишчилар синфи ва унинг марксистик партияси мазлум халқларнинг озодлик учун, демократик талаблар учун, ўз тақдирини ўзи белгилаш учун курашини қўллаб-қувватлаши, бу курашга кўмаклашиши лозим. Ўтмишда эзилиб келган миллатларнинг пролетариати ҳокимиятни қўлга киритгач ва социализмга ўтгач, В. И. Ленин таъкидлаганидек, мазлум халқларнинг сиёсий жиҳатдан ўз тақдирини ўзи белгилаш борасидаги вазифаларни охиригача етказиш учун мумкин бўлган ҳамма ишларни қилиши, уларга беғараз иқтисодий ва маданий ёрдам кўрсатиши керак. Мустамлака мамлакатларининг ишчилар синфи ва марксистик партиялари ўз томонидан метрополияларнинг пролетариати билан жипс бирликка интилиши, у билан миллий ва социал озодлик учун курашнинг ягона антиимпериалистик фронтини вужудга келтириши керак.

Пропагандист тингловчиларга шуни тушунтирадики, В. И. Ленин К. Маркcдан кейин ҳар бир мамлакатнинг конкрет тарихий шароитларида ишчилар синфи революцион курашининг тактикасини белгилар экан, социалистик революцияни амалга оширишнинг тинч ва нотинч формаларини ҳам кўзда тутган эди. Чунончи, 1917 йил февралда самодержавие ағдарилганидан кейин В. И. Ленин «Апрель тезислари»да буржуа-демократик революциясининг социалистик революцияга тинч йўл билан ўсиб ўтишини асослаб берди. Бироқ, рус буржуазиясининг контрреволюцион чиқишлари ҳамда меньшевиклар билан эсерларнинг келишувчилик сиёсати бу имкониятни рўёбга чиқариш имконини бермади. Россияда пролетариат диктатураси 1917 йил октябрда қуролли қўзғолон натижасида қўлга киритилди ва гражданлар уруши давомида мустаҳкамланди. Революциянинг тинч ривожланиши мисолларини — 1919 йилда Венгрияда ҳокимиятнинг ишчилар синфига ўтиши, 1944—1948 йилларда баъзи Европа мамлакатларида (Болгария, Чехословакия) демократик революциянинг социалистик революцияга ўсиб ўтишини тингловчиларга эслатиш мумкин. Ҳар бир марксистик партия революциянинг тинч ва нотинч йўл билан ривожланишини бирбирига қўшиш имкониятини ҳисобга олар экан, социализмга ўтиш йўлини вазиятга қараб танлайди.

У ёки бу мамлакатдаги социалистик революцияга В. И. Ленин жаҳон революцион жараёнининг таркибий қисми деб қарарди. Шундан келиб чиқиб, у жаҳон революцион социалистик ҳаракатининг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашни, ҳамиша ва ҳамма ерда пролетар интернационализми принципига амал қилишни барча марксистик партияларнинг муқаддас бурчи деб ҳисобларди.

Ленинча социалистик революция назариясининг асосий қоидалари ана шундай. Улуғ Октябрь биринчи марта бу назариянинг чинлигини тасдиқлади (курснинг кейинги темасини ўрганган вақтда бу масала муфассал кўриб чиқилади).

СОЦИАЛИСТИК ДАВЛАТ

Гапни ҳокимият тўғрисидаги масала ҳар қандай революциянинг туб масаласи эканлигидан бошлаш тавсия этилади. Бу шу билан изоҳланадики, биринчидан, революцион синф сиёсий ҳокимиятни қўлга киритмасдан туриб ўзининг тарихий вазифасини бажа-

ра олмайди, иккинчидан, давлат ҳокимияти революциянинг ғалабаларини мустаҳкамлайди, акс ҳолда улар муқаррар равишда бой берилади.

Шу боисдан социалистик революцияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш олдидан В. И. Ленин давлатнинг аҳамияти ва роли тўғрисидаги масалага алоҳида эътибор берди. Революцион кучларни эксплуататор давлат машинасини синдириш ва социалистик давлатни барпо қилиш юзасидан конкрет ҳаракат программаси билан қуроллантириш, оппортунистлар ва ревизионистларнинг давлат тўғрисидаги марксистик таълимотни бузишга уринишларига зарба бериш лозим эди. В. И. Ленин бу вазифани «Давлат ва революция» китобида ҳал этди. Бу китобда давлатнинг синфий жамият ва революция билан алоқалари ҳар тарафлама ва чуқур ёритилди, давлатнинг келиб чиқиши, моҳияти ва белгилари кўрсатиб берилди, пролетариатнинг буржуа давлатига муносабати аниқланди, ишчилар синфининг сиёсий ҳокимиятни қўлга киритишининг қонунийлиги ва муқаррарлиги асослаб берилди. Бу китобда В. И. Ленин оппортунизмнинг ашаддий намояндаси К. Каутскийни ғоявий жиҳатдан тор-мор қилди, Каутский буржуа демократиясининг синфий моҳиятини хаспўшлаган, пролетар революциясининг зарурлигини инкор этган эди. Тарихий практика коммунистларнинг ғоявий-назарий хазинасига буюк ҳисса бўлиб қўшилган ана шу доҳиёна асардаги қоидалар ва хулосаларни тамомила тасдиқлади.

Пропагандист шуни тушунтирадики, барча аввалги революциялар бир группа золимлар ҳокимиятини бошқа бир группа золимлар ҳокимияти билан алмаштириш билан чекланган, бунинг оқибатида давлатнинг эксплуататорлик моҳияти ўзгармаган, унинг аппарати аввалгича қолаверган эди. Социалистик революция эса, хусусий мулкни йўқ қилиб, эксплуататорларнинг сиёсий ҳукмронлигига ҳам барҳам беради. Ҳокимият тепасига шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлар оммаси билан иттифоқ бўлиб пролетариат келади. Социалистик революция халқ оммасини эзиш ва босиш вазифаларига мослаштирилган буржуа давлат машинасидан фойдалана олмайди. У буржуа давлат машинасини синдириши керак.

Марксча-ленинча назариянинг бу вазифага конкрет ёндашиш муҳимлиги тўғрисидаги, биринчи навбатда эксплуататор давлат машинасининг энг реакцион қисми — ошкора ҳокимият, доимий армия, полиция ва амалдорлик синдирилиши кераклиги тўғрисидаги қоидасига тингловчилар эътиборини қаратиш лозим. Айни вақтда буржуа давлатида аппаратнинг ишлаб чиқаришни бошқариш, учёт-рўйхатга олиш, статистика ҳамда бутун жамият учун зарур бўлган бошқариш ишларини бажарадиган қисми: банклар, почта, телеграф, транспортни, коммунал хўжаликни бошқариш ва ҳоказолар бор. Аппаратнинг бу қисмини йўқ қилмаслик керак, аксинча бутун чоралар билан ундан фойдаланиш лозим, деб уқтирган эди В. И. Ленин. Юқорида айтилганларга биноан, деб таъкидлайди пропагандист, ҳозирги замон оппортунистларининг капитализмнинг аста-секин социализмга «айланиши» тўғрисидаги, буржуа давлат машинасини пролетариат эҳтиёжлари учун мослаштириш мумкинлиги тўғрисидаги уйдирмаларининг асоссизлиги равшан бўлиб қолади.

Лекин бу машинани барбод қилиш, анархистлар даъво қилганича, янги, социалистик жамият давлатсиз яшай олиши ва ривожланиши мумкинлигини англатмайди. Алоҳида тарихий даврнинг зарурлиги социализм қурилишининг қонунияти бўлиб, бу давр мобайнида капиталистик жамият революцион йўл билан социалистик жамиятга айланади. Ана шу туб ўзгартишларнинг асосий қуроли бўлиб майдонга чиқадиган алоҳида давлатнинг зарурлиги шундан келиб чиқади. К. Маркс XIX асрнинг ўртасидаёқ исбот қилганидек, бундай давлат фақат пролетариатнинг революцион диктатураси бўлиши мумкин.

В. И. Ленин, пролетариат диктатураси тўғрисидаги таълимот — марксизмда асосий масала, деб бутун куч билан таъкидлаган эди. «Синфлар курашини тан олиш билан бирга **пролетариат диктатурасини ҳам** тан олган кишигина марксистдир»,— деб ёзган эди Владимир Ильич (ТАТ, 33-том, 40-бет). Реформистик ва анархистик бузишларга қарши курашда В. И. Ленин фақат пролетариат диктатураси тўғрисидаги марксча таълимотни ҳимоя қилибгина қолмай, балки шу билан бирга халқаро ва Россия ишчилар ҳаракати тажрибасини ҳисобга олиб, уни ривожлантирди ҳам. Бу тажрибани умумлаштириб В. И. Ленин пролетариат диктатураси бутунлай муайян объектив шарт-шароитлар туфайли вужудга келади, ана шу шарт-шароитлар уни тарихан муқаррар ва зарур қилиб қўяди, деб исботлади. «Олға қараб, яъни коммунизмга қараб борадиган тараққиёт,— деб ёзган эди у,— пролетариат диктатураси орқали бўлади ва бошқача йўл билан бўлиши мумкин эмас, чунки эксплуататор капиталистларнинг **қаршилигини** ундан бошқа ҳеч ким **бостира** олмайди ва бошқа йўл билан бостириш мумкин эмас» (ў ш а ж о й д а, 102—103-бетлар).

Пропагандист пролетариат диктатурасининг тарихан зарурлигини очиб берар экан, қуйидаги жиҳатларни кўрсатиб ўтади.

Революция ғалаба қилгандан кейин эксплуататорлар социалистик туб ўзгаришларга тўсқинлик қиладилар, капиталистик тартибларни тикламоқчи ва сақлаб қолмоқчи бўладилар. Шу боисдан ишчилар синфи ўзининг иттифоқчилари билан бирга эксплуататор синфларнинг қаршилигини бостириши, яъни улар устидан ўз диктатурасини амалга ошириши керак.

Бошқа бир жиҳат шундан иборатки, жамиятда нопролетар меҳнаткаш синфлар ва табақалар бўлади. Уларнинг социал табиати иккиёқламадир: улар меҳнаткашлар бў-

либ, айни вақтда майда товар ишлаб чиқариши билан боғлиқ мулкдорлардир, бинобарин, шу сабабдан барча майда буржуа элементларига хос бўлган иккиланишлар, дам бир томонга, дам бошқа томонга оғишлар уларга ҳам хосдир. Улар ҳам янги тузумга қаршилик кўрсатадилар, лекин буржуазиядан фарқ этиб, онгсиз қаршилик кўрсатадилар. «Пролетариат деҳқонларни ва умуман ҳамма майда буржуа қатламларини **ўз кетидан эргаштириб олиб бормоғи** учун пролетариат диктатураси, бир синфнинг ҳокимияти керак, у синфнинг уюшқоқлик ва интизом кучи, у синфнинг капитализм маданияти, фани, техникасининг ҳамма ютуқларига таянувчи марказлашган қудрати керак, у синфнинг ҳар қандай меҳнаткашнинг психологиясига пролетарларча яқинлиги, у синфнинг тарқоқ, савияси пастроқ, сиёсатда унча маҳкам бўлмаган, қишлоқдан ёки майда корхонадан чиққан меҳнаткаш одамлар олдида обрўси бўлмоғи керак» (В. И. Ленин. ТАТ, 38-том, 450—452-бет).

Ниҳоят, пролетариат диктатурасининг тарихий зарурлигини шу нарса тақозо этадики, ўтиш даврида антагонистик манфаатлари бўлган синфлар сақланиб қолади ва, бинобарин, синфий кураш тўхтамайди. Пролетариат диктатурасининг ўрнатилиши, деб кўрсатган эди В. И. Ленин, синфий курашнинг тугаганини эмас, балки унинг янги формаларда давом этишини англатади.

Шундай қилиб, ишчилар синфи ўзининг буюк тарихий мақсадини — янги жамият қуришни фақат ўзининг диктатураси орқалигина амалга ошириши мумкин. Шу боисдан пролетариат диктатураси давлатининг қарор топиши социализм йўлига қадам қўядиган барча мамлакатлар учун мажбурий бўлган умумий қонуниятдир. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, у ёки бу мамлакат тарихий ривожининг конкрет шарт-шароитлари, хусусиятларига, синфий кучларнинг нисбати ҳамда улар тўқнашувининг қай даражада кескинлигига ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда янги, халқ давлат ҳокимиятининг формалари турлича бўлиши мумкин, лекин уларнинг моҳияти ҳамма ерда битта — пролетариат диктатураси бўлади.

Пролетариат диктатурасининг моҳияти, деб тушунтиради пропагандист, ишчилар синфининг эксплуататор синфлар қолдиқларига нисбатан сиёсий ҳукмронлигидан ва янги социал тузумни барпо қилиш ишида кенг меҳнаткашлар оммасига сиёсий раҳбарлик қилишидан иборат. Бу ўринда пролетариат диктатурасининг асосий вазифаси меҳнатни ижтимоий ташкил этишнинг капитализмга нисбатан юксакроқ типини амалга оширишдан иборат эканлиги тўғрисидаги ленинча қоидани алоҳида таъкидлаш лозим, бинобарин, унинг манфаатларининг асосий соҳаси — иқтисодий ва маданий қурилишдир. Озчиликнинг жуда кўпчилик устидан ҳукмронлиги бўлган буржуазия диктатурасидан фарқ этиб, пролетариат диктатураси — революцион халқнинг туб манфаатларини ифодалайдиган ва ҳимоя қиладиган ҳокимиятдир. У ишчилар синфи билан меҳнаткаш деҳқонларнинг, яъни аҳоли аксар кўпчилигининг жипс иттифоқига таянади. Бу иттифоқни В. И. Ленин пролетариат диктатурасининг олий принципи деб ҳисоблаган эди.

Шуни таъкидлаш муҳимки, зўрлик социалистик давлатнинг ўз табиатидан келиб чиқмайди, балки унинг томонидан ноилож бир чора сифатида амалга оширилади. Давлат органлари фаолиятининг асосий методи ишонтириш, тарбиялаш методидир. Шу боисдан ички шарт-шароитлар нуқтаи назаридан социалистик давлат барча эксплуататор давлатлар учун характерли бўлган зўрлик ўтказишнинг каттакон аппаратига муҳтож эмас.

Пролетариат диктатурасининг ўрнатилиши ва социалистик давлатнинг ташкил топиши демократиянинг янги, юксак типини келтириб чиқардики, бу кенг меҳнаткашлар оммасининг манфаатларига хизмат қилади ва уларнинг барча ижтимоий ишларни бошқаришда ҳақиқий қатнашувини таъминлайди. Пролетариат диктатураси шундай бир сиёсий тузумки, В. И. Лениннинг таъбири билан айтганда, «ишчи ва деҳқонлар учун максимум демократизмдир» ва айни вақтда у «буржуа демократизми билан алоқанинг узилишини...» англатади (ТАТ, 44-том, 170-бет). Шу билан бирга социализм шахс эркинлиги ва виждон эркинлиги, давлат органларининг сайланиши, конституция ва ҳоказолар каби инсониятнинг энг буюк ғалабалари бўлган, унга қадар мавжуд бўлиб келган анъанавий демократик тартиботлардан воз кечмайди, балки, аксинча, уларни энг тўла амалга оширади, уларни реал гарантиялар билан таъминлайди, халқни давлатни бошқаришга жалб этишнинг янги, ўтмишда маълум бўлмаган формаларини ишлаб чиқади.

Пропагандистга социалистик давлатнинг бошқа характерли белгиларини ҳам кўрсатиб ўтиш тавсия этилади: у ишлаб чиқаришнинг барча асосий воситаларининг эгаси, жамият хўжалик ва маданий ҳаётининг ташкилотчиси; у барча миллат ва элатларнинг чинакам тенг ҳуқуқлик ва ўзаро ёрдам шароитида ҳар тарафлама ривожланишини таъминлайдиган ҳақиқий интернационал давлат сифатида майдонга чиқади; қандайдир босқинчилик манфаатлари, жанжалли халқаро масалаларни уруш йўли билан ҳал этишга интилиш унга ётдир.

Капитализмдан социализмга ўтиш даврида Коммунистик партиянинг раҳбарлик роли ишчилар синфи сиёсий ҳукмронлигининг ёрқин ифодасидир. Коммунистик партия пролетариат диктатураси системасида идора қилувчи партия сифатида унинг авангарди бўлиб, пролетариат диктатурасининг туб интилишлари ва манфаатларини ифодалайди. «...Пролетариат диктатурасини фақат Коммунистик партия орқалигина амалга ошириш мумкин»,— деб уқтирган эди В. И. Ленин, (ТАТ, 43-том, 48-бет). Мамлака-

тимизнинг, халкаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг октябрдан кейинги бутун тарихи В. И. Лениннинг бу хулосасини тасдиқлади.

Пропагандист ишчилар синфи ўз диктатурасини абадийлаштиришга интилмаслигини тушунтиради. Унинг мамлакатимиздаги тақдири ана шу қоида тўғрилигининг реал далилидир. Пролетариат диктатураси ўзининг тарихий миссиясини адо қилиб, ички вазифалар нуқтаи назаридан зарур бўлмай қолди ва умумхалқ социалистик давлатига ўсиб ўтди. Ишчилар синфининг танҳо ҳокимияти умумхалқ демократик ҳокимиятига айланди.

Турган гап, ишчилар синфининг етакчилик роли умумхалқ социалистик давлати даврида ҳам сақланиб қолади. Бу, биринчидан, мамлакат халқ хўжалигида индустриянинг етакчилик роли билан; иккинчидан, мулкчиликнинг колхоз-кооператив формасига нисбатан ишлаб чиқариш воситаларига умумхалқ социалистик мулкчилигининг белгиловчи роли билан; учинчидан, меҳнаткашларнинг бошқа қатламларига нисбатан ишчилар синфининг энг кўп даражада уюшқоқлиги ва социалистик онглилиги билан (бу унинг тарихий ривожининг хусусиятлари ҳамда у ҳомили бўлган ижтимоий мулкнинг юксакроқ формаси билан изоҳланади); тўртинчидан, ишчилар синфининг социализм ғалабаси учун курашда қўлга киритган революцион тажрибаси ва жуда катта обрў-эътибори билан; бешинчидан, ишчилар синфининг социал тараққиётидаги ижодий ташаббуси, новаторлиги билан; олтинчидан, у бунёд қилган Коммунистик партия раҳбарлик ролининг ошиши билан; еттинчидан, мамлакатда марксча-ленинча идеология — пролетариат идеологиясининг ҳукмронлиги билан боғлиқдир.

Лекин ишчилар синфининг ана шу етакчилик роли ҳозирги шароитда унинг диктатураси формасида амалга оширилмайди. Совет давлати энди битта синф сиёсий ҳукмронлигининг қуроли эмас. Эндиликда у бутун жамият социал бирлигининг тимсоли ва сиёсий қуроли бўлиб қолди.

Ҳозирги босқичда Совет давлатининг асосий вазифалари қуйидагилардир: коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш, социалистик ижтимоий муносабатларни коммунистик муносабатларга айлантириш, янги кишини тарбиялаш. Ана шу вазифаларга мувофиқ равишда у ўзининг ички ва ташқи функцияларини: хўжалик-ташкилотчилик, табиатни муҳофаза қилиш; социалистик мулкни ҳамда ижтимоий ҳуқуқ-тартиботни қўриқлаш, меҳнат меъёри билан истеъмол меъёрини назорат қилиш; маданий-тарбиявий, социализм мамлакатлари дўстлиги, ҳар тарафлама ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдамини мустаҳкамлаш; турлича ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш сиёсатини ўтказиш; ташқи ҳужумдан ва агрессия хавфидан ҳимоя қилиш; халқларнинг миллий-озодлик курашини қўллаб-қувватлаш; тинчлик учун кураш функцияларини амалга оширади.

Пировардида пропагандист шуни таъкидлайдики, фақат социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалабасигина ишчилар синфи диктатураси давлатининг умумхалқ социалистик давлатга айланишига олиб келди. Бу давлат ўзининг социал-сиёсий моҳиятига кўра халқнинг танҳо ҳукмронлигини амалга ошириш органи сифатида майдонга чиқади. Буржуа давлатидан фарқ этиб, социалистик давлат йўқ қилинмайди, балки коммунистик ижтимоий ўз-ўзини бошқаришга ўсиб ўтиб, аста-секин барҳам топади.

ТЕМАГА ОИД АДАБИЁТ

В. И. Ленин. **Европа қўшма штатлари шиори тўғрисида.** Тўла асарлар тўплами, 26-том, 405—409-бетлар.

В. И. Ленин. **Империализм капитализмнинг юқори босқичи.** ТАТ, 27-том, 347—487-бетлар.

В. И. Ленин. **Пролетар революциясининг ҳарбий программаси.** ТАТ, 30-том, 157—171-бетлар.

В. И. Ленин. **Давлат ва революция.** ТАТ, 33-том, 1—140-бетлар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси. Т., «Ўзбекистон», 1970.

КПСС XXV съездининг материаллари. «Ўзбекистон» 1976, 6—121-бетлар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида. КПСС МКнинг 1977 йил 31 январдаги қарори. «Ўзбекистон коммунисти» журналининг 1977 йилги 3-сони.

В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисида. КПСС Марказий Комитетининг қарори. «Ўзбекистон коммунисти» журналининг 1980 йилги 1-сони.

Л. И. Брежнев. **Ленин иши яшамоқда ва ғалаба қозонмоқда.** Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар. 2-том, «Ўзбекистон», 1970, 617—679-бетлар.

Л. И. Брежнев. **Улуғ Октябрь ва инсоният тараққиёти.** Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар. 6-том, «Ўзбекистон», 1978, 645—670-бетлар.

ЎЗБЕКИСТОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РАҚАМЛАРДА

КПСС ТАЖРИБАСИНИ кенг умумлаштирмасдан, партия ички ишларининг кўпдан-кўп йўналишларини чуқур анализ қилмасдан туриб партия қурилиши тўғрисидаги фанни янада ривожлантириб, шунингдек ҳозирги практикада уни муваффақиятли амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Компартияси материали асосида ленинча ташкилий принциплар ва партия турмуши нормалари қай тарзда ривожланганлиги ва амалга оширилганлигини кўрсатиб берган статистика тўпламининг* босилиб чиқиши диққатга сазовордир.

Тўплам тарих фанлари доктори Қ. Ф. Фозилхўжаев томонидан ёзилган сўз боши ва ўн бир бўлимдан иборат бўлиб, улардаги рақамли материаллар хронологик тартибда жойлаштириляган ва КПСС жанговар отрядларидан бири бўлган Ўзбекистон Компартияси қай тарица оғишмай ўсиб, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланганлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Тўпламдаги маълумотларга кўра, республика партия ташкилотининг сон состави 1924 йилдан 1977 йилгача 13 972 дан 518 350 коммунистга, яъни 36 баравардан зиёдроқ кўпайган. Бунда партияга кирувчиларнинг энг кўп миқдори кейинги 15 йилга тўғри келади, бу эса коммунистик қурилиш даврида КПССнинг раҳбарлик роли ошганлигидан далолат беради. Омма илғор вакилларининг партияга кўплаб кириши, деб таъкидланади тўпламда, мамлакатимиз учун энг оғир бўлган даврда, масалан, Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам кузатилган эди, бу даврда республика коммунистлари отряди 36 мингдан зиёд кишига кўпайди.

Ўзбекистон Компартияси ташкил топган пайтдан бошлаб кўп қиррали фаолиятни авж олдирди. Партия ташкилотлари ҳамиша меҳнат коллективларининг авангарди бўлдилар, уларнинг сони 1924 йилдаги 358 дан 1977 йилда 16 856 тага етди. Шунга яраша раҳбар партия органларининг сони ҳам кўпайди. Чунончи, 1924 йилда республика партия ташкилотига 7 обком, 32 уком, 5 райком ва 5 кичик райком кирган бўлса, 1977 йилда 12 обком, 26 шаҳар комитети, 12 шаҳар райкоми, 138 райком, 8 райком ҳуқуқига эга бўлган бошланғич партия ташкилоти парткоми кирди. Бу рақамлар — КПССнинг, унинг йирик жанговар отряди бўлган Ўзбекистон Компартиясининг ташкилий структураси такомиллашганлиги ва ривожланганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Партияга қабул қилиш маълумотларини таққослаш республика партия ташкилоти ўзининг сифат составини тартибга солиш соҳасида планли ва қунт билан иш олиб борганлигини кўрсатади. Шуни таъкидлаб ўтиш кераки, Ўзбекистоннинг социализмга ўтиш вақтида ишчилар синфининг миқдори мамлакат марказий районларидагига нисбатан кам бўлишига қарамай, 1925 йилда республикадаги барча коммунистларнинг 41,3 процентини ишчилар билан ҳунармандлар ташкил қиларди. Ишчилар синфи вакиллари учун кенг имконият очиб берадиган партияга қабул қилишнинг ленинча принципларига оғишмай риоя қилиниши натижасида Ўзбекистон Компартиясида ишчилар салмоғи 1962 йилдаги 26,9 процентдан 1978 йилда 35,6 процентга кўпайди. Республика Компартияси составида 1978 йил 1 январида колхозчилар 27,0 процентни, хизматчилар — 37,4 процентни ташкил этди. Хизматчиларнинг катта қисми ишчилар ва деҳқонлар орасидан чиқиб, хизматчилар составига ўтганлигини таъкидлаб ўтиш зарур.

1924—1977 йиллар давомида бутун мамлакатда бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам икки марта партияда рўйхатга олиш (1925 ва 1927 йилларда), уч марта партия ҳужжатларини алмаштириш (1937, 1954 ва 1973 йилларда), икки марта партия сафларини тозалаш (1929 ва 1935 йилларда) ва 1936 йилда партия ҳужжатларини текшириш ўтказилди. Партия состави софлигини сақлаб қолишга қаратилган ана шу ҳамма

* Коммунистическая партия Узбекистана в цифрах (Сборник статистических материалов. 1924—1977 гг.). Автор-составитель Н. Т. Безрукова. Ташкент. «Узбекистан», 1979. 448 стр.

тадбирлар уни ташкилий жиҳатдан жипслаштиришга ёрдам берди. Тўпламда келтирилган ҳужжатлар орасида ана шу муҳим ташкилий-сиёсий тадбирлар билан боғлиқ бўлган рақамли материаллар бор.

Статистика материаллари республика Компартиясида олий маълумотли кишилар оғишмай ошиб борганлигини акс эттиради: 1925 йилда олий маълумотли кишилар атиги 40 киши бўлса, 1978 йил бошларига келиб 131 777 кишига етди, бу эса республика партия ташкилоти составининг тўртдан бир қисмига тенгдир. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бу ўсиш юксак суръатлар билан амалга ошди, Улуғ Ватан уруши даврида ва урушдан кейинги дастлабки йилларда бу ўсиш бирмунча секинлашган эди.

Тўплам материаллари КПССнинг республика партия ташкилоти миллий составини шакллантириш соҳасида ленинча сиёсатни амалга оширишга қаратилган йўлини ишонарли қилиб кўрсатиб беради. Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги 86 миллат вакиллари унинг учётида туради ва ишлайди, уларнинг ярмидан кўпи (59,1 проценти) ўзбеклардир. Бу Коммунистик партия социал тараққиётнинг олдинги сафида боришга қодир бўлган миллий кадрларни ўстириш ва тарбиялаш проблемаларига катта эътибор бераётганлигини кўрсатади.

Рақамлар ёрдами билан Ўзбекистон партия ташкилотининг ҳозирги состави қандай таркиб топганлигини кузатиб, Совет ҳокимияти йилларида республика партия ташкилотида хотин-қизлар амалда нулдан 23 процентгача кўпайганлигини кўриш мумкин. Ўзбекистон Компартияси В. И. Лениннинг хотин-қизларни социалистик қурилишда иштирок этишга жалб қилиш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмаларини бажара бориб, хотин-қизлар орасидан ҳам халқ хўжалиги учун, ҳам партиявий иш учун минглаб мутахассислар тайёрлашни таъминлади. 1938 йил бошларига келиб Ўзбекистон Компартиясида хотин-қизлар аъзоларнинг 16,4 процентини ташкил қилган эди, бу эса партия кўрсатмаларини бажаришда қуйи ячейкалар фаол ишлаганлигининг яққол далилидир.

Тўпламнинг XI бўлимида келтирилган рақамли маълумотлар қизиқарлидир. Улар барча республика партия съездлари вақтида Ўзбекистон Компартиясининг ташкилий структураси тўғрисида яққол тасаввур беради.

Тўпламдаги икки илова алоҳида эътиборга сазовордир. Бу ерда биринчи марта Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумлари ва область партия конференцияларида муҳокама қилинган масалалар рўйхати хронологик изчилликда берилган, уларнинг архив манбалари кўрсатилган. Чунончи, тўпламда таъкидланишича, 1924 йилдан 1971 йилгача 211 область партия конференцияси, республика Компартияси Марказий Комитетининг 171 пленуми ва 18 партия съезди ўтказилган, уларнинг кун тартибларида Ўзбекистон партия ташкилотининг бутун кўп қиррали фаолияти акс этган.

Иккинчи иловада ҳам биринчи марта область комитетларидан тортиб колхоз-совхоз бошқармалари комитетларига қадар раҳбар партия органларини шакллантириш ва қайта қуриш вақти тўғрисидаги рақамли маълумотлар гуруҳлаштирилган ва малакали системалаштирилган.

Муаллиф-тузувчи илмий оборотда ҳозирга қадар кам ишлатилган кенг кўламдаги материални тўплаган ва системалаштирган, бу эса тақриз қилинаётган тўплам алоҳида қимматга эга эканлигини кўрсатади. Фикримизча, статистика тўплами партия ходимларида, тадқиқотчиларда, айниқса партия қурилиши проблемалари билан шуғулланадиган олимларда қизиқиш туғдиради.

Л. ПОПОВА,
тарих фанлари кандидати.

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ОЛДИНГИ САФИДА

КПСС МК Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXV съездида бундай деб уқтирди: «...Социализм шароитидагина фан-техника революцияси инсон ва жамият манфаатларига мос келадиган тўғри йўналиш касб этади. Ўз навбатида фан ва техникани жадал ривожлантириш асосидагина социал революциянинг туб вазифалари ҳал этилиши — коммунистик жамият қурилиши мумкин». Партиямиз ягона техника сиёсатини амалга оширар экан, иттифоқдош ва автоном республикалар, барча иқтисодий регионлар ишлаб чиқарувчи кучларини уйғун равишда ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият бермоқда.

В. М. Кудряков билан В. Ф. Климачевнинг монографияси* Ўзбекистон партия ташкилотининг халқ хўжалигидаги фан-техника тараққиётини жадаллаштириш соҳасидаги фаолиятини таҳлил этишга бағишланган. Унда партия ва давлат архивларининг ҳужжатларидан, жумладан илмий ада-

* В. М. Кудряков, В. Ф. Климачев. Компартия Узбекистана — организатор научно-технического прогресса в народном хозяйстве республики в условиях развитого социализма. Ташкент, «Узбекистан», 1979, 309 стр.

биётда биринчи бор тилга олинган кўпгина ҳужжатлардан, шунингдек статистика маълумотлари ва вақтли матбуотнинг материалларидан кенг фойдаланилган.

Муаллифлар тарихий обзорда совет тарихчилари, файласуфлари, иқтисодчилари, социологлари ва илм-фан бошқа соҳаларининг мутахассислари кўриб чиқилаётган проблеманинг умумий масалаларини назарий жиҳатдан таҳлил этишга катта ҳисса қўшганликларини таъкидлаб ўтганлар. Ўзбекистонга келганда эса, республика тарихий-партиявий адабиётда мазкур проблема шу пайтгача комплекс тадқиқ этилмаган. Тақриз қилинаётган асар шу камчиликнинг ўрнини бирмунча тўлдиради.

Муаллифлар Ўзбекистон Компартиясининг халқ хўжалиги асосий тармоқларида фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга кенг миқёсда, комплекс ёндашаётганлигини ёритишга, республиканинг мамлакат иктисодий потенциалини мустаҳкамлашга, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга қўшаётган ҳиссасини кўрсатишга интилганлар.

Ривожланган социализм шароитида фан жамиятнинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучига айланмоқда. Шу муносабат билан китобда республика партия ташкилотининг техника тараққиётини жадаллаштиришда фаннинг ролини кучайтириш соҳасидаги фаолиятига катта эътибор берилганлиги мутлақо тўғри.

Оғир индустрияни илдам ривожлантириш ҳозирги фан-техника асосида халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини қайта қуроллантиришнинг ҳал қилувчи шартидир. Муаллифлар республика партия ташкилотларининг ишлаб чиқариш қувватларини кучайтириш юзасидан КПСС берган йўл-йўриқларни амалга ошириш борасидаги иш формалари ва методларини тасвирлаганлар. Бунда мамлакатдаги кўпгина меҳнат коллективларининг Ўзбекистон ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришдаги иштироки манзараси кўпдан-кўп факт ва материаллар асосида гавдалантириб берилган. Бу эса умумиттифоқ меҳнат тақсимотининг, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялашнинг натижаси эканлиги кўрсатилган. Тадқиқотда Ўзбекистон оғир индустриясининг, айниқса ундаги етакчи тармоқларнинг илдам суръатлар билан ривожланиши республика халқ хўжалигидаги фан-техника тараққиётини жадаллаштирганлиги таъкидлаб ўтилган. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш яхшиланди, табиий ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланила бошлади.

Китобда партия ташкилотларининг кадрлар тайёрлаш ва уларнинг маданий-техникавий савиясини ошириш соҳасидаги иши таҳлил этилган. Чунончи, 1960 йилда саноатдаги ишлаб чиқариш ходимларининг ўртача йиллик сони 370,5 минг киши, шундан 307,7 минги ишчи бўлган бўлса, 1975 йилда тегишли равишда 696,8 ва 560,7 минг кишига етди (88—89-бетлар).

Қишлоқ хўжалигидаги фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари КПСС Программасида белгиланган ҳамда партиянинг кейинги съездлари, КПСС МК Пленумлари қарорлари ва материалларида конкретлаштирилган, уларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳар томонлама механизациялаш ва изчил интенсивлаш, деҳқончилик ва чорвачилик маданиятининг юксак бўлишига эришиш, ҳамма экинлар ҳосилдорлигини анча ошириш ҳамда гектар бошига камроқ меҳнат ва маблағ сарфлаб, кўпроқ маҳсулот олиш вазифалари кўзда тутилган.

Муаллифлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, область ва район партия комитетларининг совхозлар ва колхозлар партия ташкилотларини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча бўғинларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш соҳасидаги фаолиятини таҳлил этганлар. Китобда Ўзбекистон Компартиясининг суғориладиган деҳқончиликни, аввало пахтачиликни ривожлантиришга, Мирзачўлни ўзлаштиришга, қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялашга раҳбарлик қилишга оид жуда катта ташкилотчилик ва сиёсий иши кўрсатилган.

Маълумки, тадқиқ этилаётган даврда республика колхоз ва совхозларининг машина парки анча янгиланди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида, айниқса пахтачиликда механизациянинг ўсиши механизатор кадрларни кўпайтиришни, уларнинг малакасини оширишни талаб қилди. Муаллифлар оммавий касб кадрларини тайёрлаш форма ва методларини тасвирлаганда қишлоқ хўжалигининг Т. Охунова, Ж. Кўчиев, В. А. Тюпко, М. Дадажонов, М. Жалолов, Ш. Қудратов, А. Чудная ва шу каби машҳур илғорлари тажрибасини ўрганиш муҳимлигини таъкидлайдилар.

Монографияда республика партия ташкилотининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, уни ихтисослаштириш ва концентрациялаш, шунингдек унга фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш соҳасидаги тадбирлари батафсил баён этилган.

Муаллифлар капитал қурилишдаги, аввало бинокорлик материаллари саноатидаги техника тараққиётига партиявий раҳбарлик масаласига тўхталиб, Ўзбекистон Компартиясининг республикада мазкур тармоқ корхоналарини оқилона жойлаштириш, уларни ҳозирги фан ва техника ютуқлари асосида техника билан таъминлаш учун ва энг муҳими — юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлаш учун кўрган тадбирларини жуда кўп факт ва материаллар асосида кўрсатганлар.

Республика оғир индустрияси ва халқ хўжалиги бошқа тармоқлари корхоналарини барпо этиш намунаси асосида коммунистларнинг техника тараққиёти учун, капитал қурилишни индустриялаш кўламини кенгайтириш учун курашдаги авангардлик роли, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, область, шаҳар, район партия комитетлари, кўпгина бошланғич партия ташкилотларининг қурилиш ташкилотлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қурилиш ишларини ташкил этишни илмий

асосда такомиллаштириш борасидаги кўп қиррали фаолияти китобда очиб берилган.

Тақриз этилаётган монографиянинг ғоят қимматли жиҳати шундаки, унда моддий ишлаб чиқаришнинг темир йўл ва автомобиль транспорти, граждан авиацияси ва алоқа хизмати сингари жуда муҳим тармоқларида республика партия ташкилотининг техника тараққиётини жадаллаштириш соҳасидаги кўпдан-кўп ишлари адабиётда биринчи бор таҳлил этилган. Муаллифлар КПССнинг барча турдаги транспорт ва алоқани комплекс ривожлантириш ҳамда уларнинг техникавий базасини фан, техника ва илғор тажриба ютуқларини бутун чоралар билан жорий этиш асосида такомиллаштириш сиёсати мамлакат, шу жумладан Ўзбекистон ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришда уларнинг ролини кучайтиришга имкон берди, деган хулосага келадилар.

Кўриб чиқилаётган даврда Ўзбекистон Компартияси сон жиҳатдан ўсди, катта тажриба тўплади. Партия сафларининг ўсиши партия комитетларига халқ хўжалигининг етакчи тармоқларини коммунистлар билан муттасил мустаҳкамлаш имконини бермоқда. Цехларда, бригадаларда, иш участкаларида, бўлимларда партия ташкилотларининг тузилиши партиянинг омма билан алоқасини анча яхшилади, коммунистик қурилишнинг конкрет вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга ёрдам берди.

Афсуски, тақриз этилаётган иш айрим нуқсонлардан холи эмас. Унда фан-техника тараққиётининг социал-иқтисодий оқибатлари юзакигина ёритилган. Республика партия ташкилотининг қишлоқ хўжалигини химиялашдаги етакчилик роли дуруст кўрсатилмаган, ҳолбуки, ерларни мелиорациялаш ва қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш билан бирга химиялаш ҳам катта эътиборга сазовор эканлиги шубҳасиз. Китобнинг айрим саҳифалари чуқур анализ ва умумлашма ўрнига рақамлар билан тўлдириб юборилган.

Бироқ, мана шу камчиликларга қарамай, монография фан-техника тараққиётига партия раҳбарлиги проблемаларини илмий ишлаб чиқишга муайян ҳисса бўлиб қўшилади.

А. АБДУНАБИЕВ,
тарих фанлари доктори.

Б. МИНБОЕВ,
иқтисод фанлари доктори.

КИТОБЛАР ТЎҒРИСИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Ж. Туленов. **Диалектика ва тафаккур услуби.**
Тошкент, „Фан“, 1979, 64 бет

Мазкур тадқиқот актуал, лекин кам ишланган, мунозарали проблема — тафаккур услуби табиати ва спецификаси, унинг структураси ва асосий компонентлари, тарихий формалари, инсоннинг дунёни қайта ўзгартиришдаги назария ҳамда практикасида унинг методологик роли проблемасига бағишлангандир.

Табиий-илмий ва фалсафий адабиётда кейинги йилларда «тафаккур услуби» тушунчаси тез-тез ишлатиладиган бўлиб қолди, лекин унинг ҳамма томондан қабул қилинган, эътироф этилган илмий таърифи ҳали берилган эмас. Ж. Туленов «тафаккур услуби» тушунчасининг асосий элементларини очиб беришга, унинг одатдаги, илмий (профессионал) ва фалсафий даражасини ажратиб кўрсатишга, уларнинг ҳар бирини таърифлашга, ўзига хос хусусиятлари ва белгиларини аниқлашга ҳаракат қилган.

Китобда турли тафаккур услубларининг туғилиши ва ривожланиши кўрсатилган бўлиб, улардан ҳар бири ўз вақтида гўё нарсаларнинг асл моҳиятини билишга қодир бўлган универсал фалсафий метод ролини ўйнашга (софистика, метафизика, эклектика ва ҳоказо) даъво қилган. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам тарихий тараққиёт давомида давр синовига бардош беролмай, диалектик-материалистик тафаккур услуби томонидан сиқиб чиқарилган.

Автор шуни таъкидлаб кўрсатадики, бизни ўраб турган дунёдаги нарсалар, ҳодисалар, процессларни ва уларни тегишли равишда акс эттирувчи тушунчалар ҳамда категорияларни доимий ҳаракатда, ўзгаришда ва ривожланишда қараб чиқиш диалектик тафаккурнинг асосий принципи ҳисобланади. Бунда шуни ҳисобга олиш кераkки, нарсалар, ҳодисалар ва процесслар ўзича, бошқа нарсалар, ҳодисалар ва процесслардан узилган ҳолда эмас, балки улар билан узвий алоқада, бирликда ўзгариб, ривожланиб боради. Уларнинг ҳар бири бошқа нарсалар, ҳодисалар ва процессларга таъсир қилиб, айни вақтда уларнинг жавоб таъсирини ҳам ўзида ҳис этади.

Диалектик тафаккур услубининг асосий белгиларидан бири шундаки, деб кўрсатади Ж. Туленов, у ижодий жиҳатдан ихчам, пухта бўлиб, диалектик категориялар системаси орқали амалга оширилади, бу категориялар нарсалар, ҳодисалар ва процессларни тараққиётда ҳамда бир бутунликда ўзаро умумий боғлиқлиги ва бирбирини тақозо этишини очиб ташлаш, қайд этиш ҳамда акс эттиришга имкон беради, яъни диалектик тафаккурнинг ихчамлиги, пухталиги материалистик диалектика категорияларининг ихчамлиги, пухталиги ёрдамида амалга оширилади.

Масалан, диалектика категорияларининг ихчамлик, пухталик механизмининг моҳияти нимадалиги, нарсаларнинг турли жиҳатларини, алоқасини акс эттирувчи айрим ка-

тегориялар ёрдамида нарсалар ва уларнинг ўзаро алоқаси тўғрисида яхлит тушунчага эришилиши сингари масалалар китобда ишонарли ва ҳаммабоп бир формада очиб берилган.

Китобда тўғри кўрсатилганидек, марксча-ленинча философиянинг диалектика категорияларининг ихчамлиги, пухталиги тўғрисидаги қоидаси илмий билишдаги бир ёқламалик, дангаллик, бир жойда қотиб қолишликка қарши кураш олиб боришга имкон беради, олимларни нарсаларнинг ўз мантиқига мувофиқ равишда диалектик тарзда фикрлашга, мулоҳаза юритишга ундайди.

Автор диалектик категорияларнинг ихчамлиги, пухталиги тўғрисидаги таълимотнинг коммунистик ва ишчи партиялар фаолияти учун ҳам катта аҳамиятга эга эканлигига эътибор беради, зеро бугунги ижтимоий ҳаёт марксчи-ленинчи партиялар олдига қатор проблемаларни қўймоқдаки, уларга ниҳоятда усталик билан ёндашиш талаб этилади. Масалан, ривожланаётган мамлакатлардаги миллий буржуазия прогрессивми ё реакционми? Ишчилар синфи миллий ва интернационал манфаатларининг, унинг капитализмга қарши олиб бораётган курашининг тинч ва қуролли формалари нисбати қандай, ижтимоий тараққиётда умумий ва миллий-ўзига хос жиҳатларнинг диалектикаси қандай? Китобда шу нарса ишонарли кўрсатиб берилганки, агар коммунистик партиялар бу масалаларни кўриб чиқишда марксча-ленинча фалсафа фанининг диалектика категорияларининг ихчамлиги, пухталиги тўғрисидаги талабини эътиборга олмаса, бу бир ёқламалик ва субъективизмга, практикадан узилиб қолишга, сиёсатда ревизионистик ва догматик хатоларга олиб келади.

Авторнинг ҳозирги вақтда табиий ва ижтимоий фанлар ривожида материалистик диалектиканинг роли тобора ортиб бормоқда, деган фикри ҳаққоний фикрдир.

Шубҳасизки, тақриз қилинаётган мазкур китоб диалектика ва тафаккур услуби проблемаларини тадқиқ этиш ишига муайян ҳисса бўлиб қўшилади.

К. СОДИҚОВ,
философия фанлари доктори.

З. ҒАФУРОВ, М. ҲАСАНОВ,
философия фанлари кандидатлари.

Лазиз Каюмов. Ҳамза. Поэт, просветитель, революционер. Литературно-биографический очерк.
Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, Ташкент, 1979, 96 стр.

Мазкур китоб ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан чоп этилди. Китобда шоир биографияси, революциядан олдинги ижоди ва бой драматик мероси кенг ёритилади.

Л. Қаюмовнинг бу адабий-биографик очерки, бизнинг фикримизча, илмий-биографик жанрнинг яхши намунасидир. Ўша даврнинг ўзига хос воқеаларини, адиб биографиясининг социал моҳиятини очувчи, ойдинлаштирувчи характерли фактлар очеркда ўз ифодасини топган. Автор архив ҳужжатларидан моҳирона фойдаланган ҳолда ўқувчини шоир биографиясининг кам маълум бўлган саҳифалари билан таништиради, унинг шеърий китоби «Девони ниҳоний»га кирган шеърларини батафсил таҳлил қилади. Айниқса рус ўқувчиси учун бу гаплар янгилик, чунки Ҳамза ҳақидаги рус тилида яратилган аксарият асарларда шоирнинг асосан революциядан сўнгги ижодиёти ҳақида гапирилар эди.

Маълумки, Ҳамза адабиёт майдонига кириб келганида демократик адабиёт билан реакцион адабиёт ўртасида кескин ғоявий кураш кетар эди. Ҳамза ўз ижодининг илк қадамлариданоқ ана шу демократик адабиётга эргашди, унинг илғор анъаналарини ривожлантирди. Айни чоғда буржуа адабиёти вакилларига кескин кураш очади. Унинг фаолиятидаги бу саҳифалар китобда яхши ёритилган.

Ҳамза ўз ижодий фаолияти билан реакцион адабиётнинг барча иллатларини аёвсиз фош қилди. Агар руҳонийлар муҳаббат лирикасини камситиб, уни қораловчи ҳукм чиқарган бўлсалар, Ҳамза прогрессив демократик адабиётга эргашган ҳолда севги-муҳаббатни тараннум этувчи бу хил лириканинг ажойиб намуналарини яратди. Агар руҳонийлар халқ бадиий ижодини инкор этсалар, Ҳамза халқ қўшиқларини тўплаб, нашр эттирди. Уларнинг оҳангида ўзининг энг яхши шеърларини битди. Агар руҳонийлар сатирани қоралаган ва бўҳтон ёғдирган бўлсалар, Ҳамза сатиранинг энг яхши намунасини яратди. Ҳамза ижодий эволюциясидаги бу хусусиятлар китобда кенг ва яхши ёритилган. Маълумки, Ҳамза катта-кичик ҳажмда 40 га яқин драматик асар яратган. Буларнинг кўпларини аниқлаб, янги маълумотлар берган ҳам Л. Қаюмовдир. Шунинг учун Ҳамзанинг драматик мероси ҳақида автор жуда бой фактик маълумотларга асосланиб кенг илмий фикр юритади. Булар ўзбек китобхонлари учун ҳам кўп жиҳатдан янгиликдир.

Умуман олганда мазкур бадиий-биографик очерк ҳамзашунослик фанига қўшилган муҳим ҳиссадир.

Ғ. МУМИНОВ,
филология фанлари кандидати.

Комплексное использование ТСО в лекциях по курсу истории КПСС. Методик қўлланма.
М., „Высшая школа", 1979, 248 стр.

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети гуманитар факультетларининг КПСС тарихи кафедраси ходимлари томонидан тайёрланган методик қўлланма олий ўқув юртларининг «КПСС тарихи» программасига мос равишда тузилган бўлиб, 1883 йилдан 1937 йилгача бўл-

ган даврни (курснинг I—XIII темаларини) ўз ичига олади.

Ўқитишнинг техник воситаларидан (ЎТВ) (диапозитивлар, кинолавҳалар, фоноёзувлар, графиклар, диаграммалар, структура-мантиқий схемалар) комплекс фойдаланиш бўйича лекциялар сценарийси мазкур қўлланмада илмий-методик адабиётда биринчи марта ишлаб чиқилган. Сценарийларнинг танлаб олинган композицияси у ёки бу кўргазмали қўлланмани намойиш қилиш вақти ва жойини аниқ белгилаб беради. Авторлар коллективи мавжуд ЎТВни илмий асосда танлаб олиш, шунингдек янгиларини яратиш борасида катта ижодий иш қилишган.

Сценарийларни ёзишда кўргазмали воситаларни лекцияларнинг ғоявий-назарий мазмуни билан узвий боғлаб юборишга муваффақиятли уриниб кўрилган. ЎТВ дан фойдаланиш мураккаб тарихий процессларни чуқуррок ва кўргазмали равишда очиб ташлашга имкон беради, материални идрок этиш даражасини оширади.

Полиэкран системасини кенг қўлланиш юзасидан берилган тавсия анча қимматлидир, чунки бу система умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлган материаллар билан бир қаторда республика, ўлка, областларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда КПСС ленинча миллий сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилишини акс эттирувчи материалларни намойиш этиш, шунингдек ўтилган тарихий босқичга оид маълумотларни (айниқса рақамли маълумотларни) ҳозирги маълумотлар ёки келгусидаги планлар билан солиштириш, социализмнинг капитализмга нисбатан афзалликларини ишонарли ва ёрқин кўрсатишга имкон беради.

Революцион ва совет қўшиқлари, фоноёзувлар, кинолавҳалардан лекция бошида адаптация воситалари сифатида, шунингдек айниқса лекцияни туғаллаш пайтида эмоционал таъсир кўрсатиш воситаси сифатида фойдаланиш тажрибаси ҳам диққатга сазовордир.

Мазкур қўлланма, шубҳасиз, ўқитувчиларга ўқув материалининг аудитория томонидан актив идрок этишига эришувида катта ёрдам беради. Табиийки, сценарийлардан, ўқитишнинг у ёки бу воситаларини танлаб, уларнинг тартибини ўзгартирган ҳолда ижодий фойдаланиш керак бўлади. Сценарийнинг умумий структураси эса ЎТВ қўлланган ҳолда ҳар бир лекцияга тайёргарлик кўришда ўқитувчининг ишини анча соддалаштиради ва енгиллаштиради.

Умуман олганда қўлланма олий ўқув юртларида КПСС тарихини ўқитиш методикасини ишлаб чиқишга қўшилган муҳим ҳиссадир.

Ўйлаймизки, партия тарихи ўқитувчилари «КПСС тарихи» курсининг XIV—XX темалари бўйича сценарийларни ўз ичига олган мазкур китобнинг иккинчи қисми босилиб чиқишини катта қизиқиш билан кутадилар.

М. МУСАЕВ,
тарих фанлари доктори.

КПСС тарихини ва партия қурилиши проблемаларини ишлаб чиқишни координациялаш Республика совети тасдиқлаган кандидатлик диссертациялари темалари

С. А. АБДУЛЛАЕВ (Тошкент). Меҳнаткашларни интернационал тарбиялашда партия матбуотининг роли (1966—1970 йиллар) (Ўзбекистон ССР мисолида).

М. А. АБДИРАИМОВ (Тошкент). Ўзбекистон Коммунистик партиясининг қишлоқ ёшларига меҳнат тарбияси беришда комсомолнинг ролини ошириш соҳасидаги фаолияти (1966—1975 йиллар).

Л. А. ЗАБЕЛО (Самарқанд). Ривожланган социализм шароитида Туркистон ҳарбий округи қисмларида КПССнинг идеология иши (1966—1975 йиллар).

К. КАРИМБЕКОВ (Тошкент). Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ҳозирги босқичда меҳнаткашлар социалистик турмуш тарзининг ишлаб чиқариш-меҳнат жиҳатини янада такомиллаштириш соҳасидаги фаолияти.

Ю. А. МАХОВ (Самарқанд). Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги фаолиятининг историографияси.

З. Э. РОУПОВ (Самарқанд). Ўзбекистон Компартиясининг 1933—1941 йиллар даврида ишчилар синфи билан колхозчи-деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолияти (Зарафшон водийси областлари материаллари асосида).

И. Ш. РАҲМАТОВ (Тошкент). Ўзбекистон Компартиясининг ривожланган социализм даврида (1965—1975 йиллар) тўқимачилик саноатини ривожлантириш соҳасидаги фаолияти.

М. РАҲМАТУЛЛАЕВ (Тошкент). Ўзбекистон Компартиясининг ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчиларини коммунистик тарбиялаш соҳасидаги фаолияти (1966—1980 йиллар).

А. Р. РЎЗИМАТОВ (Тошкент). Ўзбекистон Компартиясининг меҳнаткашларга иқтисодий билим беришни такомиллаштириш соҳасидаги фаолияти (1976—1980 йиллар).

С. У. СУЛАЙМОНОВА (Ангрен). Комсомол — Ўзбекистонда ленинча аграр сиёсатни амалга оширишда партиянинг ёрдамчиси (1976—1980 йиллар).

Т. ФАЙЗУЛЛАЕВ (Тошкент). Ривожланган социализм шароитида Ўзбекистон Компартияси ташкилий-партиявий ишининг такомиллашуви (Фарғона водийси областлари материаллари асосида).

П. Х. ХОЛИҚУЛОВ (Тошкент). Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ривожланган социализм шароитида маҳаллий Советлар ишини такомиллаштириш соҳасидаги фаолияти (1966—1975 йиллар).

Ш. ҲОЛМАТОВ (Самарқанд). Ўзбекистон Коммунистик партиясининг саккизинчи беш йиллик даврида республикада дон хўжалигини юксалтириш соҳасидаги фаолияти.

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01, 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02, 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03, 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63, 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш ва халқаро ҳаёт — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **Н. Ҳидоятов, Н. Шарипова.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 14.2.1980 й. Босишга рухсат этилди 6.3.1980 й. Формати $70 \times 108^1/_{16}$. Юқори босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 9,5. Тиражи 30642. Нашр № А-51. Заказ № 2707.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26.

ISSN 0134—2193

Баҳоси 20 тийин

Индекс 75399

На узбекском языке
ежемесячный теоретический и политический
журнал ЦК КП Узбекистана
«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Типография издательства ЦК Компартии Узбекистана

310

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

5

МАЙ

1980

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 5
МАЙ
1980 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

Яшасин революцион кураш, бунёдкорлик ва тинчлик байроғи — ленинизм!

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

ЛЕНИНИЗМНИНГ БУЮК ҲАЁТИЙ КУЧИ

КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС МК секретари

ўртоқ Б. Н. ПОНОМАРЕВнинг Москвада В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда 1980 йил 20 апрелда қилган доклади

Ўртоқлар! Партиямиз, совет халқи, коммунистик ва озодлик ҳаракати эндиликда В. И. Ленин туғилган куннинг бир юз ўн йиллигини нишонламоқдалар.

Шу кунларда Ер куррасининг ҳамма жойларида В. И. Ленинга астойдил ҳурмат ва меҳр-муҳаббат сўзлари янграмоқда. Бу сана ленинизм асосида янги турмуш қураётган, Ленин ғояларини ижтимоий ва давлатлараро муносабатлар практикасига муваффақиятли мужассамлаштирган ва мужассамлаштираётган социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида айниқса кенг кўламда нишонланмоқда.

Барча мамлакатларнинг коммунистлари ва меҳнаткашлари ўз нигоҳлари ва фикр-зикрларини Ленинга, унинг назарияси ва практикасига, унинг революцион курашчи, мутафаккир ва давлат арбобига хос даҳоси билан яратилган улуғ таълимотга қайта-қайта қаратмоқдалар.

Ер юзида яшаган кишиларнинг биронтаси одамлар учун, меҳнаткашлар учун Ленинчалик кўп хизмат қилган эмас. К. Маркс билан Ф. Энгельс социализмни утопиядан фанга айлантирдилар. Ленин социализм назариясини турмушга татбиқ этди. Маркс билан Энгельс ишчилар синфининг жаҳоншумул-тарихий ролини назарий жиҳатдан асослаб бердилар. Ленин ишчилар синфини ҳокимиятни қўлга олишга бошлаб келди ва ишчи-деҳқонлар давлатига асос солди, социализм мамлакатини ва социализм қуриш илмини меҳнаткашларга мерос қилиб қолдирди. В. И. Ленин янги интернационал тажрибага таяниб марксизмни улуғ ғоялар ва умумлашмалар билан бойитди, ишчилар синфининг революцион кураши учун бирдан-бир ғолибона назарий дастур берди.

Ленин тузган Коммунистик партия қудратли революцион-ўзгартирувчи кучга айланди. Россия халқларига, сўнгра эса бутун инсониятга озодлик, тинчлик ва социализм йўлини очиб берган улуғ социалистик революцияга бошчилик қилди.

Ленинизм тарих ривожига шундай таъсир ўтказдики, ленинизмни инкор қилиш, унинг ролини маҳаллий бир нарса қилиб кўрсатиш ёки ўтган давр билан чеклаб қўйиш йўлидаги ҳар қандай уринишлар назарий жиҳатдан ожиз, сиёсий жиҳатдан эса реакцион ва мағлубиятга маҳкум эканлиги яққол кўриниб турибди.

Бизнинг асримизда юзлаб турли социал назариялар юзага келди. Уларнинг баъзилари сезиларли из қолдирмади, бошқаларининг умри қисқа бўлди. Ҳаёт уларни рад этди. Марксизм-ленинизмнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у вақт ўтиши билан — энди тарихнинг анчагина қисми мобайнида — тобора яққол тасдиқланмоқда ва кенг миқёсда тарқалмоқда. Унинг ихлосмандлари кўпайиб, тобора янги-янги мамлакатларда реал ижтимоий практикада мужассамлашаётганлиги —

илмий коммунизмнинг универсал моҳияти ва тўғрилигининг яққол далилидир! Ҳозир Ер юзидаги сал-пал саводли киши ҳам Лениннинг номини билади. Унинг китобларини юз миллионлаб кишилар ўқиб, ўрганмоқдалар.

Ҳар бир янги тарихий босқичда Ленин таълимоти ўзининг бойлигини янада тўлиқроқ намоён этмоқда, ўзининг тўғрилиги ва теранлигини намойиш қилмоқда, ижодкорликка, ҳаракат қилишга руҳлантирмоқда, социализм ғалабасининг муқаррарлигига ишончни кучайтирмоқда. У — доимо ривожланиб бораётган ва ҳаракат қилаётган барҳаёт таълимотдир. КПССнинг реал социализмни бунёд этиш йўлидаги бутун фаолияти партиямиз ленинизмни ижодий ривожлантираётганининг равшан намоён бўлишидир.

«Инсониятнинг ҳозири ва келажагини Ленинсиз ва ленинизмсиз тасаввур қилиб бўлмайди,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев.— Ленин ғояларининг нури бутун инсониятга олға бориш йўлини — янги ғалабалар, янги тарихий зафарлар йўлини, эксплуатация ва зулмни батамом йўқотиш йўлини, социализм ишининг жаҳоншумул тантанаси йўлини ёритиб турибди».

Кечаги ленинизм — Октябрь ғалабасини ва биринчи социалистик жамият барпо этилганини билдирган, юз миллионлаб кишиларни озодлик ва социал адолатга чорловчи ҳамда курашга отлантирувчи қудратли даъват бўлган эди.

Бугунги ленинизм — социалистик давлатлар ҳамдўстлиги тимсолидаги реал социализмни, қудратли коммунистик ва озодлик ҳаракатини, мустамлака ҳукмронлигининг тугатилгани ва янги мустақил, эркин давлатларнинг барпо этилганини, кучлар нисбатининг социализм ва тинчлик фойдасига тубдан ўзгарганини ва урушларни инсоният ҳаётидан соқит қилиш мумкинлигини билдиради.

Эртанги ленинизм — мамлактимизда коммунистик жамият, бошқа кўпгина мамлакатларда социализмнинг тантанасидан, социал ва миллий-озодлик янги ғалабаларидан, барча халқларнинг мустаҳкам одилона тинчлиги ҳамда дўстлиги учун курашда муҳим муваффақиятларга эришажагидан дарак беради.

I. Ривожланган социализм — Ленин ғояларининг тантанаси

Уртоқлар! В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини нишонлар эканмиз, биз уни янги ижтимоий тузумнинг улуғ меъмори деб эъзозлаймиз. У революциянинг бунёдкорлик вазифаларини ҳайратомуз тарзда чуқур очиб ва асослаб берди, мамлакатимизни социалистик негизда ўзгартиришнинг доҳиёна планини ишлаб чиқди ва Ер юзида биринчи социалистик давлат қурилишига бевосита раҳбарлик қилди. Унинг ғоялари ва амалий фаолияти янги дунёни қуришнинг ҳамма жиҳатларини — экономика ва сиёсатни, жамиятнинг раҳбар кучи бўлган партия ролини, қонунчиликни ва давлат аппаратини, идора қилиш ва мудофаа, фан, маданият ва санъат масалаларини, оммавий ташкилотларнинг ишини, хулқ-атвор ва ахлоқ нормаларини қамраб олар эди.

Партиямиз билан халқимиз Ленин васиятларини амалга ошириб, жуда катта йўлни босиб ўтдилар. Социализмнинг улуғ тарихий ғалабаларига эришилди. Лениннинг мамлакатни индустриялаш ва қишлоқни коллективлаштириш ҳақидаги, миллий масалани ҳал этиш ва маданий революция тўғрисидаги ғоялари аллақачон рўёбга чиқарилган. Ленин орзу қилган ва режалаштирган ишларни партия билан халқ дадил амалга оширдилар, деб тўла асос билан айта оламиз. Ривож-

ланган социалистик жамият қурилди. Одамларнинг дунёда мисли кўрилмаган янги тарихий бирлиги — кўп миллатли совет халқи таркиб топди.

Аммо революцион фикр ва революцион иш доҳийсининг бутун фаолияти ҳозир ҳам бизга, социализмга базис — экономика соҳасида ҳам, шунингдек устқурма — сиёсат ва идеология соҳасида ҳам хизмат қилмоқда ва келгусида ҳам хизмат қила беради.

Ленин типидаги атоқли арбоб, социалистик Ватаннинг равнақи учун, коммунизм учун матонатли курашчи ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети партиямизнинг буюк бунёдкорлик ишига раҳнамолик қилмоқда. Партия, унинг Марказий Комитети ҳаёт илгари сурган жамиятимизни ҳар томонлама ривожлантириш проблемаларини изчиллик билан ҳал этмоқдалар.

Марказий Комитетнинг ўтган йили қабул қилган тарихий қарори ва КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми бунинг яққол далилидир. КПСС Марказий Комитетининг «Хўжалик механизмини янада такомиллаштириш ҳамда партия ва давлат органларининг вазифалари тўғрисида»ги қарори, КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ҳамда хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарори — XXIV—XXV съездлар ишлаб чиққан партия иқтисодий стратегиясини амалга оширишдаги катта қадамдир. Бу қарорлар чинакам новаторлик руҳи билан суғорилган бўлиб, етилган проблемаларни ҳал этишга ленинча дадил, кенг ва айни вақтда илмий асосланган ёндашиш намунасидир. Бу қарорлар планлаштиришни ва хўжалик юритиш методларини такомиллаштиришни, давлат планининг ролини кучайтиришни ва айни вақтда демократик негизлар, меҳнат коллективларининг ҳуқуқлари кенгайтирилишини билдиради.

Қишлоқ хўжалигининг индустриал негизини ривожлантириш йўли қатъият билан ўтказилмоқда. Бу эса, Ленин ибораси билан айтганда, «деҳқончилик ва умуман қишлоқ хўжалик меҳнати унумдорлигини ниҳоят даражада оширишнинг...» асосий шартидир. Партиянинг ҳозирги босқичдаги ленинча аграр сиёсати КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори — идеология соҳасидаги партия ишининг яққол далилидир. Бу қарор — совет кишиларини юксак ғоявийлик, Ватанга, коммунизм идеалларига садоқат руҳида тарбиялашнинг узоқ муддатли программасидир. Марказий Комитетнинг қарори, шундан кейин бу қарор асосида ўтказилган Бутуниттифоқ кенгаши бутун ғоявий-сиёсий ҳаётдаги катта воқеа бўлди. Улар партиянинг идеология соҳасидаги фаолиятини совет жамияти ривожининг, қадам-бақадам коммунизмга ўтишнинг ва икки жаҳон системаси ўзаро курашининг ҳозирги босқичига мувофиқ такомиллаштиришга даъват этилгандирлар.

Л. И. Брежневнинг трилогияси ғоявий-сиёсий ишда Ленин анъаналарининг мужассамлашувидир. Леонид Ильичнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» ва бошқа асарлари дунёнинг кўпгина мамлакатларида нашр этилмоқда. Ленин мукофоти билан СССР Давлат мукофотлари комитети халқ оммасининг меҳр-муҳаббат ва миннатдорчилик туйғуларини ифодалаб ўртоқ Л. И. Брежневга муносиб мукофот беришга қарор қилди.

Партия Ленин васиятларига амал қилиб, ҳозирги тараққиётнинг энг муҳим проблемаларини ҳал этмоқда. Ҳозирги босқичда партия ишининг асосий йўналишларини олиб кўрайлик.

Биринчидан. В. И. Ленин революциянинг бунёдкорлик программасини белгилаганида ишчилар синфи учун янги вазифани — давлатни ва

моддий ишлаб чиқаришни идора қилиш, экономика ўсган сайин уни идора қилишни доимо такомиллаштириш вазифасини ўртага кўндаланг қилиб қўйди.

Экономикага раҳбарлик қилиш КПСС ўзгартирувчилик фаолиятининг асосий йўналиши бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Лениннинг фикрича, бу — бизнинг энг асосий, энг мароқли ва тарих тажрибаси кўрсатганидек, жуда мураккаб сиёсатимиздир.

Социалистик экономика яхлит, илмий асосланган давлат плани негизида ривожланиши керак. Машҳур ГОЭЛРО плани шу ғоянинг дастлабки инъикоси бўлди. Ҳар сафар шу планни эсга олганда унинг кенг кўлами ва олисни кўзлаши кишини ҳайратга солади.

Лениннинг фикри «юз миллионларча кишиларни бир план билан ишлайдиган қилишдан» иборат эди. Партия бу фикрни амалга оширди. Бизнинг экономикамиз ҳамма қисмлари ўзаро боғланган улуғвор, яхлит хўжалик комплексидан иборатдир.

Совет экономикасини ривожлантиришдаги муваффақиятлар халқнинг турмуш даражасини ошириш учун шароит яратиб бериш билан бирга бошқа бир тарихий вазифани ҳам ҳал этиши — капиталистик система билан экономика соҳасидаги тинч мусобақа анча олис муддатгача реал воқелик бўлишини назарда тутиб, бу мусобақадаги ғалабани таъминлаши лозим. КПСС XXV съезди экономикани идора қилишни ривожланган социалистик жамият талабларига мувофиқ ҳолга келтириш шиорини ўртага ташлади. КПСС Марказий Комитетининг хўжалик механизмини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорида белгиланган конкрет тадбирларнинг муҳим бир системаси амалга оширилиши олға томон катта қадам қўйилишини билдиради.

Хўжаликни оқилона, самарали юритишни ўрганиш зарурати — ўзгармайдиган, доимий талабдир. Иқтисодий ва социал тараққиёт босқичларидан юқори кўтарилган сайин бу зарурат қайта-қайта, ҳар сафар анча юқори даражада вужудга келаверади.

Ҳозир хўжаликни омилкорлик билан бошқаришнинг маъноси нима? Партия бу саволга аниқ жавоб берди:

Бу — иқтисодий ўсишнинг интенсив, сифат омилларидан фойдаланишни кўзлаб иш юритиш, халқ хўжалигида юксак пировард натижаларга эришиш демакдир.

Бу — истиқболни кўзлаб ишлаш, кундалик мақсадлар билан узоқ муддатли мақсадларни тўғри бирга қўшиш, қабул қилинадиган қарорларнинг ҳам яқин, ҳам олис натижаларини эътиборга олиш, бошқариш, планлаштириш ва прогноз қилишнинг замонавий методларини эгаллаш, консерватизмни ва инерция кучини қатъият билан бартараф қилиш демакдир.

Бу — иқтисодий проблемаларнинг социал ва идеологик жараёнлар билан чамбарчас боғлиқлигини кўриш, уларни комплекс ҳал қилиш демакдир.

Бу — ҳамма участкаларда, барча бўғинларда уюшқоқлик даражасини қатъият билан ошириш, давлат, план интизомига риоя қилиш демакдир. Лениннинг бошқариш илми ва санъатини эгаллаш тўғрисидаги шиори ҳозир партия, давлат, план-хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари фаолиятининг асосий соҳаларидан бирини белгиламоқда.

Иккинчидан. В. И. Ленин меҳнаткашлар ҳокимиятини энг мукаммал техникавий базис билан боғлаш принципини, фан ва техника ютуқларидан меҳнат унумдорлигини ошириш учун, янги ижтимоий тузумнинг ғалабаси учун фойдаланиш зарурлигини асослаб берди. Инсоният цивилизацияси тўплаган ҳамма қимматли тажрибалардан фойдаланиш лозим. «Бутун илм-фанни, техникани, бутун билимларни, санъатни эгаллаб олиш керак,— деган эди Ленин.— Бусиз биз коммунистик жамият турмушини қуролмаймиз».

Социалистик жамият хусусий мулкчилик ва одам одамни эксплуатация қилишига асосланган буржуа тузумининг муқаррар йўлдошлари бўлган маразлар ва иллатлардан холи эканлиги, кризислар ва ишсизликни жамият турмушидан соқит қилганлиги биланоқ ўзининг капитализмдан устунлигини исботлади. Социализм иқтисодий ўсиш суръатларида ва саноат маҳсулотининг кўпгина энг муҳим турларини ишлаб чиқариш даражасида ўзининг устунлигини исботлади. Социализм экономикаси неча ўн йиллардан бери муттасил ривожланиш йўлидан бораётганлиги яққол фактдир. Совет Иттифоқи пўлат, нефть, кўмир ва кокс, темир руда, чўян, минерал ўғит, тепловоз ва электровоз, цемент, тилинган тахта, жун газлама, чарм пойабзал, холодильниклар ва маҳсулотнинг бошқа баъзи турларини ишлаб чиқариш жиҳатидан дунёда биринчи ўринда турибди. Социалистик тузумда сифат кўрсаткичлари жиҳатидан ҳам, шу жумладан ижтимоий меҳнат унумдорлигининг даражаси жиҳатидан ҳам капитализмдан ўзиб кетиш соҳасида Ленин ўртага қўйган вазифани ҳал этиш учун зарур , нарсаларнинг ҳаммаси муҳайё.

КПСС XXIV съезди фан-техника революциясининг ютуқларини социалистик хўжалик системасининг афзалликлари билан узвий равишда бирга қўшиш мақсадини ўртага қўйди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг бултурги қарори СССРнинг фан-техника тараққиёти 20 йилга мўлжалланган комплекс программасига алоҳида ўрин берган. Бу программанинг изчиллик билан амалга оширилиши меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини янада тўла-тўкис қондиришни, халқ фаровонлигини муттасил оширишни таъминлайди.

Фан-техника революцияси — бутун жаҳон миқёсидаги халқаро жараёндир. Биз ана шу азим дарёдан илмий тафаккур ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш тажрибаси яратган ҳамма яхши нарсаларни қабул қилиб олиб, аввало Ватанимизнинг фан-техника тараққиётини таъминлаш учун зарур бўлган жамики ишни қилишимиз, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг социализм юзага келтирган форма ва методларини такомиллаштиришимиз лозим.

Учинчидан. Онгли меҳнат интизомини шакллантиришни, меҳнатга коммунистик муносабатни тарбиялашни В. И. Ленин революциянинг энг асосий бунёдкорлик вазифалари жумласига киритган эди. Бундай интизомни ҳосил қилиш неча юз йиллар давом этган тутқунликдаги меҳнат, таёқ остидаги меҳнат қолдирган ғоят оғир сарқитни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган «жуда узоқ муддатга чўзиладиган иш» бўлишини В. И. Ленин огоҳлантириб айтган эди.

У ихтиёрий меҳнат (Ленин ибораси билан айтганда, «ўзи учун ишлаш») имкониятларини намоён этишда, омманинг меҳнатдаги ғайрат-шижоати ва ташаббускорлигини рағбатлантиришда социалистик мусобақа бош ролни ўйнайди, деб айтган эди. Лениннинг бу ғояси ҳозир коммунистик меҳнат ҳаракатида яшаб келмоқда, бу ҳаракатда қатнашаётган миллион-миллион меҳнаткашлар юксак ишлаб чиқариш маданияти ва самарадорлиги намуналарини кўрсатмоқдалар. Илғорларнинг тажрибаси биздаги жуда катта имкониятлар ва резервлардан далолат бериб турибди.

В. И. Ленин туғилган кун шарафига коммунистик шанбаликлар ўтказиш ажойиб анъана бўлиб қолди, улардан тушган маблағ халқ соғлиғини сақлашга ишлатилмоқда. Бу йил бир миллиард сўмдан кўпроқ маблағ халқ соғлиғини сақлашга сарфланади.

В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги арафасида Москва ва Ленинград меҳнат коллективларининг ташаббуси билан беш йиллик топшириқларини 1980 йил 22 апрелгача бажариш мусобақаси кенг

қулоч ёйди. Ишлаб чиқариш новаторлари, миллион-миллион меҳнаткашлар Ленин таълимотига, социализмга содиқ эканликларини сўзда эмас, ишда ҳам тасдиқлаб, ўз ваъдаларининг устидан чиқдилар. Ленинча зарбдор вахтанинг барча қатнашчиларини КПСС Марказий Комитети номидан табриклашга ва шу даврда эришилган марралар аниқланган имкониятларни ҳисобга олиб янада олға босиш учун илк марралар бўлиб қолсин, деган тилакни билдиришга ижозат бергайсизлар.

Биз меҳнат интизомини ошириш, меҳнатни ташкил этишни яхшилаш соҳасида ҳали кўп иш қилишимиз керак. Бу ўринда жамият, меҳнат коллективи ва ҳар бир алоҳида ходимнинг манфаатларини бирга қўшишдан иборат ленинча принцип жуда катта аҳамиятга эгадир.

Тўртинчидан. Революциянинг бунёдкорлик вазифаларини ҳал этишни В. И. Ленин социалистик демократияни ривожлантириш билан боғлиқ деб билган эди. У олий, совет типидаги демократизмни янги тузум кучларининг битмас-туганмас манбаи деб ҳисоблади. Партия мана шунга доимо таяниб келмоқда. У марказлаштирилган негизни мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш билан бирга сиёсатда ҳам, экономикада ҳам бизга қуйидан бўладиган ташаббусга кенг уфқ очиб берадиган демократик централизм зарурлигига асосланади.

СССРнинг янги Конституцияси Совет давлати ривожида катта қадам бўлди, у халқ ҳокимиятининг эришилган даражасини гарантиялабгина қолмай, социалистик демократияни янада ривожлантиришни: давлат ва жамият ишларини идора қилишда гражданларнинг тобора кенг кўламда иштирок қилишини; давлат аппаратини такомиллаштиришни; халқ депутатлари Советларининг ролини оширишни; жамоат ташкилотларининг активлигини оширишни; халқ контролини кучайтиришни; давлат ва жамият турмушининг ҳуқуқий негизини мустаҳкамлашни; жамоатчилик фикрини доимо эътиборга олишни ҳам назарда тутади.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларига, маҳаллий Советларга яқинда ўтказилган сайловда 2 миллион 275 минг халқ депутати сайланди, уларнинг 57 проценти партиясизлар, 43 проценти коммунистлардир, социал состави жиҳатидан: 43 проценти ишчилар ва 25 проценти колхозчилардир. Демократиямизнинг моҳиятини мана шу рақамлар жуда яхши кўрсатиб турибди.

Сайлов давомида мамлакатимиз тарихий муваффақиятларининг жозибадор манзараси намоён бўлди. Раҳбар арбобларнинг ҳам, маҳаллий ходимларнинг ҳам, оддий совет сайловчиларининг ҳам нутқларида айниқса, кейинги ўн йилликлар мобайнида эришилган ана шу ютуқлар кўрсатиб ўтилди. Совет кишилари социалистик Ватанимиз йил сайин тобора кўркам, қудратли бўлиб бораётганлиги тўғрисида ҳаққоний ифтихор туйғуси билан гапирдилар. Шу билан бирга камчиликлар ҳам очиб ташланди, ҳал этилмаган масалалар тўғрисида ошкора гаплашиб олинди, олға томон бундан буёнги қилинадиган ҳаракат режалари белгиланди.

Бешинчидан. В. И. Ленин ижтимоий ишлаб чиқаришни халқ фаровонлигини ошириш, меҳнаткашларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тобора тўла-тўкис қондириш вазифасига бўйсундиришни социализм, коммунизм қурилишининг бош маъноси деб билди.

Ҳозир биз шуни айта оламизки, мамлакатимиз меҳнат қилиш, илм олиш, дам олиш, соғлиқни, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кексайганда таъминланиш сингари асосий ҳуқуқлар ва эркинликларни гражданларга реал равишда таъминлаш ишида капитализмдан аллақачон ва анча ўзиб кетди. Бизда уй-жойли бўлиш соҳасида капиталистик дунёда мисли кўрилмаган ҳуқуқ таъминлаб қўйилган. Ҳозир СССРда бошқа ҳар қандай мамлакатдан кўра кўпроқ миқдорда квартира қурилмоқда. Кунига беш ярим мингта квартира қурилиб, совет

гражданларига бепул топширилмоқда. Кейинги ўн йил мобайнида салкам 22 миллионта янги квартира қурилди. 109 миллион киши уй-жой шароитларини яхшилаб олди.

Партия ишлаб чиққан социал программа бошидан охиригача инсон тўғрисидаги ленинча ғамхўрлик руҳи билан суғорилган. Бу программа изчиллик билан амалга оширилмоқда. Кейинги икки беш йиллик мобайнидагина аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар қарийб 1,5 баравар, ижтимоий истеъмол фондидан бериладиган тўловлар, имтиёзлар 1,8 баравар кўпаяди.

Ленин ташаббуси билан бошланган маданий революция мамлакатнинг маънавий ҳаётида ҳақиқий туб бурилиш ясади. Шу туфайли Совет давлати халқ маорифининг савияси жиҳатидан энг илғор давлатларнинг бирига айланди. Халқимиз жаҳон маданияти чўққиларини ўзлаштирганлиги социализмнинг яна бир ютуғидир, капитализмни абадий орқада қолдириб кетган яна бир соҳадир.

Социалистик жамиятда қарор топган маданият билан меҳнат иттифоқи маданиятнинг ўзи халқчил характер касб этганлигида, адабиёт ва санъат арбоблари коммунистик жамиятни бунёд этишга, инсонни тарбиялаб вояга етказишга ижодий ҳисса қўшаётганлигида ўзининг чуқур ифодасини топмоқда. Бу инсон учун Лениндан ибрат олиш, Лениндан ўрганиш ҳаёт позицияси бўлиб қолди.

Ўртоқлар! Коммунистик қурилиш вазифаларини ленинча дадиллик билан ўртага қўяётган ва халқни шу вазифаларни бажаришга сафарбар қилаётган Коммунистик партиянинг раҳбарлик фаолияти барча муваффақиятларимизнинг гарови бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Коммунистик партия ўзининг халқ олдидаги бурчига ленинча муносабатда бўлиш ва халққа хизмат қилиш намунасини кўрсатмоқда. Унинг бутун фаолиятига Ленин услуби сингдириб юборилган. Бу услуб ижтимоий жараёнларга илмий ёндашишни, ўзига ва бошқаларга юксак талабчанликни, бюрократизм ва формализм кўринишларига муросасизликни назарда тутади.

Энг зарур проблемаларни ва қийинчиликларни ошкора муҳокама қилиш ҳамда шу қийинчиликларнинг сабабларини аниқлаш ҳам ленинча раҳбарлик услуби жумласига киради. КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг узоқ муддатгача принципиал аҳамиятга эга бўладиган чуқур мазмунли ва самимий нутқи шу услубнинг яққол намунасидир.

Партия танқид ва ўз-ўзини танқидни доимо ривожлантирмоқда. Танқидга тўғри муносабатда бўлиб, шунга яраша иш тутиш — кадрлар ва ташкилотлар сиёсий етуклигининг кўрсаткичидир. Танқидни бўғиш йўлидаги уринишларни эса партия йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳол деб билади.

Лениннинг меҳнаткашлар хатлари билан ишлаш тўғрисидаги васияти муттасил амалга оширилмоқда. КПСС Марказий Комитети буни аҳоли билан алоқани мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси, ахборот манбаи, деб таъкидламоқда.

Сиёсий-тарбиявий ишда В. И. Ленин асарларини коммунистик қурилиш практикаси билан узвий равишда боғлаб ўрганишга доимо эътибор берилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг В. И. Ленин туғилган куннинг бир юз ўн йиллиги тўғрисидаги қарорида ленинизмни янада яхшироқ ўрганиш ва уни турмушга татбиқ этишнинг катта программаси баён қилинган. Партия ташкилотларида: «Ленинчасига, коммунистчасига яшаймиз, ишлаймиз ва курашамиз» деган кун тартиби билан ўтказилган очиқ партия йиғилишлари Ленин меросини ўзлаштиришнинг муҳим янги формаси бўлди. Бу йиғилишлар идеология

ишини турмуш билан боғлашни мустаҳкамлашга кўмаклашди, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини янада оширди, меҳнаткашларни КПСС теварагига маҳкамроқ жипслаштирди.

Коммунистик партия В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини куч-ғайратга тўлиб, янги тажриба билан бойиб кутиб олди. Ҳозир партия ўз сафларида 17 миллиондан кўпроқ коммунистни бирлаштириб турибди. Совет халқининг бутун революцион-ўзгартирувчилик фаолиятига раҳбарлик қилаётган, мураккаб халқаро шароитларда мамлакатимиз йўлини дадиллик билан белгилаб бераётган КПСС Лениннинг: партия сафлари бирлигини, партия билан халқнинг жипслигини, ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг бузилмас иттифоқини, мамлакатимиздаги барча миллат ва элатларнинг қардошларча дўстлигини ардоқлаб сақлаш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги энг асосий васиятини муқаддас билиб, унга амал қилмоқда. Л. И. Брежнев ўз нутқида қуйидаги ажойиб сўзларни айтди: «жамиятнинг жипслиги, бирлиги — социализмнинг ноёб мулкидир, бизнинг бебаҳо енгилмас кучимиздир... Ғанимларимиз тарих сабоқларини эсдан чиқармасинлар. Биз билан дўқ-пўписа тилида гаплашишга уринмоқчи бўлган пайтда совет кишиларининг бирлиги алоҳида куч билан намоён бўлишини улар билиб қўйсинлар. Социализм нималигини билиб олган халқнинг буюк ғалабаларини тугата оладиган куч ер юзида йўқ, жамиятимиз душманлари 60 йилдан кўпроқ вақт мобайнидаги тарих сабоқларидан буни аллақачонлар билиб олишлари лозим эди».

Биз КПСС Программасидаги ҳамма мақсадларга эришиш учун ҳали кўп меҳнат қилишимиз лозим. Совет халқи 80-йилларга қадам қўяр экан, келажакка комил ишонч билан назар ташламоқда. Бизнинг идеологиямиз, социалистик турмуш тарзимиз тарихий умидворлик руҳи билан суғорилган. Ҳозир — коммунизм замонидир!

II. Ленинизм ва жаҳон тараққиёти

Уртоқлар! В. И. Лениннинг улуғвор хизмати шундан иборатки, у янги тарихий даврда жаҳон тараққиётининг асосий тенденциялари ва механизмини кашф этди, унинг энг асосий қонуниятларини аниқлади. Лениннинг «Империализм — капитализмнинг юқори босқичи» деган асари, унинг жаҳон жараёнларини анализ қилишга бағишланган бошқа асарлари ўз аҳамияти жиҳатидан Карл Маркснинг доҳиёна «Капитал» асари билан бир қаторда туради.

Ленин империализм жаҳон урушларини келтириб чиқаради ва социализм халқларга тинчлик келтиради, деган ва инсоният тақдири учун жуда муҳим бўлган ғояни ўртага ташлаб, асослаб берди. Социализмнинг муваффақиятлари ва кучи урушга қарши барча кучлар жипслашган тақдирда жаҳон урушини жамият ҳаётидан чиқариб ташлаш имконини берадиган шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Социалистик революция тўғрисидаги, аввал бир мамлакатда социализмнинг ғалаба қилиши мумкинлиги ҳақидаги, икки системанинг тинч-тотув яшаши тўғрисидаги, ҳозирги даврда миллий-озодлик ҳаракатларининг роли ҳақидаги, ҳозирги капитализм шароитида ишчилар синфи революцион курашининг формалари тўғрисидаги таълимот — мана шуларнинг ҳаммаси Лениннинг империализм тўғрисидаги фикрлари билан чамбарчас боғланган. Ленин ана шу проблемаларни ишлаб чиқди ва меҳнаткашларни синфий кучларнинг жойланишини ва революцион ўзгартиришларнинг йўлларини билишнинг пишиқ-пухта илмий методи билан қуроллантирди.

В. И. Ленин, большевиклар бунёд этган биринчи социалистик дав-

лат ҳатто империалистик қуршов ичида бўлган ўша пайтида ҳам, халқаро муносабатлар ва жаҳон тараққиётининг марказида турди. Энди, Ленин башорат қилганидек, жаҳон сиёсатига жуда катта таъсир ўтказаётган социалистик ҳамдўстликни ташкил этувчи бошқа давлатлар у билан ёнма-ён бормоқдалар. Ленинизмнинг асосий принципларига риоя қилинаётган жойларда муваффақиятга эришилмоқда, социализмнинг позициялари мустаҳкамланиб, халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий турмуш даражаси доимо ошиб бормоқда. Бу принципларга хилоф иш тутилаётган, ленинизмдан орқага чекинилаётган жойларда, масалан, Хитойда турғунликка дуч келинмоқда, орқага кетилмоқда ва илгари курашиб қўлга киритилган ютуқлардан маҳрум бўлиш хавфи туғилмоқда.

Совет Иттифоқида, сўнгра эса социалистик ҳамдўстликда социализмнинг тарихий ғалабаси, социалистик тузум бунёдкорлик имкониятларининг юзага чиқиши бутун дунёни ўзгартирувчи жуда муҳим омил, ҳозирги даврдаги бутун социал тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлди.

Социализмнинг ўзини ҳимоя қила олиш, ўз ғалабаларини империализм тажовузларидан муҳофаза қила олиш қобилияти ҳал қилувчи бошқа бир омил бўлди. Яна бир неча кундан кейин жуда кенг омма ва аввало совет халқи фашизм устидан қозонилган Улуғ Ғалабанинг 35 йиллигини нишонлайдилар. Совет Иттифоқи ва унинг шонли Қуролли Кучлари энг кўп қон тўкилган урушда Ватан озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилибгина қолмай, бошқа халқларга озодлик ҳам келтирди, инсониятни фашистлар асорати хавфидан сақлаб қолди.

Барча халқлар Советлар Мамлакатининг жасоратига офарин айтиб, унга бениҳоя зўр миннатдорчилик ва меҳр-муҳаббат туйғуларини изҳор этдилар. Ғарбдаги кўпгина давлат ва ҳукуматларнинг бошлиқлари бу ҳақда баралла гапирдилар.

АҚШ президентлари Совет Қуролли Кучларига ўз ташаккурларини бирин-кетин билдирдилар. «Рус армияси билан рус халқи нацистлар босқинига қарши курашда зарбанинг асосий оғирлигига бардош бермоқдалар» ва «беқиёс қаҳрамонлик» кўрсатмоқдалар, деди АҚШ президенти Рузвельт. «Европадаги уруш вақтида Қизил Армиянинг улуғ жасоратлари бутун дунёни лол қолдирди», дейди Эйзенхауэр. Ҳатто Советларга қарши кайфиятдаги президент Трумэндек арбоб ҳам бундай деб ёзди: «Совет Иттифоқи «цивилизация ва озодлик ишига ажойиб ҳисса» қўшди, «эрксевар ва олий даражада довюрак халқнинг ҳар қандай қудратли ва ваҳшийликнинг ёвуз кучларини енга олиш қобилиятини» намойиш қилди.

Англиянинг ўша пайтдаги бош министри бундай деди: «Қизил Армия олдидаги бурчимизни биз ҳеч сўзсиз тан олаётганимиздек, келгуси авлодлар ҳам буни тан олишлари керак...».

Бу гапларни ҳозир ҳаммага эслатиб қўймоқ керак. АҚШ ва Буюк Британиянинг ҳозирги раҳбарлари ўша пайтда айтилган ўз бурчларини мутлақо унутиб юбордилар. Ҳозир улар бизга қарши тиш қайраб, ҳар қандай риёкорона сафсатабозликдан тап тортмаяптилар. Аммо ҳақиқат шундан иборатки, Совет Иттифоқининг табиати, совет халқининг характери, партиямизнинг моҳияти ўша пайтдан бери ўзгаргани йўқ. Ўша пайтдагидек ҳозир ҳам Совет Иттифоқи агрессия кучларига қарши курашмоқда, цивилизация ва озодлик ишини ҳимоя қилмоқда. Бинобарин, жаҳон халқлари АҚШ ва Англиянинг ҳукмдор жанобларидан — хўш, нега сизлар чалғитяпсизлар, қайси асосга таяниб Совет Иттифоқига қарши кампанияни авж олдиряпсизлар ва ишни халқаро кескинликни кучайтириш томонига, уруш хавфини кучайтириш томонига буряпсизлар?— деб сўрашга ҳақлидирлар. Халқларнинг манфаатлари мана шу қабилдаги сиёсатни тўхтатишни, кескинликни

юмшатиш йўлини тасдиқлашни, қуролланиш пойгасига барҳам беришни талаб қилади.

70-йиллар дунёнинг кўпгина районларида империализмга қарши ҳаракат янада анча олға силжиганидан далолат берди. Вьетнам халқининг ғалабаси ва Вьетнамнинг бирлашуви, Лаосдаги халқ ҳокимиятининг мустаҳкамланиши, Қампучиядаги Пол Пот режимининг тугатилиши мана шунинг далилидир. Эфиопия, Ангола, Мозамбик империализм кишанларидан халос бўлишга эришдилар. Уларнинг халқлари катта-катта социал ўзгартиришларни ўтказдилар ва Африкада социалистик йўлни танлаш таянчлари бўлиб турибдилар. Шу жиҳатдан Жанубий Яман муҳим роль ўйнамоқда. Никарагуадаги диктаторлик режими ағдариб ташланди. Афғонистондаги революция, Эрондаги шоҳ истибдодининг тугатилиши, Зимбабве ватанпарварларининг ғалабаси империализмга зарба урди.

«Москванинг қўли» деган машъум миш-мишлар эмас, балки ижтимоий ривожланишнинг муқаррар объектив қонуниятлари жаҳон революцион жараёнини олға силжитмоқда.

Кейинги йилларда коммунистик ҳаракат анча ўсди, ўз таъсирини кенгайтирди. Социалистик ҳамдўстликдаги мамлакатларни идора қилувчи партиялар бу ҳаракатнинг энг қудратли ва кўп сонли отрядидир. Улар ўз давлатларининг тақдири учун бутун масъулиятни зиммаларига олдилар, етакчи ва ташкилотчи куч бўлиб ҳаракат қилиб, ўз мамлакатларини комил ишонч билан олға бошламоқдалар.

Дунёнинг носоциалистик зонасидаги Коммунистик партияларнинг таъсири ўсди. 10 йил мобайнида уларнинг аъзолари салкам бир миллион икки юз эллик минг киши кўпайиб, эндиликда тўрт ярим миллионга етай деб қолди. Ҳозир дунёда 90 та коммунистик ва ишчи партия ҳаракат қилмоқда ва курашмоқда. Ғарбий Европада шу давр ичида 800 мингдан ортиқ янги курашчи Компартиялар сафига кирди. Шимолий ва Жанубий Америкада, Африкада ҳам коммунистларнинг сони икки баравардан зиёд кўпайди. Осиёнинг бир қанча мамлакатларида Коммунистик партиялар ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олмоқдалар. Носоциалистик мамлакатларнинг коммунистлари ҳозир парламентларга ва муниципалитетларга ўтказилаётган сайловда қарийб 40 миллион овоз олмоқдалар.

Ҳамиша бўлганидек, коммунистик партияларнинг таъсири уларнинг сон жиҳатдан ўсишига нисбатан анча илдам кучайиб бормоқда. Эндиликда бирон-бир жиддий халқаро проблема, ҳозирги замоннинг бирон-бир туб масаласи коммунистик ҳаракатсиз ҳал этилаётгани йўқ ва ҳал этилиши ҳам мумкин эмас.

Кейинги вақтларда империалист доиралар коммунизмга қарши қутуриб кампания бошладилар. Туҳмат, дўқ, коммунистларнинг раҳбарларига бўҳтон қилишга, компартияларнинг сиёсатини обрўсизлантиришга, уларнинг ташкилотларига террорчиларни гиж-гижлашга уриниш каби воситалар ишга солинмоқда. Аммо, ўтмишда бўлганидек ҳозир ҳам бу кампания мағлубиятга маҳкум этилган.

Аслида коммунистлар қайси мақсадлар йўлида курашмоқдалар?

Коммунистлар — тинчлик учун, империализмнинг агрессив сиёсатига қарши энг изчил ва қатъиятли курашчилардир. Улар уруш хавфи қаердан чиқаётганини, хонавайрон қилувчи ва хатарли қуролланиш пойгаси учун ким айбдор эканини, қуролли можаролар чиқаришга кимлар иғвогарлик қилаётгани ва можароларни кимлар қизитаётганини халқларга доимо кўрсатиб келмоқдалар. Шу тариқа коммунистлар халқ оммасини курашга отлантириб, бутун инсониятни ракета-ядро ҳалокатидан халос қилиш учун курашмоқдалар.

Айни коммунистлар инсониятни иккинчи жаҳон уруши хавфидан барвақт огоҳлантирган ва халқларни уруш чиқарувчи фашистларга

қарши ягона фронт бўлиб ҳаракат қилишга чақирган эдилар. Мана шу огоҳлантириш ва шу даъватни назарга илмаган кимсалар антисоветизм дардига мубтало бўлган эдилар.

Бизнинг кунларимизда коммунистлар ҳарбий хавф-хатарни кучайтираётган империализмнинг режалари ва хатти-ҳаракатларига қарши ўз овозларини яна баланд кўтармоқдалар. Бир ҳафтадан кейин Европа Компартияларининг вакиллари халқларни ҳарбий хавф-хатарга қарши курашга биргаликда даъват этиш учун Парижда тўпланадилар. Коммунистларнинг овози тинчликни ҳақиқатан хоҳловчи барча кишиларга етиб бориши керак.

Коммунистлар — монополистик капитал ҳукмронлигига қарши, кишиларни эксплуатациянинг ҳар қандай формасидан озод қилиш учун, меҳнаткашларга реал ҳуқуқлар ва эркинликлар берадиган чинакам демократия учун, социализм ғалабаси учун муросасиз ва изчил курашчилардир.

Коммунистлар мустамлакачиликнинг батамом барҳам топиши учун, барча халқларнинг миллий озодлиги ва тенг ҳуқуқлилиги учун курашмоқдалар. Изчил ватанпарварлар ва интернационалистлар бўлган коммунистлар барча мамлакатлар меҳнаткашларининг қардошларча иттифоқи учун, миллий нифоққа, ирқий зулмга қарши курашмоқдалар. Империалистик системанинг кучайиб бораётган кризиси вазиятида жаҳон революцион кучлари турли формаларда ўсиб, намоён бўлмоқда.

В. И. Ленин олдиндан башорат қилганидек, империализм капиталнинг тобора монополистик марказлашувига, монополиялар билан давлатнинг тобора бир-бирига чирмашиб кетишига, уларнинг улкан бир эксплуататорлик механизмида бирлашувига олиб келади.

В. И. Ленин мана шу янги жиҳатлар капитализм қарама-қаршиликларини бартараф этиш у ёқда турсин, балки аксинча, уларни чуқурлаштиради ва кескинлаштиради, деб бир неча марта таъкидлаган эди. Капитализмнинг «сўнгги нафаси»— бир томондан, вужудга келган миллий давлат-монополистик системаси бўлса, иккинчи томондан, «кўп миллатли» монополистик «империялар», ўз мамлакатининг ишчиларинигина эмас, балки бошқа давлатлар меҳнаткашларини ҳам эксплуатация қилувчи улкан чирмовиққа айланиб кетишидан иборат.

Бу ҳол нимага олиб келди? Буржуа ва реформистик маддоҳлар ваъда қилган «янги», кризисга учрамайдиган капитализм, умумий фаровонлик жамияти вужудга келдими? Бутунлай акси бўлди. Буржуа тузумининг эксплуататорлик негизи, йирик капиталнинг зулми ва бебошлиги, монополистик ваҳшийлиги ва коррупция ҳар қачонгидан ҳам кучайди.

70-йилларда капитализм дучор бўлган қудратли танглик жараёнлари тўлқини уни ич-ичидан ларзага солмоқда. Давлат-монополистик капитализмининг, унинг иқтисодий сиёсати, империализмни фан-техника революциясига ва икки системанинг курашига мослаштириш бутун стратегиясининг чуқур кризиси яққол кўриниб турибди. Бу кризиснинг кўзга кўриниб турган яққол жиҳатларидан бири қимматчиликнинг мисли кўрилмаган даражада ошиб кетиши, пулнинг қадрсизланиши ва ишсизликнинг беҳад ошиб кетиши, террорнинг авж олишида намоён бўлмоқда.

Капиталистик система инсониятнинг туб проблемаларини ҳал қилишга тобора ошкора тўғаноқ бўлмоқда. Фан-техника революцияси авж ола борган сайин ҳозирги замон ишлаб чиқарувчи кучларининг моддий имкониятлари билан меҳнаткашларни эксплуатация қилиш кучайиши ўртасидаги, кўпгина халқлар учун очлик ва қашшоқликнинг ҳақиқий аҳволи ўртасидаги қарама-қаршилик борган сари аянчли тус олмоқда. Ҳозирги замон фани ва техникасидан империалистик тарзда фойдаланиш мана шунга олиб келади. Шу боисдан ҳам империализм

маконидаги синфий кураш ва халқларнинг озодлик ҳаракатлари тобора кучаймоқда.

Империализм инқирози — қуролланиш пойгаси ғоят авж олиб кетганлигида, ҳарбий саноат комплексининг ижтимоий бойликларни мислсиз талон-торож қилаётганида ҳаддан ортиқ намоён бўлмоқда. Ленин милитаризациянинг хавфли оқибатларига такрор ва такрор эътибор берган эди. «Империалистик рақобат натижасида кучли ҳарбий аппаратга эга бўлган давлатлар,— деб ёзган эди у,— ...баҳайбат уруш аждаҳоларига айланди...» Милитаризм ҳозирги вақтда АҚШда айниқса, ёвуз роль ўйнамоқда. Астрономик суммага етиб, йилига 160 миллиард доллардан ошиб кетган ҳарбий бюджетни яқин беш йил ичида 253 миллиард долларга кўпайтиришни режалаштирмоқдалар. НАТОнинг бошқа мамлакатларида ҳам ҳарбий харажатлар жуда катта миқёсларда ўсмоқда.

Ҳозирги вақтда империализмнинг агрессив табиати:

— ҳарбий саноат комплекси, милитаризм, ашаддий реакция ва антикоммунизм кучларининг ташқи сиёсатга таъсири ўсишида;

— НАТОнинг ҳарбий қудрати беҳад кучайиб бораётганлигида ҳамда СССРга ва социалистик ҳамдўстликка қарши, барча эрксевар халқларга қарши қаратилган янги ҳарбий-сиёсий иттифоқлар тузишга интилишда; озодлик курашининг боришига қўпол аралашувда ҳамда носоциалистик дунёдаги прогрессив ҳаракатларни бўғиб ташлашга уринишларда;

— социализм мамлакатларига нисбатан ҳарбий жиҳатдан устун бўлиб олишга интилишда, қуролланиш пойгасини тобора авж олдиришда, қуролсизланиш юзасидан олиб борилаётган музокараларга тўсқинлик қилиш ва бу музокараларни барбод қилишда, Ғарбий Европани АҚШнинг сифат жиҳатидан янги ракета-ядро қуроли учун старт майдонига айлантиришга интилишларда;

— Америка империализмининг экспанцияси ва гегемонизмида, унинг жаҳонга ҳукмронлик қилишга бўлган интилишида ва шу мақсадда АҚШдан ташқарида тобора янгидан-янги ҳарбий объектлар ва базалар қураётганлигида, ҳозир бу объект ва базалар икки ярим мингтадан ошиб кетганлигида;

— жаҳон жандарми вазифаларини бажариш ҳамда ўзгалар территориясига бостириб кириш учун шай турган қуролли кучлар тайёрлашда;

— халқаро кескинликни юмшатишни барбод қилиш ва «Хельсинки руҳи»ни чиппакка чиқариш йўлини тутишда;

— айрим идеологик диверсиялар қилишдан совет халқига, социализм ғояларига, миллий-озодлик ҳаракатига душманликни уйғотиш мақсадида кенг фронт бўйлаб «психологик уруш»ни ташкил этишга ўтишда намоён бўлмоқда.

Мана шу белгилар Америка империализми қиёфасида тўлиқ намоён бўлмоқда. Халқлар оммаси империализмнинг НАТО агрессив блокининг чинакам табиатини билиб олишлари жуда-жуда муҳимдир. Бу нарса уни фош этиш учун ҳамда унга қарши самарали кураш олиб бориш учун зарурдир.

Социализм позицияларининг мустаҳкамланганлиги, халқларнинг озодлик кураши кучайганлиги, капиталистик система умумий кризисининг авж олганлиги — империализм ташқи сиёсатидаги ҳозирги кескин ва хавфли бурилишнинг, унинг кескинликни юмшатишга қарши юриш бошлаганлигининг асосий сабаблари ана шунда, Ғарбда Советларга қарши васваса авж олдириб юборилганлигининг ҳақиқий манбаи мана шунда бўлиб, Ленин унга бундай васвасанинг шунга ўхшаш ҳолатларини «буржуазиянинг қутуриб қилган ҳамласи» деб жуда аниқ баҳо берган эди.

Буларнинг ҳаммаси Афғонистондаги воқеалардан анча олдин бошланган эди. Афғонистондаги воқеалар эса кескинликни юмшатишга қарши илгари бошланган ҳужум, «совуқ уруш»ни яна бошлаб юбориш учун баҳона бўлди, холос. Совет Иттифоқининг позицияси Л. И. Брежневнинг 1979 йил 6 октябрь ва 1980 йил 13 январдаги нутқларида аниқ ва равшан ифодалаб берилган.

Ленин туғилган кунни нишонлар эканмиз, шуни айтиш керакки, у 1921 йилдаёқ «...Россия ҳар икки халқнинг бахт-саодати йўлида Олий афғон давлатининг ҳамиша биринчи дўсти бўлиб қолади», деб уқтирган эди. Совет кишилари мағрур ва эрксевар афғон халқи ўзининг миллий манфаатларини ташқи агрессия ва ички реакция ҳамласидан ҳимоя қилиб, ўз қўшнилари билан, бошқа барча халқлар билан дўстлик ва тотувлик вазиятида яшаб, ўзи танлаб олган мустақиллик ва осойишталик йўлидан боражакларига аминдирлар.

Америка империализмининг стратегияси Афғонистон мисолида равшан кўриниб турибди. Унинг бу стратегияси халқлар ўз тақдирини ўз қўлига олган, чет эл зўравонлиги ва ҳукмронлиги барҳам топган жойларда аралашувни, ҳатто қуролли аралашувни кўзда тутади. Интервенция контрреволюцияни зўрлаб қабул қилдириш «ҳуқуқи» эндиликда «Американинг ҳаётий манфаатлари» билан ошкора оқланмоқда, оддий қилиб айтганда эса империализмга тегишли бўлмаган нарсани мустамлакачиларга хос равишда қўлга киритишга бўлган интилиш билан оқланмоқда. Халқлар мана шундай тажовузларга зарба берганларида эса империалистлар «чуқур конфронтация» билан дўқ қилиб, атом қуроли билан дағдаға қила бошлайдилар.

Ўрток Л. И. Брежнев яқинда қуйидагиларни таъкидлаган эди: Империализмнинг бошқа мамлакатлар ва халқлар устидан ҳукмронлик қилиш имкониятлари нақадар кўпроқ қисқариб борса, унинг энг агрессив ва калтафаҳм вакиллари бунга шунчалик тиш-тирноғи билан қаршилик қиладилар. Тинчликсевар давлатларнинг қудрати ва оқилона сиёсати ҳамда халқларнинг жаҳон ҳукмронлигига даъвогарларнинг хатарли режаларини барбод қилишга берган азму қароригина мана шу агрессивликни жиловлаши мумкин».

Инсоният учун империализм хавф-хатар солаётганлигини ва аввало, устунлик қилишни, яъни жаҳонга ҳукмронлик қилишни яна даъво қилиб чиқаётган АҚШ империализми хавф-хатар солаётганлигини эндиликда ҳеч ким инкор қилиши мумкин эмас.

В. И. Ленин биринчи жаҳон уруши охирларида империалистлар бошлаб юборган қонли жиноятга нисбатан ўзининг қаҳр-ғазабини баён қилиб, бундай «урушлар» кишилик жамияти яшаш шароитининг ўзига ҳам путур етказиши мумкинлигидан огоҳ этган эди. Ўшанда у бутун жаҳонга мурожаат қилиб, фақат пролетариатгина жаҳон маданиятини, инсониятни бундай ақлсизликлардан халос қилиши мумкин деган эди.

Бизнинг давримизда ишчилар синфининг мана шу умумбашарият миссиясини амалга ошириш имкониятлари беқиёс ошди. Бу имкониятлар аввало шунинг учун ошдики, ленинизм буюк ишларда мужассамлашиб, социализм мамлакатларининг қудратли моддий ва ғоявий кучи билан, халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракатнинг уюшган кучи билан намоён бўлмоқда. Шунингдек, ленинизмнинг илҳомбахш ва оқилона ғоялари барча мамлакатлардаги юз миллионлаб кишиларнинг онгига сингиб кетди.

Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, ўртоқлар, ленинизмга таяниб, унга амал қилаётган социал ва ижтимоий кучларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш инсониятни, унинг истиқболини қутқариб қолишнинг омилидир.

В. И. Ленин васиятини бажара бориб, социализмнинг тинчликни

сақлаб қолиш йўлидаги тарихий миссиясини пировардигача адо этиш бу:

— Совет давлатининг иқтисодий ва мудофаа қудратини, буюк кўп миллатли совет халқининг ғоявий ва сиёсий бирлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш;

— социалистик давлатларнинг қардошларча иттифоқини, уларнинг ҳамкорлиги ва ҳар томонлама ўзаро ёрдамини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш;

— замонамизнинг энг уюшган ва ғоявий кучи бўлган халқаро коммунистик ҳаракатни марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми негизида жипслаштириш;

— ҳозирги замон ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракатига эга бўлган ғоят катта имкониятлардан тинчлик ва тараққиёт манфаатлари учун энг кўп даражада фойдаланишга эришиш;

— жаҳон урушига йўл қўймасликни ҳақиқатан ҳам хоҳлаган, давримизнинг реал воқелиги билан ҳисоблашишга қодир бўлган, ҳар бир халқнинг қонуний манфаатларини, мустақиллиги ва озодлигини ҳурмат қилишга тайёр турган барча кишилар билан ҳамкорлик қилиш демакдир.

Бизнинг партиямиз, Совет Иттифоқи ер юзида тинчлик ўрнатиш учун, барча халқларга мустаҳкам ва адолатли тинчлик қарор топтириш учун тарихий жанг олиб бормоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Ленин васиятини бажара бориб ўзларининг бутун куч-ғайратлари, тажриба ва қобилиятларини мана шу буюк ишга бахш этмоқдалар.

Совет Иттифоқи, совет халқи инсониятни янги уруш ҳалокатидан сақлаб қолиш учун жуда кўп куч ва ресурсларни мудофаани мустаҳкамлашга сарфлашга мажбур бўлмоқдалар. Башарти 35 йил мобайнида Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўстлик халқлари тинчлик неъматларидан баҳраманд бўлаётган эканлар, бунга аввало, Совет Иттифоқи ўзининг иттифоқчилари билан биргаликда мамлакатимизга ва иттифоқчиларимизга ҳамла қилмоқчи бўлган ҳар қандай душманга кескин ва қудратли зарба бериш учун барча зарур нарсаларга эга бўлганлиги туфайли эришиляпти. Биз нимани ҳимоя қилишимизни, нима билан ҳимоя қилишимизни, кимлар ҳимоя қилажагини яхши биламиз!

Варшава Шартномаси Ташкилоти социалистик ғалабаларнинг мустаҳкам қалқони бўлиб турибди. Яқин орада Варшава Шартномаси Ташкилотининг 25 йиллиги нишонланади.

Иқтисодий куч-қудрат, сиёсий обрў-эътибор, КПСС XXIV ва XXV съездларида ишлаб чиқилган Тинчлик программасининг қатъиян ва принципиаллик билан амалга оширилаётганлиги, социалистик ҳамдўстликнинг биргаликда келишиб олинган актив тинчликсевар сиёсати кескинликни юмшатишнинг мустаҳкам потенциалини вужудга келтирдики, уни барбод этиш асло осон эмас. Бунинг энг асосий элементларидан бири — халқлар ва ҳатто қатор мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари онгига Совет Иттифоқининг сиёсати тинчлик сиёсати бўлиб, уруш бизга керак эмас ва биз унга интилмаймиз ҳам деган тушунчанинг сингиб кетганлигидир. Натижада кейинги ўн йилликда иккинчи жаҳон урушидан мерос бўлиб қолган, баъзилари эса йигирма йилдан кўпроқ давом этган «совуқ уруш»дан мерос бўлиб қолган кўпгина туб муаммоларни ҳал этиш имконияти туғилди. Хельсинкида бўлиб ўтган кенгаш тинч-тотув яшаш принципини умум эътироф этган халқаро норма сифатида мустаҳкамлаб берди.

Бу эса империализм ва унинг гумашталарининг агрессив кирдикорларини чеклаш ва жиловлаб қўйиш мумкин деган маънони билдиради.

Бизнинг партиямиз, Совет Иттифоқи ленинча ташқи сиёсат йўлини империализм стратегиясига қарама-қарши қилиб қўяди. Бу йўл ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу йил 22 февралда сўзлаган ажойиб нутқида яна бир бор баён этиб берилди. Бу нутқда ҳозирги юз берган вазиятда тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун курашнинг равшан программаси баён этилган, кескинликни юмшатишни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш ҳамда қуролланиш пойгасини жиловлашнинг аниқ конструктив таклифларини кўзда тутади.

Ўртоқлар! Бизнинг партиямиз мамлакат ичкарисидаги бунёдкорлик иши билан давлатимизнинг ташқи сиёсати ўртасида, халқаро миқёсдаги бутун тинчлик ва социал тараққиёт ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд деган хулосадан келиб чиқади. Биз 1921 йилда Ленин айтган машҳур сўзларни ҳамиша ёдда тутамиз: «Ҳозир биз халқаро революцияга асосан ўз хўжалик сиёсатимиз билан таъсир кўрсатмоқдамиз... Бутун дунё миқёсида кураш шу соҳага кўчирилди. Агар биз бу вазифани ҳал қилсак, халқаро миқёсда албатта ва узил-кесил ғалаба қозонган бўламиз».

Бу фикрнинг теранлиги ва мазмуни ғоят каттадир. Бизнинг хўжалик ишимиз умумсиёсий жиҳатдан ҳам, ҳарбий жиҳатдан ҳам, идеологик жиҳатдан ҳам улкан халқаро аҳамиятга эга бўлиб келди ва эга бўлиб қолаверади. Давлатлараро муносабатларимиз ҳам, чет эл жамоатчилик кучлари билан хилма-хил алоқаларимиз ҳам шу ишнинг натижаларига боғлиқдир.

Шу боисдан ҳам совет кишилари коллективи, ҳар бир совет кишиси буюк коммунистик қурилишнинг қайси соҳасида бўлмасин, у ўзининг меҳнати билан ер юзида мустаҳкам тинчликни таъминлаш ишига, жаҳон социал тараққиёти ишига ўз ҳиссасини қўшишга даъват этилган ва шундай қилиши ҳам мумкин.

Ўртоқлар! Империалистик реакция Совет Иттифоқига қарши қандай антисовет, антикоммунистик кампанияни авж олдирмасин, ленинизм, партиямиз сиёсати негизида ётган улуғвор социализмнинг буюк муваффақиятларини, порлоқ олижаноб мақсад ва принципларини хиралаштира олмайди.

В. И. Ленин издошлари ер юзида барча халқларнинг манфаатларига мос келувчи янги цивилизацияни яратмоқдалар. Биз ер юзидаги барча меҳнат кишиларига астойдил тинчлик ва бахт-саодат тилаймиз, бошқа халқлар учун кўп ишлар қилаверамиз.

Лениннинг бутун ҳаёти ва фаолияти ишчилар синфига, меҳнаткаш халқ ишига садоқатнинг, эксплуатация қилинувчи ва эзилган халқларга хайрихоҳликнинг, эзувчиларга муросасизликнинг, коммунистик идеаллар учун курашда ҳалоллик, принципиаллик, қатъиятликнинг намунасидир.

Содиқ ленинчи бўлиш — ленинча таълимот принципларини изчил ҳимоя қилиш, уни ижодий ривожлантириш, ҳаёт билан, омма билан маҳкам алоқада бўлиш, омманинг тажрибасидан ўрганиш ва Ленин ғояларини амалда татбиқ этиш демакдир.

Ленинизм барча халқларга, бутун инсониятга зарур. Шунга ишончимиз комилки, замон ўтавергани сари ленинизм билан инсоният жамияти туб манфаатларининг яхлитлиги тушунчаси бутун олам узра тобора кўпроқ ёйилаверади.

Яшасин революцион кураш, бунёдкорлик ва тинчлик байроғи — ленинизм!

Коммунизм бунёдкори — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

Яшасин ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

(Ўртоқ Б. Н. Пономаревнинг доклади давомли қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди).

ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ЮКСАК МАРРАЛАРИ

СОВЕТ ХАЛҚИ, бутун прогрессив инсоният гениал мутафаккир, толмас революционер, Коммунистик партиянинг асосчиси, Совет давлатининг бунёдкори, жаҳон пролетариатининг, бутун меҳнаткашларнинг йўлбошчиси ва устози Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини энг нурли байрам сифатида тантанали нишонлади.

Ҳар сафар биз совет халқининг ажойиб зафарлари тўғрисида, янги жамият қурилишида, дунёни революцион тарзда тубдан ўзгартиришда эришилган буюк муваффақиятлар тўғрисида гапирар эканмиз, фикру зикримиз, миннатдор хотирамиз Ленинга, миллион-миллион кишилар учун йўлчи юлдуз бўлиб қолган унинг ўлмас таълимотига қаратилади. Лениннинг гениал ғоялари ва ишлари, унинг ҳаётининг буюк жасорати совет кишилари учун, бутун жаҳон меҳнаткашлари учун илҳом ва оптимизмнинг битмас-туганмас манбаи бўлиб хизмат қиладики, биз бу манбадан баҳраманд бўлиб, ўз кучларимизга ишонч, мардлик ва ғалабага ирода ҳосил қиламиз.

Бизнинг кўп миллатли социалистик Ватанимиз Ленин йўлидан комил ишонч билан бормоқда. Совет халқи меҳнат зафарларига ўзининг Ленинга бўлган бутун меҳр-муҳаббатини, куч-ғайрати, ижоди ва ташаббусини жо этмоқда. Биз яшаш, ишлаш, курашиш ва ғалаба қозонишни Лениндан ўрганмоқдамиз. Ленин ишига чексиз содиқ бўлган Коммунистик партия, совет кишилари ўртоқ Л. И. Брежнев бошлиқ КПСС ленинчи Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюросининг кўп қиррали фаолиятини батамом маъқулламоқда ва якдиллик билан қўллаб-қувватламоқда.

Ильич васиятларига содиқ Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини муваффақият билан турмушга оширмоқда, коммунистик қурилишнинг ҳамма жабҳаларида тобора янгидан-янги муваффақиятлар қозонмоқда. Улар резервларни ишга солиб, ўнинчи беш йиллик топшириқларини шараф билан тўла ва ошириб бажаришга интилмоқдалар. Республикада саноат шитоб билан ривожланмоқда, капитал қурилиш улкан программаси амалга оширилмоқда, халқнинг фаровонлиги муттасил яхшиланиб бормоқда.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг мамлакат экономикасига қўшаётган ҳиссаси йилдан йилга ортиб бормоқда. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларида чуқур сифат ўзгаришлари содир бўлмоқда. Дала ва фермалар маҳсулотини етиштириш муттасил кўпаймоқда, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги ва чорвачиликнинг маҳсулдорлиги ошиб бормоқда.

Бу муваффақиятларга КПСС МКнинг 1965 йилдаги март Пленуми пойдевор солган эди, маълумки, ўша Пленумда партиянинг ҳозирги

аграр сиёсатининг асослари ишлаб чиқилди, бу сиёсат ҳозирги босқичда қишлоқ хўжалиги соҳасида ленинча стратегия ва тактиканинг мужассамлашуви бўлди. КПСС уни изчиллик билан амалга ошира бориб, кенг доирадаги аграр проблемаларни ҳал этди. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди, унинг интенсивлаштириш йўлига ўтиши оғишмай амалга оширилмоқда. Партия тармоқни юксалтиришнинг иқтисодий тадбирларига, қишлоқ турмушининг социал масалаларини ҳал этишга катта эътибор бермоқда. Жумладан, республикамиз колхоз ва совхозлари ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар шундан далолат беради.

Қишлоқ хўжалигини, бутун агросаноат комплексини ривожлантиришга ажратилаётган капитал маблағлар ҳажми анча кўпайди. Ўзбекистон колхоз ва совхозларининг ишлаб чиқариш фондлари кейинги 15 йил мобайнида 4 баравар, бир ходимнинг фонд билан таъминланиши 3 баравар, энергия билан таъминланиш эса қарийб 2 баравар ошди.

Партия уқтираётганидек, пировард натижалар бутун хўжалик фаолиятининг асосий мезонидир. Шуни айтиш керакки, КПСС МКнинг 1965 йилдаги март Пленумидан буён ўтган вақт ичида Ўзбекистонда пахта етиштириш бир ярим баравардан зиёд кўпайди.

Ёки қишлоқ хўжалигининг чорвачилик сингари ҳаётий муҳим тармоғини олайлик, бу тармоқда ҳам сўнгги йилларда жиддий ижобий силжишлар рўй берди. Тўққизинчи беш йиллик бошидан буён республикамиз колхозлари ва давлат хўжаликларида гўшт етиштириш 1,7 баравар, сут —2,1, тухум етиштириш — 3 баравар ошди. Шу давр мобайнида чорва моллари сони анча кўпайди, унинг маҳсулдорлиги кескин даражада ошди: боқувдаги сигир бошига йиллик сут соғиб олиш 2 баравар кўпайди, қорамолларнинг ўртача топшириш вазни учдан бир ҳиссадан зиёд ошди; шунга мувофиқ равишда маҳсулот тайёрлаш ҳажмлари ҳам кўпайди.

Ўтган йили чорвадорлар яхши ишлашди. Колхоз ва совхозларда гўшт етиштириш 8 процент, сут ва тухум етиштириш — 20 процент кўпайди. Давлат йўли билан харид қилиш топшириқлари ошириб бажарилди: мол ва парранда гўшти 1978 йилдагига нисбатан 19 минг тонна, сут — қарийб 47 минг тонна ва тухум етиштириш — 96 миллион дона кўп тайёрланди. Қорамоллар ва паррандалар барча хилининг сони кўпайди. Уларнинг маҳсулдорлиги ошди. Бир йил ичида бир сигир ҳисобига сут соғиб олиш 125 килограмм кўпайиб, 2361 килограммга етди, қорамолларнинг ўртача топшириш вазни 375 килограммни ташкил этди, ҳар битта товуқдан ўрта ҳисобда 159 донадан тухум олинди. Подани тўлдириш яхшиланди, озуқа базаси мустаҳкамланди. Хашак тайёрлаш топшириғи 108 процент, сенаж бостириш —129, силос бостириш — 106 процент бажарилди.

Бу марраларни қўлга киритиш учун республика партия ташкилоти, совет, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхоз меҳнаткашларининг катта куч-ғайрати талаб қилинди. Янги чорвачилик бинолари, шу жумладан комплекслар қурилиши кенг қулоч ёйди, тармоқни саноат негизига кўчириш изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Чорвачиликни жадал ривожлантириш учун республика мусобақасида Тошкент области пешқадам бўлиб бормоқда. 1978 йилдагига нисбатан бу ерда гўшт тайёрлаш 18 процент, сут —8,4, тухум — 22 процент кўпайди. Чорвачилик маҳсулотлари барча турларини давлатга сотиш юзасидан топшириқ ошириб бажарилди.

Пойтахт области қишлоқ хўжалиги ходимлари бу муваффақиятларга аввало тармоқни ривожлантиришга моҳирлик билан ёндашганликлари, хўжаликлараро кооперациялаш негизида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш соҳасида қунт билан иш олиб борганликлари туфайли эришдилар. 1979 йилда область колхоз ва сов-

хозларида қорамоллар сони 6 процент (шу жумладан сигирлар — 5 процент), чўчқалар — 7, паррандалар — 8 процент кўпайди. Ўртача сут соғиб олиш 3320 килограммга етди, қорамолларнинг ўртача топшириш вазни — 410 килограммга етди.

Область хўжаликлари озуқа етиштириш билан астойдил шуғулланмоқдалар: бу ерда озуқа етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш юзасидан комплекс программа ишлаб чиқилган. Жумладан, улар алмашлаб экиш ўзлаштирилган далаларда озуқа экинларидан энг юқори ҳосил олмоқдалар.

Тошкент областининг чорвадорлари тинмай резервлар изламоқдалар, фан, техника, илғор тажриба ютуқларидан фойдаланмоқдалар. Улар ўз олдиларига беш йилликнинг якунловчи йилида гўшт етиштиришни 25 процент, сутни —20 ва тухум етиштиришни — 27 процент кўпайтириш вазифасини қўйдилар. Бу ташаббус — ферма ва чорвачилик комплекслари ходимларининг ўз вазифаларига, профессионал бурчларига манфаатдорлик билан ижодий ёндашаётганликларининг ажойиб намунасидир.

Улар зиммаларига олган мажбуриятлари тўғрисида КПСС МК Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневни хабардор қилдилар. Ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитетига юборган табрикномасида пойтахт области чорвадорларининг ватанпарварлик ташаббусини юксак баҳолади. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномаси — партиянинг Ўзбекистонда колхоз-совхоз ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш тўғрисидаги, халқ фаровонлигини муттасил ўстириш тўғрисидаги доимий ғамхўрлигининг далилидир. Унда қўлга киритилган муваффақиятлар ва зиммага олинган мажбуриятлар мамлакатнинг пахтакор районлари чорвачиликни ривожлантиришда нақадар улкан резервларга эга эканлигини кўрсатишлиги таъкидланади.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг мактуби Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг шу йил март ойида бўлиб ўтган пленумида махсус муҳокама қилинди. Пленум қатнашчилари республика коммунистлари, бутун меҳнаткашлари номидан КПСС Марказий Комитетига, шахсан Леонид Ильич Брежневга илиқ сўзлар учун чуқур миннатдорчилик изҳор қилдилар, бу сўзлар Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларининг кучига куч қўшди, уларда янада яхшироқ ишлаш, янада кўпроқ фойда келтириш, дала ва фермалар маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш, самарадорликни ҳамда иш сифатини муттасил ошириб боришга қизғин истак туғдирди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасидаги маслаҳатлар ва тавсиялардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси МКнинг XVI пленуми республика партия ташкилотининг гўшт, сут, тухум ва жун етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш, чорвачиликни моддий-техника воситалари билан таъминлаш юзасидан конкрет вазифаларини белгилаб берди, бу тармоқдаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда унинг резервларидан яхшироқ фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқди.

Улкан ва оғир ишлар олдимизда турибди. Беш йилликнинг якунловчи йилида республика колхозлари, совхозлари ва бошқа давлат хўжаликлари салкам 300 минг тонна гўшт (тирик вазнда), 900 минг тонна сут, бир миллиард дона тухум етиштиришлари керак. Бу ўтган йилдагидан анча кўпдир.

Ўн биринчи беш йилликда муваффақиятли ишлаш учун яхши замин яратиш тўғрисида ҳозирданоқ қайғуриш зарур, бу КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштириш соҳасидаги тадбирлар тўғрисида»ги маълум қарорида белгилаб берилган вазифаларнинг тўла-тўкис бажарилиши-

ни таъминлайди. 1985 йилга бориб республикада гўшт етиштиришни ҳамма категориядаги хўжаликларда 740 минг тоннага етказиш, ёки 1978 йилдагидан 48 процент ортиқ, сутни —2 миллион 900 минг тонна, ёки 45 процент ортиқ, тухумни —2 миллиард 680 миллион дона, ёки икки баравар ортиқ етиштириш мўлжалланади.

Бу юксак марраларни забт этишда Тошкент области фермалари ва комплекслари меҳнатчиларининг яхши ибрати, пахтакор зонанинг чорвачиликни интенсивлаштиришдаги жуда катта имкониятлари ёрдам беради. Наманган ва Қашқадарё областлари, Қува, Ленин йўли, Нишон, Ульянов, Пойариқ, Калинин, Тошкент, Деҳқонобод ва бошқа районлар илғор хўжаликларининг тажрибаси бунга далил бўлади. Чунончи, Усмон Юсупов районининг чорвадорлари бир йил ичида гўшт етиштиришни 36 процент, сутни —33 процент кўпайтирдилар, қорамоллар сонининг 35 процент (шу жумладан сигирларнинг —23 процент), қўйларнинг —8, паррандаларнинг —34 процент ўсишини таъминладилар. Бу ерда ҳар бир совлиқ қўйдан 180 та қўзи, ҳар бир сигирдан — биттадан бузоқ олинди ҳамда 3173 килограммдан сут соғиб олинди. 1978 йилдагига нисбатан дағал хашак 3 баравар, силос —1,8 баравар кўп тайёрланди. Давлатга гўшт-сут маҳсулотлари сотиш плани анча ошириб бажарилди.

Бу ички резервларни қандай қилиб ишга солиш мумкин ва лозимлигига муносиб намунадир! Бундай ютуқлар кишини қувонтиради, илҳомлантиради, улар республикамизнинг барча район ва хўжаликларида чорвачиликни жадал ривожлантириш учун чинакам битмас-туганмас имкониятлари борлигидан далолат беради.

Афсуски, бу резервлардан ҳамма ерда ҳам яхши фойдаланилаётир деб бўлмайди. Бир қатор областлар ва районлар, кўпгина колхоз ва совхозлар моллар ва паррандалар сонини, чорва моллари маҳсулдорлигини талаб қилинган даражада ўстиришни, гўшт, сут ва тухум етиштиришни кўпайтиришни ҳамон таъминламаётирлар. Озуқа етиштириш, ферма ва комплекслар, парранда фабрикалари, озуқа цехлари ва бошқа чорвачилик объектлари қуриш ва реконструкция қилишдаги камчиликларни сусткашлик билан бартараф этмоқдалар.

Талайгина хўжаликлар ва районлар йиллар давомида олдинга силжимаяптилар, чорвачиликни ривожлантириш юзасидан ўзлари белгилаган тадбирларни бажармаётирлар, уларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, партия ташкилотлари пассивлик кўрсатмоқдалар, тармоқни юксалтиришга, резервларни излаш ва ишга солишга кишиларни дуруст сафарбар этмаётирлар. Бу гаплар Бўзатов, Чимбой, Тахтакўпир, Олтинкўл, Жалолқудуқ, Когон, Қизилтепа, Ғузор, Нарпай ва баъзи бошқа районларга тааллуқлидир.

Чорвачилик — мураккаб тармоқ бўлиб, бу ерда ҳар бир участка тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш зарур. Технологик занжирининг бирон-бир бўғинидаги етишмовчилик салбий оқибатларга сабаб бўлади. Чунончи, Қўшкўпир, Гулистон, Зомин, Ангор, Свердлов районларидаги кўпгина колхоз ва совхозларда подани тўлдириб туришга кам эътибор берилмоқда, сигирларнинг кўп қисир қолиши ва қочмай семириб кетишига, ички хўжалик эҳтиёжлари учун молларнинг нормадан ортиқ сўйилишига йўл қўйилмоқда, бинобарин, буларнинг бари пировард натижаларга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ҳар бир район, ҳар бир хўжаликда моллар, айниқса сигирлар сонини ўстириш тадбирлари қандай бажарилаётганлигини синчиклаб аниқлаб олишлари, поданинг тўлдирилиши яхшиланишига қатъият билан эришишлари зарур. Вазифа шу йилдан бошлаб барча колхоз ва совхозлардаги, аҳолидаги моллар ва паррандалар сонининг анча ўсишини таъминлашдан иборат.

Шунга эришиш лозимки, ўн биринчи беш йиллик охирига бориб, суғориладиган зонадаги ҳар бир колхоз камида 400 та, ҳар бир совхоз эса —800—1000 та сигирга эга бўлсин. Ҳисоб жўнгина: ҳар 100 гектар экинзорга — 25 сигир тўғри келади. Шунингдек комплекслар ва хўжаликларнинг подани тўлдирадиган бузоқ ва ғунажинларни боқиш соҳасидаги ишини кескин яхшилаш, ҳар юз сигирдан ҳамда икки ёшдан ошган ғунажиндан камида 90—95 бузоқ олмоқ учун наслчилик ишини яхшилаш лозим бўлади.

Моллар сонини кўпайтириш проблемаси билан бир қаторда чорвачиликда сифат кўрсаткичларини яхшилаш масалалари билан ҳам кўпроқ шуғулланиш лозим. Булардан энг муҳими — моллар ва паррандаларнинг маҳсулдорлиги масаласидир. Ўтган йили илғор колхоз, совхоз ва районларда ўртача сут соғиб олиш 3500—4000 килограммни ташкил этди. Бироқ, айниқса Самарқанд, Хоразм, Сурхондарё ва Бухоро областларида бу кўрсаткич паст бўлган хўжаликлар ҳали ҳам оз эмас. Кўпгина колхоз ва совхозлар молларни ўстириш ва бўрдоқига боқиш вақтида уларни дурустгина семиртирмаётирлар, вазни кам молларни гўштга топширмоқдалар ва ички хўжалик эҳтиёжлари учун сўйиб юбормоқдалар. Чунончи, ўтган йили Риштон, Фрунзе, Оққўрғон, Комсомол, Ильич ва бир қатор бошқа районларнинг хўжаликларида сўйилган қорамолларнинг ўртача вазни атиги 150—178 килограммни ташкил қилдики, бунинг оқибатида кўп миқдорда гўшт етишмай қолди.

Шу йилнинг ўзидаёқ республика бўйича сут соғиб олишни ўрта ҳисобда 2500—2600 килограммга, сутчилик зонаси ва ихтисослаштирилган районлар ва хўжаликларда эса —3500—4000 килограммгача етказиш, гўштга топшириладиган қорамолларнинг вазн кондициясини 400—410 килограммга, 1981 йилда эса —450 килограммгача етказиш зарур. Бу ҳар бир хўжалик ва район учун тамомила реал вазифадир. Оғир вазнли молларни боқиш борасида республикада орттирилган тажриба фақат илғор коллективларнинг ўзида қолиб кетмаслиги лозим. Масалан, ферма ва очиқ майдонларда молларни бўрдоқига боқишнинг иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги исбот қилинган, ҳозирдаёқ бир қатор ферма ва хўжаликлар вазни 500 килограмм ва ундан ортиқ бўлган новвосларни топширмоқдалар. Бутун бир районлар, масалан, Калинин райони шундай натижаларга эришмоқда. Молларнинг топшириш вазни 450—550 килограммга етган колхоз ва совхозлар эса ҳар бир областда ўнларча топилади. Бу фойдаланиш ва қунт билан жорий этиш зарур бўлган қимматли тажрибадир.

Ўтган йили Тошкент областида 100 гектар ҳисобига гўшт етиштириш 88 центнерни, сут — 356 центнерни ташкил этди, Хоразм областида эса фақат 34 центнер гўшт ва 194 центнер сут олинди. Нақадар катта тафовут! Шу боисдан Ўзбекистон Компартияси МКнинг XVI пленуми областлар, районлар ва хўжаликларнинг иш натижаларини бундан буён фақат маҳсулотнинг ўсишигагина қараб эмас, балки шу билан бирга ҳар 100 гектар ер ҳисобига олинган гўшт ва сут ҳажмини ҳам ҳисобга олиб баҳолаш зарур деб топди. Республика Госпланига маҳсулот етиштиришни планлаштириш вақтида ана шу ҳисоб-китобларни асос қилиб олиш топширилди.

Гўшт етиштиришни тез кўпайтириш вазифаси чорвачиликнинг тез етиладиган тармоқларини, хусусан чўчқачилик ва паррандачиликнинг ривожланишига кўпроқ эътибор беришни талаб қилади. Бунинг учун барча хўжаликлардаги мавжуд фермаларни кенгайтириш ва янгиларини зўр бериб бунёд этиш керак. Аҳолини гўшт билан таъминлашни яхшилаш манфаатлари балиқчилик, йилқичилик, қуёнчиликни кенг ривожлантиришни талаб қилади. Бу асаларичиликка ҳам шу даражада тааллуқлидир.

Кейинги вақтлардаги тажриба гўшт ҳамда чорвачиликнинг бошқа маҳсулотлари фондларини кўпайтиришда матлубот кооперацияси, саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликлари нақадар сезиларли роль ўйнаши мумкинлигини кўрсатди. Ҳозирнинг ўзидаёқ улар ўн минг тонналаб маҳсулот етиштирмоқдалар. Лекин бу ишнинг бошланиши холос. Партия комитетлари, совет органлари чорвачиликни ривожлантиришда қишлоқ кооперацияси ва ёрдамчи хўжаликларга доимо ёрдам кўрсатишлари, озуқа экинлари экиш учун уларга ер ажратиб беришлари, мол ва паррандалар харид қилишларига кўмаклашишлари лозим.

Колхозчилар, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий хўжаликлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак. Бу нарса СССРнинг янги Конституциясига тўла мос тушади, унда «давлат ва колхозлар ёрдамчи хўжаликни юритишда гражданларга кўмаклашадилар», деб ёзилган. Фақат ўтган йилда республикамиз аҳолисининг шахсий хўжаликларида қорамолларнинг сони 112 минг, қўй ва эчкилар сони —187 мингта кўпайди.

Колхозчилар, ишчи ва хизматчиларнинг хўжаликларидаги чорва моллари сонини ўстириш ҳамда маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун бундан буён ҳам ҳамма чораларни кўриш зарур. Колхоз ва совхозларнинг уларга озуқа, озуқа экинлари уруғлари ажратиб кўпроқ ёрдам беришлари, энг оддий чорвачилик биноларини қуришда, қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларига қарши курашда кўмаклашишлари муҳимдир.

Бу ишга қишлоқ Советларини, депутатлар, меҳнат ветеранлари, бутун қишлоқ активини кенг жалб этиш лозим. Жойларда кўрсатилаётган ташаббус, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда қишлоқ аҳолиси иштирокининг янги формалари маҳаллий органлар томонидан амалий равишда қўллаб-қувватланиши керак.

Мустаҳкам озуқа базасининг бўлиши чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни янада юксалтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Озуқа базасини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш учун республикада кўп иш қилинмоқда: озуқа экинлари экиладиган майдонлар кенгайтирилмоқда, уларнинг ҳосилдорлиги ошмоқда. Бунинг натижасида хашак ва ширадор озуқалар тайёрлаш юзасидан топшириқлар ошириб бажарилмоқда. Лекин бу соҳада ҳали камчиликлар, ҳал этилмаган масалалар кўп.

Чорвачиликни юксалтириш юзасидан белгиланган программанинг бажарилишини тезлаштириш учун республикада озуқа етиштириш юзасидан комплекс программа ишлаб чиқилган. Далаларда озуқа етиштиришни интенсивлаштириш, табиий ўтлоқларнинг ҳосилдорлигини ошириш, озуқалар тайёрлаш, уларни сақлаш ва қайта ишлашнинг прогрессив технологиясини кенг жорий этиш соҳасидаги тадбирлар бу программанинг асосини ташкил қилади. Дон, асосан маккажўхори дони етиштиришни янада кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда, бунда хўжаликларнинг ўзида етиштириладиган концентрация қилинган озуқаларнинг салмоғини кескин даражада кўпайтириш кўзда тутилади.

Ҳар бир колхоз, ҳар бир совхоз, ҳар бир район бир неча йилларга мўлжалланган озуқа етиштириш комплекс программасига эга бўлиши жуда муҳимдир. Бундай программалар йўқ жойларда уларни ишлаб чиқиш ва оғишмай амалга ошириш, алмашлаб экишни қунт билан ўзлаштириш, бедазорларни, дон ва силос учун мўлжалланган маккажўхори, бошқа озуқа экинлари майдонларини кенгайтириш, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш, тайёрланаётган озуқалар сифатини яхшилаш, уларни молга бериш учун ҳозирлашнинг прогрессив технологиясини ўзлаштириш лозим.

Чорвачиликни жадал ривожлантириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этишда дон хўжалиги катта роль ўйнайди. Республикада бу соҳада кўрилаётган тадбирлар шу билан белгиланади. Ўтган тўрт йил ичида давлатга дон сотиш беш йиллик плани бажарилди. Ўзимизда етиштирилган ем-хашак ҳисобига хўжаликларимизнинг ем-хашак фонди бирмунча кўпайди. Дон, айниқса ем бўладиган дон етиштиришни бундан буён ҳам қатъият билан кўпайтиравериш зарур.

Ўтган йилдаги 2,7 миллион тонна ўрнига 1980 йилда доннинг ялпи ҳосилини уч миллион 150 минг тоннага етказиш вазифаси қўйилган. Бу вазифани аввало маккажўхори дони, бошоқли экинлар ва шоли етиштиришни кўпайтириш ҳисобига бажариш мўлжалланмоқда. Дон экинлари, хусусан маккажўхори майдонларини кенгайтириш, минерал ўғитлар ажратиш ва улардан оқилона фойдаланиш, ҳамма ерда юқори ҳосил олмоқ учун экинларни пухта парвариш қилишни таъминлаш кўзда тутилади.

Ўзбекистоннинг айрим областлари ва районларидаги хўжаликларда экин майдонлари 500—600 гектар бўлган ихтисослаштирилган хўжалик ҳисобида ишлайдиган маккажўхорикор бригадалар ва звенолар ташкил этиш соҳасида қилинган ишлар таҳсинга сазовордир. Бу бригада ва звенолар бу йил ҳар гектардан 100 центнердан дон, 500—600 центнердан кўкпоя ҳамда 400—500 центнердан этилдиз ҳосили (булар маккажўхори билан аралаш экилган) етиштириш мажбуриятини олганлар.

Область ва район партия комитетлари, совет ва хўжалик органлари бу фойдали ташаббусни қўлланишлари, ҳар бир районда маккажўхори ва этилдиз етиштириш бўйича йирик бўлинмалар ташкил этиш имкониятларини ахтариб топишлари зарур.

Бошқа бир жуда муҳим масала — оқсил етиштириш, озуқалар сифатини ошириш соҳасидаги барча ишларни тубдан яхшилашдан иборат. Гап шундаки, чорва моллари озуқа балансида оқсил етишмайди, бунинг оқибатида озуқалар кўп сарфланади ва кўпгина маҳсулотлар етишмай қолади. Шу боисдан бедазорларни янада кенгайтириш, шунингдек ем бўладиган дон етиштиришни кўпайтириш билан бир қаторда шу йилнинг ўзидан бошлаб ҳамма областларда соя етиштириш билан фаолроқ шуғулланиш зарур.

Маълумки, чорвачилик маҳсулотларидан ташқари, аҳолининг озиқ-овқат балансида картошка, сабзавот, полиз экинлари, мева ва узумнинг салмоғи катта, шунга кўра Ўзбекистонда уларнинг ялпи ҳосили доимо ўсиб бормоқда. Мева-сабзавот етиштиришни ихтисослаштириш ва концентрациялашни чуқурлаштириш, деҳқончилик маданиятини ошириш, агротехника ва технологияни такомиллаштириш лозим бўлади. Агросаноат интеграцияси системасини бундан буён ҳам ривожлантириш ва такомиллаштириш, консерва ишлаб чиқаришни ҳамда маҳсулот ассортиментини кенгайтириш, қуруқ мева ва майизни кўпроқ етиштириш зарур.

Бу йил Ўзбекистонда сабзавот етиштиришни 2 миллион 300 минг тоннага, меваларни —780 минг тоннага, узумни —545 минг тоннага, полиз экинларини — бир миллион тоннага, картошкани —270 минг тоннага етказиш, барча категориядаги хўжаликлар бўйича давлатга жами камида 2,6 миллион тонна янги маҳсулот сотиш режалаштирилган. Колхозчилар ва совхоз ишчиларининг шахсий хўжаликларида мева-сабзавот етиштиришга катта эътибор берилиши лозим.

Пахтачилик қишлоқ хўжалигида ҳамон аввалгидек энг муҳим иш соҳаси бўлиб қолаверади. «Оқ олтин»нинг ялпи ҳосилини кўпайтириш, пахта ҳосилдорлигини ва сифатини ошириш — республика партия ташкилотининг, Ўзбекистон барча меҳнаткашларининг алоҳида муҳим ишидир. Республикамиз Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси бўлиб

келди ва шундай бўлиб қолади, бинобарин, мамлакатни тобора кўп миқдорда пахта билан таъминлашни Ўзбекистон меҳнаткашлари ўзларининг биринчи галдаги интернационал ва ватанпарварлик бурчлари деб биладилар.

Ҳозирги беш йилликнинг тўрт йили ичида давлатга 22,3 миллион тонна юқори сифатли пахта сотилди, бу план топшириғидагидан қарийб 500 минг тонна ортиқдир. Ўртача йиллик пахта етиштириш тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан 14 процент кўпайди. Хом ашёнинг сифати ҳам муттасил ошиб бормоқда. 1979 йилда биринчи марта 324 минг тонна қимматли ингичка толали пахта етиштирилди ва эндиликда республикамиз уни етиштириш бўйича мамлакатда биринчи ўринни ишғол қилмоқда.

Лекин ҳар бир йил ўзининг, тобора юксак ва масъулиятли вазифаларини қўяди. Бу йил Ўзбекистон пахтакорлари 5 миллион 850 минг тонна хом ашё —1979 йилги пландан 150 минг тонна ортиқ пахта териб олишга аҳд қилганлар.

КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси МКнинг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг республика Компартияси МК XVI пленумидаги докладида пахта етиштиришни янада кўпайтиришнинг йўллари ҳар тарафлама кўрсатиб берилди. Булардан энг асосийси — ҳосилдорликни оширишдир: беш йилликнинг якунловчи йилида ҳосилдорлик республика бўйича ўрта ҳисобда 32 центнерга етказилиши керак. Механизация, химиялаштириш ва мелиорацияни ривожлантириш соҳасида пленум белгилаган тадбирлар бу вазифани тўла реал вазифа қилиб қўяди. Айниқса баъзи жанубий районларда экин майдонини кенгайтириш ҳисобига пахта етиштиришни кўпайтириш имконияти ҳам бор.

Вазифа энг кўп пахта етиштириш, тупроқнинг ҳосилдорлигини ошириш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, алмашлаб экишни ўзлаштириш, минерал ўғитлар, гербицидлар, пестицидлар, ўсимликларни авж олдирувчи воситалардан самарали фойдаланиш учун агротехника усулларининг ҳамма имкониятларини ишга солишдан, барча резервлардан фойдаланишдан иборат. Партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассисларининг, совхоз ишчилари ва колхозчиларнинг ишини айни шу мақсадга бўйсундириш зарур.

Суғориладиган далаларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар зўр эътиборни талаб қилади. Бу ердан фойдаланишни яхшилаш проблемасига ҳам тааллуқлидир. Республикада катта-катта мелиоратив тадбирлар амалга оширилмоқда, сув омборларининг сиғими йилдан-йилга кенгаймоқда, коллектор-дренаж тармоқларининг, шу жумладан ёпиқ дренажларнинг, бетон қопланган суғориш каналларининг узунлиги ортмоқда. Айни вақтда баъзи хўжаликларда мелиорацияга тегишлича эътибор берилмаётир.

Шуни ҳамиша эсда тутиш keракки, мелиорация — қисқа муддатли кампания эмас. Ернинг ботқоқланиши ва шўрланишини тугатиш, суғориладиган участкаларни яхшилаб текислаш, очиқ ва ёпиқ дренаж тармоқлари қуриш, сизот сувларни чиқариб юбориш учун коллекторларни шай қилиб қўйиш юзасидан доимо иш олиб бориш зарур. Бу сув хўжалиги органларининг, колхоз ва совхозларнинг бевосита вазифасидир.

Пахтани кўп етиштиришни, бу соҳадаги тобора ортиб бораётган планларни амалга оширишни комплекс механизацияни кенг жорий этмасдан туриб тасаввур қилиб бўлмайди. Фақат машиналарнинг ҳамма турларидан оқилона фойдаланишгина дала ишларининг мўътадил ва қисқа агротехника муддатларида бажарилишини таъминлаши мумкин. Пахта ҳосилини эрта муддатларда ва мўл-кўл етиштириб олиш энг

муҳим вазифадирки, бу вазифани ҳал этишда механизаторлар жуда муҳим роль ўйнайдилар. Аллақачонлардан буён юзлаб хўжаликлар экишни туксизлантирилган чигитлар, аниқ уялаб экадиган сеялкалар билан ўтказмоқдалар, қатор ораларини ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб ишлашни ташкил этмоқдалар.

Деҳқонларнинг бурчи ғўзани парвариш қилиш жараёнида ҳам, ҳосилни йиғиб-териб олишда ҳам механизациянинг юксак даражада бўлишини таъминлашдан иборат. Бу йил механизаторлар тўрт миллион тонна пахтани машиналар билан териб бериш мажбуриятини олганлар, Бу маррани эгаллашга ҳозирданоқ тайёргарлик кўриш, пахта териш агрегатларининг самарали ишлаши учун шарт-шароит яратиш мақсадида ҳамма тадбирларни кўриш лозим.

Республика пахтакорлари машинасозларнинг фаол қўллаб-қувватлашларига умид қилишга ҳақлидирлар, бироқ, хўжаликларнинг пахтачилик машиналари ва механизмларга бўлган эҳтиёжлари ҳануз тўла қондирилмаётир. Пневмоподборшчиклари бўлган комбайнлар, кенг қаторлаб экадиган культиваторлар, ОВХ-28 чанглатиш-пуркаш машиналари, ғўзапоя юладиган ва бир қатор бошқа механизмлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш лозим.

Пахта хом ашёсининг сифатига алоҳида эътибор бериш лозим. Бу масала пахта тозалаш индустриясини қуритиш-тозалаш цехлари, хом ашёни сақлаш учун омборлар, унумдорроқ қабул қилиш-узатиш қурилмалари билан таъминлашга жуда боғлиқдир. Республика Пахта тозалаш саноати министрлиги ана шу жуда етилган масалаларни амалий ҳал этишни кучайтириши зарур.

Пахтачиликда сифат кўрсаткичи ингичка толали навларни етиштириш даражаси билан ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу йил камида 350 минг тонна «ипак» пахта олиш лозим. Бу навлар экилган майдонларга ўғитларни кўпроқ меъёрда ажратиш, уларни сув, гербицид ва техника воситалари билан мўл-кўл таъминлаш, хуллас, белгиланган топшириқ бажарилиши учун ҳамма чораларни кўриш зарур.

Шундай қилиб, беш йилликнинг якунловчи йилида республика қишлоқ хўжалиги ходимларига масъулиятли вазифаларни ҳал этиш лозим бўлади. Олға томон жадал ҳаракат қилиш учун партия ташкилотлари кучга-куч қўшиб ва қатъиятлик билан партиянинг иқтисодий сиёсатини турмушга ошириб боришлари, ривожланишнинг интенсив омилларига, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга, юксак пировард натижаларга эришишга асосий эътиборни қаратишлари керак.

КПСС МКнинг 1979 йилдаги ноябрь Пленуми айни ана шу нарсага эътиборни қаратди. Пленум министрликлар ва идораларнинг ишига юксак талаблар қўйди.

Шу билан бирга, ўртоқ Л. И. Брежнев Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчилари олдида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, омманинг ташаббусини бутун чоралар билан ривожлантириш зарур. Хўжаликнинг турли соҳалари ва барча районлари учун ягона рецепт бўлиши мумкин эмас, деди у. Шу нарса равшанки, ҳар қандай масала хусусида юқоридан кўрсатма берилишини кутиб, қўл қовуштириб ўтирган жойларда муваффақиятга эришиб бўлмайди. Ва, аксинча, башарти одамлар дадил ишга киришсалар, ташаббусга имконият яратсалар, амалий янгиликларни қўллаб-қувватласалар муваффақият таъминланган бўлади.

Республикамиздаги илғор колхоз ва совхозларнинг ютуқлари бу фикрни тасдиқлайди. Одатда уларда меҳнат пухта ташкил этилган бўлади, резервлардан миришкорлик билан фойдаланилади, илғор тажриба жорий этилади. Бундай коллективларда раҳбарлар оқилона дадиллик, тадбиркорлик кўрсатадилар, ишни яхшилаш учун андаққина

имкониятни ҳам қўлдан бой бермайдилар, юксак пировард натижаларга эришадилар, партия ташкилотлари эса мусобақани фаол ривожлантирадилар, маъмурият фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқини принципиал амалга оширадилар, нуқсонлар, хўжасизлик, лоқайдлик учун қаттиқ жавобгарлик талаб қиладилар. Коммунистлар уюшқоқлик, ишчанлик, ўз вазифаларини бажаришга ижодий ёндашишда бошқаларга ибрат бўлмоқдалар.

Бизнинг ишимизда мақсадлар равшан, конкретлик, пухталик ва оперативлик бўлиши керак. Партия комитетлари нима сабабдан ва кимнинг айби билан қолоқлик юз берганини, ишни ким барбод қилганини ҳамиша билишлари ва айбдорлардан албатта жавобгарлик талаб қилишлари шарт. Бошқаларга таяниб иш кўришга барҳам бериш, ўз айбини бошқаларга тўнкаш учун ҳар қандай уринишларга чек қўйиш, ўзининг фаолиятсизлигини объектив шарт-шароитлар деб аталган важлар билан оқлашга чек қўйиш муҳимдир. Ҳормай-чарчамай меҳнат қилиш, эришилган натижаларни ижодий, танқидий баҳолаш, ҳамиша олға томон бориш, ишга ўз қалб қўрини бериши керак.

Ўртоқ Л. И. Брежнев бу ҳақда ажойиб гапларни айтди: «Лавозим» ва «бурч» туб моҳияти билан маънодор сўзлардир,— деди у Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчилари олдида сўзлаган нутқида.— Халқ олдидаги партиявий, хизмат, инсоний бурчингни доимо эсда тутмоқ керак. Киши бу бурчни оғишмасдан бажармай туриб, сўз билан ишни бир-бирига боғлаш маҳоратини эгалламай туриб, ҳақиқий партия ва совет ходими бўлиши мумкин эмас ва бўла олмайди ҳам. Зўр меҳнатсеварлик ва интизом, ўзига талабчанлик ва беқусур ҳалоллик — ҳар бир ходим яхши ном чиқаришининг негизидир. Бу яхши номни умр бўйи ва бутун ҳаёт давомида тасдиқлаш керак».

Биз КПСС МК Бош секретарининг ана шу бебаҳо маслаҳати ва кўрсатмасига ўзимизнинг амалий фаолиятимизда доимо риоя қилишимиз, ўзимизнинг ҳар бир қадамимизни ҳамиша у билан қиёс қилиб кўришимиз лозим.

Меҳнаткашларнинг ижодий ташаббусини ривожлантириш, социалистик мусобақани янада такомиллаштириш қишлоқ хўжалигини юксалтиришда жуда катта роль ўйнаши керак. Бугунги кунда меҳнат соҳасидаги беллашувнинг конкрет хўжалик натижалари ҳам, унда мужассамланган катта тарбиявий имкониятлар ҳам муҳимдир.

Бу соҳада партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, халқ депутатлари Советлари учун кенг фаолият майдони мавжуд. Улар фақат мусобақанинг пировард иқтисодий натижаларини назар-эътиборда тутибгина қолмай, балки шу билан бирга ана шу натижаларга эришиш имконини берган илғор иш усуллари ва методларини, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни доимо юзага чиқариб, тарғиб қилиб, ёйиб боришлари керак. Кенг оммавий-сиёсий иш олиб бориш, қишлоқ меҳнаткашларининг ижодий изланишлари ва ташаббусини доимо қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнат, турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида, ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларини қондириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш — уларнинг юксак бурчи ва вазифасидир.

Ўзбекистон ССР еттинчи дафъа олишга муяссар бўлган Ватаннинг юксак мукофоти — КПСС МК, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ МКнинг кўчма Қизил байроғи ўзининг зиёси билан республика меҳнаткашларининг меҳнат соҳасидаги жасоратини яна нурафшон қилиб турмоқда, янги зафарларга чорламоқда. Социалистик мажбуриятларни бажариш, беш йилликнинг якунловчи йилини, КПСС XXVI съездига фаол тайёргарлик кўриш йилини зарбдорларча ишлаш, ленинча ишлаш билан нишонлаш Ўзбекистон коммунистларининг, қишлоқ меҳнатчиларининг шон-шараф ишидир.

ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚНИНГ СЎНМАС ЖАСОРАТИ

В. РОДИН,
генерал-лейтенант, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармасининг бошлиғи

1980 ЙИЛ 9 МАЙ КУНИ совет кишилари, улар билан бирга социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг халқлари, бутун тараққийпарвар инсоният Улуғ Ватан урушидаги тарихий Ғалабанинг, партия, совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари мислсиз жасоратининг самараси бўлган ғалабанинг 35 йиллигини тантанали нишонлайдилар.

Бу йил биз Ғалаба кунини Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг шонли 110 йиллиги юбилейидан кейин байрам қиламиз. Шу икки воқеа ёнма-ён тургани ғоят рамзий бир ҳолдир. Бизнинг ғалабамиз абадий барҳаёт Ленин ғоялари енгилмас кучининг ёрқин далилидир. Совет кишилари шу ғояларни байроқ қилиб олиб, жангу жадаллар алангасидан, беқиёс қийинчиликлар ва маҳрумликлар орқали урушни ғолибона тугаллаш сари бордилар. «Совет жангчилари қўли билан рейхстаг устига ўрнатилган Қизил байроқ биз урушда қозонган ғалабамизнинг байроғи бўлибгина қолгани йўқ. Бу — Октябрнинг... барҳаёт байроғи эди; бу — Лениннинг улуғ байроғи эди; бу — барча халқлар умидининг порлоқ рамзи, озодлик ва бахт-саодат рамзи бўлган социализмнинг енгилмас байроғи эди» (Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар. 2-том, 105-бет).

Улуғ Ватан уруши совет тузуми учун энг оғир синов бўлди. Германия фашизми бу урушда дунёда биринчи социалистик давлатни тугатиш, унинг территориясини парчалаб ташлаш, мамлакатимиз халқларини асоратга солиш, миллион-миллион совет кишиларини қириб ташлаш мақсадини кўзлаган эди. Ватанимиз мустақиллигигина эмас, жаҳон социализмининг, ижтимоий тараққиёт ва башарият цивилизациясининг тақдири ҳам хавф остида қолган эди.

. Биз улуғ Ғалаба кунини нишонлар эканмиз уруш сабоқларини назардан ўтказамиз, урушнинг ўзидан ва шунингдек урушдан олдинги тарихдан келиб чиқадиган хулосаларга мурожаат этамиз, совет халқининг фронтда ва мамлакат ичкарисида кўрсатган мислсиз жасоратининг жаҳоншумул-тарихий аҳамиятини 35 йиллик масофадан баҳолаймиз.

СССРга қарши урушга бутун дунё реакцияси тайёргарлик кўрган, Гитлер фашизмига зарбдор куч ролини бериб қўйган эди. АҚШ, Англия, Франция монополиялари фашизмни Совет Иттифоқига қарши юбориш учун унга бажонидил ён беравердилар, немис экономикасига миллиард-миллиард доллар маблағ сарфладилар. Шу туфайли фашистлар Германияси қудратли ҳарбий машинани вужудга келтира олди. АҚШ бошчилигидаги империалистик давлатларнинг фашизмни «тинч-

лантириш» сиёсати Мюнхен битимига олиб борди, бу битим агрессорларга гумашталик ва халқларга хиёнаткорликнинг чўққиси бўлди. СССРга қарши юриш қилиш учун аванс тариқасида Чехословакия Гитлернинг оёғи остига ташлаб қўйилди.

Фашизмга ҳомийлик сиёсати халқларга қимматга тушди.

Фашистлар Германияси иккинчи жаҳон урушини бошлаб, Европадаги ўн битта давлатни, шу жумладан Францияни ҳам оккупация қилиб олди. Англия гитлерчи галаларнинг босиб кириш хавфи остида қолди. Капиталистик дунёда фашист босқинчиларни тўхтата оладиган куч топилмади.

Ҳозир буни эслатиш зарурлигининг боиси шуки, АҚШ ва Ғарбдаги бошқа мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари тарих сабоғини ўзлаштириб олганлари йўқ. Мюнхен замонларида бўлганидек улар реакциянинг жами кучини Советларга қарши блокка бирлаштиришга интилмоқдалар, «хитойча карта» ўйнаб, Хитойни Совет Иттифоқи билан уруштириб қўйишга умид қилмоқдалар. Бу — тинчлик ишига хатарли, калтабин сиёсатдир.

Дунёда биринчи социалистик давлат — Совет Иттифоқи Германия фашизмининг жиноий режаларини барбод қила олган куч бўлиб чиқди. Ғалабамизга урушдан анча илгари асос солинган эди.

Урушдан олдинги йилларда мамлакат мудофаа қобилиятининг ва Совет Қуролли Кучлари жанговар қудратининг иқтисодий негизи тез суръатлар билан ривожлантирилди. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг территориал жойлашувида муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Мамлакат Шарқида иккинчи саноат-экономика базаси барпо этилди, миллий республикалар ва областлар хўжалиги ҳамда маданиятини юксалтириш соҳасида катта-катта тадбирлар амалга оширилди. Бу сиёсатнинг натижалари Ўзбекистон мисолида яққол кўринар эди. Ўзбекистон ўзининг техникавий-иқтисодий ва маданий қолоқлигини тугатиш йўлидан тез олға борди. Урушдан олдинги йилларда республикада химия, машинасозлик, ёқилғи, ип газлама саноати, транспорт, шунингдек қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши анча ривож топди. Ўзбекистон Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси бўлиб қолди. Мана шуларнинг ҳаммаси республиканинг уруш даврида ҳарбий экономикага қўшган катта ҳиссасини олдиндан белгилаб қўйган эди.

Социал ва маънавий соҳалардаги ўзгаришлар урушдан аввалги йилларда эришилган ва мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш учун зўр аҳамиятга эга бўлган энг катта ғалабалар жумласига киради. Совет жамиятида дўст синфларнинг бузилмас иттифоқига асосланган халқнинг маънавий-сиёсий бирлиги тарихда биринчи марта юзага келди, мамлакат маънавий кучи ва енгилмаслигининг қудратли омили бўлмиш халқларнинг улуғ дўстлиги вужудга келиб мустаҳкамланди, шу дўстлик гитлерчиларнинг кўп миллатли Совет давлати парчаланиб кетади, деган умидларини пучга чиқарди.

Янги, социалистик типдаги инсонни тарбиялаб вояга етказиш урушдаги ғалабанинг муҳим маънавий шарти бўлди. Коллективизм, инсонпарварлик, синфий бирдамлик, революцион фидокорлик, партиянинг даъватига биноан курашнинг ҳар қандай участкасига боришга шай бўлиб туриш — социалистик жамият кишисига хос бўлган мана шу фазилатлар машаққатли синов йилларида яққол намоён бўлди.

Уруш яқинлашиб келаётган вазиятда Коммунистик партия билан Совет ҳукумати Совет Қуролли Кучларини мустаҳкамлаш, унинг жанговар тайёргарлигини ошириш юзасидан катта-катта тадбирларни амалга оширдилар. Қизил Армиянинг сафи тез ўсди. Урушдан аввалги икки йилдан камроқ вақт ичида ўнлаб янги ўқчи дивизиялар тузилди. Ҳарбий кадрлар тайёрлаш ва тарбиялашга жуда катта эътибор берилди.

Мамлакат мудофаа қобилиятини ошириш ҳамда армия ва флотни мустаҳкамлаш юзасидан бошқа тадбирлар ҳам изчиллик билан амалга оширилди. Афсуски, муддат чекланганлиги сабабли белгиланган режаларнинг ҳаммасини ҳам юзага чиқаришга илож бўлмади. Бироқ, умуман агрессорни тор-мор этиш учун зарур моддий-техникавий ва бошқа шарт-шароитлар яратиб қўйилди.

Уруш социалистик ижтимоий ва давлат тузумининг пухталигини яна бир карра намойиш қилди. Маккор ва кучли душманга қарши кўлами ва шиддати жиҳатидан мислсиз жангда ҳақиқий яшаш қобилиятига эга бўлган ва ғоят кенг меҳнаткашлар оммасининг астойдил мададига таянган ижтимоий-сиёсий системагина енгиб чиқиши мумкин эди.

Фашистлар Германияси мамлакатимизни қўққисдан босиб олиш учун ўзининг асосий кучларини ишга солишига қарамай, биз бардош берибгина қолмай, ғалабага ҳам эришдик. Бостириб кирган армия сафида 5,5 миллион солдат ва офицер, 4 мингдан ортиқ танк, 5 мингга яқин самолёт, салкам 48 минг тўп ва миномёт бор эди.

Урушнинг бошланиши Совет Иттифоқи учун ноқулай бўлди. Вақтинчалик устунлик: Германиянинг экономикаси ва бутун турмуши милитарлаштирилганлиги, Ғарбдаги уруш ҳаракатлари тажрибаси, қурол-яроғдаги ва қўшинлар сонидаги устунлик, бутун Ғарбий Европанинг иқтисодий ва ҳарбий ресурслари тўпланганлиги ва шунингдек қўққисдан ҳужум қилинганлиги сабабли немис-фашист қўшинлари Совет Иттифоқи территориясига анча ичкарилаб бордилар. Босқинчилар ҳамма жойда ажал ва вайронгарчилик уруғини сочдилар. Ватанимиз ҳалокат хавфи остида қолди. Совет-Германия фронтидаги воқеаларни жаҳон аҳли синчиклаб кузатиб турди, чунки планета келажаги масаласи: социализм енгиб чиқадими ёки фашизмми, озодлик ёки қуллик бўладими? — деган масала айни шу ерда ҳал этилар эди.

Совет мамлакати учун мана шу қийин даврда Коммунистик партиянинг илҳомлантирувчилик, ташкилотчилик ва раҳбарлик роли бутун улуғворлиги билан намоён бўлди. Ҳалокат хавфи қаршисида партия маккор душманга қарши курашнинг жанговар программасини қабул қилди, бу программа ВКП(б) МК ва СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1941 йил 29 июнь Директивасида баён этилди. Унда урушнинг сиёсий мақсадлари ва шу мақсадларга эришиш йўллари белгиланди. Партия гитлерчи босқинчиларга қарши умумхалқ курашини ташкил этганида Лениннинг «...модомики иш урушга бориб етган экан, ҳамма нарса уруш манфаатларига бўйсундирилиши лозим...» (ТАТ, 41-том, 129-бет), деган кўрсатмасига асосланди. Сиёсий, иқтисодий, мафкуравий ва ҳарбий тадбирларнинг бутун системаси уруш эҳтиёжларини таъминлашга, мамлакатни «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!» деган шиор остида яшайдиган ва ишлайдиган қалъага айлантиришга қаратилган эди.

Партия ва давлат аппарати ҳарбий шароитга мослаб қайта қурилди. Бутун ҳокимият 1941 йил 30 июнда тузилган Давлат Мудофаа Комитети қўлига тўпланди.

Социалистик Ватан тақдири учун бутун масъулиятни ўз зиммасига олган партия давлат фаолиятининг ҳамма соҳаларига, жамиятни ҳарбий ташкил этишнинг барча элементларига узлуксиз, кун сайин раҳбарлик қилиб турди. Уруш даврида ВКП(б) МК Сиёсий бюроси, Ташкилот бюроси ва Секретариатининг 200 дан ортиқ мажлиси бўлганлиги жумладан ана шундан далолат беради.

Партия ўзининг энг яхши вакилларини курашнинг энг маъсулиятли, ҳал қилувчи участкаларига юборди. ВКП(б) МК аъзолари ва кандидатларининг ярмига яқини ва Марказий Комитет аппаратининг 270 масъул ходими, иттифоқдош республикалар Компартиялари Мар-

казий Комитетлари, ўлка ва область комитетларининг кўпгина секретарлари Ҳаракатдаги армия сафига қўшилдилар. Уларнинг орасида Леонид Ильич Брежнев ҳам бор эди. У урушнинг биринчи кунидан то сўнгги кунигача Ҳаракатдаги армияда хизмат қилди. Жанговар комиссар, истеъдодли ташкилотчи ва сиёсий раҳбар Л. И. Брежнев ўша вақтда жасоратли ва матонатли солдат бўлди.

Коммунистлар жангчи ва командирларнинг, мамлакат меҳнатчиларининг сафларини метиндек жипслаштирдилар. Улар фронтда ва мамлакат ичкарисида социалистик Ватанга фидокорона хизмат қилиш намуналарини кўрсатдилар. Улар ғалаба кунини яқинлаштириш учун жонларини ҳам аямадилар. Уруш йилларида уч миллион коммунист улуғ ишимизнинг тантанаси йўлида, муштоқ бўлиб кутилган ғалаба кунини яқинлаштириш йўлида жонини фидо қилди. Шу вақт ичида партияга беш миллион киши кирди, бу эса совет кишиларининг ўз партиясига астойдил ишончини, унинг идеаллари учун пировардигача курашишга азму қарор берганликларини кўрсатувчи яққол мисолдир.

Армияни ғалабага эришиш учун ҳамма зарур нарсалар билан таъминлашга қодир бўлган қудратли ҳарбий хўжалик вужудга келтирилганлиги, бутун экономика ҳарбий изга кўчирилганлиги душманни тор-мор этишни ташкил қилиш соҳасида партия фаолиятининг бениҳоя муҳим томони бўлди. 1523 та саноат корхонаси ва 10 миллиондан зиёд киши шарқий районларга кўчирилди. Ўзбекистонда 93 та завод ва фабрикани жойлаштириш лозим эди. Кўчириб келтирилган корхоналар республика Компартияси Марказий Комитети ва ҳукуматининг ёрдами, ишчилар, инженерлар ва техникларнинг фидокорона меҳнати туфайли жуда қисқа муддатларда ишга тушириб юборилди. Москвадан кўчирилган Чкалов номли авиация заводи 1942 йил январидаёқ маҳсулот бера бошлади. Сумидан келтирилган Фрунзе номли (ҳозирги Чирчикхиммаш) заводи Чирчиқда бир ой ичида монтаж қилинди.

Уруш дастидан ўз жойларини ташлаб келган миллион-миллион аёллар ва болаларни, кексаларни ўзбек халқи туғишган қардошлардек бағрига олиб, уларнинг бошини силаганини ҳеч қачон унутиб бўлмайди. Партия, совет ва жамоат ташкилотларининг ташаббуси билан республикада кўчириб келтирилган аҳолига, айниқса етим болаларга имкони борича кўпроқ ёрдам бериш учун умумхалқ ҳаракати бошланди. Бу — мамлакатимиз халқлари бузилмас дўстлигининг ёрқин намойиши эди.

Совет халқи чинакам қаҳрамонлик кўрсатиб, Ҳаракатдаги армия учун зарур қурол-яроғ, жанговар техника ва бошқа воситаларни етказиб турди. Мамлакатимиз территориясининг анчагина қисмини душман оккупация қилиб турган шароитда партия, ишчилар синфи, инженер-техник ходимларнинг куч-ғайратлари туфайли ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқаришни кескин кўпайтиришга муваффақ бўлинди. Натижада фашистлар Германиясидагига нисбатан СССРда қурол-яроғ йилига ўрта ҳисобда кўпроқ ишлаб чиқарилди. Қурол-яроғларимизнинг сифати ҳам анча юқори эди. Социалистик экономиканинг, ижтимоий ва давлат тузумимизнинг буюк афзалликлари мана шунда намоён бўлди.

Урушнинг қийин йилларида колхоз тузуми ўзининг чинакам битмас-туганмас имкониятларини кўрсатди. 1941—1944 йилларда экинзорлар ноиложликдан анча қисқарган, машиналар ва одам ресурслари етишмаган бир шароитда давлат хирмонига 4 миллиард 312 миллион пуд, яъни революциядан аввалги Россияда биринчи жаҳон уруши йилларида тайёрлангани ва харид қилинганидан уч баравардан зиёд кўп дон топширилди. Қишлоқ меҳнатчилари ўзларининг Ватан олдидаги ватанпарварлик бурчларини шараф билан бажардилар.

Ҳарбий хўжаликни ривожлантиришга Ўзбекистон катта ҳисса қўш-

ди. Уруш йилларида республика фронтга юзлаб самолёт, минглаб авиамотор, миллионлаб авиабомба ва снарядлар етказиб берди; республика деҳқонлари 4 миллион 806 минг тонна пахта ва 1 миллион тоннадан кўпроқ дон етиштириб, давлатга топширдилар. Фронтга умумхалқ ёрдами кўрсатишда Ўзбекистон меҳнаткашлари актив қатнашдилар. Улар уруш йилларида мудофаа фондига пул, давлат заёми облигациялари, қимматли буюмлар ва асл металлар билан — жами 4 миллиард 700 миллион сўмдан зиёд ҳисса қўшдилар.

Маълумки, урушнинг тақдири гитлерчи босқинчиларга қарши қонли жангларда ҳал бўлди. Уруш ҳаракатларини ташкил этиш ва Қуролли Кучларни мустаҳкамлаш соҳасида партия алоҳида ғамхўрлик қилди. Урушнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ Қуролли Кучларни такомиллаштириш иши зўр ғайрат билан бошлаб юборилган эди. Армия билан флотни кенг сафарбар этиб, ҳаракатга шайлаб қўйиш иши уюшқоқлик билан тез ўтказилди. Янги қўшилмалар тузилди, ҳаракатдаги армия учун резервлар оммавий равишда тайёрланди. 1941 йилнинг охирига келиб ўнлаб ўқчи дивизия, ўқчи ва танк бригадалари тузилди.

Қуролли Кучлар сафининг кенгайиши, жангдаги талафотлар Коммунистик партиядан армия бошлиқлари кадрларини тайёрлаш ишига алоҳида эътибор беришни талаб қилди. Уруш йилларида 31 та олий ҳарбий ўқув юрти, 220 та ҳарбий билим юрти ва 200 тадан кўпроқ курс жадал ишлаб турди. Уруш йилларида юз минглаб яқин офицер тайёрланди.

Ўзбекистонда ва Ўрта Осиё округи территориясидаги бошқа ҳамма республикаларда ҳам жанговар резервларни тайёрлаш соҳасида катта иш қилинди, бу округ уруш бошланиши билан фронт учун жанговар резервлар ва офицер кадрлар етиштириш маконига айланди. Запасдаги қисмлар ва қўшилмаларда ҳар хил қўшин турларининг мутахассислари, шунингдек командир кадрлар тайёрланди. Бир неча ҳарбий академия ва билим юрти округ территориясига кўчирилди. Уруш йилларида округда ўн минглаб офицер тайёрланди.

Ҳаммаси бўлиб уруш даврида округда бир неча ўнлаб дивизия, 20 та бригада, юзлаб пиёда бўлинмалар тузилиб, ўқитилиб, фронтга юборилди. Округда тайёрланган қўшилмалар ва қисмлар Улуғ Ватан урушининг ҳамма энг муҳим жангларида актив қатнашдилар ва ўз жанговар байроқларини сўнмас шуҳратга қопладилар.

Қўшинлардаги партиявий-сиёсий ишни такомиллаштириш, партиявий таъсирни кучайтириш масалалари доимо партиянинг диққат марказида турди. Сиёсий ходимларни танлаш ва тарбиялашга алоҳида эътибор берилди, улар армия ва флотнинг шахсий составини тарбиялашда, қисмлар ва бўлинмаларнинг жанговарлик қобилиятини оширишда ғоят катта роль ўйнадилар. 1942 йилда «Правда» газетаси бундай деб ёзди: «Қўлига автомат ушлаган, маскировка камзули ва каска кийган, олдинда бориб жангчиларни герман фашистларини тор-мор этиш ва ўз Ватанини озод қилишдек юксак ва олижаноб мақсадга эришишга руҳлантирган политрук қиёфаси Улуғ Ватан уруши тарихига шонли ва фахрли қиёфалардан бири бўлиб киради».

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, Совет Иттифоқи Маршали ўртоқ Л. И. Брежнев ўзининг «Кичик ер» китобида урушда сиёсий ишнинг ва сиёсий ходимларнинг аҳамияти тўғрисида илҳом билан ёркин сатрлар ёзди. Китобда қўшинларнинг юксак маънавий руҳига, ҳар бир жангчининг Ватан олдидаги ўз бурчини бекаму кўст бажаришга шай бўлиб туришига эришишда ва бу кайфиятни кучайтиришда сиёсий ходимларнинг фавқулодда роли таъкидланган.

Партиянинг ҳарбий ташкилотчилик ишида душман орқасидаги умумхалқ курашига раҳбарлик қилиш катта ўрин олди. Бу кураш гитлерчи босқинчиларга қарши фронтдаги қаҳрамонона жангда Қуролли Кучларга жуда катта ёрдам берди ва ғалабанинг стратегик омилларидан бири бўлди. Партия оккупация қилинган территорияда кенг тармоқли партия органларини тузди. 1943 йил кузида ўша ерларда 24 та область, 370 та округ, шаҳар комитети ва бошқа яширин партия органлари иш кўриб, улар партизанлар ҳаракатига раҳбарлик қилдилар. Ўша даврда партизанлик ҳаракати сафларида 1 миллиондан ортиқ халқ қасоскорлари бор эди. Кўпгина ўзбекистонликлар, шу жумладан партизан отряди разведкасининг командири Совет Иттифоқи Қаҳрамони М. Топиболдиев, шунингдек А. Абдураззоқов, И. С. Жаров, Қ. Абдувалиев, И. Я. Волков, Т. Исломов ва кўпгина бошқа кишилар душман орқасидаги партизанлик ҳаракатида қатнашдилар. Брянск ўрмонларидаги партизанлар орасида ўзбекистонлик 145 жангчи бор эди.

Оммавий партизанлик ҳаракати урушнинг умумхалқ характеридан, совет кишиларининг ўз социалистик Ватанига, Ленин партиясига астойдил содиқлигидан яққол далолат берар эди.

Шу тариқа, партиянинг доно сиёсати, унинг кундалик раҳбарлиги туфайли социализмнинг қудратли кучлари ҳаракатга келтирилди, унинг жуда катта имкониятларидан максимал равишда фойдаланилди. Совет халқи фашист босқинчиларга қарши муқаддас Ватан урушига отланди. Фронт билан мамлакат ичкариси битта қудратли мушт бўлиб бирлашди. Барча совет кишилари душманни янчиб ташлаш, уни жонажон диёрдан ҳайдаб чиқариш, фашизмни йўқ қилишдек битта иштиёқ билан яшадилар.

Оғир мудофаа операцияларида Совет Армияси душманнинг силласини қуритди, урушнинг боришида туб бурилиш бўлишига эришиб, ҳал қилувчи ҳужумга ўтиб, улуғ Ғалабани қўлга киритди. Немис-фашист босқинчиларининг Москва остонасида, Сталинград бўсағасида ва Шимолий Қавказда, Курск яқинида, Украина ва Ленинград атрофида, Белоруссия ва Болтиқ бўйида мағлубиятга учраши, Европанинг кўпгина халқлари гитлерчилар оккупациясидан халос қилиниши, душманнинг ўз уясида тор-мор этилиши ва Берлиннинг ишғол қилиниши — совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари ғалаба йўлида босиб ўтган шонли ва унутилмас босқичлардир.

Душманга қарши шиддатли жангда бизнинг социалистик ҳарбий ташкилотимиз империалист давлатлар ҳарбий ташкилотидан ўзининг шак-шубҳасиз устунлигини яққол исботлади. Совет Қуролли Кучлари Улуғ Ватан уруши илк даврининг қийин кунларида ҳам, жонажон диёрни озод қилиш пайтида гитлерчи босқинчилар устидан қозонилган ажойиб ғалаба кунларида ҳам, сўнгра Европа халқларини фашизм зулмидан халос қилишда ҳам бекиёс маънавий-сиёсий ва жанговар фазилатларини намойиш этдилар. Ҳарбий фанимизнинг ижодий характери, Коммунистик партия вояга етказган совет ҳарбий кадрларининг жанговар етуклиги тўла-тўкис намоён бўлди.

Фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалаба инсоният олдида ижтимоий ва давлат тузумимизнинг яшашга қобил эканлиги ва енгилмаслигини, унинг капиталистик тузумдан афзаллигини тўла-тўкис кўрсатибгина қолмай, шу билан бирга коммунистик ғояларнинг забардаст кучини, бу ғояларнинг империализм, фашизм, миллатчилик ва ирқий нафратдан иборат инсон зотига ёт идеология устидан қилган тантанасини ҳам намойиш этди. Мамлакатимиздаги миллион-миллион омманинг онгига сингган марксизм-ленинизм идеологияси чинакам улуғ моддий кучга, совет кишилари юксак маънавий руҳининг ҳаётбахш манбаига айланди. Улар чуқур ички эҳтиёж билан, қалб амри билан жанговар вазиятда ҳам, меҳнатда ҳам юксак коммунизм, совет ватан-

парварлиги ва пролетар интернационализми идеалларига муттасил риоя қилдилар.

Оддий аскар Александр Матросов, капитан Николай Гастелло, генерал Дмитрий Карбишевларнинг социалистик Ватан йўлида қилган ва уруш йилларида кўп марталаб такрорланган жасоратлари совет кишиси зафарбахш руҳий кучининг тимсоли бўлди. Жасорат кўрсатиш Ватан қуролли ҳимоячиларининг феъл-атвор нормаси бўлиб қолди.

Москва ва Сталинград, Брест қалъаси ва Минск, Одесса ва Севастополь, Ленинград ва Киев, Тула, Новороссийск ва Керчь мудофааси қаҳрамонларининг шуҳрати асрлар давомида сўнмайди.

Жангчиларнинг қаҳрамонлигини Ватан юксак баҳолаб, 7 миллиондан ортиқ кишини орден ва медаллар билан тақдирлади. Шундан 11 мингдан зиёд киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Армия ва Флотнинг минглаб қисмлари ва қўшилмалари СССР орденлари билан мукофотланди. Кўпгина қўшин бўлинмалари гвардиячи бўлинмаларга айлантирилди, уларнинг анчасига ўзлари алоҳида ўрнак кўрсатиб жанг қилиб олган шаҳарлар ва қишлоқларнинг фахрий номлари берилди.

Кўп миллатли Ватанимизнинг ҳамма халқлари, шу жумладан Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам улуғ жанг йилномасига шонли саҳифалар ёзишди. Улар мамлакат ичкарисида ғайрат билан меҳнат қилдилар, фронтда мардона жанг қилдилар.

Коммунистик партия билан Совет давлати ўзбекистонликларнинг жанговар ва меҳнат жасоратларини юксак баҳоладилар. Республиканинг 120 мингдан ортиқ энг яхши ўғил ва қизи Ватан учун жангларда кўрсатган мардлиги ҳамда жасорати учун Совет Итифоқининг орден ва медаллари билан мукофотланди, улардан 280 жангчи Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, 32 киши учала даража «Шуҳрат» ордени кавалери бўлди. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари орасида генерал Собир Раҳимов, С. Қосимхўжаев, П. Нурматов, К. Ёқубов, К. Суюнов, В. Набиев ва бошқа кўп кишилар бор. 109 мингдан кўпроқ ўзбекистонлик «Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медали билан, 60 минг киши меҳнат жасоратлари учун орден ва медаллар билан мукофотланди. Бу мукофотлар Ўзбекистоннинг Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган жаҳоншумул-тарихий ғалабага қўшган муносиб ҳиссаси умумхалқ таҳсинига сазовор бўлганининг ифодасидир.

Совет халқининг ғалабаси социализм, тинчлик ва тараққиёт кучларини янада мустаҳкамлаш учун тарихий аҳамиятга эга бўлди. Германия фашизми, сўнгра эса Япония милитаризми тор-мор этилганлиги Европа ва Осиёнинг бир қанча давлатларидаги реакцион режимларнинг инқирозига, уларда социалистик революцияларнинг ғалаба қозонишига ва жаҳон социализм системасининг вужудга келишига олиб борди. Эндиликда қардош социалистик давлатларнинг ҳамдўстлиги энг изчил иқтисодий куч, жаҳон сиёсатининг етакчи омили бўлиб турибди.

Фашизм устидан қозонилган ғалаба халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракатни янада ривожлантириш учун қулай шароит яратди. У халқларнинг миллий-озодлик кураши қудратли равишда юксалишига, империализм мустамлакачилик системаси барбод бўлишига кўмаклашди.

Натижада жаҳон майдонидаги кучларнинг жойлашиши ва нисбатида демократия ва социализм фойдасига туб ўзгаришлар содир бўлди. Империализм халқларнинг тақдирини ўз хоҳишига қараб ҳал этиш имкониятидан маҳрум бўлди.

Улуғ Ватан урушидаги ғалаба СССРнинг позициясини мустаҳкамлаша, унинг халқаро обрў-эътибори ва нуфузини ғоят ўстиришга

кўмаклашди. Бу ғалаба совет халқининг коммунистик қурилишдаги буюк муваффақиятларига нур сочди.

Халқаро империализмнинг Совет давлати уруш давомида заифлашади, деган умидлари пуч бўлиб чиқди. Жуда қисқа муддат ичида Советлар Мамлакати уруш жароҳатларини даволаб, экономика, фан ва маданият ривожида илғор позицияларга, етук социалистик жамият марраларига чиқиб олди.

Совет кишиларининг фидокорона меҳнати туфайли ўнинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида тўққизинчи беш йилликнинг шу даврига нисбатан 600 миллиард сўмлик кўп саноат маҳсулоти, 40 миллиард сўмликдан зиёд кўп қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Миқдор жиҳатдан ўсиш билан бирга халқ хўжалигидаги чуқур сифат силжишлари тобора катта аҳамият касб этмоқда. Халқ моддий фаровонлигини ва маданий турмуш даражасини юксалтириш соҳасида беш йиллик план топшириқлари муваффақиятли бажарилмоқда.

Ҳамма иттифоқдош республикалар коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда катта муваффақиятларга эришдилар. Ўзбекистон бунинг ёрқин мисолидир. Республика ўнинчи беш йиллик учун белгиланган иқтисодий ва социал ривожланиш планларини шараф билан бажарди.

Лениннинг тинчликни сақлаш коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишнинг зарур шарти эканлиги тўғрисидаги кўрсатмасига амал қилиб келаётган Коммунистик партия билан Совет давлати КПСС XXIV ва XXV съездлари белгилаб берган тинчликсевар ташқи сиёсат йўлини сабот билан муттасил ўтказиб келмоқдалар, тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун курашмоқдалар.

Ғарбда кескинликни юмшатишни қўпориш йўлига ўтган агрессив кучлар мутлақо бошқа йўлдан бормоқдалар. Америка Қўшма Штатлари мана шу йўлнинг бош ташаббускори ва ўтказувчиси бўлмоқда. Унинг ҳукумати «совуқ уруш» йўлини тобора зўр бериб ўтказишга интилаётганлигини воқеалар кўрсатиб турибди. «АҚШнинг ҳозирги раҳбарлари,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев 1980 йил 22 февралда сайловчилар ҳузурида сўзлаган нутқида,— кескинликни юмшатишни барбод қилиш ва халқаро вазиятни кескинлаштириш йўлини ўтказаётганлиги равшан бўлиб қолди».

АҚШ ҳарбий устунликка эришиш йўлига ўтиб, «дунёда раҳбарлик роли»ни ошкора даъво қилиб, дунёнинг турли регионларини ўз ҳаётий манфаатлари соҳаси деб эълон қилди. Унинг буйруғи билан НАТО агрессив блоки қурол-яроғларни кўпайтириш ва такомиллаштиришнинг узоқ муддатли программасини амалга оширмоқда. Ғарбий Европадаги бир қанча мамлакатларда Американинг ўртача олисликка учадиган ҳамда СССРга ва унинг иттифоқчиларига қарши қаратилган 572 та янги ракетасини жойлаштириш тўғрисида иғвогарона қарор қабул қилинди.

Империалист доиралар билан маҳкам бирлашиб олган хитойлик гегемончиларнинг Советларга қарши авантюристик сиёсати катта хавф туғдирмоқда. Пекинлик раҳбарларнинг ўз қуролли кучларидан фойдаланишдаги телбалиги айниқса ташвиш туғдирмоқда. Хитойнинг социалистик Вьетнамга қилган қароқчиларча ҳужуми мана шуни кўрсатди.

Совет Иттифоқининг жанубий чегараларида хатарли вазият вужудга келди. Афғонистон ва Эрондаги революциялар, регионнинг бошқа мамлакатларидаги халқларнинг миллий-озодлик ҳаракати Америка империализмининг бу ердаги мавқеига ва хитойлик гегемончиларнинг тажовузкорлик муддаоларига жиддий путур етказди. Улар бунга то-

қат қила олмай, Жануби-Ғарбий Осиё районидаги экспансиячилик-қўпорувчилик фаолиятини кучайтирдилар. АҚШ ўз флотининг катта кучларини Эрон соҳиллари яқинига келтириб қўйди ва Афғонистон Демократик Республикасининг ички ишларига қўпол равишда аралашмоқда. У ўз гумашталари билан бирга аслида мана шу суверен давлатга қарши эълон қилинмаган уруш олиб бормоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси Афғонистоннинг ўз мустақиллигидан маҳрум бўлиши, уни мамлакатимиз жанубий чегарасида империализмнинг ҳарбий майдонига айланиши реал хавфини вужудга келтирди.

Мана шундай шароитда Совет ҳукумати АДР қонуний ҳукуматининг у ерга империалистик агрессияни даф қилишда афғон халқига амалий ёрдам беришдан иборат бирдан-бир мақсад билан чекланган совет ҳарбий қисмларини юбориш тўғрисида неча мартаба қилган илтимосларига жавоб бермаслиги мумкин эмас эди. Ўртоқ Л. И. Брежнев сайловчилар ҳузурида сўзлаган нутқида айтганидек, «СССР ўз ҳарбий қисмларининг Афғонистонга киритилиш сабаблари бартараф этилиши ва Афғонистон ҳукумати бу қисмларнинг туришига ортиқ зарурат қолмади, деб ҳисоблаши биланоқ уларни Афғонистондан олиб чиқиб кетади».

Ҳозирча Совет Иттифоқи рўй берган вазиятда доимо сергак бўлиб туришга, ўз мудофаа қобилиятини, ўз Қуролли Кучларини мустаҳкамлаш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилишга мажбур. СССР қардош мамлакатлар билан биргаликда социалистик ҳамдўстлик бирлиги ва жипслигини сабот билан мустаҳкамламоқда, унинг мудофаа иттифоқи механизми — Варшава Шартномаси Ташкилотини такомиллаштирмоқда, умумий душманга қарши жанглар алангасида туғилган интернационалчи жангчиларнинг жанговар дўстлигини мустаҳкамламоқда.

Партиянинг, Совет давлатининг ғамхўрлиги туфайли Қуролли Кучларимиз Ватан хавфсизлигига ҳеч кимнинг бемалол тажовуз қилишига йўл қўймайдиган, социализм ва коммунизм қурилишига халақит бермайдиган даражада тутиб турилипти.

Зафарли 1945 йилдан кейин ўтган вақт ичида Совет Қуролли Кучлари ўз ривожида анча илгарилаб кетди. Улар биринчи даражали қурол ва жанговар техника билан таъминланди, юксак даражада билимли офицер кадрлар, сиёсий етук, жипслашган, оташин ватанпарварлик ва пролетар, социалистик интернационализм руҳида тарбияланган шахсий составга эгадирлар.

КПССнинг раҳбарлиги Ватанимиз енгилмас мудофаа қобилиятининг бош омили, армия билан флот қудратининг манбаидир. Партия Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, шахсан ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Қуролли Кучларининг жанговар қудратини ошириш тўғрисида, ҳарбий техникани ва шахсий составнинг жанговар маҳоратини такомиллаштириш ҳақида зўр ғамхўрлик қилмоқдалар.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари шонли Қуролли Кучларимизнинг жанговар сафида муносиб ўрин олиб турибди. Мамлакатимизга чегарадош регионда халқаро империализм ва хитой гегемонистларининг кирдикорлари кучайган шароитда унинг Совет Иттифоқи жанубий чегаралари хавфсизлигини таъминлашдаги роли ошди. Бу эса юксак жанговар шай ҳолатда туриш, сиёсий сергаклик соҳасида Туркистон округи жангчилари олдига катта талаблар қўяди.

Округнинг бутун шахсий состави ҳозирги ўқув йилида мураккаб ва масъулиятли вазифаларни ҳал этиб, жанговар тайёргарликнинг юксак даражасини, зўр ташкилотчилик ва маънавий-сиёсий фазилатларни кўрсатди, ўз ҳарбий бурчини ва Ватан жанубий чегараларини ҳи-

моя қилиш учун шахсий масъулиятини чуқур тушунишини намойиш этди.

Округнинг шахсий состави ўзининг масъулиятли вазифаларини бажаришда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукумати ва меҳнаткашларининг мадади ҳамда ёрдамини доимо сезиб турибди. КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов округ қўшинларига катта эътибор бермоқда.

Туркистончи жангчилар ғалаба кунини жанговар ва сиёсий тайёргарликда, социалистик мусобақада олган мажбуриятларини бажаришда янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар, жанговар шон-шавкат ва шуҳрат эстафетасини ифтихор туйғуси билан олға элтмоқдалар, СССР Қуролли Кучларининг анъаналарини давом эттирмоқдалар.

Халқимиз ва унинг Қуролли Кучлари Ғалаба байрамини тантанали нишонлар экан, социалистик Ватанни қўлига қурол олиб ҳимоя қилган, мамлакат ичкарисида ғалабага замин яратган кишиларни ҳам шарафлайдилар. Партия, давлат, халқ уруш қатнашчиларига доимо меҳрибонлик ва эътибор кўрсатмоқдалар. Ғалабанинг 35 йиллиги арафасида КПСС МК билан СССР Министрлар Советининг «Уруш қатнашчиларининг моддий-маиший турмуш шароитларини яхшилаш соҳасидаги қўшимча тадбирлар тўғрисида» қабул қилган қарори шу ғамхўрликнинг янги ифодасидир.

Урушдан кейин 35 йил вақт ўтди. Зафарли 9 Май куни биздан олислашган сайин социализмнинг енгилмас кучини, кўп миллатли Совет давлатимизнинг улуғлигини, Коммунистик партиянинг донолигини, совет кишиларининг ҳайратомуз матонати ва мардлигини намойиш этган тарихий Ғалабанинг бутун моҳияти шу қадар яққол ва чуқур намоён бўлаверади. Уруш якунлари халқларни тинчлик душманларининг кирдикорларига нисбатан сергак бўлиб туришга ундайди, бу якунлар — империалист агрессорлар, ўт билан ўйнашишнинг барча ишқибозлари учун даҳшатли огоҳлантиришдир. Ғалабамизнинг самараларини Ватан ҳимоясига ва унинг душманларини тор-мор этишга доим тайёр турган шавкатли Қуролли Кучларимиз мустаҳкам қўриқламоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ ЖАНГОВАР РЕЗЕРВЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ

М. ҚОСИМОВА,
тарих фанлари кандидати

1941—1945 ЙИЛЛАРДАГИ Улуғ Ватан уруши империализм зарбдор кучлари билан социализмнинг энг катта ҳарбий тўқнашуви бўлди. Бу шафқатсиз жангда бутун совет халқи, СССР территориясида яшовчи барча миллат ва элатлар қатнашди.

Тинч бунёдкорлик йилларида бўлганидек, Коммунистик партия уруш йилларида ҳам совет жамиятининг ташкилотчиси ва йўналтирувчи кучи бўлди, курашувчи партияга айланди. У Совет давлатининг бутун ҳаётини ҳарбий вазият талабларига биноан қайта қуришга бошчилик қилди. Партия раҳбарлигида совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари немис-фашист босқинчиларига қарши курашга отландилар.

Мамлакат олдида турган янги ҳарбий-хўжалик вазифалари муносабати билан Ўзбекистон партия ташкилоти ҳам ўз ишини қайта қурди. Унинг бутун ташкилотчилик ва сиёсий фаолияти душман устидан тезроқ ғалаба қозонишга қаратилди. СССР Олий Совети Президиумининг 1941 йил 22 июнда чиқарган «Ҳарбий ҳолат тўғрисида»ги Фармони, Совет ҳукуматининг «Фашистлар Германиясининг СССРга хиёнаткорона ҳужуми тўғрисида» 1941 йил 22 июнда радио орқали берилган баёноти, ВКП(б) Марказий Комитети ва СССР Халқ Комиссарлари Советининг фронт яқинидаги партия ва совет ташкилотларига 1941 йил 29 июнда берган Директиваси ва партия ҳамда Совет давлати раҳбарларининг чиқишлари республика коммунистлари учун программ ҳужжат бўлди.

Ўзбекистон Компартияси республика халқ хўжалигини ҳарбий изга солиб юбориш билан боғлиқ масалаларни муваффақиятли ҳал этиш билан бирга, асосий эътиборни Қуролли Кучларни мустаҳкамлашга, армияни одамлар резерви билан таъминлашга қаратди, чунки Ватанимизнинг тақдири, фашистлар Германиясига қарши бўлаётган урушнинг нима билан тугаши энг аввало жанг майдонларида ҳал қилинарди.

Манфур душмандан ўз она-Ватанларини ҳимоя қилиш учун Россия ва Ўзбекистон қишлоқларининг, Қозоғистон овуллари ва Кавказдаги тоғли манзилларнинг, хуллас, барча республикаларнинг шаҳар ва қишлоқ аҳолиси оёққа турди. Инсоният тарихида кўп миллатли халқ оммаси ўз мамлакатини ҳимоя қилишда ҳеч қачон совет халқи Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатганидек ватанпарварлик ва фидокорлик намуналарини кўрсатмаган. Навқирон ўзбек жангчиси Қаюм Раҳмонов ўз юртдошлари фикрини ифодалаб, шундай деган: «Ватан — бу менинг оилам, менинг қишлоғим, бутун мамлакатим. Агар душман жонажон еримнинг бир парчасини тортиб олса — танамнинг бир бурдасини кесиб олгани. Фашистлар мамлакатимизга бостириб кирганлари-

да мен Фарғона замини титраб кетганини ҳис этдим, ҳар бир софдил ўзбек ўз-ўзига: олға бор, душманни тўхтат, ўз уйингни, ўз оилангни ҳимоя қил, деди... Москвасиз, Ленинградсиз, Совет Россиясисиз озод Ўзбекистон ҳам бўлмайди...».

Мамлакатимиз миллионлаб меҳнаткашларининг истакларини ҳисобга олиб ва Қизил Армия сафларини ҳарбий ишни яхши эгаллаган кадрлар билан ўз вақтида тўлдириб туриш мақсадида Давлат Мудофаа Комитети 1941 йил июлида резервлар тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Барча совет республикалари меҳнаткашлари, барча миллат вакиллари армияга чақирилди. Ўзбекистоннинг партия ва совет органлари ана шу қарорни бажара бориб, Қизил Армияни резервлар билан таъминлаш учун барча зарур тадбирларни кўрдилар. Область, шаҳар ва район партия комитетлари аҳоли ўртасида агитация-пропаганда ишларини авж олдирдилар, область ва шаҳар партия комитетларининг ҳарбий бўлимлари эса ҳарбий комиссариатлар ва ҳарбий хизматга чақирилувчиларни сафарбар этадиган маҳаллий Советлар ишини назорат қилиб турдилар.

Ўзбекистон ва бошқа бир қатор республикаларнинг меҳнаткашлари ўз юксак интернационал бурчларини бажариб, мамлакат бошига тушган бутун хавфни чуқур англаб етиб, миллий ҳарбий қисмлар тузиш ташаббуси билан чиқишди. Давлат Мудофаа Комитети бу ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлади ва 1941 йил 13 ноябрда тегишли қарор қабул қилди. Армия учун жанговар резервлар тайёрлаш ва ҳарбий қисмларни тузиш масалалари 1941 йил декабрь ойи бошларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг V пленумида ва республика шаҳар партия комитетлари пленумларида, шунингдек Ўрта Осиё ҳарбий округи Ҳарбий кенгаши (САВО) мажлисларида муҳокама қилинди.

Қисқа муддатларда кўп сонли миллий қисмларни тузиш Ўзбекистон партия, совет ва ҳарбий органларидан зўр ҳарбий-ташкилотчилик ҳамда агитация-пропаганда иши олиб боришни талаб қиларди. Миллий қисмлар шахсий составини жойлаштириш ва уларнинг овқатланишини ташкил этиш, моддий-техника таъминоти ва медицина хизмати, командирлар ва сиёсий ходимларни танлаш ҳамда тасдиқлаш, қўшилма сиёсий бўлимлари билан биргаликда мазкур қисмларда партия ва комсомол ташкилотлари тузиш масалалари бевосита республика партия ташкилоти зиммасига юклатилди.

Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва районларида партия комитетларининг навбатдан ташқари пленумлари, корхоналар, муассасалар, колхозлар ва совхозларда эса очиқ партия йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда миллий (ўзбек) ҳарбий қўшилмаларни ташкил этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Ана шундай қўшилмаларни ташкил этиш жараёнида Ўзбекистон меҳнаткашлари ватанпарварлик ва интернационал бирдамликни чуқур ҳис этишларини кўрсатишди. Митинглардан бирида сўзга чиққан ёш ўзбек жангчиси Тоштемиров шундай дейди: «Душман бизнинг ўртамизда, яъни руслар, ўзбеклар, қозоқлар, татарлар ўртасида дўстлик бўлмайди, деб ишонган. Душман янглишди. Бизнинг дўстлигимиз янада мустаҳкамланди. У менинг жонажон Помир тоғим қоясидек метиндир. Уни ҳеч ким буза олмайди».

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қарори билан миллий ҳарбий қўшилмаларга одамлар танлаш бўйича область, шаҳар ва район комиссиялари тузилди ва уларга область ҳамда район партия комитетларининг секретарлари бошчилик қилишди. Округнинг қўмондонлиги, Ҳарбий кенгаши, штаби ва ҳарбий комиссариатлар республика партия ва давлат органлари билан биргаликда алоҳида ўқчи бригадалар тузиш ҳамда уларни қуроллантириш бўйича катта иш олиб бордилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети миллий қисмларни коммунистлар ва комсомоллар билан тўлдиришга алоҳида эътибор берди. Миллий қисмлар ва қўшилмаларда партиявий-сиёсий иш олиб бориш учун 5 минг коммунист ва 15 мингдан зиёд комсомол юборилди. Масалан, Тошкент областида тузилган 99-отлиқ дивизия ва 89-ўқчи бригадасига 900 коммунист ва уч минг комсомол чақирилди. Ёки бошқа бир мисол: 1942 йил апрелида Самарқанд областидан 97-алоҳида ўқчи бригадасига кирувчи бир неча рота фронтга жўнатилди. Ана шу рота жангчиларининг 48—50 проценти коммунист ва комсомоллардан иборат эди.

Республиканинг партия, комсомол ва жамоат ташкилотлари САВО қўмондонлиги билан биргаликда миллий қўшилмалар шахсий составини жанговар ва сиёсий жиҳатдан тайёрлашга катта эътибор бердилар. Жангчиларга ҳарбий ишни, қуролни тўғри ишлата билишни, мудофаа иншоотлари қуриш ишини ва ҳоказоларни ўргатишди. Янгидан тузилаётган қўшилмаларни командирлар состави билан таъминлаш учун кичик лейтенант ва кичик сиёсий раҳбарлар курслари ташкил этилди. Курсларга асосан жанговар тажрибага эга бўлган сержантлар ва жангчилар қабул қилинган.

Тузилаётган қисмларда ғоявий-сиёсий ишларни яхши йўлга қўйишга, интернационал тарбияга катта эътибор берилди. САВО Сиёсий бошқармаси қизил аскарлар ва кичик командирлар билан ўтказиладиган сиёсий машғулотларнинг тематикасини ой сайин тасдиқлаб турарди. Тематикада даставвал Улуғ Ватан урушининг халоскорлик характери ва инсонпарварлик мақсадларини тушунтириш, Социалистик Ватанни ҳимоя қилиш ғояларини пропаганда қилиш жангчиларда ўз Ватанларига қизғин муҳаббатни тарбиялаш, фашистлар Германиясининг империалистик, босқинчилик, таловчилик мақсадларини фош этиш кўзда тутилган. Пропагандист ва агитаторлар жангчиларга партиянинг сафарбар этувчи сўзларини етказишар, ғалабага ишончни мустаҳкамлашар, уларнинг жанговар ва сиёсий активлигини оширишар эди. Умуман, олиб борилган ғоявий-сиёсий иш фронт билан фронт орқаси бирлигини мустаҳкамлашга, душманни тор-мор келтиришнинг умумий вазифаларини ҳал этишга кўмаклашди.

Партия, совет ва жамоат ташкилотлари олиб борган зўр ҳамда бир мақсадга қаратилган ишлар натижасида Ўзбекистонда қисқа муддатда — 1941 йил ноябридан 1942 йил мартигача бир неча миллий қўшилма тузилди ва ҳарбий жиҳатдан тайёрланди. Бу қисмлар Ҳаракатдаги армия сафларига қўшилиб, бошқа миллий қўшилмалар билан биргаликда душман устидан қозонилган ғалабага салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ўзбекистон территориясида тўлдирилган миллий қисмлар жангчиларнинг ҳарбий ва сиёсий тайёргарлигини миллий анъаналар ҳамда маҳаллий хусусиятларни назарда тутган ҳолда она тилида олиб боришга кўмаклашди. Бу, армияга янги чақирилганларни ҳарбий жиҳатдан тайёрлашни тезлаштириш имконини берди.

Уруш йилларида миллий қисмлар состави доимий бўлмаган. 1942 йил охиридан бошлаб, армиямиз ғарбга томон силжиган сайин миллий қисмлар ҳарбий хизматга янги чақирилганлар ҳисобига тўла борди ва улар ўз составига кўра интернационал бўлиб қолди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистонда миллий қўшилмалардан ташқари ўқчи ва кавалерия дивизиялари, курсант бригадалари, роталар ва бошқа шу каби қисмлар ҳам тузилган. Улардан кўпчилиги жангда эришган муваффақиятлари учун гвардиячи деган юксак унвонга сазовор бўлдилар.

Ўзбекистон Компартияси йирик ҳарбий қўшилмалар тузиш билан бир қаторда, Давлат Мудофаа Комитетининг СССР гражданларини ҳарбий ишга умумий мажбурий ўқитиш тўғрисидаги қарорига муво-

фиқ, ҳарбий-ўқув пунктлари, мудофаа тўгараклари ва Осоавиахим клублари орқали меҳнаткашларнинг умумий ҳарбий ўқувини кенг йўлга қўйишга катта эътибор берди. Республиканинг қурол олиб юришга қобил бўлган барча гражданлари умумий ҳарбий таълим системасини ўтишди. Бу тадбир Ҳаракатдаги армияга минглаб яхши тайёрланган жангчилар етказиб бериш имконини туғдирди. Урушнинг дастлабки уч йили ичида Ўзбекистондан Қизил Армия сафларига юз минглаб киши чақирилди.

Республика Компартияси Қизил Армияни офицер кадрлар билан таъминлашга ҳам кўп эътибор берди. Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети ҳарбий кенгашлар ва сиёсий органлар орқали мамлакатнинг марказий районларидан эвакуация қилинган ҳарбий академиялар, ўқув юртлари ва курслар фаолиятини партия ишига содиқ командирлар, сиёсий ходимлар, ҳар хил ҳарбий мутахассислар тайёрлашга йўналтирди, ўқитувчи кадрлари составини юксак ҳарбий, сиёсий, махсус тайёргарликка эга ва жанговар тажрибаси бўлган офицерлар билан мустаҳкамлаш хусусида ғамхўрлик қилди.

Офицер кадрлар тайёрлаш ишига В. И. Ленин номидаги Қизил байроқли Тошкент пиёда аскарлар ўқув юрти катта ҳисса қўшди. Уруш йиллари мобайнида мазкур ўқув юртини офицерлар 25 марта битириб чиқишди. Командир кадрлар тайёрлашдаги катта муваффақиятлари ва Ватан урушида бевосита қатнашгани учун ўқув юрти 1943 йил 30 августда Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди.

Бронетанк ва механизациялашган қўшинлар ҳарбий академияси Тошкентда ишлаб турган вақтида юзлаб юқори малакали командирлар ва инженерлар тайёрлади. Академиянинг Москвага қайтиши олдидан 1943 йил июлида ёзилган рапортда қўмондонлик ва бутун шахсий состав ўзларига кўрсатилган ёрдам ҳамда ўқув-жанговар тайёргарлик ишларига яратилган зарур шароитлар учун ўзбек халқига, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, республика Олий Совети Президиумига, Халқ Комиссарлари Советига ва Ўрта Осиё Ҳарбий округи Ҳарбий Кенгашига миннатдорчилик билдирдилар.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети республикага кўчириб келтирилган М. В. Фрунзе номидаги ҳарбий академия тўғрисида ҳам алоҳида ғамхўрлик қилди. Академияга ишлаш ва яшаш учун яхши бинолар ажратиб берилди, республика партия ва совет ташкилотлари эса озиқ-овқат билан таъминлашни йўлга қўйишга, ҳарбий-техника базаси — ўқув полигони ташкил этишда унга ёрдамлашдилар.

Уруш йилларида Ўзбекистон территориясига кўчириб келтирилган бошқа академиялар ва ўқув юртлари, чунончи, 1-Харьков танк билим юрти, «Выстрел» курсларининг филиаллари ва Подольск артиллерия билим юрти олий малакали ҳарбий кадрлар тайёрлашга анча ҳисса қўшишди.

Стратегик ва оператив резервлар тузиш, уларни кўпайтириш, резерв қўшилмалар ва қисмлар тузиш, юқори малакали офицер кадрлар тайёрлаш ва аҳолини ҳарбий ишга оммавий ўқитиш борасида партия ҳамда Совет ҳукумати планли равишда олиб борган ишлар душман устидан ғалабага эришишнинг зарур шартларидан бири бўлди.

Ўзбекистон армияни ҳарбий резервлар билан таъминлаш бўйича ўз зиммасига юклатилган вазифани муносиб равишда бажарди. Ўзбек халқи уруш синовларига бардош бериб, интернационал бирликка садоқатини намойиш қилди. Ўзбекистонлик жангчилар мамлакатимизнинг бошқа миллатлари билан бирга елкама-елка туриб, социалистик Ватанни астойдил ҳимоя қилдилар.

Уруш халқаро империализм идеологларининг миллий низолар қайта туғилади, кўп миллатли социалистик давлат барбод бўлади, деган умидларини чиппакка чиқарди. Совет Иттифоқи халқлари ягона сафда

туриб, қаҳрамонона жанг қилишди ва Ватан мудофааси йўлида фидокорона меҳнатларини аямадилар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, «мамлакатимиздаги барча миллатлар, элатларнинг иттифоқи ҳамда дўстлиги Улуғ Ватан уруши сингари жуда оғир синовга бардош берди» (Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар, 4-том, 66-бет). Халқларнинг фашизмга қарши шафқатсиз курашда тобланган интернационал ҳамдўстлиги Улуғ Ватан урушида СССР эришган ғалабанинг асосий манбаларидан бири бўлибгина қолмай, шу билан бирга совет жамиятини янада ривожлантиришнинг энг муҳим омили ҳам бўлди.

Совет халқи Улуғ Ватан урушида ғалаба қозонган кундан қарийб чорак аср илгари В. И. Ленин ўзининг қуйидаги башоратомуз сўзларини айтган эди: «Партия ҳушёр бўлиб турганлиги, партия интизомига жуда ҳам қаттиқ риоя қилганлиги орқасида ва партиянинг обрўси барча идора ва муассасаларни бирлаштирганлиги ҳамда Марказий Комитет томонидан майдонга отилган шиорга ўнларча, юзларча, мингларча ва пировардида миллионларча кишилар бир тану бир жон бўлиб эришганликлари учун ва фақат мисли кўрилмаган қурбонлар берилганлиги учун,— фақат шунинг учунгина юз берган мўъжизанинг рўй бериши мумкин бўлди. Фақат шунинг учун биз, Антанта империалистларининг ҳамда бутун дунё империалистларининг икки марта, уч марта ва тўрт марта ҳужум қилишига қарамасдан, енгиб чиқа олдик» (Тўла асарлар тўплами, 40-том, 277-бет).

Улуғ Ватан уруши — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи на фақат мамлакатдаги барча миллатлар ва элатларнинг энг яхши тараққиётини таъминлаган кўп миллатли давлатнинг мукаммал намунаси эканлигини, шу билан бирга бу иттифоқ ўз озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш учун халқларнинг ҳарбий-сиёсий ҳамкорлигини ташкил этишнинг энг мукаммал формаси эканлигини яна бир бор намойиш қилди.

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ВА ТАРИХНИ СОХТАЛАШТИРУВЧИЛАРНИНГ УЙДИРМАЛАРИ

К. ЗАЙНУЛЛИН,
тарих фанлари кандидати

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ Улуғ Ватан уруши ҳамиша инсоният тарихида жаҳоншумул аҳамиятга молик воқеа бўлиб қолаверади. Совет халқи ва унинг қаҳрамон Қуролли Кучларининг Германия фашизми ва Япония милитаризми устидан қозонган ғалабаси дунёнинг қиёфасини ўзгартирди, Улуғ Октябрь бошлаб берган жаҳон революцион жараёнининг қудратли тезлаткичи бўлди ва жаҳон ривожининг шундан кейинги бутун боришига ғоят чуқур таъсир ўтказди. Бу улуғ ғалаба дунёда биринчи социалистик давлатнинг ҳаёт қобилиятини ва енгилмаслигини яққол кўрсатди, марксизм-ленинизм идеологиясининг, совет жамияти маънавий-сиёсий бирлигининг, СССР халқлари бузилмас дўстлигининг тантанаси бўлди.

Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари жаҳон империализмининг зарбдор кучлари бўлмиш фашистлар Германияси билан милитаристлар Японияcини тор-мор этиб, социалистик Ватан озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилибгина қолмай, шу билан бирга жаҳон цивилизациясини омон сақлаб ҳам қолдилар, буюк халоскорлик вазифасини ўтадилар.

«Бизнинг ғалабамиз,— деб ёзди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев «Кичик ер» китобида,— инсоният тарихидаги юксак маррадир. Ғалаба социалистик Ватанимизнинг улуғворлигини кўрсатди, коммунистик ғояларнинг қудратини намоён қилди, фидокорлик ва қаҳрамонликнинг ажойиб намуналарини кўрсатди — буларнинг ҳаммаси ҳақиқатан ҳам шундай. Аммо тинчлик бўлаверсин, чунки тинчлик совет кишиларига керак, ер юзидаги барча софдил кишиларга керак».

Реал социализмнинг дадил, узлуксиз ривожи ва унинг халқаро вазиятга самарали таъсири муттасил ўсиши ҳозирги даврнинг энг муҳим белгисидир. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари қудратининг ўсиши ўзининг путури кетган позицияларини қандай қилиб бўлмасин мустаҳкамлаб олишга интилаётган империалистларнинг ғазабини келтирмоқда. Империалистик реакция курашнинг ҳарбий ва иқтисодий усулларидан воз кечмаган ҳолда ҳозир мафкуравий диверсияга, жаҳон социализмини ва бутун революцион ҳаракатни ичкаридан қўпоришга алоҳида умид боғламоқда.

Ҳозирги буржуа ва ревизионист концепцияларининг асосий синфий мақсади — коммунистик дунёқарашга қарши курашдан, империалистларнинг сиёсатини, монополистик капитал ва унинг иттифоқчилари гегемончилик интилишларини оқлаш ва асослашдан иборат. «...Агар ҳозир қўлга қурол тутиб бизга қарши чиқа олмасалар ҳам,— деди В. И. Ленин гражданлар уруши тугаб, интервенциячилар тор-мор этилгандан

сўнг,— ёлғончилик ва иғвогарлик қуроли билан қарши чиқмоқдалар» (ТАТ, 42-том, 432-бет). Тарихий ривожланишнинг бутун бориши шу сўзларнинг ҳақлигини тасдиқлаб турибди.

Ҳозир иккинчи жаҳон урушининг тарихи, айниқса Улуғ Ватан уруши тарихи мафкуравий кураш объектларидан биридир. Бизнинг ғоявий душманларимиз айни ўтган уруш проблемаларини сохталаштиришни, «совет ҳарбий хавфи» деган ҳавойи гапни асослаш йўлидаги беҳуда уринишларни империализм агрессив моҳиятини ниқоблаш ва Совет Иттифоқига, бошқа қардош социалистик давлатларга қарши мафкуравий диверсиялар қилиш, капитал мамлакатларидаги меҳнаткашларни чалғитиш, уларнинг кўз ўнгида социализм идеали ва принципларини сохталаштириш йўлларидан бири деб билмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида энди пекинлик шовинистлар ва агрессорлар пропагандаси билан ошкора ҳамкорлик қилаётган империалистлар пропагандаси «социализмни бадном қилиш, империализмни, унинг талончилик, ғайриинсоний сиёсати ва практикасини бежаб кўрсатиш» учун энг маккорона усуллардан ва замонавий техникавий воситалардан фойдаланишга уринмоқда.

Бироқ, империализм социализмга қарши курашда халқаро майдонда вужудга келган янги вазият билан ҳисоблашишга, турли-туман ҳийла-найранг ишлатишга мажбур бўлмоқда. Ўтган йиллардан фарқли ўлароқ буржуа идеологлари турли-туман уйдирмаларининг тарафкашлиги ва реакционлиги сохта холислик ниқобига бурканмоқда. Агар «совуқ уруш» даврида Ғарбдаги уруш тарихи адабиётида «ҳар қандай ҳужум» усули танҳо ҳукмронлик қилган бўлса, яъни империалистларга манзур фикрлар китобхонга хиралик билан тиқиштирилган, тарихий фактлар сохталаштириб, қалбакилаштириб кўрсатилган бўлса, кейинги ўн йил ичида «мулойимлик билан ишонтириш» усули устунлик қилмоқда. Халқаро кескинлик юмшалуви давомида сохтакорлар синфий ва социал муаммолардан юқори турувчи қандайдир «бетараф» ҳакамлар қиёфасида кўринишга уринмоқдалар.

Ҳақиқат юзасидан шуни айтиш керакки, айрим буржуа тарихчиларининг асарларида баъзи воқеаларга объектив баҳо берилган, Совет Армиясининг у ёки бу операциялари ёхуд жанглари аҳамияти тан олинган. Бироқ, мана шуларнинг ҳаммаси «холислик», «бетарафлик» ниқоби остида ўзлари илгари сурган концепцияларнинг реакцион моҳиятини пардалаш ва оқибат натижада Улуғ Ватан уруши тарихини сохталаштириб кўрсатиш учун қилинмоқда.

Реакцион авторлар иккинчи жаҳон уруши тарихини қасддан қалбакилаштирмоқдалар. Гап шундаки, халқаро империализм уруш якунларидан рози эмас, чунки фашистлар Германияси ва Япониянинг милитаристик кучлари тор-мор этилиши натижасида капитализм заифлашиб, реал социализм эса кучайиб кетди. Жаҳон реакциясининг уруш натижасида СССР узоқ вақтгача ўзининг улуғ давлат сифатидаги аҳамиятидан маҳрум бўлиб, капиталистик мамлакатларга қарам бўлиб қолиши хусусидаги умиди бутунлай чиппакка чиқди.

Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабаси дунёда социализмни енга оладиган куч йўқлигини яққол намойиш этди. Империализм урушнинг мана шу сабоқларига тоқат қила олмаяпти. Чунки шу сабоқларга рози бўлиш ёки лоақал социализмнинг афзаллигини ва унинг ғалабаси қонуниятли эканлигини бавосита бўлса-да тан олиш — мафкуравий жиҳатдан таслим бўлишни — империалистларнинг ўтмишдаги жаҳон капитализм системасини қайта тиклаш режалари асоссиз ва истиқболсиз эканини ўзлари эътироф қилиш бўлур эди. Шу боисдан ҳам тарихни сохталаштирувчи буржуа қаллоблари иккинчи жаҳон урушининг характерини бузиб кўрсатишга, улуғ ғалабамизнинг

сабабларини сохталаштиришга, Совет Қуролли Кучларига туҳмат қилишга, СССРнинг фашистлар Германияси ва унинг гумашталарини тор-мор этишдаги ҳал қилувчи ролини камситишга шу қадар зўр бериб уринмоқдалар.

Буржуа тарихчилари ўз асарларида уруш бошлаганлиги учун масъулиятни империализм ва фашизм зиммасидан олиб ташлашга уринмоқдалар, Германия империализми Ғарб давлатлари, аввало АҚШ монополияларининг берган ёрдамига таяниб урушга ҳозирлик кўрганлиги фактини яширишга зўр бериб ҳаракат қилмоқдалар. Гитлерчилар Германиясига Америка долларлари «олтин ёмғир» бўлиб ёғилиб келди, бу эса Гитлернинг 300 та ҳарбий завод қуриб олишига имкон берди.

Тарихни сохталаштирувчилар фактларга хилоф равишда гўё иккинчи жаҳон уруши СССРнинг 1939 йил августида ўзаро ҳужум қилмаслик тўғрисида Германия билан шартнома тузиши натижасида келиб чиқди, деб даъво қилмоқдалар. Ҳақиқатда эса Англия ва Франция гитлерчилар агрессиясини биргаликда қайтариш тўғрисида СССР билан битим тузишни истамаслиги мутлақо аниқланганидан кейин Совет ҳукумати шу шартномани имзолаган эди. Ўзаро ҳужум қилмаслик тўғрисидаги Совет-Германия пакти имзоланиши натижасида милитарист кучлар қўлидан юлиб олинган йигирма икки тинч ойдан хўжалик қурилиши учун ва дунёда биринчи социалистик давлатнинг ҳарбий-мудофаа қудратини мустаҳкамлаш учун фойдаланилди.

Империализм идеологлари уруш чиққанлиги учун масъулиятни Совет Иттифоқига тўнкашга уриниб, ўша пайтда Европа устида гўё «совет ҳарбий хавфи» пайдо бўлган эди, деган ёлғон тезисни рўкач қилмоқдалар. Улар гўё Гитлер Ғарб мамлакатларини «коммунистик экспансиядан» қутқариш учун огоҳлантирувчи, «Эҳтиёт» урушини бошлаган эди, деган гапга афкор оммани ишонтиришга жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилмоқдалар.

Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети, партия ташкилотларининг совет халқини фашистлар агрессиясини даф қилишга сафарбар этиш соҳасидаги раҳбарлик ва раҳнамолик ролига буржуа қаллоблари айниқса қутуриб ҳужум қилмоқдалар. Реакцион тарихчилар даҳшатли уруш йилларида ленинчи коммунистлар партияси бениҳоя қийин шароитларда совет халқини фашист босқинчиларга қарши муқаддас урушга отлантира олган чинакам жангчи партия бўлиб ҳаракат қилганлигидан иборат шак-шубҳасиз фактни инкор қилишга уринмоқдалар. Масалан, ашаддий антисоветчи Даллиннинг даъво қилишича, Коммунистик партия гўё «совет системасига путур етишидан ҳавотирланиб коммунистларни фронтга юборишдан қўрққан» эмиш. Реакцион тарихчи Шапиро эса партия билан халқнинг ўзаро муносабатлари характерини сохталаштириб, гўё уруш вақтида партиянинг таъсири камайди, деб китобхонни ишонтирмоқчи бўлади. Буржуа тарихчилари СССР Қуролли Кучларидаги партия ташкилотларининг роли ва ўрнини ҳам бузиб кўрсатишга уринмоқдалар.

Уруш йилларида коммунистлар фронтда ва мамлакат ичкарисида олдинги сафларда туриб, шахсий намуналари билан оммани илҳомлантирганликларини, уларни жасоратга даъват этиб, ўзларига эргаштириб борганликларини кўрсатувчи ишончли фактлар буржуа идеологларининг мана шу уйдирмалари тутуриқсизлигини фош этади. Партиянинг омма билан алоқаси мустаҳкамланди, энг яхши кишилар Ленин партияси сафига кирдилар. Урушнинг энг оғир даврларида партияга энг кўп киши кирганлиги диққатга сазовордир. Чунончи, 1941 йил июлида армия партия ташкилотларига ўша йилнинг май ойига нисбатан партияга қабул қилишни сўраб, икки баравар, август ойида эса уч баравардан ҳам кўпроқ ариза тушди. 1945 йил бошларида СССР Қуролли

Қучларида 3 миллион 325 минг коммунист бор эди, улар партия составининг қарийб 60 процентига тўғри келарди.

Уруш йилларида партия Марказий Комитети уруш ҳаракатларига олий сиёсий ва стратегик раҳбарлик қилиб турган штаб бўлиб қолди.

«Коммунистлар, олға!» деган шиор ҳар бир партия аъзосининг ҳаёти ва фаолиятидаги олий норма, қонун бўлиб қолди. Бу оташин даъват доимо энг қийин жойларда янграб турди. Коммунистлар ҳам ҳамиша олдинда бориб, мардлик ва фидокорлик намуналарини кўрсатдилар. Улар биринчи бўлиб атакага ташланардилар, оммада ишимизнинг ҳақлигига чуқур ишонч ҳосил қилишга муваффақ бўлдилар. Шундай қилиб, коммунистларнинг шахсий намунаси, уларнинг жангдаги авангардлиги СССР Қуролли Кучларида партия раҳбарлик ва сафарбар этувчилик ролининг энг муҳим кўринишларидан бири бўлди.

Жанглар олдидан минглаб совет солдатлари Ленин партияси сафига қабул қилишдек юксак шарафга муяссар бўлиш орзусини изҳор қилар эдилар. Мардлик синови уларнинг кандидатлик стажи бўлиб қолган эди.

Ўтган урушда Коммунистик партиянинг ролини кўрсатувчи ва тарих бисоти бўлиб қолган фактлар мана шулардан иборат. Бу фактларни ҳеч қандай туҳмат сохтакорликлар рад қила олмайди.

Совет Иттифоқи Германия фашизмининг дунёга ҳукмрон бўлиб олиш йўлини тўсган, урушнинг асосий оғирлигини ўз зиммасига олган, гитлерчилар Германиясини ва милитаристлар Японияcини тор-мор этишда ҳал қилувчи роль ўйнаган бош куч бўлганини ер юзидаги барча софдил кишилар биладилар ва ёдда тутадилар. Ҳозир империализм идеологлари айни шу фактни тан олишни истамай, шу тариқа СССРнинг ва умуман реал социализмнинг муттасил ўсиб бораётган халқаро обрў-эътиборига путур етказишга уринмоқда.

Буржуа идеологлари фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабада Совет Иттифоқининг ролини камситиш билан бирга АҚШ ва Англиянинг хизматларини зўр бериб кўкларга кўтармоқдалар. Кўпгина америкалик тарихчилар 1941 йил 22 июндан кейин Англия ва Америка ҳукуматлари СССРни қутқаришга ошиқдилар, деб даъво қилмоқдалар. Улар иккинчи фронтнинг ва Америка Қўшма Штатлари билан Англия мамлакатимизга берган иқтисодий ёрдамининг аҳамиятини бўрттириб кўрсатмоқдалар. АҚШнинг таниқли тарихчиларидан Норман «Америка қўшинлари Германияни тор-мор этишда ҳал қилувчи роль ўйнади», деган гапни айтишдан ҳам тортинмади.

Бу ва шунга ўхшаш даъволар ҳеч қандай асосга эга эмас. Совет халқининг кураши, зўр азоб-уқубатлар билан қўлга киритган бош ғолиб деб аталиш ҳуқуқини уруш йилларида Ғарбда ҳеч ким шубҳа остида қолдиришга ошкора жазм қила олмаганини эслатиб ўтиш ўринлидир. АҚШнинг ўша пайтдаги президенти Франклин Рузвельт бундай деб ёзди: «Катта стратегия нуқтаи назаридан шу оддий факт равшанки, руслар душман солдатларини ўлдиришда ҳамда унинг қурол-яроғлари ва анжомларини яксон қилишда Бирлашган Миллатларнинг бошқа ҳамма 25 давлатидан кўра кўпроқ иш қилмоқда». Англиянинг ўша пайтдаги бош министри У. Черчилль эса айни «рус армияси Германия ҳарбий машинасининг чуррасини туширди» деган гапни айтган эди.

Совет Иттифоқининг фашистлар Германиясини тор-мор этишдаги ҳал қилувчи роли қуйидаги фактлардан маълум: уруш йилларида Совет Қуролли Кучлари Гитлер қўшинларининг Шарқда ҳаракат қилган 507 та дивизиясини ва фашистлар блокида қатнашган мамлакатларнинг камида 100 та дивизиясини, жами 607 дивизияни тор-мор қилган бўлсалар, иттифоқчиларнинг армиялари атиги 176 та дивизияни тор-мор қилдилар.

Немис фашистларнинг асосий ҳарбий техникаси: талафот берилган жами 100 мингта самолётдан 77 мингтаси, 167 мингта тўп, 48 мингта танк Совет-Германия фронтида яксон қилинди. Фашистлар Германияси бутун уруш даврида маҳрум бўлган 13,8 миллион кишидан 10 миллиондан кўпроғи, яъни 80 проценти Совет-Германия фронтида ер тишлатилди (Совет ҳарбий Энциклопедияси, 2-том, М., Воениздат, 1976, 66-бетга қаралсин).

Душман устидан қозонилган улуғ Ғалабага жуда катта қурбонлар бериб эришилди. Совет халқи 20 миллион кишидан маҳрум бўлди. Бу — иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ҳамма кишиларнинг 40 процентига тўғри келади. Ҳолбуки, бутун иккинчи жаҳон уруши давридаги уруш ҳаракатлари майдонида АҚШ томонидан 405 минг киши, Англия томонидан 370 минг киши ҳалок бўлди.

Буржуа тарихчилари Совет Қуролли Кучларининг Гитлер фашизми устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссасини ҳарчанд камситишга уриниб, иккинчи жаҳон урушида ўзлари ажратиб кўрсатган 13 та энг катта жанг қаторига Улуғ Ватан урушидаги атиги иккита жангни — Москва ва Сталинград остоналаридаги жангларнигина киритиб, Англия билан АҚШнинг иккинчи ва учинчи даражали жангларини ҳал қилувчи аҳамиятга молик қилиб кўрсатмоқдалар. Равшанки, жангларнинг аҳамиятини бундай қўпол сохталаштиришдан мақсад китобхоннинг кўз ўнгида ўтган урушдаги жангларнинг характери, бориши ва якуни тўғрисида нотўғри тасаввур ҳосил қилишдир. Ғарб мамлакатларида нашр этилган китобларда Курск ёйидаги жанг мутлақо тилга олинмайди. Ҳолбуки, шу жангда ҳар иккала томондан жами 4 миллиондан ортиқ киши, 69 мингтадан кўпроқ тўп ва миномёт, 13 мингтадан кўпроқ танк ва ўзиюрар қурилма, 12 мингтага яқин жанговар самолёт қатнашди. Совет қўшинлари шу жангда фашистларнинг 30 та дивизиясини тор-мор қилдилар. Агрессорлар ярим миллиондан кўпроқ солдат ва офицеридан, 1,5 мингта танк, 3 мингта тўп, 3 минг 700 тадан кўпроқ самолётдан маҳрум бўлдилар.

Буржуа қаллоблари Совет Олий Қўмондонлиги гитлерчиларнинг қўмондонлигидан гўё устун бўлмаган эди, Совет Армияси гитлерчиларни маҳорат билан эмас, кўп бўлганлиги учун енгди, деб ҳам исботламоқчи бўладилар. Бу уйдирмаларнинг сохталиги, тарафкашлик билан тўқиб чиқарилганлигини Гитлер армиясининг ҳарбий бошлиқлари ҳам фош қилиб қўйдилар. Чунончи, Сталинград яқинида асир олинган немис фельдмаршали Фон Паулюс асосий фашист ҳарбий жиноятчилари устидан 1945 йил кузида ўтказилган Нюрнберг суд мажлисида совет ҳарбий санъатини юксак баҳолади. Геринг ҳимоячисининг: «Ватанингиз Совет Россияси билан уруш ҳолатида бўлган кунларда сиз душманнинг олий ҳарбий академиясида стратегия тўғрисида лекция ўқиганингиз тўғрими?» деган иғвогарона саволига жавобан Паулюс бундай деди: «Совет стратегияси бизнинг, немис стратегиясидан шу қадар юқори бўлиб чиқдики, мен лоақал унтер офицерлар мактабида дарс бериш учун ҳам русларга керак эмас эдим. Волгадаги жангнинг натижаси бунинг яхши исботидир, шу жангда мен асир тушиб қолдим. Мана шу жанобларнинг бу ерда қора курсида ўтирганлиги ҳам бунинг далилидир».

Ғарб тарихчилари ленд-лиз юзасидан берилган ёрдам Совет Иттифоқини муқаррар ҳалокатдан қутқариб қолди, деб кўрсатишга ҳали ҳам уриниб келмоқдалар. Америка тарихчиси Жардин «Иккинчи жаҳон уруши» китобида бундай деб ёзади: «АҚШ ва Буюк Британиядан олинган замонавий қурол-яроғ туфайлигина Совет Иттифоқи 1943 йилнинг бошларида Шарқий фронтда ҳужум қила олди» деб ёзади. Бу даъво ҳам мутлақо тутуриқсиздир.

АҚШ билан Англия иттифоқчилар сифатида бизга жанговар техника ва қурол-яроғ етказиб беришгани рост, аммо улар бизга керакли нарсаларни Совет Армияси муҳтож бўлган пайтда етказиб бергани йўқ. Бизнинг қўшинларимиз ўз Ватанимизда ишлаб чиқарилган жанговар техника ва қурол-яроғ билан гитлерчиларга қарши жанг қилди. Баъзи маълумотларга қулоқ беринг: совет саноати уруш йилларида 489,9 мингта артиллерия тўпи, 136,8 мингта самолёт, 102,5 мингта танк ва ўзи юрар артиллерия қурилмаси ишлаб чиқарди. Шу вақт ичида АҚШ ва Англиядан 9,6 мингта тўп, 18,7 мингта самолёт ва 10,8 мингта танк олинди. Демак, иттифоқчилар етказиб берган артиллерия тўплари Совет Армиясининг уруш вақтида олган тўпларига нисбатан икки процентдан камроқни, самолётлар салкам 12 ва танклар 10 процентни ташкил этади (Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан уруши тарихи, 6-том, 48-бетга қаралсин).

АҚШ давлат секретари Гарри Гопкинс 1945 йил майида Москвада бўлган вақтида фашистлар Германиясининг иккинчи жаҳон урушидаги мағлубиятлари сабабларини таҳлил этиб: «Биз Совет Иттифоқининг Шарқий фронтда Германия устидан қозонган ғалабасида ленд-лиз юзасидан берган ёрдамимиз бош омил бўлди, деб ҳеч қачон ҳисоблаган эмасмиз. Бу ғалабага рус армиясининг қаҳрамонлиги ва қони туфайли эришилди», деб эътироф қилишга мажбур бўлган эди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Совет Армиясининг халоскор армия сифатидаги тарихий вазифаси яққол намоён бўлди. Совет жангчилари ер куррасидаги барча холис ниятли кишиларнинг онги ва қалбида чуқур миннатдорчилик ва ҳурмат қозондилар. Аммо буржуа идеологлари армиямизнинг халоскорлик вазифасини бадном қилишга уринадилар. Америкалик тарихчилардан Райнен, Леки ва бошқалар гўё СССР Қуролли Кучлари Польша, Чехословакия, Болгария, Руминия, Югославия ва бошқа мамлакатларнинг территориясига уларнинг халқлари хоҳишига хилоф равишда кирдилар, уларга социалистик тузумни зўрлик билан «тиқиштирдилар» деган ёлғон тезисни илгари сурадилар. Империализмнинг ғоявий малайлари совет жангчиларига кўпгина гуноҳларни тўнкайдилар, гўё улар немис граждан аҳолисига қарши, шунингдек СССРга қарши жанг қилган бошқа мамлакатларнинг аҳолисига қарши ёвузлик қилдилар, деб даъво қиладилар. Аммо турмушнинг ўзи, тарих фактлари ана шу ёвуз сохтакорликларни чиппакка чиқаради.

Тарихий ҳақиқат шундан иборатки, Совет Армияси иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзининг интернационал бурчини шараф билан бажарди. 7 миллиондан ортиқ совет жангчиси бир йилдан ортиқ вақт мобайнида Европа ва Осиёнинг 12 мамлакати территориясида душманга қарши шиддатли жанг қилди — жами 147 миллион аҳоли яшайдиган 2 миллион 200 минг квадрат метрга яқин территорияни озод қилди. Совет Армиясининг бир миллиондан ортиқ солдат ва офицери мазлум халқларни озод қилиш учун ўз жонларини фидо қилдилар, шу жумладан Польшани озод қилишда 600 минг, Чехословакияни озод қилишда 150 минг совет кишиси ҳалок бўлди (Совет Ҳарбий Энциклопедияси, 6-том, 137-бетга қаралсин).

Совет Қуролли Кучлари оккупация қилинган мамлакатларнинг халқлари мададига таяниб Албания, Австрия, Болгария, Венгрия, Норвегия, Польша, Руминия, Чехословакия, Югославия халқларини фашистлар истибдодидан халос этдилар, немис халқига гитлеризмни тугатишда ёрдам бердилар. Совет жангчилари милитаристлар Японияси томонидан асоратга солинган Осиё халқларига нисбатан ҳам ўз интернационал бурчини бажариб, Шимоли-Шарқий Хитойни ва Шимолий Кореяни озод қилдилар.

Чет давлатларнинг юз минглаб жангчилари — Польша қўшинлари

ва Чехословакия корпуси, Болгария, Югославия, Руминия армиялари, бошқа мамлакатларнинг айрим қисмлари жангчилари совет жангчилари билан ёнма-ён туриб душманнинг додини бердилар. Бу қўшинлар бизнинг мамлакатимиз территориясида тузилган эди. Уруш охирига бориб уларнинг сафлари жами 555 минг кишига етди. Совет Иттифоқи уларга 16.500 та тўп ва миномёт, 1000 тага яқин танк ва ўзиюрар артиллерия қурилмаси, 1600 тадан ортиқ самолёт берди. Бундан ташқари, 20 мингдан зиёд совет офицери Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатлари ҳукуматларининг илтимосига биноан миллий қисмлар ва қўшилмаларга юборилди, минглаб совет партизанлари Европа халқларининг озодлик курашида қатнашдилар.

1944 йил октябрида Совет Қуролли Кучлари Шимолий Норвегияни озод қилдилар. Ўша пайтда чет эл матбуоти ҳам совет қўшинларининг олижаноб вазифани ўтаётганлиги тўғрисида ёзди. Швециядаги «Гетеборгс-Постен» газетаси шу воқеалар тўғрисида 1944 йил 6 декабрда бундай деб ёзди: «Қаршилик ҳаракатида катта роль ўйнаган ва яқинда Швецияга келган бир норвегиялик русларнинг Шимолий Норвегия аҳолисига ғоят дўстона муносабатда бўлаётганликларини гапириб берди. Ҳали таъминот йўлга қўйилмаган дастлабки кунларда рус қўшинлари аҳолига ўз запасидан озиқ-овқат бериб турдилар ва умуман қўлларидан келганча кўмаклашдилар... Руслар билан норвегияликларнинг ҳамкорлиги алоҳида самимийлиги билан ажралиб туради. Руслар ҳақиқий халоскорлар сифатида келдилар, шу сабабли улар баланд руҳ билан кутиб олинмоқда».

Озод этилган мамлакатларнинг территориясидаги уруш ҳаракатларида совет қўшинлари ўз Ватани территориясидаги каби қаҳрамонлик кўрсатдилар. Чунончи, Польшанинг Герасимовичи қишлоғини озод қилиш учун бўлган жангларда ефрейтор Г. П. Кунавин қаҳрамонона жасорат кўрсатди — душман дотининг амбразурасини ўз кўкси билан тўсди. Чуқур миннатдорчилик белгиси сифатида қаҳрамон жангчининг номи қишлоқнинг фахрий гражданлари рўйхатига абадий ёзиб қўйилди ва ҳар йили маҳаллий мактабнинг биринчи синфидаги дарс Кунавиннинг жасоратини ҳикоя қилишдан бошланади.

Ҳатто Германияга ҳам совет жангчилари қасоскорлар сифатида эмас, балки халоскорлар сифатида бордилар. Улар немисларга корхоналарни, йўлларни, электр станцияларни, кўприкларни қайта тиклашда ёрдам бердилар, Берлин аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашни йўлга қўйдилар. Совет ҳукумати Берлинга 96 минг тонна дон, 60 минг тонна картошка, салкам 50 минг бош чорва, қанд-шакар, ёғ ва бошқа маҳсулотлар юборди.

Совет жангчиси озод қилган халқларнинг қалбида унинг образи қаҳрамонлик ва инсонпарварлик рамзи бўлиб сақланиб қолган. «Келгуси авлодлар,— деди Австриянинг биринчи президенти Карл Реннер 1945 йил августида сўзлаган нутқида,— Қизил Армиянинг жасоратлари, совет солдатларининг фидокорликка тайёрлиги натижасида манфур национал-социализм режими йўқ қилиб ташланганини мамнуният билан эслаб юрадилар. Бутун инсоният улардан қарздор».

Совет Армиясининг маршалдан тортиб солдатгача кўпгина жангчилари чет мамлакатлардаги бир қанча шаҳарларнинг, жумладан Варшава, Лодзь, Вроцлав, Прага, Братислава, Брнонинг фахрий граждани унвонига сазовор бўлганлар. Миннатдор болгар халқи ўзининг Шумен шаҳрига совет саркардаси Ф. И. Толбухин номини берди. Чет эллардаги кемалар, майдонлар, корхоналар, мактаблар, маданият муассасалари совет халоскор жангчиларининг номи билан аталган. Масалан, Польша Халқ Республикасининг байроғи остида «Генерал Раҳимов» кемаси денгиз ва океанларни кезиб юрибди.

Буржуа идеологларининг гўё бизнинг партиямиз билан Совет дав-

латимиз Марказий ва Жануби-Шарқий Европа халқларига социалистик системани ва марксизм идеологиясини зўрлаб қабул қилдирганликлари тўғрисидаги даъволари танқиддан тубан туради. «Революцияни экспорт қилиш» тўғрисидаги миш-мишлар тарихий ҳақиқатни бузишдир, чунки бу нарса ижтимоий тараққиётнинг объектив қонунларига, синфий кураш қонунларига мутлақо зиддир. Ҳақиқатда эса Европанинг бир қанча мамлакатларида ишчилар синфи коммунистик ва ишчи партиялар раҳбарлигида амалга оширган революцион туб ўзгартиришлар революцион вазиятнинг вужудга келишига шароит яратган объектив ички социал-иқтисодий сабабларнинг натижасидир. Мана шу мамлакатларда В. И. Лениннинг «Революцияларни буюртма билан қилиб бўлмайди, уларни бирон-бир пайтга тўғрилаб қилиб бўлмайди, балки революциялар тарихий тараққиёт жараёнида етилади ва бир қатор ички ҳамда ташқи сабаблар комплекси тақозо қилган бир пайтда бошланиб кетади» (ТАТ, 36-том, 606-бет) деган кўрсатмаси янги куч билан тасдиқланди.

Совет Армиясининг у ёки бу мамлакатга кириб бориши революциянинг ички шарт-шароити етилишини жадаллаштирди, холос. Халқ революциялари эса фашизмга қарши миллий-озодлик кураши билан ички социал сабаблар қўшилишининг натижаси бўлди.

Совет Армиясининг улуғ халоскорлик вазифасини бадном қилиш мақсадини кўзловчи туҳмат кампаниясида маочилар империализм идеологлари билан бирга актив қатнашмоқдалар. Пекин ҳукмдорлари милитаристлар Японийсини тор-мор этишга СССР қўшган ҳал қилувчи ҳиссани хитой халқи хотирасидан чиқариб ташлашга уринмоқдалар. Хитойнинг матбуот органлари Япония устидан қозонилган ғалабада Мао Цзедуннинг даҳоси бош роль ўйнади, деб тасвирламоқда. «Женьминьжибао» газетаси, масалан, Хитойда душманнинг тор-мор этилиши ва умуман Япония милитаризмининг мағлубияти Маонинг «ўз кучига таяниш» сиёсати оқибати бўлди, деб ёзди.

Аммо, айни Совет Қуролли Кучлари Япониянинг қуруқликдаги қўшинлари бош кучи — бир миллион кишилик Квантун армиясини бутунлай яксон қилиб, шу тариқа Япониянинг таслим бўлишини тезлаштирганликлари бутун дунёга маълум. Гирин вилоятидаги Яньцзи шаҳрининг ҳамда Мудань ва Цзян вилоятларининг аҳолиси ўз хатларида хитой халқининг халоскор совет жангчиларига астойдил миннатдорчилик туйғуларини яққол ифодалади. Бу хатларда қуйидаги сўзларни ўқиймиз: фақат Совет Армиясигина «Шимоли-Шарқ аҳолисини қуллик кишанларидан халос қилди, бизнинг еримизни қайтариб олиб берди, бизнинг қаддимизни ростлаб қўйди ва Ватанимиз билан бирлаштирди, мустақил, тинч, демократик, эркин ва бахтиёр турмушимизга асос солди. Совет Армиясининг ёрдами ва у бизга озодлик келтирганлиги — Совет Иттифоқининг ғоят зўр, сидқидил ва беғараз дўстлиги ифодасидир. Биз бу ёрдамни ҳеч қачон унутмаймиз».

Ўтган урушда совет халқи улуғ ғалаба қозонди. Бу ғалаба қонуниятли эди. Совет ҳокимияти йилларида халқимиз эришган ғоят катта социал-иқтисодий ғалабалар, совет халқининг ғоявий-сиёсий бирлиги, совет кишиларининг Коммунистик партия теварагида маҳкам жипслашганлиги ғалабага замин яратган эди. Бинобарин, ғалабамизнинг чуқур социал илдизлари бор эди.

Бироқ, буржуа тарихчилари совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабаси қонуниятли эканидан далолат берувчи очиқ-равшан фактларни ҳам бутунлай рад қилмоқдалар. Уларнинг даъво қилишича, гўё «рус ёзининг чанги, жазирама иссиғи ва чанқатиши», «кузининг ёмғири ҳар қандай ҳаракатни лойга ботириб юбориши», «қишнинг ҳаддан ташқари эрта бошланиб, жуда совуқ бўлганлиги» гитлерчилар Германиясининг мағлубиятига сабаб бўлган эмиш.

Қаллобларнинг бу мулоҳазаларида энг оддий мантиқ ҳам йўқлиги мутлақо равшан. Дарҳақиқат, агар гап ёмғир, қор, совуқ ҳақида борадиган бўлса, улар ҳар иккала томонга баб-баравар таъсир қилганлигини унутмаслик керак. Иқлим шароитлари уруш олиб бориш шартларидан бири сифатида ҳеч қачон ўз-ўзидан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган эмас. Одамларнинг актив фаолияти, яъни армия билан халқнинг қатъий ҳаракатигина уруш натижасини белгилайди. Масаланинг мағзи мана шунда.

Ҳақиқатни қасддан сохталаштираётган буржуа тарихчилари гўё немислар маҳорат билан, руслар эса ўзининг кўплиги билан жанг қилдилар, деган даъвони ўртага ташламоқдалар. Гудериан қабилидаги мағлуб генераллар немис-фашист қўшинларининг Шарқий фронтдаги энг катта жангларда енгилганига Совет Армияси сон жиҳатдан етти, ўн икки ва ҳатто йигирма ҳисса устун бўлганини сабаб қилиб кўрсатмоқдалар. Москва яқинидаги жангда, авиацияни истисно қилганда, сон жиҳатдан устунлик душман тарафда бўлганлиги эсга олинса, бу даъволарнинг асоссизлиги ҳам дарҳол ойдинлашади. Сталинград бўсағасидаги жангда томонлар кучининг нисбати тенг эди. Курск яқинидаги жанг бошланган пайтда қўшинларнинг сон нисбати Совет Армияси фойдасига қуйидаги рақамларда ифодаланар эди: одамлар — 1,4:1, танклар ва ўзи юрар артиллерия қурилмалари — 1,2:1, тўплар ва миномётлар — 1,9:1, самолётлар — 1:1 (Совет Ҳарбий Энциклопедияси, 2-том, 418-бетга қаралсин).

Улуғ Ватан урушида социалистик ижтимоий тузум ҳамма синовларга бардош берди, ўзининг ҳаётий қобилиятини исботлади. Буни Ғарбдагилар ҳам кўриб турдилар. Америкадаги «Нью-Йорк таймс» газетаси 1944 йилда бундай деб ёзди: «Совет системаси урушда эришган яққол муваффақиятлардан кейин бирон-бир кимса Россияни ҳамон заиф мамлакат деб атай олмаса керак». Американинг таниқли журналисти Эдгар Сноу ўз мақолаларидан бирида тўғридан-тўғри бундай деб ёзди: «Қизил Армиянинг зафари социализмнинг, совет планларининг, совет тузумининг зафари эканини кўр кишигина инкор қилиши мумкин».

Иккинчи жаҳон уруши бошланишининг энг асосий манбаи халқаро империализм, унинг Советларга қарши сиёсати бўлганлиги шу урушнинг, унинг ҳал қилувчи қисми — Совет Иттифоқининг гитлерчилар фашизмига қарши Улуғ Ватан урушининг сабоқларидан биридир. Айни антисоветизм, антикоммунизм идеологияси, «совет ҳарбий хавфи» тўғрисидаги уйдирма ҳозирги шароитда ҳам қуролланиш пойгасини, империализм ва Хитой раҳбарлари агрессив режаларини ниқобловчи восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Мана шу шароитда КПСС билан Совет давлати тинчлик ва хавфсизлик сиёсатини изчиллик билан ўтказмоқдалар, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамламоқдалар. «Совет Иттифоқини ҳеч ким чўчита олмайди,— деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев сайловчилар ҳузурида 1980 йил 22 февраль куни сўзлаган нутқида.— Бизнинг куч ва имкониятларимиз катта. Биз ва иттифоқчиларимиз ўзимизни доимо ҳимоя қила оламиз ва ҳар қандай душманлик хуружларига зарба бера оламиз».

Ҳозир ҳам Совет Қуролли Кучлари илгаригидек совет халқининг тинч бунёдкорлик меҳнатини сергаклик билан қўриқлаб турибдилар. Улар Варшава шартномаси давлатлари армияларининг жангчилари билан ягона жанговар сафда туриб, Ватанимизнинг, бошқа қардош мамлакатларнинг муқаддас чегараларини мустаҳкам ҳимоя қилмоқдалар, халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги посбонлигида маҳкам турибдилар, улуғ коммунизм ишига садоқат билан хизмат қилмоқдалар.

ИДЕОЛОГИЯ, ФАН, МАДАНИЯТ

АКТИВ ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАТБУОТНИНГ РОЛИ

Н. ТИМОФЕЕВ,
«Правда Востока» газетасининг редактори

КОММУНИСТИК АХЛОҚ башарият тараққиёти жараёнида таркиб топган энг яхши этик нормалар ва анъаналарни мерос қилиб олди. У ишчилар синфининг революцион ахлоқини сингдирди. Унинг принциплари социалистик турмуш тарзининг негизини ташкил қилди. В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, «коммунизмни мустаҳкамлаш ва батамом қуриш учун курашнинг коммунистик ахлоқнинг асосидир» (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 350-бет). Бири иккинчисисиз яшай олмайди. Бу революцион ҳаракатнинг, инсоният порлоқ истиқболи учун муросасиз курашнинг ўзига хос программаси бўлиб, коммунистик ахлоқнинг ижтимоий тараққиётнинг ғоят муҳим омили сифатидаги ижтимоий роли ана шу нарса билан белгиланади.

Коммунизм қурувчиси учун зарур фазилатлар социалистик турмуш тарзининг бутун ғоявий-ахлоқий вазияти билан шакллантирилади. Шунинг учун ҳам ҳозирги босқичда идеология ишидаги энг муҳим нарса КПСС Программасида кўрсатилганидек, «барча меҳнаткашларни юксак ғоявийлик ва коммунизмга садоқат руҳида, меҳнатга ва ижтимоий хўжаликка коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашдан, буржуа қарашлари ва ахлоқининг сарқитларини батамом тугатишдан, шахсни ҳар томонлама, гармоник тарзда ўстиришдан, чинакам маънавий маданият бойлигини вужудга келтиришдан иборат» (Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси, 1970, 118-бет).

Коммунистик партия марксизм-ленинизм таълимотига амал қилиб, онгли, гармоник тарзда камол топган коммунизм қурувчиси бўлган янги инсонни шакллантириш соҳасида жуда катта иш олиб бормоқда. Шу муносабат билан В. И. Лениннинг, халқ онгининг ривожланиши партия бутун ишининг негизи ва бош мазмуни бўлиб қолади, «халқ оммасини ишонтириш вазифаси... бошқаришнинг муҳим вазифалари орасида ҳамиша турaверади» деган кўрсатмаси (Тўла асарлар тўплами, 36-том, 146-бет) алоҳида аҳамият касб этади. Бу вазифани ҳал этишда партия матбуотга катта ўрин ажратмоқда.

Матбуотнинг ижтимоий ҳаётнинг ҳамма томонларига таъсири, партия XXV съездида кўрсатиб ўтилганидек, тобора ошиб бормоқда. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда, актив ҳаётий позицияни шакллантиришда матбуотнинг роли бебаҳодир. Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси принциплари совет жамияти аъзолари хулқ-атворининг маънавий талабларини акс эттиради. Матбуотнинг вазифаси ана шу ахлоқий талабларни ҳар бир совет кишисининг шахсий эътиқодига айлантиришдан иборатдир. Аслида унинг асосий вазифаси ҳам ана шундан иборатдир.

Матбуот В. И. Ленин васиятларига амал қилиб, коммунистик қурилиш қуроли сифатида актив хизмат қилмоқда. Бу қурол ғоят катта кучга эгадир. Лоақал бизнинг республикамизни олиб кўрайлик: Ўзбекистонда 270 дан ортиқ газета, 40 журнал ва шу типдаги 30 нашр чиқиб турибди; уларнинг бир галги тиражи 10 миллион нусхадан ошиб кетади.

Оммавий ахборот ва пропаганда воситалари системасида матбуот биринчи даражали роль ўйнайди. Газеталар аудиторияга актив таъсир кўрсатиб, босиб чиқарилган материалларга унинг актив муносабатини вужудга келтиради. Бу эса тарбиявий жараённинг энг муҳим томонларидан биридир.

Тадқиқот маълумотларига кўра, газета аввало шарҳли ахборотлар билан газетхонлар эътиборини ўзига жалб қилади. Радио ва телевидение бадиий ахборотни тарқатишда биринчи ўринни эгалласа, газета халқаро ва ички сиёсатга оид ахборотни тарқатишда биринчи ўринда туради. Бу жиҳатдан газета асосий ахборотни хабар қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, меҳнаткашларнинг у ёки бу группаларининг матбуот ахборотига актив муносабати уларнинг меҳнат активлигига тўғри мутаносибдир. Масалан, коммунистик меҳнат зарбдорлари ва шу юксак ном учун курашаётганлар орасида газета ва журналларни мунтазам ўқиб борадиган кишилар бир ярим-икки баравар кўпроқдир.

Фаолият спецификаси жиҳатидан телевидение ҳам, радио ҳам аудитория билан ўзаро алоқа боғлашнинг шу қадар систематик характерда бўлишига даъво қилолмайди. Матбуот ахборотини истеъмол қилиш муайян соат, жой билан боғланмаган, матбуот сўзи бир ахборотнинг ўзини бир неча бор қайта ўқиш, унинг хусусида мулоҳаза юритиш, бошқа ахборот билан таққослаш имконини беради. Аммо матбуотнинг катта тарбиявий, активлаштирувчи роли ҳақида гапирар эканмиз, у ўз истеъмолчиларидан телевидение ва радиога қараганда кўпроқ уюшқоқликни талаб қилишини ҳисобга олиш керак.

Совет кишисининг актив ҳаётий позициясини шакллантиришда матбуотнинг роли ва самарадорлигини ошириш учун аввало бу формула марксча-ленинча тушунчада нимани билдиришини кенг ва ишончли тарзда тушунтириб бериш керак. Актив ҳаётий позиция деган мана шу учта сўзни андаза сифатида ишлатиш, бу сўзларни хоҳлаганча талқин қилиш ярамайди. Бу темадаги ҳар қандай материалда инсон ҳаётий активлигининг моҳиятини очиб бериш, бундай активлик ўз-ўзидан эмас, балки конкрет вазиятда, кўпгина факторлар таъсири остида, сўз билан иш бирлиги кундалик ахлоқ нормасига айланган жойда вужудга келишини кўрсатиш зарур.

Леонид Ильич Брежнев 1980 йил 31 мартда унга «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китоблари учун Ленин мукофоти топширилаётган вақтда сўзлаган нутқида публицистлар ва оммавий ахборот воситаларининг барча вакиллари олдига қуйидаги вазифаларни қўйди: «Амалий ҳаётга кириб боришдан, халққа ўз турмушининг моҳиятини ва турмуш оқимининг йўналишини равшанроқ англаб олишда кўмаклашишдан, шу турмушни моддий жиҳатдангина эмас, маънавий жиҳатдан ҳам янада яхшироқ, тўғрироқ, ёрқинроқ, бадавлатроқ қилишдан ҳам муҳимроқ ва олижаноброқ иш бўлиши мумкинми?» («Совет Ўзбекистони», 1980 йил 1 апрель).

Бундан ташқари, ҳамиша шуни эсда тутиш ва ҳисобга олиш керакки, коммунистик ахлоқ ғанимларининг ҳам ўз актив позицияси бор. Безорилар ва ичкиликбозлар, текинхўрлар ва юлғичлар, бюрократлар ва ғийбатчилар мутлақо пассив эмаслар. Матбуот ходимларининг бурчи совет кишилари ҳаётидаги ана шу ахлоққа зид ҳодисаларга қарши курашдан иборатдир. Бу шармандали ҳодисаларни фош

қилиш ва улардан кулиш билангина чекланмасдан, уларнинг жамиятга зид моҳиятини тўлароқ очиб беришга, уларнинг вужудга келиш сабабларини, улар жамият учун қандай социал хавф туғдиришини кўрсатишга интилиш зарур.

Матбуот тарихидан шу нарса маълумки, 20-йилларда журналистика назариётчилари ва практиклари орасида камчиликларимиз ва нуқсонларимизни танқид қилиш керакми ёки керак эмасми, айрим кишилар онгида сақланиб қолган буржуача текинхўрлик мероси қолдиқларини кўрсатиш керакми ёки керак эмасми деган мавзуда мунозара олиб борилган эди. Ўз-ўзидан маълумки, бу масала аллақачоноқ кун тартибида турмайди ва бу хусусда икки хил фикр бўлиши мумкин эмас. Шуни эслаш кифояки, бундан йигирма йил илгари ҳам барча газеталарда ахлоқ проблемаси, замондошимизнинг маънавий қиёфаси проблемаси ғоят активлик билан кўтариб чиқилган эди. Афсуски, газеталарнинг шубҳасиз фойдали бу кампанияси кўтарилаётган масалалар ахлоқий-этик аспектларининг тор, қашшоқ талқини билан, уларга бағишланган материаллар жанрларининг чекланганлиги билан ажралиб турарди. Масалан, жуда кўп материаллар оилавий можароларни таҳлил қилишга бағишланардики, уларни кўпинча рационал ҳал этишнинг иложи бўлмайди.

Бир вақтлар биз «стилягалар»ни танқид қилишга берилиб кетдик, сўнгра текинхўрларни танқид қилиш тўлқини бошланди. Кўпинча фош қилувчи характердаги фельетонлар ёки самимий руҳда ёзилган очерк тарзидаги суҳбатлар ёзиларди. Шуниси қизиқки, жуда ёмон оқибатларга олиб келадиган ичкиликбозлик сингари социалистик турмуш нормаларининг бузилишидек муҳим масала анча вақтгача газета саҳифаларида муносиб баҳо олмай келди.

Ахлоқимизнинг асосий ғанимлари бўлмаган кишиларни танқид қилишга ортиқча эътиборни қаратишдан иборат бундай практика натижасида баъзан асосий нарса: коммунистик қурилишнинг муҳим аспекти бўлган коммунистик ахлоқий муносабатларнинг қарор топиши эътибордан четда қолар эди. 60—70-йилларда, айниқса партия бир қатор қарорлар қабул қилиб, маъмурий қарорларнинг тарбиявий аҳамиятини ҳисобга олиш зарурлигини махсус кўрсатганидан кейин аҳвол анча яхшилана бошлади. Хўжалик фаолиятининг этикасига, ишлаб чиқаришдаги ва турмушдаги ўзаро муносабатларга оид масалалар активроқ ишлаб чиқиладиган ва ёритиладиган бўлиб қолди. Журналистлар бунда биринчи бўлиб чиқдилар, ундан кейин бадиий адабиёт ва кинематография бу ишга киришди.

Аммо шу нарсадан кўз юммаслик кераккн, ҳозир ҳам баъзи журналистлар материал ахлоқий темага оид экан, демак, сўз фақат оилавий ва турмуш муносабатлари ҳақида, оилавий-ҳаётий этика ҳақида бориши керак, деб ҳисобламоқдалар.

Коммунистик ахлоқ — янги ижтимоий-иқтисодий формация кишисининг ҳаётий принциплари ва ахлоқий нормаларининг ҳамма жиҳатларини: коммунизм ишига садоқат, меҳнат билан ижтимоий бойликни кўпайтириш, ижтимоий бурчни англаш, коллективизм, инсонпарварлик, интернационализм туйғуларини ўз ичига оладиган умумлашма тушунчадир. Совет кишиси — совет турмуш тарзини яратувчи ва унинг эгасидир. Газетада совет кишиси ҳақида ёзиш — газетхонга озод меҳнат тантанаси ҳақида, ўртоқларча ўзаро ёрдам, чинакам халқ ҳокимияти, халқлар дўстлиги, коммунистик эътиқод, совет кишиларининг ватанпарварлиги ва истиқболга ишончи ҳақида ҳикоя қилиш демакдир.

Маълумки, янги турмуш тарзи эскиликка, консерватизмга, онгдаги майда буржуазия қолдиқларига қарши кескин кураш жараёнида қарор топади. Шу муносабат билан танқидий чиқишларнинг таъсирчанлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳар қандай тема сингари ахлоқий темани ёритишда ҳам пухта изчиллик, сўнгги натижа муҳимдир. Шунинг учун ҳам биз газетачилар «Газета материаллари изидан» ёки «Газета материали юзасидан нималар қилинди?» рубрикалари остидаги материалларнинг ўз вақтида чиқишига катта аҳамият берамиз. У ёки бу ташвишли сигнал қандай натижа берганлигидан, аҳвол тузатилганлигидан, адолат тантана қилганлигидан газетхон хабардор бўлиши керак.

Танқидни бўғиш — коммунистик ахлоқ нормаларини қўпол равишда бузиш демакдир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев 1978 йил сентябрь ойида Бокуда сўзлаган нутқида бундай деб таъкидлади: «Партия билан халқ манфаатлари учун камчиликларни хаспўшлашга, одилона танқидни бўғишга, танқид билан чиққан кишиларни таъқиб қилишга уринишдан ҳам каттароқ зарар йўқ» (Ленин йўлидан. 7-том, 528-бет). «Танқид учун таъқиб қилиш тақиқланади. Танқид учун таъқиб этувчи шахслар жавобгарликка тортилади» — СССР янги Конституциясининг 49-моддасида мустаҳкамланган ижтимоий ҳаётимизнинг ахлоқий нормаси ана шундай.

Қиёслаш учун Америка профессори Клаусмейернинг бошқача, буржуача ахлоқни характерловчи сўзларини келтириб ўтамиз: «Биз ахлоқий тарбия билан шуғулланмаймиз, чунки жамиятимиз нима ахлоқли ва нима ахлоқсиз эканлигини ҳал қилмаган. Кўпгина студентлар наркотик истеъмол қиладилар, улар орасида шаҳвонийлик, ўғрилик кенг тарқалмоқда. Аммо нима ахлоқли ва нима ахлоқсиз эканлигини студентнинг ўзи ҳал қилади, бу унинг шахсий ишидир. Бу ўқитувчининг иши эмас. Бу билан полиция шуғулланаверсин. Шахсан мен ичкиликбозликка, ўғриликка, наркотикларга қаршиман. Аммо мен буни ўз курсларимда тарғиб қилсам, эртагаёқ профессор бўлмай қоламан» («Журналист», 1979 йил, 3-сон, 25-бет).

Бизнинг ахлоқ масалаларидаги позициямиз аниқ: совет кишисининг юксак ахлоқий фазилатларини, унинг дунёқарашини шакллантириш — мавжуд камчиликларни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган мураккаб ва узоқ давом этадиган жараёндир. КПСС Марказий Комитетининг партия XXIV съездига Ҳисобот докладида бундай деб таъкидланди: «Тамагирлик, порахўрлик, текинхўрлик, туҳмат қилиш, анонимка ёзиш, ичкиликбозлик ва ўтмишнинг шулар каби ярамас сарқитларига қарши қатъий кураш олиб бормай туриб, коммунистик ахлоқнинг ғалаба қозониши мумкин эмас. Биз ўтмишнинг кишилар онги ва хулқидаги сарқитлари деб атаган нарсага қарши кураш — партиянинг, жамиятимиздаги барча онгли пешқадам кучларнинг доимий эътиборини талаб этадиган ишдир» (КПСС XXIV съездининг материаллари. Тошкент, 1971, 95-бет).

Коммунистик ахлоқ ғанимлари ахлоқий муҳитга, кишиларнинг онги ва юриш-туришига салбий таъсир кўрсатиб, ижтимоий ва ахлоқий тараққиётга тўсқинлик қиладилар. Биз, журналистлар ахлоқсизлик кўринишларига қарши кураш олиб борар эканмиз, ахлоқий соҳадаги салбий ҳодисалар бир-бири билан боғлиқ бир қатор сабаблардан келиб чиқишини ҳисобга олишимиз керак. Булар орасида биз доимий ва планли равишда, собитқадамлик билан қаршилик кўрсатишимиз керак бўлган сабаблар ҳам борки, уларнинг айримлари қуйидагилардир: ижтимоий онгнинг ижтимоий турмуш тараққиёти даражасидан маълум даражада орқада қолиши, консерватив анъаналарнинг инерция кучи; ички проблемалар ва зиддиятларни ҳал этиш орқали ўтадиган социал тараққиётнинг диалектик характери; тарбия ишидаги камчиликлар; империалистик пропаганда тарғиб қилаётган жамиятимизга ёт хулқ-атворларнинг айниқса ёшлар орасига кириб келаётганлигидир.

Ўтмиш сарқитлари ахлоқий тарбияга жиддий зарар етказади.

Майда буржуача, хусусий мулкчилик психологияси, асрлар давомида кишилар онгида қарор топган эски дунё одатлари ва хулқ-атвори ана шундай сарқитлар жумласига киради. Улар жамиятимизнинг айрим аъзолари онгига ва турмуш тарзига сингиб, барқарор хурофот тусини олади. Социал инерциянинг мураккаб механизми, янги ижтимоий муносабатларнинг ривожланишига у етказадиган зарарга етарли баҳо берилмаслиги уларнинг яшовчан бўлиб қолишига ёрдам беради. «Омад келганда муассасани бирданига йўқ қилиш мумкин,— деган эди В. И. Ленин,— аммо одатни ҳеч вақт, ҳар қандай омад келганда ҳам бирданига йўқотиб бўлмайди» (Тўла асарлар тўплами. 38-том, 421-бет).

Шуни унутмаслик керакки, эски, зарарли одатлар ва хулқ-атворни тугатиш қунт ва собитқадамлик билан идеологик иш олиб боришни талаб қилади. Ахлоқимиз мухолифларига жамоатчилик нафрати вазиятини яратиш — ахлоқий тарбия таъсирчанлигининг муҳим шартидир. «Бундай ҳоллар билан олиб бориладиган курашда,— КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXV съездига Ҳисобот докладида таъкидланганидек,— меҳнаткашлар коллективининг фикридан ҳам; матбуотнинг танқидий сўзларидан ҳам, ишонтириш методларидан ҳам, қонун кучидан ҳам — қўлимизда бўлган воситаларнинг ҳаммасидан тўла равишда фойдаланиш зарур» (КПСС XXV съездининг материаллари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1976, 106-бет).

Бунинг маъноси ижтимоий онгда социализм маънавий бойликларининг тарихий устунлигини актив ва собитқадамлик билан таъкидлаш демакдир. Бунинг маъноси — хўжалик ва маданий қурилишдаги камчиликларни тугатиш, бошқариш ва маъмурий фаолиятни такомиллаштириш, ҳуқуқий контроль ва социал психологиянинг барча омилларидан самарали фойдаланиш демакдир, Коммунистик ахлоқ ғанимлари билан курашга барча меҳнаткашларни жалб этиш, оммани ҳар қандай салбий ҳодисаларга муросасизлик руҳида тарбиялаш зарур.

Бошқа матбуот органлари сингари «Правда Востока» газетаси ҳам бу соҳада планли равишда иш олиб бормоқда. Журналистларнинг, штатсиз мухбирларнинг материаллари «Тарбияга комплекс ёндашайлик», «Ахлоқий куч манбалари», «Инсон ва қонун», «Турмуш чорраҳаларида», «Сира ақлга сиғмайди», «Суд залидан» сингари доимий рубрикалар остида ҳамда шанба куни чиқадиган «Насриддиннинг аччиқ сўзи» сатирик бўлимида эълон қилинмоқда. Деярли ҳар бир сонда танқидий материалларга олинган жавоблар босилмоқда. Масалан, 1979 йилнинг ўзида газета саҳифаларида 600 дан ортиқ ана шундай жавоб эълон қилинди.

Матбуотнинг коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексини қарор топтириш соҳасида сарфлаётган куч-ғайратининг самарадорлиги биз газетачилар гражданлик ва ижтимоий бурчга садоқат, ишчи ва касб шарафи ҳамда меҳнатга ижодий муносабат, ўзига талабчанлик, ўртоқлик ва ўзаро ёрдам, ҳар бир киши ҳаётида умумхалқ манфаатларининг шахсий манфаатлардан устунлиги сингари темаларни қанчалик матонат билан кўтариб чиқишимизга боғлиқ.

Ғоявий-ахлоқий тарбияга эътиборни кучайтиришни хўжалик ва маданий қурилишнинг объектив мантиқи тақозо қилмоқда, чунки бу нарса социалистик жамият олдида турган вазифаларнинг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлашнинг ғоят муҳим омилидир. Аммо, унинг маънавий потенциали аввало ижтимоий ишлаб чиқаришда яратилади ва амалга оширилади, бу эса маънавий мезонларнинг ижтимоий-ишлаб чиқариш меҳнати билан чамбарчас алоқаси борлигини кўрсатади. Матбуот бутун воситалар билан ижодий меҳнатнинг роли ва аҳамиятини яққол тушунадиган, юксак меҳнат унумдорлигига интиладиган онгли меҳнаткашлар ахлоқини шакллантиришга ёрдам беради.

Меҳнат починлари, ташаббусларини пропаганда қилиш нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги ҳаммага аён. Чунки, ишлаб чиқариш ташаббускорлари ва новаторлари — бизнинг машъалларимиз, ўз бурчини юксак даражада англаган, юксак ахлоқли кишилардир. «Правда Востока», газетаси «Меҳнатнинг муҳим проблемалари» деган анкета олиб бормоқда. Унда ҳар бир киши ўз ишига қандай муносабатда эканлиги ҳақида ҳам савол бор. Бу саволга «Боёвут-1» совхозининг механик ҳайдовчиси, СССР Давлат мукофоти лауреати Абдусамад Сеитмуротов бундай деб жавоб қайтарди: «Пахтакор бўлиш — инсон учун буюк бахтдир. Биз ерга ўз қалбимиз ҳароратини бағишлаймиз, у эса бизга мўл ҳосил билан жавоб беради. Мен учун меҳнат қилишдан кўра ҳам каттароқ қувонч йўқ».

Бизнинг давлатимизда меҳнатга қараб шараф деган ахлоқий принцип тўла амалга оширилмоқда. СССР Конституциясида аниқ қилиб ёзиб қўйилган: «Ижтимоий-фойдали меҳнат ва унинг натижалари инсоннинг жамиятдаги мавқеини белгилайди». Социализм даврида бу нарса барча ахлоқий баҳоларнинг негизидир. Бинобарин, газета виждонан ишлайдиган ходимлар, ишлаб чиқариш илғорлари, барча янги ва илғор тажриба ижодкорлари ва тарғиботчилари ҳамиша ва ҳамма жойда ҳурмат ва мададга сазовор бўлишлари учун бутун воситалар билан ёрдам бериши керак.

Матбуот истеъмол товарларини кўпроқ тўплаган кишининг, айниқса бу шахс нотўғри йўл билан мол-дунё орттириб, ундан камроқ пул топадиган ҳалол меҳнаткаш шаънини ерга уришга интилганида, унинг бутун ҳаракатлари беҳуда эканлигини исботлаш учун жуда катта имкониятларга эга. «Правда Востока» бундай темаларга оид материалларни мунтазам равишда эълон қилмоқда. «Турмуш чорраҳаларида» (рубрикамиз ҳам шундай деб аталади) ҳар хил ҳодисалар бўлиши мумкин. Жамият ҳисобига боймоқчи бўлган, бошқалар ҳисобига фаровон ҳаёт кечирмоқчи бўлган кишилар ҳамон учраб туради. Бундай ҳолларда газета либераллик қилишга сира ҳаққи йўқ. Бунда ҳамма нарса равшан бўлиши керак, бундай ҳодисаларга совет, социалистик, коммунистик мезонлар билан баҳо беришимиз зарур.

Биз ёшларга айниқса ахлоқий тарбия жиҳатидан доимо ғамхўрлик қиламиз. Аммо баъзан биз бу тарбиянинг айрим жиҳатларини тўғри нуқтаи назардан ёритмаймиз, баъзан хулоса, якун чиқаришга шошиламиз. Битта мисол келтириб ўтаман. Бундан 10—15 йил илгари матбуотда ортиқча маълумот деб аталадиган муаммо ҳақида гап бўлган эди: ўрта мактабни тамомлаган йигит ва қизларнинг бир қисмида дастлабки ишдан норозилик аломатлари пайдо бўлган эди. Пухтароқ таҳлил қилинганида гап ортиқча маълумотда эмас (кўпинча шу маълумотнинг ўзи етишмасди), балки яхши шароитда, бадавлат хонадонда ўсиб етишган ёшлар ўз меҳнат шароитларига ва меҳнатга тўланадиган ҳаққа ўз қобилиятлари ва қўшган ҳиссаларига қараганда анча кўп талаб қўяётганликларида эканлиги аниқланди.

Афсуски, бундай тенденция ҳозир ҳам намоён бўлиб туради. Шу нарса сир эмаски, ҳозирги ўсмирларнинг бир қисми истеъмолчи сифатида тезроқ, онгли гражданин ва ходим сифатида сустроқ етилмоқдалар. Биз бу хусусда ҳамиша ҳам тегишли хулосаларни чиқармаяпмиз, деб бўлмайди. Бу жиҳатдан «Журналист» редакциясига Кустанай областидан хат юборган партия ва меҳнат ветерани ўртоқ Р. Г. Давлетгиреевнинг фикри эътиборга сазовордир: «Нима учундир мухбирларимиз ишлаб чиқариш илғорларига ҳадеб: «Ишлаш сизга қийин бўлаётгани йўқми?» деб савол беришяпти. «Қийин» ва «жуда қийин» сўзлари тобора кенг тарқалмоқда. Менинг фикримча, бу ишга фойда келтирмайди. Қўшга сигир қўшиб, фашистлардан озод қилинган районларда эса хотинларнинг ўзлари плугни тортиб ер ҳайдаганларида ҳеч ким «қи-

йин» деган эмас эди. Ҳозир эса «К-700» тракторининг кабинасида худди юмшоқ вагон купесидагидек ўтирган киши «ишлаш қийин» деяпти. Менинг фикримча, ҳозир Совет Иттифоқида жисмонан соғлом бўла туриб меҳнат қилмаётган кишига қийин... Менинг фикримча, бизнинг давримизда қандайдир оғир қийинчиликлар ҳақида ҳадеб гапираверпш ҳатто уят ҳамдир. Чунки халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги ишчиларга ишлаш, ўқиш ва дам олиш учун қулай шароитлар яратилгандир».

Ҳурматли журналхонимиз газета очерклари ва лавҳаларида қаҳрамоннинг бутун ҳаёти гўё фақат қийинчиликлардан иборат қилиб тасвирланишини тўғри сезибди. Аҳвол бундай эмас-ку, ахир. Тошкентлик тўқувчи, Ленин комсомоли мукофотининг ҳамда ивановолик тўқувчилар Виноградовалар мукофотининг лауреати Дилбар Қулматова «Правда Востока»га юборган хатида бундай деб ёзади: «Бир туп ғўзани қалбни қувонтирадиган қилиб етиштириш учун қанча меҳнат сарфланишини яхши биламан. Бу меҳнат ерга меҳрни ҳам, катта билимларни ҳам ўз ичига олади. Меҳнат фаолиятимнинг замини пахта даласида яратилганидан бахтиёрман. Мен ўз ҳаётимни чинакам қувонч бағишлайдиган меҳнатсиз тасаввур қилолмайман».

Журналистлар меҳнатга коммунистик муносабатни яққол ва таъсирчан кўрсатар эканлар, бошқа томонга ҳам оғиб кетмасликлари: меҳнатни фақат роҳатдан иборат қилиб тасвирламасликлари керак. Бу нарса ҳам маънавий тарбия ишида зарарлидир. Реал ва бошқалар учун, айниқса ёшлар учун ибратли жиҳатлар ҳақида кўпроқ ҳикоя қилиш керак. Биз оддий меҳнат кунларини, баъзан чинакам қаҳрамонларча меҳнатнинг мураккаблигини тасвирлар эканмиз, ғоят муҳим жиҳатни унутиб қўямиз — қийинчиликларни бартараф этиш жараёнини кўрсатмаймиз. Одатда газета материаллари шартли равишда иккита қисмдан иборат бўлади: биринчи қисмда газетхон материал қаҳрамони у ёки бу қийинчиликни енгишга аҳд қилганлигини билиб олади, иккинчи қисмда эса мақсадга эришилганлиги хабар қилинади. Хўш, бу мақсадга қандай қилиб, нималар ҳисобига эришилди? Бу саволга жавоб берилса юзларча, балки минглаoча кишиларга ўрнак бўлар эди. Шунинг учун ҳам «Правда Востока» газетаси «Ўз ютуғинг билан кифояланма» деган шиорни пропаганда қилади ва қўллаб-қувватлайди. Шиорнинг моҳияти қуйидагидан иборат: яхши сифатли маҳсулот тайёрлашни ўрганиб олган экансан, бу билан кифояланма, янги ғайрат билан янада яхшироқ ишлашга интил. Нормани ортиғи билан бажаришга ўрганган экансан, янги марраларни кўзла. Бу даъватнинг қиммати, бизнинг фикримизча, унда маънавий ва иқтисодий стимулларнинг қўшилиб кетганлигидадир.

Эртага бўладиган қувонч, деган эди Антон Семёнович Макаренко, инсон ҳаётининг чинакам стимулидир. Ҳаёт ютуқлар ва умидлар билан тўла бўлса сермазмун ўтади. Шу сабабли мураббий биринчи навбатда тарбияланувчида яқин орадаги, узоқроқдаги ва истиқболдаги перспективани ҳис қилиш туйғусини тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилиши керак. «Агар у ҳатто узоққа мўлжалланган фақат ўзининг перспективасидан мамнун бўлса,— деб ёзади Макаренко,— биз уни гўзал шахс ва ҳурматли киши деб ҳис қилмаймиз. Инсон ўз коллективи перспективалари билан шахсий перспективаларни қанчалик кенг кўламда уйғунлаштирса, у шунчалик гўзал ва олижаноброқ бўлади» (А. С. Макаренко. Етти томли асарлар, 5-том, 1958, 174-бет).

Бизнинг давримизда, совет шароитида шахс ўз манфаатлари ва перспективаларини боғлайдиган коллектив тор оилавий доира билан ёки муайян корхона, колхоз доираси билангина чекланиб қолмаган. Кўп кишилар учун шахсий перспективалари социалистик Ватан тақдири ва истиқболи билан, коммунистик қурилиш иши билан, тинчлик, демо-

кратия ва социал тараққиёт учун кураш билан бирга қўшилиб кетгандир. Биз кундалик ҳаётимизда шунга ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

Партия ғояларининг тарғиботчиси, коммунизм қурувчиларининг пешқадами бўлган коммунистлар ҳамма учун ёрқин ўрнак бўлиб хизмат қилмоқдалар. КПСС XXV съездининг делегати, «Ташсельмаш» заводининг слесари Маҳмуд Мўйдинов «Правда Востока» саҳифаларида партия аъзосининг юксак бурчи ҳақида, унинг коллективда, жамиятда рўй бераётган ҳамма ҳодисалар учун масъулияти ҳақида жиддий суҳбат бошлади. Мўйдиновнинг мақоласи хусусида жуда кўплаб фикрлар олинди, унинг «Агар сен коммунист бўлсанг» деган сарлавҳаси газетада доимий рубрика бўлиб қолди. Партия аъзоларининг чиқишларини, коммунистлар тўғрисидаги очерклар ва лавҳаларни коллективизм туйғуси ҳақидаги, шахсий истиқболигина эмас, балки бутун жамиятимизнинг истиқболи ҳақида ғамхўрлик қилиш зарурлиги тўғрисидаги фикр бирлаштириб туради. Матбуотнинг бу соҳадаги вазифалари кун тартибидан олингани йўқ ва биз Владимир Ильич Лениннинг қуйидаги сўзларини унутмаслигимиз керак: «Биз ҳар ким ўзини дейди, худо ҳаммани дейди» деган лаънати қоидага барҳам бериш учун... ишлаймиз. Биз... «ҳамма бир киши учун ва бир киши ҳамма учун» деган қоидани... омманинг онгига сингдириш, унинг кундалик ҳаётига киритиш учун ишлаймиз» (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 120-бет).

Коммунистик ахлоқ негизи ижтимоий ва шахсий манфаатларнинг таркибий бирлигидадир. Бу нарса инсон зиммасига ўз гражданлик бурчини муқаддас билиб бажариш, коллективист бўлиш мажбуриятини юклайди. Шу сабабли шахснинг ахлоқий тарбияси ижтимоий тараққиёт талаблари билан мустаҳкам алоқага, социализм ишига садоқатга, унинг душманларига нисбатан муросасизликка асосланади.

Партиямиз совет кишисининг актив ҳаётий позициясини шакллантиришда матбуотнинг ролини ошириш масалаларига доимо катта эътибор бериб келмоқда. КПСС Марказий Комитети ўтган йили баҳорда қабул қилган «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори, шунингдек, кузда ўтказилган идеология фронти ходимлари Бутуниттифоқ кенгашининг материаллари биз газетачилар учун катта мадад бўлди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москва меҳнаткашлари вакилларининг унга Ленин мукофоти топширилишига бағишланган тантанали йиғилишида айтган қуйидаги сўзлари идеология фронти ходимларига янги чақириқ бўлиб янгради: «Лениннинг партиявий публицистиканинг вазифалари тўғрисида айтган сўзлари, яъни ҳозирги замон тўғрисида шундай ёзиш керакки, токи ёзган нарсаларинг партиямизнинг, халқимизнинг амалий ишига қўлдан келганча ёрдам берсин, деган сўзлари яна эсга келади. Бу ҳозирда ҳам публицистикамизнинг, оммавий пропагандамизнинг, партия бутун ғоявий-тарбиявий ишининг бош вазифаси-ку, ахир («Совет Ўзбекистони», 1980 йил 1 апрель).

ПАРТИЯ ЎҚУВИ СИСТЕМАСИ УЧУН

„Дунёни тубдан ўзгартирувчи таълимот“ курси бўйича методик маслаҳатлар

СССРда СОЦИАЛИЗМ ҚУРИШ ЛЕНИНЧА ПЛАНИ

Бундан олдинги темани ўрганиш вақтида таъкидлаб ўтилганидек, Улуғ Октябрь ғалабаси натижасида пролетариат диктатурасининг ўрнатилиши — Совет давлатининг барпо этилиши мамлакатимизда революцион туб ўзгартишларнинг, капитализмдан социализмга ўтиш даврининг бошланиши бўлди. Коммунистлар партияси олдида жуда оғир вазифа — янги жамиятни яратиш йўлларини ишлаб чиқиш ва амалда синаб кўриш, ишчилар синфини, барча меҳнаткашларни уни қуришга, революция ғалабаларини ҳимоя қилишга уюштириш вазифаси турар эди. Бу тарихий вазифа бажарилди. Партиянинг йўлбошчиси В. И. Ленин марксча назарияни ижодий ривожлантириб, социализм қуриш планини ишлаб чиқди. Тарихда биринчи марта социал туб ўзгартишлар илмий жиҳатдан асосланган программа бўйича амалга оширила борди.

Темани ўрганишнинг қуйидаги плани тавсия этилади:

1. **В. И. Ленин — социалистик қурилиш илҳомчиси ва ташкилотчиси. Янги иқтисодий сиёсат.**
2. **Социализм қуриш ленинча планининг асосий бўғинлари.**

В. И. ЛЕНИН — СОЦИАЛИСТИК ҚУРИЛИШ ИЛҲОМЧИСИ ВА ТАШКИЛОТЧИСИ. ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ

Пропагандист аввало шуни қайд қиладики, пролетариат диктатураси ўрнатилиб, унинг сиёсий позициялари мустаҳкамлангандан кейин хўжалик вазифалари, В. И. Ленин таъкидлаганидек, биринчи даражали аҳамият касб этди. Совет давлати ерлар, банклар, завод ва фабрикаларни, конлар, темир йўлларни национализация қилишни амалга оширди, ташқи савдо монополиясини ўрнатди, бошқа иқтисодий тадбирларни кўрди. Ана шуларнинг ҳаммаси Совет ҳокимиятига мамлакат экономикасидаги ҳал қилувчи соҳаларни ўз қўлига олиш имконини берди. «Биз, большевиклар партияси,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— Россияни **ишонтирдик.** Биз Россияни — камбағаллар учун бойлардан, меҳнаткашлар учун эксплуататорлардан **урушиб олдик.** Энди, Россияни **идора қилмоғимиз керак»** (Тўла асарлар тўплами, 36-том, 195-бет).

Совет давлати 1918 йил 3 мартда Германия билан сулҳ (Брест сулҳи) тузиб, тинч бунёдкорлик меҳнатига киришиш имконига эга бўлиб қолди. Бу иш мислсиз оғир шароитларда бошланганлигини тингловчиларга тушунтириб бериш тавсия этилади. Бизнинг мамлакатимиз душман капиталистик қуршов ичида эди. Совет ҳокимияти кўрган тадбирлар ағдарилган, аммо ҳали охиригача йўқотилмаган, халқаро империализмнинг кенг кўламдаги мададига таянган эксплуататор синфларнинг шиддатли қаршилигига дуч келиб турди. Энг катта қийинчилик социалистик қурилиш тажрибаси йўқлигида эди. Ленин партияси дунёда биринчи бўлиб социализм сари йўл солиши, ана шу йўлда жуда кўп мураккаб проблемаларни назарий ва амалий ҳал қилиб бериши, янги жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий ташкилотини барпо этиши ва синаб кўриши лозим эди. Аҳвол яна шу билан оғирлашган эдики, ишчи-деҳқонлар ҳокимияти чоризмдан, Россия буржуазияси ва помешчиклардан ишлаб чиқарувчи кучлари унчалик ривожланмаган, яна бунинг устига мазкур кучлар империалистик уруш натижасида таназзулга тушган мамлакатни мерос қилиб олган эди.

Пролетариат диктатурасининг ана шундай ғоят оғир дастлабки ойлари вазиятида ҳам ўн миллионлаб кишиларнинг турмушини янгича ташкил этишга киришиш, ижтимоий ишлаб чиқаришни тубдан қайта қуриш ва маҳсулотларни халқ манфаатларини кўзлаб тақсимлаш лозим эди. Ана шу бағоят мураккаб вазифа В. И. Лениннинг, Коммунистик партиянинг жуда улкан назарий ва ташкилотчилик ишини, Совет мамлакати меҳнаткашларининг кўп қиррали ижодий фаолиятини талаб этди.

РКП(б) Марказий Комитетининг топшириғига биноан В. И. Ленин «Ҳозирги мо-

ментда Совет ҳокимиятининг вазифалари тўғрисида тезислар» тайёрладики, бу тезислар Марказий Комитет томонидан муҳокама қилиниб, маъқуллангандан кейин «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» номи билан машҳур бўлган мақола шаклида эълон қилинди. Унда В. И. Ленин капитализмдан социализмга ўтиш даврида партиянинг иқтисодий сиёсатини биринчи бўлиб ишлаб чиқди. Пропагандист Ленин мақоласининг мазмуни билан тингловчиларни қисқача тарзда таништириб чиқади.

1918 йил кўкламида ёзилган ана шу ва бошқа бир қатор асарларда В. И. Ленин кўп укладли экономикани аста-секин ягона социалистик укладга айлантириш, ишлаб чиқариш ва тақсимот устидан давлат ҳисоби ва контролини жорий этиш, социализмнинг моддий асоси бўлган оғир индустрияни ривожлантириш, саноатни хом ашё манбаларига яқинлаштирган ҳолда рационал жойлаштириш, халқ хўжалигини электрлаштириш, омманинг турмуш даражасини оширмоқ учун негиз бўлган ишлаб чиқарувчи кучларни бутун чоралар билан юксалтириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш ва янги меҳнат интизомини жорий қилиш, моддий ва маънавий стимулларни татбиқ этиш, социалистик мусобақани ташкил қилиш, буржуа мутахассисларидан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда фаннинг ролини ошириш, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш каби асосий масалаларни ҳал этиш зарурлигини уқтирди В. И. Ленин социалистик хўжалик юритишнинг асосий принципи бўлмиш демократик централизмни асослаб бердики, демократик централизм экономикага марказлаштирилган тартибда давлат йўли билан планли раҳбарлик қилишни ишлаб чиқаришни бошқаришда меҳнаткашлар оммасининг ижодий активлигини ғоят даражада ривожлантириш билан қўшиб олиб бориш, хўжалик қурилишида маҳаллий органларнинг ташаббусини бутун чоралар билан авж олдириш демакдир; В. И. Ленин шунингдек пролетариат диктатураси давлати тўғрисидаги таълимотни ривожлантирди. Уни социализм қуришнинг асосий қуроли сифатида ҳар тарафлама мустаҳкамлаш зарурлигини исботлаб берди, пролетариат диктатураси системасида Коммунистик партиянинг раҳбарлик ролини асослади.

«Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» ва Лениннинг ўша даврдаги бошқа бир қатор асарлари, деб таъкидлайди пропагандист, социализм қуришга амалда киришишнинг кенг планини баён қилиб берди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган докладида бундай деган эди: «Уруш ва революция туфайли ағдар-тўнтар, остин-устин бўлиб кетган Россияда, ижтимоий-иқтисодий тенденциялар, сиёсий кучлар, бир-бирига зид қарашлар ва кайфиятлар мураккаб равишда чирмашиб кетган бир шароитда пировард мақсадни равшан билмоқ социализм сари қилинадиган ҳаракатнинг энг муҳим, асосий йўналишларини топмоқ ва назарий жиҳатдан пухта шаклда тасаввур қилмоқ учун башоратли теран ақл, кенг билим ва дадил фикрга эга бўлмоқ керак эди. Бу иш Ленинга насиб бўлди» (Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар, 2-том, 633-бет).

Сўнгра пропагандист қайд қиладики, халқаро империализм ва ички контрреволюция бошлаб юборган қуролли интервенция ва гражданлар уруши туфайли социалистик қурилиш вақтинча тўхтаб қолди. Мамлакатда уч йил муттасил катта жанглар сурони тинмади. Советлар республикаси том маънода қамалдаги қалъага айланган эди.

Ана шу ғоят оғир йилларда, очлик ва ресурслар қаҳатчилиги шароитида Совет давлати фавқулодда иқтисодий чора-тадбирларни амалга оширишга мажбур бўлди (деҳқонлардан ортиқча маҳсулотларни ҳақ тўламасдан мусодара қилиш шаклидаги озиқ-овқат развёрсткасини жорий этиш, истеъмол предметларини жуда кам нормалар билан карточка орқали тақсимлаш, хусусий савдони тақиқлаш, ялпи меҳнат мажбурияти ва бошқалар), ана шу чора-тадбирлар ёрдамида контрреволюцияга қарши зарбани уюштиришга, халқ хўжалиги организмининг асосий бўғинларини сақлаб туришга муваффақ бўлинди. Ана шу вақтинча чора-тадбирлар кейинчалик «ҳарбий коммунизм» сиёсати номини олди.

1919 йил мартида РКП(б)нинг VIII съезди бўлиб ўтди. Лойиҳаси В. И. Ленин раҳбарлигида тайёрланган партия янги Программасининг муҳокама қилиниши ва қабул этилиши съезд ишида энг муҳим ўрин тутди. Маълумки, Октябрь революцияси ғалаба қилиши билан 1903 йилда РСДРП II съездида қабул қилинган партиянинг биринчи Программасининг асосий вазифаси амалга оширилган эдики, бу вазифа капиталистлар билан помешчиклар ҳукмронлигини ағдариш ва пролетариат диктатурасини ўрнатишдан иборат эди. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, янги вазифа — социализм асосларида жамиятни тубдан ўзгартишни амалга ошириш вазифаси кун тартибига қўйилди. Программанинг назарий қисмида мамлакатимизнинг капитализмдан социализмга революцион ўтиш даври анализ қилиб берилди, амалий қисмида эса партиянинг социалистик қурилиш барча соҳаларидаги вазифалари белгилаб чиқилди. Программада Совет давлатининг табиати ва синфий моҳияти очиб берилди, унинг хўжалик сиёсатининг туб принциплари таърифланди.

Интервентларни қувиб чиқаргандан кейин ва гражданлар уруши ғалаба билан тугагач, совет халқи тинч бунёдкорлик ишини давом эттириш, халқ хўжалигини тиклашга киришиш, уни социалистик асосларда қайта қуришни туғаллаш имкониятига эга бўлиб қолди. Бу ўринда шуни қайд қилиш тавсия этиладики, интервентлар ва оқ

гвардиячилар мамлакатга келтирган зарар жуда катта эди. Қишлоқ хўжалигининг маҳсулоти 1920 йилда чор Россиясидаги урушдан аввалги жуда паст даражанинг атиги ярмига яқинини ташкил этар эди, йирик саноат маҳсулоти эса 1913 йилдагига нисбатан деярли етти баравар кам эди. Бунинг маъноси халқ хўжалиги бир неча ўнлаб йилларга орқага суриб ташланди деган гап эди. Халқ қийналиб кетган эди, бир қанча йиллар давомида кишилар ярим оч яшаб келдилар. Кийим-кечак, пойабзал, дори-дармонлар жуда камчил эди, уйлар иситилмасди ҳисоб. «Россия урушдан шундай аҳволда чиқдики,— деган эди В. И. Ленин 1921 йил мартида,— унинг бу аҳволи чала ўлик қилиб ташланган кишининг аҳволига кўпроқ ўхшаб кетади...» (Тўла асарлар тўплами, 43-том, 77-бет).

Пропагандист тингловчиларга шуни тушунтириб берадики, Россия аграр мамлакат эди ва Советлар республикасининг ҳаёт-мамоти эса қишлоқ хўжалигининг аҳволига боғлиқ эди. Озиқ-овқатсиз, хом ашёсиз саноатни тиклаб бўлмас эди. Шу сабабли мамлакат экономикасини кўтариш вазифаларини ҳал этиш биринчи навбатда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кўпайтириш заруратига бориб тақалган эди.

Партия олдида иқтисодий негизда ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлаш, деҳқонларни социализм қурилишига жалб этиш вазифаси турарди. В. И. Ленин, бу иттифоқ пролетариат диктатурасининг олий принципидир, деб таълим берди. У ушбу иттифоқни Совет ҳокимиятининг аввалию охири деб атаб, «Россиядаги социалистик революцияни фақат деҳқонлар билан келишувгина сақлаб қолиши мумкин» (Тўла асарлар тўплами, 43-том, 66-бет), деб таъкидлар эди.

Партия X съездининг (1921 йил март) қарорига мувофиқ жорий этилган янги иқтисодий сиёсат (нэп) мазкур вазифани амалга оширишга хизмат қилди. «... Янги иқтисодий сиёсатнинг моҳияти,— деган эди В. И. Ленин,— пролетариат билан деҳқонларнинг иттифоқидир, гап — пролетариат авангардининг кенг деҳқонлар табақаси билан алоқасидадир» (Тўла асарлар тўплами, 44-том, 364-бет).

Озиқ-овқат развёрсткасини натура солиғи билан алмаштириш нэпнинг муҳим тадбири бўлдики, натура солиғи развёрсткадан анча кам бўлиб, солиқ тўлагандан кейин деҳқонлар қўлида қолган ортиқча озиқ-овқат ва хом ашё эса деҳқонларнинг тўла тасарруфига топширилар ва шахсий истеъмол учун, саноат товарларига алмаштириш учун ишлатилиши мумкин эди. Бу тадбир нэпга ўтишнинг асосий принципиал йўлини белгилаб берди. Янги иқтисодий сиёсатнинг бошқа муҳим қисмлари: капиталистик элементларнинг қишлоқ хўжалигига, ички савдога киришига, давлат йўли билан чеклаган ва тартибга солган ҳолда майда ва қисман ўрта саноатга киришига имкон бериш; давлат капитализмидан, хусусан, муайян шартлар асосида ва муайян муҳлатларга Совет давлати контроли остида ишлаб турган айрим саноат корхоналарини чет эл капиталистларига концессияга (ижарага) бериш каби унинг формасидан фойдаланиш; шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларини моддий рағбатлантиришдан фойдаланиш; электрлаштириш базасида социалистик индустрияни бутун чоралар билан ривожлантириш; майда деҳқон ишлаб чиқаришини кооперативлаштириш; давлат ва кооператив савдосини ривожлантиришдан иборат эди.

Шундай қилиб, нэп — социализм қуриш ленинча планини амалга оширишни таъминлаган кенг, кўп қиррали сиёсат эди. У «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» асарида баён қилинган социалистик экономика асосларини яратиш тўғрисидаги қоидаларни янада ривожлантирди. Нэп кейинчалик кучларни қайтадан группалаш ва капиталистик элементларга янгидан тазйиқ қилиш мақсадида муайян чегарагача чекиниш демак эди. Бу «ким — кимни енгади?» принципи бўйича шиддатли кураш эди.

В. И. Ленин таъкидладики, нэп жиддий равишда ва узоқ муддатга жорий этилди, «янги иқтисодий сиёсат, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бизга социалистик экономиканинг пойдеворини қуриш имкониятини тўла таъмин этади» (Тўла асарлар тўплами, 45-том, 72-бет). У башорат қилиб: «... Нэп Россияси социалистик Россияга айланади» (ў ш а ж о й д а, 350-бет) деган эди.

Дарҳақиқат, вақтинча чекиниш ўрнига кучларни қайта группалаш, сўнгра эса капиталистик элементларга ҳужум қилиш келдики, бу ҳужум 20 ва 30-йиллар чегарасида социализмнинг бутун фронт бўйлаб кенг ҳужумига айланди. Капиталистик элементларнинг шунчаки тугатилиши содир бўлибгина қолмади — уларни юзага келтирган замин йўқотилди, эксплуатация таг-томири билан суғуриб ташланди.

Машғулот вақтида шуни қайд қилиб ўтиш тавсия этиладики, янги иқтисодий сиёсатни амалга ошириш кескин синфий кураш шароитида борди. Халқаро империализм илҳомлантириб ва қўллаб-қувватлаб турган капиталистик элементлар социалистик туб ўзгартишларга жон-жаҳдлари билан қаршилик кўрсатдилар. Бундан ташқари, партияга қарши группировка — троцкийчилар, зиновьевчилар ва бошқа оппортунистлар янги иқтисодий сиёсатга қарши актив курашдилар. Улар мамлакатимизда социализмнинг ғалаба қилиши мумкинлигига ишонмаслик уруғини сепиб келдилар, нэпнинг ленинча принципларини бузиб кўрсатиб, уни революцион назариядан чекиниш, капитализмнинг устунлигини эътироф этиш деб баҳоладилар.

Ҳақиқатда эса нэп янги тарихий вазиятда марксизмни ижодий тарзда ривожлантириш бўлди. Уни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Коммунистик партиянинг донолиги, В. И. Лениннинг доҳиёна узоқни кўра билиши ўзини кўрсатдики, булар ижти-

моий тараққиёт қонунларини чуқур билишга асосланган эди. Ўшандан кейинги йиллардаги СССРда социалистик қурилиш тажрибаси В. И. Лениннинг батамом ҳақ бўлганлигини, унинг илмий башоратининг улкан кучини кўрсатиб берди.

СОЦИАЛИЗМ ҚУРИШ ЛЕНИНЧА ПЛАНИНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНЛАРИ

Масалани ўрганишни шуни тушунтиришдан бошлаш керакки, социализм қуриш планининг ғоялари В. И. Лениннинг кўп асарларида ўз ифодасини топган. Марксистик назарий фикрнинг ва революцион практиканинг мустаҳкам пойдевори устига қурилган ана шу планни ишлаб чиқишда Владимир Ильичнинг 1922 йил декабри — 1923 йил мартида диктовка қилиб ёздирган сўнгги мақолалари якунловчи босқич бўлди (темага оид адабиётлар рўйхатига қаралсин). В. И. Ленин социалистик революциянинг умумий қонуниятларини Россиянинг специфик шароитлари ва хусусиятларига ижодий тарзда татбиқ этиб, Советлар Мамлакатининг конкрет тарихий шароитида социализм қуришнинг амалий программасини ишлаб чиқди. Бу программа партиянинг социалистик жамият барпо этишга қаратилган бош йўлини янада ривожлантириш бўлди.

Шуни кўрсатиб ўтиш муҳимки, мазкур программани амалга ошириш учун мамлакатда зарур шарт-шароитлар мавжуд эди: ишчилар синфининг сиёсий ҳокимияти, экономикадаги ҳал қилувчи соҳалар Совет давлати қўлида бўлиши, капиталистик хом ашё бозорига қарам бўлмасликнинг асоси сифатида жуда катта табиий бойликлар, халқ оммасининг ғоят кенг кўламдаги сиёсий активлиги ва меҳнат борасидаги ғайрат-шижоати, ишчилар синфининг деҳқонлар билан мустаҳкамланиб бораётган иттифоқи, СССР халқлари ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланиши, ижтимоий тараққиёт қонунларини билувчи ҳамда жамиятни социализм сари йўлга бошлашга қобил бўлган Коммунистик партиянинг раҳбарлиги мавжуд эди.

Пропагандист таъкидлайдики, оппортунистлар партияни ленинча бош йўлдан буриб юборишга уриндилар. Улар Россиянинг иқтисодий ва маданий жиҳатлардан қолоқлиги туфайли унда социализм ғалаба қилиши мумкин эмас, деб ҳисобладилар. В. И. Ленин бу даъволарни танқид қилиб тилка-порасини чиқарди. У шунингдек янги жамиятнинг жуда ҳам тез пайдо бўлишини кутган кишиларнинг қарашлари асоссиз эканлигини ҳам кўрсатиб берди. Партиянинг йўлбошчиси социализмнинг ривожланиши — уни социал ташкил этишнинг қуйи формалардан юқори формаларига аста-секин ўтишдек мураккаб процесс эканлиги ҳамда бу жамиятнинг ғалаба қилиши учун омманинг онгли, актив кураш олиб бориши зарурлиги ҳақидаги қоидани асослаб берди.

Социалистик индустриялаштириш социализм қуриш ленинча планида марказий ўринни ишғол этди. В. И. Ленин йирик машинали индустрия, энг аввало ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи ва бутун халқ хўжалигини энг янги техника билан қуроллантирувчи оғир саноат янги ижтимоий тузумнинг бирдан-бир мумкин бўлган иқтисодий асосидир, деб таълим берди. Душман капиталистик қуршов шароитида фақат ўз оғир индустриясини барпо этиш билангина мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш, унинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш мумкин эди. Социализм ишлаб чиқарувчи кучларни ҳар тарафлама ривожлантириш йўли билан ғалаба қилиши ва иқтисодий жиҳатдан ўзини барқарор этиши мумкин эдики, оғир индустрия негизидагина бунинг иложи бор эди. «Россия учун деҳқон хўжалигининг яхши ҳосил беришигина нажот бўла олмайди,— бу ҳали кифоя эмас,— ва деҳқонларга истеъмол буюмлари етказиб берувчи енгил саноатнинг яхши аҳволда бўлиши ҳам нажот бўла олмайди,— бу ҳам ҳали кифоя эмас, бизга **оғир** индустрия ҳам зарурдир» (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 45-том, 327-бет).

Тингловчиларга шуни тушунтириш маъқулки, В. И. Ленин социализм қуришнинг барча туб проблемаларини индустриялаштириш билан боғлади. Энг аввало индустриялаштириш асосий вазифалардан бирини ҳал қилганлигини — дунёда энг илғор бўлган ижтимоий-сиёсий тузум билан унинг кам ривожланган моддий-техника базаси ўртасидаги номувофиқликни тугатишга кўмаклашганлигини кўрсатиб ўтиш лозим.

Индустриялаштириш деҳқонларга бериладиган иқтисодий ёрдамни кенгайтириш учун шароит яратади. Йирик машинали индустрия мавжуд бўлган тақдирдагина меҳнаткаш деҳқонни кооперациялаш йўлига, социализм йўлига ўтказишни таъминлаш мумкин.

Ишчилар синфининг раҳбарлик ролини кучайтириш индустриялашнинг сиёсий вазифаси эди. Йирик машинали индустрияни ривожлантириш ишчилар синфининг сонини кўпайтиришга ва жамиятнинг социал структурасида унинг салмоғини оширишга, синфий ўз-ўзини англашни пайдо қилиш ва ўстиришга, пролетариат диктатурасини мустаҳкамлашга олиб келди. Индустриялаштириш ишчилар синфи билан меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлашнинг асоси бўлди. У «ким — кимни енгади?» деган масалани социализм фойдасига ҳал қилишда жуда катта роль ўйнади.

Индустриялашни амалга ошириш миллий чекка ўлкаларни иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалтиришга эришишни, совет миллатларининг амалдаги нотенглигини тугатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Иттифоқдош республикаларда йирик машинали индустриянинг ривожланиши ишчилар синфининг миллий отрядларини ва

уларнинг авангарди — коммунистик ташкилотларни ўстиришга кўмаклашди, илгари қолоқ бўлиб келган халқларнинг капиталистик тараққиёт босқичини четлаб, социализмга ўтиши учун шароит яратиб берди.

Индустриялаштириш меҳнат унумдорлигининг оғишмай ўсиши учун, бутун халқ хўжалигида техника тараққиётини таъминлаш учун кенг имкониятлар яратди. Бу ҳол Коммунистик партиянинг асосий мақсадини — меҳнаткашлар оммасининг фаровонлигини ошириш мақсадини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам база яратди.

Машғулот вақтида социалистик индустриялаштиришнинг капиталистик индустриялашдан принципиал фарқ қилишини очиб бериш муҳимдир.

Капитализмнинг асосий иқтисодий қонуни — қисқа муҳлат ичида ғоят катта фойда олиш қонуни амал қилиши туфайли капиталистик индустриялаштириш енгил саноатни барпо этишдан бошланади, сўнгра эса, капитал жамғарилиб борган сари, оғир саноат ривож топа боради. Социализмнинг жамият аъзолари моддий ва маданий эҳтиёжларини максимал даражада қондиришдан иборат асосий иқтисодий қонунининг талаблари ҳисобга олиниб амалга ошириладиган социалистик индустриялаштириш биринчи навбатда оғир саноатни ривожлантиришни англатади.

Ишлаб чиқариш анархияси туфайли капиталистик индустриялаштириш билан бир вақтда айрим тармоқларнинг ривожланишида иқтисодий кризислар, диспропорциялар бўлиб туради. Социалистик индустриялаштириш план асосида амалга ошириладики, бу ҳол моддий ва одам ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экономикада юзага келадиган диспропорцияларни бартараф этиш, экономика барча тармоқларининг нормал ривожланиши учун шароит яратиш имконини беради.

Капитал мамлакатларидаги индустриялаштириш меҳнатни интенсивлаштиришнинг ўсишига, эксплуатациянинг тобора маккорона формаларини қўлланишга, ишсизлар армиясининг кўпайишига сабаб бўлади. Шу боисдан капитал мамлакатларида меҳнаткашлар оммаси индустриялашдан манфаатдор эмас. Социалистик индустриялаштириш ходимнинг меҳнатини енгиллаштиришга, маданий-техникавий савиясининг ўсишига олиб келади. Шунинг учун ҳам социалистик жамият аъзолари индустриялаштиришни ўзларининг жонажон ишлари деб биладиларки, бу ҳол меҳнат борасида оммавий қаҳрамонликнинг намоён бўлишига ҳамда бунинг оқибати сифатида, меҳнат унумдорлигининг тез ўсишига олиб келади.

Индустриялаштириш учун маблағлар жамғариш манбалари ҳақидаги масала, деб таъкидлайди пропагандист, принципиал аҳамиятга эга эди. Ана шу мақсад учун меҳнаткашларни эксплуатация қилиш, мустамлакаларни талаш, ҳарбий талончилик, контрибуция каби йўллар билан маблағлар жамғариш манбалари капиталистик тузумга хос бўлиб, табиийки, социализмнинг моҳиятига ёт эди. Аслини олганда, ташқи заёмлар каби манба ҳам бизнинг мамлакатимиз учун ёпиқ эди. Пролетариат диктатураси қўлида фақат ички ресурсларгина бор эди.

В. И. Ленин социалистик индустриялаштириш учун маблағ жамғариш проблемасини ҳал этиш йўлида жиддий қурбонлар бериш ва маҳрумликларга чидаш, қаттиқ тежамкорлик режимига риоя қилиш зарур бўлади, деб кўрсатган эди. «Биз ҳамма нарсадан, ҳатто мактаблардан ҳам тежаймиз,— деган эди у.— Шундай бўлиши керак, чунки биз оғир саноатни қутқазмай туриб, уни тикламай туриб, ҳеч қандай саноатни барпо қила олмаслигимизни... биламиз». Агар биз маблағлар топмасак, деб таъкидлаган эди Владимир Ильич, «маданий давлат сифатида — социалистик давлат сифатида деяётганим йўқ,— ҳалок бўламиз» (Тўла асарлар тўплами, 45-том, 327, 328-бетлар). В. И. Ленин капиталистик элементларга солинадиган даромад солиқларини кўпайтиришни, истеъмол буюмларига солинадиган солиқлар жорий этишни, омонат кассалар шохобчаларини кенгайтиришни, ички заёмларни қўлланишни тавсия этди.

Айни чоқда фақат маблағ жамғаришни ўрганишгина эмас, балки ундан тўғри фойдаланиш ҳам муҳим эди. В. И. Ленин давлат аппаратида тартиб ўрнатишни, планлаштиришни яхшилашни, хўжалик ҳисобини жорий этишни, барча корхоналарнинг рентабел бўлишига эришишни тавсия этди.

Мамлакатнинг техникавий-иқтисодий қолоқлигини бартараф этиш, капиталистик қуршов ва доимий ҳарбий ҳужум хавфи шароитида социализм қуришнинг жуда ҳам зарурлиги индустриялаштириш суръатларининг юксак бўлишини олдиндан белгилаб қўйди. Бу ҳам саноати ривожланган капиталистик мамлакатларни иқтисодий жиҳатдан қувиб етиш ва улардан ўзиб кетиш вазифасини ҳал этишда жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Индустриялаштиришнинг юксак суръатларини социалистик хўжалик системасининг афзалликлари, унинг планли характери, меҳнаткашларнинг мислсиз ғайрат-шижоати, Коммунистик партиянинг илмий жиҳатдан асосланган сиёсати таъминлади.

Пропагандист таъкидлайдики, бутун халқ хўжалиги каби йирик машинали индустриянинг ҳам ривожланиши В. И. Лениннинг назарида электрлаштиришни амалга оширмасдан туриб мумкин эмас эди. Унинг қисқа, аммо жуда лўнда: **«Коммунизм — Совет ҳокимияти плюс бутун мамлакатни электрлаштиришдир»** (Тўла асарлар тўплами, 40-том, 187-бет), деган формуласи ҳаммага маълум. В. И. Ленин Россияни электрлаштириш давлат планини (ГОЭЛРО) тузишнинг ташаббускори ва илҳомчиси бўлди. Мамлакатнинг энг яхши илмий кучлари томонидан ишлаб чиқилган бу план халқ хўжалигини янги техникавий базада — электрлаштириш базасида ривожлантиришнинг дунёда биринчи ягона умумдавлат плани эди. Владимир Ильич Советларнинг VIII съезди томонидан (1920 йил декабрь) маъқулланган ГОЭЛРО планини партиянинг

иккинчи программаси деб атаганлиги бежиз эмас (ў ш а ж о й д а, 185-бетга қаралсин). Совет экономикасини илмий жиҳатдан асосланган, планли, комплекс тарзда ривожлантириш тарихи ана шу пландан бошлангандир.

ГОЭЛРО плани 10—15 йилга мўлжалланган эди. Тингловчиларга бу планда асосий эътибор оғир саноатни тиклашга ҳамда унинг чиқарадиган маҳсулотини 1913 йил даражасига нисбатан икки баравардан зиёд кўпайтиришга; истеъмол буюмлари чиқариш ана шу даражадан деярли 1,5 баравар ўзиб кетишига қаратилганлигини тушунтириб бериш лозим. Планда умумий қуввати 1 миллион 750 минг киловатт-соат бўлган 30 та электр станция (шу жумладан 1926 йилда ишга тушган Тошкент яқинидаги Бўзсув электр станциясини) қуриш мўлжалланган эди. Электр энергия ҳосил қилиш 10 баравар кўпайиши лозим эди. Бу кўп нарсаларни бошқатдан бунёд этиш лозим бўлган шароитда мамлакатни иқтисодий жиҳатдан тиклашнинг дадил ва айни чоқда реал плани эди.

Халқ хўжалигини тиклаш асосан тугалланганидан кейин партия Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, ўзининг XIV съездида (1925 йил декабрь) социалистик индустриялаштириш йўлини қабул қилди. Бу ўринда шуни қайд қилиш тавсия этиладики, партия ана шу йўлнинг душманлари бўлмиш троцкийчиларга ва ўнг оппортунистларга қатъий зарба берди. Троцкийчилар, масалан, «ўта индустрлаштириш» авантюристик шиорини илгари суриб, партияни саноатни ривожлантиришни асоссиз тарзда жадаллаштириш йўлига, реал имкониятларни ҳисобга олмаган ҳолда жадаллаштириш йўлига буриб юборишга уриндилар, бунинг учун маблағларни эса ўрта деҳқонларни эксплуатация қилиш ҳисобидан олишни тавсия этдиларки, бу ҳол пролетариат диктатурасининг социал асосини барбод этишга олиб келган бўлур эди. Ўнг оппортунистлар умуман олганда оғир саноатни устун даражада ривожлантиришга қарши чиқдилар. Ваҳоланки, уларнинг йўли Совет давлатини капиталистик давлатларнинг аграр қўшимтасига айлантирган бўлур эди.

Коммунистик партия раҳбарлигида совет кишилари жуда кўп қийинчиликларни енгиб, кескин синфий ва ички партиявий кураш шароитида, мураккаб халқаро вазиятда тарихан қисқа муддат ичида қолоқ мамлакатни дунёдаги саноат жиҳатдан энг ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқдилар. Индустриялаштириш туфайли Ватанимизнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқ хўжалиги барча тармоқларини техника жиҳатдан реконструкция қилиш учун, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини социалистик асосга кўчириш учун моддий база яратилди. Социал-сиёсий жиҳатдан индустрлаштириш экономиканинг ҳал қилувчи соҳасида ижтимоий мулкни мустаҳкамлади, шаҳарда капиталистик элементларни сиқиб чиқаришни, саноатда социалистик укладнинг ғалаба қилишини таъминлади, ишчилар синфининг сон жиҳатдан, касб-техникавий ва маданий жиҳатдан ўсишига, унинг совет жамиятининг раҳбар социал кучи сифатидаги ролининг ошишига сабаб бўлди, мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга ёрдам берди. У Совет Иттифоқининг инсониятнинг энг ашаддий душмани бўлмиш Гитлер фашизми устидан ғалаба қилиши учун мустаҳкам моддий асос яратди. КПСС Программасида таъкидланганидек, **«СССРни индустриялаштириш — ишчилар синфининг, бутун халқнинг буюк жасоратидир...»**.

Шундан кейин пропагандист янги жамият қуриш ленинча планининг навбатдаги бўғинини — **қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришни** тавсифлаб беради. Октябрь революциясидан олдиноқ В. И. Ленин ўзининг кўп асарларида ерни ва ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштиришгина меҳнаткаш деҳқонларга эркин ва таъминланган ҳаёт йўлини очиб беради, деб таъкидлаган эди. У К. Маркс билан Ф. Энгельс ғояларини мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларига татбиқан ривожлантириб, деҳқонларнинг майда товарли экономикадан йирик умумлаштирилган ишлаб чиқаришга ўтишининг қонуниятлари ва принципларини асослаб берди. Ўша вақтдаёқ В. И. Ленин қишлоқни социалистик асосда тубдан ўзгартириш хўжаликнинг икки формасида — давлат ва кооператив формаларида амалга оширилади, деб уқтирган эди.

Октябрь революциясидан кейин ҳам В. И. Ленин бу проблемага жиддий эътибор бераверди. «Кооперация тўғрисида» деган мақоласи унинг ана шу йўналишдаги, бундан олдинги барча асарларининг энг тўлиқ умумлаштирилиши, партиянинг қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш соҳасидаги иккинчи Программасининг янада ривожлантирилиши ва конкретлаштирилиши бўлди. Ленининг кооператив плани кооперациялашни ўтказишнинг ҳам, кооперация фаолиятининг ҳам принциплари, методлари, формаларини белгилаб берди.

Машғулотда капитализмдан социализмга ўтиш даврининг мамлакатда жуда кўп миқдорда якка деҳқон хўжаликлари мавжудлиги билан боғлиқ бўлган асосий зиддиятларини кўриб чиқмоқ керак. Биринчидан, майда товар ишлаб чиқариши, В. И. Лениннинг сўзларига кўра, муттасил, стихияли тарзда ва оммавий миқёсда капитализм билан буржуазияни туғдириб туради. Шу боисдан уни социалистик асосда тубдан қайта қурмасдан туриб қишлоқ хўжалигида капиталистик формаларни юзага келтирадиган иқтисодий шарт-шароитларни йўқотиб бўлмайди; иккинчидан, якка деҳқон ишлаб чиқариши моддий ресурслардан планли фойдаланишга, экономика барча тармоқларининг уйғун ривожланишига тўсқинлик қилади; учинчидан, тарқоқ майда хўжаликлар энг янги қишлоқ хўжалик техникасини сотиб ололмайди, агрономия фани ютуқларидан фойдалана билмайди, бинобарин, меҳнат унумдорлигини ошириш им-

кониятларига эга бўлмайди; тўртинчидан, якка деҳқонлар турмуш даражасининг пастлиги уларнинг кўп миқдорда саноат товарлари сотиб олишларига имкон бермайди, бу эса ички бозорни торайтиради ва индустриянинг ривожланишига тўғаноқ солади; бешинчидан, саноат кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш негизида ривожланади, майда товар хўжалиги эса оддий такрор ишлаб чиқариш асосида ривожланади, шу боисдан уларнинг даражалари ўртасида жиддий диспропорция мавжуд бўлади; олтинчидан, майда деҳқон хўжаликларининг тарқоқлиги қишлоқ меҳнатчиларининг маданий турмушини юксалтириш борасидаги ишларни амалга оширишни қийинлаштиради; еттинчидан, қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги қарама-қаршилик қишлоқнинг хўжалик ва маданий жиҳатдан қолоқлигининг энг чуқур асосларидан бири бўлиб келдики, бу қарама-қаршиликни йўқотиш, партиянинг иккинчи Программасида кўрсатиб ўтилганидек, коммунистик қурилишнинг туб вазифалари жумласига кирар эди.

Ана шу қарама-қаршиликларни ҳал қилишнинг қийинлиги фақат уларнинг кўп планлилигидагина бўлмай, балки мамлакат турли регионларидаги шароитларнинг хилма-хиллигида ҳам эди. Бундан ташқари, якка деҳқон қарашларининг консерватизми, унинг хусусий мулкчилик психологияси қишлоқни социалистик асосда тубдан ўзгартишга тўсқинлик қилди. Асрлар давомида деҳқонлар якка-ёлғиз меҳнат қилар, майда ишлаб чиқарувчилар эдилар, помешчик хўжалигидан бошқа йирик хўжаликни билмас эдилар. Помешчик хўжалиги эса улар учун азоб-уқубат ва зулм макони эди. Ана шунинг учун ҳам деҳқонларда ҳар қандай йирик хўжаликка нисбатан қаттиқ ўрнашиб қолган нотўғри фикр пайдо бўлган эди. Ана шу тўсиқни бартараф этиш учун узоқ вақт мунтазам иш олиб бориш зарур эди.

Пропагандист тингловчиларга қишлоқни социалистик асосда тубдан ўзгартишнинг зарур шарт-шароитларини тушунтириб беради. Улар жумласига В. И. Ленин, социализм қурилишининг умумий шароитларидан ташқари, социализмга олиб борадиган йўлни деҳқонларга осонлаштириш учун партия ва Совет ҳокимияти амалга ошираётган тадбирлар комплексини киритадики, улар қуйидагилардир: мамлакатни индустриялаштириш давомида қишлоқ хўжалиги таяниши лозим бўлган моддий-техника базасини яратиш, деҳқонларга билим, қишлоқ хўжалик фани ютуқларидан, машина техникасидан кенг фойдаланиш имконини берадиган, қишлоқни зарур кадрлар билан таъминлаш имкониятини туғдирадиган маданий революция; ишчилар синфи ва саноат билан деҳқонлар ва қишлоқ хўжалиги ўртасида тўғри, иқтисодий жиҳатдан эквивалент бўлган ўзаро муносабатларни ўрнатиш, нэп ҳам ана шунга мўлжалланган эди, социализмнинг қишлоқдаги таянч нуқталари сифатида ташкил этилиб борган давлат деҳқончилик ва биринчи коллектив хўжаликларининг самарали ишлаш намунаси; муомала соҳасида деҳқонларни коллективизмга ўргатадиган кооперациянинг қуйи формаларини (матлубот, сотиш, кредит ва ҳоказо формаларини) ривожлантириш; пролетар давлати томонидан деҳқонлар кооперациясининг барча формаларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш.

В. И. Ленин кўрсатиб бердики, Совет ҳокимияти даврида кооперациянинг социал моҳияти ва роли принципиал тарзда ўзгариб, у капитализм шароитидаги кооперациядан тубдан фарқ қилади, капитализм шароитида у буржуазия манфаатларига хизмат қилиб, аста-секин социалистик хўжалик системасига қўшила боради. «...Бизнинг шароитимизда,— деб таъкидлаган эди Владимир Ильич,— кооперация кўп ҳолларда социализмга батамом мос келади» (Тўла асарлар тўплами, 45-том, 420-бет).

В. И. Ленин кооператив планни ишлаб чиқар экан, кооперация миллионлаб қишлоқ меҳнаткашларининг пролетариат билан, майда индивидуал хўжаликларнинг саноат билан қўшилишини таъминлашнинг энг яхши воситаси эканлигига таянди. Кооперацияда деҳқонларнинг шахсий манфаатлари бутун социалистик жамият манфаатлари билан жуда яхши қўшиб олиб борилади. Кооперация давлатга қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши устидан контролни амалга ошириш ва уни планли тарзда ривожлантириб бориш имконини беради. Шундай қилиб, социализмга ўтиш формаси бўлган кооперация деҳқонлар учун ҳам, ишчилар синфи учун ҳам мақбулдир.

Тингловчиларга В. И. Ленин кооперациялаш асосий принципларини белгилар экан, ихтиёрийликни биринчи ўринга қўйганлигини тушунтириб бериш муҳимдир. У кооперация ҳаракатини буйруқ билан амалга ошириб бўлмайди, деб таъкидлар эди. Деҳқонларни йирик ижтимоий ишлаб чиқаришнинг афзалликларига ишонтирмоқ, деҳқонлар ўз тажрибалари асосида кооперациянинг фойдали эканлигини тушуниб олишлари учун, улар хўжаликларининг ишлаб чиқариш кооперацияси изига ўтиши учун моддий шарт-шароитларни яратмоқ лозим. РКП(б) VIII съездининг В. И. Ленин томонидан ёзилган «Ўрта деҳқонларга муносабат тўғрисида резолюция»сида бундай деб кўрсатилган эди: «Деҳқонларнинг ўз эрклари ва ўз ташаббуслари билан тузилган ва фойдасини ўзлари амалда текшириб кўрган бирлашмаларгина қимматлидир. Бу ишда ҳаддан ортиқ шошқалоқлик зарарлидир, чунки у ўрта деҳқонларнинг янгиликларга қарши курашини кучайтириб юбориши мумкин» (Тўла асарлар тўплами, 38-том, 244-бет).

Шу билан бирга ихтиёрийлик принципи деҳқонлар стихияли тарзда ўзларича йирик социалистик хўжаликка ўтадилар, деган маънони билдирмайди. Бу ўтиш Коммунистик партия, пролетар давлати раҳбарлигидагина амалга оширилиши мумкин, зеро улар муваффақиятли тарзда кооперациялаш учун барча шарт-шароитларни таъминлаб берадилар, деҳқонлар орасида катта тушунтириш ишлари олиб борадилар.

Аста-секинлик — кооперациялашнинг иккинчи асосий принципидир. Матлубот, сотиш, кредит кооперациясидан, яъни унинг қуйи формаларидан энг оддий ишлаб чиқариш бирлашмаларига (ерга биргаликда ишлов бериш ширкатлари ва бошқалар), улардан эса юқори формаларга (артеллар, коммуналар ва ҳоказолар) ўтиш — деҳқоннинг социализм сари борадиган йўли ана шундайдир. Деҳқонлар, биринчидан, кооператив хўжаликнинг афзалликларига амалда ишонч ҳосил қилишлари ва, иккинчидан, уларга раҳбарлик қилишнинг ўзига хос мактабини ўта олишлари учун аста-секинлик зарурдир.

Кооперациялашнинг асосий принципларидан бири, деб таълим берган эди В. И. Ленин, деҳқонларнинг турли социал группаларига дифференциал тарзда ёндашиш бўлмоғи керак. Ишчилар синфи ва унинг партияси камбағалларга маҳкам таяниб, кулоқларга қарши курашиши ҳамда барча чораларни ишга солиб, ўрта деҳқонлар билан иттифоқ ўрнатишга интилиши, ўрта деҳқонларнинг эҳтиёжлари ва талабларига диққат-эътибор билан қараши лозим.

Совет ҳокимиятининг дастлабки ўн йили ичида омманинг ўз ижодиёти натижаси сифатида юзага келган ерга биргаликда ишлов бериш юзасидан минглаб коммуналар, артеллар, ширкатлар Коммунистик партиянинг раҳбарлиги туфайли ҳақиқатан ҳам намунали коллектив хўжаликларга айландилар. Уларнинг намунаси якка деҳқонларга ишлаб чиқаришнинг социалистик формалари афзалликларини ишонарли тарзда исботлаб берди.

Партия Лениннинг кооператив планига таяниб, коллектив хўжаликларни ташкил этиш ва уларнинг ишлаши тажрибасини ҳисобга олиб, деҳқонлар кооператив бирлашмасининг энг мақсадга мувофиқ формасини, яъни қишлоқ хўжалик артелини белгилаб берди. ВКП(б) нинг 1927 йил декабрида бўлиб ўтган XV съезди қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш йўлини эълон қилди.

Бу ўринда пропагандист қайд қилиб ўтадики, Бухарин бошлиқ ўнг оғмачилар группаси ана шу йўлга қарши чиқди. Улар колхоз қурилиши зарурлигини инкор этдилар, кулоқларнинг социализмга «тинч тарзда» қўшилиб кетиши тўғрисидаги тезисни илгари сурдилар, кўпроқ интенсив бўлган ва катта товардорликка эга бўлган хўжалик сифатида кулоқ хўжалигини ривожлантиришга асосий эътиборни қаратишни таклиф этдилар. Партия, ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар қишлоқда «синфий тотувлик»ка бундай таслимчилик тарзидаги чақириқларни, қишлоқ хўжалигининг кулоқлар йўлидан ривожланишини мақташларни қатъият билан қораладилар ҳамда ўзларининг бутун кучларини ВКП(б) XV съездининг коллективлаштиришга ўтиш тўғрисидаги директиваларини амалга оширишга қаратдилар.

Партия билан давлат бажарган катта иш натижасида коллектив хўжаликлар тез ўсиб борди. 1929 йил кузида деҳқонларнинг оммавий тарзда колхозларга кириши бошланди. Бир қанча районларда колхозларга камбағаллар билан бир қаторда ўрта деҳқонлар ҳам кира бошладилар. Бу ҳол ёппасига коллективлаштириш вазифасини қўйиш имконини бердики, бундай шароитда қишлоқ, район, областларнинг аксар кўпчилик деҳқонлари колхозларга кирдилар. Партия ёппасига коллективлаштириш асосида кулоқларни чеклаш ва сиқиб чиқариш сиёсатидан уларни синф сифатида тугатиш сиёсатига ўтишни эълон қилди. Кулоқларнинг колхоз ҳаракатига қаттиқ қаршилик кўрсатиши, уларнинг Советларга қарши чиқишлари, колхозларга қарши душманлик ҳаракатлари кулоқ хўжаликларини тугатишнинг уларни экспроприация қилишдан бўлак усулларини қўлланиш мумкин эмаслигини кўрсатди.

Иккинчи беш йиллик охирига келиб коллективлаштириш асосан тугалланди — деҳқон хўжаликларининг 93 проценти колхозларга бирлашдилар. Бу Октябрь революциясининг ҳокимиятни қўлга олишдан кейинги энг қийин вазифаси ҳал қилинди, деган маънони билдирар эди. Совет Иттифоқи майда деҳқонлар мамлакатидан йирик социалистик қишлоқ хўжалигига эга мамлакатга айландики, бу хўжалик қишлоқда ишлаб чиқарувчи кучларнинг тез ривожланиши учун базага, унинг жадал суръатда сиёсий ва маданий ўсиши, колхозчилар моддий фаровонлигининг юксалиши учун манбага айланди.

Сўнгра пропагандист социализм қуриш ленинча плани шунингдек **маданий революцияни** амалга оширишни кўзда тутганлигини ҳам қайд қилиб ўтади. Унинг асосий мақсади — социалистик онгни пайдо қилиш, янги давр кишисини тарбиялашдир. Кишилар маданияти қанчалик юқори бўлса, улар социализм ва коммунизм қурувчилар сифатида шунчалик кўпроқ актив ва уларнинг фаолияти шунчалик кўпроқ унумли бўлади.

Совет тузуми халқ оммаси маданиятининг жадал юксалиши учун, унинг инсоният тўплаган маънавий бойликлардан баҳраманд бўлиши учун барча шарт-шароитларни яратди. «Илгари,— деган эди В. И. Ленин,— бутун инсониятнинг ақл-идроки, унинг бутун даҳоси фақат бир нарса учун: техника ва маданият бойликларини баъзи кишиларга бериш, бошқаларни эса энг зарур бўлган маориф ва тараққиётдан маҳрум қилиш учун ижод қилар эди. Эндиликда эса техниканинг бутун мўъжизалари, маданият соҳасида эришилган барча ютуқлар умумхалқ мулки бўлади ва инсониятнинг ақл-идроки ва даҳоси бундан буён ҳеч қачон зўрлик воситасига, эксплуатация воситасига айланмайди» (Тўла асарлар тўплами, 35-том, 320-бет).

Лениннинг ўтмиш маданий меросига муносабат тўғрисидаги кўрсатмаларини тингловчиларга тушунтириб бериш муҳимдир. Социалистик маданият қуп-қуруқ ерда,

жаҳон цивилизациясининг бош йўлидан четда пайдо бўлмайди. В. И. Ленин маданиятни ривожлантиришдаги ворислик душманларини кескин танқид қилди, «соф пролетар» маданияти учун кураш байроғи остида маданий меросга нигилистик муносабатда бўлган кишиларни қатъиян қоралади. У социалистик маданиятни эксплуататорлар жамияти шароитида яратилган маданиятдаги жами прогрессив нарсаларнинг табиий ва қонуний вориси деб ҳисоблади.

Айни чоқда социалистик маданият ўз ғоявий мазмуни ва ижтимоий вазифаси жиҳатдан антагонистик формациялар маданиятидан принципиал фарқ қилади. Марксизм-ленинизм унинг ғоявий негизидир. У меҳнаткаш кўпчиликнинг маданияти сифатида юзага келади, социализм ғалаба қилиши билан эса умумхалқ маданиятига айланади.

Маданий революция — Коммунистик партия йўлга солиб турадиган ижодий, уюштирилган процессдир. Партиянинг маданий революцияга раҳбарлик таъсирини В. И. Ленин унинг истиқболларини белгилашда, унга ғоявий-аниқ мақсадни кўзлаган характер бахш этишда деб билди. Партия оммада коммунистик идеология ва ахлоқни барқарор этишга, барча меҳнаткашларнинг социализм қурилишининг билимли ва онгли иштирокчилари бўлиб қолишларига эришишга ҳаракат қилди.

Маданий революция бошланғич босқичининг биринчи навбатдаги вазифаси саводсизликни тугатишдан иборат эди, чунки мамлакат аҳолисининг 75 проценти саводсиз, баъзи бир районларда эса бутун аҳоли ўқиш ва ёзишни билмас эди, миллатлар ва элатларнинг 48 проценти ўз ёзувига эга эмасди. Тарихан қисқа муддат ичида — урушдан аввалги беш йилликлар мобайнида — саводсизликка барҳам берилди.

Совет ҳокимияти мактаб таълимини қайта ташкил этди. В. И. Ленин совет мактаби олдига ёш авлодни унумли меҳнатга тайёрлаш, ундан янги жамиятнинг онгли ва актив қурувчиларини тарбиялаб етиштириш вазифасини қўйди. У коммунизмга фақат коммунистик дарсликлардан, фақат мактаб синфларидагина ўрганиб қолмасдан, балки ҳаёт билан, ишчи ва деҳқонларнинг меҳнати билан чамбарчас алоқа боғлаган ҳолда ўрганиш зарур деб уқтирди. В. И. Ленин кенг кўламда халқ маорифини амалга ошириш учун чора-тадбирлар: биринчи навбатда бошланғич мактаб эҳтиёжларини қондириш, кўпроқ маблағлар ажратиш, ўқитувчиларнинг моддий аҳволини яхшилаш ва уларнинг мафкуравий чиниқишини кучайтириш чора-тадбирларини белгилаб чиқди.

Янги, чинакам халқ зиёлиларини вужудга келтириш маданий революциянинг энг муҳим масалаларидан бири эди. Партия буржуа мутахассисларини социалистик жамият қуришга жалб этди ва қайта тарбиялади, Совет ҳокимиятига хайрихоҳ муносабатда бўлган эски зиёлиларга нисбатан диққат-эътибор ва сабр-тоқат билан муносабатда бўлди, социализм томонига ўтишларида уларга кўмаклашди. Шу билан бирга ишчи ва деҳқонлардан кенг кўламда мутахассислар тайёрлаш ташкил этилди. Халқ ичидан илғор кишиларни танлаш ва раҳбар партия-совет ҳамда хўжалик ишларига кўтариш янги зиёлиларни шакллантиришда катта роль ўйнади. В. И. Ленин меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда ёзувчилар, рассомлар, маданий-оқартув муассасаларининг ходимлари муҳим роль ўйнайдилар деб билди.

В. И. Ленин фан ҳар тарафлама тараққий этмасдан туриб социализмнинг бўлиши мумкин эмас, фан практика билан мустаҳкам алоқада, олимларнинг ишчи ва деҳқонлар билан ҳамкорлигида ривожланиши, социалистик қурилишнинг бутун вужудига сингиб кетиши лозим деб уқтирди. В. И. Ленин фанни жамиятимизнинг ишлаб чиқарувчи кучига айлантириш тўғрисидаги талабни илгари сурди.

Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, ҳар бир халқнинг шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданиятини ривожлантириш проблемаси Лениннинг маданий революция ҳақидаги таълимотининг таркибий қисмидир. Партия В. И. Ленин кўрсатмаларини бажариб, бу йўлни изчиллик билан ўтказиб келмоқдаки, мамлакатимиздаги барча халқлар миллий маданиятининг юксак даражага етганлиги мазкур йўл муваффақиятининг ёрқин далилидир.

СССРда маданий революцияни амалга ошириш натижасида маданиятнинг барча соҳалари мисли кўрилмаган даражада ривож топди, марксча-ленинча идеология ҳукмрон идеология бўлиб қолди. Социалистик жамият кишисини шакллантириш Коммунистик партия сиёсатининг энг муҳим ғалабаси бўлди.

Халқларнинг тенглиги ва дўстлиги асосида **миллий масалани ҳал қилишни** В. И. Ленин социализм қурилишининг қонунияти деб билганлигини пропагандист қайд қилади. В. И. Ленин Октябрь революциясидан аввалоқ партиянинг миллий масала юзасидан программасини ишлаб чиқдики, унинг асосий қоидалари қуйидагилардир: миллатларнинг то ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузишгача ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эришиш, область ёки территориал автономия ўрнатиш, миллатлар, ирқлар, майда миллатларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, барча миллатлар меҳнаткашларини пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш.

Октябрь ғалабасидан кейин Ленин ғоялари Совет давлатининг сиёсатига асос қилиб олинди. Социализмни кўп миллатли мамлакатда қуришга тўғри келдики, унинг халқлари экономика ва маданиятнинг турли даражаларига эга бўлиб, ижтимоий тараққиётнинг турли поғоналарида турар эдилар. Ўнлаб миллатлар ва элатлар чоризм даврида фақат аёвсиз зулм чекибгина қолмасдан, хўжалик ва маданий жиҳатдан ғоят орқада бўлиб, жисмонан қирилиб кетиш хавфи остида қолган эдилар.

В. И. Ленин социалистик қурилиш шароитида миллий масалани ҳал этиш йўлла-

рини белгилар экан, янги проблемаларни: миллатларнинг амалдаги нотенглигини тугатиш, илгари қолоқ бўлган халқларнинг капиталистик тараққиёт босқичини четлаб социализмга ўтиши мумкинлиги тўғрисидаги, давлат тузилишининг асосий принципи бўлган совет федерацияси тўғрисидаги, социалистик миллатларни шакллантириш тўғрисидаги ва бошқа проблемаларни илгари сурди ва асослаб берди. В. И. Ленин совет республикаларининг жуда мустаҳкам иттифоқисиз капиталистик қуршов шароитида уларнинг ҳаётини ҳимоя қилиш мумкин эмас, бундай иттифоқсиз империализм вайрон қилган ишлаб чиқарувчи кучларни тиклаб ва меҳнаткашларнинг фаровонлигини таъминлаб бўлмайди, бу иттифоқ умумий план асосида ривожланадиган ягона социалистик хўжалик барпо этиш имконини беради, деб ҳисоблади (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 182-бетга қаралсин).

1922 йил декабрида пролетар интернационализми принциплари, жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ташкилотининг бир бутунлиги, ғоявий ва маданий ҳаётнинг муштараклиги асосига қурилган СССРнинг — тенг ҳуқуқли ва суверен республикалар ихтиёрий иттифоқининг ташкил топиши ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси бўлди. Бу ҳол халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, республикалар экономикасини ва маданиятини равнақ топтириш учун янги-янги имкониятлар яратди. Ана шу имкониятларнинг изчиллик билан рўёбга чиқарилиши туфайли партиянинг миллий сиёсатида буюк тарихий вазифа — СССР барча миллатлари ва элатларининг бир вақтнинг ўзида социализмга ўтишидан иборат вазифа ҳал этилдики, бу миллат ва элатларнинг кўплари бошқа халқларнинг, аввало рус халқининг қардошларча ҳар тарафлама ёрдами билан капитализмни четлаб ана шундай ўтишни амалга оширдилар.

Шундай қилиб, таъкидлайди пропагандист машғулот охирида, партия бошчилик қилган совет халқининг фидокорона меҳнати билан СССРда социализм қуриш ленинча плани турмушга оширилди. КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги ҳақидаги қарорида қайд қилинганидек, «социалистик индустрияласhтириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, маданий революция, миллий масаланинг одилона ҳал этилиши тарихан қисқа муддат ичида Ватанимизни қудратли социалистик давлатга айлантирди».

ТЕМАГА ОИД АДАБИЁТ

Ленин В. И. **Россия революциясининг беш йиллиги ва жаҳон революциясининг истиқболлари.** Тўла асарлар тўплами, 45-том, 317—334-бетлар.

Ленин В. И. **Москва Советининг пленумида 1922 йил 20 ноябрда сўзланган нутқ.** Тўла асарлар тўплами, 45-том, 340—350-бетлар.

Ленин В. И. **Миллатлар тўғрисидаги ёки «Автономлаштириш» тўғрисидаги масалага доир.** Тўла асарлар тўплами, 45-том, 399—406-бетлар.

Ленин В. И. **Кундалик дафтардан саҳифалар.** Тўла асарлар тўплами, 45-том, 407—413-бетлар.

Ленин В. И. **Кооперация тўғрисида.** Тўла асарлар тўплами, 45-том, 414—422-бетлар.

Ленин В. И. **Революциямиз тўғрисида.** Тўла асарлар тўплами, 45-том, 423—427-бетлар.

Ленин В. И. **Ишчи-деҳқон назоратини қандай қилиб қайта ташкил этишимиз керак.** Тўла асарлар тўплами, 45-том, 428—433-бетлар.

Ленин В. И. **Оз бўлсин-у, соз бўлсин.** Тўла асарлар тўплами, 45-том, 434—453-бетлар.

КПСС XXV съездининг материаллари. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1976, 6—15, 47—84-бетлар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида. КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил 31 январь қарори. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1977.

Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисида. КПСС Марказий Комитетининг қарори. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1979.

Брежнев Л. И. **Ленин иши яшамоқда ва ғалаба қозонмоқда.** Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар, 2-том, Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1970, 617—678-бетлар.

Брежнев Л. И. **Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг эллик йиллиги тўғрисида.** Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар, 4-том, Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1974, 45—112-бетлар.

Брежнев Л. И. **Улуғ Октябрь ва инсоният тараққиёти.** Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар, 6-том, Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1978, 645—670-бетлар.

Пономарев Б. Н. **Ленинизмнинг буюк ҳаётий кучи.** Москвада В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда қилинган доклад. «Ўзбекистон коммунисти»нинг ушбу сони.

МУҲИМ САНАЛАР ВА ВОҚЕАЛАР

СОЦИАЛИЗМ ҒАЛАБАЛАРИНИНГ ПОСБОНИ

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИ ТАШКИЛОТИ ТУЗИЛГАНЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА

П. СКОРОДЕНКО,
тарих фанлари кандидати

МАЪЛУМКИ, УРУШДАН КЕЙИНГИ дастлабки йилларда «совуқ уруш» сиёсатини ўтказиб келган Ғарб мамлакатлари 40-йилларнинг охири — 50-йилларнинг бошида халқаро вазиятни жуда кескинлаштириб юбордилар. Бу нарса улар ташкил қилган ҳарбий Шимолий Атлантика блоки (НАТО)да, қуролланиш пойгасининг кучайишида, Вьетнам ва Кореяга қарши агрессияда яққол кўринди. Европадаги бир қатор мамлакатлар коммунистик партиялари 1947 йил кенгашида бундай деб таъкидлаган эдилар: «...Империалистик лагерь ва унинг етакчи кучи бўлган АҚШ алоҳида агрессив активлик кўрсатмоқда. Бу активлик бир йўла барча йўналишларда — ҳарбий-стратегик тадбирлар, иқтисодий экспансия ва идеология кураши йўналишларида авж олдирилмоқда».

Империалистик давлатлар Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши яширин равишда ядро урушини тайёрладилар. Кейинги йилларда маълум бўлишича, Англия бош министри У. Черчилль 1948 йилдаёқ СССРга қарши атом урушини бошлашни таклиф қилган экан, 1949 йилда Пентагон ишлаб чиққан планга мувофиқ Совет Иттифоқига 300 атом бомбасини ташлаш, АҚШ ва унинг иттифоқчиларининг 250 дивизиясини социалистик мамлакатларга қарши юбориш мўлжалланган эди. КПСС ва Совет давлати, қардош партиялар ва мамлакатлар юксак ҳушёрлик кўрсатиб, ўз мудофаа қобилиятларини мустаҳкамлаш учун зарур чора-тадбирлар кўрганликлари, Совет Иттифоқи эса атом қуроли соҳасида АҚШ монополиясини тугатганлиги туфайли бу планлар амалга ошмай қолди.

Шимолий Атлантика пакти мамлакатларининг Париж шартномалари деб аталган шартномалари халқаро империализмнинг социалистик мамлакатларга қарши урушни тайёрлашда энг хавфли қадам бўлдики, уларга мувофиқ Ғарбий Германия шу ҳарбий блокнинг аъзоси бўлиб қолди. Париж шартномалари НАТОнинг агрессивлигини кескин кучайтиришга, Европада ҳарбий-сиёсий вазиятни кескинлаштиришга олиб келди. Урушдан кейинги йилларда таркиб топган чегараларни ревизия қилишга, СССР ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши янги ҳарбий юриш бошлашга очиқдан-очиқ даъват қилган ГФРнинг реваншистик кучлари бунга кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Бундай шароитда КПСС, Совет ҳукумати социалистик мамлакатлар қардош партиялари ва ҳукуматларининг мадади билан халқаро империализмнинг агрессив сиёсатига қатъий қарши чиқдилар. Улар Европанинг ҳарбий блокларга бўлиниб кетишининг олдини олишга, Европада коллектив хавфсизликни яратишга қаратилган бир қатор конструктив таклифлар киритдилар. Бироқ, Ғарб давлатлари социализм мамлакатларининг тинчликсеварлик ташаббусларини саботаж қилдилар, бинобарин, НАТО блокининг агрессив интилишини ва унинг бево-

сита социалистик ҳамдўстликка қарши қаратилганлигини намойиш қилдилар.

Совет Иттифоқи, бошқа қардош мамлакатлар ўз хавфсизлигини таъминлаш ва Европа қитъасида тинчликни сақлаш учун жавоб чораларини кўришга мажбур бўлдилар. Европадаги социалистик мамлакатлар халқаро империализмнинг бирлашган ҳарбий кучлари олдида социалистик давлатларнинг иттифоқи зарурлиги тўғрисидаги Ленин кўрсатмаларига асосланиб реал социализмни интернационал ҳимоя қилишнинг объектив эҳтиёжларидан келиб чиқиб, 1955 йил майда Варшавада дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида коллектив шартномани имзоладилар, у тарихга Варшава Шартномаси номи билан кирди. Ўз мазмуни ва мақсади жиҳатидан у НАТО агрессив империалистик блокдан тубдан фарқ қилади. Варшава Шартномасининг иккинчи моддаси у фақат мудофаа характерда тузилганлигини тасдиқлайди. Аҳдлашувчи томонлар тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадини кўзлаган самимий ҳамкорлик руҳидаги барча халқаро ҳаракатларда иштирок этишга, ана шу мақсадларни амалга ошириш учун бутун куч-ғайратларини тўла ишга солишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг 1957 йил ноябрда бўлиб ўтган Кенгаши Варшава Шартномаси Ташкилотининг социалистик давлатлар хавфсизлигини ва халқаро тинчликни таъминлашдан иборат тарихий ролини таъкидлаб ўтди. «Юз берган вазиятда, ғарбий давлатлар социалистик давлатларнинг икки томонлама асосда ҳарбий блокларни тугатиш тўғрисидаги таклифларини қабул қилишдан бош тортаётган бир пайтда,—дейилади Кенгаш Декларациясида,— Варшава пакти ташкилотининг яшаши ва мустаҳкамланиши керак, у мудофаа характерида бўлиб, Европа халқлари хавфсизлиги ва бутун дунёда тинчликни сақлашга хизмат қилади».

Идора қилувчи марксчи-ленинчи партияларнинг социалистик интернационализм принципларига асосланган қардошларча муносабати ана шу иттифоқни мустаҳкамловчи куч бўлиб қолди. Марксчи-ленинчи партиялар ташқи сиёсатни координациялаш социализм ютуқларини қурол кучи билан биргалашиб ҳимоя қилиш, тинчликни ва халқлар хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим қуроли бўлган Варшава Шартномаси Ташкилотини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқдалар. Чорак аср давомида унинг доирасида қардош давлатларнинг илмий асосланган ташқи сиёсий йўли биргалашиб ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда, туб халқаро проблемалар ҳал қилинмоқда.

Бу коллектив ташкилотнинг олий органи Сиёсий консультатив комитетдир (СКК). Унинг кенгашлари Варшава Шартномаси Ташкилоти қатнашчилари бўлган мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари Марказий Комитетлари бош, биринчи секретарлари ва ҳукумат бошлиқлари даражасида ўтказилади, бу эса қабул қилинган қарорларни тезда ва самарали амалга оширишга имкон беради.

Социалистик мамлакатлар бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш масалалари қардош партиялар, Варшава Шартномаси Ташкилотининг кўп қиррали бутун ташқи сиёсий фаолиятида муҳим ўрин тутади. СККнинг Москва кенгашида (1978 йил ноябрь) марксизм-ленинизм принципларига, тенг ҳуқуқлиликни, мустақиллик ва миллий суверенитетни ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, ўзаро манфаатга, қардошларча ўзаро ёрдам ва интернационал бирдамлик принципларига асосланган бу ҳамкорлик кейинги йилларда янада кенгайганлиги ва кўп қиррали бўлиб қолганлиги, у сиёсий, иқтисодий, фан-техника, идеология ва маданий фаолиятнинг кенг соҳаларини ўз ичига олганлиги мам-

нуният билан таъкидлаб ўтилди. Кенгаш қатнашчилари бир-бирлари билан ҳар томонлама алоқаларни кенгайтириш ва такомиллаштиришга, икки томонни қизиқтирган халқаро проблемаларни ҳал этишда биргалашиб ҳаракат қилишни чуқурлаштиришга муттасил интилишларини баён қилдилар. Улар шунингдек социалистик ва коммунистик қурилиш тажрибаси билан ўртоқлашиш, барча даражадаги партия ва давлат, шунингдек касаба союз, ёшлар, хотин-қизлар ва бошқа оммавий ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни кучайтириш истагини билдирдилар.

Европанинг актуал проблемалари Варшава Шартномаси мамлакатлари коммунистик ва ишчи партияларининг ҳамиша диққат марказида туради.

Германия Демократик Республикасини сиёсий блокада қилишнинг тугатилиши социалистик давлатлар келишилган ташқи сиёсатининг йирик ютуғидир. ГДРни халқаро-ҳуқуқ жиҳатдан эътироф қилиш тўғрисидаги талаб Варшава Шартномаси мамлакатларининг ташқи сиёсатга оид барча программ ҳужжатларига, қардош партиялар Европа ва халқаро кенгашлари қарорларига киритилганлиги бу муваффақиятни таъминлашга ҳал қилувчи ёрдам берди.

1970—1973 йилларда СССР, ПХР, ГДР ва ЧССР билан ГФР ўртасида икки томонлама шартномалар тузилиши социалистик давлатлар келишилган ташқи сиёсатининг бевосита натижаси бўлди. Аҳдлашувчи томонлар Европадаги барча давлатлар чегараларининг даҳлсизлигини тасдиқладилар ва бу қитъа хавфсизлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш мажбуриятини олдилар. Бу шартномалар ГФРнинг Европа чегараларини қайта кўриб чиқишни орзу қилган реваншистик кучларига зарба берди.

1971 йилда Ғарбий Берлин ҳақида тўрт томонлама битимнинг имзоланиши ҳам Европада вазиятни стабиллаштиришга ёрдам берди. Бу битим ГФРнинг Ғарбий Берлинни ўз территориясининг таркибий қисми деган ғайриқонуний даъволарига хотима берди.

Варшава Шартномаси мамлакатлари Европада коллектив хавфсизликни таъминлаш программаларини илгари суриб ташаббус кўрсатдилар. Сиёсий консультатив комитетнинг кўпгина кенгашлари бу программани ишлаб чиқиш ва конкретлаштиришга бағишланди. СКК 1956 йилда ўзининг биринчи кенгашидаёқ Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш, Европада янги уруш хавфини бартараф этиш тадбирларини амалга оширишда барча давлатлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдирди.

СККнинг 1966 йил Бухарестда бўлган кенгаши Варшава Шартномаси давлатларининг Европада умумий хавфсизлик учун курашида муҳим босқич бўлди. Кенгашда қабул қилинган «Европада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Декларация»да: мустақиллик, суверенитет, тенг ҳуқуқлилик, ички ишларга аралашмаслик ва ўзаро манфаат принциплари асосида Европа давлатлари ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш; мавжуд ҳарбий блокларни бир йўла тарқатиб юбориш, чет элдаги ҳарбий базаларни тугатиш ва ўзга территориялардан қўшинларни олиб чиқиб кетиш йўли билан ҳарбий кескинликни юмшатиш; Европа давлатлари ўртасидаги чегаралар дахлсизлигини эътироф этиш ва бир қатор бошқа проблемаларни ҳал қилиш назарда тутилган эди. СКК Европадаги барча мамлакатларни Умумевропа кенгашини чақиришда ҳамкорлик қилишга чақирди, капиталистик мамлакатларга тинчлик тўғрисидаги умумий гаплардан конкрет ишга киришишга, халқаро кескинликни юмшатиш, қуролсизланиш, Европа мамлакатлари ўртасида ва бутун дунёда самарали ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатларини ўрнатиш тадбирларини кўришни таклиф этди. СККнинг кейинчалик 1969 йилда

Будапештда, 1970 йилда Москва, Берлинда, 1972 йилда Прагада бўлиб ўтган кенгашларида Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорлик қилиш программаси янги конструктив таклифлар билан тўлдирилди.

Варшава Шартномаси мамлакатларининг Европада коллектив хавфсизлик системасини барпо қилиш учун узоқ вақт давомида олиб борган кураши катта муваффақият билан тугалланди, 1975 йил июль — августида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик юзасидан Умумевропа кенгаши чақирилди. Муҳим воқеа бўлган бу Кенгаш халқаро кескинликни юмшатишда янги босқични бошлаб берди, иккинчи жаҳон урушидан кейин таркиб топган территориал ва сиёсий реалликни мустаҳкамлади, ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатлар ўртасида тинч-тотув яшаш принципини қарор топтириш ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш соҳасида муҳим қадам бўлди. КПСС МК Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик юзасидан кенгаш якунлари тўғрисида» қабул қилган ҳужжатида таъкидлаб ўтилдики, «Умумевропа кенгаши — «совуқ уруш»дан кескинликни юмшатишга, амалда тинч-тотув яшаш принципларини рўёбга чиқаришга ўтиш ишида қитъамизда шу пайтга қадар амалга ошириб келинган позитив ишларнинг якунидир. Шу билан бирга бу кенгаш Европанинг бундан буён мустаҳкам тинчлик ва халқлар ҳаётидан урушни истисно қилиш йўлидан ҳар томонлама изчил ҳаракат қилишининг бошланғич нуқтасидир».

Шундан кейин ҳам Варшава Шартномаси мамлакатлари Европада хавфсизликни янада мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш учун курашни давом эттирдилар. Сиёсий консультатив комитетнинг 1976 йилда Бухарестда ва 1978 йилда Москвада бўлиб ўтган кенгашлари социализм ва тинчлик муштарак тушунча эканлигини ишончли тасдиқлаб берди.

КПСС XXV съезди 70-йилларда Европада сиёсий иқлим юмшай бошлаганлигини таъкидлаб, кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги ўзгаришлар аввало айни шу Европада сезилаётганлигини уқтириб ўтди. Бу биринчи навбатда шу билан изоҳланадики, бу ерда социализм позицияси, социалистик давлатлар келишилган сиёсатининг таъсири айниқса кучлидир.

Ҳарбий ўчоқларни тугатиш учун, империализмнинг агрессив ҳаракатига қарши курашда ҳам Варшава Шартномаси мамлакатларининг ҳиссаси каттадир. Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар бир йўла хилма-хил сиёсий ва дипломатик воситалардан фойдаланган ҳолда агрессия қурбонларига моддий ёрдам кўрсатмоқдалар. Шу туфайли Жануби-Шарқий Осиёда ва Яқин Шарқда империализмнинг қуролли агрессияси барбод бўлди. Ҳозир қардош мамлакатлар Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ишига империалистларнинг ҳарбий аралашувига қарши чиқмоқдалар, Афғонистон ва Эрон халқлари амалга оширган революцион туб ўзгаришларни қўллаб-қувватламоқдалар.

Қардош партиялар ва давлатларнинг қуролланиш пойгасини тўхтатиш, қуролсизланиш учун биргаликда кураш олиб бориши социалистик ташқи сиёсатнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Натижада бу ишда муайян ютуққа эришилди.

60-йилларда Варшава Шартномаси мамлакатларининг қатъий қарши чиқиши натижасида НАТО блокининг кўп томонлама ядро кучлари деб аталган кучларни яратиш, бу қуролни ГФРдаги реваншистлар қўлига топшириш йўлидаги уриниши барбод бўлди.

Социалистик мамлакатлар ядро қуролини уч хил муҳитда синашни тақиқлаш ва ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида шартномалар имзолаш ташаббуси билан чиқдилар. Ҳозир дунёдаги кўпгина давлат-

лар томонидан қабул қилинган бу шартномалар ядро қуролининг тарқалиб кетиш имкониятини анча камайтирди, уни тақиқлаш имкониятини яқинлаштирди. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар лойиҳаси асосида бактериологик қуролни тақиқлаш ва йўқ қилиш тўғрисида халқаро Конвенция ишлаб чиқилди, имзоланди ва кучга кирди. КПСС XXV съезди таъкидлаб ўтганидек, бу — «халқаро муносабатлар тарихида реал қуролсизланишнинг ҳақиқатан биринчи тадбири эди».

Варшава Шартномаси мамлакатлари кейинги йилларда қурол-яроғни камайтиришга, қуролсизланишга қаратилган кўпгина конструктив таклифларни киритдилар. КПСС МҚ Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев 70-йилларнинг охирида барча давлатлар ядро қуролини ишлаб чиқаришни бир йўла тўхтатиши, атом қуролининг тўпланган запасларини аста-секин қисқартиш тўғрисида, йирик ҳарбий потенциалга эга бўлган давлатлар қурол-яроғлари ва қуролли кучларининг бундан. буён миқдор ва сифат жиҳатидан ўсишини тўла тўхтатиш тўғрисида, Умумевропа кенгаши қатнашчиларининг бир-бирларига қарши ҳам ядро қуролини, ҳам оддий қурол-яроғни биринчи бўлиб ишлатмаслик шартномасини тузиш тўғрисида ва бошқа таклифларни илгари сурганлиги қардош социалистик мамлакатларнинг бу соҳада бир мақсадни кўзлаб, изчил ҳаракат қилаётганлигидан далолат беради. Совет Иттифоқининг ГДРдаги совет қўшинлари ва қурол-яроғни бир томонлама камайтириш тўғрисидаги қарорини социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари тўла маъқулладилар, бу қарор амалга оширилмоқда.

1978 йилда Сиёсий консультатив комитетнинг Москва кенгашида Варшава Шартномаси мамлакатлари қуролланиш пойгасини кучайтириш сиёсатига, ҳарбий шантажга уринишларга қатъий қарши чиқажакларини билдирдилар. Улар, биз ҳарбий устунликка ҳеч қачон интилмаганмиз ва интилмаймиз, «кенгашда қатнашган социалистик давлатлар бирорта мамлакат хавфсизлигига зарар келтирмаслик принципига қатъий риоя қилиш асосида чеклашга ёки камайтиришга тайёр бўлмаган қурол-яроғнинг бирор тури йўқ», деб яна тасдиқладилар. Қуролсизланиш ишини олға силжитиш мақсадида Варшава Шартномаси мамлакатлари Умумевропа кенгаши қатнашчиларига мурожаат қилиб, Европада кескинликни юмшатиш соҳасида ўзаро келишиб, амалий чоралар кўриш учун Европадаги барча мамлакатларнинг, АҚШ ва Канада иштирокида сиёсий даражада конференция чақиришни таклиф этдилар.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари коммунистик партиялари ва ҳукуматлари умумий тинчликсевар ташқи сиёсий йўлни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда В. И. Лениннинг тинчлик учун курашни социализм учун кураш билан чамбарчас боғлаш, бунда пацифистик позицияда туриб эмас, балки синфий, пролетар позициясида туриб тинчлик учун кураш олиб бориш, шу тариқа меҳнаткашларнинг интернационал манфаатларини ифода этиш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қиладилар. Варшава Шартномаси давлатлари бунда социалистик ғалабаларни ҳимоя қилишни ўзларининг умумий интернационал бурчи деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун ҳам империализмнинг «зўрлик билан озод қилиш»дан тортиб то «тинч йўл билан суқулиб кириш»гача ўзининг бутун сиёсий доктриналари арсеналидан фойдаланишга, социалистик мамлакатларга контрреволюцияни экспорт қилишга уриниши муқаррар суратда барбод бўлаётганлиги қонуний бир ҳолдир. Қардош давлатлар коммунистик партиялари империалистик реакциянинг агрессив акцияларига қарши коллектив зарба беришда доимо ташкилотчи бўлиб майдонга чиқмоқдалар.

Интернационал бурчга содиқ бўлган Варшава Шартномаси мам-

лакатлари 1962 йилда АҚШ Озодлик ороли атрофида блокада ўрнатиб, ҳарбий куч билан бостириб кириш хавфини солган пайтда Куба халқига ёрдам бердилар. Совет Иттифоқи Кубанинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш мақсадида унга зарур иқтисодий ва ҳарбий-техникавий ёрдам кўрсатди. Социалистик мамлакатларнинг биргалашиб қилган қатъий ҳаракатлари натижасида Америка империалистлари қуролли агрессия қилишдан воз кечишга мажбур бўлдилар.

Қаҳрамон Вьетнам халқининг ўз озодлиги учун олиб борган бутун кураши давомида у тобора кўп маънавий-сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватланди ва ҳар томонлама, шу жумладан ҳарбий ёрдам олиб турди. «Қардош мамлакатлар бирлигининг кучи, социалистик интернационализмнинг кучи Вьетнам халқининг американлик, сўнгра эса хитойлик агрессорларга қарши курашида унга берилган қудратли мададда айниқса яққол намоён бўлди,— деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев 1980 йил 22 февралда сайловчилар олдида сўзлаган нутқида.— Башарти мана шу қаҳрамон мамлакатнинг тинчлиги ва хавфсизлигига бирор кимса тажовуз қилгудек бўлса, келгусида ҳам шундай намоён бўлаверади».

Тарихий воқелик социалистик ҳамдўстлик мустаҳкамлигини бирор тарзда синаб кўришга уринганларга қардош мамлакатларнинг халқлари, уларнинг армиялари социалистик ютуқларни ҳар қандай агрессорнинг тажовузидан ҳимоя этишга азму қарор қилганликларини яққол кўрсатди.

Бироқ, халқаро империализм тарих сабоқларини писанд қилмай, агрессив планлар тузишни давом эттирмоқда, реал социализмни биргалашиб туриб мағлубиятга учратиш умиди билан яшамоқда. Империалистлар «совет хавфи» тўғрисидаги сохта шиорларни ниқоб қилиб олиб, қуролланиш пойгаси ёрдамида ҳарбий устунликка эришишга умид боғламоқдалар. Коммунистик ва ишчи партияларининг 1969 йилги халқаро Кенгаши империализмнинг ана шу милитаристик тенденциясини таъкидлаб бундай деган эди: «Социализм душманлари давлат ҳокимияти асосларига путур етказиш, жамиятни социалистик асосда қайта ўзгартириш ишига путур етказиш ва ўз ҳукмронликларини тиклаш йўлидаги уринишларини давом эттирмоқдалар». Кенгашда қатнашган марксчи-ленинчи партиялар бундан: социализмни ҳимоя қилиш—коммунистларнинг интернационал бурчи, деган муҳим ва принципиал хулоса чиқардилар ҳамда бундай деб кўрсатдилар: «НАТО агрессив блоки ҳали мавжуд экан, Варшава Шартномаси Ташкилоти империалистик давлатлар томонидан бўладиган ҳарбий ҳужумга қарши тинчликни таъминлашда, социалистик мамлакатларнинг хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди».

КПСС ва социализм мамлакатлари қардош партиялари коллектив мудофаани мустаҳкамлаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқдалар. Варшава Шартномаси мамлакатлари армиялари қурилишининг социал-сиёсий, иқтисодий, идеологик асосларининг муштараклиги бунга кўмаклашмоқда. Коммунистик партияларнинг бу соҳада биргалашиб ҳаракат қилиши социалистик Ватанни интернационал қурол кучи билан ҳимоя қилишга ва ленинча ғояларга чексиз садоқатга, улар ҳарбий-назарий қарашларининг умумийлигига асосланади.

Варшава Шартномаси мамлакатлари мудофаа потенциалини мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор йўналишларда ҳамкорлик қилмоқда ва ўзаро ёрдам бермоқдалар. Булар орасида армияларни жанговар техника ва қурол-яроғ билан таъминлашга, юқори малакали ҳарбий кадрлар тайёрлашга, ҳарбий фанни коллектив асосда янада ривожлантиришга, биргалашиб ҳарбий-ўқув тадбирларини, аввало турли миқёсларда машқларни, манёврларни ўтказишга, қардош армиялар жангчиларини ватанпарварлик ва интернационал руҳда тарбиялашга,

қўшинларда партиявий-сиёсий иш тажрибасини алмашишга, Варшава Шартномаси ҳарбий ташкилотини бошқариш органларини, бутун механизмини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Коммунистик партиялар ҳарбий қурилишга доимо раҳбарлик қилиб турганликлари туфайли ҳозир ҳар бир иттифоқчи армия ва Варшава Шартномасининг Бирлашган қуролли кучлари биринчи даражали қурол-яроққа, юқори малакали, ғоявий жиҳатдан чиниққан ҳарбий кадрларга эгадирлар, шахсий составнинг жанговарлик тайёргарлиги юқори даражада сақланмоқда; қардош армиялар ўртасида социалистик интернационализмнинг бузилмас принципларига асосланган ҳар томонлама ҳамкорлик қилишнинг самарали ва мустаҳкам системаси таркиб топди.

Иттифоқчи армиялар тинчлик ва қардош халқлар хавфсизлиги йўлида жанговар ҳамкорликни шу тариқа мустаҳкамлаб, революцион ютуқларни империалистик агрессорлар тажовузидан биргалашиб ҳимоя қилишга тайёр эканликларини намойиш қилмоқдалар, Варшава Шартномаси давлатлари шундай мудофаа потенциалига эгадирларки, империализмнинг ҳарбий куч ёрдами билан социализмга зарба беришга қаратилган ҳар қандай уриниши аввалданоқ барбод бўлишга маҳкум этилгандир.

Социалистик мамлакатлар халқларининг революцион ғалабаларини интернационал қуролли ҳимоя қилишни ташкил этиш соҳасидаги вазифалар мураккаблашганлиги натижасида уларнинг ҳарбий-сиёсий иттифоқини янада такомиллаштириш соҳасида коммунистик партияларнинг роли ҳам ошди.

Ҳозирги шароитда реал социализм ташқи сиёсатининг халқаро муносабатларга кўрсатадиган таъсири янада ортди ва чуқурлашди. Ўртоқ Л. И. Брежнев сайловчилар олдида сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтганидек, «аслида тинчликни мустаҳкамлаш ва қуролланиш пойгасини жиловлаш соҳасида кейинги ўн йилликда халқаро анжуманларда қабул қилинган ҳамма энг муҳим қарорлар, шунингдек шу масалалар юзасидан ўтказилган энг муҳим музокаралар социализм мамлакатлари ташаббусининг натижасидир». Ҳозир қардош мамлакатлар айрим ташқи сиёсий актларни эмас, балки уларнинг хавфсизлиги ва халқаро тинчлик учун катта аҳамиятга молик комплекс вазифаларни ўз ичига олган кенг программани амалга оширишда биргалашиб ҳаракат қилишни келишиб олмоқдалар. Бунга СКҚ Бухарест кенгашининг «Халқаро кескинликни юмшатишда янги марралар учун, Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш учун» Декларацияси (1976 йил) ва СКҚ Москва кенгаши Декларацияси (1978 йил) мисол бўла олади. Бу биргаликдаги ташқи сиёсий программанинг бажарилиши учун ҳар бир партиянинг масъулиятини оширади. Варшава Шартномаси мамлакатларининг ташқи сиёсатини координациялаш коллектив органи бўлган Сиёсий консультатив комитетнинг ролини оширади.

Варшава Шартномаси Ташкилотининг ташқи сиёсий фаолияти иттифоқчи мамлакатларнинг кенг жамоатчилиги билан маҳкам бирликда амалга оширилмоқда. Партия ва давлат йўли билан турли даражадаги алоқалар, шунингдек касаба союз, ёшлар ва бошқа оммавий ташкилотлар ўртасидаги алоқалар қардош мамлакатларни бир-бирига боғлаб туради. Социалистик мамлакатлар меҳнаткашларининг тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун курашда тобора актив иштирок этишлари коммунистик партиялардан бу жараёнга ғоявий-сиёсий ва ташкилий раҳбарликни такомиллаштиришни талаб қилади.

Халқаро империализмнинг агрессив хатти-ҳаракатига қарши, қуролланиш пойгасига, капиталистик мамлакатлар ҳарбий блокларини, биринчи навбатда НАТОни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қарши

биргалашиб кураш олиб бориш вазифалари мураккаблиги ва кўламининг ошганлиги, Пекин раҳбарларининг очиқдан-очиқ кўпчилик социалистик мамлакатларга қарши, кескинликни юмшатиш ва қуролсизланишга қарши қаратилган сиёсатига нисбатан ҳаракатларни координациялаш зарурлиги қардош мамлакатларнинг ҳарбий-сиёсий иттифоқини мустаҳкамлашда коммунистик партиялар роли ошганлигининг асосий сабабларидан биридир.

АҚШ ва НАТОдаги баъзи бошқа мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари кейинги вақтларда ҳарбий хавфни кучайтириш, қуролланиш пойгасини авж олдириш йўлини тутмоқдалар. Бу аввало НАТО агрессив блоки қатнашчилари бўлган барча давлатларнинг XX асрнинг охирига қадар ҳар йили ҳарбий бюджетларини камида уч процент (инфляцияни ҳисобга олганда) оширишга интилаётганлигида ўз ифодасини топди. Варшава Шартномаси барча мамлакатлар территорияларига етиб борадиган Американинг ўртача олисликка учадиган янги ракета-ядро қуролини Ғарбий Европада жойлаштириш тўғрисидаги қарор ҳам тинчлик ишига жиддий хавф туғдирмоқда. АҚШ сиёсатидаги милитаристик тенденциялар қуролланишнинг узоқ муддатли янги программасини жадаллаштиришда, Қўшма Штатлардан анча узоқда янги ҳарбий базаларни барпо қилишда ҳам ўз ифодасини топди. СҚЧ-2 га доир Шартномаларни ратификация қилиш пайсалга солинаётганлиги ҳам кескинликни юмшатишга путур етказмоқда.

КПСС XXV съездининг Пекин кескинликни юмшатишни барбод қилишга, қуролсизланишга йўл қўймасликка, жаҳон урушининг бошланишига интилаётганлиги, ҳозирги Хитой раҳбарларининг сиёсати бутун дунёда энг ўта реакция позицияси билан қўшилиб кетаётганлиги тўғрисидаги хулосалари кейинги йилларда янги куч билан тасдиқланди. Хитой гегемонистлари НАТО мамлакатларининг қуролланиш пойгасини рағбатлантирмоқдалар, иккинчи жаҳон урушидан кейин таркиб топган чегараларни, шу жумладан Европадаги чегараларни ревизия қилмоқдалар. Ўз навбатида Пекин ҳукмрон доиралари Хитойни милитарлаштиришни жадаллаштирмоқда. ХХР ўз давлат бюджетининг 40 процентдан кўпроғини ҳарбий мақсадларга, унинг қарийб ярмини ракета-ядро қуролини ишлаб чиқаришга сарф қилмоқда. Хитойнинг ҳарбий тайёргарликлари унинг СССР ва бошқа қатор қўшни давлатларга очиқдан-очиқ дағдаға қилаётганлиги муносабати билан айниқса катта хавф туғдирмоқда. Социалистик Вьетнамга қарши ҳарбий иғвогарлик Пекин ҳукмрон доираларининг милитаристик, агрессив моҳиятини тўла-тўкис очиб ташлади.

Империалистлар ва уларнинг пекинлик гумашталари ҳарбий тайёргарлигининг активлашуви қардош социалистик мамлакатлардан милитаризм ва уруш кучларининг агрессив интилишларига қарши биргалашиб курашни ташкил этиш, коллектив мудофаани мустаҳкамлаш мақсадида уйғун ҳарбий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида доимо янги куч-ғайрат сарфлашни талаб этади. Бу ҳам Варшава Шартномаси ҳарбий ташкилоти фаолиятига биргаликда раҳбарлик қилишда коммунистик партияларнинг ролини оширишга олиб келади.

Ҳарбий иш соҳасида фан-техника революцияси, ракета-ядро ва янги қурол-яроғнинг бошқа хилларининг яратилиши урушда маънавий омилнинг аҳамиятини оширди. Шу муносабат билан меҳнаткашларни ватанпарварлик ва интернационал руҳда тарбиялашда, маънавий-сиёсий бирликни шакллантиришда, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари халқларининг маънавий яқинлашувида қардош партияларнинг роли ошади. Коммунистик партияларнинг биргаликдаги идеологик фаолияти ҳар бир мамлакат маънавий-сиёсий потенциалини ва уларнинг мудофаа иттифоқини мустаҳкамлайди.

Илмий коммунизм назарияси аҳамиятининг ўсиши уни ижодий ривожлантириш, жумладан социалистик Ватанни ҳимоя қилиш тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотни, унинг интернационал моҳиятини янада ривожлантириш зарурлиги социализмни коллектив ҳимоя қилишни уюштиришда коммунистик партияларнинг ролини оширади. Ҳарбий масалаларда идеологик қарама-қаршиликнинг кескинлашуви капиталистик мамлакатларда милитаризмнинг, қуролланиш пойгасининг кучайишини, «совет хавфи» тўғрисидаги уйдирмалар билан империализмнинг агрессив ҳарбий акцияларини оқлашга, Варшава Шартномаси Ташкилотининг ҳақиқий мақсади ва фаолият характерини бузиб кўрсатишга уринган империализм буржуа малайларининг турли хил антикоммунистик «назария»ларига, ўнг ва «сўл» оппортунистларга, маочиларга қарши курашда коммунистик партиялар фаолиятини янада уйғунлаштиришни талаб этади.

Ҳозирги босқичда социалистик давлатлар мудофаа қудратининг интернационал аҳамияти ошади. Худди мана шу мудофаа қудрати жаҳон ва локал урушларни бошлашда, контрреволюцияни экспорт қилишда империализм учун асосий тўсиқ бўлади. НАТО агрессив блоки мавжуд бўлган қуролланиш пойгаси шароитида социалистик мамлакатлар халқлари, ер юзидаги барча прогрессив кучлар Варшава Шартномаси Ташкилотини революцион ғалабалар ва тинчликнинг ишончли посбони деб биладилар. Бу қардош партияларнинг унга раҳбарлик қилишдаги роли ва интернационал масъулиятини анча оширади. «Биз яшаб турган замонда социалистик давлатлар коммунистик партияларининг таъсири, айни вақтда уларнинг ўз мамлакатларида социализм ва коммунизмни муваффақиятли қуриш учун, ер юзида тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун ўз халқлари ва бутун дунё меҳнаткашлари олдидаги масъулияти ҳам беқиёс ўсди» (Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар, 5-том, 403-бет).

Шундай қилиб, қардош мамлакатлар ҳарбий-сиёсий иттифоқини мустаҳкамлашда, социализм ғалабаларини интернационал ҳимоя қилишда коммунистик партиялар ролининг ўсиши объектив характерга эга бўлиб, у социалистик ҳамдўстликни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичидаги вазифалари билан, империализмнинг агрессив сиёсатига қарши, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун кураш олиб бориш вазифалари билан белгиланади. Коллектив мудофаани такомиллаштиришда марксчи-ленинчи партиялар ролининг ошиб бораётганлиги қардош мамлакатларнинг ҳарбий-сиёсий ҳамкорлиги бундан буён ҳам янги жамият қурилиши ва уни ҳимоя қилишнинг объектив эҳтиёжларига мувофиқ равишда ривожланиб бориши учун гарантиядир.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ютуқлари, улар жаҳон тараққиётига кўрсатаётган таъсирининг кучайиши қардош халқларга келажакка комил ишонч билан қарашларига имкон беради. Ўрток Л. И. Брежневнинг сайловчилар билан учрашув вақтида айтган қуйидаги сўзлари тўла оптимизм руҳи билан суғорилгандир: «...Биз, коммунистлар саксонинчи йиллар коммунистик қурилишда янги муваффақиятларга эришиладиган йиллар бўлишига ишонамиз — ишонибгина қолмай, амин эканлигимизни ҳам айтамиз ва шундай бўлишини биламиз. Бу йиллар жаҳон социализмини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, мустаҳкам тинчликни таъминлаш йўлидаги кураш ишида олға томон янги ҳаракат қилиш йиллари бўлади».

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ НАМУНАСИ

УСМОН ЮСУПОВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

Ҳ. ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси

УЛУҒ ОКТЯБРЬ, совет ижтимоий тузуми очиб берган кенг имкониятлар туфайли халқнинг энг яхши фарзандлари, омманинг истеъдодли ташкилотчилари вояга етиб, улар мамлакатимиздаги партия ва давлат қурилишига бошчилик қилдилар. Коммунистик партия билан совет халқининг содиқ фарзанди Усмон Юсупович Юсупов улар орасида муносиб ўрин олади.

У. Юсупов 1900 йилда Фарғона область Фарғона районининг Каптархона қишлоғида туғилди. 1916 йилгача отаси билан бирга Усмон маҳаллий бой қўлида чўпонлик қилди. У ўн олти ёшга етгач, Янгийўл пахта тозалаш заводига прессловчи бўлиб ишга киради. Тажрибали рус ишчилари билан ёнма-ён меҳнат қилиш давомида Усмон пролетар сабоғини олади. Октябрь революциясининг ғалабасидан кейин У. Юсупов шу заводда меҳнат қилишни давом эттириб, янги ижтимоий муносабатларни вужудга келтиришда, Янгийўл шаҳри меҳнаткашларини янги турмуш қуришга жалб этишда актив қатнашади. 1926 йилда у Коммунистик партия сафига киради ва умрининг охиригача ўз тақдирини партия фаолияти билан боғлайди.

1927 йилда У. Юсупов Округ касаба союзлари комитетининг раиси лавозимига кўтарилади, орадан икки йил ўтгач, Ўзбекистон Компартияси Тошкент округ комитетининг секретари қилиб сайланади. Бу соҳада унинг чинакам омма йўлбошчиси истеъдоди намоён бўлади, у ўзининг ижодий куч-ғайрати ва фидокорона меҳнати билан меҳнаткашларнинг чуқур ҳурмати ва таҳсинига сазовор бўлади.

1929 йилда У. Юсупов Ўзбекистон Компартиясининг IV съездида Ўзбекистон К(б)П МК бюро аъзоси ва секретари қилиб сайланади. Бу — социализм бутун жабҳа бўйлаб ҳужумга ўтган давр эди. Синфий кураш кескинлашиб, айниқса колхоз қурилиши даврида у кучайиб кетган эди. У. Юсупов қулоқларга, бойларга ва уларнинг идеологлари бўлмиш буржуа миллатчиларига қарши курашга бошчилик қилди.

1931—1934 йилларда У. Юсупов ВЦСПС Ўрта Осиё бюросига муваффақиятли раҳбарлик қилиб, Ўрта Осиё республикаларининг қардошларча ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдамини мустаҳкамлашга, турли миллат меҳнаткашларини интернационал жипслаштиришга катта ҳисса қўшди. ВЦСПСнинг Ўрта Осиё бюроси тугатилгач, У. Юсупов ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм олий курсига ўқишга юборилади. Ўқиш даврида тажрибали партия ходимлари ва олимлар билан бевосита мулоқотда бўлиш унинг сиёсий билимларини ва раҳбар партиявий-ташкилотчилик иши кўникмаларини такомиллаштиришида катта роль ўйнади.

У. Юсупов 1936 йилда ўқишни тамомлагандан кейин уни Ўзбекистон ССР оғир саноат халқ комиссари этиб тайинлайдилар.

Усмон Юсупов 1937 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайланиши унинг турмушидаги жуда муҳим воқеа бўлди. У. Юсупов шу лавозимда 13 йил ишлаш чоғида ўзининг атоқли партия ва жамоат арбоби сифатидаги қобилиятларини ҳар томонлама юзага чиқарди.

1937 йил 12 декабрь куни бошқа республикалар каби Ўзбекистонда ҳам СССРнинг янги Конституциясига мувофиқ ССР Иттифоқи Олий Советига биринчи сайлов ўтказилди. СССР Олий Советига депутат қилиб сайланган коммунистлар билан партиясизлар блокининг энг яхши вакиллари орасида Усмон Юсупов ҳам бор эди. Шундан кейин у СССР Олий Советига ва Ўзбекистон ССР Олий Советига бир неча бор депутат қилиб сайланди.

Ўзбекистон Компартиясининг VIII съезди (1938 йил июль) республиканинг сиёсий ҳаётида катта воқеа бўлди, бу съездда У. Юсупов Ўзбекистон К(б)П МК номидан Ҳисобот доклади қилди. Докладда хўжалик ва маданий қурилиш якунланди. Съезд Коммунистик партия раҳбарлигида ўзбек халқи рус ишчилар синфининг ёрдами билан ўтмишдаги иқтисодий ва маданий қолоқликни тез бартараф этганини мамнуният билан таъкидлади. Чор Россиясининг собиқ аграр-хом ашё қўшимтасидан Совет Ўзбекистони Совет Социалистик Республикалари қудратли ва енгилмас иттифоқининг улуғ даврасида гуллаб-яшнаб турган тенг республикаларнинг бирига айланди. Ҳисобот докладида, делегатларнинг нутқларида ва съезд қарорларида Ўзбекистонни социал, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантиришнинг бош йўллари белгиланди.

1939 йил мартида бўлиб ўтган ВКП(б) XVIII съездида делегат У. Юсупов Ўзбекистон партия ташкилоти номидан нутқ сўзлади. Совет Шарқидаги миллий республикаларда социализмнинг тўла тантана қилганлиги мамлакатимизда социализмнинг ажойиб, улуғвор ғалабаларидан биридир, деди у.

У. Юсупов бошчилигидаги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ВКП(б) XVIII съезди ва Ўзбекистон К(б)П VIII съезди қарорларини, СССР халқ хўжалигини ривожлантириш учинчи беш йиллик планини амалга ошириш юзасидан катта ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишни авж олдириб юборди. Партия томонидан пролетар интернационализми руҳида тарбияланган Ўзбекистон меҳнаткашлари саноат корхоналарида, қурилишларда, республика пахтазорларида қаҳрамонлик мўъжизаларини кўрсатдилар. Чирчиқ электр-химия комбинати, Қувасой ТЭЦ, Оқтепа, Хишров, Шаҳрихон, Салор ГЭСлари, Тошкент тўқимачилик комбинати қурилишини тугаллаш, химия, машинасозлик, нефть, ёқилғи, озиқ-овқат ва енгил саноатни кенгайтириш иши муваффақиятли давом эттирилди.

Республика партия ташкилоти қишлоқ хўжалигини, аввало пахтачиликни юксалтириш юзасидан жуда катта иш қилди.

Ирригация қурилиши мислсиз суръатлар билан олиб борилди, бу эса пахтазорларни анча кенгайтириш имконини берди. Ўзбекистон янги каналлар, сув омборлари ва бошқа гидротехника иншоотларини тез усулда қуриш учун умумхалқ ҳаракатини кучайтириш ташаббусини бошлади. У. Юсупов Марказий Комитетнинг секретари сифатида халқ ташаббусини астойдил қўллаб-қувватлаб, руҳлантириб турди, бу ҳаракатни ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам берди.

Катта Фарғона канали қурила бошлаши муносабати билан сув учун кураш анча кенг қулоч ёйди. У. Юсупов шу канал қурилишининг ташаббускорларидан бири бўлди. Канал қурилиши икки қардош республика — Ўзбекистон ва Тожикистон меҳнатчиларининг азим ирри-

гация объектини жуда қисқа муддатларда қуриш учун чинакам қаҳрамонона жангга айланди. Бу жанг ажойиб муваффақият билан тугади. Атиги 45 кун ичида 270 километр узунликдаги канал қўл кучи билан кавланди, 300 тадан кўпроқ гидротехника узели, 45 та темир йўл ва 40 та автомобиль кўприги қурилди.

Партия билан Совет ҳукумати Катта Фарғона канали қурувчиларининг буюк ғалабасини юксак баҳоладилар. 1082 илғор орден ва медаллар билан мукофотланди. Ўзбекистон К(б)П МК биринчи секретари Усмон Юсупов ҳам олий ҳукумат мукофоти — Ленин орденига сазовор бўлди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Калинин канал қурувчиларига ҳукумат мукофотларини топшириш вақтида сўзлаган нутқида бундай деди: «Бу ердаги энг муҳим нарса ажойиб канал барпо этилганлигигина эмас,— халқ хоҳласа, нималарни қилмайди дейсиз!— бу ишнинг бошланиши, ташаббус муҳимдир. Ўзбек халқининг бу ташаббусига бутун Совет Иттифоқидаги колхозчи деҳқонлар эргашаётганлиги учун ҳам у айниқса қимматлидир. Ўз иши учун бундан ҳам ортиқ мукофот бўлмайди. Ўзбек халқи бошлаган меҳнат ташаббусининг улуғвор аҳамияти ҳам мана шунда».

Гитлерчи галаларнинг СССРга бостириб келиши ва улар мамлакатнинг ғарбий областларини вақтинча ишғол қилиши натижасида Улуғ Ватан уруши бошланиши билан Совет Иттифоқининг бошқа шарқий районлари каби Ўзбекистон ҳам Қизил Армиянинг қудратли аслаҳахоналаридан бири бўлди. У. Юсупов бошчилигидаги республика партия ташкилотининг куч-ғайратлари туфайли кўчириб келтирилган 90 дан ортиқ саноат корхонасини жойлаштириш ва тезроқ ишга тушириш ҳамда Ўзбекистоннинг бутун индустриясини ҳарбий изга кўчириш юзасидан СССР Давлат Мудофаа Комитети ўртага қўйган вазифа муваффақиятли ҳал этилди.

Республика партия ташкилоти бутун кучни саноат эҳтиёжлари учун ички ресурсларни сафарбар қилишга қаратди, бутун халқни шу ишга отлантирди. Ишчилар ташкилий равишда ишга қабул қилинди, 100 минг киши тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтди. Янги олтита гидростанция ҳашар усулида тез қурилди. Натижада 1943 йилга келиб, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1940 йилга нисбатан анча ўсди, нефть қазиб олиш икки баравар, металлга ишлов бериш ва металлсозлик 7,5 баравар кўпайди.

Ўзбекистон меҳнатчилари фронтни ва мамлакат ичкарисини пахта билан, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашга катта ҳисса қўшдилар.

Уруш йилларида мамлакатнинг фронт ёқасидаги ғарбий районларидан республикага бир миллиондан ортиқ киши, шу жумладан 200 мингга яқин гўдак кўчириб келтирилди. Уларнинг ҳаммасига бошпана берилди. Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети, унинг биринчи секретари У. Юсупов болаларга доимо оталарча ғамхўрлик қилди.

Юз минглаб ўзбекистонлик жангчилар барча совет солдатлари билан ёнма-ён туриб Улуғ Ватан уруши фронтларида жанг қилдилар, қаҳрамонлик ва жасорат мўъжизаларини кўрсатдилар. У. Юсупов улар билан доимо алоқа боғлаб турди, ўз нутқлари ва хатларида уларни жанговар ишларга руҳлантирди.

У. Юсуповнинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги ватанпарварлик нутқларини ҳаяжонланмай ўқиб бўлмайди. Чунончи, у 1941 йил августида Тошкент агитаторлари ва пропагандистларига мурожаат қилиб бундай деди:

«Ўзбек халқи Совет Иттифоқи барча халқларининг Германия фашизмига қарши умумий курашида ўзининг жанговар ўрнини эгаллаб турибди.

Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, ўртоқлар!

Ўзбек халқининг ўтмиши ва ҳозирги куни бунга асос бўла олади. Революциядан аввалги даврда мустамлакачилик қуллиги азобини тортган меҳнатсевар ўзбек халқи Совет ҳокимияти давридагина миллат бўлиб шаклланди, ўзининг ҳақиқий Ватанига, бахти ва эркига, бунёдкор меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўлди. У совет оиласининг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Унинг уқубатли оғир қисмати ўтмишда қолди, иккиёқлама зулм, бечораҳол қашшоқлик ва ўрта аср маданиятсизлиги ҳукм сурган аянчли замонлар энди асло қайтмайди.

Ленин партияси раҳбарлигида ўзбек халқи биринчи марта ҳақиқий инсоний, бахтиёр, маданий ҳаёт нашъасини сурди, эркин меҳнатнинг бутун улуғворлигини ҳис этди, социализмнинг қудратли зафарбахш кучини кўрди. Энди бўлса, инсониятнинг ашаддий душмани бўлган Гитлер яна уни қашшоқларча ҳуқуқсиз, ғайриинсоний турмуш жарига ташлашга, унинг бўйнига қуллик бўйинтуруғини солишга уринмоқда.

Ҳеч қачон бундай бўлмайди!

Совет Иттифоқининг қардош халқлари билан бирга ўзбек халқи ҳам герман фашизмига қарши даҳшатли куч бўлиб қўзғалди».

Улуғ Ватан уруши ғолибона тугаллангандан кейин У. Юсуповнинг жўшқин ғайрати янги куч билан намоён бўлди, энди у ўзининг бутун ташкилотчилик истеъдодини мамлакат халқ хўжалигини қайта тиклаш ва ривожлантириш учун бошланган умумхалқ курашига сарфлади.

Ўзбекистон партия ташкилоти партия Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг йўл-йўриқларини бажариб, озод этилган районларнинг экономикасини қайта тиклашга амалий қардошлик ёрдамини уюштирди, бу районларга энг яхши кадр ишчилар, машина-ускуналар, қурилиш материаллари ва шу кабилар юборилди. СССР халқ хўжалигини қайта тиклаш ва ривожлантириш янги беш йиллик плани асосида республика саноатини, айниқса оғир саноатини, қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасида катта иш қилинди. 1946 йилда Ўзбекистон металлургия заводида прокат стани, 1948 йилда Ангрен кўмир разрези, Фарҳод гидростанциясининг иккита агрегати ишга туширилди. Шунинг натижасида ўша йилнинг ўзидаёқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг урушдан аввалги даражасидан қарийб бир ярим баравар ўзиб кетилди.

СССР Халқ Комиссарлари Советининг «1946—1953 йилларда Ўзбекистонда пахтачиликни қайта тиклаш ва янада юксалтириш плани ҳамда тадбирлари тўғрисида»ги 1946 йил 2 февралдаги қарори республика халқ хўжалигини ривожлантиришда жуда катта роль ўйнади. Шу қарорга биноан республика 1953 йилда пахта етиштириш соҳасида урушдан аввалги даражадан анча ўзиб кетиши лозим эди. Пахтакорларнинг қизғин меҳнати муносиб муваффақият келтирди. 1946 йилда давлатга пахта топшириш плани 100,7 процент бажарилди. Бироқ, пахтачиликка раҳбарлик қилишда жиддий янглишишларга йўл қўйилган эди. Шунинг оқибатида 1947 йилда пахта тайёрлаш плани бажарилмай қолди. Вужудга келган аҳвол ВКП(б) МК билан СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон К(б)П ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1947 йилда пахтачиликка раҳбарлик қилиш соҳасидаги хатолари тўғрисида» деб аталган 1948 йил 3 февралдаги қарорида жиддий таҳлил этилиб танқид қилинди.

Содир бўлган камчилик ва нуқсонларни Ўзбекистон К(б)П МК У. Юсупов бошчилигида ўз-ўзини танқид асосида эътироф қилиб ва чуқур таҳлил этиб, республика коммунистларини мана шу хато ва камчиликларни бартараф этишга сафарбар қилиш учун имкони бўлган ҳамма чораларни кўрди. Ўзбекистон К(б)П МКнинг 1948 йил февра-

лида бўлиб ўтган пленуми ҳар бир колхоз ва совхознинг пахта топшириш давлат планларини сўзсиз бажаришини таъминлаш учун пахтачиликка раҳбарлик даражасини кўтариш тадбирларини белгилади.

Шу мақсадда Қорақалпоғистон АССРда, Зарафшон водийсида, Тошкент ва Хоразм областларида ирригация-мелиорация ишлари зудлик билан ўтказилди. Янги қурилган Шимолий ва Жанубий Фарғона, Катта ва Шимолий Тошкент каналлари, Хоразмдаги Тошсоқа канали, Ўртатўқай сув омбори ва бошқа сув хўжалиги объектлари ҳисобига далаларнинг сув таъминоти яхшиланди. Ерларнинг маҳсулдорлигини ва ҳосилдорлигини кўтаришнинг муҳим омили бўлган механизация ва илғор техникани жорий этиш учун кўп иш қилинди. Ҳар бир колхозда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш йўлида зарур чоралар кўрилди.

У. Юсупов айниқса қолоқ колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлашга доимо ғамхўрлик қилди, улардаги ишнинг аҳволини чуқур ўрганди. У жойларга тез-тез бориб, тупроқнинг унумдорлигини ҳар томонлама яхшилаш учун агротехника тадбирлари ва усулларини мунтазам ва оқилона ўтказиш зарурлигини, муттасил мўл ҳосил олиш учун эса, ҳар бир участкани ўрганиш, унинг хусусиятларини билиш, айниқса суғориладиган деҳқончилик шароитида сувни қаердан очиш, ўқариқ ва жўякларни қаердан ўтказиш, маҳаллий ва минерал ўғитларни қачон ва қанча миқдорда солиш, ерни қанча чуқурликда ҳайдаш ва чигитни қайси муддатда экиш кераклигини билишни; мана шуларнинг ҳаммаси ҳисобга олинмаса, ер энг тажрибали пахтакорни ҳам доғда қолдириши мумкинлигини деҳқонларга тушунтирар эди.

У. Юсупов партия ва совет органлари, колхоз ишлаб чиқаришининг раҳбарлари билан учрашувлар вақтида ўртаҳол ва айниқса қолоқ колхозларни илғорлар даражасига кўтариш вазифасини қўяр, бунинг учун партия ва совет органлари илғор хўжаликларга раҳбарликни бўшаштирмаган ҳолда ташкилий ва оммавий-сиёсий иш марказини қолоқ колхозларга кўчиришлари ва уларни ночор аҳволдан олиб чиқишлари лозимлигини айтар эди. Шу билан бирга У. Юсупов қишлоқдаги мафкуравий, сиёсий-тарбиявий ишни кучайтиришнинг аҳамиятини, бу иш кенг колхозчилар оммасининг коммунистик онглилигини ҳар тарафлама оширишга кўмаклашишни алоҳида таъкидлар эди.

Эътиқодли интернационалист бўлган Усмон Юсупов Совет Иттифоқи халқларининг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилди. У ўзининг кўпдан-кўп нутқларида СССР халқларининг қардошларча бирлигидагина, ленинча миллий сиёсат амалга оширилиши туфайлигина ҳақиқий озодлик, чинакам инсоний бахт гарантияланиши тўғрисидаги тезисни кенг пропаганда қилди. Барча совет кишиларининг маънавий-сиёсий бирлигини вужудга келтириш ва мустаҳкамлашда улуғ рус халқи жуда катта сиёсий роль ўйнашини доимо таъкидлаган У. Юсупов ўзбек халқи айни улуғ рус халқининг ёрдами билан чоризм давридаги иккиёқлама зулм занжирларини улоқтириб ташлаб, қайта бирлашишга, Советлар Мамлакати барча халқларининг коммунизм қуриш йўлидаги тарихий юришига қўшилишга муваффақ бўла олганини уқтирар эди.

«...Рус халқи — Совет Иттифоқи халқларининг кўп миллатли оиласидаги оғамиздир,— деган эди Усмон Юсупович Ўзбекистон К(б)П X съезди минбаридан.— Биз улуғ рус халқининг матонати ва фидокорлигидан, унинг равшан ақл-заковатидан, унинг миллий ифтихоридан, унинг маданиятидан доимо таълим олиб келдик, таълим олмоқдамиз

ва доимо таълим олаверамиз. Биз улуғ рус халқининг олижаноб ватанпарварлигини, революцион кураш тажрибасини, ўз Ватанига астойдил меҳр-муҳаббатини, Ленин ишига садоқатини ўрганиб келдик, ўрганмоқдамиз ва доимо ўрганаверамиз».

1950 йилда У. Юсупов СССР пахтачилик министри этиб тайинланди. Бу лавозимда ҳам ўзининг бутун кучи, билими ва ғайратини пахтачилик соҳасида Коммунистик партия ўртага қўйган вазифаларни бажаришга сарфлади. 1953—1954 йилларда У. Юсупов Ўзбекистон ССР ҳукуматига бошчилик қилди.

Умрининг кейинги йилларида У. Юсупов улкан пахтачилик совхози —«4-Боёвут»га, сўнгра республикада биринчи «Халқобод» аграр саноат комплексига раҳбарлик қилди.

Усмон Юсупов ўзининг бутун жўшқин ижодий ғайрати, бутун билими ва кучини Ватанимиз равнақи йўлида сарфлади. У ўзининг партия ва халққа фидокорона хизмати билан, партиявий принципиаллиги билан республика меҳнаткашларининг чуқур ҳурматини қозонди.

Коммунистик партия билан Совет давлати Усмон Юсуповичнинг хизматларини юксак баҳолаб, уни олти марта Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат белгиси», 1-даражали Ватан уруши орденлари ва кўпгина медаллар билан мукофотлади. ВКП(б) XVIII ва XIX съездларида У. Юсупов партия Марказий Комитетининг аъзоси қилиб сайланган эди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КАДРЛАРИ ЎЧОҒИ

Э. ШАЙХОВ,
Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг ректори

З. МАҚСУДОВ,
партком секретари

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК институтининг ташкил этилганига 50 йил бўлди. Ўрта Осиё (ҳозирги Тошкент) давлат университетининг қишлоқ хўжалик факультетини алоҳида институтга айлантириш тўғрисида ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитетининг секретариати томонидан 1930 йил 26 майда қабул қилинган қарор партиянинг ленинча аграр ва миллий сиёсати изчил амалга оширилишининг ёрқин далили бўлди. Ўтган ярим аср мобайнида институт Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар қишлоқ хўжалиги ва бутун социал-иқтисодий ҳаётининг ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Урушдан олдинги йиллардаёқ институт бир мингга яқин юқори малакали мутахассисларни тайёрлаб берди, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш бўйича бир қатор йирик илмий тавсияларни ишлаб чиқаришга жорий этди.

Улуғ Ватан уруши йилларида партия ва ҳукуматимиз ғамхўрлиги туфайли институт ўз фаолиятини давом эттирди ва ривожланиб борди. Шу йилларда бешта янги факультет: 1941 йилда мевачилик, сабзавотчилик ва ўсимликларни ҳимоя қилиш факультети, 1942 йилда узумчилик ва виночилик факультети, 1944 йилда ўрмон хўжалиги факультети, 1945 йилда агрохимия ва тупроқшунослик факультети очилди. Студентлар сони 1941 йилда 481 кишини ташкил этган бўлса, 1946 йилга келиб улар 870 кишига етди, яъни 1,8 марта ошди. Уруш даврининг барча қийинчиликларига қарамай, институт ўқитувчилари коллективи партия ташкилоти ва ректорат раҳбарлиги остида ўқув-тарбия процессини такомиллаштириб, 280 олий ва 900 дан ортиқ ўрта маълумотли қишлоқ хўжалиги мутахассисларини етиштирди.

Институт олимлари студентларни ўқитиш билан бирга самарали илмий-тадқиқот ишлари олиб бордилар, республика қишлоқ хўжалигини юксалтиришга доир бир қатор муҳим назарий ва амалий масалаларни ҳал этдилар. Бундан ташқари уруш йилларида институт студентлари ва ўқитувчилари қишлоқ хўжалик ва саноат корхоналарига фидокорона ёрдам бердилар. Шимолий Тошкент канали, Ангрен кўмир кони, Оқтепа ва Салор ГЭСларини қуришда актив иштирок этдилар.

Партия ва ҳукуматимиз урушдан кейинги даврда ҳам Ўзбекистонда олий қишлоқ хўжалиги таълимини янада ривожлантиришга катта эътибор бермоқдалар. 1952 йилда экономика, 1965 йилда бухгалтерлик факультетлари ташкил этилди. 1966 йилда колхоз ва совхоз раҳбар кадрларини тайёрлаш бир йиллик мактаби ҳамда колхоз ва совхоз раҳбар кадрлари ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари малакасини ошириш уч ойлик курслари базасида икки бўлимдан иборат бири олти ойлик колхоз ва совхоз раҳбар кадрларини тайёрлаш бўйича, иккинчиси

бир ойдан уч ойгача ўқитиладиган 10—12 профиль бўйича қишлоқ хўжалик мутахассислари малакасини ошириш бўйича малака ошириш факультети очилди. 1969 йилдан бошлаб институтда тайёрлов бўлими ишлаб турибди. Унга асосан ишлаб чиқариш тажрибаси бўлган қишлоқ ёшлари қабул қилинмоқда. Шу бўлимда ўқиётганлар сони 10 йил ичида қарийб икки баравар кўпайди — 101 дан 195 кишига етди.

Институтнинг ўқув-моддий базаси тобора такомиллашиб бормоқда. 1962 йилда республика ҳукумати Яланғоч посёлкасидаги ўқув шаҳарчасини Тошкент қишлоқ хўжалиги институтига бериш ҳақида қарор қабул қилди. 1963—1970 йиллар мобайнида шаҳарчада агрономия ва агрохимия факультетлари учун 2 ўқув корпуси ва тўртта ётоқхона қурилди. 1971—1975 йилларда институт учун 720 ўринли яна бир ётоқхона, 360 ўринли ошхона, олти қаватли асосий ўқув корпуси қурилди. Асосий корпусда 800 мингдан зиёд китобга эга кутубхона жойлашган, у ҳар йили 47 мингдан ортиқ турли дарсликлар ва ўқув қўлланмалари олиб туради.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида ҳатто бутуниттифоқ ва халқаро спорт мусобақалари ўтказиладиган ажойиб спорт комплекси, яна битта студентлар ётоқхонаси ва малака ошириш факультети тингловчилари учун ётоқхона, маиший хизмат уйи, озиқ-овқат ва саноат моллари билан савдо қиладиган магазин қурилди. Институт аудиториялари ва кабинетлари зарур мебель, замонавий лаборатория асбоблари, техника воситалари билан жиҳозланган. Ҳозир 200 ўринли чойхона, болалар боғчаси, ўқув теплицаси қурилмоқда.

1975 йилда Фарғона шаҳрида институт филиалининг ташкил этилиши катта воқеа бўлди. Ўша йилдаёқ унга турли ихтисослар бўйича 207 студент қабул қилинди. Кейинги йилларда Фарғона филиалида учта: агрономия, зооинженерлик ва иқтисодий-бухгалтерлик факультетлари ташкил этилди. Ҳозирги вақтда филиалнинг 11 кафедрасида 69 ўқитувчи, шу жумладан бир фан доктори ва 25 фан кандидатлари ишламоқда. Улар 1435 студентга (кундузги бўлимда 776 ва сиртқи бўлимда 659 киши) таълим бермоқдалар.

Партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги туфайли Тошкент қишлоқ хўжалик институти мамлакатдаги қишлоқ хўжалиги кадрларини етиштирувчи йирик ўчоқлардан бирига айланди. Агар 1930 йилда унда фақат европалик 130 студент ўқиган бўлса, ҳозир 9,3 минг студент бўлиб, фақат маҳаллий миллат вакиллари 7 мингдан ортиқдир. Институтнинг ярмидан кўп студентлари (4,7 минг киши) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқимоқда.

1930 йилда институтда иккита факультет (агрономия ва пиллакашлик факультетлари) ҳамда 7 кафедра бўлган бўлса, ҳозир Фарғона филиалини ҳам қўшганда 13 хил мутахассисларни тайёрловчи 9 факультет (агрономия, зооинженерлик, агрохимия ва тупроқшунослик, мевачилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, пиллакашлик, ўрмон хўжалиги, қишлоқ хўжалиги экономикаси ва уни ташкил этиш, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби факультетлари) ва 55 кафедра ишлаб турибди.

1940/41 ўқув йилида институтда ҳаммаси бўлиб 41 ўқитувчи, шу жумладан 8 профессор (битта фан доктори), 12 доцент (фан кандидатлари бўлмаган) ишлаган. Ҳозирги вақтда 553 ўқитувчи ва илмий ходим бўлиб, улар орасида 27 профессор ва фан доктори, 210 доцент ва фан кандидатлари бор.

Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида узоқ йиллар давомида турли илмий йўналиш ва мактабларга асос солган кўпгина йирик олимлар меҳнат қилди. Булар — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоблари — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, СССР Давлат мукофоти лауреати А. И. Автономов, ВАСХНИЛ

академиги Р. Р. Шредер, СССР Давлат мукофоти лауреати Ю. П. Хуторной, ВАСХНИЛ академиги В. П. Шчекин, Г. С. Зайцев, М. А. Панков, В. С. Малигин, В. П. Добров, Н. Н. Балашев, Л. А. Молчанов, В. Н. Чирков, Н. А. Безроднов, А. А. Қолдаев, О. Қ. Салоҳиддинов, М. А. Каримовлардир.

Бугунги кунда институтда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Р. А. Олимжонов, фан докторлари, профессорлар В. А. Буригин, Х. Х. Енелеев, Ф. Н. Қомилова, Е. Н. Михайлов, В. П. Протасов, А. А. Рибаков, А. И. Шлейхер, фан кандидати, доцент З. Н. Саидносирова ва кўпгина бошқа кишилар самарали меҳнат қилмоқда.

Институт Ўрта Осиёда олий малакали қишлоқ хўжалиги илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва аттестациялаш марказига айланиб бормоқда. 1932 йилдан бошлаб бу ерда аспирантура, 1940 йилдан эътиборан эса илмий даражалар таъсис этувчи илмий совет ишлаб турибди.

Аспирантура ташкил этилгандан буён уни 550 дан кўпроқ киши битириб чиқди. Улар ҳозир ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими, Ўрта Осиё республикалари фанлар академияларининг илмий-тадқиқот муассасаларида, ишлаб чиқаришда, шунингдек партия ва совет органларида меҳнат қилмоқда. Аспирантурани битирган 100 дан зиёд киши институтнинг ўзида ишламоқда.

1940—1979 йиллар мобайнида институт илмий советларида 1264 диссертация, шу жумладан 1187 кандидатлик ва 77 докторлик диссертацияси ёқланди (булар орасида 122 кандидатлик ва 12 докторлик диссертацияларини институт ходимлари ёқлади).

1978 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти ҳузурида илмий имкониятлардан яхшироқ фойдаланиш мақсадида бегона ўсимликларни эколого-биологик ўрганиш ва уларга қарши кураш тадбир-чораларини ишлаб чиқиш бўйича тажриба станцияси ва проблемали илмий-тадқиқот лабораторияси, 1979 йилда эса тўртта тармоқ илмий тадқиқот лабораториялари: жун хом ашёси сифатини анализ қилувчи, мева ва ток кўчатларини ўстириш янги технологиясини ишлаб чиқувчи, ғўза зараркунандаларига қарши кураш интеграциялашган системаси лабораторияси, қишлоқ хўжалик экинларини суғориш учун оқар сувлардан оқилона фойдаланиш усулларини ишлаб чиқувчи лабораториялар ташкил этилди.

Институт ректорати ва парткоми ҳар бир ўқитувчи, илмий ходимнинг кун сайин ўз сиёсий ва маданий савиясини ошириб боришига, юксак коммунистик ғоявийлик, партиявийлик, меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш, ахлоқий софлик ва олижаноблик намуналарини кўрсатишларига эришмоқдалар.

Профессор-ўқитувчилар составининг ғоявий-сиёсий савиясини ошириш мақсадида 1976 йилда институт ҳузурида Тошкент партия комитетининг марксизм-ленинизм кечки университети филиали очилди. Бундан ташқари, марксча-ленинча назарияни, КПСС ички ва ташқи сиёсатининг актуал проблемаларини ўрганиш юзасидан 10 назарий семинар ва тўгарак ишлаб турибди.

Ўқув-тарбия процессининг йилдан йилга такомиллашиб бориши, ўқитиш сифати, студентларнинг ўқув ва ишлаб чиқариш практикаси яхшиланиши йўлида институтда талайгина ишлар қилинмоқда.

Институт партия ташкилоти ва ректорати студентларда марксча-ленинча дунёқарашни тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бунда ижтимоий фанларни ўқитишнинг ғоявий-назарий даражасини муттасил ошириб боришга, барча фанларнинг дунёқарашга доир йўналишини кучайтиришга катта аҳамият берилмоқда. Институт коллективи КПСС МҚнинг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада ях-

шилаш тўғрисида»ги қарори асосида ўзининг идеология ишлари форма ва методларини қунт билан такомиллаштирмоқда.

Институтда меҳнат тарбиясига катта эътибор берилмоқда. Комсомол ташкилоти бошлиқ студентлар қурилиш отрядлари зилзиладан кейин Тошкент ва Газлини қайта тиклашда ўз ҳиссаларини қўшдилар. 1978 йилда студентларимиз Қорақалпоғистон АССР хўжаликларида экиш кампаниясини ўтказишда тракторчи бўлиб ишладилар. 1979 йил ёзида улар қишлоқда чорвачилик комплекслари ва бошқа объектлар қурдилар, кузда эса институтнинг 70 студенти 3000 тоннага яқин пахтани машинада териб бердилар.

1969 йилда ташкил этилган ижтимоий касблар факультети ҳар томонлама камол топган, юксак маданиятли мутахассисларни тарбиялашда катта роль ўйнамоқда. Уни битириб чиққан 686 киши иккинчи касб — пропагандист, турмуш маданияти инструктори, спортнинг турли хиллари бўйича жамоатчи тренер, фотомухбир, бадиий ҳаваскорлик коллективи раҳбари касбларини эгалладилар. Ҳозирги вақтда бу факультетда 1000 га яқин студент шуғулланмоқда.

Ўрта Осиё республикалари учун қишлоқ хўжалик мутахассисларини тайёрлаш сифатини оширишда регион хусусиятларини ҳисобга олган дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр этиш ғоят катта аҳамиятга эга. 1935—1979 йиллар мобайнида Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг ўқитувчилари томонидан пахтачилик, сабзавотчилик, мевачилик, узумчилик, пиллачилик бўйича — ҳаммаси бўлиб 32 фанга оид 160 га яқин дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилди. Фақат шу институт юбилейи йилида «Ўқитувчи» нашриёти ўқитувчиларимизнинг 20 ўқув қўлланмасини нашр этади.

Институтни биринчи бўлиб тамомлаганлар 28 киши эди. 1965 йилда 600 киши, 1979 йилда — 1200 дан зиёд киши институт дипломини олди. 50 йил ичида 23 мингга яқин юқори малакали қишлоқ хўжалик мутахассисларини, шу жумладан турли профилдаги 16 мингга яқин агрономни, 1300 ўрмон хўжалиги инженерларини, 800 мингга яқин сув хўжалиги мутахассисларини, 3 мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги экономистлари ва 2 мингга яқин бухгалтерларини тайёрлади. 6,6 минг киши институтни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда тугатди.

Бундан ташқари малакани ошириш факультетида колхоз ва совхозларнинг 800 га яқин раҳбар ходимлари тайёрланди, малакани ошириш курсларида фақат Ўзбекистон ССРнинггина эмас, балки РСФСР, Озарбайжон, Грузия, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон ССРларининг қарийб 8,5 мингга яқин қишлоқ хўжалиги раҳбарлари ва мутахассислари таълим олди.

Институтни битирганлар орасида 42 Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бор. Булар орасида СССР Давлат мукофотининг лауреати, ВАСХНИЛ академиги, Г. С. Зайцев номидаги ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг директори С. Н. Мираҳмедов, ВАСХНИЛ мухбир аъзоси, ўсимликларни ҳимоя қилиш Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институтининг директори С. Н. Алимуҳамедов, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори М. М. Мирзаев, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси И. К. Максименко, Қўрғонтепа район партия комитетининг биринчи секретари У. Саримсоқов, Андижон областидаги «Савай» совхозининг директори Б. Абдураҳимов, Тошкент область Орджоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси М. Убайдуллаева, Тошкент область Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозининг машҳур маккажўхорикори Любовь Лилар бор.

Институтни битирганлардан анчагина киши масъулиятли партия

ва давлат лавозимларида ишлаб, КПСС аграр сиёсатини амалга оширишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Тошкент қишлоқ хўжалиги институти ўзининг интернационал бурчини бажариб, хорижий давлатлар учун ҳам юқори малакали мутахассислар тайёрламоқда. Уни социалистик мамлакатлардан 128 киши, ривожланаётган мамлакатлардан 103 киши битирди. Бундан ташқари, 1952 йилдан 1979 йилгача институтда 17 мамлакат вакиллари битта докторлик ва 74 кандидатлик диссертацияларини ёқладилар. Ҳозир бизда 305 ажнабийлар — 283 студент, 20 аспирант ва 2 стажёр таълим олмоқда.

1976 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти ҳузурида БМТ тингловчилари курси ташкил қилинди. Шу ўқув йилида 20 мамлакатдан келган 40 мутахассис бу курсда иқтисод ва қишлоқ хўжалиги статистикасини ўрганмоқда. 1979 йилдан бошлаб малака ошириш факультети ҳузурида ироқлик мутахассислар учун қишлоқ хўжалик фанлари комплексини ўрганиш курслари ташкил этилди.

Институтда ўқув-тарбия процессини координация қилиш ва такомиллаштириш учун ажнабий ўқувчилар орасида иш олиб борадиган деканат ва БМТ тингловчилари деканати, шунингдек, ажнабий ўқувчилар билан ишлаш бўйича умуминститут кенгаши ташкил этилди. Бу кенгашда ўқув-методика, илмий-тадқиқот, сиёсий-тарбиявий, спорт ишлари, турмуш ва маданий ҳордиқ чиқариш секциялари бор. 1972 йил сентябрида комсомол комитети ҳузурида ташкил этилган интернационал дўстлик клуби совет ва ажнабий студентлар ўртасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга кўп жиҳатдан ёрдам бермоқда.

Институтда бадиий ҳаваскорлик муваффақиятли ривожланмоқда. Чунончи, институтнинг «Гулдаста» ашула ва чолғу асбоблари ансамблига 1976 йилда Халқ ансамбли номи берилди, 1978 йилда эса у Тошкент области Ленин комсомоли мукофоти билан тақдирланди. Шунингдек, ансамбль Бутуниттифоқ «Ёш овозлар» телеконкурси дипломига ҳам сазовор бўлган.

Институтда ҳарбий-ватанпарварлик ва жисмоний тарбияга катта эътибор берилмоқда. Студентларга Совет Ватанига, Коммунистик партия ва мамлакатимиз ҳукуматига чексиз садоқат туйғуси сингдирилмоқда, уларни жисмоний чиниқтириш учун зарур шарт-шароит яратилган. Студентлар 20 спорт секцияларида шуғулланмоқда. 1974—1979 йилларда уларда 14 СССР спорт мастери, 46 спорт мастерлигига номзод, 249 I разрядли, 2822 II ва III разрядли спортчилар, 2842 ГТО нишондори, 1060 та жамоатчи-инструктор тайёрланди. Уч спортчи мамлакат терма командасига аъзо, 20 спортчи эса республика терма командаси составига кирган, 1979 йилда мамлакат қишлоқ хўжалик институтлари ўртасида ўтказилган мусобақаларда институт хотин-қизлар командалари волейбол ва баскетбол, эркаклар командаси эса баскетбол бўйича биринчи ўринларни эгаллади.

Институтнинг кўп тиражли «Агроном» газетаси коллектив ташкилотчи, пропагандист, агитаторга айланди. Деворий матбуотга катта аҳамият берилмоқда. Уларни доимо такомиллаштириб бориш мақсадида ҳар йили 5-майда энг яхши деворий газеталар учун конкурслар ўтказилмоқда.

Институт ўқитувчилари ўқув-тарбиявий ишлар билан бир қаторда илмий тадқиқот билан ҳам шуғулланмоқдалар. Бу иш самарали бўлаётганлигига босиб чиқарилган монография, брошюра, мақола ва тавсияномалар яққол далил бўлади. Чунончи, институт 1971—1979 йиллар мобайнидагина неча ўнлаб илмий асарлар тўпламларини, 140 монографияни босиб чиқарди. Илмий тадқиқотларнинг натижалари, 200 га яқин тавсиялар ва 22 ихтиро ишлаб чиқаришга жорий этилиб, катта илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон ва Ўрта

Осиё регионидаги бошқа республикалар пахтачилиги ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари самарадорлигини оширишда ёрдам бермоқда. институт олимлари илмий ечимларининг жорий қилиниши ҳар йили 5,5—6 миллион сўм иқтисодий фойда бермоқда.

Илмий тадқиқотлар билан ишлаб чиқариш алоқасини мустаҳкамлашнинг, уларнинг самарадорлигини оширишнинг муҳим формаси хўжалик шартномаси темаларини бажаришдир. Буларнинг ҳажми институт бўйича 1964 йилдаги 4 минг сўмдан 1979 йилда 352 минг сўмга кўпайди, бу йил эса 420 минг сўмга етказилади. 1964—1979 йиллар мобайнида жами салкам 2 миллион сўмлик 196 хўжалик шартномаси темалари амалга оширилди.

Шу беш йилликда институт олимлари 14 проблема ва 42 тема бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бордилар ва бормоқдалар. Ўн биринчи беш йиллик планида илмий тадқиқот ишлари савияси ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида илмий кучларни йирик, комплекс проблемаларни ишлашга жалб этиш кўзда тутилган.

Мутахассисларни тайёрлаш, илмий тадқиқот ишларини ўтказиш учун С. М. Киров номидаги ўқув-тажриба хўжалиги база бўлиб хизмат қилмоқда. Айтиш керакки, бу хўжаликнинг экономикаси дадил мустаҳкамланиб бормоқда. 1979 йилги жуда оғир шароитда 2000 гектарнинг ҳар гектаридан 34,7 центнердан пахта олинди (1975 йилда 24,7 центнер олинган эди) ва пахта тайёрлаш плани муддатидан олдин, 29 октябрда бажарилди. Давлатга 6970 тонна, шу жумладан пландан ташқари 1170 тонна пахта сотилди. Шунингдек дон, пилла ва деҳқончилик ҳамда чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини сотиш планлари ҳам ошириб бажарилди.

Институт ўқитувчилари жойларда қишлоқ хўжалик ходимларига консультация бериш, илмий тавсияларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш Тошкент область Оққўрғон, Бекобод ва Орджоникидзе районлари қишлоқ хўжалиги билимлари университетларида машғулотлар ўтказиш учун республика совхозлари ва колхозларига тез-тез бориб турадилар.

Институт коллективининг фидокорона ва самарали меҳнати партия ва ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланди. 1977 йилда Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққанлиги учун Тошкент қишлоқ хўжалиги институти КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди ва Ўзбекистон меҳнат шуҳрати китобига ёзиб қўйилди. Ана шу ва бошқа ютуқларнинг гарови 320 коммунистдан иборат институт партия ташкилотининг, унинг содиқ ёрдамчиси — 3 870 йигит ва қизларни бирлаштирган комсомол комитети, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика ҳукумати доим қўллаб-қувватлаётган ва эътибор бериб келаётган институтнинг ўн минг кишилик коллективининг жипслиги ва ишчанлик қобилиятидадир.

Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг истиқболи жуда кенг. 1979—1985 йилларга мўлжалланган ва СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги томонидан тасдиқланган капитал қурилиш планида 25 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилиб, институт учун турли объектлар, шу жумладан 2600 ўринли бешта ётоқхона, экономика ва бухгалтерлик факультетлари учун тўққиз қаватли ўқув корпуси, инженерлик фанлари учун 75 автомашина сиғадиган гаражи бўлган бир корпус, малакани ошириш факультети учун бино, химия-лаборатория корпуси, 1200 ўринли мажлислар зали, 2 миллион китобга мўлжалланган асосий кутубхона биноси, 500 ўринли ошхона, стадион, Бўстонлиқ районида соғломлаштириш-спорт лагери, институт ўқитувчилари ва ходимлари учун 72 квартирали турар жой биноси қуриш кўзда тутилган. Шу ер-

нинг ўзида 1200 студент ўқийдиган қишлоқ хўжалик техникумини очиш белгиланган.

1979 йилда институтда поликлиника очилди ва у келгусида студентлар, ўқитувчилар, ходимлар ва уларнинг оилаларига хизмат кўрсатувчи касалхона-поликлиника комплексига айлантирилади. Поликлиника зарур даволаш-диагностика жиҳозлари, асбоблар ва автотранспорт билан таъминланган. Поликлиника қошида аптека ҳам бор.

Шундай қилиб, институтнинг улкан коллективи барча аъзоларининг самарали меҳнат қилиши, ўқиши, дам олиши, уйғун тарзда камол топиши учун шароит доимо яхшиланиб бормоқда. Партия ва ҳукуматнинг ғамхўрлигига жавобан биз бутун фаолиятимизнинг имкони борича самарали бўлишига интилмоқдамиз. Институт ректорати, парткоми, комсомол комитети, маҳаллий комитети ва бошқа жамоат ташкилотлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Олий мактабни янада ривожлантириш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан тадбирлар планини ишлаб чиқдилар. Бунда бўлажак қишлоқ хўжалик мутахассисларини профессионал жиҳатдан тайёрлаш сифатини ва ғоявий-сиёсий тарбиясини ҳар томонлама яхшилашга, ишлаб чиқариш билан, коммунистик қурилиш практикаси билан алоқани мустаҳкамлашга асосий эътибор берилаётир. Институтнинг профессор ва ўқитувчилари состави ўқув-тарбия ва илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштиришга, машғулотларнинг ғоявий-назарий ва методик савиясини оширишга эришмоқдалар, лекциялар проблемали ва актуал характерга эга бўлиб, студентларнинг мустақил ишлашларига ёрдам бериши тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар. Ўқиш, илмий ва тарбия процессларининг мазмуни ва бирлигини белгиловчи олий ўқув юртининг асосий звеноси бўлган кафедранинг роли кучайиб бормоқда.

Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг коллективи ўзининг 50 йиллигини қилинган ишлар учун қонуний фахрланиш туйғуси билан ва бутун куч-қувватини, билими ва ижодий ғайрат-шижоатини Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ленинча аграр сиёсатини амалга оширишга қаратиш истаги билан кутиб олмоқда.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

ЎЗБЕКИСТОН КОЛХОЗЧИ ДЕҲҚОНЛАРИ ТАРИХИДАН

Босиб ЎТИЛГАН ҳар бир йил инсоният бошидан кечирган барча урушлардан энг даҳшатли ва кўп қон тўкилган Улуғ Ватан уруши эпопеясини тобора орқага суради. Лекин тарихчилар ўша қаҳрамонона кунларга қайта-қайта мурожаат қилиб, совет кишиларининг фронтда ва мамлакат ичкарисида кўрсатган мислсиз жасоратини халқ хотирасида абадий қолдиришга интилмоқдалар.

Колхозчи деҳқонларнинг Улуғ Ватан уруши давридаги меҳнат фаолияти проблемаларини ишлаб чиқиш соҳасида республикамиз олимлари самарали иш олиб бормоқдалар. Р. Х. Аминованинг янги тадқиқоти бунга ёрқин мисолдир*.

Автор бу кўп қиррали проблеманинг айрим томонлари яхши ўрганилганлигини ҳисобга олиб, асосий эътиборни қишлоқ хўжалиги структурасини қайта қуриш, уни ҳарбий изга солиш, деҳқонларнинг пахтачилик ва бошқа тармоқларни ривожлантириш учун кураши, колхозларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигини кадрлар билан таъминлаш, меҳнатни ташкил этиш, даромадларни тақсимлаш сингари ва бошқа масалаларга қаратди.

Маълумки, фашист босқинчилари Ғарбдаги мамлакатимиз территориясининг анча қисмини босиб олганлиги туфайли шарқий районлар, шу жумладан Ўзбекистон фронтнинг энг муҳим арсенали бўлиб қолди. Қишлоқ хўжалиги олдида масъулиятли вазифа — Қизил Армияни ва мамлакат ичкарисидаги аҳолини озиқ-овқат, саноатни хом ашё билан узлуксиз таъминлаш вазифаси турарди. Китобда келтирилган жуда кўп фактик материал, уларни моҳирона таҳлил этиш Р. Х. Аминовага ўзбек деҳқонларининг фашизм устидан қозонилган ғалаба умумий ишига қўшган ҳиссасини ҳар томонлама ва ишонарли қилиб кўрсатишга, шунингдек ўша даврда қишлоқда юз берган социал ўзгаришларни чуқур очиб беришга имкон берган.

Урушдан олдинги йилларда партия ленинча миллий сиёсатининг изчил амалга оширилиши Ўзбекистонда ва Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларида кўп тармоқли саноатни, энергетика базасини барпо этишга, қишлоқ хўжалигининг ривожланиш суръатларини тезлаштиришга ёрдам берди. Автор ҳаққоний таъкидлаб ўтганидек, партиянинг айни шу тадбирли сиёсати мамлакатимиз бутун экономикасини ҳарбий асосда муваффақиятли қайта қуришни олдиндан белгилаб берди ва фашистлар Германиясининг хиёнаткорона бостириб кириши шароитида мамлакатимизнинг шарқий районларида мустаҳкам базани яратиш имконини бердики, у бўлажак ғалабада жуда катта роль ўйнади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг структураси уруш йилларида анча ўзгарди. Қишлоқ меҳнатчиларининг олдига қўйилган энг асосий вазифалардан бири — озиқ-овқат экинлари, биринчи навбатда ғалла етиштиришни кўпайтириш эди. Улар, шунингдек, илгари бу ерларда экилмаган янги экин — қанд лавлаги етиштиришни ўзлаштиришлари керак эди. Шу муносабат билан китобда қизиқарли, илгари кам маълум бўлган фактлар келтирилган.

Автор қишлоқ хўжалигини уруш даври вазифаларига мувофиқ равишда қайта қуриш иши амалга оширилган ўша ниҳоятда оғир шароитни яхши кўрсатиб бера олган. Р. Х. Аминова қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси хусусидаги масалага тўхтаб, шуни таъкидлайдики, фронтга жуда кўп миқдорда техника — юк машиналари, тракторлар, прицеплар жўнатилиши муносабати билан уруш йилларида унинг имкониятлари анча камайганди.

Уруш жуда кўп иш кучини олиб кетарди. Фронтга тракторчи ва агрономлар, сувчи ва чорвадорлар, звено ва бригада бошлиқлари кетишарди. Китобда кўрсатиб ўтилганидек, деҳқонлар ишчилар синфи сафларини тўлдиришда биринчи даражали роль ўйнади, ҳашар йўли билан қурилган ирригацион қурилишларда фаол иштирок этишди. Бу колхоз ишлаб чиқаришини қийин аҳволга солар, колхоз бригада ва звеноларини кам сонли қилиб қўярди. Шунинг учун ҳам кадрлар проблемаси Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун алоҳида аҳамиятга эга эди. Авторнинг бу проблемага катта эътибор бериши табиийдир. Иш кучининг етишмаслиги колхоз ишлаб чиқа-

---

* Р. Х. Аминова. Колхозное крестьянство Узбекистана в годы Великой Отечественной войны. Ташкент, «Узбекистан», 1979, 392 стр.

ришига хотин-қизлар ва армия ёшига етмаганларни кенг жалб қилиш билан тўлдириб бориларди.

Р. Х. Аминова Ўзбекистон хотин-қизларининг меҳнатдаги жасоратини очиб беради, зеро мамлакат ичкарисидаги ишнинг асосий оғирлиги ўшалар зиммасига тушганди. Улар ўз оталари, ака-укалари, ўғиллари ва эрларининг ўрнини эгаллаб трактор рулига ўтирдилар, звено ва бригадаларни бошқардилар, колхоз ва совхозларга раҳбарлик қилдилар. Автор КПСС ва Совет ҳукуматининг хотин-қизларнинг саводсизлигини тугатиш, маданий ва сиёсий савиясини ошириш, ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилиш тўғрисида қилаётган катта ғамхўрлиги туфайли социалистик қурилиш давомида эришилган ўзбек хотин-қизларининг амалдаги тенглиги уруш йилларида кадрлар проблемасини ҳал қилишга ёрдам берди. Ёшларнинг ҳам қишлоқ хўжалигидаги роли анча ортди, улар республика қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши олдига қўйилган масъулиятли вазифаларни бажаришда актив иштирок этдилар.

Авторнинг уруш йилларидаги Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси структурасини анализ қилгани айниқса қимматлидир. У ўсиш динамикасида берилиб, меҳнатга яроқли одамларнинг қанчалик бандлигини, хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатининг салмоғини, республиканинг турли соҳаларида хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланишдаги ўзгаришларни, пенсияга чиққан, лекин уруш йиллари яна меҳнатда ўз ўрнини эгаллаган кекса кадрлар, шунингдек ўсмирлар салмоғини акс эттиради.

Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат балансини тадқиқ этиш авторга Ўзбекистон колхозчи деҳқонларини ҳар томонлама таърифлашга имкон берган. Қишлоқ меҳнатчилари профессионал маҳоратларини ошира бориб, илғорлар тажрибасини эгаллаб, бутун куч ва ғайратларини фашизм устидан эришиладиган Ғалабага бағишладилар, уруш йиллари улар зиммасига тушган қийинчиликларни шараф билан енгдилар.

Уруш даврида қишлоқ хўжалигида моддий ва меҳнат ресурсларининг кескин камайиб кетиши колхозларда меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш вазифасини энг муҳим вазифалардан бири қилиб қўйди. Р. Х Аминова давлат манфаатларини коллектив манфаатлари ва айрим ходим манфаатлари билан тўғри қўшиб олиб бориш, ҳамма ерда ҳукм сурган юксак меҳнат қаҳрамонлиги меҳнат унумдорлигининг ошишига, республика колхозчи деҳқонларининг ижодий ташаббусини авж олдиришга ёрдам берганлигини кўрсата олган. Уруш йиллари бригада ва звено ишини ташкил этишнинг асосий формалари янада ривожланди, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан қатъий чоралар кўрилди. Автор тарихий ҳақиқатдан келиб чиқиб, бу масъулиятли ишдаги катта қийинчиликларни ҳам кўрсатиб ўтган.

Уруш йиллари Ўзбекистон колхозчиларининг даромади анча камайиб кетди. Лекин, ватанпарварлик туйғуси билан яшаган колхозчилар ўзларининг жамғарган пулларини мудофаа фондига бердилар, фронтга иссиқ кийимлар, совға-салом солинган посилкалар, озиқ-овқат ортилган эшелонлар жўнатдилар. Автор ўзбек деҳқонларининг кўчириб келтирилган аҳолига кўрсатган самимий ёрдами тўғрисида жуда қизиқарли материаллар тўплаган ва умумлаштирган, унинг уруш йилларида ота-оналаридан маҳрум бўлган минг-минглаб болалар тўғрисидаги ғамхўрлигини кўрсатган. Ўзбек колхозчи аёллари уларнинг кўпларини ўз бағрига олиб, фарзандидай тарбия қилишди. Жуда кўп колхозлар болалар уйлари ва госпиталларни ўз маблағлари ҳисобига боқишди.

Коммунистик партиянинг мамлакатимизнинг шарқий районларида фронтни барча зарур нарсалар билан таъминлаб туришга қодир бўлган бақувват қишлоқ хўжалик базасини яратиш йўли ўзини тўла-тўкис оқлади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари мамлакатнинг ҳарбий экономикасини мустаҳкамлашда, уни озиқ-овқат ва хом ашё билан таъминлашда муҳим роль ўйнадилар.

Шу билан бирга китоб айрим камчиликлардан холи эмас. Маълумки, урушнинг дастлабки ойларидаёқ кўчириб келтирилганлар орасида Ўзбекистонга колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг минглаб тажрибали ходимлари келишган эди. Бизнингча, фронт ва мамлакат ичкарисини зарур нарсалар билан таъминлаш учун республика қишлоқ хўжалигини қайта қуришни амалга оширишда уларнинг иштирокини кенгроқ кўрсатиш керак эди. Китобда рақамли материал ҳаддан ташқари кўп берилган.

Умуман шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон илмий жамоатчилиги совет халқининг фашистлар Германияси устидан эришилган Ғалабанинг ўттиз беш йиллиги арафасида яхши тадқиқотга эга бўлди, у СССР кўп миллатли колхозчи деҳқонлари тарихини ишлаб чиқишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Т. ЖЎРАЕВ,
Ж. ҚАЛИМБЕТОВ,
А. РАЗЗОҚОВ,
тарих фанлари докторлари.

ЭКОНОМИКАНИНГ АГРАР СЕКТОРИДА САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТ ПРОБЛЕМАЛАРИ

Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқариш самарадорлигини, маҳсулот сифатини ошириш — КПСС ва Совет давлати иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишидир. Шу муносабат билан жамиятимизни социал-иқтисодий ривожлантириш соҳасидаги илмий тадқиқотларни ҳамда ҳар томонлама асосланган амалий тавсиялар ишлаб чиқишни активлаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Капитал маблағлар самарадорлиги ҳамон етарли бўлмаган ва маҳсулот сифати секин ошаётган қишлоқ хўжалигида бу проблемалар айниқса катта актуаллик ва халқ хўжалик аҳамиятини касб этмоқда. Бу проблемаларни ҳозир агросаноат соҳасидаги барча бўғинларда самарадорлик ва сифатни ошириш масалаларини ўрганишга комплекс ёндашиш асосидагина ҳал этиш мумкин.

Тақриз қилинаётган асарнинг* шубҳасиз қиймати шундаки, унда агросаноат соҳасидаги ва, хусусан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги сифат силжишларини комплекс анализ этишга ҳаракат қилинган.

Муаллифлар кўплаб фактик материаллардан фойдаланиб, техника-иқтисодий, ташкилий-бошқарув, социал ва умумиқтисодий сингари соҳалардаги ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган сифат масалаларини қараб чиқадилар. Проблемага бундай ёндашиш тақриз қилинаётган асарни шу темадаги бошқа тадқиқотлардан ажратиб туради.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги натижадорликнинг конкрет формаси бўлган иқтисодий самарадорликни тадқиқ қилишнинг дастлабки муҳим илмий-методик принципи ишонарли тарзда исботлаб берилади.

Сўнгги йилларда иқтисодчилар томонидан такрор ишлаб чиқариш назариясининг бир бўлими бўлган иқтисодий самарадорлик умумий назариясини ишлаб чиқиш, шунингдек самарадорликни тармоқ корхона ва ҳатто иш жойи даражасида ҳисоблаб чиқиш методологиясини асослаш соҳасида кўп иш қилинди. Лекин тармоқ ва ундан пастки бўғиндаги самарадорлик назарияси ва практикаси камроқ ишлаб чиқилган, ҳолбуки уни ишлаб чиқиш, анализ қилиш ва планлаштириш халқ хўжалиги ана шу бўғинларининг фаолиятини яхшилаш ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Самарадорлик категорияси ижтимоий меҳнат сарфи билан унинг натижалари ўртасидаги нисбатни акс эттирар экан, хўжалик юритиш сифатини характерлаб беради. Лекин унинг моҳияти сарф билан натижалар ўртасидаги шунчаки нисбатда эмас. Китобда умуман самара билан ишлаб чиқариш натижасини бир деб ҳисоблаш тўғри эмаслиги ҳаққоний равишда қайд қилинади, чунки мазкур абсолют натижа (масалан, кўмир, дон ва ҳоказолар миқдори) самарадорлик турлича бўлган шароитда ҳам олиниши мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини фақат «фойдали самара» деб аталувчи самарани, бошқача қилиб айтганда, қилинган сарфни чиқариб ташлаб олинадиган натижани аниқлаш орқалигина белгилаш мумкин. Ана шунга асосланиб, муаллифлар самарадорлик миқдори қўшимча маҳсулотда, амалда соф даромадда ифодаланади, деган хулосага келадилар. Бир қатор иқтисодчилар фикрига қўшилиб, И. Буздалов ва Қ. Ҳатамов иқтисодий самарадорлик мезони сифатида қўшимча маҳсулотдан фойдаланишни таклиф этадилар. Ишонарли тарзда асосланган бу қоида, бошқа асарлардан фарқли ўлароқ, ишлаб чиқариш самарадорлиги мезони тўғрисидаги проблемани ҳал қилишга муайян ҳисса қўшади (11—27-бетлар).

Самарадорликнинг асосий кўрсаткичи сифатида соф даромаднинг сарфларга ёки барча фойдаланиладиган ресурсларга бўлган нисбати илгари сурилади. Шу фикр мутлақо тўғри таъкидланадики, агар асосий кўрсаткич, аввало таққослаш ва «хўжалик ечимларининг» энг қулай вариантларини танлаш учун зарур бўлган кўрсаткич аниқланмаса, бу «кўрсаткичлар системаси эмас, балки уларнинг механик тарздаги йиғиндисидан иборат бўлиб чиқадики, бу анализга шунчаки расмий, юзаки характер бахш этади» (30-бет).

Асарда қайд қилинишича, иқтисодий самарадорлик системаси ана шу система қўлланиладиган тармоққа қараб аниқланиши мумкин. Масалан, қишлоқ хўжалигида, жумладан шу нарсани ҳисобга олиш таклиф этиладики, ер — бу асосий ишлаб чиқариш воситасидир, шу муносабат билан бу тармоқда ишлаб чиқариш самарадорлиги мезонларини ана шу ўзига хос хусусиятни акс эттирувчи кўрсаткичлар билан тўлдириш лозим. Муаллифлар, ижтимоий самарадорлик категориялари орасида иқтисодий ва социал самара категорияларини алоҳида кўрсатиш, уларни ўрганишга тегишли равишда илмий-методик ёндашиш тўғри бўлади, деб ҳисоблайдилар.

Китобда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш жараёнида унинг иқтисодий самарадорлигининг ўсиш даражаси ва тенденцияси муфассал анализ қилинади. Бизнингча, самарадорлик проблемасини назарий жиҳатдан тўғри талқин қилишга асосланиб, И. Буздалов ва Қ. Ҳатамов сифатга ишлаб чиқариш самарадорлигини

---

* И. Буздалов, К. Хатамов. Эффективность и качество производства сельскохозяйственной продукции. Ташкент, «Узбекистан», 1979, 252 стр.

оширишнинг энг муҳим комплекс омили деб қарайдилар. Ундан ҳамма жойда изчил, хўжалик ҳисоби асосида фойдаланишга етарли эътибор бермаслик, монографияда кўрсатилганидек, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш резервларидан тўла фойдаланмасликка олиб келади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида юксак сифатни таъминлашга, деб қайд қилинади асарда, такрор ишлаб чиқаришнинг натижавий ва факториал кўрсаткичларини яхшилаш йўли билан эришилади.

Ресурслар сифатини, аввало ер сифатини яхшилаш ва шу муносабат билан пахтачиликни ривожлантиришдаги сифат кўрсаткичларини яхшилашнинг асосий йўналишларига тўхталар эканлар, муаллифлар ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга катта эътибор беришади.

Колхозларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ерларни интенсив равишда суғориш ва мелиорациялаш, уғитлар, заҳарли моддалар, гербицидлар ва бошқа материаллар етказиб беришни кўпайтириш масалалари ҳақида гапириб, И. Буздалов ва Қ. Ҳатамов бир қатор хўжаликларда ана шу қўшимча сарфлар етарли самара бермаётир, деган хулосага келганлар. Бунинг натижасида маҳсулотларнинг таннархи ва фонд сарфи ортиб бормоқда, ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва қишлоқ меҳнатчиларининг моддий фаровонлигини ошириш суръатлари секинлашмоқда. Муаллифларнинг кўпгина хўжаликларда суғориладиган ерларнинг унумдорлик қобилиятини оширишни таъминловчи пахта-бедани тўғри алмашлаб экиш йўқлиги сингари хўжалик юритиш системасидаги камчиликлар ана шундай салбий жараёнларга олиб келаётган асосий сабаблардан бири эканлиги тўғрисидаги фикрига қўшилмасдан бўлмайди. Муаллифларнинг ерни иқтисодий жиҳатдан баҳолаш, ўғитлардан фойдаланиш системасини, машиналар системасини такомиллаштириш, иш сифатини ошириш тўғрисидаги таклифларини ҳаётга татбиқ этиш ҳам асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ерни яхшилашга ёрдам беради.

Монографияда қишлоқ хўжалик маҳсулоти сифатини аниқлаш, уни оширишни рағбатлантириш ва шунингдек деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг истеъмол хоссаларини яхшилаш йўлларини қидириб топишнинг илмий-методик масалаларига кўп эътибор берилган. Асарда жумладан шу нарса қайд қилинадики, сифат категориясини ҳамон кенг равишда маҳсулотнинг белгиланган техникавий шартларга мувофиқлигига қараб белгилаб келишади, қолаверса, мазкур категорияга ишлаб чиқариш соҳасидаги ва истеъмол соҳасидаги сарфларни эътиборга олмаган ҳолда қарашади. Муаллифлар, сифат тушунчасида иқтисодий кўрсаткичлар ўз ифодасини топиши лозим, деб тўғри ҳисоблашади. Агар бу кўрсаткичлар ҳисобга олинмаса, шундай ҳол юз бериши мумкинки, бунда сифат маҳсулотни ишлаб чиқаришга асоссиз равишда кўплаб сарф қилиш ҳисобига ортади ёки, аксинча, маҳсулот таннархи унинг сифати пасайиши ҳисобига арзонлашади.

Шу муносабат билан сифатнинг иқтисодий проблемаларини, жумладан унинг реализация нархларидаги фарқларини янада объективроқ акс эттириш масалаларини ҳал этиш тўғрисидаги таклиф диққатга сазовордир. Маҳсулот сифатини ҳисобга олишнинг натурал формалари аҳамиятини инкор этмаган ҳолда муаллифлар турли-туман қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатини оширишни рағбатлантиришнинг қиймат формаларини такомиллаштиришни проблемани ҳал қилишнинг асосий йўналиши деб ҳисоблайдилар. Маҳсулотнинг ҳар бир типовой турида бир хилда ифодаланган қийматни ва истеъмол қийматини миқдор жиҳатдан баҳолаш турли сифатдаги маҳсулотга қилинган ҳақиқий сарфларни акс эттириши, реал фойдали самарани ҳисобга олиши лозим (131—132-бетлар).

Асарда кўплаб фактик материаллар асосида Ўзбекистон ва бошқа иттифоқдош республикалардаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари сифати анализ қилинган. Муаллифларнинг маҳсулот сифатини оширишга доир кўпгина амалий таклифлари диққатга сазовордир ва уларни амалга ошириш ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтиришга ёрдам берган бўлур эди. Шу билан бирга китобнинг бу қисмида нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг II пленуми (1976 йил май) пахтанинг сифатини яхшилашга алоҳида эътибор берган эди. Бироқ, асарда олинадиган маҳсулотнинг сифатини яхшилашдан пахтакорларнинг манфаатдорлигини ошириш, айрим бригадалар бўйича пахта сифатини ҳисобга олиш, маҳсулот сифатини яхшилаш учун моддий рағбатлантириш ва социалистик мусобақа масалалари бўш тадқиқ этилган. Муаллифларнинг пахтанинг ўртача реализация нархлари ва тегишли равишда унинг рентабеллиги пасайиши тўғрисидаги фикрлари нотўғридир (62—63, 96-бетлар). Колхозларга машинада терилган пахта учун қўлда терилган биринчи сорт пахта нархида ҳақ тўланади ва шунинг учун ҳосилни йиғиб-теришни механизациялаштиришнинг ўсиши мазкур кўрсаткичларнинг пасайишига сира ҳам таъсир кўрсатиши мумкин эмас.

Сифат проблемасига комплекс ёндашиш хўжалик юритиш сифатини, ишлаб чиқаришни планли бошқариш форма ва методларини яхшилаш йўлларини ҳар томонлама қараб чиқиш ва асослашни назарда тутади. Китобда қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг халқ хўжалик, ташкилий-иқтисодий масалалари, мамлакат аграр-саноат комплекси (АСК), регионал АСКлар, жумладан пахта АСКнинг вужудга келиши ва ривожланиши масалалари ёритилган.

Хўжалик юритиш методлари самарадорлигини ошириш, планлаштириш, бошқариш сифатини яхшилашнинг иқтисодий стимулларини такомиллаштиришга оид таклифлар қизиқарлидир. Муаллифлар хўжалик механизмининг, аввало баҳо белгилашнинг, иш ва маҳсулот сифатини иқтисодий бошқаришнинг асосий элементларидан комплекс

фойдаланишга нисбатан мумкин бўлган барча ёндашишларни кўрсатиб берганлар. Маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системалари аҳамиятини таъкидлар эканлар, И. Буздалов ва Қ. Ҳатамов, бу системалар ишлаб чиқаришни бошқаришнинг умумий иқтисодий механизмидан ажралган ҳолда бўлмаслиги керак, деб кўрсатадилар (192-бет).

Китобнинг хўжаликлараро кооперациялаш ва агросаноат интеграцияси шароитидаги сифат ва самарадорлик проблемасига бағишланган бўлими диққатга сазовордир. Асарда қишлоқ хўжалик корхоналарини хўжаликлараро ва агросаноат бирлашмаларида кооперациялаш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, колхоз мулкини такомиллаштириш ва шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутларни бартараф этиш мақсадида янада ихтисослаштириш ва концентрациялаш процессининг ташкилий формаси сифатида майдонга чиқади деб кўрсатилган. Шу муносабат билан муаллифларнинг хўжаликлар ва тайёрлаш соҳаси ўртасидаги муносабатларни, моддий-техника хизматини такомиллаштириш, планли бошқарувда иқтисодий воситалардан, хўжалик ҳисоби принципларидан изчил фойдаланиш, бутун агросаноат комплекси системасини ташкилий-хўжалик жиҳатдан қайта қуриш, ана шу системада планлаштириш ва бошқаришнинг комплекс органларини ташкил этишга доир таклифлари катта қизиқиш уйғотади.

Самарадорликни ўстириш ва хўжалик фаолияти сифатини яхшилашдаги социал омилларнинг анализ қилинганлиги, қишлоқдаги социал ўзгаришларнинг меҳнат сифатига ва ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири яққол кўрсатиб берилганлиги, шубҳасиз, асарнинг ижобий хусусиятидир. Лекин, афсуски, унда социал самаранинг мезонлари ва кўрсаткичлари очиб берилмаган, бу хусусда фақат умумий мулоҳазаларгина мавжуд. Агросаноат комплексларини бошқариш комплекс органларининг функциялари, халқ хўжалик агросаноат комплексида пахта комплексининг тутган ўрни ҳақидаги масала етарли даражада конкретлаштирилмаган. Асарда бошқа камчиликлар ҳам мавжуд бўлиб, бироқ, улар асосий хулосалар ва қоидаларнинг асосланганлигига таъсир этмайди. Асарни баҳолашда шуни назарда тутиш керакки, унинг муаллифлари кўпинча ҳали етарли ўрганилмаган масалаларга мурожаат қилишган бўлиб, улар илгари сурган айрим қоидаларнинг мунозарали характерга эга эканлиги ҳам шундан бўлса керак. Умуман олганда эса, китоб ўз моҳияти билан қишлоқ хўжалигидаги самарадорлик ва сифат проблемасига доир жиддий тадқиқотдир ва, сўзсиз, иқтисодчиларнинг кенг доирасида катта қизиқиш уйғотади.

А. ЦАМУТАЛИ,
Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир аъзоси.

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58 01, 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02, 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03, 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63, 33-60-42. бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш ва халқаро ҳаёт — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **Н. Ҳидоятов, Н. Шарипова.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 15.4.1980 й. Босишга рухсат этилди 7.5.1980 й. Формати $70 \times 108^{1}/_{16}$. Юқори босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 8,9. Тиражи 30833. Нашр № А-65. Заказ № 3158.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26.

ISSN 0134—2193

Баҳоси 20 тийин

Индекс 75399

На узбекском языке
ежемесячный теоретический и политический
журнал ЦК КП Узбекистана
«УЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»

Ордена Трудового Красного Знамени
типография Издательства ЦК Компартии Узбекистана.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

6

ИЮНЬ

1980

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 6
ИЮНЬ
1980 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Партия Улуғ Лениннинг васиятларини бажара бориб, кенг омманинг марксизм-ленинизм назариясини онгли равишда чуқур ўрганишини кишиларимизни совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида, СССРдаги ҳар бир гражданнинг ижтимоий активлиги, юксак ахлоқий фазилатлари руҳида тарбиялаш билан бирга қўшиб олиб бормоқда.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қароридан.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ

Тошкент

Мундарижа

АКТИВ ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРНИ юксак ғоявийлик ва коммунизмга садоқат, меҳнатга ва жамоат хўжалигига коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш, буржуа қарашлари ва хулқ-атворлари сарқитларини батамом тугатиш, шахсни ҳар томонлама уйғун равишда камолотга эриштириш, маънавий маданиятнинг чинакам бойлигини вужудга келтириш — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг программ мақсадидир. Шу йўлда КПСС доимо кенгайиб ва чуқурлашиб борувчи ишни сабот билан муттасил амалга оширмоқда. Бу ишнинг кучайиши табиий: коммунизм сари ҳаракат қилганимиз сайин идеология фаолияти тобора қудратли омил бўлиб қолмоқда, маънавий негизларнинг роли ошмоқда, чунки жамият аъзоларининг онглилиги нақадар юқори бўлса, уларнинг ижодий самараси шу қадар тўлиқ бўлади, улар одамлар ўртасидаги янги муносабатларни ривожлантиришда шу қадар актив иштирок этадилар, коммунистик қурилиш вазифалари шу қадар муваффақиятли ҳал этилади.

Ғоявий-тарбиявий ишни такомиллаштиришга эътиборнинг кучайиши етук социализмнинг энг асосий хусусиятларидан биридир. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида бундай деб уқтирилган: «СССРда ривожланган социалистик жамият қурилганлиги, мамлакат моддий ва маънавий потенциалининг ғоят ўсганлиги, КПСС ва Совет давлатининг тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашда эришган муваффақиятлари партиямизнинг кишиларда коммунистик онгни шакллантириш соҳасидаги программ мақсадларини амалга ошириш йўлида кенг имкониятларни вужудга келтирди».

Мамлакатимизда коллективчилик психологиясини, юксак гражданликни, одамлар ўртасида инсонпарварлик муносабатлари ва ўзаро ҳурматни ҳар томонлама ривожлантириш учун ҳамма шарт-шароитлар бор. Социализм табиатининг ўзи коммунистик ахлоқ принципларини кундалик турмушга кенг миқёсда татбиқ этишни шарт қилиб қўяди, ишчилар синфининг революцион ахлоқи унга негиз қилиб олинган. Жамиятимиз бутун меҳнаткаш инсониятнинг манфаатлари ва эзгу умидларини ифодаловчи энг адолатли ва олижаноб ахлоқни — коммунистик ахлоқни қонуниятли равишда қабул қилиб олди ва коммунизм қуриш давомида уни янги мазмун билан бойитмоқда. Халқ оммасининг социал адолат йўлидаги кўп асрли курашида, унинг сиёсий ривожи, ўз онги, маданияти ошиши, меҳнатга янгича муносабат вужудга келиши жараёнида ҳосил бўлган коммунистик ахлоқ умумбашарий ахлоқий

нормаларни ўзига сингдириб олди ва эски дунёнинг сохта, худбин қарашлари ва хулқ-атворларига актив қарши турибди. Худбинлик буржуа психологиясининг ўзаги, моҳияти бўлса, В. И. Лениннинг лўнда таъбири билан айтганда, «коммунизмни мустаҳкамлаш ва батамом қуриш учун курашиш» (ТАТ, 41-том, 350-бет) коммунистик ахлоқнинг асосидир.

Бунинг маъноси шуки, меҳнаткашларнинг манфаатларига хизмат қиладиган, уларнинг коммунизм ғалабаси учун курашадиган позициясини мустаҳкамлайдиган нарсалар ахлоқийдир. Биз ижтимоий меҳнат, маънавий турмушни, одамларнинг ўзаро муносабатларини ривожлантириш, тарбиявий ишнинг катта ва кичик проблемаларини кун сайин ҳал этганимизда ўзимиздан: социалистик Ватанимиз, ўзимиз меҳнат қилаётган коллектив манфаатлари йўлида ҳаракат қилаяпмизми, ўсишда, яхшироқ ишлашда, олға боришга халақит бераётган иллатларни тугатишда ўзимизга ва ўртоқларимизга ёрдам бераяпмизми?— деб сўрашимиз лозим. Биз ўз қарорларимиз ва ишларимизни халқ манфаатлари нуқтаи назаридан баҳолаб, умуман жамиятнинггина эмас, ҳар бир шахснинг ҳам камол топишига энг яхши тарзда кўмаклашамиз. Шу боисдан ҳам В. И. Ленин «биз учун инсоният жамиятидан хорижда турган ахлоқ йўқ, ...бундай ахлоқ бор дейиш алдоқчилик бўлади» (ў ш а ж о й д а, 346-бет) деб таълим берган эди.

Коммунистик ахлоқ коммунизм учун курашда ўз нормаларига зид келадиган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги ҳам унинг чинакам юксаклиги ва тараққийпарварлиги ўлчовидир. В. И. Ленин коммунистик ахлоқнинг мақсад ва унга эришиш воситалари бирлиги талаби сингари муҳим белгисини бўрттириб кўрсатган эди. У партия ишининг у ёки бу методлари сиёсий оқибатларинигина эмас, шу билан бирга маънавий оқибатларини ҳам инобатга олиш зарурлигини уқтирди. КПСС Лениннинг мана шу васиятини оғишмай бажармоқда, бу васият партия Программасига ҳам сингдириб юборилган. Программада бундай дейилади: «Коммунизм ғоялари бошқа мамлакатлар билан уруш қилиш орқали эмас, балки жамиятни анча мукаммал ташкил этиш, ишлаб чиқарувчи кучларни равнақ топтириш, инсоннинг бахт-саодати ва фаровонлиги учун ҳамма шарт-шароитларни яратиш орқали халқ оммасининг ақли ва дилига йўл топади».

Шундай қилиб, коммунистик ахлоқнинг вужудга келиш ва ривожланиш тарихининг ўзи ҳамда унинг ҳамма нормалари кураш руҳи билан ва янги, илғор, адолатли белгиларни актив қарор топтириш руҳи билан суғорилган бўлиб, революцион негизнинг ифодаси ҳисобланади. Инсоннинг ҳаётга, ишга муносабатини белгилайдиган, шахс учун ҳам, жамият учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлган коммунистик этиканинг туб принципи — актив ҳаётий позиция ҳам мана шундан келиб чиқади. Бу принцип эътиқод билан социал практикани бирга қўшади ва биринчиси иккинчисини шарт қилиб қўяди, сўз билан ишнинг бирлигини таъминлайди, инсоннинг гражданлик туйғуси, ижтимоий бурчни, теварак-атрофда содир бўлаётган ҳодисага шахсан дахлдор эканини, коллективдаги, мамлакатдаги ҳамма ишлар учун шахсий масъулият туйғуси нақадар ривожланганини тўғрисидаги фикр юритиш имконини беради. Бу принцип яшаши ва самарали амал қилиши учун жамият ҳам ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожланишни жадаллаштиришга, ҳар бир шахс эса турмушнинг жўшқин, сермазмун бўлишига муҳтождир.

КПСС XXV съезди мана шундай позицияни шакллантиришни партия ғоявий-тарбиявий ишининг муҳим мақсадларидан бири деб эълон қилганлиги қонуниятлидир. КПСС МК Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг съезддаги докладида бундай дейилади: «Ҳаётда актив позицияда туриш, ижтимоий бурчга онгли муносабатда бўлиш,

сўз билан ишнинг бирлиги кундалик хулқ-атвор нормасига айланиши инсон шахсини улуғлайдиган энг зарур фазилатлардир. Шундай позицияни вужудга келтириш **ахлоқий тарбиянинг вазифасидир».**

Партия XXV съезди бу мақсадга эришишнинг ҳал қилувчи воситаси — меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга комплекс ёндашиш, ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбиянинг диалектик бирлигини таъминлашдан иборат эканини ҳам кўрсатди. Масаланинг шундай қўйилиши коммунистик эътиқодни шакллантиришни, яъни дунёни янгича тушунишни ҳосил қилишни, омма онгида коммунистик идеалларни қарор топтиришни ва бу идеаллар инсон конкрет хулқ-атворининг, бутун фаолиятининг асоси бўлиб қолишини марказий ўринга ўтказиб қўяди. Бунда эски психологияга, хусусий мулкчилик сарқитларига қарши курашишгина муҳим эмас. Энг муҳими — билимга ва ўз фикрининг қувватига асосланган эътиқодни, шахснинг ахлоқи, характери, бутун хулқ-атворини ҳам белгилаб берадиган эътиқодни шакллантиришдан иборат. Айни мана шундай кишилар умумхалқ иши учун, социалистик жамият нормаларини бузишга қарши матонатли курашчилар бўлиши мумкин.

Партия Марказий Комитети кейинги йилларда ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбияни яхшилашга, шу соҳалардан ҳар бирининг роли ва аҳамиятини оширишга самарали равишда кўмаклашадиган бир қанча қарорлар қабул қилди. Гап шундаки, шу соҳалардан биронтасига етарли баҳо бермаслик жамиятга катта зарар етказади. Масалан, ахлоқий тарбиядаги нуқсонлар назарий билимларни расман ўзлаштиришга олиб боради. Баъзан юксак сиёсий саводхон бўлган киши партия эълон қилган мақсадлар учун курашишга интилмайди. Шу тариқа сўз билан иш ўртасида узилиш вужудга келади. Бу эса хўжалик қурилишида ҳам, идеология ишида ҳам катта зиён етказади. Шу боисдан ҳам тарбиявий фаолиятнинг айрим соҳалари нақадар мустақил бўлмасин, уларнинг бир-биридан ажралмаслигини таъминлаш муҳимдир.

Бу масалаларни ҳал этишда КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори жуда катта роль ўйнайди. Бу ҳужжатда партиянинг совет кишилари коммунистик онгини шакллантириш соҳасидаги мақсадларини рўёбга чиқаришнинг конкрет йўллари кўрсатилган.

Дунёни янгича тушунишни, коммунистик эътиқодни ҳосил қилиш, КПСС МК қарорида уқтириб ўтилганидек, пропаганда ва агитациянинг илмий жиҳатдан юксак савияда бўлишини таъминлашни, унинг ишчанлиги ва конкретлигини, ҳаёт билан, хўжалик ва сиёсий вазифаларни ҳал этиш билан боғланишини кучайтиришни, пропаганда ва агитациянинг ҳужумкорлик характерини ривожлантиришни талаб қилади. Биз мана шу талабларни амалга оширганимиз тақдирдагина оммага сиёсий маориф беришдек муҳим соҳадаги умумий ишимизни олға силжита оламиз.

Ўртага қўйилган мақсадга эришиш учун Ўзбекистонда ҳам жуда кўп иш қилинмоқда. Ўзбекистон Компартияси МК XIII пленуми (1979 йил июнь) КПСС МК қарорини бажариш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилди. Ҳозир ҳамма жойдаги ғоявий-сиёсий ишда қувонарли силжишлар содир бўлмоқда. Аввало пропагандист кадрларни танлаш ва ўқитишга эътибор кучайтирилди. Маълумки, сиёсий ва иқтисодий таълимнинг муваффақияти шу кадрларнинг назарий ва методик савиясига боғлиқ. Ғоявий мураббийларнинг жуда кўпчилиги олий ва тўлиқсиз олий маълумотли кишилардир. Улар орасида раҳбар ходимлар ва халқ хўжалиги мутахассислари кўпайди. «Пропагандист — беш йиллик хизматида» ҳаракати кенг қулоч ёйди. Сиёсий ва иқтисодий мактаблар ҳамда семинар-

лар раҳбарларининг ярмидан кўпроғи шахсий ижодий планлар асосида ишламоқда.

Тошкент, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Хоразм областларида пропагандист кадрлар тайёрлаш соҳасида ижобий тажриба орттирилган. Бу жойларда марксизм-ленинизм назарияси, КПСС сиёсатининг актуал масалаларига, пропаганда методикасига, ўқув предметларининг энг муҳим проблемаларига бағишланган лекция ва семинарларни партия ва совет ходимлари, юқори малакали муаллимлар, олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари ўтказадилар. 1979/80 ўқув йили бошланиши арафасида партия ўқуви системасининг ўн мингдан кўпроқ пропагандисти асосий ишдан ажратилиб, икки ҳафталик курсда жиддий назарий ва методик тайёргарликдан ўтказилди.

Сиёсий маорифда ўқув жараёнининг ғоявий-назарий савияси ошди, унинг мазмуни янада актуал бўлиб қолди, таълимнинг дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилиши кучайди. Меҳнаткашларнинг марксизм-ленинизм классиклари асарларини ижодий ўзлаштиришига асосий эътибор берилмоқда, олий бўғинда ўрганиладиган проблемалар доираси кенгайтирилди, бу эса тингловчиларнинг билим савиясини оширишга табақалаштириб ёндашиш имконини берди. Раҳбар ходимларнинг партия турмуши ленинча нормаларини ва партиявий раҳбарлик принципларини ўрганишига муҳим ўрин берилмоқда. Шу билан бирга пропагандистлар машғулотда ҳар бир меҳнат коллективи, ҳар бир ходим эришилган ютуқларнинг миқёсини, келгусидаги ишларнинг истиқболи, кўлами ва мураккаблигини, умумий сафдаги ўз ўрнини кўра оладиган бўлишига интилмоқдалар.

Яқиндагина тугаган ўқув йилида Ўзбекистонда 3 миллионга яқин киши сиёсий таълимнинг ҳамма формаларига жалб этилди. Ҳар йили миллионлаб кишилар «Билим» жамияти, партия ва комсомол комитетлари ўтказаётган лекцияларни тинглаётгани бунинг ёнига қўшилса, корхоналарда, хўжаликларда, меҳнаткашларнинг истиқомат жойларида агитаторлар, сиёсий ахборотчилар, сиёсий докладчилар қилаётган ишлар ҳисобга олинса, бизнинг республикамизда ғоявий-сиёсий иш нақадар кенг миқёс касб этгани, ҳар бир кишининг марксизм-ленинизм назарияси хазинасидан баҳраманд бўлиш, билим доирасини кенгайтириш, фан ва практиканинг ҳамма соҳаларидаги билимларини кўпайтириш учун имкониятлари нақадар катталиги равшан бўлиб қолади.

Аммо эришилган ижобий ютуқлар ҳали сиёсий-тарбиявий ишда мавжуд бўлган камчилик ва нуқсонларни яширмаслиги керак. Бу ишнинг натижаларига сергаклик билан баҳо бериш ва идеология фаолиятини тинимсиз такомиллаштиришга куч-ғайратни аямаслик соҳасида ҳам коммунистларнинг актив ҳаётий позицияси намоён бўлади. Биз марксизм-ленинизм классикларининг асарларини, КПСС тарихини, партия ҳужжатларини, партия ва Совет давлати раҳбарларининг асарларини ҳамиша ҳам пухта ўрганишга эришаяпмизми? Илмий проблемаларни ижодий идрок қилиш, ҳақгўйлик, принципиаллик, реалистлик қилиш керак бўлган пайтда ҳаммага маълум гапларни шунчаки такрорлайберишни, расмиятчиликни, сафсатабозликни, дабдабабозлик ва шовқин-суронни батамом тугатдик, деб айта оламизми? Афсуски, ҳозирча бу саволларга ижобий жавоб бера олмаймиз. Ҳолбуки, пропаганданинг самарадорлиги, яъни инсоннинг онги ва кайфиятига таъсир қилиш даражаси пропаганданинг сифатига, унинг илмийлигига, ишчанлигига, конкретлигига, ҳаёт билан боғланишига, жанговар характерига, жўшқинлигига бевосита боғлиқдир.

Бу ўринда сўз билан ишнинг бирлигига қаттиқ риоя қилиш зарурлигига тўхталиб ўтиш муҳимдир. Актив ҳаётий позицияни тарбиялаш учун бу принципнинг аҳамияти жуда катта. Уйламай-нетмай ваъда бериб, уни бажармайдиган, «ўткир масалалар»ни хаспўшлашга

уринадиган, қийинчиликларни яширадиган, ҳал этилмаган проблемаларни четлаб ўтадиган кишиларга ҳали ҳам тез-тез дуч келиб турибмиз (улар орасида раҳбарлар ҳам, идеология ходимлари ҳам бор). Бундай кишилар иқтисодий қурилишга зарар етказибгина қолмай, ўз қилмиши билан атрофдаги кишиларнинг ахлоқий қарашларига салбий таъсир қилади, одамларни пассивликка, «ҳеч нарсага аралашмасликка», бизнинг тузумимизга «ёт бўлган» «фақир киши панада» психологияси руҳида тарбиялайди. Улар оғзида юксак принципларни эълон қилсалар ҳам амалда ижодий ташаббусларнинг мустаҳкамланишига ёрдам бермайдилар, баъзан эса бу ташаббусни сусайтиришга интиладилар, теварак-атрофдаги воқеаларга бепарво қарайдилар, танқидга чидамайдилар. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида мана шу ҳолларга эътибор қаратилди: «Бундай ёндашиш, дабдабабозликка мойиллик ишга ёрдам бермай, балки муштарак вазифаларимизнинг ҳал этилишини қийинлаштиради, холос. Танқид ва ўз-ўзини танқид ҳурмат қилинмаётган, жамоат ишлари етарли даражада ошкора олиб борилмаётган жойларда омманинг активлигига очиқдан-очиқ зарар етказилади. Омманинг активлиги эса социалистик тузум куч-қудратининг муҳим манбаидир».

Пропаганда соҳасида, хўжалик фаолиятида ҳам сўз билан ишнинг бирлигига риоя қилиш марксизм-ленинизм назариясини, партия сиёсатини билиш совет кишиларининг эътиқодига, ахлоқий позициясига, амалий ишларига айланиши учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Шу принципнинг кенг миқёсда сабот билан амалга оширилиши планларимизнинг рўёбга чиқишига катта таъсир қилади.

Бу соҳада аввало коммунистлар ибрат кўрсатишлари керак. В. И. Лениннинг йўл-йўриқлари ва васиятларини эсга олайлик. У бизни принципиал, талабчан, ишчан бўлишга, ҳар хил камчиликларга қарши муросасиз, шиддатли кураша билишга ўргатган эди. Социалистик жамият қуриш партиянинг бош мақсади бўлиб қолган пайтда В. И. Ленин социализмни оғизда тарғиб қилибгина қолмай уни амалга оширишни ҳам биладиган кишиларни чин революционерлар деб атади.

Ҳозир ҳам партия аввало инсоннинг меҳнатга қандай муносабатда бўлишини актив ҳаётий позициянинг кўриниши деб билмоқда. Топширилган иш учун юксак масъулият туйғуси, мамлакатнинг моддий ва маънавий бойликларини кўпайтириш тўғрисидаги ғамхўрлик, хўжасизлик билан ва жамият манфаатларига зид бошқа ҳолатлар билан курашишдан манфаатдорлик, ғоявий эътиқоддан, ахлоқий сифатларнинг теранлигидан далолат беради.

КПСС совет кишиларининг меҳнат ғайратини оширишга жуда катта аҳамият бермоқда, партия комитетларини, хўжалик раҳбарларини илғор тажрибанинг, социалистик мусобақанинг, меҳнатни ташкил этишдаги илғор формаларнинг тарбиявий имкониятларидан янада тўла-тўкис фойдаланишга ундамоқда, ҳар бир корхонада, ҳар қандай коллективда инсоннинг қобилиятларини намоён этишга ҳар томонлама кўмаклашадиган, унинг ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий активлигини рағбатлантирадиган маънавий-руҳий муҳитни вужудга келтиришга чақирмоқда. КПСС МК илғорлар ва новаторларнинг тажрибасини, фан ва техника ютуқларини — жамиятимизнинг мана шу бебаҳо бойлигини ҳамманинг мулкига айлантиришга интилиб, КПСС МК, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланган меҳнат коллективларининг тажрибасини чуқур ўрганиш ва ҳамма жойда жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Партия социалистик мусобақани ташкил этишга тобора юксак

талаблар қўйиб, меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатини ҳар томонлама ривожлантирар экан, бунда ижодий, граждаплик активлигини тарбиялашнинг мана шу воситалари энг •оммавий воситалар эканига асосланади. Чунки ҳозир ўнинчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш учун курашда ижтимоий ишлаб чиқаришдаги деярли ҳамма кишилар қатнашмоқдалар. Меҳнатдаги беллашув ҳар бир кишининг ижодий имкониятлари намоён бўлишига самарали ёрдам беришини, бу имкониятларнинг юзага чиқиши эса аслида инсоннинг турмушга актив муносабати жиҳатларидан бири эканини эсда тутиш муҳимдир. Юзлаб ва минглаб кишилар меҳнатда ғайрат-шижоат кўрсата бошласалар, жамиятга салмоқли натижа келтиради.

Ўзбекистонда биринчи бўлиб «Қолоқларсиз ишлаймиз» ҳаракатини ривожлантира бошлаган Янгийўл шаҳрида социалистик мусобақани ташкил этиш тажрибасини мисолга олайлик. Бу ердагилар ташаббусни шаҳар корхоналарида кенг жорий этишни таъминлайдиган тадбирлар системасини чуқур ва пухта ўйлаб туздилар. Коллективларда меҳнат қилиш ва дам олиш учун жуда яхши шароит яратилди. Принципиаллик, талабчанлик, камчиликларга нисбатан муросасизлик вазияти туфайли ҳамма жойда бир маромда ишлашга халақит берадиган сабаблар очиб ташланди, материаллар билан узлуксиз таъминлаш, қолоқларга самарали ёрдам бериш йўлга қўйилди. Маънавий ва моддий омиллардан тўғри фойдаланилиши, мусобақани якунлашдаги кенг ошкоралик катта роль ўйнади. Натижада корхоналарда озроқ чиқим билан юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди. Социалистик мусобақа якунларига кўра шаҳарга олтинчи марта Ўзбекистон Компартияси МК, республика Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ МК кўчма Қизил байроғи топширилди. Бу — умуман шаҳар партия ташкилотининг ҳам, ҳар бир партия ячейкасининг, ҳар бир меҳнат коллективининг ҳам ютуғидир. Бу ерда бошланғич партия ташкилотларида юзага келаётган ҳамма яхши тажрибалар бутун шаҳарда жорий этилмоқда, илғор тажриба планли равишда оммалаштирилмоқда. Илғор меҳнат формалари ва усулларини пропаганда қилиш ҳамда жорий этиш, мусобақани такомиллаштириш масалалари партия ва ишчи йиғилишларида муҳокама қилинмоқда.

Шу муносабат билан меҳнат коллективларининг вазифаларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, коллективнинг спёсий ўзаги бўлмиш бошланғич партия ташкилотларининг роли ва таъсирини кучайтириш нақадар аҳамиятли экани тўғрисида гапирмай ўтиб бўлмайди. Планларимизнинг муваффақияти айни шу ерда ҳал этилади, одамлар ўртасидаги янги муносабатлар қарор топади, шахс ҳар томонлама камолотга эришади. Меҳнат коллективларида якка тартибда иш олиб бориш, ҳар бир кишининг социал активлиги ва ижодий ғайратини рағбатлантириш, янгиликни сезиш туйғусини ривожлантириш, социалистик турмуш тарзини шакллантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш учун жуда катта имкониятлар бор.

СССР Конституциясига биноан меҳнат коллективларига коммунистик қурилишнинг энг муҳим соҳаларида, масалан, ишлаб чиқаришни ва социал ривожланишни планлаштириш, корхона ва муассасаларни бошқариш масалаларини ҳал этиш, кадрларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш, одамларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш сингари соҳаларда катта ҳуқуқлар берилган. Бу ҳол жамиятнинг барча аъзоларида актив ҳаётий позицияни тарбиялаш учун кенг имконият беради.

Одамларни энг яхши анъаналар ва илғор тажриба асосида тарбиялашнинг юксак самарадорлигини алоҳида уқтириб ўтмоқ керак. Иш жойларида намунали тартибга риоя қилиш, ишчи номини қадр-

лашга ва буни топшириқларни камроқ моддий ва меҳнат чиқимлари билан бажариш орқали тасдиқлашга интилиш, касб-кор маҳоратини, умумий маданиятни доимо такомиллаштириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, инсонга, унинг эҳтиёжларига эътиборли бўлиш сингари анъаналарни мустаҳкамлаш керак. Бу жиҳатдан раҳбар ходимлар, коммунистлар, кекса ишчилар намуна кўрсатишлари лозим. Партиянинг фикри шуки, раҳбар ходим ўзида коллективни эргаштира олиш учун зарур фазилатларни — ишга ижодий муносабатда бўлиш, билимдонлик ва ташаббускорлик, юксак партиявий масъулият, оддийлик ва одамлар билан муносабатда дилкашлик, уларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини чуқур билиш, ҳалоллик, принципиаллик, камтаринлик сингари фазилатларни тарбиялаши **лозим.** Бошланғич меҳнат коллективларининг ва қуйи партия бўғинларининг раҳбарларига талабчанлик оширилмоқда. Ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонлар учун ёш ўринбосарларни тарбиялаш тўғрисида гап борганида уларнинг роли икки ҳисса ортади. Бригадирларни, мастерларни, партия группаларининг раҳбарларини, касаба союз ва комсомол ташкилотчиларини танлашда уларнинг инсоний фазилатларини, обрў-эътиборини, партия сўзини ҳар бир кишига етказа билиш маҳоратини албатта эътиборга олиш лозим.

Ҳақли равишда Ўзбекистон қурилиш индустриясининг байроқдори деб ҳисобланувчи Тошкентдаги 1-Уйсозлик комбинатида ғоявий-тарбиявий иш мана шундай ташкил этилган. Тошкентда қуриб битказилаётган жами уй-жойларнинг ярмиси шу корхонанинг поток линияларида тайёрланмоқда. 1979 йилда бу ерда пландан ташқари 29 минг квадрат метр уй-жой ишлаб чиқарилди. Комбинат — бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиби, унга КПСС МК, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ МК кўчма Қизил байроғи топширилди. Умуман коллектив ва уйсозларнинг катта бир группаси Ленин фахрий ёрлиқлари билан ҳам мукофотланди. Корхонанинг муваффақиятлари ходимлар юксак гражданлик бурчи, янгиликни сезиш, самарали меҳнат жараёнини йўлга қўйишга халақит берадиган камчиликларга муросасизлик руҳида тарбияланаётганлигининг натижасидир. Қурилиш ишида юзага келаётган жами илғор тажриба бу ерда қурол қилиб олинмоқда. Масалан, меҳнатни ташкил этишнинг илғор формаси — бригада пудратини жорий этишдан катта манфаат кўрилди. Ҳозир коллективда «Беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажарамиз» шиори остидаги мусобақа кенг қулоч ёйган. Бу ташаббусни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллади, кўпгина қурилиш ва монтаж ташкилотлари қўллаб-қувватлади.

Юзлаб корхоналар ва хўжаликлардаги, индустриянинг бутун бошлиқ тармоқлари ва қишлоқ хўжалигидаги зарбдор меҳнат республика партия комитетлари, совет, касаба союз, комсомол, хўжалик органлари зўр ташкилотчилик, сиёсий-тарбиявий фаолиятининг натижасидир. 1979 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 411 миллион сўмлик миқдорда кўпайди, тракторлар, пахта териш машиналари, тўқимачилик агрегатлари, мураккаб приборлар, аппаратлар ва бошқа маҳсулотларнинг 600 га яқин янги турини кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва йўлга қўйилди, қарийб 2 минг хил маҳсулотга давлат Сифат белгиси берилган. Бултур республика пахтакорлари буюк ғалабага эришиб, социалистик мажбуриятни ошириб бажардилар ва давлатга 5 миллион 763 минг тонна «оқ олтин» топширдилар.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганлиги ҳамда иқтисодий ва социал ривожланиш 1979 йил планини муваффақиятли бажарганлиги учун Ўзбекистон ССР еттинчи марта КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ МК кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди. Қорақалпоғистон АССР, Сурхондарё ва Тошкент областлари, тўртта шаҳар, 13 та

район, 56 та меҳнат коллективи ҳам Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби деб топилиб, кўчма Қизил байроқлар билан мукофотланди. 32 корхона ва ташкилот СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзилди. КПСС МК пропаганда бўлимининг мудири ўртоқ Е. М. Тяжельников Ўзбекистон ССР га кўчма Қизил байроқни топшириш вақтида сўзлаган нутқида эришилган ютуқларни қуйидагича баҳолади: «Ўзбекистоннинг ажойиб муваффақиятлари меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий, меҳнатсеварлик ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш узвий бирлигининг натижасидир. Коммунистик ғоявийлик, актив ҳаётий позиция, шавкатли меҳнат — республика коммунистлари, комсомоллари, энг яхши меҳнатчиларининг фазилатларидир».

«Ҳамма нарса учун масъул» шиори гражданлик феъл-атвор принципи бўлиб қолганини кўрсатувчи мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Утган йилги якунларга биноан саноат, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги, партия, совет, касаба союз ва комсомол органлари, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг 12 минг ходими Ватаннинг юксак мукофотларига сазовор бўлди. Улар орасида Жиззах районидаги «Москва» колхозининг бригадири Умир Орифжонова бор. Унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. У ўзининг шу номга лойиқлигини умр бўйи ва ўз ҳаёти билан исботлаб келмоқда. У. Орифжонова халққа садоқат билан хизмат қилиш — инсон фаолиятининг олий моҳияти эканига ишонади. Унинг бутун туриш-турмуши шу билан белгиланади, шу туфайли у халқ ишончини қозонди: у қишлоқ Советининг депутатлигига, колхоз парткомининг, хотин-қизлар кенгашининг аъзолигига бир неча бор сайланди.

У. Орифжонова, Қорақалпоғистон АССР Амударё районидаги «Қипчоқ» совхозининг тракторчиси Раҳим Ерекеев, Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг звено бошлиғи Энвер Алиев, Пахтачи районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси Шамси Назаров ва беш йилликнинг бошқа пешқадамлари намунаси ёшларни меҳнатсеварлик ва ахлоқий тарбиялаш учун жуда катта аҳамиятга эга. Илғорларнинг ишлаб чиқариш тажрибасинигина эмас, уларнинг ҳаётига асос бўлган ва бебаҳо ахлоқий капиталига негизланган фазилатлар ҳам ёш авлоднинг мулкига айлантирилиши мумкин.

Совет кишиларининг актив ҳаётий позициясини шакллантиришда меҳнат коллективи ўйнайдиган ролга яна бир бор қайтиб, мамлакат хўжалик ва сиёсий организмининг мана шу бошланғич ячейкасида танқид ва ўз-ўзини танқиднинг аҳамияти тўғрисида гапирмай ўтиб бўлмайди. Жамият манфаатларига зид ҳодисаларга қарши, турмушга истеъмолчилик нуқтаи назари билан ёндашишга, бепарволикка, юлғичликка, обивателликка қарши курашда муросасизлик каби фазилат айни мана шу ячейкада тарбияланади. Бу — осон кураш эмас, у юксак ғоявийликни, ривожланган онгнигина эмас, балки гражданлик мардлиги, ҳалолликни, баъзан фидокорликни ҳам талаб қилади. Коллективда қандай маънавий-психологик муҳит вужудга келтирилганлигига, бу муҳит одамлар ўз мулоҳазаларини ошкора айтишларига имкон беришига, раҳбар ходимлар ва органларнинг камчиликларни тугатишдан манфаатдорлигини кўрсатувчи таъсирчан чоралар кўрилишига кўп нарса боғлиқ бўлади.

Биз танқидга тўғри муносабатни ўрганишимиз мумкин бўлган намуналар бор. Партия Марказий Комитети ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежнев ижтимоий-иқтисодий жараёнларни таҳлил эта билиш, эришилган натижаларга танқидий баҳо бериш, камчиликларнинг сабабларини чуқур очиб ташлаш ва уларни тузатиш йўлларини топиш намунасидир. КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Плену-

мида айни мана шундай амалий услуб намойиш этилди, бинобарин, ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир партия комитети мана шу услубга амал қилиши керак. Идеология ходимларининг 1979 йил октябрь ойида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгашида ўртоқ М. А. Сусловнинг «Бутун партиянинг иши» мавзуидаги докладида бундай дейилган: «Танқидий сўзнинг сафарбар этувчилик аҳамияти, унинг амалий руҳи ва аниқ адреси, унинг ҳар қандай лавозимлардаги ходимларнинг бюрократизми, бепарволиги, ношудлиги оқибатида ёки — кўпинча учраётганидек — улар давлат манфаатларига эмас, балки маҳкамачилик ва маҳаллийчилик манфаатларини ҳимоя қилиши оқибатида юзага келадиган камчилик ва қийинчиликларни тугатишга қаратилган бўлиши — бош мезондир».

Айниқса радио ва телевидение орқали беҳисоб тингловчиларга баҳра берувчи адабиёт ва санъат асарлари актив ҳаётий позицияни тарбиялашда катта роль ўйнайди.

КПСС XXV съездида ижодкор зиёлиларнинг фаолиятини кучайтиришнинг самарали жараёни уқтириб ўтилганлиги маълум. Кейинги йилларда бу жараён янада кучайди. Жумладан, «ишлаб чиқариш мавзуи» деб аталган мавзунинг мазмуни чуқурлашди ва кенгайди. Драматургия, театр, кино соҳасидаги кўпгина арбоблар инсондаги гражданлик характерини тарбиялаб вояга етказиш — мана шу турдаги санъатнинг бош мақсадидир, деб ҳисобламоқдалар. Агар театр ҳис қилишга ўргатмаса, фикр юритишга мажбур этмаса, мураккаб дунёда инсонга тўғри ахлоқий йўлни танлаб олишга ёрдам бермаса, ўз бурчини бажармаган бўлади. Пьеса иллатларга қарши курашда муросасизликка, ҳаёт негизларини белгилашда активликка даъват этиши лозим.

Социалистик реализм санъатининг кейинги ўн йил мобайнида яратилган бир қанча янги асарлари мамлакат бошидан кечираётган, совет кишилари шахсий тақдирининг бир қисми бўлиб қолган асосий воқеаларни ифодалаб берганлиги КПСС XXV съездида уқтириб ўтилди. Мана шундай асарларни халқ севиб қолаётганлиги, томошабинларга манзур бўлаётганлиги бежиз эмас.

Бу соҳада Ўзбекистон адабиёт ва санъат арбоблари ҳам муайян иш қилдилар. Улар ҳозирги замоннинг энг ўткир проблемаларига тобора тез-тез мурожаат қилмоқдалар, уларни тобора чуқур ва тўғрироқ ҳал этмоқдалар. Ёзувчилар, рассомлар совет кишисининг принципиаллик, ҳалоллик, чуқур ҳис-туйғулар сингари энг яхши фазилатларини қўллаб-қувватлашга, бунда коммунистик ахлоқнинг мустаҳкам принципларига асосланиб иш тутишларига интилмоқдалар. Республика партия ташкилотлари КПСС XXV съездининг ҳар қандай асарнинг ғоявий йўналиши унинг ижтимоий моҳиятига баҳо беришда бош мезон бўлиб келганлиги ва шундай бўлиб қолиши тўғрисидаги кўрсатмасига амал қилиб, бундан буён ҳам чин гражданни, совет ватанпарварини, интернационалистни тарбияловчи бадиий ижодкорликни ривожлантириш йўлини тутишлари лозим.

Социалистик демократия изчиллик билан ривожлантирилаётганлиги, меҳнаткашлар ўз ҳуқуқлари ва эркинликларидан тўла-тўкис фойдаланиладиган, жамият олдидаги ўз вазифаларини бажара оладиган шароит яратиб берилганлиги ҳам совет кишиларининг актив ҳаётий позициясини кучайтиришга қаратилган. Социализм тобора кўп кишиларни кимнингдир иродасини ижро этишга эмас, балки онгли ижодкорликка, тарихни яратувчилик ролига жалб этаётганлиги унинг улуғ ғалабаларидан биридир. Шахснинг мана шундай камолоти, шахс, коллектив ва жамият бирлигининг мана шундай таъминланиши — социализмнинг зўр маънавий кучидир.

Шахснинг ҳақиқий бойлиги тарихий ижодкорликка дахлдорлиги билан, яъни инсоннинг ижтимоий манфаатлари ҳажми билан белгиланади. Владимир Ильич Ленин мана шундай маънавий бой шахснинг идеалидир. Пролетарнинг улуғ йўлбошчиси келажак авлодлар учун ўзининг ҳаётдаги позицияси олий даражада кўпчилик меҳнаткашларнинг манфаатлари, эзгу-истаклари билан белгиланган инсоннинг намунаси бўлиб келди, ҳозир ҳам намуна бўлмоқда ва шундай бўлиб қолади. Совет кишиларининг авлодлари Ленин намунаси асосида тарбияланганлар. Маяковскийнинг «Революцияда тобора олға бормоқ учун доимо Лениндан сабоқ оламан» деган машҳур сатрлари мамлакатимиздаги коммунистларнинг, миллион-миллион меҳнаткашларнинг бош принципи бўлиб қолди. Ленин намунаси асосида актив ҳаётий позицияни шакллантириш учун: 1) ленинча синфий позиция; 2) ленинча ғоявий эътиқод ва изчиллик; 3) ленинчи большевикларнинг коллективчилик этикаси сингари аспектлар айниқса муҳим аҳамиятга эгадир. Аввало, коммунистлар буни эсда тутишлари, шу ҳақда ўйлашлари керак. Владимир Ильич Ленин Коммунистик партияни давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждони деб таърифлаш билан унинг ҳар бир аъзоси зиммасига умуман партиянинг маънавий ҳолати учун, ички партиявий муносабатларда коммунистик этикага риоя қилиниши учун ҳам, шахсий хатти-ҳаракат учун ҳам ғоят юксак масъулият юклади. Октябрдан кейин партия мамлакатни идора қила бошлагач, Ленин коммунистларга тағин ҳам юксак талаблар қўйиш зарур, деб ҳисоблади.

КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС МК секретари ўртоқ Б. Н. Пономаревнинг Москвада В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда қилган «Ленинизмнинг буюк ҳаётий кучи» деган докладида бундай дейилади: «Лениннинг бутун ҳаёти ва фаолияти ишчилар синфига, меҳнаткаш халқ ишига садоқатнинг, эксплуатация қилинувчи ва эзилган халқларга хайрихоҳликнинг, эзувчиларга муросасизликнинг, коммунистик идеаллар учун курашда ҳалоллик, принципиаллик, қатъиятликнинг намунасидир.

Ленинизмга содиқ бўлиш — ленинча таълимот принципларини изчил ҳимоя қилиш, уни ижодий ривожлантириш, ҳаёт билан, омма билан маҳкам алоқада бўлиш, омманинг тажрибасидан ўрганиш ва Ленин ғояларини амалда татбиқ этиш демакдир».

КПСС сиёсатини, коммунистик қурилиш программасини амалга ошириш актив ҳаётий позицияни шакллантирувчи энг муҳим соҳадир. Ҳозир олий умумхалқ вазифаси — ўнинчи беш йиллик планларини бажаришдан иборат. Бинобарин, совет кишилари ҳаётда нақадар актив позицияда турсалар, бу вазифа шу қадар муваффақиятли ҳал этилади, бу позиция эса ташаббускорликни ва ишга ижодий ёндашишни, ўртага қўйилган мақсадга эришишдаги саботни, камчиликларни тугатишда гражданларча мардликни, принципиалликни, одамлар тўғрисида меҳрибонликни ўз ичига олади.

РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ПРОБЛЕМАЛАРИ

КОРХОНАЛАРНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ВА ТЕХНИКА БИЛАН ҚАЙТА ҚУРОЛЛАНТИРИШ

Р. РАЗЗОҚОВ,
иқтисод фанлари доктори,
М. ОВЧАРОВА,
иқтисод фанлари кандидати

ИШЛАБ ТУРГАН КОРХОНАЛАРНИ реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш — ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Бундан асосий мақсад — маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ва сифатини оширишдир. Одатда, реконструкция қилинганда ана шу мақсадга жонли ва буюмлашган меҳнатни янги қурилгандагига нисбатан камроқ сарфлаган ҳолда ва анча қисқа муддатларда эришилади.

Узбекистон саноатининг етакчи тармоқларидаги капитал маблағларнинг технологик структурасини анализ қилиш ана шу маблағларнинг умумий ҳажмида машина ва ускуналарга қилинадиган сарфлар салмоғи муттасил ортиб бораётганлигини кўрсатади. Бу тенденция бундан буён ҳам сақланиб қолаверади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги (1979 йил июль) қарорида ишлаб чиқаришнинг энг мукаммал технологиясини жорий этиш ва энг янги техникани қўлланиш асосида ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш ва реконструкция қилиш зарурлиги яна бир бор кўрсатиб ўтилди. Техника тараққиётидаги бундай йўналишнинг юксак самарали эканлигини шу нарса ҳам ишончли тарзда кўрсатиб турибдики, умуман мамлакат саноатида ўнинчи беш йилликда маҳсулотни кўпайтиришнинг ярмидан ортиқроғига ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш, реконструкция қилиш ва кенгайтириш ҳисобига эришилади. Техника тараққиётини жадал ривожлантиришни таъминловчи тармоқларда бу кўрсаткич янада юқори бўлиб, у машинасозликда — 75 процентни, химия саноатида — 81, электроэнергетикада — 93 процентни ташкил этади.

Ўзбекистон Компартияси XIX съезди ва Марказий Комитети V (1977 йил январь) пленуми қарорларига мувофиқ Тошкент шаҳар корхоналарини реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантиришга катта эътибор берилмоқда. Саноат юксак даражада концентрациялашган ва меҳнат ресурслари юқори даражада банд бўлган шароитда бу йўналиш ишлаб чиқаришни ўстириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг асосий омили бўлиб қолади. Ўнинчи беш йилликда шаҳар корхоналарини реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантиришга марказлаштирилган капитал маблағлар умумий ҳажмининг 46,6 проценти сарфланади, бу республика саноатидаги ўртача даражадан анча ортиқдир.

Бу жуда қонуний ва тўғри йўлдир. Ахир, Тошкентдаги завод ва фабрикаларнинг анчагина қисми бундан неча ўн йиллаб илгари қурилган бўлиб, янги саноат объектларини жойлаштириш ва меҳнат ресурсларининг кўпайиш имкониятлари эса чеклангандир. Шунинг учун ҳам энг янги техникага ва прогрессив технологияга таянган ҳолда фақат меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобигагина саноат ишлаб чиқариши ҳажмини кўпайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш мумкин.

Бутун республика сингари Тошкент меҳнатчилари ҳам КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини катта сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги билан амалга оширмоқдалар, хўжалик ва маданий қурилишнинг барча участкаларида улкан муваффақиятларга эришмоқдалар. Ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили ичида Тошкентда саноат ишлаб чиқариши ҳажми пландаги 22,4 процент ўрнига 24,6 процент кўпайди. Саноат маҳсулотининг асосий турларини ишлаб чиқариш бўйича топшириқлар ошириб бажарилди. Шу давр ичида меҳнат унумдорлиги қарийб 20 процент ошди, саноат маҳсулоти ўсишининг 85,5 проценти ана шу меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига олинди. 12 мингдан ортиқ ишлаб чиқариш илғорлари ҳозирнинг ўзидаёқ ўз беш йиллик топшириқларини бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар ва ўн биринчи беш йиллик ҳисобига ишламоқдалар.

Шуни таъкидлаш лозимки, корхоналарнинг реконструкция қилиниши ва техника билан қайта қуроллантирилиши саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини ўстиришга жиддий таъсир кўрсатди. Ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили ичида Тошкентдаги 196 корхонадан 140 тасида ишлаб чиқаришни модернизациялашга доир ишлар ўтказилди. «Ўзбексельмаш», В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Миконд», «Ўзбектекстильмаш» ва бошқа йирик корхоналарда айниқса катта тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш ҳисобига ялпи маҳсулот ҳажми 1,5 баравар кўпайди, Тошкент авиабирлашмасида 72 минг квадрат метр ишлаб чиқариш майдони реконструкция қилинди, бу эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 163,8 процентга етказиш имкониятини берди, ана шу ишларнинг қиймати эса янги қурилишга кетадиган сарфга нисбатан 3—5 баравар кам бўлди.

Сўнгги йилларда янги типдаги машиналар яратилиб, мавжудлари такомиллаштирилди. «Ўзбектекстильмаш» бирлашмасининг ўзида П66-5М маркали машина конструкция қилинди ва кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилдики, унинг жорий этилиши биринчи сортли иплар ишлаб чиқаришни 15—20 процент кўпайтириш, йигирувчилар меҳнат унумдорлигини 10—11 процент ошириш имкониятини берди. 1980 йил охирида бирлашма ана шундай машиналардан 3 500 та ишлаб чиқаради, бу эса республика халқ хўжалигида ҳар йили 7 миллион сўм иқтисодий самара олишни таъминлайди.

Шу билан бирга Тошкентнинг бир қатор корхона ва бирлашмаларида техника билан қайта қуроллантириш масалалари суст ҳал этилмоқда, янги ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланилмаётирки, бу маҳсулот ишлаб чиқаришни ва меҳнат унумдорлигини ўстириш планларининг бажарилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. КПСС МК Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленумида барча бўғинларда, барча участкаларда план интизомига қатъий риоя қилиш зарурлигига жиддий эътибор берди. «Бизнинг олдимизда турган вазифалар,— деб кўрсатди ўртоқ Л. И. Брежнев,— шу жумладан, план топшириқларининг, қабул этилган қарорларнинг

бажарилиши устидан назоратни кучайтиришни, қаттиқлаштиришни талаб қилади. Хўжасизлик, белгиланган планларни, қоидалар ва нормаларни бузиш ҳолларига нисбатан оператив равишда кескин чоралар кўриш керак».

Машиналар, механизмлар ва технологик процессларни такомиллаштириш, дейилади партия XXV съездининг қарорларида, фан ва техниканинг энг янги ютуқларига таянмоғи лозим. Бунда айрим машиналар ва прогрессив технологияларни жорий этишдан бутун ишлаб чиқаришни, шу жумладан ёрдамчи, кўтарма-транспорт, юк ортиш-тушириш ва омбор ишларини ҳам комплекс қамраб олишга изчиллик билан ўтишни таъминлаш лозим. Ҳолбуки, Тошкентнинг кўпгина саноат корхоналари ва бирлашмаларида асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларни механизациялаштириш ва автоматлаштириш даражалари ўртасида мувофиқлик йўқ, бу эса қўл меҳнатининг салмоғи ҳамон катта бўлишига жиддий сабаблардан биридир. Ҳозирги вақтда шаҳар саноатида 50 процентга яқин ишлар қўлда бажарилади.

Тошкент агрегат заводида комплекс механизациялаштириш масаласида яхши натижаларга эришилди. Бу ерда унинг даражаси асосий ишлаб чиқаришда 89,2 процентни, ёрдамчи ишлаб чиқаришларда эса 87 процентни ташкил этади. Фикримизча, ана шу ижобий тажрибани шаҳарнинг бошқа корхона ва бирлашмаларида ҳам тезроқ жорий этиш муҳимдир. Комплекс механизациялаш вазифаларини самарали амалга ошириш учун улар илмий-тадқиқот институтлари ва конструкторлик бюролари билан, олий ўқув юртлари билан ижодий алоқаларни мустаҳкамлашлари ҳам зарур.

Мамлакатимизда Свердловск областининг ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш соҳасидаги ютуқлари ҳаммага маълум. У ерда ускуналарни модернизациялаш, илғор технологияни жорий этиш ҳисобига меҳнат, айниқса қўл меҳнати сарфини камайтиришга, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга эришилди. Бизнингча, реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш программалари тузилган, улар техника-иқтисодий жиҳатдан асосланган, ишларни олиб бориш изчиллиги белгиланган тақдирдагина бу тажриба фойдали бўлади.

Фикримизча, юқорида айтилганларга асосланиб, халқ хўжалик планларини тузишда корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш ишларининг мақсад ва мазмунини, фан-техника ютуқларини жорий этиш йўлларини, ана шу тадбирларнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш, асосий фондлардан рационал фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқаришга материал ҳажмини камайтириш ва ҳоказолар сингари кўрсаткичларига таъсири даражасини аниқлаш, корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш топшириқларини халқ хўжалик планининг бошқа бўлимлари билан яхшилаб уйғунлаштириш лозим.

Ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилишнинг самарадорлигига унинг бутун халқ хўжалиги учун қанчалик фойдали эканлиги нуқтаи назаридан қарамоқ, яъни фақат жорий харажатларнигина эмас, балки капитал маблағларни ҳам ҳисобга олмоқ керак. Ҳозирги вақтда министрликлар, бирлашмалар, корхоналар мумкин қадар кўпроқ капитал маблағ олишга ҳаракат қилмоқдалар, чунки ишлаб чиқаришни планлаштириш ва хўжалик фаолиятини баҳолашда улар иқтисодий рағбатлантириш фондларини ҳосил қилиш ва фойдаланишга бирон-бир жиддий таъсир кўрсатмайди. Шунинг учун ҳам, табиийки, ташкилотлар капитал маблағлар ҳажмини камайтириш, объектларни ишга туширишни тезлаш-

тириш ва уларнинг тўла самара бериб ишлашини таъминлашга унча қизиқишмайди.

Техника билан қайта қуроллантириш программаларининг халқ хўжалик самарадорлигини объектив баҳолаш учун 1977 йил февралдан бошлаб жорий этилган «Халқ хўжалигида янги техникадан, ихтиролар ва рационализаторлик таклифларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш методикаси (асосий қоидалари)» сингари ҳужжатга амал қилиш зарур. Ана шу ҳужжат асосида жорий ва бир йўла қилинадиган сарфларни ҳисобга олган ҳолда корхоналарни қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш соҳасидаги тадбирларнинг кутилаётган, пландаги ва ҳақиқий самарадорлигини ҳисоблаб чиқиш мумкин.

Кутиладиган иқтисодий самара программаларни ишлаб чиқиш босқичида аниқланади, у энг кўп натижа олишни таъминлайдиган энг яхши вариантни танлаш критерийсидир. **Пландаги самарадорлик** халқ хўжалик планларини тузиш босқичида ҳисоблаб чиқилади. Бунда ҳисобот йили учун белгиланадиган умумий самара билан биргаликда ишлаб чиқариш ва фойда ҳажмини ўстириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг таннархини камайтириш ва ҳоказолар бўйича кўрсаткичлар ҳам баҳоланади (бунда таққослаш базаси сифатида ишлаб турган корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари олинади). **Ҳақиқий самарадорлик** бевосита корхонани техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш босқичида аниқланади. У ишлаб чиқаришнинг техника-иқтисодий даражасини ошириш соҳасида қабул қилинган қарорларнинг тўғрилиги билан характерланади ва корхоналарда иқтисодий рағбатлантириш фондларини ҳосил қилиш манбаи бўлиб хизмат қилади. Шу тариқа техника-иқтисодий программаларни лойиҳалашга ва уларнинг бажарилишини якунлашга нисбатан ягона методик ёндашув учун барча зарур шарт-шароитлар яратилади.

Ҳозирги вақтда саноат корхоналари техникани жорий ремонт қилишни ва майда технологик ускуналарни модернизация қилишни ўз кучлари билан амалга оширмоқдалар, бу иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламоқда. Шу билан бир қаторда, бизнингча, энг кўп ишлатиладиган запас қисмлар билан истеъмолчиларни техника тайёрловчиларнинг территориал складлари орқали таъминлаш учун бундай запас қисмларни ремонт қиладиган марказлаштирилган хизматларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Йирик ускуналарга келганда бу хусусда янги ускунани сотиб олишга ва уни эскирган ускуна ўрнига жорий этишга сарфланадиган маблағларни бўшатиб олиш мақсадида бундай ускуналарнинг амортизация муддатларини кескин қисқартириш ва уларни капитал ремонт қилиш миқёсларини камайтириш зарур деган фикрлар мавжуд. Бизнингча, агар ишлаб чиқариш ва тегишли группалардаги ускуналарни алмаштиришнинг реал имкониятлари ҳисобга олинадиган бўлса, бу таклифлар етарли даражада асосланмагандир. Бизнингча, бу ерда гап ремонт хизматларининг самарадорлигини оширишга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш ҳақида бормоғи керак. КПСС XXV съезди қарорларида айтилганидек, ремонт ишини марказлаштириш бу ишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишидир, марказлаштириш асосида техникани капитал ремонт қилиш ва уни модернизациялашни ташкил этиш даражасини оширишни таъминлаш осонроқ бўлади. Кўп миқдордаги бир хил типли техника ёки ускуналарнинг йирик комплексларига татбиқан олганда (масалан, металлургия, электроэнергетика, химия саноати учун) бу айниқса зарурдир.

Корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш бошқарув аппарати олдига оширилган талаблар қўяди —

у бу даврда юксак омилкорлик ва оперативлик кўрсатмоғи лозим. Шу муносабат билан корхоналар партия ташкилотлари учун ҳам алоҳида шароитлар вужудга келади. Улар раҳбарлик услуб ва методларини такомиллаштириш тўғрисида, социалистик мусобақани ривожлантириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилаётган, меҳнатчиларни ҳар бир участкада юксак кўрсаткичларга эришишга сафарбар этаётган жойларда реконструкция ва техника билан қайта қуроллантириш минимал сарфлар қилиб жадал суръатлар билан бормоқда.

Масалан, «Миконд» заводининг партия ташкилоти бир неча йил давомида реконструкция ва техника билан қайта қуроллантириш масалалари билан шуғулланиб келади. У бу масалаларни партком мажлисларида ва партия йиғилишларида муҳокама қилади. Коммунистлар ишлаб чиқаришни янгилашда банд бўлган барча қатнашчиларнинг мажбуриятларини бажариши устидан назорат қилиб борадилар, моддий ва меҳнат ресурсларини тежаш, иш сифатини яхшилаш ва объектларни ишга тушириш муддатларини қисқартириш имкониятларини қидириб топмоқдалар. Материаллар, конструкциялар, ускуналар етказиб берувчи корхоналар партия ташкилотлари билан бевосита алоқа боғланмоқда.

Ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантиришнинг асосий йўналишларидан бири — модернизациялаш бўлиб, бунинг натижасида ишлаб турган техниканинг маънавий эскиришини тўла ёки қисман бартараф этиш мақсадида у янгиланади ва такомиллаштирилади. Практика шуни кўрсатадики, ускуналарни модернизациялаш маҳсулот сифатини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, иш шароитини яхшилаш имкониятини беради. Бундай методнинг самарадорлиги аввало шундаки, бунда янги ускуна ишлаб чиқариш процессига ўзлаштириш даврини четлаб ўтган ҳолда киришади. Ўзбекистон ССР МСБ маълумотларига кўра, тўққизинчи беш йиллик ичида республика саноат корхоналарида 15 863 та — саккизинчи беш йилликдагига нисбатан 1,5 баравар кўпроқ ишлаб чиқариш ускунаси модернизация қилинган. Машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарида модернизация қилинган ускуналарнинг улуши каттадир.

Ускуналарни модернизациялаш натижасида республика саноат корхоналарининг техника билан қуролланиш даражаси анча ортди. Чунончи, шу беш йилликнинг уч йили ичидагина ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш соҳасидаги тадбирларнинг самарадорлиги умуман Ўзбекистон ССР саноати бўйича 25 процент ўсди ва сарфланган ҳар бир сўмга нисбатан 1,4 сўмни ташкил этди.

Ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш соҳасидаги тадбирларнинг самарадорлигини оширишда меҳнат коллективларини социал-иқтисодий ривожлантириш перспектив планларини тузиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бирлашмалар тузилаётган шароитда бу планлар алоҳида аҳамият касб қилади, бирлашмалар уларни амалга ошириш учун, хусусан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини ошириш учун анча кўпроқ имкониятларга эгадир. Техника тараққиётининг асосий йўналишларини ҳамда корхона ва бирлашмаларнинг мавжуд техника даражасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган бу планлар кейинчалик саноат тармоқлари бўйича жамлаб чиқилади. Тармоқ ва территориал жиҳатдан уйғунлаштирилган ва баланслаштирилган бундай планлар ишлаб турган корхоналарга капитал ажратиш ҳажмини асосли равишда белгилашга, шунингдек улар атрофида тегишли инфраструктурани вужудга келтиришга ёрдам беради.

Ишлаб турган саноат корхоналарини реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш соҳасидаги ишларни кенгайтириш уларни маблағ билан таъминлаш ва моддий рағбатлантириш система-

сини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишни зарур қилиб қўядики, бу ана шу ишларни жадаллаштиришга ва уларнинг социал-иқтисодий самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Ҳозирги вақтда реконструкциялаш асосан марказлаштирилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади, бу эса корхоналарнинг манфаатларига унчалик дахлдор бўлмайди ва ишлаб турган ишлаб чиқаришларни техника билан қайта қуроллантиришнинг энг самарали йўлларини қидириб топишга ёрдам бермайди. Ҳолбуки, Ўзбекистон электротехника саноати корхоналарининг тажрибаси ўз маблағларидан, яъни ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди маблағларидан, шунингдек банк кредитларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигидан далолат беради. Масалан, «Средазэлектроаппарат» бирлашмасида сарфланган капитал маблағлар умумий суммасида ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондининг салмоғи тўққизинчи беш йилликда 21,8 процентни, шу беш йилликнинг тўрт йили ичида эса — 30 процентдан ортиқни ташкил этди, Давлат банки кредитининг ҳиссаси ҳам тегишли равишда ортди. Бу фонднинг қандай мақсадларга ишлатилиши анча ўзгарди: эндиликда унинг маблағлари асосан техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш эҳтиёжларига йўналтирилмоқда. Чунончи, янги техника планига мувофиқ бу ерда айрим ишлаб чиқариш участкаларининг техника даражасини ошириш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш соҳасида комплекс тадбирлар амалга оширилмоқда, эскириб қолган ва жисмоний жиҳатдан ишдан чиққан ускуналар алмаштирилмоқда. Бирлашмани капитал маблағ билан таъминлашнинг бошқа яна бир манбаи — бу ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш учун Қурилиш банкидан олинадиган узоқ муддатли кредитдир. Масалан, 1976—1977 йиллар ичида у умумий ажратилган капитал маблағлар суммасининг 46,7 процентини, ёки 2 миллион 201 минг сўмни ташкил этди. Кредит 6 йил муддатга берилади, қисман-қисман қопланиб борилади.

Бизнингча, реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш корхоналар коллективлари ва улардаги айрим ходимларнинг манфаатларига зиён етказмаслиги керак. Шу сабабли моддий рағбатлантириш фондига норматив бўйича ажратмалар шундай белгиланиши керакки, бунда ишлаб чиқаришни янгилаш даврида фонд ҳосил қилувчи кўрсаткичларда содир бўладиган ўзгаришлар туфайли бу фонднинг абсолют ҳажми камаймасин.

Халқ хўжалигининг социалистик план системаси корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантиришни меҳнатга яроқли бутун аҳолини ишга тўла жалб этиш билан бирга қўшиб олиб бориш имкониятини беради. Меҳнатни соғломлаштириш ва енгиллаштириш, шунингдек иш шароитларини яхшилаш кадрлар қўнимсизлигини камайтиришга, ишлаб чиқариш травматизми ва профессионал касалликларни қисқартиришга, ишчилар меҳнатидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга олиб келади.

«Келгуси беш йилликда,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС МК 1979 йил ноябрь Пленумида,— ...жуда оз чиқим қилиб, энг кўп ва тез самара олиш мумкин бўлган бўғинларни аниқлаш лозим». Ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш, реконструкция қилиш ва кенгайтириш ана шундай бўғин бўлиб, у ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлигига капитал маблағ сарфлаш салмоғини қисқартириш, маҳсулот таннархини пасайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

АГРАР-САНОАТ ИНТЕГРАЦИЯСИ

Н. ТУХЛИЕВ,
иқтисод фанлари кандидати

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ — социалистик экономиканинг ҳаётий муҳим тармоғидир. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулоти, шунингдек қишлоқ хўжалик хом ашёсидан тайёрланадиган саноат моллари мамлакат халқ истеъмол фондининг қарийб тўртдан уч қисмини ташкил этади. Шу билан бирга бу тармоқ социалистик жамғармаларнинг жами ижтимоий маҳсулотни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг катта манбаидир: ҳозир бу соҳада ишлаб чиқариш фондларининг бешдан бир қисми ва халқ хўжалигида ишловчиларнинг чорак қисми жамланган. Экономикани узлуксиз ва пропорционал ривожлантириш, қудратли озиқ-овқат ва хом ашё базасини вужудга келтириш, халқ фаровонлигини оширишни жадаллаштириш, шаҳар билан қишлоқни бир-бирига янада яқинлаштириш — коммунистик қурилишнинг мана шу ва бошқа кўпгина катта социал-иқтисодий проблемаларининг ҳал этилиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боисдан ҳам Коммунистик партия аграр сиёсатни ўз иқтисодий стратегиясининг таркибий қисми деб билади.

Ўнинчи беш йилликда қишлоқ хўжалик хом ашёси етиштиришнинг ўртача йиллик ҳажмини аввалги беш йилликка нисбатан 14—17 процент кўпайтириш вазифаси қўйилган. Шу вазифани бажаришда аграр-саноат интеграцияси муҳим роль ўйнаши лозим. КПСС XXV съездида бундай деб уқтирилган эди: «Хўжаликлараро кооперациялаш ва аграр-саноат интеграцияси негизида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш замирида маҳсулот етиштириш ҳажмини тез кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини анча ошириш ва маҳсулот таннархини камайтиришнинг катта имкониятлари яшириниб ётибди. Бинобарин, бу йўлни активроқ ўтказиш лозим. Бизнинг ташкилотчилик ишимиз, планлаштириш, иқтисодий омиллардан фойдаланиш бу илғор жараёнга ҳар тарафлама кўмаклашиши керак».

КПСС Марказий Комитети партия XXV съезди қарорларига мувофиқ 1976 йил майида «Хўжаликлараро кооперациялаш ва аграр-саноат интеграцияси негизида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва концентрациялашни янада ривожлантириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Ана шу муҳим сиёсий ҳужжатда таъкидлаб ўтилганидек, хўжаликлараро ва аграр-саноат кооперациясига доир тадбирлар — Лениннинг кооперация тўғрисидаги таълимотини коммунистик қурилиш практикасида ижодий қўлланишнинг сифат жиҳатидан янги, тарихан қонуниятли босқичидир.

Мамлакатимизда аграр-саноат интеграцияси жараёни жадал давом этмоқда — ҳозиргача тузилган 8 мингтадан кўпроқ хўжаликлараро

ва аграр-саноат корхонаси ҳамда бирлашмаси кўп миқдорда хилма-хил маҳсулот бермоқда. Шу жараённинг кучайиши аввало тармоқлараро алоқаларни такомиллаштиришда ва локал аграр-саноат комплексларини ривожлантиришда, кооперациялашган корхоналарнинг кўпайишида ҳамда уларга колхоз ва совхозларни кенг жалб этишда ўз ифодасини топмоқда.

Аграр-саноат комплекси (АСК) халқ хўжалиги миқёсида қишлоқ хўжалик хом ашёсини етиштириш, реализация қилиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган экономиканинг кўпдан-кўп тармоқларини ўз ичига олади. Қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, минерал ўғит, гербицид, заҳарли доривор ва шу кабиларни ишлаб чиқарувчи химия индустрияси тармоқлари, қишлоқ электр энергетикаси, омихта ем саноати, қишлоқ хўжалик хом ашёси асосида ишловчи озиқ-овқат ва енгил индустрия шу комплекс таркибига киради.

Иқтисодий адабиётда халқ хўжалигининг аграр-саноат комплекси уч соҳага бўлинади: биринчиси қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи тармоқларни ўз ичига олади, иккинчиси қишлоқ хўжалигининг ўзидан иборат бўлади ва учинчиси қишлоқ хўжалик хом ашёсини тайёрлаш, қайта ишлаш, ташиш, асраш ва ундан тайёрланган маҳсулотни сотиш билан боғланган тармоқларни ўз ичига олади. Кейинги йилларда аграр-саноат комплексига хизмат қилувчи инфраструктура тармоқлари (йўллар ва электр линиялари, транспорт ва алоқа, қишлоқ хўжалиги фани ва кадрлар тайёрлаш, қишлоқдаги ишлаб чиқариш объектлари қурилиши ва ҳоказолар) тобора жадал ривожланмоқда. Бу тармоқлар гарчи маҳсулот яратмаса ҳам, аммо АСКнинг самарали ишлаши учун зарур. Масалан, илм-фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланаётган ҳозирги шароитда илм-фан АСКда ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг зарур омилларидан бири бўлиб қолмоқда.

Баъзи иқтисодчилар ноишлаб чиқариш соҳа тармоқлари — қишлоқдаги соғлиқни сақлаш, уй-жой, маданий-маиший қурилиш ва бошқаларни ҳам халқ хўжалигининг аграр-саноат комплекси жумласига киритмоқдалар. Бироқ, унинг доирасини бу қадар кенгайтириб талқин этишга қўшилиб бўлмайди, чунки халқ хўжалигининг аграр-саноат комплекси қишлоқ хўжалиги билан моддий ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқлари синтезидан иборат.

СССР халқ хўжалигининг аграр-саноат комплекси структураси қуйидаги 1-жадвалда кўрсатилган (СССР халқ хўжалигининг 1972 йилда тузилган сўнгги тармоқлараро баланси маълумотлари асосида).

1-жадвал

Кўрсаткич	I соҳа	II соҳа	III соҳа
Ходимлар сони; миллион киши	4,8	29,0	10,1
АСК даги барча ходимларга нисбатан процент ҳисобида	10,9	66,2	22,9
Ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот:			
АСК ялпи маҳсулотига нисбатан процент ҳисобида	16,3	40,4	43,3
бир ходим ҳисобига минг сўм	10,7	3,8	19,8

АСК ходимларининг асосий қисми комплекс ялпи маҳсулотининг 40 процентдан кўпроғи етиштирилаётган бевосита қишлоқ хўжалигида (иккинчи соҳада) тўпланганлиги жадвалдан кўриниб турибди.

Бироқ, қишлоқ хўжалигидаги бир ходим ҳисобига бу соҳада етиштирилаётган маҳсулот биринчи соҳадагидан уч баравар, учинчи соҳадагидан эса беш баравар камдир. Бу маълумот қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлигининг даражаси саноатга нисбатан унчалик юқори эмаслигини кўрсатади. Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги иқтисодий шарт-шароитларни тенглаштириш аграр-саноат интеграциясининг бош вазифаларидан биридир.

Аграр-саноат комплекси мамлакат экономикасида муҳим ўрин тутади. СССР халқ хўжалигининг 1972 йилги тармоқлараро баланси маълумотларига кўра комплекс ходимларининг сони 43,9 миллион кишини, ёки жами ишловчиларнинг 37,9 процентини ташкил этди. 1974 йилда жами ижтимоий маҳсулотнинг тахминан 38 проценти аграр-саноат комплексига кирувчи тармоқларда етиштирилди. Аграр-саноат комплексининг миқёслари халқ хўжалиги бошқа ҳамма комплексларининг ҳажмидан анча ортиқдир. Унинг асосий соҳаси бўлмиш қишлоқ хўжалиги унга ишлаб чиқариш воситаларини етказиб берувчи халқ хўжалиги ҳамма тармоқларининг 60 проценти билан ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеъмол қилувчи тармоқларнинг 70 проценти билан алоқа ўрнатган.

Мамлакат халқ хўжалиги аграр-саноат комплексининг кучли территориал бўғини бўлган Ўзбекистон аграр-саноат комплекси ўзининг асосий вазифаси — деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш билан бирга қишлоқда саноат тармоқларини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигини индустриал асосда ўзгартириш учун шарт-шароит яратмоқда.

АСК республика экономикасининг: аграр-саноат комплекси учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи тармоқлари, қишлоқ хўжалиги; қайта ишлаш саноати группаларини ўз ичига олади. Ўзбекистон халқ хўжалигида АСКнинг салмоғи: ялпи маҳсулотда 44,8 процентни, асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматида 31,1 процентни, ишлаб турган ходимлар сонида 45,3 процентни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигини индустриялаш ва интенсивлаш йўли республика АСК биринчи соҳасининг илдам ўсишига кўмаклашади. 1965—1978 йилларда минерал ўғит ишлаб чиқариш (шартли бирликларда) 2,8 баравар, тракторлар 1,3 баравар, пахта териш машиналари 1,1, культиваторлар 1,5, экскаваторлар 1,5, пахта тозалаш машиналари 1,3, электр энергия 3 баравар кўпайди. Натижада шу давр ичида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг энергетик қуввати икки баравардан зиёд ошди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида банд бўлган ҳар бир ходимга ҳисоблаганда энергия билан таъминланиши 1,8 баравар кўпайиб, 11 от кучига етди, 100 гектар экинзор ҳисобига энергия билан таъминланиш эса икки баравар ортиб, 465 от кучига етди. Машинада терилган пахтанинг салмоғи 1965—1979 йилларда икки баравардан зиёд, машинада сабзавот экиш 2,5 баравар, сигирларни машинада соғиш 5,9 баравар, механизмлар ёрдамида озуқа бериш 6 баравар, қорамол фермаларида автомат усулида суғориш 2,8 баравар ортди.

Биринчи соҳадан ишлаб чиқариш воситаларининг кўплаб юборилиши Ўзбекистон АСҚ иккинчи соҳасининг жадал ривожланишини таъминлади. Ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили ичида республикамиз қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ўрта ҳисобда тўққизинчи беш йилликнинг шу даврига нисбатан пландаги 19,1 процент ўрнига 21,6 процент кўпайди. Беш йилликнинг тўрт йили мобайнида 9 миллион тонна, яъни планда белгиланганидан 1,4 миллион тонна кўп дон, 22,3 миллион тонна ёки пландагидан 480 минг тонна кўп пахта, 13,9 миллион тонна ёки планга нисбатан 1 миллион 58 минг тонна кўп сабзавот-полиз маҳсулотлари ва мева етиштирилди. Гўшт, сут ва тухум харид

қилиш ҳажми ўнинчи беш йилликнинг дастлабки тўрт йили учун белгиланган топшириқдан анча кўп бўлди.

Шунинг натижасида ижтимоий меҳнат тақсимотида Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигининг роли сезиларли равишда ошди. Эндиликда республикамизнинг бутун иттифоқда пахта етиштиришдаги улуши 65—70 процент, каноп соҳасида 93, шоли соҳасида 15, пилла соҳасида 60, қоракўл тери соҳасида 40 процентни ташкил этди. Ўзбекистонда етиштирилаётган мева, узум ва сабзавот-полиз маҳсулотларининг 15—20 проценти республика ташқарисига чиқарилмоқда, бу эса республика АСҚнинг мамлакат халқ хўжалиги АСҚ билан ишлаб чиқариш алоқаларини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистонда АСҚнинг биринчи ва иккинчи соҳалари муваффақиятли ривожланганлиги халқ хўжалигининг пировард натижаларига ижобий таъсир қилди. Енгил ва озиқ-овқат саноатининг маҳсулоти (учинчи соҳа) бунинг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. 1965—1978 йилларда пахта толаси ишлаб чиқариш 43 процент, хом ипак 74, чарм пойабзал 99, гўшт 59, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари 187, ўсимлик ёғи 47, консервалар ишлаб чиқариш 171 процент кўпайди. Республика АСҚнинг учинчи соҳасида жами саноат маҳсулотининг 18 проценти ишлаб чиқарилмоқда. Ўзбекистон ССР иттифоқдош республикалар ўртасида ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришда учинчи, мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқаришда тўртинчи, узум виноси ишлаб чиқаришда бешинчи ўринда турибди.

Ўзбекистон шароитида саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг интеграция жараёни ўз хусусиятларига эга, чунки саноат ялпи маҳсулотининг структурасида қишлоқ хўжалиги, хусусан пахтачилик билан бевосита боғланган тармоқлар асосий ўринни эгаллайди. Чунончи, 1978 йилда республикада ишлаб чиқарилган жами ялпи маҳсулотнинг 43 проценти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши улушига тўғри келди. Саноат маҳсулотининг қиймати 16,6 миллиард сўмни (республика ялпи маҳсулотининг салкам 53 процентини) ташкил этди. Тармоқлар бўйича қуйидагича бўлди: пахта тозалаш саноати маҳсулоти — 3 миллиард сўмлик, енгил саноат маҳсулоти 2 миллиард, озиқ-овқат маҳсулоти 1,9 миллиард, машинасозлик ва металл ишлаш маҳсулоти 1,8 миллиард, бинокорлик материаллари индустрияси маҳсулоти 0,7 миллиард, химия саноати маҳсулоти 0,6 миллиард, энергетика маҳсулоти 0,45 миллиард сўмлик бўлди ва ҳоказо.

Пахта комплекси республика АСҚнинг муҳим тармоқ бўғини бўлиб, унда ишлаб чиқариш фондларининг 70 проценти ва АСҚдаги ходимларнинг 80 процентдан кўпроғи тўпланган. Ўзбекистон АСҚ системасида пахта комплекси фақат мана шу параметрлар бўйича эмас, шунингдек умумиттифоқ меҳнат тақсимотидаги роли юзасидан ҳам устун мавқени эгаллайди.

Республика АСҚнинг бир қисми бўлмиш пахта комплекси уч соҳадан: биринчиси — пахта комплекси учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи ва пахтачилик билан узвий ишлаб чиқариш алоқасига эга бўлган тармоқлар (қишлоқ хўжалик машинасозлиги, химия ва нефть химияси саноати, қишлоқ энергетикаси ва шу кабилар); иккинчиси — пахтачилик ҳамда қишлоқ хўжалигининг ердан, сувдан, меҳнат ва бошқа ресурслардан биргаликда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлари; учинчиси — пахта тозалаш, тўқимачилик, тикувчилик ва озиқ-овқат (ёғ-мой) саноатидан иборат. Бундан ташқари пахтачиликнинг инфраструктураси: пахтачиликни материал-техника билан таъминлаш системаси, қишлоқ, ишлаб чиқариш, мелиоратив, ирригация, йўл қурилишининг анчагина қисми, қишлоқ транспорти, қишлоқ хўжалиги фани, кадрлар тайёрлаш ва шу кабилар ҳам пахта комплексида катта ўрин тутади.

Биринчи соҳа пахта комплекси муваффақиятли ишлашининг моддий асосидир, республика машинасозлик маҳсулотининг қарийб бешдан бир қисми шу соҳанинг улушига тўғри келади. Бу соҳанинг тараққиёти Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантиришнинг қудратли омили бўлди, қуйидаги 2-жадвал маълумотлари бундан далолат беради:

2-жадвал

Кўрсаткич	1960 йил	1965 йил	1970 йил	1979 йил	1979 йил 1960 йилга нисбатан, процент ҳисобида
Пахтазор майдони, минг гектар	1386,6	1549,9	1709,2	1843,3	133
Пахта ҳосилдорлиги гектар бошига центнер	20,4	24,2	26,3	31,5	154
Ялпи пахта ҳосили, минг тонна	2823,5	3746,1	4495,6	5760,0	203

Жадвалдан кўриниб турибдики, 19 йил мобайнида пахтазорлар майдони республикада 33 процент, ҳосилдорлик 54 процент, ялпи пахта ҳосили эса икки баравардан зиёд кўпайган. Пахта етиштиришни кўпайтириш экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига эмас, балки ишлаб чиқаришни интенсивлаш, пахта ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига бўлаётганлигини айтиб ўтмоқ керак.

Республика пахтакорлари 1979 йилда жуда катта муваффақиятга эришиб, 5 миллион 763 минг тонна пахта тайёрладилар. Бу — рекорд ҳосил бўлиб, революциядан аввалги даврдан ўн баравардан зиёд ошиб кетди. Ўзбекистон пахта ҳосилдорлиги жиҳатидан (гектар бошига 35,5 центнер) барча пахта экувчи мамлакатлардан ўзиб кетди, пахта етиштиришда эса дунёдаги етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Пахтачиликни янада юксалтириш ҳам республика пахта комплексининг биринчи соҳасини муттасил ривожлантириш йўли билан шу тармоқни изчил интенсивлашга асосланади.

«Узглавзаготживпром», «Узптицепром», «Узглавкаракульпром» бирлашмалари, шунингдек колхозлараро бўрдоқичилик республика бошқармаси республикадаги АСКнинг бошқа бир тармоқ бўғинидир. Уларнинг ижтимоий сектордаги улуши гўшт етиштиришда 40 процентдан, тухум етиштиришда 80 процентдан ошади.

Республика аграр-саноат бирлашмаси — «Узплодоовощвинпром» узум ва мева-сабзавот маҳсулоти етиштириш, тайёрлаш ва саноатда қайта ишлашга раҳбарлик қилади. Унинг 123 ихтисослаштирилган совхози, 23 виночилик ва 11 консерва заводи бор. Мана шу корхоналарнинг ҳаммаси 17 та ишлаб чиқариш-аграр бирлашма составига киради.

Шундай қилиб, эндиликда аграр-саноат интеграцияси турли даражаларда: халқ хўжалиги, регионал ва локал даражаларда амалга оширилмоқда. Аммо у қайси даражада амалга оширилмасин, социалистик жамият аъзоларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини тўлатўкис қондириш мақсадида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун қишлоқ хўжалик ва саноатнинг иқтисодий, илмийтехникавий ва технологик имкониятларидан фойдаланиш бунга асос қилиб олинади.

Етук социализм шароитидаги аграр-саноат комплекси мамлакат экономикасида ишлаб чиқариш алоқаларининг юксак интеграцияси

негизида вужудга келган янги структуравий ташкилотдир. Аграр-саноат комплекси ижтимоий ишлаб чиқариш ривожининг шундай бир босқичида қарор топдики, энди тармоқлараро халқ хўжалик алоқалари локал аграр-саноат комплекслари ва корхоналарининг вужудга келтирилиши билан тўлдирилди.

Мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг ўсиши, ишлаб чиқариш миқёсларининг мислсиз кенгайиши етук социализм шароитида аграр-саноат интеграциясини жадаллаштириш ва чуқурлаштиришнинг моддий базаси бўлиб, турли формалардаги ишлаб чиқариш алоқаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни (марказлаштириш, ихтисослаштириш, кооперациялаш ва комбинациялашни) тақозо этади.

Аграр-саноат интеграцияси жараёни КПСС ленинча аграр сиёсатини амалга оширишдаги янги босқич хусусиятлари билан узвий боғлиқдир. КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленуми мана шу янги босқичга асос солди. Партия МК 1978 йил июль Пленуми ишлаб чиқаришни ташкил этиш формаларини такомиллаштириш ва кишлоқ хўжалигини бошқаришни яхшилаш зарурлигини уқтирди. Партия концентрациялаш, колхоз ва совхозларни янада пухта ихтисослаштириш йўлини, маҳсулотнинг муайян турларини етиштиришни кооперациялаш ва пировард натижада қишлоқ хўжалиги билан саноатни интеграциялаш йўлини тутмоқда. Айни шу йўл эндиликда ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг, жамиятимиз ишлаб чиқарувчи кучларини ва ишлаб чиқариш муносабатларини янада ривожлантиришнинг, фан-техника революцияси ютуқларини социализм афзалликлари билан узвий равишда қўшишнинг бош йўлидир.

Аграр-саноат интеграцияси — объектив жараён бўлиб, у социализм шароитида ҳам, капитализм шароитида ҳам содир бўлади. Аммо мана шу икки ижтимоий, иқтисодий формацияда унинг мақсадлари бир-биридан мутлақо фарқ қилади, бу эса биринчи галда ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик муносабати билан боғлиқдир.

Капиталистик аграр-саноат интеграциясининг формаси бўлмиш ҳозирги агробизнес йирик монополиялар ва фирмалар тузиш орқали амалга оширилади, бу эса объектив равишда рақобатни кучайтиришга, кичикроқ фирма ва корхоналарнинг ютилиб кетишига, ўрта ва майда фермерларнинг хонавайрон бўлишига, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий характери билан унинг натижаларини ўзлаштиришнинг хусусий капиталистик формаси ўртасидаги зиддиятнинг кучайишига олиб боради.

Социализм шароитидаги аграр-саноат интеграцияси иқтисодий аҳамиятдан ташқари жуда катта сиёсий ва социал аҳамиятга ҳам эга. У ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг иттифоқини мустаҳкамлайди, шаҳар билан қишлоқ, саноат билан қишлоқ хўжалиги, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни тугатишни тезлаштиради.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИНДУСТРИЯЛАШ ВА МЕҲНАТ САМАРАДОРЛИГИ ҲАМДА СИФАТИНИ ОШИРИШ

А. АБДУҒАНИЕВ,
иқтисод фанлари доктори,
Ч. РЎЗИМАТОВ,
иқтисод фанлари кандидати

КОММУНИСТИК ПАРТИЯ қишлоқ хўжалиги олдига унинг барча тармоқларини ҳар томонлама, муттасил ривожлантириш, мамлакатни озиқ-овқат ва хом ашё билан пухта таъминлашдан иборат масъулиятли вазифани қўйди. Партия қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини социалистик экономиканинг юксак тараққий қилган секторига айлантириш йўлларини кўрсатиб берди, уни индустриялаш булар орасида муҳим ўрин тутади. КПСС МКнинг 1978 йилги июль Пленумида КПСС МК Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев «Қишлоқ хўжалигини индустриал негизга ўтказиш — бизнинг асосий вазифаларимиздан биридир», деб таъкидлади.

СССР қишлоқ хўжалигининг индустриал даражаси тинмай ўсиб бориши характерлидир. Бу эса колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланаётганлигида, меҳнатнинг техника ва энергия билан қуролланиш даражаси ошиб бораётганлигида, фан ва техника ютуқлари практикага кенг жорий қилинаётганлигида, ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш жадаллашаётганлигида ўз ифодасини топмоқда.

Қишлоқ хўжалигини индустриялаш унинг самарадорлигини ўстиришга ёрдам беради, айни вақтда чуқур социал ўзгаришларга олиб келади, бу аввало жисмоний меҳнат (оғир қўл меҳнати) салмоғи камайиб, ақлий (механизациялашган) меҳнат салмоғи ортиб бораётганлигида ўз ифодасини топади. Индустриялаш таъсири остида қишлоқ хўжалик меҳнатининг ўзи ҳам, унинг ижтимоий тузилиш формалари ва комбинациялари ҳам такомиллашиб боради. Меҳнат тақсимоти ва уни кооперациялаш чуқурлашади, унинг характери ўзгаради, мазмуни бойиб боради, меҳнат шароити ва унинг сифати яхшиланади. Қишлоқ хўжалик меҳнати тобора бир меъёрда ишлаш ва потокли характер касб этиб, индустриал меҳнатнинг бир турига айланади. Қишлоқ хўжалигини техника билан қайта қуроллантириш пировард натижада жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнатнинг яқинлашуви, шаҳар билан қишлоқ аҳолисининг моддий ва маданий ҳаёти ўртасидаги тафовутлар йўқолиши учун шарт-шароит яратади.

Индустриал даражани ўстира бориш социалистик экономикани ривожлантиришнинг объектив қонуниятидир. Индустриялаш биринчи навбатда машинали ишлаб чиқаришга ўтиш демакдир, унинг характерли хусусияти эса, маълумки, барча ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришдан иборат. Шу жиҳатдан қараганда қишлоқ хўжалигини индустриялаш, ёки В. И. Ленин айтганидек, «деҳқончиликдаги машиналашган йирик индустрия» (ТАТ,

5-том, 153-бет) — бу саноат ишлаб чиқаришининг анча ривожланган формадаги бир типидир.

Қишлоқ хўжалигининг индустриал даражасини ўстириш, қишлоқ хўжалик меҳнати индустриал меҳнатнинг бир турига айлана бориш характери ва қонуниятлари бутун мамлакат учун умумийдир. Бироқ, айрим регионлар, иттифоқдош республикаларда улар ижтимоий меҳнат тақсимотида хўжаликнинг ихтисосланиши билан, яққол ифодаланган демографик процесслар билан, шунингдек ерли аҳолининг тарихан ташкил топган турмуш ва меҳнат анъаналари билан боғлиқ бўлган баъзи бир хусусиятларга эга.

КПСС МКнинг 1965 йилги март Пленумида ишлаб чиқилган ва Марказий Комитетнинг шундан кейинги Пленумлари, партиянинг XXIV ва XXV съездлари қарорларида янада ривожлантирилган замонавий аграр сиёсатнинг амалга оширилиши туфайли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди ва сифат жиҳатидан такомиллашди, Ўзбекистонда пахтачиликнинг индустриал даражаси юксалди. 1966 йилдан 1978 йилга қадар республика қишлоқ хўжалигига барча ишлар комплекси бўйича салкам 19 миллиард сўм капитал маблағ сарфланди, бу Совет ҳокимиятининг шундан олдинги барча йилларда сарфланганидан қарийб 3 ҳисса кўпдир. Шу давр ичида Ўзбекистонда бир миллион гектарга яқин янги суғориладиган ерлар қишлоқ хўжалик оборотига киритилди, колхоз ва совхозларнинг машина-трактор парки батамом янгиланди. Ҳозирги вақтда қишлоқда 150 мингдан ортиқ трактор, 36 мингдан зиёд пахта териш машинаси, 12 минг ғалла комбайни, 46 минг юк автомобили, 33 минг трактор плуги, қарийб 50 минг культиватор ва кўпгина бошқа хил техника бор.

Натижада Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг ҳар 100 гектар экин майдонига тўғри келадиган энергетика қувватлари ҳозирги пайтда 464 от кучига етди, бир ишловчининг энергия билан таъминланиш даражаси эса 1970 йилдагига нисбатан 1,5 баравардан зиёд ўсди ва 20 от кучини ташкил қилди. 1978 йилда меҳнатнинг фонд билан таъминланиш даражаси 1970 йилдагига нисбатан колхоз ва совхозларда 1,7 баравар ошди, бу эса агротехникани ва пахта етиштириш технологиясини ўзгартириш, пахтачиликдаги асосий ишларни механизациялаш даражасини анчагина ошириш, оғир қўл меҳнати ҳажмини анча камайтириш имконини берди. Чунончи, ҳозирги вақтда бир гектар ғўзага колхозларда 1,1 минг, совхозларда 0,7 минг киши-кун сарфланмоқда, ҳолбуки, 1950 йилда бу кўрсаткичлар 1,4 ва 1 минг киши-кунга тенг эди. Илғор хўжаликлар ва районларда эса бир центнер пахта етиштириш учун қилинган меҳнат сарфлари республика бўйича ўртача даражадан 2,5—3 баравар камдир.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланиш, меҳнатнинг техника ва энергия билан қуролланиш даражаси тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Шу билан бирга бу кўрсаткичлар колхозларда совхозлардагидан юқорироқдир, бу эса колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг шу жиҳатдан бир-бирига яқинлашувига ёрдам беради. Аммо колхозлар асосий ишлаб чиқариш фондлари, техника ва энергетика билан ҳали камроқ таъминланган бўлиб, бу уларда меҳнат шароити ёмонроқ бўлишига, унинг унумдорлиги пастроқ бўлишига объектив суратда сабаб бўлмоқда. Шуни айтиш кифояки, Ўзбекистон совхозларида меҳнатнинг бир ходим ҳисобига фонд билан қуролланиш даражаси колхозлардагидан 3 баравар юқоридир, унинг қишлоқ хўжалиги учун керакли асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланиш даражаси ўртасидаги тафовут эса бундан ҳам каттароқдир. Меҳнатни механизациялаш даражаси юқори эканлиги совхозларга иш кучидан камроқ фойдаланиш имконини бермоқда: 1978 йилда уларда ҳар 100 гектар суғориладиган экин майдо-

нига 50 киши тўғри келган бўлса, колхозларда салкам 70 киши тўғри келди. Бундай аҳвол фақат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг фақат регионал шароитларинигина эмас, балки меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқаришни ҳам объектив суратда олдиндан белгилайди. Масалан, совхоз ишлаб чиқариши кўламлари Мирзачўл ва Қарши даштида, Фарғона ва Сурхон-Шеробод водийларида, Амударё этакларида кенг миқёсда ўзлаштирилаётган ерларда давлат қишлоқ хўжалик корхоналари ташкил қилиш ҳисобига ўсмоқда. Ниҳоят, 12 йил мобайнида Ўзбекистондаги совхозлар миқдори 391 тага кўпайди (1965 йилдаги 283 тадан 1978 йилда 674 тага етди), шу жумладан пахтачилик совхозлари, асосан янги ўзлаштирилган зонада 165 тага кўпайди (99 тадан 264 тага етди).

Умуман республикамиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг индустриал даражаси саноат ишлаб чиқаришидаги даражага тобора кўпроқ яқинлашиб бормоқда, шу тариқа уни интенсивлаш ва самарадорлигини ўстириш учун зарур моддий шарт-шароит яратилмоқда. Республикадаги колхоз ва совхозларнинг пахтачиликдаги фаолияти натижалари буни яққол тасдиқлайди. Чунончи, ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили мобайнида улар Ватанга 22 миллион 300 минг тонна — план топшириғидан 490 минг тонна кўп пахта етказиб бердилар. 1979 йилги қийин шароитда пахтакорлар мўл-кўл «оқ олтин» етиштирдилар ва давлатга шу чоққача мисли кўрилмаган миқдорда — 5 миллион 763 минг тонна пахта топширдилар.

Республикамизда пахта етиштиришнинг тинмай ўсишида партия ва ҳукуматнинг оталарча ғамхўрлиги билан бир қаторда пахтакорлар маҳорати ва қаҳрамонлиги, уларнинг ўз интернационал бурчига содиқлиги, қудратли моддий-техника базаси, қишлоқ хўжалигининг индустриал негизи юксак даражада эканлиги ҳал қилувчи роль ўйнади. Шу муносабат билан КПСС МҚ Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг ««Оқ олтин»ни олтин қўллар яратади» сарлавҳали мақоласидан қуйидаги сатрларни келтириб ўтиш ўринлидир: «Биз совет пахтачилиги зонасида, шу жумладан, унинг асосий райони бўлган Ўзбекистонда суғориладиган ерларда пахта ва бошқа экинлар етиштиришнинг гарантияланган шарт-шароитлари яратилди, деб айтишга ҳақлимиз» («Совет Ўзбекистони» газетасининг 1979 йил 18 декабрь сони).

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг индустриал даражаси ўсиши таъсирида бу соҳа ходимларининг меҳнати янада юқори босқичга кўтарилмоқда, унинг самарадорлиги ва сифати ошмоқда. Бу процесс меҳнатнинг характери, мазмуни ва шароитлари, уни ташкил этиш формалари ва моддий рағбатлантириш формалари ўзгариб бораётганлигида амалий суратда ифодаланмоқда.

Маълумки, замонавий фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришда кенг қўлланиш уни индустриялашнинг муҳим йўналишидир. Фан ва техника тараққиёти таъсирида қишлоқ хўжалигида юз бераётган ўзгаришлар учун қуйидагилар: қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида банд бўлган ходимлар миқдори қисқариб бораётганлиги, улар составида ишчилар салмоғи камайиб бориши, иш кучининг профессионал состави яхшиланаётганлиги, ходимларнинг ишлаб чиқариш-амалий малакаси яхшиланаётганлиги, меҳнат унумдорлигининг тўхтовсиз ўсиб бораётганлиги айниқса характерлидир. Масалан, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига қарашли колхоз ва совхозларнинг ўзида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида банд бўлган ходимлар сони 1978 йилда 1960 йилдагига нисбатан 72,4 процент қисқарди. Шуни айтиш керакки, ушбу қисқариш ишлаб чиқариш ҳажми кўпайган ва экин майдонлари кенгайган бир пайтда юз берди. Чунончи, айтиб ўтил-

ган даврда экин майдонларининг ўсиши 11,5 процентни, шу жумладан пахта майдонларининг ўсиши 16,5 процентни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг индустриал даражаси ошиб бораётганлиги иш кучининг социал структурасига (категорияларига) таъсир этмоқда. Бунинг натижасида инженер-техник ходимлар сони ортиб бормоқда. Масалан, Ўзбекистон совхозларидаги иш кучи структурасида доимий ишчиларнинг салмоғи 1978 йилда 1960 йилдагига нисбатан 6,4 процент камайди, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар салмоғи эса, аксинча, 2,8 процент кўпайди.

Бу объектив жараёндир, аммо шуни айтиш керакки, умумий ишловчилар сонида ишчилар салмоғининг камайиши уларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришдаги роли пасайганлигини англатмайди, чунки айни вақтда ишчиларнинг профессионал составида ижобий ўзгаришлар юз беради. Масалан, 1978 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида механизаторлар салмоғи 1965 йилдагига нисбатан 2,7 процент ошди ва 10,1 процентга етди. Айрим илғор хўжаликларда бу ўсиш янада каттароқдир. Чунончи, Наманган областининг Задарё районидаги «Гулбоғ» пахтачилик совхозида 1978 йилда ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг умумий сонида механизаторлар салмоғи 1965 йилдагига нисбатан 3 баравар кўпайди ва 28,8 процентни ташкил қилди, шу райондаги «Гигант» колхозида 2 баравар кўпайди (23 процент). 1978 йилда республика колхоз ва совхозларида 219 мингдан кўпроқ механизаторлар ишлади (1965 йилдагига нисбатан уларнинг сони 94 минг киши кўпайди). Эндиликда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги ҳар саккиз ходимнинг бири механизатордир (1965 йилда бу нисбат 1:14 га тенг эди).

«Ҳозирги замон ишлаб чиқариши фақат машиналар, техника олдигагина эмас,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев,— балки биринчи галда ходимларнинг ўзлари олдига, ана шу машиналарни яратаётган ва ана шу техникани бошқараётган кишилар олдига тобора каттароқ талаблар қўймоқда» (Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар. 3-том, 268-бет). Ана шу талаблар асосида ишчи кадрларнинг профессионал тайёргарлик даражасини системали суратда ошира бориш, улар составида махсус маълумотли ходимлар салмоғини кўпайтиришнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Ўзбекистон колхоз ва совхозларида бу йўналишда муайян иш олиб борилмоқда.

Республикамиз қишлоқ хўжалигини индустриялаш билан бир вақтда ходимлар орасида механизатор, ремонтчи-слесарь, электромонтёр сингари ва бошқа касблар намояндалари кўпайиб бормоқда. Уларнинг профессионал малакаси ошмоқда. Чунончи, республика қишлоқ хўжалигида банд бўлган жами тракторчи-механизаторларнинг умумий сонидан 57,2 проценти, шу жумладан колхозлардаги механизаторларнинг 59,8 проценти ва совхозлардаги механизаторларнинг 53,7 проценти I ва II классли мутахассислардир. I классли механизаторлар 1978 йилда 1965 йилдагига нисбатан колхозларда қарийб 2 баравар кўпайди ва 1965 йилдаги 15,7 процент ўрнига 29,6 процентни ташкил қилди. Умуман республикада механизаторлар малакасининг ҳар йилги ўсиши 7—9 процентни ташкил қилади.

1975—1978 йилларда Ўзбекистонда тайёрланган 357,3 минг малакали ишчиларнинг 162 минги ёки 45 процентдан кўпроғи қишлоқ хўжалигига юборилди. Шу даврда 100 мингга яқин колхозчи янги касбларни эгаллади. 300 мингдан кўпроқ киши эса ўз малакасини оширди.

Шу билан бирга кадрлар тайёрлаш суръатлари ўсиб бораётган ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан ҳали орқада қолаётганлигини қайд қилиб ўтишимиз керак. Ҳозирги вақтда ҳар 100 нафар тракторга тўғри келадиган тракторчи-машинистлар сони республика бўйича 122 киши-

ни ташкил қилади, бу эса бир ярим-икки сменали ишлашга ўтишга имкон бермайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1979 йил январда қабул қилинган «Республика қишлоқ хўжалиги учун механизатор кадрлар тайёрлашни кенгайтириш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарори хўжаликларни механизатор кадрлар билан янада мустаҳкамлаш ва улар малакасини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Қишлоқ хўжалигини техника билан қайта қуроллантириш жараёнида раҳбарлар ва мутахассислар (инженер-техник ходимлар) меҳнати анча мураккаблашиб бормоқда, бу эса уларнинг билим даражасини тўхтовсиз ошира боришни талаб этади. Шуни айтиш керакки, кейинги вақтда республикамизда бу борада ижобий ўзгаришлар юз берди ва ҳозирги вақтда совхоз директорларининг 98,7 проценти, бўлим бошқарувчиларининг 72,9 проценти, бош мутахассисларнинг 94,8 проценти, агрономларнинг 91,7 проценти, колхоз раисларининг 95,7 проценти, улар ўринбосарларининг 94 проценти, агрономларнинг 92,7 проценти, зоотехникларнинг 95,3 проценти олий ва ўрта махсус маълумотга эгадир. Умуман Ўзбекистондаги колхоз ва совхозларда агрономларнинг 91,7 проценти, зоотехникларнинг 93,8 проценти, ветеринария врачлари, техниклари ва фельдшерларининг 92,3 проценти дипломли ходимлардир.

Шу билан бирга республика колхоз ва совхозларида инженер ва техникларнинг (механикларнинг) атиги 59,4 проценти, деҳқончиликдаги ишлаб чиқариш бригадалари бошлиқларининг 25 проценти, чорвачилик фермалари мудирларининг 43,3 проценти олий ёки ўрта махсус маълумотга эга (тўғри, умуман олганда бу 1965 йилдаги 42,1 процент ўрнига 57,6 процентни ташкил қилади). Колхозларда дипломли мутахассислар салмоғи совхозлардагига нисбатан пастроқдир (бу гап зоотехниклар билан инженерларга айниқса тааллуқлидир), шунингдек колхозлар олий маълумотли агрономлар ва зоотехниклар миқдорининг кўпайиш суръатлари жиҳатидан ҳам совхозлардан орқада қолмоқда. Колхозчилар орасида олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган ишлаб чиқариш бригадалари бошлиқлари ва чорвачилик фермаларининг мудирлари проценти ҳам унчалик катта эмас.

Карл Маркс кўрсатган эдики, фан-техника тараққиёти «ишлаб чиқаришнинг техник базасида ва шу билан бирга ишчиларнинг функцияларида ҳамда меҳнат процессининг ижтимоий комбинацияларида ҳам доимо ўзгаришлар ясаб туради» (К. Маркс. «Капитал», I том, Тошкент, Ўздавнашр, 1955, 538-бет). В. И. Ленин қишлоқ хўжалик машиналарини жорий қилиш қуйидаги муҳим оқибатларга олиб келишини алоҳида уқтирган эди: иш кучининг тежалиши, меҳнатнинг жадаллашуви ва арзонлашуви, йил давомида иш кучига бўладиган талабнинг текисланиши, ишларнинг яхшироқ бажарилиши (Ленин тўплами XXXII. М., Госполитиздат, 1938, 163-бетга қаралсин).

Марксизм-ленинизм классиклари қайд қилган ўзгаришлар пахтачиликка ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир. Бу соҳада индустриялаш таъсири остида қуйидаги сифат ўзгаришлари юз бермоқда:

айрим касб ва иш турлари йўқолиб бормоқда. Чунончи, кетмончи, қўшчи, аравакаш каби ва бошқа касблар ўтмишда қолиб кетди, ерни от билан ҳайдаш, қатор ораларини кетмон чопиқ қилиш ва от билан ишлов бериш ва ҳоказо ишларга барҳам берилди;

янги хил касблар ва иш турлари вужудга келмоқда. Ҳозирги вақтда пахтачиликда механизатор марказий фигура бўлиб қолди, созловчи-уста, механизатор-сувчи, сигналчи ва самолётларга заҳарли химикатлар жойловчи каби касблар пайдо бўлди. Янги иш турлари орасида эса ғўзани дефолиация қилиш ва десикациялаш, гербицид солиш, пахтани машинада териш ва ердан териб олиш, экинни маши-

нада суғориш ва ғўзани механизмлар ёрдамида чеканка қилиш, механизмлар ёрдамида ғўзапоя юлиш ва уни майдалаш ва ҳоказоларни келтириб ўтиш мумкин;

. айрим ижрочиларнинг меҳнат функцияси ёки меҳнат жараёнининг баъзи бир элементлари ўзгармоқда, муайян иш турларини бажариш зарурияти йўқолмоқда ёки уларнинг ҳажми анча қисқармоқда, бир неча технологик операцияни бирга қўшиб олиб бориш учун кенг имконият вужудга келмоқда. Чунончи, чигит экиш билан ерга ўғит солиш, гербицид сочиш билан суғориш эгатлари олиш, культивация билан ўғит солиш ва эгат олиб кетиш ишлари бир вақтда бажарилади.

Шуни айтиш керакки, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида технологик жараёнларнинг бирлаштирилиши, шубҳасиз, катта иқтисодий ва агротехникавий самара келтиради. Аммо бундай бирлаштириш бевосита ижро этувчиларнинг меҳнат функциясини анча кенгайтириши туфайли унинг жисмоний ва ақлий куч сарфлашини ҳам оширади. Бу эса, бир томондан, меҳнатнинг сифатига баҳо бериш методларини янада такомиллаштиришни, иккинчи томондан, меҳнат учун яхши шароит яратиб беришни, жумладан машина ва агрегатлар конструкциясини яхшилашни талаб этади. Кейинги йўналишда ҳозирдаёқ анча ишлар қилинди: мамлакат саноати юмшоқ ўриндиқли ва ҳайдов сифатини контроль қилиб борадиган автомат қурилмалари бўлган тракторлар ишлаб чиқармоқда: тут дарахтларини, йўл ёқалари ва ариқларни бегона ўсимликлар ҳамда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши заҳарли химикатлар билан дорилайдиган аппаратлар эндиликда тракторнинг орқа қисмига осиб ўрнатиладиган бўлди; ёмғирлатиб суғориш, машинада суғориш ва бошқа прогрессив методлар жорий қилинмоқда. Шу билан бирга Ўрта Осиё республикаларининг иссиқ ва қуруқ иқлими, шунингдек бевосита ишлаб чиқариш шароитлари (машиналар тебраниши ва шовқини, лой, чанг ва шу кабилар) меҳнатнинг энг яхши ва қулай санитария-гигиена шароитларини яратиш устида ҳам иш олиб бориш заруриятини келтириб чиқармоқда. Шу муносабат билан герметик кабинали тракторлар ва пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, механизмлар ёрдамида суғориш кўламини кенгайтириш ва бошқа тадбирлар катта аҳамиятга эгадир.

Пахтачиликнинг ҳозирги техника базаси меҳнатни ташкил қилишнинг потокли-конвейер усулини ишлаб чиқаришга жорий қилиш имконини беради, бунда бутун технологик жараён бир бутун, узлуксиз ҳолатга келади. Илғор пахтакор республикаларнинг тажрибаси бундай усул ниҳоятда фойдали эканидан далолат беради. Ихтисослаштирилган отрядлар (ёки звенолар) ташкил этилиши техникадан, меҳнат ва бошқа ресурслардан янада самарали фойдаланишга ёрдам беради. Чунончи, 1979 йилда пахтани қўлда териш ҳажми Ўзбекистонда бир неча йилги ўртача даражадан ортиқ бўлмагани ҳолда механизаторлар ҳосилнинг қарийб учдан икки қисмини мисли кўрилмаган қисқа муддатларда териб олдилар, шу билан бирга ҳар бир агрегат билан ўрта ҳисобда 104 тонна пахта терилди. Терим-транспорт отрядлари ишини аниқ, батартиб йўлга қўйиш натижасида машиналардан юқори унумли фойдаланиш таъминланди.

Потокли-конвейер усули фақат бригадалар ва хўжаликнинг бошқа бўлинмаларидаги меҳнатни эмас, балки машиналар ёнида конкрет ишларни бажариш билан банд бўлган одамлар меҳнатини ҳам кооперациялашни чуқурлаштиради. Бу эса комплекс ишларнинг ҳар бир элементини сифатли ва ўз вақтида бажариш учун масъулиятни оширади. Аммо бундай ҳолда бутун экипажнинг пировард иш натижаларини эътиборга олмай туриб, айрим ижрочилар меҳнатининг миқдори ва сифатига объектив баҳо бериб бўлмайди. Бунинг учун ҳар бир

кишининг меҳнат ҳиссасини ҳисобга олишнинг янада самаралироқ формалари талаб қилинадики, бу нарса бутун экипажни ва унинг ҳар бир аъзосини моддий рағбатлантиришни тўғри ташкил этишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Тўхтовсиз жадаллашиб бораётган фан-техника тараққиёти негизида пахтачиликни индустриялаш объектив суратда ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш формаларининг ўзгаришига олиб келади. Чунончи, тармоқнинг техникавий базаси анча ўсган шароитда мустақил ишловчи трактор ва далачилик бригадаларидан трактор-далачилик бригадаларига (комплекс механизациялашган бригадаларга) ўтиш қонуний бир ҳолдир.

Ҳозир пахтачиликда меҳнатни ташкил этишда қуйидаги тенденциялар кўзга ташланмоқда.

Биринчидан, пахтачилик бригадаларининг экин майдонлари йириклаштирилмоқда. Масалан, 1978 йилда бутун Ўзбекистон колхозларида бригадалар экин майдонларининг катталиги 1972 йилдагига нисбатан 5,6 гектар ортди ва 81,3 гектарни ташкил қилди. Самарқанд, Тошкент ва Наманган областларидаги колхозлар бригадаларининг экин майдонлари айниқса йириклашди —110—150 гектарга етди. Қорақалпоғистон АССР ва Қашқадарё областида бригадаларнинг экин майдонлари нисбатан майдалигича қолмоқда: бу ерда уларнинг ўртача катталиги 30 гектардан 60 гектаргача боради. Йириклаштирилган бригадалар ташкил этиш ва меҳнатни звенолар ичида ташкил этиш формаси ўрта звенодаги бошқарув аппаратини анча арзонлаштиришидан ташқари, техникадан янада самаралироқ фойдаланишга ёрдам беради. Терим агрегатлари ва транспорт воситаларидан фойдаланишда бу самара айниқса яхши намоён бўлади.

Иккинчидан, юқорида қайд қилиб ўтилганидек, ҳамма жойда терим-транспорт отрядлари ташкил қилинмоқда. Чунончи, 1979 йилда республикамиздаги колхозларнинг пахта далаларида 3120 дан кўпроқ ана шундай отрядлар ишлади.

Учинчидан, далаларга органик ўғит олиб чиқиш билан шуғулланадиган звенолар ташкил қилинмоқда.

Тўртинчидан, ерларни мелиорациялаш ва ўзлаштириш бўйича ихтисослашган ишлаб чиқариш отрядлари, агрохимия хизмати группалари ва ҳоказолар ташкил қилинмоқда. Меҳнатни ташкил этишнинг звеноли формасини ривожлантиришда ҳам янги муҳим тенденциялар кузатилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини индустриялаш меҳнатнинг мазмуни ва функцияларида сифат ўзгаришларини келтириб чиқаради, унга ҳақ тўлаш даражасини оширишни объектив суратда талаб этади. Партия ва ҳукумат бу йўналишда катта тадбирларни амалга оширди. Натижада 1965—1978 йилларда Ўзбекистонда совхоз ишчиларининг ўртача ойлик иш ҳақи 1,9 баравардан зиёд, колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш 2,4 баравар ошди ва тегишли равишда 137 ва 110 сўмни ташкил қилди. Пахтачиликда бир киши-кунга ҳақ тўлаш ҳам анча ўсди: совхозларда у 1978 йилда 1970 йилдагига нисбатан 1,4 баравар, колхозларда 1,3 баравар ошди ва тегишли равишда 5,85 ва 5,70 сўмга тенг бўлди.

Меҳнат индустриал даражасининг ўсиши, уни ташкил этиш ва шароитининг яхшиланиши малакали кадрлар, шу жумладан механизаторларнинг умумий сони кўпайиши қишлоқ хўжалигида асосий кўрсаткич ва меҳнат самарадорлиги мезони бўлган унинг унумдорлиги ортишига ёрдам бермоқда. Чунончи, 1978 йилда Ўзбекистонда 1 центнер пахта етиштириш учун ўрта ҳисобда 1965 йилдаги 36 киши-соат ўрнига 31,5 киши-соат сарфланди (колхозларда 38 ўрнига 33,1 киши-соат, совхозларда эса 30 ўрнига 27,5 киши-соат сарфланди). Бу эса

халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари учун зарур бўлган талайгина ходимларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидан бўшатиб олиш имконини беради.

Бироқ, бир томондан, колхоз ва совхозларнинг техника билан ҳозирча етарли таъминланмаганлиги, иккинчи томондан, илғор технология, прогрессив агрономия усуллари ишлаб чиқаришга ҳамон суст жорий қилинаётганлиги қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини янада ўстиришга салбий таъсир этмоқда. Чунончи, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг тракторларга эҳтиёжи ҳозирги вақтда 74,4 процент, трактор прицепларига эҳтиёжи 78 процент, универсал юк ортиш машиналарига эҳтиёжи 41 процент қондирилган. 1978 йилда гербицидлар билан дориланган пахтазорлар салмоғи умуман республикада 55,3 процентни, Фарғона, Андижон ва Хоразм областларидаги хўжаликларда эса 19—40 процентни ташкил қилди. Кенг қаторлаб экилган далалар Қашқадарё ва Фарғона областларида умумий пахта майдонининг 6—10 процентини ташкил этди, аниқ миқдорда чигит ташлаб экилган далалар салмоғи Қорақалпоғистон АССР, Қашқадарё ва Фарғона областлари хўжаликларида 12—22 процентга, Хоразм области колхозларида атиги 3,8 процентга тўғри келди.

Пахта етиштиришнинг ҳозирги, айниқса эртанги кундаги ҳажмлари пахтачилик техникасининг бутун комплексини такомиллаштириш проблемасини қатъий суратда биринчи ўринга қўймоқда. Зотан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг, шу жумладан пахтачиликнинг индустриал даражасини оширишда катта сифат ўзгаришлари юз берганлигига қарамай, Ўзбекистондаги колхоз ва совхозларда қўл меҳнати ва оғир жисмоний меҳнатнинг салмоғи ҳали ҳам анча катта, айрим иш турларини механизациялаш даражаси кўзланганидан ҳали анча орқада, технология процессларини комплекс механизациялаш ҳамма жойда таъминланган эмас. Анализ шуни кўрсатадики, колхоз ва совхозларнинг техника билан таъминланганлик меъёри ҳали норматив даражасига етгани йўқ ва тахминан 60—72 процентни ташкил этади. Бундай аҳвол дала ишларини механизациялаш суръатларини анча пасайтиради, уларни энг яхши агротехника муддатларида ўтказишга тўсқинлик қилади, бу эса пировард натижада экинлар ҳосилдорлигига ва бутун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Пахтакор колхоз ва совхозларнинг, айниқса янги ўзлаштирилган ва суғорилган зоналардаги (Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССР) хўжаликларнинг техника билан таъминланганлик даражаси паст эканлиги кадрлар проблемасини ва қишлоқ меҳнатчилари турмушининг социал-маиший шароитлари проблемасини ҳам чуқурлаштиради. Чунончи, техника етишмаслиги сабабли хўжаликлар қишлоқ хўжалик ишларига одамларни кўпроқ жалб қилишга мажбур бўлмоқдалар, бу эса қўшимча уй-жойлар, маданий-маиший объектлар қуриш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ортиқча маблағ сарфлаш зарурнятини келтириб чиқармоқда.

Яна бир муҳим проблема — қишлоқ хўжалик машиналарининг ҳамма хиллари тўлиқ мавжуд эмаслиги бўлиб, бу меҳнат унумдорлигининг ўсишига, пахтакор-механизаторлар меҳнатини ташкил этишни такомиллаштириш ва иш шароитини яхшилашга, пахта таннархини камайтиришга тўсқинлик қилади.

Пахтачиликнинг индустриал даражаси ўсиши билан бир вақтда машина ва механизмлардан фойдаланиш самарадорлиги ошмоқда. Чунончи, 1975—1978 йилларда тракторларнинг ўртача иш унуми (шартли эталон гектарларда бир тракторнинг иш нормаси) Ўзбекистон колхоз ва совхозларида 16,8 процент ўсди ва 1975 йилдаги 1062 гектар ўрнига 1240 гектарни ташкил қилди. Шу билан бирга ана шу

даврда тракторлар парки 14,8 процент кўпайгани ҳолда уларнинг сменали коэффициенти ошиши у ёқда турсин, аксинча 1,3 дан 1,12 га қадар камайиб кетди. 1975 йилда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига қарашли колхоз ва совхозларда бир тракторга 1975 йилда 201 машина-кун тўғри келган бўлса, 1978 йилда 169 машина-кунга тушиб қолди. Шундай қилиб, қишлоқ хўжалик техникасининг ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этишининг камайиши унинг миқдорини кўпайтириш ҳисобига қопланмоқда.

Бинобарин, мавжуд техникадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун республика колхоз ва совхозлари ҳар бир машинанинг иш унумини ошириш билан бирга машиналарнинг сменалилик коэффициентини ва уларнинг қишлоқ хўжалигидаги барча ишлар комплексини бажаришда қатнашиш даражасини оширишни таъминлашлари керак. Бу КПСС МҚ 1979 йил ноябрь Пленумининг ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг барча резерв ва имкониятларини тўла ишга солишга қаратилган йўл-йўриқларидан бевосита келиб чиқади.

КПСС МҚ 1978 йил июль Пленуми ўн биринчи беш йилликда барча энг муҳим қишлоқ хўжалик экинлари, шу жумладан пахта етиштиришни комплекс механизациялашни поёнига етказишдан иборат конкрет вазифани қўйди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1979 йил июнда бўлган XIII пленумида қайд қилинганидек, республикада пахтачиликни комплекс механизациялашни туғаллаш борасида собитқадам иш олиб борилмоқда. Шу вақтга қадар ерларга асосий ишлов бериш ва экишдан олдин ишлаш, қатор ораларига ишлов бериш ва эгат олиш, минерал ўғит солиш ва бошқа бир қатор ишлар тўла механизациялаштирилди. Пахта теримини механизациялаш даражаси тўхтовсиз ошиб бормоқда: 1978 ва 1979 йилларда ҳосилнинг ўрта ҳисобда 62 процентдан кўпроғи (3,4 миллион тоннадан зиёд пахта) машиналарда териб олинди. 1980 йилда пахтани машинада териш ҳажми 75—80 процентга етказилади. Бу нафақат иқтисодий, балки катта социал аҳамиятга ҳам эга бўлган жуда муҳим ва масъулиятли вазифадир.

Бироқ, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленуми қайд қилганидек, комплекс механизацияни жорий қилиш суръатлари ҳали ҳамма жойда етарли даражада юқори эмас, республиканинг бир қатор областларида пахта етиштиришда қўл меҳнатининг улуши катта, пахта теримини механизациялаш даражаси паст. Пленум пахтачиликдаги ишларни механизациялашни кучайтиришни, мавжуд техникадан янада рационалроқ фойдаланишни, барча прогрессив, илғор нарсаларни ишлаб чиқаришга активроқ жорий қилишни талаб этди.

Ўзбекистон Компартияси ва ҳукумати амалга ошираётган қишлоқ хўжалигини тўхтовсиз индустриялаш сиёсати қишлоқ хўжалик ходимлари меҳнати самарадорлиги ва сифатини ошириш учун қулай шарт-шароит яратади, ушбу ҳаётий муҳим тармоқни социалистик экономиканинг юксак тараққий этган секторига айлантиришга ёрдам беради.

ИДЕОЛОГИЯ ИШИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ОШИРИЛМОҚДА

М. МУҲИДДИНОВ,
Ўзбекистон Компартияси Андижон область комитетининг секретари

ОММАНИНГ онглилиги ва активлигини ошириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиш партиявий ишнинг муҳим мундарижаси бўлиб, ҳозир айниқса актуал тус олди. КПСС МҚ Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партиянинг XXV съездидаги докладида бундай деб кўрсатган эди: «Ҳозирги замон шароити партиянинг идеологик фаолияти олдига янги вазифалар қўймоқда. Партия ташкилотларининг тажрибаси бизга қандай йўлдан бориш кераклигини кўрсатиб бермоқда. Шу йўлдан борсак, идеология ишининг самарадорлигини оширишга эриша оламиз. Бу йўл — бутун тарбия ишини комплекс тарзда олиб бориш, яъни меҳнаткашлар турли группаларининг хусусиятларини ҳисобга олиб, ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбияни бир-бири билан чамбарчас боғлаб олиб бориш йўлидир».

КПСС Марказий Комитети съезд қарорларини амалга ошира бориб, ғоявий-тарбиявий иш масалаларини комплекс ҳал этишга кўмаклашувчи бир қатор қарорлар қабул қилди. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини совет кишилари партиянинг оммани коммунистик руҳда тарбиялашни такомиллаштириш ҳақидаги ғамхўрлигининг яна бир ифодаси сифатида қабул қилдилар. Бу ҳужжат партияни, унинг идеология кадрларини фаолиятнинг конкрет программаси билан қуроллантирди. Уларнинг фаолияти ҳар бир совет кишисида юксак ғоявийликни, маданиятни, меҳнатга коммунистик муносабатни, ахлоқий поклик ва жисмоний баркамолликни тарбиялашга, актив ҳаётий позицияни шакллантиришга қаратилиши лозим. Ўзбекистон Компартияси МҚ XIII пленуми (1979 йил июнь) КПСС МҚнинг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилиб, тарбиялаш ишига комплекс ёндашишни таъминлаш воситалари ҳақида конкрет қарор қабул қилди.

Ҳозир коммунистлар, партия ва комсомол ходимлари, пропагандистлар, сиёсий ахборотчилар ва агитаторлар учун, кишиларни ғоявий жиҳатдан чиниқтириш ва тарбиялашдек буюк иш ишониб топширилган барча кишилар учун энг муҳим нарса — КПСС МҚ қарорини ижодий, чуқур ўйлаб ва қунт билан кун сайин бажариб боришдан иборатдир. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МҚ секретари ўртоқ М. А. Суслов идеология ходимлари Бутуниттифоқ кенгашидаги «Бутун партиянинг иши» мавзуидаги докладида айтганидек, «коммунистик тарбия — коммунизм учун курашнинг муҳим фронтидир. КПСС Марказий Комитетининг қарорларини амалга ошириш,

меҳнаткашларни тарбиялаш соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш коммунистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятлар қозонишга қаратилган, омма орасида олиб бориладиган бутун ташкилотчилик ва сиёсий ишларни яхшилашга ёрдам беради».

Андижон область партия ташкилоти партия ва ҳукумат кўрсатмаларига амал қилиб, идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни ҳамма йўналишлар бўйича яхшилашга интилмоқда. Партия комитетлари бу ишнинг мазмунини чуқур ўргана бошладилар, ўз фаолиятларининг бу муҳим участкасига раҳбарлик савиясини оширдилар. Кишилар ижтимоий онгининг ўсиши уларнинг меҳнат соҳасидаги ютуқларида, область олдида турган хўжалик-сиёсий вазифаларни самаралироқ ҳал этишда намоён бўлмоқда. КПСС МК июль ва ноябрь (1978 йил), ноябрь (1979 йил) Пленумларининг қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида, «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» китобларида баён қилинган кўрсатмалари ва тавсиялари, идеология ходимлари Бутуниттифоқ кенгашининг материаллари асосида коммунистлар, барча меҳнаткашлар учун конкрет иш программаси ишлаб чиқилди.

Меҳнаткашларнинг фидокорона меҳнати ва қаҳрамонлиги, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг катта ташкилотчилик ва ғоявий-сиёсий ишлари туфайли шу беш йилликнинг ўтган йилларида область экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда катта ютуқлар қўлга киритилди. Саноатнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари анча ўсди, ўнларча корхоналар, цехлар ва бошқа муҳим объектлар ишга туширилди. 110дан ортиқ номдаги маҳсулот давлат Сифат белгиси билан чиқарилаётир.

Область бинокорлари ҳам муайян ютуқларга эришдилар. Улар тўрт йиллик капитал маблағларни ўзлаштириш планини ортиғи билан бажардилар, бир ярим миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой, ўнларча мактаб, болалар боғчалари, маданий-маиший муассасалар қурдилар. Улар катта ҳажмдаги сув хўжалиги ишларини бажардилар.

Область партия ташкилоти қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилмоқда. У коммунистлар, қишлоқлардаги барча меҳнаткашларнинг куч-ғайратини партиянинг аграр сиёсатини, КПСС МК июль (1978 йил) Пленуми қарорларини амалга оширишга қунт билан йўналтирмоқда. Ўтган 1979 йилда пахтакорлар чинакам меҳнат жасорати кўрсатдилар. Дала қаҳрамонлари мислсиз ҳосил етиштирибгина қолмай, уни қисқа муддат ичида йиғиб-териб олдилар. Бунда ҳар қачон бўлганидек хом ашё сифатига катта эътибор берилди. Чунки областимиз республикадаги бутун чигитнинг ярмига яқинини тайёрлайди ва бинобарин, бўлажак мўл ҳосилга негиз яратади.

Ўтган йилнинг ҳамма қийинчиликларига қарамай, пахтакорлар эришган муваффақиятни таҳлил қиладиган бўлсак шундай деб хулоса чиқариш мумкин: бу катта хўжалик-сиёсий ишларнинг, колхоз ва совхозлардаги моддий-техника имкониятларидан моҳирона фойдаланишга қаратилган ташкилий тадбирлар комплексининггина эмас, балки қишлоқ аҳолисининг ҳам, унга ёрдамга келган шаҳар аҳолисининг ҳам ўз ижтимоий бурчига юксак онгли муносабатини таъминлаган тарбиявий ишларнинг ҳам натижасидир. Пахта терими даврида Ўзбекистондаги барча дала меҳнаткашлари сингари андижонликлар ҳам кўрсатган жасорат, ватанпарварлик, интернационал бурчни чуқур англаш, ўзаро ёрдам ва меҳнат қаҳрамонлигини кўрсатувчи юзлаб мисолларни келтириш мумкин.

Ғаллакорлар, сабзаводкорлар, соҳибкорлар, пиллакорлар, чорвачилик ходимлари ҳам яхши меҳнат қилдилар.

Биз эришилган ютуқларни бу йил янада самаралироқ ва сифатлироқ ишлаш учун пойдевор деб билмоқдамиз. Биз хўжалик фаолиятида ҳам, идеология ишида ҳам В. И. Лениннинг **«албатта олға қараб боришимиз, албатта кўпроқ натижаларга эриша боришимиз»,** керак деган васиятига амал қилмоқдамиз.

Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни муттасил такомиллаштириб бориш бизларга ана шу вазифани ҳал этишда ёрдам бераётир.

КПСС МҚ қарорида таъкидланганидек, совет кишиларида илмий дунёқарашни, партия ишига, коммунистик идеалларга чексиз садоқатни, социалистик Ватанга муҳаббатни, пролетар интернационализми туйғусини шакллантириш бу ишнинг асоси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Қоммунистлар, комсомоллар, кенг меҳнаткашлар оммасининг сиёсий ва иқтисодий таълими партиямизнинг ана шу программ мақсадини амалга оширишга қаратилгандир. Ҳозир областда партия ўқувининг барча формаларига 71 мингдан кўпроқ киши жалб қилинган, комсомол сиёсий маорифи системасида 57 мингдан ортиқ ёшлар шуғулланмоқда. Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари марксча-ленинча таълимнинг сифати ва самарадорлигини ошириш, унинг ҳаёт билан, меҳнат коллективларининг амалий вазифалари билан алоқасини кучайтириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилмоқдалар.

Андижон ёғ-мой комбинати, гидролиз заводи, Избоскан районидаги партия XX съезди номли, Ленин районидаги «Правда Востока», Пахтаобод районидаги Ёқубов номли, Москва районидаги «Қизил юлдуз», Олтинкўл районидаги «Коммуна» колхозлари, Балиқчи районидаги М. Горький номли, Комсомолобод районидаги СССР 50 йиллиги номли совхозлар партия ташкилотларида сиёсий маорифни йўлга қўйиш тажрибаси маъқуллашга арзигуликдир. Бу меҳнат коллективларида сиёсий машғулотлар учун марксча-ленинча назарияни эгаллашга астойдил қизиқиш, тингловчиларнинг юксак активлиги, ўрганилаётган материалнинг корхона, хўжалик амалий ишлари ва конкрет вазифалари билан мустаҳкам боғлиқ эканлиги характерлидир. Буларнинг ҳаммаси ходимлар онглилиги, меҳнат ва социал активлигининг ўсишига, бошқа коллективларга нисбатан яхшироқ ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришаётган мазкур коллективларнинг хўжалик фаолиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Маълумки, сиёсий маориф савияси ва самарадорлиги кўп жиҳатдан пропагандист кадрларнинг сифат составига боғлиқ. Партия комитетлари КПСС XXV съезди талабларини, Марказий Комитетнинг бир қатор қарорларини бажара бориб, пропагандистларнинг ғоявий-назарий савиясини ва методик тайёргарлигини оширишга кўпроқ эътибор бера бошладилар. Ҳозирги вақтда областдаги 9 мингга яқин пропагандист ўз билими ва маҳоратини меҳнаткашларни марксизм-ленинизм ғоялари асосида тарбиялаш ишига бағишламоқда. Булар асосан катта назарий билимга эга бўлган, ўз зиммаларига юклатилган масъулиятли вазифаларни муваффақиятли ҳал эта оладиган кишилардир.

КПСС МҚнинг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори пропаганда ва агитациянинг омилкорлиги ва конкретлилигини, унинг ҳаёт билан, хўжалик-сиёсий вазифаларини ҳал этиш билан алоқасини кучайтириш вазифасини юклайди. Область пропагандистлари ватанпарварлик ташаббусларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар, улардан 5 минг киши «Пропагандист — самарадорлик ва сифат беш йиллигига» ҳаракатида қатнашмоқда. Тажрибали мутахассислар бўлган бу кишилар тингловчиларга социалистик мажбуриятларни ишлаб чиқишда кўмаклашмоқдалар, коллектив аъзоларининг меҳнат ва социал активлигини оширишда кўмаклашувчи топшириқлар бермоқдалар.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари меҳнаткашларни коммунистик онглилик руҳида тарбиялашнинг энг муҳим формаси бўлган иқтисодий таълимни ривожлантиришга доимо эътибор бериб келмоқдалар. Ҳозир бу системада 140 мингдан кўпроқ киши шуғулланмоқда. Уч йил ичида тингловчилар сони қарийб 20 минг кишига етди. Ишчилар ва колхозчиларнинг ҳамма жойларда ташкил этилган иқтисодий ўқуви корхоналарда, хўжаликларда меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам бермоқда.

КПСС Марказий Комитети партия ташкилотлари зиммасига меҳнат коллективларида ва аҳоли яшайдиган жойларда оммавий-сиёсий ишларни қунт билан такомиллаштириш, тарбиявий вазифаларни комплекс ҳал этишда бу ишнинг ролини кучайтириш вазифасини юклади. Область партия комитетлари идеология фаолиятининг бу муҳим участкасига доимо катта эътибор бериб келмоқдалар.

Областда 5700 дан кўпроқ сиёсий ахборотчи ва қарийб 14,5 минг агитатор меҳнаткашлар орасида агитация-оммавий ишларни олиб бормоқда. Беш йил илгари уларнинг составида коммунистлар 50 процентни ташкил қилган бўлса, ҳозир 65 процентдан ошиб кетди. Уларнинг кўпчилиги олий маълумотга эга. Сиёсий ахборотчилар орасида саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, совхоз ва колхозлар раҳбарларининг сони шу давр ичида икки баравар ортди. Агитаторлар составининг мустаҳкамланиши ҳам шу йўналишдан бормоқда.

Партия ташкилотлари сиёсий-оммавий ишда доимо ўртоқ Л. И. Брежневнинг қуйидаги кўрсатмасига амал қилмоқдалар: «Оммани сиёсий тарбиялаш муваффақиятининг мезони конкрет ишлардир, албатта». Агитаторларимиз, сиёсий ахборотчиларимиз партиянинг ички ва ташқи сиёсатига оид актуал масалаларни, мамлакат ва меҳнат коллективлари олдида турган вазифаларни тушунтириб, меҳнаткашларни саноат ва қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, план ва мажбуриятларни сўзсиз бажариш учун фидокорона курашга сафарбар этмоқдалар.

Ўтган йили йиғим-терим пайтида идеология фронтининг жангчилари колхоз ва совхоз далаларида ўз ишларини худди шундай олиб бордилар. Область республиканинг умумий хирмонига 535 минг тонна пахта жўнатди, давлатга ғалла топшириш планини 136 процент бажарди. Деҳқонлар билан ҳар куни суҳбатлашиб турган, энг яқин орадаги хўжалик вазифалари ҳақида ҳикоя қилиб берган ва бу вазифаларнинг сўзсиз бажарилишига ундаган кишиларнинг ҳам 1979 йилги улкан муваффақиятда ўз ҳиссалари бор.

Партия комитетлари агитация кадрларининг самарали ўқувини йўлга қўя олдилар, уларнинг кучларини моҳирона тақсимладилар ва уларга тўғри йўл кўрсатдилар. Бу жиҳатдан Марҳамат ва Москва район партия комитетлари ишини мисол қилиб келтириш мумкин. Улар ҳар ойда агитколлектив мудирлари ва сиёсий ахборотчилар раҳбарларининг семинарларини ўтказиб турдилар, бошланғич партия ташкилотлари эса сиёсий ахборотчилар ва агитаторларнинг семинар-кенгашларини мунтазам ўтказиб турадилар. Бу семинарларда райком бюросининг аъзолари, шаҳар ва район ташкилотларининг, саноат корхоналари ва колхозларнинг раҳбарлари сўзга чиқмоқдалар. Агитация кадрлари зарур методик қўлланмалар, районлар, меҳнат коллективларининг социал-иқтисодий ривожланиши ҳақидаги маълумотлар билан мунтазам таъминлаб турилади. Идеология ходимлари ўз фаолиятлари ҳақида район партия комитетида ва бошланғич партия ташкилотларида вақти-вақти билан ҳисобот берадилар, ишни яхшилаш ҳақида тавсиялар оладилар. Масалан, Марҳамат район партия комитетининг пленумларидан бирида дала шийпонларидаги ғоявий-тарбиявий ва сиёсий-оммавий ишларнинг аҳволи ҳақидаги масала

муҳокама қилинди ва бу ишни яхшилашда ижобий роль ўйнаган конкрет тадбирлар белгиланди. Маълумки, бизнинг шароитимизда дала шийпони йилнинг кўпчилик вақтида қишлоқлардаги бутун оммавий-сиёсий ишларнинг маркази бўлиб қолади. Бу ерда меҳнатни тўғри ташкил қилиш, колхозчилар турмуши ва маданий дам олишини тўғри ташкил этиш масалаларига асосий эътибор берилди.

Социалистик мусобақа оммани коммунистик руҳда тарбиялашнинг самарали воситасидир. КПСС МҚ ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорларининг амалга оширилиши мусобақанинг тарбиявий имкониятларини чуқурроқ намоён қилиш учун катта имконият яратади. Ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумдаги нутқида ҳозирги халқ хўжалиги вазифаларига татбиқан ташкилий, оммавий-сиёсий, идеологик ишлар характери тўғрисида тўхталиб, бу ишнинг асосий йўналишларини қуйидагича ифодалади: социалистик мусобақани бутун чоралар билан авж олдириш, уни сифат кўрсаткичларига қаратиш, муқобил планларни бажариш учун кураш; меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам берувчи илғор тажрибани қўллаб-қувватлаш ва ёйиш; тежамкорлик режимини изчиллик билан ўтказиш, моддий ва молиявий ресурслардан рационал фойдаланиш; меҳнат интизомини бузувчиларга, дангасалик ва бўшангликка қарши кураш. «Барча куч-ғайратларимиз,— деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев,— меҳнаткашларни беш йилликнинг сўнгги йили топшириқларини бажаришга сафарбар этиш вазифасига қаратилиши керак». Область партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ҳозир асосий эътиборларини худди шу нарсага қаратмоқдалар.

Меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракати кенг авж олмоқда. Бу ҳаракатда қатнашаётган 318 минг кишидан эллик икки минг кишига коммунистик меҳнат зарбдори номи берилди. 22 корхона, 901 цех, 2635 бригада ана шу шарафли номга эга.

Мамлакат ва республиканинг илғор корхоналарида вужудга келган починлар ва ташаббуслар областимизда актив қўллаб-қувватланди ва янада ривожлантирилди. Барча ишловчиларнинг 95 проценти ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин тугаллаш учун мусобақада қатнашмоқда, 450 киши бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш учун курашмоқда. «Қолоқларсиз ишлайлик» ҳаракати тобора кенг қулоч ёймоқда. Андижон трикотаж фабрикаси, Марҳамат электротехника заводи, Балиқчи районидаги М. Горький номли совхоз коллективлари бу ҳаракатда пешқадамлик қилмоқдалар. Мазкур хўжаликнинг ишчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилишига жавобан ўз коллективларида бирорта қолоқ бўлмаслигига эришиш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилдилар. Улар ўз ваъдаларини шараф билан бажараётирлар.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори партия ташкилотлари эътиборини бундан буён ҳам лекция пропагандасини ривожлантириш зарурлигига қаратади, чунки бу нарса совет кишиларида илмий дунёқарашни, актив ҳаётий позицияни, юксак ғоявий-сиёсий ва ахлоқий фазилатларни шакллантиришнинг муҳим омилидир. Область партия ташкилотлари фаолиятнинг бу участкасида ҳам кўпроқ муваффақиятларга эришиб, олға боришга интилмоқдалар.

Бизда лекция ишини олиб бораётган 12,5 мингдан ортиқ кишининг 64 проценти КПСС аъзолари, 98,5 проценти олий маълумотли кишилардир. 230 лектор фан кандидати ва доктори, 5,5 мингдан кўпроғи халқ хўжалиги мутахассисларидир. Лекция пропагандасида раҳбар партия, совет, касаба союз, комсомол ходимлари актив қатнашмоқдалар. Областда асосан олий ўқув юртларининг профессорлари ва ўқитувчиларидан, партия активистларидан ташкил этилган олтита агита-

ция-пропаганда группаси доимо иш олиб бормоқда. Бундан ташқари партия, уруш ва меҳнат ветеранларидан яна битта шундай группа тузилди. 1979 йилнинг ўзида улар қишлоқ районларига, саноат корхоналарига юзларча марта бориб кишиларни қизиқтирадиган темаларда лекциялар ўқидилар.

Область партия комитети, «Билим» жамиятининг ташкилотлари лекция пропагандасининг ғоявий-назарий савиясини ошириш, унинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш ҳақида доимо ғамхўрлик қилмоқдалар.

Шаҳар ва районларда лекторлик маҳорати мактаблари очилган, тўртта олий ўқув юртида эса ёш лекторлар мактаби ишлаб турибди.

Ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашга партия комитетлари алоҳида эътибор бермоқдалар. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» китоблари ҳаммага ва айниқса ёшлар тарбияси билан шуғулланувчи кишиларга одамларга нисбатан меҳрибон ва ғамхўр бўлиш зарурлигини, ёшлар ақли ва қалбига йўл топа олиш нақадар муҳим эканлигини яна бир бор эслатди. Бизнинг вазифамиз таълим ва тарбия жараёнларининг таркибий бирлигига эришишдан, ўқувчилар ва студентларда илмий дунёқарашни, юксак ахлоқий-сиёсий фазилатларни, меҳнатсеварликни шакллантиришдан иборатдир.

Ўқувчиларнинг ленинча дарслари, назарий семинарлари ва конференциялари кенг ёйилди. Юқори синфларнинг 3700 дан кўпроқ ўқувчиси тўгаракларда, ёш ленинчилар университетларида, «Прометей», «Машъал», «Изланиш» клубларида Ленин ғояларини ўрганмоқдалар. Йигит ва қизларнинг сиёсий билимлардан баҳраманд бўлиши уларда оталар жасоратига дахлдорлик, мамлакатнинг эртаги куни учун масъулият туйғусини туғдирмоқда. Мактабларда ўқув жараёнида ҳам, дарсдан ташқари тадбирларда ҳам болалар ва ўсмирларни интернационал руҳда тарбиялашга катта эътибор берилаётир. Областда ишлаб турган 331 интернационал дўстлик клубида болалар қардош республикаларнинг, бошқа мамлакатларнинг тарихи, экономикаси ва маданиятини ўрганмоқдалар, ўз тенгдошлари билан хат ёзишиб турадилар.

Педагогика коллективлари мактаб ўқувчиларининг бўш вақтини ташкил этиш ҳақида ғамхўрлик қилмоқдалар, уларнинг техника ва бадиий ижодиёти учун шароитлар яратмоқдалар. Областдаги пионерлар саройида ва 24 пионерлар уйида, 26 музика мактабида бундай иш актив олиб борилаётир. «Болалар ва ўсмирлар учун музика ҳафталиги», «Санъат байрами» кўрик-конкурслари анъанага айланиб, минглларча ўқувчиларни бадиий ижодиётга жалб этишда ёрдам бермоқда. Мактабларда физкультура ва спорт, дарсдан ташқари мудофаа-оммавий ишлар ривожланди, уруш ветеранлари билан учрашувлар, «Зарница», «Орлёнок» ҳарбий-спорт ўйинлари ўтказилаётир.

Ёшларга умумий ўрта таълим бериш, уларни тарбиялаш, меҳнатга ва ҳаётга тайёрлашнинг ишончли йўлларидан бири — ҳунар-техника билим юртларидир. Ҳунар-техника билим юртининг бугунги ўқувчиси эртага шонли ишчилар синфи сафига қўшилиб, техника ва технологияда янгилик яратувчига, маданий-оқартув ишларининг ташкилотчисига айланади. Ёш ишчи қаерда меҳнат қилишидан қатъи назар, аввало ғоявий жиҳатдан чиниққан, марксча-ленинча назария билан қуролланган, сиёсий ва ижтимоий актив киши бўлмоғи керак. Ўқувчиларда коммунистик дунёқарашни, юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш — ҳунар-техника таълими системасининг муҳим вазифасидир.

Ҳозир областда 32 ҳунар-техника билим юрти, шу жумладан 20 ўрта, 5 техника билим юрти бўлиб, уларда 17 мингга яқин киши ўқимоқда. Ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларини тарбиялашда база ҳисобланган корхоналарнинг меҳнат коллективлари билан кундалик алоқа муҳим роль ўйнайди. Ишчилар, колхозчилар, хизматчиларнинг

ишлаб чиқариш ва ижтимоий-сиёсий ҳаёти ўсмирларни ўқитиш даврида уларга катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам биз тажрибали ишчилар, дала қаҳрамонларининг мураббийлигини ривожлантиришга, заводлар, фабрикалар, колхоз ва совхоз комсомол ташкилотларининг ҳунар-техника билим юртларига оталиғини ривожлантиришга катта аҳамият беряпмиз. Ҳозир 1300 дан кўпроқ мураббий ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига ўз ҳаётий ва меҳнат тажрибаларини ўргатмоқда.

Область олий ўқув юртлари партия XXV съезди қарорларига, КПСС МКнинг олий мактаб тўғрисидаги қарорларига амал қилиб, ёшларни тарбиялаш ишига комплекс ёндашиб, мутахассислар тайёрлаш сифатини анча яхшилашга эришдилар. Уларда студентларда коммунистик дунёқарашни шакллантиришнинг мунтазам системаси таркиб топаётир. Бу система ўқув процессини ҳам, аудиториядан ташқари ишларни ҳам ўз ичига олади. Лекин марксча-ленинча назарияни ўрганиш ҳал қилувчи роль ўйнайди. Область олий ўқув юртларининг партткомлари, ректоратлари, ижтимоий фан кафедралари кейинги йилларда ижтимоий фанларни ўқитишнинг ғоявий-назарий савиясини ошириш учун кўпгина иш қилдилар.

Йигит ва қизларни коллективизм, социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш, сиёсий, ташкилотчилик ва тарбиявий иш малакаларини ҳосил қилишда ижтимоий-сиёсий практика ёрдам бермоқда.

Область партия ташкилотлари олиб бораётган идеология ишида ижодий ва маданий-оқартув муассасаларига муҳим ўрин ажратилаётир. Бизда салкам 5 миллион нусха китоб фондига эга бўлган 600 дан ортиқ кутубхона, 320 клуб ва маданият уйи, 2 та область театри, 8 халқ театри ва бошқа ижодий ташкилотлар бор. Кутубхоналар фаолиятини доимо кўплаб меҳнаткашларни тўплайдиган китобхонлар конференцияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўрток Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» китоблари бўйичагина 600 га яқин ана шундай конференция ўтказилди. Клублар мазмунли сиёсий-оммавий ишларни ўтказмоқдалар, аҳолини эстетик тарбиялашда театрларимизнинг аҳамияти йил сайин ошиб боряпти. Партия, касаба союз ташкилотларининг ижодий ва маданий-оқартув ходимларининг сифат составини яхшилаш ҳақида доимо ғамхўрлик қилаётганлиги бу ишда катта ёрдам бермоқда. Бу ходимлар орасида кейинги уч йил ичида махсус маълумотга эга бўлган кишилар сони икки баравар ортди.

Биз КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмаларини бажара бориб, бадиий ҳаваскорлик коллективлари фаолиятини чуқурроқ ўрганишга, уларнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга интилмоқдамиз, уларга нисбатан талабларни оширмоқдамиз. Лекин биз бу соҳадаги имкониятларимиздан ҳали тўла фойдаланаётганимиз йўқ. Областда хор коллективлари оз. Драма коллективларини ҳам ташкил этишга кўпроқ аҳамият бериш керак, чунки аҳоли орасида ижодиётнинг бу турига қизиқиш катта. Аммо биз баъзан енгилроқ йўлдан боришга ҳаракат қилиб, мураккаб проблемаларнинг ҳал этилишини кейинга сурамиз. Ваҳоланки, бугун қилинмаган иш эртага салбий натижаларга олиб бориши, маънавий зарар етказиши мумкин.

КПСС МКнинг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида шахсни ҳар томонлама, гармоник тарзда камол топтириш зарурлиги яна бир бор таъкидланди. Шу муносабат билан меҳнаткашларнинг кенг табақалари орасида олиб бориладиган оммавий-спорт ишларининг аҳамияти хусусида тўхталиб ўтмаслик мумкин эмас. Ҳозирги вақтда областимизда 300 мингдан кўпроқ киши спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Физкультура ҳаракатининг моддий базаси йил сайин яхшиланмоқда. Ҳозир бизда 11 стадион, 150 спорт зали, 15 сузиш бассейни, 5 чавандозлик-спорт клуби, ўнларча

спорт майдончалари бор. Уч заллик спорт комплекси, гимнастика, оғир атлетика билан шуғулланиладиган махсус заллар, икки қаватли шахмат-шашка клуби, хоккейчилар учун пансионат қурилиши давом эттирилмоқда. Бизда чим хоккейи кенг ривож топди; 1979 йилда хотин-қизлар командаси спортнинг бу турида СССР чемпиони бўлди. Областимиздаги 30 га яқин спортчи мамлакат олимпиада терма командасининг номзодларидир.

Партия XXV съездида, КПСС МҚнинг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларни бажаришда оммавий ахборот ва пропаганда воситалари муҳим роль ўйнайди. Бизнинг область ва район газеталаримиз, радиоэшиттиришимиз меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ўз фаолияти савиясини қунт билан оширмоқда, меҳнат коллективларини ўнинчи беш йиллик планларини бажаришга сафарбар этишда, турли камчиликларга қарши курашда партия комитетларига самарали ёрдам бермоқда, кишилар онгига таъсир кўрсатишнинг янги формалари ва методларини қидириб топмоқда. Бу иш КПСС МҚ ноябрь (1979 йил) Пленумидан кейин айниқса активлашди.

«КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширайлик», «Идеология ва ҳаёт» рубрикалари остидаги газета мақолаларида ва радио эшиттиришларида совет турмуш тарзи, пролетар интернационализм ғоялари пропаганда қилинади, ахлоқий ва меҳнат тарбияси масалаларига катта эътибор берилади. Газеталар ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлилар ҳаётини ҳар томонлама ёритаётирлар, экономика, фан, маданиятнинг энг муҳим ютуқларини кўрсатяптилар. Матбуот ва радио хусусий мулкчилик психологиясига, кишилар онгида ва хулқ-атворидаги ўтмиш сарқитларига, жамият манфаатларига зид хатти-ҳаракатларга қарши чиқмоқда. Бу жиҳатдан область газетаси «Коммунист» редакциясининг фаолияти эътиборга сазовордир. Газета эълон қилган кўпгина танқидий материаллар турли корхоналар ва ташкилотлар ишидаги камчиликларни тугатишда кўмаклашди. «Андижанская правда» газетасининг идеология иши соҳасидаги илғор тажрибага, энг яхши пропагандистлар, лекторлар, сиёсий ахборотчилар ва агитаторларга бағишланган саҳифалари манзур бўлаётир.

Область радио эшиттириши материалларининг сифати яхшиланди. Идеология ходимлари, партия ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, халқ хўжалиги мутахассислари, ишлаб чиқариш новаторлари вақти-вақти билан микрофон олдига чиқиб турадилар. Социалистик мусобақа, унинг якунлари, илғорларнинг ютуқлари ҳақидаги эшиттиришлар тингловчиларда доимо қизиқиш туғдирмоқда.

Область партия ташкилоти ўзининг кундалик фаолиятида КПСС Марказий Комитетининг қароридаги идеология иши сифат жиҳатдан янада юксак даражага кўтарилиши керак, деган кўрсатмага амал қилмоқда. Областимизда тўпланган тажриба бу ишни янада яхшилаш учун ғоят катта имкониятлар борлигидан далолат беради.

ПАРТИЯ ЎҚУВИНИНГ ТАЪСИРЧАН ФОРМАСИ

С. ТАТИБОЕВ,

Тошкент олий партия мактаби ҳузуридаги партия ва совет ходимлари малакасини ошириш Республикалараро курсларининг мудири

РАҲБАР ҚАДРЛАР билан ишлашнинг, уларга таълим ва тарбия беришнинг форма ва методларини такомиллаштириш кун сайин тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Иқтисодий, социал соҳаларда содир бўлаётган мураккаб жараёнлар, коммунистик қурилишнинг янгидан-янги вазифалари буни талаб қилмоқда. КПСС МК Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев қайта-қайта уқтириб ўтганидек, раҳбар ходимлар ўз билимларини узлуксиз тўлдириб ва янгилаб боришлари, ғоявий-назарий савияларини оширишлари, умр бўйи ўқиб-ўрганишлари керак, бу эса ижодий кучни, замонавий ғояларни фаол ўзлаштириш, дадил изланишлар қилиш қобилиятини сақлаб қолиш ва кўпайтириш имконини беради. Бу ишда раҳбар партия ва совет кадрлари малакасини ошириш системаси уларга ёрдам бериши керак. Бу система КПСС XXIII съездининг кўрсатмаларига мувофиқ барпо этилган эди, партия XXIV ва XXV съездларининг қарорлари, КПСС МКнинг 1976 йилда қабул қилган «Раҳбар партия ва совет кадрларининг ғоявий-назарий савияси ва амалий малакасини ошириш системасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори уни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда жуда катта аҳамиятга молик бўлди.

Ҳозирда бу системада бошланғич партия ташкилотлари секретарларидан то иттифоқдош республикалар компартиялари МК секретарларигача, қишлоқ Советлари раисларидан то иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари раисларининг ўринбосарларигача, кўп тиражли газеталарнинг ходимларидан то республика газеталарининг редакторларигача — масъул ходимлар ўз билимларини такомиллаштирмоқдалар. КПСС МК ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг малака ошириш институтида, олий партия мактабларидаги 13 та доимий курсларда, республикалар компартиялари МК, ўлка ва область партия комитетлари ҳузуридаги 133 та курсларда 10 мингдан зиёд илмий-педагогика ходимлари, етакчи олимлар, партия ва совет органларининг раҳбарлари ўқув жараёнини амалга оширмоқдалар. Курсларда ўқув муддати қисқа — бир ойгинадир, лекин ўқув тўғри ташкил этилса, бу муддат, шакшубҳасиз, дуруст самаралар беради, яхши из қолдиради.

Тошкент олий партия мактаби ҳузуридаги партия ва совет ходимлари малакасини ошириш республикалараро курслар бутун Ўрта Осиё зонаси раҳбар кадрларини тайёрлашни координациялаштирувчи марказдир. Тожикистон Компартияси МК, Туркманистон Компартияси МК ҳузуридаги, Тошкент, Самарқанд ва Фарғона область партия комитетлари ҳузуридаги курслар шу системага киради.

Республикалараро курсларнинг ўқув-методик иши эришилган билимларни доимо мустаҳкамлаш асосида узлуксиз мустақил билим

олишни такомиллаштириш мақсадини кўзда тутади. Фақат шу шарт амалга ошгандагина у ҳозирги куннинг ўсиб бораётган талабларига жавоб беради. КПСС МҚнинг юқорида тилга олинган қарорига мувофиқ ўқув плани қайта кўриб чиқилди, ўқув жараёни ҳам ўзгартирилди. Ўқувнинг хилма-хил форма ва методларидан кенг, самарали фойдаланадиган бўлиб қолинди, маҳаллий курсларда методик ёрдам кўпроқ муайян мақсадга қаратилди ва мукаммаллик касб этди, тингловчилар эса республикалар ва областлардаги мавжуд партиявий ва совет ишининг энг яхши тажрибасидан баҳраманд бўлмоқдалар. Бунда ўқувнинг сифатини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Тингловчиларнинг марксча-ленинча назария ва коммунистик қурилиш практикасининг актуал проблемаларини ўрганишлари — курс тайёргарлигининг асосини ташкил этади. Машғулотларда совет экономикасининг аҳволи ва уни янада юксалтириш, партия қурилиши, КПССнинг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолияти, ҳозирги жаҳон тараққиёти ва революцион процесснинг муҳим масалалари кенг ҳажмда ёритилмоқда. КПСС МҚнинг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги, «Хўжалик механизмини янада такомиллаштириш ҳамда партия ва давлат органларининг вазифалари тўғрисида»ги қарорларини, КПСС МҚ билан СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Шундай қилиб, назарияни партия ва совет иши практикаси билан мустаҳкам боғлаш учун таълимнинг турли форма ва методлари — лекциялар, семинарлар, амалий машғулотлар, мусоҳабалар, иш тажрибасини алмашувдан фойдаланилмоқда.

Ўқув жараёнини малакали лекторлар состави билан таъминлаш учун кўп иш қилинмоқда. Ҳозир унинг таркибига 25 партия ва 45 совет ходими, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 10 академиги ва мухбир аъзоси, 28 фан доктори ва профессор, 34 фан кандидати ва доцент киради.

Халқ хўжалигига партиявий раҳбарлик қилиш, омма орасидаги сиёсий ва ташкилотчилик иши масалалари билан курс тингловчиларини Ўзбекистон Компартияси МҚ секретарлари Л. И. Греков, И. Г. Анисимкин, Й. Р. Қурбонов, А. А. Хўжаев, республика Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев ва унинг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, А. Р. Хўжаев ўртоқлар таништирмоқдалар. Бизга қардош республикалардан Тожикистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Н. З. Зарипова, Тожикистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Н. Мақсумов, Туркманистон ССР Қишлоқ хўжалиги министри Қ. Сахатмуродов келиб турибдилар ва лекциялар қилмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси МҚ бўлим мудирлари Т. Р. Абдишукуров, Т. Г. Зинин, В. И. Сускин, Қ. Т. Тоиров, бўлим мудирларининг ўринбосарлари А. М. Қосимов, Н. А. Остроумов, Ш. Г. Яҳёев, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари М. Ф. Солдатов, Ўзбекистон ЛКСМ МҚ биринчи секретари Э. Р. Ғафуржонов, республика Олий Совети Президиуми, Министрлар Совети бўлимларининг мудирлари ва масъул ходимлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, газета ва журналларнинг редакторлари, область партия ва совет органларининг раҳбар ходимлари тез-тез лекциялар ўқимоқдалар.

Атоқли олимлар — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Қ. Е. Житов, мухбир аъзолари А. А. Аъзамхўжаев, Ҳ. Т. Турсунов, С. Ф. Турсунмуҳамедов, ВАСХНИЛ вице-президенти С. Х. Йўлдошев, фан докторлари М. Г. Давлетшин, Б. В. Лунин, Л. П. Қаюмов,

М. И. Искандаров, А. Н. Михайлов, Б. С. Никитченко ва бошқаларнинг лекциялари тингловчиларда ҳамиша қизиқиш туғдирмоқда.

Лекторлар составининг юқори савияда бўлишига қарамай, лекцияларнинг сифатини назорат қилиш (бир-бирининг машғулотларига кириб туриш, планлар ва текстларни муҳокама қилиш, магнитафон ёзувларини тинглаш) одат бўлиб қолган.

Кейинги йилларда бизда таълимга дифференциал ёндашишни таъминлаш учун кўп иш қилинди, бу курсларнинг таъсирчанлиги омилларидан бири бўлиб қолди. Бундай ёндашув конкрет нимада ифодаланади? Аввало ҳар қайси навбатдаги поток учун ўқув плани тузишда ифодаланади. Чунончи, журналистлар контингентига билим бериш вақтида ўқув планининг тегишли бўлимига оид лекциялар билан бир қаторда «Журналистлик маҳорати проблемалари», «Адабий таҳлилнинг илмий асослари», «Матбуотда ишонтириш воситасида социал-психологик таъсир кўрсатишни таъминлаш», «Фан-техника тараққиёти проблемалари ва ахборот» ва бошқа мавзулар юзасидан машғулотлар ўтказилди. Қишлоқ район партия комитетларининг иккинчи секретарлари учун «КПСС XXV съезди талаблари асосида партиявий ҳужжатлар билан ишлашни янада такомиллаштириш тўғрисида»,«Ўзбекистонда ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлашуви», «Партия аппарати ишини илмий ташкил этиш» мавзуларида лекциялар ўқилди.

Тингловчиларнинг группаларини бутлаш уларнинг эгаллаб турган лавозимидаги иш стажини ҳисобга олган ҳолда ўтказилмоқда. Шунга асосланиб, группа машғулотлари тайёрланади ва ташкил этилади. Масалан, ижроия комитети аппарати иш тажрибаси билан танишиш юзасидан амалий машғулот тегишли планлар асосида Олий Совет Президиуми, Министрлар Совети ҳамда область ижроия комитетлари ходимлари учун ва район ижроия комитетлари раислари учун алоҳида-алоҳида ўтказилмоқда.

Курсларда семинарларнинг мавзулари ҳам дифференциал тарзда танланади. Чунончи, район партия комитети аппарати ходимлари учун улар қуйидаги тарзда белгиланди: биринчи секретарлар учун —«КПСС XXV съезди хўжалик қурилишига партиявий раҳбарликни янада яхшилаш тўғрисида», иккинчи секретарлар учун — «КПСС XXV съезди партияни ривожлантириш ва партия қурилишининг актуал проблемалари тўғрисида», идеология масалалари билан шуғулланувчи секретарлар учун —«Ҳозирги шароитларда партия ташкилотлари идеология ишининг самарадорлигини ошириш йўллари».

Семинарларни ўтказишга олимлар ҳамда Тошкент олий партия мактаби муаллимлари билан бир қаторда масъул партия, совет ходимлари, журналистлар жалб этилмоқда. Чунончи, район партия комитетларининг идеология масалалари билан шуғулланувчи секретарлари потогида Ўзбекистон Компартияси МҚ партия пропагандаси секторининг мудири И. Р. Раҳмонқулов, Марказий Комитет лектори Г. Н. Скопцов, совет ходимлари потогида — республика Олий Совети Президиумининг Советлар иши масалалари билан шуғулланувчи бўлим мудири М. Т. Тешабоев, унинг ўринбосари Н. Н. Русскин, журналистлар потогида — Ўзбекистон Компартияси МҚ пропаганда ва агитация бўлимининг инструктори А. Ф. Есин, «Правда Востока» газетаси редакторининг ўринбосари В. В. Шаповалов, «Совет Ўзбекистони» газетаси редакторининг ўринбосари Б. Ю. Юсупов семинар ўтказдилар.

Тингловчиларнинг билимларини чуқурлаштириш ҳамда уларнинг дастлабки манбалар устидаги мустақил ишининг самарадорлигини ошириш мақсадида назарий мусоҳабалар ўтказиш одат бўлиб қолган. Қишлоқ район ижроия комитетлари раислари ўринбосарларининг потогида «Улуғ Октябрь ғалабасининг ҳамда КПССнинг социализм ва коммунизм қурилишидаги тажрибасининг жаҳоншумул-тарихий аҳамияти»

мавзуидаги семинар олдидан ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» китоблари юзасидан мусоҳаба ўтказилди, қишлоқ район партия комитетлари биринчи ва иккинчи секретарларининг потогида бу мусоҳаба «Ленинча иш услуби — партиявий ва давлат раҳбарлиги муваффақиятининг муҳим шарти» мавзуидаги семинар билан бир вақтда ўтказилди. Район партия комитетларининг идеология билан шуғулланувчи секретарлари билан КПСС МҚнинг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори юзасидан назарий мусоҳаба ўтказилди.

Амалий машғулотлар район партия комитетлари ҳамда ижроия комитетлари ишини планлаштириш ва ташкил этишнинг янги, ўзини оқлаган форма ва методлари тўғрисида яққол тасаввур бериш мақсадини кўзда тутади. Тингловчилар лавозимларига қараб Ўзбекистон Компартияси МҚнинг ташкилий-партиявий иш кабинетига ёки Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ташкилий-оммавий иш кабинетига қатнайдилар.

Район партия комитетларининг идеология билан шуғулланувчи секретарлари, партия МҚ ва область комитетлари пропаганда ва агитация, фан ва ўқув юртлари, маданият бўлимлари ходимларининг потогида машғулотлар Ҳамза район комитетида, Тошкент область комитети ва Ўзбекистон Компартияси МҚнинг тегишли бўлимларида ўтказилди. СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг В. Д. Журин номидаги Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институти ҳамда селекция ва уруғчилик институтини бориб кўриш тингловчиларни қишлоқ хўжалик фани соҳасидаги энг янги ютуқлар тўғрисидаги маълумотлар билан бойитмоқда, «Чиноз» наслчилик совхозига сафар қилиш район партия ташкилотининг чорвачиликни ҳамда озуқа етиштиришни интенсивлаштириш соҳасидаги фаолияти билан таништирмоқда.

Республика Госстройида қишлоқ район ижроия комитетлари раислари билан ўтказилган машғулот ҳам катта фойда келтирди, бу машғулотда Госстрой раиси В. С. Скребневнинг қишлоқ қурилишининг актуал проблемаларига доир маърузаси вақтида қишлоқ аҳоли пунктлари қурилиши бош планларининг лойиҳалари намойиш қилинди ва «Қишлоқ истиқболни кўзламоқда» фильми кўрсатилди.

Журналистлар учун сайёр амалий машғулотлар қуйидаги тарзда ташкил этилди: республика газеталарининг ходимлари «Правда Востока», область газеталари ходимлари —«Тошкент ҳақиқати», район газеталари ходимлари —«Коммунизм учун» (Бўстонлиқ райони) редакцияларида бўлдилар.

Иш тажрибасини алмашиш бўйича группавий машғулотлар қатъий дифференциал тарзда ўтказилмоқда. Бу потокнинг барча тингловчилари олдида маърузага чиқувчиларни пухта танлаш имкониятини беради.

Ўтган ўқув йилида бир янгилик пайдо бўлди: журналистлар учун тажриба алмашув юзасидан машғулотлар билан бир қаторда «Танқидий материал устида ишлаш» деган мавзуда амалий ўйин ташкил этилди. Ҳар бир киши аввалдан бу ўйиннинг сценарийсини олди. Муҳокамада шартли равишда газета мухбири, бўлим мудири, масъул секретари ва редактор қатнашди. Тингловчиларнинг, хусусан редактор лавозимида иш бошлайдиган кишиларнинг фикрича, бундай турдаги машғулотлар ғоятда фойдали бўлиб, коллективнинг редакция материаллари устидаги ишини яхшилашга қаратилган куч-ғайратини мувофиқлаштира билишига ёрдам беради. «Ўйин» жараёнидаги мунозара фойда берди, таклиф этилган вазиятни таҳлил этишда позицияни аниқ белгилаб олишга ёрдамлашди.

Дифференциал тарзда ўқитишнинг методик савиясини ошириш мақсадида курсларнинг ўқув-методик советида семинар машғулотлари, на-

зарий мусоҳабалар, группавий ва якка тартибдаги консультацияларни ўтказиш юзасидан тавсияномалар кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Курслар иш кўраётган давр ичида тажриба алмашиш юзасидан машғулотлар ўтказишнинг муайян методикаси таркиб топди. Тингловчилар рефератлар ёзадилар, бу уларнинг мустақил ишини активлаштиради, шунингдек партия, совет, журналистлик фаолияти тажрибасига доир материалларни тўплашга ёрдамлашади. Реферат ишларининг тематикаси аввалдан, потокда ўқув бошлангунига қадар область партия комитетларига юборилади. Бу ҳол бўлғуси тингловчиларга керакли материални тўплашга, уларни қизиқтирган проблемани пухта тадқиқ этишга ёрдам беради. Рефератлар тегишли кафедралар томонидан рецензия қилинганидан кейин улар муҳокама қилиш учун группаларга, сўнгра умумий потокка тақдим этилади.

Идеология ходимларининг орасида бундай машғулот қизғин мунозара тарзида ўтди. Сўзга чиққанлар ўзларини ҳаяжонлантирган фикрларни айтдилар, ҳар бир киши ўз ҳамкасбидан кўпгина янгиликлар билиб олди. Масалан, Тожикистон Компартияси Фрунзе райкомининг секретари К. Ш. Шариповнинг район комитетининг меҳнаткашлар орасида оммавий-сиёсий ишни такомиллаштириш соҳасидаги фаолияти тўғрисидаги чиқишини мароқ билан кутиб олдилар. Туркманистон Компартияси Красноводск область комитети сиёсий маориф уйининг мудири Л. М. Ганичеванинг агитация-пропаганда ишини такомиллаштириш тўғрисидаги, Наманган область Уйчи район партия комитетининг секретари Г. Г. Муҳамедзяновнинг бошлангич партия ташкилотларининг ғоявий-тарбиявий ишга дифференциал ёндашишни таъминлаш соҳасидаги фаолияти тўғрисидаги рефератлари фойдали, конкрет мисолларга тўла бўлди.

Ўқув жараёнини такомиллаштиришда таълимнинг техника воситаларини жорий этишга катта эътибор берилмоқда. Ҳозир бундай воситалар анчагина кўп. Бунинг учун махсус ажратилган янги аудиторияда ана шу воситалар комплекси бўлган йиғма аппарат ўрнатилган. У бошқариш учун барча таркибий қисмлари — усилители, магнитофони, назоратчи-соати бўлган пульт, экран ахбороти аппаратураси билан жиҳозланган. Техника воситаларидан фақат лекциялар вақтида эмас, балки шу билан бирга В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалидаги машғулотларда ўқувнинг бошқа турларида, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ташкилий-оммавий иш кабинетида ташкилий-техникани ўрганиш вақтида, журналистлар билан бўладиган амалий машғулотларда, ҳужжатли тематик фильмларни намойиш қилиш ва шу кабиларда ҳам фойдаланилади.

Ашхабод, Душанбе, Фарғона, Самарқанддаги зонал курсларда таълимнинг техника воситалари фаол жорий этилмоқда. Масалан, Туркманистон Компартияси МК ҳузуридаги республика курслари ўқув программаси турли соҳалар бўйича талай ҳажмдаги ахборотларни кўзда тутадики, нисбатан қисқа муддат ичида буларни тингловчиларга бериш лозимдир. Бу вазифани муваффақиятли бажаришда таълимнинг техника воситалари ёрдам беради. Улардан Самарқанддаги областлараро курсларда муайян мақсадни кўзлаб фойдаланилмоқда, уларнинг бисоти йил сайин кўпайиб бормоқда.

Курслардаги таълимни такомиллаштириш учун бу соҳада орттирилган тажрибани доимо умумлаштириб бориш зарур. Ўқув-методика совети ва ўқув-методика кабинети бундай ишни ташкил этишга ҳамиша эътибор бериб келмоқда. Машғулотлар сифатини назорат қилиш, тавсияномалар ишлаб чиқиш, курс системасига методик ёрдам кўрсатиш, натижаларни якунлаш масалалари Совет фаолияти планида муҳим ўринни ишғол қилмоқда.

Ўқув-методика кабинетида йиғилган материал тингловчилар, ма-

ҳаллий курсларнинг раҳбарлари учун катта қизиқиш туғдиради. Бу ерда методик ва кўргазмали қўлланмалар, йиғма папкалар тўпланган бўлиб, уларда республика ҳамда зона областлари, партия ва совет ходимларининг, шунингдек республика ва областлараро курсларнинг иш тажрибалари ёзилган бўлади, фоноёзувлар картотекаси юритилади, тингловчиларга ёрдам юзасидан методик адабиётлар виставкаси ташкил этилади. Қабинет Тошкент олий партия мактаби кафедралари билан биргаликда планлар, лекция текстлари ва материалларини, методик тавсияномалар ҳамда қўлланмаларни ишлаб чиқади ва жойларга юбортиради, зарур қўлланмалар тўплашда маҳаллий курсларга ёрдам кўрсатиш мақсадида командировкалар ташкил этади. Қабинет КПСС МҚ ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси малака ошириш институтининг методик кабинети билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. У шунингдек мамлакатдаги кўпгина курслар билан ўқув адабиётлари, методик ечимларни алмашиб туради.

Раҳбар партия ва совет кадрлари ғоявий-назарий савиясини ва амалий малакасини ошириш вазифалари тобора кўламдор тус олиб, мураккаблашиб бормоқда, шунга мувофиқ бизнинг ишимизга бўлган талаблар ҳам ортиб бормоқда. Гарчанд курсларда машғулотларнинг барча турлари самарадорлигини ошириш учун кўп иш қилинаётган бўлсада, ҳали ҳамма проблемалар ҳал этилди деб бўлмайди. Энг муҳими — қатъият кўрсатиш, ишга ижодий ёндашиш, кадрларга таълим бериш масалаларида партия йўлини оғишмай турмушга ошириб боришдан иборат.

Курс системаси ходимлари КПСС Марказий Қомитети кўрсатмаларига амал қилиб, орттирилган тажрибадан фойдаланиб, тингловчилар олган билимлар амалда самарали татбиқ этилиши, партия ва совет иш услуби, методларининг яхшиланишига хизмат қилиши учун бутун чоралар билан кўмаклашадилар.

АТЕИСТИК ТАРБИЯНИНГ АКТУАЛ ПРОБЛЕМАЛАРИ

И. ЖАББОРОВ,
философия фанлари доктори

СОЦИАЛИЗМ ШАРОИТИДА гармоник тарзда камол топган шахсни шакллантиришга халақит бераётган ўтмишнинг энг яшовчан сарқитларидан бири дин ҳисобланади. У асосан инсон фаолиятининг ишлаб чиқаришдан ташқари доирасида, айниқса оилавий муносабатларда, турмуш анъаналари ва урф-одатларда сақланиб келмоқда. Партиямиз совет кишиларининг турмуши ва онгини диний идеология сарқитларидан тўла озод қилиш учун, уларда материалистик дунёқарашни шакллантириш учун изчиллик билан кураш олиб бормоқда. КПСС XXV съезди қарорларида ўтмишнинг диний-маиший ва бошқа сарқитларидан холи бўлган, қатъий коммунистик эътиқодга эга бўлган янги кишини тарбиялаш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган вазифа қилиб қўйилди. Шу сабабли 1979 йил октябрда бўлиб ўтган идеология ходимларининг Бутуниттифоқ кенгашида ҳар қандай ёт таъсирларга ва ўтмиш сарқитларига, олға ҳаракатимизга халақит берувчи ҳамма нарсаларга қарши қатъий кураш олиб бориш зарурлиги яна бир бор кўрсатиб ўтилди.

Ҳозирги шароитда ғоят мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий воқеаларнинг бевосита таъсири остида дин, унинг ақидалари ва ваъз-насиҳатлари, урф-одатлари ва маросимларида эволюция рўй бермоқда. Социал ва ғоявий зиддиятларга бой бўлган бизнинг давримизда диннинг мавқеи ва ролига объектив баҳо бериш принципиал муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Ўз-ўзидан маълумки, диннинг, шу жумладан ислом динининг ҳам диндорларга таъсир кўрсатиш даражаси социализм ва капитализм мамлакатларида тубдан фарқ қилади. Муайян жамиятда диннинг ролига тўғри баҳо бермоқ учун аввало диндорларнинг социал-сиёсий манфаатларини, қарашлари ва кайфиятларини, хатти-ҳаракатларини бир-биридан фарқ қилиш зарур. Бунда диний дунёқарашнинг хаёлий характерини, унинг «халқ учун афюн» сифатидаги социал роли ва вазифасини ҳамиша ёдда тутиш керак.

Ривожланган социализм даврида фан-техника, ижтимоий ва маънавий тараққиёт моддий, социал ва маънавий зулмдан озод бўлган ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш учун ғоят катта имкониятлар очиб беради. Ижтимоий тараққиётдаги мавжуд зиддиятларнинг аста-секин бартараф этилиши, юксак инсонпарварлик идеалларининг амалга оширилиши, эски оилавий-маиший муносабатларнинг ва илгариги бутун турмуш укладининг емирилиши меҳнаткашлар оммаси онгини диний сарқитлардан озод қилишга ва уларда материалистик дунёқарашни шакллантиришга ёрдам беради. Бу ғоят мураккаб диалектик жараёнда фан ва маданият арбоблари, партия, совет, касаба

союз, комсомол ва хўжалик ходимлари, идеология фронтининг барча жангчилари бевосита иштирок этмаса, уни амалга ошириб бўлмайди. «Биз ўтмишнинг кишилар онги ва хулқидаги сарқитлари деб аталган нарсага қарши кураш,— дейилади КПСС Марказий Комитетининг партия XXIV съездига Ҳисобот докладида,— партиянинг, жамиятимиздаги барча онгли пешқадам кучларнинг доимий эътиборини талаб қиладиган ишлардир». СССР Конституциясининг 52-моддасида айтиладики, виждон эркинлиги, яъни ҳар қандай динга эътиқод қилиш, диний маросимларни бажариш эркинлиги билан бир вақтда атеистик пропаганда олиб бориш ҳуқуқи ҳам гарантияланади.

Маълумки, асосий омманинг диндан юз ўгирганига ва ижтимоий, оилавий, турмуш ва маънавий ҳаётнинг объектив шароитлар туфайли диндан холи бўлаётганига қарамай, бир қатор социал-маиший ва социал-психологик сабаблар туфайли ривожланган социализм даврида аҳолининг бир қисми орасида диний идеология сарқитлари сақланиб қолади. Аммо социалистик тузум табиатига кўра ўз мақсад ва принципларини диний йўл билан муқаддаслаштиришга ҳам, жамият аъзолари хулқ-атворини диний асосда тартибга солишга ҳам, диний муассасаларнинг йўл-йўриқларига ҳам муҳтож бўлмаганлиги сабабли социализм даврида дин сарқит шаклида яшайди.

Шундай бўлсада, социологик тадқиқотлар маълумотларига кўра, мамлакат аҳолисининг муайян қатламлари ҳамон диннинг кучли таъсири остида қолиб келмоқдалар. Чунончи, 1968 йилда Пенза областида динга эътиқод қилувчилар қишлоқ аҳолисининг 35 процентини ва шаҳар аҳолисининг 15 процентини, Воронеж областида эса тегишли равишда 26,8 ва 15,4 процентини ташкил қилган. Социологик маълумотларга кўра, Доғистон қишлоқ аҳолисининг 46 проценти динга эътиқод қилади. Ўзбекистоннинг тўртта областида шаҳар аҳолиси орасида ишчиларнинг 11,7 проценти ва зиёлиларнинг 5,5 проценти динга эътиқод қилиши аниқланди. 1970 йилда республиканинг бир қатор областларида номи ёзилмаган анкеталар тарқатиш орқали салкам икки минг киши билан сўроқ-жавоб ўтказилди. Булардан 19,3 проценти ўзларини динга ишонувчилар, 25,7 проценти эса иккиланувчилар деб ҳисобладилар. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, мамлакатда динга ишонувчилар проценти ҳали анча юқоридир.

Бошқа динлар сингари ислом дини ҳам социалистик воқелик шароитида ҳам «халқ учун афюн» бўлиб, динга ишонувчилар онгини пессимизм, итоаткорлик, тақдирга тан бериш оғуси билан заҳарламоқда, уларни социал жиҳатдан пассив қилиб қўймоқда, уларда коммунистик онгнинг ривожланишига халақит бермоқда. Ислом дини тарғиб қилаётган «тақдири азал» реакцион ғояси одамларни «бу дунё» проблемаларига бефарқ қарашга даъват этиб, турмушда ва оилавий-маиший муносабатларда умрини яшаб бўлган зарарли анъаналар, маросимлар ва урф-одатларнинг сақланиб қолишига ёрдам бермоқда.

Идеология ходимларининг Бутуниттифоқ кенгашида яна бир бор кўрсатилдики, коммунистик тарбиянинг туб проблемалари чуқур илмий асосда англаб олинган шароитдагина бу проблемаларни муваффақиятли ҳал этиш мумкин. Шу билан бирга, атеистик пропаганда практикасида баъзан социализм шароитида диний хурофотлар яшовчанлигининг тарихий, социал ва социал-психологик сабаблари ҳақида, модернизациялашган диннинг моҳияти, унинг социал функцияси ва ҳоказолар ҳақида конкрет билимларнинг етишмаслиги сезилиб туради. Шунинг учун ҳам мана шу сабабларни чуқур очиб бериш илмий атеизмни пропаганда қилиш соҳасида биринчи даражали вазифадир. «Бизнинг программамиз,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— бошдан-оёқ илмий назария ва шу билан бирга айни шу материалистик назария асосида тузилган. Шунинг учун программамизни тушунтириш диний туманнинг

чинакам тарихий ва иқтисодий илдизларини тушунтиришни ҳам албатта ўз ичига олади» (Тўла асарлар тўплами, 12-том, 155-бет).

Ҳозирги шароитда ана шу ғоят актуал вазифани изчиллик билан ҳал этмоқ учун ижтимоий фанлар олимлари, практик атеистлар, идеология фронтининг барча ходимлари комплекс равишда конкрет социологик, социал-психологик ва этнографик тадқиқотлар ўтказиш асосида биргаликда куч-ғайрат сарфлашлари ҳамда атеистик пропаганданинг барча формалари ва методларини янада такомиллаштиришлари зарур. Дин ва атеизм соҳасидаги илмий ишларнинг социал-философик савиясини ошириш, унинг проблематикасини кенгайтириш, муайян региондаги конкрет тадқиқотлар маълумотларини назарий жиҳатдан чуқур умумлаштириш ва бу ишга илғор зиёлилар вакилларини кенг жалб қилиш йўли билангина меҳнаткашларнинг атеистик тарбиясида муваффақиятларга ва уларнинг социал активлигини янада ўстиришга эришиш мумкин.

Социологик тадқиқот маълумотларига кўра, Ўзбекистонда диний сарқитларни бартараф этишда катта ютуқлар қўлга киритилди, ижтимоий ва оилавий-маиший ҳаётнинг барча томонларини диндан холи қилиш жараёни актив рўй бермоқда. Аммо аҳолининг бир қисми орасида никоҳ, чўқинтириш, суннат тўйи, жаназа ўқиш сингари диний маросимлар ҳамон сақланиб қолмоқда. «Муқаддас жойлар»га сиғиниш, дам солиб даволашни сўраб табибларга ва муллаларга мурожаат қилиш ҳоллари учраб туради. Шунинг учун ҳам диний хурофотларни тугатиш мақсадида чуқурроқ илмий тадқиқотлар олиб бориш, шунингдек атеизмни самарали пропаганда қилиш зарур.

В. И. Ленин кўрсатган эдики, атеистик иш мустаҳкам философик пойдеворга, материализм ғоялари билан суғорилган табиатшуносликка таянса, унинг мазмуни ҳаёт билан, коммунистик меҳнат билан боғланган бўлса, уни ташкил этиш методлари ва формалари илмий асосланган бўлсагина бу иш муваффақият қозониши мумкин. «Динга қарши курашни илмий асосда қурмоқ учун» (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 54-том, 440-бет) олимлар ва практикларнинг куч-ғайратини биринчи навбатда ривожланган социализм шароитида диний эътиқод сақланиб қолишининг асосий сабабларини аниқлашга қаратиш зарур. Бемор кишининг касалини тўғри аниқламасдан уни даволаш мумкин бўлмаганидек, диний идеология яшовчанлигининг ҳақиқий сабабларини аниқламасдан социалистик жамият организмида социал иллат бўлган динга қарши самарали пропаганда олиб бориш мумкин эмас. Аммо, афсуски, илмий атеизмнинг айрим пропагандистлари ижтимоий онгнинг ҳаётдан орқада қолиши ҳақидаги ва шу сингари умумий қоидалар билан чекланиб, бу ишни ҳамиша ҳам ишонарли тарзда олиб бормаётирлар. Ваҳоланки, идеология ходимларининг Бутуниттифоқ кенгашида М. А. Суслов докладида таъкидлаб ўтилганидек, атеистик пропагандада ҳам «ҳаётий мулоҳазалар, схоластика, цитатабозлик, юзаки шарҳлаш, шунингдек новаторлик ниқоби остида формабозликни машқ қилиш сингари чинакам фанга ёт ҳодисалардан қатъиян қутулиши керак».

Объектив шароитлар билан субъектив омилларнинг диалектик бирлиги бўлмаса атеистик тарбияни амалга ошириб бўлмайди. К. Маркснинг социализм ривожланиб борган сари дин йўқолиб боради, у тарбия жуда катта роль ўйнаган ижтимоий тараққиёт натижасида барҳам топади, деган қоидаси субъектив, тарбиявий омил билан социалистик ўзгаришлар бирлигини билдиради.

В. И. Ленин пропагандага ғоят катта аҳамият бериб, таъкидлаган эдики, «фақат нуқул марксистик маърифат йўли билангина» (Тўла асарлар тўплами, 45-том, 30-бет) кўп миллионли омма жаҳолатдан ва хурофотлардан қутула олмайди, динга қарши пропаганда жамиятни

революцион йўл билан ўзгартириш учун кураш билан қўшиб олиб борилиши керак. Бу гап замонамизга татбиқан шуни билдирадики, партия социал-иқтисодий тадбирларининг амалга оширилиши, халқ моддий фаровонлиги ва маданий савиясининг ўсиши, фан ва маорифнинг ривожланиши атеистик тарбия вазифаларини самарали ҳал этиш учун реал асос яратади. Объектив омиллар, хусусан, ижтимоий муносабатлар системаси, маданият ва маориф даражаси, уй-жой ва маиший шароитлар, микромуҳитда (коллектив, оилада) маънавий вазият оқибат натижада жамиятимиз ҳаётига дин таъсирининг муттасил камайишида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Социологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, мамлакатнинг асосий регионларида худди шу сабабга кўра аҳолининг диний эътиқоди илгариги авлодга нисбатан икки ярим баравар камайди.

Динга ишонувчиларни ва иккиланувчиларни янги ҳаёт қурилишига актив жалб қилиш, социалистик ижтимоий муносабатларни янада ривожлантириш учун курашда уларнинг бевосита иштирок этиши, меҳнаткашлар социал активлигининг ўсиши турмушда коммунистик белгиларнинг шаклланишида, аҳолининг барча табақаларини диний сарқитлардан озод қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам диннинг йўқолиши ҳақидаги масаланинг коммунистик идеаллар тантанаси учун кураш билан диалектик ўзаро боғлиқлигига етарли баҳо бермаслик социал-сиёсий ва идеологик проблемаларни, аввало гармоник тарзда камол топган шахсни тарбиялаш проблемасини ҳал этишга кўп жиҳатдан халақит бериши мумкин.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXV съездида бундай деди: «Ҳаётда актив позицияда туриш, ижтимоий бурчга онгли муносабатда бўлиш, сўз билан ишнинг бирлиги кундалик хулқ-атвор нормасига айланиши инсон шахсини улуғлайдиган энг зарур фазилатлардир». Социологик тадқиқотлар диндор кишиларнинг коммунистик қурилишда иштирок этишига дин халақит бермайди, деган фикрни рад этади. Чунончи, 1968 йилда Пенза области бўйича олинган маълумотлар шундан далолат берадики, саволга жавоб қайтарганлар орасида социалистик мусобақада атеистларнинг 51,9 проценти ва диндорларнинг 13,6 проценти, ижтимоий ишда атеистларнинг 70,5 проценти, диндорларнинг 3,9 проценти қатнашади, атеистларнинг 51,1 проценти ва диндорларнинг 18,1 проценти ўқийди; атеистларнинг 96 проценти ва диндорларнинг 44,5 проценти газета ўқийди, радио тинглайди ва телевизион кўрсатувларни томоша қилади.

Динга қарши идеологик курашни жамиятни социалистик асосда қайта қуриш вазифаларига бевосита бўйсундириш зарурлиги ҳақидаги Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, партия қисқа тарихий муддатда аҳолининг катта қисмини диннинг кўп асрлик асоратидан қутқарибгина қолмай, уларнинг онгида социалистик идеологиянинг тўла ғалабасига ҳам эриша олди. Ижтимоий муносабатларни бундан буён диндан тамомила қутқариш ва бу муносабатларни коммунистик муносабатларга айланиши ҳам гражданлар меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, билим ва маданий савиясини ошириш негизида шахснинг социал алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш натижасида ҳам муваффақиятли рўй беради. Коммунизм идеаллари ғалабаси учун амалий кураш, жамият ҳар бир аъзоси ижтимоий-сиёсий фаолиятининг активлашуви ғоят катта атеистик потенциалга эгадир.

Мамлакатимиз Октябрдан кейин босиб ўтган йўлнинг асосий якунларидан бири, КПСС XXV съездида таъкидланганидек, инсоният тарихида мисли кўрилмаган янги жамият қурилганлиги, совет турмуш тарзининг вужудга келтирилганлиги ва янги, озод шахснинг шаклланганлигидир. Совет кишиси ғоявий эътиқод билан жуда катта ҳаётий

ғайрат-шижоатни, маданият, билим ва уни татбиқ эта олиш маҳоратини ўзида мужассамлаштирган. Аммо шуни унутмаслик керакки, ҳозирги шароитда динга мурожаат қилишнинг муҳим сабабларидан бири — шахснинг ижтимоий кўламдагина эмас, балки оилавий-маиший соҳада ҳам социал алоқаларининг етарли эмаслиги ёки заифлашуви бўлиб, бунинг оқибатида маънавий камситилиш, ёлғизлик туйғуси вужудга келиши мумкин. Диний сарқитларнинг муваффақиятли бартараф этилиши у ёки бу коллективда шахсга қанчалик ҳурмат ва ғамхўрлик билан қаралишига, унинг талаблари ва эҳтиёжлари эътибор билан ҳисобга олинса, динга эътиқод қилувчиларга ғоявий таъсир кўрсатиш уларни актив меҳнат ва ижтимоий-сиёсий фаолиятга жалб қилиш билан қанчалик моҳирона қўшиб олиб борилишига, уларнинг социал ва маънавий ҳаёти қанчалик бойитилганига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, айрим атеистларнинг ислом ақидаларига ва унинг муқаддас китоби «Қуръон»га қарши маломатли сўзлар билан ҳужум қилишининг самараси кам бўлиши у ёқда турсин, ҳатто кўпинча салбий натижалар ҳам бермоқда. Маълумки, Совет ҳокимиятининг дастлабки кунлариданоқ диний идеологияни пропаганда қилиш тақиқланган бизнинг мамлакатимизда диндор аҳоли характерининг ўзи ўзгарган бўлиб, мусулмонларнинг аксарияти «Қуръон» билан ҳам, шариат талаблари билан ҳам таниш эмас. Афсуски, айрим атеизм пропагандистлари бу фактга етарли баҳо бермайдилар.

Сўнгги социологик тадқиқотлар маълумотларига қараганда, умуман мамлакат бўйича черковга қатновчиларнинг фақат 30 проценти диний мотивларга амал қилади. Ўзбекистонда диний маросимларни бажарувчи кишиларнинг 46 проценти бу маросимларни ота-оналари, қариндош-уруғлари ёки теварак-атрофларидаги кишиларнинг таъсири остида, 35 проценти одатланиб қолганидан, 19 проценти уларнинг ўрнини босувчи муносиб янги маросимлар йўқлигидан ва фақат 10 проценти диний эътиқодига кўра бажаради. Шу боисдан атеистик тарбия самарадорлигини ошириш учун ислом дини ва исломгача бўлган эътиқодларнинг сақланиб қолган элементлари моҳиятини ва характерини, диний онгнинг намоён бўлишини чуқурроқ ўрганиш ҳамда уни бартараф этиш йўлларини очиб бериш зарурдир. Бундан ислом ақидаларини, айниқса диннинг модернистик тенденцияларини танқид қилишдан воз кечиш керак деган маъно келиб чиқмайди, чунки бу иш илмий атеизмнинг муҳим проблемаси эди ва шундай бўлиб қолади.

Шуни айтиш керакки, тадқиқотчилар ва практикларнинг муайян қисми орасида диннинг, шу жумладан ислом динининг совет кишилари турмушида, хулқ-атворида ва онгида салбий роль ўйнашига етарли баҳо бермаслик, сақланиб қолган эски зарарли анъаналар, маросимлар ва урф-одатларга муросасозлик билан қарашга мойиллик, баъзан эса дунёда рўй бераётган сиёсий воқеалар таъсири остида диний дунёқарашни идеаллаштиришга муайян мойиллик сезилмоқда. Жамиятимиз шароитида диннинг стихияли равишда йўқ бўлиб кетишига ишониб ўтириш атеистик ишга катта зарар етказади. Бундай концепция назарий жиҳатдан ҳам, амалий нуқтаи назардан ҳам мақбул эмас. Шу билан бирга Лениннинг *«динни ҳар қандай ҳақорат қилишдан қочиш керак»* (Тўла асарлар тўплами, русча 52-том, 140-бет), деган кўрсатмасини ҳамиша ёдда тутиш керак. У алоҳида таъкидлаб айтган эдики, «диний таассубларга қарши курашда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керак; бу кураш вақтида диний ҳиссиётларни ҳақорат қилган кишилар катта зарар келтирадилар. Пропаганда йўли билан, маориф-маданият йўли билан курашмоқ керак. Курашни кескинлаштириб юбориш билан биз оммани ғазаблантириб юборишимиз мумкин; бундай кураш омманинг дин принципига мувофиқ бўлинишини мустаҳкамлайди, бизнинг кучимиз эса бирлашишдадир» (Тўла асарлар тўплами, 37-том, 214-бет).

Атеистик тарбия доирасига аҳолининг барча табақалари ва гуруҳлари тортилиши керак. Муайян вазиятларга кўра моддий ишлаб чиқариш доирасида банд бўлмаган, коллективдан, актив ижтимоий ҳаётдан ажралиб қолган кишиларга алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки кишиларнинг худди ана шу категориялари орасида — уй бекалари, пенсионерлар, инвалидлар, узоқ вақт бемор ётган кишилар орасида динга эътиқод қўювчилар кўпроқ бўлади, бинобарин, атеизм пропагандисти маърифат сўзини аввало ана шу кишиларга етказиши керак. Шуни унутмаслик лозимки, бу категориядаги кишиларнинг бир қисми болалар тарбияси билан боғлиқдир. Ўзлари диндор бўлганликларидан улар болаларга ҳам динни сингдиришга интиладилар.

Динга нисбатан муросасозлик позициясида турган кишилар орасида ҳам систематик атеистик иш олиб бориш ғоят муҳимдир. Бу категориядаги кишилар онгида атеизм билан динга нисбатан бефарқ дунёқарашни бартараф этиш, уларда материалистик дунёқарашни шакллантириш зарур. Совет кишиларининг динга ишонмайдиган қисми, шу жумладан эътиқодли атеистлар билан ҳам атеизмни пропаганда қилиш юзасидан муайян иш олиб бориб, уларда диннинг атрофдагиларга таъсирига қарама-қарши туриш иштиёқини тарбиялаш, уларнинг атеистик фаолиятини активлаштириш зарур.

Ҳозирги замон шароитида динга қарши пропаганда илмий дунёқараш тантанаси учун идеологик кураш характерини касб этди. Бу кураш аввало илмий-табиий ва ижтимоий-сиёсий билимларни тарқатишга асослангандир. Партия атеистик пропаганда форма ва методларини ижодий ривожлантириш, совет кишиларини ижтимоий тараққиёт қонуниятлари ҳақидаги билимлар билан, коммунизм учун кураш истиқболини кўра олиш қобилияти билан қуроллантиришга, уларда ўзига ишонч, мамлакат хўжайини туйғусини тарбиялашга интилмоқда. Меҳнаткашлар оммасининг онгида социал воқеаларни тўғри тушуниш ва ижтимоий тараққиётни бошқариш имконини берадиган марксча-ленинча дунёқарашни қарор топтирмай туриб, социалистик турмушни диний сарқитлардан тамомила холи қилиш ва уни коммунистик турмушга айлантириш мумкин эмас. Оммани замонавий фан ва маданият ютуқларидан баҳраманд этиш, уларда коммунистик ахлоқ эътиқодлари ва хулқ-атвор нормаларини шакллантириш йўли билангина турмушни ва оилавий-маиший муносабатларни диндан тўла холи қилиш мумкин. В. И. Ленин таълим бериб айтган эдики, «фақат маданият, ҳаёт ва одатга кирган нарсаларнигина қўлга киритилган ютуқ деб ҳисобламоқ керак» (Тўла асарлар тўплами, 45-том, 435-бет).

Демак, жамиятимиздаги социал-маиший тафовутларнинг қолдиқларини ва шу заминда ҳамон сақланиб келаётган ўтмиш сарқитларини, шу жумладан диний сарқитларни тугатиш учун юксак турмуш маданиятини, янги анъаналар, маросимлар ва урф-одатларни, коммунистик ахлоқ принциплари ва хулқ-атвор нормаларини жорий этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги вақтда дин билан мунозара асосан ахлоқ проблемалари юзасидан олиб борилаётганлигини унутмаслик керак. Руҳонийлар динга ишонувчиларга ўз таъсирларини сақлаб қолишга ва янги кишиларни динга жалб қилишга интилиб, дин энг юксак ахлоқни тарбиялаш учун керак, деб даъво қилмоқдалар. Мусулмон руҳонийлари кундалик тарғиботчилик фаолиятларида коммунистик ахлоқ билан ислом ахлоқи принципларининг ўхшашлиги ҳақидаги, ислом ахлоқининг коммунизмнинг ахлоқий идеалларини қарор топтиришдаги юксак вазифаси ҳақидаги ғояни зўр бериб тарғиб қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам коммунистик ахлоқни далиллар асосида диний ахлоққа қарама-қарши қўйиш, уларнинг тамомила қарама-қарши эканлигини очиб бериш, бу билан диндорлар онгида диндан қутулган кишининг олижаноб ахлоқий

фазилатларига ишончни шакллантиришда ёрдам бериш зарур. Ҳаётнинг мақсади ва моҳияти ҳақида, инсоннинг жамиятдаги роли ва ўрни ҳақидаги диний тасаввурларга ҳаётнинг моҳияти, инсоннинг реал бахт-саодати, шахснинг социал роли ва шу сингарилар ҳақидаги марксча тушунчаларни қарама-қарши қилиб қўйиш керак. Коммунизм ахлоқий идеалларининг олижаноблиги ва гўзаллигини очиб бериш совет кишиларининг турмуши ва онгида дин сарқитларини йўқота боришга ёрдам беради.

Атеистик пропаганда самарадорлигини ошириш ҳамда янги маросимлар ва урф-одатларни турмушга кенг жорий этиш учун атеист-пропагандистларнинг яхши тайёргарлик кўриши катта аҳамиятга эга. Бу соҳада республикада катта иш олиб борилаётир. Жумладан, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда бу кадрларни қайта тайёрлаш бўйича доимий ойлик курслар ишлаб турибди. Аммо социологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, коммунистларнинг катта қисми, шу жумладан раҳбар ходимлар атеизмни пропаганда қилишда ва янги маросимларни жорий этишда қатнашмайдилар, диний-маиший сарқитларга муросасозлик билан қарайдилар, меҳнаткашлар ва айниқса ёшлар орасида оммавий-сиёсий ва атеистик ишни сусткашлик билан олиб борадилар, бу эса ҳар бир коммунистнинг Уставда белгиланган муҳим вазифаси эканлигини унутадилар.

В. И. Ленин бундай деб таълим берган эди: «Марксист бутун конкрет шароитни ҳисобга ола билиши, анархизм билан оппортунизм ўртасидаги чегарани ҳамиша топа билиши (бу чегара нисбий, кўчма, ўзгарувчан бўлса-да, лекин у бор чегара), анархистнинг абстракт, оғзаки, амалда пуч «революционаризмига» ҳам, динга қарши курашдан қўрқувчи, ўзининг бу вазифасини ёдидан чиқарувчи, худога эътиқод қилишга йўл қўювчи, синфий кураш манфаатларига амал қилмасдан, ранжитмаслик, бездирмаслик, қўрқитмаслик керак деган майда ва арзимаган мулоҳазага ва «ўзинг ҳам яша, бошқаларнинг яшашига ҳам имкон бер» деган бемаъни қоидага ва ҳоказо ва шу сингариларга амал қилувчи майда буржуанинг ёки либерал интеллигентнинг обивателлигига ва оппортунизмига ҳам мубтало бўлмаслиги лозим» (Тўла асарлар тўплами, 17-том, 481-бет). Лениннинг бу доно сўзлари ҳозирги ҳаётимизда диний-маиший сарқитлар барқарорлиги ва яшовчанлигининг айрим сабабларини англаб олиш имконини беради. Мешчанлик ахлоқи ва хусусий мулкчилик психологиясининг қолдиқлари ҳам диннинг сақланиши ва жонланиши учун муайян даражада замин бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида айтиладики, партия комитетлари атеистик тарбияни кучайтириш учун, шунингдек диний хурофотларга қарши курашда коммунистлар ва комсомолларнинг масъулиятини ошириш учун конкрет тадбирлар ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари зарур.

КПСС МҚ Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси МҚ биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов «Қишлоқ меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш ва қишлоқ турмуши маданиятини ошириш масалалари»га бағишлаб 1975 йил май ойида Тошкентда ўтказилган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференциясида айтдики, қишлоқда янги турмушни қарор топтириш — мураккаб жараёндир, чунки турмуш нисбатан мустақил ва консерватив бўлиб, бу нарса эски турмуш укладининг, диний маросимлар ва зарарли урф-одатларнинг сарқитлари сақланиб қолишига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси турмушдаги ўтмиш сарқитларига қарши олиб боришни, қишлоқ аҳолисини янги маданий-маиший анъаналар руҳида тарбиялашни талаб қилади. Бу ишда диний сарқитларга қарши

кураш, қишлоқ аҳолисини атеистик руҳда тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этади.

В. И. Ленин атеистик пропагандани партиянинг бутун идеология фаолиятининг таркибий қисми деб ҳисоблар эди. Коммунистик тарбия ҳамма йўналишларининг — меҳнат, ахлоқий, интернационал, эстетик тарбиянинг илмий-атеистик эътиқодларни шакллантиришдаги имкониятларидан қанчалик активроқ ва тўлароқ фойдаланилса, диний-маиший сарқитлардан қутулиш жараёни шунчалик самаралироқ бўлади. Демак, атеистик пропаганданинг бундан буёнги ривожланиши коммунистик тарбиянинг барча йўналишларини таркибан қўшиб олиб бориш йўлида давом эттирилиши керак. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС МК 1979 йил ноябрь Пленумида айтганидек, атеистик пропагандада ҳам дабдабабозлик ва шовқин-сурон бўлмаслиги керак, бу иш жиддий ва далиллар асосида олиб борилиши лозим.

Идеология ва практикадаги социалистик гуманизм диалектик-материалистик дунёқарашга таяниб, инсонни ташқи омиллар таъсир кўрсатадиган объект сифатидагина эмас, балки хилма-хил туйғулар ва кечинмаларга эга бўлган фикр юритувчи фаол шахс сифатида ҳам тушунишга асосланади. Инсон ҳақидаги марксча-ленинча таълимот ўтмишдаги барча инсонпарварлик таълимотлари майдонга ташлаган энг яхши идеалларни ўз ичига олади. Ошиб бораётган моддий ва маънавий талабларни қондириш йўли билан ана шу юксак идеалларнинг аста-секин рўёбга чиқарилиши ҳар бир шахснинг ўз истеъдоди, қобилияти ва талантларини тўлароқ намоён қилишига кўмаклашади. Социализм моддий тараққиётни маънавий тараққиёт билан қўшиб, жамият барча аъзоларининг турмуши ва онгидаги диний сарқитларни тамомила ва узил-кесил бартараф этилиши учун реал имконият яратади, бу эса инсон шахсининг юксак даражада равнақ топишини таъминлайди.

МУҲИМ САНАЛАР ВА ВОҚЕАЛАР

КОММУНИСТИК ҲАРАКАТНИНГ СТРАТЕГИЯСИ ВА ТАКТИКАСИ ТЎҒРИСИДА ЛЕНИН ТАЪЛИМОТИ

В. И. ЛЕНИННИНГ „КОММУНИЗМДА БОЛАЛАРЧА „СЎЛЛИК" КАСАЛИ" АСАРИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

М. МАЛИКОВ,
тарих фанлари кандидати

УЛУҒ ОКТЯБРЬ социалистик революциясининг ғалабаси ва унинг ютуқлари ҳарбий интервенциядан ҳамда ички контрреволюциядан муваффақиятли ҳимоя қилинганлиги халқаро пролетариатнинг коммунизм тантанасига ишончини мустаҳкамлади. Кўпгина мамлакатларда социал-демократиянинг революцион қаноти мустақил марксчи-ленинчи партиялар бўлиб расмийлашди.

1919 йил март ойининг бошларида Лениннинг III, Коммунистик Интернационални барпо этиш ғояси рўёбга чиқди. Коминтерн ва унинг Ижрокоми компартияларни ўз теварагига жипслаштириш ва социализмни пропаганда қилиш соҳасида жуда катта иш бошлади. «...Ҳозир *бутун дунёда* Совет ҳокимияти ғояси туғилиб, бу ғоя барча мамлакатларнинг пролетариати ўртасида мисли кўрилмаган тезлик билан ёйилиб бормоқда»,— деб уқтирди В. И. Ленин (ТАТ, 41-том, 14-бет). 1920 йил ёзига келиб 30 дан ортиқ мамлакатда коммунистик партиялар ва ташкилотлар вужудга келди.

Социал-демократиянинг реформист раҳбарлари капитализмнинг умумий кризиси кучайиб бораётган шароитда буржуа тузумини сақлаб қолишга уриниб, жон-жаҳдлари билан ҳаракат қила бошладилар. Улар мафкуравий таъсир ўтказиш йўли билан пролетариатнинг революцион иродасини заифлаштиришга, уни коммунистик ҳаракатдан яккалаб қўйишга интилдилар.

Ишчилар синфини ва унинг иттифоқчиларини пролетар авангарди тарафига ғоявий жиҳатдан ўтказиб олиш ёш коммунистик партияларнинг энг муҳим вазифаси бўлиб қолди. Бироқ, ташкилотчилик иши ва синфий кураш тажрибаси бўлмаган бу партиялар ижтимоий турмушдаги янги ҳодисаларга ижодий баҳо бера олмас, назарий жиҳатдан заиф эди. Шу сабабли ёш компартиялар қизғин революцион шижоатли бўлишига қарамай, ишда жиддий хатоларга йўл қўйдилар, баъзи ҳолларда эса улар орасида ошкора сиёсий фаолиятнинг формаларини, чунончи, реформистлар таъсиридаги касаба союзларида ишлаш, буржуа парламентларида қатнашиш, бошқа партиялар билан биргаликда ҳаракат қилиш сингари формаларни рад қилувчи сўл оғмачилик пайдо бўлди. Айрим жойларда партия интизомига нигилистик назар билан қаралди.

Сўл сектантлик тактикаси сиртдан жуда революцион бўлиб кўринса ҳам, аслида компартияларни оммадан ажратиб қўяр ва ишчилар синфига катта зарар етказар эди. Мана шу «касаллик»ни даволамай туриб, омма орасида сабр-тоқат билан мунтазам ишни кучайтирмай туриб, компартияларни пролетариатнинг нуфузли сиёсий ташкилотларига айлантиришга умид боғлаб бўлмас эди.

В. И. Ленин Коминтернинг II конгресси чақирилишига мўлжаллаб ёзган ва 1920 йилнинг июнида босилиб чиққан «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» номли доҳиёна асари марксизм-ленинизм назариясини ривожлантиришда, коммунистик ҳаракатнинг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишда муҳим босқич бўлди ҳамда ёш компартияларга большевизм тарихи ва ҳозирги тактикасида ҳамма компартиялар қўллана оладиган, ҳаммага аҳамиятли бўлган, ҳаммага мажбурий бўлган тажрибаларни ўргатишга мўлжалланган эди. Марксизмнинг мустаҳкам негизида вужудга келган «...большевизм,— деб ёзди В. И. Ленин,— ўзининг ўн беш йиллик (1903—1917) амалий тарихини бошидан кечирдиким, бу тарих, тажрибага бойлиги жиҳатидан дунёда тенги йўқ тарихдир. Чунки ҳеч бир мамлакат шу 15 йил ичида революцион тажриба маъносида турли ҳаракат формаларининг, легал ва нолегал, тинч ва жўшқин, яширин ва очиқ, тўгаракчилик ва оммавий, парламентчилик ва террорчилик формаларининг тез-тез ва турли йўллар билан алмашиниб туриши маъносида ҳатто тахминан бўлса ҳам бунча кўп ҳодисаларни бошидан кечирган эмас» (ў ш а ж о й д а, 9-бет).

В. И. Лениннинг китобида, турли-туман оппортунистларнинг даъволарига қарамай, Россиядаги Октябрь революциясининг баъзи бир энг асосий белгилари халқаро миқёсда такрорланиши муқаррар, деган жуда муҳим принципиал хулоса чиқарилган. Владимир Ильич бу революциянинг кенг маънодаги жаҳоншумул-тарихий аҳамиятини тавсифлаб, Улуғ Октябрь ҳамма мамлакатларга революционлаштирувчи таъсир ўтказди, инсониятнинг капитализмдан социализмга ўтиш даврини бошлаб берди, деб таъкидлади. «Жаҳон тарихидаги воқеаларнинг ҳеч бири,— деди КПСС МК Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев «Улуғ Октябрь ва инсоният тараққиёти» мавзуидаги докладида,— инсоният учун Улуғ Октябрь социалистик революцияси каби чуқур, узоқ муддатли оқибатлар келтирмаган эди. Октябрь чақмоғи кўпгина мамлакат халқларига келажак йўлини ёритиб берди. Тарих ҳақиқатан алп қадамлар билан олға юриб кетди» (Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар, 6-том, 657-бет).

Лениннинг фикрича, Октябрь революциясининг тор маънодаги халқаро аҳамияти бошқа мамлакатларда унинг асосий белгилари, чунончи, пролетариат диктатураси, ишчилар синфининг меҳнаткаш деҳқонлар оммаси билан иттифоқи, Коммунистик партиянинг пролетариат диктатураси учун ва жамиятни социалистик негизда ўзгартириш учун курашдаги раҳбарлик роли такрорланиши муқаррарлигидан иборат. Социализмга ўтишнинг асосий белгиларига, умумий қонуниятларига эътиборсизлик билан қараш ёки етарли баҳо бермаслик революцион кучларнинг заифлашувига олиб боради. Чили Коммунистик партиясининг бош секретари ўртоқ Луис Корвалан шу қоидани тасдиқлаб бундай деб ёзди: «Биз эришган муваффақиятлар асосан мана шу қонуниятларни эътиборга олиш билан боғланган бўлса, муваффақиятсизликларимиз шу қонуниятларга етарли баҳо бермасликнинг оқибатидир».

В. И. Ленин коммунистик партияларга бошқаларнинг революцион тажрибасига ижодий муносабатда бўлиш, марксизмнинг асосий принципларини турли мамлакатларнинг хусусиятларига қараб моҳирона татбиқ этиш тўғрисида таълим берди. У бундай деб ёзди: «*Конкрет равишда* ҳар бир мамлакатда *бир бутун* интернационал вазифани ҳал этиш, буржуазияни ағдариш, Совет республикасини ва пролетар диктатурасини тузиш учун ундаги миллий хусусиятларни, ўзига хос миллий томонларни текшириш, ўрганиш, топиб ола билиш, сезиш, фаҳмлаб олиш керак» (ТАТ, 41-том, 87-бет).

Ҳозирги босқичда жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракати империализмга қарши курашнинг янги форма ва воситалари билан, социалистик ва демократик вазифаларни ҳал этишнинг хилма-хил методлари билан бойиди. «Бироқ, турмуш шуни исботлаб бермоқдаки, социалистик революциянинг ва социалистик қурилишнинг муштарак, туб, ажралмас белгилари қолаверади ва ўз кучини сақлаб қолади»,— деб уқтирди ўртоқ Л. И. Брежнев (Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар. 6-том, 658-бет).

Пролетариат ўз иттифоқчилари билан биргаликда ҳокимиятни курашиб қўлга олгач, собиқ эксплуататор синфларнинг қаршилигини бостириши лозим, бу синфлар ағдариб ташлангандан кейин ҳам бирмунча вақт хавфли контрреволюцион куч бўлиб туради. Шу сабабли ҳам революция ғалабаларини ҳимоя қилиш пролетариат диктатурасининг жуда муҳим вазифасидир. «Пролетариат диктатураси,— деб тушунтирди В. И. Ленин,— янги синфнинг *қувватлироқ* душманга, буржуазияга қарши энг фидокорона ва энг шафқатсиз урушидан иборат, бу буржуазиянинг қаршилиги унинг (гарчи бир мамлакатда бўлса-да) йиқитилиши натижасида *ўн топқир* ошган...» (ТАТ, 41-том, 6-бет).

Ўнг ва «сўл» оппортунистлар, шу жумладан троцкийчилар пролетариат диктатурасини фақат зўравонлик деб билдилар. В. И. Ленин пролетариат диктатурасининг моҳиятини тавсифлаб, унинг энг асосий вазифаси ишчилар синфининг тарихий миссиясини амалга ошириш — социалистик жамиятни барпо этиш мақсадида хўжалик-ташкилотчилик ва маданий-тарбиявий иш олиб боришдан иборат, деб таъкидлади. Шундай қилиш халқнинг жуда кўпчилиги манфаатларига мос бўлиб тушади. Айни шунинг учун пролетариат диктатураси чинакам демократияни англатади.

Бизнинг мамлакатимизда пролетариат диктатураси социализм ғалабасини таъминлаб ва уни мустаҳкамлаб, ўзининг тарихий ролини бажарди ва совет жамиятининг ички ривожи нуқтаи назаридан зарур бўлмай қолди. Пролетариат диктатураси давлати бутун совет халқининг манфаатлари ва иродасини ифодаловчи умумхалқ давлатига айланди. Бироқ, ишчилар синфининг раҳбарлик роли коммунизм қуриш босқичида ҳам ўз заруратини йўқотгани йўқ.

Ишчилар синфи Коммунистик партиянинг раҳбарлик роли шароитидагина ўз диктатурасини ўрнатиши ва туб социал-иқтисодий ўзгартиришларни амалга ошириши мумкин. «Курашда чиниққан, темирдек мустаҳкам партия бўлмаса,— деб ёзди В. И. Ленин,— шу синф ичидаги виждон эгаларининг барчаси ишонадиган партия бўлмаса, омманинг кайфиятидан хабардор бўлиб турадиган ва унга таъсир ўтказа оладиган партия бўлмаса, бундай курашни муваффақият билан олиб бориш мумкин эмас» (Ўша жойда, 31-бет).

В. И. Ленин партиянинг бирлигини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берди. У коммунистларни партиянинг жанговарлик қобилиятига путур етказувчи тўдабозликка ва фракциячиликка, оппортунистик ва миллатчилик оғмачиликларига муросасизлик руҳида тарбиялади.

В. И. Лениннинг компартияларнинг халқаро бирдамлигини ривожлантириш тўғрисидаги даъвати ҳозир ҳар қачонгидан ҳам актуалроқ янграмоқда. Ҳозирги замон антикоммунистлари, ўнг ва «сўл» оппортунистлари жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатини парчалаб ташлашга зўр бериб уринмоқдалар, компартияларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиш сиёсатини ўтказмоқдалар. «Коммунистик ва бутун революцион ҳаракатнинг ичдан пароканда бўлишига умид боғлаш,— дейилган эди коммунистик ва ишчи партияларнинг 1969 йилда Москвада бўлган халқаро Кенгашида,— эндиликда империализм синфий стратегиясининг энг муҳим йўналишларидан биридир».

Европадаги 29 мамлакат коммунистик ва ишчи партияларининг

Берлин конференцияси (1976 йил июнь) мана шу уринишларга жавобан қардош партияларнинг империализмга қарши ҳаракат бирлигини марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми асосида, уларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва мустақиллигига риоя этиб, прогрессив ўзгартиришлар учун, социализм учун кураш йўлларини танлашдаги эркинликни ҳурмат қилиб, мустаҳкамлашни тавсия этди.

Пролетар партияси сафларидаги қаттиқ интизом шу партия муваффақиятли фаолиятининг асосий шартларидан биридир, бу интизом эса коммунистларнинг онглилиги ва революция ишига садоқати, уларнинг партиясизлар оммаси билан маҳкам алоқаси ва меҳнаткашларнинг манфаатларига муносиб сиёсат ўтказиши туфайли мавжуд бўлади.

Владимир Ильич интизом тўғрисидаги масалани партиядаги демократик централизм принципига қарши чиққан «сўл коммунистлар», айниқса Германиядаги мана шундай «коммунистлар» интизомнинг аҳамиятини тушунмаганликлари сабабли ўртага қўйди. «Сўллар» централизмни йўлбошчиларнинг диктатураси деб талқин қилиб, партиядаги раҳбарлик негизини рад этиш билангина чекланмасдан, умуман пролетар авангардисиз иш кўравериш мумкин, деб ҳам ҳисоблардилар. Бу эса ишчилар синфини буржуазия қаршисида қуролсизлантириб қўйиш бўлур эди.

Шу муносабат билан В. И. Ленин ҳозирги замон жамияти сиёсий партиялар бошчилигидаги синфлардан иборат эканини уқтирди. Ўз навбатида синфнинг бир қисми бўлмиш партияни йўлбошчилар деб аталган бир гуруҳ обрўли, нуфузли кишилар бошқаради. Бошқа синфлар каби пролетариат ҳам ўзининг тажрибали раҳбарларисиз — профессионал революционерларсиз иш кўра олмайди. Унинг курашини ташкил этувчи ва йўллаб турувчи штаб керак.

Айни вақтда В. И. Ленин коммунистларни айрим шахсларнинг — йўлбошчиларнинг ролини ҳаддан ортиқ улуғлаб юбормаслик керак, уларни партиядан ва халқдан юқори қўймаслик лозим, деб огоҳлантирди. Владимир Ильич коллектив раҳбарлик принципига қаттиқ риоя қилинишини талаб этди. Марказий Комитет ва унинг Сиёсий бюроси партиямизнинг мана шундай коллектив йўлбошчисидир.

В. И. Ленин ёш компартиялар фаолиятида ўз камчиликларига танқидий назар билан қарамаслик сингари заиф жиҳатни назарда тутиб, башарти партия ўз хатоларини пайқамаса, таҳлил этиб тузатмаса, ишчилар синфига, барча меҳнаткашларга муваффақиятли раҳбарлик қила олмайди, деб уқтирди. Владимир Ильич ўз хатоларини ошкора тан олишни жиддий партиянинг фазилати деб ҳисоблади. Лениннинг мана шу йўл-йўриғига амал қилиб келаётган КПСС йўл қўйилган хатоларни ҳамиша оммадан яширмай, дадил очиб ташлаб, уларни ўз вақтида тузатиб келмоқда. Шу тариқа у меҳнаткашларнинг, барча совет кишиларининг ишончини янада кўпроқ қозонди.

В. И. Ленин «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» асарида оппортунизмнинг моҳияти ва пайдо бўлиш формаларини, унинг халқаро ишчилар ҳаракатида тарқалиш сабабларини чуқур очиб берди. Пролетариатни буржуазия билан ҳамкорлик қилишга очиқдан-очиқ даъват этувчи, социал антагонизмларни революцион йўл билан тугатишни рад қилувчи ўнг оппортунизм ишчилар синфининг ва марксизм-ленинизмнинг энг катта душмани бўлди ва шундай бўлиб қолади, деб таъкидлади Владимир Ильич. Буржуазиянинг ишчилар ҳаракатидаги агентлари бўлмиш «ишчи аристократияси» ўнг оппортунизмнинг асосий социал негизидир. Буржуа идеологиясининг ишчилар синфига тазйиқи ҳам ревизионизмнинг, реформизмнинг ва бошқа ўнг оппортунистик оқимларнинг оммалашувига кўмаклашади. Оммавий ахборотнинг

асосий воситалари ва улкан пропаганда аппарати буржуа идеологияси қўлидадир.

Ленинчи большевиклар ўнг оппортунизмга қарши, унинг намояндалари бўлмиш «экономистлар»га, меньшевикларга қарши, биринчи жаҳон уруши йилларида эса II Интернационалнинг марказчилар билан бирлашиб олган социал сотқинларига қарши ҳамиша шафқатсиз курашиб келдилар.

Агар «сўл» оппортунизмга, догматизмга ва сектантчиликка қарши жуда кескин кураш олиб борилмаса, улар ҳам революцион ҳаракатга каттагина зарар етказиши мумкин, деб таълим берди Ленин. «Сўл» оппортунизм — курашувчи синфларнинг реал кучларини мутлақо ҳисобга олмай, баландпарвоз революцион ибораларга, масъулиятсиз авантюристик ҳаракатларга берилиш, омма орасида сабр-тоқат билан, кун сайин, мунтазам равишда ташкилотчилик ва тарбиявий иш олиб боришга қобилиятсизлик, ўта революционлик билан контрреволюция орасида бориб-келиб туриш демакдир. Ишчилар синфининг ёш партиялари сафларидаги «сўл» коммунизм мана шундай оппортунизмнинг ўзига хос кўриниши бўлди.

Ўнг ва «сўл» оппортунизм сиртдан фарқ қилгандек кўринса ҳам, аммо майда буржуазия идеологиясининг икки туридир. Уларнинг иккови ҳам марксизм-ленинизм таълимотини доимо сохталаштириб, пролетар интернационализмини инкор қилиб келди. Оппортунизмнинг иккала тури стихияликни афзал кўриб, ишчилар ҳаракатидаги онглилик ва уюшқоқлиликни рад этади. Ўнг ва «сўл» оппортунизм ишчилар синфини парчалаб ва коммунистик партияларни заифлаштириб, шу тариқа объектив равишда империализмга ёрдам беради. Большевизм ўнг оппортунизмга қарши курашдагина эмас, шу билан бирга майда буржуача революционликка қарши курашда ҳам вужудга келди, чиниқди, деб уқтирди Владимир Ильич.

Бизнинг давримизда капиталистик мамлакатларда сўл оппортунистик оқимлар бирмунча жонланди. Кучайиб бораётган ишсизлик, пулнинг қадрсизланиши, қашшоқлашиш, демократиянинг тобора кўпроқ чеклаб қўйилиши натижасида турли социал қатламлар орасидаги янги миллион-миллион кишилар — майда мулкдорлар, хизматчилар, ёшлар ва шу кабилар империализмга қарши ҳаракатга қўшилмоқдалар. Уларнинг сиёсий ғўрлиги сабабли, агар улар ишчилар синфи ва унинг партияси раҳбарлигидан четда қолсалар, уларнинг социал норозилиги кўпинча анархизм ва майда буржуа исъёнкорлиги формаси касб этар эди. Кўпгина капиталистик мамлакатларда мана шу социал-сиёсий заминда майда экстремистлар, троцкийчи ва маочи руҳидаги террорчи гуруҳлар пайдо бўлди. Улар ишчилар синфини ва унинг партиясини етарли равишда революцион эмас, деб ҳисобламоқдалар. Улар ўзларининг игвогарлик ҳаракатлари билан ишчилар ҳаракатининг обрўсини тўкмоқдалар, империалистик реакцияга коммунистларни ва бошқа илғор кучларни таъқиб қилиш учун баҳона топиб бермоқдалар. Пекинлик гегемончиларнинг сиёсий практикасида «сўл» доктриначиликнинг зарари, унинг революцион сафсатабозликдан ўта реакционликка ўтиб кета олиши жуда яққол ва кенг миқёсда кўриниб турибди. Мана шу гегемончилар ҳозирги замоннинг барча асосий проблемалари — социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига, синфий курашга, миллий-озодлик ҳаракатига, уруш ва тинчликка муносабат юзасидан империализмнинг энг агрессив доиралари билан қўшилиб кетдилар.

Марксчи-ленинчи партиялар ўз мақсадларига эришиш учун ҳам ўнг, ҳам «сўл» оппортунизмни бартараф этишлари зарурлигини революцион ҳаракат тарихи кўрсатиб турибди. Бу — коммунистик ва ишчи партиялар ривожининг қонунидир. «...Айниқса ҳам ўнг, ҳам ўта сўл ревизионизм,— деб уқтирди КПСС XXV съезди,— асло жим ётгани йўқ, шу-

нинг учун ҳам коммунистик ҳаракатнинг марксча-ленинча асослари учун, уларни бузиб кўрсатишга ёки барбод этишга уринишларга қарши кураш ҳамма учун умумий вазифалигича қолаверади».

Лениннинг асарида компартияларнинг кўпчилик меҳнаткашларни ўз тарафига ўтказиб олиши проблемаси марказий ўрин олади. Касаба союзларини ўз таъсирига олишни В. И. Ленин шу мақсадга эришиш йўлларининг бири деб билди. Бироқ, «сўл коммунистлар» капиталистик мамлакатлардаги касаба союзларига буржуазияга сотилган реформистлар бошчилик қилаётганликларига асосланиб, умуман касаба союзларида ишлашдан бош тортдилар. Шу хусусда Владимир Ильич бундай деб уқтирди: ««Сўл» революционерларнинг революцияга келтираётган зарарларидан ортиқ зарарни, бундан ортиқ ақлсизликни тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас!» (ТАТ, 41-том, 42-бет). Ленин коммунистларни омма бор жойларнинг ҳаммасида (касаба союзларида, кооперативларда, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотларида, маданий-оқартув ва меҳнаткашларнинг бошқа ташкилотларида) ишлайверишга даъват қилди. Бироқ, у энг оммавий ташкилотлар бўлмиш касаба союзларига алоҳида аҳамият берди. Шу билан бирга Владимир Ильич коммунистларга касаба союзларнинг реакцион юқори тўдаси билан оддий касаба союз оммасини бир-биридан қатъий фарқ қилишни, «...ўйлаб чиқарилган гўдаклик —«сўллик» шиорлари билан ўзларини кейинда қолганлардан *четга тортиш* эмас, балки уларни *ишонтира билиш,* улар *ўртасида* ишлай билиш» (ў ш а ж о й д а, 42-бет)ни тавсия этди.

Ўтган йиллар мобайнида компартиялар пролетариатнинг синфий курашини ташкил этишда касаба союзларининг ролини оширишда дуруст муваффақиятларга эришдилар. Етмиш мамлакатнинг касаба союзларини бирлаштирувчи жаҳон касаба союзлари федерацияси империализмга қарши сиёсат ўтказмоқда, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун курашда меҳнаткашларни жипслаштиришга актив ҳаракат қилмоқда.

Коммунистларнинг буржуа парламентларида иштирок этишини В. И. Ленин омма билан алоқа боғлашнинг жуда муҳим формаси деб ҳисоблади. «Сўл коммунистлар» Октябрь революциясидан кейин парламентаризм гўё сиёсий жиҳатдан ўз умрини яшаб, тарих бисоти бўлиб қолди, чунки Советлар Республикаси вужудга келди, пролетариат диктатураси даври бошланди, деб даъво қилдилар. Улар шу фикрга асосланиб, буржуа парламентида қатнашишдан бош тортдилар. Советлар ҳақиқатан ҳам парламентдан юқори ва яхшироқ эди. Аммо ҳали капиталистик мамлакатлардаги ҳамма меҳнаткашлар ҳам, ҳатто шу пайтгача парламент билан боғланган хомхаёллардан халос эмаслар. Парламентаризм аслида ишчилар синфининг авангарди учунгина ўз умрини тугатган эди. Шу сабабли коммунистлар парламент сайловида қатнашишлари, парламент минбаридан фойдаланиб меҳнаткашларни революцион руҳда тарбиялашлари, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишлари, ўз программаларини тарғиб қилишлари, ҳукмрон синфларнинг сиёсатини фош этишлари керак эди. В. И. Ленин шуни уқтирдики, большевиклар энг контрреволюцион парламентларда ҳам қатнашдилар, бу эса революцион ҳаракатни ривожлантириш учун фойдали ва зарур бўлганини тажриба кўрсатди. Компартиялар конкрет сиёсий вазиятга асосланиб, ўзларининг парламентга муносабатларини белгилашлари лозим.

Парламент фаолиятини инкор қилиш коммунистларнинг парламентда сотқин социал-демократиянинг буржуазия билан малайларча ҳамкорлигига қарши ўзига хос норозилик формаси бўлган эди. Аммо революция принципларига садоқат парламентларда иштирок этишдан зарда билан воз кечишдан эмас, балки бу парламентларда бақувват

коммунистик фракцияларни вужудга келтиришдан иборат бўлиши лозим эди, чунки капитал мамлакатларидаги кўпгина меҳнаткашлар ҳали буржуа парламентаризмига ишонади. Шу сабабли, деб уқтирди В. И. Ленин, «...революцион пролетариат партияси *худди шу ўз синфининг* қолоқ, эзилган, нодон қишлоқ оммасини уйғотиш ва унга билим бериш учун парламент сайловида қатнашуви ва парламент минбарида туриб курашуви албатта керак» (ў ш а ж о й д а, 47-бет).

Ҳозирги шароитда курашнинг парламент формаси алоҳида аҳамият касб этди. КПСС Программасида уқтириб ўтилганидек, ҳозирги вақтда бир қанча капиталистик мамлакатларда ишчилар синфи халқнинг кўпчилигига таяниб, реакцион кучларни мағлубиятга учратиш, парламентда мустаҳкам кўпчиликни эгаллаш, уни буржуазиянинг синфий манфаатларига хизмат қилувчи қуролдан меҳнаткаш халққа хизмат қилувчи қуролга айлантириш ва парламентдан ташқарида бўладиган кенг миқёсдаги оммавий ишни авж олдириш, реакцион кучларнинг қаршилигини синдириш ва социалистик революцияни тинч йўл билан амалга ошириш учун зарур шарт-шароит вужудга келтириш имкониятига эгадир. Мана шуларнинг ҳаммаси ишчилар, деҳқонлар оммаси ва шаҳарлардаги ўрта ҳол табақаларнинг йирик монополистик капиталга қарши, реакцияга қарши, чуқур социал реформалар учун, тинчлик ва социализм учун синфий курашини кенг миқёсда, узлуксиз ривожлантириш йўли билангина рўёбга чиқиши мумкин.

Шу билан бирга, социализмга нотинч йўл билан ўтиш имкониятини ҳам назарда тутмоқ керак. Ҳар бир мамлакатда социализмга ўтишнинг у ёки бу усулидан фойдаланиш конкрет тарихий шароитларга ва ағдариб ташланадиган эксплуататор синфларнинг қаршилик кучига боғлиқ бўлади.

Коммунистик ҳаракатнинг муваффақиятини таъминлашда В. И. Ленин муросага келиш тактикасига маълум роль ажратди. Бошқа партиялар билан бирон-бир битим тузишдан бош тортишни алоҳида революционлик белгиси деб ҳисоблаган «сўл коммунистлар» бу тактикага қаттиқ қаршилик қилдилар. Владимир Ильич бундай тактиканинг яроқсизлигини танқид қилиб, 1902 йилдаёқ «Нима қилмоқ керак?» китобида бундай деб ёзган эди: «Гарчи ишончсиз кишилар билан бўлса ҳам вақтинча иттифоқ тузишдан ўзига ишонмаган кишигина қўрқиши мумкин ва ҳеч бир сиёсий партия бундай иттифоқсиз яшай олмаган бўлур эди» (ТАТ, 6-том, 18-бет).

Одатда, муроса ўз душманлари лагеридаги зиддиятлардан фойдаланиш учун ва гарчи вақтинчалик бўлса ҳам, иттифоқчилар орттириш учун тузилади. Баъзан мағлубиятдан қутулиб қолиш ва янги ҳужумга куч сақлаш учун ҳатто ошкора душман билан ҳам муроса қилиш зарур. Владимир Ильич уқтириб ўтганидек, «...революцион синфнинг шундай жуда ноқулай урушдан бош тортиш учун «устамонлик қилишни, битишиш ва муроса-мадора қилишни» билмайдиган сиёсатчилари бир чақага ҳам арзимайди» (ТАТ, 41-том, 68-бет).

Шу кунларда коммунистик ва ишчи партиялар айниқса тараққийпарвар кучларнинг империализмга қарши фронтини вужудга келтириш учун муроса қилишнинг ленинча тактикасини муваффақиятли амалга оширмоқдалар. Мана шундай тактика Португалия, Испания, Греция, Никарагуа, Эрон, Афғонистондаги фашистик ва мустабидлик режимлари ағдариб ташланишига, дунёнинг турли регионларида империалистик агрессиянинг олди олинишига имкон берди. Коммунистларнинг капиталистик мамлакатлардаги демократик кучлар билан битимлари забастовка ҳаракатида, урушга қарши чиқишда, монополияларнинг бедодлигига, ишсизликка қарши ва меҳнаткашлар ҳуқуқларининг бошқа тарзда бузилишига қарши курашда кенг қўлланилмоқда.

Эндиликда парламент, президент ва муниципал сайловлари даврида сўл кучларнинг блокини тузиш ва ягона сиёсий платформани ишлаб чиқиш муросага келишнинг энг оммалашган шакли бўлиб қолди. Масалан, Францияда уч партия — Коммунистик, Социалистик партиялар ва Сўл радикаллар ҳаракати блоки 1974 йилги президент сайловида овозларнинг 49,4 процентини, 1976 йилги кантон сайловида 50,9 процентини олди. Португалия Республикаси мажлисига 1979 йил декабрида ўтказилган оралик сайловида, 1980 йил январида Ҳиндистон парламентига ўтказилган сайловда сўл кучларнинг биргаликда қилган ҳаракати ўзини оқлади.

Чилидаги беш партия Халқ бирлиги блокининг 1970 йилги президент сайловида эришган ғалабаси ва Сальвадор Альенденинг мана шу ҳамма партияларнинг, шу жумладан Коммунистик партиянинг вакилларидан иборат тузган ҳукуматининг уч йил мобайнидаги самарали фаолияти муросага келишнинг аҳамияти ва потенциал имкониятларини яна бир бор кўрсатганлиги маълум. Чили революционерларининг сўл блок тузиш тактикаси халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатини ҳокимият учун курашнинг қимматли тажрибаси билан бойитди. Бу тактикани жаҳон тараққийпарвар жамоатчилиги маъқуллади ва у айрим салбий жиҳатлар эътиборга олиниб, бошқа мамлакатларда такрорланиши шубҳасиз. 1980 йил январида Перуда етти партиядан иборат «Сўл кучлар бирлиги» блоки тузилганлиги бунинг исботидир.

Империалистик реакциянинг кучайиши социал-демократиядаги табақаланиш ва сўллашишни жадаллаштирмоқда. Шу ҳол меҳнаткашлар оммасининг у ёки бу қатламлари манфаатларини ҳимоя қилувчи бошқа партиялар билан коммунистларнинг бирмунча пухта ва узоқ муддатли битимлар тузиши имкониятини кенгайтиради. КПСС XXV съезди илғор революцион, демократик ва сўл социалистик партиялар билан алоқани чуқурлаштириш зарурлигини уқтирди. Бироқ, муросага келган ва битим тузган пайтда Лениннинг революцион жараённи заифлаштирувчи принципиал, айниқса идеологик ён беришларга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисидаги йўл-йўриқларини унутиш ярамайди. «Октябрь ғалабаси учун кураш тажрибаси шуни кўрсатдики, революцион фаолиятда тактикани ўзгартира бериш мумкин, янги иттифоқчиларни ўз томонимизга ўтказиш учун ён беришлари мумкин. Лекин биз бошқа бир нарсани ҳам яхши билиб олдик. Тактика манфаатларини кўзлаб, принципларни қурбон қилиш асло ярамайди» (Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар, 6-том, 663-бет).

В. И. Лениннинг «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» китобида пролетариатнинг сиёсий ҳокимиятни қўлга олиши учун ҳаракат қилиш шарт-шароитлари ва пайти тўғрисида ишлаб чиққан қоидалари коммунистик ҳаракат учун муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Маркснинг революцион вазият тўғрисидаги таълимотини ривожлантириб ва конкретлаштириб, Владимир Ильич бундай деб уқтирди: *«Паст табақалар»* эскини *хоҳламай қолган* ва «юқори табақалар» *эскича туролмай қолган* вақтлардагина, фақат шу вақтдагина революция ғалаба қозониши мумкин... Умуммиллий (эксплуатация қилинувчиларга ҳам, эксплуатация қилувчиларга ҳам алоқадор) кризис бўлмаса, революция бўлиши мумкин эмас» (ТАТ, 41-том, 77-бет).

В. И. Ленин ёш компартияларни революцияга волюнтарча ёндашишдан огоҳлантириб, уларни халқаро ва ички аҳволни, антагонист синфлар, уларнинг ошкора ва эҳтимол тутилган иттифоқчилари кучларининг жойланишини сергак баҳолашга, бунда оралиқдаги синфлар ва майда буржуа партияларини назардан қочирмасликни ўргатди ҳамда революциянинг натижаси шу синфлар ва партияларнинг феъл-атворига, активлик даражасига боғлиқ бўлиши мумкинлигини уқтирди. Оммага сиёсий раҳбарлик санъати компартиялардан ижтимоий фао-

лиятнинг ҳамма шаклларини эгаллашни ва доимо тайёр бўлиб туришни, вазиятга қараб курашнинг бир хил воситаларини бошқа воситалар билан жуда тез ва кутилмаганда алмаштиришни талаб қилади. «Армиянинг душманда бор ёки бўлиши мумкин бўлган барча хил қуролларни, курашнинг ҳамма восита ва усулларини билиб, эгаллаб олишга тайёрланмаслиги ақлсизликдир ёки ҳатто жиноятдир, деган фикрга ҳар ким ҳам қўшилади,— деб ёзди Владимир Ильич.— Лекин бу фикр ҳарбий ишга қараганда сиёсатга янада кўпроқ тааллуқлидир» (ў ш а ж о й д а, 90-бет).

Лениннинг революциянинг объектив ва субъектив омилларини ҳар томонлама ҳисобга олиш ҳамда эпчил тактикани эгаллаш зарурлиги тўғрисидаги қоидалари пролетариатга ва унинг партияларига унчалик яхши тайёрланмаган, қусурли ҳаракатлар қилмасликка ва фитначилик усулида ҳокимиятни қўлга олиш учун қилинадиган уринишларга йўл қўймасликка ёрдам беради. В. И. Ленин ўз китобида коммунистик ҳаракатда соғлом тенденциялар устун бўлиб чиқади, сўл сектантлик хатоларини эса революцион практика итқитиб ташлайди, деб қаттиқ ишонч билдирди.

«Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» китоби босилиб чиққан пайтдан бери барча мамлакатларнинг коммунистлари учун дастур бўлиб қолиб, сиёсий сектантликнинг, доктринабозликнинг ҳамма кўринишларига ва бошқа хатоликларга қарши изчил коммунистик тактика тутиш учун курашда доимо ёрдам бериб келмоқда. У Коминтерннинг, коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашларининг программавий ҳужжатларига асос қилиб олинди.

Лениннинг коммунистик ҳаракат стратегияси ва тактикаси тўғрисидаги таълимоти халқаро миқёсда тарихий синовдан ўтди ва ўзининг ҳаётийлигини исботлади. У ўзининг асосий қоидаларини ҳамма мамлакатларда қўлланиш мумкинлиги жиҳатидан универсаль таълимотдир. КПСС Марказий Комитетининг В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисидаги қарорида таъкидлаб ўтилганидек, «Лениннинг турли мамлакатларда социализмни барпо этиш ва ривожлантириш муштарак қонуниятлари асосида социалистик қурилиш форма ва методларининг хилма-хиллиги тўғрисидаги башоратини ҳаёт тасдиқлади».

В. И. Лениннинг «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» асари ишчилар синфининг душманларини фош этишда, фаолиятнинг форма ва методларини такомиллаштиришда компартияларга бебаҳо ёрдам бермоқда, сиёсий хатоликлардан омон сақламоқда. Совет ва чет эл коммунистларининг неча-неча авлодлари оммага сиёсий раҳбарлик санъатини мана шу улуғ асардан ўргандилар.

Лениннинг васиятлари коммунистик ҳаракатнинг қудратли ва доимо ривожланиб борувчи революцион-ўзгартирувчи кучга айланишига ёрдам берди. Эндиликда ер куррасидаги 100 мамлакатнинг 70 миллион коммунисти меҳнаткашларнинг тинчлик, социал тараққиёт ва коммунизм учун курашига бошчилик қилмоқда. Европа коммунистик ва ишчи партияларининг 1980 йил апрель охирида Парижда бўлиб ўтган учрашуви қатнашчиларининг Европа мамлакатлари халқларига қарата «Тинчлик ва қуролсизланиш учун» қилган оташин даъвати яхши ниятли миллион-миллион кишилар умид-орзусининг янги ифодаси бўлди.

«Ленин асос солган халқаро коммунистик ҳаракат,— деб таъкидланади КПСС Марказий Комитетининг мазкур қарорида,— ҳозирги замоннинг энг нуфузли сиёсий кучига айланди. Ленин ишлаб чиққан ғоявий-назарий, сиёсий ва ташкилий принциплар ҳозир ҳам ишчилар синфи революцион партияларининг фаолиятига асос бўлиб турибди, курашиш ва ғалаба қозонишга ёрдам бермоқда».

КОМИЛ ЯШИН 70 ЁШДА

ШОГИРД СЎЗИ

Асқад МУХТОР,

Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати

КОМИЛ ЯШИН ижоди ва жамоатчилик фаолияти, шубҳасиз, адабий-маданий ҳаётимизда катта ва салмоқли воқеадир. Совет адабиётида Улуғ Октябрь ва доҳий Ленин мавзуининг муҳимлиги исботга муҳтож эмас. Яшиннинг бу мавзуни ишлашдаги изчиллиги, кўп миллатли совет адабиётининг бу борадаги анъаналарини қунт ва эътибор билан ўзлаштириши, мавзунинг «Шарқ ва Ленин» қиррасини очишдаги ўзига хос маҳорати уни мамлакатнинг атоқли санъаткорлари қаторига кўтарди.

Барча йирик адибларнинг эътирофича, драматургия бадиий ижоднинг энг мураккаб соҳасидир. Унда инсон руҳий парвозининг энг юксак нуқталари, халқ ҳаётидаги муҳим бурилишлар йирик характер ва кескин конфликтлар орқали кўрсатилади. Композицион приёмлар, персонаж тилларининг ранг-баранглиги жиҳатидан ҳам бу жанрнинг имкониятлари беҳисобдир. Яшиннинг бу серзаҳмат, санъатнинг барча турлари билан қаттиқ боғланган энг халқчил жанрда ишлай бошлашига аввало бевосита устози оташин Ҳамза намунаси далда берди. Ҳамза шарофати билан драматургия ва санъатга қадам қўйган ёш шоир устознинг драматик меросини тиклаш юзасидан узоқ йиллар давомида олиб борган сермашаққат ишида ўз оригинал ижоди учун бебаҳо тажриба орттирди.

Ўзбек драматик театрининг шаклланиш тарихи ва камолот босқичлари Комил Яшин номи билан жуда қаттиқ боғлиқ. Унинг 20-йиллардан бошлаб ҳозиргача ёзган йигирмага яқин драматик асарини халқимиз ҳаётининг инқилобий йилномаси, республикамиз бадиий биографияси деса бўлади. Улардан «Икки коммунист» (кейинчалик «Тормор»), «Гулсара», «Нурхон», «Номус ва муҳаббат», «Генерал Раҳимов», «Йўлчи юлдуз», «Инқилоб тонги» кабилари бадиий-маънавий тараққиётимизда ўчмас из қолдирди, театр санъати ривожида янги босқичларни белгилади. Бир қарашда, энди бу асарлар тарихий мавзуда ёзилган ёки ўз вақтида вазифасини ўтаб, адабиёт тарихидагина қолган асарлар бўлиб туюлади. Лекин аслида уларнинг кўпи халқ ҳаётидаги муҳим тарихий воқеалар изидан, даврнинг долзарб муаммоларига ҳозиржавоблик билан ёзилган бўлса ҳам, авторнинг инқилобий ўзгаришлар жараёни қонуниятларини билишдаги етуклиги туфайли, авлодларнинг маънавий шаклланишига ҳамон хизмат қилиб, яшаб турибди. Дарҳақиқат, коммунист Арслон, оташин Нурхон ва Гулсаранинг ёрқин ва фожеий образлари, Собир Раҳимов, Ҳамза, Ленин, Фрунзе, Файзулла Хўжаев сиймолари тарих қатида қолиб кетиши мумкин эмас. «Йўлчи юлдуз» ва «Инқилоб тонги»даги Ленин иштирок этадиган саҳналар бадиий ленинномамизга ёрқин саҳифа бўлиб қўшилди. Комил Яшин совет драматургиясида доҳий образини яратиш тажрибалари ва

энг яхши традицияларини узоқ йиллар давомида ўрганиб, Ленин ва Шарқ мавзуини очишда катта муваффақият қозонди. Ўз асарларида Владимир Ильичнинг меҳнаткаш халқлар билан руҳий якдиллиги, жамият тараққиёти қонуниятларини чуқур билиш, келажакни олдиндан кўриш, Коммунистик партия ва революцион ишчи синфининг тарихий ролига буюк эътиқод каби доҳиёна фазилатларини очиб беришга интилди. В. И. Ленин Комил Яшин тасвирида буюк ва камтарин инсон, эзилган Шарқ меҳнаткашларининг меҳрибон дўсти ва йўлбошчиси, қардошларча дўстлигимиз ва порлоқ тақдиримизнинг ижодкори сифатида гавдаланади.

Драматик асарнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, унда образ ва характер яратишда персонажларнинг ўз нутқи, ўз тили ҳал қилувчи роль ўйнайди, воқеа иштирокчиларининг тилини индивидуаллаштириш учун автордан катта маҳорат талаб қилинади. Комил Яшин бу санъатнинг беназир устасидир. Унинг бадиий тил бойлиги ўткир, рангдор, ширали ва халқчил, Ҳамза драмаларидан, халқ тили хазиналаридан озиқланади. Яшин бадиий тилининг бу хусусиятларини биз унинг катта прозасида, энг етук йилларида ёзган «Ҳамза» романида яна ҳам яққол кўрдик. Ҳозирданоқ прозамизнинг катта ютуғи сифатида тилга олинаётган бу янги роман атоқли драматург истеъдодининг янги қирраларини очиш билан бирга, унинг драматургия соҳасида орттирган катта ижодий тажрибаларининг ҳам мужассамидир. Шунинг учун романда драмага хос кескин вазиятлар, воқеаларнинг жадал ривожи, йирик характерлар тўқнашуви ҳамда етук композицион драматизмни кўрамиз. Автор оташин шоирнинг курашчанлик, фидойилик фазилатларини кўрсатибгина қолмай, поэзиянинг қандай қилиб синфий кураш қуролига айланганини ҳам очиб беради. Ҳамза сиймоси революцион интеллигенциянинг, халқ руҳий қудратининг рамзий образига айланади. Асарда халқимиз революцион тарихининг энг кескин йиллари тасвир этилган. Бош қаҳрамоннинг маънавий ва ғоявий шаклланиши ғоят мураккаб ижтимоий шароитда кечади, оташин шоирнинг шахсий тақдири шонли ва фожиали, шу билан бирга, курашга, яшашга даъват этувчи мангу оловдек, тасаввуримизда узоқ сақланиб қолади.

«Ҳамза» романи совет жамоатчилиги яқинда 90 йиллигини нишонлаган устоз шоирга муносиб бадиий ёдгорлик бўлди.

Қисқа сўзимнинг охирида шуни айтишим керакки, Яшин яратган энг ёрқин ижобий образлардаги кўпгина юксак инсоний фазилатлар авторнинг ўзига ҳам хосдир. Унинг олижаноб инсоний меҳрибонлиги, коммунистларча принципиаллиги, ижодда ўзига ҳам, бошқаларга ҳам талабчанлиги, меҳнатсевар, ташкилотчи, беғаразлигини ўзидан кейинги адабий авлодлар, айниқса яхши билишади. Биз адабиётимизнинг сардори, қаҳрамон раисимиз Комил Яшин тарбиясида ўсиб ижод қилганимиз билан фахрланамиз. Устоз адиб ва атоқли жамоат арбоби Яшин сиймоси адабиётимизнинг барча авлодлари учун ижодда халққа садоқат ва коммунистик эътиқод намунасидир.

УНИНГ АСАРЛАРИДА КАТТА БЎЛГАНМАН

Шукур БУРҲОНОВ,

СССР халқ артисти, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати

АТОҚЛИ АДИБ, драматург Комил Яшин билан дастлаб 1929 йилда театрда танишганман. У ўша пайтларда театримизга тез-тез келиб турарди. Оға[1], Аброр Ҳидоятов, Етим Бобожонов билан ҳамкасбдек қизғин суҳбатлашар, фикр олишарди. Газега, журналларда унинг мақолалари босилиб турарди.

Театримизнинг директори Зиё Саид машҳур грузин артистлари Васадзе билан Хораванинг «Ламарра» номли асарда баравар ўйнаганини эшитган экан. У машҳур артист Аброр Ҳидоятов билан мени Умаржон Исмоиловнинг «Рустам» асарида бир саҳнада, бир хил кийимда, бир пайтда ўйнашга имконият яратди. Бу ўзига хос ижодий мусобақа Мирмуҳсин театрида[2], ўн кун узлуксиз давом этганди. Яшин ака ана шу воқеалар ҳақида ҳам қизиқарли мақолалар ёзганлар. Шундан ҳам Яшиннинг театрни, актёрни, саҳнани севишини ҳис этиш мумкин.

Комил Яшин юмшоқ, хушфеъл, бировнинг кўнглини оғритмаган, ҳақиқатдан ёзувчиликка ошиқ одам. У шундай ошиқ эдики, Аброр ака билан менинг ёнимга келиб, «Сизларга нима ёзиб берсам экан», дер эди. Мен унинг асарлари орқали халққа танилдим.

Мен дастлаб унинг «Икки коммунист» асарида Деҳқонбой деган йигит образини ўйнадим, кейин шу асарнинг янги варианти «Тор-мор»-да Баҳодирни, «Ёндирамиз»да Азаматни, «Номус ва муҳаббат»да Ғуломни, «Ўлим босқинчиларга»да профессор Москоленкони, «Генерал Раҳимов»да— Собир Раҳимовни, ниҳоят, «Йўлчи юлдуз»да доҳиймиз Владимир Ильич Ленин образини ўйнадим.

Унинг асарлари менинг актёр сифатида ижодий ўсишимда бир мактаб бўлди. Чунки мен оддий йигит Деҳқонбойдан тортиб, Ғулом, Москоленко, Генерал Раҳимов, Ленин ролларини ижро этиб, маҳорат чўққисига поғонама-поғона кўтарилдим. Уйлаб кўринг!?. Шундай ролларни дабдурустдан ўйнаб бўладими? Йўқ.

Яшин ака актёрнинг диапазонини ва кимга ёзаётганини яхши билади. Ўзи яратаётган образнинг индивидуаллигини усталик билан бера олади. Чунки у ҳаётни яхши билади. Шунинг учун ҳам косиб, тарихчи олим қандай гапирган бўлса, унинг Саримсоғи, Москоленкоси худди шундай гапиради.

Деҳқонбой оддий қишлоқи йигит. У Фрунзенинг отрядига киради. Гарчи бу образ эпизодик, кичкина бўлса-да, мен унинг очиқ кўнгиллилигини, забти тезлигини, юраги пок киши эканлигини, жўшқин характерини кўрсатишга ва бошқа образлардан ажралиб туришга ҳаракат қилганман. «Тор-мор»да Баҳодир ролини ўйнадим. Баҳодир ёш коммунистлардан. У саҳнада томошабинларга яланг оёқ, яхтак этагини белбоққа қистириб олган, бошида қийиқ, офтобда тобланган ҳолда кўринади. Босмачиларнинг қишлоқларда қилган ёвузликлари уни Арслоннинг отрядига олиб келади. У ҳар икки гапида «растарарам» сўзини ишлатади. Унинг Нурмат билан диалогини эсланг:

---

[1] Маннон Уйғур.

[2] Ҳамза номидаги театрнинг ёзлик биноси Мирмуҳсин Шермуҳамедов номида эди.

«Нурмат — Ҳа, Баҳодир нима гап?

Баҳодир — Босмачиларни растарарам.

Нурмат — Ўпкангни бос!

Баҳодир — Босиб бўлмайди. Ўртоқ Марковдан қурол оладиганга ўхшаймиз... Ёш коммунистлар штаби ҳам обод бўлиб қолади, босмачиларни растарарам».

Хуллас, «растарарам» сўзи унга лақаб бўлиб қолган. Яшин ака ана шундай усталик билан образларнинг шевасини беради. Унинг ҳар бир образининг ана шундай ўзига хос тили бор.

«Ўлим босқинчиларга»даги тарихчи олим Москоленко образи Яшин аканинг ютуғи. Бу образ ҳар томонлама мукаммал ишланган. Асарда профессорнинг урушдан аввал оила шароитидаги ҳаёти ва уруш давридаги мардлиги яхши берилган. Мен унинг характеридаги мардликни, ўз ғоясига содиқликни, кучли иродасини бўрттириб, кенг кўламда кўрсатишга ҳаракат қилдим. Москоленконинг аҳволини кўз олдингизга келтиринг... Навқирон қизининг танаси устида Оксана, Қамбар ва Антонни ёвдан қасос олишга чақиради. Ўзи фашистларнинг сўроғига мардона жавоб беради. Москоленконинг «Мен ўлим олдида ҳам мағрурман! Офтоб сингари ўз виқорим билан ботаётирман! Бахтимдан ўргилайки, бошим куймоқда, лекин эгилгани йўқ! Кўзларим ўйилди, лекин ёш тўккан эмас! Тиззаларим қоврилмоқда, аммо букилмаган! Эй, болаларим! Қасос алангасини ёндиринг, ҳеч қачон, ҳеч қаерда омон берманг бу шайтонларга! Азиз фарзандларим, дунёни тозаланг бу итлардан! Йўқолсин зулмат! Яшасин қуёш! Алвидо Ватаним! Алвидо болаларим!» сўзларидан унинг донолигини, чинакам инсонлигини, олимлигини томошабин ҳам, ўқувчи ҳам яхши ҳис этади. Унинг савол-жавобларида профессорга хос салмоқ бор. Бу албатта Яшин аканинг характер яратиш маҳоратидан далолат.

Улуғ доҳиймиз Владимир Ильич Ленин образини ҳам ўзбек драматургиясида биринчи бўлиб Яшин яратди. Мен унинг «Йўлчи юлдуз» асарида доҳий образини ижро этдим. Бу асар Москвага қилган сафаримиз пайтида пойтахт санъатшунослари ва танқидчилари ҳамда томошабинларига маъқул бўлди. Спектаклнинг В. И. Ленин иштирок этадиган картинаси танқидчиларнинг таклифи билан Марказий телевидение орқали кўрсатилди. Мен В. И. Ленин образи орқали Москва томошабинларига танилдим.

Бунинг ўзига хос сабаблари бор... Аввало Яшин ака доҳий образидаги мутафаккирликни, қайноқ энергияни, инсонпарварликни кўрсата олган. Мен шу хусусиятлар устида ишлар эканман, халқимизнинг бу олижаноб, буюк инсон ҳақидаги ўй ва тасаввурини чуқур ўргандим. Мен доҳий образи устида ишлар эканман, унинг характеридаги самимийликни, демократизмни, мутафаккирликни, инсонпарварликни, катта ишга бел боғлаган кишининг битмас-туганмас энергиясини кўрсатишга, Туркистон вакиллари билан учрашганда «келажак гўзал» деган фикрни очмоқчи бўлдим. Бу образда актёр учун Лениннинг фикрлаш, ўйлаш каби ҳолатларини кўрсатишга имконият кенг.

Яшин аканинг ёзган асарларида бошқа драматургларда йўқ нарса бор, у ҳам бўлса мақсад. Шу мақсад асарнинг бошидан охиригача ип бўлиб ўтади. Афсуски, ана шундай маҳорат бошқа драматургларимизда етишмайди. Ундан ўрганишлари керак.

Яшин ака воқеаларни беришга уста. Инсон характеридаги нозик ҳолатларни тасвирлашга моҳир, Масалан, «Номус ва муҳаббат»даги Ғулом образини олинг. Ғулом ўтакетган хушчақчақ, очиқ кўнгил, содда йигит. Унинг қулоқ Яхшибойга меҳри тушган. Шунинг учун ҳам Яхшибой нима деса, ўшанга ишонаверади. Натижада хотини Онахон билан хафалашиб қолади. Яхшибойнинг кимлигини билгач, охири уйига қайтади. Уйда ёлғиз Лолахон. Сукунат ҳукмрон. У руҳий эзил-

ган, пушмон. Минг азоб эзилиш билан қизидан онаси билан яраштириб қўйишни сўрайди. Худди шу ҳолатда Яшин ака инсон фожиасини ниҳоятда усталик билан бера олган.

У бу асарда Ғуломни менга атаб ёзган бўлса, Яхшибойни Саъдихон Табибуллаевга атаб ёзган. Саъдихон ака ҳам ролни қиёмига келтириб ўйнаган.

Яшин аканинг аёллар образини беришда ҳам маҳорати зўр. Унинг Онахони, Дилбари, Нурхони, Ойхон бибиси, Гулсараси бир олам, Комил Яшинни драматургияда аёлларни тасвирлашда ўзбекларининг Островскийси деса бўлади.

Сўзимнинг охирида айтмоқчиманки, Комил Яшин асарлари мен учун бир мактаб бўлди. Ўйлайманки, унинг асарларида роль ўйнаш ҳар бир актёр учун маҳорат мактаби бўлади.

Мен унинг асарларида роль ўйнаб катта бўлдим.

ЯЛОВБАРДОР

Тошпўлат ТУРСУНОВ,
санъатшунослик фанлари кандидати

ХАЛҚИМИЗ СОВЕТ маданиятининг йирик арбоби, ўзбек саҳна адабиётининг соҳиби даврони Комил Яшиннинг етмиш йиллигини нишонламоқда. Зотан, Комил Яшин драматургиямизнинг яловбардори. У мазкур муқаддас байроқни Ҳамзанинг муборак қўлларидан олган.

Драматургиямизни нахри азмга қиёс этсак, Яшин асарлари ундаги маёқларга ўхшайди: йўл ва манзилни белгилайди. Ижодда ғоя ва бадиийт бирикмаси гўзаллик бўлса, Яшин асарлари шу гўзалликка торозудир. Мана, улар: «Тор-мор», «Гулсара», «Номус ва муҳаббат», «Нурхон», «Йўлчи юлдуз», «Инқилоб тонги».

Илк «Тор-мор» (1928—1934) драмасида зулм сиртмоқларини тилка-пора этган Октябрь қудрати, унинг бўронида туғилган, синфий курашда боболарнинг армон қони билан йўғрилган янги инсонлар ёш қаламкашнинг қалб қўри билан куйланади. Бу куй ёшлик жўшқинлигигина эмас, йўқ, аввало ғоявий, бадиий тафаккурнинг қудрати эди: ўн тўққиз ёшли Яшин революция ва характерлар концепцияси билан боғлиқ бўлган ғоявий ва эстетик проблемаларни Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдан сўнг ўзига хос салоҳият ва зукколик билан ҳал эта бошлади. 1928 йилда ёзилган «Икки коммунист» драмаси «Бой ила хизматчи»-нинг мантиқий давоми бўлди ва ўзбек драматургияси, театрида янги даврни бошлаб берди. Асар масаланинг қўйилиши, мавзуни ҳал этиш жиҳатлари биланоқ новаторлик кашф этди. Яъни Туркистонда социалистик революцияни амалга ошириш жараёни янги ўзбек совет характерининг шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнади дейиш, уни қонуний ҳол эканини ҳам ғоявий, ҳам бадиий идрок эта билиш санъатимизда сўзсиз янгилик эди.

Арслон ўзбек саҳнасида революцион шароитда шаклланган ва тобланган биринчи ўзбек коммунист жангчиси эди. Арслон мисолида Яшин

миллий қаҳрамон ва совет характери проблемаларини ҳал этишда Ҳамза бошлаган ишларни давом эттирди. Ҳамза социалистик революция хусусида ёзилган драмаларида озодлик ва демократия масалаларини социал маънода марксист сифатида тушунар эди. Шунинг учун ҳам ўлка озодлигини аввало синфий кураш, социалистик революция ғалабасида кўрди. Бу вазифаларни ҳал этишда синфий манфаатлар бирлиги ва миллатларнинг дўстлигини куйлаш Ҳамза ижодининг мазмунини ташкил этарди. Чунки адиб назарида миллатлараро асрий адоватларга барҳам берувчи куч — бу социализм, пролетар диктатураси эди. «Икки коммунист» драмасида Яшин мазкур қонуният сирларини маҳорат билан очиб, революция ва характерлар концепциясини биринчи драматик асаридаёқ улкан маҳорат билан идрок этди, адабий ва маданий меросимиз бойликларига суяниб, ўз ижодида мўъжизалар ярата бошлади. Бундай мўъжизаларнинг куртаги Дилбар образи эди. Автор учун Дилбар аввало аёл, Арслоннинг турмуш ўртоғи, янги муҳит ҳавоси билан нафас олаётган инсон сифатида муҳим. Дилбар қиёфаси билан танишар эканмиз, унинг аёллигию, инсонлиги, латифлигию, жасурлиги, софлигию садоқатига лол қоламиз. Бу ўша аёл — кеча остона ҳатлаб кўчага чиқмаган, паранжи-чачвон, эр ва ичкари асираси, бу ўша аёл — жамиятда ўрни йўқотилган, аммо ўрни бор зотларнинг волидаси, бу ўша аёл — шеърият ва адабиётда эркакка меҳроб ва илоҳдан буюк кўриниб, ҳаётда бир чеккага суриб қўйилган. Бугун, янги шароитнинг — совет воқелигининг йўлбошида жамият, кураш, истиқбол ҳақида эри билан суҳбат қуриб ўтирибди. Аммо аёллигича қолган. Қолгангина эмас, латифлиги ва муҳаббатига, қалбига эрк берган, самимийлашган, аёллиги ортган. Мана, биз Дилбар билан танишгач, фикримизни қитиқлаб, ҳисларимизни чулғайдиган туйғулар. Шунинг учун ўзбек совет характерининг тугал ҳаётий ва гўзал саҳна қиёфаларини яратиш «Икки коммунист» драмаси саҳна тарихидан бошланиши бежиз эмас.

Карвон бошида Уйғур, Аброр Ҳидоятов, Сора Эшонтўраева турган саҳна аҳли театримизнинг Москва, Боку студияларидан кейинги янги даврини шу асарнинг талқинидан бошладилар. Пьесанинг «Икки коммунист» ва сўнгги «Тор-мор» варианти ижрочиларнинг маҳорат мактаби бўлиб қолди. Бугина эмас, асар айрим қардош республикаларнинг, хусусан Тожикистон миллий драматургияси, театр санъатининг ривожланишида муҳим ўрин тутди.

«Икки коммунист» — «Тор-мор» ўзининг ўзбек драматургияси, театрида тутган мавқеи ва авторга келтирган шуҳрати билан Яшинга ўзбек саҳна адабиёти санъатига яловбардорлик қилиш масъулиятини юклади ва адиб уни шараф билан амалга оширишга киришди.

Яшин даврнинг актуал муаммоларини ҳал қилишга бор имкониятини сафарбар этди. Қишлоқ, коллективлаштириш, деҳқон хўжалиги мавзуи драматургни алоҳида тўлқинлантиради. Бу аниқ сабабларга кўра шундай эди. Қашшоқликнинг капитализм босқичидаги фожиасини бошидан кечирмаган Ўзбекистон шароитида коллективлаштиришнинг мураккаб, масъулиятли жиҳатлари бор эдики, Яшин уларни бадииёт йўли билан идрок этишни ўзининг биринчи галдаги бурчи деб билди. Натижада 1930 йили «Ўртоқлар» ва 1932 йили «Ёндирамиз» асарлари яратилди.

Маълумки, ўзбек совет театри драма ва музикали драма жанрларида шаклланиб, ривожланиш йўлига кирди. 20-йилларда музикали драма юзасидан Ҳамза билан бир қаторда Ғулом Зафарий, Хуршидлар изланиш олиб боришди. «Ҳалима», «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» асарлари тажрибаларнинг йирик намуналари эди. Аммо совет воқелиги ҳақида музикали асар умуман йўқ эди. Яшиннинг «Ўртоқлар» музикали комедияси бу соҳада биринчи қалдирғоч бўлди. Шуни ҳам

таъкидлаш лозимки, Яшин театр санъатининг барча тури ва жанрига карвонбоши бўлиб қолди. Жумладан, опера либреттоларига ҳам. Биринчи ўзбек операси «Бўрон»нинг либреттоси ҳам Яшин қаламига мансуб.

Янги замон кишиси, унинг ҳаёт тарзи Яшиннинг диққат марказида турган мавзу эди. «Ёндирамиз» пьесасида шу мавзуни катта эҳтирос билан куйлайди. Асарнинг бош қаҳрамони 70 ёшли Самсоқ машаққатли, аммо шарафли катта ҳаёт йўлини босиб ўтади. Бу аввало маслак учун кураш йўли. Зулм ва тенгсизликнинг нима эканини вужуди билан ҳис этган Самсоқ бутун умрини ёрқин ҳаёт учун курашга бағишлади: онгини тоблади, Октябрь ғалабаси учун қўлига қурол олди, босмачиларга қарши курашда бир оёғидан ажради. Шунинг учун ҳам янги ҳаёт пойдеворининг ҳар бир тоши унинг учун қиммат, азизу мукаррам. Бинобарин, ўғли Ўрмоннинг «хом»лиги ва синфий душманлар ўлжаси бўлишида катта драматизм ётади. Бу драматизм янги замон кишиси, совет характерининг маънавий қиёфасини белгилашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Яъни совет кишиси учун омма, жамият идеали унинг ҳаёт мазмунидир. Шу мантиқни ҳаётий ҳақиқат кўринишида тасвирлаш учун автор қаҳрамон биографияси ва фазилатларини шундай далиллар билан чизадики, биз уни тушунамиз, ҳис этамиз.

Яшин драматургияга қўл уриб, ҳали машқ қилар экан, аёл мавзуи ва проблемаси унга ором бермаётгани очиқ-ойдин сезилиб турарди. Пировардида хотин-қизлар мавзуи драматург ижодида алоҳида ўрин эгаллади. Бу, улкан реалист ёзувчи ижоди учун табиий ҳол эди. Негаки, янги замон ва янги кишилар концепциясида аёл киши ўзига айрича муносабатни талаб этарди. Аёл ва эркак тенг ўрин эгаллаши лозим бўлган янги ҳаётга ўзбек аёли қайси йўл билан кириб келади? Аёлгаку революция ғалабаси тенглик ҳуқуқини берди. Мазкур ҳуқуққа аввало аёлнинг ўзи қандай муносабатда бўлади? Ахир, тенгсизлик ҳисси идрок этилган тушунча сифатида асрлар давомида аввало аёл психологиясига сингиб кетган фактор-ку. Бинобарин, у ўзига фақат агитацион эмас, балки биринчи навбатда социал психологик муносабатни тақозо этарди. Яшиннинг мазкур масалада новаторлиги шу бўлдики, у проблемани комплекс тарзда идрок этди ва талқинга ўзини узоқ тайёрлади. Ниҳоят, 1935 йили мавзуни махсус ёритувчи адиб асарларининг биринчиси — (Музаффар Муҳамедов билан ҳамкорликда) «Гулсара» музикали драмаси вужудга келди.

«Гулсара»да очиқ публицистик урғу сезилса-да, унинг мазмунини социал-психологик таҳлил белгилайди. Мазкур сифат асарнинг новаторлик хусусиятига тегишлидир. Аёлни озодликка чақириш, унинг мухолифларини огоҳлантириш — бу совет тузуми тенденциясини белгилайдиган сифат эди. Очилиш ва озодликка чиқиш заруратини биринчи галда аёлнинг ўзи ҳис этиши лозим. Бу — ўзбек аёлининг совет характери сифатида қайта шаклланишидаги зарурат. Жараённи тезлаштиришда эса жамият ва жамоатчилик актив роль ўйнаши шарт. Бу — тузумимизнинг қудратини белгилайдиган аломат.

Ўзбек аёлининг озодлиги ва шахс эркинлиги мавзуи «Нурхон» (1943) музикали драмасида давом этди. Ҳар икки асар мавзу ва бадиийёт эътибори билан бир-бирини тўлдиради. Пьесалардаги воқеалар ҳам тахминан бир даврда кечади. Аммо ҳар икки образ бир-биридан тубдан фарқ қилувчи фазилатга эга. Шахс эркинлиги ва унга эҳтиёжни сезишда Нурхон ташаббускор натурадир.

«Нурхон» ўзбек музикали драма жанрида бадиийётнинг порлоқ намунаси. Шунинг учун бўлса керакки, мана, салкам қирқ йилдан бери театрларимиз саҳнасида муттасил ўйналмоқда.

Хотин-қизлар мавзуини тараннум этишда Яшиннинг яна бир дурдонаси бор. Бу «Номус ва муҳаббат» (1936) драмасидир. Мазкур пье-

сада хотин-қизлар, хусусан бош қаҳрамон Онахон Гулсара ва Нурхонларнинг мантиқий давомидир. Онахон эркин шахсгина эмас, раҳбар, колхоз хўжалигининг кўзга кўринган вакили сифатида гавдаланади. Ҳар уч асар мисолида Яшин драматургияда Ўзбекистонда 20—30-йилларда аёлларнинг ўзлигини тиклаш хусусида трилогия даражасидаги яхлит полотносини яратди.

Яшин, умуман ўзбек театр санъатининг 50-йиллардаги улкан ютуғи «Йўлчи юлдуз» (1957) драмасининг ёзилиши бўлди. Пьеса мисолида ўзбек драматургиясида биринчи ўлароқ пролетариатнинг улуғ доҳийси В. И. Лениннинг образи яратилди. Автор асосий эътиборини Ильични Шарқ мазлум халқларининг йўлбошчиси, асрий орзуларининг тилакдоши, раҳнамоси сифатида кўрсатишга қаратди. Яшиннинг ўткир қалами революцион шароитда жамиятнинг турли табақаларида содир бўлган ва бўлаётган жараён, инсонлар онги ва фаолиятидаги ўзгаришлар забтини катта маҳорат билан чизади. Серқирра ва уфқи кенг мавзуни биргина пьеса мисолида ҳикоя қила олиш Яшин камолотидан дарак беради.

«Инқилоб тонги» (1973) тарихий инқилобий драмаси ҳам «Йўлчи юлдуз»нинг мантиқий давоми бўлиб, мавзунинг Бухоро хонлигида қай тартибда етилганини таҳлил этишга бағишланган. Қ. Яшиннинг драма жанридаги сўнгги йирик асари ҳозирча шу.

Яшин фаолиятида Ҳамза Хакимзода Ниёзий ижоди алоҳида ўрин тутади. Устоз классик меросини саҳнамизнинг абадий сўнмас мулкига айлантиришда Яшин хизматларининг чеки йўқ. «Бой ила хизматчи» пьесасини тиклашдаги Яшин намойиш этган билимдонлик ва маҳорат ўзбек театри маданияти тарихига зарварақ бўлиб кирди. Яшиннинг Ҳамзага шогирдлик бурчи ва садоқати бу билан чекланмайди. У, Ҳамзанинг улуғ сиймосини ҳам саҳна бойлигига айлантиришга аҳд қилди: 1942 йили «Ҳамза» (А. Умарий билан ҳамкорликда) драмаси ва 1961 йили мазкур пьеса асосида опера яратилди.

Яшин драматургиясининг моҳияти авторнинг ажойиб пьесалар соҳиблиги билан белгиланмайди. Яшин ўзбек театри учун репертуар яратган зот. У хоҳ тарихий-революцион, хоҳ замонавий темада бўлсин шундай асарлар тизмасини бунёд этдики, улар драма, музикали драма ва опера либреттоси жанрларида тараққиёт йўлида мезон бўлди.

Яшин театр маданиятимизга карвонбоши сифатида фақат драматургиядаги ижоди воситаси биланмас, айни вақтда, назариётчи, йирик ташкилотчи сифатида ҳам хизмат қилди ва қилмоқда. 30-йиллардан бошлаб ижодда социалистик реализм, юксак адабиётнинг жарчиси бўлиб келмоқда. Унинг теран ва сермазмун мақолалари, чиқишлари театр санъатимиз тараққиётида муҳим роль ўйнади.

Яшин — йирик давлат ва жамоат арбоби, халқ ва партиянинг содиқ фарзанди, қалби кенг, меҳри дарё инсон. Яшин — бу санъатга ҳалоллик билан хизмат эта олиш дегани бўлади.

«ИККИНЧИ ҚЎРИҚ» ТОНГИ

ЁЗУВЧИ ЁН ДАФТАРИДАН

Ю. КОВАЛЁВ

Ҳа, Ноқоратупроқни «Иккинчи қўриқ» дейишади. Лекин бу биз биринчи марта эллигинчи йилларнинг ўрталарида эшитган ва билган, кейинчалик етмишинчи йилларнинг охирларида Леонид Ильич Брежневнинг китоби туфайли ўзимиз учун иккинчи бор кашф этган ўша биринчи, «чинакам» қўриққа сира ҳам ўхшамайди. Биринчи қўриқ — бу кўримсиз, бефайз, бепоён чўл, гўё эскириб кетган наматга ўхшайди, на бир дарахт, на бир бута кўринади, чор атроф бийдай дала. Баъзи-баъзида қовжираб ётган ўтлар орасидан калтакесак лип этиб ўтиб қолади, юмронқозиқ орқа оёқларида ғоз туриб, бир чийиллаб қўяди-да, бирдан юмалаб келиб қолган эвалакдан чўчиб, инига кириб кетади.

Қандайдир ташвишли ўй-хаёллар ичида бир зум туриб қоласан-у, атрофга ғамгин боқасан, мана ҳозир сароб пардасини йиртиб, уфқ ортидан туялар карвони чиқиб келадигандай туюлади, қўнғироқчалар жаранги, сарбонларнинг ҳайқириғи асрий сукунатни бир дақиқа бузадию, кейин ўша машъум сукунат бу унутилган ерда ҳукмрон бўлиб қоладигандек туюлади...

Йўқ, унутилган эмас! Совет кишилари хазина бўлмиш Момо ерни бир умр ардоқлайдилар, сира унутмайдилар. Қозоғистон, жанубий Урал, Сибирь ва Олтойнинг қўриқ ерларига ўз қутлуғ кунларини бир оз кутишга тўғри келди — шундай кун чорак аср муқаддам келди, бу энди бошқа гап. Мана энди кўҳна Ноқоратупроқ ўлкаси ўз ҳаётини янгитдан бошлаяпти.

Бу ерлар жуда гўзал, сўлим, Шимоли-ғарбдаги рус ерининг табиати шу қадар бойки, асти қўяверасиз! Поезд вагони деразаси олдида туриб сира такрорланмас бу гўзал манзарага: турна қатор бўлиб тизилиб турган сарвқомат оқ қайинларга, гиламдек тўшалиб ётган кўмкўк ўтлоқларга, илон изи бўлиб оқаётган дарёчаларга, тепалик ортидан қалқиб чиққан рус қишлоқчаларига денгиз тўлқинидек мавжланиб турган буғдойзорга сукланиб, мароқ билан тикиласан...

Хўш, бу нима? Олтин бошоқлар Шимолда мавж уриб турган бу буғдойзорда катта-катта хунук доғлар қаёқдан пайдо бўлди? Темир йўл излари ёқасидаги кўмкўк дарахтлар нега бирдан қуриб, шох-шаббалари қовжираб қолди? Улар гўё шу қуриб-қақшаган новдаларини — қўлларини чўзиб, эски ва содиқ дўсти — инсондан: жонимизга аро киргин, ёрдам бергин, деб илтижо қилаётгандек туюлади...

Бу саволларга бериладиган жавоб ўрта осиёлик учун жуда ғалати туюлиши, буни тушунмаслиги мумкин: чиндан ҳам буғдойзор ёки дарахтларнинг сувдан зарар кўриши қизиқ гап-да! Жанубда, қурғоқчилик томонларда сув — ҳаёт, сув йўқ жойда ҳаёт ҳам тугайди, деган гап авлоддан авлодга ўтиб келади. Энди шу сув экинни хароб қилса-я!

Ҳа, сув — бу ҳаёт. Лекин сув — офат ҳам, агар у Россиянинг шимоли-ғарбий томонларида, Ноқоратупроқ деб аталувчи чеккасида жуда кўп бўлса офат келтириши ҳам мумкин. Мана шу кўҳна ер янги гўзал ҳаётни бошлашига ёрдам бериш ниятида бу ерга қардош Совет республикаларининг вакиллари келишди.

Серқуёш Ўзбекистон меҳнаткашлари Ноқоратупроққа биринчи бўлиб ёрдам қўлини чўздилар. Уларнинг она-Ватанга буюк меҳр-муҳаббат, интернационал бурч, қардош халқларга чексиз миннатдорчилик туйғусидан туғилган олижаноб ташаббусини КПСС МК қизғин маъқуллади ва қўллаб-қувватлади. Шундай қилиб, 1974 йилнинг ноябрида мелиоратор ва қурувчилар тушган, қудратли техника ҳамда зарур материаллар ортилган эшелонлар Ўзбекистон пойтахтидан Ноқоратупроққа қараб йўл олди.

...Тошкент вокзали бошқа эшелонларни ҳам яхши эслайди. Ҳамма ёғини чанг босган, танаси ўқлардан илма-тешик бўлиб кетган «теплушкалар» ҳали-ҳали эсида, уларда Қизил Армиянинг ёш жангчилари Туркистон фронтига келишганди. Улар ўзларининг Ўрта Осиёдаги қардошларига озодлик, янги ҳаёт, бахтли истиқбол учун курашда ёрдам бергани Москва ва Петрограддан, Тверь ва Иваново-Вознесенскдан келишганди. Инженер ва ишчилар, врачлар ва ўқитувчилар тушган, машина ва станоклар, қурилиш материаллари ва ўқув дарсликлари ортилган бошқа эшелонларни ҳам эслайди: оч-яланғоч, узоқ уруш йиллари тинкасини қуритган Совет Россияси бисотида борини энди қаддини ростлаётган Туркистон меҳнаткашлари билан баҳам кўрарди.

Россия саноат марказлари ишчилар синфининг вакиллари Питердан юборилган «фордзонлар» билан Ўзбекистоннинг умумлаштирилган ерида биринчи эгатларни олдилар. Машъум паранжини ташлаган ўзбек тўқувчи хотин-қизларининг биринчи устозлари Иваново, тўқимачилик ўлкасидан келишган қизил дуррали қизлар эди. Қутурган ер ости стихияси шод-ҳуррам, меҳнаткаш Тошкент бошига оғир кулфат солганида қон-қардош совет халқлари ҳар томондан ёрдам қўлини чўздилар, улар ҳам меҳри, ҳам фидокорона меҳнати билан тошкентликларнинг оғирини енгил қилдилар. Харобалар ичидан янги Тошкент — боғ-шаҳар, меҳнаткаш, заҳматкаш, шаҳар, тинчлик учун курашчи шаҳар қад кўтарди!

Эндиликда эшелонлар қарама-қарши томонга қараб йўл олмоқда. Уларда кетаётган одамларнинг ҳам, кузатувчиларнинг ҳам қалблари севинч ва фахрланиш туйғусига тўлиб-тошган, ҳа, бу табиийдир. Ўзбекистон аҳил ва иноқ совет республикалари оиласида шу қадар ўсиб-улғайди, экономикаси шу қадар мустаҳкамланди, одамлари шу қадар балоғат ва камолотга етдики, мана энди унинг ўзи бошқаларга ёрдамга келди. Яна қанақа ёрдам денг!

Атиги бир неча рақам келтирамиз. Шу беш йилликда Ўзбекистон вакиллари Новгород ва Иваново областларида камида 65 минг гектар ботқоқлик ва зах ерларни қуритишади, 16 минг гектардан ортиқ майдонда суғориш системаларини қуришади, 55 минг гектар майдонда маданий-техника ишларини (қуритиш талаб этилмайдиган ерларни чакалакзор, бутазор, харсанг тошлардан тозалаш, майдонларни текислаш) амалга оширадилар, шаҳар типидаги посёлкалари бўлган, сабзавот-сут етиштирадиган тўртта йирик совхоз барпо этишади, янги келганларга маданий-маиший объектлари бўлган 180 минг квадрат метр уй-жой қуриб беришади. Улар яна янги кўприклар ва янги йўллар қуриб беришади, йирик қурилиш индустрияси базалари барпо этишади, булар Ноқоратупроқ қўриғига бўладиган ҳужумни жадаллаштиришга имкон беради.

Пахтакорлар билан тўқимачилар ўлкаларининг пойтахтларини бир-биридан неча минг километр масофа ажратиб туради, бу ерда, Ивановода эса буни деярли ҳис этмайсан. Ҳамма ерда — область марказида ҳам, районларда ҳам ўзбекча гапларни эшитасан, ўзингга таниш фарғонача дўппилар кўзингга ташланади, магазин витриналарида «Ўзбекистон», «Тошкент», «Узбекстанская», «Ташкентская» деган сўзларни ўқийсан, кўча юзида, йўл четларида ўша сўзлар ёзилган кўрсаткичлар кўзга ташланади, уларни «Рабочий край», «Ленинец» газеталари саҳифаларида ҳар куни ўқиш, маҳаллий радиодан, тантанали митинг ва ишчи мажлисларида эшитиш мумкин. Ҳа, Ўзбекистон пахтакорлари ва Иваново тўқимачилари ўртасида 1929 йилда тузилган «Минглар шартномаси» тобора кучга кирмоқда...

Ўзбекистон вакиллари оғир ва машаққатли Ноқоратупроқ қўриғида олтинчи қишни кузатдилар. Улар ҳар йили ҳам ернинг муз қатлами эришини, яхши об-ҳавони, очиқ кунларни, дренаж қазийдиган кўп ковшли экскаваторларнинг аста-секин бўлса ҳам ишга тушишини орзиқиб кутишади. Қиш кунлари ер салкам икки метр қалинликда музлайдики, «ЭТЦ-202» машинаси тошдай қаттиқ ерда ишлашга қодир эмас.

Вақт эса кутмайди! Шунинг учун ҳам об-ҳаво мелиоратор, қурувчининг ё биринчи дўсти ёхуд биринчи душмани.

Ўтган беш йил ичида об-ҳавонинг ҳар қанақасини кўришди. Баъзи йиллари баҳор эрта келиб, кунлар чарақлаб очилиб кетарди, ёз ойлари ҳам шундай очиқ келардики, осмондаги булут парчаларини бемалол санаса бўларди. Лекин 1979 йилда об-ҳаво жуда ёмон келди, ҳатто қариялар ҳам бунчалик бўлган бошқа бирон йилни эслашолмайди. Баҳор жуда кеч кириб, ўз ўрнини ёзга бўшатиб беришни ҳечам истамасди. Одамлар қуёш июнь — июль ойларида ерни бир оз бўлса ҳам қиздирар, кимсасиз йўлларни қуритадию, ниҳоят узоқ, орзиқиб кутилган ишлаш мавсуми бошланади деб умид қилишганди. Лекин ёз ойлари ҳам тинимсиз ёмғир ёғиб, бир кун ҳам қуёшли кун бўлмади.

Эрта билан кечни ажратиш қийин бўлганидан кейин, осмон юзини қора булут қоплаб, ёмғир тинимсиз савалаб тургандан кейин, қурувчилар тиззагача лойга ботиб бир қадам ҳам босолмай, ишсизликдан диққинафас бўлиб ўтиргандан кейин, одамларнинг кайфияти ҳақида нима ҳам дейиш мумкин. Ахир Ноқоратупроқ ерларини ўзлаштиришга бел боғлаган одамлар учун ҳар дам ғанимат-ку.

Шунинг учун ҳам об-ҳаво инжиқликларига, табиий офатнинг тинимсиз ҳамласига қарамай ишда андаккина бўлса ҳам силжиш юз берса, шуни ҳам катта қувонч билан кутиб олишарди. Иваново яқинида қурилаётган қурилиш индустрияси базаси «ўз қўлбола бетонини» ишлаб чиқара бошлаганида 106-кўчма механизациялашган колонна коллективининг, Ўзбекистон қурувчиларининг Ивановодаги штаби бўлмиш бутун «Ивановоирсовхозстрой» трестидаги кишиларнинг қанчалик хурсанд бўлишганини билсангиз эди. Ўзбекистон вакиллари доимо «ўз қўлбола бетонимиз» деб гапиришарди. Ахир, самосвалларни тўлдираётган бу кулранг, оғир қоришмани деб қурувчилар кунни тунга улаб озмунча меҳнат қилишмаганмиди, озмунча ташвиш тортишмаганмиди, уларнинг умид ва орзулари, табиий офат билан олишувда ғолиб чиқамиз деб ичган қасамлари худди ана шу бетон билан боғлиқ эмасми, ахир.

Бунинг устига қурилиш индустрияси базаси — бу шунчаки, Ўзбекистон республикаси вакиллари Иваново ерида қураётган кўп объектларнинг бири эмас. Объект объектдан фарқ қилади. Главнечерноземводстрой қурилиш индустриясининг базаси — объектларнинг объектидир! Бу Ноқоратупроқ ерларини ўзлаштириш учун олиб бориладиган курашда бир истеҳкомдир. Бу ерда йилига 80 минг кубометр йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган темир-бетон буюмлари заводи қад кўтармоқда, унинг маҳсулоти фақат Иваново области қурилишларига эмас, шунингдек қўшни Владимир, Кострома, Ярославль областлари қурилишларида ҳам ишлатилади. 290 машинага мўлжалланиб, техниканинг энг сўнгги ютуғи асосида жиҳозланган автобаза ҳадемай фойдаланишга топширилади, йиллик обороти 30 миллион сўм бўлган Главнечерноземводстрой ишлаб чиқариш-технологик комплектацияси бошқармасининг таянч базаси ишлай бошлайди, махсус цехда металл монтаж заготовкаларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Яқин-яқиндагина бу улкан қурилишнинг ўзи бетонга зор эди: поставшчиклар бетонни иш суръати ва кўлами даражасида етказиб беролмадилар. Битта йўли бор эди — бир-бирига боғлиқ бўлган корхоналар имкониятларига қараб қолмаслик учун ўзининг бетон қорадиган узелини мумкин қадар тезроқ қуриш керак эди. Бир ёқда ёмғир челаклаб қуйиб турибди — суткалаб, ҳафталаб, ойлаб тинмай ёғади! Хўш, бу жуда масъулиятли вазифани кимга топшириш керак?

106-кўчма механизациялашган колонна бошлиғи Иван Григорьевич Омельченко комсомол зарбдор отряди жангчиларини танлади. Отряд командири Толибжон Зуфаров билан бу ҳақда гаплашганда ўзича бу масалани ҳал қилиб қўйган эди. Ҳеч қачон умидсизликка тушмайдиган, доим кулимсираб турадиган Зуфаров ёмғирдан жиққа хўл бўлиб кетган қалин жингалак сочини бир силкитди-да, деди:

— Ишончингиз учун раҳмат. Ҳа, айтмоқчи, биз бу хусусда болалар билан бир гаплашгандик ҳам... Демак, сиз биздан ҳам олдин ўйлаган экансиз-да. Бу ишни бажонидил қиламиз! Тўғри, об-ҳаво чатоқ... Иложимиз қанча, чидаймизда! Қанд эмасмизу, эриб кетсак,— у бир зум сукут сақлади-да, кейин жиддий бир оҳангда қўшиб қўйди.— Қурилишда штурмчилик кетмайди-ю, лекин комсомолчасига штурм баъзида жуда зарур бўлиб қолади. Мана ҳозир шу керак бўлиб қолди...

Штурмнинг биринчи кунпариёқ Омельченконинг шу йигитларни танлаб хато қилмаганини, зарбдор комсомол отряди жангчилари чиндан ҳам сира бўш келмайдиган, қалби олов йигитлар эканлигини кўрсатди. Комсомоллар дам олиш кунисиз, икки сменада, шунда ҳам жуда тиғиз графикни ҳам орқада қолдириб ишлашга, қурилиш жуда муҳтож бўлган бетонни икки ҳафтадан кейин беришга аҳд қилишди. Владимир Глазирин бошлиқ комплекс бригада бетон қорадиган узелни монтаж қилиб бўлгунча, Игорь Пак бригадасидаги йўлда ишловчи кишилар йўлсизлик туфайли бор бетонни ҳам қўлдан бой бермаслик учун ўша узелга олиб борадиган шохобча йўлларни қура бошладилар.

На ёмғир, на дўл, на игнадай санчилувчи совуқ шамол йигитларнинг бу муҳим меҳнат ғалабасини қўлга киритишларига халақит беролмади. Мана, ниҳоят орзиқиб кутилган соат ҳам етиб келди. Оператор Н. Садриддинов бошқариш пульти олдига келди-да, сон-саноқсиз кнопкалардан бирига бармоғини теккизди. Бункер тавақалари очилиб, биринчи —«ўзларининг қўлбола бетони» самосвал кузовининг тагига шапиллаб туша бошлади.

Мен шунда беихтиёр ўзимнинг Ноқоратупроққа биринчи бор келган кунимни, кишининг кўнглини сиқувчи, шаҳар четигача келиб қолган сапсариқ балчиқни, бўлажак қурилиш майдончалари учун тупроқ ташиётган самосвалларни эсладим. Кейинчалик, кўз олдимда бош ишлаб чиқариш корпусининг пойдевори қазиладиган жойга дастлабки қозиқларни қоқишди. Мана энди ўша корпусда технологик асбоб-ускуна монтаж қилиняпти ва «қурилишнинг нони» ҳисобланган бетонни муҳим, катта қурилиш «ўзининг» бетон қорадиган узелидан оляпти. Темир йўл ва автомобиль йўлига олиб борадиган шохобчали йўллар қурилиб бўлди, компрессорхона «биринчи ҳавони» беришга тайёр, цемент ва тайёр маҳсулотлар сақланадиган омборлар, металл заготовкалар цехлари қурилиши тугай деб қолди...

Қилинган ишлар тўғрисида ҳатто ёзиш ҳам нақадар мароқли ва ҳаяжонли. Бутунлай қоқ ерда ўз қўллари билан йирик, замонавий саноат корхонаси барпо этган қурувчиларнинг қанчалик хурсанд бўлишини, нечоғлиқ фахрланишини тушуниш қийин эмас, ҳа, бу табиий севинч туйғуларидир! Бордию битта-яримта уларнинг касби — дунёдаги энг яхши ва энг зарур касб эканлигига шак келтиргудай бўлса, унинг Ўзбекистон вакиллари Ноқоратупроқда тутган ва устларига «Нима бор эдию, нималар қилинди» деган сўзлар ёзилган қалин-қалин папкаларга бир кўз югуртириб чиқса бас. Ана ундан кейин Ноқоратупроқ ерларини, ўзбекистонликлар ишлаётган жойларни айланиб чиқиш мумкин бўлади.

...Машина асфальт йўлдан шамолдай учиб боради. Приволжск, Костромага буриладиган йўл орқада қолиб кетди, машҳур ГРЭСнинг осмонўпар чўққиси буни эслатиб туради. Олдинда Левитан тасвирлаган ажойиб ва такрорланмас Плес. Сал нарида йўллар ҳар томонга тарқалиб кетган жойда чиройли қилиб ёзилган, ялт этиб кўзга ташланувчи совхоз «Ўзбекистон» деган кўрсаткич бор. Узоқ Иваново ерида бу сўзларни ўқиган ҳар бир ўзбекистонликнинг юраги бир қалқиб тушади. Ҳа, айтмоқчи Тошкент областининг Бўстонлиқ районидаги «Новгород» совхозини ёки Мирзачўл маркази Янгиер яқинидаги «Иваново» совхозини кўрган новгородлик ва ивановолик ҳам ўзини ана шундай ҳис этади...

Мен Ивановонинг Ноқоратупроқ ерларига биринчи марта келганимда, илгари Мирзачўл ерларини ўзлаштирган чўлқувар, энди «Ивановоирсовхозстрой» тресети бошлиғининг ўринбосари Шукур Муҳаммадиев билан фақат келажак ҳақида суҳбатлашган эдик. «Ҳозирча янги совхоз номи ёзилган ўша йўл бўйидаги кўрсаткичдан бўлак ҳеч нима йўқ эди. Совхознинг ўзи ҳам, марказий усадьбага олиб борадиган йўл ҳам, йўл четидаги канал ҳам, бурилишдаги гўзал чойхона ҳам (ахир «Ўзбекистон»ни чойхонасиз тасаввур этиб бўладими)— буларнинг ҳаммаси ҳозирча фақат планларда эди.

Комсомол қурилиш отряди жангчилари — Бухоро педагогика институтининг студентлари бу планларни амалга оширдилар. Ўрта бўйли, миқтидан келган, ёш бўлса ҳам кўриниши жиддий (вазифаси мажбур қилади-да) Исмоил Аҳмедов бир оз ҳаяжон билан гапиради:

— Студентлар қурилиш отряди билан Сибирда ҳам, Қозоғистонда ҳам, Ўрта Осиё қурилишларида ҳам ишладим... Ҳаммаси ҳам эсимда, лекин буниси бутунлай

бошқача! Гап Ноқоратупроқда «Ўзбекистон» совхози барпо этаётганимизда эмас, тўғри бу ҳам биз учун катта қувонч, бу билан фахрланамиз. Энг муҳими шуки, биз бу ерга, шундай улкан қурилишга биринчи бўлиб келдик. Совхоздаги турар жойларнинг пойдеворини ётқизиш учун биринчи котлаванларни биз қазияпмиз. Янги йўлга биринчи шағални биз тўкяпмиз. Биринчи кўприкни ҳам биз қуряпмиз... Волга суви каналдан «Ўзбекистон» ерларига оқиб келади, ўша канал разметкасини ҳам биз қилиб берганмиз... Марказий усадьбадаги сув минорасини ҳам биз кўтарганмиз... биринчиларга доим қийин бўлади деб тўғри гапиришади... Лекин биринчи — биринчида! Бошқалар уларнинг изидан боришади. Биринчилар нима иш қилган бўлсалар, бошларидан нималарни кечирган бўлсалар, нимаики қурган бўлсалар — ҳамма-ҳаммаси уларнинг хотираси ва қалбида бир умрга сақланиб қолади...

Кейинчалик ўша Шукур Муҳаммадиев ва трест бошлиғи Дмитрий Григорьевич Духанин билан бирга ўша биринчилар — бухоролик студентлар изидан бир неча бор юрамиз. Лекин теварак-атрофдаги ҳамма нарса ўзгарган бўлади, биринчи бор келганимизда кўрганларимизга сира-сира ўхшамайди! Ўшанда тош йўлдан то бўлажак марказий усадьбагача бўлган тўққиз километрлик йўлни шатакли трактор ёрдамида босиб ўтгандик, энди бўлса, автомашина тош йўлдан ажралиб чиққан шохобча йўллардан тезликни секинлаштирмай елдек учиб боради: қаттиқ тўшамали автомобиль йўли кафтдек текис. Ўшанда чойхона ҳам, канал ҳам ҳали лойиҳачиларнинг шаффоф қоғозидагина бор эди. Эндиликда эса чойхонанинг Тошкентнинг Ленин проспектидаги машҳур чойхона гумбазига жуда-жуда ўхшаб кетадиган мовий гумбази Горки қишлоғидан чиқишинг биланоқ узоқ-узоқлардан кўриниб туради. Волга — Уводь каналининг плита ётқизилган ўзани улуғ рус дарёсининг сувини сабрсизлик билан кутадики, бу сув «Ўзбекистон» далалари ёйилиб ётган ерларга ҳаёт бахш этади.

Ҳа, айтмоқчи, чойхона учун ҳам, канал учун ҳам тўқимачилар шаҳри бўлган Шуйда реконструкция қилинган темир-бетон буюмлар полигонида ишланган плиталардан фойдаланилди. Бу корхона илгарилари беш минг «куб» темир-бетон ишлаб чиқарарди, ҳозир йигирма минг кубга етказди. Ҳа, бу озгина эмас, энг муҳими жуда зарур темир-бетон! Полигонни ҳам ўзбекистонликлар реконструкция қилишди.

Ўша, биринчи бор келганимизда «Ўзбекистон» совхози марказий усадьбасининг кўчаларига қозиқлар қоқилган бўлиб, уларнинг орасига баъзи жойда каноп, баъзи жойда телефон кабели тортилган эди. Эндиликда посёлканинг биринчи кўчаларини чиройли, шинам квартиралари бўлган коттежлар безаб турибди, ранг-баранг кўчалар асосий майдонга бориб туташади. Кўп квартирали уйлар ҳам кўтарилмоқда, тўртта ёшлар ётоқхонаси фойдаланишга топширилди, посёлка территориясини ободонлаштириш соҳасида кўп иш қилинмоқда, янги мактаб корпусида, ажойиб болалар комбинатида кичкинтойларнинг янгроқ, шўх овози эшитиладиган кун ҳам узоқ эмас.

Ўзбекистон вакиллари Иваново областининг бошқа жойларида ҳам катта уй-жой ва маданий-маиший қурилиш ишларини олиб боришмоқда: «Дружба» номли янги совхозда биринчи кўчалар пайдо бўлди. Шуй ва Кохма, Приволжск ва Новоталица четларида посёлкалар қад кўтарди. Яна қанақа посёлкалар денг! У ерларда кишининг мазмундор ҳаёт кечириши учун зарур ҳамма нарса бор ёки яқин келажакда бўлади. Мана, масалан, Приволжск четида 35-кўчма механизациялашган колонна коллективи томонидан қурилган посёлкани олиб кўрайлик. Шаҳардагидай ҳамма қулайликларга эга бўлган чиройли коттежлар, катта томорқа ерлар, ҳовлидаги бинолар, шахсий машиналар учун гаражлар — посёлканинг бугунги қиёфаси ана шундай. Ана шундай посёлка кўчаларидан борар экансан, кишига шаҳар берадиган ҳамма нарсани ҳозирги қишлоқ бера олиши тўғрисида беихтиёр ўйлаб кетасан. Шаҳар эса қишлоқ берадиган нарсаларнинг ҳаммасини бера олмайди. Ҳар ҳолда табиат билан бўладиган ўша ажиб яқинликни, ўша яқинликдан туғиладиган катта қувончни шаҳар беролмайди-да...

Ҳа, Ивановодаги янги хўжаликлар келтирадиган катта иқтисодий самара тўғрисида гапирмасдан бўлмайди, албатта. Фақат биргина рақам келтирамиз: Иваново областининг барча хўжаликлари ўнинчи беш йилликнинг охирги йилида камида 80 минг тонна сабзавот етиштиришлари керак, шу маҳсулотнинг ярмидан кўпи Ўзбекистон вакиллари барпо этаётган атиги икки совхоз зиммасига тушади.

Ҳа, айтмоқчи, «Ўзбекистон» совхози ҳали қурилаётган бўлса ҳам аллақачон маҳсулот бера бошлади! Александр Михайлович Мельников унга директор қилиб тайинланди, посёлка Советига биринчи сайловлар ҳам бўлиб ўтди.

— Ҳа, бизга икки фронтда ишлашга тўғри келади,— дейди 21-кўчма механизациялашган колонна партия ташкилотининг секретари Лариса Ким мийиғида кулимсираб (бу колонна коллективи «Ўзбекистон» совхозининг марказий усадьбасини қурмоқда).— Ҳам янги совхоз барпо этишимиз, ҳам турли қишлоқ хўжалик ишларини амалга оширишда, жумладан, ем-хашак тайёрлаш, сабзавотни йиғиб-териб олишда унга ёрдам беришимиз керак... Шуни ҳам айтиш керакки, бундай икки ёқлама иш ҳаммамизга маъқул бўлди — ўз меҳнатининг натижасини, самарасини кўриш ҳар ким учун ҳам кўнгилли, мароқли-да... бу ерда эса том маънода ҳамма нарса сенинг қўлингда!

Ҳа, қурувчи меҳнатининг натижалари бошқаларникига қараганда доимо равшан кўриниб туради, худди ана шу қурувчи қўллари еримиз қиёфасини ўзгартиради. Жумладан Ноқоратупроқ ерларини...

...Новгород шаҳрининг Желябов кўчасидаги мана шу бино олдида ўткинчи бир зум тўхтаб қолади. Ҳа, бу уй шаҳардаги бошқа уйлардан ҳеч нимаси билан фарқ қилмайдию, лекин ундаги табличка одатдаги табличкаларга ўхшамайди: «Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги. «Узновгородводстрой» тресті». Лекин бу ёзув бошқа шаҳардан келган одамлардагина катта қизиқиш уйғотиши мумкин, новгородликларнинг ўзи бу ёзувга аллақачон ўрганиб қолишган —у 1975 йилнинг бошида пайдо бўлган. Ҳа, «новгородлик ўзбекистонликлар» ҳам Иваново ерида меҳнат қилаётган ҳамюртлари ва мусобақадош дўстлари сингари Ноқоратупроқда ишлай бошлаганликларининг беш йиллигини нишонлашди.

«Узновгородводстрой» тресті битта «Тошкент»дан бошланган эди — бу ердаги Ўзбекистондан келган ҳамма кўчма механизациялашган колонналар шу ном билан юритилади. Эндиликда Новгородда бундай «Тошкент»дан саккизта, «Андижон-1», «Наманган-1» деганлари ҳам, хўжалик ҳисобидаги янги қурилиш участкалари ҳам бор. Яқинда Новгород ерида яна бир кўчма механизациялашган колонна —«Узпарфиноводстрой» пайдо бўлди. У бу ерга «Узглавводстрой» томонидан юборилган бўлиб, унинг коллективи «Дружба» номли намунали хўжалик барпо этмоқда.

Новгороднинг қўриқ ерларида беш йил ишлаш — бу минг гектарлаб ботқоқ ва зах ерларни қуритиш, Шимск ва Холм, Волот ва Сольца, Старая Русса ва Парфино четларида қурувчилар учун барпо этилган посёлкалар, янги саноат зоналари, йўллар, кўприклар... суғориш системаларидир. Бир қарашда ғалати туюлиши мумкин: Россиянинг шимоли-ғарб томони захкаш ерлар зонаси бўлса-ю, дафъатан суғориш ишлари тўғрисида гап борса! Гап шундаки, бу регион ўзига хос иқлим шароитига эга бўлганлиги учун жалалар, тинимсиз ёмғирлар кўпинча ва вақти-вақти билан чинакам қурғоқчилик билан алмашинадики, у буғдой, зиғир, картошка, сабзавот, ўт-ўланларни таг-томири билан куйдириб юборади... Ҳолбуки, партия Ноқоратупроқ ерларида ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам барча қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил, гарантияланган мўл ҳосил етиштириш вазифасини қўйган. Шунинг учун ҳам Ноқоратупроқ ўлкасида сув омборлари пайдо бўлди, шу жумладан ўзбекистонликлар қўли билан қурилган ҳовузлар бунёдга келди.

«Тошкентлар»дан қайси бирига борманг, Лесная қишлоғи орқали ўтиб, Шимскка олиб борадиган йўлларни албатта кесиб ўтасиз. Шундай бўлгани ҳам яхши! Бу ерда, Новгород ва Шимск районларининг чегарасида, Лесная қишлоғининг яқинида «Ташкентский» номли янги совхоз қад кўтармоқда — бу ўзбекистонлик қурувчилар Новгород ерида барпо этаётган биринчи хўжаликдир. Бу хўжалик ҳам Парфинск районидаги «Дружба», Иваново областидаги «Ўзбекистон» ва «Дружба» совхозлари сингари сабзавот-гўшт-сут етиштиришга мўлжалланган хўжаликдир. Бу хўжаликларнинг қиймати тахминан бир хил — қирқ ва қирқ миллиондан ортиқ сўмни ташкил этади. Хўш, «Ташкентский» совхозининг Новгород области экономикасига қўшадиган ҳиссасига келсак, қуйидаги факт бундан ёрқин далолат беради: у областнинг ҳамма хўжаликлари илгари етиштирган миқдорда сабзавот етиштирадиган бўлади.

Энг муҳими, Ўзбекистон вакиллари Ноқоратупроқда барпо этаётган янги хўжаликлар социал вазифани ҳал қилишга ёрдам беради: шаҳар ва қишлоқ меҳнатчи-

ларининг меҳнат, турмуш, дам олиш шароитлари ўртасидаги тафовутлар амалда тугатилаётганлигига ёрқин мисол бўлиб хизмат қилади.

...Лесная гача бир неча километр бор-у, лекин «Ташкентский» совхозининг «визит карточкаси» мана шу ерда, тош йўлнинг ўнг томонида. Йўл четидаги тахтачага чиройли қилиб: «Ташкентский» совхозининг қуриш ишларини Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли «Узновгородводстрой» трестининг «Тошкент-5» СПМКаси олиб бормоқда», деган сўзлар ёзилган. «Узновгородводстрой» трестининг бошлиғи Йўлдош Муҳаммадиев ўша заҳоти тузатиш киритади:

— «Тошкент-5»га яна «Андижан-1» қўшилди. Орденли Андижон области меҳнаткашлари ёрдамга ўз механизациялашган колоннасини юборишди.

Муҳаммадиев ҳали анча ёш, ҳар ҳолда бундай йирик қурилиш ташкилотининг раҳбари лавозими учун ёш. Барвақт оқ оралаган сочи, қавариқ шишали кўзойнаги, эҳтимол, уни сал «қари қилиб» кўрсатар, аниқроғи «жиддий бир тус» бериб турар. У ўзи асли тошкентлик бўлса ҳам, лекин Мирзачўл ва Қарши чўлларини ўзлаштириш унинг учун яхши бир мактаб бўлди. Мана энди янги «қўриқ», Ноқоратупроқ қўриғи. Тўғри, у ердаги иш шароити билан бу ердаги иш шароити бир-биридан кескин фарқ қилади. Лекин Йўлдош Муҳаммадиев Новгороднинг машаққатли заминига кўникиб, уни севиб қолди, лекин қарсак икки қўлдан чиқади, деганларидек у ер ҳам бунга шундай садоқат кўрсатди. Ҳар ҳолда унинг кўксидаги Новгород области халқ депутатлари Советининг депутати нишони кўп нарсадан далолат беради...

Булдозерлар, кундаков ва текислаш машиналари ерни ҳар хил йўналишда яхшилаб текисламоқда. «Ташкентский» совхозида мелиоратив ишлар билан бир вақтда уй-жойлар, турли маданий-маиший, ишлаб чиқариш объектлари ҳам қурилмоқда. Қурувчилар марказий усадьба қурилишини тугаллашлари билан, янги, бўёқлари ярақлаб турган коттежларга, кўп квартирали уйларга янги келганлар кўчиб киришади. Ўша ерда улар қурувчилар қўлидан янги квартираларнинг калитлари билан бирга, мелиораторлар қўлидан ҳаётга қайтарилган ернинг «паспортини» ҳам олишади.

«Ташкентский» совхозида кичкина «тошкентликлар» ўз болалар боғчасида биринчи бўлиб ҳовли тўйини ўтказдилар. Трест бошлиғининг ўринбосари Александр Федорович Адиянов таклифи билан унга қўйиладиган яхши ном учун конкурс эълон қилинди. «Чебурашка» номи ғолиб чиқди — болалар севинчининг чеки йўқ эди.

...Дабдаласи чиққан қишлоқ йўли теварак-атрофдаги ерларни бир-бирига ўхшамаган икки қисмга бўлиб турарди. Чап томонда — чакалакзор, бутазор, йўсин босган харсанг тошлар, вақт ўтиши билан шамол йиқитган дарахтлар, қалин қамишзор ортига яширинган ботқоқлик. Ўнг томонда — денгиз тўлқинидай чайқалиб турган бепоён буғдойзор, энди ниш ура бошлаган арпа далалари. «Ташкент-1» бошлиғи Владислав Семенович Мимидиминов машинани йўл айрилишида тўхтатиб, Муҳаммадиев икковимизга, машинадан тушинглар, дегандай ишора қилди.

— Бу ерларни танияпсизми?— деб сўради у.

Мимидиминов — Новгород Ноқоратупроқ ерларини биринчи бўлиб ўзлаштирганлардан. Наманганлик инженер-мелиоратор бу ерга биринчилар қаторида келиб, ўшандан буён «Тошкент-1» кўчма механизациялашган колоннага муттасил раҳбарлик қилиб келмоқда. Унинг коллективи трестдаги энг яхши коллективлардан бири бўлиб, раҳбари В. С. Мимидиминов — Шимск район халқ депутатлари Советининг депутати. Бу кишини мен кўпдан бери танийман-у, лекин у сўраётган ерларни биринчи бор кўришим.

Мимидиминов завқи келиб кулиб юборди.

— Ахир, икки йил бурун, худди шу составда бу ерда бўлганмиз! Ўшанда Миша Ким, бу ботқоқликда ўрдак овлаганман, деб онт ичганди. Фуражкасини олиб ерга урганди! Эсингиздами?

Ботқоқликни, ПМКдаги илғор қурилиш участкасининг бошлиғи Миша Кимнинг қасамини, ерга қадалиб қолган Парусина фуражкасини ҳам эсладик. Лекин бу ер мен учун нотаниш эди. Ўшанда бу ерда қамишларнинг сирли шитирлашини, бақаларнинг вақирлашини, сувнинг аҳён-аҳёнда шалоплашини эшитгандик...

Энди-чи? Энди кўз олдимизда буюк бир мўъжиза — узоқ-узоқлардаги уфққа, қорайиб кўринган ўрмонга туташиб кетган буғдойзор ястаниб ётарди. Йўл четидаги паст устунчага фонар лаҳзача қоқилган бўлиб, унга: «Уруғлик экин Гибрид-173» де-

ган сўзлар ёзилган, улар илгарилари бу ерда бўлган, илгари нима борлигини, энди нималар қилинганини билган одамга, айниқса кўп нарсаларни гапириб бериши мумкин.

Мимидиминов яқинроқ бориб, бўлиқ бошоқни кафтлари орасида ишқалади.

— «Волна революции» совхози бу участкада ҳар гектаридан эллик центнердан ошириб ҳосил олади, бу унинг ерлари... Ҳаммаси бўлиб хўжаликка салкам икки минг гектар ер берамиз... Ғаллакорлар янги ерларни сабрсизлик билан кутишмоқда, улар мелиорацияланган гектар кучини, уни қандай ишлатишни тушуниб қолишди. Натижаси ҳам кўрина қолди! Улар худди Кубан ёки Украинанинг жанубидагидай ҳосил олишади! Ахир, бу ер — Ноқоратупроқ, Новгород-ку!

Ҳа, мелиорацияланган гектарнинг кучи буюк. Лекин эски ерларга янги ҳаёт бахш этиш учун бу ерларга келган инсон кучи ундан ҳам буюк. Бутун улкан Ноқоратупроқ ерида йигирмага яқин дренаж қазийдиган экскаватор экипажлари бўлиб, улар бир мавсумда юз ва юз километрдан ортиқ узунликда ёпиқ зовурлар қазишади. Улар орасида наманганлик комсомол Турсунпўлат Расулев бошлиқ бригада бор, бригадирнинг номи Новгород области Ҳурмат тахтасига ёзиб қўйилган. У ўз ўртоқлари билан бирга нормадаги 50 километр ўрнига 115 километр зовур қазишади.

— Бригадамизни тўла интернационал бригада деса бўлади,— деб ҳазиллашади Турсунпўлат.—«Штаб бўйича» биз «аъло» баҳодан камга ишламаслигимиз керак.

Ҳа, «интернационаллик» хусусида Расулев тўғри гапирди. Йигитлар «юз километрлик» белгидан биринчи бор ошганларида беш кишидан иборат экипажда икки ўзбек, биттадан рус, литвалик ва немис бор эди. Ҳозир экипаж анча янгиланган (масалан, илгари Расулев бригадасида ишлаган Виктор Реслер бошқа дренаж қазувчилар бригадасига бош бўлиб ўтди), лекин Расулев дўстлари билан социалистик мусобақада ҳамон пешқадамликни қўлдан бермай келяпти. Ҳа, айтмоқчи, улар зовур қазиш ишларини ер музлаб қолишига қарамай, қишда ҳам олиб боришади, бундай бригадалар кам.

Ўрта бўйли, қотмадан келган, жингалак сочи ҳурпайиб турган Турсунпўлат кўринишдан ўспирин болага ўхшайди. Лекин ишда чинакам паҳлавон дейсан! Ноқоратупроқда у фақат ўз иш, меҳнат жойинигина топиб қолмай, шунингдек ўз инсоний бахтини ҳам топди. У ўша новгородлик қиз билан бир коллективда ишларди. Мана энди улар бир оила, навқирон, жуда иноқ, аҳил оила. Уларнинг жажжигина қизи, Ноқоратупроқ ерларини ўзлаштиргани келган дўстлари улар учун қуриб беришган ўз уйлари ҳам бор.

...Ўтган йилнинг охирларида «Узновгородводстрой» трестининг бошлиғи Й. М. Муҳаммадиев ўзининг оғир вазифасини тошкентлик инженер Георгий Владимирович Баградзега топшириб, ўзи Ўзбекистон пойтахтидаги йирик қурилиш трестини бошқара бошлади. Янги бошлиқ улкан хўжаликни, қурилган ва ҳали қурилаётган посёлкаларни, ишга туширилган ва фойдаланишга топширишга тайёрланаётган саноат зоналарини, юқори ҳосил олинаётган экин майдонларини, қудратли техника ишлаётган майдонларни қабул қилиб олди, қурувчилар, мелиораторлар, ирригаторлар коллективига бош бўлди, буларнинг ҳаммасига «Узновгородводстрой» трестининг биринчи бошқарувчиси Раим Рўзиматов асос солган эди...

У чала ишларни ҳам, республикамиз вакиллари олдида турган проблемаларни ҳам қабул қилиб олди. Ҳа, проблемалар талайгина! Масалан, гигант қурилишни темирбетон, металл конструкциялар ва бошқа материаллар билан ўз вақтида таъминлаш масаласини олайлик. Тўғри, кенг кўламдаги иш фронтини барча зарур нарсалар билан таъминлаш осон эмас, албатта, бунинг устига заказларни Тошкент ва Жиззах, Ангрен ва Янгиер корхоналари, Ўзбекистоннинг бошқа саноат марказлари корхоналари бажаришадики, улар билан Ноқоратупроқ ораси неча минг километр келади. Қурилиш суръатлари эса муттасил жадаллашиб бормоқда, қурилиш материалларига бўлган талаб ва эҳтиёж ҳам ортмоқда.

Ботқоқликда ишлайдиган ер қазиш техникаси ҳам, ҳамма ерда юра оладиган автомашиналар ҳам етишмайди. Лекин энг муҳим проблема — бу қурувчилар, мелиораторлар, ирригаторлар, инженер-техник ходимларнинг етишмаслигидир, албатта. Республика комсомоли, кўпчилик қурилиш ташкилотлари Новгород ва Иваново областларига Ноқоратупроқ қўриғини ўзлаштирувчиларнинг янги-янги отрядларини

юборишмоқда. Лекин шунга қарамай малакали кадрларга бўлган талаб ҳамон қондирилмай келади.

Лекин Ноқоратупроқдаги Ўзбекистон вакиллари бу проблемаларнинг абадий проблемалар эмаслигига ишончлари комил. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика ҳукуматининг Новгород ва Иваново областларидаги Ноқоратупроқ қўриғини ўзлаштириш масаласига доим катта эътибор бераётганлиги ўша проблемалар муваффақиятли ҳал қилинишининг гаровидир.

Россиянинг Ноқоратупроқ ерлари қизғин, гўзал, романтик жўшқинлик ва буюк зафарларга тўла ажойиб кунларни бошидан кечирмоқда. Хўш, унинг эртанги куни қандай бўлади? Бу ўлканинг эртанги кунига, айниқса бугунги куни орқали назар ташлаш — айтарли қийин иш эмас. Бунинг учун Новгород областидаги «Волна революции», «Полавский» совхозларининг ерларида бўлиш, Ноқоратупроқда Ўзбекистон вакилларининг қўллари билан бунёд этилган янги хўжаликларнинг посёлкаларида бир кўниб ўтиш ёки Ивановодаги СПМК-7 да юритиладиган «Нима бор эди, нималар қилинди» деган сўзлар ёзилган папкалардаги расмлар билан шунчаки танишиб чиқиш кифоядир.

...Шамол эсиб, ҳозиргина ўрилган пичан ҳидини ҳар томонга таратади, жавдари бошоқларини тўлқиндай чайқатиб, сўнг шовуллаб турган оқ қайинлар сари ошиқади. Яқин-яқиндагина бу ерлар ўтиб бўлмас қамишзор эди. Мана энди худди қўшиқда куйлангандек, уфққача туташиб кетган буғдойзор денгиздай чайқалади, олтин бошоқлари қуёш нурида ял-ял ёнади.

Хўш, Ноқоратупроқ қишлоғи-чи? У атиги бир неча йил ичида ёшариб, ўзгариб кетди, ҳуснига ҳусн қўшилди. Ноқоратупроқда ўн саккиз минг янги колхоз ва совхоз посёлкалари барпо этилади. Бу гўзал, шинам, қишлоқ меҳнатчилари ҳаётига мослашган, ҳамма қулайликларга эга бўлган бир ва икки қаватли коттежлар бўлади, уларнинг ҳовлиларида қўшимча иморатлари, томорқалари бўлади, хуллас, бу посёлкалар меҳнат қилиш ва дам олиш учун зарур шарт-шароитлари жиҳатдан шаҳарникидан қолишмайди. Балки, баъзи жиҳатларда улардан ўзиб кетар ҳам. Ахир, фақат қишлоққина одамни ерга, табиатга яқин қилиши мумкин...

«Иккинчи қўриқ» устида янги ҳаёт тонги отмоқда. Уни одамлар ҳам, табаррук замин ҳам севинч билан қарши олмоқда. Доимо шундай бўлиб келган эди, бундан буён ҳам шундай бўлади: одамлар қўриқ очишади, қўриқ одамларни очади...

ФУТУРОЛОГИК ХОМХАЁЛЛАР ГИРДОБИДА

А. ҚУДИНОВ,
философия фанлари кандидати

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси дунёни икки қарама-қарши социал-иқтисодий системага — капитализм билан социализмга бўлиб юборди. «Капитализм ва унинг қолдиқларининг йўқ қилиниши, коммунистик тартиб асосларининг ўрнатилиши,— деган эди В. И. Ленин,— жаҳон тарихининг ҳозир бошланган янги даврининг мазмунини ташкил этади» (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 479-бет). У келтириб чиқарган асосий зиддият — социализм билан капитализм ўртасидаги зиддият ҳам мана шу даврга мувофиқ келадики, инсоният тақдирини белгилаб берувчи барча воқеалар ана шу зиддият атрофида юз бермоқда.

Ер юзининг турли қисмларидаги миллионлаб кишилар янги дунё билан эски дунёнинг мусобақасини, илғор идеология билан реакцион идеология ўртасидаги қаттиқ курашни зўр эътибор билан кузатиб бормоқдалар. Улар: тарих қай томонга ривожланмоқда, келажак қайси ижтимоий тузумники, деб тез-тез сўрамоқдалар.

Бу саволга берилган тўғри жавоб капиталистик мамлакатлардаги империалистик монополиялар зулмидан озод бўлиш йўлида курашаётган меҳнаткашлар учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Мана шу туб проблема мустамлакачилик зулмидан озод бўлган халқлар олдида ҳам турибди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг назарий ва амалий фаолияти, совет халқининг фидокорона меҳнати натижасида инсоният реал мавжуд бўлиб турган социалистик жамиятга ҳамда уни қуриш ҳақидаги тажрибада синалган фанга эга бўлди. Социалистик ҳамдўстликка кирувчи бошқа қардош мамлакатларнинг халқлари ҳам ҳозир коммунизм йўлидан бормоқдалар. Келажакда Ер юзи аҳолисининг ҳаммаси ана шу йўлдан боради. В. И. Лениннинг «Россиядаги социалистик Совет республикасининг намунаси ҳамма мамлакатларнинг халқлари олдида жонли намуна бўлиб туради ва бу намунанинг пропагандистлик, революционлаштирувчи таъсири зўр бўлади», деган башоратли сўзлари рўёбга чиқмоқда (Тўла асарлар тўплами, 35-том, 276-бет).

Империалистлар тарих ҳукмини — капитализмнинг ҳалок бўлиши ва унинг социализм билан алмашуви муқаррарлигини тан олишни асло истамаяптилар. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Эксплуататорлар бундан буён ҳам зеб-зийнатга беланиб яшашни, меҳнаткашларни эзиш ва эксплуатация қилиш ҳисобига текин кун кечиришни истайдилар. Бироқ, қандай қилиб капиталистик тузумни сақлаб қолиш ва умрини узайтириш мумкин?

Ишчилар синфининг барча антимонополистик кучлар билан иттифоқ бўлиб капитализмга қарши ҳормай-толмай олиб бораётган син-

фий курашида кўпдан-кўп мағлубиятларга учраб аччиқ тажриба орттирган монополистик буржуазия турли йўллар билан, шу жумладан ҳарбий саноат комплексининг таъсирини кенгайтириш, гражданларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларини бундан буён ҳам топташ, реакцияни ва сиёсий жаҳолатни янада авж олдириш, оммавий идеологик таъсирни интенсивлаштириш йўли билан ҳокимият тепасида қолишга ҳаракат қилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, империалистик пропаганда энг нозик усуллар ва замонавий техника воситалари ёрдамида социализмни қоралашга, капитализмни, унинг талончилик, ғайриинсоний сиёсати ва практикасини безаб кўрсатишга уринмоқда. Бузиб информация бериш ҳамда фактларни ғаразгўйлик билан ёритиш, сукут сақлаш, ярим ҳақиқат ва тўғридан-тўғри ҳаёсизларча ёлғон ишлатиш — мана шуларнинг ҳаммасидан фойдаланилмоқда.

Ҳозир империалистик пропаганда инсониятнинг келажаги ҳақида сохта тасаввур туғдириш учун ҳам кўп куч-ғайрат сарфламоқда. Буржуа идеологларининг бутун бир армияси одамларни ҳар турли уйдирмалар ва афсоналар кўчасига олиб кириш, уларнинг ҳақиқий истиқболни тушуниб олишларига халақит бериш, уларни бутун туриш-турмуши ёвузлиги, разилликдан иборат бўлган давлат-монополистик капитализмнинг барча кирдикорларига кўниктиришга даъват этилган футурологик концепцияларни ишлаб чиқишга сафарбар қилинган.

Келажак тўғрисидаги сохта буржуа фани бўлган, бундан бир неча йил бурун сирли бўлиб туюлган ва ҳатто мутахассислар орасида ҳам яхши маълум бўлмаган футурология ҳозирги пайтда империализмнинг етакчи идеологик оқимларидан бирига айланди ва социал тараққиёт кучлари билан унинг монополистик буржуазия лагеридаги ашаддий душманлари ўртасидаги қақшатқич кураш майдони бўлиб қолди. Футурология алоҳида фан сифатида Ғарбда ижтимоий тараққиётнинг истиқболи тўғрисидаги марксча-ленинча, коммунистик тасаввурларга қарама-қарши ўлароқ вужудга келди. Қўпол қилиб айтганда, футурологиянинг вазифаси «нокоммунистик келажак» шаклини яратиш ва асослаб беришдан иборатдир. Шу муносабат билан етакчи капиталистик давлатларда «прогнозлаш жазаваси» жуда авж олиб кетди. Футурологларнинг Франциядаги «1985 йил жамияти», Англиядаги «Кейинги 30 йил ичидаги комитет», ГФРдаги «2000 йил инсонияти», АҚШдаги «2000 йил комиссияси», «Келажакни тадқиқ қилиш институти» ва «Келажак учун ресурслар» сингари марказлари ҳам пайдо бўлди. Футурологларнинг «башорати» техника, ишлаб чиқариш ва коммерция соҳаси билан чекланиб қолмайди, балки социал ва сиёсий прогнозлаш масалаларини ҳам ўз ичига олади. Бироқ, ғарблик футурологларнинг «асосий социал тенденцияларни олдиндан илмий асосда айтиб бериш»ни даъво қилаётган мистик қуръалари аслида ҳақиқий илмдан жуда йироқдир. Инглиз социологи Р. Юнг жуда аниқ таърифлаб берганидек, футурологияни «кашфиётдан кўра кўпроқ изланиш деб, шубҳасиз нарсани эълон қилишдан кўра кўпроқ тахминлар билан зарурий ўйин деб, пландан кўра кўпроқ лойиҳа деб, мақсадни белгилашдан кўра кўпроқ процессни кузатиш деб» ҳисобламоқ керак. У ярим фан-ярим мистика бўлиб, унда жиддий фикр юритувчилар билан бир қаторда ошкора фирибгарлар ивирсиб юрадилар. Шунга кўра унинг маҳсулоти ҳам қимматли кузатувлар билан энг разилона ғайриилмий антикоммунистик уйдирманинг яхшигина омихтасидир (қаралсин: Г. Х. Шахназаров. Футурологиянинг барбод бўлиши. М., Политиздат, 1979, 5, 7—8-бетлар).

Капиталистик дунёда футурология теварагида вужудга келган шовшув қатор сабаблар билан изоҳланади. Бунда ҳар хил «пайғамбарлик-

лар» билан бойлик орттирувчи монополияларнинг коммерция мақсадлари ҳам бор. Ғаразли мақсадларда жамоатчилик фикрини атайлаб қўзғатадиган ва чалғитадиган молия олигархияси турли группаларининг рақобатчилик жазаваларини ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Лекин футурологларнинг асосий вазифаси исбот қилиб бўлмайдиган нарсани: капитализм ҳали ўз умрини яшаб бўлмаганлигини, унинг яшовчанлигини исбот қилишдан иборатдир.

Келажак тўғрисидаги сохта фан ўз хулосаларида идеализм ва субъективизмга таянади, социал ва сиёсий муносабатларнинг объектив шарт-шароитини инкор этади. У сиёсатни волюнтаристик тарзда талқин қилиб, уни сиёсат ва давлат арбобларининг хоҳиш-истагидан иборат деб билади. Футурологлар иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг объектив характерини, синфлар ва синфий кураш мавжудлигини, ижтимоий-тарихий тараққиётнинг қонуниятларини ва ҳақиқий истиқболларини инкор этадилар, шу туфайли улар ҳозирги даврнинг моҳиятини, социал-сиёсий прогнозлаш объектини ва предметини тўғри тушуна олмайдилар. Улар асосий ишни қилмайдилар — алоҳида мамлакатлар ичидаги ва халқаро майдондаги реал муносабатларни анализ қилмайдилар.

Сохта фан бўлган футурология метафизикага асосланади, социал-сиёсий системаларда сифат ўзгаришлари юз бериши мумкинлигини тан олмайди, жамиятнинг бир формациядан иккинчисига, аввало капитализмдан социализмга ўтиши жараёнидан кўз юмади. У буржуа жамияти фақат миқдор жиҳатидан ўзгаришига, ўзининг социал ва сиёсий структурасини ўзгартирмаслигига асосланади. Бу тезис ҳозирги замон буржуа социологиясининг «иқтисодий тараққиёт босқичлари» деган доктрина, «ягона индустриал жамият», «постиндустриал жамият» концепциялари сингари «назарияларида» асосий роль ўйнамоқда. Мана шу ва бошқа концепцияларда футурологлар маҳкам ёпишиб олган методологик фикрни кузатар эканмиз, беихтиёр қадимги исланд ривоятидаги ўхшатиш ёдга тушади. Бу ривоятда Снорри деган бир киши олдиндан кўриш қобилиятига эга бўлмаса ҳамки, энг доно одам сифатида ном чиқаришни истаганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Инсоният тараққиётининг объектив қонуниятларини ва бирдан-бир илмий методологияни — диалектик ва тарихий материализмни эътироф этмай туриб, прогнозлашда муваффақият қозонишга жиддий умид боғлаб бўлмайди.

Маълумки, буржуазия — ўлиб бораётган, тарихан истиқболсиз синфдир. Унинг мақсадлари жамият тараққиётининг объектив қонунларига зид бўлиб, бу ҳол капиталистик тузум мухлисларини «олдиндан кўриш қобилияти»дан маҳрум қилади. Шу сабабли ғарблик футурологларнинг «прогнозлари» пировардида асоссиз бўлиб чиқади, чунки В. И. Ленин кўрсатиб ўтганидек, «ҳалокат йўлида турган вақтингда тўғри мўлжал қилиб» бўлмайди (Тўла асарлар тўплами, 44-том, 343-бет).

Эксплуататорлик системаси малдоҳлари футурологияни аввало келажакка қаратилган бугунги сиёсат деб биладилар. Уларнинг куч-ғайратлари асосан келажакни объектив суратда тадқиқ қилишга эмас, балки капиталистлар синфи ҳозир инсоният тараққиётининг бош йўналишини белгилаб бермоқда ва бундан кейин ҳам белгилайверади деган тасаввур туғдириб, бугунги кунга таъсир кўрсатишга қаратилгандир. Буржуа социологлари ҳар доим маҳкум тузумни ҳимоя қилиб, Стэнфорд университетининг (АҚШ) профессори Данн очиқдан-очиқ ёзганидек, ўз «тадқиқотларида» «Нима бўлади?», деган саволга эмас, балки «Биз қандай ҳодиса юз беришини истаймиз?» деган саволга жавоб берган футурология энг кўп фойда келтиради» деган принципларга амал қиладилар. Молия корчалонлари ва капитал магнатлари эса бир

нарсани: «катта бизнес яхши деб билган нарса бутун дунё учун ҳам яхшидир» деган принцип асосида яшашни истайдилар.

Футурологлар сўнгги эксплуататорлик системасини узил-кесил емирилишдан сақлаб қолишга тиришиб ва ўз хўжайинларининг истак-иродасини бажариб, маддоҳлик жазавасида капитализмни кўкларга кўтариб мақтамоқдалар, ҳолбуки, буржуа тузуми муқаррар анахронизмга айланиб қолган. «Қаёққа қарасанг,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— ҳар қадамда одамзод *дарҳол* бемалол ҳал қила оладиган вазифаларни учратасан, киши. Капитализм халақит бериб турипти. У тоғ-тоғ бойлик тўплаб олиб, одамларни шу бойликнинг *қулларига* айлантирди... Капитализм шароитида цивилизация, озодлик ва бойлик дейилганида, тириклайин чириб кетаётган ва ёш авлоднинг яшашига йўл қўймаётган ва бўккунча овқат еган бойни кўз олдингга келтирасан, киши» (Тўла асарлар тўплами, 24-том, 20-бет).

Бутун буржуа футурологиясининг яроқсиз методологияси ва маддоҳликдан иборат мазмуни сиёсий тараққиётнинг умумий истиқболларини ёки жаҳон тарихи тараққиётининг асосий тенденциялари ва йўналишларини белгилашда фолбин «олимлар»ни мутлақо нажотсиз аҳволга солиб қўяди. Улар ҳатто энг яқин келажакда юз берадиган воқеаларни ҳам олдиндан айтиб бера олмайдилар. АҚШ стратегларининг Вьетнамдаги ҳарбий авантюрани тезлик билан тугаллаш ҳақидаги мўлжаллари барбод бўлганлиги ташқи-сиёсий прогнозлар чиппакка чиқаётганлигининг ишончли далилидир. Ўша вақтда Пентагонда Вьетнамдаги ҳарбий-сиёсий вазиятни сохта равишда кўрсатувчи моделларнинг мураккаб ва қимматга тушган системаси ишлаб чиқилган эди. Ана шу система асосида вьетнам халқига қарши агрессив урушда Вашингтон тутадиган империалистик стратегия ва тактиканинг вариантлари танлаб олинган ва турли ҳисоб-китоблар амалга оширилган эди. Бироқ, кутилганидек, америка ҳарбийларининг бу иғвогарлиги батамом барбод бўлди. Агрессорга бу уруш қимматга тушди: АҚШнинг 60 мингдан ортиқ ҳарбий хизматчиси ўлдирилди, тахминан 360 минг киши ярадор қилинди, умумий моддий зарар эса салкам 400 миллиард долларни ташкил этди. АҚШ фақат ҳарбий жиҳатдангина эмас, балки маънавий-сиёсий жиҳатдан ҳам мағлубиятга учради, ҳолбуки, қаҳрамон вьетнам халқи ажойиб ғалабани қўлга киритиб, ўз ватанини қайта бирлаштирди ва ҳозир муваффақият билан социализм қурмоқда.

70-йилларнинг бошида социал-сиёсий муносабатлар соҳасидаги «обрў-эътиборли башоратчилар» Кан, Киссинжер, ҳаммага маълум-машҳур Бжезинский, бошқа буржуа сиёсатшунослари Қўшма Штатлар ўтган ўн йил мобайнида жаҳон майдонида қандай роль ўйнаши кераклиги ҳақидаги концепцияни илгари сурдилар. Уларнинг мана шу йиллар мобайнида дунё асосан 60-йиллардагига ўхшаш бўлади, Уолл-стрит эса аввалгидек жаҳон жандарми ролини ўйнайверади, деган умидлари пучга чиқди. АҚШ ҳукмрон доираларини хотиржам қилган прогноз мутлақо хато бўлганлигига 80-йиллар бошида осонгина ишонч ҳосил қилиш мумкин. «Жаҳоннинг ўзи худди кўз олдимизда ўзгариб бормоқда ва ўзгарганда ҳам яхшилик томон ўзгармоқда,— деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида.— Халқимиз, партиямиз шу ўзгаришларнинг пассив шоҳидлари эмас. Йўқ, биз шу ўзгаришларнинг актив иштирокчиларимиз. Коммунизм қураётган совет халқининг меҳнати, КПСС ва Совет давлатининг халқаро майдондаги фаолияти — мана шуларнинг ҳаммаси ижтимоий тараққиёт ишига муносиб ҳисса қўшмоқда».

Реал социализм қудратининг муттасил ортиб бориши социализм муваққат, тасодифий бир нарса деб даъво қилган буржуа футурологларининг тасаввурларини, уларнинг капиталистик тузум социалистик тузумдан «устун» эканлиги тўғрисидаги қарашларини рад этди. АҚШ ва

бошқа саноати тараққий этган капитал мамлакатларида вужудга келган жамият ташкилоти гўё келажакнинг модели бўлади деган афсонани йўққа чиқарди. Ҳатто америкача турмуш тарзининг жонкуяр ҳимоячиси, Вашингтондаги сиёсий тадқиқотлар институтининг директори Ж. Барнет ҳам «Гигантлар. Россия ва Америка» деган китобида: «америкача моделни кенг ёйиш билан бутун дунёни бойитиб юбориш мумкин» деб ишонган кўпгина кишилар «энди бундай оптимизм хомхаёл эканлигига ишондилар...» деб эътироф этишга мажбур бўлди.

Шундай қилиб, капитализм кризисини ҳатто футурологлар тақдим этаётган рангдор либос билан ҳам яшириб бўлмайди. Етмишинчи йилларда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг жаҳон саноат ишлаб чиқаришидаги ҳиссаси 37,5 процентни ташкил этди, ҳолбуки, АҚШнинг ҳиссаси 24,3, «Умумий бозор» давлатларининг ҳиссаси эса 16,5 процентни ташкил этди. Социалистик мамлакатлар капиталистик мамлакатларга қараганда анча юқори суръатлар билан ривожланмоқда. Масалан, урушдан кейинги даврда СССР экономикаси АҚШ экономикасига қараганда икки баравар тез ривожланди. Кейинги етти йил мобайнидаги фарқ айниқса каттадир. Бу даврда мамлакатимиз халқ хўжалигининг ўсиш суръатлари Қўшма Штатларнинг тегишли кўрсаткичларидан 5 баравар, Франциянникидан — 3 баравардан кўпроқ, Италияникидан —4,5 баравар ортиқ бўлди. Совет Иттифоқи ишлаб чиқаришнинг энг кўп капитал сарфланадиган тармоқларини жадал ўзлаштирмоқда, Сибирь, Узоқ Шарқ, Ноқоратупроқ зонани, Ўрта Осиёни ривожлантиришга кўп маблағ сарфламоқда. Буларнинг барчаси сезиларли натижалар бермоқда ва яқин келажакда янада катта натижалар беради. Бинобарин, мазкур программаларни, шунингдек социалистик ҳамдўстлик давлатлари беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш капитализм билан социализм ўртасидаги кучлар нисбатининг социализм фойдасига яна янгидан ўзгаришига олиб келади.

Бироқ, ҳозирги футурологлар буни сезмасликка ҳаракат қилмоқдалар. Умрини яшаб бўлган тузумни абадийлаштириш ва мақташ вазифаси буржуа «пайғамбарларини» тарихий истиқболни қўпол суратда бузишга мажбур қилмоқда. Мана шундай қаллобликлар оқибатида келажакни ҳақиқатда прогнозлаш ўрнига бугунги капитализмнинг шакли бирмунча ўзгартирилган негизлари қўйилмоқда, холос. Бу капитализм ишлаб чиқаришни концентрациялаш асосида секин-аста акула майда балиқчаларни ютиб юборгани сингари ҳамма корхоналарни, хўжалик тармоқларини ва бутун-бутун буржуа давлатларини битта қўймай еб битираётган халқаро конгломератга айланиб бормоқда. Ҳозирги футурологлар келажак асрлардан ана шундай капитализм учун жой ҳозирламоқдалар. Американлик прогнозчиларга келсак, улар буларнинг барчаси муқаррар суратда АҚШ монополистик капиталининг ҳимоясида юз бериши керак деб ҳисоблайдилар.

Империализм идеологлари ўз уйдирмаларини қандайдир янги «назарий фикрлар қилиб кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Лекин бу уйдирмаларда ҳеч қандай янгилик йўқ. Булар увадаси чиққан эски концепцияларни жонлантиришга уринишдир, К. Каутскийнинг 1915 йилдаёқ В. И. Ленин чиппакка чиқарган «ультраимпериализм» тўғрисидаги машъум «назариясини» тарих ахлатхонасидан олиб ҳозирги шароитда қайта тиклашга уринишдир, холос.

Капитализмнинг олим малайлари, шу жумладан буржуа футурологлари ҳам халқаро монополияларнинг ривожланиши силлиқ эмас, балки капитал билан меҳнат ўртасидаги зиддиятнинг тобора чуқур кескинлашуви орқали юз бераётганини, айрим мамлакатларнинг монополистлари билан ўзаро рақобатлашувчи империалистларнинг асосий марказлари ўртасидаги конфликтлар билан бирга юз бераётганини,

бу ҳол умуман жаҳон капиталистик системасининг беқарорлигига сабаб бўлаётганини ҳечам кўрмасликка ҳаракат қилмоқдалар. Айни вақтда империализм халқаро ишчилар ҳаракатининг, миллий озодлик революцияларининг борган сари кучли тазйиқига дуч келмоқда. Бу революциялар кўпгина озодликка эришган мамлакатларда амалда эксплуататорлик муносабатларига — ҳам феодал, ҳам капиталистик муносабатларга қарши курашга айланиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси марксизм-ленинизмнинг халқларнинг борган сари кўпроқ империализмга қарши қаратилаётган озодлик ҳаракати енгилмаслиги ҳақидаги хулосаси тўғри эканлигини тасдиқламоқда. Шунинг учун ҳам, В. И. Ленин олдиндан кўрганидек, «бир умумжаҳон тrести, миллий молия капиталларининг умумжаҳон «ультраимпериалистик» бирлашмаси тузилмасдан албатта *олдин* империализм муқаррар ёрилиб кетиши, капитализм ўзининг зиддига айланиб кетиши турган гап» (Тўла асарлар тўплами, 27-том, 112-бет). Лениннинг бу қоидаси кейин юз берган тарихий воқеалар билан тасдиқланди. Бу қоида ҳозир ҳам ўз кучини сақлаб қолмоқда.

Империалистик реакция идеологик қопқонлар қўйишни давом эттирмоқда, футурологияга ёпишиб олиб, ундан социализм ва бошқа тараққиёт кучларига қарши курашда максимал фойдаланмоқда. Лекин бу иш беҳуда. Хомхаёллар эртами-кечми тарқаб кетади, буржуа жамиятининг кучайиб бораётган ғоявий-сиёсий кризисидан далолат берувчи ҳақиқат эса қолади. Гарчи коммунистлар ҳали анча-мунча резервларга эга бўлган капитализмнинг «ўз-ўзидан ҳалок бўлишини» башорат қилмасалар-да, «сўнгги йиллардаги воқеалар капитализм истиқболи йўқ жамият эканлигини янги куч билан тасдиқлади» (КПСС XXV съездининг материаллари, 39-бет).

Халқларнинг ҳозирги куни ҳам, келажаги ҳам уларнинг капитализм зулмига қарши, коммунизм ғалабаси учун кураши билан боғлиқдир. Келажак проблемаларини фақат социализм шароитидагина ҳақиқий илмий тадқиқ қилиш мумкин. Коммунистик формациянинг ривожланиш қонунлари бошқа формацияларнинг ривожланиш қонунларидан шу билан фарқланадики, коммунистик формациянинг ривожланиш қонунлари стихияли характерда бўлмайди. Бу қонунларни билиб олган одамлар билиб олинган қонуниятлардан фойдаланиш воситасида ўз фаолиятларининг реал оқибатларини илмий асосда олдиндан кўриш мақсадида, социалистик жамиятни ривожлантиришнинг объектив имкониятларини ҳисобга олиш мақсадида биринчи марта ўлароқ стихияли кучларни ўзларига бўйсундириш имкониятига эга бўладилар. Узоқ муддатли планлар ва прогнозлар тузиш иши Коммунистик партия ва Совет давлатининг энг муҳим хўжалик-сиёсий вазифасидир. Марксча-ленинча таълимот билан қуролланган КПСС жамият тараққиётининг бош истиқболини, СССР ички ва ташқи сиёсатини белгилаб бермоқда, совет халқининг буюк бунёдкорлик фаолиятига раҳбарлик қилмоқда, унинг коммунизм ғалабаси учун курашига планли, илмий асосланган тус бермоқда.

«Ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини, унинг асосий тенденцияларини назарий жиҳатдан идрок этиш,— деб кўрсатган эди ўртоқ Л. И. Брежнев,— партияга ижтимоий процессларнинг боришини олдиндан кўриш, тўғри сиёсий йўлни ишлаб чиқиш, хатолардан ва субъективистик қарорлардан холи бўлиш имконини беради (Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар, 3-том, 346-бет).

Ленин партияси келажакни зийраклик билан кўриб, совет халқига олға боришнинг илмий асосланган йўлини кўрсатиб бермоқда, оммадаги жуда катта энергияни уйғотмоқда, уларни бутун инсониятнинг порлоқ келажаги — коммунизм сари бошлаб бормоқда.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

ЭЪТИБОРНИ АСОСИЙ МАСАЛАГА ҚАРАТАЙЛИК

„СИРДАРЁ ҲАҚИҚАТИ“ ВА „СИРДАРЬИНСКАЯ ПРАВДА“ ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми мамлакатимиз партия ташкилотлари, барча меҳнаткашлари учун катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган воқеа бўлди. КПСС МК Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда сўзлаган нутқида партия XXV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида қилинган ишларга баҳо беришда ва 1980 йил вазифаларига ёндашишда амал қилинадиган позиция тўғрисида гапириб таъкидлаган эдики, бу йил — «шу беш йилликнинг якунловчи йилигина бўлиб қолмай, шу билан бирга навбатдаги беш йилликка асос бўладиган база ҳамдир. Бу — партия XXVI съездига актив тайёргарлик кўриладиган йилдир».

КПСС МК Пленумининг қарорлари партиянинг энг ўткир қуроли бўлган матбуот ишининг жанговар конкрет программаси бўлиб хизмат қилади. Бу қарорлар оммавий ахборот ва пропаганда воситаларига аниқ йўл-йўриқ кўрсатиб берди, газеталар саҳифаларида кўтариб чиқиладиган асосий проблемалар доирасини белгилади, ижодий, журналистик изланишларда аниқ компас бўлиб хизмат қилади. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқидаги қоида ва хулосалар бутун партиявий публицистика фаолиятига баҳо беришнинг асосий критерийсидир.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, энг яхши пировард натижаларга эришиш, ҳар бир коллективда, ҳар бир ишчи жойида тежамкорлик режимини кучайтириш, қурилиш ва объектларни ишга тушириш муддатларини қисқартиш, колхоз ва совхозларнинг моддий-техника таъминоти ҳамда техника ва ўғитлардан фойдаланишни яхшилаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш ва чорва маҳсулдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш, ташиш, сақлаш, сотиш системасини ягона озиқ-овқат комплекси сифатида takomиллаштириш — КПСС МК ноябрь Пленуми эътиборни қаратган ана шу ва бошқа масалалар Сирдарё области, унинг партия ташкилотлари, барча меҳнаткашлари учун, Сирдарё область газеталари учун ҳам жуда муҳим ва актуал масалалардир. Шунинг учун ҳам хўжалик механизмини такомиллаштириш, идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилаш, социалистик мусобақани ташкил қилиш проблемалари шубҳасиз матбуот органлари учун ўз аҳамиятини йўқотмайдиган темалардир.

«Сирдарё ҳақиқати» ва «Сирдарьинская правда» газеталари редакциялари КПСС МК Пленуми материалларини синчиклаб ўрганиб чиқиб, ана шу материаллар асосида ўз вазифаларини партия йиғилишлари ва редколлегия мажлисларида муҳокама қилиб, 1980 йилда ўз фаолиятларининг асосий йўналишларини белгилаб олдилар, тегишли планлар туздилар. Газеталарда «КПСС МК 1979 йил ноябрь Пленуми қарорлари — ҳаётга» рубрикаси киритилди. Энг яхши меҳнат коллективлари ва ишлаб чиқариш илғорлари тажрибасини пропаганда қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бунда, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида таъкидлаб ўтилганидек, бу тажриба моҳиятини очиб беришга, кишиларни тажриба билан қизиқтиришга, уни кенг жорий қилишга кўмаклашишга аҳамият берилмоқда.

Ҳар иккала газетада «Ленинчасига, коммунистчасига ишлайлик», «Диққат: илғор тажриба», «Сўз новаторларга», «Ташаббус бошланган жойда», «Мусобақага раҳбарлик» рубрикалари остида сирдарёликларнинг хўжалик ва маданий қурилишдаги ютуқлари тўғрисида, корхоналар, қурилишлар ва хўжаликларда ишлаб чиқариш моҳирона ташкил қилинганлиги ҳақида, меҳнат коллективларида пухта, уйғун ишлаш учун зарур вазият яратилганлиги тўғрисида мақолалар, корреспонденциялар, тематик саҳифалар ва материаллар подборкаси бериб борилмоқда.

«Сирдарё ҳақиқати» газетасида эълон қилинган тематик саҳифалар диққатга сазовордир. Улар Янгиердаги В. И. Ленин номли бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати коллективида со-

циалистик мусобақа тўғрисида, область автотранспорти корхоналарида бригада пудратининг жорий қилиниши ҳақида ҳикоя қилади. Ховос районидаги Ғ. Юнусов номли совхоз партия ташкилоти секретари Т. Абдусатторовнинг «Илғор тажрибани кенг ёйлик», «Гинчлик» пахта тозалаш заводи смена мастери (Оқ олтин райони) С. Шоимовнинг «Ташаббус кўрсатиб», «Фарғона» совхози парткоми секретари А. Зулқайнаровнинг «Сўз билан ишнинг бирлиги», Гулистон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Маҳмудовнинг ишлаб чиқариш ички резервларини сафарбар этиш тўғрисидаги, область партия комитети саноат бўлими мудири У. Умаровнинг область корхоналари ишининг асосий йўналишлари бўлган самарадорлик ва сифат учун кураш тўғрисидаги мақолалари ва бир қатор бошқа материаллар масалаларнинг қўйилиши жиҳатидан мазмундор ва принципиал мақолалардир. Уларда сирдарёликларнинг сиёсий ва меҳнат активлиги ошганлиги, уларнинг 1980 йил план ва мажбуриятларини, умуман ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажаришга янада кўпроқ ҳисса қўшишга интилаётганликлари кўрсатиб берилган.

«Сирдарьинская правда» газетаси саҳифаларида КПСС МК ноябрь Пленуми қарорларига жавобан Гулистон районидаги «Октябрь» колхозининг донгдор бригада бошлиғи Д. Агалиевнинг, «Малик» совхози звено бошлиғи, СССР Олий Советининг депутати Т. Қирғизбоеванинг, «Узсельэлектрострой» кўчма механизациялашган колоннаси комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Р. Мансуровнинг, Сирдарё автотранспорт корхонаси ҳайдовчилар бригадаси бошлиғи Н. Бекировнинг ишчанлик руҳида ёзилган мақолалари эълон қилинган. Улар Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини қизғин маъқуллаб, ўзларининг зарбдор меҳнатлари билан Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга қатъий бел боғлаганликларини билдирганлар.

Газета материалларида социалистик мусобақани ташкил қилиш масалалари таҳлил қилинади. Гулистон районидаги Ленин номли колхоз партия ташкилотининг социалистик мусобақага раҳбарлиги тўғрисидаги корреспонденцияда, Ленин комсомоли 50 йиллиги номли тикувчилик фабрикаси директори А. Бобожоновнинг «Асосий эътибор мусобақага» деган мақоласида меҳнат рақобати таъсирчанлигини оширишнинг муҳим жиҳатлари кўтарилган.

«Сирдарьинская правда» газетасининг журналистлари ва штатсиз авторлар коллективи ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, корхоналарни реконструкция қилиш, оғир қўл меҳнати сарфини камайтириш проблемаларини тез-тез ёритадиган бўлиб қолдилар. Чунончи, «Изланиш давом этмоқда» деган мақолада Ховос станцияси локомотив депосида қўшимча резервлар ишга туширилганлиги, «Жадал суръат билан» деган мақолада «Голодностепирмонтаж» тресті бўлинмаларида бригада пудрати жорий қилинганлиги, «Пахта тойлари олдида» деган мақолада пахта тозалаш саноатининг пахтани қабул қилиш ва ғарамлашни механизациялаш соҳасидаги резервлари ҳақида ҳикоя қилинади.

«Пахтакорлар эстафетасини шараф билан давом эттирайлик», деган корреспонденцияда пахтани сифатли сақлаш ва қайта ишлаш масаласи атрофлича кўриб чиқилган. «Кўприкда» деган корреспонденцияда темир йўл транспортида вагонлар оборотини ошириш резервлари кўрсатиб берилган. «Ширин»нинг сахий боғлари» деган мақолада етиштирилган мева ҳосилининг ҳаммасини йиғиб-териб олиш ва уни бевосита хўжаликларда яхши сақлашнинг жуда муҳимлиги, «Чўпон ташвиши» номли мақолада чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш резервларидан тўла фойдаланиш зарурлиги ҳақида гап боради.

Сирдарё область газеталарининг ана шу ва бошқа ўринли чиқишлари шуни кўрсатадики, мақолалар тематикаси кенгайиб бораётир, журналистларнинг газетада кўтарилаётган проблемалар моҳиятини чуқур билишга, камчилик ва нуқсонларни очиб ташлашга, уларни бартараф этишнинг конкрет йўлларини таклиф қилишга интилаётганликлари сезилиб турипти.

Шу билан бирга газета материалларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, редакция коллективлари экономика, ташкилотчилик ва тарбиявий ишларнинг кўпгина муҳим масалаларини ёритишга ҳали ҳам расмиятчилик билан ёндашмоқдалар. Сирдарё область газеталарининг редакциялари йил бошида областдаги бир қатор саноат корхоналари ва хўжаликлар, транспорт ва қурилиш ташкилотларининг социалистик мажбуриятларини, муқобил планларини эълон қилиб, режалар турмушга қандай оширилаётганлиги, айрим коллективлар қандай резервлар ҳисобига, нималарга асосланиб юксак кўрсаткичларга эргашаётганликлари ва нима учун бошқа коллективлар ўзлари қабул қилган мажбуриятларни бажармаётганликларидан газетхонларни хабардор қилишни «унутиб» қўядилар.

Собиқ Мирзачўл жадал суръатлар билан Ўзбекистоннинг йирик аграр-индустриал районига айланиб бормоқда. Сирдарё ГРЭСининг қуввати жадал ўсиб бормоқда, ўнлаб бошқа йирик ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектлар қад кўтармоқда. Табиийки, газета саҳифаларида эълон қилинаётган кичик мақола ва қуруқ ахборотлар область саноати ва қурилиши меҳнаткашлари олдида турган проблемаларнинг моҳиятини очиб бермайди. Шунинг учун ҳам, масалан, Сирдарё ГРЭСи каби улкан индустриал объект ҳақида бир ой мобайнида газетада атиги бир-икки ахборот берилганлиги ачинарли ҳолдир.

Сирдарё область газеталари учун қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш масалаларини ёритишдан кўра муҳимроқ тема йўқ. Бир қарашда колхоз ва совхозлар, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги ташкилотларининг фаолиятини ёритувчи мате-

риаллар етарлича берилаётгандек туюлади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бу материалларнинг бир қисмида муҳим проблемалар чуқур таҳлил қилинади ва очиб берилади. Бироқ, уларнинг кўпчилигида темага бир қолипда ёндашиш кўзга ташланадики, натижада улар кутилган самарани бермайди.

«Сирдарьинская правда» газетасида «Йилга якун ясалганда» рубрикаси остида босилган мақолаларнинг сони, уларнинг вақт-вақти билан бериб борилиши ва материаллар серияси босилганлиги диққатни тортади. Редакциянинг об-ҳаво шароити пахтакорлар ва барча деҳқонлар учун ниҳоятда оғир келган йил якунларини таҳлил қилишга, тўпланган илғор тажрибани ҳамма жойда жорий қилиш учун бу тажрибани аниқлаш ва пропаганда қилишга интилиши табиий бир ҳолдир. Бироқ, бир қолипда ёзилган қуруқ материалларда газетхон шунга ўхшаган нарсаларни топа олмайди. Газета у ёки бу хўжалик ютуқлари ҳақида ҳикоя қиларкан, баъзан пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини юксалтиришнинг ҳақиқий сабаблари тўғрисида лом-мим демайди, деҳқонлар меҳнати қандай ташкил қилинганлигини, илғор агротехникадан қандай фойдаланганлигини кўрсатмайди, хўжалик фаолиятини иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилмайди. Энг яхши механизаторлар, сувчилар, бригадирлар рўйхатдаги сингари бирма-бир санаб ўтилади-ю, лекин уларнинг тажрибаси ва маҳорати очиб берилмайди.

Планларини бажармаган, қийинчиликларни енга олмаган хўжаликлар ҳақида газета умуман ҳеч нима демасликни афзал кўради. Икки ёки бир неча хўжаликнинг ўтган йилги иш якунларини бир-бирига таққослаш, улардан бирининг муваффақиятга эришиш йўлларини ва бошқаларнинг қолоқлик сабабларини айтиб бериш, тегишли хулосалар чиқариш жуда фойдали бўларди. Темани ёритишда босилган мақолалар миқдори эмас, балки кўтариб чиқилаётган масалалар моҳиятини ҳар томонлама билиш, уларни чуқур таҳлил қилиш, темага бир қолипда эмас, ижодий, пухта ўйлаб ёндашиш муҳим роль ўйнайди.

Чорвачилик редакция коллективларининг доимо диққат марказида туради. Газета саҳифаларида «Чорвачилик — зарбдор фронт», «Ёрдамчи хўжалик — ҳар бир корхонага» ва бошқалар доимий рубрика бўлиб қолди. Бу темага оид материаллар область чорвадорларининг ижобий ташаббусини умумлаштиради, газетхонларни ишлаб чиқариш илғорлари билан таништиради. Саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, муассасалар ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилади.

Шу билан бирга чорвачиликни ривожлантириш масалаларини ёритишда камчиликлар бор. Асосий камчилик шуки, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш планлари ва мажбуриятларини бажармаётган хўжалик ва фермалар областда ҳали ҳам бўлса-да, газета саҳифаларида танқидий материалларни кўрмаймиз, чорвачиликнинг моддий-техника базаси, махсус биноларни қуриш ва ишга тушириш, кадрларни тайёрлаш соҳасида ҳали кўп ишлар қилиниши керак. Область газеталари мана шу камчиликларни гўё кўрмаётгандек бўлади, чуқур таҳлил қилинмаган ва умумлаштирилмаган, шунчаки ахборот характеридаги материалларни босиб чиқариш билан чекланадилар.

Хўжаликнинг ҳар қандай тармоғидаги, кишиларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги муваффақиятлар аввало партиявий раҳбарлик даражасига боғлиқдир. Бироқ, «Партия турмуши» рубрикаси остида материаллар газеталар саҳифаларида аҳёнаҳёнда берилади. Журналистик практикаси шуни кўрсатадики, партия комитети, партия ташкилоти фаолиятини умумий тарзда ёритишга интилиш одатда самара бермайди. Афсуски, Сирдарё область газеталарида босилган материалларнинг кўпчилиги темага ана шундай ёндашиш билан ажралиб туради. Ҳолбуки, партиявий ишнинг айрим жиҳатларини таҳлил қилиш талаб этилади. Партия ташкилотлари фаолиятининг муайян томонларини кўриб чиқиш масаланинг моҳиятини чуқурроқ очиб беришга, тўпланган тажрибани аниқлаш ва уни баҳолашга, конкрет иш участкасида конкрет камчиликларни очиб ташлашга имкон беради.

Булар идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни ёритишга ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир. Сирдарё область газеталари КПСС Марказий Комитетининг бу масалага доир машҳур қарорига бағишлаб йирик пропагандистик мақолалар босиб чиқардилар. Бу хилдаги материаллар шубҳасиз жуда муҳимдир, лекин улар конкрет партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, идеология муассасаларининг ғоявий-тарбиявий ишлари чуқур таҳлил қилинган материалнинг ўрнини боса олмайди. Бундай материаллар эса газеталар саҳифаларида кам берилади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС МК 1979 йил ноябрь Пленумида, унга Ленин мукофотини топшириш вақтида сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтдики, партия пропагандаси, партия агитацияси ишига жонли ижодий тус бериш, бу ўринда бепарво ва калтабин расмиятчилик, андаза кўчиришга ва сафсатабозликка берилиш ярамайди, баландпарвоз сўзлардан, расмиятчиликдан ва ҳадеб такрорлай беришлардан воз кечиш пайти келди.

Сирдарё область газеталари редакциялари мана шу талабни баъзан унутиб қўядилар. Улар турли йиғилиш ва кенгашлардан олинган узундан-узоқ ҳисоботларни кўп босиб чиқарадилар, баъзан бир сонда икки-уч ана шундай катта материал берилади.

Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида партия, бутун совет халқи ҳаётида ажойиб воқеалар — В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги, фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 35 йиллиги нишонланди. Ленин буюк ишининг ленинча мил-

лий сиёсат тантанасини, совет кишиларининг жанговар ва меҳнат қаҳрамонлигини, унинг сабабларини, экономика, маданият, меҳнаткашлар фаровонлиги ўсганлигини область ҳаётидан олинган конкрет мисолларда кўрсатиш, янада олға қараб бориш учун тўпланган тажрибани умумлаштириш — матбуотнинг асосий вазифаларидан биридир, унинг шарафли бурчидир.

«...Ҳозирги замон тўғрисида шундай ёзиш керакки, токи ёзган нарсаларинг партиямизнинг, халқимизнинг амалий ишига қўлдан келганча ёрдам берсин»,— ўртоқ Л. И. Брежнев ўзига Ленин мукофоти топширилган вақтда сўзлаган нутқида келтирган Лениннинг ана шу ажойиб сўзлари журналистларнинг, матбуот бутун авторлар активининг ижодий изланишларида жанговар шиор, қўлланма бўлиб хизмат қилади.

ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДА АГРАР МУНОСАБАТЛАР

КПСС МК Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1970 йил июль Пленумидаги докладида бундай деган эди: «Фан ва тажриба бизга шуни ўргатмоқдаки, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш, уни техника билан қайта қуроллантириш ҳозирги замон шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш суръатларини белгилаб берадиган ҳал қилувчи омилдир. Бизда бу вазифани ҳал қилишнинг бошқача йўли йўқ».

Партиянинг ана шу сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш регионал аспектда аграр муносабатларни пухта ҳисобга олишни назарда тутади.

Ўзбекистон ССРнинг ўзига хос шароитларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксак даражада интенсивлаштириш, қишлоқ хўжалигини техника билан қайта қуроллантириш, комплекс механизациялаш, автоматлаштириш ва электрлаштиришни ғоятда актуал вазифа қилиб қўяди. Шу муносабат билан тақриз қилинаётган монография* муаллифининг етук социализм шароитида республикада аграр муносабатларнинг ривожланишидаги қонуниятларни ўрганишга комплекс ёндашганлиги қимматлидир.

Моддий-техника базаси аграр муносабатларнинг негизидир. Ривожланган социализм босқичида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарувчи кучлар соҳасидаги ўзгаришлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг юксак даражаси ва кенг миқёсларини белгилайди, хўжалик юритишнинг интенсив методларига ўтишга ва шунингдек фан-техника революцияси ютуқларини социализм афзалликлари билан қўшишга ёрдам беради. Муаллиф шуни ҳаққоний равишда қайд қиладики, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш — объектив жараён бўлиб, унга фақат муайян моддий шарт-шароитлар бўлган тақдирдагина эришиш мумкин. С. Хейфец марксча-ленинча методологияга таяниб етук социализм шароитида қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг назарий проблемаларини кўплаб фактик материаллар асосида ёритиб беради, бу жараённинг асосий йўналишларини кўрсатиб ўтади.

Республика қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши асосий фондлар структурасидаги жиддий ўзгаришлар билан бирга кечмоқда. Бу, муаллиф томонидан қилинган анализдан кўриниб турганидек, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги юксак техникавий базисга эга эканлигидан далолат берадики, бу базис ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишни таъминлайди.

Асарда фан-техника тараққиётининг қишлоқ хўжалик меҳнати мазмуни ва характерига, унинг индустриал меҳнатнинг бир турига айланишига таъсири тадқиқ қилинади. С. Хейфец шуни тўғри таъкидлайдики, янги типдаги ходимнинг шаклланиш жараёнига фақат янги техникани ўзлаштириш нуқтаи назаридангина қарамаслик керак. Бу масалага социализмдан аста-секин коммунизмга ўтиш шароитида қишлоқнинг ривожланишидаги социал жиҳатларни хисобга олган ҳолда кенгроқ ёндашиш зарур, бундай ўтиш эса ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни бартараф этиш билан бирга амалга оширилади.

Асарнинг каттагина бўлими ҳозирги босқичда колхозлардаги тақсимот муносабатларига бағишланган. Муаллифнинг ана шу проблемани ўрганишга ёндашуви методик жиҳатдан ўзини оқлаган. У колхозчиларнинг тирикчилик маблағлари фондини анализ қилишдан бошлаб, ана шу фондларда юз берадиган ўзгаришларни қишлоқ хўжалигидаги фан-техника тараққиёти, тармоқни индустриал асосга кўчириш нуқтаи назаридан қараб чиқади.

Колхозчиларнинг тирикчилик маблағлари фонди колхозларда меҳнатга тўланадиган ҳақдан, колхозларнинг ижтимоий истеъмол фондларидан ва шахсий ёрдамчи хўжаликлардан олинадиган даромадлардан вужудга келади. Колхозчилар тирикчилик маблағлари фондининг асосий формаси — меҳнатга тўланадиган ҳақ бўлиб,

* С. Ш. Хейфец. Аграрные отношения в Узбекистане в период развитого социализма, Ташкент, «Фан», 1979, 144 стр.

у фақат колхозчиларнинг фаровонлик даражасига таъсир этибгина қолмай, балки колхоз ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш учун катта рағбатлантирувчи аҳамиятга ҳам эгадир. Ана шу форманинг хусусиятларини пухта анализ қилиш муаллифни меҳнатга ҳақ тўлашнинг рағбатлантирувчи ролидан тўлароқ фойдаланиш зарурияти колхоз ишлаб чиқаришини ривожлантириш эҳтиёжларига жавоб берадиган янги, янада мукаммал ва прогрессив методлар ҳамда формаларга ўтилишини белгилаб берди, деган фикрга олиб келган.

Колхозларда истеъмол фондларини вужудга келтириш ҳозирги вақтда ҳар бир хўжалик томонидан мустақил равишда амалга ошириладики, турли колхозларда уларнинг ходимларига турлича ҳақ тўланишига сабаб шудир. Айрим зоналардаги колхозларда хўжалик юритишнинг иқтисодий шароитларини ва колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш даражаларини тегишли равишда бараварлаштириш — иқтисодий муносабатларнинг турли томонларига дахлдор жараёндир.

Ана шу муҳим социал проблемани ўрганар экан, С. Хейфец бундай дифференциациянинг сабабларини аниқлашга ва колхоз системаси доирасида ҳам, шунингдек колхозчилар ва давлат корхоналари ходимларининг ҳам даромадлари даражасини бараварлаштиришнинг асосий йўналишларини белгилашга ҳаракат қилган.

Ҳозирги босқичда колхоз ишлаб чиқаришининг ривожланиши, колхозлар даромадининг юксак суръатлар билан ўсиб бораётганлиги колхоз ижтимоий истеъмол фондларига тобора кўпроқ маблағ ажратиш имкониятини бермоқдаки, булар колхозчи деҳқонларнинг моддий ва маданий фаровонлигини оширишда таъсирчан омил бўлиб қолди. Ана шу масалани тадқиқ қилишда муаллиф ижтимоий истеъмол фондларини ривожлантиришнинг назарий ва методологик проблемаларини, жумладан уларнинг вазифасини ва ўсишидаги объектив шарт-шароитларни анализ қилишга таянади. Бу эса унга колхоз ижтимоий истеъмол фондларининг даражаси ва динамикасини аниқлаш, келажакда уларнинг ривожланишидаги энг характерли тенденцияларни белгилаш имкониятини берган.

Шахсий ёрдамчи хўжаликлардан олинадиган даромадлар — колхозчилар тирикчилик маблағлари фондининг яна бир муҳим формасидир. С. Хейфецнинг шахсий ёрдамчи хўжаликка социалистик қишлоқ хўжалик системасининг таркибий элементи сифатида қараш лозимлиги тўғрисидаги уқтиришлари тамомила асослидир.

Колхоз-кооператив мулки ривожланишининг янги босқичи тўғрисидаги боб назарий жиҳатдан катта қизиқиш уйғотади. Муаллиф ана шу босқичнинг қонуниятларини аниқлаш учун колхоз ва совхоз ишлаб чиқариши ўртасидаги нисбат масаласини қараб чиқади. Асарда таъкидланишича, ҳозирги давр учун совхозлар етакчи ролни ўйнагани ҳолда колхоз ишлаб чиқаришининг ҳам, шунингдек совхоз ишлаб чиқаришининг ҳам юксак суръатлар билан ривожланаётганлиги хосдир. Бироқ, колхоз ишлаб чиқаришининг имкониятлари ҳали тугагани йўқ. Масалан, агар қишлоқ хўжалигининг асосий фондларида совхозларнинг ҳиссаси 65,7 процентни, ялпи маҳсулотда —41,7 процентни ташкил этса, колхозларнинг ҳиссаси эса — тегишли равишда 34,3 ва 58,3 процентни ташкил этади.

Колхоз-кооператив ва давлат мулки формалари ўртасидаги нисбатни, шунингдек колхоз мулкининг имкониятларини тўлароқ характерлаб бериш учун муаллиф колхоз ва совхоз секторларида ўрта ҳисобда ҳар бир корхонага тўғри келадиган ишлаб чиқариш концентрациясининг ўсишига оид маълумотларни қиёсий анализ қилади. Шу билан бирга монографияда колхоз ишлаб чиқаришини хўжаликлараро кооперациялаш ва агросаноат интеграцияси асосида концентрациялаш ва ихтисослаштириш масаласи тадқиқ қилинган, бу жараённинг колхоз-кооператив мулки формасининг ривожланишига таъсири кўрсатиб берилган.

Асарда конкрет материаллар асосида қишлоқни социал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, шунингдек етук социалистик жамиятда шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятлари кўриб чиқилган. Бу ўринда муаллифнинг колхозчилар ва саноат ишчиларининг турмуш даражасини бараварлаштириш проблемасини тадқиқ қилганлиги алоҳида диққатга сазовордир. Шаҳар аҳоли пунктларидаги ва қишлоқ жойларидаги чакана товар обороти динамикасини ўрганиш, шунингдек шаҳардаги ва қишлоқдаги маиший хизмат кўрсатишга доир маълумотларнинг анализи ана шу жараённи етарли даражада тўла характерлаб беради.

Қишлоқ қурилишини янада авж олдириш — республикада қишлоқларни қайта қуришнинг асосий масаласи бўлиб, у аҳоли пунктларини аста-секин обод посёлкаларга айлантиришни таъминлайди. Қишлоқ қурилиши программаси қишлоқ турмушини шаҳар турмушига максимал яқинлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Шу билан бирга монография камчиликлардан ҳам холи эмас. Унда давлат мулкининг етакчи роль ўйнаши тўғри кўрсатилган, унинг колхоз-кооператив мулкини ривожлантиришга таъсири қайд қилинган, бироқ, муаллиф давлат мулкини янада ривожлантириш қонуниятлари ва уни такомиллаштириш йўллари ҳақида ҳеч нарса демайди. Сўнгра асарда, бизнингча, қишлоқ хўжалигида социалистик мусобақани ташкил этишдаги ижобий тажрибани ҳам кўрсатиш лозим эди.

Умуман тақриз қилинаётган китоб ўз моҳияти билан мамлакат регионларидан биридаги ҳозирги замон аграр муносабатларини тадқиқ этишга қўшилган муайян ҳисса бўлиб, у етук социалистик жамиятда қишлоқнинг социал-иқтисодий ривожланиши билан қизиқувчи кишилар учун фойда келтириши мумкин.

Г. СЕВЛИКЯНЦ,
иқтисод фанлари доктори.

КИТОБЛАР ТЎҒРИСИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

В. И. Касьяненко. **КПССнинг социалистик турмуш тарзини шакллантиришдаги роли.**
М., Политиздат, 1979, 279 бет.

Автор совет жамияти ўз турмуш тарзи бўйича 60 йил ичида қандай тарихий юксакликка кўтарилганлигини, унинг шаклланиши ва ривожланиши қандай йўллар билан борганлигини кўрсатишни, КПССнинг раҳбарлик ва раҳнамолик ролини, социалистик турмуш тарзининг ғалабаси учун унинг қандай восита ва методлардан фойдаланганлигини очиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Совет турмуш тарзининг меҳнатнинг социал мазмуни ва ижодий характери, меҳнаткашларнинг давлатни бошқаришдаги иштироки, кишилар ва коллективлар, социал группа ва миллатлар ўзаро алоқаларининг ахлоқий норма ҳамда принциплари, ҳаётий идеаллар ва уларни амалга ошириш йўллари сингари типик жиҳатлари китобда аниқ ёритилган.

Автор тўғри таъкидлаганидек, социалистик уклад янги турмуш тарзини шакллантириш учун асос бўлди. В. И. Касьяненко маданий революция ва унинг янги турмуш тарзининг қарор топишига таъсирини таҳлил қиларкан, у бутун жамиятнинг планли равишда, узоқ муддат давомида куч сарф қилишини талаб этди ҳамда у ўша жамиятнинг асосий кучи — Коммунистик партия раҳбарлигидагина муваффақиятли амалга оша олар эди, деб хулоса чиқаради.

Совет турмуш тарзининг моддий асоси — социалистик ишлаб чиқаришни яратиш ва ривожлантириш масаласини кўриб чиқишга монографияда катта эътибор берилган (78—113-бетлар). СССР халқларининг умумий куч-ғайрати, уларнинг қардошларча ҳамкорлиги натижасида ўтмишдан мерос бўлиб қолган республикаларнинг иқтисодий ривожланиш даражасидаги тафовут муваффақиятли бартараф этилмоқда. Буларнинг ҳаммаси конкрет маълумотлар, шу жумладан Ўзбекистон ССРга оид материаллар асосида кўрсатиб берилган.

В. И. Касьяненконинг фикрича, пролетариат диктатурасини мустаҳкамлаш, эксплуататорлар мулкчилигини тугатиш ва ишлаб чиқариш воситаларига социалистик мулкчиликни, социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини қарор топтириш, синфий антагонизмнинг иқтисодий ва сиёсий асосларини бартараф этиш, синфлар ва социал группалар манфаатлари бирлиги ҳамда ҳамкорлигини таъминловчи жамиятнинг сифат жиҳатдан янги социал-синфий составини яратиш, ленинча миллий сиёсатни турмушга ошириш, жамиятда ягона маркса-ленинча идеологияни қарор топтириш СССРда социалистик турмуш тарзининг ривожида ҳал қилувчи омиллар бўлди (156—157-бетлар). Бу хулосалар тўғри ва илмий асослангандир. Совет турмуш тарзининг афзалликлари Улуғ Ватан уруши йилларида ёрқин намоён бўлди.

В. И. Касьяненко жуда кўп фактик ва ҳужжатли материаллардан (207—234-бетлар) фойдаланиб партиянинг социал сиёсатига комплекс характеристика беради, партия ташкилотларининг етук социализм шароитида уни амалга ошириш борасидаги тажрибасини умумлаштиради, мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг асосий вазифаларини ҳал этишда социал сиёсатнинг ролини аниқ кўрсатиб беради. Авторнинг фикрича, меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш, уларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш совет турмуш тарзини янада ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидир.

КПСС XXV съезди олдинга сурган социал ривожланиш ва халқ турмуш даражасини ошириш программаси китобда батафсил кўриб чиқилган (234—252-бетлар). Автор социалистик турмуш тарзини янада ривожлантириш ва коммунистик турмуш тарзини шакллантиришда СССР ва қардош республикалар янги Конституцияларининг катта аҳамиятини кўрсатар экан, «СССР Конституцияси — совет жамиятининг маънавий соғломлигини, социализмнинг ва у юзага келтирган турмуш тарзининг катта маънавий-сиёсий потенциалини кўрсатувчи ёрқин далилдир», деб таъкидлайди (252-бет).

В. И. Касьяненко совет турмуш тарзини шакллантиришда КПССнинг раҳбарлик роли тобора ортиб бораётганини гапириб (252—269-бетлар), «совет кишиларининг ижоди, революцион пафоси ва активлиги — КПССнинг социалистик турмуш тарзини янада ривожлантириш учун кураши муваффақиятининг гаровидир», деб тўғри хулоса чиқаради (269-бет).

В. И. Касьяненко китоби юксак ғоявий-назарий савияда ёзилган. Асарнинг структураси ўринли танланган, унда кўтарилган масалалар изчил ёритилган бўлиб, мантиқан бир-бирига боғланган. Китобдаги айрим камчиликлар монографиянинг умумий ижобий баҳосини сира пасайтирмайди, социалистик турмуш тарзини тарихий-партиявий аспектда тадқиқ этиш соҳасидаги дастлабки йирик асарлардан биридир.

К. КАРИМБЕКОВ,
В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети гуманитар факультетлари КПСС тарихи кафедрасининг ўқитувчиси.

А. А. Баженова. **Рус эстетик тафаккури ва ҳозирги замон.**
М., „Знание“, 1980, 144 бет.

Китоб рус эстетик тафаккури ривожининг энг муҳим босқичлари: Қадимги Русдаги эстетик ғоялардан то Россиядаги марксча эстетикагача (Г. В. Плеханов эстетикасини ҳам қўшиб) бўлган даврини таҳлил қилишга бағишланган. Материални бу қадар кенг кўламда қамраб олиш авторга бир қатор назарий ва методологик проблемаларни қўйиш, эстетик меросга муносабат принципларини аниқлаш имконини берган. А. Баженова бу меросни ишга солишнинг конкрет формаларини, уни ғоявий-эстетик талқинининг ўзига хос хусусиятларини ёритади, рус эстетик маданиятининг гуманизмини, унинг юксак бадиий-эстетик сифатлари ва ахлоқий негизларини очиб беради.

Китобхон совет кишилари маънавий ҳаётининг илғор рус эстетик маданияти соҳасида ўтмиш замонларда эришилган ютуқлар билан аста-секин бойиб бориши жараёнини, «кўп миллионли меҳнаткашлар оммаси маданият хазиналаридан тобора кўпроқ баҳраманд бўлаётган... жонли жараён»ни кузатиш имконига эга бўладики, КПСС МК Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXV съездида бу тўғрида гапирган эди. Асарда рус эстетик меросининг совет кишисининг ҳар тарафлама, уйғун равишда камол топишига баракали таъсири кўрсатиб берилган.

Катта тарихий давр мобайнидаги прогрессив рус эстетик тафаккури меросини таҳлил этар экан, бизнинг назаримизда, А. Баженова унинг ривожидаги энг қизиқарли ва аҳамиятли йўналишларни ажратиб кўрсата олган.

Авторнинг ҳозирги замон учун рус эстетик тафаккурининг ролини белгилаган вақтда қуйидаги ҳолатни унутмаслик лозимлиги тўғрисидаги фикрига қўшилмасдан бўлмайди: революцияга қадар бўлган Россиянинг ижтимоий-сиёсий шароити — қаттиқ цензура мавжудлиги, ижтимоий ғоялар ривожидаги бутун илғор нарсалар таъқиб қилиб келинганлиги туфайли — прогрессив эстетика ва бадиий танқидчилик на фақат бадиий-эстетик ҳаётнинг, балки ижтимоий-сиёсий курашнинг ҳам энг ўткир проблемаларини ўзида жамлаган эди. Герцен, Белинский, Чернишевский, Плеханов, Ленин бу фактни кўп марта кўрсатиб ўтганлар. Ана шу хусусиятга кўра илғор рус эстетикаси дунёқараш соҳасида, ғоявий-сиёсий, ахлоқий-тарбиявий соҳада улкан аҳамиятга моликдир.

Ғоявий мухолифларимизнинг рус эстетик меросига «қизиқиши» ортиб бораётганини таъкидлар экан, автор бу фактни рус эстетик маданияти тўғрисида бир ёқлама, бузуқ тасаввур беришга беҳуда уринишлар билан изоҳлаб мутлақо тўғри қилган, улар бутун эътиборни рус идеализми эстетикаси тарихига қаратадилар.

А. Баженованинг ўтмиш замонлар эстетик ғояларини совет жамиятининг ҳозирги эстетик маданиятига «қўшишнинг» хилма-хил форма ва методларини очишга, «ҳозирги бадиий ижодни аввал яшаб ўтган авлодларнинг ижодий ютуқлари ва эстетик тажрибаси билан бойитиш зарурлиги» ана шу формаларнинг энг муҳими эканлигини кўрсатишга, «янги эстетик ғоялар, ҳозирги адабиёт ва санъатдаги янги бадиий эстетик бойликларнинг вужудга келиши кўзга кўринарли ва кўринмас кўпдан-кўп ришталар орқали Ватан бадиий-эстетик маданияти анъаналари билан боғлиқ» (138-бет) эканлигини кўздан кечиришга интилиши қимматлидир.

Автор кишилик жамияти тараққиётининг принципиал янги босқичини акс эттирган ва бадиий ижоднинг турли соҳаларини қаҳрамон шахсияти янги концепцияси, янги социалистик идеаллар билан бойитган совет санъатининг новаторлик моҳиятини таъкидлаб ўтади. Шу билан бирга асарда совет жамияти эстетик фаолияти ривожидаги узвий бирлик, новаторлик ва анъаналар диалектикаси, ҳар бир конкрет ҳолатда бадиий анъаналарнинг ҳозирги замонга таъсир қилиш механизмининг фавқулодда мураккаблиги яхши кўрсатилган.

В. Маяковский ва С. Есенин, шунингдек ҳозирги замон рус прозаиклари С. Залигин, В. Шукшин, В. Белов, В. Астафьев, В. Распутин ва бошқаларнинг ижодида новаторлик билан анъаналар диалектик бирлигининг таҳлили қизиқарлидир.

Шу билан бирга баённинг ҳаддан ташқари мухтасарлигини кўрсатиб ўтиш керак, чунки автор танлаб олган рус мутафаккирларининг эстетик мероси ҳар тарафлама ва муфассал таҳлил қилишга арзийди.

Умуман олганда эса тақриз этилаётган китоб рус эстетик мероси ривожининг туб проблемаларини қаламга олган ва унинг ҳозирги замон учун аҳамиятини ёритган бўлиб, кенг китобхонлар доираси учун шубҳасиз фойдали бўлади.

М. СИМУШ,
тарих фанлари кандидати.

К. З. Зарипов. **Фан-техника революцияси. Таълим ва ўқитувчилар малакасини ошириш.**
Тошкент, „Фан“, 1979, 124 бет.

Фан-техника революцияси (ФТР) ютуқларини социализм афзалликлари билан узвий қўшишдек тарихий вазифани ҳал этиш давомида таълим проблемаларининг аҳамияти ортади, бинобарин, ўқитувчилар малакасини ошириш процессини илмий бошқариш проблемаларининг аҳамияти ҳам орта боради.

К. З. Зарипов китобида таълимнинг ФТР билан ўзаро боғлиқлигининг назарий масалалари ва ФТРнинг капитализм ҳамда социализм шароитида таълим системасига таъсири масаласи чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилинган.

Фан-техника революцияси таъсирида жиддий ўзгаришларга учраган бугунги иш-

лаб чиқариш жамият ҳаётида таълимнинг бутун системаси ролини анча оширади. Автор шуни ҳақли равишда таъкидлаб ўтадики, таълим киши тасаввури, билим доирасини кенгайтирувчи, унинг маънавий оламини бойитувчи омилдан ишлаб чиқарувчи кучга айланади.

Таълимнинг ФТР давридаги ижтимоий тараққиёт қонунияти сифатидаги роли социализм ва капитализм шароитида ҳар хил ортади. К. З. Зариповнинг ҳаққоний кўрсатишича, капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари ФТР ютуқларидан жамиятнинг социал ва маънавий тараққиёти учун фойдаланишга тўсиқлик қилади. Буржуазия таълим омманинг фан-техника соҳасидаги билим доирасини кенгайтиришига, онгининг, ижтимоий активлигининг ошишига ёрдам беришини тушунгани учун ҳам, деб таъкидлайди автор, меҳнаткашлар кенг табақаларининг ўқишига, таълим олишига ҳар томонлама тўсқинлик қилади. Социализмда эса фан-техника революцияси туфайли таълимнинг бутун системасини ривожлантириш учун кенг имкониятлар очилади.

ФТР, бир томондан, илмий ахборотнинг ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан тез ўсишига ёрдам бериши, иккинчи томондан, унинг «эскириш» процессини тезлаштиришга таъсир қилишидан келиб чиқиб, автор, ўқитувчи ўз билимини доим тўлдириб, янгилаб бориши керак деган хулосага келади.

Китобда ўқитувчилар малакасини оширишда мустақил ва коллектив бўлиб ишлашнинг роли таҳлил қилинади, унинг ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари, педагогика билимлари халқ университетлари сингари самарали формалари ҳақида ҳикоя қилинади.

Авторнинг таъкидлашича, мустақил ўқиш ўқитувчилар малакасини мустақил ошириш ишининг энг муҳим методидир. Унинг фикрича, мустақил ишни коллектив иш билан қўшиб олиб бориш: суҳбатлашиш, коллоквиумлар, педагогик кенгашлар, ишлаб чиқариш кенгашларида ҳисобот бериш, мактаб методик бирлашмалари, секциялари ташкил этиш яхши натижа берди.

К. З. Зарипов Бухоро, Самарқанд ва Тошкент ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари ишини таҳлил қилиб, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва улар малакасини оширишни ташкил этиш масалаларини чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этиш ҳамда бу масалаларни педагогик адабиётда акс эттириш зарур деган хулосага келади. Автор тўла асосли равишда ўқитувчилар малакасини ошириш институтларининг ишини янада яхшилаш тўғрисида ёзади.

К. З. Зарипов республикамизда кенг ёйилган педагогик билимлар халқ университетларининг катта аҳамиятини таъкидлаб, Бухоро давлат педагогика институти қошидаги университет ишини батафсил таҳлил қилади. Бу университетда тўққиз факультет бор. Университет ўз ишини мактаблар, халқ маорифи бўлимлари билан яқин алоқада амалга оширади.

Ҳозирги замон фан-техника университети совет кишиларининг меҳнат ва турмуш шароитини анча яхшилаб, бўш вақтнинг кўпайишига ёрдам беради, бу эса ўз навбатида маънавий ўсишга, профессионал маҳоратни такомиллаштиришга кўпроқ эътибор бериш имкониятини туғдиради. Автор шуни тўғри таъкидлайдики, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш — бўш вақтни кўпайтиришнинг асосий манбаидир.

Автор ўқитувчи кадрларни тайёрлашни яхшилашнинг айрим жиҳатларига тўхтаб ўтади, ўқувчиларни тарбиялаш ва касб танлашга ўргатишга комплекс ёндашиш масалаларини кўтариб чиқади. Китобнинг шубҳасиз фазилатларидан бири шундаки, унда кенг социологик тадқиқотлар асосида таълим ва ўқитувчилар малакасини оширишнинг қатор муҳим проблемалари ўртага ташланади.

Г. КУЗНЕЦОВА,
педагогика фанлари кандидати.
А. ИСАЕВ,
философия фанлари кандидати.
К. ОБИДОВ.
Бухоро педагогика институтининг
катта ўқитувчиси.

КПСС тарихини ва партия қурилиши проблемаларини ишлаб чиқишни координациялаш Республика совети тасдиқлаган кандидатлик диссертациялари темалари

АБДУРАҲМОНОВ Р. Р. (Тошкент). КПССнинг ривожланган социализм шароитида СССР халқлари дўстлиги ва ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолияти (Ўзбекистон ССР материаллари асосида, 1966 — 1970 йиллар).

АЛИЕВ У. (Тошкент). Ўзбекистон партия ташкилотининг Улуғ Ватан уруши йилларида (1941—1945 йиллар) халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолияти.

БАҲРОМОВ И. (Бухоро). Ўзбекистон Компартиясининг ривожланган социализм шароитида республикада нефть ва газ саноатини ривожлантириш соҳасидаги фаолияти.

ИБРОҲИМОВ А. (Тошкент). Ўзбекистон Компартиясининг ривожланган социализм шароитида студент ёшларнинг ижтимоий-сиёсий активлигини ривожлантириш соҳасидаги фаолияти (1966—1975 йиллар).

КАРИКОСЬЯНС С. (Чирчиқ). Ўзбекистондаги бошланғич партия ташкилотларининг ривожланган социализм шароитида саноат корхоналари коллективларида ғоявий-тарбиявий ишни кучайтириш соҳасидаги фаолияти (1976—1980 йиллар).

МУРАЕВ К. Ю. (Тошкент). Ўзбекистон Компартиясининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фан ва техника ютуқларини, илғор тажрибани жорий этиш соҳасидаги фаолияти.

ОЧИЛОВ Ш. (Самарқанд). Ўзбекистон Компартиясининг ривожланган социализм шароитида студент-ёшларга меҳнат тарбияси бериш соҳасидаги фаолияти (1971—1980 йиллар).

РАҲМОНОВ Т. (Бухоро). Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ривожланган социализм шароитида халқ фаровонлигини ошириш соҳасидаги фаолияти (1966—1975 йиллар).

РОДАК В. П. (Тошкент). Ўзбекистон Компартиясининг урушдан кейинги беш йилликлар даврида республикада соғлиқни сақлашни ривожлантириш соҳасидаги фаолияти (1946—1955 йиллар).

САИДОВА М. М. (Тошкент). Ўрта Осиё республикалари партия ташкилотларининг ишчилар синфини шакллантириш соҳасидаги фаолияти (1926—1932 йиллар).

ТОЖИЕВ З. Н. (Тошкент). Ўзбекистондаги саноат ишлаб чиқариш коллективлари бошланғич партия ташкилотларининг меҳнаткашларни интернационал тарбиялаш соҳасидаги фаолияти (КПСС XXV ва XXVI съездлари оралиғидаги даврда).

ТАРАСОВ В. В. (Тошкент). Улуғ Ватан уруши йилларида (1941—1945 йиллар) Ўзбекистон партия ташкилотлари жанговарлик қобилиятининг ошиши.

ТУРСУНОВ И. Ю. (Тошкент). Ўзбекистон Коммунистик партиясининг республикада олий таълимни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш соҳасидаги фаолияти (1976—1980 йиллар).

ЎЛМАСОВ С. (Тошкент). Ўзбекистон Компартиясининг ривожланган социализм шароитида қишлоқ ёшларини коммунистик тарбиялаш соҳасидаги фаолияти (1966—1970 йиллар).

ШОХАЛИЛОВ Ш. (Тошкент). Ленин музейи — партия ташкилотлари ғоявий-тарбиявий ишининг самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаси (В. И. Ленин Марказий музейи филиалларининг иш тажрибасидан).

Редакция адреси: 700000, Тошкент, П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01, 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02, 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03, 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63; 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш ва халқаро ҳаёт — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **Н. Ҳидоятов, Н. Шарипова.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 15.05.1980 й. Босишга рухсат этилди 3.06.1980 й.
Формати 70×108 1/16. Юқори босма усули. Шартли босма листи 8,4.
Нашриёт ҳисоб листи 8,65. Тиражи 30809. Нашр № А-54. Заказ № 3331.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26.

ISSN 0134—2193

Баҳоси 20 тийин

Индекс 75399

На узбекском языке
ежемесячный теоретический и политический
журнал ЦК КП Узбекистана» —
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА» —
«УЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Ордена Трудового Красного Знамени
типография Издательства ЦК Компартии Узбекистана

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

310

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

8

АВГУСТ

1980

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 8
АВГУСТ
1980 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

Шуни таъкидлаш лозимки, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили планини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун, ишга тушириладиган объектларни ўз вақтида топшириш, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили — 1981 йилда халқ хўжалигининг барқарор ишлашини таъминлаш учун бутун куч-ғайратни ишга солиш керак. Ўз-ўзидан равшанки, бу ўринда съезд шарафига социалистик мусобақа ўз ролини ўйнаши лозим.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг 1980 йилдаги июнь Пленумида қилган докладидан.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1980 йил 7 июль куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XVII пленуми бўлиб ўтди.

Пленум Ўзбекистон Компартиясининг навбатдаги XX съездини чақириш тўғрисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов докладини тинглади.

Музокараларда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Н. Сивец, Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министри Н. Р. Ражабов, Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози бўлимининг бошқарувчиси М. Шарофиддинова, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри А. А. Уркинбоев ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими ўртоқ И. Е. Пономарев қатнашди.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVII ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ XX СЪЕЗДИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

I. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг навбатдаги XX съезди 1981 йил 3 февралда чақирилсин.

II. Съезднинг қуйидаги кун тартиби тасдиқлансин:

1. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисоботи.

Докладчи — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов.

2. Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг ҳисоботи.

Докладчи — Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг раиси ўртоқ Ш. Ёқубов.

3. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини ва ревизия комиссиясини сайлаш.

III. Ўзбекистон Коммунистик партияси XX съездига вакиллик нормаси КПСС нинг 345 аъзосидан бир делегат қилиб белгилансин.

IV. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XX съездига делегатлар партия Уставига мувофиқ область партия конференцияларида ёпиқ (яширин) овоз бериш йўли билан сайланади.

Совет Армияси, ички ва чегара қўшинлари партия ташкилотлари ҳисобида турувчи коммунистлар делегатларни тегишли партия ташкилотлари билан биргаликда область партия конференцияларида сайлайдилар.

1980 йил 7 июлда бўлиб ўтган Ўзбекистон партия активи йиғилишининг қарори

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1980 ЙИЛ ИЮНЬ ПЛЕНУМИНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ПЛЕНУМ ҚАРОРЛАРИНИ, КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВнинг ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАРИНИ БАЖАРИШ ҲАМДА КПССнинг XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Партия активининг йиғилиши «КПСС Марказий Комитети 1980 йил июнь Пленумининг якунлари ва республика партия ташкилотининг Пленум қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларини бажариш ҳамда КПССнинг XXVI съездини муносиб кутиб олиш соҳасидаги вазифалари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, ўртоқ Л. И. Брежнев ёрқин докладининг, партия навбатдаги съездини чақириш тўғрисида Пленум қабул қилган қарорнинг юксак сафарбар этувчилик кучини уқтириб ўтади.

Актив йиғилиши партия XXIV—XXV съездларининг ҳаёт синовидан ўтган сиёсий йўлини, КПСС Марказий Комитети ва Марказий Комитет Сиёсий бюросининг шу йўлни амалга ошириш соҳасидаги самарали фаолиятини зўр мамнуният билан маъқуллайди. Йиғилиш Коммунистик партиянинг ташқи сиёсатини юксак баҳолайди ҳамда Сиёсий бюро ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бу йўлни изчиллик, принципиаллик билан дадил ўтказаётганини таъкидлайди.

Ленинчи ташқи сиёсатнинг таъсирчанлиги коммунистик қурилиш учун тинч шароитларни яратиб беришда, халқаро вазиятни соғломлаштириш соҳасидаги АҚШ бошчилигидаги империалистик доираларнинг ва хитойлик гегемончиларнинг қўпорувчилик фаолиятини заифлаштириш соҳасидаги курашда, социалистик давлатларнинг қардошларча иттифоқини мустаҳкамлашда, халқларнинг озодлик ва мустақиллик йўлидаги одилона курашини қўллаб-қувватлашда ижобий тарзда намоён бўлмоқда. Совет — Ғарбий Германия музокаралари совет ташқи сиёсатининг сиёсий реаллигини яна бир бор яққол намойиш этди, унинг қатъиятини ва жаҳон проблемаларини ҳал этишга ўтказаётган таъсир кучини кўрсатди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съезди партия ва мамлакат ҳаётидаги буюк тарихий воқеа бўлиб қолади, коммунистик қурилишнинг янги босқичдаги кураш стратегияси ва тактикасини белгилаб беради, деган ишончига тўла-тўкис қўшилиб, актив йиғилиши КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда айтган вазифалар ва йўл-йўриқларни республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан астойдил маъқуллайди, уларни мутта-

сил ижро этиладиган дастуриламал деб, партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, коммунистлар, республика барча меҳнаткашларининг партия съездига тайёргарлик соҳасидаги фаолиятининг батафсил программаси деб қабул қилади.

Область, шаҳар, район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари йиғилишлар ва конференцияларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказишда, ўртоқ Л. И. Брежнев тавсия қилганидек, партиявий ишнинг ҳамма соҳаларига — сиёсий, ташкилий, идеология ишига лозим даражада эътибор беришлари, партия XXV съезди қарорларини бажариш соҳасидаги ишни холисона, чуқур ва ўз-ўзини танқид асосида таҳлил этишлари керак. Партия ва хўжалик ишида яхши самара бериб келаётган ҳамма янгиликларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва оммалаштириш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни кескин очиб ташлаш, уларни тез ва аниқ бартараф қилиш зарур.

Область, шаҳар, район партия комитетлари бошланғич партия ташкилотининг ташкилотчилик ва сиёсий иши савиясини ошириш, уларнинг жанговарлигини кучайтириш, партия кучларини оқилона жойлаштириш тўғрисида имкони борича кўпроқ ғамхўрлик қилишлари, ишлаб чиқариш ва жамоат турмушининг ҳамма соҳаларида, барча меҳнат коллективларида партия таъсири янада чуқурроқ ва самаралироқ бўлиб қолишига эришишлари керак.

Актив йиғилиши ҳисоблайдики, коммунистлар ва партиясизларнинг сиёсий активлиги ҳамда меҳнат ғайратини янада баланд кўтариш, ўнинчи беш йилликнинг тугалловчи йили планлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун шу активликдан тўла-тўкис фойдаланиш — съездолди даврида партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг бош вазифасидир. Уларнинг бурчи КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ ватанпарварлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва бу ҳаракатга бошчилик қилишдан, ҳар бир меҳнат коллективи, ҳар бир коммунист съездга тайёргарлик кўриш даврида республика халқ хўжалигининг барча тармоқларида резерв ва имкониятларни қидириб топиб, улардан фойдаланишга, уларнинг олдида турган вазифаларни ҳал этишга конкрет ҳисса қўшишдан иборат.

Партия ташкилотлари, министрликлар ва идоралар қабул этиладиган қарорларни, давлат планлари ва социалистик мажбуриятларни бажариш учун раҳбарларнинг юксак масъулиятига сабот ва собитқадамлик билан эришсинлар, 1980 йилда саноатнинг ялпи маҳсулоти ҳажмини камида 10 процент оширишга эришсинлар. Йил охирига бориб республикада план топшириқларини бажармаган биронта корхона коллективи, биронта тармоқ қолмаслигига эришилсин. Бутун диққат-эътибор ишлаб чиқаришнинг юксак самарадорлигини белгилайдиган бош масалаларга, яъни аввало фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлашга, ҳар бир иш жойида ишнинг сифати учун қаттиқ ва кундалик контроль ўрнатилишига, меҳнат унумдорлигини оширишга, ёқилғи, электр энергия, бошқа моддий ресурсларни тежашга қаратилиши зарур.

Актив йиғилиши ҳисоблайдики, область, шаҳар, район партия комитетлари, министрликлар ва идоралар, қурилиш ва монтаж ташкилотлари 1980 йил планида кўзда тутилган янги ишлаб чиқариш қувватларининг ҳамда уй-жой ва маданий-маиший объектларнинг ҳаммаси ўз вақтида ишга туширилишини таъминлашлари керак. Ишлаб турган қувватлардан фойдаланишни яхшилашга ва янги ишга туширилаётган қувватларни ўзлаштириш муддатларини қисқартиришга алоҳида эътибор бериш керак.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари меҳнат коллективларининг диққат-эътиборини транспорт ва алоқа корхоналарини техника билан қайта қуроллантириш суръатларини жадаллаштиришга, транспорт барча турлари ва алоқа воситаларининг самарадорлигини оширишга, эксплуатацион ишнинг юксак савиясини таъминлашга қаратишлари, транспорт воситаларининг юк ортиш, тушириш операциялари вақтида туриб қолишини қисқартиришга эришишлари, ҳаракат составидан фойдаланиш самарадорлигини доимо оширишлари лозим. Беш йилликнинг савдо-сотиқ, умумий овқатланиш, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш соҳасидаги топшириқлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш зарур.

Қишлоқ хўжалигидаги жамики сиёсий ва ташкилотчилик иши деҳқончилик ва чорвачиликни янада интенсивлашга, шу асосда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари муттасил кўпайишини, меҳнат унумдорлиги ошишини, моддий-техникавий ресурслардан ва меҳнат ресурсларидан юксак тежамли ва самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилиши керак.

Партия активининг йиғилиши партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, барча қишлоқ меҳнаткашлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия ва давлат ходимларига мукофотлар топшириш вақтида ўз меҳнатларига берилган юксак баҳога жавобан, деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш соҳасидаги 1980 йил ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажарадилар, деб ҳисоблайди.

Барча ички резервлар ва имкониятларни ҳосилга хизмат қилишга жалб этиш, пахта, маккажўхори, шоли, сабзавотполиз экинлари ва картошка, мева ва узумдан эрта ва мўл ҳосил олишга, шу тариқа бу маҳсулотларни етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан бу йилги ҳамда умуман беш йилликдаги топшириқларни сўзсиз бажаришга эришиш зарур.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкент области чорвадорларига йўллаган мактубида баён қилинган йўл-йўриқларга асосланиб, партия комитетлари чорвачиликка раҳбарликни яхшилашлари, чорвадорлар ўртасидаги ташкилотчилик иши савиясини оширишлари керак. Гўшт, сут, тухум ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш юзасидан белгиланган тадбирларни бажариш учун ҳамма резервларни ишга солиш лозим.

Партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладини кенг миқёсда пропаганда қилишни авж олдиришлари зарур. Совет халқининг коммунистик қурилиш ҳамма соҳаларидаги муваффақиятлари яққол ва ишонарли тарзда кўрсатиб берилсин. КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кучайтириш идеология воситалари билан таъминлансин. Илғор тажрибани пропаганда қилиш такомиллаштирилсин, иш самарадорлиги ва сифатини оширишнинг янгидан-янги резервлари янада сабот билан қидириб топилсин.

КПССнинг ленинча ташқи сиёсат йўлини, мамлакат хавфсизлиги ва мудофаасини кучайтириш тадбирларини тушунтириб беришга алоҳида эътибор қаратилсин, тинчлик душманлари, империализмнинг мафкуравий қўпорувчилик ҳаракатлари фош этилсин. Ўнинчи беш йиллик вазифаларининг муваффақиятли бажарилиши социалистик Ватанимизнинг, бутун социалистик ҳамдўстликнинг қудратини мустаҳкамлашни барча меҳнаткашлар тушуниб олсинлар.

Актив йиғилиши ҳисоблайдики, партия, совет ва хўжалик органлари, барча раҳбар ходимлар ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларини бажара бориб, партиянинг принципиал йўл-йўриқлари асосида иш услуби ва методларини доимо такомиллаштиришлари, топшириқлар ва қа-

бул этилган қарорларнинг бажарилиши устидан контролликни кучайтиришлари, хўжасизлик, белгиланган план ва нормаларни бузиш ҳолларига нисбатан оператив ва қатъий чора кўришлари керак. Ҳозир ҳар бир коммунистдан КПСС XXVI съездига муносиб даражада ишлаш талаб қилинади. Ҳар бир ходимнинг топширилган иш учун шахсий масъулиятини юксалтириш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш практикасини яхшилаш, серғайрат, ижодий фикрловчи, ташаббускор кишиларни дадилроқ кўтариш, уларнинг ўсиши учун шароит яратиш зарур.

Республика партия ташкилоти активининг йиғилиши Ўзбекистондаги барча коммунистлар ва меҳнаткашлар номидан содиқ ленинчи, замонамизнинг атоқли партия ва давлат арбоби ўртоқ Л. И. Брежневга коммунистик қурилиш ва ташқи сиёсат фаолиятига раҳбарлик қилиш соҳасидаги баҳодирона меҳнати учун, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги тинимсиз ғамхўрлиги учун чуқур ҳурмат ва ташаккур изҳор этади.

Актив йиғилиши республиканинг коммунистлари, барча меҳнаткашлари жонажон Коммунистик партия теварагида янада маҳкамроқ жипслашадилар, навбатдаги XXVI съездни меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб оладилар, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажарадилар, деб КПСС ленинчи Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюросини, шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтиради.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўрток Леонид Ильич БРЕЖНЕВга

Биз, Ўзбекистон партия активининг КПСС Марказий Комитети 1980 йил июнь Пленуми якунлари ва республика партия ташкилотининг Пленум қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларини бажариш ҳамда КПССнинг XXVI съездини муносиб кутиб олиш соҳасидаги вазифаларига бағишланган йиғилиши қатнашчилари республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетига, азиз Леонид Ильич, шахсан Сизга оташин салом йўллаймиз ҳамда буюк кўп миллатли социалистик Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш тўғрисидаги доимий ғамхўрлик учун астойдил миннатдорчилик ва чуқур ташаккур сўзларини изҳор этамиз.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми партиямиз ва совет халқи ҳаётидаги буюк воқеа бўлди. У съездолди даврида партия ташкилотлари олдида турган вазифаларни белгилаб берди, ташқи сиёсат йўлини ўтказишдаги қатъият, комил ишонч ва изчилликни яна бир бор яққол ва ишонарли тарзда намойиш этди, халқаро аҳволнинг ҳамма энг муҳим масалаларига большевикларча принципиаллик билан жавоб берди. Биз Пленумнинг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси навбатдаги XXVI съездини чақириш тўғрисидаги қарорини сидқидилдан қизғин кутиб олдик.

Азиз Леонид Ильич, Сизнинг Пленумдаги ғоят ёрқин, чуқур мазмунли докладингиз КПСС XXVI съездига тайёргарлик соҳасида партия билан совет халқининг жанговар, илмий асосланган программаси, коммунистик қурилишдаги янги муваффақиятлар учун кураш программасидир. Совет кишилари бу докладни ўзларининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини жўш урдириш, партиянинг улуғвор режаларини амалга оширишда ижодий ташаббус кўрсатиш учун битмас-туганмас чашма деб биладилар.

Барча совет кишилари каби Ўзбекистон ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлилари ҳам Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг ички ва тинчликсевар ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитетининг, замонамизнинг атоқли давлат ва сиёсий арбоби, улуғ Ленин ишининг муносиб давомчиси, кишиларнинг тинчлиги ва бахт-саодати учун, коммунизм учун толмас курашчи ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг кўп қиррали фаолиятини қизғин ва тўла-тўкис маъқуллайдилар ҳамда якдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар. Улар КПСС Марказий Комитети теварагида янада маҳкамроқ жипслашмоқдалар, ўзларининг бутун куч-

лари, ўз меҳнатлари, ғайратларини қувонч билан коммунизмнинг порлоқ идеаллари тантанасига бағишламоқдалар.

Совет халқи партиянинг доно раҳбарлигида янги жамият бунёд этишда буюк ғалабаларга эришди. Ҳар бир совет кишиси КПСС XXIV ва XXV съездларининг қарорлари амалга оширилиши натижасида Совет мамлакатининг иқтисодий потенциали ва мудофаа қудрати беқиёс ўсганини, давлатимизнинг социал-сиёсий ва ғоявий бирлиги янада мустаҳкамроқ бўлиб қолганлигини англаб, ҳаққоний ифтихор ва қувонч туйғуларига тўлиб-тошмоқда.

Республикамиз меҳнаткашлари фидокорона меҳнат қилиб, партия XXV съезди белгилаб берган социал-иқтисодий ривожланиш режаларини муваффақиятли бажараётганлигини қувонч билан маълум қиламиз. Ўнинчи беш йиллик мобайнида саноат ишлаб чиқаришининг анча ўсиши таъминланди. Корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш, маҳсулот сифатини яхшилаш соҳасида катта ишлар қилинди. Капитал қурилиш ҳажми сезиларли даражада ўсди. Тобора кўпроқ йирик халқ хўжалиги объектлари ишга туширилмоқда.

Республика деҳқонлари зарбдор меҳнат қилмоқдалар. Ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили мобайнида пахта, дон, сабзавот-полиз маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш юзасидан белгиланган планлар ва олинган социалистик мажбуриятлар анча ошириб бажарилди. Дон, мева, сабзавот ва пилла тайёрлаш беш йиллик топшириқлари бажарилиб бўлди.

Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада ошириш, уларнинг маънавий ҳаётини ўстириш, одамларнинг турмушини яхшилаш ва сиҳат-саломатлигини муҳофаза этиш соҳасида кўпгина ишлар қилинди.

Коммунистик партиянинг доно ленинча миллий сиёсати, СССР халқларининг бузилмас дўстлиги ва қардошлиги туфайли республика социал ва иқтисодий ривожланишда мана шундай катта муваффақиятларга эриша олди.

Леонид Ильич, республика партия активининг йиғилиши Сизнинг ишимиздаги жамики яхши тажрибаларни эҳтиёт қилиб асраш ва шу билан бирга камчилик ва нуқсонларга танқидий назар билан қараш, КПСС XXV съезди қарорларини бажариш соҳасидаги ишни атрофлича таҳлил қилиш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмаларингизни муттасил ижро этиладиган дастуриламал деб якдиллик билан қабул қилди.

Ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистон меҳнаткашлари партия XXVI съездига тайёргарлик ишларини бошлаб юбордилар. Республикада съезд олди социалистик мусобақаси тобора кенг қулоч ёймоқда. Ўзбекистоннинг бутун меҳнат аҳли съездолди фахрий вахтасида туриб ишламоқда. Республика меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили планини тўла ва ошириб бажаришни, ишга тушириладиган объектларни ўз вақтида қуриб битказишни, 1981 йилда Ўзбекистон халқ хўжалигининг барқарор ишлашини таъминлашни ўзларининг бош вазифалари деб билмоқдалар.

КПСС XXVI съезди шарафига 1700 тадан кўпроқ корхона, қурилиш, колхоз, совхоз, 8700 тадан ортиқ участка, цех, бригада ва ферма, 300 мингга яқин ишлаб чиқариш илғори оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилди. Москва корхоналари коллективларининг 1980 йил планини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигигача бажариш соҳасидаги ватанпарварлик ташаббуси кенг оммалашмоқда. Республикадаги 382 та корхона ҳозирнинг ўзидаёқ шу ташаббусга қўшилди.

Совхозларнинг ишчилари, колхозчилар, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари ҳозир дала ва фермаларда зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар, қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилмоқда-

лар. Улар ўзларининг партияга, севикли Совет Ватанига қизғин меҳр-муҳаббатларини зарбдор меҳнатда намоён этиб, бу йилни пахта, дон, сабзавот, полиз экинлари, узум, мевадан рекорд ва эрта ҳосил етиштириш билан нишонлашга, гўшт, сут, тухум ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтиришга доир ҳамма тадбирларни муваффақиятли амалга оширишга интилмоқдалар.

Республика партия активи йиғилиши КПСС ленинчи Марказий Комитетини, азиз Леонид Ильич, шахсан Сизни Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари, 1980 йил топшириқларини ва умуман беш йилликни шараф билан бажарадилар, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездини янги зафарлар ва меҳнат ғалабалари билан муносиб равишда кутиб оладилар, деб ишонтиради.

Яшасин коммунизм учун курашда совет халқининг раҳбар ва илҳомлантирувчи кучи — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Яшасин жонажон ленинчи партиямизнинг жанговар штаби — КПСС Марказий Комитети!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТНК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети КПСС МКнинг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида Самарқанд область партия комитетининг оммавий ахборот ва пропаганда воситаларига раҳбарлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Қабул қилинган қарорда Самарқанд область, шаҳар ва район партия комитетлари партия XXV съездининг қарорларини, КПСС МКнинг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини бажара бориб, оммавий ахборот ва пропаганда воситалари ишига эътиборни кучайтирганликлари, уларнинг область экономикаси, фан ва маданиятини ривожлантиришга таъсирини кенгайтиришга, меҳнаткашларни коммунистик тарбиялашни яхшилашга эришаётганликлари таъкидланади.

Партия комитетлари КПСС XXV съезди қарорларини, КПСС МК Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида, унинг КПСС МК ноябрь (1979 йил) Пленумида ҳамда унга Ленин мукофоти топширилиши вақтида сўзлаган нутқларида баён қилинган қоидалар ва хулосаларни пропаганда қилиш ва бажаришни ташкил этишда матбуотнинг ролини қатъият билан ошириб бормоқдалар. Областнинг оммавий ахборот воситалари илғор тажрибани актив пропаганда қилмоқдалар, меҳнаткашларни ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун курашга сафарбар этмоқдалар.

Областда матбуотга партиявий раҳбарликнинг мунтазам системаси таркиб топган бўлиб, бунга матбуотнинг юксак ғоявий савиясини ҳамда унинг халқ хўжалигини ривожлантиришга фаол таъсир кўрсатишини таъминлаш, Совет давлати ички ва ташқи сиёсатининг актуал масалаларига журналистлар диққат-эътиборини тортиш асос қилиб олинган. Бунинг учун партия комитетлари мажлисларида газета ва радиоэшиттириш редакциялари ҳисоботларини муҳокама қилиш, уларнинг перспектив планларини тасдиқлаш, матбуот конференциялари ўтказиш каби формалардан фойдаланилмоқда. Кўпгина партия комитетлари матбуотнинг чиқишларини фаол қўллаб-қувватламоқдалар, унинг таъсирчанлигини оширишга кўмаклашмоқдалар, кўп тиражли ва деворий матбуот мазмунининг яхшиланишига эришмоқдалар, танқидга юзаки муносабатда бўлаётганларга қаттиқ танбеҳ бермоқдалар. Область ва район партия комитетлари матбуот ва радиоэшиттириш орқали меҳнаткашлар билан доимо алоқа қилиб келмоқдалар, редакцияларга тушаётган хатларнинг кўпчилиги эълон қилинмоқда ва радио орқали эшиттирилмоқда. Партия комитетлари ишчи-деҳқон мухбирлари ҳаракатини ривожлантиришда, журналист кадрларни танлаш ва тарбиялашда, уларнинг меҳнати ва дам олиши учун зарур шарт-шароитлар яратишда редакцияларга ёрдам бермоқдалар.

Шу билан бирга Самарқанд область партия комитетининг КПСС МКнинг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори талаблари асосида оммавий ахборот ва пропаганда воситаларига раҳбарлик қилиш ишида жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Партия комитетлари коммунистик тарбиянинг таъсирчан воситаси, меҳнаткашларни хўжалик ва маданий қурилиш планларини муваффақиятли бажариш учун курашга сафарбар қилишнинг муҳим қуроли сифатида матбуотдан ҳали тўла фойдаланаётганларича йўқ. Газеталарнинг кўпгина чиқишлари ва радиоэшиттиришларда айрим меҳнаткашлар, бутун-бутун коллективларнинг илғор тажрибасини тушунарли тарзда кўрсатиб бериш ва пропаганда қилиш маҳорати етишмайди. Илғор корхоналар ва хўжаликлар мисолида ички резервларни юзага чиқариш ва сафарбар этиш учун, социалистик мусобақа тажрибасини умумлаштириш, меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив формаларини, жумладан бригада пудратининг злобинча методини, чорвачилик, сабзавотчилик, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги энг яхши тажрибани кенг жорий этиш учун матбуотдан суст фойдаланилмоқда.

Матбуот ва радиоэшиттириш ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, меҳнатни илмий ташкил этишни жорий этиш масалаларини етарлича ёритмаётир, у ёки бу фойдали ташаббусларни ниҳоясига етказишда баъзан қатъият кўрсатмаётир, вазифалар белгилаб бериладиган мақолалар, саноат, қурилишдаги илғорларнинг ютуқларига бағишланган шарҳлар кам эълон қилинмоқда. Ҳолбуки, область меҳнат унумдорлигини ўстириш, капитал маблағларни ўзлаштириш планларини бажармай келмоқда. Газеталарда оддий ишчилар ва колхозчилар камдан-кам чиқадилар. Ургут, Хатирчи ва бошқа район газеталарида партия ички турмуши, меҳнаткашлар ўртасидаги идеология иши масалалари тегишлича ёритилмаётир. Айрим радиоэшиттиришларнинг, хусусан ижтимоий-сиёсий темалардаги эшиттиришларнинг савияси паст, уларда конкретлик, равонлик, ишонтириш кучи етишмайди. Район радио редакцияларининг иши кўнгилдагидек эмас.

Баъзи район партия комитетлари ўзларининг матбуот органлари ишига кундалик контролни таъминламаётирлар, уларнинг ҳисоботларини камдан-кам эшитадилар, ғоявий-сиёсий тарбия вазифаларини ҳал этишга комплекс ёндашишни умумлаштириш ва жорий этиш учун матбуотдан етарлича фойдаланмаётирлар, улар танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришда ўз газеталарига етарлича таянмаётирлар, матбуотнинг чиқишларига расмиятчилик билан қараш фактларига ҳамиша ҳам принципиал баҳо бермаётирлар. Полиграфия ва радиоэшиттиришнинг моддий-техника базасини яхшилаш талаб қилинади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Самарқанд область, шаҳар ва район партия комитетларига қайд қилинган камчиликларни бартараф этишни ҳамда КПСС МКнинг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ матбуот фаолиятига раҳбарликни доимо такомиллаштириб боришни, область меҳнаткашларини давлат планлари ва социалистик мажбуриятларни муддатидан аввал бажаришга сафарбар этишда унинг коллектив пропагандист, агитатор ва ташкилотчи сифатидаги ролини оширишни юклади.

Қарор газета ва радиоэшиттириш редакциялари коллективларининг куч-ғайратини партия XXV съезди, КПСС МҚ (1979 йил) Пленуми қарорларининг, КПСС МҚ Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг сиёсий, хўжалик ва маданий қурилиш масалаларига доир кўрсатмаларининг область меҳнаткашлари томонидан муваффақиятли бажарилишини ташкил этишга, бу масалаларни чуқур ва ҳар тарафлама ёритишга қаратишни юклади.

Самарқанд область, шаҳар ва район партия комитетларига, газета, радиоэшиттириш редакцияларига марксизм-ленинизмни, КПССнинг та-

рихий тажрибасини пропаганда қилиш, матбуот чиқишларининг ғоявий мазмуни ва таъсирчанлигини ошириш юклатилди. Областнинг, Ўзбекистон ССРнинг мисолида мамлакатимизнинг коммунистик қурилишдаги ютуқлари, ленинча миллий сиёсатнинг ажойиб самаралари, совет турмуш тарзининг буюк афзалликлари кенг пропаганда қилинсин, меҳнаткашларда умуммиллий ифтихор, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми туйғуси тарбиялансин. Партия, давлат, хўжалик органлари ва жамоат ташкилотлари ишида ленинча ошкоралик принципи амалга оширилсин, принципиал, рўй-рост ва конструктив танқид ва ўз-ўзини танқиднинг ривожлантирилишига бутун чоралар билан кўмаклашсин, танқидий сигналлар, шунингдек илғор тажрибани ёритадиган материаллар юзасидан уни ҳамма ерда жорий этиш мақсадида албатта тадбирлар кўрилсин ва улар оммалаштирилсин. Матбуот фаолиятига ишчи-деҳқон мухбирлари активи кенг жалб этилсин, редакция почтаси диққат-эътибор билан ўрганиб борилсин, хатларни таҳлил этиш ва шарҳлаш учун партия, совет, касаба союз раҳбарлари жалб этилсин. Аҳолининг турмуш маданиятини ошириш, янги урф-одатлар ва анъаналарни ҳаётга жорий этиш масалалари матбуотда ва радио орқали чуқур ёритилсин, жамоат тартибини ҳамда коммунистик ахлоқ нормаларини бузувчилар билан кескин кураш олиб борилсин. Жанрлар хилма-хил бўлсин, услубга, тилга алоҳида эътибор берилсин, матбуот чиқишларининг оперативлиги ва тушунарли бўлиши тўғрисида ғамхўрлик қилинсин.

КПСС МКнинг «КПСС Томск область комитетининг оммавий ахборот ва пропаганда воситаларига раҳбарлиги тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Самарқанд область, шаҳар ва район партия комитетларига матбуотда ва радиоэшиттиришда ишлаётган раҳбарлар, барча коммунистларнинг эълон қилинаётган ҳамда эшиттирилаётган материалларнинг ғоявий-сиёсий савияси учун жавобгарлигини ошириш, редакцияларнинг ҳисоботларини эшитиш, мунтазам равишда обзорлар қилиб туриш, матбуотнинг чиқишларини таҳлил этиш, область ҳаётидаги энг муҳим воқеалар ҳамда навбатдаги сиёсий ва хўжалик вазифалари тўғрисида журналистларни хабардор қилиш учун раҳбар ходимларнинг улар билан учрашувларини ўтказиб туриш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Газеталар ва радиоэшиттиришнинг ижодий ҳаётида редакцион коллегиянинг роли оширилсин, редакциялар бўлимларининг партия комитетлари тармоқ бўлимлари билан алоқалари мустаҳкамлансин. Ташкилий-партиявий ва идеология ишининг, совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялаш бутун ишининг қўйилишига комплекс ёндашишнинг энг яхши тажрибасини ўрганиш ва пропаганда қилиш учун матбуотдан кенг фойдаланилсин. Партия комитетлари журналистларнинг ғоявий-сиёсий ва профессионал савиясини ошириш, уларга зарур маданий-маиший шароитлар яратиш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилишлари лозим.

Ўзбекистон ССР Давлат нашриётлар комитетига, республика Давлат телерадиосига область полиграфия ва радиоэшиттиришининг моддий техника базасини мусҳакамлашда Самарқанд область нашриётлар бошқармаси ва область радио комитетига зарур ёрдам кўрсатиш таклиф этилди.

Область партия комитетларига, Ўзбекистон Журналистлар союзига газета ва журнал редакциялари, телевидение ва радиоэшиттириш ходимларининг семинарлари ва кенгашларини мунтазам ўтказиб туриш, уларнинг ишига халқ хўжалиги мутахассислари, партия ва совет ходимларини, олимлар, республика ва область газеталарининг етакчи журналистларини жалб этиш, ижодий конкурслар ўтказиш юклатилди.

Область газеталари редакциялари ҳузурида район ҳамда кўп тиражли газеталар журналистларининг ишлаб чиқариш практикасини ташкил этишга қарор қилинди.

Республика, область газеталари, журналларда матбуот обзорларини мунтазам босиб чиқариш, газеталарда ва радиоэшиттиришларда партиявий раҳбарлик практикасини чуқур ёритиш, жамоатчилик фикрини матбуотимизга ҳурмат ва ишонч руҳида шакллантириш, матбуот, телевидение ва радиоэшиттириш ишидаги салбий ҳодисаларга қарши принципиал чиқиш тавсия этилди.

Область, шаҳар ва район партия комитетларига Алоқа министрлиги органларига область, шаҳар ва район газеталарининг тиражларини топшириш муддатларини қисқартириш учун зарур тадбирлар кўриш, матбуотни транспорт билан ташиш, алоқа корхоналарининг аҳолига газета ва журналларни етказиб бериш иши устидан контролни кучайтириш, бу ташкилотларга зарур ёрдам кўрсатиш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Алоқа, Автомобиль транспорти министрликларига, Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасига, Ўрта Осиё темир йўли бошқармасига хусусан қишлоқ жойларда маҳаллий матбуотни аҳолига ўз вақтида етказиб бериш юзасидан алоқа корхоналари ва транспорт ташкилотлари ишини янада яхшилаш тадбирларини белгилаб чиқиш ва амалга ошириш юклатилди.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ АРАФАСИДА

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ КПСС XXV съезди қарорларини турмушга муваффақиятли ошириш учун кураши солномаси шонли меҳнат зафарларига бойдир. Унинчи беш йилликнинг бутун улкан фронтида омма ижодий активлигининг чашмалари қайнаб турибди, социалистик мусобақа янгидан-янги ватанпарварлик ишларини ва янгидан-янги қаҳрамонларни яратмоқда. Миллион-миллион кишиларнинг куч-ғайрати коммунизмни бунёд этиш буюк ишини олға силжитмоқда.

Марксизм-ленинизм зиёси билан нурафшон бўлган бу йўлдан совет халқини Коммунистик партия бошлаб бормоқда. Ҳаёт КПСС сиёсати жамиятимиз ривожининг объектив эҳтиёжларига мос эканлигини янги-янги далиллар билан исботламоқда. Биз нимагаки эришган бўлсак, нима билан қонуний ифтихор этсак, Ватанимизни нималар қудратли ва енгилмас қилган бўлса,— буларнинг бари партия режалари билан, унинг раҳбарлиги остида рўёбга чиқди.

СССРнинг ишчилар синфи, деҳқонлари, зиёлилари халқ манфаатларининг коммунистлар партияси сингари энг яхши ифодачиси ва ҳимоячиси йўқ ва бўлиши мумкин эмаслигини биладилар. Меҳнатда ва жанг оташларида, муваффақият қозонилган йиллар ва қийинчиликлар даврларида партиямиз ҳамиша омма билан бирга бўлиб келди. КПСС ўзининг халққа чексиз садоқати билан унинг меҳр-муҳаббатини, миннатдорчилигини, ишончини қозонди, чексиз обрў-эътиборга сазовор бўлди. Партиямизнинг мустаҳкам ғоявий ва ташкилий жипслиги, унинг марксизм-ленинизмга садоқати, кўп қиррали фаолияти совет кишиларини руҳлантирмоқда, коммунизм қурилиши соҳасидаги бутун ишга собитқадамлик, илмий асосланган ва планли характер бахш этмоқда.

Коммунистлар, совет халқи КПСС Марказий Комитетининг шу йил июнь ойида бўлиб ўтган Пленуми қарорларини қизғин, сидқидилдан қарши олдилар. Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўрток Л. И. Брежнев мазмуни ва аҳамияти жиҳатидан ғоятда муҳим доклад қилди, у ҳозирги ички ва халқаро вазиятни ҳар тарафлама таҳлил этди, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи босқичида партия ва мамлакат олдида турган асосий вазифаларни кўрсатиб берди. Пленум Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXVI съездини 1981 йил 23 февралда чақиришга қарор қилди.

КПСС МКнинг июнь Пленуми КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри ўрток А. А. Громиконинг доклади юзасидан «Халқаро аҳвол ва Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда партиянинг халқаро фаолияти таҳлил этиб берилди, қарорда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган конкрет конструктив тадбирлар мавжуддир.

Партиямиз тинчликни асраш ва мустаҳкамлаш, кескинликнинг юмшаганлигини сақлаб қолиш, қуролсизланиш соҳасида бурилишга эришиш, халқларнинг эркин ва мустақил ривожланиш ҳуқуқини қўллаб-қувватлаш учун бундан буён ҳам куч-ғайратини аямайди. «Тинчлик инсониятнинг бебаҳо бойлигидир,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумдаги докладида.— Халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик байроғини В. И. Ленин кўтарган эди. Биз шу байроққа содиқ бўлиб қоламиз». Пленум КПСС МК Сиёсий бюросининг, тинчлик ва халқлар бахт-саодати учун буюк курашчи ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXIV ва XXV съездлари ленинча ташқи сиёсат йўлини амалга ошириш соҳасидаги фаолиятини бутунлай ва тўла маъқуллади.

Июнь Пленумининг КПСС XXVI съездини чақириш тўғрисидаги қарорини барча совет кишилари баланд руҳ билан кутиб олдилар. Улар митинг ва йиғилишларда, кўп сонли фикр билдиришларда Ленин партияси ва Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXV съездининг йўл-йўриқларини турмушга ошириш соҳасидаги фаолиятини якдиллик билан маъқулламоқдалар. Коммунистлар, барча совет кишилари КПССнинг навбатдаги XXVI съездини меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олишга азму қарор қилганликларини ифодаламоқдалар.

Бу қонуний бир ҳолдир. Ленин партиясининг ҳар бир съезди—унинг революцион-ўзгартирувчилик фаолиятида, совет жамияти ҳаётида улкан воқеа, ёрқин коммунистик келажак сари йўлимиздаги тарихий маррадир. Коммунистларнинг съездлари партиянинг олий органи бўлиб, унинг коллектив иродасини ифодалаб, бутун ўзига хос жиҳатлари билан бирга муштарак белгиларга ҳам эгадир. Буларнинг ҳар қайсиси ижтимоий ривожланиш якунларини сарҳисоб қилиб ва истиқболни белгилаб улкан ишни бажаради. Унинг натижалари қарорларда жамланади, уларда назария билан практика, танқид билан ўз-ўзини танқид, вазифалар ва уларни бажариш йўллари мужассамланган бўлади. Бундай ишнинг аҳамияти съезддан съездга ортиб бораверади, чунки коммунистик қурилиш тажрибаси тобора бойиб, кўп қиррали тус олади, унинг коммунизм сари йўлда жамият ривожига илмий раҳбарлик базаси сифатидаги роли тобора ошиб боради. Коммунистлар ҳам, партиясизлар ҳам, барча совет кишилари съездларга тайёргарлик кўрадилар, уларнинг курашнинг таъсирчан программасига айланиб қоладиган қарорларини ўзларининг жонажон, яқин ишлари деб қабул қиладилар.

XXVI съезд партия билан халқнинг КПСС XXV съездидан кейин ўтган даврдаги ишига якун ясайди, ўн биринчи беш йилликнинг навбатдаги вазифаларини белгилаб беради. «Ҳар бир съезд,— деди Пленумда ўртоқ Л. И. Брежнев,— партиямиз ва мамлакатимиз олдида янги уфқлар очиб берди. Коммунистик қурилишнинг келгуси босқичидаги кураш стратегияси ва тактикасини белгилаб бериши лозим бўлган бўлажак съезд ҳам худди шундай бўлишига аминман».

Бутун мамлакатда шаҳар, область ва республикалар партия активи йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларнинг қатнашчилари КПСС МК июнь Пленуми қарорларини, Марказий Комитет ва унинг ўртоқ Л. И. Брежнев бошлиқ Сиёсий бюросининг мамлакат ичидаги ва халқаро майдондаги ҳаёт синовидан ўтган ленинча йўлни амалга ошириш соҳасидаги кўп қиррали, собитқадам, самарали фаолиятини қизғин маъқулладилар.

Шу йил 7 июлда республикамизда ҳам партия активи йиғилиши бўлиб ўтди. Бунда КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов «КПСС Марказий Комитети 1980 йил июнь Пленумининг якунлари ва республика партия ташкилотининг Пленум қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И.

Брежневнинг йўл-йўриқларини бажариш ҳамда КПССнинг XXVI съездини муносиб кутиб олиш соҳасидаги вазифалари тўғрисида» доклад қилди. Доклад юзасидан қарор қабул қилинди. Ўша куниёқ Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди, пленум республика Компартиясининг навбатдаги XX съездини 1981 йил 3 февралда чақиришга қарор қилди (пленумнинг ҳамда Ўзбекистон партия активи йиғилишининг қарорлари журналнинг ушбу сонида эълон қилинмоқда).

КПСС XXVI съездига тайёргарлик, шубҳасиз, партия билан халқнинг мустаҳкам бирлигини яна бир карра намойиш қилади, омманинг сиёсий ва меҳнат соҳасидаги активлигини юксалтиришнинг қудратли омили, партия белгилаган режаларни турмушга ошириш учун курашда янада куч-ғайрат кўрсатишнинг илҳомбахш стимули бўлади. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС МКнинг июнь Пленумида қилган докладида бундай деди: «Шуни таъкидлаш лозимки, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили планини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун, ишга тушириладиган объектларни ўз вақтида топшириш, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили — 1981 йилда халқ хўжалигининг барқарор ишлашини таъминлаш учун бутун куч-ғайратни ишга солиш керак. Ўз-ўзидан равшанки, бу ўринда съезд шарафига социалистик мусобақа ўз ролини ўйнаши лозим».

Шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашлари партиянинг бўлажак съездига тайёргарлик кўрар эканлар, КПСС XXV съездидан кейин қилинган ишларга якун ясайдилар. Бу якунлар қувончлидир.

Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакат экономикасини янада ривожлантириш ҳамда унинг мудофаа қобилиятини кучайтириш, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш, халқнинг турмуш даражасини оширишда олға томон катта қадам ташланди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра бу йил СССРнинг миллий даромади 1975 йилдаги даражадан тахминан 21 процент, саноат ишлаб чиқариши — 25 процент ошиб кетади. Қишлоқ хўжалигига сарфланган йирик капитал маблағлар унинг маҳсулдорлигини анча кўпайтириш, ноқулай иқлим шароитларининг унга кўрсатадиган таъсирини сусайтириш имконини берди. Беш йиллик ичида аҳоли жон бошига ҳисоблаганда реал даромадлар 17 процент кўпаяди. Совет кишилари 500 миллион квадрат метрдан зиёд уй-жой оладилар.

Совет социалистик давлатини, ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг мустаҳкам иттифоқини, жамиятимиз социал-сиёсий ва ғоявий бирлигини янада мустаҳкамлашда жиддий муваффақиятларга эришилди. Ўтган давр Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини, Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини, совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасининг 35 йиллигини байрам қилиш, СССР янги Конституциясини қабул қилиш каби улкан воқеалар билан нишонланди. Булар КПСС мамлакатимизнинг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлилари, барча меҳнаткашларининг чексиз ишончига сазовор эканлигини, унинг ички ва ташқи сиёсати тўла қўллаб-қувватланаётганлигини яна бир карра бутун оммага кўрсатди.

Ўзбекистон совет республикалари қардошлик оиласида иқтисодий ва социал ривожланишда олға томон анча силжиди. Ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг республика партия активи йиғилишидаги докладида буни тасдиқлайдиган ишонарли фактлар келтирилди.

Саноат, хусусан унинг машинасозлик, металлургия, химия сингари етакчи тармоқлари юксак суръатлар билан ўсмоқда. Индустрия ходимлари ярим йиллик планни муддатидан аввал бажардилар. Беш йиллик бошидан эътиборан саноат ишлаб чиқариши 25,6 процент кўпайди. Самарадорлик кўрсаткичларининг яхшиланишига фан-техника тараққиётини жадал ривожлантириш, резервлардан тўлароқ фойдаланиш ҳисо-

бига эришилди. Ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ҳамда маҳсулот сифатини ошириш соҳасида катта иш қилинди. Саноатда 180 мингдан зиёд ишлаб чиқариш илғори, 8 мингдан зиёд бригада, участка, цех, юзларча корхоналар ҳозирданоқ ўзларининг беш йиллик топшириқларини бажариб қўйдилар. Қурилишда барча асосий пудратчи министрликлар ва идоралар 1980 йилнинг олти ойлик топшириғини уддаладилар. Дала ва фермаларнинг меҳнатчилари маҳсулотларнинг кўпгина турларини тайёрлаш юзасидан беш йиллик планни ошириб бажардилар.

Ана шу барча муваффақиятлар, шубҳасиз, кишини қувонтиради. Лекин эришилганлар билан хотиржам бўлиб қолиш совет кишилари учун одат эмас, хусусан, ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС МҚ июнь Пленумида айтганидек, хўжалик юритиш практикасида, қолаверса партиявий ишда ҳам, афсуски, ҳали камчиликлар ва нуқсонлар бор.

Республика партия активи йиғилишида агар ўсишнинг интенсив омилларидан тўлароқ фойдаланилса, «танг жойлардан» қутулинса, саноат ишлаб чиқаришидаги муваффақиятлар анча салмоқлироқ бўлиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилди. Бизда план топшириқларини бажармаётган корхоналар ҳали ҳам бор. Шунинг учун бутун резервлар ва имкониятларни ишга солиш, юклатилган ишнинг ижроси учун жавобгарликни ошириш, республикада қолоқ корхоналар бўлмаслигига эришиш лозим. План — ҳар бир завод, фабрика, қурилиш, тармоқ, министрлик учун қонун эканлигини унутмаслик керак. Уни бажариш — на фақат коммунистнинг, балки ҳар бир ходимнинг ор-номус масаласи. Бу — давлат интизомига риоя қилиш масаласидир. План топшириқларини бажармаслик қонунни бузишдир, бу эса бутун жамиятга зарар етказади.

Халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг хилини кенгайтириш ва сифатини ошириш энг муҳим халқ хўжалиги вазифаларидан бири бўлиб қолаверади. Гарчи бу соҳада олға томон сезиларли силжиш бўлса ҳам, бироқ индустриямиз «Б» группаси ишлаб чиқаришини жадал ривожлантириш йўлини хўжалик органлари етарлича қатъият билан ўтказаётгани йўқ. Бу соҳада ҳали кўп иш қилиш лозим. Бундан ташқари яқин йиллар ичида маҳаллий саноатнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш асосида унинг маҳсулот ишлаб чиқаришини икки баравар кўпайтириш зарур.

Қурилишда ишлар яхшиланганлигига қарамай, ишга тушириладиган бир қанча объектларда аҳвол ҳали ҳам тиғиз бўлиб қолмоқда. Шу боисдан вазифа ҳар бир объектда уюшқоқликни ва интизомни ошириш, қўйилган мақсадларга эришишда қатъият кўрсатишдан иборат. Шуни унутмаслик кераки, капитал қурилиш суръатларини жадаллаштириш ва сифатини ошириш — республика олдида турган барча социал-иқтисодий вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг асосий шартларидан биридир.

Бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам ҳозир съездолди вахтасида турибдилар. В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига социалистик мусобақада орттирилган тажриба — партиянинг навбатдаги съездини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ мусобақасини ривожлантиришнинг плацдармидир. Юзларча корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозлар, мингларча участкалар, цехлар, бригадалар, фермалар, юз минглаб ишлаб чиқариш илғорлари КПСС XXVI съезди шарафига юксак социалистик мажбуриятлар олдилар. Уларда омманинг ватанпарварлик жўшқинлиги, сиёсий онглилиги, ижодий меҳнат завқ-шавқи ёрқин акс этган бўлиб, план топшириқларига қилинган ҳар бир тузатиш бамисоли дадил изланишлар, янги ютуқларга жанговар чақириқдир. Республикамизда Москва корхоналари кол-

лективларининг ўнинчи беш йиллик якунловчи йили планини Улуғ Октябрь 63 йиллигигача бажариш ташаббуси кенг ёйилмоқда.

Бизнинг донгдор пахтакорларимиз жиддий, жуда масъулиятли имтиҳондан ўтадилар. Йиғим-терим палласи яқинлашиб қолди. Пахта — Ўзбекистоннинг асосий миллий бойлигидир. Уни етиштиришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш — бизнинг энг биринчи ватанпарварлик ва интернационал бурчимиз, партиявий ва меҳнат шон-шарафимиз ишидир. Республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари бу йил давлатга 5 миллион 850 минг тонна пахта, шу жумладан 355 минг тонна ингичка толали нав хом ашёси сотишга, 3 миллион 850 минг тонна пахтани машиналарда териб олишга аҳд қилдилар. Республика партия активи йиғилишида ўнинчи беш йилликнинг энг юксак пахта ҳосили учун қатъият ва собитқадамлик билан курашиш, мажбуриятни октябрда бажариш ва ҳосилни йиғиб-териб олишни 7 ноябргача тугаллаш вазифаси қўйилди. Бу Ўзбекистон меҳнатчиларининг партия XXVI съездига асосий совғаси бўлади.

Съездолди юксак мажбуриятларини бажариш республиканинг барча партия ходимларидан, барча меҳнаткашларидан ишда уюшқоқликни, илдамликни, қаттиқ интизомни, ишлаб чиқариш резервларидан тўла фойдалана билишни талаб қилади. Ахир фақат меҳнатгина ижтимоий бойликни кўпайтиради, партия белгилаб берган режаларнинг амалга оширилишини таъминлаши мумкин. Шунчаки меҳнат эмас, балки куч ва ғайрат-шижоат, қобилият ва илҳом тўла ишга солинадиган меҳнатгина буни таъминлайди.

Омма ташаббуси ва ижодий активлигининг парвози—съездолди меҳнат вахтасининг характерли белгисидир. Ана шу вахта давомида кўпдан-кўп ватанпарварлик ташаббуслари туғилади. Характерига, амалга оширилиш методларига кўра хилма-хил бўлган бу ташаббуслар бир мақсадга — ҳар бир коллективда, ҳар бир иш жойида меҳнатда юксак унумдорликни таъминлашга бўйсундирилганки, В. И. Ленин буни коммунизмнинг ғалабаси учун энг муҳим, энг асосий нарса деб билган эди. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг истисносиз барча қатнашчиларининг куч-ғайрати ана шу вазифани ҳал этишга қаратилмоғи лозим.

Лекин ташаббус билан чиқиш — улкан ишнинг бошланишигина холос. Энг муҳими ҳар бир меҳнатчи янгиликнинг моҳиятини англаб олсин, у социалистик экономикани янада тараққий қилдириш учун курашда миллион-миллион кишиларнинг қуролига айлансин. Хўжалик механизмини такомиллаштириш кун тартибига қўйилган ҳозирги пайтда ҳамма участкаларда прогрессив янгиликларни, яхши тажрибани ёйишдан чинакам манфаатдорлик талаб қилинади. Кишилар ўзларининг барча амалий таклифлари ва ташаббуслари ишлаб чиқаришда қўллаб-қувватланиши ва ундан фойдаланилишига, ташаббусга лоқайдлик билан қараш ёки сансалорлик, лўттибозликдан иборат ҳар қандай факт принципиал партиявий баҳо олажагига амин бўлишлари лозим.

Пешқадам меҳнатчиларнинг ибрати жуда катта аҳамиятга моликдир. Ахир энг яхши кишиларнинг ютуқлари — ҳар бир коллективда ишга солинмай қолган қандай имкониятлар борлигининг кўрсаткичидир. Шунинг учун ҳам ҳамма ерда чинакам меҳнат беллашуви муҳитини вужудга келтириш ва қўллаб-қувватлаш, кишиларда пешқадамларга эргашиш, улардан ўзиб кетиш истагини ривожлантириш керак.

Коммунистик партия миллион-миллион меҳнатчиларни халқ хўжалигини техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш соҳасидаги фаол ишга жалб этмоқда. У фан-техника революцияси ютуқларини социалистик хўжалик системаси афзалликлари билан қўшишдан иборат тарихий муҳим вазифани қўйди ва буни ҳал этмоқда. Мусобақалашаётганларнинг куч-ғайрати янги техника ва илғор технологияни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш муддатларини қисқартиришга, ишлаб чиқаришни

ҳар тарафлама рационализация қилиш, уни комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришга, асбоб-ускуналарни замонавийлаштиришга қаратилмоғи керак. Рационализаторлар ва ихтирочиларнинг ижодиётини ҳар бир корхона учун энг муҳим бўлган вазифаларни ҳал этишга йўналтириш, ҳар қандай қимматли техникавий тафаккурни ғамхўрлик билан қўллаб-қувватлаш муҳимдир.

Мамлакатимизда халқнинг меҳнати билан жуда катта ишлаб чиқариш фондлари бунёд этилди. Фақат Ўзбекистоннинг ўзида ўнинчи беш йилликнинг бошидан буён улар 30 процент кўпайди. Бу фонд улардан оқилона фойдаланиш, янги ишга солинган қувватларни тез ўзлаштириш, асбоб-ускуналарнинг бўш туришини камайтириш, техникага, ҳар бир станокка, машинага миришкорлик билан муносабатда бўлиш — ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан биридир.

Халқ хўжалигини бошқариш даражасини ошириш резервлардан энг тўла фойдаланишнинг муҳим шартидир. КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг ўтган йил қабул қилган планлаштиришни яхшилаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳамда иш сифатини оширишга хўжалик механизми таъсирини кучайтириш тўғрисидаги қарорида бутун план ишини ва бошқариш фаолиятини мавжуд ресурслар билан энг юксак пировард халқ хўжалиги натижаларига эришишга қаратадиган тадбирлар кўзда тутилган. Бу тадбирларни тезроқ амалга ошириш, айни вақтда проблеманинг сиёсий томонини ҳам эсдан чиқармаслик лозим: хўжалик механизмининг пухта йўлга қўйилган, узлуксиз ишлаши халқ истеъдодларини рўёбга чиқаришнинг энг муҳим омили бўлиб, омма ижодий ташаббусини оширишга кўмаклашади, меҳнат коллективларида ишчанлик вазиятини вужудга келтиради.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши меҳнат жараёнини доимо такомиллаштириб боришдан ажралмасдир. Ишлаб чиқаришнинг ҳозирги кўламларида одамларнинг техника, технология, меҳнат предмети билан ўзаро алоқаси пухта ўйланган ва самарадор бўлиши лозим. Шунга интилиш керакки, иш кунининг ҳар бир дақиқаси бунёдкорлик жараёнига энг кўп фойда келтиришга хизмат қилсин. Ҳозирги мураккаб ишлаб чиқаришда орқада қолиш ва етиб олиш, қўлдан бой берилганнинг ҳиссасини штурм билан чиқариш бўлмаслиги керак. Бир меъёрда ишлаш ва уюшқоқлик бугунги кунда айниқса зарурдир.

Шу муносабат билан юксак меҳнат интизомининг аҳамияти ошади. Бундай интизомни мустаҳкамлаш ва ҳамма жойда ёйиш ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятда ҳар бир меҳнаткашнинг онглилиги, масъулияти, манфаатдорлигининг ошиши билан, парокандалик ва тартибсизликнинг ҳар қандай кўринишига тоқатсизлик вазиятининг яратилиши билан боғлиқдир. «Умуман интизом ва тартиб доимо керак,— деб уқтирган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС МКнинг 1979 йилдаги ноябрь Пленумида.— Хўжалик юритиш миқёслари ҳаддан ташқари кенгайган, иқтисодий ўзаро алоқалар шохобчаси тобора мураккаб, қалин ва сертармоқ бўлиб қолаётган ҳозирги пайтда интизом ва тартиб айниқса зарур. Бу ўринда интизом тўғрисидаги сўзларгина, тартибга чақирувчи даъватларгина камлик қилади. Аввало қунт билан, кун сайин ташкилотчилик иши олиб бориш, ижрони аниқ текшириш, омилкорлик билан пухта ўйланган кадрлар сиёсатини ўтказиш лозим».

Интизом билан ташаббус — бир олманинг икки палласидир. Пировард натижада биз инсоф ва масъулият деб атайдиган нарсалар шуларга бориб тақалади. Ўз масъулиятини ҳис этиш — аввало виждонан меҳнат қилиш, станокдами, даладами, конструкторлик бюросидами — ўз иш жойида яхшироқ, самаралироқ ишлашга интилиш демакдир. Умумий муваффақият ҳар бир кишининг муваффақиятига, одам ўз ишига қандай қарашига боғлиқдир. Айни социалистик мусобақа жамиятимиз

демократизмининг энг юксак кўринишларидан бири сифатида ходимларнинг ўз зиммасига бундай масъулиятни олишга интилишини қарор топтиради. Меҳнат ва сиёсий соҳадаги активлик унда бир-бири билан бирикиб кетади ва шу асосда совет кишисининг юксак гражданлиги шаклланади.

Социалнстик мусобақа агар партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари унга раҳбарликни доимо яхшилаб борган тақдирдагина самарадор бўлади. Гап аввало шу тўғрида бормоқдаки, ишнинг сифат кўрсаткнчларига, пировард натижаларига кўпроқ эътибор бериш, мажбуриятлар, шартномалар қандай бажарилаётганини оператив ва ошкора текширишни кучайтириш лозим. Масала бир-бирига боғлиқ корхоналарнинг комплекс мусобақасига дахлдор бўлганида бу айниқса муҳимдир. Турган гап, мажбурият асосланган, иқтисодий ҳисоб-китобларга таянган бўлиши керак. Лекин модомики, мажбуриятлар қабул қилинган экан, уларни бажариш ҳар бир кишининг шон-шараф ишидир. Хўжакўрсинчилик ва формализмнинг ҳар қандай кўриннишларига тоқат қилмаслик, янги резервларни сафарбар этиш тўғриснда доимо қайғуриш, моддий ва маънавий стимулларни қўшиб олиб бориш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — мусобақа юксак самарадор бўлишининг гаровидир.

Съездолди меҳнат вахтасининг кенг қулоч ёйиши бошланғич партия ташкилотлари жанговарлик қобилиятини янада оширишни талаб қилади. Партия ўз сиёсатини улар орқали амалга оширади, уни омманинг жонли ижодиёти билан қўшади. Бевосита бунёдкорлик жараёни содир бўлаётган жойда иш кўраётган, кишиларда уларнинг ғоявий позицияси, меҳнатга муносабати, ахлоқий хислатлари тарбияланаётган цех партия ташкилотлари ва партия группаларнинг роли айниқса ошиб боради. Партия ташкилотлари ғоявий-сиёсий ва ташкилотчилик ишлари, коммунистларнинг шахсий ибрати билан меҳнат коллективларини жипслаштирадилар, уларни ягона мақсадга йўналтирадилар. Воқеалар қайнаб турган жойда бўлиш, коллектив аъзоларининг фикрлари ва кайфиятлари билан доимо қизиқиш, долзарб масалаларни чуқур ўрганиш ва уларнинг ҳал этилишига эришиш — бошланғич партия ташкилотларининг диққат-эътибори ана шуларга қаратилмоғи лозим.

Партия коммунистларнинг активлиги доимо ўсиб бориши, уларнинг ўз партия ташкилотлари ва умуман партиядаги ишнинг аҳволи учун масъулияти ошиши тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда. Коммунист — партиянинг сиёсий жангчисидир. Бугунги кунда, конкрет шарт-шароитларда коммунизмни қандай қуришликни кўрсатиш — унинг юксак бурчидир. Ушавкатли меҳнат намунаси ва оташин партиявий сўзи билан оммани меҳнатда янги чўққиларни забт этишга бошлаб бориши лозим.

Раҳбар коммунист олдига алоҳида талаб қўйилиши ўз-ўзидан маълум. Умумий ишнинг муваффақияти, коллективдаги маънавий муҳит кўп жиҳатдан унга боғлиқдир. Шу боисдан партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқариш раҳбарларини тарбиялашга янада кўпроқ эътибор беришлари, белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун уларнинг масъулиятини оширишлари керак. Айрим хўжалик ходимлари ишни яхшилашга бутун кучни сарф қилиш ўрнига ҳар қандай қийинчилик туғилган пайтда ўша ондаёқ планни камайтириш тўғрисида масала қўйишлари ёки унинг бажарилмаслигини турли «объектив» сабаблар билан ниқоблашларидан иборат фактларга принципиал баҳо бериш зарур.

Идеологик фаолиятни кучайтириш съездолди мусобақаси муваффақиятининг қудратли омилидир. Ютуқларни пропаганда қилиш, омманинг куч ва ғайратини план ва мажбуриятларни бажаришга сафарбар этиш, марксча-ленинча дунёқарашни, ғоявий эътиқодни, коммунистик

ахлоқни шакллантириш — КПСС МҚнинг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида илгари сурилган ана шу ва бошқа вазифалар ҳозир алоҳида аҳамият касб этмоқда. Буларни ҳал этиш учун ғоявий таъсир кўрсатиш воситаларининг бутун хазинасидан фойдаланиш, идеология фронтининг барча бўғинлари — матбуот, телевидение, радио, агитаторлар, сиёсий ахборотчилар, лекторлар коллективларини, сиёсий ва иқтисодий таълим шохобчасини, адабиёт ва санъатни, маданий-оқартув муассасаларини активлаштириш зарур. Бизнинг коммунистик қурилишдаги муваффақиятларимизни, совет кишилари меҳнати ва курашининг улуғворлигини ёрқин ва ишонарли тарзда кўрсатиб бериш, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари меҳнат ва сиёсий активлигини янада юксалтиришга кўмаклашиш, жамики янги, илғор нарсаларга, меҳнаткашларнинг таклифларига кенг йўл очиб бериш, камчиликларни кескин танқид қилиш ва уларнинг бартараф этилишига ёрдамлашиш лозим.

Коллективлардаги ғоявий-тарбиявий ишни яхшироқ, самаралироқ ишлашга интилишни вужудга келтирадиган муҳитни яратишга қаратиш керак. Масъулиятдан қочиш ва сансалорлик, камчиликлар тўғрисида лом-мим демаслик, қуруқ гап сотиш ва формализм тарбиявий ишга нақадар катта зарар етказажагини унутмаслик лозим. Уюшқоқлик, ишда аниқлик, план интизомига риоя қилиш, омманинг ташаббусига таяниш, хўжасизлик ва консерватизм билан муроса қилмаслик партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари жанговарлигининг, раҳбарлар етуклигининг асосий мезонидир.

Ҳисобот-сайлов кампанияси партия ҳаётида алоҳида, юксак даражада масъулиятли босқичдир. Уртоқ Л. И. Брежнев КПСС МҚнинг 1980 йилдаги июнь Пленумида таъкидлаб ўтганидек, ўтган давр ичида коммунистик қурилишнинг бой тажрибаси орттирилди. Ишимиздаги мавжуд барча ижодий нарсаларни авайлаш ва айни вақтда камчиликларни танқидий кўздан кечириш зарур. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида ва конференцияларда коммунистлар танқид ва ўз-ўзини танқид вазиятида ўзларининг КПСС XXV съезди қарорларини бажариш соҳасидаги ишларини чуқур таҳлил этишлари, муваффақиятларни муносиб баҳолашлари, камчиликлар, фойдаланилмаган резервлар ва имкониятларни очишлари ҳамда партиянинг бош йўлидан келиб чиқадиган янги вазифаларни аниқлаб олишлари керак. Коллектив тажрибасидан фойдаланиш партия ҳаёти ленинча нормаларини, хўжалик ва маданий қурилишда партиявий раҳбарлик принципларини янада ривожлантиришга баракали таъсир кўрсатади.

Республика партия активи йиғилишида бундай вазифа қўйилди: шундай ишлаш керакки, ҳар бир корхона, қурилиш, ҳар бир колхоз ва совхоз, ҳар бир район ва шаҳар, ҳар бир область партияга, Ватанга, КПСС XXVI съездига беш йиллик планнинг бажарилганлиги тўғрисида фахр-ифтихор билан рапорт берсин. Шубҳа йўқки, Узбекистон меҳнаткашлари ана шу вазифани амалга оширишга ўзларининг бутун кучларини сарфлайдилар. КПСС XXVI съездини ва республика Компартияси XX съездини муносиб кутиб олишга интилиш уларнинг бундан буён ҳам жонажон Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм йўлида янги ғалабалар қозониш учун фидокорона курашга азму қарор қилганликларини яна бир карра намойиш этади.

РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ПРОБЛЕМАЛАРИ

МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Р. СКЛЯДНЕВ,
иқтисод фанлари кандидати

Қ. ДАДАБОЕВ

ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК вазифаларини ҳал қилишда моддий-техника таъминоти катта роль ўйнамоқда. Унинг асосий иқтисодий вазифаси моддий ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларини меҳнат воситалари ва қуроллари билан белгиланган муддатларда ва етарли миқдорда таъминлашдан иборатдир.

Ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги боғловчи звено бўлган моддий-техника таъминоти ижтимоий ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини вужудга келтириши, моддий ресурслардан рационал фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқариш учун истеъмолга актив таъсир этиши керак. Шу сабабли КПСС XXV съезди «умумдавлат моддий-техника таъминоти системасининг янада ривожланиши ва такомиллашувини таъминлаш, рационал хўжалик алоқаларини ҳамда корхоналарни барқарор суратда таъминлашни ташкил этиш, моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда таъминот органларининг ролини ва масъулиятини кучайтириш» вазифасини қўйди.

Ривожланган социализм даврида моддий-техника таъминотининг роли ошиб бориши биринчи навбатда бу соҳа орқали ўтадиган моддий ресурслар миқдорининг, улар номенклатурасининг кўпайиши билан, социалистик корхоналар ўртасидаги хўжалик алоқаларининг мураккаблашуви билан белгиланади. Масалан, саноат маҳсулотининг номенклатураси кейинги 25 йил ичида 10 баравар кенгайди; қора металлар прокатининг хиллари эндиликда 1 миллион 700 мингга етади. Ҳозирги вақтда жаҳонда 6 миллионга яқин сунъий химиявий бирикмалар маълум бўлиб, бизнинг мамлакатимизда ҳар йили 40 мингга яқин янги моддалар яратилмоқда.

Моддий-техника таъминоти жараёнининг тўхтовсиз мураккаблашиб бориши уни амалга ошириш учун тобора кўпроқ меҳнат сарфлашни талаб қилади. Айни вақтда мамлакатда меҳнат ресурслари балансидаги қийинчилик мамлакат халқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш проблемаларини ходимлар сонини ошириш ҳисобига ҳал қилиш имконини бермайди. Бирдан-бир тўғри йўл — таъминот органлари фаолиятининг барча томонлари самарадорлиги ва сифатини оширишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришдан иборатдир.

Самарадорлик ва сифат моддий-техника таъминоти жараёнига татбиқ қилганда қуйидагиларни англатади:

халқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситаларининг барча номенклатураси билан ўз вақтида ва тўла-тўкис таъминлаш;

хом ашё ва материалларни зарур даражада сифатли қилиб, маҳ-

сулот тайёрлашнинг технологик жараёни талабларига мувофиқ ҳолда етказиб бериш;

моддий-техника таъминоти жараёнига молиявий ва моддий маблағларни минимал зарур миқдорда сарфлаш, юк ташишни рационаллаштириш, транспорт, юк ортиш-тушириш механизмларининг прогрессив турларидан фойдаланиш ҳисобига муомала чиқимларини камайтириш;

маҳсулотларни ташиш ва сақлаш вақтида исрофгарчиликни камайтириш, иккиламчи моддий ресурсларни ишга солиш, ишлаб чиқаришни камёб материаллар ўрнига тежамли маҳсулот турлари ҳисобига таъминлаш йўли билан хом ашё ва материалларни тежаш;

ишлаб чиқариш воситаларининг муомала жараёнини тезлаштириш, бу воситалар запасларининг жами ижтимоий маҳсулотнинг ўсишига нисбатан кўпайиб бориш суръатларини камайтириш.

Моддий-техника таъминоти бутун ишлаб чиқариш жараёнига катта таъсир кўрсатмоқда. Корхоналарни моддий ресурслар билан ўз вақтида, бир маромда ва тўла-тўкис таъминлаб туриш уларнинг план топшириқларини муваффақиятли бажаришларига, меҳнат унумдорлигининг ошишига ёрдамлашади, хом ашё ва материалларни оқилона сарфлаш имконини беради ва шу тариқа ишлаб чиқариш ҳажмлари ва унинг самарадорлиги ўсишига таъсир кўрсатади. Ўз навбатида ишлаб чиқариш ҳам моддий-техника таъминотига бевосита таъсир этади, чунки ишлаб чиқаришгина тақсимот учун зарур ресурсларни таъминлаб бера олади. Айни вақтда ишлаб чиқариш меҳнат воситалари ҳамда предметларининг асосий истеъмолчиси ҳамдир.

Ишлаб чиқариш билан моддий-техника таъминоти ўртасидаги мустаҳкам алоқа ва уларнинг бир-бирига боғлиқлиги кўпинча саноат ва қурилишни бошқариш системасида моддий-техника таъминоти қандайдир ёрдамчи хизматни ўтайди, деган нотўғри хулосага олиб келар эди. Аслида эса у халқ хўжалигининг мустақил, жуда муҳим, кенг ва мураккаб тармоғи бўлиб, бу тармоқда кенгайтирилган социалистик такрор ишлаб чиқариш жараёнида хилма-хил хўжалик алоқаларини ўрнатиш ва амалга ошириш вазифалари ҳал қилинади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни тўхтовсиз ўстириш зарурлиги муносабати билан моддий-техника таъминоти тобора катта аҳамият касб этмоқда. Ана шу ўсиш натижасида пировард маҳсулот қийматида жонли меҳнатнинг улуши камайиб боради, ишлаб чиқариш воситаларининг қийматини ҳам ўз ичига оладиган буюмлашган меҳнатнинг улуши эса ошиб бормоқда. Халқ хўжалигида ихтисослашиш ва кооперациялаш жараёни ривожланмоқда ва чуқурлашмоқда. Ихтисослашиш ва кооперациялаш шунга олиб борадики, истеъмол қилинаётган моддий ресурслар структурасида тайёр узеллар, деталлар, приборлар, турли ярим фабрикатларнинг салмоғи ортади. Фан-техника тараққиёти эса фақат саноатнинг янги тармоқлари шаклланишига сабаб бўлибгина қолмай, балки янги техника воситалари, технология жараёнларининг, анча тежамли хом ашё ва материаллар турларининг узлуксиз вужудга келиб туриши ва практикага жорий қилинишига олиб келади.

Ишлаб чиқаришни моддий-техника воситаларининг бутун номенклатураси билан ўз вақтида, комплекс суратда ва сифатли таъминлаш, илмий асосланган ишлаб чиқариш запасларини вужудга келтириш айрим корхонанинг ҳам, у билан кооперациялашган корхоналарнинг ҳам муваффақиятли ишлаши учун гаровдир. Бинобарин, моддий-техника таъминоти соҳасида юз берадиган жараёнлар пировардида бутун халқ хўжалигининг самарадорлигида акс этганлиги туфайли экономиканинг бу соҳасини бошқариш, ташкил этиш ва планлаштиришни такомиллаштириш муҳим вазифадир. «Хўжалик механизмини янада такомиллаштиришнинг асосий мақсадларидан бири,— деган эди КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси

ўртоқ А. Н. Косигин партия XXV съездида,— диққат-эътиборни изчил равишда ишлаб чиқариш ва қурилишнинг пировард кўрсаткичларини яхшилашга қаратиш: маҳсулот етказиб бериш планини тузилган шартномаларга мувофиқ тарзда бажариш, тайёр объектларни ишга тушириш ҳамда материал, меҳнат ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни оширишдир. Кооперациялашган тарзда маҳсулот етказиб бериш юзасидан топшириқларни аниқ бажаришнинг аҳамиятини алоҳида таъкидламоқ лозим, зеро бу ҳол кўп жиҳатдан бутун саноат ишининг бир маромда боришини, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини белгилаб беради».

КПСС XXV съездида ва партия Марказий Комитетининг шундан кейинги пленумларида барча участкаларда, барча тармоқларда моддий ресурсларни қаттиқ тежаш талаби илгари сурилди. Бу вазифани ҳал қилишда тўғри норма белгилаш катта аҳамият касб этади. У хом ашё, материаллар, ёқилғи ва электр энергиясини сарфлаш нормаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, бу нормаларни иш жойларига етказиш жараёнидан ҳамда уларнинг бажарилиши устидан контролни ташкил этишдан иборатдир. Тўғри белгиланган нормалар ишлаб чиқариш воситаларидан иложи борича рационал фойдаланишга ёрдам беради, меҳнаткашларни ташаббус кўрсатишга, моддий ресурсларни максимал даражада тежаш учун социалистик мусобақани ривожлантиришга ундайди.

Саноат маҳсулотининг таннархида моддий чиқимлар, шу жумладан амортизация ҳам 80 процентдан кўпроқни, қурилишда эса 68 процентни ташкил этади. Ҳисоблар шуни кўрсатмоқдаки, агар хом ашё ва материаллар харид қилишда 10 процент тежаб қолинса, маҳсулот таннархини 7,5 процент арзонлаштириш мумкин бўлади. Шу сабабли ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган ва айни вақтда арзон ҳам бўлган материалларни танлаш ва буюртишда таъминот ва сотиш органларининг роли ғоят каттадир. Моддий харажатларга эътиборсизлик билан қараш, уларни ошириб юбориш корхоналар оладиган фойданинг камайишига олиб боради.

Хом ашё, материаллар, ёқилғини тежаб-тергаб сарфлашнинг катта-катта резервлари ҳар бир корхонада мавжуд. Масалан, биргина Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводлари группаси бўйича қора металлар прокати 3 процент тежалса, йилига 6 минг тоннадан кўпроқ прокатни қўшимча суратда оборотга киритиш мумкин бўладики, бу давлатнинг 800 минг сўмдан кўпроқ маблағини тежаш имконини беради. Ҳолбуки, республикамизда 30 минг тоннадан ортиқ металл қириндига чиқиб кетмоқда. Металл прокатини тежаш йўлларидан бири ундан фойдаланиш коэффициентини оширишдан иборатдир. Бироқ, Ўзбекистон ССР машинасозлик корхоналарида айрим сортлар бўйича бу кўрсаткич жуда паст бўлиб, яхши сортли асбобсозлик пўлати бўйича —0,43, тез қирқадиган пўлат бўйича —0,30 ни ташкил этади. Рангли металларни арзон материаллар билан алмаштириш ҳам яхши натижалар беради. Пластик массалар, синтетик толалар ва химия саноати бошқа маҳсулотларининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши жуда кўп миқдорда қора ва рангли металларни, терини, техникавий мақсадларга сарфланадиган озиқ-овқат хом ашёсини бўшатиб олиш имконини беради. Ҳисоблар шуни кўрсатмоқдаки, пластик материалларнинг бир тоннаси уч тонна рангли металлар ўрнини босади, металл ўрнида ишлатилган минг тонна пластмасса эса мамлакатга 500 минг сўм тежам келтиради.

Моддий ресурслардан тўғри ва тежаб-тергаб фойдаланиш ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий шартларидан биридир. Ўз навбатида у моддий-техника таъминотини такомиллаштиришни, хусусан жамият ишлаб чиқариш эҳтиёжларини таъминлаш-

нинг янги формаларини доимо излаб топишни зарур қилиб қўяди. Ҳозирги вақтда узоқ муддатли бевосита хўжалик алоқалари, комплекс таъминот, майда улгуржи савдо, приборлар ва ускуналар прокати, қурилиш ташкилотларини буюртмалар бўйича таъминлаш, таъминлаш-сотиш ташкилотларининг истеъмолчиларга хизмат кўрсатиши (маҳсулотни кесиб, бичиб, қадоқлаб бериш, марказлашган тартибда ташиб бериш) сингари формалар қўлланилмоқда.

Маҳсулотни етказиб бериш юзасидан узоқ муддатли бевосита хўжалик алоқалари корхоналар ўртасидаги иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган ўзаро муносабатларнинг шундай системасидирки, бу система тайёрловчиларнинг бевосита истеъмолчилар буюртмалари асосида маҳсулот ишлаб чиқариш программасини план топшириқларига мувофиқ ҳолда тузишларига ва маҳсулотни ўзаро манфаатли асосда реализация қилишларига имкон беради. Бундай алоқалар, бир томондан, корхоналарнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиб беришга имкон туғдиради, иккинчи томондан эса — маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилишга марказлашган тартибда планли раҳбарлик қилишни таъминот-сотиш масалаларини ҳал қилишда корхоналарнинг ўсиб кетган оператив-хўжалик мустақиллиги билан оқилона қўшиб олиб боришни таъминлайди.

Истеъмолчи корхоналар билан маҳсулот етказиб берувчи корхоналар ўртасида узоқ муддатли бевосита хўжалик алоқалари халқ хўжалигини ривожлантиришнинг перспектив планида тасдиқланган муддатлар доирасида белгиланади. Корхоналарнинг бундай шароитда ишлаш тажрибаси хўжаликлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкил этишнинг мана шу формаси юқори даражада самарали эканлигини кўрсатмоқда. Бундай самарадорликка янги, прогрессив маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва етказиб беришни жадал ўзлаштириш; унинг ассортиментининг сифат характеристикаларини мувофиқлаш (бу ҳол чиқарилаётган маҳсулотларнинг материал сиғимини камайтириш, шунингдек материалларга ишлов бериш харажатларини камайтириш имконини беради), маҳсулот етказиб беришнинг конкрет ҳажмини ва муддатларини белгилаш (бу материалларнинг норационал алмаштирилишини қисқартиради ва ишлаб чиқариш запаслари даражасини камайтиради), маҳсулотни тараларга жойлаш, ортиш, тушириш ва ташиб бериш усулларини, воситаларини келишиб олиш (бу ҳол транспорт-тайёрлов харажатларини камайтириш имконини беради) йўли билан эришилади. Бевосита алоқаларнинг самарадорлиги сифатини ошириш, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқиш ва уни ассортименти бўйича истеъмолчиларнинг буюртмалари асосида етказиб бериш юзасидан тадбирларни биргаликда белгилаш ва амалга ошириш имкониятида намоён бўлади.

1977 йилда Ўзбекистонда узоқ муддатли бевосита хўжалик алоқаларига 741 ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхона ўтказилган эди, 1978 йилда эса бундай корхоналар сони 1112 тага, шу жумладан кўплаб серияли маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар 67 тага етди. Бевосита хўжалик шартномалари бўйича истеъмолчиларга маҳсулот етказиб бериш ҳажми 1979 йилда 416 миллион сўмни ташкил этди, 1980 йилда эса у 428 миллион сўмни ташкил этади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССР Госснаби таъминотнинг мана шу прогрессив формасини янада ривожлантириш юзасидан интенсив иш олиб бормоқда.

КПСС XXV съезди материалларида моддий-техника таъминотининг самарадорлигини оширишда улгуржи савдо алоҳида роль ўйнаши таъкидланади. Унинг зарурлигига сабаб совет экономикасининг баланслилиги ўсиб бораётганлиги, шунингдек у ишлаб чиқаришни моддий жиҳатдан таъминлашнинг энг пухта формаси эканлигидадирки, бу

форма мавжуд бўлганида маҳсулотни тақсимлаш ва унинг муомала қилиши анча рационаллашади. Бунга заявкалар ва лимитларнинг ноқулай системасидан воз кечиш ҳамда маҳсулотни буюртмалар бўйича сотишга ўтиш, айни вақтда истеъмолчиларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш даражасини ва маданиятини ошириш йўли билан эришилади.

Шунга мувофиқ, моддий-техника таъминотининг территориал органлари учун ишлаб чиқариш воситалари билан улгуржи савдо қилишни кенгайтириш соҳасидаги асосий вазифа уни аввало планда белгиланган моддий ресурслар манбалари ҳисобига ташкил этишдан, базалар, омборлар ва майда улгуржи савдо магазинларида маҳсулотларнинг барқарор номенклатурасини вужудга келтиришдан, аста-секин, товар ресурслари тўпланиб борган сари маҳсулотни лимитсиз сотишни кенгайтиришдан иборатдир.

Улгуржи савдони янада ривожлантириш кўп жиҳатдан планлаштиришнинг форма ва методларини такомиллаштиришга, иқтисодий районларда товар ресурсларини ташкил этишга, шунингдек ишлаб чиқариш воситаларини реализация қилишнинг ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган янада прогрессив системасини яратишга боғлиқдир. Ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистон ССР Госснабининг майда улгуржи тармоғи материалларни нотранзит миқдорларда оладиган 16,6 минг майда истеъмолчиларга хизмат қилмоқда. Майда улгуржи савдо магазинлари товар обороти структурасида халқ хўжалиги учун муҳим бўлган моддий ресурслар — химия ва резина-техника маҳсулоти, электротехника ва кабель буюмлари, ёғоч-тахта материаллари, металл маҳсулотлари ва ҳоказолар устунлик қилади. 1980 йилда Ўзбекистонда улгуржи савдо ҳажми 830 миллион сўмга етади, бу эса республиканинг умумий товар оборотига нисбатан 39 процентни ташкил этади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини, таъминлаш-сотиш корхоналари олиб бораётган иқтисодий иш савиясини оширишга меҳнат воситалари ва предметлари билан комплекс таъминлаш ёрдам беради. Бу системада моддий-техника таъминотининг бош ва территориал бошқармалари материал фондларининг планли реализация қилиниши учун истеъмолчиларга ҳам транзит йўли билан, ҳам омборлар орқали мол етказиб бериш юзасидан хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқаришда материал запасларини тартибга солиб туриш учун тўла жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар. Буларнинг ҳаммаси шартномалар ва хўжалик ҳисоби асосида олиб борилади.

Комплекс таъминот системасида қуйидаги асосий элементларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

биринчидан, маҳсулот етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан тузилган шартномалар асосида ҳам транзит усулида, ҳам базалар ва омборлар орқали етказиб бериладиган маҳсулот билан таъминлаш планларини амалга оширишда территориал органларнинг иштирок этиши ва планлар бажарилмаган тақдирда бу органлар зиммасига тушадиган моддий жавобгарлик;

иккинчидан, омбор формасини кенгайтириш ва норационал транзит маҳсулот етказиб беришни йўқотиш, бунга территориал органлар билан корхоналарнинг таъминот формаларини биргаликда асосли суратда танлаши туфайли эришилади;

учинчидан, транзит йўли билан ва омборлар орқали маҳсулот етказиб беришни муддатлари аниқ кўрсатилган ҳолда оператив планлаштириш, бундай планлаштириш маҳсулот етказиб бериш муддатларини истеъмолчилар билан келишиб туриб белгилаш натижасида вужудга келади;

тўртинчидан, моддий ресурслар билан таъминлашнинг узлуксизлигини ва зарур бўлиб қолган ҳолларда қайтариб олишни шарт қилиб қўйиб омборлар орқали маҳсулот етказиб бериш ҳисобига бир корхонанинг эҳтиёжларини қондириш йўли билан, шунингдек ҳам транзит бўйича, ҳам омборлардан етказиб бериш бўйича бошқа корхоналарга ажратилган моддий ресурсларни вақтинча қарз олиб туриш йўли билан моддий ресурслардан фойдаланишда манёврни таъминлаш;

бешинчидан, юкларни марказлашган тартибда етказиб беришни жорий этиш асосида омборлар хизматини ташкил қилиш; бу иш юкларни ташиш графигини олдиндан истеъмолчилар билан келишиб олишни назарда тутади.

Комплекс таъминот бошқа формаларга қараганда катта афзалликларга эга. Чунончи, у корхоналарни моддий ресурслар билан таъминлашнинг яхшиланишига, маҳсулотни керакли ассортиментда янада бир маромда етказиб беришга, таъминотнинг транзит ва омбор формаларини оқилона қўшишга олиб боради, корхоналар территориал таъминот органларига топширадиган моддий ресурслардан янада усталик билан фойдаланиш асосида ишлаб чиқариш воситалари билан улгуржи савдо қилишни ривожлантиришга ёрдам беради.

Комплекс таъминот системасини жорий этиш таъминлаш-сотиш ташкилотларининг истеъмолчиларга буюртмалар бўйича хизмат кўрсатишга қаратилган фаолиятини қайта ташкил этишни талаб қилади. Бу системани ривожлантиришнинг зарур шарти таъминлаш-сотиш ташкилотлари билан маҳсулот етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги шартномали-ҳуқуқий муносабатларни шартномаларнинг ва томонлар ҳуқуқий гарантияларининг ролини кучайтириш маъносида такомиллаштиришдан иборатдир. Чунончи, маҳсулот билан комплекс таъминлаш ҳақида шартномалар тузиш практикаси истеъмолчиларга хизмат кўрсатишнинг бу формасида вужудга келадиган муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш қуйидагиларни гарантиялаши кераклигини кўрсатмоқда:

истеъмолчиларнинг маҳсулот билан узлуксиз ва бир маромда таъминлаб турилишини; у истеъмолчиларга ишлаб чиқариш запасларини таъминлаш-сотиш ташкилотлари билан келишилган, ишлаб чиқариш эҳтиёжларини таъминлайдиган минимум даражасигача қисқартириш имконини беради;

истеъмолчиларга маҳсулотнинг бир шартнома доирасида омбордан ва транзит орқали етказиб берилишини;

транзит орқали юбориладиган маҳсулотларни зарур ҳолларда таъминот-сотиш ташкилотлари омборларига ўтказиш ва транзит юкларнинг йўналишини ўзгартиришни;

истеъмолчиларга транзит орқали етказиб берилмаган маҳсулотлар ўрнини таъминлаш-сотиш ташкилотларининг омборларидан бериш ҳисобига тўлдиришни;

таъминот формасини танлаш, тайёрловчи корхоналарга бириктириб қўйиш, маҳсулотга наряд белгилаш таъминлаш-сотиш ташкилотлари томонидан истеъмолчилар билан келишилган ҳолда амалга ошириладиган бўлсин учун таъминлаш-сотиш ташкилотлари билан истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларда шартномаларнинг амал қилиш доирасини кенгайтиришни;

истеъмолчиларнинг ишлаб чиқариш запасларини биргаликда бошқариб туриш ва уларга шартнома асосида ўз ресурсларининг бир қисмини таъминлаш-сотиш ташкилотларига ўтказиш ҳуқуқини беришни (бу ҳол ресурслардан манёвр билан фойдаланишни кучайтириш имконини беради);

маҳсулот ассортименти ҳақида келишиб олиш муддатларини ва

маҳсулот етказиб бериш даврларини ишлаб чиқариш мақсадларида истеъмол қилиш даврларига яқинлаштиришни;

истеъмолчи корхоналарга кўпроқ мустақиллик беришни ва уларнинг маҳсулот етказиб беришнинг шартномада белгиланган миқдори, ассортименти ва муддатларини ўзгартириш ҳуқуқини кенгайтиришни;

истеъмолчиларни фондлар бўйича ва улгуржи савдо йўли билан таъминлаш мажбуриятларини бир шартномада бирлаштиришни;

таъминлаш-сотиш ташкилотлари шартнома асосида истеъмолчиларга кўрсатадиган хизматлар турини кўпайтиришни.

Ўзбекистон ССР Госснаби 1976 йилдан бошлаб республиканинг бир қанча ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарини улар билан ўнинчи беш йиллик учун тузилган хўжалик шартномалари асосида комплекс таъминлаб келмоқда. Ҳозирги вақтда моддий-техника таъминоти бошқармалари ва уларга қарашли ташкилотлар Ўзбекистондаги 49 ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхонага 126 хил ёғоч, қоғоз, кабель, электротехника маҳсулоти ва резина-техника буюмлари етказиб бермоқдаларки, уларнинг қиймати, масалан, 1979 йилда 70,3 миллион сўмни, бу корхоналар ишлаб чиқариш мақсадларида истеъмол қилган материаллар, хом ашё ва буюмлар умумий ҳажмининг эса 30—60 процентини ташкил этди.

Ўзбекистон ССР Госснаби ташкилотлари шартномалар ва мажбуриятлар асосида комплекс таъминотга ўтказилган корхоналарга қуйидаги хизматларни кўрсатмоқдалар: ўрмон ва ёғоч маҳсулотларини пакетлаш, кабель ва тросларни ўраш, металл маҳсулотлари ва резина-техника буюмларини комплектлаш, юкларни марказлашган тартибда етказиб бериш. 1979 йилда комплекс таъминот ҳақидаги шартномалар бўйича хизматлар ҳажми 0,7 миллион сўмдан кўпроқни ташкил этди, уларнинг умумий ҳажми эса 3,4 миллион сўмдан ошиб кетди.

Таъминот органлари, хусусан Ўзбекистон ССР Госснаби структурасини янада рационаллаштириш республика моддий-техника таъминотини бошқаришнинг бош схемасига мувофиқ амалга оширилади. Бу схема бошқариш звеноларини қисқартириш, таъминлаш ва сотиш функцияларини концентрациялаш, бутун бошқариш жараёнини соддалаштириш ҳисобига янада самарали ташкилий структурага аста-секин ўтишни тақозо этади.

Моддий-техника таъминотнинг самарадорлигини оширишда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарори муҳим роль ўйнайди. Бу қарорда маҳсулот етказиб бериш интизомини мустаҳкамлашнинг конкрет чора-тадбирлари белгиланди. Бу қарор ўзаро боғланган корхоналар ва ташкилотларнинг халқ хўжалигида салмоқли пировард натижаларга эришиш мақсадида комплекс ўзаро алоқада бўлишларини назарда тутади.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш вазифаларининг бажарилиши кўп жиҳатдан моддий-техника таъминоти системасидаги барча звеноларнинг аниқ фаолияти билан белгиланади.

ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

А. ҒАФУРОВ,
иқтисод фанлари кандидати

ЕРЛАРИ БЕПОЁН ва табиий-иқлим шароитлари мураккаб бўлган мамлакатимизда мелиорация тадбирларини доимий ўтказмай туриб, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришнинг, бинобарин, халқ фаровонлигини юксалтириш вазифасини муваффақиятли ҳал этишнинг иложи йўқ. Ерларни мелиорациялаш — КПСС аграр сиёсатининг таркибий қисмидир. Партия МК 1965 йил март ва 1966 йил май Пленумларининг, КПСС XXV съездининг ва МК 1978 йил июль Пленумининг қарорларида мелиорация тўғрисидаги масала катта сиёсий аҳамиятга молик проблема сифатида кўриб чиқилган. КПСС МК Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев май Пленумида бундай деб уқтирди: «Ерларни мелиорация қилиш, деҳқончилик маданиятини юксалтиришнинг кенг программаси ва шу асосда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этишнинг муҳим таркибий қисмларидан биридир».

Мамлакатимизда мелиорация ва ирригация ишлари кўлами муттасил ўсмоқда. Чунончи, шу ишга сарфланган капитал маблағ еттинчи беш йилликдаги 5,7 миллиард сўмдан ўнинчи беш йилликда 44 миллиард сўмга етди. Натижада 13 йил (1966—1979 йиллар) мобайнида СССРдаги суғориладиган ерлар 16,5 миллион гектаргача, мелиорация қилинадиган ерлар 15 миллион гектаргача кўпайди, 49 миллион янги ерларга сув чиқарилди. Сув хўжалигининг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди.

Ирригация ва мелиорация қурилиши ҳозирги даврининг ўзига хос хусусиятлари бор. Биринчидан, унинг географияси кенгайди: илгари бу иш асосан мамлакатнинг қурғоқчил зоналарида ўтказилган бўлса, кейинги вақтларда ярим қурғоқчил, ўта нам ва ботқоқ, тоғ этаклари ва тоғлиқ зоналарда ҳам кенг миқёсда ўтказилмоқда. Иккинчидан, ҳозир фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқларидан кенг фойдаланмай туриб, сув хўжалиги қурилишида индустриал методларни қўлланмай туриб, қўриқда мелиорацияланган ерларда хўжаликлар ташкил этмай туриб ирригация ва мелиорацияни амалга ошириб бўлмайди.

Ерларни мелиорациялашнинг КПСС МК 1966 йил май Пленумида ишлаб чиқилган батафсил программаси Ўзбекистон ССР учун алоҳида аҳамиятга эга, бу ердаги деҳқончилик сунъий суғоришга асосланган. Республикада суғориш ва мелиорация бутун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асоси, тупроқ унумдорлигини ва деҳқончилик маданиятини оширишнинг, мўл ҳосил етиштиришнинг бош омилидир.

1966—1979 йилларда давлат ва колхозлар Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига 20,9 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратдилар, шундан 8 миллиард 850 миллион сўми сув хўжалиги қурилишига сарфланди. Шу даврда республикада 962 минг гектар янги ер суғорилди ва 1 миллион 650 минг гектар эски суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, 2,5 миллион гектарга яқин яйловга сув чиқарилди, 782 минг гектар ер яхшилаб текисланди.

Ҳозир Ўзбекистонда 3 миллион 862,8 минг гектар ер суғорилмоқда, жами 4,6 миллиард куб метр ҳажмли 19 та сув омбори ишлаб турибди. 1966 йилдан буён ирригация тармоғи 151 минг километр, коллектор-зовурлар 74 минг километр узайтирилди, суғориш учун 7 мингтадан зиёд ирригация-мелиорация қудуғидан фойдаланилмоқда. Қисқа муддатда Марказий Фарғона, Шеробод ва Қарши даштларида, Мирзачўлда, Амударё этакларида янги пахтакорлик ва шоликорлик районлари барпо этилди. Шу туфайли республика қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 1965 йилдаги 3 миллиард 872,2 миллион сўмликдан 1978 йилда 6 миллиард 54,3 миллион сўмликка, шу жумладан деҳқончилик маҳсулоти 2 миллиард 811,7 миллион сўмликдан 4 миллиард 441,3 миллион сўмликка етди. 1966—1978 йилларда республика ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 1966—1970 йиллардаги 3 миллиард 872,2 миллион сўмликдан 4 миллиард 763,1 миллион сўмликка етди.

Шу билан бирга Ўзбекистон ССРда суғориш учун сув таҳчиллиги ортиб бормоқда, қўриқ ерларни ўзлаштириш ҳисобига экинзорлар кенгайиши сабабли бу тенденция давом этаберади. Қўшимча суғориш манбалари қидирилмоқда, жумладан Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Сирдарё ва Амударё ҳавзаларига буриб юбориш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Аммо бу лойиҳа амалга оширилгунча, сувни тежаб-тергаб сарфлаш учун зарур чораларни кўриш керак.

Хўш, бу иш қайси йўлдан олиб борилиши керак? КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов республика Компартиясининг XIX съездида бундай деди: «Жамики суғориш иншоотларини ёпиқ зовур ва коллектор тармоғига эга бўлган кенг миқёсдаги инженерлик системасига изчиллик билан айлантириш, суғориш системаларини ишлатиш хизматини такомиллаштириш, магистрал каналлар, насос станциялари, сув омборларини автомат усулда бошқаришга ўтказишни бутун чоралар билан жадаллаштириш зарур».

Экинзорларнинг сув таъминотини яхшилаш тадбирларини амалга ошириш зарурлиги ва муҳимлигини мамлакатимиздаги суғориладиган деҳқончиликнинг энг қадимий районларидан бири бўлмиш Фарғона водийси мисолида кўрсатиш мумкин.

Фарғона водийси шароитида ер билан сув бир-биридан ажралмасдир. Бу ерда сув бўлмаса, тупроқнинг мелиоратив ҳолати яхшилаб турилмаса, суғориш ва мелиорация шохобчалари доимо тартибга солиниб, техникавий парвариш қилиб борилмаса, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиб бўлмайди, бусиз пиллачилик ва чорвачиликни ривожлантириб бўлмайди.

Фарғона водийси республикамизда суғориш системалари ва гидротехника иншоотларининг энг қадимий ва қалин тармоғига эга. Ҳозир бу ерда 10 406 та катта ва кичик гидротехника объектлари бор, бу ўлканинг асосий маҳсулоти — «оқ олтин»дан кўп миқдорда ҳосил олиниши шу объектларни самарали ишлатишга боғлиқ. Чунки бу ердаги суғориладиган экинзорларнинг қарийб 64 процентида пахта етиштирилади.

КПСС МК Май Пленумидан кейинги вақт ичида Фарғона водийсида 310 миллион кубометр ҳажмли Каркидон сув омбори, Андижон, Ғовой, Қўрғонтепа, Эскиер, Чортоқ ва бошқа сув омборларининг бирин-

чи навбати қурилди. 198 километрли Катта Андижон ва 180 километрдан ортиқ Катта Наманган каналлари ишга туширилди, кўпгина майда суғориш каналлари қурилди. 190 километр узунликдаги Катта Фарғона канали реконструкция қилинди, натижада унинг сув ўтказиш қобилияти икки баравар кўпайди, жанубий ва шимолий Фарғона каналлари янгиланиб, тубига бетон ётқизилиши туфайли ҳар бирининг сув ўтказиш қобилияти 2,5 баравар ортди. Охунбобоев номли магистрал канал, Шаҳрихонсой канали, «Улуғнор», «Мазгил», «Ўрмонбек», Балиқчи каналлари ва бошқа эски суғориш системалари янгидан реконструкция қилинди. 1939 йилда қурилган Куйганёр ва Учқўрғон гидроузеллари қайтадан ускуналанди, Палман, Косонсой, Шоҳимардон, Ровот, Сариқўрғон, Қўқон ва бошқа гидроузеллар қурилди. 1500 километрдан ортиқ канал ва ариқлар тубига бетон ётқизилди. Катта Фарғона ва Андижон, Шимолий ва Жанубий Фарғона каналларининг бош иншоотларига сувни тартибга соладиган, тақсимлайдиган автоматика ва телемеханика, бошқа энг янги қурилма ҳамда приборлар ўрнатилди.

Фарғона водийсида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида янги коллектор-зовур системалари қурилди ва эскилари реконструкция қилинди (Ачикўл, Дамкўл, Мамахон системалари, Шимолий, Бағдод канали ва шу кабилар), Абдусамат, Фрунзе Пунгон, Тошқалъа, Навкат, Савай, Мамахон, Маданият ва ҳар бири секундига 8—25 куб метр сув чиқара оладиган бошқа насос станциялари қурилди. Горизонтал очиқ, ёпиқ ва вертикал зовурлар қуриш соҳасида катта ишлар қилинди. Фарғона водийсининг сув хўжалиги органлари ва колхозлари тўққизинчи беш йилликнинг ўзида 634,5 миллион сўм, ўнинчи беш йилликнинг тўрт йилида эса салкам 528 миллион сўм пулни шу мақсадга сарфладилар. Натижада Фарғона водийсидаги хўжаликлараро ва хўжалик ички мелиорация тармоғининг узунлиги 19,5 минг километрдан ошди.

Мана шу сув хўжалиги объектларининг ҳаммаси 795,4 минг гектар ерни сув билан таъминлайди. Бироқ, Фарғона водийси суғориш системалари бошқармасининг маълумотларига кўра, шу ерларнинг 40 процентга яқинини ботқоқланиб қолган ёки такрор шўр босган. Шу боисдан ҳам водий колхоз ва совхозларида бош схема асосида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориладиган ерларни яхшилаб текислаш, сув таъминотини ошириш ҳамда эски ноинженерлик системаларни қисман қайта қуриш иши доимо давом эттирилмоқда. Бу ишларга давлат 1971—1975 йилларнинг ўзида 60,6 миллион сўмдан зиёд, ўнинчи беш йилликнинг тўрт йилида эса 51 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлади. Натижада 9 йил (1971—1979 йиллар) мобайнида 71,9 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, 64,5 минг гектар ер яхшилаб текисланди, 95,9 минг гектардан ортиқ ернинг сув таъминоти оширилди. Такрор шўр босишнинг салбий таъсирига йўл қўймаслик учун эски ихота дарахтзорлари кенгайтирилмоқда ва янгилари барпо этилмоқда, ёпиқ горизонтал ва вертикал зовурлар узайтирилмоқда.

Кейинги йилларда сувнинг шимилмаслиги учун каналларнинг тубига бетон ётқизиш тадбирлари туфайли Фарғона водийсида хўжаликлараро тармоқларда сувнинг нобуд бўлиши камайди, бу эса айрим районларда хўжаликлараро тармоқларнинг фойдали иш коэффициентини 1966 йилдаги 0,60—0,65 дан 0,86—0,87 га етказиш имконини берди.

Хўжалик ички тармоғининг ҳолатини яхшилаш, жумладан каналларга лотоклар ёки қувурлар ўрнатиш соҳасида муайян иш қилинди. Бироқ, тармоқнинг мана шу илғор турлари салмоғи ҳозирча 8—9 процентдан ошмайди. Водийнинг деярли ҳамма пахтакор районларида минераллашган сувларни суғориладиган ерлардан чиқариб ташлайдиган коллектор-зовурлар ҳали етишмайди. Бу ерда ҳар гектарига 25,8 метр мелиорация тармоғи тўғри келади, бу нормадан анча кам. Баъзи рай-

онларда, айниқса Марказий Фарғонанинг янги ерларида коллекторлар узунлиги нормадан 2,5 баравар кам.

Бағдод, Олтиариқ, Охунбобоев, Комсомолобод, Фрунзе, Задарё, Қува районларининг экинзорлари мелиорация ҳажмининг кескин кўпайтирилишига муҳтож. Ёпиқ горизонтал ва вертикал зовурлар жуда суст жорий этилмоқда. Мирзачўл ва республикамизнинг бошқа районлари тажрибаси унинг одатдаги очиқ зовурлардан афзаллигини исботлаб турибди. Ер остидаги ёпиқ ва вертикал зовурлар ёрдамида сизот сувлар сатҳини мақбул даражада автоматик равишда ушлаб туриш мумкин, ёпиқ зовурларни ишлатишга кўп маблағ кетмайди. Энг муҳими шуки, у пахта майдонини анча кенгайтириш имконини беради. Тошлоқ районидаги «Фарғона» колхозида қурилган вертикал зовур шуни кўрсатди. Вазифа коллектор-зовур тармоғини суғориладиган ерларда талаб қилинадиган нормага етказишдан иборат.

Фарғона водийсидаги область партия ташкилотлари бутун куч-ғайратни Ватанга тобора кўп «оқ олтин» бериш учун ирригация ва мелиорация қурилиши самарадорлигини оширишга қаратишлари лозим. Дарҳақиқат, пахта етиштириш даврида ҳар гектар ер 12 минг куб метр сув ичади. Водийда 506,2 минг гектар пахтазор бўлса, уни суғориш учун йилига 60,8 миллион куб метр сув керак. Бу ерда ҳар килограмм пахта етиштиришда 138 литр сув сарф бўлади. Ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши муносабати билан бошқа экинзорларнинг ҳар гектарини суғориш нормаси ҳам ортади. Шу сабабли суғоришни ривожлантириш ва уни такомиллаштириш юзасидан область партия комитетлари ишлаб чиқаётган тадбирлар комплексида сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш тадбирлари тобора катта ўрин олади.

Фарғона водийси шароитида суғориладиган участкаларни йириклаштириш (8—10 гектаргача) ва сув, ер ва механизмлардан унумли фойдаланишни камайтирувчи майда ариқларнинг узунлигини камайтириш йўли билан хўжалик ички суғориш тармоғини қайта қуриш ҳисобига сувнинг нобуд бўлишини камайтиришга ва ирригация системаларининг фойдали иш коэффициентини оширишга эришиш мумкин. Шуни айтиш керакки, Фарғона областининг ўзида 291,1 минг гектар экинзор 560 мингта картага бўлинган, яъни ҳар бир суғориладиган участка ўрта ҳисобда 0,52 гектардан ошмайди. Кучли механизмлар ёрдамида сув бериладиган йириклаштирилган участкаларда сувнинг замонавий талабларга мос келмайдиган каналларга тақсимлаб юборилиши тугатилади, бу эса хўжалик ички сув оборотини муваффақиятли йўлга қўйиб, суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффициентини анча ошириш имконини беради.

Ирригация ва мелиорацияга автомат бошқарув системаларининг, автоматика ва телемеханика воситаларининг жорий этилиши, сув тақсимлашни ва уни ҳисобга олишни механизациялаш водий учун катта аҳамиятга эга. Бироқ, Фарғона водийси областлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармалари берган ҳисобот маълумотлари анализ қилинса, 1978—1979 йилларда ғўзани суғоришни механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси атиги 12 процентни ташкил этди. Сувдан тежаб фойдаланишнинг катта резервлари мана шунда яшириниб ётибди.

Суғориш усуллари ва техникасини такомиллаштириш ирригация системалари самарадорлигини оширишнинг муҳим тадбиридир. Ғўзани ер юзидан эгатлар бўйлаб суғорганда эгатларнинг тўғри белгиланган чуқурлиги ва узунлиги, сув оқимининг ҳажми сувни тежаб сарфлаш ва суғориш сифатини яхшилаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Тупроқнинг сув шимилиши, қиялиги, далаларнинг текислик даражаси ва шу кабиларга қараб участкаларнинг бир-биридан фарқ қилиши сабабли бу

кўрсаткичларни табақалаштириш зарур. Сувни тежаб ишлатиш учун ёмғирлатиш усулини («ДДА-100М», «Фрегат», «Волжанка» ва бошқа машиналар ёрдами билан) кенг қўлланиш зарур. Бу усул чучук ёки оз минераллашган сизот сувлар ер юзига яқин (1—2 метр) турган шароитда, айниқса кўп сув кўтара оладиган тупроқларда, масалан, Марказий Фарғона шароитида яхши самара беради. Бунда суғориш нормаси одатда гектар ҳисобига 300—500 куб метр камаяди, намининг чуқурлиги 30—50 сантиметрга боради. СоюзНИХИ ўтказган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сизот сувлар чуқур турган ерларда ҳам ёмғирлатишдан самарали фойдаланиш мумкин, бироқ бунинг учун ёмғир тезлигини (минутига 0,25—0,30 миллиметргача) камайтириш, суғориш нормасини гектар бошига 700—1000 куб метргача ошириш керак бўлади. Фарғона водийсининг тошлоқ, қумлоқ ва қум аралаш тупроқларида ҳам ёмғирлатиш усули истиқболлидир, чунки бунда тупроқнинг ўсимлик илдизидан пастки қатламида сув сингишига йўл қўйилмайди.

Ҳозирги вақтда СоюзНИХИнинг экспериментал даласида ишлаб чиқилаётган тупроқ остидан суғориш усули пахтачиликни суғоришда сувни анча тежаб берадиган янги усулдир. Бироқ, бу усул ҳали дуруст қўлланилмаяпти. Тупроқ остидан суғориш усули такомиллаштирилиб, уни йўлга қўйиш чиқимлари камайтирилган тақдирда Фарғона водийси ерларида энг самарали ва тежамли усул бўлиб қолиши мумкин.

Водийнинг марказий қисмида ғўза жадал ўсиш даврида сув кам бўлиши сабабли чучук ёки оз минераллашган ер ости (артезиан) сувлардан фойдаланиб суғориш тажрибаси ҳам ўзининг самарали эканлигини кўрсатмоқда. Фарғона водийсида нисбатан оз минераллашган (ҳар метрга 2—5 грамм) зовур ва ер ости сув запаслари етарли, мана шу запасдан айниқса яхши дренаж қилинган тупроқларда кенг фойдаланиш сув таҳчил келадиган йилларда дуруст натижа беради. Чунончи, Андижон область Комсомолобод районидаги «СССР 50 йиллиги» қўриқ совхозида ер ости ва зовур сувидан ғўза суғориш учун фойдаланиш 1977—1978 йилларда гектар бошига ўрта ҳисобда 34,1 центнер пахта олиш имконини берди.

Ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили ичида ирригация ва мелиорацияга ажратилган капитал маблағни ўзлаштириш самарадорлиги анча ошди. Бу даврда қурилиш ташкилотлари биринчи марта ёпиқ горизонтал ва вертикал дренажни тажриба тариқасида қуришдан уни водийнинг марказий қисмидаги ҳамма колхоз ва совхозларда амалга оширишга ўтдилар. Бу иш 25 минг гектардан кўпроқ ерда ўтказилди.

Фарғона водийсининг кўпгина пахтакор хўжаликларида неча йилдан бери сувдан фойдаланиш планларига аниқ риоя қилинмоқда, экинлар кеча-кундуз суғорилмоқда, бостириб суғоришга ва ортиқча сувни коллектор ва зовурларга оқизишга йўл қўйилмаяпти. Бир қанча жойлардаги коллекторларга ўрнатилган қўшимча насослар оз минераллашган зовур сувини каналларга чиқариб бермоқда. Чунончи, 1979 йилда Фарғона водийсининг колхоз ва совхозларидаги коллектор ҳамда зовурларда 2,5 мингдан ортиқ насос ишлатадиган агрегатлар ишлаб турди. Шу билан бирга водийнинг айрим хўжаликларида бултур улар исрофгарчиликка йўл қўйиб сувнинг бир қисмини тунда йўл ёқаларига ва коллекторларга оқизиб юбордилар. Беш йилликнинг якунловчи йилида сув таъминоти аввалги тўрт йилга нисбатан анча яхши бўлишига қарамай (Тўхтағул ва Андижон сув омборлари тўлдириб олинганлиги назарда тутилади), сувдан тежаб-тергаб ўринли фойдаланиш ҳар бир хўжалик, бригада, сувчи учун қоида бўлиб қолиши керак.

Сувчиларнинг, сув хўжалиги ходимларининг янги суғориш усуллари ва техникасини қўлланишдан моддий манфаатдорлигини ошириш ҳам сув ресурсларидан янада ўринли фойдаланишнинг муҳим омилидир.

Уларни моддий рағбатлантиришнинг ҳозир колхоз ва совхозларда амал қилаётган формалари, афтидан, сув тақсимлашда механизацияни кенг жорий қилиш учун етарли эмас. Сув хўжалиги ишларини янада тузукроқ ихтисослаштириб, ғўзанинг ўсиш даврида барча сувчиларни, масалан, ипатоволиклар методи асосида бир бригадага бирлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Республикамиз қишлоқ жойлардаги партия ва совет органлари, колхозчилар ва совхоз ходимлари, мелиорация ва ирригация системаларининг қурувчилари суғориладиган ва захи қочирилган ерлардан энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, кўпроқ миқдорда турли маҳсулотлар олишни ўз ишининг энг асосий пировард мақсади деб билмоқдалар. Улар бутун куч-ғайратларини шу мақсад йўлида сарфламоқдалар.

ПАРТИЯ ВА СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

ЮСТИЦИЯ ВА СУД ОРГАНЛАРИ ИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

М. ВОСИҚОВА,
Ўзбекистон ССР юстиция министри

КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШНИНГ социал-иқтисодий мақсадларига эришиш учун социалистик қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш ғоят катта аҳамиятга моликдир, бу иш совет кишилари серунум меҳнатини тўғри ташкил этиш, халқ моддий фаровонлиги ва маданий савиясини муттасил ошириш шартларидан биридир.

Совет ҳокимияти ҳамма қонунлари ва фармойишларини тез ва аниқ бажаришнинг турли органлар фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солишдаги катта ролини В. И. Ленин неча марталаб таъкидлаган эди, унинг ўзи қонунларга ва белгиланган қоидаларга ҳеч истисносиз муттасил риоя этиш намунасини кўрсатар эди. В. И. Лениннинг назарий меросида социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш соҳасида ишлаб чиқилган асосий принциплар муҳим ўрин олади.

В. И. Ленин социалистик қонунчилик — Совет давлатигагина хос бўлган принцип эканини кўп мартаба таъкидлаган эди. Унинг моҳиятини қонунларни бутун давлат органлари, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар ва гражданлар томонидан қатъий ва оғишмай бажариш талаби деб таърифлаган эди: «...Совет ҳокимиятининг қонун ва фармонларини муқаддас билиб, уларга риоя қилиш ва уларнинг ҳамма томондан бажарилишини кузатиб бориш зарур» (Тўла асарлар тўплами, 39-том, 180-бет). Владимир Ильич революцион қонунчиликни ҳар қандай, озгина бўлса-да бузишга йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирган эди, чунки «озгина бўлса-да қонунсизлик, совет тартибини озгина бўлса-да бузишнинг ўзи меҳнаткашларнинг душманлари дарҳол фойдаланадиган нуқсондир» (Ўша жойда, 181-бет). В. И. Ленин социалистик қонунчиликни пухта муҳофаза қилишни таъминлашга, совет маъмурий органларини демократик централизм асосида тузишга, меҳнаткашларни социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда актив қатнаштиришга жуда катта эътибор берган эди.

Коммунистик партия ва Совет давлати Ленин йўлини давом эттириб қонунчиликни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, қонунни ҳимоя қилиш органлари фаолиятини яхшилаш, давлатнинг ҳамма қонун талаблари муттасил ва аниқ бажарилиши тадбирларини мунтазам амалга оширмоқда. КПСС МК «Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ва қонун бузишларга қарши курашни кучайтириш ишини яхшилаш тўғрисида»ги қарори бу соҳада янги катта қадам бўлди. Қарорда қонун бузиш ҳолларига қарши курашда одамларга давлат ва жамоат таъсири ўтказиш воситаларидан янада самарали фойдаланиш,

партия, давлат, хўжалик, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга аниқ мақсадни кўзлаб комплекс ёндашиши ва ҳаракат бирлигини таъминлаш, бу ишга кенг халқ оммасини жалб этиш зарурлиги таъкидланган.

КПСС МҚ ўртага қўйган вазифалар партия ва давлат системаси, жамоат ташкилотлари, маъмурий органлар, шу жумладан юстиция ва суд органлари ҳар бир бўғини учун фаолиятнинг аниқ, конкрет йўналишларини кўзда тутади.

Ўзбекистон ССР Юстиция министрлиги шу йил март ойида мазкур қарорни бажариш масалалари юзасидан коллегиянинг кенгайтирилган мажлисини ҳамда республика юстиция органлари ва судлари раҳбар ходимларининг семинарини ўтказди. Бўлиб ўтган муҳокама натижасида фаолиятимизни такомиллаштиришга қаратилган конкрет тадбирлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш учун халқ судлари ишини ташкил этишни янада яхшилаш айниқса муҳим аҳамиятга эга. Судлар гражданларни СССР Конституциясига ва унга асосланган қонунларга қаттиқ риоя этиш, социалистик жамият қоидаларини ҳурматлаш руҳида тарбиялаши, бунда ҳуқуқлар ва эркинликларни амалга ошириш гражданларнинг ўз вазифаларини бажариши билан узвий равишда боғлиқ эканини, ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш жамият ва давлат манфаатларига, бошқа гражданларнинг ҳуқуқларига зарар етказмаслиги лозимлигини назарда тутишлари керак.

Суд мажлисларини барча процессуал нормаларга риоя қилиб пухта ташкил этиш, қонуний ва асосланган ҳукмлар ҳамда қарорлар чиқариш — халқ судлари фаолиятидаги бош масаладир, мана шундай ҳукм ва қарорлар гражданларни совет қонунларини чуқур ҳурматлаш, уларнинг адолатли эканига, уларга муттасил риоя қилиш зарурлигига, қонунбузарлар албатта жазоланишига ишониш руҳида тарбиялайди.

Конкрет жиноий ёки гражданлик иши юзасидан суд мажлиси бошланишидан аввал судлов органлари ишини тўғри ташкил қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Халқ судларининг ва бошқа суд органларининг раислари, юстиция бўлимларининг раҳбарлари гражданларни қулай соатларда қабул қилишни аниқ ташкил этишлари лозим. Одамларга сезгир, эътиборли бўлиш, меҳнаткашларнинг хат, шикоят ва аризаларини ўз вақтида кўриб чиқиш, одамларнинг тақдирига жонкуярлик билан қараш — суд ва юстиция органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг бош йўналишларидан биридир.

Совет кишилари ҳуқуқлари ва эркинликларининг конституциядаги гарантиялари одил судлов органлари зиммасига шахсга ва жамоат тартибига қарши жиноятлар тўғрисидаги ишларни, шунингдек меҳнат, уй-жой, оилавий ҳуқуқ муносабатларидан келиб чиқадиган ишларни кўриб чиқиш сифатига эътиборни янада кучайтириш вазифасини юклайди. Совет кишиларининг ҳуқуқлари ва эркинлигига дахлдор бўлган ҳам жиноий, ҳам гражданлик ишларига доир судлов савиясини янада ошириш ҳозирги куннинг энг муҳим талабларидан биридир.

Судларни ихтисослаштириш судлов иши даражасини оширишнинг таъсирчан воситасидир. Бу соҳада республикада ижобий тажриба орттирилган. Балоғатга етмаганларнинг ишларини, гражданлик ва бошқа баъзи категориядаги ишларни кўриш махсус ажратилган ҳамда мазкур масалада энг билимдон, тажрибали судьяларга топширилади. Натижада ишларни кўриш муддатлари қисқаради, сифати ошади, суд мажлисларининг самарадорлиги кўтарилади.

Совет кишиларини социалистик қонунларни ва ҳуқуқ-тартиботни

ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашда одил судловнинг ошкоралиги жуда муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун ижтимоий ахлоқ нуқтаи назаридан энг ибратли ишларни корхоналарда, муассасаларда, колхоз ва совхозларда ўтказиладиган сайёр суд мажлисларида кўриш алоҳида аҳамиятга эга. Сайёр суд мажлисларининг жуда катта тарбиявий аҳамиятини назарда тутиб, жойлардаги партия ва совет органлари, жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари шу мажлисларни ўтказишда судларга ғоят актив кўмаклашиши муҳимдир.

КПСС МҚ қарорида жиноятчилик ва қонун бузиш ҳолларини муваффақиятли равишда узил-кесил тугатишнинг асоси сифатида қонунларга риоя қилиш руҳидаги профилактика ишини яхшилашга алоҳида эътибор берилган. Совет судининг кўпдан-кўп самарали олдини олиш, тарбиявий таъсир воситалари бор. Масалан, хусусий ажримлар чиқариб, қонун бузиш сабабларини тугатиш чораларини кўриш учун тегишли органларга, мансабдор шахсларга юбориш шу жумлага киради. Суднинг хусусий ажримини бажариш мажбурияти қонун билан белгиланган, бундан бўйин товлаганлик учун жазо берилади. Судлар хусусий ажримларнинг бажарилиши устидан контроллик қилишга халқ маслаҳатчиларини, жамоатчилик вакилларини кенг жалб этмоқдалар.

КПСС МҚ қарори судларнинг зиммасига социалистик қонунчиликка қилинган ҳар қандай тажовузга қарши янада кескин курашиш масъулиятини юклайди. СССР Конституциясига ёзиб қўйилган социалистик мулкни ҳимоя қилиш, ундан ғаразли мақсадларда фойдаланмаслик тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ судлар давлат ва жамоат мулкини ўғирлаш ҳамда исроф қилишга, хизмат мавқеини суиистеъмол қилишга, хўжасизликка, қўшиб ёзишларга, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳамда давлат, колхоз-кооператив ва жамоат ташкилотлари, муассасалар ва корхоналар учун мулкий зарар етказадиган бошқа жиноятларга қарши муросасиз курашишлари лозим. Давлатга моддий зарар етказувчи кишиларга нисбатан судлар мол-мулкни мусодара қилиш, муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш сингари қўшимча жазо чораларини кенг қўлланадилар. Давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўла қоплаш масъулияти тергов ва судлов органларидан ўғирланган нарсани қидириб топиш ва тортиб олишда янада кўпроқ активлик кўрсатишни талаб этади.

КПСС МҚ қарорида белгиланган ёшларнинг қонун бузишларига қарши курашни янада кучайтириш вазифаларига биноан республика юстиция органлари ва судлари балоғатга етмаганларни қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялаш ишининг сифати ва самарадорлигига катта эътибор бермоқдалар. Ҳукм қилинган балоғатга етмаганларга нисбатан ҳукмни ижро этиш муддатини кечиктириш сингари қайта тарбиялаш формаси кўп ҳолларда қўлланилмоқда ва яхши натижа бермоқда. Юстиция органлари ва судлар ёш қонунбузарларнинг ахлоқини тузатиш учун ҳамма имкониятлардан энг яхши тарзда фойдаланиш мақсадида балоғатга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, маориф органлари, ота-оналар комитетлари, кенг жамоатчилик билан мустаҳкам алоқа ўрнатмоқдалар.

Кўпгина хатарли жиноятларнинг ва жамоат тартиби бузилишининг сабабчиси бўлмиш ичкиликбозлик билан курашни янада кучайтириш ҳам жуда муҳим вазифалар жумласига киради. Балоғатга етмаганлар ичкиликбозликка тортилган ҳолларда алоҳида қатъият ва муросасизлик кўрсатиш керак. Бундай ножўя иш қилган катта ёшдаги бирон киши жазосиз қолмаслиги керак. Ичкиликбозликка қарши тўхтовсиз жанг олиб бориш зарур. Юстиция органлари билан судлар бу жангда жуда фаол қатнашишлари лозим. КПСС МҚ қарорига биноан раҳбар органларнинг кўрсатмаларини бажариб, Ўзбекистон ССР Юс-

тиция министрлигининг коллегияси ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш самарадорлигини янада оширишга қаратилган бир қанча қарорлар қабул қилди. Шу қарорларнинг бажарилиши доимо назорат қилиб турилибди.

Социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш юзасидан КПСС МК қарорида ўртага қўйилган масъулиятли вазифалар юстиция ходимлари ва судларнинг зиммасига ишга расмиятчилик билан ёндашишнинг ҳар қандай кўринишларига, сансалорлик ва бюрократизмга, гражданларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини камситадиган бошқа иллатларга қарши кескин курашиш масъулиятини юклайди. Шу муносабат билан кадрлар билан ишлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу иш одамларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашнинг, зарур резерв яратишнинг партиявий принципларига риоя қилишга, юстиция органлари ва муассасаларини ҳамда судларни ёш мутахассислар билан планли равишда тўлдириб туришга асосланади.

Бизнинг министрлигимиз кадрлар малакасини оширишнинг турли форма ва методларидан кенг фойдаланмоқда. Бутуниттифоқ юстиция ходимлари малакасини ошириш институтида, Республика юстиция ходимлари малакасини ошириш курсида кўп киши қайта тайёргарликдан ўтмоқда. Ишлаб чиқариш практикасига юбориш ҳам таълимнинг самарали воситаларидан биридир. Кадр тайёрлаш ва уларнинг ишчанлик малакасини ошириш, улар билан олиб бориладиган ғоявий-сиёсий иш савиясини янада юксалтириш — меҳнатга ижодий муносабат, топширилган иш учун юксак масъулият туйғусини вужудга келтиришнинг муҳим шартидир.

Совет судининг кучи ва обрўси — халқ билан, жамоатчилик билан чамбарчас алоқада ишлашидадир. Одил судловга меҳнаткашларни кенг жалб этиш партиянинг социалистик қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш соҳасида қўйган вазифалари муваффақиятли бажарилишининг жуда муҳим шартидир. Халқ маслаҳатчилари яқинда сайланиши натижасида ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларининг энг муносиб намояндалари республика судларига келдилар. Уларга амалий ёрдам бериш, уларни халқ судидаги масъулиятли ва фахрли вазифани бажаришга ҳар томонлама яхши тайёрлаш — қонунни муҳофаза қилиш органларининг жуда муҳим бурчидир.

Халқ маслаҳатчиларига қонунни ўргатиш асосан икки шаклда: республикадаги 180 тадан ортиқ ҳуқуқий билимлар халқ университетларида ва бевосита судларнинг ҳузуридаги семинар машғулотларида ўтказилмоқда. Халқ маслаҳатчилари ўзларининг ҳуқуқлари ва вазифаларини, одил судлов вақтидаги барча процессуал ҳаракатларнинг аҳамиятини равшан тушуниб олмоқдалар, қонунчилик нормаларини қўлланиш практикасини ўрганмоқдалар.

Халқ маслаҳатчиларини тайёрлаш самарадорлиги аввало улар жиноий ва гражданлик ишларини судда текшириш, улар юзасидан ҳукм ва қарорлар чиқаришнинг ҳамма босқичларида нақадар фаол, чуқур ва атрофлича қатнашишлари билан белгиланади. Совет қонунчилиги халқ маслаҳатчисининг мустақиллигини ва унинг иш ҳамма ҳолатларини ва қонун талабларини холисона, ҳар тарафлама ўрганишигагина асосланган фикр эркинлигини қаттиқ ҳимоя қилади. Одил судловда халқ маслаҳатчиси ҳаракатларининг муҳимлиги ва масъулияти ўзининг асосий ҳуқуқларидан кенг фойдаланиш ва ўз вазифаларини виждонан бжаришнинг негизи бўлган қонунларни чуқур билишни талаб қилади.

Ангрен шаҳар халқ судининг маслаҳатчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони коммунист Хўжа Алиқулов, Наманган шаҳар халқ судининг маслаҳатчиси етти боланинг онаси Нурхон Ҳамроқулова, Тошкентдаги Октябрь райони халқ судининг маслаҳатчиси, ўзбек хотин-

қизларини озодликка чиқариш ҳаракатининг ветерани Хайринисо Содиқова ва бошқа кўп кишилар қонунларни мана шундай чуқур билишларини, юксак гражданлик намуналарини кўрсатмоқдалар.

Қонун бузишнинг олдини олиш ишига кенг жамоатчиликни жалб қилишда корхоналар, ўқув юртларида, гражданларнинг истиқомат жойларида тузиладиган ўртоқлик судлари катта роль ўйнамоқда. Мустақил жамоат ташкилоти бўлмиш ўртоқлик судлари мунтазам методик, ҳуқуқий ва ташкилий ёрдамга муҳтож. Бу соҳада ҳам юристлар, жамоатчилик, меҳнат коллективларининг куч-ғайратларини партия ва совет органлари раҳбарлигида бирлаштириш ҳамда уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириб олиб бориш жуда муҳим.

СССР Конституциясида, КПСС МҚ ва СССР Министрлар Советининг бир қанча қарорларида халқ хўжалиги соҳасида социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, барча корхоналар, ташкилот ва муассасалар фаолиятида план, шартнома ва меҳнат интизомини яхшилаш зарурлиги таъкидланган. Бу масалаларда юридик хизматнинг ролини янада оширишга Ўзбекистон КП Марказий Комитети, республика Министрлар Совети ва шахсан КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов катта эътибор бермоқдалар.

Халқ хўжалигидаги ҳуқуқий иш — норма белгилаш ва қонунни қўлланиш практикасининг кўп соҳаларини, шунингдек ишлаб чиқариш коллективларини ҳуқуқий тарбиялашни, совет қонунчилиги пропагандасини кучайтиришни ўз ичига олувчи чуқур ва кўп қиррали тушунчадир. Мана шу соҳаларнинг ҳаммаси умумий мақсадлар, умумий қўлланиш соҳаси билан ўзаро узвий равишда боғланган.

Республикада бу ишни тўғри ва самарали ташкил этиш намуналари кўп. Чунончи, Ўзбекистон ССР Госплани марказий аппарат составида мустақил юридик бўлим тузди, ўз илмий-тадқиқот институтида иқтисодий-ҳуқуқий тадқиқотлар секторини ташкил этди, кўпгина корхона ва муассасаларга норматив ҳужжатларни системага солишда, хўжалик қонунларини пропаганда қилишда, моддий-техника таъминотининг илғор формаларини жорий этиш, маҳсулот сифатини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун ҳуқуқ воситаларидан фойдаланишда амалий ёрдам бермоқда.

Бу ишда Ўзбекистон ССР Моддий-техника таъминоти давлат комитети сезиларли силжишга эришди. Бу ерда каттагина шартнома-ҳуқуқ бўлими тузилди. Бош бошқармаларга марказлаштирилган ҳуқуқ хизмати кўрсатилмоқда, материал етказиб бериш юзасидан комитетга қарашли корхоналарда юридик хизмат мустаҳкамланди, жумладан унинг ходимлари кўпайтирилди. Госснаб юристлари гарантияланган комплекс хизматни, улгуржи савдони, бевосита узоқ муддатли алоқалар асосида материал етказиб беришни жорий қилишга, план ва шартнома интизомини мустаҳкамлашга муваффақиятли кўмаклашмоқдалар. 1978—1979 йилларда улар шартномавий мажбуриятларни бажармаган корхоналардан 6 миллион сўмдан ортиқ жарима ундириб олдилар, материалларни нарядларсиз ва ажратилган фондлари бўлмаган ҳолда бериб юборган корхоналарга ҳам мана шундай жазо қўлланилди. Натижада материал етказиб бериш интизоми анча мустаҳкамланди. Тошкентнинг бир қанча саноат корхоналарида бундай қоидага хилоф ишлар уч баравар қисқарди. Ўзбекистон ССР Госснаби системасининг юристлари коллективларни ҳуқуқий тарбиялашда ҳам фаол қатнашиб, хўжалик ва меҳнат шартномаларини кенг пропаганда қилмоқдалар.

Республика пахта тозалаш саноати министрлиги системасида ҳам бу ишни ташкил этишнинг ижобий тажрибаси бор. Унинг ҳуқуқий хизмати иккита структура бўлинмасидан: марказий аппаратдаги юридик

бюро ва пахта маҳсулоти етказиб бериш бошқармасидаги юридик бўлимдан иборат. Барча область саноат бирлашмаларидаги катта юридик маслаҳатчилар корхоналарга хизмат кўрсатмоқдалар. Бундай структура самарали бўлиб чиқди, аппарат ходимларининг ҳуқуқий маданият савиясини оширишга, шартномавий ишни ва даъвони текшириш ишини яхшилашга ёрдам берди. 1979 йилда пахта етказиб бериш юзасидан шартномалар тузиш олдидан ҳамма баҳслар пахта тозалаш саноати корхоналари фойдасига ҳал этилди, улар қўйган ёки уларга нисбатан қўйилган даъволарнинг 90 проценти арбитражга етказилмай ўз вақтида тўғри кўриб чиқилди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги министрлиги юридик хизматни ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. У социалистик мулкнинг сақланишини таъминлашга, хўжаликларнинг шартномавий алоқаларини такомиллаштиришга ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга, колхоз уставига муттасил риоя этилишига алоҳида эътибор бермоқда. Республиканинг қишлоқ юристлари кейинги уч йилнинг ўзида тайёрлов, таъминот ташкилотлари ва бошқа ташкилотлардан колхоз ва совхозларнинг фойдасига неча ўн миллион сўм ундириб бердилар, уч мингтадан кўпроқ хўжалик шартномасини ўрганиб, амалдаги қонунларга мувофиқлаштирдилар.

Ўзбекистон ССР қурилиш, енгил саноат, савдо министрликларида, Ўзбекбирлашувда, Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитетида ҳуқуқий ишнинг ташкил этилишини ижобий баҳоласа бўлади, бу жойлардаги юристлар хўжалик фаолиятини такомиллаштириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, жамиятга зид ҳодисаларнинг олдини олиш учун ҳуқуқ воситаларидан актив фойдаланмоқдалар.

Юстиция органлари ҳуқуқ ишини яхшилашда министрликлар ва идораларга катта ёрдам бермоқдалар. Бизнинг министрлигимиз бу ишда методик раҳбарлик қилиб, юридик хизматнинг ижобий тажрибасини аниқлаш ва оммалаштиришга, уни ташкил этишнинг истиқболли, энг самарали шаклларини жорий этишга алоҳида эътибор бермоқда. Чунончи, материални бутлаб етказиб бериш деган янги тушунчадан хўжалик органларининг амалда фойдаланиши моддий-техника таъминотини такомиллаштиришга ва шартномавий интизомни мустаҳкамлашга имкон берди, министрликнинг методик тавсияларида Ўзбекистон ССРнинг меҳнат коллективларини социал-иқтисодий ривожлантириш планларини тузишда биринчи бор фаол қатнаша бошлаган юридик муассасалари ташаббуси қўллаб-қувватланди. Натижада бу планларда корхоналар, ташкилот ва муассасалар ҳуқуқий ишини яхшилашга қаратилган ҳамда юридик бўлимлар учун конкрет топшириқлар кўзда тутилган янги бўлимлар пайдо бўлди. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида «Хўжалик ва ҳуқуқ» деган махсус бўлим ташкил этилганлиги, ахборий хатлар мунтазам нашр этилиши, илмий-амалий конференциялар, кенгаш ва семинарлар доимо ўтказилиши ишнинг илғор форма ва методларини оммалаштиришга кўмаклашмоқда.

Биз ҳуқуқ билимларини пропаганда қилишга катта эътибор бермоқдамиз. Бу иш ягона план асосида олиб борилмоқда, қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялаш тадбирларида элликдан ортиқ министрлик, идора ва жамоат ташкилотининг қатнашиши кўзда тутилмоқда. Бу ишни Юстиция министрлиги мувофиқлаштириб турибди.

Аҳолининг ҳуқуқий онгини шакллантиришда лекция пропагандаси муҳим ўрин олмоқда. Унинг самарадорлиги конкретлик билан, шунингдек тингловчиларнинг ёш, касбкор ва бошқа хусусиятларини эътиборга олиб, табақалаштириш билан таъминланмоқда. «Инсон ва қонун», «Мен Совет Иттифоқининг гражданиман», «Халқ контроли экрани» ва

бошқа мавзуларда матбуотда, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларда ҳуқуқ билимларини пропаганда қилиш яхши натижа бермоқда.

Кейинги вақтларда аҳолининг ҳар бир категорияси учун алоҳида муҳим бўлган масалалар юзасидан меҳнат коллективларида, ўқув юртларида, гражданларнинг истиқомат жойларида циклли лекциялар тобора тез-тез ўтказилмоқда. Мана шундай лекциялар энг юксак тарбиявий наф беришини, қонунларни чуқур ўрганишга қизиқиш уйғотишини ҳаёт кўрсатиб турибди. Саноат корхоналари, колхоз ва совхозларнинг кўп тиражли ва деворий матбуотининг имкониятларидан, ички радио тармоғидан кенг фойдаланилмоқда. Ҳуқуқ мавзуидаги кинолекторийлар анча оммалашди. Махсус семинар ва тўгараклар, ҳуқуқ билимлари халқ университетлари қонунлар тўғрисида батафсил тасаввур бермоқда. Юстиция министрлиги ва унинг органлари ҳуқуқ билимлари пропагандаси турли шакллари самарадорлигини пухта ўрганиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқмоқда, энг яхши пропагандистларнинг тажрибасини оммалаштирмоқда.

Ҳозир республикадаги бир талай меҳнат коллективлари меҳнат интизомини, жамоат тартибини бузиш ҳолларини ва иш вақтининг зое ўтишини муваффақиятли тугатмоқдалар. Масалан, Енгил саноат, Қурилиш министрликлари «Главташкентстрой», «Узплодоовошчвинпром» корхоналари, В. П. Чкалов номли, «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқа корхоналарнинг коллективлари ана шундай қилмоқдалар.

Социалистик қонунчиликни изчиллик билан мустаҳкамлаш учун унинг норматив базаси бўлмиш совет қонунларини ривожлантириш катта аҳамиятга эга бўлади. 1977 йилги СССР Конституцияси қабул қилиниши муносабати билан иттифоқ қонунларини такомиллаштириш иш плани тасдиқланди. Ўзбекистонда республика қонунларини Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқлаштириш тадбирлари кенг программаси кўзда тутилди. Маълумки, ҳозиргача Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисида Қонун, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тўғрисида Қонун, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов тўғрисида Қонун ва бошқа қонунлар қабул қилинди. Ҳозир яна бир қанча қонунлар тайёрланмоқда. Уларнинг қабул қилиниши зарурлиги Ўзбекистон ССР Конституциясида кўзда тутилган ёки ундан келиб чиқади.

Амалдаги қонунларни системага солиш совет қонунчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан биридир. Бу масала доимо Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг диққат марказида турибди. Уларнинг қарорига биноан Юстиция министрлиги Ўзбекистон ССРнинг амалдаги қонунлари Системаланган тўпламини нашрга тайёрлади. 21 томдан иборат бу тўплам давлат билан жамият турмуши ва фаолиятининг энг муҳим соҳаларини тартибга солади. Жумладан, унга жамоат ва давлат тузилиши, халқ хўжалигининг умумий масалалари хусусидаги, меҳнат, социал-страхование ва социал таъминот, гражданлик ҳақидаги, молия ва кредит тўғрисидаги қонунлар, ер, сув, ер ости, ўрмон ҳақидаги ва бошқа қонунлар киритилди. Ҳозиргача 11 та китоб босилиб чиқди.

Системаланган тўпламнинг нашр этилиши маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларига тегишли масалаларни ҳуқуқий тартибга солишни унификация қилишга имкон беради, социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботини янада мустаҳкамлаш учун пухта негиз яратади.

Ўзбекистон ССР Қонунлари мажмуасини нашр қилишга қунт билан тайёргарлик кўрилмоқда. Ўзбекистон КП Марказий Комитети бунга катта аҳамият бермоқда. Тўққизинчи чақириқ республика Олий Советининг Ўзбекистон ССР Конституциясини қабул қилган навбат-

дан ташқари олтинчи сессиясидаги якунловчи нутқида ўрток Ш. Р. Рашидов бундай деб таъкидлади: «Ўзбекистон ССР Конституцияси қабул қилиниши муносабати билан республика қонунлари мажмуасини тайёрлашни жадаллаштириш зарур. Республика қонунларининг такомиллаштирилиши социалистик демократияни янада ривожлантиришни, ҳокимият ва бошқарувнинг ҳамма поғоналарида қонунчиликни мустаҳкамлашни таъминлаши лозим».

Ўзбекистон ССР қонунлари мажмуасини 1982—1986 йилларда нашр этиш планлаштирилмоқда. У ҳуқуқнинг энг муҳим тармоқларига оид бешта бўлимдан иборат бўлади. Унга: жамоат ва давлат тузуми тўғрисидаги; социал ривожланиш ва маданият гражданларнинг социал-иқтисодий ҳуқуқлари ҳақидаги; табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги; халқ хўжалиги ҳақидаги; одил судлов ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар киритилади.

Ўзбекистон ССР Конституцияси республика қонунлари мажмуасининг ўзаги бўлгани учун мажмуанинг биринчи боби қилиб киритилади. Конституциянинг асосий қоидалари, унга хос демократик йўналиш, инсонпарварлик руҳи қонунлар мажмуасининг ҳамма бўлимларини бир бутун қилиб бирлаштиради.

КПСС МКнинг «Ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ва қонун бузишларга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги қарорида социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, СССР Конституциясини ва унга асосланган совет қонунлари муттасил, аниқ бажарилишини таъминлаш вазифаларини амалга ошириш шу кунларда чинакам умумхалқ иши бўлиб қолди. Республика юстиция органлари ва судлари бу ишга муайян ҳисса қўшмоқдалар, В. И. Ленин васиятларини, КПСС XXV съезди қарорларини, ўнинчи беш йиллик режаларини амалга оширишда актив қатнашмоқдалар.

КОММУНИСТИК ЭЪТИҚОД — СОВЕТ ЁШЛАРИ ҒОЯВИЙ-АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРИНИНГ АСОСИ

А. ЧОРИЕВ,
философия фанлари кандидати

Мамлакатимиз Коммунистик партияси В. И. Ленин васиятларига амал қилиб, ёшларни тарбиялаш масалаларига доимо катта эътибор бериб келди ва келмоқда. КПСС МК «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори бу ишда ҳар бир партия аъзосининг роли ва масъулиятини оширишга даъват этади, чунки ҳозирги шароитда ёшларнинг жамият социал-иқтисодий ҳаётидаги роли муттасил ортиб бормоқда.

Ёшлар меҳнат ресурсларининг асосий манбаидир. Бизнинг кунларда мамлакатимиз халқ хўжалигига ҳар йили қарийб 4 миллион йигит-қиз, шу жумладан Ўзбекистонда 450 мингдан зиёд йигит-қиз келиб қўшилади. Машинасозлик ва қурилишдаги ходимларнинг салкам 40 процентини, транспорт ходимларининг учдан бир қисмини, енгил саноат ходимларининг деярли ярмини ёшлар ташкил этади. Халқ хўжалигида ишлаётган барча олий ва ўрта махсус билимга эга мутахассисларнинг учдан бирини ўттизга етмаган ёшлар ташкил этади. Ўзбекистонда ҳар уч ходимдан бирининг ёши 29 га етмайди, ўн ходимнинг биттаси энди 20 ёшга тўлган. Шуниси диққатга сазоворки, ишчилар синфи орасида айрим тармоқларда 40—50 процентни ташкил этган ёшлар сони муттасил ортиб бормоқда.

Маълумки, ёшлик (ўспиринлик ҳам) шахснинг индивидуал ривожида, камолотида энг кўп вақтга чўзиладиган босқичдир. Бу даврда киши ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан балоғатга етади, маълум ҳаётий позицияга эга бўлади, касб танлайди, меҳнат ва ижтимоий-сиёсий фаолиятга жалб этилади. Меҳнат унинг ўзлигини англаши ва моддий жиҳатдан мустақил бўлиши учун омил бўлиб хизмат қилади.

Айни шу даврда ёш йигитнинг социал етуклиги анча тез шаклланади. Иқтисодий мустақилликка эришиш, стабил касбини эгаллаш ўша социал етукликнинг асосий критерийсидир, деган фикр бор. Бизнинг фикримизча, энг муҳими бу эмас, балки актив социал фаолият, маънавий-ахлоқий қиёфа, жумладан инсоннинг ғоявий-ахлоқий фазилатларидир.

Социалистик турмуш тарзининг самараси бўлмиш совет халқидаги энг яхши фазилатлар ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий қиёфасида мужассамлашгандир. Коммунистик эътиқод ўшалар орасида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Коммунистик эътиқод шахснинг ҳам социал феномени, ҳам унинг ғоявий-ахлоқий фазилати сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Биз уни ғоявий-ахлоқий фазилат сифатида таҳлил қиламиз.

Ғоявий эътиқод киши бутун фаолиятининг, айниқса жамият ва

шахс объектив ва субъектив омилларнинг диалектик бирлигини ўзида ифода этувчи унинг ижтимоий-сиёсий фаолиятининг муҳим жиҳатидир. Ишчилар синфининг жаҳоншумул-тарихий миссиясига, социализм ва коммунизмнинг жаҳон миқёсида ғалаба қилишининг қонунийлиги муқаррарлигига ишонч, социалистик жамият қуриш ва коммунизмга ўтиш даврида ишчилар синфи ҳамда унинг марксчи-ленинчи партиясининг раҳбарлик ролини тушуниш, социалистик интернационализмнинг ҳаётбахш кучига, капиталистик ва ривожланаётган мамлакатлар меҳнаткашлари, ўз миллий мустақиллиги учун курашаётган халқлар билан синфий бирдамликнинг зарурлигига ишонч коммунистик эътиқод асосини ташкил этади.

Синфий онглилик совет кишисидаги коммунистик эътиқоднинг энг муҳим элементидир. Уни шакллантириш ўзининг социализм буюк ишига дахлдорлигини, пролетариатнинг эксплуататорлик тузумини йўқотиш учун олиб бораётган революцион курашининг адолатли эканлигини ва коммунизм тантанасини англашдан бошланади. Ёшлар ижтимоий ҳаётда актив иштирок этиш процессида марксча-ленинча идеологияни эгаллаган сайин уларда синфий қарама-қаршиликларнинг объектив ва антагонистик характерини тўғри тушуниш шаклланади.

Коммунистик эътиқод — бу даставвал эмоционал муносабат ва ҳаётий тажриба билан тўлдирилган ҳамда бир мақсадга қаратилган фаолиятнинг асосий стимулига айланган чуқур, мустаҳкам билимдир. Билимнинг шахсий эътиқодга айланиши учун ўша билим доимо амалда қўлланилиши керак. Эътиқод хатти-ҳаракатсиз яшай олмайди.

Билимнинг коммунистик эътиқоднинг асоси сифатидаги роли бизнинг кунларда яна ҳам ортди. Гуркираб ривожланаётган фан-техника тараққиёти ҳар бир ёшдан интеллектуал жиҳатдан муттасил ўсиб боришни, янги-янги билимларни ўзлаштиришни талаб қилади. Социологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳозир мамлакатимиз бутун тарихидаги энг билимли авлод мустақил ҳаётга қадам қўймоқда.

Лекин коммунистик эътиқод асосини айрим факт ва қонунларнигина ўз ичига олган узиқ-юлиқ билимлар эмас, балки маълум бир системага солинган, дунё ҳақида, инсоннинг ундаги ўрни тўғрисида яхлит бир тасаввур берадиган билимлар ташкил этади. Инсон учун муҳим ҳаётий аҳамиятга молик бўлган, унга ҳаёт мазмунини очиб берувчи, нимага интилиш, ўз куч-ғайратини нимага сарфлаш йўлларини кўрсатиб берувчи билимгина коммунистик эътиқодга айланади. Мана шундай йўл-йўриқ кўрсатиш вазифасини марксизм-ленинизм бажаради. Шунинг учун ҳам ҳозирги йигит ва қизларнинг марксизм-ленинизмни оммавий равишда ўрганишлари бежиз эмас: ВЛКСМ XVIII съездида келтирилган маълумотларга қараганда, биргина марксча-ленинча таълим системаси тўгараклари ва семинарларида 16,5 миллиондан зиёд ёш меҳнатчилар шуғулланмоқда.

Марксизм-ленинизмни чуқур эгаллаш тарихий тараққиётнинг боришини тўғри тушуниш, ўз хулқ-атворининг аҳамияти ва оқибатини тўғри баҳолаш, шахсий манфаатларни жамият манфаатлари билан қўшиб олиб бора олиш қобилиятини шакллантиради. Коммунистик қурилишда фаол иштирок этиш процессида, партиянинг бир мақсадни кўзлаб, кун сайин олиб бораётган ғоявий-тарбиявий ишлари туфайли марксизм-ленинизм ёшларнинг шахсий эътиқодига айланиб бормоқда.

КПСС МК Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС МК секретари М. А. Суслов идеология ходимларининг Бутуниттифоқ кенгашида 1979 йил 16 октябрда қилган докладида таъкидлаб ўтганидек, «вазифа аввало шундан иборатки, ғоят кенг омма партия назарияси ва сиёсатининг актуал масалаларини янада чуқур ва атрофлича тушунадиган бўлишига интилмоқ керак. Марксизм-ленинизмнинг фундаментал энг асосий қоидаларини ўрганиш айни меҳнаткашларнинг билим доирасини кенгай-

тиришга, сиёсий маданиятини оширишга олиб бориши лозим». Бунда партия билиш ва амалий фаолият бирлиги принципидан келиб чиқиб иш кўришга чақиради, билимнинг эътиқодга, ҳаракат қўлланмасига, юксак онглилик кўрсатиб, бутун кучини умумий ишга сарф қилаётган ёт идеология ва ахлоқнинг ҳар қандай кўринишларига қарши муросасиз курашаётган совет кишисининг актив ҳаётий позициясига айланишини талаб этмоқда.

Коммунистик эътиқод оддий билимдан яна шу билан ҳам фарқ қиладики, у доимо шахс билан боғлиқдир. Киши ўзида маълум принципларни қарор топтириб, ўша принципларига ҳар қандай шароитда ҳам содиқ қолган тақдирдагина бирор нарсага ишонади, эътиқод қилади.

Коммунистик эътиқодни қарор топтириш мустақил фикрлашни тақозо этади. В. И. Ленин 1919 йил 11 июлда Свердлов университетида ўқиган «Давлат тўғрисида»ги лекциясида таъкидланганидек, «энг муҳими шуки, ...асарлар ўқишингиз, суҳбатлар ва лекциялар эшитишингиз натижасида сиз... масалага мустақил қарай оладиган бўлиб олишингиз керак... Фақат шундагина ўзингизни ўз фикрида етарли даражада маҳкам турган киши деб ҳисоблай оласиз ва шу фикрларингизни ҳар қандай одам олдида ва ҳар қаерда бемалол ҳимоя қила оласиз» (Тўла асарлар тўплами, 39-том, 75—76-бетлар).

Кишининг фаолияти унинг дунёқараши билан асосланган, у ёки бу тушунчанинг ҳаққонийлиги кишида шубҳа туғдирибгина қолмай, балки унинг шахсий муносабатини тақозо этган тақдирдагина ишонч, эътиқод пайдо бўлади. Коммунистик эътиқод — бу марксча-ленинча ғоялар, қарашлар бўлиб, киши уларга ихтиёрий равишда амал қилади, улар барча объектив шарт-шароитлар ва жой, иш, ўқиш вақти, ҳаёт билан боғлиқ субъектив омиллар таъсирида киши онгида пайдо бўлади. У билим ва амалий хатти-ҳаракат ўртасида оралиқ бўғин бўлиб хизмат қилади. Коммунистик эътиқод — бу киши иродаси, ҳис-туйғулари ва интилишлари билан йўғрилган билим бўлиб, у кишилар хатти-ҳаракатини бошқариб боради, шахс хулқ-атворини тартибга солиб турувчи регулятор ролини бажаради. Коммунистик эътиқод кишининг ҳаётий тажрибаси ортиши, барча маълумотларнинг тўпланиши ва системага тушиши процессида доимо бойиб боради.

Шундай қилиб, коммунистик эътиқод — бу фақат дунёқараш билан боғлиқ билимлар системаси бўлибгина қолмай, шунингдек чуқур англанган ва ҳис-туйғу, ирода билан боғлиқ бўлган ҳаракат қилишга ички бир тайёрлик, фаолият ва хулқ-атворни ишга соладиган қудратли омилдир.

Коммунистик эътиқод замирида ғоявий эътиқод, яъни коммунистик идеологиянинг ҳақлигига қатъий ишонч ётади. Бу муҳим хислат ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, ҳолбуки совет турмуш тарзи уни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб беради. Ғоявий эътиқод асосида инсон ўзи интиладиган идеал ётадики, уни ўша киши мансуб бўлган синф тарбиялаб етиштиради. Марксизм-ленинизм совет ёшлари юксак ғоявийлигининг негизини ташкил этиб, у ёшларнинг қарашлари, ўй-фикрлари ва хатти-ҳаракатларининг узвий бирлигини олдиндан белгилаб беради. КПСС МҚ Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, «пировард натижада меҳнаткашларнинг айни ғоявий эътиқодини, сиёсий онглилигини ўстириш ҳамма соҳаларда олға томон қилаётган ҳаракатимизнинг ҳал қилувчи шартидир» (Ленин йўлидан. 5-том, 354-бет).

Ҳар бир ёшнинг ғоявий эътиқодни юксак ҳаётий куч-ғайрат, маданият, билим ва уларни амалда қўллай олиш маҳорати билан қўшиб олиб бориши учун мамлакатимизда жуда кўп иш қилинмоқдаки, бу бежиз эмас. Бу яхши самаралар бермоқда. Миллион-миллион совет йи-

гит-қизлари ғоявий эътиқодлиликнинг, ватанпарварлик ва интернационал бурчни ҳалол бажаришнинг мисли кўрилмаган намуналарини бутун дунёга кўрсатмоқда.

Коммунистик эътиқод кишиси ўз меҳнатини буюк умумхалқ ишининг — коммунизм қурилиши ишининг бир зарраси деб билади. Коммунистик эътиқод совет ёшларидаги шахсга хос фазилат сифатида сўзда эмас, балки кундалик ҳаётда намоён бўлади. Ёшларнинг коммунистик меҳнат ҳаракатида иштирок этиши бунинг ёрқин далилидир. Бугунги кунда бу ҳаракатда 20 миллиондан зиёд йигит ва қизлар қатнашмоқда. Ҳар икки ёш ишчидан бири «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган унвонга сазовор бўлган. Ҳар уч комсомол-ёшлар коллективидан бирини коммунист, иккитадан биттасини комсомол аъзоси бошқаради.

Коммунистик меҳнат ҳаракати совет ёшларининг энг яхши маънавий фазилатларини — коллективизм, собитқадамлик, ўртоқларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам, марксизм-ленинизм идеалларига садоқат сингари фазилатларини намойиш қилади. Коммунистик эътиқодга эга бўлган ёш йигит ўз меҳнатининг ижтимоий аҳамиятини чуқур тушунади, умумхалқ манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилади, ташаббус кўрсатади, ўз мажбуриятларини бажаришга ижодий ёндашади, ўз профессионал маҳоратини муттасил ошириб боради, меҳнат унумдорлигини оширади. Рационализатор ва ихтирочилар сафига қўшилаётган йигит ва қизлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Масалан, Ўзбекистонда 1974—1978 йилларда ёш меҳнатчилар 45 минг рационализаторлик таклифлари киритдилар ва ихтиро қилдиларки, улар 60 миллион сўм иқтисодий самара берди. Бу шуни кўрсатадики, коммунистик эътиқод соҳиби бўлган йигит ва қизлар учун меҳнат шунчаки моддий бойлик орттириш воситаси эмас, балки ижтимоий вазифа, маънавий бурчдир. Шунинг учун ҳам улар ижодий меҳнат қилишга, ташаббус кўрсатишга, бутун куч ва қобилиятларини ишга солишга уринишади.

Коммунистик эътиқод шунингдек онгли интизомда ҳам намоён бўлади. Иш вақтининг бекор кетиши қисқаргани бу хислат ёшлар орасида тобора кўп тарқалганини кўрсатади, Чунончи, Қашқадарё область комсомол комитети маълумотларига қараганда, тўққизинчи беш йиллик давомида областдаги ишчи ёшлар орасида прогул (киши-кун ҳисобида) деярли 2 марта, қишлоқ ёшлари орасида эса — 2,5 марта камайди. Коммунизм қурилиши ҳар бир кишидан ўз фаолиятини ўзини интизомга бўйсундира олиш қобилияти асосида ташкил этишни тобора кўпроқ талаб этмоқдаки, бу коммунистик эътиқод ва ривожланган социализм жамиятидаги шахс барча маънавий фазилатлари намоён бўлишининг конкрет формаларидан биридир.

Коммунистик эътиқод ёшларнинг Совет давлати ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши учун катта имкониятлар очади. Социализм қурилиши практикаси шуни кўрсатдики, бизда сиёсат чинакам миллионлар иши бўлиб, улар, В. И. Ленин таъбири билан айтганда, ҳамма нарсани билишади, ҳамма нарса ҳақида фикр юргиза олади ва ҳамма ишни онгли равишда бажаради. Сиёсий масалаларни, энг йирик қонун лойиҳаларини, мамлакатнинг иқтисодий ва социал ривожланиш планларини муҳокама қилишда актив қатнашиш ҳаётимиз нормаси бўлиб қолди. Чунончи, СССР янги Конституциясининг лойиҳасини муҳокама қилишда 46 миллион йигит ва қиз иштирок этди, улардан 5 миллиондан ортиғи конкрет таклифлар киритди.

Ижтимоий-сиёсий активлик ривожланган социализм шароитида коммунистик эътиқоднинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади, бундай ак-

тивлик ёшлар учун характерлидир. Қуйидаги кўрсаткичлар бундан ёрқин далолат беради: Ленин комсомоли сафларида салкам 38 миллион йигит-қиз бор, Советларда 720 мингдан зиёд йигит-қиз ишлайди, бу барча халқ депутатларининг салкам учдан бирини ташкил этади, 25 миллиондан ортиқ ВЛКСМ аъзоси касаба союз ташкилотлари аъзоларидир.

Ишлаб чиқаришни бошқаришда доимий ишловчи ишлаб чиқариш кенгашларининг роли катта бўлиб, улар жуда кўп кишиларнинг иш тажрибаси ва билимини ўзида тўплайди; бу кенгашларда ўн миллионлаб кишилар иштирок этади, уларнинг орасида ёшлар ҳам оз эмас. Олтмишинчи йилларнинг бошларида пайдо бўлган «Комсомол прожектори» штаблари ва отрядлари йигит ва қизларни бошқаришга жалб этишнинг муҳим формасидир. Жамоат контролининг бу ўзига хос ёшлар формасининг юзага келиши ва ривожланиши — коммунистик эътиқоднинг, ёшларнинг ўз кучига ишонишининг коммунизм қурилишидаги ўз куч-ғайратларини активлаштиришга интилишларининг яна бир далилидир. Ҳозирги вақтда «Комсомол прожектори» сафларида 3,5 миллиондан зиёд йигит ва қиз бор.

Совет ёшларидаги коммунистик эътиқод шунингдек партия, комсомол ва бошқа ташкилотлар томонидан топширилган турли топшириқларнинг бажарилишида ҳам намоён бўлади. Масалан, Ўзбекистон Компартияси Қашқадарё область комитети пропаганда ва агитация бўлимининг социологик группаси томонидан ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, областдаги умумий таълим мактабларида савол-жавоб қилинган 6 минг юқори синф ўқувчиларининг 76 проценти, 3 минг студентнинг 81 проценти, 1050 ёш ишчи ва колхозчиларнинг 66 проценти жамоат ишларини бажаришади.

Студентларнинг жамоат ишларига муносабатини аниқлаш учун Самарқанд, Бухоро, Қарши ва Термез педагогика институтларининг уч минг студентига махсус тайёрланган анкета саволларига жавоб бериш таклиф этилди. Натижа қуйидагича бўлди: 372 студент ёки 18 проценти, ижтимоий иш унинг шахсий мақсадларига мос тушиб, уларни амалга оширишга ёрдам берса, ижтимоий фаолият зарур деб жавоб беришди; 916 студент ёки 30,5 проценти, гарчи ижтимоий иш унинг шахсий манфаатларига мос тушмаса ҳам ҳар бир ёш жамоат ишида қатнашиши керак, деган фикрни билдирди; 523 студент ёки 17,4 проценти, бундай фаолият ишлаб чиқариш ташкилотчисига хос фазилатларни таркиб топтириш учун зарур, деб жавоб беришди; 274 студент ёки 9,1 проценти, жамоат иши коллектив ҳаётининг марказида бўлиш, дўстлар орттириш учун керак, деган фикрни билдиришди.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, ишлаб чиқариш шароитида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий активлиги кўп жиҳатдан меҳнат мазмунига боғлиқдир. Чунончи, малакасиз, қўл меҳнатида банд бўлган ёш ходимларнинг 21,2 проценти жамоат ишларини бажаради, малакали меҳнат қилувчи ёшларнинг эса 31,8 проценти, бошқарув аппарати ходимларининг 13 проценти жамоат ишларида қатнашади.

Совет ёшларининг коммунистик эътиқоди социалистик жамият табиатига ёт бўлган миллатчилик бидъатлари, тамагирлик, текинхўрлик, порахўрлик, халқ мол-мулкини ўғирлаш, талон-торож қилиш, чайқовчилик, безорилик, ичкиликбозлик сингари зарарли ҳодисаларга қарши муросасиз курашда ҳам ўз ифодасини топади. Онгли совет ёшлари шунингдек сиёсатдан йироқлик ва ғоясизликнинг кўринишларига, империалистик пропаганданинг социализмга туҳмат қилишидаги ҳар қандай уринишларига қарши муросасиз курашмоқдалар.

Коммунистик эътиқод ҳам ўзига, ҳам теварак-атрофидагиларга нисбатан юксак принципиал бўлишини тақозо этади. Ҳолбуки, шундай ёшлар ҳам учрайдики, уларнинг эътиқоди, В. И. Ленин таъбири би-

лан айтганда, тилининг учида туради. Улар жамиятимизнинг маънавий-сиёсий принципларини билишади, лекин амалда уларга доим ҳам риоя қилавермайдилар, ўша принципларни амалга ошириш учун курашмайдилар, уларнинг бузилишига бефарқ қарайдилар. Билим билан амалий хатти-ҳаракат ўртасидаги узилиш принципиал, коммунистик эътиқодга эга бўлган ёш йигит қиёфасига тўғри келмайди, сиёсий пассивлик эса — маънавий етук, ўз эътиқоди учун қатъий кураша оладиган киши қиёфасига тўғри келмайди,

Шундай қилиб, коммунистик эътиқод — бу ёш совет кишиси шахсининг муҳим социал фазилати бўлиб, у борлиқни амалда қайта ўзгартириш процессида илмий дунёқараш асосида шаклланади ва коммунизм ғояларининг ҳаққонийлигига ишончни, коммунистик идеалларга чуқур садоқатни ҳамда ҳаётда амалга оширишга қаратилган ижодий фаолиятга бўлган интилишни ифодалайди. Умумий иш учун доимо ташвиш тортиш, меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш коммунистик эътиқодли ёшлар учун характерлидир. Мана шу жуда муҳим социал фазилатларга эга бўлган кишигина жамият олдидаги ўз бурчини чуқур англаши, ҳар бир янгиликнинг актив ижодкори бўлиши мумкин.

Коммунистик эътиқод — буюк маънавий куч. У янги жамият қураётган миллион-миллион ёшларни бирлаштиради ва илҳомлантиради, уларнинг иродасини, матонатини, коммунизм тантанасига ишончини мустаҳкамлайди. Коммунистик эътиқодга эга бўлган йигит ва қизлар ўз фаолиятининг истиқболини аниқ кўрадилар, юз бераётган воқеаларнинг социал моҳиятини чуқур тушунадилар, уларга тўғри баҳо берадилар. Бу нарса уларнинг хулқ-атворини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Коммунистик эътиқод эгаси бўлмиш йигит ва қизлар коммунизм ишига садоқат билан хизмат қилмоқдалар. Коммунизм қуриш учун курашиш улар ҳаётининг мазмунини ташкил этади, улар бу муқаддас ишга бутун куч-ғайратларини ва билимини бағишлашга тайёрдирлар.

Коммунистик эътиқод — бу совет ёшлари маънавий етуклигининг бир белгиси бўлиб, унга партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг ғоявий-сиёсий соҳада тинимсиз олиб бораётган жуда катта ишлари туфайли эришилади. Бу уларнинг йигит ва қизларни коммунистик руҳда тарбиялаш, янги кишини шакллантириш борасида бир мақсадни кўзлаб олиб бораётган улкан ишининг самарасидир.

ПАРТИЯ ЎҚУВИ СИСТЕМАСИ УЧУН

„Дунёни тубдан ўзгартирувчи таълимот“ курси бўйича методик маслаҳатлар

СИНФЛАРСИЗ ЖАМИЯТ САРИ, ТЎЛА СОЦИАЛ БИР ХИЛЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Етук социализм экономикаси муттасил ривожланиши, коммунизмнинг моддий-техника базаси қурилиши асосида совет жамиятининг социал қиёфаси янги белгилар касб этади, синфий тафовутлар янада камайиб боради, социал бир хиллик мустаҳкамланади, социал ўзгаришларнинг хусусиятлари мамлакат иқтисодий ва маданий ривожининг йиллик ва перспектив планларини ишлаб чиқишда энг муҳим илк хусусиятлар жумласига киради. В. И. Ленин уқтириб ўтганидек, шу ўзгаришларни тушуниб олмай туриб, «ижтимоий фаолиятнинг ҳеч бир соҳасида бирон иш қилиб бўлмайди» (Тўла асарлар тўплами, 20-том, 213-бет). Шу хусусиятларни билиш коммунизм қураётган халқнинг энг муҳим программавий мақсадга — синфсиз, социал жиҳатдан бир хил жамият барпо қилишга яқинлашганлик даражасини белгилаш ва шу муносабат билан ўртада турган вазифаларни аниқлаш учун ҳам зарур.

Айни шу сабабли КПСС XXIV ва XXV съездлари материалларида, партиянинг бошқа ҳужжатларида совет жамияти социал структурасини ривожлантириш проблемаларига бу қадар катта эътибор берилмоқда. Шу проблемалардан хабардор бўлиб туриш — ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир онгли коммунизм қурувчисининг вазифасидир.

Машғулотнинг қуйидаги плани тавсия этилади:

1. **Ривожланган социализм жамиятининг социал-синфий структураси.**
2. **Синфсиз, социал жиҳатдан тўла бир хил жамиятни барпо этиш йўллари.**

РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ ЖАМИЯТИНИНГ СОЦИАЛ-СИНФИЙ СТРУКТУРАСИ

Кўп қиррали ижтимоий ҳаётда социал-сиёсий жараёнлар аҳамиятининг ошиши — ривожланган социализмнинг ўзига хос белгиларидан эканини суҳбат бошланишида таъкидлаб ўтиш керак. Бунинг сабаби шуки, коммунистик қурилиш проблемаларининг миқёси ва мураккаблиги ортиб, фан-техника революцияси ривожланиб боради. Коммунистик ижтимоий муносабатларни шакллантириш демократияни ривожлантириш, янги инсонни камол топтириш ва социалистик турмуш тарзини такомиллаштириш соҳасида янги катта вазифалар пайдо бўлади, социализм билан капитализм ўртасидаги ғоявий кураш кучаяди. Етук социализм шароитида мамлакатимиз социал-сиёсий ривожининг мазмуни ва вазифалари тўғрисида КПСС XXIII ва XXIV съездлари қарорларида, партиянинг бошқа ҳужжатларида, КПСС МК Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг, партия ва Совет давлати бошқа раҳбарларининг асарларида принципиал йўл-йўриқлар берилди. КПСС XXV съезди ўнинчи беш йилликда ва анча олис истиқболда мамлакат социал-сиёсий ривожи программасини ишлаб чиқди. Бу программада бевосита социал ривожланиш ва халқнинг турмуш даражасини ошириш соҳасидаги, шунингдек социал структурани, миллий муносабатларни, сиёсий системани такомиллаштириш соҳасидаги кўпдан-кўп масалаларни ҳал этиш кўзда тутилган.

Сўнгра социалистик жамиятнинг социал-синфий структурасини таҳлил этишга ўтганда аввало «социал структура» тушунчасини таърифлаб бериш зарур. Бу тушунча социал системанинг бирлигини таъминлайдиган барқарор, такрорланиб турувчи ва объектдан ажралмас алоқаларнинг йиғиндисини англатади. Бу алоқалар синфлар, социал группалар ва қатламларнинг жамиятдаги, ижтимоий меҳнат тақсимоти системасидаги ўрнига қараб, уларнинг давлат тартиб-қоидаларига муносабатига қараб тутган позициясини характерлайди. Ўз-ўзидан равшанки, синфий жамиятда айни синфгина социал структуранинг асосий элементидир (шу ўринда Лениннинг синфларга берган таърифини тингловчиларга эслатиб ўтиш керак — ТАТ, 39-том, 17-бетга қа-

ралсин). Шу сабабли «синфий структура», «социал-синфий структура» иборалари кўпинча «социал структура» иборасининг синонимлари сифатида ишлатилади. Аммо, қатъий қилиб айтганда, шу икки тушунчанинг ўзиёқ «социал структура» тушунчасидир, чунки муайян социал структура синфлар пайдо бўлишидан аввалоқ жамиятга хос эди ва синфлар йўқ бўлиб кетгандан кейин ҳам хос бўлаверади.

Пропагандист Лениннинг синфларга берган таърифини тилга олиб, бу таъриф антагонистик жамият синфларигагина эмас, социалистик жамият синфларига ҳам тааллуқли эканини тушунтиради. Жамият аъзоларини синфларга бўлганда ишлаб чиқариш воситаларига муносабат бош белги қилиб олинади. Синфлар ва синфий жамият ишлаб чиқариш ривожининг муайян босқичи билан, ишлаб чиқариш муносабатларининг муайян типлари билан боғланганини таъкидлаш ҳам муҳимдир. Ижтимоий ишлаб чиқарувчи кучларда рўй берадиган ўзгаришлар билан бирга ишлаб чиқариш муносабатлари ҳам ўзгаради. Жамиятнинг социал-иқтисодий структурасидаги ўзгаришлар билан бирга унинг синфий структураси ҳам ўзгаради, буни мазкур белгиларнинг ҳаммасини ҳисобга олган тақдирдагина тушуниш мумкин.

Мулкдор ва йўқсил синфлар, ҳукмдорлар ва бўйсунувчилар бўлган капиталистик жамиятдан фарқли ўлароқ, социалистик жамиятда ҳеч бир синф ишлаб чиқариш воситаларининг танҳо эгаси эмас. Айни вақтда унда ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум қилинган синфлар ҳам йўқ. Социализмдаги барча синф ва қатламлар ишлаб чиқариш воситаларининг тенг ҳуқуқли эгаларидир, шу воситалар ижтимоий мулкдир. Шунинг натижасида синфлар ўртасидаги муносабатлар ҳам ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш ва тақсимлашдаги тенглик ҳамда ҳамкорликка асосланади.

Социалистик жамиятнинг социал-синфий структураси тўғрисида гапирганда, бу структура асосан ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларидан иборат эканини таъкидлаш зарур. Социал группалар (муайян фаолият юзасидан, мақсадлар, манфаатлар ва бошқа социал-психологик хислатларининг муштараклиги жиҳатидан бирлашувчи кишилар группалари; ўзининг асосий вазифаси — инсон зотини кўпайтириш билан бирга бошқа бир қанча вазифаларни: оила аъзоларининг турмушини ва ишдан ташқари вақтини ташкил этиш, ёш авлодни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлашда қатнашиш ва бошқа кўпгина вазифаларни бажарадиган оила) ҳам жамиятнинг социал структурасига киради. Социал-демография белгиларига кўра ёшлар, хотин-қизлар, пенсионерлар катта ижтимоий группаларга мансубдирлар. Структуранинг мана шу ҳамма элементлари бир-биридан ажралган эмас, улар ўзаро боғланган ва ўзаро тобе бўлиб, ўзгаради ва ривожланиб бораверади.

Шу ўринда мамлакатимиз аҳолисининг синфий состави жадвалидан (СССР халқ хўжалиги 1978 йилда. Статистика йилномаси, М., 1979, 9-бетга қаралсин) кўргазмали қўлланма сифатида фойдаланиб, Октябрь революциясининг ғалабасидан кейин жамият социал структурасининг ривожи социализм қарор топишининг асосий поғоналарига мос келадиган бир қанча босқичлардан ўтганини тингловчиларга тушунтириб бериш ўринлидир.

Капитализмдан социализмга ўтиш даврида социалистик қурилиш мақсадларини амалга ошириш учун бевосита тўсиқ бўлиб келган энг кескин социал-синфий тафовутлар бартараф қилинди. Коммунистик партия раҳбарлигидаги ишчи-деҳқон давлати эксплуататор синфларни — аввалига помешчикларни ва шаҳар буржуазиясини, кейинчалик қулоқларни тугатиш вазифасини ҳал қилди. Бу синфлар революциядан аввал Россия жамиятининг 16,3 процентини ташкил қилар эди. Меҳнаткашларнинг аҳволи тубдан ўзгарди: пролетариат ишлаб чиқариш воситаларининг умумхалқ мулки эканига таянувчи ва бошқа меҳнаткашлар билан иттифоқ бўлиб жамиятда ўз ҳокимиятини амалга оширадиган социалистик ишчилар синфига айланди; деҳқонлар ва ҳунармандларнинг асосий қисмини кооперациялаш йўли билан уларнинг социал табиати социалистик негизларда ўзгартирилди; янги халқ зиёлилари вояга етди. Шаҳар билан қишлоқ ўртасида дўстлик ва ўзаро ёрдам ўртоқларча ҳамкорлик муносабатлари вужудга келиб, мустаҳкамланди. Лениннинг «саноатни ҳозирги юксак техника асосида, шаҳар билан қишлоқни бир-бирига боғлайдиган электрлаштириш асосида ташкил қилишнинг шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги низони йўқотишини, қишлоқда маданиятни юксалтиришга, ҳатто энг пасқам бурчакларда ҳам қолоқликни, зулматни, қашшоқликни, касалликни ва ёввойиликни бартараф қилишга имкон беришини деҳқонларга кўрсатмоғимиз керак» (ТАТ, 40-том, 125-бет), деган башорати рўёбга чиқди. Натижада 30-йилларнинг охирига келиб СССРда социалистик типдаги социал структура қарор топди, жамиятнинг маънавий-сиёсий бирлиги вужудга келди.

Етук социализм қурилиши босқичида меҳнаткаш синфлар ва қатламларнинг социалистик белгилари мустаҳкамланиб, ривожланади, улар бир-бири билан сезиларли равишда яқинлашади. Майда мулкдорларнинг социалистик негизда ўзгариши тўлатўкис ниҳоясига етказилади, яккаҳол деҳқонлар ва кооперациялашмаган ҳунармандларнинг алоҳида социал группалари барҳам топади.

Собиқ ҳунармандчилик кооперациясининг артеллари давлат корхоналари системасига топширилиши муносабати билан мазкур ҳунармандлар ишчи ва хизматчилар жумласига киритилиши туфайли 1959 йилдан бошлаб статистикада кооперациялашган ҳунармандлар деган социал группа ҳам қайд этилмайдиган бўлди. Худди шу даврда жамиятнинг социал-сиёсий ва ғоявий бирлиги қарор топади, пролетариат диктатураси

системаси эса аста-секин ўсиб умумхалқ сиёсий системасига айланади, бу системада ишчилар синфи етакчи роль ўйнайди.

Етук социализм қурилиши билан жамиятда ўз табиатига кўра фақат социалистик синф ва социал группалар мавжуд бўлиб қолди, улар учун туб манфаатлар ва мақсадларнинг бирлиги, социал қиёфадаги кўпгина белгиларнинг ўхшашлиги характерлидир. Шу маънода гарчи етук социализм жамиятида ҳам ишчилар билан колхозчилар ўртасидаги синфий тафовутлар, шаҳар билан қишлоқ, жисмоний ва ақлий меҳнат ходимлари ўртасидаги муҳим тафовутлар жамиятдаги синфлар ва қатламлар ичида социал тафовутлар сақланиб қолаётган бўлса-да, энди бу жамият социал бир хиллиги ўсиб бораётган жамиятдир.

Шундан кейин пропагандист ривожланган социализм антагонизмларсиз ижтимоий тузум эканини, синфий тўсиқлар таг-туби билан қўпориб ташланганини, социал қирралар ғоят ҳаракатчан эканини, меҳнаткашлар бир ижтимоий қатламдан иккинчисига бемалол ўтишини уқтириб, тингловчиларнинг бутун диққат-эътиборини етук социализм социал-сиёсий ривожининг энг муҳим проблемаларига қаратади. Социал-синфий тафовутларни тугатиш, халқнинг бирлигини янада мустаҳкамлаш, пировард натижада тўла коммунистик социал бир хилликка, тўла, коммунистик социал тенгликка эришиш проблемалари шу жумлага киради. Коммунизм ғалаба қилиши билан бунга эришилади. КПСС Программасида таъкидланганидек, коммунизм жамиятнинг синфларга ва социал табақаларга бўлинишини тугатади, яъни жамият социал жиҳатдан тўла бир хил бўлиб қолади. Тўла социал бирлик эса коммунизм шароитида ҳамма кишилар жамиятда тенг мавқега эга бўлишларини, ишлаб чиқариш воситаларига бир хил муносабатни, тенг меҳнат ва тақсимот шароитларини, жамият ишларини бошқаришда актив қатнашишни англатади.

Машғулотда ривожланган социализм шароитида социал-синфий тафовутларнинг объектив барҳам топиш қонуниятлари моҳиятини ва ҳақиқий намоён бўлишини анализ қилиб, тингловчиларнинг диққат-эътиборини ўзгаришлар марказида турадиган ва шу ўзгаришларга белгиловчи таъсир ўтказадиган ижтимоий кучга қаратиш муҳимдир. Ишчилар синфи мана шундай кучдир, барча бошқа революцион жараёнлар каби жамиятимизнинг синфсиз социал структурасини шакллантирувчи «социал заковат ва социал қалбдир» (К. Маркс). Ишчилар синфи В. И. Ленин қайд этган қуйидаги асосий фазилатлари туфайли синфсиз, социал жиҳатдан бир хил жамият қурилишининг оммавий гаровидир: 1) бу синф таълим кўрган, бирлашган, тарбияланган, капитализмга қарши неча ўн йиллар давомидаги иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий курашда тобланган; 2) у капитализм яратган шаҳар йирик саноат маданиятини бутунлай ўзлаштирган, шу маданиятни ҳимоя қилиш, сақлаб қолиш ва унинг ғалабаларини янада ривожлантиришга, бутун халқни, барча меҳнаткашларни ундан баҳраманд қилишга қатъиятли ва қодирдир; 3) у тарих томонидан илғор жангчи зиммасига, ўтмиш билан алоқани узиб, келажак йўлини дадил очиб борадиган кишилар зиммасига муқаррар равишда юклатиладиган ҳамма оғирликлар, синовлар, машаққатлар катта-катта қурбонларга бардош бера олади; 4) ишчилар синфининг энг яхши қисми майда буржуа муҳитига жуда хос бўлган ҳар қандай мешчанлик ва филистёрликка, обивателлик белгилари ва урф-одатларига нафрат ва жирканч билан қарайди; 5) ишчилар синфи чиниқтирувчи меҳнат сабоғини олганлиги, ўз меҳнатсеварлиги билан ҳар қандай меҳнаткашнинг, ҳар қандай софдил кишининг ҳурматини қозона олиши унга алоҳида куч бағишлайди (ТАТ, 38-том, 452—453-бетларга қаралсин).

Шуни таъкидлаш керакки, ишчилар синфининг мана шу фазилатлари унинг ўзи тузган ва унинг туб манфаатларини ифодалайдиган марксчи-ленинчи партияда ўзининг лўнда ифодасини топган. Шу туфайли ишчилар синфи социалистик идеологиянинг ҳамда эксплуатациядан халос бўлган кишилар ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами муносабатларининг табиий соҳиби, коммунизм мақсадлари ва идеалларини амалга ошириш учун энг изчил курашчидир. «Фақат шу синфгина,— деб уқдирган эди В. И. Ленин,— меҳнаткашлар оммасининг бирлашувига, жипслашувига ва Коммунистик жамиятни узил-кесил ҳимоя қилишга, узил-кесил мустаҳкамлашга, уни узил-кесил қуриб бўлишга ёрдам бера олади» (ТАТ, 41-том, 346-бет).

Улуғ Октябрнинг ғалабаси ва мамлакатимизда пролетариат диктатураси ўрнатилиши натижасида ишчилар синфининг революцион-ўзгартирувчилик ролини амалга оширишда янги босқич бошланди, шунда у революция ғалабаларини синфий душманларнинг ҳамлаларидан қаттиқ туриб ҳимоя қилиб, бутун куч-ғайратни янги социалистик жамият барпо этишга қаратди. Социализм қуриш давомида ишчилар синфи ўзи ҳам ўзгарганини пропагандист тушунтириб беради. У сон жиҳатдан ўсиш билан бирга социал табиати сифат жиҳатидан ўзгарди: капитализм даврида ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум, мазлум, эксплуатация қилинган синфдан асосий ишлаб чиқариш воситаларининг эгасига (меҳнаткашларнинг бошқа группалари билан биргаликда), жамиятнинг етакчи сиёсий кучига айланди. Революцияга қадар ишчилар деярли бўлмаган иттифоқдош республикаларда (масалан, ҳозирги Ўзбекистон территориясида ишчилар сони 18 минг кишига ҳам етмас эди) ишчилар синфининг кўпчилиги маҳаллий миллат вакилларидан иборат бўлган кадрлари вояга етди. Мана шуларнинг бари ишчилар синфининг бунёдкорлик куч-қудратини оширди, унинг ижтимоий тараққиётдаги авангардлик ролини мустаҳкамлади. Унинг бу роли ривожланган социалистик жамиятда давлат умумхалқ давлатига, ишчилар, деҳқонлар, зиё-

лилар, мамлакатдаги барча миллат ва элатлар иродаси ва манфаатларини ифодаловчи органга айланган бир пайтда ҳам ортиб бормоқда. Бу нарса СССРнинг янги Конституциясига ёзиб қўйилган.

Коммунистик партиянинг бутун кўп қиррали фаолияти ишчилар синфининг бутун етакчилик ролини муваффақиятли амалга оширишга кўмаклашаётганини таъкидлаб ўтиш муҳимдир. Аввало ишчилар синфининг илмий идрок қилинган манфаатлари ва шунга мос келувчи барча меҳнаткашларнинг, бутун халқнинг туб манфаатлари бу сиёсатга асос қилиб олинган. Партия сиёсий қарорлар ва амалий ҳаракатлар орқали ишчилар синфининг ижтимоий турмуш барча соҳаларидаги таъсирини кучайтиради, унинг ичидаги илғор социал ўзгаришларни таъминлайди, унинг коммунистик қурилишдаги етакчи куч вазифаларини бажаришига ижобий таъсир қиладиган белгилари ва хусусиятларини ривожлантиради. Партия ишчилар синфининг аввало иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиёт билан белгиланувчи социал ривожидаги объектив тенденцияларни эътиборга олиб, ишчилар синфидаги сон ва сифат ўзгаришларини тартибга солишга интилганида бу жараёнларнинг фан-техника революцияси эҳтиёжларига ва коммунистик қурилишнинг социал мақсадларига мувофиқ келишини назарда тутади.

Саноатнинг ривожланиши, қишлоқ хўжалигининг индустриаллашуви ва ундаги давлат секторининг мустаҳкамланиши, хизмат кўрсатиш соҳасининг кенгайиши ишчилар синфининг сон жиҳатдан ўсиши ва унинг аҳоли составидаги салмоғи ортиши сингари муҳим социал оқибатларга олиб бориши маълум. 1965 йилда СССРда 55,9 миллион ишчи (кичик хизматчи ва соқчи ходимларни қўшиб ҳисоблаганда) бўлса, 1978 йилда улар 76 миллион кишига етди ёки 1,4 баравар кўпайди. Улар мамлакатимиздаги энг катта (жами ишловчи аҳолининг қарийб учдан икки қисми) социал группани ташкил этади. Бироқ, ишчиларнинг аҳоли составидаги сони ва салмоғи кўпайиб бориши тенденциясини абсолютлаштирмаслик керак, чунки В. И. Ленин уқдириб ўтганидек, асосий нарса ишчилар синфининг ижтимоий турмуш ҳамма соҳаларида объектив равишда ўйнайдиган ролидан, унга энг илғор социал сифатлар хослигидан, у жамики меҳнат аҳлининг туб манфаатларини ифодалай олишидан иборат (Ленин тўплами, XI, 381-бет; ТАТ, 3-том, 13-бет; 40-том, 26-бет).

Буни уқиб олишнинг муҳимлиги шундаки, фан-техника тараққиётининг таъсири, интенсив иқтисодий омилларнинг амал қилиши натижасида кейинги йилларда совет ишчилар синфининг сон жиҳатидан ўсиш суръатлари пасайди. Чунончи, еттинчи беш йилликда ишчиларнинг сони йилига ўрта ҳисобда 2 миллион киши кўпайган бўлса, саккизинчи беш йилликда 1,7, тўққизинчи беш йилликда 1,5, ўнинчи беш йилликнинг дастлабки уч йилида эса 1,4 миллион киши кўпайди. КПСС XXIV съездининг «социалистик жамиятда ишчилар синфининг ўрни унинг экономика ривожига қараб ўзгариб туриши мумкин бўлган сонига қараб эмас, фан-техника революциясининг суръатларига қараб белгиланади», деган хулосаси тасдиқланмоқда.

Фан ва техника ютуқлари ишлаб чиқаришга интенсив жорий этилган, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш такомиллашган сайин саноатдаги ишчилар сони бундан буён қисқаради, деб таҳмин қилиш мумкин. Шунинг учун ҳам ишчилар синфи сифат жиҳатидан янада муваффақиятлироқ ривожланиши муҳимдир. Партиянинг ишчилар синфи касбкор ва малака структурасини такомиллаштириш ва унинг умумий таълим ва маданий-техникавий савиясини, ғоявий чиниқишини ошириш, ишчиларнинг ёш авлодини тарбиялаб вояга етказиш, уларнинг меҳнат ғайрати ва ижтимоий-сиёсий активлигини ривожлантириш соҳасидаги кўп қиррали фаолияти шунга кўмаклашади.

Шу асосда ишчилар синфида структуравий силжишлар рўй бериб ишчилар сонининг кўпайиш суръатлари пасайган ва ҳатто унинг жамиятдаги сони ва салмоғи камайиш эҳтимоли бўлган шароитда ҳам унинг фан-техника революциясини ҳаракатлантирувчи кучлардан бири, коммунизм моддий-техника базасини асосий яратувчиси сифатидаги роли кучайишига ёрдам беради. Модомики синфий тафовутлар йўқ бўлиб кетмас экан, ишчилар синфининг коммунистик қурилишдаги етакчилик роли орта беради, буни аввало ишчилар синфининг ишлаб чиқариш системасидаги ўрни тақозо этади. Жамиятнинг бош ишлаб чиқарувчи кучи, моддий бойликлар кўпчилигининг бевосита бунёдкори бўлмиш бу синф социалистик мулкнинг етакчи — давлат формаси билан, экономиканинг асоси — индустрия билан боғланган бўлиб, бутун халқ хўжалигидаги фан-техника тараққиётига ҳал қилувчи ҳисса қўшади. Ишчилар синфи энг илғор социал-сиёсий ва ғоявий-маънавий фазилатларга, чунончи, революционлик, коммунизм идеалларига садоқат, юксак уюшқоқлик ва жипслик, коллективчилик, ватанпарварлик ва интернационализм фазилатларига энг кўп даражада эгадир. У бошқа ҳамма социал группаларга — колхозчи деҳқонларга, зиёли ва хизматчиларга таъсир ўтказиб, уларни туб манфаатлар ҳамда коммунизм қуриш улуғ мақсадлари муштараклиги негизида ўз теварагига жипслаштиради.

Етук социалистик жамиятда ишчилар синфи етакчилик ролининг янада кучайиши хилма-хил формаларда ва аввало ишчиларнинг ишлаб чиқаришни, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда кенг қатнашишида намоён бўлади. КПССнинг ишчилар синфининг жамиятдаги ўрни ва ролига мувофиқ ишчиларнинг барча босқич Советлардаги салмоғи кўпайишига қаратилган социал сиёсати изчиллик билан амалга оширилиши бунга ёрдам беради. Чунончи, 1965 йилда маҳаллий Советларнинг депутатлари орасида ишчиларнинг салмоғи 28,8 процент бўлган эди. 1980 йил февралида бўлиб

ўтган сайловдан кейин 43,3 процентга етди. Ишчилар синфининг жамиятдаги роли кучайишига унинг партия составидаги етакчилик ўрни таъминланиши имконият яратмоқда. КПСС XXV съездида таъкидланганидек партия ривожланган социализм шароитида ҳам ўз табиатига кўра ишчилар синфининг партияси бўлиб қола беради. Ўша съезд арафасида партия сафига кирувчиларнинг 58 проценти ишчилар эди. Ишчилар орасидан чиқиб раҳбар партия органларида ишлаётганлар ҳам кўпаймоқда.

Ишчилар синфининг зўр меҳнат ғайрати, ишлаб чиқаришдаги қимматли ишлари, ташаббуслари, деҳқонларга бераётган оталиқ ёрдами, ижодий ҳаваскорликда, маданиятни ривожлантиришда оммавий қатнашаётгани ҳам унинг жамиятдаги етакчи ролини кучайтиришга кўмаклашмоқда. Ишчилар синфининг бунёдкорлик қудрати социалистик мусобақада айниқса яққол намоён бўлмоқда, ишчиларнинг ўзи бу мусобақанинг ташаббускори бўлиб чиққан. Эндиликда, етук социализм шароитида мусобақа шунчаки оммавий бўлибгина қолмай, балки том маънода умумхалқ тусини олганлиги фактининг ўзида ишчилар синфи меҳнаткашлар барча социал группаларининг меҳнат ғайратини ошириш, уларга ўзининг меҳнатга онгли муносабат намунаси билан таъсир ўтказиш қобилиятига эга эканлиги яққол намоён бўлди.

Шуни ҳам айтиш муҳимки, ишчилар синфи ўзининг кўпқиррали меҳнат фаолияти билан социалистик мулкка муносабати, меҳнат характери ва мазмуни, маълумот ва маданий савияси, моддий фаровонлиги жиҳатидан, турмуш соҳаси ва бошқа соҳаларда синфлар ва бошқа социал гуруҳларни ўзаро яқинлаштириш учун моддий шарт-шароитларни таъминлаб беради. Ишчилар синфи партия сиёсатининг раҳнамолик таъсирида ўзининг социал қиёфасини ўзгартириш билан бир пайтда деҳқонларнинг ҳам, зиёлиларнинг ҳам қиёфаси ўзгаришига ёрдам беради. Ишчилар синфининг таъсирида миллий муносабатларнинг интернационал негизи мустаҳкамланиши, қардош халқларнинг муштарак аҳамиятли ютуқларини ўзлаштириш жараёнлари ҳам содир бўлаётганлиги ғоят муҳимдир. Миллатнинг қиёфасини характерлайдиган барча илғор фазилатлар соҳиби бўлмиш ишчилар синфи миллатнинг равнақига кўмаклашади, шунингдек унинг СССРдаги бошқа миллат ва элатлар билан ҳар томонлама алоқаларини кучайтиришга, улар билан яқинлашишга интилади.

Ишчиларнинг барча миллий отрядларини жипслаштирган ва ўз характерига кўра яхлит интернационал социал куч бўлган совет ишчилар синфи ишчиларнинг аҳоли составидаги салмоғидан қатъи назар, уларнинг ҳар бир алоҳида миллат ва элатдаги ролини кўп марталаб оширади. Шу билан бирга КПСС туб жой миллатлари ишчиларини кўпайтиришни таъминлаш сиёсатини ўтказаётганини таъкидлаш муҳимдир. Қуйидаги фактлар шундан далолат беради: 1959 йилдан 1970 йилгача Ўзбекистонда туб миллат ишчиларининг салмоғи 43,1 процентдан 51,1 процентга, Қозоғистонда 19,3 процентдан 24,1 процентга, Тожикистонда 32,5 процентдан 44,3 процентга етди ва ҳоказо. Шуни ҳам айтиш керакки, туб миллат ишчиларининг салмоғи кўпайиши билан бирга совет республикаларидаги ишчилар синфининг кўп миллатлилиги ортиб бормоқда, бу эса ишчилар синфининг ўзини интернационал жиҳатдан тарбиялашга, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, ҳамма ишчилар учун муштарак фазилатларнинг ҳосил бўлиши ва мустаҳкамланишига кўмаклашмоқда, айни вақтда ишчилар синфининг барча меҳнаткашларга, мамлакат аҳолисининг ҳамма қатламларига, ҳар бир миллат ва элатга интернационал таъсирини кучайтирмоқда ва уларнинг ўзаро яқинлашувини жадаллаштирмоқда.

Пролетар интернационализми принципларига садоқатли СССР ишчилар синфи Ленин партияси раҳбарлигида социализмнинг жаҳон миқёсидаги тантанасига жуда катта ҳисса қўшмоқда. Ишчилар синфи ва бутун совет халқи эришган ғалабалар эксплуатация ва зулмга қарши курашаётган капиталистик мамлакатлар пролетариатига илҳом бермоқда, жаҳон социализм системасининг қудратини, жамики тинчлик ва тараққиёт кучларини мустаҳкамламоқда. Планетамиз халқлари совет кишиларининг ютуқларига қараб меҳнат аҳли социализм шароитида нималарга қодир эканини билиб оладилар. Бу эса ишчилар синфи, унинг партияси зиммасига юксак тарихий масъулият юклайди. Ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаганидек «жаҳоншумул, буюк меҳнат армиясининг қудрати, унинг социализм сари муқаррар ҳаракатининг суръати кўп жиҳатдан совет ишчилар синфининг меҳнат-ғайратига, сиёсий, ижтимоий активлигига боғлиқ бўлади» (Ленин йўлидан. 3-том, 543-бет).

Шундай қилиб, етук социализм даврида Совет давлатининг етакчи кучи, коммунизмнинг бош бунёдкори бўлган ишчилар синфининг роли ҳар томонлама ва тўлиқ намоён бўлади ва кучаяди. Бу эса турли-туман антикоммунистлар ва ревизионистларнинг ишчилар синфи социалистик жамиятда етакчилик ролидан маҳрум бўлди, бу роль «зиёли юқори табақа» қўлига ёки қандайдир бошқа қатламларга ўтиб кетди, деган уйдирмаларини ишонарли тарзда чиппакка чиқаради. Ишчилар синфининг ролини хоҳ ўнгдан, хоҳ сўлдан бўлмасин, ҳар қандай қилиб пасайтириш йўлидаги уринишлар социализмни қўпоришга олиб боришини 1968 йилда Чехословакияда бўлган воқеалар ёки Хитойдаги маочиларнинг ҳаракати кўрсатди.

Етук социалистик жамиятнинг социал-синфий структурасини таърифлашни якунлай туриб, социал антагонизмлар чуқурлашаётган, синфий кураш кучаяётган капиталистик мамлакатлардан фарқли ўлароқ социализм шароитида жамиятнинг бирлиги, жипслиги муттасил мустаҳкамланаётганини тингловчиларга тушунтириш зарур.

Айни барча синф ва қатламларнинг ўзаро яқинлашуви, уларнинг иттифоқи, бирлиги, жипслиги, мустаҳкамлиги асосидагина кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи вужудга келди, ягона оила туйғуси, совет халқининг умуммиллий ифтихори деб аталган олижаноб туйғу тобора кучайиб, чуқурлашиб бормоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев қайд этганидек, бу туйғу «миллион-миллион совет кишиларининг меҳнати, шижоати, ижодкор даҳоси яратган энг яхши нарсаларнинг ҳаммасини ўзига қамраб олган» (Ленин йўлидан, 4-том, 110—111-бетлар).

СИНФСИЗ, ТЎЛА СОЦИАЛ БИР ХИЛ ЖАМИЯТНИ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Бу масалани тушунтиришни социализм тарихан синфсиз коммунистик жамиятнинг биринчи фазаси, синфларнинг ва синфий зиддиятларни тугатиш йўлидаги биринчи қатъий қадам эканидан бошламоқ керак. Аммо социалистик жамиятнинг ривожланиш жараёнида синфларга бўлиниш, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутлар сақланиб қолади. Етук социалистик жамият социал бир хиллик йўлидаги муттасил ҳаракатида синфий тафовутларни силлиқлаштириш учун социал шарт-шароитлар комплексини яратади: ишлаб чиқарувчи кучлар қулф уриб юксалади, социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари такомиллашади (социалистик мулкнинг икки формаси ўзаро яқинлашади ва меҳнатнинг синфий тақсимланиш қолдиқлари тугатилади); бутун ишчилар синфи ва кенг меҳнаткашлар оммаси социал бошқарувга жалб этилади; маънавий соҳада, мафкуравий фаолиятда ва маданий қурилишда ишчилар синфининг, меҳнаткашларнинг етакчилик ва ижодий роли кучаяди; социалистик ижтимоий муносабатлар ва социалистик инсонпарварликнинг шахслар ўртасидаги кундалик алоқа, социал-психологик муносабатлар соҳасига кириб бориш жараёни сифатида социалистик турмуш тарзи қарор топади, бойийди ва ҳукмронлик қилади; социал бир хиллик йўлидаги ҳаракатни жадаллаштиради, барча синф ва социал группаларнинг яқинлашувини кучайтирадиган омил бўлмиш социалистик ижтимоий муносабатлар интернационаллашади.

Мана шу социал шароитлар социалистик жамиятдаги икки асосий синф — ишчилар билан деҳқонлар ўртасидаги мавжуд тафовутларни тугатишга кўмаклашади. Ана шу синфлар мавқеида тарихан таркиб топган тафовутлар тақозоси билан социалистик мулкнинг икки формаси, яъни давлат ва колхоз-кооператив мулки муқаррар равишда вужудга келади. Мулк формаларидаги тафовут социализм шароитида ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар ўртасидаги тафовутни келтириб чиқаради. Бу тафовутлар иккала синф учун муштарак манфаатлар ва ишлаб чиқариш воситаларига социалистик муносабат доирасида мавжуд бўлади. Синфсиз жамиятга ўтиш эса давлат (умумхалқ) ва колхоз-кооператив мулки ўртасидаги тафовутларни тугатишни назарда тутади. Шу сабабли партия бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган икки вазифани: 1) колхозчи деҳқонларни социал жиҳатдан янада ривожлантиришни, унинг қиёфасидаги илғор ўзгаришларни таъминлаш, 2) деҳқонларнинг ишчилар синфи билан яқинлашиш жараёнини рағбатлантириш, жадаллаштириш, синфий тафовутларни бартараф қилиш вазифасини ҳал этади.

Шундан кейин партия колхозчи деҳқонларнинг ички синфий структурасини такомиллаштириш, унинг ички бир хиллигини қарор топтириш йўлини амалга ошира бориб, ўзининг социал сиёсатида қуйидагиларга амал қилаётганини тушунтириш керак: а) колхозчи деҳқонлар составида индустриал меҳнатга яқин меҳнат билан шуғулланувчи ходимларни кўпайтириш ва уларнинг улушини оширишни рағбатлантиради; б) малакасиз ва паст малакали қўл меҳнати билан шуғулланувчи ходимларнинг сони ва салмоғини доимо камайтириш йўлини ўтказади; в) колхозчиларнинг маданий-маиший турмуш шароитларини яхшилашга, жумладан уларнинг маълумотини оширишга, деҳқонларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини тўла-тўкис қондиришга интилади ва ҳоказо. Фан-техника тараққиёти таъсирида қишлоқ хўжалик меҳнати техника билан таъминланиш даражаси жиҳатидан саноат меҳнатига яқинлашган сайин колхозчи деҳқонлар тобора ишчилар синфига хос белгиларни касб эта беради. Шуни эслатиб ўтиш лозимки, ҳозир колхозларда тахминан бир юз эллик ихтисосдаги ходимлар меҳнат қилмоқда. Хўжаликлардаги ҳамма ишнинг асосий қисмини бажараётган механизаторлар доимо кўпаймоқда, механизаторнинг ўзи эса деҳқонлар орасида марказий сиймо бўлиб қолди.

Қишлоқ хўжалигининг тараққиёти ходимлар сонининг қисқариши билан характерланади. 1966 йилда мамлакат аҳолиси составида деҳқонларнинг салмоғи 23,6 процент бўлса, 1978 йилда 15,1 процент бўлди. Колхозларда ишловчиларнинг камайиши қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришнинг озайишига олиб бормайди. Аксинча меҳнат унумдорлигининг ошиши ҳисобига маҳсулот етиштириш кўпаймоқда. Қолаверса колхозчи деҳқонлар ўзининг социал сифатларига кўра янги поғонага кўтарилди, бу поғонада унинг қиёфасидаги социалистик белгилар: ижтимоий хўжаликни ривожлантиришдан манфаатдорликнинг кучайиши, коллективчилик, юксак онглилик, уюшқоқлик ва сиёсий активлик фазилатлари яққол намоён бўлмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев колхозчи деҳқонларнинг социал қиёфасидаги ўзгаришлар тўғрисида гапирганда бун-

дай деб таъкидлади: «Ҳозирги колхозчи колхозда туғилиб ўсган, унинг психологияси социалистик негизда шаклланган. У замонавий техникани бошқармоқда. Унинг маълумот савияси, унинг ҳаёт тарзи эса кўпинча шаҳарликларникидан қолишмайди» (Ленин йўлидан, 6-том, 417-бет).

Сўнгра пропагандист тингловчиларнинг диққат-эътиборини КПССнинг социал сиёсати таъсирида етук социалистик жамиятдаги синфларнинг тобора жадал яқинлашуви, синфий тафовутларнинг бартараф этилиши қайси асосий йўллардан бораётганлигига қаратади.

Биринчидан, ижтимоий ишлаб чиқариш системасидаги, иқтисодий муносабатлар системасидаги мавқеига кўра деҳқонларнинг ишчиларга ўхшашлиги аста-секин кучайиб бормоқда. КПСС билан Совет давлати аввало социалистик мулк иккала формасини ривожлантириш ва яқинлаштиришга, айниқса колхоз-кооператив секторидаги умумлашув даражасини оширишга кўмаклашадиган хилма-хил тадбирлар ёрдамида бунга интилмоқда. Бу йўл СССР Конституциясида мустаҳкамлаб берилган (12-модда). Хўжаликлараро кооперация ва аграр-саноат интеграцияси негизида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва марказлаштиришни ривожлантириш, шунингдек совхозларни кўпайтириш ва аграр сектордаги товар маҳсулот улушини ошириш социалистик мулкнинг иккала формасини ўзаро яқинлаштириш учун алоҳида аҳамиятга эгадир.

Иккинчидан, фан-техника революциясининг таъсирида колхозчилар билан ишчиларнинг меҳнат характерига кўра яқинлашуви объектив жараён сифатида содир бўлади. Комплекс механизация ва автоматлаштириш негизида ишчининг ҳам, деҳқоннинг ҳам меҳнати ўзгаради, унда меҳнат характери бир-бирига ўхшаб боради, яъни қишлоқ хўжалик меҳнати индустриал меҳнатнинг бу турига айланади.

Учинчидан, деҳқонларнинг маълумот, маданий-техника савиясини ўстиришни таъминлайдиган тадбирлар амалга оширилади. Шу мақсадда ходимларни ўқув юртларида ҳам, колхозларнинг ўзида ҳам ишлаб чиқариш-техникавий жиҳатдан ва махсус тайёрлаш планлари тузилиб амалга оширилади. Умумий ўрта маълумотнинг жорий этилиши ишчиларни маълумот ва маданий савиясига кўра ишчилар синфига янада яқинлаштириш учун қулай имконият яратади.

Тўртинчидан, партия колхозчилар билан ишчиларнинг турмуш даражасини бирбирига яқинлаштириш тадбирларини амалга ошириши улар ўртасидаги тафовутларни тугатиш учун катта аҳамиятга эга бўлади. Бошқа тадбирлар билан бирга колхозчиларга пул билан (ойида камида бир марта) ва натура тарзида (маҳсулот олиш муддатларига мувофиқ) меҳнат ҳақи тўлашга ўтиш назарда тутилади. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС МКнинг 1978 йил июль Пленумида таъкидлаб ўтганидек партиянинг қишлоқ меҳнатчилари билан саноат ишчилари иш ҳақидаги тафовутни қисқартириш тадбирлари ҳам принципиал аҳамиятга эга бўлади. Партия МКнинг 1965 йил март Пленумидан кейинги 12 йил мобайнида колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш икки баравар, совхоз ишчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш 1,9 баравар кўпайди.

Бешинчидан, одамларни коммунистик руҳда тарбиялаш партиянинг синфий тафовутларни тугатиш фаолиятидаги таркибий қисми бўлиб қолди, чунки синфлар ва социал группалар турмушининг объектив шарт-шароитларини яхшилабгина қолмай, уларнинг онгини ривожлантириш ҳам зарур. Бинобарин, ишчи ва деҳқонлар ўзларининг туб манфаатлари муштараклигини нақадар яхши ҳис қилсалар, улар коммунистик қурилишнинг муштарак ишида шу қадар активроқ ҳамкорлик қиладилар, уларнинг жипслиги, жамиятнинг социал-сиёсий ва ғоявий бирлиги шу қадар мустаҳкамроқ бўлади.

Шундай қилиб, ишчилар билан деҳқонларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳамкорлиги ва қардошларча ўзаро ёрдамини, фаолият натижаларини баҳам кўришни кучайтириш вазифаларини собот билан муттасил ҳал этаётган КПСС деҳқонларнинг активлигини ривожлантириш, уларни ишчилар синфи билан доимо яқинлаштириш, жамиятдаги синфий тафовутларни тугатиш йўлини қатъият ва собитқадамлик билан амалга оширмоқда. Мана шуларнинг бари шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги социал-иқтисодий ва маданий-маиший тафовутларни тугатишдан иборат программа характеридаги жуда муҳим вазифани ҳал этишга кўмаклашиши табиий. Бу ўринда тингловчиларга шу тафовутларни аста-секин бартараф этишнинг бош йўлларини эслатиб ўтиш керак. Бу йўллар: 1) қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқарувчи кучларини янада ўстириш, уни индустриал негизда ўтказиш ва бинобарин, қишлоқдаги меҳнатнинг характерини ўзгартиришдан; 2) қишлоқдаги ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришдан; 3) уни малакали кадрлар билан тобора тўлиқ таъминлашдан; 4) аҳолининг қишлоқда жойлашиш системасини тубдан ўзгартириш, аҳоли пунктларини йириклаштириш (хуторларни тугатиш), қишлоқда ривожланган маданий-маиший хизмат системасини вужудга келтиришдан иборат.

Шуни таъкидлаш муҳимки, етук социализм шароитида шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутларни тугатиш соҳасидаги социал сиёсатнинг асосий вазифаларини Л. И. Брежнев В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда қилган докладида таърифлаб берди: «Партиянинг, Совет давлатининг социал сиёсати,— деди Леонид Ильич,— ҳозирги замон техникаси ва фани негизида деҳқон меҳнати билан ишчи меҳнати характерини бир-бирига тобора яқинлаштиришдан, қишлоқ ҳаётини ободонлаштиришдан, қишлоқнинг турмуш маданиятини оши-

ришдан иборат. Ана шуларнинг ҳаммаси шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, ишчилар синфи билан деҳқонлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маиший тафовутларни аста-секин йўқотишга амалий равишда олиб боради» (Ленин йўлидан, 2-том, 636—637-бетлар). Шу вазифаларни амалга оширишда бюджетдан пул ажратиш, хўжалик механизмини ва ишлаб чиқаришнинг ташкилий структурасини такомиллаштириш, ғоявий-сиёсий таъсир ўтказиш ва социал тартибга солиш тадбирларидан фойдаланилади.

Партия XXIV ва XXV съездларида ишлаб чиқилган қишлоқни ўзгартириш социал программаси социалистик қурилишнинг илгариги босқичларида, ҳал этилган вазифаларнинг мантиқий давоми бўлиб, етук социализм босқичида ўзига хос хусусиятлар касб этишини тингловчиларга эслатиш ўринлидир. Бу хусусиятлар, аввало, қишлоқни янада ривожлантириш масалаларига комплекс ёндашишдан иборат: қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини такомиллаштириш, бу ерда қўлланиладиган меҳнатнинг характери ва шароитларини индустриал меҳнатга яқинлаштириш, ободончилик, маданий-маиший хизматни яхшилаш вазифалари айни бир вақтда ва узвий бирликда ҳал этилади. КПСС МК билан СССР Министрлар Совети мамлакатнинг 60 миллионга яқин аҳоли яшайдиган катта райони —«РСФСР Ноқоратупроқ зонаси қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» 1974 йилда қабул қилган қарори мана шундай комплекс ёндашишнинг намунасидир. 1990 йилга бориб бу ерда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини 2—2,5 баравар кўпайтирибгина қолмай, шу билан бирга катта-катта социал тадбирларни ҳал этиш: кичик қишлоқларни шаҳар типидаги обод посёлкаларга айлантириш, меҳнат шароити ва характерини ўзгартириш ҳам назарда тутилади.

Бошқа бир хусусият шундан иборатки, қишлоқнинг социал проблемаларини ҳал этиш қишлоқ хўжалигинигина эмас, бутун аграр-саноат комплексини, аввало фан-техника тараққиётини бевосита таъминловчи тармоқларни ҳам ривожлантириш билан тобора кўпроқ даражада белгиланмоқда. КПСС МКнинг 1965 йил март Пленумидан кейин қишлоқ хўжалигини саноат негизига интенсив ўтказиш жараёни бошланғанлиги қишлоқ билан шаҳарнинг ишлаб чиқариш-иқтисодий алоқаларини кенгайтиришни айниқса актуал проблема қилиб қўйди. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида таъкидлаганидек, «қишлоқ хўжалигининг у билан бевосита боғлиқ бўлган саноат тармоқлари билан ишлаб чиқариш-иқтисодий ҳамкорлигини яхшилаш — жиддий равишда яхшилаш, бутун аграр-саноат комплексини ривожлантиришга бир хил, умумдавлат манфаатларини кўзлаб ёндашишни таъминлаш вақти келди».

Мана шу интеграция жараёнларининг янада чуқурлашувига шаҳар ва қишлоқдаги турмуш шароитларининг муттасил яхшиланиши, улар ўртасидаги алоқанинг мустаҳкамланиши, мамлакатимизда аҳоли жойлашуви бутун системасининг такомиллашуви ва ўзгаруви ҳам ёрдам беради. Одамлар турмуш фаолиятини территориал ташкил этишнинг вужудга келаётган сифат жиҳатидан янги, янада илғор формалари — шаҳарларни, яқин атрофдаги посёлка ва қишлоқларни бирлаштирувчи (агломерация) аҳоли пунктлари системаси ҳам ғоят истиқболлидир. Қаттиқ қопламали йўлларни ва пухта транспорт қатновини вужудга келтириш шаҳарнинг атрофдаги қишлоқ районларига социал таъсирини анча оширади, бу районларнинг аҳолиси маданий-маиший хизмат марказларидан шаҳарликлар билан деярли бир пайтда баҳраманд бўлади. Шу асосда қишлоқ билан шаҳарнинг яқинлашиш суръатлари тезлашади.

Умумдавлат планлаштириши аҳоли жойланиши системасини аниқ мақсадни кўзлаб ўзгартириш имконини берадиган социализмнинг муҳим афзаллигидир. Шу туфайли мамлакатнинг иқтисодий потенциалидан ва фан-техника тараққиёти очиб берадиган имкониятлардан бутун аҳолининг шароити, турмуш даражаси ва тарзини территориал жиҳатдан бараварлаштириш учун ғоят оқилона фойдаланилмоқда. Турли типдаги манзилгоҳларнинг социал ривожланиш даражасини яқинлаштириш ва аҳолини жойлаштиришнинг ягона системасини вужудга келтириш учун йирик территориал-ишлаб чиқариш комплексларини ва саноат узелларини вужудга келтиришнинг комплекс программаларини КПСС XXV съезди кўзда тутганидек ишлаб чиқиб амалга ошириш принципиал аҳамиятга эга бўлади. Ғарбий ва шарқий Сибирни, Байкал-Амур магистрали туфайли ўзлаштириладиган зонани, Курск магнит аномалиясини ривожлантиришнинг комплекс программалари бунга мисол бўла олади.

Коммунизм қурилишининг жисмоний ва ақлий меҳнат ходимлари ўртасидаги муҳим тафовутларни тугатишдек объектив қонуниятига ҳам тингловчиларнинг эътиборини қаратиш зарур. Бу қонуниятнинг рўёбга чиқарилиши жамиятнинг тўла социал бир хиллигига ва одамларнинг тўла социал тенглигига эришишнинг, ҳар бир шахс ҳар томонлама уйғун ривожланишини таъминлашнинг шартидир. Шу сабабли мазкур проблема билан боғлиқ вазифаларни ҳал этиш етук социализм шароитида КПСС социал сиёсатининг ажралмас таркибий қисмидир.

Сўнгра фан-техника тараққий этган сайин социалистик меҳнат коммунистик меҳнат тусини ола боришини уқдириш ўринлидир. КПСС Программасида айтилганидек, «Коммунизм» ғалаба қилгач, кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат узвий суратда бирлашиб кетади. Интеллигенция алоҳида социал қатлам бўлмай қолади, чунки жисмоний меҳнат ходимлари ўз моддий-техника савияси жиҳатидан ақлий меҳнат кишилари даражасигача кўтарилади». Гарчи бу жараён — узоқ давом этса ҳам коммунистик ишлаб чиқаришнинг асосий белгилари

шу пайтдаёқ, ривожланган социализм босқичидаёқ шаклланади. Бу ўринда жисмоний ва ақлий меҳнат ходимлари ўртасидаги муҳим тафовутларни тугатишнинг 3 та асосий йўлини таърифлаб ўтиш зарур:

1) одамларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнатни узвий равишда бирлаштириш, бу фаолиятга тобора кўпроқ ижодий, интеллектуал мазмун бахш этиш;

2) жисмоний меҳнат ходимлари — ишчи ва колхозчиларни моддий ва маънавий ишлаб чиқариш, хизмат қилиш, ишлаб чиқаришни, давлат ва жамоат ишларини бошқариш соҳасидаги мураккаб ақлий меҳнатнинг ҳозир зиёлилар шуғулланаётган турларига жалб қилиш;

3) ҳам жисмоний, ҳам ақлий меҳнат ходимларининг умумий маълумот, махсус тайёргарлик, маданият савиясини ошириш.

Ҳозирги шароитда ишчи ва колхозчилар меҳнатининг характери ва мазмунини ўзгартириш, оғир жисмоний меҳнатни тугатиш, қўлда бажариладиган зерикарли меҳнатни кескин қисқартириш проблемаси кўндаланг бўлиб турибди. КПСС XXV съезди қарорлари асосида ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш соҳасида катта иш қилинмоқда: 1978 йил охирига келиб СССР саноатидаги механизациялашган поток ва автомат линиялар 155 мингтадан ошганини, комплекс механизациялашган ва автоматлашган участкалар, цехлар, ишлаб чиқаришлар 80 мингтага етай деб қолганини тингловчиларга эслатиш мумкин. 1980 йилда саноатдаги 400 минг ишчини қўл меҳнатидан механизациялашган меҳнатга ўтказиш кўзда тутилмоқда. Қишлоқ хўжалигида ҳам бу соҳада кўп иш қилинмоқда (ўз коллективингиз мисолида механизаторларнинг, шунингдек махсус меҳнат бошқа турлари билан шуғулланувчи кишиларнинг, айниқса индустриал типдаги касб ва ихтисосдаги кишилар тўғрисидаги маълумотларни айтиб беринг).

Меҳнатнинг жозибадорлигини ошириш, унинг мазмунини бойитиш учун, меҳнатни ташкил этиш учун бригада формаси, меҳнатни ўзгартириш, бир неча касбни ўрганиш, малакани ошириш имкониятлари билан боғлиқ бўлган ишчи кадрларни касб-малака жиҳатидан кўтаришнинг турли системалари катта социал аҳамиятга эгадир.

Мазкур масалани таҳлил этиш охирида жисмоний ва ақлий меҳнат ходимларининг иттифоқини мустаҳкамлаш зарурлигини айтиш керак. В. И. Ленин таъкидлаб айтганидек, «фан, пролетариат ва техника намояндаларининг иттифоқига ҳеч бир қора куч дош бера олмайди» (ТАТ, 40-том, 218-бет). Мамлакатнинг иқтисодий турмушидаги интеграция жараёнлари жисмоний ва ақлий меҳнат ходимлари иттифоқини мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб қолмоқда.

Фан билан ишлаб чиқаришнинг интеграциясини ривожлантириш, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларини вужудга келтириш ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларнинг коллектив ўзаро ёрдамини кучайтиради, уларнинг иттифоқини мустаҳкамлайди. Совет зиёлилари ишчилар синфининг энг яхши социал-сиёсий ва маънавий фазилатларини тобора кўпроқ қабул қилиб олмоқда ҳамда айни вақтда зиёлилар ишчилар билан деҳқонларнинг ғоявий ва маданий ўсишига ёрдам бермоқдалар, уларга илмий-техникавий, ижтимоий-сиёсий билимларни ўргатмоқдалар.

Социология тадқиқотларининг натижаларидан маълум бўлишича, ишчилар ва колхозчиларнинг маълумот жиҳатидан зиёлиларга яқинлашиши билан бирга уларнинг ижтимоий-сиёсий активлигидаги, рационализаторлик ва ихтирочилик фаолиятидаги, бадиий ҳаваскорлик ижодидаги, маданият муассасаларидан доимий баҳраманд бўлишдаги, маънавий бойликларга интилишдаги ва шу каби соҳалардаги тафовутлар ҳам тугаб боради. Шу сабабли партия ўзининг социал сиёсатида жисмоний меҳнат ходимларининг муайян «маълумот резерви», интеллектуал потенциали бевосита ишлаб чиқариш талабларидан устун бўлишига асосланмоқда.

Мутахассисларнинг ишчилар ва колхозчилар билан ижодий ҳамдўстлиги турли формалари (комплекс ижодий бригадалар, жамоат конструкторлик бюролари ва шу кабилар), шунингдек илмий муассасалар ва олий ўқув юртларининг ишлаб чиқариш-техника проблемаларини биргаликда ҳал этиш соҳасида ишлаб чиқариш коллективлари билан алоқалари кучайиб бораётганлиги жисмоний ва ақлий меҳнат ходимларининг иттифоқини мустаҳкамлашда, уларни ўзаро бойитишда катта роль ўйнамоқда.

Буларнинг ҳаммаси шуни кўрсатадики, «СССРда ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг, барча жисмоний ва ақлий меҳнат ходимларининг бузилмас иттифоқи таркиб топди. Бу иттифоқ коммунистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятларга эришишнинг энг муҳим манбаи ва гаровидир» (Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 6-том, 705-бет).

ТЕМАГА ОИД АДАБИЁТ

В. И. Ленин. **Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари.** Тўла асарлар тўплами, 36-том, 187—237-бетлар.

В. И. Ленин. **Буюк почин.** Тўла асарлар тўплами, 39-том, 1—33-бетлар.

В. И. Ленин. **Асрлардан буён ҳукм суриб келган укладни вайрон қилишдан янгисини бунёд этишга.** Тўла асарлар тўплами, 40-том, 362—363-бетлар.

В. И. Ленин. **Ёшлар союзларининг вазифалари.** Тўла асарлар тўплами. 41-том, 333—355-бетлар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1976, 64—136-бетлар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Конституцияси (Асосий Қонуни). Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1977.

КПСС XXV съездининг материаллари. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1976, 47—97-бетлар.

Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида. КПСС МК 1979 йил 26 апрель қарори.

Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида. КПСС МК 1979 йил 13 декабрь қарори.

Л. И. Брежнев. **Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг эллик йиллиги тўғрисида.** Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар. 4-том, 45—115-бетлар.

Л. И. Брежнев. **Коммунизм йўлидаги тарихий марра.** Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар. 6-том, 700—722-бетлар.

Л. И. Брежнев. **СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида.** КПСС МК Пленумида 1978 йил 3 июлда қилинган доклад.— КПСС МК Пленумининг 1978 йил 4 июлда қабул қилган қарори. Т., «Ўзбекистон» нашриёти. 1978.

Л. И. Брежнев. **КПСС Марказий Комитетининг Пленумида 1978 йил 27 ноябрда сўзланган нутқ.**— КПСС МК Пленумининг қарори. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1978.

Л. И. Брежнев. **КПСС Марказий Комитети Пленумида 1979 йил 27 ноябрда сўзланган нутқ.**— КПСС МК Пленумининг қарори. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1979.

Л. И. Брежнев. **Бизнинг йўлимиз — тинч бунёдкорлик йўли.** Москва шаҳри Бауман сайлов округи сайловчилари билан учрашувда 1980 йил 22 февралда сўзланган нутқ. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1980.

Л. И. Брежнев. **КПСС Марказий Комитетининг Пленумида 1980 йил 23 июнда қилинган доклад.** «Совет Ўзбекистони», 1980 йил 24 июнь.

Б. Н. Пономарев. **Ленинизмнинг улуғ ҳаётбахш кучи.** Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишланиб Москвада ўтказилган тантанали йиғилишдаги доклад. Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1980.

СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ БИРЛИГИ ВА ДЎСТЛИГИ — СОЦИАЛИЗМНИНГ БУЮК ЮТУҒИ

Мамлакатимизнинг барча халқлари қўлни қўлга бериб яшамоқдалар ва меҳнат қилмоқдалар. 1979 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати катта ва кичик, 500—900 кишидан иборат алеутлар, нганасанлар, негидальлар, юкагирлардан тортиб то 137 миллионли русларгача бўлган 120 дан ортиқ миллат ва элат борлигини аниқлади. Пропагандист илгари айтиб ўтганидек, ана шу барча халқларнинг қаҳрамонона кучғайрат сарфлаши туфайли коммунизм йўлидаги қонуний босқич бўлган ва иқтисодий жиҳатдан юксак даражаси, социал-сиёсий муносабатларининг етуклиги, маданиятнинг ҳар томонлама равнақ топиши билангина эмас, балки турмушимиз бутун укладининг интернационаллашувидан иборат чуқур жараёнлар билан характерланувчи ривожланган социалистик жамият муваффақиятли тарзда қурилди. Социалистик миллатларнинг мустаҳкам ҳамжиҳатлиги, «ягона оила» туйғусининг ошиб бораётганлиги, умумхалқ манфаатларининг чуқур англанилиши — буларнинг ҳаммаси ривожланган социализм шароитида реал факт бўлиб қолди.

СССР халқларининг дўстлиги коммунизм қураётган социалистик миллатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий ва ҳарбий ҳамкорликдан иборат бўлиб, бу ҳамкорлик ихтиёрийлик, ўзаро ҳурмат, ишонч, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ёрдам, мақсадларнинг бирлиги негизида ривожланмоқда. Учта революция оловида таркиб топган ва чиниққан СССР халқларининг дўстлиги Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилишда, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушида уларнинг энг яхши фарзандлари қони билан мустаҳкамланди, социализм қуриш учун биргаликда олиб борилаётган курашда чиниқди. Бу дўстлик совет жамиятини ривожлантиришнинг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучларидан бирига айланди, кўп миллатли давлатимиз қудрати ва мустаҳкамлигининг манбаи, коммунизмнинг яқинлашувини тезлаштираётган қудратли омил бўлиб қолди. Шу билан бирга ҳозирги замон шароитида гап шунчаки халқлар дўстлиги ҳақида эмас, балки социалистик турмуш тарзимизнинг ажралмас қисми бўлиб қолган мамлакатимиз барча миллатлари ва элатларининг бузилмас интерна-

ционал бирлиги ҳақида боради. Совет воқелиги партиямиз ленинча миллий сиёсатининг тўғрилигини, узоқни кўришини ва буюк ўзгартирувчилик кучини тасдиқламоқда.

Темани ўрганишнинг қуйидаги плани тавсия этилади:

1. **СССРда миллий масаланинг ҳал этилиши — Ленин ғояларининг мужассами.**
2. **Мамлакатимиз халқлари дўстлиги ва биродарлигининг янада мустаҳкамланиши.**

СССРДА МИЛЛИЙ МАСАЛАНИНГ ҲАЛ ЭТИЛИШИ — ЛЕНИН ҒОЯЛАРИНИНГ МУЖАССАМИ

Пропагандист бу бўлимни кўриб чиқишга киришар экан, инсониятнинг социал тарихида миллатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар проблемаси ҳамиша энг жиддий ва мураккаб проблемалардан бири бўлиб келганини таъкидлайди. Лекин бирорта эксплуататорлик тузуми бу проблемани ҳал эта олмади. Чунки бунинг учун миллий зулмни ва миллатларнинг нотенглигини тугатиш, барча кишиларнинг ирқий ва миллий мансублигидан қатъи назар, амалдаги тенглиги учун, халқларнинг дўстона ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлиги учун шароит яратиш керак эди. Ҳукмрон синфлар эса аксинча ҳамиша миллий зулмни кучайтиришга, халқлар ўртасида низо ва адоват уруғини сочишга, уларни бир-биридан ажратиб қўйишга, бир миллат манфаатларини иккинчи миллат манфаатларига қарама-қарши қилиб қўйишга уриниб келди. Буржуазия идеологлари эса мазлум халқларнинг ирқий ва миллий «лаёқатсизлигини» назарий жиҳатдан «асослашга», мазлум миллатларнинг мустақил тарихий ижодиётга қобил эмасликларини «исботлашга» ва уларнинг асоратда яшашини оқлашга ҳаракат қилдилар.

Шу сабабли миллий масалани биринчи марта илмий асосда изоҳлаб берган К. Маркс билан Ф. Энгельс уни социалистик революция ва пролетариат диктатураси ҳақидаги умумий ва бош масаланинг бир қисми деб билдилар. Улар «Коммунистик партия Манифести»да бундай деб ёзган эдилар:

«Бир шахсни иккинчи бир шахс эксплуатация қилиши йўқола борган сари, бир миллатни иккинчи бир миллат эксплуатация қилиши ҳам йўқола боради.

Миллатлар ичидаги синфий антагонизм йўқолиши билан миллатлар ўртасидаги душманлик муносабатлари ҳам тугайди» (Танланган асарлар, I том, Ўздавнашр, 1959 йил, 27-бет).

Янги тарихий даврда — империализм ва пролетар революциялари даврида В. И. Ленин илмий коммунизм асосчиларининг ғояларини ижодий ривожлантириб миллий масала юзасидан таълимот яратди, Коммунистик партия миллий сиёсатининг илмий принципларини ишлаб чиқди. Бунда у Россия воқелигининг конкрет шароитларидан келиб чиқди. Чор самодержавиеси миллий-ирқий камситишни қонунга айлантирган эди. Худди шунинг учун ҳам аҳолисининг 57 процентини рус бўлмаган миллатлар ташкил қилувчи буржуазия-помешчиклар Россияси «халқлар турмаси», буюк давлатчилик шовинизм манбаи, қора гуруҳчи погромлар ўлкаси эди. Ҳукумат миллатлар ўртасидаги адоватни авж олдириб, бир миллатни иккинчисига гиж-гижлар эди. Миллий чекка ўлкалар иқтисодий жиҳатдан ғоят қолоқ бўлиб, аҳолиси ёппасига саводсиз эди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси социал зулмнигина эмас, миллий зулмни ҳам тугатиб, мамлакатимиздаги барча миллат меҳнаткашларининг озодлиги, тенглиги ва биродарлигини эълон қилди, бу идеалларнинг рўёбга чиқиши учун чексиз имкониятлар яратиб берди. «Социализм,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— ишлаб чиқаришни синфий зулмсиз ташкил этиб давлатнинг **барча** аъзолари учун фаровонлик яратиш билан аҳолининг «рағбатига» **тўла эркинлик** беради ва худди шунинг орқасида миллатларнинг яқинлашуви ва қўшилувини осонлаштиради ва жуда ҳам тезлаштиради» (Тўла асарлар тўплами, 30-том, 25-бет).

1917 йил 15 ноябрда В. И. Ленин имзоси билан эълон қилинган «Россия халқлари ҳуқуқлари Декларацияси» Совет ҳокимияти миллий сиёсатининг асослари баён қилинган дастлабки қонун акти бўлди. Унда Россия халқларининг тенглиги ва суверенитети, бу халқларнинг ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузишгача ўз тақдирини ўзи эркин белгилаш ҳуқуқи эълон қилинди, барча миллий ва миллий-диний имтиёзлар ва чеклашлар бекор қилинди, майда миллатлар ва этнографик группаларнинг эркин ривожланиши эълон қилинди. «Декларация»дан кейин эълон қилинган «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» мурожаат ҳамда бошқа бир қатор давлат актлари мамлакатда биринчи марта миллий муносабатларнинг янги типи ўрнатилаётганидан далолат берди.

В. И. Ленин миллий масала бўйича программада шунга асосландики, давлат тузуми қанчалик демократикроқ бўлса, кўп миллатли давлатда яшовчи миллатлар қанчалик кўпроқ эркинликка эга бўлса, уларнинг иқтисодий ва сиёсий алоқалари шунчалик мустаҳкамроқ бўлади. Тенглик орқали миллатларнинг бирлиги ва ҳар томонлама жипслашуви томон бориш, ижтимоий ва миллий зулмдан тамомила озод бўлиш — миллий масалани марксча-ленинчасига қўйишнинг диалектикаси ана шунда. «Биз миллатларнинг **ихтиёрий** иттифоқини — бир миллатнинг иккинчи миллатга ҳеч қандай зўравонлик қилишига йўл қўймайдиган иттифоқини истаймиз, мутлақо тўла ишончга, қардошларча бирликни очиқ ва равшан тушуниб олишга, тўла ихтиёрийлик

асосидаги келишувга асосланадиган иттифоқини истаймиз», деб таъкидлаган эди В. И. Ленин (Тўла асарлар тўплами, 40-том, 50-бет).

Россия халқлари миллий мустақиллик ва тенг ҳуқуқлиликни эълон қилиб, ажралиб чиқишни истамадилар, балки битта давлатда қолишни афзал кўрдилар. Пропагандист тингловчиларга шуни эслатиб ўтадики, Октябрдан кейинги дастлабки йилларда революция давомида тузилган барча республикаларнинг сиёсий, ҳарбий, хўжалик ва дипломатик иттифоқи таркиб топди ва бу нарса улар ўртасидаги бир қатор шартномалар билан расмийлаштирилди. Бу иттифоқ шуни яққол кўрсатдики, фақат жипслашган кучларгина Улуғ Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилишга, янги жамият қуриш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга қодир бўлади.

Турли миллатларга мансуб меҳнаткашларнинг ягона туб манфаатлари, уларнинг қардошларча ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва чуқурлаштиришга иштиёқи мамлакатимиз халқларининг бирлашиш учун қудратли ҳаракатини келтириб чиқардики, бунда кўп миллатли иттифоқ давлатини тузишдан иборат Ленин ғояси ўз ифодасини топди. Совет республикаларининг меҳнаткашлари шартнома муносабатларидан мустаҳкамроқ федератив иттифоққа ўтиш истагини билдирдилар. Советларнинг I Бутуниттифоқ съезди буни ҳисобга олиб, 1922 йил 30 декабрда пролетар интернационализми принципларига, иқтисодий ва сиёсий ташкилотлар бирлигига, ғоявий ва маданий ҳаёт муштараклигига асосланиб қурилган тенг ҳуқуқли ва суверен социалистик республикалар федерацияси сифатида СССР ташкил этилганлигини эълон қилди.

Республикаларнинг ихтиёрий равишда ягона давлатга бирлашуви ҳар бир халқ манфаатларига ҳам, мамлакатимиздаги барча меҳнаткашларнинг умумий революцион мақсадларига ҳам мос бўлиб тушди. Халқлар социалистик ҳамкорлигининг олий формаси бўлиб қолган ССР Иттифоқининг тузилиши Улуғ Октябрь ғалабасидан кейин таркиб топган миллатлар ўртасидаги янги муносабатларнинг давлат йўли билан расмийлашуви ва мустаҳкамланишини англатди. Бу эса жамиятни социалистик негизда жадал қайта қуриш, совет кўп миллатли давлатининг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиб берди.

Ҳозир СССР территориясида 53 миллий давлатлар ва миллий-давлат тузумлари, шу жумладан 15 иттифоқдош республика, 20 автоном республика, 8 автоном область ва 10 автоном округ бор. Ўз миллий давлатчилик формаларига эга бўлган миллатларнинг вакиллари мамлакат аҳолисининг 98 процентини ташкил қилади. Бу эса социализм ўз тақдирини ўзи эркин белгилашга бўлган миллатлар ҳуқуқини эълон қилибгина қолмай, уни амалда рўёбга чиқаришидан далолат беради.

Шу билан бирга, деб таъкидлайди пропагандист, юридик тенг ҳуқуқлиликнинг ўрнатилиши барча миллатларнинг тўла тенглигини рўёбга чиқариш учун етарли бўлмади. Халқлар ўртасидаги ишончсизликни тамомила тугата оладиган чинакам биродарлик уларнинг социализм йўлида биргаликда ва гармоник тарзда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланиши жараёнидагина шакллана оларди. Шу сабабли социалистик жамият қуришдан иборат Ленин плани мамлакатни индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, маданий революция, пролетар интернационализми принциплари асосида миллий масалани ҳал этиш сингари асосий бўғинларни ўз ичига олди.

Октябрь революцияси арафасида мамлакатимиз миллатлари ва элатларининг иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланиш даражаси турлича эди. Капитализм босқичидан ўтганлар билан бир қаторда унга эришмаганлари ҳам бор эди, кўпларида эса ҳали патриархал-уруғчилик турмуши белгилари сақланиб қолган эди. Шунинг учун ҳам миллий муносабатлар соҳасида социализм қонуниятларидан бири — барча миллатлар ва элатлар иқтисодий ва маданий ривожланиши даражасини бараварлаштиришдан, уларнинг амалдаги тенглигига эришишдан иборатдир. Бу тарихий вазифани бажаришнинг конкрет программаси дастлабки беш йиллик планларда ўз аксини топди.

Илгариги қолоқ миллий чекка ўлкалар, шу жумладан Ўрта Осиё халқларини иқтисодий, маданий ва социал-сиёсий ривожлантиришни жадаллаштиришга, уларнинг капитализмни четлаб, социализмга ўтишига қаратилган партия йўли алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Мамлакатимиз бошқа халқларининг, аввало рус халқининг ғоят катта ҳар томонлама ва беғараз ёрдами туфайли бу ўтиш имконияти туғилди. Рус халқининг революцион ғайрати, фидокорлиги, меҳнатсеварлиги, чуқур интернационализми СССРдаги барча миллатлар ва элатларнинг самимий ҳурматига сазовор бўлдики, улар рус халқини ҳақли равишда катта оғалари деб атамоқдалар. КПСС МК Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бундай деган эди: «Миллий чекка ўлкалар қолоқлигини тугатиш, уларни жадал ривожлантириш йўлида ана шундай ёрдам беришни, зўр куч-ғайрат сарфлашга ва тўғрисини айтганда қурбонлар беришга тайёр бўлиб туришни Ленин Россия пролетариатининг олий интернационал бурчи деб васият қилган эди. Рус ишчилар синфи, рус халқи бу бурчни шараф билан бажардилар. Аслида бу — бутун бир синфнинг, бутун бир халқнинг интернационализм йўлида кўрсатган шонли жасорати бўлди. Ватанимизнинг ҳамма халқлари ана шу жасоратни ҳеч қачон унутмайдилар» (Ленин йўлидан, 4-том, 56-бет).

Пропагандист бу ёрдам — оғир вазиятда кўрсатилган қисқа муддатли кўмак эмас, балки кенг кўламдаги систематик ёрдам бўлганлигини таъкидлайди. Миллий

чекка ўлка халқларининг амалдаги тенгсизлигини тугатиш йўлларини белгилаб берган партия X съездининг (1921 йил) қарорларига биноан Москва, Ленинграддан, Урал шаҳарларидан ва РСФСРнинг бошқа саноат марказларидан бутун-бутун корхоналар шу ўлкаларга кўчирилди, кўплаб тошкўмир, нефть маҳсулотлари, чўян, пўлат, бинокорлик материаллари, машиналар, станоклар, электр моторлари ва бошқа ускуналар жўнатилди, тажрибали ишчилар, инженерлар, олимлар, хўжалик ходимлари, маданият арбоблари юборилди ва улар маҳаллий ходимларга ўз тажриба ҳамда билимларини ўргатдилар. РСФСРнинг саноат марказлари миллий республикаларга малакали ишчи кадрлар тайёрлашда ёрдам берди. Бу республикаларнинг ёшлари Москва, Ленинград ва Россиянинг бошқа шаҳарларидаги олий ўқув юртларида таълим олишди. Умуман мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш талабларини ва ҳамда илгари қолоқ бўлган ва эндиликда социалистик давлат саноат комплексларининг кенг қурилишини авж олдириб юборган миллий чекка ўлкаларда хўжалик ва маданий ривожланиш вазифаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарувчи кучларни рационал жойлаштириш ғоят катта аҳамиятга эга эди. Бу ёрдам ўлкадаги туб миллат ишчилари ва деҳқонларининг революцион ғайрати, меҳнат қаҳрамонлиги ва ижодий ташаббускорлиги билан қўшилиб, бутун мамлакатда бўлганидек, бу ерда ҳам оқибат натижада социализм ғояларининг тантанасини олдиндан белгилаб берди. «Қолоқ миллий чекка ўлка» деган тушунча барҳам топди.

Социалистик жамиятни биргаликда қуриш, қардошларча ёрдам, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик, Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсат принципларини изчиллик билан амалга ошириши мамлакатимиз халқларининг интернационал жипслигини уларнинг дўстлиги ва бирлигини мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи фактори бўлди. Бу дўстлик Улуғ Ватан уруши йилларида жиддий синовдан ўтди. Бу урушда барча миллатларга мансуб совет кишилари гитлерчи босқинчиларга зарба бериш иштиёқида ёниб, ўз социалистик Ватанларининг озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилишга отландилар. Совет Иттифоқининг ғалабаси коммунизм тантанаси йўлида ўз тақдирларини ихтиёрий равишда бирлаштирган тенг ҳуқуқли ва эркин халқлар монолит оиласи сифатида унинг енгилмас эканлигидан яққол далолат берди.

Бу буюк дўстлик уруш туфайли вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклаш даврида янги куч билан намоён бўлди. Фашистлар оккупациясини бошидан кечирган украин, белорус ва бошқа халқларга СССРнинг барча халқлари ёрдам кўрсатдилар. Мамлакатнинг ғарбий районларига саноат ускуналари, бинокорлик материаллари, халқ истеъмоли товарлари ва бошқа маҳсулотлар юборилди, халқ хўжалиги турли тармоқларининг ишчилари ва мутахассислари боришди. Бу эса уруш жароҳатларини қисқа муддатда тугатиш имконини берди.

Шундан кейинги йилларда ҳам СССР халқларининг дўстлиги ва биродарлиги доимо ёрқин намоён бўлиб турди. Пропагандист Қозоғистон қўриқ ерларининг очилишини, зилзиладан вайрон бўлган Тошкентнинг қайта тикланишини, РСФСР Ноқоратупроқ зонасини ўзлаштиришда кўрсатилаётган ёрдамни ва бошқа фактларни мисол қилиб келтириши мумкин.

Бунда тингловчиларни огоҳлантириб айтиш керакки, миллатларнинг «амалдаги тенглиги» тушунчаси билан уларнинг иқтисодий ва маданий ривожланишидаги «даражаларни бараварлаштириш» тушунчасини аралаштириб юбориш ярамайди. Булар — турли тушунчалардир.

Экономика соҳасида амалдаги тенглик социализмгача бўлган барча иқтисодий укладларнинг тугатилишини ҳамда мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатларда социалистик ишлаб чиқариш усулини, социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини қарор топтириш, ривожлантиришни, илгари мазлум бўлган халқларнинг ўтмишдаги қолоқлигини тамомила бартараф этишни билдиради.

Совет миллатлари ва элатларининг социал-сиёсий соҳадаги амалий тенглиги шундан иборатки, уларнинг ҳаммаси бир типдаги социал структурага эга, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва тенглиги қарор топди, уларнинг миллий давлатчилиги эса кўп миллатли социалистик давлат ягона системасининг таркибий қисмидир.

Маданият соҳасида амалдаги тенглик бу соҳадаги илгариги қолоқликни бартараф этишни ҳамда мазмунан социалистик, шаклан миллий бўлган юксак даражада ривожланган социалистик маданиятни вужудга келтиришни билдиради. СССР миллатлари ва элатларининг амалда тенгликка эришилганлиги шу нарсада ҳам ифодаланмоқдаки, бизнинг мамлакатимизда кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи таркиб топди.

Шу билан бирга амалдаги тенглик совет республикалари хўжалиги ва маданиятининг у ёки бу тармоғи ривожланиш даражасида тафовутлар бўлишини истисно қилмайди. Аммо бу тафовутлар нисбий ва фақат миқдорий характерга эгадир. Партиямиз республикаларнинг иқтисодий ва маданий ривожланиш даражасини бараварлаштириш вазифасини муваффақиятли ҳал этмоқда ва бу вазифа, ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек, ҳозиргачаёқ асосан ҳал этилди (қаранг: Ленин йўлидан, 4-том, 102-бет). Машғулот вақтида буни исботловчи бир қатор мисоллар келтириш тавсия этилади.

Масалан, Ўзбекистон саноат маҳсулотининг умумий ҳажми 1913 йилдан 1978 йилгача 71 баравар кўпайди. Эндиликда республиканинг индустриал қиёфасини энер-

гетика, химия, нефть, кўмир, газ, кон-руда, металлургия, олтин қазиб олиш, электротехника, самолётсозлик, электрон саноати, кўп тармоқли машинасозлик белгилаб турибди. Ҳозир саноат ишлаб чиқаришининг 100 дан ортиқ тармоғига мансуб 1500 дан кўпроқ йирик корхона ишлаб турибди.

Ҳар бир иттифоқдош республика қишлоқ хўжалигида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Унинг ялпи маҳсулоти (хўжаликларнинг барча категорияларида) 1913 йилга нисбатан 1978 йилда СССР бўйича умуман 3,6 баравар кўпайган бўлса, Туркманистон ССРда 6,2, Озарбайжон ССРда 6,8, Қирғизистон ССРда 7, Арманистон ССРда 7,1 Ўзбекистон ССРда 7,3, Грузия ССРда 9,7, Тожикистон ССРда 10 баравар кўпайди.

Иттифоқдош республикалар социал структурасининг тенглашуви, айниқса ўтмишда аҳоли составидаги ишчиларнинг салмоғи СССРнинг марказий районларидагига қараганда кам бўлган республикаларда ишчилар синфи отрядларининг тез ўсиши — мамлакатимиз ҳаётидаги сифат жиҳатидан янги ҳодисадир. 1924 йилдан 1978 йилгача ишчилар сони бутун Совет Иттифоқи бўйича 13,7 баравар кўпайган бўлса, Ўзбекистонда 33,4, Қоғозистонда — 35, Тожикистонда 42,6, Қирғизистонда 43 баравар кўпайди.

Собиқ миллий чекка ўлкаларда мактаблар, кутубхоналар, клублар, техникумлар, олий ўқув юртлари, илмий муассасаларнинг кенг шохобчалари вужудга келтирилди. 1979 йилда халқ хўжалигида банд бўлган ҳар минг кишига умуман СССР бўйича олий ва ўрта (тўла ва тўлиқсиз) маълумотли 805 киши тўғри келган бўлса, Тожикистонда 770, Қирғизистонда 804, Қозоғистонда 807, Туркманистонда 823, Ўзбекистонда 848 киши тўғри келди. Эндиликда ҳар бир иттифоқдош республикада халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишловчи мутахассисларнинг катта отряди бор.

Пропагандист ана шу мисолларни келтириб тингловчиларга шуни тушунтирадики, республикалар ривожланиш даражасини бундан буён бараварлаштириш уларда маҳсулотнинг ҳамма турларини бир хил миқдорда ишлаб чиқаришни ҳамда коммунистик қурилишнинг умумий ишига республикаларнинг баб-баравар ҳисса қўшишини билдирмайди, уларнинг иқтисодий потенциалларини механик тарзда бараварлаштириш мақсадини қўймайди. Планлаштириш вақтида республиканинг хўжалик имкониятлари, унинг табиий бойликлари, аҳолининг сони, малакали ишчиларнинг мавжудлиги ва ҳамма жойларда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг интенсив ривожланишини, коммунизм моддий-техника базасини яратишга ҳар бир халқнинг энг кўп ҳисса қўшишини таъминлайдиган бошқа объектив факторлар ҳисобга олинади.

Совет ҳокимияти йилларида рўй берган ўзгаришларни баҳолаб, партия шундай хулоса чиқарди: мамлакатимизда революциядан илгариги ўтмишдан бизга мерос бўлиб қолган тарздаги миллий масала тўла, узил-кесил ва тамомила ҳал этилди. Бунинг маъноси шуки:

биринчидан, миллатлар ўртасидаги адоват ва ишончсизлик, низо ва ётсираш барҳам топди ва янги ижтимоий тузум негизида халқлар ўртасидаги муносабатларнинг социалистик типи — дўстлик, ўзаро ҳурмат, қардошларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам таркиб топди;

иккинчидан, юқорида айтиб ўтганимиздек, мамлакатимизда миллатларнинг юридик тенглигигагина эмас, балки амалдаги тенглигига ҳам эришилди;

учинчидан, социалистик интернационализм идеологияси ва сиёсати ижтимоий ҳаётнинг барча сфераларида, шу жумладан ижтимоий онгда буржуа миллатчилиги ва шовинизм идеологияси ва сиёсати устидан ғалаба қозонди, янги, совет турмуш тарзи қарор топди. Бу турмуш тарзи мамлакатдаги барча миллатлар ва элатлар учун ягона бўлиб, чинакам коллективизм ва ўртоқлик, жипслик ва дўстлик вазияти шу турмуш тарзининг ёрқин белгиларига айланди, яъни интернационализм бир ҳовуч коммунистлар идеалидан миллионларча совет кишиларининг чуқур эътиқодига ва хулқ-атвори нормасига айланди.

Кишиларнинг янги, тарихда мисли кўрилмаган социал ва интернационал бирлиги — совет халқининг вужудга келиши СССРда миллий масала муваффақиятли ҳал этилганлигининг энг умумлашма кўрсаткичларидан биридир. Бу бирлик иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий ҳаёт муштараклиги, барча социалистик миллатлар ва элатлар идеологияси манфаатлари ва мақсадларининг бирлиги негизида, уларнинг тенг ҳуқуқлилиги, суверенлиги, қардошларча дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам асосида шаклланди.

Пропагандист шуни таъкидлайдики, совет халқи — янги миллат эмас, балки ўзида барча миллат меҳнаткашларининг монолит бирлигини мужассамлаштирувчи кўп миллатли бирликдир. Бу бирликнинг ташкил топиши кишиларнинг миллатлар ва элатларга бўлинишининг бекор қилинишини, миллий бирликлар, миллий маданиятлар ва миллий тилларнинг йўқ бўлиб кетишини билдирмайди. Аксинча социалистик миллатлар ўзларининг энг яхши хусусиятлари ва анъаналарини ривожлантириш учун энг қулай имкониятларга эга бўладилар.

Тингловчилар эътиборини партиямизнинг хулосасини, яъни мамлакатимизда миллатлар ва миллий муносабатлар мавжуд бўлган ва яна узоқ вақт мавжуд бўладиган шароитда СССРда миллий масала тўла ва узил-кесил ҳал этилганлиги ҳақидаги хулосани тўғри тушунишга қаратиш зарур. Пропагандист «миллий масала» ҳамда «миллатлар ва миллий муносабатларни ривожлантириш» тушунчаларини бир хил қилиб кў-

йиш ярамаслигини тушунтиради. Миллий масала миллатларнинг тенгсизлигини, бир халқнинг иккинчи халқни эксплуатация қилишини, ўзаро ишончсизлик ва адоватни вужудга келтирган капиталистик жамиятда пайдо бўлади ва кескинлашади ҳамда социалистик қурилиш жараёнида, социализм ғалабаси натижасида ҳал этилади. Миллатлар ва миллий муносабатларни ривожлантириш масаласи эса етук коммунистик жамият шароитида миллатлар қўшилиб кетгунча сақланиб қолади. Ҳозирги вақтда миллий муносабатлар янгидан-янги проблемалар ва вазифаларни олға сурмоқдаки, партиямиз уларга эътибор билан қараётир. Аммо бугун гап миллий масалани ҳал этиш ҳақида эмас, балки миллий муносабатларни янада такомиллаштириш ҳақида, масалан, ягона Совет кўп миллатли давлатида ҳар бир миллат ва элат ривожланишининг оптимал йўлларини қидириб топиш ҳақида, ҳар бир миллат ва элат манфаатларини умуман совет халқи манфаатлари билан энг тўғри қўшиб олиб боришга эришиш ҳақида, айрим кишилар онгида ва хулқ-атворидаги миллатчилик хурофотларини тамомила бартараф этиш ҳақида боради.

Ушбу бўлимнинг охирида пропагандист таъкидлайдики, миллий масалага оид марксча-ленинча таълимот мамлакатимиз тарихида биринчи марта синовдан ўтди. Коммунистик партия раҳбарлигида бу синовдан зўр муваффақият билан ўтилди. Бу нарса социализмнинг капитализмга нисбатан, совет ижтимоий ва давлат тузумининг буржуазия тузумига нисбатан беқиёс афзалликларини ёрқин исботлади, социализм эксплуатациядан озод бўлган ва ягона қардошлик оиласига жипслашган халқларнинг ижодий қобилиятлари ва қудратли яратувчилик кучини тўла намоён қилишини ишонарли тасдиқлади.

МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ ВА БИРОДАРЛИГИНИНГ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНИШИ

Бу бўлимни ўрганишни жуда мураккаб миллий масалани ҳал этишда социализм эришган ғоят катта ютуқларнинг шарт-шароитларини тушунтиришдан бошлаш тавсия этилади. Бу муваффақиятлар аввало шу билан белгиланадики, социализм миллатлар ва миллий муносабатлар ривожланишининг принципиал янги қонуниятларини вужудга келтиради, Коммунистик партия ва социалистик давлатнинг миллий сиёсати ана шу қонуниятларни билиш ва ҳисобга олишга асосланади. Бу қонуниятларнинг энг муҳимлари иккита асосий тенденцияда: ҳар бир миллатнинг барқ уриб ва ҳар томонлама ривожланиши, равнақ топиши тенденциясида ҳамда миллатларнинг ўзаро таъсири ва ўзаро бойишининг кучайиб бориши негизида уларнинг аста-секин, аммо муттасил яқинлашуви тенденциясида ўз ифодасини топади.

Бу ерда пропагандист таққослаш учун тингловчиларга В. И. Ленин кашф қилган буржуазия жамияти шароитида миллий масаладаги икки тенденцияни эслатиб ўтади: 1) миллий ҳаёт уйғонади ва миллий ҳаракатлар қўзғалади, миллий зулмга қарши кураш олиб борилади, миллий давлатлар тузилади; 2) миллатлар ўртасида ҳар турли муносабатлар кучаяди ва тез-тез шундай муносабатлар бўлиб туради, миллий чегаралар бузила боради, капитал, умуман иқтисодий турмуш, сиёсат, фан ва шу сингарилар соҳасида интернационал бирлик вужудга кела бошлайди (қаранг: Тўла асарлар тўплами, 24-том, 143-бет). Мана шу икки тенденция билан социализм давридаги миллий масаладаги икки тенденция ўртасида муайян тарихий алоқа ва давомийлик бор. Лекин айни вақтда уларнинг социал табиати ва моҳияти, амал қилиш шароити ва характери тубдан фарқ қилади.

Масалан, капитализм даврида миллатларнинг ривожланиши ва улар ҳаётининг интернационаллашуви ички жиҳатдан зиддиятли, бир томонлама, суст ва стихияли характерга эга бўлса, социализм шароитида миллатларнинг гармоник, жадал, ҳар томонлама, планли ривожланиши ва чинакам яқинлашуви рўй беради. Капитализм даврида миллий масаладаги икки тенденциянинг ўзаро таъсири социал ҳаётдаги антагонистик зиддиятлардан бири сифатида намоён бўлса, социализм даврида миллатлар ва миллий муносабатлар ривожланишидан иборат жараённинг бирлашувчи икки томонининг таркибий бирлиги мавжуддир: совет миллатларининг равнақи уларнинг ўзаро алоқаларини кучайтириш, ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, бинобарин, уларнинг яқинлашуви учун етакчи тенденция сифатида шароит яратади, миллатлар қанчалик кўпроқ яқинлашса, улар қанчалик кенгроқ кўламда ва мустаҳкамроқ ҳамкорлик қилсалар, уларнинг ўзаро бойиш жараёни шунчалик тўлақонлироқ бўлади, бинобарин, улардан ҳар бирининг ривожланиши ва ҳар томонлама равнақи шу қадар тезроқ рўй беради.

Миллатларнинг равнақи орқали уларни тез ривожлантириш манфаатлари йўлида ҳар томонлама янада яқинлашуви содир бўлади — жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларида ана шу иккала тенденция ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсирининг диалектикаси ана шундай. Улар қонуний равишда совет миллатлари ва элатларининг тўла бирлигига олиб боради.

Сўнгра пропагандист тингловчилар эътиборини шунга қаратадики, мамлакатимизда етук социалистик жамият қурилиши ва унинг коммунизм қурилиши авж олдирилган даврга қадам қўйиши миллатлар ва миллий муносабатлар ривожланишида янги босқич бўлди. Бу босқичда миллатларни ҳар томонлама равнақ топтириш ҳам-

да ўзаро таъсири ва ўзаро бойишини кучайтириш негизида улар ҳаётининг интернационал асосларини аста-секин кенгайтириш ва чуқурлаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Миллатлараро иқтисодий бирлик ҳар бир алоҳида совет миллати ва элатининг иқтисодий ҳаёти бирлигидан тобора устун бўлиб бормоқда. СССР ичидаги республикалараро территория чегаралари ўзининг илгариги аҳамиятини йўқотиб бормоқда: кишиларда бутун совет халқининг территориал муштараклигини ҳис қилиш, миллий территория аввало СССР территориясининг таркибий қисми эканлигини англаш туйғуси ривожланмоқда.

Умумиттифоқ экономикаси республикалар хўжалигини ўз ичига оладиган ҳамда бутун мамлакат ва ҳар бир республика манфаатлари йўлида ягона давлат плани асосида ривожланаётган ўзаро боғлиқ халқ хўжалик комплексидан иборатдир. Шу туфайли мамлакатнинг бутун миллий бойлиги, унда яратилган ва яратилаётган нарсаларнинг ҳаммаси барча миллатлар ва элатлар биргаликда қилган меҳнат натижаси, уларнинг умумий бойлигидир. Шу сабабли миллатлар ҳамкорлиги жараёнида рўй бераётган улар фаолияти натижаларининг айирбошланиши аслида ҳар бир миллат меҳнати ва таланти билан бойитилган ва кўпайтирилган умумхалқ мулкини айирбошлашдир. Бинобарин, СССР халқлари иқтисодий ҳамкорлигининг чуқурлашуви ва кенгайиши жараёнида миллий муносабатларни ривожлантириш учун ягона халқ хўжалик комплексининг роли тобора ошиб боради.

Социалистик миллатлар яқинлашувининг моддий негизи сифатида иқтисодий ҳаёт муштараклигининг мустаҳкамланиши иттифоқдош республикалар ўртасида меҳнатни территориал тақсимлаш воситаси билан рўй беради. Бу нарса улардан ҳар бирининг умумиттифоқ ишлаб чиқаришига, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга қўшаётган ҳиссасини белгилайди.

Иттифоқдош республикаларнинг меҳнаткашлари, деб таъкидлайди пропагандист, мазкур республика ихтисослашаётган ва республиканинг ўзига, умуман мамлакатга зарур бўлган маҳсулотни энг кўп ишлаб чиқаришга интилмоқдалар. Масалан, Ўзбекистон учун пахта энг катта бойлик, республика равнақининг бош манбаидир. Аммо республикамиз меҳнаткашлари шуни яхши биладиларки, пахта бутун совет мамлакатига, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларга ҳам керак. Шу сабабли улар пахта етиштиришни узлуксиз кўпайтиришни ўзларининг энг муҳим интернационал бурчлари деб биладилар. Бу бурчни улар шараф билан бажараётирлар. Бундай манзарани барча иттифоқдош республикаларда кўрамиз, уларнинг ҳар бири ўз ишлаб чиқарувчи кучларини ва миллий бойликларни ошириб, бутун мамлакат бойлигини кўпайтирмоқда.

Аммо иттифоқдош республикаларни ихтисослаштириш уларнинг ўзаро алоқасисиз, кенг кўламдаги кооперациясиз мумкин эмас. Улардан ҳар бирининг хўжалик ҳаёти ўзаро иқтисодий алоқаларнинг мингларча риштaлари билан боғланган ва шу сабабли чуқур интернационалдир. У ёки бу республика маҳсулотнинг муайян турларини ишлаб чиқарувчи йирик базага айланган экан, бу нарса шу республиканинггина эмас, балки бошқа республикаларнинг ҳам ишчилари, колхозчилари, зиёлилари фидокорона меҳнатининг натижасидир. СССР халқлари уларнинг ҳар бири учун табиий ҳаётий заруратга айланган моддий ва маънавий бойликларни айирбошлашнинг кучайиб бораётганлиги нақадар катта самара бераётганини кун сайин сезиб турибдилар. Шу муносабат билан машғулотда ўртоқ Л. И. Брежневнинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтиш жоиздир:

«Совет Иттифоқининг экономикаси айрим республикалар ва областлар экономикасининг йиғиндисидан иборат эмас. У барча миллатлар ва элатларнинг муштарак иқтисодий мақсадлари ҳамда манфаатлари асосида кўпдан бери таркиб топган ягона хўжалик организмидир.

Айтайлик, Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳолати республиканинг ўзидаги пахта қосилигагина эмас, Урал ва Ленинград машинасозларининг, Кузбасс шахтёрларининг, Қозоғистон ғаллакор совхозларининг, Белоруссиядаги электрон-ҳисоблаш машиналари ишлаб чиқарувчиларининг ишига ҳам боғлиқдир. Худди шунингдек Украинанинг равнақи, унинг ўз меҳнаткашлари муваффақиятли ишигагина боғлиқ бўлиб қолмай, шу билан бирга Татаристон ва Бошқирдистон нефтчилари, Коми ўрмон саноати, Москва, Горький ва Куйбишев машинасозлиги ишининг натижаларига ҳам боғлиқдир. Бундай мисолларни юзлаб ва минглаб келтириш мумкин. Ишларимизнинг кўлами иқтисодий районлар чегарасидангина эмас, иттифоқдош республикалар чегарасидан ҳам ташқарига чиқмоқда» (Ленин йўлидан, 4-том, 63—64-бетлар).

СССР халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда социалистик мусобақанинг, фан-техника ютуқлари ва илғор тажрибани алмашишнинг роли ошиб бормоқда. Масалан, Озарбайжон билан Татаристон нефтчилари, Россия Федерацияси билан Украина кончилари ўзаро мусобақалашмоқдалар. Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон ва Озарбайжон пахтакорларининг, Ўзбекистон ва Белоруссия индустрияси турли тармоқларидаги меҳнаткашларнинг, республикамиз пахтакорлари, пахта тозалаш саноати ходимлари ва тўқимачилари билан Иваново области тўқимачиларининг, Чирчиқ билан Кемерово химикларининг, Бекобод билан Урал металлургларининг, Ангрен кончилари билан Донбасс ва Қарағанда шахтёрларининг, Ўзбекистон билан Қозоғистон энергосистемалари ходимларининг мусобақаси аллақачоноқ анъанавий тус олди. У ёки бу республикада вужудга келган ташаббуслар

бутун мамлакатга ёйилмоқда (масалан, москвалик Н. Злобиннинг қурилишда пудрат усулини қўлланиш методи, львовликларнинг сифатни бошқариш системаси ва ҳоказо). Социалистик мусобақада унинг қатнашчилари меҳнатининг интернационал характери айниқса яққол намоён бўлмоқда, улар умумдавлат манфаатларини чуқур англаб, ҳар бир иттифоқдош республика экономикаси ва маданиятининг равнақи ҳақида ғамхўрлик қилмоқдалар.

Республикалараро ва умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлган йирик объектлар — индустрия гигантлари ва ирригация комплекслари, нефть ва газ қувурлари, темир йўл ва тош йўлларни қуришда, янги ерларни ўзлаштиришда ҳам совет кишилари ўз куч-ғайратларини бирлаштирмоқдалар. Пропагандист мисол тариқасида Братск Красноярск ва Саян-Шушенск ГЭСларини, Байкал-Амур магистралини, Сибирь ва Ўрта Осиёдаги нефть ва газ конларининг ўзлаштирилишини ва ҳоказоларни эслатиб ўтиши мумкин.

Аммо ана шу ва бошқа биргаликда қурилаётган объектларнинг интернационал аҳамияти иқтисодий фойда билангина чекланмайди. Уларнинг қурилишида кўп миллатли коллективлар ишлади ва ишлаётир. Масалан, Норак ГЭСини барпо этишда 40 миллат вакили қатнашди. Тольяттидаги Волга автозаводи қурувчилари ва унда ишловчилар орасида 80 миллат вакили бор, Набережние Челнидаги Камск автозаводини қарийб 70 миллат намояндалари барпо этди; Қозоғистон чўлларидаги қўриқ ерларни очишда РСФСРнинг 30 области, ўлкаси ва автоном республикаси меҳнаткашлари, Украина, Молдавия, Ўзбекистон, Қирғизистон ва бошқа иттифоқдош республикаларнинг вакиллари қатнашди. Биргаликда меҳнат қилиш жараёнида таркиб топадиган ўртоқларча ўзаро ёрдам муносабатлари, турли миллат ва элатлар манфаатлари бирлигини амалда англаб олиш, кундалик ҳаёт умумий традицияларининг шаклланиши, халқлар ҳамкорлиги ва биродарлиги туйғуларининг ривожланиши — мазкур қурилишларнинг ғоят катта ижтимоий самараси ана шундай.

Машғулотда интернационализм принциплари иттифоқдош республикалар ўртасидаги ўзаро муносабатлардан бошқа соҳаларда ҳам намоён бўлишини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бир республика доирасида, бир шаҳар, посёлка ёки қишлоқда яшовчи турли миллатга мансуб кишилар дўстлик, биродарлик ва ўртоқларча ҳамкорлик алоқалари билан мустаҳкам боғлангандирлар. Барча иттифоқдош республикалардаги заводлар ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда, муассаса ва ташкилотлардаги меҳнат коллективлари кўп миллатлидир. Уларда социалистик Ватан бахт-саодати йўлидаги кундалик меҳнат фаолиятида кишилар ўртасида янги муносабатлар, совет кишисининг коммунистик ахлоқ принципларига асосланган янги психологияси таркиб топади, интернационалистик онг муваффақиятли шаклланади, эндиликда ҳар республика меҳнаткашлари кўп миллатли коллективдан иборат бўлиб, унда миллий хусусиятлар интернационал, умумсовет хусусиятлари ва анъаналари узвий равишда қўшилиб кетади.

Сиёсий ҳаётда рўй бераётган жараёнлар ҳам жамиятимиздаги миллий муносабатлар ривожига анча таъсир кўрсатади. Масалан, СССР Олий Советига 61 миллатга мансуб депутат, иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советларига — 72, маҳаллий Советларга 100 дан ортиқ миллат депутатлари сайланган. Партия, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳам интернационалдир. Турли миллат вакилларининг биргаликда олиб борадиган ижтимоий-сиёсий иши ҳам миллатидан қатъи назар кишиларни яқинлаштиради, кўп миллатли давлатимизни мустаҳкамлайди.

Бунда пропагандист тингловчилар эътиборини шунга қаратадики, коммунистик қурилиш жараёнида партиянинг программ мақсадлари учун халқлар биргаликда кураш олиб боришининг тарихан ўзини оқлаган давлат формаси сифатида СССРнинг аҳамияти ошиб боради. Совет республикаларининг ССР Иттифоқига бирлашувининг ихтиёрий ва эркин характери, уларнинг тўла тенг ҳуқуқли ва суверенлиги, демократик-марказлашган давлат тузилиши совет миллатлари ва элатларининг ҳар томонлама ривожланиши учун энг қулай шароитларни таъминлайди, ўзаро ишончни қарор топтиришда, уларнинг қардошларча дўстлиги, ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдамини мустаҳкамлашда кўмаклашади.

Партиямиз ССР Иттифоқини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақидаги, Совет давлати умумий манфаатларининг иттифоқдош республикалар манфаатлари билан чинакам демократик асосда қўшиб олиб бориш ҳақидаги Ленин васиятларини муқаддас билиб бажармоқда. Бу нарса биринчи сатридан то охиригача социалистик интернационализм ғоялари билан суғорилган СССР янги Конституциясида ҳар томонлама ўз аксини топди. Асосий Қонун иттифоқдош республикалар суверенитетини таъминлаб, умумдавлат масалаларини ҳал этишда уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириб, давлатимизнинг иттифоқдош негизини мустаҳкамлашга, ягона давлат сиёсатини янада собитқадамлик билан самаралироқ ўтказишга кўмаклашади. СССР Конституциясида, иттифоқдош республикаларнинг конституцияларида гражданларнинг тенг ҳуқуқлилиги тўғрисида, мамлакатимиздаги барча миллат ва элатлар ҳар томонлама ривожланиб, яқинлашаётгани ҳақида аниқ ва равшан гапирилади.

Сўнгра пропагандист СССР халқлари маданиятларининг равнақи, яқинлашуви, ўзаро таъсири ва ўзаро бойиши жараёни ривожланган социализм жамияти ҳаётида

қонуний ҳол бўлиб қолганини таъкидлайди. Уларнинг ҳар бири ўз миллий формалари жиҳатидан хилма-хил, мазмунан, ривожланишининг бош йўналиши жиҳатидан социалистик, руҳи ва характери жиҳатидан интернационалистикдир. Барча совет халқлари маданиятларининг белгиловчи хусусияти — миллий ва интернационал жиҳатларнинг диалектик ўзаро алоқасидир. Бунда шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, миллий маданиятлар ривожланиб борган сари уларнинг тафовутлари кучаймайди, аксинча уларда интернационал хусусиятлар ва анъаналар шаклланиб, мустаҳкамланиб боради. Социалистик маданият барча миллатлар яратаётган маънавий бойликларнинг таркибий бирикмасидан иборатдир. Партиямиз СССР халқлари маданиятларининг социалистик мазмунини ривожлантиришга ҳал қилувчи аҳамият бериб, уларнинг ўзаро бойиши ва яқинлашувига, уларнинг интернационал асоси мустаҳкамланишига кўмаклашаётир.

Маданий ҳамкорлик, маънавий бойликларни айирбошлаш формалари тобора хилма-хил бўлиб бормоқда. Қардош маданиятлар декадалари ва ҳафталиклари, музика фестиваллари, кино фестиваллари, артистлар ва бадиий коллективларнинг ўзаро гастроллари, маҳаллий театрларда иттифоқдош республикалар драматурглари пьесаларининг саҳнага қўйилиши, кинофильмларнинг дубляж қилиниши, виставкалар, радио ва телепрограммалар алмашув, қардош адабиётлар асарларининг миллий тилларга таржима қилиниши, биргаликда илмий конференциялар ва симпозиумлар ўтказиш ва бошқалар — буларнинг ҳаммаси ҳар бир совет миллий маданияти бошқа миллатлар маънавий бойлигидан баҳраманд бўлаётганининг ва айни вақтда уларга баракали таъсир кўрсатиб, бойитаётганининг далилидир.

Иттифоқдош республикаларда бошқа тиллардан таржима қилиб босиб чиқарилаётган китоблар ҳақидаги маълумотлар барча халқларнинг ўзаро маънавий ривожланишдан астойдил манфаатдор эканликларини кўрсатади. 1978 йилда СССР халқларининг 57 тилидан 6650 дан ортиқ китоб, шу жумладан русчадан — 5066, украинчадан —204, белорусчадан —70, ўзбекчадан — 61, қозоқчадан — 44, грузинчадан — 90, озарбайжончадан —62, литва тилидан —106, молдаван тилидан —41, латишчадан — 167, қирғизчадан — 51, тожикчадан —35, арманчадан — 59, туркманчадан —35, эстончадан —197 китоб таржима қилинган.

Тингловчиларга шуни тушунтириш керакки, ижтимоий ҳаёт барча томонларининг интернационаллашув жараёни муомаланинг тил сингари муҳим формаси билан чамбарчас боғлиқдир. Мамлакатимизда миллий тилларни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилган. Совет ҳокимияти йилларида деярли 50 халқ ўз ёзувига эга бўлди. Барча миллат ва элат тилларининг равнақ топиши билан бирга коммунистик қурилиш жараёнида миллий тилларнинг тенг ҳуқуқлиги ва ўзаро бойиши негизида уларнинг ўзаро таъсири ва ўзаро яқинлашуви рўй бермоқда.

Кўп миллатли давлатимизнинг ҳаёти эса барча халқлар учун муштарак муомала воситаси бўлишини тақозо қилади. Бу проблема рус тилини ихтиёрий равишда ўрганиш асосида ҳал этилади, «Чунки бу тил — СССРдаги барча халқларнинг оғаси ва энг содиқ дўсти, улуғ рус халқининг тилидир. Чунки бу — совет кишилари мутлақ кўпчилигининг тилидир. Чунки бу — барча меҳнаткашларнинг улуғ йўлбошчиси В. И. Лениннинг тилидир, ленинизм тилидир; Ленин ўзининг абадий барҳаёт асарларини шу тилда ёзган. Чунки бу — дунёда биринчи социалистик революция тилидир, барча халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун кураш тилидир. Чунки бу — гуманизм ва интернационализм, халқлар дўстлиги ва қардошлиги тилидир. Чунки бу — буюк ва қудратли, бениҳоя гўзал ва чиройли тилдир, дунёда энг кўп тарқалган, ифодали ва ўзига хос тиллардан биридир. Чунки бу — чинакам маърифат тилидир. Чунки рус тили миллатлараро муомала ва ҳамкорликнинг, ҳар бир миллатни СССРдаги барча халқлар миллий ва маданий ютуқларига, жаҳон фани ва маданиятига яқинлаштиришнинг жуда муҳим воситаси бўлиб хизмат қилмоқда» (Ш. Р. Рашидов. «Ленинча миллий сиёсат тантанаси. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 154-бет).

1979 йилги СССР аҳоли рўйхати вақтида 153,5 миллион киши (1970 йилги рўйхатда 141,8 миллион киши) рус тилини она тили деб атади, булар орасида руслардан ташқари бошқа миллат вакилларидан 16,3 миллион киши бор. Бундан ташқари 61,3 миллион киши (1970 йилда —41,9 миллион киши) иккинчи тил сифатида рус тилини яхши билишини айтди.

Пропагандист шуни таъкидлайдики, социалистик ижтимоий муносабатлар, барча миллат ва элатларнинг узлуксиз ривожланиши, уларнинг ҳар томонлама яқинлашуви, СССР халқлари дўстлиги ва биродарлигининг тантанаси қонуний равишда совет кишиларининг узвий боғланувчи ватанпарварлик ва интернационалистик онгларининг мустаҳкамланишига олиб боради. Уларнинг жангларда ва меҳнатда кўрсатаётган фидокорликлари ва қаҳрамонликларининг манбаи — социалистик Ватанга чексиз муҳаббатдадир. Она диёрга, ўз тилига нисбатан тарихий таркиб топган ва ҳар бир халққа хос бўлган муҳаббат туйғуси социалистик ватанпарварликда бутун ССР Иттифоқининг тақдири учун масъулиятни сезиш билан қўшилиб кетади.

Шу муносабат билан пропагандист тингловчиларга мамлакатимизнинг барча миллат ва элатларига мансуб кишиларда янги, ўз мазмуни жиҳатидан бой туйғу — совет кишисининг умуммиллий ифтихори туйғуси вужудга келганини таъкидлайди.

Бу туйғу ўз аждодлари диёрига муҳаббатни ҳам, прогрессив миллий анъаналарга ҳурматни ҳам, социалистик Ватанга, коммунистик идеалларга чексиз садоқатни ҳам ўз ичига олади. Совет кишиси қайси миллат ёки элатга мансуб бўлмасин, у аввало Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг граждани эканлиги билан фахрланади. Жамиятимиз коммунизмга яқинлашиб борган сари бу олижаноб буюк бирлик туйғуси тобора кучли ва чуқурроқ бўлиб боради.

Интернационал социалистик биродарликнинг негизи ва қалби бўлган Коммунистик партия СССР халқлари дўстлигини метиндек мустаҳкамловчи ва илҳомлантирувчи кучдир. Унинг миллий сиёсати марксча-ленинча таълимотга қатъий садоқат билан, мамлакатимиздаги миллий муносабатларнинг чуқур назарий таҳлилини совет халқлари биродарларча ҳамкорлигини мустаҳкамлаш соҳасидаги ҳар томонлама иш билан узвий боғлаш, интернационал ва миллий манфаатларни тўғри қўшиб олиб бориш билан, миллатчилик ва шовинизмнинг ҳар қандай кўринишларига муросасизлик билан характерланади

КПСС ўз кундалик фаолияти билан СССР халқлари экономикаси ва маданиятини янада равнақ топтиришга, уларнинг мустаҳкам жипслашувига ёрдам бермоқда. Совет кишилари партиямизда халқлар дўстлиги ва биродарлигининг тимсолини ва олий намунасини кўрмоқдалар. Унинг барча миллий отрядлари маслакдош-ленинчиларнинг қудратли бузилмас иттифоқига қўшилгандирлар.

Тингловчиларга миллатларнинг янада яқинлашув жараёни меҳнаткашларда интернационалистик онгни муваффақиятли шакллантириш учун шароит яратишини, уларни интернационал руҳда тарбиялаш соҳасида тинмай иш олиб боришни талаб қилишини тушунтириш муҳимдир. Шунинг учун ҳам партия ғоявий-сиёсий фаолиятининг энг муҳим вазифаларидан бири, КПСС XXV съездида кўрсатиб ўтилганидек, меҳнаткашлар онгида совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм ғояларини, Советлар мамлакати билан фахрланиш, социализм ғалабаларини ҳимоя қилишга тайёр туриш ҳис-туйғуларини қарор топтиришдан иборат эди ва шундай бўлиб қолади. КПСС XXV съезди қарорларига мувофиқ ҳар бир республика хусусиятларини ҳисобга олиб мамлакат экономикасини бир бутун ҳолда ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар, фан ва маданият ютуқлари билан халқларнинг ўзаро бойиши, бутун совет жамияти учун характерли умуммиллий анъаналар ва тенденцияларнинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши бу ишда таянч бўлиб хизмат қилади. КПСС МКнинг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида интернационал тарбиянинг зарурлиги яна бир бор таъкидланди.

Бу вазифа яна шунинг учун ҳам актуалдирки, ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек, миллатчилик хурофотлари, миллий туйғуларнинг бўрттирилиши ёки бузилган ҳолда намоён бўлиши — ғоят яшовчан ҳодиса бўлиб, сиёсий жиҳатдан етарли даражада етук бўлмаган кишилар психологиясида узоқ сақланиб қолади. Миллатлар ўртасидаги муносабатларда бирор антагонизм учун объектив шароитлар аллақачоноқ йўқ бўлиб кетганига қарамай, бу хурофотлар ҳамон сақланиб келмоқда (Ленин йўлидан, 4-том, 69-бетга қаралсин). Шу сабабли партия совет кишиларини миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан, жамиятимизнинг социал ва маънавий-сиёсий бирлигига путур етказиши мумкин бўлган ҳамма нарсаларга нисбатан муросасизлик руҳида тарбиялаётир.

Халқаро майдонда идеология курашининг кескинлашуви ҳам интернационал тарбия соҳасидаги ишларни кучайтиришни зарур қилиб қўймоқда. Жумладан, социалистик миллатларнинг биродарларча бирлиги ва дўстлигига антикоммунизм идеологлари қутуриб ҳуруж қилмоқдалар. Улар социализм даврида миллий муносабатлар соҳасида рўй бераётган жараёнлар моҳиятини бузиб кўрсатишга интилмоқдалар, ҳатто янги жамият қурилиши гўё «омманинг миллий туйғуларига зид» эканлигини исботлаш учун ҳеч нарсадан қайтмаётирлар. Антикоммунистлар ҳар қандай йўллар билан миллатчилик сарқитларини тиклаш ва авж олдиришга, СССР халқлари ўртасидаги ўзаро муносабатларга нифоқ солишга, уларда Коммунистик партия сиёсати ва идеологиясига ишончсизлик туғдиришга интилмоқдалар, социалистик интернационализмни «миллатлар ўзига хослигининг душмани» деб эълон қилиб, уни «архаик аҳлоқ ва урф-одатлар ҳукмронлиги» деб талқин этмоқдалар.

Жамиятимизнинг қудратли ғоявий-сиёсий бирлиги империализмнинг совет халқига таъсир кўрсатиш йўлидаги ҳамма уринишларини барбод этади. Шу билан бирга буржуазиянинг идеологик ҳуружларига кескин ва самарали зарба бериш зарур. Кишилар аҳли ва қалбида халқлар дўстлиги ва биродарлиги ленинча принципларига қатъий садоқат туйғусини қарор топтириб, партия барча меҳнаткашларни миллий маҳдудлик ва кибрланишнинг ҳар қандай шаклдаги кўринишларига нисбатан муросасизлик руҳида, барча халқлар ва элатларга чуқур ҳурмат руҳида тарбияламоқда.

Машғулотнинг охирида пропагандист эндиликда СССР бутун дунё кўз ўнгида халқлар дўстлигининг қудратли қалъаси сифатида намоён бўлиб турганини таъкидлайди. Уларнинг монолит бирлиги — барча социалистик миллатлар ва элатлар равнақининг гарови, коммунизм учун курашда янгидан-янги қаҳрамонона зафарларга эришишнинг гаровидир.

ТЕМАГА ОИД АДАБИЁТ

В. И. Ленин. **Миллий масала тўғрисида танқидий мулоҳазалар.** Тўла асарлар тўплами, 24-том, 131—172-бетлар.

В. И. Ленин. **Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тўғрисида.** Тўла асарлар тўплами, 25-том, 293—306-бетлар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1970 йил, 45—52-бетлар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Конституцияси (Асосий Қонуни). Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1977 йил.

КПСС XXV съездининг материаллари. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1976 йил, 97—110, 117—118, 298—314-бетлар.

Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида. КПСС МК 1979 йил 26 апрелда қабул қилган қарори. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1979 йил.

Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисида. КПСС МК 1979 йил 13 декабрда қабул қилган қарори. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1980 йил.

Л. И. Брежнев. **Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг эллик йиллиги тўғрисида.** Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар. 4-том, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1974 йил, 45—112-бетлар.

Л. И. Брежнев. **Улуғ Октябрь ва инсоният тараққиёти.** Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1977 йил.

Л. И. Брежнев. **СССР Конституцияси (Асосий Қонуни) лойиҳаси ва унинг умумхалқ муҳокамаси якунлари тўғрисида.** Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1977 йил.

Л. И. Брежнев. **Коммунизм йўлидаги тарихий марра.** Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар. 6-том, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1978 йил, 700—721-бетлар.

Л. И. Брежнев. **Бизнинг йўлимиз — тинч бунёдкорлик йўли.** Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчилари йиғилишида 1980 йил 22 февралда сўзланган нутқ. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1980 йил,

Б. Н. Пономарев. **Ленинизмнинг буюк ҳаётбахш кучи.** Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишлаб Москвада ўтказилган тантанали йиғилишда қилинган доклад. Тошкент «Ўзбекистон» нашрёти, 1980 йил.

Ш. Р Рашидов. **Ленинча миллий сиёсат тантанаси.** Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1974 йил,

Ш. Р. Рашидов. **Улуғ Октябрь 60 йиллиги ва СССРда пролетар интернационализмининг тантанаси.** М., Политиздат, 1977 йил.

МУҲИМ САНАЛАР ВА ВОҚЕАЛАР

РЕКОРДДАН ОММАВИЙ МУСОБАҚА САРИ

СТАХАНОВЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ 45 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

А. ҒУЛОМОВ, А. НУРИТОВ,
тарих фанлари кандидатлари

СССР ДА ЯНГИ ЖАМИЯТ қурилишининг ҳамма босқичларида Коммунистик партия меҳнат унумдорлигини оширишнинг қудратли омили, давлатимизни ривожлантиришнинг улкан социал-иқтисодий планларини муваффақиятли бажаришнинг бекиёс воситаси — социалистик мусобақанинг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолади. Партия халқ ижодиёти бунёд этган меҳнатда беллашувнинг янги формаларини қўллаб-қувватламоқда ва ҳамиша ёйиб келмоқда, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари намуналари асосида меҳнаткашлар кенг оммасини тарбияламоқда.

1919 йилда вужудга келган коммунистик шанбаликлар эксплуатациядан халос бўлган халқнинг битмас-туганмас имкониятларининг ёрқин ифодаси бўлиб қолди, ўша вақтда ёш Совет давлати ички ва ташқи контрреволюцияга қарши курашга жуда кўп куч-ғайратни сафарбар этишга мажбур бўлган эди. В. И. Ленин совет кишилари ватанпарварлигининг ана шу ажойиб кўринишига юксак баҳо бериб, 1919 йил баҳорида Москва-Қозон темир йўлида ташкил этилган биринчи коммунистик шанбаликни «буюк почин» деб атаган эди. Ленин коммунистик шанбаликларнинг конкрет мисоллари асосида жамият бахт-саодати йўлидаги онгли меҳнат, совет тузуми вужудга келтирган янги меҳнат интизоми капитализм шароитида мисли кўрилмаган ва мумкин бўлмаган меҳнат унумдорлигининг ўсишига сабаб бўлишлигини кўрсатиб берди.

Владимир Ильич социалистик мусобақани янги инсонни тарбиялашнинг улуғ мактаби, капитализмнинг кишилар онгидаги сарқитларига қарши курашишнинг қудратли қуроли деб билди. Дарҳақиқат, социалистик мусобақа меҳнатга бўлган қарашларда туб бурилиш ясади: у азоб-уқубатдан виждон, шон-шараф, шавкат ва қаҳрамонлик ишига айланди. Лениннинг социалистик мусобақа тўғрисидаги таълимоти ҳамда унинг «мусобақани ташкил қилишни ўз олдига давлат аҳамиятига эга бўлган бир вазифа» (Тўла асарлар тўплами, 36-том, 174-бет) қилиб қўйиш кераклиги тўғрисидаги кўрсатмаси билан қуролланган Коммунистик партия халқни қаҳрамонона меҳнатга отлантирди.

Мамлакатимизда социалистик мусобақа бир қатор босқичларни босиб ўтди. Уларнинг ҳар қайсиси ижтимоий ишлаб чиқариш ривожида эришилган даражага мос бўлиб, мамлакат олдида турган хўжалик ва социал вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга қаратилган эди. Чунончи, мусобақанинг биринчи босқичи (1929—1933 йиллар) учун зарбдорлар ҳаракатининг кенг қулоч ёйиши характерли эди. Унинг асосий мазмуни зарбдор меҳнат, индустрлаштириш ва қишлоқ хўжалиги-

ни коллективлаштириш учун маблағлар тўплаш мақсадида тежамкорлик учун курашдан иборат бўлди.

Стахановчилик ҳаракати социалистик мусобақанинг сифат жиҳатидан янги ва юксакроқ босқичи бўлди. У меҳнаткашлар сиёсий ва ишлаб чиқариш активлиги ўсганлиги натижасида вужудга келди.

Донецкдаги «Марказий Ирмино» шахтасининг кўмир қазувчиси Алексей Григорьевич Стаханов бу ҳаракатнинг ташаббускори бўлди. 1935 йилнинг 30 августидан 31 августига ўтар кечаси олти соатлик сменада у 102 тонна кўмир қазиб, нормани 14 баравар ошириб бажарди. Стахановнинг почини ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги нормасини ошириш учун, меҳнат унумдорлигини янада юксалтириш учун оммавий ҳаракатига асос солди. Бу стахановчилик ҳаракати деб аталди.

Стахановчасига ишлаш — бу меҳнатни янгича ташкил этиш: малакали ишчиларни иккинчи даражали операциялардан бўшатиш, иш жойини яхши тайёрлаш, технология жараёнларини рационализация қилиш демакдир. Социалистик индустриянинг улкан ташкилотчиси Г. Қ. Оржоникидзе шундай деган эди: «Стахановчилик ҳаракати социалистик иттифоқимизнинг, социалистик хўжалигимизнинг ўзига хос ҳодисасидир. Чет элда, капиталистик давлатларда сиз стахановчилик ҳаракатини кўрмайсиз. У ерда бу ҳаракат ишчилар учун ишсизликнинг кўпайишини, қашшоқликнинг ортишини англатган бўлур эди. Бу ерда, бизда стахановчилик ҳаракати меҳнат унумдорлигини оширади, иш ҳақини кўпайтиради».

Ўтмишда социалистик мусобақа тарихида биронта воқеа чет элда стахановчилик ҳаракати сингари кўпдан-кўп фикрлар туғдирмаган эди. «Капиталистик дунё стахановчилик ҳаракатига жуда қизғин, устма-уст фикр билдирганлиги тасоднфий эмас,— деган эди В. И. Калинин.— Капиталистлар стахановчилик ҳаракатининг мустаҳкамланиши, ривожланиши ва муваффақиятлари — бутун дунёда коммунизм ғояларини ёйишда жуда буюк агитацион аҳамиятга эга бўлган Совет Иттифоқини мустаҳкамлашнинг энг қудратли воситаларидан бири эканлигини тушундилар.

Стахановчилик ҳаракати нафақат сон, балки сифат кўрсаткичларининг ҳам тубдан яхшиланишида ифодаландики, юксак меҳнат унумдорлиги учун, асбоб-ускуналардан максимал фойдаланиш учун кураш маҳсулотнинг аъло сифати, браксиз ишлаш учун мусобақа билан тўлдирилди. Ишлаб чиқаришда маданиятни ошириш ва социалистик тартиб ўрнатиш учун кураш бунинг муҳим жиҳати бўлди. Бу янги, юксак самарадор техника билан ўтмишнинг бракни вужудга келтирган ҳамда асбоб-ускуналарнинг бузилишига, иш суръатининг пасайишига, маҳсулот сифатининг ёмонлашувига сабаб бўлган қолоқлик, маданиятсизлик ва ношудлик каби сарқитлари ўртасидаги зиддиятлар билан муроса қила олмаган совет кишилари онгининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ эди.

Стахановчилик ҳаракати мамлакатимиздаги социалистик тузилишнинг бутун жараёни билан тайёрланди. Лекин Коммунистик партия унга аввал бошданоқ раҳбарлик қилмаганида у бу қадар куч касб этмаган ва кенг меҳнаткашлар оммасини бу қадар жалб қилмаган бўлур эди. Ташаббусга зийраклик билан муносабатда бўлиш, партия ва жамоат ташкилотларининг бутун чоралар билан уни қўллаб-қувватлаши, новаторларни маънавий ва моддий рағбатлантириш, улар тажрибасини такрорлаш учун тегишли шарт-шароитларнинг яратилиши — партия таълим берганидек, социалистик мусобақа муваффақиятли ривожининг гаровидир.

В. И. Ленин «Биз янгиликнинг куртакларини синчиклаб ўрганишимиз, уларга жуда эътибор билан қарашимиз, уларнинг ўсишига ҳар тарафлама ёрдам қилишимиз ва шу нимжон куртакларни парвариш

қилишимиз лозим» (ТАТ, 39-том, 23-бет) деб таъкидлаган эди. Алексей Стахановнинг ташаббусига айни шундай муносабатда бўлинди. Отбойка болғасида меҳнат унумдорлиги соҳасида жаҳон рекордига эришилган куннинг ўзида «Марказий Ирмино» шахтасининг партия комитети бу улкан воқеани ўз мажлисида муҳокама қилди. Коммунистлар Алексей Стахановнинг меҳнат жасоратига юксак баҳо бердилар, улар бу ташаббусга алоҳида сиёсий аҳамият бериб қарадилар. Мажлис қатнашчилари ўз қарорларида, Стаханов рекорди — партиянинг янги техникани ўзлаштирган кадрларнинг социализм моддий фазасини қуришдаги ҳал қилувчи роль ўйнаши тўғрисидаги кўрсатмаларининг бажарилишига олиб келадиган айни тўғри йўлдир, деб таъкидладилар.

А. Стаханов ташаббуси қисқа вақт ичида партия ва касаба союз ташкилотлари, кўпгина шахта ва конлар, завод ва фабрикалар, темир йўллар ҳамда Совет Иттифоқининг барча республикаларидаги қурилишларнинг ишчилари томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистонда стахановчилик ҳаракати аввало оғир ва енгил саноатнинг етакчи корхоналарида қизиб кетди. Чунончи, Тошкентдаги қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида қуюв цехининг пўлат қуювчиси И. Тўлаганов ва механика-йиғув цехи шлифовка бўлимининг бригадири Я. Н. Трубицин бу ҳаракатнинг ташаббускори бўлиб чиқдилар, 1935 йилнинг октябрига бориб стахановчилар 72 кишига етди, уларнинг 31 таси коммунистлар эди. Партия ва касаба союз ташкилотлари бу ҳаракатга алоҳида диққат-эътибор билан қарадилар, уни бутун чоралар билан қўллаб-қувватладилар. Октябрь — ноябрь ойлари давомида заводда ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг слётлари ва конференциялари бўлиб ўтди. Йил охирига бориб корхонада стахановчилар сони 224 кишига етди ва уларнинг аъло даражадаги иши завод хўжалик фаолиятининг умумий натижаларига жиддий таъсир кўрсатди.

Тошкент тўқимачилик комбинати стахановчилик ҳаракатининг йирик ўчоғи бўлди, бу ерда Клавдия Барбариц, Ирина Рижакова, Мадина Саитова, Хадича Солихўжаева, Турсуной Ёрмуҳамедова, Мавжуда Абдураҳмонова ва бошқа илғор ишчи хотин-қизлар бу ҳаракатнинг ташаббускори ва фаол қатнашчилари бўлишди. Пахта тозалаш саноатида Қўқон пахта тозалаш заводи жинчиси Назрулла Маткамолов стахановчилик ҳаракатининг ташаббускори бўлди. Чирчикстрой стахановчилари — Есишин (экскаватор машинисти), Астафьев ва Чернов (ғишт терувчилар) катта шуҳрат қозонишди. Темир йўл транспортида Тошкент паровоз-вагон ремонти заводи бригадири В. И. Поляков ҳамда фрезеровкачи Умар Султонов янги ҳаракатнинг ташаббускори бўлиб чиқишди. Темир йўл тортув хизмати машинист стахановчиларнинг бутун бир плеядасини етиштирди. Булар орасида В. Я. Емцов (Тошкент станцияси депоси), А. Қ. Дьяконов (Урсатьевск станцияси депоси), С. Д. Пушчин (Қўқон станцияси депоси), В. М. Самутаев (Самарқанд станцияси депоси) бор эдилар.

Дала ва фермалар меҳнатчилари маданий-техника савиясининг ўсиши, қишлоқда янги, социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг қарор топиши қишлоқ хўжалигида ҳам социалистик мусобақанинг кенг авж олишига сабаб бўлди. Мусобақа қатнашчилари ишчилар синфидан ибрат олдилар. 1935 йилда ажойиб ўзбек пахтакори Файзулла Юнусовнинг номи бутун мамлакатда шуҳрат қозонди. У гектаридан рекорд ҳосил — 57 центнердан пахта етиштириб, пахтачиликда биринчи бўлиб стахановчилик ҳаракатининг шонли саҳифасини очди. Ўша йили Ўзбекистон совхозларининг партия ташкилотлари ва ишчилар комитетлари 30 центнерлик ҳосил олиш учун курашни авж олдириб юбордилар ва муваффақиятга эришдилар. Чунончи, «Норин» совхозида Мадалиев бригадаси пландаги 9 центнер ўрнига гектаридан 20

центнердан, «Савай» совхозида Эшонбоев, Носиров, Қорабоев, Мавлонқуловнинг бригадалари ҳар гектардан мўлжалдагидан 2,5 баравар кўп пахта етиштирдилар.

Стахановчилик ҳаракати дастлабки даврда партия ва касаба союз ташкилотларидан алоҳида ғамхўрликни ва қўллаб-қуватлашни талаб қилди. Бундай муносабат Тошкент, Самарқанд, Марғилон ва бошка шаҳар партия комитетлари учун характерли эди. Чунончи, Тошкент шаҳар комитети корхоналарнинг партия комитетларига стахановчилик ҳаракатини ташкил этиш ва унга бошчилик қилишни, инженер-техник ходимларни стахановча ишлаш методларини жорий этишда фаол қатнашишга жалб этишни юклади. 1935 йилнинг октябрь—ноябрь ойлари давомида Ўзбекистон ССРда стахановчиларнинг умумшаҳар слётлари ва кенгашлари бўлиб ўтди. Шундан кейин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети стахановчиларнинг республика кенгашини чақирди, бу кенгаш 1935 йилнинг 16—18 декабрида бўлиб ўтди. Кенгаш ишида саноат корхоналари, саноат кооперацияси ва транспортнинг илғор ишчилари ва мутахассисларидан 500 киши қатнашди.

1935 йилнинг охирига келиб Ўзбекистонда стахановчилик ҳаракати якка тартибдаги ва группа ҳолидаги ҳодиса доирасидан чиқа бошлади, 1936 йил 1 январда республикада 5325 стахановчи бор эди. Лекин ҳамма янги нарсалар сингари стахановчилик ҳаракати ҳам қийинчиликларга дуч келди: баъзилар унга эътибор бермадилар, бошқа бировлар уни ортиқча жадаллаштирдилар. Саноат ва транспорт илғор ишчиларининг Бутуниттифоқ кенгаши (1935 йил ноябрь) ҳамда ВКП(б) Марказий Комитетининг стахановчилик ҳаракатини ривожлантириш масалаларини муҳокама қилган декабрь (1935 йил) Пленуми қолоқлик, эскилик ва бюрократизмга қарши курашда катта роль ўйнади.

1936 йилнинг бошидан эътиборан новаторлар ҳаракатининг стахановчилар сменалари, беш кунликлари, декадалари, ойлари сингари янги оммавий формалари расм бўлди. Стахановча меҳнатнинг коллектив формалари: сквозной ва комсомол-ёшлар стахановчилар бригадалари ўша вақтда пайдо бўлди. Учинчи беш йиллик даврида мусобақанинг партия XVIII съезди шарафига, кўп станокда хизмат қилиш ва бир неча касбда ишлаш, маҳсулотнинг юксак сифати учун ва шу каби янги формалари ҳаётга йўлланма олди. Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг ижодий ташаббуси Улуғ Ватан уруши йилларида ва урушдан кейинги даврда алоҳида куч билан намоён бўлди. Стахановчилик ҳаракати миллион-миллион совет кишилари меҳнат шон-шавкати ва қаҳрамонлигининг рамзига айланди.

50-йилларнинг охирларида социалистик мусобақа сифат жиҳатдан янги босқичга қадам қўйди — меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати вужудга келди. Москва-Сортировочная депоси коммунистлари ва комсомоллари бу ҳаракатнинг ташаббускори бўлдилар, улар КПСС XXI съезди шарафига коммунистчасига ишлашга аҳд қилиб, фақат юксак унумли меҳнат қилибгина қолмай, ва шу билан бирга ўзларининг маданий-техника савияларини узлуксиз ошириб бориш, энг замонавий техникани ва ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириш, бир неча касбни эгаллаш, ўтмиш сарқитлари билан курашиш, ўз манфаатларини жамият манфаатларига бўйсундириш мажбуриятини олдилар. Бу ташаббус бутун мамлакатда қизғин қўллаб-қувватланди.

Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатининг вужудга келиши совет жамияти моддий ва маънавий ўсишининг натижаси, партиянинг улкан ташкилотчилик ва тарбиявий фаолиятининг самараси бўлди. Унинг социалистик мусобақанинг янги, юксак босқичи сифатидаги хусусияти шундан иборатки, у меҳнат соҳасида туғилиб, турмушни ҳам, совет жамияти ҳаётининг барча бошқа томонларини ҳам ўз ичига

олди. Меҳнат унумини ошириш ҳамда янги инсонни тарбиялаш учун кураш бу ҳаракатда узвий равишда мужассамланади.

Совет давлати иқтисодий ва социал вазифаларини ҳал этишнинг энг муҳим методларидан бири бўлган социалистик мусобақанинг аҳамияти муттасил ортиб бормоқда. В. И. Ленин олдиндан кўрганидек, у ишлаб чиқарувчи кучларни янада юксалтириш ҳамда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришнинг тобора қудратлироқ воситасига айланмоқда. Мусобақа меҳнаткашларнинг ижодий активлигини ошира бориб, совет кишилари сиёсий онгининг ўсишига, социалистик коллективизмнинг шаклланишига кўмаклашади.

Ҳозирги босқичда мусобақанинг характерли белгиси — унинг юксак самарадорлиги, халқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг йирик проблемаларини ҳал этишга комплекс ёндашув, мусобақа барча формаларини меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати тажрибаси билан бойитишнинг актив жараёнидир. Меҳнат унумдорлигини, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини бутун чоралар билан ошириш — бугунги кунда социалистик мусобақанинг асосий шиорларидир. Унинг қатнашчилари меҳнат сарфларини камайтириш, хом ашё ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни тежаб-тергаш, маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқариш фондлари ва капитал маблағлардан фойдаланишни яхшилаш учун курашмоқдалар.

Республикамизда социалистик мусобақада халқ хўжалиги барча тармоқларидаги 3 миллион 700 мингдан зиёд ишчи, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар, ёки иш билан банд кишиларнинг 90 проценти иштирок этмоқда, шулардан 772 минг киши коммунистик меҳнат зарбдори номига сазовор бўлган.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев «Социализм улуғ ғалабаларининг 50 йиллиги» мавзуидаги докладида шундай деган эди: «Буюк қурилишдаги ғайрат-ташаббус, социалистик мусобақанинг бутун халқ орасида ёйилиши — минг-минглаб илғорларнинг — зарбдорлар, стахановчиларни, ишчилар синфининг энг яхши вакилларини юзага келтирдики, уларнинг меҳнат борасидаги жасоратлари социализмнинг индустрия базасини қуришдан иборат бутун ишни олға силжитган қудратли мотор бўлиб хизмат қилди. Ана шу кишиларнинг матонати ва мардлиги уларнинг партия ишига, социализм ишига чексиз садоқати — ҳозирги кунда ҳам илҳомбахш намуна бўлиб хизмат қилмоқда, бу намуна янги заводлар ва электростанциялар барпо этаётган, Сибирь ва Узоқ Шарқнинг бепоён ерларини ўзлаштираётган, бутун даврнинг ютуғи бўлган илмий кашфиётлар қилаётган, ўз меҳнати билан биринчи беш йилликларнинг шонли анъаналарини давом эттираётган ишчилар синфининг, бутун совет халқининг шон-шавкатли ишларида яшамоқда».

Миллион-миллион меҳнаткашларнинг куч-ғайрати билан СССРда етук социализм жамияти қурилган ҳозирги пайтда омма мусобақаси Совет давлатини ривожлантиришнинг улкан иқтисодий ва социал планларини амалга ошириш билан янада узвий боғланади. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия Марказий Комитетининг 1980 йилги июнь Пленумида қилган программавий докладида таърифлаб берилган жуда муҳим вазифани: ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили планини муваффақиятли бажариш ва ошириб бажариш, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун бутун куч-ғайратни ишга солиш вазифасини мамлакатимиз меҳнаткашлари ғайрат-шижоат билан қарши олганликлари бунга далилдир.

ДОИМО ИЗЛАНИШДА

З. АРКАДЬЕВ

Кейинги йилларда фан ютуқлари кишининг хўжалик фаолиятида микроорганизмлардан ҳар тарафлама фойдаланиш учун кенг уфқлар очиб берди.

1966 йилда мамлакатимизда микробиология саноатининг халқ хўжалигини, аввало қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини қимматли микробиологик синтез маҳсулотлари билан таъминлашга даъват этилган ихтисослаштирилган тармоғи ташкил қилинди.

Партиянинг XXV съезди КПСС МК 1978 йил июль ва 1979 йил ноябрь Пленумлари микробиология саноати олдига масъулиятли вазифалар қўйди. Ўнинчи ва ўн биринчи беш йилликлар топшириқларида бу соҳани жадал ривожлантириш, унинг маҳсулотларини етиштиришни анча кўпайтириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Микробиология институти ҳали жуда ёш — у 1977 йилда ЎзССР Фанлар академияси Ботаника институтининг микробиология бўлими ва спорали ўсимликлар бўлими базасида ташкил қилинган. Аммо унинг илмий коллективи амалга ошираётган ишлар унинг институт етуклик даврига кирганидан далолат беради. Ундаги илм-фаннинг сўнгги ютуқлари билан қуролланган ўн тўрт лабораториянинг ходимлари умумиттифоқ проблематикасининг икки йўналиши бўйлаб изланиш олиб бормоқда: 1) Микроорганизмлар физиологияси ва биохимияси; 2) ўсимликлар оламидан оқилона фойдаланиш, уни ўзгартириш ва муҳофаза қилишнинг биологик асослари.

Институтга ЎзССР Фанлар академиясининг академиги, биология фанлари доктори, профессор, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби Аҳрор Музаффарович Музаффаров раҳбарлик қилади. Бу таниқли олимнинг биографияси КПСС МК Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР Фанлар академиясининг 250 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида айтган қуйидаги сўзларининг ёрқин далили бўла олади: «Социализм билан фанни бир-биридан ажратиб бўлмайди, социализм ғалабасининг сабабларидан бири ҳам ана шундан иборат. Фақат социализмгина фан ғалабаларидан халқ манфаатлари йўлида фойдаланишга имконият яратди, ҳар бир халқ орасида тўлиб-тошиб ётган ижодий қобилиятлар ва истеъдодларни юзага чиқарди» (Ленин йўлидан. Нутқ ва мақолалар, 5-том, 407-бет).

Ҳа, агар Улуғ Октябрдан кейин Туркистон ўлкасида юз берган социал-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар бўлмаганда, чимкентлик оддий деҳқон фарзанди А. М. Музаффаров мактабни ва Маориф институтини тамомлай олармиди? 1929 йилда у йигирма ёшлик чоғидаёқ ўзбек мактабида табиёт ва химиядан дарс бера бошлади.

Болалик чоғиданоқ у ўта кузатувчанлиги ва табиат сирларини билишга иштиёқи билан ажралиб турар эди. Фарғона давлат педагогика институтининг профессори С. В. Аверинцев ундаги бу тадқиқотчига хос учқунни пайқади ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. У А. М. Музаффаровга Марғилонсойдаги сувўтлар флорасини ўрганишни таклиф қилди.

Экспедицияда ғоят бой материал тўплаган ёш олим уни СССР Фанлар академиясининг Ботаника институтида ва Ленинград давлат университетида ишлаш имкониятига эга бўлди. У ерда А. А. Елепкин, Н. Н. Воронихин, М. М. Голербах, И. А.

Киселев, В. С. Парецкий, А. И. Прошкина-Лавренко сингари ва бошқа кўзга кўринган олимлар раҳбарлиги остида у илмий-тадқиқот ишлари методикасини ўзлаштира борди, ўз куч-ғайратини нимага сарфлаш ҳақида кўп ўйлади.

А. М. Музаффаров сувўтлар флорасининг ташқи муҳит шароитларига боғлиқ равишда мавсумий ўзгаришларни ўрганишга жазм қилди. У сувўтларнинг ривожланиши ва тарқалишига экологик факторлар қандай таъсир этиши, суғориш ва заҳ қочириш каналларининг ифлосланишида уларнинг роли қандай, ўғит сифатида кенг фойдаланиладиган ариқлар лойқасини улар қандай бойитишини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ёш олимни аввало тадқиқот ишларининг амалий натижалари, уларнинг самарадорлиги қизиқтирарди. Унинг 1943 йилда Ўш шаҳрида эвакуацияда бўлган Ростов-Дон университетининг илмий советида ҳимоя қилган кандидатлик диссертациясида ҳам шу масалага алоҳида эътибор берилган эди.

А. М. Музаффаровнинг «Марғилонсой флораси тўғрисида» (1947 йил), «Фарғона ирригация каналларидаги сувўтлар ва уларнинг аҳамияти» (1950 йил) сингари илмий асарлари мутахассисларга яхши маълум. Бу асарларида олим совуқ сувларда ўсувчи сувўтларнинг интенсив ривожланиш даврини, адир-текислик зонасидаги дарёлар флорасининг шаклланишига тоғ сув ҳавзалари флорасининг таъсирини аниқлаган.

Вақт ўтган сайин олимнинг илмий диапазони кенгая ва чуқурлаша борди: Фарғона водийсидаги дарёларнинг кичикроқ участкаларини ўрганишдан мазкур дарёларни манбаидан токи мансабига қадар батафсил текширишга, кейинчалик эса Ўрта Осиёдаги барча тоғ сув ҳавзаларини ўрганиб чиқишга киришди; сувўтларнинг тур составини аниқлашдан уларнинг тарқалиши қонуниятларини аниқлашгача, сув ҳавзаларида кечадиган турли жараён ва ҳодисаларни ойдинлаштиришдан уларнинг биологиясини ўрганишгача бориб етди.

Тадқиқотлар жараёнида тўпланган фактик материал Л. М. Комаров номидаги Ленинград Ботаника институти докторантурасида системага солиниб, анализ қилиб чиқилди ва ўша ерда А. М. Музаффаров 1952 йилда «Ўрта Осиёдаги тоғ сув ҳавзаларининг сувўтлар флораси» темасидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Илмий изланишни давом эттирар экан, олим Сангардак, Тўпаланг, Бойсун дарёлари бўйлаб уюштирилган экспедицияга раҳбарлик қилди ва бу изланишлар якуни ўлароқ «Амударё оқимидаги сувўтлар флораси» монографияси вужудга келди.

Қизилқумдаги чўл ботаника стационари, Бўстонлиқ тоғидаги станция, Самарқанд яқинидаги Нуротада жойлашган таянч пунктининг вужудга келиши А. М. Музаффаровнинг номи билан боғлиқдир, бу жойларда изень, терескен ва оқ саксовул сингари қимматли озуқа экинлари яна ўсиб, ўз умрини қайтадан бошлагандай бўлди.

1972 йилдан бери олим «Фотосинтез» комплекс проблемаси бўйича Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши (ЎИЕК) илмий совети аъзосидир. Бундан беш йил муқаддам ЎИЕК аъзоси бўлган мамлакатларнинг оқар сув сувўтлари — хлорелла ва сценедесмусдан халқ хўжалигида фойдаланиш юзасидан Тошкентда ўтказилган координацион кенгашида А. М. Музаффаров шу соҳадаги бошқа ўзбек олимлари билан биргаликда Чехословакия, Болгария, Венгрия, ГДР, Румыния олимлари билан тажриба алмашди.

Шунинг учун ҳам микробиологиянинг алифбосидан юксак чўққиларигача бўлган йўлни босиб ўтган, бир лаҳза ҳам ижодсиз яшолмайдиган бу таниқли олимнинг Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Микробиология институтининг директори лавозимига тайинланиши чуқур асосга эгадир.

Институтдаги ишлар ҳар кунга, бир ойга, бир йилга ва беш йилга мўлжаллаб аниқ планлаштирилади.

— Шу бугунги кун вазифаларини ва истиқболни билиш жуда муҳимдир,— дейди Аҳрор Музаффарович.— Ҳар бир лаборатория мудири, ҳар бир ходим умумий ишда ўзининг «оптимал варианти»ни топиб олиб, уни амалга оширишга интилади. У қоронғиликда адашиб юрмайди, бахтли тасодифларни кутиб ўтирмайди. Равшанки, бизнинг давримизда ҳам «Ньютон олмалари» бўлиши мумкин, лекин фақат амалий ишда бўлади. Олим меҳнати машаққатли, хулосалар сон-саноқсиз хусусий ҳодисаларни ўрганиш жараёнида туғилади...

Аҳрор Музаффаровичнинг таъкидлашича, институт коллективининг фаолиятида

энг муҳими фундаментал тадқиқотлардир, бусиз, ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида айтганидек, фан-техника тараққиётининг серсув дарёдек оқими қуриб қолади. Директор академик И. В. Курчатовнинг, атом энергетикаси соҳасидаги муваффақиятларимиз институтларимизда атом, унинг ядроси тузилишини, занжирли реакцияни ўрганиш борасида тинимсиз, шиддатли назарий иш олиб борилганлиги билан кўп жиҳатдан боғлиқдир, деган сўзларини эслатиб ўтади. Ўша институтларимизни ташкил этиш тўғрисида В. И. Ленин 1918—1920 йиллардаёқ ғамхўрлик қилган эди.

Ватанимиз микробиологиясига ҳам Совет ҳокимиятининг илк даврида асос солинган эди. Ҳозирги вақтда эса, маълумки, фаннинг ҳаёт билан, коммунистик қурилиш практикаси билан алоқасини мустаҳкамлаш проблемаси айниқса кескин бўлиб турибди, Ўзбекистон партия активининг яқинда бўлиб ўтган ва ўртоқ Л. И. Брежнев кўрсатмалари асосида республика илмий-тадқиқотлар самарадорлигини янада оширриш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштириш тадбирлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилган йиғилишида бу нарса яна бир карра таъкидлаб ўтилди.

Институтда бу борада ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Микробиологиядаги янги йўналиш — халқ хўжалигининг турли тармоқларида сувўтлардан фойдаланиш масалалари билан шуғулланувчи амалий алькологияни ривожлантиришда А. М. Музаффаровнинг жуда катта роли бор. Ҳозирга қадар Ўзбекистоннинг сув ҳавзалари ва тупроғидан яшил ва кўк-яшил сувўтларнинг қирқдан ортиқ тури ҳамда юқори сув ўсимликларининг бир қанча турлари аниқланди; уларнинг эколого-биологик, физиолого-биохимик хусусиятлари ўрганилмоқда. Институт илмий коллекцияи ишлаб чиққан хлорелла, сценодесмуснинг бир қанча тур ва формаларини ўстириш ва уларнинг суспензия ҳамда пастасидан қишлоқ хўжалик ўсимликлари ва ҳайвонларининг ўсиш ҳамда ривожланиш стимуляторлари сифатида фойдаланиш методлари фақат бизнинг республикамизда эмас, балки ундан узоқ жойларда ҳам кенг қўлланмоқда.

Биосферани муҳофаза қилишчи? Бу проблеманинг актуаллигини изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ўз илмий фаолиятининг бошидаёқ Ўрта Осиё сув ҳавзаларини ифлосланишдан сақлашга алоҳида эътибор билан қараган Аҳрор Музаффарович ҳозир ҳам бу масалалар билан кўп шуғулланади. ЎзССР Фанлар академияси «Биосфера ва инсон» илмий советининг аъзоси сифатида у республика ва бутуниттифоқ кенгашларида коммунал-рўзғор ва саноат оқава сувларини тозалаш учун сувўтлардан фойдаланиш тўғрисидаги таклифни бир неча бор кўтариб чиқди. Институтда унинг раҳбарлиги остида оқава сувларни сувўтлар ҳамда юқори сув ва қирғоқ бўйи ўсимликлари воситасида тозалашнинг биологик методи ишлаб чиқилди.

Ривожланган социализм шароитида фаннинг роли тинмай ошиб, олимлар меҳнатининг сифати ва самарадорлигига талаб кучайиб бормоқда. ЎзССР Фанлар академиясининг Микробиология институтида бу йўналишда қандай иш олиб борилмоқда? Институтнинг илмий секретари, биология фанлари кандидати Мавжуда Ниғматовна Азимхўжаева бу ҳақда шундай ҳикоя қилади:

— Биз институт барча бўлинмаларининг фаолияти ривожланаётган экономикамизнинг реал эҳтиёжларига тобора кўпроқ жавоб берадиган бўлишига интилмоқдамиз. Тадқиқотларимизнинг натижадорлиги уларнинг ташкил этилишини, илмий ва ишлаб чиқариш фаолиятининг ўзаро таъсир механизмини, илмий натижаларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш системасини янада такомиллаштиришга боғлиқ эканини яхши тушунамиз. Илмий ишлар самарадорлигини ошириш — унинг планлаштирилишини, моддий-техника таъминотини, информация хизмати кўрсатишни яхшилаш демакдир. Бу ишда социалистик мусобақа, моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг роли жуда катта. Албатта, илмий изланиш олиб бориладиган вазиятни ҳисобга олмаслик мумкин эмас: коллективда тегишли муносиб маънавий иқлим мавжуд бўлиши керак.

Микробиология институтида 309 киши ишлайди. Илмий ходимлар 124 киши, шу жумладан катта илмий ходимлар 42, кичик илмий ходимлар 64, фан докторлари 6, фан кандидатлари 65 киши. Улар «Микроорганизмлар физиологияси ва биохимияси» деган бутуниттифоқ проблемаси бўйича 19 темани, «Ўсимликлар оламидан оқилона фойдаланиш, уни ўзгартириш ва қўриқлаш» проблемаси юзасидан 4 та темани, фан-техника проблемалари бўйича 5 топшириқ ва энг муҳим илмий-техника тавсиялари бўйича 2 топшириқни ишлаб чиқмоқдалар.

ЎИЕК аъзоси бўлган мамлакатлардаги ҳамкасбалари билан ҳамкорликда миқ-

росувўтлар биологияси, физиологияси, биохимиясини ўрганиш ва уларни ўстириш технологиясини ишлаб чиқиш амалга оширилмоқда. Микросувўтлар биомассасидан қишлоқ хўжалигида, озиқ-овқат ва фармацевтика саноатида самарали фойдаланиш йўллари изланмоқда. Ҳозирдаёқ суғориладиган ерларни алгоизациялашнинг тупроқ унумдорлиги ва пахта ҳосилдорлигига таъсири ўрганиб чиқилди, хлорелла ва сценедесмусдан халқ хўжалигида кенг қўлланиш учун ароқли оқсил препаратлари олинди.

Оқава сувларни тубан сувўтлар ёрдамида тозалаш чоғида иқлим шароити, оқава сувлар таркиби ва сувўтлар штаммалари спецификасига боғлиқ равишда кечадиган процессларни ўрганиш ҳам институт олимларининг текшириш объекти ҳисобланади. Ҳозирдаёқ шаҳар канализациясидаги оқава сувлардан азот ва фосфор ионларини ажратиб олишда сувўтларнинг роли аниқланди, оқава сувларда хлорелла ўстирилганда концентрацияланган импульсли қуёш ёруғлигининг оқава сувлар тозаланишига таъсири кузатилди.

Бундан ташқари, институт ходимлари максимал фотосинтез фойдали иш коэффициентига эга бўлган очиқ ва ёпиқ типдаги ишлаб чиқариш қурилмаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқдалар. Пиллачиликда қўлланишга мўлжалланган микросувўтлар кўплаб (ялпи) ўстириладиган новли қурилма ҳозирдаёқ ишлаб турибди. Келгусида протококк сувўтлардан пастасимон хлорелла биомассаси ва озуқабоп оқсил ишлаб чиқарадиган завод барпо этиш мўлжалланмоқда.

— Бу,— деди институт секретари гапини якунлаб,— биз олиб бораётган илмий изланишлар маршрутларининг шунчаки юзаки обзоридир. М. Н. Азимхўжаеванинг ўзи микробиолог, ачитқилар синтезлайдиган биологик актив моддаларни текшириш билан шуғулланади. Бир йилдан кўпроқ муддат давомида илмий секретарлик вазифасида ишлаб келмоқда. Тегишли илмий билимларидан ташқари катта ташкилотчилик қобилиятига, коллективда обрў-эътиборга ҳам эга бўлганлиги учун шу лавозимга кўтарилган.

Фанга у муайян мақсадни кўзлаб кириб келган. Тошкент фармацевтика институтида ўқиб юрган вақтидаёқ микробиологияга қизиқар эди, шунинг учун Д. К. Заболотний номидаги Киев микробиология ва вирусология институтининг аспирантурасига юборилди. У ерда кўзга кўринган олимлар В. Г. Дроботько ва Б. Е. Айзенманлар раҳбарлигида баъзи бир антибиотикларнинг тилларанг стафилококка ҳар тарафлама таъсирини текшириш билан шуғулланди. Кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

— Ҳозирги кунда мен,— дейди М. Н. Азимхўжаева,— рибофлавин биосинтези устида иш олиб бораяпман. Биз уни (рибофлавинни) ачитқилардан оламиз, бунинг учун уларни виночилик саноати қолдиқларида ўстирамиз. Бу препарат курка жўжаларига самарали таъсир кўрсатади, улар бош сонини бут сақлаб қолишга ёрдам беради, гўшти сифатини яхшилайди. Липидлар — микробли ёғлар ҳосил бўлиши ҳам мени қизиқтиради, улардан чорвачиликда, дори-дармон ва фармацевтика саноатида фойдаланиш, шунингдек суркаш (мойлаш) материали сифатида қўлланиш мумкин.

Аммо, жуда кўп вақтим, ҳеч қачон адо бўлмайдиган секретарлик ишларига кетади — турли ҳисоботлар, президиумга ва илмий советга материаллар тайёрлаш, директорнинг топшириқлари...

Институтнинг техникавий биология лабораториясига Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Машҳура Эгамовна Мавлоний раҳбарлик қилади. У умумий ва техникавий микробиология соҳасида йирик мутахассис, микробиология бўйича Москва, Берлин, Мюнхен, Прага, Брнода ўтказилган халқаро симпозиумлар қатнашчиси.

Лаборатория асосан узумнинг эпифет микрофлорасини ўрганади. Ачитқиларнинг жуда кўп миқдордаги турлари ва формаларидан селекциялаб етиштирилган актив самарали ирқлардан ҳозир виночиликда муваффақиятли фойдаланилмоқда. Новвойлик ишлаб чиқариши иссиқбардош ачитқиларнинг икки хил янги дурагайига, паррандачилик эса витаминли препаратга эга бўлди; лаборатория ходимлари таклиф қилган иссиқбардош ачитқи ва сутқислота бактерияларини комплекс равишда ачитиш методидан кенг кўламда фойдаланилмоқда; озиқ-овқат маҳсулотларини микробиал бузилиши олдини оладиган антисептиклар ҳам манзур бўлди.

М. Мавлоний саккизта авторлик гувоҳномасига эга. Унинг илмий тавсиялари натижаларини жорий қилишдан келадиган иқтисодий фойда йилига 10 миллион сўмдан кўпроқни ташкил қилиши керак.

Биология фанлари кандидати Жамолиддин Тошпўлатов бошчилигидаги экспериментал технология лабораториясининг коллективи қизиқарли тадқиқотлар олиб бормоқда. Бу ерда целлюлоза-лигнолитик ферментлардан қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида фойдаланиш имкониятлари ўрганилмоқда.

Институт ходимлари ишлаб чиққан ғўзапояни ферментатив-микробиологик ишлаш ва силослаш методи муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга, бу метод углеводлигнин комплексини оддий қандларга қадар парчалаш ва ғўзапояни оқсиллар, аминокислоталар ва бошқа озиқли моддалар билан бойитиш имконини беради. Институт олимлари таклиф қилган ғўзапояга ишлов бериш ва силослаш методи асосида нам ва қуруқ аралашмалар билан бирга фойдаланса бўладиган яхши сифатли мол озиғи тайёрлаш учун 7—12 кун талаб қилинади. Шу билан бирга ғўзапояни ғарамларга ғамлаб қўйиш ва зарур бўлган пайтда майдалаб, ферментлаштираверишмумкин бўлади. Озуқа ҳосил қилишнинг ушбу усули ихтиро ҳисобланади (унга авторлик гувоҳномаси берилган).

Ғўзапоядан қишлоқ хўжалик ҳайвонлари учун озуқа сифатида фойдаланиш соҳасидаги тажрибалар 1977 йилда Ўзбекистон Ветеринария илмий-тадқиқот институти (ЎзВИТИ) ва Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти билан бирга олиб борила бошлади. 12 бош буқача бўрдоқига боқилиб, уларнинг рационига дағал хашаклар вазнининг 35 проценти миқдорида ферментив ишлов берилиб силосланган ғўзапоя қўшиб турилди. Тажриба 104 кун давом этди. Тажрибадаги молларнинг ўртача суткалик семириши 1135 граммни, контролдаги ҳайвонларнинг семириши эса 950 граммни ташкил қилди.

1978 йилда тажрибалар Каттақўрғондаги махсус комплексда ЎзВИТИ ва Бутуниттифоқ Қоракўлчилик ИТИ билан биргаликда давом эттирилди. Бу ерда 650 бош қоракўл қўйига дағал хашакнинг 50 проценти ўрнига ферментатив ишлов берилиб, силосланган ғўзапоя едирилди. Қўйлар тирик вазнининг ўртача суткалик семириши контролдаги 149 грамм ўрнига 157 граммни ташкил қилди. Бундай усулда боқилган қўйларнинг гўшти морфологик хоссалари жиҳатидан контролдаги қўйларникидан фарқ қилмайди, кулинария хоссалари жиҳатидан эса ундан афзалдир.

1978—1979 йилларда Пастдарғом бўрдоқичилик базасида буқачалар рационига 60 кунга қадар батамом ёки қисман ана шу ферментатив-силосланган ғўзапоядан қўшиб едирилди. Натижада тажрибадаги ҳайвонларнинг ўртача суткалик семириши контролдаги 1008 грамм ўрнига 1068 граммни ташкил қилди.

Бухоро, Хоразм ва Самарқанд областларида ҳам худди шундай тажрибалар олиб борилди, чорвачилик ходимлари учун кўргазма-семинарлар ташкил қилинди. Ҳозирги вақтда эса республика Қишлоқ хўжалик министрлигининг буйруғига мувофиқ кенг кўламда ишлаб чиқариш тажрибалари бошлаб юборилган.

Азот тўпловчи кўк-яшил сувўтлар лабораториясида, шу лаборатория мудири, биология фанлари кандидати Муқаддам Абдуллаевна Қўчқорова ҳамда катта илмий ходим, биология фанлари кандидати Шафиқа Умаровна Абибуллаева томонидан амалга оширилаётган тадқиқотлар ҳам катта халқ хўжалик аҳамиятига эга. Бу лаборатория коллективининг илмий изланиши тупроқдан ва республикадаги сув ҳавзаларидан сувўтларнинг ана шу турини ажратиб олиш, уларнинг хусусиятларини аниқлаш, уларни махсус қурилмаларда ўстиришнинг оптимал шароитларини белгилаб олишга йўналтирилган.

Азот тўпловчи кўк-яшил сувўтларни қишлоқ хўжалигида қўлланишдан ғоят катта иқтисодий самара кутилмоқда. Чунончи, Оққўрғон районидаги Навоий номли ва XXII партсъезд номли колхозларда 644 гектар майдонга ана шу сувўтлар билан ишланган туксизлантирилган чигит экилган эди. Натижада гектар бошига ўрта ҳисобда 3,3 центнердан қўшимча ҳосил олинди. «Северний маяк» колхози ва М. И. Калинин номли совхозда эса кўк-яшил сувўтлар суспензияси билан ишлов берилган уруғлик шоли экилган 295 гектар майдондан 262 тонна қўшимча шоли олинди.

Биология фанлари кандидати Аҳматқул Эргашевич Эргашев раҳбарлик қилаётган умумий альгология лабораторияси оқава сувларни сувўтлар воситасида биологик

тозалаш юзасидан қизиқарли ишлар олиб бормоқда. Чирчиқ «Электрохимпром» саноат бирлашмасининг, Чимкент саноат узели ҳамда бошқа корхоналарнинг оқава сувлари табиати ва характерини ўрганиб чиқиш асосида лаборатория оқава сувларни сувўтлар ва юқори сув ўсимликлари воситасида биологик тозалаш методини ишлаб чиқди. Ушбу методни қўлланишдан олинадиган иқтисодий фойда бир корхонанинг ўзида йилига 100 минг сўмдан кўпроқни ташкил қилади.

Биология фанлари доктори Туркменбай Таубаевич Таубаев раҳбарлигидаги сув ўсимликлари лабораториясининг ходимлари яшил микросувўтларнинг маҳсулдор турлари ва штаммаларини излаш, уларни ўстириш ва чорвачилик, паррандачилик, пиллачилик ва деҳқончиликда биостимуляторлар сифатида қўллаш методларини ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқдалар. Ушбу лаборатория ходимлари таклиф қилган микросувўтларни ялпи ўстириш методлари ҳозирдаёқ фақат бизнинг республикамиздагина эмас, балки мамлакатнинг бошқа районларида ҳам қўлланмоқда. Ҳозирги вақтда протококк сувўтлар ўстириладиган 500 га яқин қурилма самарали ишлаб турибди.

Биология фанлари доктори Савия Сулаймоновна Рамазонова раҳбарлигидаги микрология лабораторияси ноёб тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Бу ерда қишлоқ хўжалик экинлари касалликларини келтириб чиқарувчи замбуруғларнинг тур состави ўрганилади. Айрим группаларга мансуб: фитопатоген, тупроқ, йиртқич, қалпоқдор, энтомофил ва бошқа замбуруғларнинг биоэкологик хусусиятларини аниқлашга алоҳида эътибор берилади. Бу қишлоқ хўжалик экинлари касалликларини қўзғатувчи баъзи замбуруғларга қарши кураш йўлларини назарий жиҳатдан асослаб бериш, айрим ҳолларда эса амалий тадбирларни ҳам белгилаш имконини беради.

Биология фанлари кандидати Шониёз Мусаевич Мусаев бошчилигидаги микроорганизмлар селекцияси ва ўзгарувчанлиги лабораторияси биологик актив моддаларни кўплаб синтезлайдиган сувўт ва замбуруғ бактерияларини ўрганиш билан боғлиқ экспериментлар олиб боради, микроорганизмларнинг энг перспектив формаларини генетик анализ қилади. Бу лабораторияда олинган хушбўй моддаларни кўплаб синтезловчи сут кислота бактериялари, ана шу бактериялар мутантларидан иборат аралаш ачитқи халқ хўжалигида кенг қўлланилажаги шак-шубҳасиздир. Олимлар таклиф қилган Қуруқ бактериал ачитқи тайёрлашнинг техникавий шартларини республика Гўшт ва сут министрлиги ҳозирдаёқ ишлаб чиқаришга жорий қилди.

Тупроқ микробиологияси коллективи биология фанлари кандидати Исмоил Жуманиёзович Жуманиёзов раҳбарлиги остида тупроқ микрофлорасининг Ўзбекистондаги кам гумусли суғориладиган ерлар унумдорлигини оширишдаги ролини аниқламоқда, суғориладиган ерларни интенсив химиялаштирилаётган шароитда ғўза экинига солинадиган азотли ўғитлар самарадорлигини аниқлайди. Бундан ташқари лабораторияда пахтачиликда хлорелла суспензиясидан тупроқ унумдорлиги ва биохимиявий активлигини ошириш манбаи сифатида фойдаланиш борасида кенг илмий иш олиб борилмоқда.

Сув ҳавзаларини муҳофаза қилишнинг биологик асослари лабораториясида олиб борилаётган тадқиқотлар ҳам амалий аҳамиятга эга. Лаборатория ходимлари ифлосланган сув ҳавзаларининг ўз-ўзидан тозаланишида гидробионтларнинг имкониятларини ўрганадилар.

Микроорганизмлар типовой культуралари лабораторияси замбуруғлар, сувўтлар, ачитқилар, бактериялар культуралари коллекцияларини тўплайди, институт лабораторияларини ва республикадаги бошқа илмий муассасаларни коллекцияланган культуралар билан таъминлайди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Микробиология институти СССР Фанлар академияси ва иттифоқдош республикалар фанлар академияларининг турли институтлари билан илмий алоқа қилиб туради. Бундай алоқалар ўзаро консультатив ёрдам, информациялар алмаштириб туриш ва бир қатор тадқиқотларни биргаликда бажаришни ўз ичига олади. Институтнинг СССР Фанлар академияси Микробиология институти, А. Н. Бах номидаги биохимия институти билан алоқаси мустаҳкамдир; бир ҳужайрали сувўтларнинг турли хил азот формаларидан фойдаланишида иштирок этувчи фермент системалари хоссаларини текшириш ва регуляциялаш ишлари ана шу институтлар билан баҳамжиҳат амалга оширилмоқда, сув ҳавзаларининг ифлосла-

ниши олдини олиш мақсадида оқава сувлардан азотли бирикмаларни актив суратда ажратиб олиш режимлари ишлаб чиқилмоқда.

Илмий марказларнинг ўзаро ҳамкорлиги актуал проблемаларни самарали ҳал қилишга ёрдам бериши билан бирга катта илмий-назарий ва халқ хўжалик аҳамиятига ҳам эга. Микробиология институти коллективи буни ҳисобга олиб, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети, Ўзбекистон Балиқчилик хўжалиги илмий-тадқиқот институти, Санитария, гигиена ва касб-техника касалликлари институти, республика Қишлоқ хўжалик министрлигининг шоличилик ва чорвачилик институтлари, СоюзНИХИ, Лалмикор деҳқончилик институти, Самарқанд Қишлоқ хўжалик ва Ветеринария институтлари, Фарғона педагогика институти олимлари билан самарали алоқа қилиб туради.

ЎзССР Фанлар академияси Микробиология институти коллективининг илмий изланиши давом этмоқда. Унинг олимлари ана шу йўлда қўлга киритилган ютуқлар коммунистик қурилиш ишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилишига интилмоқдалар.

ҲОЗИРГИ ДУНЁДА ҒОЯЛАР КУРАШИ

ҲОЗИРГИ ЗАМОН БУРЖУА СОВЕТШУНОСЛИГИ ВА РЕАЛ СОЦИАЛИЗМ

П. НИЁЗОВ,
философия фанлари доктори

ЗАМОНАМИЗНИНГ туб хусусиятларидан бири социализмнинг ижтимоий тараққиётнинг ҳал қилувчи омилига айланишидир. Жаҳон социалистик системаси моддий ва маънавий имкониятларининг ғоят даражада ўсиб бориши халқаро майдонда кучлар нисбатини унинг фойдасига ўзгартирди. Бу эса идеологик курашнинг кескинлашувига олиб келди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Марказий Комитетнинг партия XXV съездига Ҳисобот докладида кўрсатиб ўтганидек, «икки системанинг бир-бирига қарши ғоявий кураши тобора активлашмоқда, империализм пропагандаси тобора макрли тус олмоқда».

Буржуа пропагандаси имкони бор барча воситалар билан социалистик мамлакатлардаги революцион ўзгаришларнинг буюк натижаларини бадном қилишга интилмоқда. Бинобарин, улар капитализм зиддиятларининг янада кескинлашуви фонида тобора катта аҳамият касб этмоқда. Буржуа пропагандаси асосий зарбасини Совет Иттифоқига қарши қаратмоқда. СССРда ривожланган социалистик жамиятнинг қурилиши, совет халқининг коммунистик қурилишда ва халқаро майдонда мустаҳкам тинчлик учун курашда ғоят катта муваффақиятларга эришуви — буларнинг ҳаммаси душманларимизнинг ғазабини оширмоқда, социализмни яксон қилиш, унинг ютуқларини ва ғоявий бойликларини бадном қилиш йўлидаги интилишларини ўн баравар кучайтирмоқда.

Шунинг учун антисоветизм антикоммунизмнинг етакчи йўли бўлиши бежиз эмас. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида империалистик пропаганда совет кишиларининг ақл-идрокига жон-жаҳди билан ҳужум қилмоқда, энг макрли методлар ва замонавий техника воситалари ёрдамида уларнинг онгини совет воқелигига қилинаётган тухмат оғуси билан заҳарлашга, социализмга доғ туширишга, империализмни, унинг талончилик, ваҳшиёна сиёсати ва практикасини безаб кўрсатишга уринмоқда. Нотўғри информация бериш ва фактларни ғаразгўйлик билан ёритиш, лом-мим демаслик, бор гапни айтмаслик, беҳаёларча ёлғон-яшиқ гапларни айтиш — буларнинг ҳаммаси ишга солинмоқда.

Совет воқелигининг ҳамма томонлари, социализмнинг ҳамма асосий жиҳатлари танқид қилинади ва аввало унинг ҳаётбахшлиги, инсонпарварлик моҳияти шубҳа остига олинади. Буржуа пропагандаси мамлакатимизда пролетар революцияси ва кейинги социалистик ўзгаришлар жараёнида бўлиб ўтган воқеаларнинг объектив ижтимоий тараққиёт қонунларига ҳеч қандай алоқаси йўқ деб кўрсатмоқчи бўлади,

Ана шу асосда СССР ва бошқа социалистик мамлакатлардаги социалистик қурилиш тажрибасининг халқаро аҳамияти истисно этилади. Антисоветизм «назариётчилари» исботлаб бўлмайдиган нарсани исботламоқчи бўладилар, яъни гўё социализм одамлар ишончини оқламаган эмиш, гўё у инсониятнинг асл гуманистик идеалларини, шу жумладан тенглик идеалини амалга ошира олмаган эмиш.

Бундай апологетика СССРда, бошқа социалистик мамлакатларда юз берган ва инсоният тарихининг бутун жараёнига улкан таъсир кўрсатаётган чуқур социал ўзгаришларнинг чин маъносини кенг меҳнаткашлар оммасидан яширишга хизмат қилади. Империализмнинг илмли хизматкорлари қанчалик уринмасинлар, социалистик жамиятда хусусий мулкни ва кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишини йўқ қилган тарихий фактнинг аҳамиятини камсита ололмайдилар ки, буларнинг йўқ қилиниши социалистик жамиятни тамагирлик ва бировлар меҳнатидан фойдаланиш ҳукм сурган капиталистик жамиятга қарама-қарши қилиб қўяди. Айни шу социализм, меҳнатнинг ҳамма учун мажбурийлигини қарор топтириб, меҳнатни беистисно ҳамма гражданлар ҳаётий фаолиятининг муҳим томонига айлантиради. Ижтимоий мулк ҳукм сурган шароитда социал антагонизм бўлмайди. Социализмнинг характерли хусусияти — ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик, бутун жамият аъзоларининг монолит бирлигидир.

«Жамиятнинг жипслиги, бирлиги,— деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев сайловолди йиғилишида 1980 йил 22 февралда сўзлаган нутқида,— социализмнинг ноёб мулкидир, бизнинг бебаҳо, енгилмас кучимиздир. Бизда ҳам, империалистларда ҳам ракеталар бор, албатта. Бизларда бўлганидек, уларда ҳам табиий бойликлар кўп. Уларда ҳам истеъдодли олимлар, инженерлар, маданият арбоблари бор. Аммо уларнинг ягона жамияти йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас».

Жамиятимизнинг социал-иқтисодий асоси ижтимоий ва шахсий манфаатлар уйғунлигини қарор топтириш учун шарт-шароит яратади. Агар капитализм шароитида ишлаб чиқариш максимал даромад олиш мақсадига бевосита хизмат қилса, социализм ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг органик бирлигини тиклайди. Бу эса шахсни ҳар томонлама ўстириш вазифасини ҳал этиш учун моддий асос бўлади. Социализмнинг асосий инсонпарварлик хусусияти, шунингдек унинг капитализмдан афзаллигини кўрсатиб турувчи туб хусусияти ана шундан иборат.

Мамлакатимизда революцион ўзгартиришнинг муҳим якуни, КПСС XXV съездида ўртоқ Л. И. Брежнев кўрсатиб ўтганидек, ривожланган социалистик жамиятнинг, янги турмуш тарзининг қарор топиши бўлди. Социалистик турмуш тарзи капиталистик турмуш тарзига фақат ўзининг иқтисодий асоси билангина қарама-қарши бўлиб қолмай, шунингдек маънавий соҳа тараққиёти қонунлари билан ҳам бир-биридан фарқ қиладики, унинг ўзаги илмий диалектик-материалистик дунёқарашдир.

Реал социализм ютуқларидан саросимага тушган антисоветизм «назариётчилари» ижтимоий тараққиётнинг объектив процессларини бузиб кўрсатиш учун ҳар хил воситалардан сурбетларча фойдаланмоқдалар. Бунда улар Октябрь революциясини ва мамлакатимизда амалга оширилган ўз миқёси бўйича улкан социалистик ўзгаришларни фақат «Россияга хос» миллий воқеа қилиб кўрсатишга уринмоқдалар. Лекин ҳақиқат ҳақиқатлигича қолади. Жаҳон революцион процесси ҳозир ниҳоятда кенг қулоч ёйди. Жаҳон социалистик системасининг пайдо бўлиши ва мустамлакачиликнинг барбод бўлиши унинг якунидир. Капиталистик мамлакатларда меҳнат ва капитал ўртасидаги кураш тобора ўсиб ва кенгайиб, монополиялар зулми остида эзилаётган ўн миллионлаб ишчилар бу курашга жалб этилди. Халқаро коммунистик ҳаракат, муттасил давом этаётган миллий-озодлик кураши буюк сиёсий куча

айланди. Буларнинг ҳаммаси — инсоният тараққиёти умумий қонуниятларининг намоён бўлиши, Улуғ Октябрь бошлаб берган капитализмдан коммунизмга ўтишнинг бутун дунё миқёсида муқаррар юз беришининг натижасидир.

Буржуа идеологларининг фикрига қарама-қарши ўлароқ марксча-ленинча назария, социалистик ва коммунистик қурилиш практикаси инсониятнинг азалий идеалларини, шу жумладан социал тенглик идеалини амалга ошириш проблемаларини ҳал этмоқда. Ф. Энгельс ўз вақтида кўрсатиб ўтганидек, «... пролетар тенглик талабининг ҳақиқий мазмуни *синфларни йўқ қилиш талабига* олиб келади (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 20-том, 108-бет). Бу талабни амалга оширилишининг асосий шарти хусусий мулкни, меҳнат, моддий бойликлар тақсимоти ва истеъмолидаги қарама-қаршиликлар ва фарқларни тугатишдир.

Табиийки, социал бир хиллик бир вақтда амалга ошириладиган ҳодиса эмас. Унга тўлиқ эришиш коммунизм тантанаси билан боғлиқдир. Социализм шароитида социал фарқлар сақланиб қолади. Буржуа «назариётчилари» мана шу фикрни дастак қилиб олиб, икки қарама-қарши ижтимоий формация—коммунизм билан капитализмни тенглаштиришга уринадилар. Аммо социализм шароитида социал фарқлар бор деган гап, антисоветчилар исботламоқчи бўлгандек, социал тенгсизлик ижтимоий муносабатларнинг янги системасига ҳам хос деган маънони англатмайди. Аксинча, социализм синфсиз коммунистик жамият асосларини қарор топтириб, тенгсизликни тугатади.

Мамлакатни индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, маданий революция жараёнида жамиятнинг социал структурасида чуқур ўзгаришлар юз берди, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг иттифоқи, СССРдаги миллат ва элатларнинг қардошларча дўстлиги янада мустаҳкамланди. Жамият барча аъзоларининг меҳнати ижтимоий социалистик мулкка асосланганки, у тенгсизликнинг иқтисодий моҳияти бўлмиш эксплуатацияни истисно этади. Ижтимоий тараққиёт жараёнида социал жиҳатлар аста-секин йўқола боради, жисмоний меҳнат ходимларининг фаолияти эса тобора кўпроқ интеллектуал мазмун касб этади. Умуман бутун халқнинг билим даражаси беқиёс ўсади. Бу ривожланган социализм белгилари, Коммунистик партия идеалларининг реал гавдаланишидир. Мамлакатимизда юз берган социалистик ўзгаришлар моҳиятини назарда тутиб, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев «Улуғ Октябрь ва инсоният тараққиёти» докладида «социал тенглик ва адолат принциплари қарор топганлиги» Октябрнинг энг буюк ғалабаси бўлди, деб таъкидлади.

Шунга қарамай, буржуа идеологлари социалистик жамиятнинг социал структурасида ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмади деб ишонтирмоқчи бўладилар. Ишчилар синфи ва деҳқонлар аҳволи ҳеч ўзгармаган ва уларни ақлий меҳнат ходимларидан ғоят катта жарлик ажратиб турар эмиш, СССРда шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги қарама-қаршилик худди илгаригидек сақланиб қолган эмиш.

Совет жамиятини чуқур социал қайта қуриш ва унинг тараққиётининг натижаси бўлган социалистик воқеликнинг реал фактлари ана шу барча бўҳтонларни чиппакка чиқаради. Чунончи, Совет Иттифоқида 1939 йилда халқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг ҳар бир 1000 кишисига тўғри келган олий ва ўрта (тўлиқ ва тўлиқсиз) маълумотлилар мутахассислар ва хизматчилар орасида — 542, ишчилар орасида— 84, деҳқонлар орасида — 18 кишини ташкил қилган бўлса, 1976 йилда тегишли равишда 970, 715, 537 кишини ташкил қилди. Келтирилган маълумотлар КПСС социал сиёсатининг амалга оширилиши натижаси-

да социализмни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш процессида халқимиз маънавий ҳаётида юз берган муҳим силжишлардан далолат беради. Меҳнаткашлар билим даражасидаги фарқнинг йўқола бориши — коммунистик тенглик идеалининг реал амалга ошганлигининг далолатидир.

Социалистик жамиятда меҳнат соҳасида чуқур ўзгаришлар бўлиб ўтди. У ақлий ва жисмоний меҳнат, саноат ва қишлоқ хўжалиги меҳнати ўртасидаги қарама-қаршиликни тугатади. Қуйидаги маълумотлар социал структурада юз берган муҳим силжишларни кўрсатади: агар 1939 йилда, социализм асосан ғалаба қилган пайтда ишчилар бутун мамлакат аҳолисининг 33,5 процентини, деҳқонлар ва кооперациялашган кустарлар 47,2 процентни ташкил этган бўлса, 1979 йилда, ривожланган социализм шароитида бу рақамлар тегишли равишда 61,8 ва 15,1 процентга етди. Ақлий меҳнат ходимлари сони ҳам кескин даражада ўсди. Масалан, 1926 йилда СССРда ақлий меҳнат билан банд бўлган кишилар сони уч миллиондан камроқ бўлган бўлса, 1977 йил бошига келиб у 37,5 миллион кишини ташкил этди.

Шундай қилиб, ривожланган социалистик жамиятда меҳнаткашларнинг асосий қисми анчагина ижодий ва профессионал тайёргарликни талаб этадиган ақлий меҳнат ва саноат ишлаб чиқариши соҳасида банддир. Агар бунинг устига қишлоқ хўжалигимиз тобора индустриал асосга ўтказилаётганлигини ҳисобга олсак, ҳозирги вақтдаёқ меҳнат соҳасида социал тенглик даражаси анча салмоқли эканлигини кўрамиз. «Давлат,— деб ёзилган СССР Конституциясида,— жамиятнинг социал бир хиллигини кучайтиришга — синфий тафовутларни, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни йўқотишга... кўмаклашади». Социализмнинг тарихий практикаси шу хулосанинг тўғрилигини исботлаб турибди.

Буржуа пропагандаси социализмни қоралашга, унинг оламшумул-тарихий ютуқларини камситишга интилиб, унинг гуманистик табиатини бузиб кўрсатишга бор кучини сарфламоқда. У гўё марксчи-ленинчи партиялар раҳбарлик қилаётган мамлакатларда асосий мақсад шахс ва умуман жамиятни озод этадиган олий идеалларни амалга ошириш эмас, инсон ва унинг эҳтиёжини қондириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш эмас, балки оғир индустрияни, саноатнинг етакчи соҳаларини ижтимоий тараққиётнинг бирдан-бир мақсади сифатида ҳар томонлама ривожлантириш бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, деб ишонтирмоқчи бўлади. Социализмга ана шундай бемаъни айблар қўйиб антисоветчилар унинг қурилиш тарихини сохталаштирмоқдалар ва бу билан янги ижтимоий муносабатлар қарор топиши диалектикасини мутлақо тушунмасликларини намойиш қилмоқдалар.

Дарҳақиқат, ўтмишнинг оғир мероси бўлган асрий қолоқликни бартараф этиш учун мамлакатимиз халқларига маълум қурбонлар беришга ва қийинчиликларни бошдан кечиришга тўғри келди. Шунинг учун ҳам қурбон беришга мажбур бўлдиларки, халқаро империализм (буржуа апологетик социологияси унинг жарчиси бўлди) Совет давлатини иқтисодий блокада исканжасида бўғиб ташлашни мақсад қилиб қўйди, Октябрь революцияси ютуқларини қурол кучи билан йўқ қилишга уриниб, доим таҳдид солиб турди.

Социалистик мамлакатларга иқтисодий қувват ва ҳарбий потенциал бирдан-бир мақсад учун эмас, балки озодлик ва адолат идеалларини амалга ошириш учун зарур. Марксчи-ленинчилар учун озодлик ва адолат — абстракт маънавий бойлик ва формал юридик нормалар эмас, балки маълум ижтимоий муносабатлардирки, бу муносабатларнинг қарор топиши моддий бойликлар мўл-кўллигини таъминлай оладиган ишлаб чиқарувчи кучларни юксак даражада ривожлантириш билан боғлиқдир, чунки марксчи-ленинчи партиялар диққат

марказида эҳтиёжи ва талаблари доим ошиб борадиган инсон туради. Инсон учун, унинг манфаатлари учун социалистик мамлакатларда иқтисодий қувватлар ошириб борилмоқда. Коммунистик идеалларни амалга оширишнинг бошқа йўли йўқ.

«Социалистик қурилишнинг дастлабки босқичларида, — деб кўрсатган эди Л. И. Брежнев,— совет кишилари ўз ресурслари ва куч-ғайратларини биринчи навбатдаги вазифаларни, давлатимизнинг яшаши билан боғлиқ бўлган вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилдилар. Ҳозирги вақтда, ривожланган социализм шароитида бутун халқ хўжалигини тўхтовсиз ўстириш, фан-техника революциясини жамиятни социалистик негизда ташкил этиш афзалликлари билан бирга қўшиб олиб бориш асосида экономикани кишиларнинг хилма-хил моддий ва маданий эҳтиёжларини тобора тўлароқ қондириш сари сезиларли даражада буриб юбориш имконияти туғилди. Бошқача қилиб айтганда, эндиликда социалистик ишлаб чиқаришнинг олий мақсади тўппа-тўғри ва бевосита равишда партия амалий фаолиятининг диққат марказида турибди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш усули ва турмуш тарзи сифатида социализмнинг тарихий афзалликлари, унинг чинакам инсонпарварлик моҳияти тўла ва равшан намоён бўлмоқда (Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар, 6-том, 702-703-бетлар).

Социализм тараққий этиши билан беистисно ҳамма меҳнаткашларнинг фаровонлиги ўсиб, уларнинг реал даромадлари, моддий ва маънавий бойликлар истеъмоли ошиб боради. Шуни эслатиш кифояки, фақат 1940 йилдан 1977 йилгача ишчи ва хизматчиларнинг реал даромадлари ҳар бир ишловчи ҳисобига 3,7 марта, колхозчиларники эса 6,2 марта ошди.

КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумларининг қарорлари партиянинг бош вазифаси—совет кишилари фаровонлигини ҳар томонлама оширишга қаратилгандир. Фақат шу беш йиллнкда истеъмол ва жамғаришга кетадиган миллий даромад 24—28 процентга, аҳоли жон бошига олинадиган реал даромад 20 — 22 процентга кўпаяди. Совет кишилари озиқ-овқатга, кийим кечакка, маданий молларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондирадилар; уй-жой, дам олиш уйлари, касалхоналар ва ҳоказолар кўпроқ қурилади.

Маълумки, кишиларни эксплуататор ва эксплуатация қилинувчилар, мулкдорлар ва мулксизларга ажратадиган моддий бойликлар тақсимотининг буржуача принципини социализм йўқ қилади. Аммо социалистик тақсимот ўзининг объектив сабабларига кўра тенгсизлик элементларини сақлаб қолади, чунки ишловчилар ўз меҳнатлари учун турлича ҳақ оладилар. Шунинг учун гражданларнинг моддий фаровонлиги даражаси бир хил эмас. Шунга қарамай муҳими шуки, социализм меҳнатдан бегоналашувга йўл қўймайди ва ижтимоий тараққиёт жараёнида истеъмол соҳасида одамларнинг аҳволини тенглаштириб боради. Оқибат натижада эҳтиёжга қараб тақсимлаш коммунистик принципига ўтишнинг моддий асоси яратилади.

Буржуа социологлари социализм ва капитализмда тақсимот муносабатлари тубдан фарқ қилишини тан олишни истамайдилар ва бир-бирига қарама-қарши ижтимоий системалар ўртасига тенглик аломатини қўймоқчи бўладилар.

Ҳақиқатда эса, капитализм шароитида антагонистик синфларнинг моддий аҳволини ажратиб турувчи фарқ тобора кучайиб бораётган бўлса, эксплуатация ва тенгсизлик бўлмаган социализм шароитида тақсимот муносабатлари шу даражада такомиллашадики, умуман олганда ҳар хил категориядаги меҳнаткашлар иш ҳақи ўртасидаги фарқ тобора йўқолиб боради. Бунда социализм тараққиётининг умумий тенденцияси — социал тенглик даражасининг ўсиш тенденцияси амал қилади. Чунончи, агар 1940 йилда ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи

инженер-техник ходимлари иш ҳақидан 2—2,5 баравар паст эди, 1970 йилларга келиб саноат ва қурилишдаги ишчилар 30 процент, қишлоқ хўжалик ишчилари эса 40 процент камроқ иш ҳақи олмоқдалар, мамлакатимизда кам ва ўртача иш ҳақи оладиган ходимлар маошини ошириш юзасидан қатор тадбирлар кўрилди. Бу тадбирлар ўн миллионлаб кишиларни қамраб олди ва социалистик жамият меҳнатчилари моддий аҳволини тенглаштиришга ёрдам берди. Коммунистик партия, Совет давлати бундай тадбирларни келгусида ҳам амалга оширишни планлаштирмоқда.

Ривожланган социализм жамиятида ишчилар билан деҳқонлар даромади ўртасидаги фарқ ҳам камайиб бормоқда. Бу жиҳатдан колхозларда меҳнатга гарантияланган, пул билан ҳақ тўлашга ўтилиши, колхозчилар учун социал таъминотининг амалга оширилиши жуда катта аҳамиятга молик бир воқеа бўлди. Колхоз ишлаб чиқариши самарадорлигининг янада ўсиши жараёнида колхозларда меҳнатга ҳақ тўлаш формаси давлат корхоналарида ҳақ тўлаш формасига яқинлашди, ишчилар ва колхозчиларнинг даромадларидаги фарқ анча камайди. Ушбу факт социалистик жамиятдаги икки дўстона синфлар бир-бирига яқинлашаётганлигини кўрсатиб турибди ва бу КПСС социал сиёсатининг йирик ғалабасидир. Бу сиёсатнинг асл мақсади — синфсиз жамият қуриш ва коммунистик тенглик тантанасига эришишдир.

Буржуа «назариётчилари» социализм шароитидаги ижтимоий истеъмол фондлари каби кишиларнинг моддий эҳтиёжларини қондириш манбаининг ғоят катта аҳамиятини тушунишга ожизлик қиладилар. Ижтимоий истеъмол фондлари текинга ёки имтиёзли шартларда, яъни маълум даражада меҳнат миқдори ва сифатига қарамасдан тақсимланади. Табиийки, биз қанчалик кўп ижтимоий истеъмол фондига эга бўлсак, моддий бойликларни тақсимлаш ва истеъмол қилиш соҳасида социал тенглик даражаси шунчалик юксак бўлади. Агар, масалан, 1940 йилда ижтимоий истеъмол фондларидан аҳоли жон бошига тўланган тўлов ва имтиёзлар 24 сўмни ташкил қилган бўлса, 1978 йилда у 404 сўмга етди. 1980 йилнинг бошига бориб ижтимоий истеъмол фондлари ғоят катта — 410 миллиард сўмдан ошиқ суммани ташкил этади. Бу — ижтимоий муносабатларнинг гуманизациясига ёрдам берувчи моддий бойликларни тақсимлаш ва истеъмол этиш соҳасида ҳам катта силжишлар юз беради, деган гапдир.

КПСС XXV съезди, партия Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари ривожланган социалистик жамият шароитида тақсимот муносабатларини янада такомиллаштиришга ва социал муносабатларнинг ана шу муҳим соҳасида тенглик идеалини тобора тўлароқ амалга оширишга ундамоқда. Бу проблеманинг асосий жиҳатлари СССР Конституциясида ҳам ўз аксини топди.

Буржуа социологлари чинакам демократия ва халқ ҳокимиятини ўрнатишда социализм эришган ютуқларни зўр бериб йўққа чиқаришга уриниб, ўз асарларининг кўп саҳифаларини социалистик жамиятнинг сиёсий тузилишини танқид қилишга ажратмоқдалар. Социалистик демократия ўзининг социал йўлини аниқ эътироф этаётганлиги ва абстракт, синфларсиз озодлик шиори остига яширинган контрреволюцияга зарба бераётганлигига антикоммунизм «назариётчилари» чидаб тура олмаяптилар.

Социалистик демократия халқ демократияси бўлиб, меҳнатни капитал зулмидан озод этишга хизмат қилади. Буни В. И. Ленин бир неча бор кўрсатиб ўтган эди. Империалистик пропаганда, социализмни тоталитаризмда айблаб, қўлидаги бор воситалари билан Коммунистик партиянинг совет жамиятидаги раҳбарлик ролини қоралашга, партия

ва халқ манфаатларини бир-бирига қарама-қарши қўйишга интилмоқдалар.

Аммо бундай ва бошқа шу каби демагогик сафсаталар ҳеч кимни ишонтира олмайди. Айни шу социалистик система ижтимоий ишларни идора қилишга кенг меҳнаткашлар оммасини жалб этади. У меҳнаткашларнинг коммунизм қуриш билан боғлиқ бўлган интилишларининг амалга оширилишига хизмат қилади. Социалистик демократия пролетар давлатчилигидан коммунистик ўз-ўзини идора қилиш томон ривожланиб бормоқда. Бу процессда халқнинг энг илғор ва онгли қисми бўлган, бутун фаолияти халқ манфаатлари ва орзуларини амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқ бўлган Коммунистик партиянинг роли буюк ва аҳамиятлидир. Совет кишилари ўзларининг жонажон партиясига чексиз ишонадилар, буюк коммунистик қурилиш иши тантанасининг гарови унинг раҳбарлигида эканлигини биладилар. «Душманларимиз социализмнинг «мукаммал эмаслиги» хусусида қанчалик куйиб-пишмасинлар,— деб кўрсатган эди ўртоқ Л. И. Брежнев,— уни «яхшилаш», «инсонпарвар қилиш» ҳақида қанчалик оғиз кўпиртирмасинлар, биз Ленинниң пролетар, социалистик демократия ҳар қандай буржуа демократиясидан миллион баравар демократроқдир, деган сўзларини ифтихор билан такрорлай берамиз. Бизнинг давлатимиз меҳнаткашлар давлати, меҳнаткашлар учун хизмат қилувчи давлат, меҳнаткашлар идора қилувчи давлат бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади» (Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар, 2-том, 649-бет).

Дарҳақиқат, фақат халқ депутатлари Советларининг барча поғоналарига 2,2 миллион киши сайланган, 30 миллиондан ортиқ активистлар ихтиёрий равишда Советларга кундалик ишларида ёрдам бермоқдалар. Мамлакатимизда хўжалик ва маданий қурилишнинг биронта тармоғи, ижтимоий ҳаётнинг биронта соҳаси йўқки, уни бошқаришда меҳнаткашларнинг кенг қатлами иштирок этмаса. Жамоатчилик ташкилотлари — уй ва кўча комитетлари, хотин-қизлар Советлари, халқ дружинаси ва ҳоказоларда миллион-миллион кишилар ишламоқда.

«Социалистик демократияни,— дейилган СССР Конституциясида,— янада авж олдириш: давлат ва жамият ишларини бошқаришда гражданларни тобора кенгроқ қатнаштириш, давлат аппаратини такомиллаштириш, жамоат ташкилотларининг активлигини ошириш, халқ контролини кучайтириш, давлат ва жамоат ҳаётининг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, қилинаётган ишлардан халқни кенгроқ хабардор қилиб туриш, жамоатчилик фикрини доимо ҳисобга олиб бориш совет жамияти сиёсий системасини ривожлантиришнинг асосий йўналишидир». Бу декларатив гап бўлмай, балки жамиятнинг коммунистик ижтимоий ўз-ўзини идора этиш томон ҳаракати йўлидаги реал социализм сиёсий системасининг тараққий этиш тенденциясининг ифодасидир.

Совет давлати тарихда биринчи бўлиб миллий масалани чинакам демократик асосда ҳал этди. Мамлакатимизда амалга оширилган чуқур социал ўзгаришлар натижасида собиқ қолоқ халқларнинг бутун турмуш уклади тубдан ўзгарди, уларнинг озод ўсишлари учун барча шароитлар яратиб берилди. Чор Россиясининг ўтмишдаги мустамлака чет ўлкалари иқтисодий жиҳатдан беқиёс юксалиб, фан ютуқларига асосланган ва бақувват техника билан жиҳозланган ҳозирги замон индустрияси, ривож топган қишлоқ хўжалиги, мазмунан социалистик ва шаклан миллий илғор маданиятга эга бўлган республикаларга айландилар.

Совет Ўрта Осиёсининг ажойиб намунаси Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларида катта қизиқиш туғдирмоқда, зеро бу қитъалардаги халқлар ҳам чинакам озодлик ва социал тараққиётга интилмоқдалар. Социализм душманлари ривожланаётган мамлакатлар кўз

ўнгида СССРда миллий масаланинг ҳал этилишининг тарихий тажрибасини обрўсизлантириш ва Совет Иттифоқининг шу мамлакатларга кўрсатаётган катта таъсирини кучсизлантириш учун ўлиб-тирилиб ҳаракат қилаётганлиги бежиз эмас. Турли хил буржуа сохталаштирувчилар СССР халқларининг экономика ва маданият соҳасидаги ютуқларига гўё уларнинг ўзига хос маданиятини тугатиш, уни бутунлай ўзгартириш ва ҳамма миллатларни руслаштириш ва уларни миллий хусусиятларидан маҳрум этиш асосида эришилмоқда, деб тинмай жар солмоқдалар.

Империализмнинг илм соҳасидаги хизматкорлари қанчалик сафсата гапларни тарқатмасинлар, тарихий ҳақиқатни ўчира олмайдилар. КПСС ва Совет давлатининг ўтмишда мустамлакачилик зулми остида эзилиб келган халқларнинг қаддини ростлашни кўзлаган сиёсатининг қандайдир руслаштиришга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тараққиёт чўққиларига эришган Совет Ўрта Осиёси республикалари мисолида айниқса яққол кўриниб турипти. Фақат Ўзбекистон ССРнинг тажрибасини анализ қилиб кўришнинг ўзи КПССнинг ғайримиллий сиёсати тўғрисидаги сохта гапларни фош қилиб ташлаш учун етарлидир. Масалан, шуни эслатиб ўтиш керакки, Коммунистик партия ва Совет давлати ишлаб чиққан тадбирларни амалга ошириш натижасида ғоят қисқа муддат ичида туб миллат меҳнаткашларини бутун инсоният тўплаган билимлардан баҳраманд этиш учун, маҳаллий ишчи ва деҳқонлар орасидан миллий зиёлилар етишиб чиқиши учун реал асослар яратилди. Бу ўзбек халқининг мазмунан социалистик ва шаклан миллий маданиятининг равнақ топишига олиб келди ва бу маданият ўзининг энг яхши прогрессив анъаналаригагина эмас, балки мамлакатимиз бошқа халқларининг илғор маданий меросига ҳам таяниб ўсди. Бинобарин, социализм миллатларнинг иқтисодий соҳада ҳам, социал-сиёсий ва маънавий соҳаларда ҳам равнақ топишига ёрдам беради.

Турли советшунослар «асарлари»да социалистик воқеликнинг хотин-қизлар озодлиги проблемасини ҳал қилиш, хотин-қизларнинг, айниқса Россия империясининг собиқ чекка ўлкаларидаги хотин-қизларнинг чинакам тенг ҳуқуқлигини амалга ошириш каби муҳим томони ҳам сохталаштирилади. Аммо империализмнинг сотқин агентларининг ўз мақсадларини кўзлаб қилаётган танқидлари ҳақиқатга бутунлай зиддир. КПСС, Совет давлати хотин-қизларни чинакам озодликка чиқариш ва уларни актив ҳаётга жалб этиш учун барча чораларни кўргани ҳеч ким учун сир эмас. Социализм шароитида хотин-қизлар, жумладан Совет Шарқи хотин-қизлари мамлакат халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида самарали меҳнат қилмоқдалар. Меҳнатчи хотин-қизларнинг катта армияси ўзларининг куч ва билимларини моддий ишлаб чиқаришга бағишламоқдалар. Олий ва ўрта махсус маълумотга эга мутахассисларнинг кўпчилиги хотин-қизлардир. Улар орасида инженер, педагог, врач, агроном, олим ва бошқа касб эгалари кўп. Хотин-қизлар раҳбар ходимлар орасида ҳам муҳим ўрин эгаллаганлар, уларнинг анчагина қисми халқ депутатлари Олий ва маҳаллий Советларига депутат қилиб сайланганлар. Миллион-миллион хотин-қизлар давлат мукофотлари билан тақдирландилар, Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар. КПСС XXV съезди ҳужжатларида, СССР Конституциясида конкрет кўрсатмалар берилганки, улардан мақсад — хотин-қизларга бор қобилиятларини тўла намоён қилиш учун зарур шарт-шароит яратишдир. КПСС социал сиёсатининг энг муҳим томонларидан бири ана шунда намоён бўлмоқда.

Империализм идеологлари социалистик воқеликни бузиб кўрсатиб, илмий коммунизм, реал социализмнинг жозиба кучини сусайтирмоқчи бўладилар. Мамлакатимизда янги жамият қуришнинг жаҳоншу-

мул-тарихий тажрибасини сохталаштиришдан мақсад халқаро ишчи ва миллий-озодлик ҳаракатига унинг таъсирини сусайтиришдир, чунки дунёдаги биринчи социализм мамлакати халқларнинг социал тараққиёт сари йўлида ёрқин машъал бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Антисоветизм, социалистик воқеликка туҳмат қилиш социалистик мамлакатлар меҳнаткашлари онгини заҳарлашга, улар танлаган йўлнинг тўғрилигига ишончини барбод этишга мўлжалланган. Шу сабабли, дейилади КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида, буржуа пропагандасининг бутун сохталигини билиб олишда совет кишиларига ёрдам бериш, бу пропаганданинг макрли методларини·аниқ-равшан, конкрет ва ишонарли формада фош қилиб ташлаш, жаҳонда биринчи ғалаба қилган социализм мамлакати тўғрисидаги ҳақиқатни ер юзидаги кишиларга маълум қилиш — ғоявий-тарбиявий ва информация ишининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Жаҳон социализми, барча тараққийпарвар кучлар позицияларини янада мустаҳкамлаш коммунистик қурилиш учун, империализм ва гегемонизм, милитаризм ва реакцияга қарши курашни авж олдириш учун қулай шароит яратмоқда. Фақат марксча-ленинча таълимот ва Коммунистик партия раҳбарлигида буюк революцион ўзгаришлар тажрибасини бойитиб бориш асосидагина коммунизмни муваффақиятли қуриш мумкинлигига ишонч халқимизнинг асл мақсадига эришиш учун зарур шартдир.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

ПРОПАГАНДА ҲУЖУМКОР БЎЛСИН

Идеологик иш — умумпартиявий ишнинг энг муҳим соҳаларидан биридир. Кейинги йилларда ривожланган социализм шароитида пропагандистлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига, унинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш масалаларига бағишланган талайгина китоб ва мақолалар босилиб чиқди. Лекин улар билан танишар экансан, баъзида, афсуски, долзарб проблемаларни ижодий идрок қилиш ўрнига маълум ҳақиқатларни юзаки такрорлашларга, фикрни сийқа, қуруқ услубда баён қилишга дуч келасан. Бу, табиийки, КПСС МКнинг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори руҳи ва талабларига жавоб бермайди.

Пропаганда ишидаги бундай нуқсон ва камчиликлар, уларни тузатиш йўллари ҳақида ўйлар экансан, КПСС МК Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС МК секретари ўртоқ М. А. Сусловнинг 1979 йил 16 октябрда идеология ходимларининг Бутуниттифоқ кенгашида айтган қуйидаги ҳаққоний сўзлари эсингга келади: «Шу камчиликлар ҳақида илгари кам гапирилди, деб бўлмайди. Иллат шундаки, баъзи ходимлар камчиликлар тўғрисидаги умумий мулоҳазалардан шу камчиликларни тугатиш, уларни практикамиздан қатъиян йўқ қилиб ташлаш соҳасидаги конкрет фаолиятга асло ўта олмаяптилар. Партия Марказий Комитетининг қарори эса худди шундай қилишни талаб этади».

Шунинг учун ҳам фикрнинг янгилиги, пропаганданинг мураккаб аспектлари янгича тадқиқ этилгани, ҳозирги шароитда пропаганда вазифалари ва проблемаларини аниқлашга интилиши, фикр-мулоҳазаларнинг асослангандиги, тилининг жонли, образлилиги билан ажралиб турувчи асарларни, мақолаларни зўр қизиқиш ва қониқиш билан ўқийсан. Тақриз қилинаётган монографияни* худди ана шундай асарлар жумласига киритиш мумкин; унда меҳнаткашларни ҳозирги босқичда ғоявий-ахлоқий жиҳатдан чиниқтиришнинг кўп муҳим масалалари кучли публицистик руҳда, партиявий принципиаллик билан қараб чиқилган.

Ч. Абутолиповнинг китобида пропагандистлик ишининг асосий йўналишларини КПСС МКнинг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори талаблари асосида идрок этишга интилиш бор.

Монографиянинг фазилатлари кўп. Биринчи навбатда қаламга олинган барча масалаларнинг китобда проблема тариқасида кескин қўйилганини таъкидлаб ўтмоқчи эдик. Китобнинг бошида ғоявий-тарбиявий ишни ташкил этиш ва ўтказишга комплекс ёндашиш масалалари атрофлича, батафсил қараб чиқилган. Бундай ёндашиш, автор таъкидлагандек, бутун идеология ишини перспектив ва кундалик планлаштиришни, иқтисодий ва сиёсий масалаларни биргаликда ҳал этишни, коммунистик пропаганда системаси таълимий, тарбиявий ва ташкилий функцияларининг ўзаро чуқур алоқада бўлишини, меҳнаткашлар турли табақа ва категориялари орасида олиб бориладиган оммавий-сиёсий ишни, уларни ижтимоий процессларни бошқариш самарадорлигини ошириш учун онгли фаолиятга жалб қилиш билан қўшиб олиб боришни, жамият социал-профессионал структурасидаги меҳнат шароити ва спецификасини, кишининг ишлаб чиқариш соҳаси билан дам олиш соҳаларини ҳисобга олишни тақозо этади. Идеология ишига комплекс ёндашишни такомиллаштириш, мавжуд нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилади.

Автор совет кишиларида актив ҳаётий позицияни шакллантиришда ғоявий-тарбиявий ишнинг роли ҳақида гапирар экан, асосий эътиборни кишининг ахлоқан қарор топиши билан боғлиқ бўлган мураккаб жиҳатларга қаратади. Ч. Абутолипов конкрет мисоллардан фойдаланган ҳолда шуни таъкидлайдики, ҳали ҳам пропагандистлик ишимизда учраб турадиган қуруқ насиҳатгўйлик, ўгитлар, ҳаётдан узилган «чиройли» гаплар ахлоқий тарбияга ҳар нарсадан ҳам кўп зарар келтиради.

Совет кишилари интенсив ижтимоий алоқаларга киришган, ўзаро мажбурият ва масъулият ҳисси тобора ошган бир шароитда, ҳар бир кишининг хатти-ҳаракати, меҳнати мамлакат ҳаёти билан конкрет алоқада бўлган, мақсад, орзу-интилишлар ва хатти-ҳаракатлар бутун халқ интилиши ва иродаси билан интеграциялашуви процесси кучайган бир пайтда ахлоқий асосларни мустаҳкамлашда, унинг таъсир доирасини тинимсиз кенгайтиришда пропаганданинг роли янада ортиб бориши китобда ишонарли кўрсатиб берилган. Автор идеология ишининг совет жамиятининг ҳозирги босқичдаги социал

---

* Ч. Абуталипов. В тесной связи с жизнью. Некоторые вопросы идейно-воспитательной работы и пропагандистской деятельности в современных условиях. Ташкент. «Узбекистан», 1979. 123 стр.

ривожланишининг бу ва бошқа қатор янги тенденцияларидан келиб чиқувчи ўзига хос хусусиятларини қараб чиқади.

Жумладан, китобда таъкидланган қуйидаги фикр муҳимдир: сиёсий-тарбиявий ишда социалистик жамиятнинг ахлоқий нормаларидан очиқдан-очиқ четга чиқишларга— безорилик, ичкиликбозлик, прогуллар, ўғирлик ва бошқа иллатларга эътибор берибгина қолмай, шунингдек, биринчи қарашда кўзга дарров ташланмайдиган, ахлоқий қашшоқликнинг жуда чуқур яширинган кўринишлари — лоқайдлик, бошқалар ҳисобига яшаш, сурбетлик, жамиятга кам бериб, ундан кўп олишни даъво қилишларга ва бошқа иллатларга ҳам катта эътибор бериш керак, улар жамиятга катта зарар келтиради. Бу, КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси МКнинг биринчи секретари ўрток Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси МКнинг XV пленумида (1979 йил декабрда) ҳаққоний таъкидлаб ўтганидек, «катта офат бўлиб, уни илдизи билан қуритиш керак».

Ч. Абутолипов назарий билимларни чуқурлаштириш, идеология кадрларининг маҳоратини ошириш, мавжуд камчиликларни, жумладан пропагандистлик тафаккуридаги маълум сустликни йўқотиш масалаларини кўтариб чиқади, бундай сустлик кўпинча сийқаси чиққан шиорларга, баёнчиликка, ҳаёт ҳодисаларини енгил-елпи кўрсатишга, маълум гапларни, ҳақиқатларни бошқача қилиб такрорлашга олиб келади. Китобда пропагандистларнинг назарий бисотини доимий тўлдириб бориш, социал тараққиёт зиддиятлари диалектикасини ва марксча-ленинча таълимотнинг жуда катта методологик бойлигини билиш, конкрет социал ҳодисаларни илмий нуқтаи назардан мустақил баҳолаш қобилиятини шакллантиришнинг форма ва методлари ҳақида гапирилади.

Шу муносабат билан монографияда партия МК қарорининг сиёсий-тарбиявий ишда жиддий масалаларни четлаб ўтмаслик, хаспўшламаслик, мураккаб ва кўпинча зиддиятли ҳаётий вазиятларни баҳолашда одамлар билан самимий, очиқ гаплашиш тўғрисидаги кўрсатмаси батафсил таҳлил қилинган. Автор жуда кўп мисолларда кўрсатиб берганидек, фақат чуқур назарий тайёргарлик, марксча-ленинча таълимот соҳасида кенг билимга эга бўлишгина пропагандистга кўпинча «қалтис» туюлган масалаларни проблемали мунозара ва муҳокамага айлантиришга, тўғри жавоблар беришга, социал тараққиётнинг мураккаб, зиддиятли табиатини тўғри тушунтиришга имкон беради.

Китобда шу нарса ҳаққоний таъкидлаб ўтиладики, коммунизм қурилиши — бу жамиятнинг барча куч ва имкониятларини бир жойга тўплашни талаб этувчи том маънодаги кураш, пайдо бўлаётган проблемаларни оқилона ва усталик билан ҳал қилиш, кўп тўсиқларни, камчиликларни, зиддиятларни енгиб ўтишдир. Табиийки, бу пропагандистдан дунёни революцион йўл билан ўзгартиришнинг асосий қонуниятлари ва тенденцияларини мумкин қадар чуқур билишни талаб этади.

Тарбиянинг танқид ва ўз-ўзини танқид сингари таъсирчан воситаси қараб чиқилган, кишиларда эришилган натижаларга танқидий муносабатда бўлиш туйғусини, ютуқларни ва ҳал бўлмаган масалаларни вазминлик, хушёрлик билан баҳолаш ҳиссини шакллантириш масалалари тадқиқ этилган бўлим қизиқиш билан ўқилади. Марксистлар доимо ривожланиб ва ўзгариб турадиган нарсаларга нисбатан ўз қарашларини ҳеч қачон догмага айлантирмаганлари китобда бой тарихий материал асосида кўрсатиб берилган. Ишга ўз-ўзини танқид нуқтаи назаридан қараш, конкрет вазиятни объектив анализ қилишга интилиш, мураккаб ҳодиса ва проблемаларни кўра олиш, реал ҳаётга хушёрлик билан қараш энг революцион таълимотнинг ҳамиша асосий моҳиятини ташкил этган, социалистик жамият аъзолари олдига қўйиладиган энг муҳим ахлоқий талаблардан бири бўлган. Шу билан бир қаторда, деб кўрсатади автор, ахлоқ-одобнинг кеккайиш ва такаббурлик, мутаассиблик ва консерватизм сингари салбий белгилари интеллектуал ва ахлоқий етуксизликни, маънавий қашшоқликни ҳимоя қилиш учун бир ниқоб бўлиб хизмат қиладики, улар аслида ўз ишига танқидий муносабатда бўлмасликдан келиб чиқади.

Авторнинг, ўз ишига танқидий кўз билан қараш ўз табиатига кўра энг изчил танқидий қараш бўлиб, унинг олий формасидир, деган фикрига қўшилиш керак.

Ч. Абутолипов шу нарсага эътиборни қаратадики, марксистлар яланғоч, «соф» танқидни, танқид учун танқидни ҳамиша рад қилиб келганлар. Табиийки, ҳаётда ҳамма нарса ҳам идеал даражада бўлавермайди, зеро яхшиликка, эзгуликка интилишнинг чегараси йўқ. Мураккабликлар, қийинчиликлар, камчиликлар бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади, чунки тараққиётнинг ўзи — доимо оқибат натижада қийинчиликларни енгишдир. Шунинг учун ҳам идеологик, сиёсий-тарбиявий ишнинг энг муҳим мақсади одамларда фақат принципиал танқидни эмас, шунингдек конструктив, бунёдкор танқидни, яъни камчиликларни, тараққиётимизда ишга халақит бераётган заиф жиҳатларни тузатиш ёки йўқотишга қаратилган танқидни қўллай олиш қобилиятини шакллантиришдан иборатдир.

Сиёсий ахборот сифатини оширишга, ахборий ишни янада системалаштириш ва оптималлаштириш, шунингдек давлат ва жамият ишларини бошқаришда унинг функцияларини такомиллаштиришга ёрдам берадиган омиллар китобда кенг тадқиқ этилган.

Коммунистик пропаганда самарадорлиги масалаларига бағишланган бўлимлар пропагандист ва олимларда шубҳасиз қизиқиш уйғотади. Авторнинг жаҳон майдонида идеологик кураш кучайган ҳозирги шароитда сиёсий-тарбиявий ишнинг янги проблемалари хусусидаги фикр-мулоҳазалари ҳам чуқур эътиборга лойиқдир.

Шуни таъкидлаш керакки, Ч. Абутоли-

поввнинг айрим фикрлари, эҳтимол, баҳс ва мунозарага сабаб бўлар, лекин шунга қарамай биз уларни кўпроқ монографиянинг ижобий жиҳати қаторига киритамиз, чунки бу ерда авторнинг ўзи ҳозирги шароитда идеология ишида жиддий, мураккаб масала ва проблемаларни четлаб ўтмаслик, хаспўшламаслик намунасини кўрсатган.

Пропагандист учун зарур бўлган боодоблик, маданийлик, интеллектуаллик даражаси, кўз олдида реал кишини кўра билиш, унинг тўғрисида ғамхўрлик қила олиш, унда меҳнаткашлар айрим қисмининг онги ва хулқ-атворида сақланиб қолган эскилик сарқитлари ва бошқа бир хилдаги иллатларни бартараф этишда дадиллик сингари фазилатлар характерли ҳаётий мисоллар асосида қараб чиқилган. Шу муносабат билан автор ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» китобида айтган қуйидаги фикрини жуда ўринли келтиради. «Ҳатто инсон янглишганида ҳам, ҳеч ким уни ўшқириб ҳақорат қилишга ҳаққи йўқ. Гарчи кенг тарқалмаган бўлса ҳам, лекин баъзи кишилардаги одамларга бақириб гапириш одатини жуда ёмон кўраман. Хўжалик раҳбари ҳам, партия раҳбари ҳам шуни унутмаслиги кераки, унинг қўл остидаги кишилар фақат хизмат тақозоси билан тобе кишилардир, улар директорга ёки мудирга эмас, балки партия ва давлат ишига хизмат қиладилар. Бинобарин, бу жиҳатдан ҳамма тенгдир. Тузумимиз учун ўзгармас бўлган бу ҳақиқатдан юз ўгиришни ўзига эп кўрадиганлар қайтанга ўзларини бутунлай бадном қилиб қўядилар, обрўэътиборларини туширадилар. Тўғри, айб қилиб қўйган одам ҳар қандай йўл билан партиявий, маъмурий, ниҳоят суд йўли билан жавобгарликка тортилиши керак. Бироқ, одамларнинг иззат-нафсини камситиш, уларнинг қадр-қимматини таҳқирлаш сира мумкин эмас».

Шуниси диққатга сазоворки, Ч. Абутолипов у ёки бу масалани ёритар экан, марксизм-ленинизм классикларининг назарий меросидан, В. И. Ленин, Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбобларининг ҳаёти ва фаолиятидаги ёрқин мисоллардан, партия съездлари, пленумлари, КПСС МК қарорларидан, ўртоқ Л. И. Брежнев асарларидан кенг фойдаланган.

Тақриз қилинаётган китобда ўқувчини маънавий ҳаётимизнинг кўп жиҳатларини партиявий позициядан туриб мулоҳаза қилишга мажбур этадиган саҳифалар анчагина.

Шу билан бирга айрим фикр-мулоҳазаларимизни айтишни истар эдик. Биринчи навбатда, практик идеологик ходимлар кенг доираси — лекторлар, пропагандистлар, сиёсий ахборотчилар манфаат ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда материал янада системалаштирилиши ва чуқурлаштирилиши керак. Уларнинг диққат-эътиборини ҳозирги замон идеология ишининг у ёки бу вазифаларига конкрет қаратиш ва бир жойга тўплаш мақсадида ана шундай қилиш лозим. Шундай қилинганда айрим қайтариқлар ўз-ўзидан йўқ бўларди. Бундан ташқари, муҳим қоида ва принципларни янада чуқурроқ асослаш учун бугунги ҳаётимиздан олинган характерли мисол ва фактларни кўпроқ келтириш, афтидан, мақсадга мувофиқ бўларди. Шунингдек, қатор мураккаб масалаларнинг китобда бир хилда кенг ва чуқур ёритилишини истар эдик, чунки улар баъзи ўринларда шунчаки кўрсатиб ўтилган холос.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчимизки, тақриз қилинаётган китоб коммунистик пропаганда масалалари билан қизиқувчи, сиёсий-тарбиявий ишлар билан шуғулланувчи барча кишилар учун зарур бир қўлланмадир.

Ҳ. ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон ССР
Фанлар академиясининг
мухбир аъзоси

С. САИДҚОСИМОВ,
философия фанлари кандидати.

ОЛИЙ МАКТАБ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ривожланган социализм даврида юқори малакали мутахассислар тайёрлашга нисбатан талабларнинг ортиши, партия XXV съездида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, ўқитиш методларини такомиллаштиришни зарур қилиб қўйди. Бунда мутахассисларни тайёрлаш ва тарбиялаш сифатини ҳар томонлама ошириш, олий мактабнинг ишлаб чиқариш билан, ижтимоий практика билан алоқаларини мустаҳкамлаш биринчи даражали аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент давлат университети биринчи проректорининг тақриз қилинаётган монографияси* катта қизиқиш туғдиради.

* Э. Н. Куценко. Проблемы повышения качества подготовки специалистов в высшей школе (из опыта работы Ташкентского государственного университета им. В. И. Ленина). Ташкент. «Узбекистан». 1980. 136 стр.

Автор ўз китобида Ўрта Осиёда олий таълимнинг байроқдори бўлган университетнинг илмий-методик ва ўқув-тарбия ишларида тўплаган тажрибасини умумлаштиришга ҳаракат қилган.

1920 йилда В. И. Ленин Декрети билан ташкил қилинган университет Ўрта Осиёда социалистик маданиятнинг барқ уриб ривожланишига ғоят салмоқли ҳисса қўшди.

1943 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг очилиши республика учун катта воқеа бўлди. Авторнинг ҳақли равишда таъкидлашича, Академиянинг университет бағрида вужудга келиши Ўзбекистонда фаннинг ривожланишида мазкур олий ўқув юрти коллективининг хизмати катта бўлганлигидан далолат беради.

Китобда таъкидланишича, 70-йиллар бошларида мамлакатнинг деярли барча олий ўқув юртларида ўқув жараёнини такомиллаштириш имкониятларини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқот ишлари интенсив ривожлана бошлади. Олий мактаб проблемалари деб аталган янги илмий йўналиш шаклланди. Э. Куценко Тошкент университетининг республикада олий таълим проблемалари бўйича илмий-тадқиқотларни координациялашдаги ролига тўхталиб, шуни таъкидлайдики, қўйилган вазифани амалга оширишда ТошДУ асосий бўғин ҳисобланади.

Университетда ўқув жараёнини, унинг ривожланиши ва такомиллашуви қонуниятларини ўрганиш бўйича 1990 йилларгача мўлжалланган планининг ишлаб чиқилганлиги таҳсинга сазовор ишдир. Авторнинг таъкидлашича, бу ерда мазкур проблемаларни ҳал этиш комплекс ёндашиш асосида амалга оширилмоқда, бу эса мутахассислар тайёрлаш сифати масаласини ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳалари билан боғлиқ ҳолда анализ қилиш имконини беради. Бундай ёндашиш, бизнингча, энг самарали натижаларга олиб келади.

Китобда кўрсатиладики, бу масалаларда университет республиканинг бугунги эҳтиёжлари билангина чегараланиб қолмай, эртанги кунни ҳам ҳисобга олади. Ўзбекистон олий ўқув юртларининг илмий-тадқиқот фаолияти кўп жиҳатдан тадқиқотларнинг аҳамияти ва ҳажмига қараб — иттифоқ министрлигидан тортиб олий ўқув юрти кафедрасигача — уларнинг аниқ планлаштирилишига боғлиқдир. Бу зарур илмий алоқаларни, ўзаро ёрдамни йўлга қўйишга кўмаклашади, тадқиқотда такрорлашларни истисно этади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ТошДУнинг катта илмий ва методик ишларини инобатга олиб, уни республиканинг илмий ва ўқув-методик маркази қилиб белгиладилар. Китобда баён этилган конкрет материаллар университет бу вазифани муваффақиятли бажараётганидан далолат беради.

Бутун профессор-ўқитувчилар состави учун «КПСС XXV съезди қарорлари асосида тарбия жараёни самарадорлигини ошириш йўллари» проблемаси бўйича ўтказиладиган доимий семинар олий ўқув юртлари ижобий тажрибасини ёйишнинг муҳим формасидир. Семинар кафедра, факультет ва умумуниверситет миқёсида ўтказилади. Умумуниверситет семинарида, одатда, бутун республика олий ўқув юртлари ўқитувчилари иштирок этишади.

1973 йилдан бери университетда 50 га яқин илмий-методик семинар ва конференциялар ўтказилди. Уларда олий ўқув юрти ҳаётининг ҳар хил проблемалари кўриб чиқилди. Биринчи курс студентлари билан ишлаш, студентларнинг мустақил шуғулланишларини ташкил этиш методикаси ва уларнинг педагогик тайёргарлиги масалаларига алоҳида эътибор берилди. Китобда университетнинг умумий таълим мактаблари, айниқса қишлоқ мактаблари билан алоқаларининг хилма-хил формалари кўрсатиб берилган.

Мутахассисларни тайёрлаш сифати устидан олий ўқув юртида йўлга қўйилган ички назорат формалари қизиқарли ва ибратлидир. Шунингдек, олий ўқув юртида илмий-тадқиқот ва илмий-методик ишларни ташкил қилишга доир конкрет материал ҳам ўқувчиларда қизиқиш уйғотади.

Китобда юқори малакали мутахассисни шакллантириш модели проблемасининг қараб чиқилиши диққатга сазовордир. Ўқув предметини ўргатиш методикасини аниқ белгилаб, автор ўқитиш жараёнида ҳамма вақт ҳам ўқув, ҳам методик, ҳам илмий иш муқаррар мавжуд бўлишлигини кўрсатади. Улардан қайси бири устунлик қилиши мутахассиснинг моделига боғлиқдир. Мутахассис модели эса қуйидаги уч ҳолат билан характерланади: муайян ҳуқуқ ва вазифаларга эга бўлган жамият аъзоси, ўзига хос хусусиятларга эга фаолиятнинг энг малакали турларини бажарувчи ва ниҳоят, махсус социал ва профессионал сифатларга эга бўлган конкрет мутахассис (51-бет). Китобда мутахассиснинг ишлаб чиқариш фаолияти, касб бўйича ихтисослашиш ва ўқув жараёнининг имкониятлари ўртасидаги алоқалар структураси схемаси берилган.

Университет социологлари группаси факультет комиссиялари билан биргаликда ўқув юртини тамомлаганлар билан тескари алоқа юзасидан тадқиқот ўтказишди. Бундан мақсад мутахассисларнинг тайёргарлиги ишлаб чиқариш талабларига қай даражада мос келишини аниқлашдан иборат эди. Геохимикни тайёрлаш модели тадқиқ қилинганлиги китобда мисол тариқасида келтирилган ва моделларга қараб ўқув-методика ҳамда илмий-тадқиқот ишлари йўллари, воситалари, усуллари ўзгарганлиги кўрсатиб берилган.

Студентларнинг ўз устида мустақил ишлашларини ташкил этиш ҳозирги замон фан-техника революцияси даврида долзарб проблема ҳисобланади. Бўлажак мутахассисга фақат билим берибгина қолмай, балки уни ўз олдида турган вазифаларни ижодий ҳал этишга ҳам ўргатиш зарур.

Студентларнинг мустақил ишлашлари форма ва методларини анализ қилар экан, автор масаланинг турли аспектларини қаламга олади, мустақил ишлашни тўғ-

ри ташкил этиш зарур ўқув қўлланмалари, тегишли бинолар мавжудлигига боғлиқ эканлигини кўрсатади. Олий ўқув юртларидаги лекциялар масаласи шу планда қараб чиқилади. Китобхон шунингдек, студентларнинг самарали мустақил ишлашларини ташкил этишга доир кўплаб конкрет мисоллар билан танишади.

Ўқитишнинг техника воситаларини қўллашга бағишланган бўлимда ҳам бир қатор фойдали маслаҳатлар бор.

Э. Куценко студентларни коммунистик руҳда тарбиялаш самарадорлигини ошириш йўллари тўғрисида гапирар экан, ғоявий-сиёсий, интернационал тарбияга ва айниқса меҳнат тарбиясига муфассал тўхталади. Китобда меҳнат тарбияси меҳнатга коммунистик муносабатни тарбиялаш ва студентларнинг танлаган мутахассисликлари бўйича профессионал-амалий тайёргарлигидан иборат икки аспектда қараб чиқилади. Автор тарбиянинг форма ва методларини очиб берар экан, студентларнинг ижтимоий-сиёсий практикасига ҳам эътиборни жалб этади. Университет ўқитувчилари ва комсомол ташкилотининг ҳар бир студентлар группасида олиб борадиган тарбиявий ишлари тажрибаси, шубҳасиз, катта қизиқиш туғдиради. Бизнингча, китобнинг коммунистик тарбияга бағишланган бобини кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Коммунистик тарбияга комплекс ёндашишнинг барча йўналишлари ўз мақсад ва вазифаларининг бирлиги жиҳатдан узвий бир бутунликни ташкил этади, деб таъкидлайди Э. Куценко. Шу билан бирга автор тўғри таъкидлаганидек, бу йўналишларнинг ҳар бири «нисбатан мустақилдир, ўзининг ички мақсадлари бор, фақат ўзигагина хос бўлган тарбия формалари, воситалари, методларига эгадир. Ана шу жиҳатларнинг ҳаммаси ҳисобга олингандагина ўқув жараёнида студентларда актив ҳаётий позиция шакллана боради, марксча-ленинча дунёқараш ва коммунистик идеаллар мустаҳкам қарор топади, ижодий қобилиятлар, меҳнат қилиш ва танланган мутахассисликка бутун куч ва ғайратини бағишлаш иштиёқи ривожланади» (123-бет).

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг студентлар ўртасида ўқув-методика ва ғоявий-тарбиявий иш олиб боришдаги бой тажрибаси, бу ишнинг ҳар хил курслар ва факультетлардаги ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда республикадаги барча олий ўқув юртларида ёйиш ва жорий этишга лойиқдир.

Китоб ўқувчида яхши таассурот қолдиради. Аммо айрим нашриёт қусурлари кишини ранжитади.

Тақриз қилинаётган ушбу асар республика олий ўқув юртлари ходимлари, шунингдек юқори курс студентлари учун фойдали қўлланмадир.

М. ЗАХАРИНА,
педагогика фанлари кандидати.

Редакция адреси: 700000. Тошкент, П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01, 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02, 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03, 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63; 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш ва халқаро ҳаёт — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **Н. Ҳидоятов, Н. Шарипова.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 15.07.1980 й. Босишга рухсат этилди 5.08.1980 й. Формати $70 \times 108^1/_{16}$.
Юқори босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 9,4.
Тиражи 30612. Нашр № А-56. Заказ № 3743.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26.

ISSN 0134—2193

Баҳоси 20 тийин

Индекс 75399

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МКнинг
НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»— «КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»га

1981 йил учун

ОБУНА ҚИЛИШ БОШЛАНДИ

Журнал партия ва халқнинг КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездининг қарорларини, ўн биринчи беш йиллик планини амалга ошириш учун кураши тўғрисидаги материалларни босишни, Ўзбекистоннинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва бутун иш сифатини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг энг муҳим проблемаларини ёритишни давом эттиради.

Журнал илгаридагидек марксизм-ленинизм классикларининг ғоявий меросини пропаганда қилишга, ривожланган социализм социал-иқтисодий проблемаларига, коммунизм моддий-техника базасини яратиш, коммунистик ижтимоий муносабатларни шакллантириш, янги инсонни тарбиялаш, социалистик турмуш тарзини ривожлантиришнинг назарий масалаларига доимо эътибор беради. Ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси тўғрисидаги мақолалар катта ўрин олади.

Журналхонлар партия ва совет қурилиши, идеология иши назарияси ва практикасига доир, социалистик демократияни янада ривожлантириш, Советлар, касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги мақолаларни ўқийдилар. Сиёсий ва иқтисодий таълим системасининг пропагандистлари ва тингловчилари ўрганилаётган курсларнинг турли мавзуларига доир методик маслаҳатлар ва консультациялар оладилар.

Журнал маданий қурилиш, фан, адабиёт ва санъатни ривожлантириш проблемаларини ёритишни кучайтиради.

КПСС ва Совет давлатининг ленинча ташқи сиёсати тўғрисидаги қардош социализм мамлакатларининг муваффақиятлари тўғрисидаги, жаҳон коммунистик, ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракати тўғрисидаги мақолалар, буржуа идеологияси ва капиталистик турмуш тарзини фош этувчи мақолалар мунтазам эълон қилиб борилади.

Журналда муҳим саналар ва воқеалар тўғрисидаги мақолалар, актуал мавзулардаги корреспонденция ва очерклар, янги китоблар тўғрисидаги тақризлар, вақтли матбуотнинг обзорлари, библиография материаллари босиб турилади.

Журнал ойда бир марта ўзбек ва рус тилларида чиқади.

Обуна «Союзпечать» бўлимлари ва бошқа алоқа муассасалари, корхона ва қурилишлар, колхоз ва совхозлар, илмий муассасалар ва ўқув юртларидаги матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

ОБУНА БАҲОСИ:

Бир йилга — 2 сўм 40 тийин.
Олти ойга — 1 сўм 20 тийин.
Уч ойга — 60 тийин.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

9

СЕНТЯБРЬ

1980

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 9
СЕНТЯБРЬ
1980 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

Совет халқи КПСС билан Совет давлатининг принципиал тинчликсеварлик йўлини, Ватанимизни ҳимоя қилиш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини тўла-тўкис маъқулламоқда. Биз кескинликни юмшатишни сақлаб қолиш, 70-йилларда эришилган ҳамма яхши ишларни сақлаб қолиш, қуролсизланиш сари бурилишга эришиш, халқларнинг эркин ва мустақил ривожланиш ҳуқуқини қўллаб-қувватлаш, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун келгусида ҳам кучимизни аямаймиз.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг
КПСС Марказий Комитетининг
1980 йилдаги июнь Пленумида сўзлаган нутқидан.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЕТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ УЧУН СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети таъкидлаб ўтадики, мамлакат коммунистлари, барча меҳнаткашлари Марказий Комитет 1980 йил июнь Пленумининг КПСС XXVI съездини чақириш тўғрисидаги қарорини ғоят баланд руҳ ва ватанпарварлик ғайрати билан кутиб олдилар. Совет кишилари партиянинг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликларини, зарбдор меҳнат билан Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга қатъий қарор берганликларини изҳор қилмоқдалар.

Ишлаб чиқариш илғорлари, бригада, участка, ферма, цех, корхоналарнинг, ташкилот ва бирлашмаларнинг коллективлари В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига тайёргарлик даврида меҳнатда ғайрат-шижоатни ривожлантира бориб, оширилган социалистик мажбуриятларни қабул қилмоқдалар, ўзларининг ижодий куч-ғайратларини оширмоқдалар. «Беш йилликка — зарбдор якун. КПССнинг XXVI съездини муносиб кутиб олайлик» деган шиор остида умумхалқ ҳаракати кенгайиб бормоқда.

Москвадаги кўп корхоналарнинг меҳнаткашлари 1980 йил топшириғини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигигача бажариш, ўнинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш, 1981 йилда сабот-матонат билан ишлашни таъминлаш соҳасида ташаббус кўрсатдилар. Ленинград, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Урал, Сибирь, бошқа республикалар, область, район ва шаҳарлардаги илғор корхоналарнинг коллективлари ленинча зарбдор вахтани давом эттиришга, КПССнинг XXVI съездини меҳнатда юксак муваффақиятлар билан кутиб олишга, XI беш йилликда ишлаш учун яхши замин тайёрлашга қарор бердилар. Днепропетровск областининг ишчилари ва хизматчилари пландан ташқари тайёрланадиган бутун маҳсулотни моддий ва меҳнат ресурсларини тежаш ҳисобига ишлаб чиқариш мажбуриятини олдилар. Мамлакатнинг комсомол ташкилотларида ёшлар зарбдор ишларининг Бутуниттифоқ эстафетаси эълон қилинди.

Мусобақадошларнинг асосий эътибори энг кўп амалий натижаларга эришиш, КПСС XXV съездининг, Марказий Комитет 1979 йил ноябрь ва 1980 йил июнь Пленумларининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладларида партия иқтисодий сиёсатига доир масалалар юзасидан баён этилган қоида ва хулосаларни амалга оширишга қаратилган. КПСС Марказий Комитети маъқуллаган ватанпарварлик ташаббуси янада ривожлантирилади.

Съездолди умумхалқ мусобақасига етакчилик қилиш, совет кишиларининг меҳнат-ғайрати ва сиёсий активлигини хўжалик ва маданий

қурилишнинг конкрет вазифаларини ҳал этишга сафарбар қилиш — барча партия, совет ва хўжалик органларининг, касаба союз, комсомол ташкилотларининг биринчи навбатдаги бурчидир. 1980 йил планини ва умуман ўнинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш, XI беш йилликда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг, мамлакатимизни иқтисодий ва социал жиҳатдан янада юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб қолади.

КПСС Марказий Комитети қарор қилади:

1. Оширилган социалистик мажбуриятларни қабул қилган ва КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун зарбдор вахтада ишлай бошлаган меҳнат коллективлари, ишлаб чиқариш илғорларининг ташаббуси маъқуллансин.

КПСС Марказий Комитети халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги коммунистларни, комсомолларни, меҳнаткашларни мусобақа илғорларидан ўрнак олиб, партия съездини меҳнатда юксак натижалар билан нишонлашга чақиради. Бу борада ўртоқ Л. И. Брежневнинг ўнинчи беш йиллик якунловчи йили планини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш, ишга тушириладиган объектларнинг ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида фойдаланишга топшириш ва ўзлаштириш, битказилмай қолган қурилиш ва ўрнатилмаган машина-ускуналар ҳажмини камайтириш, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили — 1981 йилда халқ хўжалигининг барқарор ишлаб туришини таъминлаш зарур эканлиги тўғрисидаги кўрсатмаларини асос қилиб олиш керак.

2. Иттифоқдош республикалар компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети, партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ишчиларни, колхозчиларни, олимларни, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларни съездолди мусобақасига кенг жалб этиш соҳасидаги сиёсий, ташкилотчилик ва тарбия ишларига бошчилик қилсинлар.

Съездолди мусобақасида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, меҳнат унумдорлигини тез ўстириш, тежамкорликка қаттиқ риоя қилиш, меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлаш учун зўр сабот-матонат билан кураш олиб бориш керак.

Социалистик мусобақа фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга бутун чоралар билан ёрдам бериши лозим. Олимлар, мутахассислар, ихтирочилар ва рационализаторларнинг бутун куч-ғайрати ишлаб чиқариш техникасини такомиллаштириш ва уни интенсивлашга доир туб проблемаларни ҳал этишга, механизациялаш ва автоматлаштиришнинг, прогрессив технология, меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг энг янги воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга сафарбар қилинсин.

Барча коллективларда КПССнинг XXVI съездини муносиб кутиб олиш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин, министрликлар ва идоралар, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари кўмир, нефть, газ, металлургия, машинасозлик саноатини, энергетикани янада ривожлантиришни таъминлашга, халқ истеъмол қиладиган молларнинг турини кўпайтириш ва сифатини оширишга, транспорт ва капитал қурилиш ишларини яхшилашга алоҳида эътибор беришлари лозим.

Партия, совет, қишлоқ хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, қишлоқ меҳнаткашлари ҳосилни қисқа муддатларда ва ҳеч нобуд қилмай йиғиштириб олиш, давлатга дон ва техника экинлари, чорвачилик маҳсулотларини сотиш юзасидан белгиланган планлар ва мажбуриятларни бажариш, озуқа тайёрлаш, чорва мол қишловини уюшқоқлик билан ўтказиш учун ҳамма чораларни кўришлари лозим.

3. КПСС Марказий Қомитети социалистик мусобақанинг, меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатининг ҳар бир меҳнатчи, ҳар бир коллектив ва ҳар бир тармоқнинг юксак натижаларга эришувига, тарбиявий вазифаларни ҳал этишга кўрсатадиган таъсирини бутун чоралар билан кучайтириш зарур, деб таъкидлайди. Ижобий тажрибага эътибор билан ёндашиш, бу тажрибани актив ёйиш, хўжалик юритиш практикасидаги камчилик ва нуқсонларга танқидий назар билан қараш, бу камчилик ва нуқсонларни йўқотиш чораларини кўриш лозим.

Қабул қилинган мажбуриятларни ва муқобил планларни муваффақиятли бажариш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтиришга, хўжалик юритиш методларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилсин. Мусобақа қатнашчиларини маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг ҳамма формаларидан яхши фойдаланилсин.

4. Оммавий ахборот ва пропаганда воситалари съездолди социалистик мусобақасининг боришини оператив ва амалий равишда ёритсинлар, олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажараётган меҳнат коллективлари, ишлаб чиқариш илғорларининг тажрибасини батафсил очиб бериб, оммалаштирсинлар.

ҚУРОЛСИЗЛАНИШ — ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ МУҲИМ ПРОБЛЕМАСИ

А. ГРОМИКО,
КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри

Партиямиз Марказий Комитетининг июнь Пленуми КПСС нинг навбатдаги XXVI съездини 1981 йил февралда чақириш тўғрисида қарор қабул қилди, мазкур қарор барча совет коммунистларини илҳомлантириб юборди. Ленин партиясининг олий анжуманлари Советлар Мамлакати ҳаётида гоят муҳим босқичлар ҳисобланади. Бу анжуманлар халқаро соҳада ҳам ҳамма вақт йирик воқеадир. Бўлажак съезд ҳам, шак-шубҳасиз, худди шундай ғоят катта аҳамиятга молик анжуман бўлади. Съезд партиянинг олдинги XXV съездидан буён ўтган вақт мобайнида КПСС олиб борган кўп томонлама фаолиятга ҳамда халқимизнинг бунёдкорлик меҳнатига якун ясайди, уларнинг келгусидаги вазифаларини белгилаб беради, революцион назария ва практикада, коммунизм, тинчлик ва тараққиёт учун курашда янги саҳифа очади.

Пленумда «Халқаро аҳвол ва Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати тўғрисида»ги масала ҳам кўриб чиқилди. Пленум қарорида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг партия XXIV—XXV съездларининг ленинча ташқи сиёсат йўлини амалга ошириш соҳасидаги фаолияти тамомила ва тўла-тўкис маъқулланди.

Пленум қарорида, Л. И. Брежневнинг яқинда сўзлаган бир қанча нутқларида жаҳондаги ҳозирги вазият марксча-ленинча нуқтаи назардан чуқур ва атрофлича таҳлил қилиб берилди. Маълумки, энг аввало СССРнинг, бутун социалистик ҳамдўстликнинг актив иш олиб бориши натижасида 70-йилларда халқаро иқлимнинг сезиларли даражада соғломлашуви юз берди, юмшалиш сиёсати анча мустаҳкамланди, социал тузуми турлича бўлган мамлакатларнинг тинч-тотув яшаши мустаҳкамланди ва конкрет мазмун билан бойиди, «совуқ уруш» аниқ инқирозга юз тутди, етилган халқаро проблемаларни ҳал қилиш учун тағин ҳам қулайроқ шарт-шароит юзага келди, давлатлар ўртасидаги низоли вазиятларни бартараф қилиш соҳасида бой тажриба орттирилди.

Ана шу ўн йиллик давомида жаҳон социализмининг позициялари муттасил мустаҳкамланиб борди. У ялпи тинчлик ишига тобора салмоқли ҳисса қўшмоқда. Урушни кишилик жамияти ҳаётидан истисно қилиш вазифасини амалий тарзда ҳал этиш вазифасини биринчи бўлиб кун тартибига қўйган социалистик ҳамдўстликнинг бебаҳо хизмати шундаки, дунё жаҳон урушлари ўртасида нафасни ростлаб олиш имкониятигагина эга бўлган фожиали ҳолатга барҳам бериш мумкин бўлди. Бундан ўттиз беш йил муқаддам фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабадан буён тинчлик учун олиб борилган гоятда таъсирлантирарли муваффақият ана шундай.

Равшанки, тарихий ғалабага — капитализм дунёси билан ҳарбий-стратегик мувозанатга эришган ҳамда жаҳон тараққиётининг асосий фактори ролини ўйнаётган социализмнинг жуда катта ютуқлари, халқларнинг революцион ва озодлик ҳаракатининг дадил одими, юмшалишнинг халқаро сиёсатда асосий тенденцияга айланиб қолганлиги — ана шуларнинг ҳаммаси империализмнинг жаҳон ишларидаги умумий йўлига тамомила зид эди. Жаҳон тараққиёти у ўйлаган йўлдан бормаётганлигидан яна бир марта қўрқувга тушган империалистик реакция (империализмнинг бошқа халқлар устидан ҳукмронлик қилиш имкониятлари камайган сайин, у бунга шунчалик тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатади) жаҳон тараққиётининг боришини тўхтатиб қўйиш ёхуд жуда бўлмаганда унга тўсқинлик қилиш учун уриниб кўрди. Худди шу мақсадда ҳамда ўз позицияларини сақлаб қолиш учун империализм кучлари ўз ҳарбий қудратини оширишга, агрессив ҳаракатлар қилишга интилмоқда.

I

Империализм ўз тақдирини, бутун туриш-турмушини милитаризм билан маҳкам боғлади. Унинг В. И. Ленин томонидан очиб ташланган агрессив табиати ўзгаргани йўқ. Шу билан бирга умуман кучга ва хусусан қурол кучига сажда қилишдек империализмнинг ажралмас хусусияти унинг ижтимоий тузум сифатида ўз келажагига ишончсизлик билан қараётганлигидан далолат беради.

Буларнинг ҳаммаси ҳозирнинг ўзида яққол намоён бўлмоқда. НАТО ҳарбий блоки ва энг аввало АҚШ раҳбарлари Ғарб билан Шарқ ўртасидаги стратегик мувозанатни СССР ва бошқа социалистик мамлакатларга, юмшалиш ва халқаро хавфсизлик манфаатларига зарар етказган ҳолда ўз фойдасига оғдириш, дунёни «куч ишлатиш позицияси» сиёсати замонларига қайтариш учун актив ҳаракат қилмоқдалар.

1978 йил май ойидаёқ НАТО мамлакатлари асримиз охирига қадар ўз ҳарбий харажатларини ҳар йили автоматик равишда кўпайтириб бориш фикрини айтдилар. Ўтган йил декабрда НАТО ўртача масофага мўлжалланган янги америка ракета-ядро воситаларини ишлаб чиқиш ва Ғарбий Европада жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шу билан бир вақтда АҚШ ўз қурол-яроғларини жадал кўпайтириб боришдан иборат янги кўп миллиардли программани эълон қилди. Ҳатто Пентагон генераллари ҳам баъзида ҳайрон бўлиб, ўзларига ажратиладиган маблағларнинг ҳаммасини ўзлаштира олармиканмиз, деган савол бермоқдалар.

Стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги Совет-Америка шартномасини (СҚЧ-2) ратификация қилиш ҳамон орқага чўзилаётганлиги АҚШ сиёсатининг ҳозирги вақтдаги характерини яққол ифода этади. Қўшма Штатлар томонидан империалистик зўравонликнинг янги қуроли бўлган «тез ҳаракат қилиш корпуси»нинг тузилганлиги, уларнинг Эронга нисбатан урушқоқлик, игвогарона хатти-ҳаракатлари, янги ҳарбий базалар учун зўр бериб жой қидираётганликлари сингари фактлар ҳам бу сиёсатнинг агрессивлиги ошганлигини кўрсатади.

Дунёнинг айрим районлари, асосан нефтга бой бўлган районлари Вашингтон томонидан «АҚШнинг ҳаётий муҳим манфаатлари доираси» деб эълон қилинганлиги ҳам худди шундан далолат беради. Бундай хатти-ҳаракатлар америкача «ёввойи Ғарб» ахлоқини эслатадики, унга мувофиқ кимки ерга биринчи бўлиб столба қоқишга улгирган бўлса, у ўша ернинг эгаси бўлиб қолади.

Ғарбнинг, биринчи навбатда Қўшма Штатларнинг агрессив доиралари ўзларининг ҳарбий-сиёсий режаларида «Хитой картасини» ўйнашга, Пекин раҳбарларининг буюк давлатчилик интилишлари билан

суғорилган, социалистик ҳамдўстликка душманлик руҳидаги сиёсатидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга тобора кўпроқ зўр бермоқдалар. Пекин раҳбарлари ўз еридан туриб халқаро кескинликни кучайтиришга анча ёрдам бермоқдалар, империализм билан Пекин гегемонизмининг тил топишуви — жаҳон сиёсатида хатарли ҳодиса бўлиб, бутун инсоният учун, шу жумладан АҚШ ва хитой халқлари учун ҳам хавфлидир.

Империалистик реакция ўз кирдикорларини пропагандистик кампанияни, аслида «психологик урушни» авж олдириш билан ниқобламоқда. Илгарилари бўлганидек, «совет уруш хавфи», «коммунизм таҳдиди» тўғрисидаги сийқаси чиққан афсоналар бунинг асосини ташкил қилади. Июнь Пленуми қарорида таъкидлаб ўтилганидек, антисоветизм билан антикоммунизм юмшалишни барбод қилиш, қуролланиш пойгасини авж олдириш воситасига, фақат СССРга ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларгагина эмас, фақат коммунистларгагина эмас, балки барча тинчликсевар кучларга ҳам қарши кураш қуролига айлантирилди.

СССРга, социализм мамлакатларига нималарни тўнкамаяптилар. Уларни ўз қурол-яроғларини — оддий ва айниқса ракета-ядро қуролларини «тўхтовсиз кўпайтириш» йўлига ўтиб олганликда айбламоқдалар. Улар «иссиқ денгизлар»га бостириб бориш, ўзгаларнинг нефтини қўлга киритиш ниятидалар, деган мутлақо беҳуда гапларни ҳам бизга тўнкамоқдалар.

Афғонистонга аллақандай «совет агрессияси» тўғрисидаги масала атрофида Ғарб пропагандаси шов-шув кўтарди. Афғонистон ҳукумати ва халқига революция ғалабаларини ҳимоя қилиш, унинг территориясига ташқаридан бўладиган қуролли ҳужумни даф этишда ёрдам кўрсатиш учун, шунингдек Афғонистонни СССРнинг жанубий чегараларида империализмга хизмат қилувчи плацдармга айлантириш хавфини йўқотиш мақсадида чекланган даражада совет ҳарбий қисмларининг бу мамлакатга вақтинча киритилганлиги шундай деб баҳоланмоқда.

Жаҳондаги воқеалар ҳақиқатда қай ҳолатда ва қандай изчилликда ривожланиб борганлигига зид ўлароқ, афғон раҳбарларининг бир неча марта қилган мурожаатига жавобан берилган ҳамда БМТ Уставига бутунлай мувофиқ бўлган ёрдамни ҳозирги вақтда халқаро вазият кескинлашганлигининг бош сабаби қилиб кўрсатишга уринилмоқда. Бу ерда биз империалистларнинг навбатдаги риёкорлигини кўрамизки, улар ўзларининг сиёсатида ҳарбий тайёргарликларни кучайтириш томон бундан анча бурун бошланган туб бурилишни ана шу риёкорлик билан ниқоблашга уринмоқдалар.

Марказий Комитет Пленуми агрессияга учраган Афғонистонга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарорни тўла-тўкис маъқуллади, қўшилмаслик сиёсати олиб бораётган ана шу мамлакат атрофида юзага келган аҳволни сиёсий бартараф қилиш лозимлигини қатъий таъкидлади.

АДР ҳукумати 14 майда илгари сурган, афғон территориясига ташқаридан бўладиган қуролли ҳужумни самарали тарзда тўхтатишни, бир томондан Афғонистон билан ва иккинчи томондан Покистон, шунингдек Эрон ўртасида муносабатларни нормаллаштириш тўғрисида тегишли битимларга келишни, Афғонистоннинг ички ишларига ташқаридан бўладиган аралашувнинг барча формалари қайта тикланмаслигини гарантиялаб қўйишни кўзда тутувчи программа бундай бартараф қилишнинг реалистик асоси ҳисобланади. АДРдан совет ҳарбий қисмларининг олиб чиқиб кетилиши тўғрисидаги масала ҳам худди шу нуқтаи назардан ҳал қилиниши мумкин.

Ташқаридан юборилган қуролли бандалар жиддий мағлубиятга учраганлиги туфайли мамлакатдаги вазият стабиллашиб бораётганли-

ги муносабати билан бу ерда қолиши учун зарурат бўлмаган совет ҳарбий қисмларининг Афғонистон ҳукумати билан келишилган ҳолда АДРдан олиб чиқиб кетилиши Афғонистон теварагидаги юз берган вазиятни сиёсий бартараф қилиш соҳасида амалий қадамлар қўйишга, бутун ана шу райондаги вазиятни яхшилашга ёрдам беради. Қўрилган ана шу тадбирни ҳамда унинг туфайли юзага келадиган қулай имкониятларни баҳолашга барча манфаатдор томонлар масъулият билан ёндашиши лозим. Ўз-ўзидан аёнки, Совет Иттифоқи Афғонистоннинг мустақиллигини ва территориал бутунлигини ҳимоя қилишда унга бундан буён ҳам зарур ёрдам бераверади. Вашингтонда ҳам, Лондонда ҳам, одатда, Вашингтонга ҳа, ҳа деб туришни хуш кўрадиган бошқа пойтахтларда ҳам буни тушуниб олишлари лозим.

Гўё Совет Иттифоқи ўз ҳарбий куч-қудратини ўз мудофааси эҳтиёжларидан ортиқ даражада оширмоқда деб қилинаётган даъволар хусусида ҳам шуни айтиш керакки, бундай даъволар ҳам халқларни онгли равишда алдашдан бўлак нарса эмас. Масалан, Европани олайлик: СССРнинг Европа қисмида ўртача масофага мўлжалланган ядро қуроли элтувчилари сони кейинги ўн йил ичида битта ракетага ҳам, битта самолётга ҳам оширилгани йўқ. Аксинча, ўртача масофага мўлжалланган ракеталарнинг учириш қурилмалари, уларнинг ядро зарядлари қуввати ҳатто бирмунча камайтирилди.

Мана бир неча йилдирки, Марказий Европада совет қўшинлари сони кўпайтирилаётгани йўқ. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда мамлакатимиз Варшава Шартномаси бўйича ўз иттифоқчилари билан келишиб олган ҳолда бир томонлама тартибда ГДР территориясидан 20 минг ҳарбий хизматчини, мингта танкни ва бошқа ҳарбий техникани олиб чиқиб кетиш ишини тугаллай деб қолди.

Бошқача қилиб айтганда, Совет Иттифоқи ўз мудофааси, шунингдек ўз иттифоқчилари ва дўстларининг мудофааси эҳтиёжлари доирасидан чиқадиган бирон ҳаракат қилаётгани йўқ. Совет Иттифоқи тенг хавфсизлик принципига қатъий амал қилган ҳолда бундай эҳтиёжлар учун тахминан тенглик ва баб-баравarлик кифоя деб ҳисоблайди. Агар «ҳарбий устунлик» ҳақида гапирадиган бўлсак, унга эришиш ғояси биз учун ёт нарса, зеро ҳозирда қурол-яроғларнинг жуда катта запаси тўпланганлиги туфайли мазкур тушунча амалда ўз маъносини йўқотади.

Масалага бундай ёндашиш Варшава Шартномаси қатнашчилари бўлган давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг май ойи ўрталарида бўлиб ўтган кенгашида ҳам тасдиқланди. Бу кенгашда дунё ишларида социализм жуда катта роль ўйнаётганлиги, унинг изчил интернационализми ва букилмас тинчликсеварлиги, халқаро тинчликни мустаҳкамлаш йўлида социалистик мамлакатлар қардошларча бирдамлигининг ҳамда улар фаолиятини координация қилишнинг аҳамияти яна бир марта намойиш қилинди.

Кенгаш қабул қилган Декларацияда мазкур мамлакатлар ҳарбий устунликка ҳеч қачон интилмаганликлари ва интилмаяжаклари: улар ҳарбий мувозанат даражасини тобора пасайтириб боришни, Европада ҳарбий соҳада қарама-қарши туришни камайтириб бориш ва батамом йўқотишни муттасил ёқлаяжаклари таъкидлаб ўтилди. Уларда мудофаа доктринасидан бўлак стратегик доктрина бўлган эмас ва бўлмайди ҳам, биринчи ядро зарбаси бериш имкониятини вужудга келтириш нияти йўқ, бўлган эмас ва бўлмайди ҳам. Ўз ижтимоий тузумининг табиатига кўра улар «таъсир доираси»ни вужудга келтиришга бирон-бир район ёки халқаро транспорт коммуникациялари устидан ҳарбий ёхуд сиёсий назорат ўрнатишга интилишлари мумкин эмас ва интилмайдилар ҳам.

Шу билан бирга қуролланиш пойгасини авж олдириш йўлидаги янгидан-янги уринишлар қаршисида Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар уни тўхтатишга қатъий даъват қилиб Ғарбга мурожаат этмоқдалар, чунки у ўзи учун ҳарбий устунликни таъминлашга беҳуда умид боғлаяпти. Варшава Шартномаси қатнашчилари бўлган давлатлар бунга ҳеч қачон йўл қўймайдилар. Улар бундан буён ҳам ўз мудофаа қобилиятларини лозим даражада сақлаб, ўз халқларининг тинч ҳаётини ва тинч меҳнатини бузишга бирон кимса журъат қилолмаслиги учун уларнинг хавфсизлиги ҳақида доимо ғамхўрлик қилаверадилар.

Социализм мамлакатларини — урушдан ёки уни тайёрлашдан манфаатдор бўлиши мумкин бўлган синфлар ҳам, социал табақалар ҳам, профессионал гуруҳлар ҳам бўлмаган жамиятни ҳарбий соҳадаги мусобақалашув эмас, балки урушларсиз тинчлик идеали илҳомлантиради. Бинобарин, улар мустаҳкам тинчлик биносини қуриш иши давом эттирилиши учун куч-ғайратларини аямайдилар.

Табиийки, бундай вазифани юмшалиш сиёсати йўлини ўтказиш орқалигина бажариш мумкин, бундан кўра оқилона йўл йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Тинчлик учун курашаётган барча кишиларнинг муқаддас бурчи — юмшалишни сақлаб қолиш, уни кучайиб бораётган империалистик кирдикорлардан ҳимоя қилиш, бу процессга узлуксиз ва ҳар томонлама характер бахш этишга, ялпи тус беришга ҳалал бераётган ҳамма иллатларни давлатлар ўртасидаги муносабатлардан истисно қилиш учун қатъий чоралар кўришдан иборат.

Варшава Шартномаси мамлакатлари халқаро вазиятда кескинликнинг ошганлигига барҳам беришга кўмаклашишга, уни нормаллаштиришга интилиб, жаҳон сиёсатининг энг муҳим проблемаларини кўриб чиқиш учун ер юзининг барча районларида жойлашган давлатлар раҳбарларининг энг юксак доирадаги учрашувини таклиф этмоқдаларки, гитлерчиларга қарши коалиция тузилган вақтдан ҳозирги кунга қадар бутун тарихий тажриба бу мустаҳкам тинчликка эришишнинг энг ишончли йўли эканлигини кўрсатади. Бу проблемалар орасида кескинлик манбаларини йўқотиш, урушларга йўл қўймаслик масалалари марказий ўрин тутади.

КПСС, совет халқи тинчликни сақлаш, сиёсий, ҳарбий ва бошқа соҳаларда юмшалишни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, тинчлик тақдири бевосита боғлиқ бўлган кўпгина халқаро масалаларни ҳал қилишга ёндашиш анча мушкуллашган ҳозирги вақтда ҳам, илгаригидек, қуролланиш пойгасини ва қуролланишни жиловлашдан иборат ғоят муҳим проблемани ўз сиёсатининг марказига қўймоқда. Масалалар комплексини, унинг таркибий қисмларини ҳал қилишда Совет давлати Улуғ Октябрь давридан буён изчил ва принципиал йўлни ўтказиб келмоқда. «Қуролсизланиш социализм идеалидир» деган ленинча хулоса (Тўла асарлар тўплами, 30-том, 180-бет) унинг мустаҳкам негизидир.

II

Эндиликда СССР Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган бу йўлнинг пировард мақсади батамом ва тўла қуролсизланиш бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Шу билан бирга биз ана шу мақсадга олиб борадиган айрим йўналишларда олға қадам қўйилишига эришиш учун ҳамма чораларни кўриб келдик ва кўраверамиз, бошқа давлатлар билан келишув асосида биз қурол-яроғларнинг ҳар қандай турини чеклаш ёки тақиқлашга тайёрмиз, бироқ, бу ўзаро манфаатдорлик асосида, томонлардан биронтасининг хавфсизлигига зарар етказилмаган ҳолда амалга оширилиши керак, албатта.

1922 йил апрелидаёқ Генуя конференциясида — мамлакатимиз қатнашган ана шу биринчи халқаро анжуманда мамлакатимиз қурол-яроғларни ялпи қисқартириш тўғрисидаги таклифни илгари сурган эди. 20-йилларнинг охирида СССР ялпи ва тўла қуролсизланиш тўғрисида тарихда биринчи марта ишлаб чиқилган битим лойиҳасининг ташаббускори бўлди. Бизнинг мамлакатимиз шундан кейинги йилларда ҳам халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, шу жумладан қуролсизланиш масалаларини ҳал қилиш учун актив суратда курашиб келди.

Урушдан кейинги даврда Совет Иттифоқи бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда қуролланиш пойгасини жиловлаш ва қуролсизланиш учун курашни кенг авж олдирди. Биз мазкур соҳада айрим тадбирларни амалга оширишдан тортиб, бу атом қуролини, сўнгра эса термоядро қуролини тақиқлашга айниқса тааллуқлидир,— ялпи ва тўла қуролсизланишгача юздан ортиқ конкрет таклифларни илгари сурдик.

СССРнинг ташаббускор йўли, унинг амалий куч-ғайрати қуролланиш пойгасини чеклашга қаратилган бир қанча халқаро шартномалар ва битимларнинг тузилишини кўп жиҳатдан олдиндан белгилаб берди. Шундай шартномалар ва битимларнинг бутун бир системаси юзага келди. Бу ўринда гап Атмосферада, космик фазо ва сув остида ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Шартнома (1963 йил), Космик фазони, шу жумладан Ой ҳамда бошқа осмон жисмларини тадқиқ қилиш ва фойдаланиш бўйича давлатлар фаолияти принциплари тўғрисидаги Шартнома (1967 йил), Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартнома (1968 йил), Денгиз ва океанлар тубида ҳамда унинг бағрида ядро қуролини ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини жойлаштиришни тақиқлаш тўғрисидаги Шартнома (1971 йил), Табиий муҳитга таъсир этадиган воситалардан ҳарбий ёки бошқа ҳар қандай душманлик мақсадида фойдаланишни тақиқлаш тўғрисида конвенция (1977 йил) ҳақида бормоқда. Шунингдек, Бактериология (биология) ва токсин қуролларини яратиш, ишлаб чиқариш ва тўплашни тақиқлаш ҳамда уларни йўқ қилиш тўғрисида конвенцияни (1972 йил) ҳам айтиб ўтмоқ лозим.

Мазкур шартномаларга универсал характер берилиши, беистисно барча давлатларнинг уларга қўшилиши, уларнинг яшовчанлигини барбод қилиш йўлидаги уринишларга қарши кураш бу аҳдлашувларнинг самарадорлигини ва сиёсий аҳамиятини ошириш соҳасидаги энг муҳим талаб ҳисобланади.

Икки томонлама Совет-Америка битимлари—Ракетага қарши мудофаа системаларини чеклаш тўғрисидаги Шартнома (1972 йил) ва унга қўшимча тузилган Протокол (1974 йил), Стратегик ҳужум қуролларини чеклаш соҳасидаги баъзи тадбирлар тўғрисида муваққат битим — СҚЧ-1 (1972 йил), Ядро қуролининг ер ости синовларини чеклаш тўғрисидаги Шартнома (1974 йил) ҳам ўзининг муҳим ролини адо этмоқда.

СССР билан АҚШ ўртасида тузилган ядро урушини бартараф этиш тўғрисидаги битим (1973 йил), Ядро қуролини тасодифан ёки ғайриқонуний равишда қўлланишнинг олдини олиш тўғрисидаги масала юзасидан совет-француз аҳдлашуви (1976 йил), СССР билан Буюк Британия ўртасида тузилган ядро урушининг тасодифан келиб чиқишининг олдини олиш тўғрисидаги битимни (1977 йил) ҳам эслатиб ўтиш зарурки, улар ракета-ядро можаросининг келиб чиқиш сабабларини камайтиришга қаратилгандир.

70-йилларда икки томонлама, регионал ва халқаро доираларда қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш проблемаларининг кўпгина томонлари юзасидан музокаралар кенг авж олдирилганлигини шак-шубҳасиз ижобий фактлар жумласига киритиш лозим. Бу ҳол ўз-

аро мақбул қарорларни зўр бериб излаш учун кенг йўл очди, баъзи масалалар бўйича аҳдлашувга эришишга яқинлашиш имконини берди.

Бироқ, музокаралар олиб бориш механизми батартиб ишлаяпти деб айтиб бўлмайди. У нотекис ишлаяпти. Битимларни ишлаб чиқиш асоссиз равишда чўзиб юборилмоқда, баъзан у кўп йилларга чўзилиб кетмоқда. Бундай ҳол Ғарб давлатларининг бир томонлама ҳарбий устунликка эришиш, ўзининг музокараларда қатнашувидан ўзлари олиб бораётган қуролланиш пойгасини ниқоблаш мақсадида фойдаланишга зўр бериб уринаётганликлари туфайли юз бермоқда. Бунда халқларни алдаш сиёсати ҳамма ерда ва мунтазам ўз ишини қилмоқда. НАТО мамлакатлари қуролланиш пойгасини тўхтатишга қаратилган кўпгина амалий таклифларни рад этмоқдалар ёхуд уларни муҳокама қилишни орқага сурмоқдалар, турли хил баҳоналар билан баҳамжиҳат келишган ҳолда қарорлар қабул қилишдан бўйин товлашга, музокараларнинг мазмунини йўқ қилишга, кўп ҳолларда уларни барбод қилишга уринмоқдалар.

Кейинги вақтларда Ғарб қуролсизланиш бўйича олиб борилаётган музокараларда бундан буён ҳам прогресс бўлмаслигига мойил эканлигининг аломатлари тобора кўпроқ кўзга ташланмоқда. Жумладан, Қўшма Штатлар баъзи музокараларни бир томонлама тартибда кейинга сурди ёки улардан бутунлай воз кечди.

Совет Иттифоқи олиб борилаётган музокараларда қуролланиш пойгасини чеклаш ва қуролсизланиш масалалари жиддий тарзда кўриб чиқилишини таъминлаш, тўхтатиб қўйилган ёхуд узилиб қолган музокаралар пайсалга солинмай дарҳол қайта бошланиши ва давом эттирилиши, ҳали музокаралар мавзуи бўлмаган етилган масалалар юзасидан музокаралар бошлашнинг қатъий тарафдоридир.

Қуролсизланиш соҳасида ташаббусли йўлни ўтказар эканмиз, биз шу билан бир вақтда давлатларнинг бу соҳада ҳозирги вақтда мавжуд бўлган аҳдлашувлар юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларини сўзсиз бажаришларига катта аҳамият бермоқдамиз. СССР ҳамма вақт шундай иш кўриб келди ва кўрмоқда. Мамлакатимизнинг зиммасига олган тегишли мажбуриятларига содиқлигига шубҳа туғдириш ҳамда қуролсизланиш масалаларида ўзининг кишиларни алдашга асосланган бузғунчилик позициясидан диққат-эътиборни четга тортиш мақсадида Ғарбда бетўхтов тўқиб чиқарилаётган уйдирмаларни ҳаётнинг ўзи ахлат яшигига улоқтириб ташламоқда.

Қуролланиш пойгасини тўхтатиш йўлида сарфланаётган куч-ғайратнинг бераётган самараси ҳақида халқлар қабул қилинган резолюцияларнинг сонига қараб эмас, балки кўзга ташланиб турган амалий натижаларга қараб ҳукм юритадилар. Агарда қуролсизланиш ишларидаги аҳволни баҳолашга ана шу, энг аниқ мезон билан ёндашадиган бўлсак, у ҳолда ҳали унча кўп иш қилинмаганлигини афсусланиш билан таъкидлаб ўтишга тўғри келади. Урушларни олиб боришнинг моддий воситаларини тугатиш иши аслини олганда ҳали бошланганича йўқ. Қуролланиш пойгаси тўхтатилгани йўқ, балки аксинча суръатни оширмоқда. Бу АҚШ ва унинг иттифоқчилари ўз ҳарбий потенциалини миқдорий ва сифат жиҳатдан зўр бериб ошираётганлигининг оқибатидир.

Шундай бўлса-да, амалдаги шартномалар ва битимлар қуролланиш пойгасининг баъзи йўлларини беркитиб қўяётганлигини, қурол-яроғларнинг айрим турларини тақиқлаётганлигини ёки чеклаётганини, муайян даражада ғов бўлаётганини мамнунлик билан таъкидлаб ўтиш лозимки, буларсиз қуролланиш пойгасини жиловлаш яна ҳам мушкуллашган ва у ғоят қимматга тушган бўлур эди. Қуролсизланиш бўйича олиб борилаётган музокараларнинг фойдали тажрибаси сингари, бундай аҳдлашувлар бу соҳада реал тадбирларни амалга ошириш мум-

кинлигидан, давлатлар янада салмоқли битимлар тузилишига эришишга қодир эканликларидан далолат беради. Хуллас, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш мақсадида бундан буён амалий тадбирлар кўриш учун объектив асос бор.

Инсоният виждони уруш хавфининг олдини олиш имкониятлари бой берилиши билан муроса қила олмайди. Ўз халқи олдидаги масъулиятини англаб етган биронта давлатнинг ҳам, биронта ҳукуматнинг ҳам ихтиёрида уларнинг бу йўлдаги курашдан четда туришларига имкон берадиган ишончли далил йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Қуролланиш пойгасини жиловлаш ва қуролсизланиш барча мамлакатларнинг умумий вазифасидир. Бу вазифани улар биргаликда ҳал этишлари лозим.

Бу соҳада туб ўзгаришлар бўлиши учун куч-ғайратни қайси томонга йўналтириш лозим?

III

Проблеманинг асосий аспектларини ўз ичига олувчи конкрет ва амалий тадбирлар программаси Совет Иттифоқи билан бошқа социалистик мамлакатлар томонидан илгари сурилди. Бу тадбирлар КПСС XXIV ва XXV съездларининг Тинчлик программасида, Л. И. Брежневнинг нутқ ва докладларида, Совет Иттифоқининг ташқи сиёсатга оид ҳужжатларида, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг биргаликда қабул қилган баёнотларида баён қилиб берилган.

Яқинда Варшава Шартномаси қатнашчилари бўлган давлатлар томонидан Польша пойтахтида якдиллик билан қабул қилинган ҳамда мазкур мамлакатлар халқларининг урушга қарши, қуролсизланиш учун умумжаҳон ҳаракатининг авангардида бораётганликларини тасдиқлаган Декларация ана шу тадбирларнинг кенг комплексини ўз ичига олган.

Совет Иттифоқи ядро қуролланиш пойгасини тўхтатишга биринчи даражали аҳамият бермоқда. Бунинг боиси шундаки, дунёда жуда катта вайрон қилиш кучига эга бўлган ядро қуроли запаслари тўпланган, ядровий фактор ҳозирги замон ҳарбий воқелигида ҳал қилувчи ўринни олган ҳозирги даврда ядро қуролланиш пойгаси ялпи тинчликка, инсониятнинг ҳаёт-мамотига хавф туғдиради.

Мазкур проблеманинг ғоятда мушкуллигини тушунганимиз ҳолда биз, коммунистлар, совет кишилари учун уни ҳал қилишга фаталистларча қараш тамомила ётдир. Биз ядро қуролланиш соҳасидаги воқеаларнинг ривожини эндиликда орқага қайтариш мутлақо мумкин эмас, деб сафсата сотаётганларнинг даъволарини мутлақо асоссиз деб ҳисоблаймиз. Муваффақиятга эришиш йўлини очиш учун, ўз-ўзидан аёнки, давлатнинг доnолик билан иш кўриши, сиёсий ирода, проблеманинг моҳиятига виждонан ва объектив ёндашиш, тинчлик тақдири учун тарихий масъулиятни англаб етиш лозим. Масаланинг моҳияти ана шунда. Бу соҳада муваффақиятга эришиш ёки эришмасликни ҳеч қанақа толе эмас, балки давлатларнинг сиёсати, халқларнинг хоҳиш-иродаси белгилайди.

Совет Иттифоқи ишни амалий изга солиб юбориш ниятида ядро қуролига эга бўлган барча давлатлар иштирокида, шунингдек ядрога эга бўлмаган давлатлардан бир қисмининг иштирокида ядро қуролининг ҳамма турларини ишлаб чиқаришни тўхтатиш ҳамда унинг запасларини аста-секин камайтириб бориш ва бутунлай тугатиш хусусида музокаралар олиб бориш ҳақидаги ташаббус билан чиқди ва бу ташаббус БМТ томонидан маъқулланди. Шунингдек мамлакатимиз шундай музокараларни ўтказиш тартиби, уларнинг қатнашчилари состави ва муҳокама қилиниши лозим бўлган масалалар комплекси тўғрисидаги конкрет таклифларни ҳам илгари сурди. Шундай бўлса-да, бошқа

ядро давлатларининг тутган позицияси туфайли бундай музокаралар ҳамон бошланганича йўқ. Бироқ, бу ғоятда муҳим проблемани ҳал этиш зарур, у нечоғлик тез ҳал этилса, шунча яхши. Музокараларнинг бундан буён орқага сурилишига йўл қўйиб бўлмайди.

Табиийки, ядро қуроли ишлаб чиқаришни тўхтатиш ҳамда унинг запасларини аста-секин тугатиб бориш соҳасидаги тадбирлар давлатлар хавфсизлигининг сиёсий ва халқаро-ҳуқуқий гарантияларини мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғланган бўлиши лозим. Шу мақсадда халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик тўғрисида Умумжаҳон шартномасини тузиш ҳақидаги масала юзасидан амалий музокараларга киришиш зарур. СССРнинг бу хусусдаги таклифлари, БМТ Бош Ассамблеясининг халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик ҳамда ядро қуролини абадий тақиқлаш тўғрисидаги қарори яхши маълум. Халқаро миқёсда ядро қуролини қўлланиш мутлақо тақиқланишига ҳамда барча давлатларнинг бир-бирларига нисбатан куч ишлатишдан воз кечишига эришиш учун янгидан куч-ғайрат сарфлаш талаб қилинади.

Ядро қуролини тақиқлаш проблемаси билан стратегик қурол-яроғларни чеклаш ва уларнинг миқдорини камайтириш, шунингдек жаҳондаги стратегик вазиятга таъсир ўтказадиган барча факторларни ҳисобга олган ҳолда уларни сифат жиҳатдан янада чеклаш ўртасида бевосита ўзаро боғлиқлик борлиги аён. Бу соҳадаги муҳим вазифа — бундан бир йил муқаддам имзоланган стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги Совет-Америка Шартномаси (СҚЧ-2)ни кучга киритишдан иборат. Бу шартноманинг ратификация қилиниши Вашингтон томонидан турли хил асоссиз баҳоналар билан орқага суриб келинмоқда ва ҳозирча бунинг кети кўринмаяпти, жумладан бунинг учун гўё ҳозирги халқаро вазият қулай эмаслигига ишора қилинмоқда.

Америка томони бундай хатти-ҳаракатни биринчи қилиши эмас. СССР билан АҚШ ўртасида тузилган ядро қуролининг ер ости синовларини чеклаш тўғрисидаги Шартнома олти йилдан буён ва тинчлик мақсадларида ер остида ядро қуролини портлатиш тўғрисида Совет-Америка Шартномаси тўрт йилдан буён АҚШ томонидан ратификация қилингани йўқ. Бошқа шу хил фактлар сингари, бу факт ҳам Қўшма Штатларга нисбатан ўзининг халқаро мажбуриятларини исталган пайтда буза оладиган ишончсиз партнер деган фикр туғдирмасдан қолмайди. Бу доғ Вашингтон маъмуриятининг сиёсатида тобора мустаҳкам ўрнашиб олмоқда.

СҚЧ-2 Шартномасини ратификация қилиш масаласида Вашингтоннинг тутган позицияси СҚЧ-3 тўғрисида музокаралар учун ғов бўлмоқда. Совет Иттифоқи бу музокараларнинг мумкин қадар тезроқ бошланиши тарафдоридир, бироқ, бунинг учун аввал СҚЧ-2 Шартномасининг кучга киритилиши талаб қилинади. Стратегик қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартиришдек ғоят жиддий ишда бизнинг тутган йўлимиз изчил йўл бўлиб, ўзгармай қолаверади.

Атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро қуролини синаш тақиқлаб қўйилган вақтдан буён орадан ўн етти йил ўтди. Бироқ, гарчи СССР билан АҚШ ўзаро келишув асосида ўзлари ўтказаётган ер ости ядро портлатишлари қувватини чеклаган бўлсалар-да, ядро қуролини ер остида синаш тақиқланганича йўқ. Бундан ташқари, ядро синовлари соҳасидаги ҳозир амалда бўлган тақиқлаш ва чеклашларга ҳали ҳамма мамлакатлар қўшилганича йўқ, улар орасида айрим ядро давлатлари ҳам бор. Масалан, Хитой ўзини ҳеч нима билан боғланган деб ҳисобламаяпти, у бундан буён ҳам ядро синовларини ўтказа беришини ошкора айтмоқда. Шундай қилиб, ядро қуроли синовларини тақиқлаш иши узил-кесил ҳал қилинганича йўқ, унинг ҳал қилиниши натижасида эса ядро қурол-яроғларининг қуввати оширилиши ва «такомиллаштирилиши»га чек қўйилган бўлур эди.

Айрим ядро давлатлари ядро синовларини тўла тақиқлаш сари боришга тайёр эканликларини кўрсатмаётган бир шароитда Совет Иттифоқи амалий битимлар тузилишига эришиш манфаатларидан келиб чиқиб, АҚШ ва Буюк Британия билан тегишли музокаралар олиб борди, шунингдек ядро қуролининг синовларини бутунлай ва ёппасига тақиқлаш тўғрисидаги бўлажак шартнома ҳатто аввал бошда бешта ядро давлатидан фақат учтасигина унда қатнашгани тақдирда ҳам кучга киритилишига розилик билдирди. Музокаралар давомида шундай шартноманинг асосий қоидаларини келишиб олишга муваффақ бўлинди ва фақат уни имзолашгина қолганди. Аммо Ғарбнинг ҳарбий тайёргарликларни кучайтириш томонга кескин юз ўгирганлиги шунга олиб келдики, эндиликда бу музокаралар аранг «нафас олаяпти».

Биз Ғарбдаги партнёрларимиз ядро синовларини батамом ва ёппасига тақиқлаш тўғрисидаги масалага масъулият сезган ҳолда ёндашганлари тақдирдагина шартномани ишлаб чиқишни қисқа муддатда ниҳоясига етказиш ва уни имзолаш мумкин бўлади, деб ҳисоблаймиз. Бизнинг мамлакатимиз ядро синовларини ҳамма муҳитларда ва ана шу синовларни ўтказаётган барча давлатлар томонидан тўхтатилишига эришиш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўришга азму қарор қилган.

Ядро қуроли тарқалишининг олдини олиш соҳасида ҳам қўшимча тадбирлар кўрилиши лозим. Зеро, шу нарса аёнки, ўзининг иқтисодий ва илмий-техникавий ривожланиш даражасига кўра ядро қуролига эга бўлиш имконияти бўлган давлатларнинг сони кўпайиб бормоқда. Улар орасида шундай давлатлар ҳам борки, улар ҳануз тегишли Шартнома қатнашчилари бўлмаганлари ҳолда, амалда ЖАР ва Исроил сингари давлатлар ядро қуроли хусусида очиқдан-очиқ жиззакилик қилмоқдалар.

Мазкур Шартномада давлатларнинг ҳар томонлама қатнашувига эришиш, ядро можаросининг келиб чиқиш хавфини камайтиришнинг муҳим воситаси бўлмиш ана шу ҳужжатнинг қоидаларини қайта кўриб чиқиш, ёхуд ревизия қилиш йўлидаги ҳар қанақа уринишларнинг (улар қандай баҳоналар билан қилинмасин) олдини олиш ядро қуролини тарқатмаслик режимини янада мустаҳкамлашга самарали хизмат қилган бўлур эди. Бизнингча, ана шу Шартноманинг амал қилишини кўриб чиқишга бағишлаб яқин орада ўтказиладиган иккинчи конференция тарқатмаслик режимига ҳам, Шартномага ҳам янгидан мустаҳкам замин ҳозирлаган бўлур эди.

Ядрога эга бўлмаган давлатлар хавфсизлиги гарантияларини мустаҳкамлаш тўғрисида конвенция тузиш ҳамда ҳозирги вақтда ядро қуроли бўлмаган давлатлар территориясида ядро қуролини жойлаштирмаслик тўғрисида битимлар тузиш ҳақидаги йирик совет ташаббуслари ҳам тарқатмаслик режимини мустаҳкамлаш проблемасига бевосита алоқадордир. Шак-шубҳа йўқки, улар доирасида қабул қилинган мажбуриятлар ядрога эга бўлмаган давлатларнинг хавфсизлиги гарантияларини халқаро-ҳуқуқий соҳада мустаҳкамлашга, ана шу мамлакатларни ядро қуролининг уларга қарши қўлланишидан ҳимоя қилишга ёрдам берган, ядро қуроли тарқалишининг географик доирасини торайтирган, стратегик вазиятнинг қарорсизланиши эҳтимоли пайдо бўлишига тўсқинлик қилган бўлур эди. Бироқ, шу билан боғлиқ бўлган масалаларнинг Қуролсизланиш комитетида муҳокама қилиниши Ғарб давлатлари эгаллаган салбий позицияга тўқнаш келмоқда.

Худди шу маънода Совет Иттифоқининг жаҳонда кенг акс-садога сабаб бўлган қадами — унинг ядро қуролини ишлаб чиқаришдан ва сотиб олишдан бош тортаётган ва ўз территориясида бундай қуролга эга бўлмаган давлатларга қарши ядро қуролини ҳеч қачон қўлламаяжаги ҳақидаги тантанали баёноти тўғрисида ҳам гапириб ўтиш за-

рур. Бунда Совет Иттифоқи шундай давлатлардан ҳар бири билан бу соҳада битимлар тузишга тайёр эканлигини билдирди. СССР бошқа ядро давлатларини ҳам худди шундай иш тутишга даъват этди ва, АҚШ билан Англия қилганларидек, ёлғон-яшиқ сўзлар билан уларни қадрсизлантирмай, балки ўз зиммаларига асосли мажбуриятлар олишга чақирди.

Дунёнинг турли районларида ядро қуролидан холи бўлган зоналарнинг вужудга келтирилиши ядро қуролини тарқатмаслик режимини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнамоғи лозим. Шу нарса аёнки, бундай зоналар шундай қуролдан ҳақиқатан ҳам холи бўлиши, уларнинг ядросиз статусига путур етказадиган барча йўлларни беркитадиган тегишли битимлар тузилиши лозим.

Совет Иттифоқи ядро қуролини тарқатмаслик халқаро ҳаётнинг мажбурий ва муқаррар қонунига айланиши йўлида бундан буён ҳам ҳаракат қилаверади.

Ҳозирги кунда жуда катта вайрон қилувчилик кучига эга бўлган ядро қуроли билан бир қаторда, мана бир неча ўн йиллар бўлдики, ғоятда хавфли оммавий қирғин воситаси — химиявий қурол ҳам мавжуддир. Бу қуролни тақиқлаш тўғрисида ҳам узоқ йиллардан буён музокаралар олиб борилмоқда. Гарчи ҳозирги вақтга қадар бу музокараларда муайян, проблеманинг айрим томонлари бўйича эса анчагина прогрессга эришилган бўлса-да, Ғарб химиявий қуролни тақиқлаш тўғрисидаги конвенцияни ишлаб чиқишни тезроқ ниҳоясига етказишдан ўзини четга олаётганлиги сабабли бу музокаралар қониқарсиз даражада секинлик билан бормоқда. Шу муносабат билан бир нарса диққат-эътиборни тортади: ҳозирги вақтда хусусан АҚШ химиявий қуролни такомиллаштиришда давом этиш, уни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бунга ўз иттифоқчиларини ҳам ундаш ниятида эканлигини кўрсатувчи маълумотлар тобора кўпроқ кўзга ташланяпти.

Ғарб пропагандаси буларнинг ҳаммасини шов-шув кампанияси билан ниқоблаб, унинг ёрдамида гўё Совет Иттифоқи ўзининг химиявий қурол потенциалини оширмоқда, деб исботлашга уринмоқда. Бу уйдирма эканлиги равшан.

Совет Иттифоқи мазкур масала юзасидан Қуролсизланиш комитетига киритиш учун биргаликда таклиф тайёрлаш мақсадида АҚШ билан икки томонлама асосда ҳам, шунингдек Комитетнинг ўзида ҳам химиявий қуролни тақиқлаш тўғрисида олиб борилаётган музокараларда амалий тарзда қатнашмоқда, бу музокараларни муваффақиятли тугаллашни, химиявий қуролни яратиш, ишлаб чиқариш ва тўплаш абадий тақиқланишини, унинг запаслари эса йўқ қилиб юборилишини кўзда тутиб иш олиб бормоқда.

Ядро қуролига нисбатан ҳам кўпроқ қирғин келтириши мумкин бўлган оммавий қирғин қуролининг янги хиллари ва янги системалари пайдо бўлишининг олдини олиш вазифаси жуда ҳам кескин бўлиб турибди. Бундан беш йил муқаддам СССР БМТда худди шу масалада битим тузиш ташаббуси билан чиқди. Бизнинг ташаббусимизни БМТ аъзолари бўлган мамлакатларнинг катта кўпчилиги маъқуллаган бўлишига қарамай, Ғарбдаги партнёрларнинг масалани конкрет муҳокама қилишга киришишни истамаётганликлари туфайли, бу соҳадаги тегишли музокаралар жуда секинлик билан бормоқда.

Бизнинг мамлакатимиз мазкур проблеманинг ҳар ёқлама ҳал қилиниши зарур деб ҳисоблаб, оммавий қирғин қуролининг айрим янги хиллари ва системалари бўйича аҳдлашувга эришиш тадбир-чораларини кўрмоқда. Шу жиҳатдан олганда радиологик қуролни тақиқлаш тўғрисидаги совет таклифи тамомила тўғри ва ўз вақтида қилинган таклиф бўлди.

Ҳозир Қуролсизланиш комитетида Совет-Америка маслаҳатлашувлари давомида ишлаб чиқилган радиологик қуролни яратиш, ишлаб чиқариш, тўплаш ва қўлланишини тақиқлаш тўгрисидаги шартноманинг асосий қоидалари ҳақидаги ҳужжат кўриб чиқилмоқда. Бундай шартнома, башарти унинг йўлида сунъий тўсиқлар вужудга келтирилмаса, нисбатан тез имзолаш учун тайёр қилиниши мумкин.

Оммавий қирғин қуролининг янги хиллари ва системаларини яратишнинг олдини олиш йўлида Ғарбдаги милитарист доиралар томонидан вужудга келтирилаётган талай қийинчиликларни енгиб ўтиш лозим бўлади. Чунончи, бу доираларда кейинги вақтларда нейтрон қуроли тўгрисидаги масала яна юзага қалқиб чиқди. Ҳолбуки, уни Ғарбий Европада жойлаштириш режалари бундан салкам икки йил муқаддам барбод бўлган эди. Бу соҳада ниҳоятда ҳушёр бўлиш талаб этилади, одамларни қиришнинг ана шу даҳшатли воситаларига қарши актив курашни давом эттириш лозим. Совет Иттифоқи тегишли халқаро конвенция тузиш йўли билан нейтрон бомбани бутунлай ва абадий тақиқлаш учун қатъий кураш олиб бормоқда, бу конвенциянинг лойиҳаси Совет Иттифоқи томонидан Қуролсизланиш комитетига кўриб чиқиш учун тақдим қилинган.

Оддий қуроллар деб аталувчи, бироқ бизнинг давримизда, масалан, АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси даврида бўлганидек, ёппасига қўлланганда ҳалокатга олиб борувчи қудратга эга бўлган қурол-яроғларни қисқартириш тўгрисидаги масалани ҳал этишга ҳам амалий тус бермоқ лозим. Бу масала Ғарб давлатларининг айби билан аслини олганда конкрет музокаралардан четда қолиб келмоқда.

Мазкур соҳада СССР ҳаддан ташқари катта зарар етказадиган ёки ёппасига таъсир кўрсатадиган оддий қуролни тақиқлайдиган ёки қўлланишини чеклайдиган халқаро битимлар ишлаб чиқиш проблемасига алоҳида аҳамият бермоқда.

Биз шунингдек катта вайрон қилувчилик кучига эга бўлган оддий қуролларнинг янги турларини яратишни тўхтатиш, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган давлатлар ҳамда ҳарбий битимлар орқали улар билан боғланган мамлакатларнинг армияларини кенгайтиришдан ва оддий қурол-яроғларини кўпайтиришдан воз кечишлари ҳақида битимга эришиш тарафдоримиз. Ядро қуролининг ҳамма турларини ишлаб чиқаришнинг тўхтатилиши ҳамда оммавий қирғин қуролининг бошқа барча хилларини ишлаб чиқаришнинг тўхтатилиши ва тақиқлаб қўйилиши билан бирга бу тадбирлар йирик ҳарбий потенциалга эга бўлган давлатлар қурол-яроғлари ва қуроллари кучларининг миқдорий ҳамда сифат жиҳатдан янада ўсишига бутунлай чек қўйиш ҳақидаги олисни кўзловчи совет ташаббусининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Оддий қурол-яроғларни қисқартириш тўгрисидаги масала муносабати билан, мазкур масаланинг бундай қурол билан халқаро миқёсда савдо-сотиқ қилиш ва уни етказиб беришни чеклаш каби муҳим томонига ҳам эътиборни қаратиб ўтиш зарурки, бу қуролланиш пойгаси дунёнинг турли хил районларига ёйилишининг хатарли воситаси бўлиб хизмат қилади, бу жойларда кескинлик ва можаролар келиб чиқишига олиб боради.

Тўгри, проблеманинг моҳияти бир хил эмас: ўз миллий озодлиги учун курашаётган ёки агрессияга учраган халқларга ҳарбий ёрдам бериш билан мустамлакачиларни, ирқчиларни, агрессорларни қурол-яроғ билан таъминлашни тенглаштириб бўлмайди. СССР масалага айни шундай сиёсий ёндашиш асосида қурол-яроғ билан савдо-сотиқ қилишни чеклаш тўгрисида музокаралар бошлашни бир неча марта таклиф этди. Бироқ, бу соҳада қўйиладиган амалий қадамларни келишиб олиш мақсадида бошланган Совет-Америка музокаралари ўтган

йили АҚШ томонидан ҳеч қанақа асосли далиллар бўлмагани ҳолда тўхтатиб қўйилди.

Совет Иттифоқи мазкур масала юзасидан музокаралар қайта тикланмоғи лозим деб ҳисоблайди.

Бизнинг мамлакатимиз ер юзининг турли районларида тинчлик зоналарини вужудга келтириш тўғрисидаги таклифларни ҳамма вақт қўллаб-қувватлаб келди, бу таклифларнинг амалга оширилишини қуролланиш пойгасини чеклаш, регионал ва халқаро доирада кескинликни юмшатиш, юмшалиш процессини территория жиҳатдан тагин ҳам кенг ёйиш йўлидаги муҳим тадбир деб билди. Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш ғояси алоҳида аҳамият касб этади. Бу зонада АҚШ ўзининг ҳарбий қувватини оширмоқда, биринчи галда Форс қўлтиғи зонасида ҳарбий-денгиз армадасини тўплади, ўзининг мавжуд ҳарбий базаларини зўр бериб кенгайтирмоқда ҳамда янги базалар учун жой изламоқда. АҚШнинг бундай хатти-ҳаракатлари Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш тўғрисидаги БМТ томонидан маъқулланган таклифга тамомила зид бўлиб, бу зонада жойлашган мамлакатларнинг хавфсизлигига ва мустақиллигига бевосита хавф туғдиради халқаро кескинликнинг навбатдаги манбаи вужудга келишига олиб боради.

Ҳинд океани ҳавзасидаги кескин вазият заминида гўё «буюк давлатларнинг рақобатчилиги» ётади, бунда Совет Иттифоқи ҳам қатнашмоқда, деган фикрлар гоҳо эшитилиб қолмоқдаки, улар ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди. Бундай фикрлар Ҳинд океани районида ўз ҳокимлигини амалда ўрнатишга ҳаракат қилаётганларгагина объектив суратда қўл келмоқда.

СССР Қўшма Штатларнинг бу райондаги милитаристик сиёсатини кескин қоралайди, Ҳинд океанида ҳарбий фаолиятни чеклаш ва кейинчалик қисқартириш тўғрисида Вашингтон томонидан тўхтатиб қўйилган Совет-Америка музокараларининг қайтадан бошланишини талаб этади, бу районда тинчлик зонаси барпо қилишга, жумладан келгуси 1981 йилда Ҳинд океани бўйича чақириладиган халқаро конференцияда кўмаклашишга ўзининг тайёр эканлигини, бунда чет эл ҳарбий базаларини тугатиш марказий масала эканлигини ҳисобга олган ҳолда иш кўради.

Тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро вазиятни барқарор қилиш манфаатларини, шунингдек энг муҳим денгиз коммуникацияларидан ишончли суратда ва бемалол фойдаланилишини таъминлаш манфаатларини кўзлаб СССР Варшава Шартномасидаги бошқа давлатлар билан биргаликда яқинда хоҳ Атлантик, Ҳинд ёки Тинч океанда бўлсин, хоҳ Ўрта денгизда ёхуд Форс қўлтиғида бўлсин, ҳарбий қисмлар ва ҳарбий фаолият даражасини чеклаш ва пасайтириш тўғрисидаги масалани, масалан, БМТ доирасида кўриб чиқишга киришишдан иборат ташаббус билан чиқди.

Ҳарбий бюджетларнинг қисқартирилиши қуролсизланиш соҳасида йирик тадбирлар амалга оширилгунига қадар ҳам қуролланиш пойгасини моддий жиҳатдан чеклаш, ҳозирги вақтда халқлар устига тушаётган ҳарбий харажатларнинг оғир юкини камайтириш, тинч мақсадлар учун, жумладан, ривожланаётган давлатларнинг эҳтиёжлари учун катта гина миқдордаги ресурсларни бўшатиб олиш имконини берувчи самарали восита ҳисобланади. СССР БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолари бўлган давлатларнинг, шунингдек ҳарбий жиҳатдан анча кучли бўлган бошқа давлатларнинг ҳарбий бюджетларини абсолют ёки процент ҳисобида қисқартиришни бир неча марта таклиф қилди. Бу таклифни НАТО мамлакатлари ошкора ғаламислик билан қарши олдилар. Улар ҳарбий харажатларни ҳар йили кўпайтириб бориш тўғрисида олис муддатга мўлжалланган қарор қабул қилдилар.

Умуман олганда қуролланиш пойгасини тўхтатишга ва қуролсизланишга қаратилган конкрет тадбирлар 1978 йилда СССР томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланиш бўйича махсус сессиясида кўриб чиқиш учун тақдим қилинди. Бу тадбирлар жаҳондаги мамлакатларнинг кўпчилиги томонидан маъқулланиб ва қўллаб-қувватланиб, мазкур сессия қабул қилган якунловчи ҳужжатда кенг ифодасини топди.

Халқаро хавфсизликни сақлашда БМТнинг ролига, қуролланиш пойгасини тўхтатиш соҳасидаги унинг фаолиятига муносиб баҳо берар эканмиз, мазкур ташкилотнинг резолюциялари фойдали, бироқ, тавсиянома характерига эга эканлигини эътироф этмаслик мумкин эмас. СССР қуролсизланиш масалалари бўйича БМТ минбаридан бундан буён ҳам актив фойдаланиш ниятидадир. Шу билан бирга у барча давлатлар учун амалда мажбурий бўлган самарали қарорлар қабул қила оладиган анжуманнинг — қуролсизланиш бўйича Жаҳон конференциясининг ўтказилиши тарафдоридир. Бу конференциянинг чақирилиши ғоят зарур ишдир, чунки инсониятни уруш кулфатларидан халос этиш учун курашнинг ҳамма участкаларида бундай қарорларни қабул қилишга бўлган эҳтиёж пасаймаяпти, балки ошиб бораяпти.

IV

Европада хавфсизликни таъминлаш ва тинч ҳамкорликни ривожлантириш масалалари Совет Иттифоқи, бутун социалистик ҳамдўстлик ташқи сиёсатининг умумий комплексида ҳамиша энг муҳим ўринлардан бирини эгаллаб келди. Бу қонуний ҳолдир. Зотан шу факт умум томонидан эътироф қилинганки, Европа қитъасида воқеаларнинг бориши, хоҳ ижобий ёки хоҳ салбий бўлсин, ҳеч бир муболағасиз бутун халқаро вазиятнинг аҳволига жуда катта таъсир ўтказади. Империалистик доиралар — бу НАТО иттифоқининг фаолиятида янада яққол кўринмоқда — ўзларининг милитаристик тайёргарликларини жадаллаштираётган, жаҳон майдонида кескинликни ошираётган, кўпгина давлатларнинг, шу жумладан Европа давлатларининг узоқ вақт куч-ғайрат сарфлаши натижасида юмшалиш сиёсати халқларга келтирган жамики ижобий нарсаларни барбод қилишга уринаётган ҳозирги шароитда Европа ишларидаги мавжуд аҳволга биз ғоят катта эътибор билан қараймиз.

Европада, ҳозирги вақтда икки йўл — социалистик ва империалистик йўл ўртасидаги зиддият айниқса кўзга ташланиб турган шу қитъада тинчлик негизларига хавф солаётган ана шу йўлга актив қаршилик кўрсатиш билан биз жаҳон сиёсатида Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш, қитъада юмшалиш процессини чуқурлаштириш ва кенгайтириш ҳамда биринчи галда ҳарбий соҳадаги юмшалишни олға силжитиш манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдамизки, бу энг муҳим объектив заруриятдир.

Совет Иттифоқи ҳамда Варшава Шартномаси қатнашчилари бўлган бошқа давлатлар учун блоклар тузиш сиёсати тамомила ёт бўлиб, улар Европанинг ҳарбий-сиёсий гуруҳларга бўлиб юборилишига барҳам беришга, улар ўртасидаги қарама-қаршиликни бўшаштиришга ҳамда уларнинг фаолияти янги районларга ёйилмаслигига, Европадаги барча давлатлар ўртасидаги муносабатларда ўзаро ишончни оширишга ёрдам берадиган кенг ҳаракат платформаси билан чиқдилар. Улар ўз мудофаа ташкилотини тузган пайтдан буён Шимолий Атлантика иттифоқининг тугатилиши билан бир вақтда уни тарқатиб юборишга тайёр эканликларини изҳор қилмоқдалар. Шу жиҳатдан олганда улар дастлабки қадам сифатида иккала группировка ҳарбий ташкилотини ёпиш, ишни уларнинг ҳарбий фаолиятини ўзаро қисқартиришдан бош-

лаш, шунингдек мавжуд ҳарбий-сиёсий иттифоқларни кенгайтирмаслик ва янгиларини тузмасликни таклиф қилдилар.

Маълум келишиб олинган вақтдан эътиборан Европадаги биронта ҳам давлат, биронта ҳам давлатлар группаси райондаги қуролли кучлар сонини Умумевропа кенгашининг Якунловчи актида белгилаб қўйилган миқдордан кўпайтирмаслиги ҳақида келишиб олишдан иборат биргаликда эзгу ишни бошлаш тўғрисида социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг яқинда илгари сурган ташаббусининг амалга оширилиши Европа қитъасидаги вазиятда ижобий жиҳатларни мустаҳкамлаш, уни яна ҳам барқарор қилиш йўлида йирик қадам бўлур эди.

Варшава Шартномаси мамлакатлари қитъада куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик принципига риоя қилишнинг сиёсий ва ҳуқуқий негизини мустаҳкамлашга олиб борадиган қатор тадбирларнинг амалга оширилишини ёқлаб гапирмоқдалар. Уларнинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг қатнашчилари бўлган барча давлатлар ўртасида бир-бирига қарши ядро қуролини, шунингдек оддий қурол-яроғларни ҳам биринчи бўлиб қўлланмаслик тўғрисида шартнома тузиш ҳақидаги таклифи ҳам айни шу мақсадга қаратилгандир.

Қитъадаги ядрога эга бўлмаган мамлакатлар хавфсизлигини пухта гарантиялаш мақсадида махсус тадбирлар кўрилиши лозим. Бунда, жумладан, ядро давлатларининг бундай қуролга эга бўлмаган ҳамда ўз территориясида чет давлатларнинг ядро қуролини жойлаштирмаган Европа давлатларига қарши — уларнинг ҳарбий иттифоқларда қатнашиши ёки қатнашмаслигидан қатъи назар,— ядро қуролини қўлланишдан воз кечиши назарда тутилади. Бу давлатлар ҳеч қанақа бошқа хил қурол уларга қарши ишлатилмаслиги ҳақида гарантия олишга ҳам ҳақлидирлар.

1979 йил декабрда НАТО ўртача масофага мўлжалланган янги америка ракета-ядро воситаларини ишлаб чиқариш ва уларни Ғарбий Европада жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилганлиги Европада ва халқаро миқёсда тинчлик учун жиддий хавф туғдирди. Мазкур қарор ҳарбий устунликка эришишни, бинобарин, ўз вақтида юмшалиш процессининг моддий негизи бўлган Варшава Шартномаси Ташкилоти кучлари билан НАТО иттифоқи кучлари ўртасида таркиб топган ва яқин вақтларгача НАТО мамлакатлари томонидан эътироф қилиб келинган тахминий мувозанатни бузишни очиқдан-очиқ кўзда тутади. Бу қарорнинг амалга оширилиши Ғарбий Европани яна ҳам қалтис қуролланиш пойгаси домига тортибгина ҳамда уни Пентагоннинг ҳарбий машинасига яна ҳам мустаҳкам боғлабгина қолмай, балки шу билан бирга Европада вайрон қилувчи воситаларнинг кескин кўпайиб кетишига, қитъада сиёсий муҳитнинг ёмонлашувига олиб келган ва шунинг натижасида Европа халқларининг туб манфаатларини муқаррар зарба остига қўйган бўлур эди.

НАТОнинг «тўла қуролланиш» тўғрисидаги қарорини Вашингтон ва унинг сиёсатидан андаза олаётганлар Совет Иттифоқининг гўё Ғарбий Европага қаратилган ўзининг ана шундай воситаларини оширaётганлигига шама қилиш билан асослашга уринмоқдалар. Уларнинг бу даъволари бошдан-оёқ уйдирмадир. Ҳақиқат шундан иборатки, СССРнинг ўртача масофага мўлжалланган ракета-ядро воситаларининг айрим хилларини модернизация қилиш соҳасидаги иши,— Ғарб эса бу хилдаги модернизация қилиш ишини ҳозиргача бир неча марта амалга оширди,— унга ҳеч қанақа ҳарбий устунлик бермайди ва Ғарбий Европадаги давлатларнинг территориясида сифат жиҳатдан янги Америка қуролининг жойлаштирилиши учун сабаб бўла олмайди.

СССР НАТО мамлакатларига мазкур қарор қабул қилингунга қадар ўртача масофага мўлжалланган ракета-ядро воситалари тўғриси-

даги масалани ҳар иккала томон учун манфаатли асосда ҳал қилиш мақсадида музокаралар олиб боришни таклиф этди. Бироқ, улар Вашингтоннинг тазйиқи остида бу қарорни маъқуллаб, бизнинг таклифимизни амалда рад қилдилар.

Тўғри, бунда АҚШ ва НАТОдаги бошқа баъзи мамлакатларнинг раҳбарлари ўзларини гўё музокаралар олиб борилишини истаётгандек қилиб кўрсатишга уриндилар. Бироқ, уларнинг асл ниятлари — музокараларни «куч ишлатиш позицияси»дан туриб олиб боришдан, фақат биздаги ўртача масофага мўлжалланган воситаларнигина муҳокама қилиш билан чекланишдан иборат эди. Янги америка қуролига ва НАТО қабул қилган қарорга келганда эса улар, аслини олганда, музокаралар доирасидан четда қолиши лозим эди. «Меники — бу ўзимники-я, сеникими — кел, муҳокама қиламиз»— деган НАТО мантиқи биз учун мақбул келмайди, албатта.

Ғарбнинг милитарист кучлари биз ўз хавфсизлигимизга ҳамда иттифоқчиларимизнинг хавфсизлигига зарар етказадиган битимларни тузмаслигимизни, СССР, Варшава Шартномаси мамлакатлари ҳеч кимнинг таркиб топган кучлар нисбатига раҳна солишига йўл қўймасликларини яхши уқиб олишлари керак.

СССР ҳалол, тенг ҳуқуқли, тенг хавфсизлик принципига риоя қилинадиган музокараларнинг ўтказилиши тарафдоридир. НАТО қарорини бекор қилиш ёки жуда бўлмаганда унинг амалга оширилишини расман тўхтатиб туриш билан музокараларни бошлаб юборилса, жуда тўғри қилинган бўлур эди. Биз бошқа вариантга ҳам тайёрмиз: ўртача масофага мўлжалланган ракета-ядро воситаларига тааллуқли масалалар СҚЧ-2 тўғрисидаги шартнома кучга киритилганидан кейин СҚЧ-3 юзасидан олиб бориладиган музокаралар доирасида муҳокама қилиниши ҳам мумкин.

СССР бундан аввалроқ илгари сурган таклифларининг тасдиқи учун яқинда ўртача масофага мўлжалланган ракета-ядро қуроли тўғрисидаги масалани олдинги маррада жойлаштириладиган америка ядро воситалари тўғрисидаги масала билан *бир вақтда ва узвий боғлиқ ҳолда* муҳокама қилишга киришиш ҳақида ташаббус билан чиқди. Бунда СҚЧ-2 тўғрисидаги Шартнома кучга киритилгандан кейингина мазкур масалалар юзасидан аҳдлашувга эришиш мумкин бўлиши кўзда тутилади.

Биз Вашингтон билан НАТОнинг қарорига мувофиқ ўртача масофага мўлжалланган ракета-ядро воситалари соҳасида авжига чиққан қуролланиш пойгасини тўхтатиш ҳали кеч эмас деб ҳисоблаймиз. Европа халқлари музокаралар қандай асосда олиб борилиши мумкин бўлса, худди шу асосда пайсалга солинмай дарҳол бошланишидан гоятда манфаатдордирлар.

Марказий Европада қуролли кучларни ва қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисида Венада олиб борилаётган музокараларда олға силжиш Европа қитъасида ҳарбий қарама-қарши туриш даражасини пасайтиришга, қуролсизланиш соҳасида прогресс бўлишига ёрдам берган бўлур эдики, бу ерда қарама-қарши туриш даражаси айниқса юқори бўлиб, иккита энг қудратли ҳарбий-сиёсий иттифоқ — Варшава Шартномаси Ташкилоти билан Шимолий Атлантика иттифоқи қўшинлари ва қурол-яроғларининг жуда катта қисми тўпланган.

Венадаги музокаралар салкам етти йилдан буён давом этиб, бирон-бир сезиларли натижаларга эришилганича йўқ. Бунга НАТО мамлакатларининг ўзаро мақбул битимлар тузишни истамаётганликлари, уларнинг социалистик давлатлар хавфсизлигининг қонуний манфаатларига зид ўлароқ ўзлари учун ҳарбий устунликни таъминлаш мақсадида ана шу музокаралардан фойдаланиб қолишга интилаётганликлари сабаб бўлмоқда. Ғарбдаги партнёрлар музокаралар столи тевара-

гида илгари сураётган таклифлар бундан яққол далолат бериб турибди. Бундан ташқари, бир қанча муҳим моментлар хусусида вақт жиҳатидан олганда улар илгари сурган охирги таклифлари аввал киритган таклифларига мос бўлиб тушмаяптики, бу ҳам НАТО мамлакатларининг ҳозирги вақтда ўз ҳарбий тайёргарликларини кескин кучайтириш йўлини тутаётганликларини акс эттиради.

Шундай бўлса-да, биз Венадаги музокараларни тўхтаб қолган жойидан олға силжитиш имкониятлари ҳали тугаганича йўқ, Марказий Европада қўшинларни ва қурол-яроғларни тўплашни томонларнинг кучлари тенглигига путур етказмаган ҳолда, ўзаро манфаатли асосда камайтириш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун музокараларнинг Ғарб қатнашчилари бир томонлама ҳарбий устунлик олиш даъволаридан воз кечишлари, баҳамжиҳат қарорлар қабул қилиш йўлларини чинакамига излашда сиёсий ирода кўрсатишлари зарур.

Социалистик мамлакатларнинг комплекс таклифлари аҳдлашувлар учун мустаҳкам замин яратади. Асосан олганда келишув характеридаги бу таклифлар биринчи босқичда Марказий Европада СССР билан АҚШ нинг қўшинлари ва қурол-яроғларини қисқартиришни, уни иккинчи босқич билан пухта боғлашни кўзда тутади. Иккинчи босқичда музокараларнинг бевосита қатнашчилари бўлган бошқа давлатлар ўз ҳарбий потенциалига мувофиқ равишда қўшинлари ва қурол-яроғларини қисқартиришларига ҳамда пировард натижада мазкур районда НАТО билан Варшава Шартномаси қуролли кучлари сонининг коллектив даражалари тенг миқдорда қисқартирилишига эришиш назарда тутилади.

Июль ойида социалистик мамлакатлар Вена музокараларида муваффақиятга эришишни енгиллаштириш ва тезлаштириш имконини берадиган таклифлар билан чиқдилар. Бунда биринчи босқичда АҚШнинг 13 минг кишидан иборат ҳарбий хизматчиларини ва 20 минг кишидан иборат совет ҳарбий хизматчиларини қисқартириш, бундан ташқари бизнинг 20 минг кишидан иборат ҳарбий ходимларимизни қисқартириш кўзда тутиладики, бизнинг ҳарбий ходимларимизни ГДР территориясидан олиб чиқиб кетиш ҳозирги вақтда ниҳоясига етай деб қолди. Социалистик мамлакатлар қисқартиришнинг иккала босқичи ўртасидаги даврда музокараларнинг бевосита қатнашчилари қўшинлари сонини коллектив тарзда «бир даражада ушлаб туриш»га, иккала иттифоқ қуролли кучлари сони коллектив даражасини сақлаб туришнинг шундай механизмини вужудга келтиришга тайёр эканликларини билдирдиларки, бунда давлатлардан биронтасининг қўшинлари сони иттифоқлардан ҳар бири учун белгилаб қўйилган 900 минг кишидан иборат умумий коллектив даражанинг 50 процентидан ошмаслиги лозим.

Венада олиб борилаётган музокараларда томонларнинг позицияларини яқинлаштириш манфаатлари йўлида олға томон каттагина қадам қўйган Варшава Шартномаси мамлакатлари бу музокараларнинг бундан буён орқага чўзилишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайдилар. Улар томонлардан бирортасининг хавфсизлигига дахл қилмай, Марказий Европада ҳарбий қарама-қарши туриш даражасини камайтиришни таъминлайдиган битимлар тузиш йўлида бундан буён ҳам куч-ғайрат сарфлай берадилар, бинобарин, Венадаги музокаралар бўйича ўзларининг Ғарбдаги партнёрлари ҳам масалага худди шу тарзда ёндашишларини кутадилар.

Европанинг бошқа қисмларига, шунингдек Ўрта денгизга татбиқан ҳам ҳарбий юмшалиш соҳасида тадбирлар амалга оширилиши лозим. Ўрта денгиз хусусида бу тадбирлар, бизнинг фикримизча, унга нисбатан ишонч чораларини қўлланишни, бу ерда қуролли кучларни қисқартиришни, ядро қуроли ташувчи ҳарбий кемаларни мазкур райондан

олиб чиқиб кетишни, Урта денгиз соҳилида жойлашган ҳамда ядро қуролига эга бўлмаган Европа ва Осиё мамлакатлари территориясида ядро қуролини жойлаштиришдан воз кечишни ўз ичига олмоғи лозим.

Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар ер юзининг турли районларида ядросиз зоналар ва тинчлик зоналари вужудга келтириш манфаатлари йўлида ўзининг принципиал позициясидан келиб чиқиб, Европа қитъасида ҳам шундай зоналар барпо қилиш фикрини айтмоқда.

Европадаги давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлашга, қитъада қуролли кучларни ва қурол-яроғларни тўплашни камайтиришга таалуқли бўлган масалалар ўзининг ғоят хилма-хил ва мураккаб томонлари билан махсус анжуманда — Европада ҳарбий юмшалиш ва қуролсизланишга бағишланган конференцияда кўриб чиқишга лойиқдир. Бундай конференцияни чақириш ва унинг ўтказилиш жойи Польша пойтахти бўлиши ҳақидаги таклиф Варшава Шартномаси давлатлари томонидан илгари сурилди.

Мазкур анжуманда масалаларни муҳокама қилиш босқичма-босқич олиб борилиши, яъни бирмунча оддий тадбирлардан анча йирик ва чуқур масалаларни муҳокама қилишга ўтилиши мақсадга мувофиқ. Биринчи босқичда конференция қатнашчилари ишонч чораларига диққат-эътиборни қаратишлари мумкин (бунда йирик ҳарбий манёврлар, ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз машқлари, қуруқликдаги қўшинларнинг силжиши, ўтказилаётган ҳарбий машқлар кўламини чеклаш ва ҳоказолар ҳақида хабар қилинади), чунки бу соҳада муайян тажриба орттирилган, томонларнинг позицияларида маълум даражада мослик ёки яқинлик мавжуд. Шундан кейин конференциянинг кун тартибига қуролсизланиш масалалари ҳам киритилиши мумкин. Унда шунингдек урушнинг келиб чиқиш хавфини камайтириш, Европа қитъасидаги давлатларнинг хавфсизлиги гарантияларини мустаҳкамлаш соҳасидаги сиёсий ва шартнома-ҳуқуқий тадбирларни (бизнинг бу соҳадаги таклифларимиз маълум) муҳокама қилиш зарур бўлади.

Биз мазкур конференциянинг ишини ташкил этиш ва унинг мазмуни хусусида бошқа мамлакатларнинг фикр-мулоҳазаларига ҳам ғоятда эътибор билан қарамоқдамиз ва эътибор билан қараймиз.

Умумевропа кенгаши қатнашчилари бўлган давлатлар вакилларининг Мадридда бўладиган учрашуви конференцияни чақириш, тайёрлаш ва ўтказиш тартиби тўғрисида умумий бир фикрга келишда муҳим роль ўйнамоғи лозим. Мадрид учрашувида хавфсизликнинг ҳарбий ва сиёсий аспектлари, Европа мамлакатларининг ўзаро бир-бирини англашини ва ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича амалий тадбирлар ишлаб чиқилиши керак.

Мазкур конференция, башарти унинг иши амалий ва ишчанлик руҳида ўтса, қитъада қуролсизланиш ва тинчлик негизларини мустаҳкамлаш ишида, халқаро вазиятнинг соғломлашув процессини сақлаб қолиш ва янада чуқурлаштириш соҳасида муҳим босқич бўлган бўлур эди.

Совет Иттифоқи, бутун социалистик ҳамдўстлик томонидан илгари сурилган қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш масалаларини ҳал қилишда Европа миқёсида ҳам, шунингдек бутун дунё миқёсида ҳам бурилиш ясалишини таъминлашга қаратилган тадбирларнинг кенг программаси амалга оширилиши ер юзида мустаҳкам тинчлик учун курашда тарихий аҳамиятга эга бўлган бўлур эди.

Бу тадбирлар қуролсизланишнинг иккинчи ўн йиллигини реал мазмун билан бойитган бўлур эди. БМТ қабул қилган резолюцияга мувофиқ 80-йиллар қуролсизланишнинг иккинчи ўн йиллиги деб эълон

қилинди. Мазкур резолюцияни қўллаб-қувватлаб чиққан бизнинг мамлакатимиз бўлгуси ўн йиллик қуролланиш пойгасининг давом эттирилиши ва кучайтирилиши ўн йиллиги бўлмай, балки чиндан ҳам қуролсизланиш ўн йиллиги бўлишига, 70-йилларда қуролланиш пойгасини тўхтатиб туриш соҳасида қўлга киритилган ижобий ютуқларни сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш ва янада кўпайтиришга эришишни ўзининг асосий вазифаси деб билади. Бинобарин, биз амалий ҳамкорлик олиб бормоқдамиз ва қуролсизланиш, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш проблемасини ҳал қилишдан чинакам манфаатдор бўлган барча мамлакатлар билан бундан буён ҳам шундай ҳамкорликни давом эттиришга тайёрмиз.

«Совет коммунистлари,— деб таъкидлаб ўтди Л. И. Брежнев,— қуролланиш пойгасининг давом эттирилиши билан боғлиқ бўлган хавфни халқлардан узоқлаштириш учун курашувчиларнинг олдинги сафларида бўлишдан иборат қийин, аммо олижаноб вазифани ўз устиларига олганликларидан фахрланадилар. Бизнинг партиямиз барча халқларни, барча мамлакатларни ана шу ҳалокатли жараёнга чек қўйиш учун ўз куч-ғайратларини бирлаштиришга чақиради».

Биз келажакка умидворлик билан боқамиз. Бу умидворлик социалистик тузумнинг битмас-туганмас кучга ва рад қилиб бўлмайдиган афзалликларга эга эканлигига бизнинг комил ишончимизга, ҳаётнинг ўзи яққол тасдиқлаётган бизнинг ташқи сиёсат йўлимизнинг тўғрилигига асослангандир. Бизнинг ташқи сиёсат йўлимиз эса совет халқининг чексиз ишончини қозонган бўлиб, унинг томонидан қўллаб-қувватланмоқда, ер юзидаги юз миллионлаб кишилар, тинчлик ишини қадрловчи ва урушни истамовчи барча кишилар уни тушунган ҳолда ва маъқуллаб қарши олмоқдалар.

Совет ташқи сиёсатига партиянинг ленинча штаби — Марказий Комитет, замонамизнинг атоқли арбоби Л. И. Брежнев бошчилигидаги унинг Сиёсий бюроси раҳбарлик қилмоқда.

Леонид Ильичнинг социализм ва тинчлик иши йўлида жуда катта ишлар қилаётганлиги халқимизнинггина эмас, балки бутун прогрессив инсониятнинг ҳам чуқур ҳурматини қозонди ва иззат-икромига сазовор бўлди. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир нутқи, қолаверса, унинг партия съезди, Марказий Комитет Пленуми, Олий Совет минбаридан туриб айтган ёхуд чет эллик арбоблар билан музокаралар олиб бориш вақтида айтган ҳар бир сўзи ер юзининг энг олис чеккаларигача бир зумда етиб боради, зотан бу сўзларда Совет давлатининг куч-қудрати, Коммунистик партиянинг ақл-заковати, бутун халқимизнинг хоҳиш-иродаси ва жипслиги мужассам.

Ҳозирги даврдаги мураккаб халқаро вазиятда ҳам биз илгаригидек, шунга аминмизки, янги «совуқ уруш»га қайтилишига йўл қўймаслик, социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг нормал, тинч-тотув яшашини таъминлаш, ядро можаросининг олдини олиш учун зарур имкониятлар мавжуд. Халқларнинг тинч келажагини янада мустаҳкам пойдевор устига қуришга қодир бўлган кучлар ҳам бор.

Бу — Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлардир.

Бу — халқаро коммунистик ҳаракатдир. Шу ўринда Европа коммунистик ва ишчи партияларининг яқинда Парижда бўлиб ўтган учрашувини таъкидлаб ўтмоқ лозим. Бу учрашув тинчликсевар кучларнинг янада активлашуви, барча яхши ниятли кишиларни тинчликни ва халқаро хавфсизликни ҳимоя қилиш ишига сафарбар этишга янада кучлироқ даъват этди.

Бу — халқларнинг революцион, миллий-озодлик ҳаракати, шунингдек урушга, империализмга қарши позицияда туриб кураш олиб бораётган қўшилмаган давлатларнинг каттагина қисмидир.

Совет ташқи сиёсати — реалистик сиёсатдир. Биз жаҳон майдонида бизга қарши турган кучларга етарлича баҳо бермаслик фикридан узоқмиз, бинобарин, доимо сергак бўлиб турибмиз, империализмнинг агрессив ниятларига зарба бермоқдамиз. Айни вақтда халқаро масалаларга ёндашишда биз лозим даражада усталик билан иш кўрмоқдамиз, жумладан, Ғарбда воқеаларнинг ҳақиқий аҳволи билан ҳисоблашишга мойил бўлган, ҳозир жаҳонда қуролланиш пойгасининг авж олдирилиши, кескинликнинг оширилиши учун жавобгар бўлган кимсаларнинг тутаётган йўли хавфли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англаб етган соғлом фикрли давлат ва сиёсий арбоблар ҳам борлигини ҳисобга олмоқдамиз.

КПСС ва Совет давлати чинакам ленинча собитқадамлик ва қатъият билан, империалистик реакциянинг иғвогарликларига учмай, мамлакатлар ва халқлар ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳамкорликка муттасил интилиб, планетамизда мустаҳкам тинчликни таъминлаш манфаатларини кўзлаб, ҳалол ва принципиал сиёсатни изчиллик билан ўтказиб келмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми АҚШ ва унинг шерикларининг авантюристик хатти-ҳаракатлари ҳарбий хавфнинг кучайишига олиб келган ҳозирги вазиятда ҳам КПСС XXIV—XXV съездларининг социалистик давлатларнинг қардошларча иттифоқини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, халқларнинг озодлик ва мустақиллик учун адолатли курашини қўллаб-қувватлаш, тинч-тотув яшаш, қуролланиш пойгасини жиловлаш, юмшалиш сиёсатини давом эттириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат йўлини оғишмай давом эттираверишни Марказий Комитет Сиёсий бюросига топширди.

(КПСС МК журнали «КОММУНИСТ»нинг 1980 йилги 11-сони).

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

ИДЕОЛОГИЯ ИШИ ВАЗИФАЛАРИ ВА ЖУРНАЛИСТИКА ПРАКТИКАСИ

З. ЕСЕНБОЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг раиси

БИЗ БУГУНГИ КУНДА оммавий ахборот органлари фаолиятининг бирор жиҳатини чуқур, илмий позициялардан туриб кўриб чиқадиган бўлсак, албатта, КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорига мурожаат қиламиз. Редакциялар коллективларида, ижодий бирлашмаларда конференциялар, йиғилишлар, пленумлар, семинарлар ўтиб, булар давомида партиянинг йўл-йўриқлари ривож топиб, газета ва журналлар, телевидение ва радиоэшиттириш редакциялари, ахборот агентликлари ходимларининг конкрет ижодий планларига айланиб бораётган бир пайтда мазкур қарорнинг таъсири тобора кучайиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг журналистлар ташкилотлари бу жараёнга фаол қўшилдилар. Улар матбуот, телевидение ва радио материалларининг ғоявий савиясини, таъсирчанлигини ошириш вазифасини энг аввало касб маҳоратини такомиллаштириш йўли билан ҳал этмоқдалар. Ҳозирнинг ўзидаёқ муайян яхши натижаларга эришилганлиги ҳақида гапириш мумкин. Журналистларнинг энг муҳим социал-иқтисодий масалаларга, илғор тажрибани пропаганда қилишга, идеология иши практикасига эътиборлари кучайди. Улар ҳозирги замоннинг муҳим проблемаларига янада фаолроқ акс-садо берадиган, меҳнаткашларга ички ва халқаро ҳаёт воқеаларини тўғри тушунишда яхшироқ кўмаклашадиган бўлиб қолдилар. Бу йил — В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги ва совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабасининг 35 йиллиги нишонланган йилда, КПСС XXVI съездига ва Ўзбекистон Компартияси XX съездига фаол тайёргарлик кўрилаётган йилда матбуот, телевидение ва радиоэшиттириш материалларининг самарадорлигини ошириш ишига кўпгина янгиликлар киритилди.

Барча совет кишилари каби республикамиз журналистлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга совет публицистикасининг намуналари бўлмиш «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китоблари учун Ленин мукофоти берилганлигини зўр мамнуният билан ва қизғин маъқуллаб кутиб олдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг унга Ленин мукофоти топширилиши вақтида сўзлаган нутқи бизнинг публицистика, матбуот, оммавий пропаганда ва ахборот, бутун идеология ишимиз қандай ривожланиши хусусида, унинг ҳаёт билан алоқаларини мустаҳкамлашга, замон талаблари ва совет кишиларининг истакларига мувофиқ тарзда унинг самарадорлигини қандай ошириш кераклиги хусусида тўғри йўл кўрсатиб беради. Нутқда журналистика меҳнатидаги асосий камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб ўтилган.

«Амалий ҳаётга кириб боришдан, — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев,— халққа ўз турмушининг моҳиятини ва турмуш оқимининг йўналишини равшанроқ англаб олишда кўмаклашишдан, шу турмушни моддий жиҳатдангина эмас, балки маънавий жиҳатдан ҳам янада яхшироқ, тўғрироқ, ёрқинроқ, бадавлатроқ қилишдан ҳам муҳимроқ ва олижаноброқ иш бўлиши мумкинми? Партия идеология ишининг ҳамма шаклларига ҳам мана шундай мезон билан ёндашади». Бутун идеология фаолиятини ва, хусусан, матбуот ишини янги савияга кўтармоқ учун, деб уқтирди ўртоқ Л. И. Брежнев, ҳали анча-мунча ишлар қилиш лозим бўлади. Бепарво ва калтабин расмиятчиликдан, андаза кўчиришга ва сафсатабозликка берилишдан воз кечиш керак. Ҳозир энг зарур нарса — жамики тарбиявий, ахборот, пропаганда ишига ҳамма поғоналар ва соҳаларда жонли, ижодий тус беришдир.

Бу талаблар апрелда Тошкентда бўлиб ўтган идеология ходимлари республика партия активи йиғилишининг ҳамма ҳужжатлари мазмунига сингиб кетган. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг докладида, йиғилиш резолюциясида КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги чуқур таҳлил қилиб чиқилган, бу ишни такомиллаштириш борасида конкрет вазифалар қўйилган.

Журналистлар ҳаётга фаол аралашишлари, амалий вазифаларни ҳал этишда қатнашишнинг самарали формаларини излашлари лозим. Бу нарса шунинг учун ҳам зарурки, идеология ишини, коммунистик идеалларни пропаганда қилишни коммунизм қурилишининг конкрет мақсадларидан ажратиб бўлмайди.

Журналист — энг аввало ижтимоий, сиёсий арбоб эканлиги ҳақидаги қоида ҳозирги кунда ҳамма вақтдагидан ҳам актуалдир. Унинг ана шу жиҳатдан эришган касб маҳорати гражданлик активлигининг, партия сиёсатини қанчалик тушунишининг, социал ва иқтисодий ҳаётдаги мураккаб воқеалар маъносини чақа билишининг ўлчовига айланиб бормоқда.

Шу йил май ойида бўлиб ўтган СССР Журналистлар союзи правлениесининг пленуми қарорида ҳам журналистларнинг ғоявий-ижодий активлигини оширишнинг, улар маҳоратини ўстиришнинг муҳим омиллари кўрсатиб ўтилган эдики, мазкур пленум «Публицистика ва ғоявий-ахлоқий тарбия» деган масалани кўриб чиққан эди. Бу проблемани замон олдида турган вазифалар, публицистика коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида, бутун ғоявий-тарбиявий иш системасида ўйнаши лозим бўлган роль актуал қилиб қўяди.

Пленумда таъкидлаб ўтилганидек, журналистлар ташкилотларининг хилма-хил ижодий тадбирлари публицистларнинг дунёқарашга оид, иқтисодий ва социал проблемалар бўйича, ахлоқ масалалари бўйича, меҳнат, ахлоқий ва эстетик тарбия бўйича чиқишлари янада чуқурроқ, мазмунлироқ, ёрқинроқ бўлишига ёрдам берди, хўжалик ва маданий қурилиш практикаси билан, партиянинг фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш, меҳнаткашларни коммунистик тарбиялаш соҳасидаги фаолияти билан янада маҳкамроқ боғланадиган бўлиб қолди. Айни чоқда шу нарса ҳам қайд қилиб ўтилдики, журналистларнинг маркс-ленинча назарияни, совет турмуш тарзини, КПССнинг ташқи сиёсий фаолиятини пропаганда қилиш соҳасидаги, идеология кураши проблемалари борасидаги ишларида фикр теранлиги, воқеа ва фактларни таҳлил этишдаги конкретлик ва аниқлик, далилан исботлаш, партиявий эҳтирос, автор позициясининг активлиги ҳамма вақт ҳам зарур даражада бўлавермайди. Айрим публицистларнинг методологик маҳорати етишмас-

лиги, уларнинг ҳозирги замон жамиятшунослиги ютуқлари билан юзаки таниш эканликлари диққатни ўзига тортади. Публицистик чиқишларга баъзан жанговарлик, буржуа идеологияси ва ахлоқига қарши курашда ҳужумкорлик, совет граждaнлари айрим қисмининг онги ва қилмишларидаги социализмга душман ўтмиш сарқитларини фош этиш ва йўқотиш учун сўз кучидан фойдаланиш маҳорати етишмайди. Авторлар ҳамма вақт ҳам кўтарилаётган мавзуни ёрқин ва тушунарли формада мужассамлантиришга интилавермасликларини жиддий камчиликлар жумласига киритмоқ лозим. Расмиятчилик ва андазабозлик, қуруқ сафсатабозлик эълон қилинаётган материаллардан сустлик билан чиқарилмоқда. Публицистиканинг жанр доирасидаги муайян қашшоқлик катта қийинчилик билан бартараф этилмоқда.

Ана шу ва бошқа камчиликларни Ўзбекистон журналистларининг ишида ҳам учратиш мумкин. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда республикада мазкур камчиликларни бартараф қилиш учун кўп ишлар қилинмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, область, район партия комитетлари журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳақида жуда кўп ғамхўрлик кўрсатаётганликларини биз жуда яхши биламиз. Аммо матбуот, телевидение ва радио ходимларига самарали ижодий ёрдам кўрсатиш — бу, биринчи навбатда, республика Журналистлар союзининг вазифасидир. Союз правлениеси, секретариат, область ташкилотларининг бюролари журналистларни ғоявий-сиёсий ва касб жиҳатдан тайёрлаш проблемаларини назар-эътибордан четда қолдираётганлари йўқ. Фақат 1979—1980 йилларнинг ўзида секретариатда «СССР Журналистлар союзи правлениеси секретариатининг «Туркманистон Журналистлар союзининг ёш журналистлар билан олиб бораётган иши тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида», «Самарқанд область журналистлар ташкилотининг кўп тиражли матбуот журналистларига ижодий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги иши тўғрисида», «Ўзбекистон Журналистлар союзининг КПСС МКнинг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини бажариш соҳасидаги вазифалари ҳақида», «Очерк, публицистика ва танқид секцияларининг область ва район газеталари журналистларига ижодий ёрдам кўрсатиш борасидаги иши тўғрисида», «Жиззах область журналистлар ташкилоти бюросининг район газеталари журналистларига ижодий ёрдам кўрсатиш борасидаги иши тўғрисида», «Фарғонадаги Журналистлар маҳорати мактабининг иш тажрибаси ҳақида»ги масалалар ва бир қатор бошқа масалалар кўриб чиқилди. Ана шу масалаларнинг ҳаммаси журналистларнинг ўқиши проблемаларига ва уларга ана шу соҳада кўмаклашишга тааллуқли масалалардир. Яхши ўйлаб чиқилган қарорлар қабул қилинди, аммо, афсуски, уларни бажариш ишида ҳали талайгина камчиликлар бор.

Республика ва область газеталарининг кўп редакциялари, радиокомитетлар қошида ташкил этилган журналистлар маҳорати мактаблари ижодий ходимларнинг ғоявий савиясини ва касбий тайёргарлигини ошириш форма ва методлари системасида муҳим ўринни эгаллайди. Бу мактабларнинг тингловчилари марксча-ленинча назария масалаларини, энг муҳим партия ҳужжатларини, журналистика назарияси ва практикасини ўрганадилар. Машғулотларни тажрибали журналистлар, партия ва совет ходимлари олиб борадилар. Қорақалпоғистондаги, Хоразм, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Бухоро областларидаги ана шундай мактаблар ижобий тажриба тўпладилар. Бу мактабларда лекциялар ва суҳбатлар мунтазам равишда, план бўйича ташкил этилади. КПСС Марказий Комитети оммавий ахборот ва пропаганда органлари олдига қўйган талабларни тушунтиришга, матбуотда, теле ва радио-

эшиттиришларда социалистик мусобақа, экономика ва маданиятни ривожлантириш проблемаларига, иш тажрибасини алмашувга катта эътибор берилади. Журналистларнинг саноат корхоналарини ва қурилишларни, колхозлар ва совхозларни бориб кўришлари таомилга кирган.

Республика, зоналар, областлар миқёсидаги ижодий семинарлар шубҳасиз фойда келтирмоқда. Кейинги бир ярим йил ичида Тошкент, Самарқанд, Урганч ва Андижонда КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган зона семинарлари ўтказилди.

Фельетончи журналистларнинг шу йил апрель ойида Тошкентда ўтказилган Бутуниттифоқ семинари мароқли ва ибратли бўлди. Унинг иштирокчилари — республика, ўлка ва область газеталари, журналлар, телевидение ва радиоэшиттириш ходимлари — жамиятимиздаги салбий воқеаларга қарши курашда фельетоннинг аҳамияти ҳақидаги масалани муҳокама қилдилар. Атоқли олимлар ва ушбу жанр усталари — «Крокодил» журналининг бош редактори Е. П. Дубровин, «Муштум» журналининг редактори И. Раҳимов, Москва Давлат университети журналистика факультетининг декани профессор Я. Н. Засурский, «Известия» газетасининг фельетонлар бўлими бўйича редактори В. Д. Надеин, «Лесная промышленность» газетасининг редактори, тарих фанлари кандидати В. А. Алексеев, «Крокодил» журнали маданият бўлимининг мудири Я. А. Полищчук фельетон назарияси ва практикасига оид проблемалар ҳақида гапирдилар. Секция машғулотларида семинар иштирокчилари ўз ҳамкасбларининг ижодини батафсил ва малакали тарзда муҳокама қилдилар, жанр сифатида фельетонни ривожлантириш тенденцияларини, унинг бадиий сифатини, маҳорат масалаларини конкрет материаллар асосида кўриб чиқдилар.

Май ойида Тошкентда журналистларнинг «Ҳозирги замон публицистикаси жанрлари. Мезонлар ва маҳоратни ташкил этувчи жиҳатлар» деган мавзуга бағишланган республика ижодий семинари бўлиб ўтди. Биз ушбу семинар КПСС Марказий Комитетининг жанрларни янада хилма-хил қилиш, услубга, тилга алоҳида эътибор бериш, эзмалик ва сийқаликни бартараф этиш, материалларнинг оперативлиги, ишонарли ва тушунарли бўлиши ҳақида жон куйдириш тўғрисидаги талабларини бажаришда матбуот ходимларига ёрдам беради деган умиддамиз.

Республиканинг ижодий секциялари бир қатор семинарлар, матбуот конференциялари, учрашувлар, экскурсиялар ташкил қилдилар ва ўтказдилар. Очерк, публицистика ва танқид, ахборот ва репортаж, сатира ва юмор секциялари, иқтисодий мавзуларда, ҳарбий-ватанпарварлик мавзуларида ёзувчи журналистлар, фотожурналистлар кейинги вақтларда ўз ташаббускорликларини айниқса яққол кўрсатдилар. Албатта, улар ҳам профессионал ўқувни яхшилаш учун мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмадилар, аммо қилинган нарсанинг ўзи, шубҳасиз, журналистларнинг маҳоратини ўстиришга, уларнинг билим доирасини кенгайтиришга яхши таъсир кўрсатади.

Область журналистлар ташкилотларининг, жумладан, Хоразм, Бухоро, Тошкент области ташкилотларининг правлениелари журналистика назарияси ва практикасининг актуал масалалари бўйича район газеталари ходимларининг область ва зона (районлараро) семинарларини ўтказиб турибдилар. Уларга малакали ижодий ёрдам кўрсатиш учун куч-ғайратни аямаслик керак, чунки улар бундай ёрдамга жуда ҳам муҳтождирлар.

Ўқишнинг бошқа формаларидан ҳам фойдаланилмоқда. Чунончи, Фарғона область ва шаҳар газеталари редакцияларида жанрлар

бўйича махсус машғулотлар ўтказилиб туради. Бухоро, Наманган, Термиз ва бошқа шаҳарларда кўп журналистлар ижодий семинарларнинг тингловчиларидирлар. Мураббийлик тобора кенг қулоч ёймоқда. Редакциялар ходимларининг бир қисми Тошкент, Наманган, Нукус Самарқанд, Термиз, Фарғона шаҳар партия комитетлари қошидаги кечки марксизм-ленинизм университетларининг журналистика факультетларида ўз билимларини оширмоқда.

Редакция ходимларининг кўпчилиги марксча-ленинча назарияни хизмат жойида — сиёсий ва иқтисодий таълим системасида ўрганмоқда. Бу ҳол журналистлар ташкилотлари бюроларини вақти-вақти билан актуал сиёсий темалар бўйича лекциялар, область партия комитетларининг секретарлари ҳамда бошқа масъул партия ва совет ходимлари, халқ хўжалиги мутахассислари, олимлар, маданият арбоблари иштирокида матбуот конференциялари ташкил этиб туришларини истисно қилмайди. Нукус, Самарқанд, Бухорода ва баъзи бошқа шаҳарларда журналистлар ташкилотлари область партия комитетлари билан биргаликда журналистлар учун матбуот конференциялари, семинар машғулотлари, лекциялар, летучка ва ҳоказолар ўтказиш планларини тузадиларки, бу журналистларни ўқитиш ишига кўпроқ аниқлик ва уюшқоқлик бахш этади.

Журналистларнинг бир қисми ишлаш билан бир вақтда олий ўқув юртларида ҳам ўқийди. Чунончи, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг кечки ва сиртқи бўлимларида ва Тошкент Олий партия мактабида (сиртдан) юзга яқин киши ўқимоқда.

СССР Журналистлар союзи правлениеси ташкил этадиган Бутуниттифоқ семинарлари маҳоратнинг ўсишига кўмаклашади. Ўзбекистон журналистларидан ўтган йили 50 дан ортиқ киши, бу йил 15 киши ана шундай семинарларда бўлдилар. Бундан ташқари, район звеносидаги матбуот ходимларидан 24 киши 1979 йил декабрида махсус программа бўйича Марказий Журналистлар уйида шуғулландилар.

Авторлар активининг — ишчи ва деҳқон мухбирларининг ўқуви қандай қўйилганлиги ҳақида гапирмасликнинг иложи йўқ. Уларнинг кўпчилиги — икки мингга яқин киши — халқ университетларида ва ишчи-деҳқон мухбирлари мактабларида ўз билимларини оширмоқдалар. бу мактабларга эса областлар журналистлар ташкилотларининг бюролари ва газеталар редакциялари, область радиокомитетлари раҳбарлик қилмоқдалар. Ўқитувчиларнинг асосий қисми партия ходимларидан ва редакцияларда ишловчилардан иборатдир. Ишчи-деҳқон мухбирлари университетлари ва мактаблари муайян фойда келтирадилар, айрим кишиларга журналистлик касбини узил-кесил танлаш имконини берадилар. Аммо ана шу жамоатчилик ўқув юртларидаги ўқувнинг йўлга қўйилиши сифати хусусида қаноатланиш учун ҳали вақт эрта. Область журналистлар ташкилотларининг правлениелари бу масалани доимо диққат марказида тутишлари, Ўзбекистон ишчи-деҳқон мухбирлари IV съездининг тавсияларини тўла-тўкис бажаришга эришишлари лозим.

Шундай қилиб, бизнинг республикамизда журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг, гоявий-сиёсий савияни ва касб маҳоратини оширишда уларга ёрдам кўрсатишнинг муайян системаси мавжуддир. Журналистлар ташкилотларининг раҳбар органлари аниқ мақсадни кўзлаб, ташаббус кўрсатиб ишлайдиган, ўтказилаётган тадбирларнинг сифати ҳақида жон куйдирадиган бўлсалар, унда мазкур система КПСС Марказий Комитети, айниқса «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўгрисида»ги қарор ижодий союзлар олдига қўйган вазифаларини ҳал этишда катта роль ўйнайди.

Энг аввало эътиборни нимага қаратмоқ лозим? Аввало жойларда ҳамма ташкилотлар ҳам журналистларни тайёрлаш ва қайта

тайёрлашнинг аҳволини объектив анализ қилиш асосида ўқитишни ташкил этишга интилавермайдилар. Агар ҳозирги пайтда ўқувни йўлга қўйишдаги камчиликлар ҳамма вақт сезилавермаса ҳам, лекин кейинчалик улар газета саҳифаларининг, телевидение ва радиоэшиттириш ва кўрсатувларининг сифатига албатта таъсир қилади. Ҳозирча журналистларнинг ижодий жиҳатдан ўсиши ҳақида кам жон куйдираётган, уларга маҳорат чўққиларини эгаллашда ёрдам кўрсатмаётган, ўз ишининг натижаларини етарли даражада чуқур таҳлил этмаётган редакциялар буни унутмасликлари керак. Яхши ташаббусларнинг қоғозда қолиб кетиши айниқса ачинарлидир. Жиззах, Сирдарё, Тошкент, Қашқадарё область журналистлар ташкилотларида журналистларга ижодий ёрдам кўрсатиш мақсадида 1980 йил учун яхшигина тадбирлар белгилаб чиқилган эди, аммо уларнинг кўплари амалга оширилмай қолди ва бунинг энг биринчи сабаби қатъият ва изчилликнинг етишмаслигидир. Ўз ишининг пировард натижаларидан бу хилда манфаатдор бўлмаслик ҳукм сурар экан, ўқув ишининг энг яхши тажрибасини умумлаштириш ва кенг ёйишни бирон-бир даражада жиддий йўлга қўйиш ҳақида гапириш қийин, ваҳоланки бу нарса кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг пухта системасини ташкил этиш ишидаги зарур звенодир.

Республика журналистлар союзи секретариатининг мажлисларидан бирида Сурхондарё область журналистлар ташкилоти правлениесининг ёш ходимларни Союзга қабул қилиш ва уларни тарбиялаш, ғоявий чиниқтириш борасидаги фаолияти масаласи муҳокама қилинди. Ёшлар билан ишлаш амалда фақат редакция коллективларидагина олиб борилаётганлиги, журналистлар ташкилоти эса бу ишдан узоқ эканлиги аниқланди. Бундай ёндашиш, афсуски, баъзи бир бошқа область журналистлар ташкилотларига, айрим ижодий комиссиялар ва секцияларга ҳам хосдир. Масалан, республика телевидение ва радиосида, «Ёш ленинчи» ва «Комсомолец Узбекистана» газеталари редакцияларида ёшлар билан катта иш олиб борилмоқда. Ёш журналистлар билан иш олиб бориш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг касб маҳоратини ошириш юзасидан республика комиссияси қўлга киритилган ютуқларни ўз хизматлари деб ҳисоблайдилар, чунки комиссия аъзолари номлари тилга олинган коллективларнинг раҳбарларидирлар. Ана шу вакиллар орқали умуман бутун комиссия мазкур редакцияларнинг ижодий ҳаётига таъсир кўрсатади деган фикрга қўшилиш мумкин, аммо ишга бундай ёндашилганда унинг фаолияти гарчи йирик бўлса-да, фақат бир неча коллективлар фаолияти билангина чекланиб қолади. Ахир ана шу редакциялардаги ижодкор ёшлар билан ишлаш тажрибасини умумлаштириш ва уни мумкин қадар кенг ёйиш комиссиянинг иши эмасми?

Ўтган йили тузилган ва фақат дастлабки қадамларнигина қўйган «Илҳом» клуби қошидаги ёшлар секцияси комиссия томонидан муттасил катта эътибор берилишини кутмоқда. Уларнинг иши ҳали исталган даражадан анча узоқ, улар ижодкор ёшлар маҳоратини ўстириш мактабига, ёш публицистлар тайёрлаш мактабига айланганларича йўқ.

Журналистлар ташкилотлари ўтказадиган ижодий тадбирлар баъзан формал характерга эга бўлиб, шошқалоқлик билан, амалий вазифалардан ажратилган ҳолда ўтказилади, шунинг учун ҳам улардан олинадиган самара кам — бундан эса кўз юмиб бўлмайди. Яна шуни ҳам қўшимча қилиш керакки, кўпгина бошланғич ташкилотлар редакция коллективларининг ижодий ҳаётида ўз ўринларини топа олганлари йўқ, уларнинг таъсири заиф. Область ташкилотларининг правлениелари бу масалага жуда катта эътибор беришлари, Журналистлар союзининг бошланғич ячейкаларига раҳбарликни қатъий равишда яхшилашлари лозим.

Правлениелар бюролари, ижодий секциялар ва комиссиялар ана шу камчиликларни чуқур таҳлил қилиб чиқишлари ва уларни бартараф этиш учун самарали чоралар кўришлари зарур. Бунинг учун уларда барча имкониятлар бўлиб, мазкур имкониятларни рўёбга чиқариш правлениелар барча аъзолари, секциялар ва комиссиялар раислари, бошланғич журналистлар ташкилотлари секретарларининг ташаббусига, масъулият туйғусига жуда ҳам боғлиқдир.

Партия талаблари, шунингдек юқорида тилга олинган СССР Журналистлар союзи пленумининг қарори асосида назарий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар, летучкалар, обзорларни, шунингдек журналист кадрларни назарий ва ихтисосий ўқитув системасидаги машғулотларни ўтказиш борасида тўпланган тажрибани ишга солиб, В. И. Ленин ва КПССнинг партия ғоявий-сиёсий ишида большевистик публицистиканинг роли ҳақидаги, ўртоқ Л. И. Брежневнинг ҳозирги шароитда публицистиканинг вазифалари тўғрисидаги асос солувчи кўрсатмаларини чуқур ўрганишни таъминламоқ зарур. Ана шу кўрсатмаларнинг редакция коллективлари, бошланғич журналистлар ташкилотлари фаолиятида амалга оширилиши тажрибасини мунтазам равишда муҳокама қилиш, публицистика проблемаларини ҳамда ана шу жанрдаги чиқишлар самарадорлигини тез-тез муҳокама қилиб туриш ва чуқур таҳлил этиш лозим. Услуб ва тил, содда ва тушунарли қилиб, ростгўйлик ва ишчанлик билан ёза билиш, ҳар бир иборага жонли фикрни ва ўз туйғуларини жо эта олиш, компетентлилик, журналистнинг автор сифатидаги ишончи ва актив шахсий позицияси каби юксак публицистик маҳоратни ташкил этувчи хислатлар муттасил ижодий тарзда таҳлил қилиб турилиши ва муҳокама этилиши лозим.

Партиянинг совет кишиларида илмий дунёқарашни шакллантириш идеологик, сиёсий-тарбиявий ишнинг мағзини ташкил этиши тўғрисидаги кўрсатмаларига таяниб, марксча-ленинча назарияни пропаганда қилишга, ҳар бир совет кишисида коммунистик ғоявийлик ва ахлоқни барқарор этиш учун курашга, иш билан сўзнинг бирлигини таъминлашга бағишланган публицистик материалларнинг ролини, сифатини оширишга алоҳида эътибор бермоқ лозим. Марксизм-ленинизм классикларининг, уларнинг сафдошлари ва издошларининг шахсий намунасига мурожаат қилишни публицистик изланишнинг энг муҳим йўналиши деб билмоқ керак.

Матбуот, телевидение ва радио воситалари орқали совет турмуш тарзини, социалистик тузумнинг, СССР халқлари бузилмас дўстлиги ва пролетар интернационализми афзалликларини, ривожланган социализм ютуқларини моҳирлик билан пропаганда қилиш масалалари конференциялар, семинарлар, ижодий учрашувлар тематикасида, ўқув программаларида катта ўринни ишғол қилиши лозим. Социализм ва коммунизм учун фидокор курашчи, социалистик Ватан ҳимоячиси, ватанпарвар ва интернационалист бўлган совет кишисининг образини чуқур очиб бериш ҳар бир журналистнинг шарафли иши, унинг ижодий изланишининг муносиб мавзуидир.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг кишилар моддий фаровонлигининг ўсиши билан уларнинг маданий ривожланиши ўртасида тафовут бўлишига йўл қўйиб бўлмаслик ҳақидаги кўрсатмаларини матбуотда амалга оширишга публицистларнинг, барча журналистларнинг диққат-эътиборини жалб қилмоқ зарур. Коммунистик ахлоқ антиподларига қарши буржуа-мешчанлик ахлоқининг қайта пайдо бўлишига қарши курашда публицистик маҳоратни муттасил такомиллаштириб бориш муҳимдир.

Журналистлар ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органлари совет публицистикасининг халқаро майдондаги идеология курашига қўшадиган ҳиссасини янада кўпайтириш ишида: ривожланган социализмнинг афзалликлари ва истиқболларини ҳар томонлама очиб бериш

ва оммалаштиришда, капитализмнинг нуқсонларини фош этиш ҳамда уларнинг тарихан ҳалокатга маҳкум этилганлигини ишонарли қилиб кўрсатишда редакция коллективларига ижодий ёрдамни анча кучайтиришлари лозим. Чинакам демократия, шахс эркинлиги, инсон ҳуқуқлари ҳақидаги масалаларда совет публицистикасининг ҳужумкорлик характерини таъминловчи, тинчлик ва халқаро кескинликни юмшатиш учун, «совуқ уруш»га қайтишга уринишларга қарши, «сўл» ва ўнг оппортунизмга, маоизмга, ревизионизмга қарши, жаҳон ишчилар, коммунистик, миллий-озодлик ҳаракатларининг янада жипслашуви учун курашда совет публицистикасининг ролини кучайтирувчи энг яхши усулларни умумлаштириш ва кенг ёйиш борасидаги ишни қатъият билан олиб бормоқ лозим.

СССР Журналистлар союзи правлениесининг пленуми журналистлар ташкилотларининг барча правлениеларига публицистикани ривожлантиришда, жанрлардан яхшироқ фойдаланишда, мамлакат иқтисодий, ижтимоий-маданий ва социал ҳаётининг турли соҳаларига, совет кишилари онгида марксча-ленинча дунёқарашни барқарор этишга публицистиканинг таъсир доирасини кенгайтириш ва таъсир даражасини оширишда, публицистиканинг буржуа идеологиясига қарши курашга қўшадиган ҳиссасини кучайтиришда редакция коллективларига, журналистларга самарали ёрдам кўрсатиш юзасидан тадбирлар перспектив планларини, шунингдек ёш журналистлар орасидан чиққан публицист кадрларни профессионал ўқитишнинг сифатини яхшилаш ва уларни тайёрлаш тадбирлари планларини ишлаб чиқишни тавсия этди. Бизнинг секцияларимиз ва комиссияларимиз ҳам, биринчи навбатда очерк, публицистика ва танқид секцияларимиз ҳамда ёш журналистлар билан ишлаш, журналист кадрлар тайёрлаш ва уларнинг касб маҳоратини ошириш комиссиялари ҳам ана шундай планларга эга бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчилар журналистлардан бадиий маҳоратнинг юксак намуналарини, мазмун жиҳатдан чуқур ва форма жиҳатдан ёрқин мақолалар, корреспонденциялар, очеркларни кутишга ҳақлидир. Бундай материаллар ўқувчиларни янги фикрлар, қизиқарли кузатувлар, ибратли фактлар билан бойитиши, у ёки бу процесслар ва ҳодисаларнинг ижтимоий аҳамиятини очиб бериши лозим.

Афсуски, бизда ҳали ҳам газеталарнинг шундай редакторлари борки, газетхонлар улар ҳақида газета ҳар бир сонининг сўнгги саҳифаси остида уларнинг имзоси борлигидан бошқа ҳеч нимани билмайдилар. Ваҳоланки, редактор автор сифатида ҳам ҳаммага маълум бўлиши керак. Газетага муваффақиятли раҳбарлик қилиш учун адабий ишда фаол қатнашиши, фақат таҳрир қилибгина қолмасдан, балки мақолалар ёзишда ҳам ўзи намуна кўрсатиши лозим. Акс ҳолда матбуот органига раҳбарлик қилиш муқаррар равишда оддий маъмуриятчилик характерини касб этади холос, бу эса бизнинг матбуотимиз анъаналарига ётдир. Большевистик газеталарнинг барча атоқли редакторлари энг муҳим, принципиал масалалар бўйича ана шу газеталар саҳифаларида муттасил чиқиб турганлар.

Журналистлар фаол, жанговар тарзда ҳал этиши лозим бўлган яна бир муҳим вазифани, яъни республикада фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга бутун чоралар билан кўмаклашиш вазифасини эслатиб ўтмасликнинг иложи йўқ, зеро Ўзбекистон партия ташкилоти коммунистларининг, барча меҳнаткашларнинг диққат-эътиборини ана шунга қаратмоқда.

Кўриб турибмизки, ҳаёт матбуот олдига, журналистлар олдига тобора мураккаб проблемаларни қўймоқда. Ана шу проблемалар ҳақида партиямизнинг, халқимизнинг амалий ишига мумкин қадар катта ёрдам берадиган қилиб ёзмоқ лозим.

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТНИ ИНТЕРНАЦИОНАЛЛАШТИРИШДА ИШЧИЛАР СИНФИНИНГ ЕТАКЧИЛИК РОЛИ

М. МАДИРИМОВА

СССРДА СОЦИАЛИЗМ ҚУРИЛИШИ тажрибаси марксизм-ленинизмнинг ишчилар синфи меҳнаткашлар оммасига фақат ҳокимият учун курашдагина эмас, балки «янги, социалистик ижтимоий тузум яратишда, синфларни батамом йўқ қилиш учун олиб бориладиган курашнинг ҳаммасида» (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 39-том, 16-бет) раҳбарлик қилади, деган хулосасини тасдиқлади. Айни шу ишчилар синфи бирдан-бир революцион синф бўлиб, у барча меҳнаткашларга пешқадамлик қилади. Бу унинг ишлаб чиқариш системасидаги ва ижтимоий муносабатлардаги ўрни ва роли билан, унинг социал ва сиёсий манфаатлари барча мазлумлар ва эксплуатация қилинувчиларнинг туб манфаатларига мос келиши билан изоҳланади. Изчил революцион куч бўлган ишчилар синфи объектив равишда ўзини синф сифатида сақлаб қолишдан манфаатдор эмас, унинг мақсади — синфсиз коммунистик жамият қуришдир.

Ғолибона Октябрь социалистик революциясида ишчилар синфининг тарихий миссияси ёрқин намоён бўлиб, у инсоният тарихида биринчи марта кенг халқ оммасини янги жамият қуриш учун ўз орқасидан эргаштириб борди. Ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчиликнинг йўқотилиши ва ижтимоий мулкчиликнинг қарор топиши шунга ёрдам бердики, ишчилар синфи иқтисодий жиҳатдан ҳукмрон синфга айланди ва деҳқонлар билан иттифоқ тузиб, мамлакатда жуда катта ўзгаришларни: индустрлаштиришни, қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришни, маданий революцияни амалга оширди. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва интеллигенциянинг бузилмас иттифоқи, уларнинг биргаликдаги меҳнати мамлакатимизда социализмнинг тўла, узил-кесил ғалабасини, ривожланган социалистик жамият қуришни таъминлади.

Ана шу жамиятни барпо этиш барча совет халқларининг ўзаро бир-бирига ёрдами асосида амалга оширилди. Уларнинг бирлигини мустаҳкамлашда интернационалчи синф, миллий зулмга қарши энг изчил курашчи бўлган ишчилар синфи асосий роль ўйнади.

Мамлакатимизнинг тарихи ишчилар синфи қудратли интернационал ва бунёдкор куч бўлиб, у миллатлар ва элатлар ўртасида янги типдаги муносабатларни қарор топтириши тўғрисидаги маркеча-ленинча таълимотнинг ҳаққоний эканлигини тасдиқлайди. У ривожланган социализм босқичида ҳам ижтимоий ҳаётни интернационаллаштириш тенденциясининг асосий ифодачиси сифатида майдонга чиқмоқда. «Ўз моҳияти жиҳатидан энг интернационал синф бўлган худди шу ишчилар синфи,— деб таъкидлаган эди КПСС МҚ Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев,— мамлакатимиздаги ҳамма миллатлар ва элатларни бир-бирига яқинлаштириш жараёнида ҳал қилувчи роль ўйнамоқда» (Ленин йўлидан, 4-том, 64-бет).

Етук социализм шароитида социалистик миллатлар ва элатларнинг ҳаётини интернационаллаштиришда ишчилар синфининг етакчилик роли унинг коммунизм қурувчилари авангардида борувчи синф сифатидаги ижтимоий мавқеидан келиб чиқади. В. И. Ленин ишчилар синфи ролининг қонуниятли равишда ўсиб бориши тўғрисида гапириб, «фақат шу синфгина меҳнаткашлар оммасининг бирлашувига, жипслашувига ва коммунистик жамиятни узил-кесил ҳимоя қилишга, узил-кесил мустаҳкамлашга, уни узил-кесил қуриб бўлишга ёрдам бера олади», деб қайд этган эди (ТАТ, 41-том, 346-бет).

Ижтимоий ҳаётнинг интернационаллашув процесси капитализм даврида товар ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши натижасида бошланган бўлиб, бундай товар ишлаб чиқариш халқларни ўзаро алоқа ва бир-бирига боғлиқлик шароитига олиб келган эди. Машина ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши ва бутун жаҳон бозорининг шундан кейинги ривожланиши станоклар, ускуналар, технологик тажриба алмашишнинг кучайишига ёрдам берди.

Капитализм шароитида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши шунга олиб келадики, натижада ана шу ишлаб чиқарувчи кучлар миллий доирадан ташқари чиқиб, интернационаллаштириш улар тараққиётининг қонунияти бўлиб қолади, «капитал, умуман иқтисодий турмуш, сиёсат, фан ва шу сингарилар соҳасида интернационал бирлик»ни вужудга келтиради (В. И. Ленин. ТАТ, 24-том, 143-бет). Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсишига ёрдам берар экан, ишлаб чиқаришни интернационаллаштириш айни вақтда унинг ижтимоий характери билан ўзлаштиришнинг хусусий капиталистик формаси ўртасидаги антагонистик зиддиятларни кескинлаштиради.

Ижтимоий ҳаётнинг интернационаллашуви миллатларнинг вужудга келиш процесси билан мустаҳкам боғлиқдир. В. И. Ленин ривожланаётган капитализмнинг миллий масаладаги иккита тарихий тенденциясини: миллий давлатларнинг тузилиши ва миллатлар ўртасида ҳар турли муносабатларнинг кучайиши ва тез-тез бўлиб туришини кўрсатган эди (ўша жойда). Аслида капитализм жаҳон қонуни моҳиятини акс эттирувчи бу икки тенденция бу ерда антагонистик формада майдонга чиқади, чунки миллатлар ўртасидаги алоқалар зўрлик йўли билан ўрнатилиб, муқаррар равишда бир миллатнинг иккинчи миллатни эксплуатация қилиши ва эзишининг кучайишига олиб келади, низолар, рақобатлар, тўқнашувларни келтириб чиқаради. Стихиялик, ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик, интернационаллаштириш процессини онгли равишда йўлга солиб туришнинг йўқлиги, шафқатсиз эксплуатация, империализмнинг босқинчилик, мустамлакачилик сиёсати шовинизм ва ирқчиликнинг, миллатлараро нифоқнинг авж олишига ёрдам беради, ижтимоий ҳаётни интернационаллаштиришнинг эркин ривожланишига тўсқинлик қилади.

Социализмда, ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик йўқ қилинган бир шароитда ривожланаётган интернационаллаштириш процессининг мазмуни билан формаси ўртасида мувофиқлик таъминланади. Интернационаллаштириш ўзи учун буржуа жамиятининг асосий зиддияти — ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги зиддият орқали йўл очиб борадиган капитализмдан фарқ қилиб, социализм шароитида мазкур процесс антагонизмдан холи бўлган социалистик ишлаб чиқариш усули, базис ва устқурманинг бирлигига асосланади. Худди ана шуни назарда тутиб марксизм-ленинизм классиклари социализм ижтимоий ҳаёт янги қонуниятларининг қарор топишига, экономика, сиёсат ва маданият соҳаларида интернационаллашувга олиб келади, деб қайд қилган эдилар. «...Инсониятнинг бутун хўжалик, сиёсий ва маънавий ҳаёти, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — капитализм вақтидаёқ тобора интернационаллашади. Социа-

лизм уни батамом интернационаллаштиради» (ТАТ, 23-том, 355-бет)

Социализм шароитида ижтимоий ҳаётни интернационаллаштириш шундай бир бирлаштирувчи процессдирки, у, бир томондан, ҳар бир миллий маданиятдан (моддий маданиятдан ҳам, маънавий маданиятдан ҳам) барча прогрессив нарсаларни ажратиб олиб, уларни миллатлараро (интернационал) нарсага айлантириш билан, иккинчи томондан эса, ҳар бир халқнинг миллий ҳаётидан унинг олга қараб ривожланишига, бошқа халқлар билан бирлиги ва яқинлашувига халакит берувчи барча эски, умрини яшаб бўлган нарсаларни улоқтириб ташлаш билан характерланади. КПСС Марказий Комитетининг СССР ташкил топганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисидаги қарорида ривожланган социалистик жамиятда СССР халқлари ҳаёти бутун укладининг интернационаллашуви содир бўлади деб қайд қилинган эди. Бу ўринда у капитализм шароитидаги ана шундай процессдан фарқ қилиб, биринчидан, бир миллатнинг иккинчи миллатга бўйсуниш сифатида эмас, балки миллатлар бирлашуви, жипслашуви ва яқинлашувининг асоси сифатида намоён бўлади; иккинчидан, ягона социалистик экономикани, интернационал маданиятни ривожлантириш, турли миллатларга мансуб кишиларнинг коммунистик маънавий қиёфасини шакллантириш омили сифатида амал қилади; учинчидан, ижтимоий тараққиётнинг мазкур босқичида у миллий фарқларни бартараф этиш эмас, балки миллатларни ривожлантириш асоси сифатида майдонга чиқади. Социализмнинг қонунияти бўлмиш ижтимоий ҳаётни интернационаллаштириш миллатларнинг ихтиёрий ҳамкорлиги жараёнида амалга оширилиб, ҳар томонлама характер ва юксак суръат касб этади, Совет Иттифоқи ва бутун социалистик ҳамдўстлик халқларининг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлайди.

Маълумки, социализм ва коммунизм қурилиши даврида миллий масалада иккита тенденция — миллатлар ва элатларнинг равнақ топиш ва яқинлашиш тенденциялари амал қилади. Диалектик жиҳатдан бирликни ташкил этувчи ва бир-бири билан уйғунлашган бу икки тенденция интернационаллашувдан иборат ягона процесснинг икки томонидир.

Иқтисодий ҳаётни интернационаллаштириш бу процесснинг асосини ташкил этади. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши халқаро меҳнат тақсимотини вужудга келтириб ва чуқурлаштира бориб, моддий бойликлар, фан ва техника ютуқлари билан алмашинишнинг кучайишига ёрдам берадики, бу иқтисодий, шунингдек сиёсий ва маданий соҳалардаги миллий биқиқлик ва алоҳидаликнинг барҳам топишига олиб келади. Ана шу ижобий процесснинг бошида ишчилар синфи В. И. Лениннинг таъбири билан айтганда, бутун инсониятнинг биринчи ишлаб чиқарувчи кучи туради. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида социалистик ўзгаришларга олиб келадиган янги, социалистик ишлаб чиқариш усулининг бунёдкори бўлмиш ишчилар синфи социалистик типдаги интернационаллаштиришнинг асоси бўлган ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчиликни мустаҳкамлаш ва кўпайтиришга жуда катта ҳисса қўшмоқда.

Кўп миллатли совет ишчилар синфида рус ишчилар синфи авангард ўзакни ташкил этади. У пролетар интернационализми байроғини баланд кўтариб бориб, Россиянинг барча халқларига социалистик тараққиет йўлига чиқиб олишда, иқтисодий ва маданий қолоқликни бартараф этишда ёрдам берди.

Ўзбекистонда ишчилар синфининг вужудга келиши октябрдан олдинги даврда бошланди. Улуғ Октябрь арафасида бу ерда саноат ишчилари 12 минг кишидан сал кўпроқни ташкил этиб, улардан 8 минги пахта тозалаш заводларининг мавсумий ишчилари эди. Ўрта Осиёнинг бошқа республикалари сингари Ўзбекистонда ҳам ишчилар синфининг шаклланиши ва ривожланиши фақат Совет ҳокимияти йил-

ларидагина рус ишчилар синфининг ҳар томонлама ёрдамида содир бўлди.

Эндиликда ишчилар синфи мамлакатдаги иш билан банд бўлган аҳолининг 60 процентдан ортиқроғини ташкил этади. 1965—1978 йилларда, масалан, Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги тармоқларидаги ишчиларнинг сони 1,5 баравар ортди ва 1978 йилда 2 миллион 540 минг кишини ташкил этди.

Ишчилар синфи сонининг ўсиши бу ерда иккита ўзаро бир-бири билан боғлиқ процесснинг мавжуд эканлигидан яққол далолат беради: бир томондан, у чинакам интернационал синфга айланмоқда, иккинчи томондан эса — мамлакатимиздаги илгари қолоқ бўлган халқларнинг меҳнат ва сиёсий соҳадаги активлиги ўсиб бормоқда. Мисол учун, Ўзбекистон ССРда саноатда, шу жумладан оғир саноатда ва транспортда маҳаллий миллат ишчиларининг салмоги ортди. Улардан кўплари кадр ишчиларнинг иккинчи, учинчи ва ҳатто тўртинчи авлодига мансуб кишилардир. Масалан, республика қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарида — «Ташсельмаш», «Узбексельмаш», «Чирчиксельмаш» заводларида ишловчи ўзбек ишчиларининг 80 проценти замонавий техникани бошқариш кўникмаларини эгаллаб олган малакали ишчилардир. Ўрта Осиё республикалари ишчилар синфи составида ерли миллат кишилари салмоғининг ўсиши халқлар экономикаси ва маданиятини ривожлантиришдаги ютуқларни акс эттириб, миллатлар ва элатларнинг социал жиҳатдан бир хиллигини кучайтиради ва уларнинг янада яқинлашувига ёрдам беради.

Халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга, ишлаб чиқариш тажрибасини алмашишга, илғор меҳнат кўникмаларини кенг ёйишга, бутун социалистик интернационализм практикасини бойитишга миграцион процесслар ҳам ёрдам бериб, булар асосан ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришни такомиллаштириш ва мамлакатнинг шарқий районларини ривожлантириш зарурлиги туфайли содир бўлмоқда. Қолаверса ишчи кучларга бўлган эҳтиёж ҳамма ерда ҳам бир хилда эмас: бундай эҳтиёж янги қурилишларда кўпроқ бўлиб, эски, обод марказларда нисбатан камроқдир. Социалистик хўжалик системаси миграцияга планли характер бахш этиб, уни умумдавлат манфаатларига бўйсундиради. Миллатлар ўртасидаги алоқаларни кучайтиришда республикалараро миграция алоҳида роль ўйнайди. Ўртоқ Л. И. Брежнев «Қўриқ» номли китобида бундай деб ёзади: «Жуда кўп одамлар қўриққа кўчиб келяпти, кўп миллатли коллективлар таркиб топяпти, янги оилалар пайдо бўляпти, характерлар тобланяпти, замонамиз қаҳрамонлари чиниқяпти... Бутун ҳаёт уклади ўзгармоқда, кишиларда янги психология туғилмоқда».

Ишчилар синфи оғир саноат билан боғлиқ бўлганлиги учун миграцияга ҳаммадан кўпроқ мойил бўлиб, шу туфайли у ўз составн жиҳатидан энг кўп миллатлидир. Бизнинг республикамизда ҳам биронта ишлаб чиқариш коллективи йўқки, у кўп миллатли бўлмасин. Масалан, Тошкент тўқимачилик комбинатида 41 миллат, Ўзбекистон металлургия заводида — 30, Бекобод цемент комбинатида — 32 миллат вакиллари меҳнат қилади. Кўп миллатли ишлаб чиқариш коллективларидаги меҳнат халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатмоқда, уларда ҳамма нарсадан кўра янги, умумсовет нормалари ва традициялари яхшироқ қарор топмоқда, миллий хурофотларга тезроқ барҳам берилмоқда. Бундай коллективларда халқлар дўстлиги моддийлашган характер касб этади, бевосита социалистик практикага айланади.

Иттифоқдош республикалар ишчилар синфи кўп миллатлилигининг ортиши ижтимоий ишлаб чиқаришнинг интернационаллашувини ва қардош халқлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг чуқурлашувинг

акс эттириб, совет ишчилар синфининг социалистик интернационализм ҳомили ва актив тарқатувчиси сифатидаги ролини кучайтиради. Амалда бу турли технологик ускуналар, хом ашё ва материалларни ўзаро етказиб беришда, фан-техника ҳамкорлигида ва йирик халқ хўжалик объектларини барпо этишдаги ўзаро ёрдамда, юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва ўзаро алмашишда, илғор тажриба билан ўртоқлашишда ўз аксини топади. Масалан, Тошкент электрон техникаси заводи ва «Ташкенткабель» заводига деталлар ва бошқа материалларни мамлакатнинг 100дан ортиқ корхонаси етказиб беради. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси эса қардош республикалардаги юзлаб корхоналар билан мустаҳкам алоқада ишлайди.

Барча республикаларнинг хўжалик имкониятлари ва ресурсларини бирга қўшиш улардан ҳар бирининг ривожланишини тезлаштиради ва бу ривожланиш қанчалик интенсив бўлса интернационаллашув процесси ҳам шунчалик яққолроқ намоён бўлади. КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов қайд қилганидек, «Совет давлатимиз вужудга келган дастлабки кунданоқ унинг социал-иқтисодий ва маданий тараққиёти, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг тараққиёти умуман жамият манфаатларининг ва унинг ҳар бир регионал қисми манфаатларининг бир-бирига узвий боғлиқлиги асосида қатъий амалга оширилмоқда. Бу — КПСС ленинча миллий сиёсатининг негизидир» («Совет Ўзбекистони», 1980 йил 25 май).

Ишчилар синфи социал-сиёсий ҳаётни интернационаллаштиришда ҳам етакчи роль ўйнайди. Унинг Советлар фаолиятида актив қатнашуви бунинг ёрқин кўрсаткичидирки, Советлар депутатларининг ярмидан кўпрогини ишчи ва колхозчилар ташкил этади. Бироқ, гап фақат ишчи-депутатларнинг сонида эмас. Энг муҳими шундаки, ишчилар синфи ўзининг коммунизм ишига содиқлиги, ватанпарварлиги ва интернационализми, меҳнатга онгли ва ижодий муносабатда бўлиши сингари мамлакатимиз тарихида синалган фазилатлари туфайли жуда катта сиёсий ва ғоявий-ахлоқий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Социалистик мусобақа ишчилар синфи социал-сиёсий активлигининг ўзига хос алоҳида формаси бўлиб, у бунда меҳнатдаги барча илғор ва янги нарсаларнинг ташаббускори бўлиб чиқмоқда. Айни шу ишчилар синфи мураббийчилик ҳаракатини бошлаб бериб, бунда ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари ёш ишчиларни ўз оталиғига олиб, уларга малакасини оширишда ёрдам берадилар, коммунистчасига яшаш ва меҳнат қилишга ўргатадилар. Совет ишчилар синфи ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун кураш ташаббускори бўлиб чиқди. Социалистик мусобақа совет меҳнаткашларида юксак онглиликни, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишни, коллективизмни шакллантиришга ёрдам беради, уларнинг сиёсий жиҳатдан ўсиши ва ахлоқий жиҳатдан такомиллашувига кўмаклашади.

Социалистик мусобақа кенг қулоч ёйди. Фақат Ўзбекистоннинг ўзида унда меҳнаткашларнинг 92,3 проценти қатнашмоқда. Ўнинчи беш йилликнинг ўзида республикамизда мусобақалашувчиларнинг сафи 500 минг кишига кўпайди.

СССР миллатлари ва элатлари ўртасидаги тобора мустаҳкамланиб бораётган қардошларча ҳамкорлик, ўзаро ёрдам ва ўзаро таъсирнинг самарали формаси бўлган социалистик мусобақа ҳар бир иттифоқдош республиканинг ва умуман мамлакатнинг ижтимоий бойликларини кўпайтиришга қаратилгандир. У социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг табиатидан келиб чиқиб, чуқур интернационаллаштирувчи ролни бажаради, чунки социалистик мусобақа жараёнида тажриба ва ютуқлар билан алмашиш рўй беради.

Ишчилар синфи жамият моддий бойликларининг асосий ишлаб чиқарувчисигина бўлиб қолмай, балки маънавий маданиятнинг бунёдкори ҳамдир, чунки К. Маркс ва Ф. Энгельс кўрсатиб ўтганларидек, ўз моҳияти билан «жамиятнинг ҳукмрон *моддий* кучи бўлган синф, айни вақтда унинг ҳукмрон *маънавий* кучи ҳамдир» (Асарлар, 3-том, 45-бет).

Ҳали капитализм даврида, жамият ҳаётининг фақат иқтисодий, сиёсий соҳаларинигина эмас, балки маънавий соҳаларини ҳам қамраб оладиган буржуазияга қарши синфий кураш давомидаёқ пролетариат ўз социалистик идеологияси ва маданиятини вояга етказиб боради. Ана шу социалистик идеология ва маданиятда унинг энг яхши фазилатлари: революцион инсонпарварлик, интизомлилик, қарашларининг очиқдан-очиқ партиявийлиги, интернационализм ва ватанпарварлик ўз ифодасини топади.

Совет ишчилар синфи ўзининг революцион ва меҳнат намунаси, анъаналари билан маънавий қиёфадаги ана шу фазилатларни колхозчи деҳқонлар ва зиёлиларда ҳам шакллантиришга ёрдам берадики, улар ҳеч оғишмай ишчилар синфининг ғоявий-сиёсий позицияларига ўтиб, улар билан мустаҳкам бирликни ташкил қилдилар. Уларнинг онгида социалистик идеология қарор топиб, бу идеология В. И. Ленин таъкидлаб ўтганидек, «революцион пролетариатнинг манфаатларини, нуқтаи назарини ва маданиятини тўғри ифода» қилувчи бирдан-бир идеологиядир (ТАТ, 41-том, 376-бет). Шунинг учун ҳам ишчилар синфининг идеологияси бўлган маркcча-ленинча идеология социалистик маданиятнинг ғоявий ўзагини ташкил этади.

Марксизм-ленинизм — ишчилар синфининг чинакам илмий, бир бутун, яхлит дунёқараши бўлиб, у бизни қуршаб турган дунё ҳақидаги ҳеч қандай хурофотлар ва субъектив тасаввурлар билан сиғишмайди. У кишини ижтимоий тараққиёт қонунлари ҳақидаги билим билан, сиёсатнинг мақсадлари ва вазифаларини тушуниш билан қуроллантирибгина қолмай, балки уни ҳалол ва виждонан меҳнат қилишга, юксак ахлоқий интернационализм принципларини амалга оширувчи бўлишга ўргатади. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида бундай деб таъкидланади: «Совет кишиларида илмий дунёқарашни, партия ишига, коммунистик идеалларга чексиз садоқатни, социалистик Ватанга муҳаббат, пролетар интернационализмини шакллантириш идеологик, сиёсий-тарбиявий ишнинг ўзаги бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади».

Совет кишилари онгида маркcча-ленинча идеологияни қарор топтириш ривожланган социализм маънавий ҳаётини интернационаллаштиришнинг муҳим омилидир. Айни ана шу марксизм-ленинизм базасида кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи вужудга келди.

СССРнинг кўп миллатли ишчилар синфи кишилар маънавий ҳаётининг ажралмас қисми бўлган маданиятнинг ғоявий йўналишини таъминлайди ва унинг ривожланиши учун моддий негиз яратиб беради. Шу билан бирга у социалистик маданиятнинг актив қатнашчиси, бевосита бунёдкори, унинг интернационал хусусиятларининг асосий ва изчил ҳомили бўлиб, маданий бойликларни алмашишга ёрдам берадики, бу миллий маданиятларнинг ўзаро бир-бирига таъсир этиши ва бир-бирини бойитиши, уларнинг яқинлашуви учун катта аҳамиятга эгадир.

Совет кўп миллатли бадиий маданияти жамиятимиз маънавий ҳаётининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, у социалистик реализм принциплари асосида қурилади ва ишчилар синфи идеалларидан келиб чиқади. Ишчилар синфи ўзининг илғор идеологияси билан СССР халқлари адабиёти ва санъатининг дунёқараш соҳасидаги бирлигига, қардош бадиий маданиятларнинг ғоявий-тематик мазмунига актив таъсир

кўрсатади, уларнинг миллий формаларини интернационаллаштириш ёрдам беради.

Совет ишчилар синфининг миллий отрядларини шакллантиришда катта роль ўйнаган рус тили маънавий ҳаётни интернационаллаштиришнинг муҳим омилидир. Миллатлараро муомала воситаси бўлиб рус тили моддий ишлаб чиқариш соҳаларини ҳам, шунингдек совет халқларининг сиёсий ва маданий ҳаётини ҳам ўз ичига олади.

Рус тилининг миллатлараро муомала воситаси сифатида майдонга чиқиши — янги жамият қурилишининг объектив заруратидир, чунки коммунизм барча совет халқларининг биргаликдаги меҳнати била ҳамжиҳат ҳаракати билан барпо этилади. «Битта мақсад ва битта идеал атрофида бирлашган Советлар юртининг ҳамма миллат ва ҳамма халқлари,— деб ёзади ўртоқ Ш. Р. Рашидов,— Ленин партияси раҳбарлигида мисли кўрилмаган социал-иқтисодий ва маданий қурилиш билан банддирлар.

Бу қурилишни амалга оширишда бизнинг умумий бойлигимиз бўлган, ҳамма совет халқларини яқинлаштириш ва бирлаштиришда қудратли восита бўлган рус тилининг роли бениҳоя каттадир (Ш. Р. Рашидов. Дўстлик, биродарлик ва ҳамкорлик тили. Т., Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти, 1979, 137-бет).

Мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида ишчилар синфи таъсирини амалга оширувчи Коммунистик партиядир. «Ривожланган социализм шароитида,— деб таъкидлаган эди ўртоқ Л. И. Брежнев,— Коммунистик партия бутун халқнинг партияси бўлиб қолган бир вақтда партия ўзининг синфий характерини асло йўқотмайди. КПСС ўз табиатига кўра ишчилар синфининг партияси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Ҳозирги пайтда партия сафига кирувчиларнинг 58 процентини ишчилар ташкил этганлигидан гоят мамнунмиз. Бу — қонуний бир ҳол бўлиб, у ишчилар синфининг жамият ҳаётидаги етакчилик ролини акс эттиради» (Ленин йўлидан. 5-том, 586-бет).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўз характери жиҳатида интернационал бўлган кўп миллатли ташкилот сифатида вужудга келди: ҳозирги вақтда КПСС ўз сафларида 100 дан ортиқ миллат ва элатларнинг илғор вакилларини бирлаштиради. Барча коммунистлар ўзларининг қайси миллатга мансуб эканликларидан қатъи назар, партия Уставига мувофиқ бир хилдаги ҳуқуқ ва бурчларга эгадирлар, мамлакат тақдири учун баб-баравар жавобгардирлар. Ҳар бир партия аъзоси социалистик интернационализм ва совет ватанпарварлиги гояларини меҳнаткашлар оммасига актив етказувчи бўлиши, миллатчилик ва шовинизм сарқитларига қарши кураш олиб бориши, сўз ва иш билан СССР халқлари дўстлигини, уларнинг социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари халқлари билан, барча мамлакатлар меҳнаткашлари била қардошларча алоқаларини мустаҳкамлашга ёрдам бериши лозим.

Шундай қилиб, ривожланган социализм шароитида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, шу жумладан уни интернационаллаштиришда ҳам ишчилар синфининг позициялари тўхтовсиз мустаҳкамланиб бормоқда. Партиянинг куч-гайрати ишчилар синфининг таъсири бундан буён ҳам ортиб боришига, унинг активлиги ва ташаббуси янада самаралироқ натижалар беришига қаратилмоқда. Буларнинг бари совет жамиятини гоявий-сиёсий жиҳатдан янада жипслаштиришга, мамлакатимиз миллатлари ва элатларини тагин ҳам яқинлаштиришга ёрдам беради.

— —

РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ПРОБЛЕМАЛАРИ

СОЦИАЛИСТИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУНОСАБАТЛАРИ СИСТЕМАСИДА ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК

В. ЖИВАЕВ,
иқтисод фанлари кандидати
И. ГРИЦЕНКО

ЕТУК СОЦИАЛИЗМ босқичида шахсий ёрдамчи хўжаликни ривожлантиришга Совет давлати катта аҳамият бермоқда ва уни қўллаб-қувватлаш партия аграр сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолди. КПСС XXV съезди колхоз ва совхозлар олдига ёрдамчи хўжаликни юритишда қишлоқ аҳолисига зарур ёрдам кўрсатиш вазифасини қўйди.

Ривожланган социализм экономикасида шахсий ёрдамчи хўжалик роли ўсиб бориши 1977 йилги СССР Конституциясида ҳам ўз ифодасини топган. Унда ёрдамчи хўжалик тўғрисида аҳолининг барча табақаларига татбиқан гапирилган. Ваҳоланки, 1936 йилги СССР Конституциясида бу ҳақдаги гап фақат колхозчиларга тааллуқли бўлган. Янги СССР Конституциясининг 13-моддасида «Гражданлар ёрдамчи хўжалик юритиш (шу жумладан мол ва парранда боқиш), боғдорчилик ва сабзавотчилик қилиш учун, шунингдек якка тартибда уй-жой қуриш учун қонунда белгиланган тартибда бериладиган ер участкаларидан фойдаланишлари мумкин», деб кўрсатилган.

СССРдаги шахсий ёрдамчи хўжалик социал-иқтисодий моҳияти жиҳатдан социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзига хос ўтиш формасидир. В. И. Ленин коммунистик қурилишда ўтиш формаларини кенг қўллаш зарурлигини кўрсатиб ўтган эди: «...Ҳамма ва ҳар қандай иқтисодий-ўтиш формаларидан фойдаланиш зарурияти бор экан, бу формалардан фойдаланмоқ мумкин ва фойдалана билмоқ керак» (Тўла асарлар тўплами, 44-том, 259-бет).

Шахсий ёрдамчи хўжаликнинг икки жиҳати бор: бир томондан, у майда индивидуал ишлаб чиқариш формаси бўлса, иккинчи томондан, уни социалистик жамият меҳнаткашлари юритади ва у социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари системасига киради. Бундай хўжалик то бартараф бўлмагунича, кейин эса, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ишлаб чиқариш муносабатлари билан бир хиллашувига эришилиб, ижтимоий ишлаб чиқаришга бутунлай сингиб кетмагунича мамлакат иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнайверади.

Яқин вақтларгача айрим иқтисодчилар шахсий ёрдамчи хўжаликнинг социалистик характерини инкор қилиб, унга ҳам экономикада, ҳам колхозчи деҳқонлар психологиясида хусусий мулкчилик сарқитларининг намоён бўлиши деб қараб келдилар. Ваҳоланки, социализмда унинг хусусий мулкчилик билан ҳеч қандай умумийлик жойи йўқ, аксинча, у ижтимоий мулкчилик билан мустаҳкам боғлангандир. Шахсий ёрдамчи хўжаликнинг социал-иқтисодий моҳияти, характери унинг ижтимоий социалистик ишлаб чиқариш билан алоқасида кўринади. Бу алоқа ишлаб чиқаришнинг унча етилмаган формасининг

анча етилган формасига бўйсуниши системаси орқали намоён бўлади. Ишлаб чиқаришнинг умумлаштирилган формаси ана шу бўйсуниш системаси орқали шахсий ёрдамчи хўжаликка таъсир кўрсатади, уни социалистик хўжаликка айлантиради, унда социализм иқтисодий қонунларининг амал қилишини таъминлайди.

Умумхалқ хўжалиги билан шахсий хўжалик ўртасидаги энг яқин алоқа ва бирлик социалистик ишлаб чиқаришнинг меҳнаткаши — ишчи, хизматчи, колхозчидан иборат субъектнинг муштараклигида ўз ифодасини топади. Шахсий ёрдамчи хўжаликка эга бўлиш учун ижтимоий ишлаб чиқаришга қўшилиш зарур. Ёрдамчи хўжалик хусусий якка хўжалик билан айнан бир нарса эмас, чунки у ерга нисбатан ижтимоий мулкчиликка асослангандир, бинобарин, капиталистик хўжаликка айлана олмайди.

Шахсий ёрдамчи хўжалик — бу одатдаги шахсий мулк эмас, балки ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан мулкчилик бўлиб, у ҳажми ва объекти бўйича жамият томонидан тартибга солиб турилади. Ҳозирги вақтда колхозчиларнинг 1969 йил 27 ноябрда чақирилган Учинчи Бутуниттифоқ съездида қабул қилинган колхознинг намунали Устави шахсий ёрдамчи хўжалик ҳажмини тартибга солиб турадиган асосий ҳужжатдир. Уставга мувофиқ ҳар бир колхозчи хонадонига экин экиш ва боғ учун 0,5 гектар томорқа участкаси берилади, уй-жой бинолар банд қилган ер ҳам шу ҳисобга киради (суғориладиган зонада томорқа 0,2 гектар бўлади). Бу ер — хусусий мулк эмас, у фақат индивидуал фойдаланишда бўлган ердир. Агар колхозчи колхозни ташлаб кетса, у томорқа участкасидан маҳрум этилади. Турар жой, хўжалик бинолари, қорамол, парранда, асалари ва ёрдамчи хўжаликда ишлатиладиган майда инвентарь шахсий мулк ҳисобланади. Уставда шунингдек шахсий мулк сифатида қорамол сақлаш нормалари ва турлари белгилаб берилган.

Мустақилликка эга бўлмаган шахсий ёрдамчи хўжалик колхоз ишлаб чиқаришнинг бир қисми сифатида амал қилади, унга бўйсунади ва турли формаларда колхоз ишлаб чиқариши томонидан қўллаб-қувватланади. Шахсий ёрдамчи хўжалик колхоз берган ерда олиб борилади, шу боисдан ҳар ер участкасини олди-сотдига қўйиш, шунингдек бошқанинг меҳнатини эксплуатация қилиш мумкин эмас. Томорқада экин-тикин қилиш учун ишлаб чиқариш воситалари колхоздан олинади, шахсий мол эса ижтимоий яйловларда боқилади. Колхоз уй-жой ва хўжалик бинолари қурилишида колхозчиларга кўмаклашади, ортиқча маҳсулотларини реализация қилишда уларга ёрдам беради, молларини озуқа билан таъминлайди. Масалан, ёрдамчи хўжаликда фойдаланиладиган озуқанинг қарийб 70 проценти колхоз ва совхозлардан олинади. Ўз навбатида шахсий ёрдамчи хўжаликлар колхоз чорвачилик фермаларини ёш моллар билан тўлдириш, ижтимоий ишлаб чиқаришни айрим экинлар уруғи билан таъминлаш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Шахсий ёрдамчи хўжаликдаги ишлаб чиқариш структураси кўп жиҳатдан ижтимоий ишлаб чиқариш структураси билан белгиланади: одатда шахсий сектор колхозчиларни ижтимоий секторда ишлаб чиқарилмайдиган маҳсулотлар билан таъминлайди; бу билан иш кучини такрор ишлаб чиқариш жараёни тўлдирилади. Шундай қилиб, ёрдамчи шахсий хўжалик колхозлар ва совхозлар ижтимоий ишлаб чиқаришига бутунлай бўйсундирилгандир. У жамият ва меҳнаткашлар шахсий манфаатларини уйғунлаштиришнинг мақсадга мувофиқ формаси бўлиб, ижтимоий ишлаб чиқаришни тўлдиради.

Колхозчилар даромадлари структураси кўздан кечирилса, ёрдамчи шахсий хўжаликнинг роли тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Ўзбекистон ССР колхозчилари оиласи бюджетини тадқиқ қилиш

маълумотлари шуни кўрсатдики, колхоздан олинадиган даромад асосан пул тушимларидан иборатдир, унда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ҳиссаси эса жуда камдир. Колхозчилар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан асосан ёрдамчи хўжаликлар ҳисобидан таъминланади, чунки ҳозирча ижтимоий хўжалик одамлар учун зарур бўлган маҳсулотларнинг барча турини ишлаб чиқаришга қодир эмас. Бу эса ижтимоий манфаатларга зид эмас, зотан шахсий ёрдамчи хўжалик ижтимоий ишлаб чиқаришни тўлдириб, колхозчилар иш кучини такрор ишлаб чиқариш учун нормал шароит яратишга, уларнинг истеъмол даражасини индустриал ишчилар истеъмоли даражасига етказиб олишга ёрдам беради.

Шахсий ёрдамчи хўжалик ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча такрорий ишлаб чиқариш жараёнлари: ишлаб чиқариш, тақсимот, алмашув ва истеъмол билан чамбарчас боғлангандир. Аввало, у такрор ишлаб чиқаришнинг асосий фазаси — моддий неъматлар ишлаб чиқаришда, жумладан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда сезиларли роль ўйнайди. Шу тариқа шахсий ёрдамчи хўжалик умумий ижтимоий маҳсулотни ва мамлакат миллий даромадини яратишда, муайян даражада давлат бюджети даромадларининг ташкил топишида (асосан солиқлар тўлаш орқали) иштирок этади. Бутун СССРга таалluқли бўлган қуйидаги маълумотлар буни тасдиқлайди: 1975 йилда шахсий ёрдамчи хўжаликда картошканинг 60 проценти, сабзавотнинг — 66, ҳўл мева ва узумнинг — 43, гўштнинг — 31, сутнинг — 30, тухумнинг — 39 ва жуннинг 20 проценти ишлаб чиқарилди. 1978 йилда унинг салмоғи бирмунча камайган бўлса ҳам, лекин ҳар ҳолда у анчагина эди: у картошка етиштиришда 61 процентни, сабзавотда — 29, гўштда — 29, сутда — 29, тухумда — 34 ва жун етиштиришда 19 процентни ташкил этди. Ўзбекистон ССРнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида 1978 йилда ғалланинг 5 проценти, картошканинг — 35, сабзавотнинг — 49, полиз маҳсулотларининг — 52, гўштнинг — 49, сутнинг — 62, тухумнинг — 41, жуннинг — 45 ва қоракўлнинг 16 проценти ишлаб чиқарилди.

Ривожланган социализм шароитларида шахсий ёрдамчи хўжаликлар икки группага: колхозчилар, ишчи ҳамда хизматчиларнинг ёрдамчи хўжаликларига бўлинади. Иккинчи группада участканинг катталиги, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг миқдори ва оила бюджетида даромадларнинг улуши бўйича совхоз ишчиларининг ёрдамчи хўжалиги асосий ўринда туради. Ўзбекистон ССРда совхоз ишчиларининг 500 минг оиласи ва қишлоқ зиёлиларининг аксарияти ёрдамчи хўжаликка эгадир. Мазкур группадаги шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг бошқа қисми шаҳар ва посёлкаларда яшовчи ишчи ҳамда хизматчиларга тегишлидир; шунингдек, бунга биргалашиб ишлаб, фойдаланиладиган боғдорчилик-деҳқончилик участкаларини ҳам қўшса бўлади.

Хўжаликдаги асосий ишлаб чиқариш билан мустаҳкам алоқа совхоз ишчилари шахсий ёрдамчи хўжалигини ажратиб турадиган белгидир. Совхоз ишчилари ўша асосий ишлаб чиқаришда банддир. Шаҳар ва посёлкалар ишчи ҳамда хизматчиларининг ёрдамчи хўжаликларида эса бундай эмас. Агар совхоз ишчиларининг хўжаликнинг бу туридан қиладиган даромади уларнинг маошига дурустгина қўшимча бўладиган бўлса (колхозчилардаги даражада), шаҳар ишчи ва хизматчиларининг шахсий участкалардан оладиган фойдаси эса унча кўп эмас: улар қиладиган барча даромадининг тахминан 0,8 процентини ташкил қилади.

Йирик шаҳарлар меҳнаткашлари ўртасида шахсий ёрдамчи хўжаликнинг коллектив боғдорчилик ва деҳқончилик, чорвачилик ширкати каби формалари кўпроқ тарқалган. Ердан ишчи ва хизматчиларнинг алоҳида-алоҳида фойдаланишлари ҳамда улар оила аъзоларининг

шахсий меҳнати бу ерда сув таъминоти, суғориш, ерга химиявий ишлов бериш, агротехника ва бошқа умумий вазифаларни бажаришда коллектив меҳнат билан уйғунлашади.

Ишчи ва хизматчиларнинг шахсий ёрдамчи хўжалигида ва коллектив боғдорчилик ҳамда деҳқончилик участкаларида етиштирилган ҳосил уларнинг мулкидир ва бу ҳосил шахсий истеъмолга кетади. Иккинчи томондан, коллектив боғдорчилик ва деҳқончиликда иштирок этиш ишлаб чиқаришда ходимларни мустаҳкамлайди, кадрлар қўнимсизлигини камайтиради, чунки бу мақсадлар учун ажратиладиган ер уни олгандан кейин корхонада 5 йил давомида муттасил ишлаш шарти билан бир умрга берилади.

Шахсий ёрдамчи хўжаликда ишлаш муайян тарбиявий ролни ҳам ўйнайди, зотан у кишини болаликдан меҳнатга ўргатади, тегишли кўникмаларни ҳосил қилади, табиат билан алоқасини кучайтиради. Экономистларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, СССРда шахсий хўжалик билан шуғулланадиган аҳолининг ўртача йиллик миқдори 4,5—5 миллион кишини ташкил қилади.

Сўнгги йилларда шахсий ёрдамчи хўжаликларда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш стабиллашди, кейин эса ўса бошлади. Ёрдамчи хўжаликлардан келаётган даромадлар, айниқса қишлоқ аҳолисининг даромади, гарчи ҳали хийли салмоқли бўлса ҳам, аммо жами ижтимоий маҳсулотда бундай хўжаликларнинг ҳиссаси камаймоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатда шахсий ёрдамчи хўжаликларда маҳсулотнинг ўсиш суръати секинлашаётгани кўзга ташланади. Масалан, чорва сони колхознинг намунали Уставида ва иттифоқдош республикалар қонунларида кўзда тутилган нормадан анча кам. Тўғри, Ўзбекистонда оилаларнинг катта кўпчилиги қорамол, шунингдек қўй ва эчкиларга эга, парранда эса, нисбатан кам боқилади, чўчқа бўлса атиги 0,8 процентга боради. Шу боисдан бизда ҳар бир оилага бутун СССР бўйича олингандагига қараганда анча кўп чорва тўғри келади. Чунончи, республикамиз ёрдамчи хўжаликларида қорамол 25 процент, қўй ва эчкилар 4 процент кўпдир, парранда эса 65 процент ва асалари 3 марта камдир.

Шахсий мулкда чорва сонининг камайиб кетганлиги ва шахсий ёрдамчи хўжаликларда маҳсулот етиштириш суръатлари пасаяётганлиги сабабларидан бири қишлоқ аҳолиси ҳисобига шаҳар аҳолисининг ўсишидир. Масалан, республикамиз шаҳарлари аҳолиси 1970 йилда 4 миллион 322 мингни ташкил этган бўлса, 1979 йилда 6 миллион 350 мингга етди, мамлакат бўйича эса шаҳар аҳолиси 136 миллиондан 164 миллион кишига етди. Шу давр ичида СССРда аҳолининг бир қисми шаҳарда яшашга ўтиши, шунингдек, қишлоқ аҳолиси пунктларининг шаҳарга айлантирилиши натижасида қишлоқ аҳолиси 6,9 миллионга камайди. Ўзбекистонда эса, аксинча, ана шу вақт ичида қишлоқ аҳолиси кўпайди: 7 миллион 477 мингдан 9 миллион 41 мингга етди. Республикамизда чорва асрайдиган оилаларнинг анча кўплиги ҳам ана шундандир.

Колхозчилар ва совхоз ходимларининг ижтимоий хўжаликдан оладиган даромадининг ўсиб бориши шахсий ёрдамчи хўжаликда маҳсулот ишлаб чиқариш суръатларини пасайтирувчи энг муҳим омилдир. Бошқа омил — қишлоқ аҳолисининг умумий таълим тайёргарлиги ўсиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига анча юқори маданий савияга эга янги авлоднинг келишидир. Улар шахсий ёрдамчи хўжаликда бажонидил ишламайдилар.

Шахсий ёрдамчи хўжалик, юқорида таъкидланганидек, ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқариш процессига бевосита киради, яъни у социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари системасига қўшилгандир. Демак, унда сарфланган меҳнат ҳам моддий неъматлар ва қиймат

яратади (маҳсулот товар формасига кирганда) ҳамда унумли меҳнат ҳисобланади.

Адабиётларда шахсий ёрдамчи хўжаликда етиштирилган маҳсулотни зарур ва қўшимча маҳсулотларга бўлиш масаласи тўғрисида мунозара боради. Агар колхозчиларнинг шахсий ёрдамчи хўжалиги тўғрисида гапириладиган бўлса, бу ерда мутлақо муайян тарзда зарур маҳсулот ишлаб чиқарилади. Аммо ишчи ва хизматчиларнинг шахсий ёрдамчи хўжалиги тўғрисида бундай деб бўлмайди, бу ерда яратиладиган маҳсулот даромаднинг қўшимча манбаидир. Чунки ишчи ва хизматчилар зарур маҳсулотни ижтимоий ишлаб чиқаришда яратадилар.

Шахсий ёрдамчи хўжалик алмашув жараёнида ҳам муайян даражада иштирок этади — унда етиштириладиган товар маҳсулотнинг кўпчилик қисми кооператив ва давлат ташкилотлари томонидан реализация қилинади. Шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг жамият билан товар алоқалари бундан буён айни шу йўналишда ривожланиши керак.

Шу билан бирга, товар қишлоқ хўжалик маҳсулоти умумий ҳажмида ёрдамчи хўжаликнинг колхоз бозорида сотилаётган маҳсулоти ҳиссаси нисбатан юқоридир. Бу йирик саноат марказлари яқинида жойлашган шаҳар атрофи ёрдамчи хўжаликлари учун айниқса характерлидир. Бундай жойларда маҳсулотга талаб барқарор ва нарх-наво ҳам юқори даражада тураверади.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасида йил сайин катта муваффақиятларга эришмоқда. Лекин аҳолининг ғалла, гўшт, сут ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа айрим маҳсулот турларига бўлган тобора ўсиб бораётган талаблари ҳали тўла қондирилмаётир. Шу боисдан Ўзбекистонда шахсий ёрдамчи хўжалик муҳим роль ўйнайди. Буни шахсий фойдаланишда бўлган экин майдонлари абсолют ҳажмининг ўсаётганидан ҳам билиш мумкин — бундай майдонлар 1960 йилдаги 80,4 минг гектардан 1978 йилда 116,6 минг гектарга етди, ёки республика умумий экин майдонларига нисбатан олганда 2,6 дан 2,9 процентга кўпайди.

Ўзбекистонда шахсий ёрдамчи хўжалик тасарруфидаги экин майдонларининг структураси қуйидагичадир: энг кўп майдонни сабзавот, картошка ва полиз экинлари ишғол қилади; дуккаклилар, озуқа экинлари ва ғалла камроқ экилади, техника экинлари (асосан, кунгабоқар, тамаки ва бошқалар) жуда оз ўстирилади. Сўнгги йилларда сабзавот-полиз экинлари ва картошка экилаётган майдонларнинг абсолют ҳажми ҳам, шунингдек уларнинг (картошкадан ташқари) салмоғи ҳам ўсмоқда. Шунга мувофиқ деҳқончилик ялпи маҳсулотлари етиштиришда шахсий ёрдамчи хўжалик маҳсулоти ҳиссаси ҳам ўсаётир.

Деҳқончиликда шахсий ёрдамчи хўжаликнинг катта салмоққа эга бўлиши умумиттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекистоннинг пахта етиштиришга ихтисослашиши билан боғлиқдир. Колхоз ва совхозлардаги суғориладиган ерларнинг асосий қисмида пахта, камроқ қисмида бошқа экинлар етиштирилиши туфайли аҳолини деҳқончилик маҳсулотлари билан таъминлашда шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг кўмаги жуда каттадир.

Ўзбекистонда қорамол, парранда ва қуёнга эга бўлган шахсий ёрдамчи хўжаликлар ҳиссаси анча юқоридир. Масалан, етиштириладиган мол гўштининг ярмидан кўпроги ана шу хўжаликлар ҳиссасига тўғри келади. Республикадаги қўй ва эчкиларнинг чорак қисмидан кўпроги аҳоли қўлидадир. Шахсий ёрдамчи хўжаликлар аҳолининг қуён гўштига бўлган талабининг ярмидан ортиғини қондиради. Бинобарин, бу хўжаликларда паррандалар салмоғи камаймоқда, айни вақтда колхоз ва совхозларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда паррандачилик ривожланмоқда.

Агар шахсий ёрдамчи хўжаликнинг яқин истиқболи ҳақида гапирадиган бўлсак, яққол ифодаланадиган қисқариш тенденцияси кўринмайди. Экономистларнинг шахсий ёрдамчи хўжалик маҳсулоти ҳажми стабил бўлган ёки ҳатто ўсган тақдирда ҳам аҳоли даромадларида унинг улуши камайиб бориши хусусидаги фикрлари тўғридир. Бу хулосани статистика маълумотлари ҳам тасдиқлайди: колхозчилар даромадининг умумий суммасида шахсий ёрдамчи хўжаликдан келадиган даромад улуши 1970 йилдаги 30,7 процентдан 1978 йилда 25,2 процентга камайган.

Ривожланган социализм шароитида давлатнинг шахсий ёрдамчи хўжалик билан алоқаси мустаҳкамланаётир. Чунончи, 1978 йилда давлатга сотилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари умумий ҳажмида полиз маҳсулотларининг 49 проценти, сабзавотнинг — 32, жуннинг — 34, қорамол ва парранданинг — 15, терининг қарийб — 70 проценти, мўйна хом ашёсининг 90 процентдан ортиги аҳоли ҳиссасига тўғри келади.

Шундай қилиб, шахсий ёрдамчи хўжалик маҳсулотига зарурат ҳозирча сақланиб қолаверади, чунки ижтимоий ишлаб чиқариш аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ўсиб бораётган талабларини ҳали тўла қондира олмаётир. Бироқ, томорқа ерларидан ва ўз қўлида қорамол сақлаш учун аҳоли эга бўлган имкониятлардан тўла фойдаланилмаётир, ваҳоланки, жамият манфаатлари шахсий ёрдамчи хўжаликни тагин ҳам интенсив юритишни, унда меҳнат унумдорлигини оширишни талаб қилади.

Маълумки, иш вақтини тежаш қонуни кишилар фаолиятининг барча соҳаларида амал қилади ва бу қонун шахсий ёрдамчи хўжаликда ҳам қўл меҳнати сарфини камайтиришни объектив равишда талаб этади. Ана шу мақсадда кичик механизация воситаларидан фойдаланиш керак. Бундай воситаларни кўплаб ишлаб чиқариш ва қўлланиш албатта фақат давлат ёрдами билан амалга оширилади. Ўз навбатида колхоз ва совхозларда кичик габаритли тракторлар, ўзи юрадиган шасси ёки кичик қувватга эга бўлган моторли тележкалар парки ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу шахсий ёрдамчи хўжаликда кўпгина ишларни унумлироқ бажариш, жамоат транспортини норационал юк ташишлардан озод қилиб, улардан колхоз ва совхозларда самаралироқ фойдаланиш имконини берган бўларди. Республикамиз лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари олдида кичик техника комплексини ишлаб чиқиш, планлаштириш органлари олдида эса шундай техникани ишлаб чиқариш учун маблағлар қидириб топиш вазифаси кўндаланг бўлиб турибди. Бу ҳозирги шароитда давлат аҳамиятига эга бўлган ишдир.

Бизнинг назаримизда индивидуал чорвачиликни ривожлантириш учун база яратишда колхозлар, совхозлар ва бошқа давлат ташкилотлари томонидан ёрдамчи хўжаликларга кўрсатиладиган ёрдамни кучайтириш зарур: яъни уларни сермаҳсул зотли моллар билан таъминлаш, молларни боқиш учун жамоат яйловларидан бир қисмини ажратиб бериш, озуқа етиштириш учун участкаларни ишлаб бериш, ўғит сотиш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш керак. Республикада шахсий ёрдамчи хўжаликларга колхозлар, совхозлар ва маҳаллий Советлар томонидан ана шундай ёрдам кўрсатиш тажрибаси бор ва уни кенг ёйса арзийди.

Бундан ташқари, колхозчилар, ишчилар ва хизматчилар шахсий ёрдамчи хўжаликларида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни моддий рағбатлантириш учун нарх-наво системасини такомиллаштириш масаласи пишиб етилган. Қатъий нархларни белгилаб қўйиш, мазкур секторда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қизиқишга зарар етказмаган ҳолда, маҳсулотни қимматлаштириш йўли билан ишламай даромад қилишнинг ҳар қандай имкониятларига чек қўяди. Маълумки,

бундай маҳсулотда ижтимоий меҳнатнинг катта улуши буюмлашган, чунки шахсий ёрдамчи хўжаликда колхозлар ва совхозлар бериб турадиган ёш мол ва паррандадан, шунингдек озуқа, транспорт, ерни ишлаш воситаларидан фойдаланилади. Демак, ёрдамчи хўжаликда етиштирилган маҳсулотни юқори нархларда сотиш ижтимоий меҳнатнинг бир қисмини ўзлаштиришга, асоссиз равишда юқори даромад олинишига сабаб бўлади.

Шахсий ёрдамчи хўжаликларда кўпроқ маҳсулот етиштиришни рағбатлантириш учун уни реализация қилиш шароитларини кескин яхшилаш зарур. Гап шундаки, товарни бозорга олиб келиш учун анчагина пул сарфланади, маҳсулотни сақлашда ноқулайликлар туғилади. Шунингдек, шаҳарга келган шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари вақтинчалик туришга жой тополмай анча қийналишади. Колхозлар, совхозлар ва район ҳамда областларнинг транспорт ташкилотлари маҳсулотни керакли жойга етказиб бериш учун қатъий ҳақ белгилаб, транспорт воситалари ажратиб беришлари мумкин. Бу нарса бозордан жуда узоқда жойлашган хўжаликлар учун айниқса муҳимдир. Шунингдек, колхоз бозорлари яқинида колхоз меҳмонхоналари, омбор ва маҳсулот сақлаш жойлари қуриш учун маблағ қидириб топиш керак. Бу тадбирлар, бир томондан, бозорга колхозчиларнинг келишини кескин кўпайтирган, иккинчи томондан эса, шаҳар аҳолисининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини анча тўлароқ қондиришга кўмаклашган бўларди. Бозорда товарлар кўп бўлса, табиийки, уларнинг нархи ҳам арзонлашади.

Модомики ҳозирги шароитда шахсий ёрдамчи хўжаликнинг мавжуд бўлиши ва ривожланиши объектив зарур экан, бундай хўжаликларни кенг қўллаб-қувватлаётган колхоз ва совхозларнинг энг яхши тажрибасини пропаганда қилиш керак. Бунда фақат тажрибанинг ўзини ёритиш кифоя қилмайди. Область, район миқёсидагина эмас, балки ҳар бир қишлоқда маҳсулотни қаерда, қандай қилиб ишлаб чиқариш кераклиги, план, молия, нарх-наво, моддий жиҳат ва бошқаларга доир барча йўл-йўриқлар тўғрисида илмий асосланган тавсиялар бериш ҳам жуда муҳимдир.

Шахсий ёрдамчи хўжаликларни бошқара оладиган, уларнинг ривожланиш тенденциясини таҳлил қилиб, ишлаб чиқаришини ва бошқа масалаларни планлаштиришини амалда жорий қиладиган хўжалик органлари тузиш зарурлиги тўғрисида матбуотда билдирилаётган фикрлар айни вақтида айтиляпти. Бир қатор бошқа социалистик мамлакатларда шунга ўхшаш тажриба бор.

Шундай қилиб, шахсий ёрдамчи хўжалик мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун, бинобарин, социалистик жамият барча аъзоларининг эҳтиёжларини тобора тўлароқ қондириш учун резервлардан ижтимоий фойдали тарзда фойдаланишни таъминлайди.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВИНИНГ СОЦИАЛ РИВОЖЛАНИШ ПЛАНИ ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1979 йилнинг июлида қабул қилган «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатига таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорида СССР, иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлкалар, областлар, шаҳарлар ҳамда районлар, шунингдек министрликлар, идоралар, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий ҳамда социал ривожланиш давлат планларида социал ривожланиш соҳасидаги бутун комплекс тадбирлар бўйича йиғма бўлимлар бўлиши кўзда тутилган. Уларда ходимларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, малакаси ва касб маҳоратини, аҳолининг умумий таълим ҳамда маданий савиясини ошириш, уларнинг уй-жой ва маданий-маиший шароитини, медицина хизматини яхшилаш тадбирлари ҳамда социал характердаги бошқа тадбирлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, капитал қурилиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш топшириқлари билан бирга қўшиб олиб борилиши ўз ифодасини топиши керак.

Мазкур қарор чиққунга қадар социал ривожланиш соҳасидаги планлаштириладиган барча комплекс тадбирларнинг йиғма бўлимлари бутун халқ хўжалиги ва иттифоқдош республикалар бўйича ишлаб чиқиларди. Кейинчалик, қарорда назарда тутилганидек, социал план шунингдек бошқаришнинг ўрта ва қуйи бўғинларида ҳам тузиладиган бўлади, шундай қилиб социал тадбирлар планли топшириқларда ҳам, хўжалик юритишнинг ҳамма даражаларида уларнинг бажарилишида ҳам илгаридагига қараганда анча кўпроқ ўрин олади. Шуни ҳам айтиш керакки, социал план умумий халқ хўжалик планига қўшимча сифатида эмас, балки ўша план таркибида ишлаб чиқилади.

Маълумки, социалистик жамиятда ҳар бир корхона фақат ишлаб чиқариш ячейкаси сифатида эмас, шунингдек муҳим социал ячейка сифатида ҳам иш кўради. Бу ерда социал планлаштиришдан мақсад шахснинг ҳар томонлама ва уйғун камол топишини тўлароқ таъминлашдан, одамларнинг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришдан иборатдир. Ишлаб чиқариш топшириқларининг муваффақиятли бажарилиши оқибат натижада партия ташкилоти, хўжалик раҳбарлари ва жамоатчиликнинг коллектив меҳнатчилари талаб ва эҳтиёжларига қанчалик ғамхўрлик билан муносабатда бўлишларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ўзбекистонда меҳнат коллективларининг социал ривожланишини планлаштириш борасида катта тажриба орттирилган. Бунга тўққизинчи беш йилликда асос солинди. Ўша йилларда республикамизнинг кўпчилик корхоналари, айниқса Тошкент шаҳри корхоналари шундай планларни тузиб, муваффақиятли амалга ошира бошладилар. «Миконд» заводининг социал-иқтисодий ривожланиш планини Тошкент шаҳар партия комитети намуна сифатида шаҳарнинг барча бошқа коллективларига тавсия этди. Бу завод меҳнатчилари тўққизинчи беш йилликда ишлаб чиқариш ҳажмини 2,5 баравардан зиёд, меҳнат унумдорлигини—1,8 баравар оширишга эришдилар. Бу ютуқлар ўнинчи беш йилликда янги комплекс план тузиш учун мустаҳкам негиз бўлиб у ҳам муваффақиятли бажарилмоқда.

Меҳнат коллективининг социал ривожланиш плани қуйидаги тўрт бўлимни: социал структурадаги ўзгаришлар, корхона ходимлари меҳнат шароитини яхшилаш, фаровонлигини ошириш ва уй-жой ҳамда турмуш шароитини яхшилаш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва уларнинг ижтимоий активлигини ошириш бўлимларини ўз ичига олади.

Планнинг биринчи бўлимида корхона барча меҳнатчиларининг маданий-техник савиясини муттасил ошириб бориш вазифаси қўйилади. Бунда ишчилар ва инженер-техник ходимларни профессионал-техник жиҳатдан тайёрлаш ва малакасини ошириш, уларнинг умумий ва махсус маълумотини ўстириш сингари тадбирлар ўз ифодасини топади.

Фан-техника тараққиёти ютуқлари ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинаётган ҳозирги шароитда юқори малакали иш кучларига ва мутахассисларга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам барча

одимлар малакаси ва умумий билим савиясининг ортиши — объектив заруратдир. Кўпчилик ишчилар ўз малакасини оширадилар ёки ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда умумий ва махсус билим оладилар. Ана шу мақсадда корхоналарда техника таълими бўлимлари, ўқув-ишлаб чиқариш участкалари ва техника адабиётлари кутубхоналари ташкил этилган.

Тошкент трактор заводи тажрибаси коллективнинг социал ривожланиш плани биринчи бўлимининг амалга оширилиши учун мисол бўла олади. 1978 йилда бу ерда 972 киши ишчи касбларига ўқитилди, 1453 ишчи ва 285 инженер-техник ходимлар ўз малакасини оширдилар. Бир-бирига яқин касбларни эгаллаш заводда кўпстанокчилар ва кўпагрегатчилар сонини 1978 йилда 330 кишига кўпайтириш имконини берди. Бир неча касбни қўшиб олиб бориш тадбирларининг жорий этилишидан олинган шартли иқтисодий наф 4,9 минг сўмни ташкил этди.

Ходимларнинг умумий билим даражасини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунончи, Тошкент агрегат заводида бошланғич маълумотга эга бўлган ишчилар улуши 1979 йилда 1975 йилдагига нисбатан 7,2 процентдан 4,3 процентга камайди, 5—7 синф маълумоти бўлган ишчилар эса 19,6 процентдан 11 процентга камайди. Натижада умумий ўрта маълумотга эга ишчилар улуши бу ерда 34,8 процентдан 49 процентгача кўпайди.

Коллективнинг социал ривожланиш планининг иккинчи бўлимига меҳнатнинг санитария-гигиена шароитларини яхшилаш, профилактика, касб ва умумий касалликларни камайтириш сингари тадбирлар киритилади. Корхоналар шу мақсадлар учун йилига ўн минглаб сўм пул ажратади. Масалан, Тошкент агрегат заводида меҳнат шароитини яхшилаш учун сарфланган маблағлар 1978 йилда 167 минг сўмни ташкил этган бўлиб, шундан 50,5 минг сўм бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун, 81,2 минг сўм касалликларнинг олдини олиш учун, 35,7 минг сўм меҳнатнинг умумий шароитини яхшилаш учун сарфланди. 1979 йилда шу мақсадлар учун сарфланган маблағ 159,8 минг сўмни ташкил этди. Юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирларни амалга ошириш натижасида ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили ичида ноқулай шароитларда ишлаётганлар сони заводда 24,5 процент, ишлаб чиқаришда шикастланганлар сони анча камайди; бахтсиз ҳодисалар туфайли йўқотиладиган иш кунлари 24,7 процентга камайди. Янги техникани жорий этиш, ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш умуман ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, меҳнат шароитини яхшилашга, хусусан оғир қўл меҳнати улушини қисқартиришга тўғридан-тўғри таъсир этади. Мана шу тадбирларни амалга ошириш натижасида 1978 йилда Тошкент агрегат заводида, масалан, 115 киши бошқа ишга ўтказилди, бир йилда 200 минг сўмдан ортиқ иқтисодий наф олинди. Бошқа бир мисолни олиб кўрайлик. «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида 1979 йилда УПХ-1,5В маркали модернизация қилинган кўрак чувиш машинасини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу машинанинг иш унуми илгариги конструкциядаги ана шундай машинанинг иш унумига нисбатан 11,2 процент ортди, пахтанинг чиқитга чиқиши 2 марта камайди, машинанинг мустаҳкамлиги 1,3 баравар ортди. Ҳар бир машинадан йилига олинадиган иқтисодий наф 492 сўмни ташкил этди, айни бир вақтда шу машинани ишлаб чиқариш билан банд бўлган ходимларнинг меҳнат шароити яхшиланди.

Ишлаб чиқариш коллективи социал ривожланиш планининг учинчи бўлимини ходимлар фаровонлигини ошириш, уларнинг уй-турмуш шароитларини яхшилашга, жумладан меҳнатни нормалашни, иш ҳақи, моддий ва маънавий рағбатлантириш системаларини такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар ташкил этади. Чунончи, 1978 йилда «Чирчиксельмаш» заводида меҳнатга охирги операцияга қараб ҳақ тўлаш системасини жорий қилиниши натижасида ишбай асосида ишловчилар сони 39,2 процентга етди. Техник жиҳатдан асосланган ишлаб чиқариш нормаларини қўлланиш даражаси завод бўйича 81 процентдан ортиб кетди, бу эса планда мўлжаллланганидан анча кўпдир.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашдан «Чирчиксельмаш» меҳнатчиларининг моддий манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида 1978 йилда 409,3 минг сўм, шу жумладан бир йиллик меҳнат якунига қараб бир йўла бериладиган мукофот учун 220 минг сўм сарфланди.

Ривожланган социализм шароитида жамиятимиз турли группа ва табақаларининг социал-иқтисодий аҳволидаги фарқларнинг йўқолиш процесси тезлашади. Бунга иш ҳақини тартибга солиш орқали ҳам эришилади: ишлаб чиқариш коллективлари ўз социал планларида турли категориядаги ходимлар иш ҳақи даражасини яқинлаштиришни назарда тутадилар. Масалан, Тошкент агрегат заводида ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи (моддий рағбатлантириш фондидан берилган тўловлар ҳам шунга киради) ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили ичида 167 сўмдан 195 сумга кўпайди. Шу давр ичида ишчилар билан инженер-техник ходимлар иш ҳақидаги фарқ 24,4 процентдан 3,4 процентга камайди. Корхоналарнинг мукофот фондлари иш ҳақини бундай яқинлаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Коллектив социал ривожланиш планининг тўртинчи бўлими — шахсни коммунистик руҳда тарбиялаш ва меҳнаткашларнинг ижтимоий активлигини ривожлантириш бўлимида жуда кўп тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади. Турли формалардаги социалистик мусобақаларни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни бошқаришда меҳнаткашлар ролини ошириш, ғоявий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва ҳоказолар ана шулар жумласидандир.

Социалистик мусобақада иштирок этиш— ходимларнинг ишлаб чиқаришдаги активли-

гини ифодаловчи бош кўрсаткичдир. Масалан, Тошкент агрегат заводида меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати кенг ёйилган. Бу ерда коммунистик меҳнат зарбдорлари сони ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили ичида 38 процентга кўпайди, нормани 120 ва ундан ошириб бажараётган ишбай асосида ишлайдиган ишчилар сони 12,2 процентдан 50 процентга етди. Мусобақанинг бошқа формасига — шахсий ва коллектив ижодий планлар бўйича ишлаш формасига ҳам жуда кўп меҳнатчилар жалб этилган. Фақат 1979 йилнинг ўзида шахсий ижодий планларни бажаришдан келган иқтисодий самара 88,2 минг сўмни ташкил этди.

Социал планнинг бу бўлимига ходимларнинг техник ижодиётини ривожлантириш соҳасида амалга ошириладиган тадбирлар ҳам киради. 1979 йилда Тошкент агрегат заводида 220 рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий қилиниб у 137,5 минг сўм иқтисодий наф келтирди. Ўнинчи беш йиллик даврида заводда янги техника бўйича 115 та тадбир жорий қилиниб, у 750 минг сўмни тежаб қолиш имконини берди, меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш юзасидан 65 тадбир жорий қилиниб, 91,2 минг сўм иқтисодий самара олинди. Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти, илмий-техника жамиятлари, доимий ишлаб чиқариш кенгашлари ва бошқа жамоат ижодий ташкилотлари аъзоларининг сони бу ерда йилдан йилга кўпайиб бормоқдаки, бу ҳам ходимлар меҳнат активлигининг муттасил ўсиб бораётганлигини кўрсатади.

Иқтисодий билимларни ўзлаштириш коммунистик тарбияда муҳим ўрин тутади. Тошкент агрегат заводида 678 киши иқтисодий таълим системасига жалб қилинган. Бу корхонада меҳнат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Социал планни амалга ошириш коллективнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, заводда қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш 1979 йилда 1975 йилдагига нисбатан 21,6 процентни, меҳнат унумдорлигининг ўсиши 20 процентни ташкил этди. Агар 1977 йилда юқори категориядаги маҳсулот салмоғи 27 процентга тенг бўлган бўлса, 1979 йилда у 79,3 процентга етди. 695 ишчи маҳсулотни нуқсонсиз тайёрлаш системаси бўйича, 157 ишчи шахсий тамға билан ишламоқда, 167 ишлаб чиқариш илғори аллақачон ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажарди.

1980 йилдан бошлаб, айниқса ўн биринчи беш йилликда ишлаб чиқариш коллективининг социал ривожланиш планини тузишга катта аҳамият берилади. Бунда уни, биринчидан, ишлаб чиқариш плани билан, иккинчидан, район, шаҳар ва умуман тармоқнинг социал ривожланиши билан боғлашга алоҳида эътибор берилади. Бундан ташқари, социал план иқтисодий жиҳатдан таъминланиши керак, яъни бирлашма ёки корхонанинг рентабель ишлашигина уни муваффақиятли бажариш учун моддий асос яратиб беради.

Иқтисодий план билан бир қаторда ишлаб чиқариш коллективининг социал ривожланиш планини беш йилга мўлжаллаб ишлаб чиқиш меҳнат мазмунининг прогрессив томонга ўзгаришига, ходимларнинг билим ва профессионал-малака даражаси ошишига, меҳнаткашлар турмуш шароитининг яхшиланишига ёрдам беради. Буни планли равишда таъминлаш — ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш ва халқ хўжалигида пировард юксак натижаларга эришишнинг муҳим омилидир.

Н. УТКЕЛБОЕВ
тарих фанлари кандидати
Х. АБУЛҚОСИМОВ

ПАРТИЯ ГРУППАСИ

Н. ДУХАНОВ,
Ўзбекистон Компартияси Навоий шаҳар комитетининг биринчи секретари

БЕШ ЙИЛДИРКИ биз КПСС XXV съезди гояларининг кучли таъсири остида яшамоқдамиз ва ишламоқдамиз. Шу давр ичида қўлга киритилган ютуқларни идрок этар эканмиз, хўжалик-сиёсий ва гоявий-тарбиявий вазифаларни ҳал этишда, бутун жамият ҳаётида бошланғич партия ташкилотларининг роли ошганлигини қайд этмасдан бўлмайди. Бу КПСС XXV съездининг партиявий раҳбарлик даражаси бошланғич партия ташкилотларининг қанчалик жанговар ва ташаббускорлик билан ишлашига бевосита боғлиқдир, деган кўрсатмаси бажарилишининг қонуний натижасидир. Улар цех партия ташкилотлари ва партия группалари билан биргаликда КПССнинг кенг тарқалган илдиз системасини ташкил этадилар, нақ халқнинг ичида иш кўрадилар ва ўз ишлари билан партия сиёсати омманинг жонли ижодиёти билан қўшилишига фаол кўмаклашадилар. Пировард натижада барча планларимизнинг муваффақияти меҳнат коллективларида ҳал этиладики, бошланғич партия ташкилотлари уларнинг сиёсий ядросидир.

Ривожланган социализм шароитида партиянинг қуйи бўғинлари — цех ташкилотлари билан партия группаларининг роли ҳам кескин ошиб боради. Ҳар қандай хўжалик-сиёсий, идеологик, тарбиявий вазифаларни ҳал этишда уларга гоят муҳим ўрин ажратилади. Дарҳақиқат, айни партия группаларида коммунистлар ҳаммадан кўра одамларга яқин бўладилар, уларнинг кайфиятлари, қизиқишлари, эҳтиёжлари, имкониятларини чуқурроқ биладилар. Индивидуал иш учун, муайян мақсадга қаратилган кундалик тарбиявий ишни амалга ошириш учун айни шу ерда кенг имконият мавжудлир. Партия группаси коммунистларининг бирлиги, жипслиги нақадар кучли бўлса, улар партия ва ҳукумат қарорларини амалга оширишда нақадар кўпроқ уюшқоқлик ва инчанлик кўрсатсалар, хўжасизликка, интизомнинг бузилишига, ҳар турли суиистеъмолларга нисбатан уларнинг муносабати нақадар принципиал бўлса, тарбиявий иш шу қадар самарали бўлади.

Сўнгги йилларда цех партия ташкилотлари ва партия группаларининг на фақат роли, балки уларнинг сони ҳам ошди. Масалан, Навоий шаҳар партия ташкилотида ҳозир 152 партия группаси бор, бу 1976 йилдагидан қарийб икки баравар кўпдир.

Саноат, қурилиш, транспортнинг кўпгина корхоналарида, шаҳарга хизмат кўрсатиш соҳасида иш кўраётган партия группалари партия структурасининг зарур ва муҳим бўғинига айланди. Улар ташкил этилиши билан бевосита ишлаб чиқариш бўлинмаларида партиявий иш савияси анча юксалди. Одамларни тарбиялаш, қуйи коллективлар-

ни жипслаштириш, план ва мажбуриятларнинг тақдири бевосита ҳал этиладиган жойларда соғлом микроиқлим яратишда уларнинг роли айниқса каттадир. Ишлаб чиқаришда ва ижтимоий ҳаётда коммунистларнинг авангардлик ролини оширищ, меҳнаткашларни тарбиялашга комплекс ёндашишни таъминлаш, ишчи ва хизматчиларни КПСС XXV съезди қарорларини бажаришга сафарбар этиш масалалари партия группаларининг диққат марказида туради.

Коллективдаги ишнинг аҳволига партия группаси қандай таъсир кўрсатиши тўғрисида «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «нитрон» толаси ишлаб чиқариш электр хизмати коммунистларининг ишига қараб фикр юритиш мумкин. Бу ерда тажрибали, ҳамма ишчиларнинг ҳурматига сазовор А. В. Коваленко партия группаси ташкилотчисидир.

У бошчилик қилаётган партия группаси нимани ўзининг асосий вазифаси деб билади? Аввало бу ерда ҳар бир коммунист меҳнатга виждонан, ижодий муносабатда бўлиш, ўртоқларининг ҳожатини чиқариш, коллективизм, камчиликларга муросасизлик намунаси кўрсатишига катта аҳамият бермоқдалар. Электр хизматининг барча коммунистлари — коммунистик меҳнат зарбдорларидирлар, улар доимий партиявий топшириқларни бажарадилар. КПСС аъзолари В. М. Грамолин, Н. Н. Колесовская, В. А. Моторина, Е. Г. Бледнев ва бошқалар В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига социалистик мусобақа ғолиблари деб топилганлар.

Бу ерда партия аъзосининг лабзи ҳалолдир, чунки унинг сўзи билан иши бир, шу фазилати билан обрў орттирган, binобарин, унга қулоқ солишади. Коммунистлар коллектив аъзолари билан индивидуал ишни яхши йўлга қўйганлар, ундаги соғлом, коммунистик ахлоқ принципларига асосланган муносабатларни доимо қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиладилар. Партия группасининг жипслиги, унинг ҳаракатларининг муайян мақсадга қаратилганлиги ва изчиллиги «нитрон» толаси ишлаб чиқаришдаги социалистик мусобақада бошқаларни ўз кетидан эргаштираётган бутун электр хизмати коллективининг муваффақиятини таъминламоқда.

Бинобарин, партия группаси активлик кўрсатаётган ҳамма ерда партиявий таъсирнинг юксак даражада, партия ташкилотларининг омма билан жипс алоқада бўлишига, сезиларли муваффақиятларга эришилмоқда.

Партия группасининг жанговарлигини ошириш йўллари кўп. Партия йиғилишлари унинг ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Йиғилишларнинг кўпчилиги очиқ ўтказилади. Бизнинг назаримизда, бу тўғри ҳам. Ахир маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, мусобақани ривожлантириш, интизомни мустаҳкамлаш масалалари бутун коллективга тааллуқлидир. Ҳар бир кишининг фикрини ҳисобга олиш керак. Катта коллективда бу осон эмас, партия группасида эса фақат шундай қилиш керак.

Партиянинг бой ташкилотчилик ва сиёсий тажрибаси: муваффақият қозонишнинг энг тўғри йўли — одамлар билан, ҳар бир киши билан алоҳида-алоҳида ишлаш, деб таълим беради. Бунинг мураккаблиги шундаки, одамларга қандай ёрдам бермоқ, уларда юксак самимий бир кайфият яратмоқ учун уларнинг майлини, қобилиятини, эҳтиёжларини ўрганмоқ лозим.

Маълумки, ҳар бир кишига индивидуал муносабатда бўлинган, ижтимоий иш тўғри тақсимланган ерда ташаббус муваффақиятли ривожланади. Партиявий топшириқларни ахтаришга тўғри келмайди, аниқ пайтда ҳамма нарсадан кўра нима муҳимроқ эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатади. «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги партия группалари ишини таҳлил этар эканмиз, биз шу нарсага эътиборни

қаратдикки, бу ерда партиявий топшириқлар асосан бригада ва участкаларда социалистик мусобақани ташкил этиш, янги техникани ва илғор тажрибани жорий қилиш, маҳсулот сифатини ошириш, мураббийликни, рационализаторлик ва ихтирочиликни ривожлантириш билан боғлиқ экан. Коммунистларнинг каттагина қисми партиявий топшириқларни бажарар эканлар, оммавий-сиёсий ишда, касаба союзлари, Советлар фаолиятида ва бошқаларда қатнашадилар. Биргалашиб қилинган ишда, ижтимоий ишда одамларнинг характери, уларнинг хусусиятлари энг тўла намоён бўлади, улар эътиқодининг мустаҳкамлиги синовдан ўтади. Бир коммунист — иродали, тиришқоқ, бой ишлаб чиқариш тажрибасига эга. Бошқа бири — юваш, вазмин, тортинчоқ. Ҳар кимнинг ўз қарашлари, одатлари ва ҳаракат усуллари бор. Коммунистга ўз қобилиятларини кўрсатиш ва ривожлантириш имкониятини бермоқ учун партия группасининг ташкилотчиси буларнинг барини билмоги муҳимдир.

«Югпроммонтаж» тресги механизация бошқармаси қурилиш машиналари ва механизмлари участкаси партия группасининг етакчиси Карим Заринов айни шунга интилади. Группадаги 9 аъзонинг ҳаммасида партиявий топшириқ бор.

Партия группаси ташкилотчиси ҳар бир топшириқ коммунистга ёқиши ва унинг қўлидан келадиган бўлиши тўғрисида қайғуради. Лекин хатолар ҳам бўлиб туради. Бир куни партия аъзоларидан бирига кўчма кутубхона иши билан шуғулланиш таклиф этилди. У ишга киришдию, аммо... кўчма кутубхона иши оқсаб қолди. Партия группаси ташкилотчиси буни пайқаб, у одамни агитация ишида синаб кўрмоқчи бўлди. Бу ишда у ўзини кўрсатди, яхшигина агитатор эканлиги маълум бўлди. Кутубхонани бошқаришни эса автокран машинисти, китоб шайдоси Л. Е. Демьяненкога топширишди. Тракторчи И. Н. Васильевнинг партиявий топшириғи — илғор тажрибани ёйишдир: участкада ойига икки марта машғулот ўтказилади, уларда энг яхши ишчилар ўз тажрибалари билан ўртоқлашадилар.

Группада партиявий топшириқларга жуда масъулият билан қаралади. Бу ерда текшириш пухта йўлга қўйилган — ахир ҳар бир киши ҳамманинг кўз ўнгида. Йиғилишларда КПСС аъзоларининг қилинган иш тўғрисидаги ҳисоботлари мунтазам равишда эшитиб турилади. Участка коллективи ҳаётида коммунистларнинг фаол қатнашуви группанинг обрўсини оширмоқда. Ҳамма ишчилар, мастерлар, участка раҳбарлари унинг гапига қулоқ солишади.

Социалистик мусобақани ташкил этиш, унинг тарбиявий имкониятларидан тўла фойдаланиш ишида партия группалари учун кенг фаолият майдони очилади. Бу ҳозир, КПСС XXVI съездига тайёргарлик даврида айниқса муҳим аҳамият касб этади. Партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС МКнинг 1980 йилдаги июнь Пленумида қилган докладида шундай деди: «Янги съездга тайёргарлик кўриш — ҳам коммунистлар, ҳам партиясизларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини юксалтиришнинг қудратли воситасидир... Шуни таъкидлаш лозимки, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили планини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун, ишга тушириладиган объектларни ўз вақтида топшириш, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили — 1981 йилда халқ хўжалигининг барқарор ишлашини таъминлаш учун бутун куч-ғайратни ишга солиш керак. Ўз-ўзидан равшанки, бу ўринда съезд шарафига социалистик мусобақа ўз ролини ўйнаши лозим». Биз ўртоқ Л. И. Брежневнинг фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигининг муттасил ўсишини таъминлаш тўғрисида бундан буён ҳам ўйлашимиз лозимлиги тўғрисидаги кўрсатмасини доимо назар-эътиборда тутишимиз керак.

Шундай ишлаш керакки, ҳар бир корхона, қурилиш, ҳар бир колхоз ва совхоз, ҳар бир район ва шаҳар, ҳар бир область беш йиллик топшириғини бажарганлиги тўғрисида партияга, Ватанга, КПСС XXVI съездига ёруғ юз билан рапорт берсин — республика партия активининг 1980 йил 7 июлда бўлиб ўтган йиғилишн, КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг шу йиғилишда қилган доклади Ўзбекистон меҳнаткашларини ана шунга даъват этди. Ўртоқ Ш. Р. Рашидов ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилидаги асосий вазифани белгилаб берар экан, ҳар бир коллективда, ҳар бир тармоқда планларнинг сўзсиз бажарилиши соҳасидаги конкрет вазифаларни аниқлаб олиш зарурлигини кўрсатиб ўтди. 1980 йил топшириқларини Октябрнинг 63 йиллигигача бажариш мажбуриятини олган Москва меҳнаткашларининг ватанпарварлик ташаббуси бу жиҳатдан ҳаммага намунадир. Ўртоқ Ш. Р. Рашидов ана шу олижаноб ташаббусни кенг қўллаб-қувватлаш ва ёйишни тавсия этди. Беш йиллик карвонбошиларининг (Навоий шаҳар коллективлари ҳам шулар жумласидандир) тажрибаси халқнинг ижодий ташаббуси замиридаги улкан имкониятлардан далолат беради. Бу имкониятларни тўла рўёбга чиқариш учун халқ хўжалигига партиявий раҳбарликни, жумладан партия группалари даражасида бундан буён ҳам яхшилаш муҳимдир.

Шу муносабат билан СССР 50 йиллиги номидаги ремонт-механика заводи механика-йиғув цехининг слесарлик участкаси коллективида иш кўраётган партия группасини мисолга олиш мумкин. У — корхонанинг коммунистик меҳнат коллективи номини олган илғор бўлинмаларидан биридир. Партия группаси саккиз коммунистдан иборат бўлиб, улар ташаббускор, принципиал, ихтисосни мукаммал эгаллаган кишилардир. Уларнинг ҳар қайсиси ҳамиша энг оғир бўлган, энг кўп куч, ишжоат, сафарбарлик талаб этадиган жойларда ишлашади. Партия группасининг ташкилотчиси В. М. Мацов, КПСС аъзолари М. Ф Акиньшин, Ш. С. Тонкаев заводда «Беш йилликни муддатидан аввал бажарамиз» шиори остидаги социалистик мусобақанинг ташаббускорлари бўлишди. Участка коммунистлари ўзлари юксак меҳнат унумдорлигига эришиб, бутун коллективни энг яхши сон ва сифат кўрсаткичлари учун курашга жалб қила олдилар. Партия группаси кишилар олдига катта мақсадларни қўйиб, барча ишчиларни ана шу мақсадлар теварагига жипслаштирди, ҳар бир кишида ўртоғининг ҳожатини чиқариш, социалистик мулкни тежаб-тергаш, ишни яхшилашдан манфаатдорлик туйғусини тарбиялади. Коммунистлар мусобақага раҳбарлик қилишда ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС МКнинг 1978 йилдаги ноябрь Пленумида сўзлаган нутқидаги кўрсатмасини дастуриламал қилиб олдилар: «В. И. Ленин бизни имкони борича кўпроқ ишчанликка, конкретликка, оперативликка ўргатган эди. Хўжалик, ташкилий иш ва шу билан бирга кўп даражада оммавий-сиёсий, мафкуравий иш ҳам шу талабларга мувофиқ бўлиши керак».

Участкада меҳнат борасидаги беллашув партия группасига кўпгина вазифаларни — ҳам хўжалик соҳасидаги, ҳам тарбиявий вазифаларни бажаришга ёрдам бераётган асосий ишга айланди. Бу вазифалар комплекс тарзда ҳал этилмоқда, албатта. Масалан, граждашлик масъулиятини ошириш каби масалани олайлик. Идеология фаолияти соҳасига киритилиши лозим бўлган бу проблеманинг экономикага дахли борми? Шубҳасиз, дахли бор. Инсоннинг онги нақадар юқори бўлса, у меҳнатда ўзини шу қадар фаолроқ кўрсатади. Хўжалик кўрсаткичлари умуман меҳнат коллективининг ва унинг алоҳида аъзоларининг гражданлик етуклиги даражасига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шунга кўра ҳар бир меҳнатчининг кундалик иши, хулқ-атвори, ижтимоий топшириқларни бажариши давлат манфаатлари билан чамбарчас боғ-

лиқ эканлигини, «меники» ва «бизники» деган тушунчалар социалистик жамиятда узвий тарзда бир-бири билан бирикиб кетганлигини англаб олишига ёрдам бериш партия группасининг бурчидир.

Партия группаси сиёсий-тарбиявий, меҳнат ва ахлоқий тарбия вазифаларини комплекс ҳал этиш учун катта имкониятларга эга. Одамлар билан якка тартибда иш олиб бориш унинг воситалари хазинасида алоҳида ўринни ишғол қилади. Партия группаси ҳар бир кишига ўзининг билими ва интилишларини социал практика билан боғлашига ёрдам беради, яъни актив ҳаётий позициянинг негизи бўлган чуқур ғоявий эътиқоднинг шаклланишига кўмаклашади.

Ҳар турли ижтимоий тадбирлар: тематик кечалар, суҳбатлар ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эгадир, булар албатта жонли, очиқ характерда бўлиши лозимки, турмушда катта тажрибага эга бўлмаган ва баъзан мураккаб масалаларнинг тагига мустақил ета олмайдиган ёшлар бунга айниқса муҳтождир.

Б. М. Мацов бошчилик қилаётган партия группаси партия йиғилишларига катта ўрин беради. Йиғилишларда жуда хилма-хил масалалар ҳал этилади, улар кишиларни тарбиялашнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилади. Чунончи, участка коммунистлари биргаликда йиғилишлар ва одатда партиясизларни бунга таклиф этар эканлар, мусобақани қандай қилиб яхши ташкил этиш, металл, энергия ресурсларини кўпроқ тежаш учун нималар қилиш, иш вақтидан қандай оқилона фойдаланиш кераклиги тўғрисида кўп марта маслаҳатлашдилар. Улар турмушда теварак-атрофдагилар билан ўзаро муносабатларда партия аъзосининг хулқ-атвори қандайлиги, коммунистнинг орномуси ва қадр-қиммати каби масалаларни муҳокама қилишни ҳам фойдали, зарур деб ҳисоблайдилар.

Слесарлик участкаси беш йилликни уч йил-у саккиз ойда бажарганлигини партия группасининг ана шу кўп қиррали, мароқли ишининг натижаси деб ҳисоблаш мумкин.

Биз шаҳар партия ташкилотимизда бундай группалар мумкин қадар кўпроқ бўлиши учун курашмоқдамиз. Улардан ҳар бирининг қўшган ҳиссаси умумий муваффақиятни таъминлайди. Шу муносабат билан яна бир муҳим омилга тўхтаб ўтмоқчи эдим, бу омил воситасида партия группаси коллективдаги ишларнинг аҳволига таъсир кўрсатиши мумкин. Касаба союзи ва комсомол группаларига ўз вазифаларини яхши бажаришда, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини янада ошириш учун ўзларига берилган ҳуқуқдан тўлароқ фойдаланишда, планларни бажариш, интизомни мустаҳкамлаш, меҳнаткашларни юксак ғоявийлик, меҳнатга ва социалистик мулкка коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашда ёрдам бериш партия группаларининг вазифасидир. Партия группаси жамоат ташкилотларининг қуйи бўғинларига асосий йўлланмани бериб туради, улар ўз ташаббусларини, меҳнаткашлар активлигини бундан буён ҳам ривожлантиришларига диққат-эътиборни тортади.

Аҳолисининг ўртача ёши 28 ёш бўлган Навоийдек шаҳарда ёшларни тарбиялаш соҳасида партия ташкилотларининг фаолияти жуда муҳим аҳамиятга моликдир. Шу боисдан бизда мураббийлик кенг ёйилди. Ўртоқ Л. И. Брежнев ВЛКСМ XVII съездида сўзлаган нутқида бу ҳаракатга баҳо бериб шундай деган эди: «Ишчилар синфи орасида янги ажойиб ҳаракат — ёш ишчиларга мураббийлик қилиш ҳаракати вужудга келди. Мураббийлар — юксак маҳорат эгаси бўлган, турмуш тажрибасига бой, доимий ишчи кадрлардир, айтишим мумкинки, улар талантли педагоглардир. Улар ўз ҳоҳишлари билан, дил амрига қулоқ солиб, ёшларни меҳнатсевар бўлишга, моҳирликка ўргатмоқдалар, бизнинг шонли ишчилар синфининг қаҳрамонлик традицияларн асосида тарбияламоқдалар.

...Мураббийлар ҳаракати оммавий ҳаракатга айланишини мамлакатнинг ҳамма бурчакларини, ҳамма заводлар, фабрикалар, шахталар, руда конлари, қурилишлар, колхозлар ва совхозларни қамраб олишини истар эдик».

Партия группалари бу ҳаракатни ривожлантиришга жиддий ҳисса қўшмоқдалар. Кишиларни яхшироқ билиш партия группаси коммунистларига ёшларнинг мураббийларини танлашда хатоларга йўл қўймасликка ёрдам беради. Мураббийлар кўпинча васийлар билан якка тартибда ишлашни қандай яхшироқ йўлга қўйиш тўғрисида маслаҳат сўраб партия группаси ташкилотчиларига мурожаат қилиб турадилар. Шундай ҳоллар бўладики, партия группаси тарбиячи билан биргаликда тақдири қийин кечган, мураккаб характерли ўсмирнинг кўнглига йўл топишни излайди, унинг турмушда оёққа маҳкам туриб олишига ёрдам беради. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, партия группалари мураббийларга доимо ёрдам кўрсатиб турган, уларнинг ишлари билан қизиққан жойларда ёшларга фақат юксак профессионал маҳоратни ўргатиб, ўз ишига меҳр уйғотибгина қолмай, балки мустақил йўлга қадам қўяётганларнинг хатоларга, ножўя хатти-ҳаракатларга йўл қўйишларининг олди олинади, уларнинг ғоявий ва ахлоқий позициялари мустаҳкамланишига эришилади.

Шаҳарнинг кўпгина корхоналарида, масалан, «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида мураббийликни ривожлантиришга шундай ёндашилмоқда. Коммунистларнинг ёш авлод тўғрисидаги чинакам оталарча ғамхўрлиги бу ёшлар коллективини мустаҳкамламоқда, унинг кучга тўлишига, маънавий ва ахлоқий камол топишига, меҳнат соҳасидаги муваффақиятларига кўмаклашмоқда. Бу ерда партия группалари мураббийларни пухта танлайди, уларга қандай ёрдам бериш, уларнинг ишини қандай такомиллаштириш тўғрисида ўйлайди.

Кадр ишчилардан Г. Галиуллин, В. С. Кремнева, Л. Г. Корнеева ва бошқа мураббийлар янги ишчиларни тарбиялаш ишига кўп куч ва ғайрат сарфламоқдалар. Улар ёшларни айниқса ром этадиган фазилатларга эгалар — ишни аъло даражада биладилар ва бой ҳаётий тажриба орттирганлар. Мураббийлар ёш ишчиларга маҳорат сирларини қунт, изчиллик билан ўргатмоқдалар, уларга меҳнатсеварликни, планнинг тақдири учун, коллективнинг умумий муваффақияти учун масъулият ҳиссини сингдирмоқдалар. Оғалар ғамхўрлиги ишлаб чиқаришнинг ўзи билангина чекланмайди, улар йигит ва қизлар бўш вақтларини қандай ўтказишлари, нималарни ҳавас қилишлари, комсомол ташкилоти ишида, ижтимоий ишларда қандай иштирок этишлари билан қизиқадилар. Табиийки, ёшлар мураббийларга интиладилар, ўзларининг қувонч ва ташвишларини уларга айтадилар, улардан ибрат оладилар.

Агар Г. Галиуллин корхонада 9 йил ишлаш давомида ўттиз нафар, В. С. Кремнева — 12, Л. Г. Корнеева — 10 нафар ёш ишчига меҳнат ҳаёти йўлланмасини берган бўлса, мураббийларнинг ҳиссасини нима билан ўлчаш мумкин?

Партия группаси билан участка, смена, бригада раҳбари ўртасидаги амалий алоқалар, ўзаро тўғри муносабатлар кишиларни тарбиялашга, коллективда дўстона ижодий муҳитни яратишга кўп жиҳатдан ёрдам беради. Шаҳарнинг партия группалари КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари ишлаб чиқариш участкалари мастерларининг ролини ошириш тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қила бориб, мастерларнинг обрў-эътибори ошишига ҳар қанақасига кўмаклашмоқдалар, уларга ёрдам бериб, қўллаб-қувватламоқдалар.

Партия группасининг фаолиятини партияга қабул қилиш учун одамлар танлашда уларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Партияни ўстириш, унинг сифат составини яхшилаш масалаларига КПСС XXV съезди катта эътибор берганлиги маълум. Съезднинг йўл-йўриқлари КПСС МКнинг «Қирғизистон партия ташкилотларининг партияга қабул қилиш ва КПСС аъзолигига кандидатларни тарбиялаш соҳасидаги иши тўғрисида»ги қарорида ривожлантирилди.

Партияга қабул қилинадиганларни танлаш бошланғич партия ташкилотлари ғоявий-тарбиявий ва ташкилотчилик фаолияти асосида олиб борилмоқда. Бу ишда партия группалари муҳим роль ўйнамоқдалар — улар биринчи навбатда партиясиз актив билан алоқани кенгайтирмоқдалар ва мустаҳкамламоқдалар, кишиларнинг сиёсий, амалий ва ахлоқий хислатларини ўрганиш учун уларнинг имкониятлари катта. КПССга қабул қилиш масалалари дастлаб группанинг очиқ партия йиғилишида муҳокама қилиниши қсида тусига кириб қолди ва бу йиғилишларда айтилган фикрларга кейинчалик кандидатурани муҳокама қилиш вақтида катта аҳамият берилмоқда. Партия группалари ёш коммунистларни тарбиялашда ҳам фаол қатнашиб, умумий сафда уларнинг ўз ўрнини белгилаб олишига ёрдам бермоқдалар.

Турли коллективларда кўпинча: «Бу партия группамиз ташкилотчисининг иши. У одамохун киши» . Ёки: «Партия группамиз ташкилотчиси ором билмайдиган, одил киши. Энг қийин масалада ҳам адашмайди у», деган гапларни эшитиш мумкин. Коммунистлар ҳам, партиясизлар ҳам ҳурмат қиладиган ва қўллаб-қувватлайдиган шундай етакчилар орасида «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида Х. Х. Абдураҳмонов, Л. М. Супик, А. К. Мезелев, ремонт-механика заводида Л. Б. Миролюбов, Л. А. Бокоенко ва кўпгина бошқа кишилар бор.

Ремонт-механика заводининг қуюв цехида партия группасининг ташкилотчиси Н. И. Денисюк ўз ишини маҳорат билан ташкил этмоқда. У юқори малакали мастер бўлиб, ўзининг шахсий ибрати билан ўртоқларини қизиқтирмоқда, юксак унумдор меҳнат қилиш учун курашга сафарбар этмоқда. Одамларга талабчан ва айни вақтда меҳрибон бу киши коллективда дўстона иш ва ижодий изланиш, меҳнат натижаларидан ҳамманинг манфаатдорлиги муҳитини яратишга ҳаракат қилмоқда. Н. И. Денисюк ўз вақтини шундай тақсимлайдики, бунинг натижасида на ишлаб чиқаришга, на ижтимоий ишларга путур етади. Партия группасида йиғилишлар мунтазам ўтиб туради, коммунистларнинг бари корхона илғори, активистлардир.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шаҳар партия ташкилотлари группа ташкилотчиси лавозимига сиёсий етук, иш кўзини биладиган, кишиларни олдинда турган вазифаларни бажаришга сафарбар эта оладиган энг яхши коммунистлар кўтарилишига интилмоқда. Одатда улар етакчи касбдаги ишчилардан, мутахассислардан сайланадилар. Масалан, бизда партия группаси ташкилотчилари орасида 50 процентга яқин киши ишчилар, 39 проценти — инженер-техник ходимлардир. Уларнинг аксар кўпчилиги олий ва ўрта маълумотга, каттагина ишлаб чиқариш стажига эгадирлар. Шу нарса характерлики, уларнинг орасида КПССда 10 йилдан зиёд аъзо бўлган кишилар кўпчиликни ташкил этади, лекин партия стажи 5 йилгача бўлган ёш коммунистлар ҳам оз эмас.

Сўнгги йилларда шаҳар партия ташкилотида партия группаларига раҳбарлик ишида муайян система таркиб топди. Цех партия бюросининг аъзолари уларга бириктириб қўйилди. Партия комитетлари ўз мажлисларида группалардаги ишларнинг аҳволини мунтазам таҳлил этиб турадилар, партия группаси ташкилотчиларининг ҳисоботларини эшитадилар, уларга йўл кўрсатадилар, уларнинг ўқувини ташкил этадилар. Чунончи, «Навоиазот» бирлашмасининг методика кенгаши уларнинг орасида анкета тарқатиб ҳамда уларнинг жавоблари,

мулоҳазалари ва таклифларини ҳисобга олиб партия группаси ташкилотчилари мактаблари машғулотлари планини тузиб чиқди.

Партия группаларига раҳбарлик формалари орасида партия бюроси, партком мажлисларида, шаҳар партия комитети бюросида ҳисоботларни муҳокама қилиш тажрибаси ўзини жуда оқлади. Одатда умумий тарзда эмас, балки конкрет бир масала юзасидан ҳисобот берилади. Масалан, ГРЭС партия комитети мажлисида иссиқлик автоматикаси ва ўлчаш цехи партия группасининг сменалар коллективларида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш соҳасидаги иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Партком аъзолари олдиндан партия группасининг бу соҳадаги фаолиятини ўрганиб чиқдилар, кўпгина коммунистлар, сменаларнинг раҳбарлари билан суҳбатлашдилар, цехдаги меҳнат интизомининг аҳволини таҳлил қилдилар. Шу нарса маълум бўлдики, партия группалари бир қатор ҳолларда интизомни бузувчилар билан якка тартибда иш олиб бориши билан чекланиб, коллективнинг тарбиявий кучидан тўла фойдаланмас, салбий ҳодисаларнинг сабабларини ҳамиша ҳам пухта ўрганмас эканлар. Ана шундай текширишдан кейин партком мажлисида масала чуқур, жиддий муҳокама қилинди, қабул қилинган қарор эса корхонанинг партия группаларига меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун курашда ўз ролини белгилаб олишларида жиддий ёрдам берди.

Биз партия ташкилотлари структурасини такомиллаштиришга катта эътибор бермоқдамиз. Бунда шу нарсага амал қилмоқдамизки, партия группаларининг афзаллиги улар тўғри ташкил этилган, партия ташкилотининг структураси умуман ишлаб чиқаришнинг хусусиятларини ҳисобга олган тақдирда намоён бўлади. Группаларни ташкил этиш вақтида асосий талабни унутмаслик муҳимдир — коммунистлар бир ишлаб чиқариш топшириғи, умумий манфаатлар билан боғлиқ бўлишлари керак, токи келиб чиқадиган масалаларни оператив ҳал этиш, у ёки бу воқеага тезда муносабат билдириш мумкин бўлсин.

Партия группаларининг фаолияти доимо шаҳар партия комитетининг назар-эътиборидадир. Шаҳар комитети бюросида ҳар йили партия группаларига дахлдор бир нечта масала муҳокама қилинади.

Шаҳар комитетининг ҳар бир ходими олдига шундай вазифа қўйилади: у корхоналарда бўлганида партия группалари билан албатта учрашиши, уларнинг ўй-фикрлари, коммунистлар жой-жойига тўғри қўйилгани билан қизиқиши керак. Бошқача қилиб айтганда, уларни ўргатиши ва улардан ўрганиши лозим. Шу муносабат билан энг яхши партия группалари иш тажрибасини умумлаштириш ва ёйиш катта аҳамиятга молик.

Партия группалари фаолиятини такомиллаштириш иши — жонли, ижодий иш бўлиб, у юзага келадиган проблемаларга доимо эътибор беришни талаб қилади. Хўш, энг кўп тарқалган нуқсонлар қандай? Баъзи партия группалари коммунистлар ва партиясизлар билан кундалик иш олиб бориш ўрнига турли масалалар юзасидан бригадирлар, мастерларнинг ҳисоботларини эшитадилар, ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги нуқсонларга ҳамиша ҳам ўз вақтида ва жиддий муносабат билдиравермайдилар, меҳнат шароитини яхшилаш учун етарлича курашмайдилар. Ана шу ва бир қатор бошқа нуқсонларни бартараф этишга биринчи навбатда партия группалари коммунистлари куч-ғайратини жалб этиш керак.

Айниқса энди қурилаётган, ўсиб келаётган корхоналарда одамлар билан ишлашнинг керакли формалари ҳали ҳам ҳамма ерда топилган деб бўлмайди. Лекин изланиш давом этмоқда, партия группалари мустаҳкамланмоқда, коллективларда тобора таъсирли кучга айланиб бормоқда.

ИДЕОЛОГИЯ, ФАН, МАДАНИЯТ

МЕҲНАТНИНГ СИФАТИ ВА ШАХСНИНГ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИ

В. ҚАНДИНОВ,
философия фанлари кандидати

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ - идеология ишининг энг мураккаб соҳаларидан бири бўлиб, КПССнинг кундалик фаолиятида муҳим ўрин тутади. Бу проблема коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида, яъни ривожланган социализм экономикасида юз бераётган принципиал ўзгаришлар, меҳнатнинг характеридаги ва уни ташкил этишдаги чуқур силжишлар, асосий эътиборнинг хўжалик юритиш интенсив методларига қаратилиши ишлаб чиқаришда ахлоқий факторнинг ролини кескин ошириб юборган ҳозирги босқичда алоҳида аҳамият касб этди.

Маълумки, маънавий муносабатлар ахлоқнинг энг муҳим элементи бўлиб, хилма-хил ижтимоий муносабатлар билан қўшилиб кетади ва шу сабабли уларни «соф ҳолида» учратиб бўлмайди. Улар социализм даврида иқтисодий муносабатларнинг асосий шарти бўлиб қолди, шу билан бирга хўжалик проблемалари мураккаблашган сари бу алоқа чуқурлашиб, ҳамма соҳани қамраб олмоқда.

Агар илгари меҳнат натижалари асосан миқдор кўрсаткичларига боғлиқ бўлган бўлса, ҳозир ишлаб чиқариш одамдан нормаларни бажаришни ҳам, яхши сифатли маҳсулот чиқаришни ҳам, бир текис ишлашни ҳам, технологияга қатъий риоя қилишни ҳам, материалларни тежаб-тергаб сарфлашни ҳам, техникани авайлашни ҳам, яъни юқори сифатли меҳнат учун зарур бўлган ҳамма ишни қилишни талаб этмоқда. Бундай вазиятда ходимнинг ишда ўзини қандай тутишини назорат қилиб бориш анча мушкул бўлиб, баъзан эса кутган самарани бермайди.

Масалан, ишлаб чиқаришнинг ҳозирги вақтда кенг тарқалган, хўжалик фаолиятини кооперациялаш ва ихтисослаштириш тобора кучайиб бораётган бир шароитда ривожланаётган оммавий-поток усулини олайлик. Бунда меҳнат пировард натижасининг сифати кўп кишиларга боғлиқ бўлиб, ижрочилардан бирининг хатоси ёки масъулиятсизлиги ишлаб чиқаришда катта зарар келтириши мумкин. Агар оммавий-поток усулда ишлаб чиқариш энг «эгасиз» ишлаб чиқариш эканлигини ҳисобга олсак, у ҳолда бундай ишлаб чиқариш шароитида одам минут сайин бир қарорга келиши, бу қарорларни ҳамма вақт ҳам ташқаридан туриб ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан баҳолаш мумкин эмаслиги аён бўлади.

Шуни таъкидлаш кераки, кейинги йилларда партия ва ҳукумат томонидан кўрилган бир қанча амалий чора-тадбирлар туфайли хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ўстиришга таъсири анча кучайди. Шунга қарамай, баҳоловчи иқтисодий кўрсаткичлар ва нормативлар ҳар қанча мукаммал бўлса-да, улар планларнинг тиғизлилиги, ишлаб чиқариш нормаларини ошириб

бажариш, хом ашё ва материалларни тежаш, маҳсулотни арзонлаштириш, янги гоялар ва режаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, хўжалик шартномаларига риоя этиш проблемаларини охиригача ҳал қила олмайди, бошқача қилиб айтганда, ҳозирги вақтда «юқори сифатли иш» тушунчасини белгилайдиган ҳамма нарсани ҳисобга ололмайди. Бунинг ҳеч бир ажабланарли ери йўқ, чунки хўжалик ҳаёти идеал, уйгун ишлаб турадиган механизм эмас, биронта ҳам иқтисодий кўрсаткич, биронта ҳам ҳуқуқий норма майда-чуйда нарсаларнинг ҳаммасини назарда тутишга, хўжалик фаолиятининг ҳамма икир-чикирларини ҳисобга олиш ва олдиндан кўришга, ижрочининг ҳар бир хатти-ҳаракатини регламентга солишга қодир эмас.

Шунинг учун ҳам бунда шахснинг бажарилаётган ишнинг сифати учун бутун масъулиятни ўз зиммасига олишга маънавий жиҳатдан тайёр бўлиши катта ўрин тутади. «Самарадорлик ва сифатни оширин вазифаси,— дейилган эди КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косыгининнинг КПСС XXV съездидаги докладида,— фақат техникавий ва иқтисодий вазифа бўлиб қолмай, социал, идеологик вазифа ҳамдир. Бу вазифа совет жамиятининг бундан буёнги тараққиёт жараёнида ҳам ҳал этилади».

Меҳнатнинг сифати учун кураш шахснинг маънавий жиҳатдан мустаҳкам бўлиши ҳақида юксак талаблар қўйиш билан бирга, совет кишиларида коммунистик эътиқод ва ахлоқни янада шакллантириш учун ғоят қулай шароитлар яратиб беради. Бу фикрнинг ҳаққонийлиги меҳнатнинг сифати категориясининг мазмунидан келиб чиқади; бу категория мураккаб социал-иқтисодий феномендир. Уни баҳолашда конкрет ишлаб чиқариш усулидан абстракциялаштириш истисно этилади, чунки бундай қилиш монополияларнинг максимал фойда олишини таъминлашгагина қаратилган «нуль дефектлар» типидаги турли буржуача сифатни бошқариш программаларининг эксплуататорлик моҳиятини ниқоблашга олиб бориши мумкин.

Социализм даврида меҳнатнинг сифати фақат унинг мураккаблик даражаси, интенсивлиги, унумдорлиги, халқ хўжалигидаги аҳамияти билангина ўлчанмайди. Бу ўринда инсоннинг буюмлашган моҳияти бўлган маҳсулот сифати мезон вазифасини ўтайди. Шуни ҳисобга олиш зарурки, маҳсулотнинг сифати фақат истеъмол қийматигина бўлиб эмас, балки одамлар онгига таъсир кўрсатишнинг самарали воситаси ҳам бўлиб майдонга чиқади, чунки «буюмларнинг кўпчилик қисми инсон руҳининг эҳтиёжларини қондирганлиги учун ҳам қийматга эга бўлади» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 23-том, 43-бет).

Бу нарсанинг аҳамияти, салмоги социализм билан капитализм ўртасидаги идеология кураши кескин тус олган, ижтимоий ҳаёт тобора интернационаллашиб бораётган, мамлакатлар ўртасидаги савдо муносабатлари кенгаяётган ҳозирги вақтда айниқса ортмоқда. Совет маҳсулотининг сифати, у программа билан бошқариладиган станоклар бўладими, пахта териш машиналари, истеъмол моллари бўладими ёки хизмат кўрсатиш соҳаси бўладими, бари бир ҳаммадан яхши бўлиши керак. Бу совет кишисида ўз Ватани билан, халқимизнинг меҳнати билан фахрланиш ҳиссини мустаҳкамлайди, унинг социализм афзалликларига ишонч билан қарашига асос бўлиб хизмат қилади.

Бироқ, меҳнатнинг сифатини ўлчаш вақтида маҳсулот сифатининг роли қанчалик муҳим бўлмасин, бу икки категорияни бараварлаштириб қўйиш нотўгри бўлур эди. Меҳнатнинг сифати натурал-буюм кўрсаткичигина бўлиб қолмай, балки одамнинг социал етуклигини кўрсатувчи, унинг маънавий фазилатлари, ҳаётни тушуниши, дунёқараши ҳақида фикр юритиш имконини берувчи сезгир индикатор ҳамдир.

Юқори сифатли меҳнат истеъмол қилиниш хусусияти юксак бўлган, мустаҳкам ва чидамли, ижтимоий эҳтиёжларни тўлароқ қондиришга ёрдам берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш воситасигина эмас. Юқори сифатли меҳнат — одамни камолга етказиш, ундаги барча маънавий, интеллектуал ва жисмоний кучларни очиш ҳамда ҳаракатга келтириш учун катта имкониятлар ҳам демакдир. Сифатни бошқаришнинг техникавий-ташкилий ҳамда иқтисодий принциплари қанчалик мукаммал бўлмасин, ходимда масъулият, бурч, виждон, халқ мулкини кўз корачигидай асраш ҳисси яхши ривожланмаган бўлса, бу принциплар кутилган натижани бермайди. Сифат ва самарадорлик учун курашни партиямиз, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг сўзлари билан айтганда, «Совет кишиларининг бутун бир авлодини тарбиялашнинг» (Ленин йўлидан, 7-том, 320-бет) узоқ вақтга мўлжалланган программаси деб ҳисоблаётганлиги бежиз эмас.

1979 йилда Тошкент халқ хўжалик институтининг умумиқтисодий ихтисослар бўйича философия кафедраси Тошкент шаҳридаги бир қанча енгил саноат корхоналарида меҳнат сифатининг социал резервларини ҳамда улардан амалда фойдаланиш йўлларини аниқлаш юзасидан социологик тадқиқот ўтказди. Фикримизча, олинган натижалар республикамиздаги кўпгина корхоналарга ҳам тааллуқлидир.

Сўраб чиқилган ишчиларнинг 90 процентдан ортиқроғи меҳнат ва маҳсулот сифатини оширши учун кураш шахсни коммунистик руҳда тарбиялашга, унга тежамкорлик, масъулият ва хўжайинлик ҳисси, коллективизм, ишда ўзига ҳам, ҳамкасбларига ҳам талабчанлик каби маънавий фазилатларни сингдиришда катта таъсир кўрсатишини айтдилар. Ушбу масалани ўрганиш шуни кўрсатдики, масалан, маҳсулот сифатининг ўсиши ҳамда моддий ресурсларнинг тежалиши кўп жиҳатдан ишда сергайрат, ташаббускор бўлиш ҳисобига таъминланадики, бу фазилатлар технология режимига қатъий риоя этишда ва ускунани ўз вақтида созлашда намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, сифатни бошқаришда маънавий факторнинг роли шу қадар ошиб кетадики, натижада уни социалистик хўжалик юритиш механизмининг самарали элементларидан бири деб ҳисоблаш мумкин бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, сифат учун кураш бугунги кунда борган сари кўпроқ маънавий норма бўлиб қолмоқда. Шунга асосланиб одамнинг қадр-қиммати ҳақида фикр юритилади, одамнинг коллективда ва жамиятда тутган ўрни, обрў-эътибори шу билан белгиланади. Айни вақтда ишда йўл қўйилган брак — фақат моддий заргина бўлиб қолмай, балки тарбиявий ишнинг оқсоқланаётганидан ҳам дарак беради, чунки ўз қадрини биладиган, виждонли, ҳалол киши меҳнатда пала-партишликка йўл қўймайди.

Шу жиҳатдан «шахсий тамға» эгалари бўлган ишчилар орасида олиб борилган тадқиқот натижалари диққатга сазовор. Улар совет ишчилар синфининг илғор отрядларидан бири бўлиб, «ишчи виждони — энг яхши назоратчи» деган принцип улар учун меҳнатда маънавий йўл-йўриқ, кўрсатма бўлиб қолди. «Сиз ўз-ўзингизни назорат қилишга ўтган ва «шахсий тамға» олган вақтингизда нимани ҳис қиласиз?» деган саволга жавобан улар аввало масъулият ва хўжайинлик ҳисси ошишини айтдилар. Сўнгра ўз тажрибасини ишдаги ўртоқлар билан баҳам кўришга интилиш ҳамда ишончни оқлаш истаги айтиб ўтилди. Буларнинг барчаси виждон — шахснинг «ички судьяси» — одамни маънавий жиҳатдан такомиллаштиришда жуда катта роль ўйнашини кўрсатади. Шу билан бирга сифатни бошқаришни оптималлаш проблемасида ушбу социал кўрсаткичнинг ўрни айниқса каттадир. Бунда М. И. Калининнинг «одамлар сифатсиз маҳсулот чиқаришдан уялсалар, бу иш уларнинг танига кўпроқ тегса эди, жуда яхши бўлар-

ди», деган сўзларини эслаш ўринли бўлади (М. И. Калинин. Коммунистик онгни тарбиялаш ҳақида. М., 1975, 156-бет).

«Шахсий тамга» эгалари саволимизга жавоб берар эканлар, ўз иш ҳақлари ошганлигидан мамнун эканликларини охирги навбатда кўрсатиб ўтдилар. Шуни айтиш керакки, «шахсий тамга» босиш ҳуқуқи ходимнинг иш ҳақига бирон-бир даражада сезиларли таъсир кўрсатмайди. Лекин ходимнинг маҳорати юксак онглилиги ҳамда меҳнатга ижодий муносабатда бўлишни эътироф этиладики, булар эса жамиятимизда ҳаммадан кўра кўпроқ қадрланади. Ўйлашимизча, «шахсий тамга»дан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритган ишчиларни моддий рағбатлантиришнинг ҳозир амал қилиб турган системасини такомиллаштириш керак.

Социологик тадқиқот шуни кўрсатдики, меҳнат ва маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишига эришиш ходимда аввало маънавий қаноатланиш ҳиссини уйғотади. Сўралган одамларнинг 83 проценти ана шунга эътибор бердилар. Шу билан бирга ишчиларнинг маълум қисми айниқса меҳнат стажи уч йилдан кўп бўлмаган ёшлар, кўпинча ўзларининг ютуқларидан жамоатчилик бехабар қолаётганлигидан ранжиётганликларини айтдилар.

Теварак-атрофдаги вазият, муҳит ёш меҳнаткашларга айниқса тез таъсир қилади: эришилган муваффақият кичкина бўлса ҳам унга ўз вақтида эътибор бериш ёки камчилигини ётиги билан кўрсатиш уларнинг онгида чуқур из қолдиради. Бу ҳол ҳар бир ёш ходимга пухта ўйлаб муносабатда бўлишни, уларни меҳнатнинг сифати учун социалистик мусобақага жалб этишнинг хусусиятларини максимал даражада ҳисобга олишни, мураббийликни, ўқишни, моддий ва маънавий рағбатлантиришни ташкил этишни талаб қилади. Одамга ўзлигини кўрсатиш ҳамда ижодий имкониятларидан кенг фойдаланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилган жойдагина юқори сифатли меҳнат таъминланиши мумкин. Бу соҳада «Средазкабель» бирлашмасида, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ва республиканинг бошқа кўпгина корхоналарида ибратли тажриба тўпланган.

Бироқ, ҳаётда бошқача мисоллар — ёш ишчиларга эътиборсизлик билан қаралаётганини, улар кам унум берадиган станокларга, эски ускуналарга қўйилаётганини кўрсатувчи мисоллар ҳам кўплаб учраб турадики, бундай ҳоллар ёш ишчиларни маънавий жиҳатдан ҳам, моддий жиҳатдан ҳам қаноатлантирмайди, пировардида кўпинча ишга, танланган касбга қизиқиш йўқолади. Ҳолбуки, ёш ишчиларга муносабат КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Халқ хўжалигида меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар қўнимсизлигини қисқартириш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш муносабати билан алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Одамни мукаммал техника, илғор технология ва тегишли материаллар билан қуроллантирсанг бас — сифат проблемаси ўз-ўзидан ҳал бўлади, деган фикрни тез-тез эшитиш мумкин. Бу хато нуқтаи назар. Биз олиб борган тадқиқот ишчиларни меҳнат ва маҳсулотнинг сифатини ошириш учун социалистик мусобақада қатнашишга ундовчи стимулларнинг қуйидаги тартибини аниқлади. Улар биринчи ўринга корхонанинг обрўси, унинг нуфузи учун масъулият ҳиссини, иккинчи ўринга — ўз моддий аҳволини яхшилаш истагини, учинчи ўринга — ўзини кўрсатиш, ўз қобилиятларини намойиш қилиш имкониятини, тўртинчи ўринга — касби билан фахрланишни, бешинчи ўринга — яхши бажарилган ишдан маънавий қаноатланиш ҳиссини қўйганлар. Бу ҳол юқори сифатли меҳнат учун курашда маънавий томонларнинг роли ошиб

сраётганлиги ҳақидаги концепциянинг тўғрилигини яна бир карра асдиқлайди.

Раҳбарларнинг ва жамоат ташкилотларининг рағбатлантириши ингари стимул ҳақидаги саволга ижобий жавоблар анча кам бўлди. Афтидан, текширилган корхоналарда ишчиларни меҳнат ва маҳсулот ифатини ошириш учун мусобақага кенг жалб этишга ҳали етарли эътибор берилмаётир, уларда миқдор кўрсаткичлари афзал кўрилаётир.

Бригада, цех, участкадаги йиғилишларда нопуд ходимларни ўртоқлар даврасида муҳокама қилишдек маънавий таъсир кўрсатишнинг амалий формаси фойдаланилмаётган катта резервларга эга. Тажриба шуни кўрсатадики, бракка муросасозлик билан қарашга ҳали барҳам берилмаган, айрим ишчилар, бригада бошлиқлари ва мастерлар бракчини «хафа қилиб қўйиш»дан, у билан орани бузишдан қўрқишади. Бунда тез-тез брак қиладиган кишилардан сўралганида, улардан фақат 24,7 процентигина паст сифатли меҳнат учун маънавий жазо олишдан қўрқишларини айтганликларини фақат ана шу ҳол билан изоҳлаш мумкин.

Моддий жавобгарлик ҳақида ҳам шу гапларни айтиш мумкин. Социологларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатмоқдаки, брак маҳсулот берувчилар ўнта ҳодисадан фақат учтасида моддий жавобгарликка тортиладилар. Бу эса улар онгида ялқовлик, нопудлик учун жазо берилмас экан, деган фикрнинг маҳкам ўрнашиб қолишига олиб келиши турган гап. Гарчи маъмурий чоралар меҳнат коллективи амалга оширадиган тарбиявий функцияларнинг ўрнини боса олмаса-да, бракка йўл қўйилган ҳар бир конкрет ҳол пухта текширилиши ва тегишли суратда принципиал баҳоланиши керак.

Бунда ишлаб чиқаришдаги бракнинг сабаблари кўплигини назарда тутиш зарур. У ходимнинг етарли даражада тажрибали ва малакали бўлмаслиги туфайли ҳам, унинг эътиборсизлиги ва пала-партиш ишлаши, технология жараёнларининг номукаммаллиги, эскириб қолган ускуналардан, паст сифатли хом ашёдан ва материаллардан фойдаланиш ҳамда бир қанча бошқа сабаблар туфайли келиб чиққан бўлиши мумкин. Булар орасида ходимнинг ўз вазифасига маънавий ва психологик муносабати катта роль ўйнайди. Юқори сифатли меҳнат принциплари жамият психологиясига ва оддий онгга сингиб кетган тақдирдагина шахснинг органик эҳтиёжига айланади.

Совет кишилари кўп йиллар мобайнида меҳнатнинг миқдорий натижаларини кўзлаб ишлаганлиги тарихан тўғри бўлиб, у кишиларни шунга мувофиқ фикрлайдиган қилиб қўйиши муқаррар эди. Агар бунда ижтимоий психология ва оддий онг эскирган қарашлар ва тасаввурларни ҳаммадан кўра кўпроқ сақлаб қолиши ва улардан таъсирланишини ҳисобга олинса, инсон психологиясини юқори сифатли меҳнатга қаратиш сифатни бошқаришнинг актуал проблемаларидан бири эканлиги аён бўлади. Меҳнатнинг сифатини маънавий жиҳатдан таъминлашнинг натижалари кўпроқ ана шу масаланинг қай даражада ҳал қилинишига боғлиқ.

Бироқ, бу соҳада ҳали фойдаланилмаган резервлар кўп бўлиб, биз олиб борган тадқиқот маълумотлари шундан далолат беради. «Ўзингиз қилаётган ишни браксиз бажариш мумкин деб ҳисоблайсизми?» деб берилган саволга ҳатто яхши ишлаётган ишчиларнинг бир қисми ҳам салбий жавоб берди. Демак, одамлар онгида ишлаб чиқаришда бракка йўл қўйиш ва ишга масъулиятсизлик билан қараш, баъзан уни турли сабаблар билан оқлаш мумкин деган тасаввурлар ҳали ҳам мавжуд экан. Бу ҳол ишчилар коллективларида камчиликсиз ишлаш юксак баҳоланибгина қолмаслан, балки шу билан бирга ҳар бир брак фавқулодда ҳодиса деб ҳисобланадиган маънавий муҳитни.

психологик ҳамда эмоционал кайфиятни вужудга келтиришни талаб қилади.

Бу мақсадга фақат сифатни бошқаришга меҳнаткашларни кен жалб қилган тақдирдагина эришиш мумкин бўлади. Бунинг учун ўз навбатида меҳнаткашларнинг ижтимоий онгини хўжалик юритишнинг янги принципларини қабул қилишга ва ўзлаштиришга чуқур ва ҳар тарафлама тайёрлаш керак бўлади, чунки «биз амалга оширмоқчи бўлган ўзгартишлар қанчалик чуқур бўлса, бу ишга одамларни шунчалик кўпроқ қизиқтирмоқ керак ва кўпроқ онгли муносабатда бўлишларига эришмоқ керак, янгидан-янги миллионлар ва ўнларча миллионларни бунинг зарурлигига ишонтирмоқ керак» (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 42-том, 165-бет). Биз эътиборни атайлаб масаланинг худди ана шу томонига қаратмоқдамиз, чунки сифат проблемаси тегишли идеологик иш билан мустаҳкамланган тақдирдагина муваффақиятли ҳал қилиниши мумкин.

Саратовликлар, львовликлар, москвалик ва ленинградликларнинг сифатни бошқариш соҳасидаги илғор тажрибаси Ўзбекистонда нақадар кенг ўрганилаётганлиги ва тарғиб этилаётганлиги маълум. Бу иш сифатни бошқаришнинг комплекс системасини республика саноатига муваффақиятли жорий этишга ҳамда давлат Сифат белгиси билан маҳсулот чиқаришни муттасил кўпайтириб боришга ёрдам бермоқда.

Сифат проблемаси Ўзбекистонда кенг социал аҳамият касб этди. Шуниси диққатга сазоворки, сўраб чиқилган ишчиларнинг 87—93 проценти ўз корхоналарида сифатни бошқариш системаси мавжудлигидан яхши хабардор эканликларини кўрсатдилар. Бу системага асос бўлган муҳим принципларга келсак, ишчилар улардан анча кам хабардор эканлар. Иқтисодий ўқишга жалб этилган ишчилар бу масалада анча тайёргарликка эга эканликлари маълум бўлди. Демак, меҳнатнинг сифатини идеологик жиҳатдан таъминлашда иқтисодий таълимнинг ролини ошириш керак, бу эса, ўз навбатида, ходимларнинг маънавий камол топишига ижобий таъсир кўрсатади.

Социологик тадқиқот ишчилар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулот сифатига қўйиладиган талаблардан анча яхши хабардор эканликларини кўрсатди. Бу ҳол уларда ўз меҳнатларининг ижтимоий аҳамиятини, яъни ишлашдан кўзда тутилган мақсадни тушунишни мустаҳкамлашга ёрдам берадики, бусиз одам юқори сифат билан ишлашга интилмайди.

Республикамиздаги кўплаб саноат корхоналарининг коллективлари меҳнатнинг сифати ошишига ҳамда шахснинг маънавий камол топишига ёрдам берадиган қимматли ташаббуслар билан чиқмоқдалар. Масалан, Янгиердаги В. И. Ленин номидаги қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатининг коллективи «Тежамкорлик — коммунистик хусусият» деган шиор остидаги ҳаракат ташаббускори бўлиб чиқди; бу ташаббус Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланди. Комбинатда ҳар йили меҳнатнинг сифатини ошириш билан боғлиқ бўлган энг актуал вазифалар белгилаб олинади. Бу вазифалар кенг жамоатчиликка маълум қилинади ва амалда ҳар бир ишчи уларни муҳокама қилишда қатнаша олади. Шу муносабат билан ўртоқ Л. И. Брежнев бундай деган эди: «Ишчи инсон ўз овозига қулоқ солинаётганлигини, унинг фикри инобатга олинаётганлигини, социал ва хўжалик планларини ишлаб чиқиш пайтида унинг позицияси ҳақиқатан ҳам ҳисобга олинаётганлигини билиб турган жойларда,— фақат шу жойлардагина у ўзини ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий хўжайини деб, ўз тақдирининг хўжайини деб ҳис этади. Сиёсий вазифалар билан ишлаб чиқариш вазифалари шу тариқа бир-бири билан чатишиб кетади» (Ленин йўлидан. 6-том, 369-бет).

Янгиер комбинатида йил сайин ўнлаб рационализаторлик таклифлари жорий этилиб, катта-катта моддий бойликлар ҳамда ресурслар тежаб қолинмоқда. Бу ерда маҳсулотнинг тўқсон проценти биринчи категория билан чиқарилмоқда, босим трубаларидан уч хилига давлат Сифат белгиси берилган. Комбинат коллективида вужудга келган маънавий муҳит, меҳнат интизомини бузувчиларга, прогулчиларга, ўз вазифасини ҳалол бажармайдиган кишиларга нисбатан муросасиз бўлиш туфайли ишлаб чиқаришда ана шундай ютуқларга эришилди.

Бироқ, у ёки бу коллектив, якка шахс ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришган экан, бу ғоявий-тарбиявий ишлар ҳам муваффақиятли олиб борилаяпти деган маънони билдирмайди, асло. Бошқача қилиб айтганда, ахлоқий фазилатлар ҳамма вақт ҳам ишлаб чиқаришдаги натижалар билан ўлчанавермайди. Юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган, ишлаб чиқариш нормаларини ошириб бажарадиган моҳир ходим айни вақтда социалистик ахлоқ принципларини бузиши, унга қарши чиқиши ҳам мумкин. Буни исботловчи мисоллар ҳаётда учраб туради. Шунга ўхшаш ҳодисалардан бирининг сабабини Виль Липатов «Правда» газетасининг 1978 йил 22 октябрдаги сонида босилиб чиққан «Кузенковга нима мумкин?» деган очеркида жуда яхши очиб берди. «...Ишчи шарафи қонун-қоидаларини очиқдан-очиқ оёқости қиладиган одам бундай аҳил коллективда қандай қилиб пайдо бўлиб қолди,— деб савол қўяди ёзувчи,— Кузенков, талантли киши истаганини қилавериши мумкин деб ҳисоблаб, манманликка берилганида цех раҳбарлари бундан кўз юмган ва ҳатто қўллаб-қувватлаган пайтлар ҳам бўлган-ку, ахир. Ҳолбуки, ҳаётда ҳақиқий талант эгаси жамиятга кўпроқ бериб, ундан камроқ нарса олади». Петр Кузенковга ўхшаган худбин, ўз мақсади деб коллектив ва жамият манфаатларини кейинга суриб қўядиган одамлар меҳнатнинг сифатини ошириш учун курашда ишончли ҳамдам бўлиши қийин.

Иқтисодий самарадорлик тушунчасини тарбия самарадорлиги тушунчаси билан аралаштирмаслик ҳақида гапирар эканмиз, биз шунга асосланамизки, ҳатто энг юксак унумдорликка эришган меҳнат ҳам агар у ўзининг социал мазмунидан маҳрум қилинса, шахснинг маънавий камолоти учун гаров бўлолмайди. Шу сабабли марксистик социология меҳнатнинг турли даражадаги сифатига баҳо беришда фақат иқтисодий натижаларгагина эмас, балки коллектив ва шахснинг мана шу натижаларни таъминлаб берган маънавий бойликларига ҳам амал қилади. Фақат юксак ахлоқли шахсгина меҳнатнинг сифати ўсишига онгли суратда таъсир кўрсата олади, чунки меҳнатнинг сифат даражаси социалистик жамиятдаги меҳнаткашнинг маънавий етуклигини кўрсатадиган ўлчов ва мезондир, унинг гражданлиги ва актив ҳаётий позициясининг намоён бўлишидир. Бу хулоса марксизм-ленинизмнинг меҳнат билан ахлоқнинг диалектик бирлигидан келиб чиқадиган методологик принципига асосланади. «Раҳбарлар, хўжалик кадрларининг ишини баҳолаганда,— дейилади КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида,— ишлаб чиқариш планларининг бажарилишига доир кўрсаткичларнигина эмас, балки коллективдаги интизом даражасини, маънавий-сиёсий муҳитни, меҳнат ва турмуш шароитларини ҳам ҳисобга олиш керак».

Кейинги вақтларда Ўзбекистоннинг саноат корхоналарида планнинг бажарилишини кўрсатувчи экранлар билан бир қаторда коллектив аъзоларининг меҳнат ва социал активлигини кўрсатувчи экранлар ҳам борган сари тез-тез пайдо бўлмоқда. Айтайлик, бугунги кунда социалистик мусобақа ғолиби бўлиш учун ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришишнинг ўзи кифоя қилмайди. Меҳнатдаги рақобатни якунлаш вақтида меҳнаткашларнинг жамият ишларидаги активлиги,

мусобақадаги, рационализаторлик ва ихтирочиликдаги ташаббускорлиги, ўқишга ва профессионал маҳоратни такомиллаштиришга муносабати, ишда ва турмушда ўзини тутиш маданияти сингари социал мезонлар ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Бу ҳол социалистик мусобақанинг тарбиявий вазифаларининг самарадорлигини кучайтиришга анча ёрдам беради.

Ҳозирги вақтда ўлчов мезонларини такомиллаштириш ва «Коммунистик меҳнат коллективи» деган юксак ном олиш учун мусобақалашаётган коллективлар олдига қўйиладиган талабларни оширищ проблемаси айниқса муҳим аҳамият касб этди. Меҳнатнинг сифати учун курашни ривожланган социализм шароитида ана шу ҳаракатнинг намоён бўлиш формаларидан бири деб ҳисобламоқ керак.

Баъзи корхоналар «Сифат аълочиси», «Аъло сифатли маҳсулот берувчи бригада (участка)», «Ишлаб чиқариш самарадорлиги юқори бўлган ва аъло сифатли маҳсулот берадиган коллектив» деган ном олиш учун мусобақани «Коммунистик меҳнат коллективи» деган номни қўлга киритиш йўлида бир трамплин деб билишяптики, бу жуда тўғридир. Масалан, «Средазкабель» бирлашмасида ва республиканинг бошқа кўпгина корхоналарида социалистик мусобақанинг амал қилиб турган шартларига мувофиқ «Коммунистик меҳнат зарбдори» ва «Коммунистик меҳнат бригадаси (коллективи)» деган фахрли ном беришдан олдин «шахсий тамға» босиш ҳуқуқини, «Қўли гул уста», «Сифат аълочиси», «Аъло сифатли маҳсулот берувчи бригада (участка)» деган ном олиш учун қаттиқ кураш олиб борилади. Масалага бундай ёндашиш давр руҳига мос бўлиб, самарадорлик ва сифатни ошириш ҳамда одамларни меҳнатга коммунистик муносабат принциплари асосида тарбиялаш билан боғлиқ бўлган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиб беради.

Шу билан бирга коммунистик меҳнат зарбдорлари орасида сифатсиз маҳсулот чиқарилишига, ускуналарнинг бекор туриб қолишига йўл қўяётган, шартномадаги мажбуриятларни бажармаётган, ахлоқсиз қилиқларга муросасозлик билан қараётган ходимлар ва айрим коллективларнинг бўлишига йўл қўймаслик керак. Бундай фактлар юксак унвонни обрўсизлантирибгина қолмасдан, балки жуда катта маънавий зарар ҳам келтиради, юқори сифатли меҳнат учун курашнинг тарбиявий самарасини йўққа чиқариб юборади. «Коммунистик меҳнат бригадаси (коллективи)», «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган юксак унвонларни берган вақтда ҳамиша Лениннинг қуйидаги кўрсатмаларига амал қилиш зарур: «*Шу қадар ҳурматли номни* зўр бериб кўп меҳнат қилиш билан *қўлга киргизмоқ* керак.., чинакам коммунистик қурилишда исбот этилган *амалий* ютуқлар билан қўлга киргизмоқ керак...» (Тўла асарлар тўплами, 39-том, 30-бет).

Коммунистик қурилиш практикасида у ёки бу хўжалик проблемаларини ўртага қўйиш ва ҳал қилиш чоғида фақат иқтисодий мақсадга мувофиқликнинг ўзини ҳисобга олиш мумкин эмас. Бу проблемалар кишилар онгига, уларнинг кайфиятига, руҳиятига таъсир кўрсатадиган таъсирни албатта ҳисобга олиши керак. Ҳаёт шундан далолат берадики, тор иқтисодий мақсалларга эришиш учун маънавий омилга оид фикр-мулоҳазалар кейинги ўринга суриб қўйилса, бу ҳол тузатиб бўлмас ахлоқий камчиликларга, оқибатда эса иқтисодий хатоларга ҳам олиб келади. Масалан, айрим корхона ва бирлашмалар илғор тажрибани жорий қилиш ва резервларни актив излаш ўрнига планни ва социалистик мажбуриятларни камайтиришга уринадилар.

Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга хўжалик механизмининг таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарори алоҳида аҳамият касб

этади. Бу қарор халқ хўжалигини план асосида бошқаришни янада такомиллаштириш учунгина эмас, балки совет кишиларини маънавий жиҳатдан тарбиялашда иқтисодий омиллар ва стимуллардан янада активроқ фойдаланиш учун ҳам кенг имкониятлар очиб беради.

Мана шу қарорнинг энг муҳим талабларидан бири министрликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхоналарнинг меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада формасини кенг ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратишлари кераклиги ҳақидаги талабдан иборатдир. Бу форма ўн биринчи беш йилликда асосий форма бўлиб қолиши керак. Ўзбекистонда мана шундай бригадалар бир неча йилдан бери муваффақиятли ишлаб келмоқда. Масалан, В. И. Ленин номидаги Тошкент электрон техникаси заводида, «Ташсельмаш» заводида ва бошқа бир қанча корхоналарда меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаси ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ва маҳсулот сифатини анча ошириш имконини берди. СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводида бу йил пировард натижаларга қараб ҳақ оладиган ва иш ҳақи меҳнатда иштирок этиш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда тақсимланадиган ишбай ишчиларнинг камида 50 процентини меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасига жалб этиш белгиланганди.

Айни вақтда меҳнатни ташкил этишнинг коллектив формалари — ҳақ тўлашнинг янги принципларигина бўлиб қолмасдан, балки шахснинг маънавий камол топтиришнинг муҳим воситаси ҳамдир. Ўз вақтида социалистик ишлаб чиқаришни миқдор жиҳатдан ўстиришда ижобий роль ўйнаган индивидуал ишбай ҳақ тўлаш системаси сифат учун кураш олиб борилаётган ҳозирги шароитда корхоналар фаолиятини ялпи маҳсулотга қараб баҳолашни батамом бартараф этиш йўлида тўсиқ бўлибгина қолмасдан, балки совет кишиларини бундан буён ҳам коллективизм ва ўртоқларча ўзаро ёрдам руҳида тарбиялашда ғов бўлмоқда.

Коллектив моддий манфаатдорлик ҳамда тўла технологик цикл ёки пировард маҳсулот учун жавобгарлик одамларни туташ касбларни эгаллашга, профессионал маҳоратларини оширишга ундамоқда, ишчиларнинг ўз-ўзларини бошқаришлари амал қиладиган зонани кенгайтирмоқда, бу ҳол меҳнаткашнинг ўз меҳнати қанчалик ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини тушуниб олишига чуқур таъсир кўрсатмоқда. Бригада аъзоларининг меҳнатини пировард натижаларга қараб баҳолаш фактининг ўзиёқ ҳар бир ходимни объектив суратда шундай бир вазиятга солиб қўядики, у фақат ўз муваффақиятидан эмас, балки ҳар бир бригада аъзосининг юксак натижаларидан ҳам манфаатдор бўлади. Бу ҳол кишилар онгида коммунистик ахлоқ принципларининг мустаҳкамланиши учун қулай замин яратади.

Бироқ, меҳнатни ташкил этишнинг янги формаси ўз-ўзидан идеология ишининг муҳимлигини камситади деб ҳисоблаш нотўғри бўлади. Бригадаларни тузиш жараёнининг ўзиёқ тарбиявий ишларни пухта ўйлашни талаб қилади. Аввало кишиларда индивидуал ишбай ҳақ тўлашнинг мавжуд системаси билан ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг коллектив формаларига ўтиш билан боғлиқ бўлган фикрлашнинг психологик стереотипини қайтадан қуриш зарур бўлади.

Шундай қилиб, социализм даврида сифат учун кураш — қуруқ мақсад ва юксак иқтисодий самарагагина эришиш воситаси бўлиб қолмасдан, балки комплекс социал, инсоний проблемаларни ҳал қилишга имкон берадиган йўлдир. Одамлар меҳнат ва маҳсулот сифатини ошириш билан ўзлари ҳам ўзгарадилар, ўз билим доираларини, тажрибаларини кенгайтирадилар, маънавий жиҳатдан камол топадилар. Социалистик жамиятда сифат учун кураш идеали ана шундан иборат.

ПАРТИЯ ЎҚУВИ СИСТЕМАСИ УЧУН

„Дунёни тубдан ўзгартирувчи таълимот“ курси бўйича методик маслаҳатлар

СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА СОВЕТ ДАВЛАТИНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШИ

Моддий-техника базасини вужудга келтириш, социал ва миллий муносабатларни такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш билан бир қаторда социалистик демократия, уни янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш коммунистик жамият қуришнинг зарур шарти ҳисобланади. Мазкур масаланинг баъзи бир томонлари ўн иккинчи темани ёритиш вақтида умумий тарзда қараб чиқилган эди. Бу сафар пропагандист мазкур проблемани тўлиқ ҳолда бирмунча чуқурроқ баён қилиб беради.

Темани ўрганишнинг қуйидаги плани тавсия этилади:

1. **Совет жамиятининг сиёсий системаси.**
2. **Совет умумхалқ давлатининг Конституцияси.**
3. **Социалистик демократия ва унинг буржуа демократиясидан туб фарқи.**

СОВЕТ ЖАМИЯТИНИНГ СИЁСИЙ СИСТЕМАСИ

Етук социализм жамиятининг ривожланиш тенденцияси шундайки, мамлакатнинг хўжалик соҳасидаги ўсиши билан бирга ижтимоий ва давлат ҳаёти ҳамма соҳаларининг янада демократлашуви юз беради. Совет Иттифоқи иқтисодий куч-қудратининг мустаҳкамланиши бунинг учун мустаҳкам моддий негиз яратади. Демократиянинг равнақ топиши ўз навбатида экономикани ривожлантиришнинг қудратли омилига айланади. «Совет демократияси,—деб кўрсатиб ўтди КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев,— иқтисодий тараққиётга янада яхшироқ хизмат қила олади ва хизмат қилиши лозим. Иқтисодий тараққиёт эса совет кишиларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини тобора тўлиқроқ таъминлаш учун, социалистик демократияни янада равнақ топтириш учун пойдевор, моддий негиз бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади» (Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан. 7-том, 680—681-бетлар). Шундай қилиб, экономика билан социалистик демократия ўртасида маҳкам боғлиқлик ва ўзаро алоқадорлик мавжуд.

Демократияни изчиллик билан ривожлантириш социализм билан коммунизм қурилишининг қонунияти бўлиб, жамиятимизнинг сиёсий системасини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш соҳасида КПСС амалга ошираётган ишларнинг ўзагини ташкил қилади. Ўртоқ Л. И. Брежнев партиянинг XXV съездида қилган докладида бундай деб таъкидлади: «Эндиликда биз фақат назария туфайлигина эмас, шу билан бирга кўп йиллик тажрибамиздан ҳам шуни билиб олдикки, социализм бўлмаса чинакам демократия бўлиши мумкин бўлмаганидек, демократия доимий ривожланиб бормаса, социализм ҳам бўлиши мумкин эмас. Социалистик демократиямизни такомиллаштиришни биз, аввало, жамиятнинг ҳамма ишларини бошқаришда меҳнаткашларнинг тобора кенг қатнашувини оғишмай таъминлаш деб тушунамиз, давлатчилигимизнинг демократик асосларини янада ривожлантираверишни деб, инсон шахсининг ҳар томонлама равнақ топиши учун шарт-шароит яратиб бериш деб тушунамиз. Партия шу йўлда ишлаб келди ва бундан буён ҳам шу йўлда ишлайверади».

Пропагандист коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш учун социалистик демократиянинг аҳамиятини тушунтириб бўлиб, етук социалистик жамиятнинг сиёсий системаси ҳақидаги масалани баён қилишга ўтади. ССР Иттифоқининг сиёсий системаси — давлат, сиёсий ва жамоат ташкилотларининг йиғиндисидан иборат бўлиб, халқ ҳокимияти улар орқали амалга оширилади. Шу нарсани тингловчиларга эслатиб ўтиш лозимки, СССРнинг янги Конституциясига биринчи марта махсус боб киритилган бўлиб, унда сиёсий системамизнинг характерли хусусиятлари, унинг структураси ва бундан буёнги ривожланишининг асосий йўналишлари таърифлаб берилган.

СССР сиёсий системасининг ўзаги — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси бўлиб, у эндиликда ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларининг энг яхши вакилларидан салкам 17,2 миллион кишини ўз сафларида бирлаштиргандир. КПССнинг совет жамиятидаги раҳбарлик роли СССР Асосий Қонунининг 6-моддасида қонун асосида мустаҳкамлаб қўйилган.

Бу ролнинг эътироф этилиши социалистик жамиятнинг сиёсий системаси тўғрисидаги ленинча таълимотнинг ҳамда унинг демократиясининг негизини ташкил қилган асосий идея ҳисобланади. В. И. Ленин пролетариатнинг революцион партияси пролетариат синфий жипслигининг олий формасидан иборат бўлиб, ишчилар синфи ва меҳнаткашлар бошқа табақаларининг ҳамма ташкилотларига нисбатан раҳбар куч сифатида майдонга чиқади, жангларда тобланган, илғор революцион назария билан қуролланган, омманинг ишончини қозонган ва мададига таянган ишчилар синфи революцион партиясига эга бўлмай пролетариат диктатурасини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун, социализм ва коммунизм қуриш учун кураш олиб бориш мумкин эмас, деб уқтирган эди. Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар тажрибаси бу ленинча қоиданинг тўғрилигини тамомила тасдиқлади.

Революцион озодлик ҳаракати тарихининг, мамлакатимизда социализм ва коммунизм қуриш учун курашнинг бутун бориши ленинчи партияни совет жамиятининг сиёсий раҳбари қилиб майдонга чиқарди. Бу партия халқ оммасининг манфаатларини ҳамиша ифодалаб келди ва ифода этмоқда, ўз сиёсати, амалий фаолияти билан уларнинг чексиз ишончини қозонди, меҳнаткашларга садоқат билан хизмат қилишни у ўзининг олий бурчи деб билади. «КПСС,— деб таъкидланади СССР Конституциясининг 6-моддасида,— халқ учун яшайди ва халққа хизмат қилади».

Мамлакатимиз босиб ўтган йўл шуни кўрсатиб турибдики, совет сиёсий системасининг қарор топиши, ривожланиши ва муваффақиятли равишда амал қилиши Коммунистик партиянинг революцион-ўзгартувчилик фаолияти билан чамбарчас боғлангандир. Партия марксча-ленинча таълимотга таянган ҳолда социалистик ва коммунистик қурилишнинг объектив эҳтиёжларига мувофиқ равишда жамият тараққиётининг бош истиқболини, ички ва ташқи сиёсат йўлини белгилаб беради, совет халқининг буюк яратувчилик ишига раҳбарлик қилади, унинг коммунизм ғалабаси учун курашини планли, илмий асосда олиб боради. КПСС совет давлатчилиги, жамиятнинг сиёсий ташкилоти, социалистик демократия масалаларини ишлаб чиқади ва ҳал қилади.

Пропагандист меҳнаткашлар оммавий ташкилотларининг асосий куч манбаи КПСС раҳбарлигида эканлигини таъкидлаб ўтади. Партия жамоат ташкилотларининг асосий вазифаларини ва фаолият йўналишларини белгилаб беради, уларнинг ишини бир-бирига мувофиқлаштириб туради, уларнинг куч-ғайратини коммунистик қурилишнинг муштарак мақсадларига эришиш йўлида бирлаштиради ва умумий бир оқимга қўшади, бунда жамоат ташкилотларидан ҳар бирининг хусусиятларини ва етук социализм жамияти сиёсий системасидаги ролини албатта ҳисобга олиб иш кўради.

Коммунистик партия совет жамияти ҳаётининг ҳамма томонларига раҳбарлик ва йўналтирувчилик таъсири ўтказиш билан давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ишларини ўз устига олмайди, уларнинг ташаббусини бўғмайди ва чегаралаб қўймайди. КПСС Уставида бу хусусда шундай дейилган: «Партия ташкилотлари совет, касаба союз, кооператив ташкилотларининг ва меҳнаткашларнинг бошқа жамоат ташкилотларининг ишларини ўз устларига олмайдилар, партия органларининг функциялари билан бошқа органлар функцияларининг аралаштириб юборилишига, ишда кераксиз параллелизмга йўл қўймайдилар». Партия раҳбарлиги умумий сиёсий йўлни ишлаб чиқиш орқали ҳам, шунингдек давлат органлари ва жамоат ташкилотлари учун конкрет тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни шу ташкилотларда ишловчи коммунистлар орқали турмушга ошириш йўли билан ҳам амалга оширилади.

Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида ишчилар синфи партияси бутун халқ манфаатлари ва иродасини ифода этади, унинг авангардига айланди. Бироқ, КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига Ҳисоботида таъкидлаб ўтилганидек, «ривожланган социализм шароитида, Коммунистик партия бутун халқнинг партияси бўлиб қолган бир вақтда партия ўзининг синфий характерини асло йўқотмайди. КПСС ўз табиатига кўра ишчилар синфининг партияси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Шу нарсани ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, коммунистик қурилиш миқёслари ўсиши билан КПССнинг раҳбарлик роли ҳам муттасил ошиб бормоқда. Бироқ, бу социалистик демократиянинг чекланишига эмас, балки, аксинча, унинг янада чуқур ривожлантирилишига олиб келади. СССРда ва бошқа қардош мамлакатларда социализм қурилиши назарияси ва практикаси марксчи-ленинчи партиянинг раҳбарлиги синфсиз жамият қуришнинг энг муҳим қонуниятларидан бири эканлигини кўрсатиб турибди (совет халқининг сиёсий йўлбошчиси бўлган КПСС ҳақида 18-темани ўрганиш вақтида анча батафсил гапирилади).

Шу ўринда буржуа пропагандаси Коммунистик партиянинг совет жамиятидаги етакчилик ролини «партия диктатураси», «партия ва давлат органларининг хатарли тарзда бир-бирига қўшилиб кетиши», «партия билан давлат ўртасидаги тафовутларнинг тугатилиши» ва ҳоказо тарзида талқин этишга уринаётганлигини таъкидлаб ўтиш

керак. Бу даъволар бошдан охир бўҳтондир. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советининг навбатдан ташқари еттинчи сессиясида «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Конституцияси (Асосий Қонуни) лойиҳаси ва унинг умумхалқ муҳокамаси якунлари тўғрисида» 1977 йил 4 октябрда қилган докладида бу хил уйдирмаларга ишонарли тарзда, чуқур далиллар асосида жавоб берилди (қаранг: Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 6-том, 588—595-бетлар).

Умумхалқ социалистик давлати жамиятимиз сиёсий системасининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. У пролетариат диктатураси ривожининг қонуний оқибатидир.

Бизнинг давлатимиз пролетариат диктатураси давлати сифатида вужудга келганлигини, бу диктатура капиталистик қуршов шароитида, Совет ҳокимиятининг ташқи ва ички душманлари жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатган бир шароитда Улуғ Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилиб қолиш ва мустаҳкамлаш, тарихан қисқа муддат ичида илгари қолоқ бўлган мамлакатда социализм қуриш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш имконини берганлигини пропагандист таъкидлаб ўтади.

СССРда ривожланган социалистик жамият қурилиши ва аҳоли барча табақаларининг ишчилар синфининг ғоявий-сиёсий позициясига ўтиши билан пролетариат диктатураси ўзининг тарихий вазифасини бажариб бўлди. Совет давлати ўз тараққиётининг янги фазасига қадам қўйди, умумхалқ социалистик давлатига айланди. Бу давлатнинг моҳияти СССР Конституциясининг 1-моддасида чуқур таърифлаб берилган «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи мамлакат ишчилари, деҳқонлари ва зиёлиларининг, барча миллатлари ва элатлари меҳнаткашларининг ирода ва манфаатларини ифодаловчи социалистик умумхалқ давлатидир».

Пролетариат диктатураси давлатининг социалистик умумхалқ давлатига ўсиб ўтиши муносабати билан, бу ҳол ишчилар синфининг совет жамиятидаги етакчилик ролига таъсир этмадими, деган савол туғилиши мумкин. Йўқ. Аксинча, ишчилар синфининг роли янада кучайди, чунки қолган барча синфлар ва социал табақалар ишчилар синфининг ғоявий-сиёсий позициясига ўтдилар.

Илмий коммунизм асосчиларининг пролетариат диктатурасининг ўткинчи характери тўғрисидаги илмий башорати СССР тажрибасида тасдиқланди.

Социалистик умумхалқ давлати коммунистик қурилишда меҳнаткашларнинг асосий қуроли ҳисобланади.

Етук социализм шароитида Совет давлатининг хўжалик-ташкилотчилик ва маданий-тарбиявий функциялари, унинг совет кишиларининг фаровонлигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги фаолияти ҳар томонлама ривожланди. Экономикага, кўпдан-кўп социал проблемаларни ҳал қилишга, халқнинг маънавий маданиятини ривожлантиришга давлат раҳбарлиги кўлами ҳар қачонгидан ҳам ошиб кетди. 1977 йил июнида СССР Олий Советининг олтинчи сессиясида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР Олий Совети Президиуми Раиси қилиб сайланганлиги Совет давлати юқори органлари ишининг яхшиланиши учун катта аҳамиятга эга бўлди. Бу давлат ҳокимияти олий органи, унинг Президиуми ишини яна ҳам жонлантириб юборди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Президиум мажлисларидаги нутқлари, унинг кўрсатмалари ва хулосалари Советлар бутун системасининг, улар органларининг, доимий комиссиялар ва депутатларнинг фаолияти учун жуда катта назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Етук социализм жамиятида давлат ҳокимияти СССРнинг сиёсий негизини ташкил этган халқ депутатлари Советлари орқали амалга оширилади. Советлар омманинг революцион ижодиёти эканлигини пропагандист тингловчиларга эслатиб ўтади. Советларнинг пролетариат диктатураси давлат формаси сифатида кашф қилиниши В. И. Лениннинг ғоят буюк хизматидир. Советларнинг алоҳида бир қиммати шундаки, «улар давлат аппаратининг беқиёс даражада юқори, беқиёс даражада демократик **типидир»** (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 34-том, 239-бет). Бу шунда ифодаланадики, совет аппарати буржуа аппаратидан фарқли равишда халқ иродаси билан, ҳар қандай бюрократик расмиятчиликларсиз сайланади, омма билан, халқнинг кўпчилиги билан, «жуда ҳам турли-туман касблар билан» маҳкам боғланган, «қонун чиқариш функциясини ҳам, **қонунларни ижро қилишни ҳам** халқ сайлаган вакиллар қўлида бирлаштиришга» имкон беради (ўша жойда, 357-бет). В. И. Ленин Советлар буржуа парламентаризмига нисбатан демократиянинг ривожланишида олдинга қараб қўйилган шундай бир қадамдирки, у жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эга, деб уқтирган эди (ўша жойда, 357-бет).

Советлар — чинакам халқчил, меҳнаткашларнинг энг оммавий ташкилотидир. Мамлакатимизда 50 мингдан зиёд халқ депутатлари Советлари ишлаб турибди, уларга ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларининг энг яхши вакилларидан 2,2 миллиондан зиёд киши сайланган. Бундан ташқари халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг турли хил комиссиялари ва бўлимларида ҳамда бошқа ижтимоий ташаббускор органларда 30 миллиондан зиёд кўнгилли ёрдамчилар иш олиб бормоқдалар, 9 миллион киши эса халқ контролининг сайлаб қўйилган органларида меҳнат қилмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаб айтганидек, «умумхалқ иродаси аввало ана шу Советлар орқали амалга оширилади ва аҳолининг талаб-эҳтиёжлари ҳисобга олинади... Советларнинг иши халқимиз ҳаётининг истисносиз ҳамма соҳаларини — экономика ва маданиятни, маиший хизмат ва савдо-сотиқни

элқ маорифи ва соғлиқни сақлашни, жамоат тартибини, албатта, меҳнат фаолиятини ам ўз ичига олади» (Ленин йўлидан. 7-том, 372—375-бетлар).

СССРнинг сиёсий системасига, деб сўзида давом этади пропагандист, шунинг-ек касаба союзлари, комсомол, кооперация ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳам иради. Бу ташкилотларнинг социал вазифаси меҳнаткашларни коммунистик қурилиш-а, жамият ва давлат ишларини бошқаришда уюштиришдан ва кенг жалб қилишдан борат. Ҳар бир жамоат ташкилотининг ўз устави, муайян фаолият кўлами, ўзининг поҳида вазифалари ва ҳуқуқлари бор.

Касаба союзлари улар орасида энг оммавий ташкилот ҳисобланади. Касаба оюзлари Россияда 1905—1907 йиллардаги революциялар алангасида вужудга кел-энлигини пропагандист тингловчиларга эслатиб ўтади. Касаба союзлари большевик-ар раҳбарлигида чор самодержавиеси ва буржуазиясига қарши курашга, Совет-ар ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлашга ишчилар синфини сафарбар қилишда атта роль ўйнади. Шунингдек, социалистик экономикани барпо қилишда, индустрия-аш, коллективлаштириш, маданий революцияни амалга оширишда, социализм қу-ишда ҳам уларнинг роли ғоят каттадир.

«Касаба союзлари,— деб уқтирган эди В. И. Ленин,— пролетариат диктатураси истемасида тутган ўринлари жиҳатидан, агар шундай дейиш мумкин бўлса, партия илан давлат ҳокимияти ўртасида турадилар» (Тўла асарлар тўплами, 42-том, 38—239-бетлар). У «тарбиялаш ташкилоти, жалб қилиш, таълим бериш ташкилоти-ир», у мактабдир, бошқариш мактаби, хўжаликни юритиш мактаби, коммунизм актабидир» (ў ш а ж о й д а).

Касаба союзлари КПСС раҳбарлигида меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя тиш, уларнинг социал, маиший ва маданий эҳтиёжлари ҳақида ғамхўрлик қилиш илан бир вақтда ишлаб чиқаришни юксалтиришга жуда катта эътибор бермоқдалар. Социалистик мусобақани кенг авж олдиришда, техника тараққиёти учун курашда, иш-аб чиқаришни бошқаришга оммани кенг жалб қилишда уларнинг роли айниқса катта-ир. СССР касаба союзларининг 1977 йилда бўлиб ўтган XVI съезди улар фаолияти-инг янада жонланишига сабаб бўлди.

Ҳозирги вақтда касаба союзлари сафида 125 миллиондан зиёд киши (шу жум-адан 12 миллион колхозчи) бўлиб, улар 700 минг бошланғич касаба союз ташкилот-арига ва 30 тармоқ касаба союзларига бирлашгандирлар.

СССР сиёсий системасига кирувчи яна бир оммавий ташкилот — Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзидир. Бу ташкилотга ишчи ва деҳқон ёшларининг Бутуниттифоқ съезди (1918 йил октябрь) асос солганлигини, съезд Россия Комму-нистик Ёшлар Союзини ташкилий жиҳатдан расмийлаштирганлигини пропагандист тингловчиларга эслатиб ўтади. Комсомол интервентлар ва ички контрреволюцияни тор-мор қилиш, халқ хўжалигини қайта тиклаш, социализм қуриш ва Улуғ Ватан уруши йилларида унинг тарихий ғалабаларини ҳимоя қилиш ишига жуда катта ҳисса қўшди.

ВЛКСМ КПСС раҳбарлигида иш олиб бориб, унинг актив ёрдамчиси ва резерви-дир. У совет ёшларини коммунизм руҳида тарбиялашда, уларни синфсиз жамиятни амалда қуриш ишига жалб қилишда партияга кўмаклашади. Ленинчи комсомол ўз сафларида 38,5 миллион йигит ва қизни, шу жумладан 13 миллион ишчини, 2 мил-лиондан зиёд колхозчини бирлаштиргандир.

Ривожланган социализм сиёсий системасининг муҳим бўғинларидан бири — меҳнат коллективларидир. Улар социалистик мусобақани кенг авж олдиришда, мод-дий рағбатлантириш фондларини тақсимлашда, кишиларнинг меҳнат ва турмуш ша-роитини яхшилашда фаол қатнашмоқдалар. Улар совет органлари билан биргаликда партия ташкилотлари раҳбарлигида хўжалик сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда уни турмушга оширишда меҳнаткашларнинг амалда кенг қатнашувини таъминлаш учун кўп иш қилмоқдалар. Жамиятимиз сиёсий системасида меҳнат коллективларининг тутган ўрни ва ўйнайдиган роли СССР Конституциясида белгилаб қўйилганлигини пропагандист эслатиб ўтади (8-модда).

Жамоат ташкилотлари умуман мамлакатимиз катта ёшдаги аҳолисининг деярли ҳаммасини ўз ичига олган. Улар гражданларни жамият ишларини бошқаришда қат-наштиришнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади.

Сўзининг охирида пропагандист айтилганларга якун ясаб, КПСС СССРнинг сиё-сий системасини бутун чоралар билан ривожлантириш ва такомиллаштириш, халқ депутатлари Советлари, касаба союзлари, комсомол, меҳнат коллективлари ва бош-қа жамоат ташкилотларининг ролини ошириш йўлини ўтказаётганлигини, мазкур ташкилотлар хўжалик, маданий қурилиш, янги инсонни тарбиялаш вазифаларини ҳал қилишда ўз ҳуқуқ ва функцияларини тўла-тўкис амалга оширишларига эришаётган-лигини таъкидлаб ўтади.

СОВЕТ УМУМХАЛҚ ДАВЛАТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

Пропагандист мазкур масалани баён қилишга киришар экан, 1977 йилги СССР Конституцияси ўздан олдинги Совет Конституциялари сингари капиталистик мамла-катларнинг конституцияларидан тубдан фарқ қилажагини таъкидлаб ўтади. Дастлаб-ки буржуа конституцияларидан тортиб (1787 йилдаги Америка ва 1791 йилдаги Фран-

ция конституциялари) ҳозир амалда бўлган конституцияларга қадар уларнинг ҳа масиси беистисно давлат ҳокимиятининг синфий характерини яширади. Мазкур кон ституциялар ўз ичига олган нормалар буржуазия иродаси ва манфаатларини ифод этади, унинг диктатурасини мустаҳкамлайди, ишлаб чиқариш воситаларига хусус мулкчилик ҳуқуқини эълон қилади ва ҳимоя этади.

Конституцияларнинг икки томони: расмий ва амалий томони борлигини про гандист таъкидлаб ўтади. Расмий томони — конституциянинг тексти бўлиб, у қаб қилинган пайтда мавжуд бўлган синфий кучларнинг ҳақиқий нисбатини ифодалай амалий томони — давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг ҳақиқий тартибини ифод этади. Шу муносабат билан В. И. Ленин бундай деб кўрсатган эди: «Қонун би ҳақиқат бир-бирига тўғри келмайдиган бўлса, конституция сохта конституция бў ди, улар бир-бирига тўғри келса, сохта бўлмайди» (Тўла асарлар тўплами, 17-то 394—395-бетлар). Буржуа конституциялари расмий-юридик характерга эга.

Совет конституциялари меҳнаткаш халқ иродаси ва манфаатларини ифода эт ди, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини гарантиялайди. Совет Конституциясини асосий принциплари В. И. Ленин томонидан ифодалаб ва таърифлаб берилган. В. И Ленин ўзининг асарларида Совет Конституциясининг моҳиятини, социалистик демо кратизмни, унинг буржуа конституцияларидан тубдан фарқ қилишини, унинг вужуд келиши ва ривожланиши процессининг қонуниятларини, бунда халқ оммасини ўйнайдиган ролини, унинг халқаро аҳамиятини кўрсатиб берди.

Совет давлатининг биринчи Конституцияси 1918 йил 10 июлда Советларни V Бутун Россия съезди томонидан қабул қилинганлигини пропагандист таъкидл ўтади. У В. И. Лениннинг бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган эди.

СССР ташкил этилганидан кейин Советларнинг II Бутуниттифоқ съезди 1924 йи 31 январда унинг биринчи Асосий Қонунини тасдиқлади. Бу В. И. Лениннинг ташаб буси билан ва бевосита раҳбарлигида барпо қилинган иттифоқ кўп миллатли со циалистик давлатнинг Конституцияси эди.

1918 йилдаги Конституция сингари 1924 йилдаги Конституция ҳам капитализмда социализмга ўтиш даврининг конституциялари бўлиб, унинг хусусиятларини, шу жу ҳадан демократия соҳасида ҳам ўзига хос томонларни ифода этарди.

20-йилларнинг иккинчи ярми — 30-йилларнинг биринчи ярмида совет ха Коммунистик партия раҳбарлигида социализм қуришдан иборат ленинча пла амалга ошира бориб, мамлакат ҳаётининг ҳамма соҳаларида чуқур туб ўзгариш ни: социалистик индустриялашни, қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришни, мада революцияни амалга оширди. Шунинг натижасида Улуғ Октябрь ғалабасидан кей ўтган 20 йил мобайнида СССРда В. И. Ленин томонидан қўйилган «ким — кимни деган вазифа социализм фойдасига муваффақиятли равишда ҳал қилинди. Сове жамияти ҳаётининг ҳамма соҳаларида юз берган бу тарихий ўзгаришлар СССР С ветларининг Фавқулодда VII съезди томонидан 1936 йил 5 декабрда қабул қили ган ғолиб социализм мамлакатининг Асосий Қонуни — 1936 йилги Конституцияда му таҳкамлаб қўйилди.

Сўнгра пропагандист СССР Олий Советининг 1977 йил 7 октябрда бўлиб ўтга навбатдан ташқари еттинчи сессиясида қабул қилинган Совет умумхалқ давлати Конституциясини таърифлашга киришади.

40 йил мобайнида мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида й рик принципиал ўзгаришлар юз берганлиги ССР Иттифоқининг янги Асосий Қону ни ишлаб чиқишни зарур қилиб қўйди. Ривожланган социалистик жамият қурилд Мамлакат экономикасининг кўлами ғоят даражада ўсиб кетди. Жамиятнинг соци қиёфаси ўзгарди, социалистик миллатларнинг янада яқинлашуви ва равнақ топи соҳасида муҳим ўзгаришлар юз берди, буларнинг ҳаммаси СССРда кишиларнинг ян тарихий бирлиги — совет халқи вужудга келганлиги тўғрисида КПСС ҳужжатлари илгари сурилган қоидада ўз ифодасини топди (Бу масалалар курснинг тегишли те лари юзасидан методик маслаҳатларда муфассал ёритилган). Социалистик демокр тияни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш соҳасида ҳам туб ўзгаришлар рў берди.

Янги Конституция Коммунистик партия, унинг ўртоқ Л. И. Брежнев бошчили даги Марказий Комитетининг бевосита раҳбарлиги остида ишлаб чиқилганлиги пропагандист таъкидлаб ўтади. Л. И. Брежнев СССР Олий Совети томонидан туз ган Конституция комиссиясининг Раиси эди. КПСС XXV съезди янги Конституцияни лойиҳасини тайёрлашга катта эътибор берди. Мазкур лойиҳа КПСС Марказий Ком тетининг Пленумида 1977 йил 24 майда муҳокама қилинди. Пленумда ўртоқ Л. И Брежнев доклад қилиб, жумладан бундай деди: «Биз лойиҳа устида ишлар эканмиз давомийлик заминида қаттиқ турдик. Унда социалистик типдаги Конституцияни В. И. Ленин белгилаб берган ўзига хос хусусиятлари сақлаб қолинди ва ривожла тирилди.

В. И. Ленин, большевиклар партияси Конституция — юридик актгина эмас, ш билан бирга жуда муҳим сиёсий ҳужжатдир,— деган фикрга асосланганлар. Парти Конституцияни революция ғалабаларининг тасдиқи деб ва шу билан бирга соци листик қурилиш асосий вазифалари ва мақсадларининг эълон қилиниши деб билга (Ленин йўлидан, 6-том, 419-бет). Лойиҳани тайёрлашда социалистик ҳамдўстлик ма лакатларининг конституцион ривожланиш тажрибасидан ҳам фойдаланилди.

СССР Конституциясининг ҳақиқий ижодкори совет халқи бўлди. Конституция лоиҳасини муҳокама қилишда 140 миллиондан зиёд киши, яъни мамлакат катта ёшаги аҳолисининг бешдан тўрт қисми қатнашди. Муҳокама давомида айрим моддаарга киритиладиган ҳамда лойиҳа таърифларини аниқлаш, яхшилаш ва тўлдиришга аратилган 400 мингга яқин таклиф тушди. Конституция комиссияси ана шу таклифарни синчиклаб ўрганиб чиқиб, лойиҳанинг 110 та моддасига ўзгартишлар киритди а сайловчиларнинг наказлари тўғрисида битта янги модда киритди. СССР янги онституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси социалистик демократиянинг танэнаси бўлди.

Конституцияда ривожланган социалистик жамиятнинг асосий хусусиятлари ифоаланган бўлиб, уларнинг кўплари курснинг олдинги темаларини ўрганиш вақтида ўриб чиқилган эди. Шунинг учун пропагандист тингловчиларнинг диққат-эътиборини онституциянинг етук социализмнинг сиёсий системасига, социалистик демократияни нада ривожлантириш вазифаларига бағишланган қоидаларига қаратади.

СССР Конституциясида социалистик демократизмнинг хилма-хиллиги ва кенглиги з ифодасини топди, давлат ва ижтимоий асосларни, Коммунистик партиянинг раҳарлик ролини омманинг ва уларнинг ижтимоий ташкилотларининг ташаббускорлиги илан узвий равишда боғловчи сиёсий системанинг туб хусусияти ифодалаб беилган.

Советлар Мамлакатининг Асосий Қонунида ўз ифодасини топган янгиликнинг асосий ўналиши — социалистик демократиянинг кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилишиир. Етук социализм демократияси Улуғ Октябрь туфайли вужудга келган, чинакам емократиянинг асоси бўлган пролетар демократиясининг табиий давоми эканлигини ропагандист таъкидлаб ўтади. Янги Конституция халқ ҳокимияти соҳасида эришилэн даражани гарантиялаш билан бирга, социалистик демократияни янада ривожланиришни ҳам кўзда тутади. Бу — давлат ва жамият ишларини бошқаришда гражданарни тобора кенгроқ қатнаштириш, давлат аппаратини такомиллаштириш, халқ деутатлари Советларининг ролини, жамоат ташкилотларининг активлигини ошириш, алқ контролининг ролини кучайтириш, давлат ва жамият ҳаётининг ҳуқуқий асосини устаҳкамлаш, жамоатчилик фикрини доимо ҳисобга олиб боришдан иборатдир. ССР янги Конституциясининг бутун маъноси, ҳар бир сатри халқ оммасининг тариий ижодиётини ҳар томонлама қўллаб-қувватлэш ва муттасил ривожлантириш руҳи илан суғорилгандир. Машғулотда мамлакатимиз ҳаётида жамоат ташкилотларининг оли амалда ошганлигини, уларнинг сиёсий, хўжалик, социал-маданий масалаларни ал қилиш соҳасидаги ҳуқуқи, қонун чиқаришда ташаббус кўрсатиш ҳуқуқига эгаигини ва булар Конституцияда ўз ифодасини топганлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш озим. Конституцияга жамиятимизнинг асосий ячейкаси бўлган меҳнат коллективлаининг роли тўғрисидаги қоида киритилди. «Меҳнат коллективида, ундаги партия, асаба союз, комсомол ташкилотларининг ишида,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев,— жаиятнинг бутун ҳаёти — ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маънавий ҳаёти акс этади. слида меҳнат коллективи — бутун хўжалик организмимизнинггина эмас, айни вақта сиёсий организмимизнинг ҳам бошланғич ячейкасидир» (Ленин йўлидан, 6-том, 79-бет).

Ривожланган социализм жамияти сиёсий системаси барча бўғинларининг роли шганлиги энг аввало коммунистик қурилишнинг ҳал қилинаётган вазифалари миқёсарининг ўсганлиги ва уларнинг мураккаблашиб бораётганлиги билан боғлиқдир. Бу са совет умумхалқ давлатининг чинакам демократизмидан яққол далолат беради. Партия раҳбарлик роли кучайиши ва советлар, касаба союзлар, комсомол, меҳаткашлар барча оммавий ташкилотларининг роли ошиб бориши,— деб таъкидлади ртоқ Л. И. Брежнев,— социалистик тузумимизнинг чуқур демократик характерини кс эттирувчи бир-бири билан ўзаро боғланган ва бир-бирини тақозо қилувчи проессдир» (Ленин йўлидан. 2-том, 233-бет).

Умумхалқ социалистик давлатининг Конституциясида қайд қилинган принциплар тук социализм жамияти сиёсий системасини доимо такомиллаштириб бориш, мамакат ишларини идора қилишда халқни яна ҳам кенг қатнаштириш истиқболини ифоа этади. Бундай принциплар биронта ҳам буржуа конституциясида йўқ ва бўлиши ам мумкин эмас.

Гражданларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кенгайтирилганлиги 1977 йилги Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган ва ривожлантирилган етук социалистик жамият деократизмининг энг муҳим ифодаси эканлигини пропагандист таъкидлаб ўтади. ССРнинг янги Асосий Қонуни, бир томондан, илгариги Конституцияда ўз ифодасини опган анъанавий социал-иқтисодий ҳуқуқларни (меҳнат қилиш, дам олиш, илм олиш уқуқи ва ҳоказо) гарантиялашни кучайтирган бўлса, иккинчи томондан, етук социаистик жамият шароитида демократиянинг янада ривожлантирилганлигини билдирувчи бир қанча янги эркинлик ва ҳуқуқларни эълон қилди. Янги Конституцияга гражданларнинг соғлиқларини сақлаш, уй-жойли бўлиш (44-модда), маданият ютуқларидан эйдаланиш (46-модда), давлат ва жамоат ишларини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқлари баён қилинган моддалар биринчи марта киритилди. Совет гражданларининг у ҳуқуқлари етук социализмнинг имкониятлари бениҳоя ўсганлигига, ҳозирги шароитда социал-иқтисодий ривожланиш соҳасида мамлакатимиз эришган даражага сосланади.

СССРнинг Асосий Қонунида айтилганки, гражданларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинл… ларидан фойдаланиш жамият ва давлат манфаатларига, бошқа гражданлар ҳуқу… ларига зарар етказмаслиги лозим. Умумхалқ давлати Конституциясининг бу қоида… буржуа идеологлари айтаётганларидек демократиянинг «чекланиши» бўлмай, ба… халқ демократик иродасининг ёркин ифодаланилишидир. Совет Иттифоқи гражда… ларни меҳнат қилиш, илм олиш, дам олиш, соғлиғини сақлаш, оналик ва болали… муҳофаза қилиш, қариган чоғида моддий таъминот олиш ҳуқуқи сингари асос… ҳуқуқ ва эркинликлар билан таъминлаш бобида аллақачон капитализмдан ўз… кетганлигини пропагандист таъкидлаб ўтиши керак.

Бизда социал адолатнинг энг муҳим принципларидан бири — гражданлар ҳ… қуқлари ва бурчларининг чамбарчас боғлиқлиги амалда таъминланган. Кенг ҳам… тенг ҳуқуқлар ва эркинликларнинг берилиши гражданларнинг ўз вазифаларини, В… тан олдидаги ўз бурчини бажаришлари билан узвий боғланган. Эндиликда ҳар би… совет кишисининг теварак-атрофда юз бераётган воқеалар учун, унинг ўз шахси… меҳнати натижалари учун ҳамда коллективнинг умумий меҳнат улуши учун жавоб… гарлиги янада ошмоқда. КПСС Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Министрлар С… вети ва ВЦСПС «Меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ва халқ хўжалигида кад… лар қўнимсизлигини камайтириш тўғрисида» ўтган йили қабул қилган қарор ҳам ш… ни шунга қаратилгандир. Ҳар бир совет кишиси ички тартиб-интизом қоидалари… қаттиқ риоя қилиши, ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида кадрларнинг муқи… ишлаб қолишига эришиш, иш вақти ҳар бир соатининг аҳамиятини ошириш зар…

Совет умумхалқ давлатининг Асосий Қонунида етук социализм ғалабалари, ж… миятни ташкил қилишнинг унга хос бўлган социал-иқтисодий, сиёсий ва ахло… принциплари мустаҳкамлаб қўйилди.

«Йиллар, ўнлаб йиллар ўтар,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев тўққизинчи чақир… СССР Олий Советининг навбатдан ташқари еттинчи сессиясида 1977 йил 7 октябр… сўзлаган якунловчи нутқида,— лекин Октябрнинг бу куни халқ ҳокимиятининг ле… ча принциплари чинакам тантана қилганлигини кўрсатувчи ёркин далил тариқаси… халқ хотирасида ҳамиша сақланиб қолади. Бизнинг жамиятимиз коммунизм йўлида… нечоғлик олға борган сари социалистик демократиянинг — халқ ҳокимиятининг, х… манфаатларини кўзловчи ҳокимиятнинг янги Конституцияда акс эттирилган ж… катта ижодий имкониятлари шу қадар тўлиқ бўлиб очилаверади» (Ленин йўлида… 6-том, 604-бет).

СССР Конституцияси жуда катта халқаро аҳамиятга эгадир. У қардош социали… мамлакатлари учун ғоят даражада аҳамиятли бўлган СССРда социалистик ва комм… нистик қурилиш тажрибасини назарий жиҳатдан умумлаштиришга асосланганди… Конституцияда, юқорида айтиб ўтилганидек, қардош социализм мамлакатлари ко… титуцион практикаси ютуқлари ҳам ўз аксини топган. СССРнинг Асосий Қонуни… мустаҳкамлаб қўйилган ва умумлаштирилган бу тажриба мустамлака зулмидан хал… бўлган ва нокапиталистик ривожланиш йўлига тушиб олган халқлар учун ҳам ғоят… муҳимдир. СССР Конституциясининг руҳи ва мазмуни тинчлик ва халқлар хавфси… лиги ишига, барча тараққийпарвар кучларнинг антиимпериалистик бирдамлигини му… таҳкамлаш ишига хизмат қилади. ССР Иттифоқининг Асосий Қонуни социалист… намунанинг жозиба кучини оширади.

Совет умумхалқ давлати Конституциясининг қабул қилинганлигини социали… душманлари тиш-тирноғи билан қарши олдилар. Конституциянинг КПСС ва социал… тик давлат тўғрисидаги, демократия, шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисида… қоидалари антисоветизм идеологларининг эйниқса ғазабини қўзғатди. Ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Конституциясининг лойиҳаси ҳамда унинг умумхалқ муҳокамаси яку… лари ҳақида қилган докладида чет эллик ғанимларимизга муносиб равишда зарба… берди (қаранг: Ленин йўлидан. 6-том, 592—595-бетлар).

Советлар Мамлакатининг Асосий Қонуни социалистик демократияни янада р… вожлантириш ва чуқурлаштиришнинг қудратли воситасига айланди. Конституция… илгари сурилган Советлар, жамоат ташкилотлари, етук социалистик жамият сиёс… системаси бошқа бўғинлари фаолиятининг чинакам демократик асосларини муста… камлаб қўйган қоидаларнинг амалга оширилиши уларнинг ишига, меҳнаткашлар о… маси сиёсий активлигининг ўсишига самарали таъсир ўтказади. Шу ўринда проп… гандист мисол тариқасида СССР Олий Советига (1979 йил), иттифоқдош, автон… республикалар Олий Советларига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига (19… йил) ўтказилган сайловлар тўғрисидаги маълумотларни келтириб ўтиши мумкин.

СССР янги Конституциясининг кучга кирганлиги, ўртоқ Л. И. Брежнев айтга… дек, «қонун чиқариш ишлари кенг программасининг амалга оширилишини тақозо… лади... Бу иш бир қанча янги қонун актлари тайёрлашни ўз ичига олади. Бунд… қонунларни қабул қилиш Конституцияда тўғридан-тўғри кўзда тутилган ёки уни… ўзидан келиб чиқади» (Ленин йўлидан. 6-том, 606-бет).

СССР Конституцияси қоидаларини ҳамда ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатма… рини амалга ошира бориб, деб таъкидлайди пропагандист, СССР Олий Сове… Президиуми 1977 йил 12 декабрда «ССР Иттифоқи қонунларини СССР Конституци… билан мувофиқ ҳолга келтириш бўйича ишларни ташкил қилиш тўғрисида» қаро… қабул қилди. Қарорда 1978—1980 йиллар давомида 20 дан ортиқ қонун ва ко… актларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Шундан кейин 1978 йил июль ва нояб…

СССР Олий Советининг сессияларида СССР Министрлар Совети тўғрисида Қонун, СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Қонун, СССР халқаро шартномаларини тузиш, ижро қилиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисида Қонун, СССР гражданлиги тўғрисида Қонун, СССР Олий суди тўғрисида Қонун қабул қилинди. Кейинроқ эса СССРда халқ контроли тўғрисида Қонун ҳамда бошқа баъзи давлат актлари қабул қилинди.

Совет қонунларини такомиллаштиришда Коммунистик партия, унинг Марказий Комитети етакчилик ролини ўйнамоқда. КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига Ҳисоботида Марказий Комитет, унинг Сиёсий бюроси совет қонунчилигини такомиллаштириш, социалистик ҳуқуқ тартиботини мустаҳкамлаш масалалари билан доимий равишда шуғулландилар, деб таъкидлаб ўтилди. Докладда Сиёсий бюро тегишли органларга қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлашни топширганлиги қайд қилиб ўтилди. Кейинчалик КПСС Марказий Комитети мазкур масала юзасидан бир қанча қарорлар қабул қилди. Улардан баъзиларини эслатиб ўтиш лозим. «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида», «Хўжалик механизмини янада такомиллаштириш ҳамда партия ва давлат органларининг вазифалари тўғрисида», «Ҳуқуқ-тартиботини қўриқлаш ва ҳуқуқни бузиш ҳолларига қарши курашни кучайтириш соҳасидаги ишларни яхшилаш тўғрисида», «Халқ контроли органлари ишини янада яхшилаш ҳамда СССРда халқ контроли тўғрисида Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан халқ контролига партия раҳбарлигини кучайтириш чоралари тўғрисида»ги қарорлар шулар жумласидандир.

СССР Конституциясига ва Ўзбекистон ССР Конституциясига, умумиттифоқ қонун актларига мувофиқ равишда республика қонунчилиги ҳам такомиллаштирилмоқда. Масалан, республикамизда Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Қонун, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тўғрисида Қонун, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советига сайловлар тўғрисида Қонун ва бошқа қонун актлари қабул қилинди.

Шу тариқа деб хулоса қилади пропагандист, СССР Конституцияси совет халқи эришган буюк ғалабаларни мустаҳкамлабгина қолмай, балки шу билан бирга социалистик демократияни янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга ёрдам берди.

СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯ ВА УНИНГ БУРЖУА ДЕМОКРАТИЯСИДАН ТУБ ФАРҚИ

Пропагандист мазкур масалани кўриб чиқишга киришар экан, шуни таъкидлайдики, социалистик демократия ўзининг синфий йўналишга эга эканлигини очиқ эътироф этади, у социализмнинг буюк ғалабаси бўлиб, меҳнат аҳлини ҳам ўз тақдирининг, ҳам ўз мамлакатининг хўжайинига айлантирди. «Совет тузуми,— деб уқтирган эди В. И. Ленин,— ишчи ва деҳқонлар учун максимум демократизмдир ва айни замонда у, буржуа демократизми билан алоқанинг узилишини ва демократиянинг янги, жаҳоншумул-тарихий типининг... пайдо бўлиши демакдир» (Тўла асарлар тўплами, 44-том, 170-бет).

Социалистик демократия халқ ҳокимияти, шахснинг тенг ҳуқуқлиги ва эркинлиги принципларини эълон қилибгина қолмасдан, балки шу билан бирга шундай иқтисодий, социал, сиёсий ва маданий шарт-шароит вужудга келтирадики, бу шароитда жамиятнинг ҳамма аъзолари давлатнинг барча ишларида амалда қатнаша оладилар. В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг точгидаёқ социалистик демократия ўз моҳиятига кўра меҳнаткашларга «демократик ҳуқуқлар ва эркинликлардан фойдаланиш учун ҳақиқий имконият» беради, «бундай амалий имкониятга ҳатто тахминан ўхшаш нарса энг яхши ва демократик буржуа республикаларида ҳам ҳеч қачон бўлган эмас», деб таъкидлаб ўтган эди (Тўла асарлар тўплами, 37-том 581-бет).

Буржуа демократиясидан фарқли ўлароқ социалистик демократия реал демократиядир. Унинг реаллиги шундаки, кишиларнинг зулмдан халос бўлиб, эркинликка ва тенг ҳуқуқлиликка эришиши бутун бошли синфлар ва миллатларнинг озодликка чиқишини англатади. Бу социал озодликнинг пойдевори кишиларнинг моддий, иқтисодий соҳадаги янгича муносабатлари, ниҳоят, бизнинг ижтимоий тузумимизнинг чуқур халқчил табиатидир.

Етук социализм шароитида совет демократияси ҳар томонлама характер касб этиб, ўз формаларининг хилма-хиллиги ва етуклиги билан фарқ қилади. Ҳуқуқлар билан бурчлар, шахснинг эркинлиги билан унинг жавобгарлиги, шахсий фаровонлик билан коллективнинг фаровонлиги, ватанпарварлик билан интернационализм ўртасидаги чамбарчас боғлиқлик — бу совет турмуш тарзининг олмос қирралари бўлиб, айни шулар демократиямизнинг умумий хусусиятларини ташкил этади.

Социалистик демократия ривожланишнинг хилма-хил йўналишларига, амалга оширилишининг кўпгина механизмларига эга бўлиб, синфлар, меҳнаткашларнинг социал группалари, миллатлар ва элатлар манфаатларининг муштараклигинигина эмас, балки ўзига хос эканлигини ҳам тўлиқ ифода этишини пропагандист таъкидлаб ўтади. Умумхалқ давлати шароитида совет демократиясини кенгайтириш ва чуқурлаштириш жараёни ваколатли муассасалар фаолиятини такомиллаштириш, давлат аппарати иши-

да демократик асосларни кучайтириш йўли билан ҳам, шунингдек гражданларнинг сиёсий, иқтисодий ва социал ҳуқуқлари ва эркинликларини кенгайтиришда, ана шу ҳуқуқларни таъминлайдиган гарантияларнинг кучайтирилишида ўзининг асосий ифодасини топадиган бевосита демократияни ривожлантириш йўли билан ҳам боради.

Жамият ва давлат ишларини идора қилишга хотин-қизларнинг кенг жалб этилиши социализм ва унинг демократиясининг энг буюк ғалабаларидан биридир. Хотин-қизларнинг умумхалқ давлатимиз олий органларида фаол қатнашаётганлиги бунинг ёрқин далилидир. Чунончи, СССР Олий Советига 487 хотин-қиз сайланган. Бу барча капиталистик мамлакатларни бирга олганда улар парламентидаги хотин-қизлар сонидан кўпдир.

Давлатимизда ёши 18 дан юқори бўлган ҳар тўрт граждандан бири давлат ишларини бошқаришда у ёки бу даражада фаол қатнашмоқда.

Сайловолди йиғилишларида сайловчилар томонидан берилаётган наказлар халқ ҳокимиятининг амалда намоён бўлиши, хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал қилишда меҳнаткашлар иштирок қилаётганлигининг таъсирчан формасидир. Сайловчиларнинг наказлар бериш қоидаси, деб таъкидлайди пропагандист, фақат социалистик давлатгагина хос бўлиб, бунда депутатлар ўз сайловчиларига тўла ҳисоб берадилар ва уларнинг иродасини бажаришга мажбурлар. Уларнинг хоҳиш-иродасини тегишли давлат органлари томонидан қабул қилинаётган актларда ҳамда ана шу актларни турмушга татбиқ қилиш соҳасидаги кундалик фаолиятларида ифода этадилар.

Сайловчиларнинг наказлари, деди ўртоқ Л. И. Брежнев,—«демократиямизнинг сўздаги эмас, балки амалдаги демократиянинг, ҳақиқий ва реал демократиянинг яққол ифодасидир. Наказларда меҳнат аҳлининг ўз давлати ишлари тўғрисидаги, жамоат манфаатлари ҳақидаги ғамхўрлиги акс эттирилган. Бинобарин, биз халқ ташаббускорлигининг ана шу зарраларини эътиборсиз қолдиришга асло ҳақли эмасмиз» (Ленин йўлидан. 7-том, 267-бет). Юқорида айтиб ўтилганидек, СССР Конституциясида сайловчиларнинг наказлари тўғрисида махсус модда киритилган бўлиб, унда иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини ишлаб чиқиш вақтида сайловчиларнинг наказларини ҳисобга олиш, улар наказларининг бажарилишини ташкил қилиш, уларнинг бажарилиши ҳақида меҳнаткашларни хабардор қилиб туриш Советларнинг вазифаси эканлиги уқтирилган.

Совет демократиясининг ривожлантирилиши социалистик давлатчиликдан коммунистик ижтимоий ўз-ўзини бошқаришга олиб боради. Демократия ривожланиб борган сари, деб кўрсатди ўртоқ Л. И. Брежнев,—«бизнинг давлатимиз ўсиб, аста-секин коммунистик ижтимоий ўз-ўзини бошқаришга айлана боради. Бу жараён, албатта, узоқ давом этади, аммо муттасил содир бўлмоқда». (Ленин йўлидан. 6-том 595-бет).

Социалистик демократиянинг равнақи социализм шароитида «аҳолининг **жуда кўпчилиги** цивилизацияли жамиятлар тарихида биринчи марта фақат овоз беришда ва сайловлардагина эмас, балки **кундалик идора қилиш ишларида ҳам мустақил равишда** иштирок қилиш даражасига кўтарилади» деган ленинча қоиданинг тўғрилигини ишонарли тарзда тасдиқлаб берди (Тўла асарлар тўплами, 33-том, 136-бет).

Социалистик демократия қанчадан-қанча тарихий ютуқларга эришганлигига қарамай, унинг потенциал имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланилганича йўқ. Бизда бу соҳада ҳали кўпгина камчиликлар, ҳал қилинмаган проблемалар борки, партия Марказий Комитети, шахсан ўртоқ Л. И. Брежнев бир неча марта бунга эътиборни жалб қилиб ўтди. Ўртоқ Л. И. Брежнев Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчилари ҳузурида 1979 йил 2 мартда сўзлаган нутқида қонунчиликни бузиш, танқидни бўғиш, сансалорлик, расмиятчилик ва бюрократизм фактлари ҳали ҳам борлигини таъкидлаб ўтди. Бундай фактларга қарши қатъий кураш олиб бориш зарур. Ўртоқ Л. И. Брежнев одамларнинг эҳтиёжларига ва фикрларига кўпроқ эътибор бериш лозимлигини таъкидлаб, бундай деди: «Ҳар бир совет кишиси давлат ишларига ўзининг дахлдор эканлигини сезиб турадиган бўлсин, унинг фикри, унинг овози эшитилишига ҳамда катта ва кичик қарорларни ишлаб чиқиш пайтида ҳисобга олинишига ишончи комил бўлсин» (Ленин йўлидан. 7-том, 675-бет).

Социализм даврида демократия эришган буюк ғалабалар, деб давом этади пропагандист, социалистик демократияга тубдан қарама-қарши бўлган буржуа демократияси фонида айниқса яққол кўзга ташланади. В. И. Ленин буржуа демократиясининг моҳиятини очиб бериб, бундай деб ёзган эди: «Капиталистик жамиятнинг демократизми — жуда озчилик учун хизмат қиладиган демократиядан, бойлар учун хизмат қиладиган демократиядан иборатдир. Агар капиталистик демократиянинг механизмига яқинроқдан кўз ташласак, у ҳолда биз ҳар ерда ва ҳамма жойда... демократизм тобора чекланганини-ю чекланганлигини кўрамиз... Камбағалларга қарши белгиланган бу хил чеклашлар, бекор қилишлар, истисно қилишлар ва тўсқинликлар... камбағалларни сиёсатдан, демократияда актив иштирок этишдан маҳрум қилиб, четга чиқариб қўяди» (Тўла асарлар тўплами, 33-том, 101—102-бетлар).

Шу ўринда ҳатто капиталистик мамлакатлардаги сайлов ҳуқуқлари берилган гражданлар ҳам давлат органларига ўтказиладиган сайловларда пассив қатнашаётганлигини, сайловларда қатнашишдан бўйин товлаётганлигини, бу эса гражданларнинг сиёсий бефарқлиги ошганлигидан далолат беришини таъкидлаб ўтиш лозим. АҚШда

ўтказиладиган президент сайловлари бунга яққол мисол бўла олади. Бу сайловларда сайловчиларнинг активлиги муттасил пасайиб бормоқда. Чунончи, агар 1960 йилда президент сайловларида сайловчиларнинг 63,2 проценти қатнашган бўлса, 1964 йилда 62, 1968 йилда — 61, 1972 йилда — 55, 1976 йилда эса атиги — 53,3 проценти қатнашди, холос.

Капиталистик мамлакатларда раҳбар давлат органларига бўладиган сайловларда сайловчиларнинг пассивлиги ошаётганлиги уларни бизнинг сайловларимиз билан таққослаганда айниқса яққол кўзга ташланади. Биздаги сайловлар умумхалқ байрамига айланиб, сайловчиларнинг ва барча совет кишиларининг ҳамиша юксак даражадаги сиёсий активлиги шароитида ўтади.

Умумий, тенг ва тўғри сайловлар принципларига асосланган совет сайлов системаси чинакам демократик бўлиб, мамлакатимиз гражданлари учун гарантиялаб қўйилган сайлов ҳуқуқларини ҳақиқатда ва тўла амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаб беради.

ССР Иттифоқи Олий Советига (1979 йил) ҳамда иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советларига ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига (1980 йил) ўтказилган сайловлар ривожланган социалистик жамият демократияси тантанасининг ёрқин намойишига айланди. Миллионлаб совет гражданлари сайлов комиссияларида, ишончли вакиллар сифатида, агитатор ва пропагандист бўлиб актив ишладилар. Сайловларда сайловчиларнинг қарийб юз проценти қатнашди. Чунончи, СССР Олий Советига сайловларда сайловчиларнинг 99,99 проценти, Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловларда ҳам худди шунча сайловчи, Қорақалпоғистон АССР Олий Советига сайловларда сайловчиларнинг 100 проценти қатнашди ва ҳоказо.

Буржуазия ва унинг идеологлари буржуа демократияси гўё барча синфларга хизмат қилади, бу «соф», «синфдан ташқари» демократиядир деб исботлашга беҳуда уринмоқдалар. Буржуа жамиятида мавжуд бўлган граждан ҳуқуқларида энг асосий бўлган меҳнат қилиш, илм олиш, уй-жойли бўлиш ҳуқуқини четлаб ўтадилар. Буни АҚШ мисолида яққол кўриш мумкин. Бу мамлакатда салкам 10 миллион киши бутунлай ёки қисман ишсиз, 10 миллионлаб гражданлар — саводсиз, аҳолининг учдан бир қисмига яқини эса, мамлакатдаги расмий шахсларнинг эътироф қилишларича, жуда ёмон шароитда ҳаёт кечирмоқда. Бу мамлакатда ҳамма ерда ва ҳамиша гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари оёқости қилинмоқда.

«Душманларимиз социализмнинг «мукаммал эмаслиги» хусусида қанчалик куйиб-пишмасинлар, уни «яхшилаш», «инсонпарвар қилиш» ҳақида қанчалик оғиз кўпиртирмасинлар,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев,— биз Лениннинг пролетар, социалистик демократия ҳар қандай буржуа демократиясидан миллион баравар демократроқдир, деган сўзларини ифтихор билан такрорлай берамиз» (Ленин йўлидан. 2-том, 649-бет).

ТЕМАГА ОИД АДАБИЁТ

В. И. Ленин. **Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари.** Тўла асарлар тўплами, 36-том, 187—237-бетлар.

В. И. Ленин. **Буюк почин.** Тўла асарлар тўплами, 39-том, 1—33-бетлар.

В. И. Ленин. **Асрлардан буён ҳукм суриб келган укладни вайрон қилишдан янгисини бунёд этишга.** Тўла асарлар тўплами, 40-том, 362—363-бетлар.

КПСС Программаси. Тошкент, «Ўзбекистон», 1970, 64—137-бетлар.

ССР Иттифоқи Конституцияси (Асосий Қонуни). Тошкент, «Ўзбекистон», 1977 йил.

КПСС XXV съездининг материаллари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1976, 110—121-бетлар.

Л. И. Брежнев. **Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг эллик йиллиги тўғрисида.** Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар. Тошкент, «Ўзбекистон», 1974, 4-том, 45—112-бетлар.

Л. И. Брежнев. **Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Конституцияси (Асосий Қонуни) лойиҳаси ва унинг умумхалқ муҳокамаси якунлари тўғрисида.** Тошкент, «Ўзбекистон», 1977.

Л. И. Брежнев. **СССР Конституцияси тўғрисида.** М., Политиздат. 1977.

Л. И. Брежнев. **Улуғ Октябрь ва инсоният тараққиёти.** Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар. Тошкент, «Ўзбекистон», 1978, 6-том, 645—670-бетлар.

Л. И. Брежнев. **Коммунизм йўлидаги тарихий марра.** Ленин йўлидан. Нутқлар ва мақолалар. Тошкент, «Ўзбекистон», 1978, 6-том, 700—721-бетлар.

Л. И. Брежнев. **Совет кишиларининг бахт-саодати йўлида.** Тошкент, «Ўзбекистон», 1979.

Л. И. Брежнев. **Бизнинг йўлимиз — тинч бунёдкорлик йўли.** «Совет Ўзбекистони», 1980 йил 23 февраль.

Б. Н. Пономарев. **Ленинизмнинг буюк ҳаётий кучи.** «Совет Ўзбекистони», 1980, 22 апрель.

ФЕОДАЛИЗМДАН СОЦИАЛИЗМ САРИ

БУХОРОДАГИ ХАЛҚ РЕВОЛЮЦИЯСИ ҒАЛАБАСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

Қ. ҲАСАНОВ,
тарих фанлари доктори

РОССИЯДАГИ ҒОЛИБОНА Октябрь социалистик революцияси мамлакатимиз халқлари, бутун инсониятнинг тақдирига ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Туркистон халқларининг миллий-озодлик кураши ҳам ягона революцион процессга қудратли оқим бўлиб қўшилди.

Совет Россиясининг, шу жумладан Туркистон республикасининг социалистик қурилишдаги муваффақиятлари феодал-мустабид идора усули ҳукмронлик қилган ўрта асрчилик босқичида бўлган Бухоро халқларининг сиёсий ўсишига, миллий-озодлик ва революцион ҳаракатининг ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатди. Шу боисдан ҳам бу даврда антифеодал кураш вазифалари биринчи галдаги вазифалар бўлган эди. Бухоронинг руслар яшаган қисми — Янги Бухоро (Когон), Чоржўй, Карки ва Термизда Совет ҳокимиятининг ғалабаси, қўшни Россиядаги дастлабки социалистик туб ўзгартишлар ҳамда унинг халқлари миллий жиҳатдан озодликка чиққанлиги Бухоро халқларига революцион таъсир кўрсатиб, уларнинг дилларида эксплуататорларга нафратини авж олдирди, уларнинг феодал-мустабид тузумдан норозилигини кучайтирди. Бухоро амирлигининг меҳнаткашлар оммаси ўз озодликлари учун курашда қудратли қўшнилари — Совет Россиясига таянишлари мумкин эди.

1918 йилда барпо қилинган Бухоро Коммунистик партияси (БКП) кучайиб бораётган революцион ва миллий-озодлик ҳаракатига бошчилик қилди. БКПнинг 1920 йил августда бўлиб ўтган IV съезди Бухорода революцион кризис етилганлигини ҳисобга олиб, амир истибдодини ағдариш мақсадида қуролли қўзғолон қилиш тўғрисида тарихий қарор қабул қилди. «Амирнинг мустабид ҳокимияти Бухоро халқи бошига солган бутун азоб-уқубатларга барҳам бермоқлик учун,— деб таъкидланган эди съезд резолюциясида,— биз Бухоро халқини қуллик занжирларидан қутқаришни ҳамда ишчи ва деҳқонлар ҳокимиятини ташкил этиш зарурлигини ўзимизнинг биринчи галдаги ва кечиктириб бўлмайдиган вазифамиз деб ҳисоблаймиз». Съезд Бухоро меҳнаткашларини амир зулмидан озод қилиш учун ёрдам сўраб Совет ҳукуматига мурожаат қилди.

IV съезд амирга қарши бош кўтарган барча кучларни бирлаштириш учун «инқилобий ёш бухороликлар» партиясига нисбатан янги тактикани ишлаб чиқди ва БКП билан ана шу партия ўртасида вақтинча иттифоқ тузиш тўғрисида қарор қабул қилди, бу партиянинг БКП программасини тан олиши ва Бухоро Коммунистик партияси раҳбарлигидаги Советлар республикаси шаклидаги меҳнаткашлар ҳокимиятини ўрнатиш зарурлигини эътироф қилиши бундай иттифоқнинг шарти эди. IV съезд қарорларига мувофиқ БКП халқ оммасининг амир

мустабид режимини тор-мор этишига бошчилик қилди. Қуролли қўзғолонга раҳбарлик қилиш учун Ҳарбий-революцион марказ тузилди, В. В. Куйбишев, Ф. Хўжаев ва Н. Ҳусаинов бу марказнинг аъзолари эдилар.

Амирлик меҳнаткашларининг революцион чиқишлари 1920 йил 28 августда Чоржўйда бошланди. Тез орада кўпгина шаҳарлар, районлар ва қишлоқлар қўзғолонга қўшилдилар. Ана шу оғир пайтда Совет ҳукумати Революцион комитетнинг мурожаатига жавоб бериб, Бухоро халқларига қардошларча ёрдам қўлини узатди.

Бухоро операциясининг планини атоқли пролетар саркардаси М. В. Фрунзе Бухоро Компартияси ҳамда революцион ташкилотлари раҳбарларининг фаол иштирокида ишлаб чиқди. БКП бошчилик қилаётган халқ оммаси Туркистон фронти қўшинларининг мадади билан тўрт кунлик шиддатли жанглардан кейин 1920 йил 2 сентябрда амир ҳокимиятини ағдариб, халқ-демократик тузумини ўрнатдилар. Ўша куниёқ Туркистон фронти қўшинларининг қўмондони М. В. Фрунзе В. И. Ленинга қуйидагича доклад қилди:

«Кўҳна Бухоро қалъаси бугун қизил бухороликлар ва бизнинг қўшинларимизнинг биргаликдаги ҳужуми билан қўлга олинди. Бухоро жаҳолатпарастлари ва қора гуруҳчиларнинг сўнгги таянчи қулади. Регистон устида жаҳон революциясининг Қизил байроғи ғолибона ҳилпирамоқда, амир қолган тарафдорлари билан қочди, уни ушлаш чоралари кўрилди. Бутун марказий ва шимолий Бухоро ҳозирдаёқ революцион режим ўрнатдилар.

Россия қўшинлари ва Бухоро Қизил Армияси Туркистон ва бутун Россия ишчи ва деҳқонларини бу хушхабар билан табриклайдилар».

Бухоро меҳнаткаш халқи революциянинг ғалаба қилганлиги тўғрисидаги хабарни шод-хуррамлик билан кутиб олди. Бутун Россия Ижроия Комитетининг ўша кезларда Бухорога борган «Қизил Шарқ» поезди қатнашчилари шундай хабар қилдилар: «Аҳоли кенг қатламларининг янги тартибга меҳр-муҳаббати шак-шубҳасиздир», янги тартиб умуман ва бутунлай «Бухоро аҳолисининг барча қатламлари томонидан қабул қилинди».

Бухородаги революция Улуғ Октябрь социалистик революциясининг давоми бўлди. Шу билан бирга у ўзининг мақсадлари ва ҳаракатлантирувчи кучлари жиҳатидан антифеодал, умумхалқ, деҳқонлар революцияси, шакли жиҳатидан эса — совет революцияси эди. Унда ишчилар, деҳқонларнинг мутлақ кўпчилиги, ҳунармандлар ва миллий буржуазиянинг тараққийпарвар кучлари ҳамда зиёлилар фаол қатнашди.

Бухородаги революция ўзининг социал мазмунига кўра демократик революция эди. У социалистик революция бўлиши учун оралиқ босқичини ўтиши зарур эдики, халқ совет республикаси шундай босқич эди. «Бухородаги революцияга коммунистлар раҳбарлик қилдилар,— деб таъкидлади В. В. Куйбишев.— Лекин тамомила тушунарли объектив сабабларга кўра социалистик деб атаб бўлмайдиган тузум ўрнатилди, чунки бунинг учун на иқтисодий, на сиёсий, на психологик шарт-шароитлар етилмаган эди».

1920 йилда Советларнинг Бутун Россия VIII съездида В. И. Ленин Бухоро, Озарбайжон ва Арманистон Совет республикалари тузилганлиги ва мустаҳкамланганлигини катта муваффақият сифатида қайд этди, уларнинг моҳиятини чуқур ва ҳар тарафлама очиб берди. Владимир Ильич бундай деган эди: «Ўртоқлар, мен шуни ҳам айтиб ўтишим керакки, Шарқда бизнинг сиёсатимиз шу йил ичида жуда катта ютуқларга эга бўлди. Биз Бухоро, Озарбайжон ва Арманистон Совет республикаларининг тузилганлиги ва мустаҳкамланганлигини ва бу республикалар ўз мустақиллигини тўла тиклаш билан чекланиб қолмасдан, шу билан бирга ишчи ва деҳқонлар уларда ҳокимиятни ўз қўл-

ларига олганлигини ҳам табриклашимиз лозим. Бу республикалар Совет ҳокимияти ғоялари ва принциплари фақат саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатлардагина эмас, фақат пролетариат сингари социал таянчи бўлган мамлакатлардагина эмас, балки шу билан бирга деҳқонлар сингари асоси бўлган мамлакатларда ҳам тушунарли ва тезлик билан амалга оширилиши мумкин эканлигини кўрсатадиган ва тасдиқлаб берадиган далилдир. Деҳқон Советлари ғояси енгиб чиқди. Ҳокимиятнинг деҳқонлар қўлига ўтиши таъминланди: ер, ишлаб чиқариш воситалари шу деҳқонлар қўлида. Сиёсатимизнинг амалий натижалари деҳқон-совет республикаларининг Россия социалистик республикаси билан дўстона муносабатларини ҳозирдаёқ мустаҳкамлади» (Тўла асарлар тўплами, 42-том, 154—155-бетлар).

1920 йил октябрда бўлиб ўтган халқ вакилларининг I Бутун Бухоро қурултойи катта воқеа бўлди, қурултой амир ҳокимиятининг агдарилганлигини ҳамда Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ни тантанали равишда эълон қилди. Қурултой республикада халқ демократик тузумини мустаҳкамлашга кўп куч ва ғайрат сарфлаган Файзулла Хўжаевни БХСР Вазирлар Кенгашининг раиси қилиб сайлади.

Совет Россияси БХСРни биринчи бўлиб мустақил, суверен давлат сифатида тан олди ва унга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатди. Бу ерга РСФСР, РКП(б) МК ва Коминтернинг мухтор вакили сифатида атоқли партия ва давлат арбоби В. В. Куйбишев юборилди, у РСФСР билан БХСР ўртасидаги ўзаро қардошлик муносабатларини мустаҳкамлашда ҳамда Бухоро республикасида халқ ҳокимиятини мустаҳкамлашда катта роль ўйнади.

Шу билан бирга бу ерда БКП раҳбарлигида аграр ислоҳотлар амалга оширилди, йирик феодал ер эгалиги ҳамда эксплуатациянинг крепостнойлик формалари йўқ қилинди, бу эса БХСР қишлоқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришга ёрдам берди. Республикада амир, заводчилар ва савдогарларга қарашли пахта тозалаш ва ёғ саноати қисман национализация қилинди. Давлат саноати вужудга кела ва ривожлана, ишчилар синфи шакллана бошлади, дастлабки давлат мактаблари, маданий-оқартув муассасалари, олий ўқув юртлари пайдо бўлди, бу эса миллий зиёлилар вужудга келишини активлаштирди. БХСРда касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари барпо қилинди.

Бухоро Коммунистик партияси республика меҳнаткаш оммасини давлат бошқариш органларида ишлашга ҳамда жамоат ташкилотларига жалб эта бориб, уларнинг социал-сиёсий активлиги ўсишига эришди. Ф. Хўжаев 1920 йил 9 ноябрда В. И. Ленинга Бухоро халқи «...революцияни ривожлантириш, қонхўр амирликни батамом ўзгартириш ва унинг бутун қолдиқларини йўқ қилиб ташлаш иштиёқидадир», деб хабар қилди.

БХСР турмушининг барча соҳаларида амирдан ҳаддан ташқари қолоқликни мерос қилиб олиб, иқтисодий, ҳарбий-сиёсий ва маданий ёрдамга ниҳоятда муҳтож эди. 1921 йил январда В. И. Ленин раҳбарлигида тайёрланган иттифоқ тузиш тўғрисидаги шартнома ва иқтисодий битим РСФСР билан БХСР ўртасидаги ҳамкорликнинг асосини белгилаб берди. Ана шу битимга мувофиқ кўрсатилаётган иқтисодий ёрдам доимий характерда бўлиб, йил сайин кучайиб борди. Чунончи, 1921 йилда РСФСР Халқ Комиссарлари Совети БХСРга ёрдам юзасидан 5,5 миллиард сўм ажратди. Бундан ташқари, РСФСРдан БХСРга ҳар ойда саноат маҳсулоти, озиқ-овқатлар, мануфактура ва 2 миллиард сўм миқдорида бошқа товарлар юбориб турилди.

В. И. Ленин БХСР билан ташқи сиёсий алоқаларга шахсан ўзи раҳбарлик қилиб турди. 1921 йил апрелда у Бухорога совет дипломатик вакиллари тайин қилиш хусусида Г. В. Чичерин билан маслаҳат-

lашади. 1921 йил 21 майда РСФСРнинг БХСРдаги мухтор вакили К. К. Юреньевнинг ишонч ёрлиғини имзолайди. Бу ёрлиқда, жумладан шундай дейилган эди: «...Россия Совет ҳукумати фурсатдан фойдаланиб, рус ишчи ва деҳқонлари номидан қардош ва иттифоқдош Бухоро халқига тинчлик, омонлик ва катта муваффақиятлар тилаб, самимий истаклар билдиради...».

БХСР вакиллари В. И. Ленин ҳузурида бир неча бор бўлдилар. Ана шу қабуллардан бири тўғрисида РСФСР ХКС ҳамда ММС секретари Л. А. Фотиева шундай хотирлайди: «Бир куни Бухоро делегацияси Владимир Ильич ҳузуридан жўнаб кетгач, одатда у тушки тамаддиқ қилишга борадиган пайтда, мажлислар залидан кабинетга кирадиган эшик ичкаридан ёпилиб қолибди. Уни коридорда эшикни қўриқлаб турадиган ВЧК ходими ёпиб қўйган, деб тахмин қилиб, биз, В. И. Лениннинг топшириқлари бажарилмай қолади, деган хавотирда эшикни жон-жаҳдимиз билан дукиллата бошладик. Орадан бир неча минут ўтгач, юзида табассум билан Владимир Ильич эшикни очди. У бухороликлар совға қилган Бухоро миллий чопонини кийиб олган эди. Владимир Ильич чопонни бўйига ўлчаб кўрмоқчи бўлган экан».

1921 йил 4 августда В. И. Ленин РКП(б) МК Сиёсий бюроси аъзоларига шундай деб ёзди: «Мен Чичериндан Бухородаги сиёсатга тааллуқли тезислар лойиҳасини олдим, у Турккомиссия ҳамда бизнинг Бухородаги вакилимиз билан келишиб тузилган. Сиёсий бюронинг барча аъзоларидан телефон орқали фикр сўраб, бу тезисларни дарҳол тасдиқлаш учун овоз бераман». Лойиҳада Совет ҳокимиятининг Бухоро ва Хивадаги бутун сиёсати фақат Россиянинг мухтор вакиллари орқали амалга оширалажаги, Турккомиссиянинг тадбирлари мухтор вакиллар билан, алоҳида муҳим тадбирлар эса — РСФСР ташқи ишлар халқ комиссарлиги билан келишиб олиниши кераклиги кўзда тутилган эди. 1921 йил 5 августда РКП(б) МК Сиёсий бюроси бу тезисларни тасдиқлади.

В. И. Лениннинг, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ҳар тарафлама ёрдами БХСРда халқ ҳокимиятини мустаҳкамлашда ҳамда нокапиталистик ривожланиш йўлини амалга оширишда жуда катта роль ўйнади.

Бухоро Коммунистик партияси, РКП(б)нинг умумий стратегияси ва тактикасига амал қилиб, БХСРнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзининг сиёсати ва тактикасини ишлаб чиқди, бу сиёсат ва тактикага мувофиқ у республика меҳнаткашларининг бутун кучини халқ-демократик революциясининг социалистик революцияга ўсиб ўтишига қаратди. Бунда кишиларнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги феодализм қолдиқларини тугатишга алоҳида эътибор берилди.

БКП ички контрреволюция ва халқаро империализм вужудга келтирган жиддий қийинчиликларни бартараф этиб, меҳнаткашлар оммасининг республикада демократик ислоҳотлар ўтказиш учун курашига бошчилик қилди. Дастлабки даврда БКП ёт унсурлар билан анча даражада булғаниб кетган эди. Бу ҳол унинг 1920 йил сентябрда инқилобий ёш бухороликлар партияси билан қўшилиши муносабати билан айниқса кучайган эди. Аҳвол шу билан ҳам мураккаблашган эдики, БКП сафларида ишчилар оз эди.

Бухоро Компартиясини мустаҳкамлашда 1921 йил 28 январда РКП(б) МК Туркистон бюроси йўллаган «Бухоро коммунистларига очиқ хат» катта роль ўйнади. Ана шу хатда илгари сурилган вазифаларни бажариш асосида ўша йилнинг февралида БКПнинг V (революциядан кейинги биринчи) съезди[1] бўлиб ўтди. Съезд БКП МКнинг вазифалари тўғрисидаги резолюцияни, РКП(б) Устави асосида ишлаб чиқилган партиянинг янги Уставини қабул қилди. Съезд БКП МКга Компартия составини қайтадан рўйхатдан ўтказишни ҳамда уни ёт

унсурлардан тозалашни юклади, шунингдек III, Коммунистик Интернационал Ижроия комитетига БКПни унинг сафига қабул қилишни сўраб ёзган мурожаатини тасдиқлади. Кўп ўтмай БКП хайрихоҳ ташкилот сифатида Коминтернга кирди.

Бухоро коммунистлари, V съезд қарорларини бажара бориб, БКП сафларини мустаҳкамлаш юзасидан анча иш қилди. Қайтадан рўйхатга олиш бунга ёрдам берди, бунинг натижасида ёт унсурлар партиядан чиқарилди. БКП ўз сафларини тозалаб олиб, куч-ғайратини халқ ҳокимиятини мустаҳкамлашга ҳамда БХСРда контрреволюцияни тор-мор қилишга қаратди.

Демократик тузумни мустаҳкамлашда ҳамда коммунистларни янада жипслаштиришда БКПнинг 1921 йил декабрда бўлган VI (II) съездининг қарорлари муҳим роль ўйнади. Съезд БКП Программасини қабул қилди, бу Программа БХСР хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда РКП(б)нинг иккинчи Программаси асосида тузиб чиқилган эди. Съезд делегатлари Бухоро коммунистлари номидан БКПни РКП(б) составига қабул қилиш тўғрисидаги илтимос билан РКП(б) МКга мурожаат қилдилар. В. И. Ленинга йўлланган мактубда бундай дейилган эди: «Бухоронинг мазлум мусулмонларини озод қилишдан иборат эркин ғоялар тантанаси учун қўзғолоннинг Қизил байроғини кўтарган ҳамда III, Коммунистик Интернационал сафига ўтган Бухоро Коммунистик партияси Коммунистик Интернационал эълон қилган улуғ эркин шиорларни амалга ошириш учун матонат билан кураш олиб боради».

1922 йил февралда БКП РКП(б) составига қабул қилинди. Шу пайтдан бошлаб Бухоро Компартияси тарихида янги босқич бошланди.

РКП(б) Марказий Комитети, РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси улуғ марксча-ленинча таълимотга, пролетар интернационализми ғояларига асосланган БКПга раҳбарликни ва ёрдамни кун сайин кучайтириб бердилар. Бу ҳол маҳаллий партия ташкилотларининг ролини пасайтирмади, балки, аксинча, жанговарлик, ижодий активликнинг ва БКП аъзоларининг ўсишига ёрдам берди.

РКП(б) МК Сиёсий бюроси, Секретариати, Ижроия Комиссияси мажлисларида ҳамда РКП(б) МК Пленумларида БКПни ғоявий-ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳамда унинг БХСРда демократик ислоҳотлар ўтказиш ва социалистик қурилишдаги раҳбарлик ролини ошириш билан боғлиқ бўлган жуда муҳим масалалар мунтазам муҳокама қилиб турилди. РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси айниқса катта ёрдам кўрсатиб келди. Масалан, агар 1922 йилда РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси Ижроия Комиссияси мажлисларида БКП ишини яхшилаш билан боғлиқ бўлган 21 масала кўриб чиқилган бўлса, 1924 йилда 53 масала муҳокама қилинди.

Бухоро амирлигида революция ғалаба қилган дастлабки кунларданоқ Англия-Америка империалистлари, ички контрреволюция халқ тузумини йўқ қилиб ташлаш учун бутун чораларни кўрди. БХСР территориясида босмачи бандалари қутуриб иш кўрди.

Бухоро меҳнаткашлар оммаси БКП раҳбарлигида, РКП(б) МКнинг ҳамда унинг жойлардаги мухтор органларининг доимий ёрдами натижасида босмачи бандаларига қақшатқич зарба берди. БХСРда босмачилар 1924 йилда асосан тугатилди. Босмачилар ва бошқа контрреволюцион кучларни тор-мор этишда, БХСРда социалистик қурилиш ишида В. И. Ленин, РКП(б) Марказий Комитети юборган кишилар — М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Я. Э. Рудзутак, С. И. Гусев, Г. К Орджоникидзе, С. С. Каменев, Ш. З. Элиава ва кўпгина бошқа кишилар катта ҳисса қўшдилар. Файзулла Хўжаев уларнинг ўша йиллар

даги фаолиятига юксак баҳо бериб: «Биз барча муваффақиятлар учун Марказий Комитетдан, унинг бизда бўлган вакилларидан миннатдормиз», деб ёзган эди.

БХСР меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида республика халқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантиришда катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. 1923 йилга келиб чигит экиладиган суғориладиган ер майдонлари анча кенгайди, четга пахта хом ашёси чиқариш 1924 йилда 1923 йилдагига нисбатан икки баравар кўпайди. Республикада деҳқон хўжаликларини кооперативлаштириш муваффақиятли амалга оширилди.

БХСРда саноат барпо қилина ва ривожлана бошлади. Бу ишда РСФСР айниқса катта ёрдам кўрсатди. Чунончи, РКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1922 йил 3 июлдаги қарори билан Бухоро республикасига тўқимачилик-қоғоз фабрикаси, тери ва совун пишириш заводлари учун бадалсиз асбоб-ускуналар етказиб берилди, Москва области Зарайск шаҳридаги тўқимачилик фабрикаси бутунича топширилди. Республиканинг ривожланаётган индустрияси учун ишчи кадрлар тайёрлашда ҳам улкан беғараз ёрдам кўрсатилди. БХСРда 1924 йилда ўтказилган ишлар натижасида 34 саноат корхонаси, шу жумладан 23 пахта тозалаш заводи ишлай бошлади.

Маданий қурилиш ҳам муваффақиятли амалга оширилди. 1924 йилда республикада 69 умумий таълим мактаблари, 2 ўқитувчилар институти, 3 ҳунар билим юрти ишлади, театр ва музейлар барпо қилинди.

Москва, Ленинград, Тошкент мутахассислар тайёрлашда БХСРга катта ёрдам кўрсатдилар. Фақат 1924 йилда бу шаҳарларга туб ерли миллатларнинг вакилларидан 500 дан кўпроқ киши ўқишга юборилди.

Иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланишдаги, ленинча миллий сиёсатни амалга оширишдаги муваффақиятларни ҳисобга олиб, Советларнинг Бутун Бухоро V қурултойи 1924 йил сентябрда Бухоро Халқ Совет Республикасини социалистик республикага айлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. Революцион-демократик босқичдан социалистик босқич сари ривожланиш ички процесси ана шундай ниҳоясига етди.

1924 йилнинг охирида Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланиши натижасида Туркистон АССР, Бухоро ХСР ва Хоразм ХСР базасида Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР, Ўзбекистон ССР составида Тожикистон АССР, РСФСР составида Қорақирғизистон ва Қорақалпоғистон автоном областлари тузилди. 1929 йилда Тожикистон АССР иттифоқдош республикага айлантирилди, кейинроқ Қозоғистон ССР, Қирғизистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР тузилди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари коммунистларнинг улуғ ленинчи партияси раҳбарлигида Советлар Мамлакати халқларининг ягона оиласида бир авлод умри давомида қолоқликка абадий барҳам бериб ҳамда ҳозирги замон тараққиёти чўққиларига кўтарилиб кураш ва ғалабаларнинг шонли йўлини босиб ўтди.

Совет шарқи республикалари, шу жумладан БХСРнинг капитализм уқубатли босқичини четлаб, нокапиталистик муносабатлардан социализмга ўтиш тажрибаси ҳамда уларнинг коммунистик қурилишдаги муваффақиятлари мустамлакачилик зулмидан қутилган ва нокапиталистик ривожланиш йўлига ўтган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқлари диққат-эътиборини тобора кўпроқ жалб қилмоқда. Ана шу республикаларнинг намунаси социализм миллий ва мустамлака зулмини, ҳуқуқсизлик ва қашшоқликни бутунлай тугатишни, халқларнинг ҳар тарафлама ривожланишини, бахт-саодати ва гуллаб-яшнашини таъминлашини яққол кўрсатди.

УЛКАН ЙЎЛ БОСҚИЧЛАРИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

Т. САРИМСОҚОВ,
университет ректори

ЎРТА ОСИЁДАГИ биринчи олий ўқув юрти — В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети 60 ёшга тўлди. Юбилей кунлари одатда босиб ўтилган йўлга назар ташланади, эришилган ютуқларга якун ясалади ва истиқбол белгиланади. Ана шу анъанага риоя қилиб, университетнинг дастлабки қадамларини эслаб ўтамиз...

...1920 йил. Гражданлар уруши, ҳаммаёқда очлик, вайроналик. Мана шундай оғир, машаққатли бир вақтда муҳим давлат ишлари билан жуда банд бўлган В. И. Ленин Тошкентда университет ташкил этиш ишига катта эътибор беради.

Ўқитувчилар, уларнинг оила аъзолари тушган, университет учун асбоб-ускуналар ортилган биринчи эшелон Москвадан 1920 йилнинг февралида чиқиб, Тошкентга икки ой деганда етиб келди — ўша вақтларда поездлар ана шундай юрарди. Бу йўл азоблари Москва ва Петроград олий ўқув юртларининг вакилларини аҳил бир коллектив қилиб жипслаштирдики, бу коллектив Тошкентга келиши биланоқ ўқув планлари ва программаларини тузишга, зарур қўлланма, ўқув адабиётларини тайёрлашга киришди.

1920 йилнинг август-октябрида Тошкентга марказдан яна тўрт эшелон келди, улар келган ўқитувчиларни, асбоб-ускуна ва кутубхонани олиб келди. Биз чор Россиясининг собиқ мустамлака чекка ўлкасида биринчи университетни барпо этамиз деб ўшанда мамлакатимизнинг йирик илмий марказларини тарк этиб, Тошкентга келган А. Л. Бродский, С. Н. Наумов, Б. А. Баранов, Е. П. Коровин, М. М. Якуб. Д. Н. Кашкаров, Н. А. Димо, М. А. Орлов, К. Г. Хрущчов, Ю. М. Голубков, А. И. Введенский, А. С. Уклонский ва бошқа профессор ҳамда ўқитувчиларнинг номларини чуқур миннатдорчилик билан эслаймиз. Биз Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, биология фанлари доктори, профессор И. А. Райкованинг номини фахр билан тилга оламиз. У Тошкентга ўша биринчи эшелонда келган бўлиб, ҳозирги кунда биология факультетида кафедрани бошқармоқда.

Тошкентда университет очилиши билан боғлиқ бўлган ва бу борада РСФСР ва Туркистон республикасининг партия, давлат, илмий ҳамда жамоат ташкилотлари амалга оширган жуда катта ишлар 1920 йилнинг 7 сентябрида қонун йўли билан расмийлаштирилди — В. И. Ленин Халқ Комиссарлари Советининг университет таъсис этиш ҳақидаги декретига имзо чекди. Ўша шонли кундан буён ўтган 60 йил ичида Тошкент давлат университети 50 мингдан зиёд юқори малакали турли ихтисосдаги мутахассислар тайёрлаб етиштирди.

Аввалига университетда 8 факультет: ишчи, қишлоқ хўжалиги, медицина, техника, ҳарбий, социал-иқтисодий, тарих-филология ва физика-математика факультетлари бор эди. Кейинчалик, 1929—1932 йил-

ларда ўша факультетларнинг деярли ҳар бири олий ўқув юртлари — қишлоқ хўжалиги, Урта Осиё пахта-ирригация, политехника, медицина, планлаштириш, Тожикистон олий педагогика институтлари учун асос бўлди, улар ўша вақтда халқ хўжалиги учун ниҳоятда зарур бўлган мутахассисларни тайёрлашга бирин-кетин киришди.

Партия ва халқ бутун куч-ғайратини социализм қуришнинг ленинча планини амалга оширишга қаратган урушдан олдинги йилларда Тошкент давлат университети коллективи Ўрта Осиёда ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга ва социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини қарор топтиришга салмоқли ҳисса қўшди. У қишлоқ хўжалиги ва саноат учун кадрлар етиштирди, регион қишлоқ хўжалигининг асосий соҳаси — пахтачиликнинг илмий проблемаларини ҳал қилди. Университетнинг кўпгина ўқитувчи ва студентлари ер-сув ислоҳотини ўтказишда бевосита иштирок этди: ер комиссиялари, ер қурилиш партиялари составида, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарини камбағаллар ўртасида тақсимлаш юзасидан тузилган комиссиялар составида ишладилар.

Университет коллективи студентларни ўқитиш ва тарбиялаш билан бирга, ташкил топган дастлабки куниданоқ туб ерли аҳоли, айниқса хотин-қизлар ўртасида илмий билимларни пропаганда қилди. Университетнинг партия ташкилотлари раҳбарлик қилган хотин-қизлар комиссиялари хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўлишга қарши курашга, уларни ўқишга, социалистик қурилишга жалб этиш ишига жуда кўп куч ва ғайратларини сарфладилар.

Ўрта Осиё туб миллатлари орасидан чиққан студентлар сонининг муттасил орта бориши маҳаллий тилларда жуда кўп хилма-хил ўқув қўлланмаларининг бўлишини талаб этарди. Университет аспирантурасидан ўтган мутахассислар ана шу қўлланмаларни яратиш устида ишладилар. Юқори малакали илмий-педагогик кадрларни аспирантура орқали кўплаб тайёрлаш Улуғ Ватан уруши олдидан кенг қулоч ёйди. 1941 йилга келиб 19 докторлик ва 75 кандидатлик диссертацияси ёқланди. Университетда ўшанда 38 фан доктори, профессор, 50 доцент, фан кандидати, 144 ўқитувчи ва ассистент ишларди.

Университет коллективи чинакам ғоявий бирликка эришди. Ўз сафида 158 ВКП(б) аъзоси ва аъзоликка кандидатни бирлаштирган партия ташкилоти ва у раҳбарлик қилган 984 кишидан иборат комсомол ташкилоти коллективнинг ташкилий ядроси бўлди.

Оғир уруш йилларида студентларнинг ярмидан кўпи, устахоналар ва хизматларнинг деярли барча ходимлари, жуда кўп ўқитувчилар Қизил Армия сафида Ватанни ҳимоя қилдилар. Уларнинг кўплари ҳукумат мукофотларига сазовор бўлдилар, биология факультетининг собиқ студенти И. Д. Курганскийга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Университетда қолган ходимлар партия ташкилотининг раҳбарлигида, комсомол ёрдамида ўқув процессини нормал олиб борибгина қолмай, шунингдек мудофаа корхоналарида ишладилар, госпиталларни оталиққа олдилар.

Университетда илмий-тадқиқот ишлари ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Тадқиқот ишлари мудофаа тематикасини ишлашга, Ўрта Осиёнинг табиий ресурсларини ўрганиш ва ўзлаштиришга, пахта ҳосилдорлигини оширишга қаратилди.

Партия ва ҳукуматимиз ўша оғир йилларда ҳам университетни янада ривожлантиришга аҳамият бердилар: 1943 йилда аспирантура кенгайтирилиб, докторантура очилди, 1944 йилда — яна қайтадан шарқ факультети ташкил этилди. 1945 йилда тупроқшунослик-геология-география факультети икки факультетга: геология-тупроқшунослик ва география факультетларига ажратилди.

1945 йилда кундузги бўлимнинг саккиз факультетида 1251 киши сиртқи бўлимида —495, тайёрлов бўлимида 120 киши таълим олди. Ўқитувчилар орасида 30 фан доктори ва 93 фан кандидати, ЎзССР Фанлар академиясининг 9 академиги ва мухбир аъзоси, 15 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби бор эди. М. С. Андреев, Е. Э Бертельс, Н. Л. Корженевский, Н. А. Кейзер, Е. П. Коровин, Н. И Лебединский, Н. Г. Маллицкий, М. Е. Массон, А. А. Семенев, М. А. Орлов, А. С. Уклонский, И. П. Цукерваник, Т. А. Саримсоқов, В. И. Романовский, С. У. Умаров, Н. Н. Назаров, А. Г. Саъдий ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Урушдан кейинги йилларда университет коллективи халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб, юқори малакали кадрлар тайёрлаш суръатини тезлаштирди. Бу давр университетнинг ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан муттасил ўсиш, республиканинг саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалиги билан амалий алоқаларни ўрнатиш ва кучайтириш даври бўлди.

Университет олимларининг илмий ишлари катта халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлди. Масалан, профессорлар А. С. Скворцов, В. А. Жоржио, В. А. Бугаевлар раҳбарлигида Ўрта Осиё шароитида пахта ривожининг агрометеорологик шароитларини ўрганишган метеорологгеофизик ва синоптиклар коллективи чигитни барвақт экиш муддатларини белгилаш юзасидан тавсия киритди. Пахта касалликлари ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда профессор П. Н. Головин раҳбарлигида ишлашган микологлар йирик муваффақиятларга эришдилар. Професор М. Т. Толипов бошлиқ химиклар минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи саноатни ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар. Ҳайвонлар физиологияси кафедрасининг аъзолари доцент А. И. Израэл раҳбарлигида сут берадиган моллар маҳсулдорлигини ошириш юзасидан қатор тавсияларни ишлаб чиқдилар. Геология факультетининг олимлари Ўрта Осиё республикалари саноатининг минерал-хом ашё базасини тадқиқ этиш юзасидан жуда катта ишларни амалга оширдилар. Чунончи, профессор Г. С. Чикризов (1894—1957) Ангрен конларининг геологик харитасини тузиб чиқди, унинг табиий чегараларини аниқлади, кўмир қатламлари паст жойлашган, деган хулосага келди ва улардан очиқ усулда фойдаланиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқди. Урушдан кейинги йилларда мамлакатимизнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга салмоқли ҳиссаларини қўшган яна жуда кўплаб олимларнинг номларини айтиб ўтиш мумкин.

1954 йилнинг январида Тошкент давлат университетига унинг асосчиси Владимир Ильич Ленин номи берилди. Бугунги кунда у Ўрта Осиёдаги энг йирик олий ўқув юрти бўлиб, қудратли моддий-ишлаб чиқариш базасига эга. Университет учун махсус мўлжалланган ажойиб, замонавий ўқув корпусларининг бутун бир комплекси унинг ихтиёридадир, табиатшунослик факультетларининг кўпгина лабораториялари жаҳон стандарти даражасидаги техника асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Студентлар шаҳарчаси барпо этилди. Студентлар ҳамма қулайликларга эга бўлган 7 ётоқхонада яшашади.

Тошкент давлат университети коллективи партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлигини доим ҳис этиб туради ва бу ғамхўрликка иш билан жавоб бериб, эътиқодли, коммунизм ишига содиқ бўлган юқори малакали мутахассисларни тарбиялаб етиштириш ишига бутун куч ва ғайратларини сарфламоқда. КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидов 1979 йилнинг 13 сентябрида университетимиза

бўлди. Бу ҳам партия ва ҳукуматимизнинг университет ишларига катта эътибор бераётганлигининг яна бир ёрқин далилидир. Ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг профессорлар, ўқитувчилар, ходимлар ва студентлар билан қилган суҳбатлари, унинг маслаҳатлари келгуси ишимиз учун муҳим стимул бўлади.

Ҳозирги кунда университетдаги 15 факультетнинг 120 кафедрасида 100 фан доктори, профессорлар, шу жумладан 22 Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги ва мухбир аъзоси ҳамда 765 фан кандидати ва доцент ишламоқда. Жами 1600 дан ортиқ ўқитувчи ишламоқда, мамлакатимизнинг 70 миллатига мансуб 17 мингдан зиёд студент ўқимоқда. Бундан ташқари университетда у ёки бу ихтисос бўйича 400 дан ортиқ чет эл студентлари — ГДР, Польшанинг, Африка, Осиё ва Лотин Америкасидаги кўпгина мамлакатларнинг вакиллари таълим олмоқда.

ТошДУ ректорати, партия ва жамоат ташкилотлари КПСС XXV съездининг коммунистик тарбияга комплекс ёндашиш тўғрисидаги қоидалари ҳамда партия ва ҳукуматимизнинг шундан кейинги қарорларига амал қилиб, ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбияни бирбирига маҳкам қўшиб олиб боришга интилмоқда. Бунда КПСС МК нинг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлди.

Университетда ғоявий-тарбиявий ишлар комплекс планларимизда махсус ажратиб кўрсатилган икки йўналишда олиб борилади: 1) тарбиячиларни тарбиялаш; 2) студентларни тарбиялаш.

Икки мингдан ортиқ ўқитувчи ва ходимлар 39 та назарий ва методологик семинарларда ўз ғоявий савиясини оширадилар, кечки марксизм-ленинизм университетида ўқийдилар, малака ошириш институтида, малака ошириш факультетида қайта тайёргарликдан ўтмоқда ва ҳоказо. ТошДУда раҳбар состав учун лекторий, ёш коммунист мактаби ишлаб турибди. Ғоявий-тарбиявий ишнинг бу барча формаларида К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарларини, партия XXV съезди, КПСС МК Пленумлари материалларини, КПСС МК Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев асарларини чуқур ўрганишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Студентлар билан ғоявий-тарбиявий ишни ҳамма ўқитувчилар олиб бормоқда. Ўқув процесси шундай ташкил этилганки, натижада ҳар бир лекция дунёқарашга оид характерга эга бўлиб, у ҳозирги замон ижтимоий ҳаётининг, фан ва техниканинг актуал проблемалари, мамлакатимиздаги коммунистик қурилиш практикаси билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. Бу борада асосий оғирлик ижтимоий фанлар ўқитувчилари зиммасига тушади. Уларнинг лекцияларида буржуача, реформистик, ревизионистик назариялар асосли ва ишонарли қилиб танқид қилинади.

Студентлар билан олиб бориладиган ғоявий-тарбиявий ишларда комсомол маорифи системаси, ижтимоий касблар факультети, ижтимоий-сиёсий практика муҳим ўрин тутади.

Университет ректорати, партия ва комсомол ташкилоти студентларнинг меҳнат тарбиясига жиддий эътибор бермоқда. Меҳнат тарбияси пахта йиғим-терими пайтида, ҳар йилги ёзги меҳнат семестрлари даврида кўпроқ амалга оширилмоқдаки, студентларимиз мамлакатимизнинг турли районларидаги Бутуниттифоқ комсомол қурилишларида университет орттирган меҳнат шон-шуҳратини қўллаб-қувватламоқдалар ва кўпайтирмоқдалар.

Кейинги йилларда коллективнинг ахлоқий ва эстетик тарбиясига эътибор анча кучайди. ТошДУнинг ўз Маданият саройига (у шаҳар ва республикадаги энг гўзал саройларнинг биридир) эга бўлиши ҳам, шубҳасиз, бунда муҳим роль ўйнади. Университетда бадиий ҳаваскор-

лик коллективлари самарали ишлаб турибди, уларнинг кўплари ҳамманинг ҳурмат ва эътиборини қозонди. Масалан, «Бахтиёр ёшлик» номли вокал-инструменталь ансамбли фақат ўзимизда эмас, шунингдек умумиттифоқ саҳнасида санъат шинавандаларининг олқишига сазовор бўлди. «Кругозор» клуби, халқлар дўстлиги ва пролетар интернационализми халқ университети, музика лекторийси ва шу кабилар студентлар орасида шуҳрат қозонди.

Коммунистик тарбия ишига комплекс ёндашиш яхши натижалар бермоқда. Ўзлаштириш сезиларли даражада ошди: у ҳозир 90 процентдан ортиқроқни ташкил этади, ижтимоий фанлар бўйича эса кейинги икки йил давомида 97,6 процент даражасида турибди.

Партиянинг олий ўқув юртларида илмий фаолият самарадорлигини ошириш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмаларига мувофиқ университетда фаннинг энг муҳим соҳалари бўйича фундаментал асарлар яратишга ва изланишлар, тадқиқот ишлари олиб боришга асосий эътибор берилмоқда. Бу янги илмий мактаб ва йўналишларни келтириб чиқарди. Эҳтимоллик назарияси, математик статистика, физик электроника, геохимия ва қуйқадан ҳосил бўладиган тоғ жинслари формациялари, юқори молекулали бирикмалар химияси, ўсимликлар моддаси химияси, экология ва фитогельминтология, ижтимоий фанлар ва тилшунослик бўйича университетда олиб борилган тадқиқот ишлари илмий жамоатчилик томонидан ҳақли равишда эътироф этилди. Олимларимизнинг пахта генетикаси ва тадқиқотнинг геофизик методлари соҳасида олиб борган илмий изланишлари катта муваффақиятлар билан якунланди. Кўпчилик фундаментал ишларнинг натижаларидан халқ хўжалигида ва ўқув процессида фойдаланилмоқда.

Физика факультетида кейинги йилларда 10 янги изотоп кашф этилди, электр магнитларининг қисқа умрли ядроларда ўтиш эҳтимолини тадқиқ этиш бўйича мактаб яратилди, қўзғалувчи ядроларнинг парчаланиш қонуниятлари — кучли деформациядан шарсимон шаклга ўтиш қонуниятлари аниқланди. Биз энг муҳим ютуқларнигина санаб ўтдик. Алоҳида бетатрон корпус қурилишининг битиши, шубҳасиз, физик олимлар изланишларининг самарасини оширади.

Университет геологлари республикамиз халқ хўжалиги ривожига муҳим ҳисса қўшмоқдалар. Жумладан, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги В. И. Попов раҳбарлигида ёғин формацияси ва қуйқа руда лабораторияси ходимлари амалга оширган ишларнинг аҳамияти жуда катта бўлиб, бунинг натижасида икки томли «Ўзбекистоннинг минерал-хом ашё ресурслари» монографияси яратилди.

Фойдали қазилмаларни излаб топишга ва зилзилани прогнозлаш мақсадида чуқур ер остини ўрганишга қаратилган геофизик тадқиқотлар кенг ривожланди, бу ишларга профессор Б. Б. Тальвирский раҳбарлик қилди. У ғарбий Ўзбекистонда газ конини, газ конденсатини ва газ олтингугуртини очгани учун 1979 йилда СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Профессор Ж. А. Мусаев бошлиқ пахта хусусий генетикаси лабораторияси коллективи пахта турларининг ноёб коллекциясини яратди. У бу бебаҳо экиннинг янги юқори ҳосилдор навларини етиштиришда асос бўлиб хизмат қилади.

СССР Фанлар академиясининг академиги О. С. Содиқов раҳбарлик қилаётган табиий бирикмалар химияси проблемали лабораториясида биоактив бирикмаларни аниқлаш, янги доривор препаратларни синтез қилиш методларини топиш ва ишлаб чиқиш мақсадида табиий хом ашё химик жиҳатдан ўрганилмоқда, пахта вилтига қарши кураш йўллари изланмоқда. Лабораториянинг ишини СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги илмий-техника советининг сайёр сессияси юқори баҳолади.

Фақат кейинги беш йил ичида 12 монографиянинг нашр этилиши ижтимоий ва гуманитар фанлар кафедралари олимлари фаолиятининг самарадорлигидан далолат беради.

Университетнинг саноат корхоналари ва тармоқ институтлари билан ижодий ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартномалар тузиши кенг йўлга қўйилган. Университет турли ташкилотлар, шу жумладан республика фанлар академияси институтлари, тармоқ министрликлари ва саноат корхоналари билан жами 40 дан ортиқ шартнома тузди.

Фан билан ишлаб чиқариш алоқасининг самарали формаси ҳисобланган хўжалик шартномалари асосидаги ишларга катта эътибор берилящти, уларда студентлар ҳам иштирок этяпти. 1980 йилда уларнинг ҳажми 2,5 миллион сўмга етди, бу 1975 йилдагидан 1 миллион 100 минг сўм кўпдир.

В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига ва университетимизнинг 60 йиллигига тайёргарлик кўриш даврида ҳамма ишларимиз активлашиб кетди. Қатор конференциялар юксак ғоявий-назарий савияда ўтди. Чунончи, Тошкент область партия комитети, Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институти, республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги билан ҳамкорликда университетнинг гуманитар факультетлари КПСС тарихи кафедраси базасида «Коммунистик қурилишда партия ролининг орта бориши» деган мавзуда конференция ўтказилди. Ўша кафедра коллективи Узсовпроф билан биргаликда В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги ва СССР касаба союзларининг 75 йиллигига бағишлаб касаба союз ҳаракати проблемалари бўйича илмий конференция ўтказди. Малака ошириш институти базасида «Ривожланган социализм — янги жамият қуриш ленинча ғояларининг амалга ошишидир» деган мавзуда конференция ташкил этилди. Философия-иқтисод факультетида «Лениннинг философик мероси ва ҳозирги замон илмининг методологик проблемалари» деган темада илмий-назарий конференция бўлди.

Бу йил бўлиб ўтган «Университетлар дўстлиги ҳафталиги» III фестивалига тайёргарлик студентлар ижодиётини юксалтириб юборди, фестивал эса интернационализм принциплари тантанасининг ёрқин намойишига айланди. Фестивалда 33 университет, шу жумладан 4 хорижий мамлакат университети ҳамда 30 дан ортиқ мамлакатдан келиб Тошкентда ўқиётган студентлар қатнашди.

В. И. Ленин номидаги ордендор Тошкент давлат университети ўзининг 60 йиллигини кўп сонли коллективнинг ижодий кучлари барқ урган бир шароитда кутиб олмоқда, у шу илм даргоҳига асос солганларнинг энг яхши анъаналарини давом эттириб, 1979 йилда социалистик мусобақада қўлга киритган кўчма Қизил байроқни баланд кўтариб бормоқда, ўзининг кўп қиррали фаолиятини такомиллаштирмоқда, намунали олий ўқув юрти деган ном учун курашмоқда, янги чўққилар, зафарлар сари интилмоқда.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

КПСС МИЛЛИЙ СИЁСАТИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА СССРда миллатлар ва миллий муносабатлар ривожи тўғрисида анчагина қимматли асарлар яратилди. Аммо уларнинг кўпчилиги урушдан олдинги даврга бағишланган. Олимларимиз ривожланган социализм даврида ленинча миллий сиёсатнинг амалга оширилишидаги бой тажрибани умумлаштиришга эндигина киришишмоқда десак бўлади. Тақриз қилинаётган монография* комплекс тадқиқот бўлиб, унда КПСС миллий сиёсатининг амалга оширилиши ўзбек ва қорақалпоқ социалистик миллатларининг дастлабки Ленин декретларидан тортиб шу кунгача ўтган тарихига оид материаллар асосида анализ қилинади.

Китоб тадқиқот методикаси нуқтаи назаридан ҳам, проблемаларнинг қўйилиши жиҳатидан ҳам янгилик бўлиб, КПСС XXV съезди ва ундан кейинги партия ҳужжатлари белгилаб берган муҳим илмий йўналишлар руҳида ёзилган. Авторлар тарихий воқеликни ўрганишда совет жамиятшунослигида юзага келаётган янгича ёндашиш, яъни фанлар туташ жойида асарлар яратиш йўлини танлаганлар. Фаннинг ҳозирги даражаси гуманитар билимларнинг турли бўлимларидаги энг янги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда умумлаштирувчи комплекс тадқиқотлар олиб боришни талаб этмоқда.

З. Орифхонова ва В. Чеботарева системали ёндашишдан метод сифатида фойдаланиб, Совет Шарқида социалистик миллатларнинг вужудга келиши ва ривожланиши каби актуал проблемани синтез қилишга ҳаракат қилдилар. Тақриз қилинаётган монографияда ўзбек ва қорақалпоқ социалистик миллатларининг таркиб топиши ва ривожланиши чуқур интеграция процесслари орқали кўриб чиқиладики, бу процесслар мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётнинг интернационаллашиш жараёнида ўтмоқда.

Авторлар ленинча миллий сиёсатнинг дастлабки босқичини характерлаб, миллий-давлат қурилишининг, КПССнинг иқтисодий қолоқликни тугатиш, социалистик маданиятни вужудга келтириш борасидаги фаолиятининг асосий томонларига тўхтаб ўтадилар. Китобда ленинча миллий программанинг амалга оширилиши капитализмни четлаб ўтиб, социализм қуришнинг ҳал қилувчи омили бўлганлиги ҳаққоний равишда таъкидлаб ўтилади.

Асарда ўзбек ва қорақалпоқ миллатларининг етук социализм давридаги ривожига катта эътибор берилган. Бунда асосий эътибор масаланинг иқтисодий жиҳатига берилиб, жуда тўғри қилинган. Чунки экономика халқлар ҳаётининг энг муҳим томонидир, уларнинг ўзаро муносабатларининг асосидир; экономика миллатлар тақдиридаги тарихий бурилишларни белгилайди, социал тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи шу экономикададир. Ҳозирги босқичда ленинча миллий сиёсатнинг принципиал йўналишларидан бири — бу республикаларнинг иқтисодий потенциалини кўтариш, умумиттифоқ меҳнат тақсимотида уларнинг ролини оширишдир.

Монографияда Ўзбекистон ишлаб чиқарувчи кучлари ривожининг ҳозирги босқичи кўрсатиб ўтилган. З. Орифхонова ва В. Чеботареваларнинг умумиттифоқ ва регионал аҳамиятга эга бўлган территориал ишлаб чиқариш комплексларининг шаклланиши процессларини, шунингдек фан-техника революцияси талабларига мувофиқ индустрлаштириш процессининг тезлашувини акс эттиришга ҳаракат қилганликларини ижобий баҳолаш керак. Китобда Ўзбекистон саноати структурасида юз берган прогрессив ўзгаришлар маҳаллий меҳнат ресурсларидан фойдаланиш чегарасини кенгайтирганлиги ва бу нарса интернационаллашувнинг социал асосларини мустаҳкамлаганлиги ҳақида муҳим фикр айтилади. Авторлар Ўзбекистон экономикасида умумиттифоқ меҳнат тақсимотининг роли кучайганлиги, республика иқтисодий потенциалини тенглаштириш учун умуммиллий бойликлардан янада кенгроқ фойдаланилаётганлиги тўғрисидаги янги, муҳим тенденцияни таъкидлаб ўтадилар.

Етук социализм жамияти шароитида социалистик хўжалик системасининг афзалликлари тўла-тўкис намоён бўлади. Шу муносабат билан китобда КПССнинг миллий сиёсати унинг ютуқлари ва муваффақиятлари нуқтаи назаридангина эмас, балки унинг потенциал имкониятлари нуқтаи назаридан ҳам кўриб чиқиладики, бу имкониятлар коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш жараёнида аниқланади. Китоб авторлари ленинча миллий сиёсатнинг бугунги кундаги асосий вазифаси Ўзбекистон ССР экономикасини янада тараққий эттиришдир, деб ҳисоблайдилар

---

* З. Х. Арифханова, В. Г. Чеботарева. Решение национального вопроса в Узбекистане. Ташкент, «Фан», 1979, 200 стр.

/ларнинг бу концепцияси жуда кенг статистик материаллар ва иқтисодий фан маълумотларига асосланганки, булар воқеаларга баҳо беришда юзаки қарашларни ва абстракт ёндашишларни истисно этади. Иқтисодий даражаларнинг яқинлашуви ва тенглашуви ўзбек ва қорақалпоқ социалистик миллатларининг иқтисодий ривожланиш асосларининг мустаҳкамланишига интенсив таъсир этувчи барқарор тенденция деб характерланади; тенглашув, ўз навбатида, социалистик меҳнат тақсимотини янги босқичга кўтаради, интеграцияни чуқурлаштиради. Авторлар интеграция процессларининг таъсир этиш механизмини тарих билан экономикани узвий боғлаган ҳолда анализ қилганликларини таъкидлаб ўтмоқ керак.

Китобда миллатлар ривожининг маданий-идеологик факторларига бағишланган бўлимлар катта қизиқиш туғдиради. Авторлар социалистик маданиятнинг назарий масалаларини тадқиқ этишни адабиёт, музика, тасвирий санъат, театр, кинодаги ютуқларни батафсил ёритиш билан узвий боғлаб, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари маданиятининг гуллаб-яшнаётганини кўрсатиб ўтадилар.

Совет историографиясида миллий маданиятларда миллий ва интернационал, умумий ва алоҳида жиҳатларнинг бирлашиши озми-кўпми ёритилган асарлар кам эмас. Бироқ, уларнинг кўпчилиги учун интернационаллашиш концепциясини асослашда декларативлик, схематизм, маълум фикр ва қоидаларни такрорлаш характерлидир. Баъзи авторлар интернационаллаштиришга миллий маданиятнинг яқинлашув процесси, ички хусусияти сифатидагина қараб, миллий формаларнинг интернационаллашувини ёддан чиқариб юборадилар.

З. Орифхонова ва В. Чеботарева адабиётшунослик ва санъатшуносликка оид анчагина адабиётни ўрганиб, етук социализм босқичида миллий маданиятлар ривожининг ёрқин манзарасини тасвирлайдилар. Китобхон эътибори санъаткорларнинг миллий маданият манбаларига қизиқиши кескин ошганлигига, янги эстетика базасида кўп асрлик анъаналарга эга маданиятнинг демократик элементлари тараққий топганлигига жалб этилади. Авторлар шу билан бирга ижоднинг турли соҳаларида интернационаллашувни кўрсатиб, миллий чекланиш, халқнинг маънавий меросига нигилистик муносабатда бўлиш ҳоллари юз берганлигини ва булар КПССнинг идеологик ишлари, миллий интеллигент кадрларнинг ўсиши туфайли бартараф этилиб келганлигини таъкидлаб ўтадилар.

Монографияда миллий маданиятларнинг бир-бирига таъсири ўз аксини топган. Авторларнинг шу масала бўйича қилган асосий хулосаларидан бири шуки, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда интернационаллашув социалистик маданиятларнинг бирлашувини тезлаштирувчи қудратли омил бўлди: интернационализм назарияси ва практикаси миллий формаларнинг марксча-ленинча эстетика асосида гуллаб-яшнаши учун тобора янги-янги импульслар беради деб ҳисоблайдилар. Бу эса ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг умумсовет маданияти хазинасига қўшаётган ҳиссасининг кўпайишига сабаб бўлди, маданий тараққиёт даражаларининг яқинлашиш процессини активлаштирди. Авторлар таъкидлашича, ўзбек ва қорақалпоқ миллатларига интернационалистик дунёқараш, социалистик онглилик хосдир. Бу онгликнинг маданиятда акс этиши чуқур анъанавий характерга эга бўлиб, кўп асрлик миллий мерос билан боғлиқдир. Миллий анъаналардаги ворислик одамларнинг янги тарихий бирлиги бўлган совет халқининг маданиятини миллий маданиятлар ютуқлари билан бойитишга имкон берувчи воситадир.

Шуни айтиб ўтиш кераккки, экономика ва маданиятни интернационаллаштириш проблемаси бўйича қилинган назарий умумлашмалар социалистик интернационализм назариясига қўшилган муайян ҳиссадир.

Шу билан бирга асарда интеграциянинг баъзи бир муҳим тенденциялари акс этмаган. Маълумки, социалистик экономика ривожи социал гуруҳ ва синфларнинг биргаликдаги фаолиятига асосланади, бу фаолият барча миллат ва элатларнинг тараққиётини таъминлаб, интернационаллашувнинг энг муҳим асоси бўлиб хизмат қилади. Совет жамиятининг социал жиҳатдан бир хиллигининг кучайиши (бу СССРда социалистик интеграциянинг ёрқин кўринишларидан бири) миллий муносабатларни характерлашда ниҳоятда муҳим моментдир. Аммо бу процесс монографияда алоҳида текширилмаган. Миллий-давлат қурилишининг ҳозирги босқичи ҳам ўз аксини топмаган, ҳолбуки масаланинг бу жиҳати янги қабул қилинган Конституциялар — СССР ва иттифоқдош республикалар Конституциялари нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Авторларнинг амалий санъат ривожи масалаларини четлаб ўтганликлари афсусланарли, чунки бу нарса ленинча миллий сиёсатнинг ҳозирги босқичдаги тантанасини янада ёрқин кўрсатиш имконини берарди.

Умуман олганда, китоб жуда актуал ва мураккаб проблемани тадқиқ этган жиддий асар бўлиб, фақат илмий жамоатчиликнигина эмас, балки кенг китобхонлар оммасини ҳам шубҳасиз қизиқтиради.

И. ЗАХАРОВ,
тарих фанлари доктори.
В. МАИН,
тарих фанлари кандидати.

МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН ҳуқуқ назарияси ва практикаси соҳасидаги чинакам энциклопедик билимидан буюк пролетар революцияси ишининг тантанаси, социалистик давлатни яратиш ва мустаҳкамлаш, социализм ва коммунизм ғалабаси манфаатлари йўлида кенг ва изчил фойдаланди. Тақриз қилинаётган монографияда* гап шу ҳақда боради.

Автор В. И. Лениннинг юридик соҳадаги фаолияти ҳақида ҳикоя қилар экан, Владимир Ильичнинг Самара ва Петербургдаги адвокатлик практикасини батафсил ёритади, унинг сургун ва эмиграцияда юрган йилларидаги сиёсий ишининг ҳуқуқий аспектлари тўғрисида гапиради.

Китобда чор Россияси ва бир қатор Ғарбий Европа мамлакатлари қонунчилигини В. И. Лениннинг қанчалик чуқур билганлиги кўрсатилган. И. Стерник шуни таъкидлайдики, В. И. Лениннинг Россия империяси қонунларини ва уларни қўллаш практикасини синчиклаб ўрганиши унга буларнинг халққа қарши моҳиятини, жабр-зулмга асосланганлигини очиб ташлаш ҳамда чоризмнинг бу қонунлари ва жазо органлари самодержавие, помешчик ва капиталистлар ҳукмронлигининг «қўриқчи итлари» бўлиб хизмат қилганлигини ишончли қилиб исбот этиш имконини берди.

Ҳуқуқ ва ҳуқуқ тўғрисидаги фанни чуқур билиш Ильичга шунинг учун ҳам керак бўлган эдики, у камдан-кам учрайдиган, лекин қулай келган ҳолларда буржуа-помешчиклар ҳуқуқининг, В. И. Ленин ибораси билан айтганда, «қилча бўлса ҳам» меҳнат аҳлининг ҳуқуқини кенгайтира оладиган ва фабрикант ёки помешчиклардан жабр кўрган меҳнаткашлар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қонуний имкон берадиган жуда оз нормаларидан фойдаланди.

Автор Ленин ва у ташкил этган большевиклар партияси революциядан олдинги қонунлардан фойдаланишининг асосий формаларини очиб беришга муваффақ бўлган. Владимир Ильич чор Россияси қонун актларининг моҳиятини, у ёки бу қонун-қоидалар ва уларга қўшимча қилинган министрликларнинг «қоида» ва кўрсатмаларининг асл мақсадларини меҳнаткашларга оммабоп қилиб тушунтириб берган. Асосий қонун чиқарувчи — самодержавиенинг ва унинг чалкаш қонунларининг Ленин томонидан шафқатсиз танқид қилиниши ишчиларнинг синфий онгини ва сиёсий етуклигини ўстиришга ёрдам берди.

Китобда тўғри таъкидлаб ўтилганидек, бундай машаққатли ва хавфли иш, Ленин таъбири билан айтганда, ишчиларда чоризмга, унинг негизлари ва моддий қўшимталарига нисбатан «уч баравар нафрат» уйғотишга ёрдам берди.

Китобхон, шунингдек В. И. Лениннинг самодержавие шароитида меҳнаткашлар чор ҳокимияти ва уларнинг «адолатли суди» зулмидан ҳимоя қилиш учун айрим қонун актлари ва нормаларидан фойдаланганлигини билиб олади. РСДРП, пролетар революцияси манфаатларини кўзлаб ишчиларга Давлат думаси ва ҳоказоларга кириш имконини берувчи сайлов қонунларидан фойдаланилганки, автор бунга ёрқин мисоллар келтиради.

Китобда «Кураш иттифоқи»даги ўртоқларнинг (В. Стариков иши) ва РСДРП даги бошқа машҳур арбобларнинг (Н. Семашко, В. Карпинский, А. Бадаев ва бошқалар) асоссиз айбланганликлари ва қамалишдан сақлаб қолиш учун В. И. Лениннинг буржуа ҳуқуқи нормаларидан амалда қандай фойдаланганлигини кўрсатувчи қизиқарли ва унча маълум бўлмаган фактлар бор. Владимир Ильичнинг Думадаги большевистик фракцияга кўрсатган юридик ёрдами тўғрисида (2-боб, 3-§), унинг Н. П. Шмит томонидан большевикларга қолдирилган мерос масаласидаги мураккаб ва чалкаш ишда шахсан қатнашганлиги ҳақида (ўша бобнинг 4-§) ҳикоя қилувчи саҳифалар ҳам диққатга сазовордир.

В. И. Ленин ишчиларнинг сиёсий активлигини ошириш учун ўз юридик билимларини қанчалик кенг қўллаганлигини кўрсатишга ҳаракат қилиб, И. Стерник ишчиларга қонунларни тўғри тушуниш ва талқин қилишга, ишчилар учун фойдали бўлган қонун-қоидаларнинг мулкдорлар ҳокимияти томонидан аниқ бажарилиши учун ва адолатсизлиги аниқ кўриниб турган қонунларни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун самарали кураш олиб боришга ёрдам берган кўплаб юридик консультациялар ҳақида ҳикоя қилади.

Октябрь революциясигача бўлган даврда Лениннинг юрист сифатидаги ишини ишончли қилиб очиб берадиган фактларга бой материал унинг барча ишлари ва ниятлари революция ғалабасига қаратилганлигидан далолат беради.

Автор В. И. Лениннинг давлат ва ҳуқуқ соҳасидаги фаолиятига тўхталар экан, пролетариат диктатураси шароитида ҳуқуқдан фойдаланишнинг ленинча ғоялари тажрибасини, тўғрироғи айрим аспектларини ёритишга интилган. В. И. Лениннинг назарий қоидаларидан ва унинг Октябрдан кейинги даврдаги амалий фаолиятини таҳлил қилишдан бир қатор хулосалар келиб чиқадики, улар ўз актуаллигини бизнинг кунларда ҳам сақлаб қолган. Ғалабага эришган пролетариат ўтиш даврида социалистик давлат вазифаларини ҳал қилиш учун ҳуқуқдан актив фойдаланиши ва шу мақсадда меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилиш учун ярайдиган буржуа мамлакатлари қонунларида ва юридик адабиётда нима зарур деб топилса, ҳаммасини ижодий қўллаш мумкин ва лозим эканлиги тўғрисидаги хулосани автор ҳақли равишда энг муҳим хулоса деб ҳисоблайди.

* И. Стерник. Ленинский опыт использования права в интересах революции (Отдельные стороны и аспекты). Ташкент, «Узбекистан», 1979. 220 стр.

Китобда баён этилган Ленинннинг ҳуқуқ соҳасидаги тажрибаси жуда ҳам бой ва ибратлидир. Барча социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида, шунингдек коммунистик ва ишчи партиялар парламентларда ўз фракцияларига ёки матбуот органларига эга бўлган капиталистик давлатлардаги марксистлар томонидан бу тажриба чуқур ўрганилмоқда ва кенг қўлланилмоқда.

Автор шунингдек мамлакатимизда ҳуқуқни ижодий ривожлантириш ва ҳуқуқни қўллаш практикасини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор ўринли таклифларни киритган.

Лекин шуни ҳам кўрсатиб ўтиш керакки, В. И. Ленинннинг китобда кўрсатилган фаолиятининг ҳаммасини ҳам ҳуқуқдан фойдаланиш тажрибаси деб атаб бўлмайди. Революциядан олдинги даврни олсак В. И. Ленинннинг революция манфаати йўлида ҳуқуқдан фойдаланганлиги ҳақида эмас, балки ўз юридик билимидан фойдаланганлиги ҳақида гапирилса тўғрироқ бўлар эди, деган фикрдамиз. В. И. Ленинннинг совет қонунлари ва совет давлат аппаратини яратиш ва такомиллаштиришга қаратилган ишига келганда, унинг ҳуқуқдан фойдаланишга қараганда анча кенг ва хилма-хил бўлганлигини кўрсатиб ўтиш лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда, бизнинг фикримизча, монографиянинг номи унчалик тўғри топилмаган.

Албатта тадқиқ этилаётган темани бир китобда бошдан охиригача қамраб олиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам тақриз қилинаётган асарда В. И. Ленинннинг давлат ва ҳуқуқнинг узвий алоқаси, халқаро ҳуқуқ, Совет давлати ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асослари, ҳарбий ва маданий қурилишнинг муҳим проблемаларини, миллий масалани ҳал этишнинг давлат-ҳуқуқ формаларини, хотин-қизлар масаласи, дин, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа масалаларни ҳал этишнинг ҳуқуқий аспектларини ишлаб чиқишдаги роли етарлича ёритилмаганлиги табиийдир. Аммо автор асарда ёритилмаган ана шу ва бошқа проблемаларга аниқ ва тўла изоҳ бериб ўтиши лозим эди.

В. И. Ленинннинг Октябрдан кейинги давлат-ҳуқуқий фаолиятининг хронологик доирасини И. Стерник 1917—1922 йиллар билан чеклаган ва 1923 йил «қавсдан ташқарида» қолиб кетган, ҳолбуки, худди шу 1923 йилда В. И. Ленинннинг «Кундалик дафтардан саҳифалар», «Кооперация тўғрисида», «Рабкринни қандай қайта ташкил қилишимиз керак?» «Оз бўлсин-у, соз бўлсин» ва бошқа жуда муҳим (тадқиқ этилаётган проблема нуқтаи назаридан ҳам жуда муҳим) асарлари босилиб чиққан эди. Бу асарларнинг ғоят катта аҳамияти ҳаммага маълум, шунинг учун ҳам В. И. Ленинннинг Октябрдан кейинги давлат-ҳуқуқий фаолияти даврини 1917—1923 йиллар деб ҳисобламоқ керак. Авторнинг ўзи ҳам «Владимир Ильич Совет давлатининг ҳуқуқ соҳасидаги бутун фаолиятини шахсан ва бевосита ўзи... умрининг охиригача бошқариб келди» (137-бет), деб ёзади.

Китобдаги жузъий камчиликларга келганда шуни айтиш керакки, автор адвокат А. Н. Хардин ҳақида шунчаки гапириб қўя қолмасдан, унинг машҳур юрист, сўл йўналишдаги йирик жамоат арбоби бўлганини ҳам айтса маъқул бўларди. Китобда баъзи фактлар нотўғри берилган, қарама-қарши маълумотлар ва стилистик ғализликлар учрайди (16, 22, 24, 25, 26, 33, 138, 193, 213-бетлар).

Аммо бу жузъий камчиликлар тақриз қилинаётган асарга берилган умумий ижобий баҳога ҳечам таъсир этмайди. И. Б. Стерникнинг монографияси фақат юрист олимлар ва практиклар, давлат аппарати ходимлари, юридик ўқув юртларининг студентлари учунгина эмас, балки кенг китобхонлар оммаси учун ҳам қизиқарли бўлган қимматли тадқиқотдир.

Фактик материалларга бой бу китоб оммани ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш мақсадида олиб бориладиган агитация ва пропаганда ишида, шунингдек антикоммунизм идеологларига, Совет давлати ва ҳуқуқи тарихини бузиб кўрсатувчи турли-туман сохталаштирувчиларга қарши курашишда катта фойда бериши мумкин.

А. АЪЗАМХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.
Г. САРКИСЯНЦ,
юридик фанлари доктори.

ИСТОРИОГРАФИЯГА ДОИР ЯНГИ ТАДҚИҚОТ

ИСТОРИОГРАФИЯГА доир тадқиқотлар фаннинг ривожланиш тарихини чуқурроқ, аналитик мушоҳада қилишга ёрдам берэди. Библиографик характердаги асарлар историографик тадқиқотларнинг бир шохобчаси бўлиб, билимларнинг муҳим қўшимча манбаи сифатида хизмат қилади ва мамлакатимизнинг ўтмиши ҳамда ҳозирги кунини ўрганувчиларнинг меҳнатини анча енгиллаштиради. Шунинг учун ҳам библиографик асарлар ўз моҳияти билан фан-техника ахбороти соҳасининг таркибий қисми бўлиб, фан тараққиётини жадаллаштириш манфаатлари йўлида уни кенг ривожлантириш зарур эканлиги КПСС XXIV ва XXV съездларида кўрсатиб ўтилган эди.

Республикамизда историографияга доир тадқиқотларни бошлаб берганлардан бири профессор Б. В. Лунин кўп йиллар давомида библиографик асарлар яратиш соҳасида катта ва фойдали иш қилмоқда. Бундан бир неча йил муқаддам революциядан олдинги

фан арбоблари тўғрисида унинг бир қатор очерклари эълон қилинган эди. Китоб кенг илмий жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Сал кейинроқ китобхонлар Б. В. Луниннинг иккита янги китоби билан танишдилар*. Уларда республикамизнинг, шунингдек ўз тадқиқот ишларини Ўзбекистон билан мустаҳкам боғлаган Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларнинг гуманитар профилдаги 230 дан ортиқ совет олимлари тўғрисида библиографик маълумотлар мавжуд .

Китобхон Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академиклари ва мухбир аъзоларининг, унвон ва даражани 1970 йилга қадар олган фан докторлари ва профессорларнинг, шунингдек фанга сезиларли ҳисса қўшган баъзи бир мутахассислар ва ўлкашуносларнинг ижодий йўлини кўздан кечириш имкониятига эга бўлади.

Китобларда олимларнинг расми ҳам берилган. Шу билан бирга Ўзбекистонда ижтимоий фанларга пойдевор ясаган ва ҳозирда орамиздан кетган олимлар авлоди баъзи бир вакилларининг расмлари биринчи марта эълон қилинган. Тақриз қилинаётган очерклар автори бундай расмларни қидириб топишда ҳам жуда фаол иштирок этган.

Алоҳида муҳим факт сифатида шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир очерк мазкур олим эълон қилган асосий асарларга библиографик кўрсаткич билан, шунингдек унинг ҳақидаги адабиётлар кўрсаткичи билан таъминланган. Ҳаммаси бўлиб иккала китобда олимлар томонидан эълон қилинган бир неча минг асарнинг номи, шунингдек ана шу олимларнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги маълумотлар берилган юзлаб асарларнинг номи келтирилган. Б. В. Лунин асарининг бу қисми, бизнингча, алоҳида қимматга эга бўлиб, жуда яхши тузилган кенг ва бирдан-бир ўзига хос библиографик кўрсаткичдир. Ўйлаймизки, тақриз қилинаётган китоблар Ўзбекистондаги ижтимоий фанлар тарихини ўрганаётган ҳар бир киши учун энг яхши қўлланма бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Б. В. Лунин очерклар учун материал тўплаш ва уларни ёзишга жуда катта ва машаққатли меҳнат сарфлаган. Авторнинг кенг билимга эга эканлиги ва кунт билан изланиши унга Октябрдан кейинги дастлабки ўн йилликларда яшаган олимларнинг ижодий биографиясини тиклашда ёрдам берганки, бу олимлардан кўпи аллақачон оламдан ўтган.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, тақриз қилинаётган китобларнинг аҳамияти фақат уларнинг илмий-справка йўналишида эканлигида эмас, чунки очеркларда Ўзбекистон ССРда ижтимоий фанларнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихига доир ғоят қимматли маълумотлар ҳам берилган.

Олимларнинг бир неча авлоди вакиллари билан танишар экан, китобхон 20—30-йиллардаги айрим рус фан арбобларининг ҳаёт йўли ҳақида маълумот олади. Бу арбоблар фақат ўзларининг асарлари билангина эмас, балки миллий илмий кадрларнинг устози ва тарбиячиси сифатида ҳам маълум ва машҳур бўлган эдилар. Ўз навбатида, улар вояга етказган миллий кадрлар ҳам вақт ўтиши билан ёш илмий кадрларнинг раҳбарлари ва тарбиячилари бўлиб етишганлар. Автор авлодларнинг ана шу ворисийлигини кўрсата олган.

Ўзбекистон олимлари қардошларча интернационал оиласининг қарор топиш процесси ҳам яққол акс эттирилган. Унинг составида руслар, ўзбеклар, украинлар, тожиклар, қозоқлар, қорақалпоқлар, бошқа миллат вакиллари бор. Республикамизнинг хотин-қиз олимлари тўғрисидаги очерклар диққатга сазовордир.

Шуниси эътиборга лойиқки, тақриз қилинаётган очеркларда тилга олинган кўпгина тадқиқотчиларнинг асарлари совет фани хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиб республикамиздан ташқарида ҳам эътироф этилган. КПСС МК Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев кўрсатганидек, «бугунги кунда совет фанимиз шонли миллий отрядларининг буюк кашфиётларини ҳисобга олмай туриб совет олимларининг ютуқлари тўғрисида гапириш мумкин эмас».

Тақриз қилинаётган китоблар муайян нуқсонлардан холи эмас. Дарвоқе, буни тузувчининг ўзи ҳам қайд қилган. Масалан, очерклар босилиб чиққан пайтга келиб вафот этган айрим олимлар тўғрисида зарур биографик маълумотлар ҳали тўпланмаган эди, ҳолбуки улар кенг жамоатчиликка танитиш учун тамомила лойиқ кишилардир. Шунингдек, республиканинг кейинги ўн йиллик ичида улкан фанга кириб келган энг нуфузли жамиятшунос олимларининг ижодий йўли тўғрисида ҳам ҳикоя қилиб бериш фойдали бўлур эди. Афтидан, ижтимоий фанлар соҳасида Ўзбекистоннинг илмий-тадқиқот муассасалари системасини ташкил этишда иштирок этган ва унинг ривожланишига ёрдам берган партия ва давлат арбоблари тўғрисида ҳам биографик маълумотларни эълон этиш маъқулдир.

Тақриз қилинаётган китоблар автори бунчалик муваффақият билан бошлаган ишни республиканинг историографлари фақат ижтимоий фанлар соҳасидагина эмас, балки табиёт фанлари соҳасида ҳам давом эттиришларини истардик.

Ўзбекистондаги миллий-озодлик ва революцион ҳаракатнинг, гражданлар уруши ва интервентларга қарши курашнинг энг кўзга кўринган ва актив қатнашчиларининг Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларининг, социалистик қурилиш энг кўзга кўринган арбобларининг библиографик луғатини тузиш ҳам ғоят муҳимдир.

Бундай хилдаги библиографик очерк ва луғатлар, шубҳасиз, фақат жиддий илмий-справка аҳамиятигагина эмас, балки айниқса коммунистик жамият қурувчиларининг ёш авлоди учун катта тарбиявий аҳамиятга ҳам эга бўлур эди.

Ҳ. ЗИЁЕВ, Ғ. РАШИДОВ
тарих фанлари докторлари.

* Биобиблиографические очерки о деятелях общественных наук Узбекистана. Составитель Б. В. Лунин. Ташкент, «Фан», т. I, 1976, 440 стр; т. II, 1978, 422 стр.

ЎЗБЕКИСТОН КИНЕМАТОГРАФИЯСИДА ВОРИСЛИК ПРОБЛЕМАЛАРИ

Ўзбек миллий кинематографиясининг шаклланиши ҳақидаги адабиёт яна бир янги қизиқарли асар* билан бойиди. Унинг муаллифи — киношунос ва кинодраматург Ж. Тешабоев кенг ўқувчилар оммасига яхши таниш. Унинг «Йўллар ва изланишлар», «Йирик пландаги қаҳрамон», «Совет Ўзбекистони киносанъати», «А. Исматов», «К. Ёрматов» номли китоблари ўзбек киноси тарихини яратиш ишига муайян ҳисса бўлиб қўшилди. Ж. Тешабоевнинг янги китоби бу йўлдаги муҳим босқичдир. Тақриз қилинаётган монографик тадқиқотда республика кинематографиясининг ярим асрдан ортиқ вақт ичидаги ривожланишининг энг муҳим босқичлари ўз аксини топган ва назарий жиҳатдан идрок этилган.

Китоб бизни жуда кўп тарихий фактлар билан таништиради, унда бугунги киносанъати усталарининг энг яхши асарлари батафсил таҳлил қилинади. Лекин китобнинг қиммати фақат бунда эмас. Жуда катта эмпирик материал муаллиф томонидан соятда муҳим маданий-эстетик проблема нуқтаи назаридан идрок этилган ва ўрганилган. Бу ўринда гап кинодаги традиция ва новаторликнинг диалектик ўзаро алоқасининг рўёбга чиқиши, кенгроқ олиб қаралганда эса умуман бадиий ижод соҳасида, жумладан ўзбек кинематографиясидаги маданий ворислик тенденциялари ҳақида боради. Ж. Тешабоев бу проблемани асосли равишда санъатнинг энг мураккаб ва нозик механизмларини ўрганишнинг, унинг ўзига хос хусусиятларини, профессионал приёмларини, ривожланиш қонуниятларини, киносанъати усталари ижодининг энг характерли тенденцияларини очиб беришнинг калити деб билади.

Ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришни тақозо этувчи санъатдаги асл новаторлик бадиий маданиятнинг прогрессив традицияларига — реализм ва тарихий оптимизм традицияларига амал қилинган, қолаверса, бадиий ифоданинг энг мукаммал формалари тинимсиз изланган тақдирдагина юз бериши мумкин.

Ж. Тешабоев Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда юз берган социал ва маданий ўзгаришларнинг кенг манзарасини чизади, республика бадиий маданияти ривожланган тарихий фонни аниқ ажратиб кўрсатади. Муаллиф ўзбек кинематографчиларининг энг яхши асарларида халқ бадиий маданияти традициялари қандай акс этаётганлигини, рус санъати ёрдамида, мамлакатимиздаги бошқа халқлар киносанъати усталари билан ҳамкорликда ўзбек киноси ўз маҳоратини қандай ошириб ва ўткирлаштириб бораётганлигини кўрсатади.

Совет Шарқи киносанъати тажрибаси социалистик реализм проблемаларини тадқиқ этиш билан шуғулланувчи назариётчилардан тобора кўпчилигининг диққат-эътиборини тортмоқда. Бу тажриба социализм мамлакатлари, шунингдек Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг ривожланаётган давлатлари кино арбоблари учун катта қизиқиш туғдиради.

Кўп миллатли совет киноси усталарининг жаҳон киносанъати ривожига қўшаётган жуда улкан ҳиссасини чуқур ва ҳар томонлама очиб бериш — бу социалистик санъатнинг революцион характерини таъкидлаш, кинематографик ижоднинг янги соҳа ва формаларини кўрсатиш, буржуа танқидчилари ва совет киноси тарихини сохталаштирувчиларга муносиб жавоб бериш демакдир. Ўзбек кинематографиясининг ютуқлари юқорида кўрсатиб ўтилган барча аспектларни ёритиш учун бой материал берадики, тақриз қилинаётган китобда ўша аспектлар назарий анализ қилинган.

Авторнинг ҳаққоний таъкидлашича, ўзбек киносининг шаклланиш процессини маҳорат чўққилари сари осонгина кўтарилиш деб тушуниш ярамайди, чунки унинг қарор топиши йўлида анчагина муваффақиятсизликлар ва қоқилишлар ҳам бўлди. Шунинг учун қўлга киритилган ҳар бир ютуқ икки баравар шодлик келтирди. Ўзбек кино усталари совет киносанъатининг илғор тажрибасига таяниб, мамлакатимиздаги етакчи кинематографчиларнинг доимий кўмагини ҳис этган ҳолда ғоявий-бадиий етуклик йўлидаги тўсиқларни муваффақиятли енгиб, жаҳон киносининг энг яхши традицияларини ўзлаштира бордилар, кўпинча бадиий ижоднинг чинакам новаторлик приёмларини намойиш этдилар.

Ўзбек киносанъатининг қарор топиши, камолотга эришиши, янги кўтарилиш босқичлари, традиция ва новаторликни синтез қилиш йўлларини қидириш, ҳозирги замон бадиий изланишларининг бош йўлига чиқиб олиши — китобда кўтарилган асосий проблемалар ана шулар бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзбек киноси ривожининг маълум бир босқичи билан боғлиқ ҳолда қараб чиқилади. Ўзбек кинематографиясининг 30-йиллардаги фаолиятининг таҳлили авторнинг шубҳасиз ютуғидир, айни шу даврда ўзбек киносида чинакам ҳаёт ҳақиқати ўз бадиий ифодасини топа бошлаган эди.

Китобда ўзбек киноси ходимларининг Россия, Украина ва бошқа республикалар кинематографиясининг машҳур усталари билан Улуғ Ватан уруши йилларидаги ижодий ҳамкорлиги тўғрисида ҳикоя қилинадики, бу шубҳасиз китобхонларда катта қизиқиш туғдиради. Ўша йилларда жуда

* Джура Тешабаев. Узбекское кино: традиции, новаторство. Ташкент, Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1979, 184 стр.

кўп ажойиб фильмлар яратилди, улар совет кино классикаси фондидан муносиб ўрин олди.

Муаллиф китобнинг жуда кўп саҳифаларида ўзбек киносининг, Н. Ғаниев, К. Ёрматов, А. Исматов, Р. Пирмуҳамедов сингари биринчи қалдирғочлари ва ажойиб усталари ҳақида ҳикоя қилади.

Китоб яна бир жиҳати билан диққатга сазовордир. Ж. Тешабоев конкрет фильмларни таҳлил қилар экан, уларнинг сценарий асосини, режиссёр талқинини ва у ёки бу актёр ижро этган экран образи ҳаётини батафсил кўриб чиқади. Лекин, афсуски, автор кинематографик асарни яратишда қатнашган бошқа ижодий ходимлар ишини ана ўшандай чуқур анализ қилмайди. У машҳур рассом В. Еремянни шунчаки эслатиб ўтади, у ёки бу картиналардаги операторлар иши ҳақида ҳам жуда кам гапиради, ҳолбуки, оператор талқини кинолентанинг бадиий йўналишини белгилайдиган ҳоллар кўп бўлади. Тўғри, кино сингари кўп компонентлардан иборат б… ган санъат ҳақида кичкина китобда бата… сил ҳикоя қилиб бериш мушкул, лек… бари бир фильмнинг тасвирий ечими с… гари муҳим компонент ҳақида, бизнинг ф… римизча, батафсилроқ гап юритиш лоз… эди, зеро оператор ҳам, рассом ҳам б… нинг учун жавобгардир.

Шуниси қувонарлики, китобхон ўзб… киносининг иккинчи ва учинчи авлоди… мансуб бўлган, экранга хилма-хил те… ва жанрларни, гўзаллик ва лиризмни, … кир сюжет ва эпик кенгликни олиб кир… ажойиб кино санъаткорлар билан танишад…

Ж. Тешабоевнинг янги китоби, шубҳ… сиз, совет кинематографияси тарихи… ўрганаётган, ўзбек миллий киносанъатини… қарор топиши ва ривожланиши масалала… билан шуғулланувчи барча кишилар у… фойдалидир.

Л. БЕЗМОЗДИ…
философия фанлари доктор…

Редакция адреси: 700000. Тошкент-П. Ленин кўчаси, 41.

Телефонлар: бош редактор — 32-58-01, 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-0… 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03, 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари 32-58-63, 33-60-42; бўлимлар: маркcча-ленинча назарияни пропаганда қилиш ва халқ… ҳаёт — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан … маданият — 32-58-66; танқид ва библиография — 32-58-70

Корректорлар: **Н. Ҳидоятов, Н. Шарипова.** Техредактор **Э. А. Кушнар…**

Теришга берилди 15.08.1980 й. Босишга рухсат этилди 1.09.1980 й. Формати 70×108… Юқори босма усули. Шартли босма листи 8,4 Нашриёт ҳисоб листи 9,4 Тира… 30612 Нашр № А-58 Заказ 3999.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26.

ISSN 0134—2193

Баҳоси 20 тийин Индекс 75399

HECK
BINDER
AUG